


ЖОВАННИ БОККАЧЧО • ДЕКАМЕРОН





Жованни
Боккаччо
ДЕКАМЕРОН



(Ўн куннинг юз қиссаси)

ҚОДИР МИРМУҲАМЕДОВ

та рж.маси

ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ
АДАБИЁТ ВА САЊАТ НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ—1978

И
Б82

Б $\frac{70304-172}{352(06)-78}$ 103-78

© Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978 й. (Тарж.)

ЖАҲОН АДАБИЕТИНИНГ БУЮҚ ОБИДАСИ

Муҳтарам китобхон, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти сизни жаҳон адабиётининг буюқ намоёндалари ва уларнинг дурдона асарлари билан мунтазам равишда таништириб келмоқда. Бунинг далили ўлароқ А. Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сини, Гётенинг «Фауст»ини, А. Дантенинг «Илоҳий комедия»сини, Л. Толстойнинг «Уруш ва тинчлик», «Анна Каренина», «Трилиш» романларини, Шекспир, Достоевский, Пушкин, Лермонтов, Бальзак, Тагор, Драйвер асарларини, ҳинд эпоси «Рамаяна»ни ва қатор ноёб бадий дурдоналарни тилга олишимиз мумкин.

Эндиликда сиз ана шундай дурдона асарлардан яна бирини ўз она тилингизда ўқишга киришяпсизки, бу — қўлингиздаги «Декамерон» китобидир. Бу шў асар Уйғониш даври адабиётининг энг биринчи ва буюқ насрнависи — инсонпарвар адиб Ж. Боккачонинг қаламига мансубдир.

Улкан итальян ёзувчиси Жованни Боккачо (1313—1375) ижодининг чўққиси — «Декамерон» (1350—1353 йилларда ёзилган) ягона ғоя билан бир-бирига узвий боғланган ва бадий жиҳатдан бир бутун асар шаклига киритилган реалистик қиссалар мажмуасидир. Бу қиссаларга Флоренция шаҳри ва унинг атрофида рўй берган ҳаётий ҳодисалар, маҳаллий латифа, нақллар, ривоятлар, шарқ адабиётининг антиқа зарбулмасаллари асос бўлган. Айрим ҳикояларнинг қаҳрамонлари эса ҳаётдаги реал шахслардир. Шунингдек, Боккачо баъзи нақллар учун воқеа танлашда ўрта асрда латин тилида чоп қилинган ҳикоялардаги саргузаштларга ҳам мурожаат қилган. Аммо муаллиф ўз қиссалари учун сюжет танлашда қайси манбага мурожаат қилмасин, у ҳаётий ҳодисаларнинг оддий баёнчисигина бўлиб қолмай, балки ҳақиқий санъаткор сифатида, ўша танлаган образлари ва воқеаларига гуманистик нуқтан назардан янгича бўёқ беради, уларни қайта ишлайди, ғоятда сермазмун, реалистик манзаралар яратади. Боккачо ўзга халқларнинг адабиётига мурожаат қиларкан, бу адабиётлардаги воқеаларни Италия муҳитига кўчиради, итальянча типларни ва ижтимоий муносабатларни яратади, уларга миллий руҳ сингдириб такомиллаштиради.

Боккачо ўз китобини 1348 йилда Флоренцияда тарқалган вабо офатини ҳаққоний тасвирлашдан бошларкан, ўша пайтда шаҳарда вужудга келган мудҳиш манзараларни ўта реалистик сатрларда қаламга олади. Муаллиф вабо офатидан даҳшатга тушган бутун аҳолига қарама-қарши қилиб етти нафар навиҳол хоним билан уч нафар навқирон йигитдан иборат кичик бир жамоани тасвирлайдики, бу жамоа аъзолари то офат ўтиб кетгунга қадар жон сақлаб қолиш учун шаҳар ташиқарисидаги муҳташам бир қасрга чиқиб кетадилар. Бу қувноқ жамоа аъзолари ўн кун мобайнида (китобнинг номи — «Декамерон» сўзи — юнон тилида «ўн кунлик» деган маънони билдиради) қўшиқ айтишиб, рақс тушишиб, бир-бирларига ҳикоялар сўзлашиб вақтихушлик қиладилар.

«Декамерон»да баён қилинган воқеаларнинг деярли ҳаммаси ғоятда ажиб ва муаттар боғ қўйнида содир бўладики, бу боғ ҳикояхон жамоада ўта кучли таассурот қолдиради, «Улар бир оғиздан, башарти ер юзида жаннат барпо этиш мумкин бўлганида, андозасини мана шу боғдан олиш мақбул бўлар эди», дейдилар.

Боккаччо китобидаги марказий мавзулардан бири — католик черковини тапқид қилиш, католик динининг пешволари — руҳонийлар, роҳиблар, ҳаттоки Рим папаси устидан кулишдан иборатдир. Кўпгина ҳикояларда дин аҳлининг фисқу фужури, Виринчи куннинг иккинчи новелласида эса, ҳатто папа қасрида ҳукм сурган разолат ва тамағирлик ҳақида ҳикоя қилинади. Бу ўринда Италиянинг машҳур адабий танқидчиси Франческо Де Санктиснинг Боккаччо китобига берган баҳосини эсламай иложимиз йўқ. «Декамерон»ни илк бор варақларкансан, — деб ёзади Де Санктис, — унинг биринчи новелласини ўқиб улгурмасингданоқ, Петраркага жўр бўлганча: «Ё алҳазар, меп бу даргоҳга қандай қилиб ва қачон тушиб қолдим?» — дея ҳайратга келасан. Зеро бу китоб, энди эволюцион ўзгариш эмас, балки улкан ҳалокат, революциядир...»

Айни пайтда, муаллиф ўз қиссаларида ўрта аср адабиётига хос бўлган зоҳидона панд-насиҳатларни рад этиб, одамзоднинг ер юзидаги ҳаётдан, унинг кайфу лаззатларидан баҳраманд бўлиш ҳуқуқини муҳофаза қилади, инсоннинг табиий иштиёқи бўлмиш ҳиссиётли муҳаббатни улуғлайди. У ўзининг гуманистик ыдеалларига суянган ҳолда, аёл кишини ниҳоятда дилбар хилқат деб, муҳаббатни эса, юксак ва олижаноб фазилат деб эътироф этади. Шунинг учун ҳам одамийлик мавзуи «Декамерон»да биринчи ўринда туради. Ундаги барча ҳаётбахш мулоҳазаларда инсон марказий ўринни эгаллайди. Боккаччо, одамлардаги саховат ва мурувват уларнинг қайси насабдан эканлигига қараб эмас, балки ҳар бир одамнинг жамият манфаати йўлида кўрсатган хизматига қараб ўлчанади, деган фикрнинг олдинга суради. Китоб эркин фикр юртиш гоёси билан сугорилган ва ҳаётний юмордан сайқал тонгандир, «Декамерон» саҳифаларидаги шўх ханда, ўша кунларда ҳамма ёқда ҳукм сураётган вабо даҳшатига қарамай, жуда кўтаринки кайфиятда янграйди. Дунёга янги келаётган Уйғониш даври жамияти, ўлиб бораётган ўрта аср билан шу йўсинда қаҳ-қаҳ уриб видолашади. «Декамерон»даги реализм ифодаларидан яна бири шуки, унинг қаҳрамонлари ўрта аср муҳитида яшовчи реал одамлардек фикр юртишади, иш кўришади.

А. Данте ва Ф. Петрарканинг издоши бўлмиш Боккаччо Италия миллий адабиётини халқ тилида ривожлантиришни давом эттирди. «Декамерон»да тасвирланган жамоанинг гоёси, тили ва услуби бора-бора янги Италия прозасининг гоёси, тили ва услубига айланди. Қисқаси, Боккаччо ўз «Декамерон»ни билан ўзи яшаб турган даврдан анча олдинлаб кетган эди.

«Декамерон»да тасвирланган ҳаёт китобхонга теран сабоқ беради, лекин ўрта аср адабиёти талаб қилгандек, ўлимдан эмас, балки яшашдан сабоқ беради. «Декамерон»да баён этилган воқеликни таҳлил қиларканмиз, янги дунё, янги инсон ва янги адабиётнинг шоҳиди бўламиз. Бу жиҳатдан ҳам «Декамерон» маълум даражада тарбиявий романдир. Ижодий камолотга етган Боккаччо инсонни тарбиялаш ва қайта тарбиялаш мумкинчилигига худога ишонгандан ҳам кўпроқ ишонган эди, десак хато қилмаган бўламиз.

Айнан мана шу ҳол Боккаччо китобини ҳозирги давримиз билан уйғунлаштирадиган ва уни башариятнинг энг сарбаланд маънавий бойликлари қаторига қўяди.

«Декамерон»ни моҳир таржимонларимиздан бири Қодир Мирмуҳамедов ўзбек тилига таржима қилди. У бу ишга улкан меҳнат сарфлади, етук маҳорати ва истезодини бағишлади. Натижада биз ўзбек китобхонига жаҳон адабиётининг яна бир нодир обидасини тақдим эта билдик. Маданиятимиз, адабиётимиз хазинаси мангу боқий китоб билан бойиди.

Ҳамид ҒУЛОМ

15 декабрь, 1977 йил.
Тошкент



*Етти нафар хоним ва уч навқирон
йигит томонидан ўн кун мобайнида
айтилган юзта қиссани ўз ичига олмиш*

ДЕКАМЕРОН
(ёинки **ШАҲЗОДА ГАЛЕОТТО**)
китоби бошланмоқда.



МУҚАДДИМА

Жафокашларга ҳамдард бўлиш чин инсоний фазилатдир, бу фазилат ҳар биримиз учун гарчи фарз ҳисобланса ҳам биринчи навбатда уни ҳамдардликка муштоқ бўлган ва бирон зотнинг ҳамдардлигидан баҳраманд бўлганлардан талаб этмоғимиз лозим. Мен айнан ўша ҳамдардликка муҳтож, уни эъзозловчи, ундан хушнуд бўлувчи одамлар тоифасидандирман. Ёшлик чоғимдан то шу кейинги кунларгача мен, юзаки қараганда, аянчли мавқеимга муносиб ҳам бўлмаган ғоятда антиқа, ғоятда сарбаланд ва ниҳоятда пурфазилат муҳаббат алангасида ёниб келдим ва лекин гарчи аҳволимдан бохабар бўлган аҳли дониш мени мақтаб, хулқимни ғоятда мақбул кўрган бўлса ҳам барибир энг шафқатсиз мусибатларга бардош беришимга тўғри келдиким, бунга сабаб маъшуқамнинг бағритошлиги эмас, балки табиатимдаги қизиққонликнинг зиёдалиги туйфайли ўз ҳирсимга таскин беришга ожизлигим бўлди, зеро мендаги шаҳват туйғусининг беқаноатлиги вужудимни қаттиқ азобга соларди. Мана шундай ғамга ботиб ётган пайтимда ҳолимдан хабар олгани келган дўстимнинг ҳазил-мутойибалари ва тасалли берувчи сўзлари дардимга шундай пурнаф малҳам бўлдики, фикри ожизимча, менинг ўлмай қолишимга дўстимнинг айнан ўша тасаллилари сабаб бўлган бўлса ажаб эмасдир. Бироқ ўзи боқий бўла туриб, жаҳондаги жамики мавжудотнинг омонат эканлиги ҳақида амр қилган эгамнинг иродаси билан, менинг оташ муҳаббатим,— қайсики, на уни маҳв этишга бўлган интилнишим, на дўстларимнинг ўғитлари, на бадномликдан қўрқиниш туйғуси, на менга таҳдид қилиб турган хавф-хатарлар сўндира олган, ҳеч бўлмаса, алангасини пасайтиришга ҳам қурби етмаган оташ муҳаббатим,— вақт ўтиши билан ўз-ўзидан сўниб ғойиб бўла бошлади ва эндиликда вужудимда у нарсадан шундай девонаван ҳиссиёт қолдики, одатда бундай ҳиссиёт муҳаббат гирдобининг теран ерларига шўнғимайдиган одамларда вужудга келади, бинобарин, бу муҳаббат жафоси авваллари қанчалик изтиробли бўлган бўлса, эндиликда унинг фақат аламли асорати қолгандан кейин, у ҳақда хотирлаш мен учун шунчалик қувончли бўлиб қолди.

Илло, гарчи мен ғуссадан фориг бўлган бўлсам ҳам чин юракдан менга ғамхўрлик қилганларнинг эзгу хоҳишлари хотирамдан ҳануз ўчгани йўқ ва аминманки, бу эзгуликлар ҳақида фақат ўлганимдагина ўйлашдан тўхтагайман. Аз баски, менинг тушуннишимча,

миннатдорлик жамики эзгуликлар ичида шоён таҳсинга лойиқ фазилат, кўрнамаклик эса, энг машъум маломатга қолдирувчи иллат экан, мен, ўзимни жамоат олдида кўрнамак бўлиб қолишимни истамадим ва модомики, ишқ исканжасидан энди озод бўлган эканман, ўз қарзимни узишга ва агар мени суяб қўллаганларни бўлмаса ҳам,— улар ўз ақл-заковатлари ёнки тақдир тақозоси билан менинг миннатдорчилигимга муҳтож бўлмасликлари ҳам мумкин,— йўқ деганда, менинг шу ҳамдardлигимга муҳтож бўлганларни қўлимдан келганча юпатишга қарор қилдим. Менинг далдаларим ва тасаллиларим ғоятда ожиз бўлса керак, албатта, лекин шунга қарамай, мен кўпроқ муҳтожларни қўллаб-қўвватлаш ва уларга тасалли бериш лозим деб ўйлайман, зеро ҳеч ким уларчалик улкан наф кўра олмайди бундайин мададан ва айни пайтда, ҳеч ким бу мадад ва тасаллини уларчалик қадрлай олмайди.

Бу янглиғ тасаллилар, қанчалик заиф бўлмасин, унинг эркакларга нисбатан лалофатли аёлларимизга кўпроқ зарур бўлишини ким инкор эта олади? Аёллар уят ва қўрқувдан муҳаббат алангасини ўзларининг нафис сийналарига яширадилар, кимда-ким бу қолни бошидан кечирган бўлса-ю, ўз вужудида синаб кўрган бўлса, у ботиний аланга зоҳирий алангадан кучлироқ бўлишини эътироф этиши мумкин. Боз устига, оталари, оналари, акалари, эрларининг хоҳишлари, хурмача қилиқлари, буйруқлари билан занжирбанд этилган бу аёллар деярли бутун умрларини тўрт девор ичида ўтказадилар, бекорчиликдан юраклари зиқ бўлиб кетади ва оқибат мияларига доим ҳам эзгу бўлавермайдиган ҳар хил фикрлар кела бошлайди. Борди-ю, шу руҳий сиқилиш оқибатида вужудга келган хаёллардан аҳён-аҳёнда уларнинг кўнгиллари хиёлгина ғашланса, бу ғашлик, то уни бирон нима билан даф қилинмагунча ул шўрпешоналарнинг дилини зулукдек сўриб ётаверади. Лекин ошиқ эркакларнинг йўриғи бошқа, улар аёлларимизчалик заиф эмаслар; маълумингизки, эркаклар бундай мушкул аҳволга тушмайдилар. Улар ғамдан фориг бўлиш ва нохуш ўйларни тарк этishi учун турли-туман воситалардан фойдаланадилар: хоҳласалар — сайр қиладилар, чор атрофни томоша айлаб, одамларнинг гапларига қулоқ соладилар, хоҳласалар—парранда-ю, дарранда овлайдилар, баллиқ тутадилар, от миниб, ўзларини кўз-кўз қиладилар, қарта ўйнайдилар, савдогарчилик қиладилар. Бу машғулотларнинг ҳар бирига эркак зоти бутун вужуди билан киришиши ёки ҳеч бўлмаганда, қалбининг бир қисмини бағишлаши мумкинки, натижада, у ғамгин хаёллардан, йўқ деганда, бир муддатга халос бўлиши ва шу йўсинда кўнгли таскин топиши мумкин, борди-ю, шунда ҳам ташвиши аримаса, ҳар қалай, энди аввалгичалик қаттиқ изтироб чекмагай.

Шунга кўра, айнан ожиза бандаларни,— биз аёллар тимсолида мушоҳада қилмоқдадирмиз,— унчалик суяб-қўлламаётган тақдирнинг бедодлигини жилла бўлмаса, қисман юмшатиш мақсадида мен ошиқ аёлларга,— қолганлар игна, урчуқ ёки чарх эрмак қилиб, ўзларини овутадилар,— далда бериб кўнгилларини олишни истайман ва шу мақсадда уларнинг эътиборига юзта қисса ёки агар таъбир жонз бўлса, латифа, масал, ҳикоялар, шунингдек, кўнгил-

хушлик учун айтилган бир неча ишқий қўшиқларни ҳавола қилмоқ-
чиманки, улар, ҳали ўзингиз кўрасиз, охирги ўлат пайтида ўн кун
мобайнида етти нафар хоним ва учта навқирон йигитнинг тамкин
даврасида ҳикоя қилинган ва куйланган эди. Мазкур қиссаларда
ҳам қадим замонларда, ҳам бизнинг давримизда рўй берган ҳам
мароқли, ҳам шунинидек, аянчли ишқий саргузаштлар ва бошқа
хил фалокатли ҳодисалар учрайди. Қитобхон хонимлар бу қисса-
лардан таскин топгайлар,— бу ерда ҳикоя қилинадиган саргузашт-
лар ғоят қизиқарлидир,— ва айни пайтда, ўзлари учун фойдали
сабоқ олгайлар, зеро улар нималардан ўзни олиб қочиш ва нима-
ларга интилиш даркорлигини билиб оладилар. Мен умид қиламан-
ки, ушбунни мутолаа қилган китобхон хонимларнинг руҳлари
албатта енгиллашгай. Башарти, худонинг хоҳиши билан айтганла-
рим рўёбга чиқса, муҳтарама китобхон хонимлар, мени ўз домидан
озод этиб, шу билан уларни хушнуд этишимга имкон туғдирган
муҳаббат тангриси — Амурга шукрона қилсинлар.





ДЕКАМЕРОННИНГ БИРИНЧИ КУНИ БОШЛАНМОҚДА:

Пампинея ҳокималик қилган ушбу кунда муаллиф бутун асар давомида кўз олдимиздан ўтадиган кишиларни не мақсадда тўпланишгани ва ўзаро нималарни гаплашгани ҳақида баён қилиб бўлгач, ҳар ким ўзи учун кўпроқ мақбул бўлган нарсалар ҳақида ҳикоя қилади.



Дилрабо хонимлар! Сизларнинг табиатан кўнгилчанлигингизни билганим сабабли, аминманки, ижодимнинг ушбу муқаддимаси сиз учун оғир ботгай ва ғамгин бўлиб туюлмай, зеро бу китобнинг тугилишига сабабчи бўлган хотиралар ўзи шундай ғамгин ва оғирдир,— мен охирги вабо ўлатини назарда тутмоқдаманки, уни кузатганлар ва ундан бевосита ёки билвосита таъсирланган барча одамлар хотирасида у ғоятда мусибатли ва қайғули из қолдирган эди. Бироқ бутун китоб дод-фарёд ва нолаю фигондан иборат экан, деб ўйламанг, — мен китобнинг давомини ўқишга бўлган сизлардаги иштиёқни асло сўндирмоқчи эмасман. Нариги томонида хушманзара, оромгоҳ водий ястанган тикка баланд тоғдан ошиб ўтиш сайёҳ учун қандай мушкул бўлса, ушбу даҳшатли муқаддима ҳам сиз учун шундай бўлади, илло, тоғ чўққисига қаттиқ азоб-уқубат чекиб чиққан сайёҳга тоғнинг нариги томонидаги водий ниҳоятда мафтункор бўлиб кўринади. Жўшқин шодмонлик қайғу билан алмашганидек, айнан шу йўсинда, оғир синовлар оқибати хурсандлик билан тугайди. Бу қисқа вақтли қора кун (у шунинг учун ҳам қисқаки, мен уни бир неча оғиз сўз билангина тасвирламоқчиман) ўтиб кетиб, ҳаловатли осуда дамлар етиб келади, — буни мен сизларга ваъда қиламан, йўқса бундай муқаддимадан шодиёна кайфият кутиш амри маҳолдир. Очигини айтганда, сизларни матлуб манзилга тик сўқмоқлардан кўра қулайроқ йўлдан бошлаб бориш имкони бўлганда эди, мен бажонидил шундай қилган бўлардим, таассуфки, айнан шу усулда — мудҳиш хотиралардан бошлашим лозим китобимни, акс ҳолда, сиз ўқишингиз керак бўлган воқеаларнинг қандай содир бўлгани мубҳам бўлиб қолади,— хулласи калом, мен бу муқаддимасиз китобга кириша олмайман.

Алҳисса, тангри фарзанди Исо алайҳиссаломнинг нажотбахш одамзод қиёфасига кирган кунидан минг уч юз қирқ саккиз йил ўтганда бутун Италияда энг гўзал шаҳар ҳисобланмиш мушарраф Флоренцияга одамзодни қийратувчи вабо ўлати ташриф буюрди; шўгимол бу самовий мавжудотлар таъсирида вужудга келгандир бўлмаса, қилган гуноҳларимиз учун барҳақ худо уни бошимизга солган ва гуноҳларимизни ювиш учун айнан шу усулни танлагандир ва лекин бу вабо фалокати Флоренцияга етиб келмасдан бир неча йил муқаддам Шарқда тарқалган, сон-саноқсиз одамларнинг ёстигини қуритган, ундан кейин эса, тиним билмай жойдан-жойга

кўчиб ва ақл ҳайрон қоладиган кўламда ёйилиб, ниҳоят Ғарбга ҳам етиб келган эди. Шаҳарни тоғ-тоғ уйилган нажосату разолагдан тозалаган, касал кишиларни шаҳарга киришига йўл қўймаган, тиббиёт соҳасида ўқинётган талабаларнинг, бу юқумли касалдан қандай сақланиш ҳақидаги маслаҳатларини халқ ўртасида тарқатган одамларнинг жами идроку эҳтиёткорликлари ҳам вабони даф қилишда ҳеч наф бермади; шунингдек, хоҳ умумжамоа маросимларида, хоҳ ибодатнинг ўзга турларида бўлсин, қатнашган мўмин бандаларнинг уст-устига астойдил қилган тоат-ибодатлари ҳам кор қилмади,— юқорида зикр этилган йилнинг тахминан эрта баҳорида мудҳиш офат ўзининг ғайри оддий хусусиятлари билан одамларни ҳайратга солиб, шаҳар аҳлини тутдай тўка бошлади. Шарқда ўлатнинг муқаррар белгиси бурундан қон оқиш бўлган экан, бу ерда ҳам эркаклар, ҳам аёлларда, дарднинг бошланиши қўлтиқ остига ва чотга шиш келиб, унинг ўртамиёна олмадек ёинки тухумдек,— ҳар кимда ҳар хил,— бўлиб катталашиши билан бошланарди, халқ уни бубон деб атай бошлади. Жуда қисқа муддат ичида бу бадсифат бубонлар бемор вужудининг бошқа ерларида ҳам пайдо бўлиб катталашиб борарди. Кейин кўпчилик беморларда юқорида зикр этилган дарднинг янги белгилари пайдо бўла бошлади: уларнинг қўлларида, сонларида, шунингдек, баданларининг қолган бошқа қисмларида ҳам қора ёки кўк доғлар пайдо бўла бошлади — айримларида бу доғлар йирик-йиригу, лекин сийрак, бошқа бир хилларида бўлса, майда-майда аммо аъзойи баданини қоплаб кетган эди. Бировларда ажалнинг яқинлигидан далолат берувчи энг аниқ аломат — дарднинг бошланишидан то қазо пайтигача — бубонлар бўлса, бошқаларда ажал белгиси — доғлар бўларди. Бу дардга на дори-дармон кор қилар, на табиблар уни даволай оларди. Ё бу дарднинг ўзи шунақа бедавоми, ё бунга табиблик қилаётганларнинг бефаросатлиги сабабми (бу ерда идрокли табиблар ҳам бор эди-ю, лекин ҳам эркак, ҳам аёл тонфасидан чиққан ношудлар кўпчиликни ташкил қиларди) ҳар ҳолда, ҳеч ким бу дарднинг келиб чиқиш сабабини аниқлашга ва бинобарин, уни даволаш воситасини топишга муяссар бўла олмади, шу сабабга кўра, камдан-кам одам шифо топар, аксарият эса, юқорида айтилган аломатлар пайдо бўлганига уч кун деганда ўла бошларди, — фақат бир-икки соатга фарқ қилиши мумкин эди, — шуни ҳам айтиш керакки, бу дард ҳеч қандай иситма чиқармас, беморда ҳеч қандай лоҳаслик ҳам сезилмасди.

Вабо тобора тез ёйила бошлади, чунки беморлар соғ одамлар билан мулоқотда бўлиб, уларга ҳам дардни юқтирардилар,— аланга ҳам яқин ерда ётган қуруқ ва мойли буюмларни мисоли шу вабодек қамраб олади. Бутун ваҳшат шунда эдики, соғлом кишилар нанки беморлар билан суҳбатда, мулоқотда бўлгандан кейин дардга чалиниб нобуд бўлар,— балки бемор фойдаланган ёки қўли теккан кийим-бош ёинки бошқа бирон буюмга бирон марта қўл учи тегиши билан ҳам ўзларига касални юқтирардилар. Ҳозир сўзламоқчи бўлганларим сизга мисоли чўпчакдек туюлиши мумкин, ҳолбуки бунга шохидлар бўлмаганда ва ўзим ул машъум манзара-

ни ўз кўзим билан кузатмаганимда, маълумот энг ишончли манбалардан олинган бўлишига қарамай, унга ҳеч қачон ишонмаган бўлардим, бу тўғрида ёзишни-ку, хаёлимга ҳам келтирмасдим. Хуллас, вабонинг юқиш кучи шу қадар кучли эдики, бу офат нафақат одамдан одамга ўтар, балки бундан ҳам ҳайратомуз воқеаларнинг шохиди бўлиш мумкин эди: агар вабога чалинган ёки шу касалдан ўлган одамнинг буюмларига биронта жонивор тегиб кетса, вабони ўзига юқтирибгина қолмай, жуда қисқа вақт ичида ҳаром қотарди. Такрор айтаман, ўзим шохиди бўлганман бундай ҳолнинг, — омади гапни айтсам, мана бундай бўлган эди: бир куни мимдир вабодан ўлган бир мискиннинг жулдур кийимларини кўчага чиқариб ташлаган экан, иттифоқо бу ерда пайдо бўлган икки нафар чўчқа ўз одати бўйича, увадага тумшуқларини ниқтаб, уни тишлари билан йирта бошладилар, орадан сал вақт ўтар-ўтмас, улар худди кучала егандек тиришиб, ўша касофат увадалар устига йиқилдилар-да, ҳаром қотдилар.

Шундай, шу сингари ва бундан ҳам даҳшатли ҳодисалар, вабодан омон қолган ва аксарият ҳолларда ўзларининг ягона ғайри инсоний мақсадларига, яъни касалга чалинганлардан узоқроқ юриш, улар билан мулоқотда бўлмаслик ва уларнинг буюмларига қўл теккизмасликка интилувчилар ҳар хил ваҳимага тушишар ва фақат шу йўсинда касал бўлишдан сақланиш мумкин, деган хом хаёллар билан қўйинларини пуч ёнғоққа тўлдиришарди. Бошқа бир гуруҳ одамлар эса, бу ўлатдан фақат мўътадил ва тийимли ҳаёт кечириш билангина сақланиб қолиш мумкин, деган фикрда эдилар. Улар ўзларига ҳамфикр бўлганлар билан бирлашиб, бошқалардан алоҳида яшашар, касаллардан холи бўлган ва ўзларига кўпроқ маъқул тушган хонадонларга яширинишиб, эшикларни тэмбалаб олишар, энг лазиз таомлар ва гоят хушбўй майлардан мезъерида истеъмол қилишар, исрофгарчиликка йўл қўйишмас, ўлганлар ва касалга чалинганлар ҳақидаги мишмишлар қулоқларига етиб келмаслиги учун давраларида ёт кишилар билан суҳбатлашишдан ўзларини олиб қочишар, музыка тинглашар ва имконлари борича кўнгилхушлик қилишарди. Мухолиф фикрдаги яна бошқа бир одамлар эса, бунга қарама-қарши ўлароқ, бу дардинг энг яхши давоси — майхўрлик, ишратбозлик, қўшиқ куйлаш, ўйнаш, кулиш, иложи борича, ҳой-ҳавасимизни рўёбга чиқаришдир, ҳарна бўлгандаям — ҳар қандай гапни истехзо ва мутоийба билан қарши олишимиз керак, деб таъкидлардилар. Шундай дея улар ўз фикрларини амалда исботлаш устида бош қотира бошлардилар: кечани кеча, кундузни кундуз демай, майхонама-майхона санғиб юришар, сурункасига ва беҳисоб ичишар, боз устига, аксарият пайтларда — бировларнинг уйларида машаббозлик қилишарди — ишқилиб, у уйларда ўз дидлари ва табиатларига ўтирадиган ноз-неъматлар муҳайё эканлигининг дарагини эшитишса бўлди эди. Бундай тарзда ҳаёт кечириш улар учун осон эди, зероки улар барибир, бугун бўлмаса, эртага ўламиз, деган фикрга бориб, ўз жонларидан ҳам батамом умидларини узган эдилар, мана шунинг учун ҳам шаҳардаги барча уйлар «жумлаи мўмин-

ники» бўлиб қолган эди: бегона уйга кирган киши, у ерда худди ўз уйидагидек иш кўрарди. Аммо айни пайтда, молсифат кун кечираётган бу одамлар, қандай воситалар билан бўлмасин, ўзларини касаллардан узоқроқ олиб юришга уринардилар. Бутун шаҳар ҳасрат ва надоматнинг теран домида ётарди, илоҳий ва инсоний қонунларни мунаввар этган зиё сўнганди, чунки ул қонунларнинг ходимлари ва ижрочилари бошига ҳам кўп қатори, мусибат тушган эди; улар ё қазо қилишган, ё дардга чалиниб ётишарди, уларга тобе бўлган одамлардан омон қолганлари эса, тегишли ваколатга эга эмас эдилар, шунинг учун ҳам ҳар ким ўз билганича иш кўрарди. Лекин кўпчилик одамлар ҳар икки ёққа ҳам қисман амал қилган ҳолда кун кечира бошлашди: яъни, биринчи тоифа кишилари сингари ўзларини овқатдан сиқмадилар ҳам, иккинчи тоифадагиларга ўхшаб, бадмастлик, исрофгарчиликка ҳам йўл қўймай, ҳамма ишда меъёр сақладилар; улар зўрма-зўраки овқат ҳам ейишмас, керагидан ортиқ май ҳам ичишмас, уйларига кириб яшириниб ҳам ўтиришмас, балки қўлларига гуллар, хушбўй гиёҳлар ёки яна бирон хил муаттар буюмлар ушлаб, сайр қилиб юришар ва мияларини тозалаш мақсадида уларни бот-бот ҳидлардилар, негаки, ҳаво мурдалар, беморлар ва дорн-дармонларнинг ҳиди билан заҳарланган эди. Яна бошқа бир хил одамлар бор эдики, улар масалага гарчи бирмунча дағал бўлса ҳам хийла ҳаққоний нуқтаи назардан ёндашардилар: яъни бу юқумли офатдан сақланишнинг энг тўғри амалий йўли — ундан қочиб қутулиш, деб таъкидлардилар. Кўпчилик эркак ва аёллар айнан мана шу мулоҳазага боришиб, фақат ўзларини ўйлай бошладилар ва қадрдон шаҳар, уй ва маконларини тарк этдилар, қариндош-уруғлари ва бутун мол-дунёларини ташлаб, баъзилар Флоренция атрофидаги қишлоқларга, бошқа бировлар ўзга шаҳарлар чеккасига равона бўлдилар, — гўё худонинг қаҳри бирон бошқа ерга беркиниб олган осийларни жазога мустаҳиқ қилмайди-ю, паққос шаҳар деворлари ичида қолганларни жазолайдигандек; ёки эҳтимол улар шаҳарнинг кунни битган, унинг аҳолиси битта қолмай қирилиб кетади, деб ўйлагандирлар.

Мана шу турлича мулоҳаза юритувчи одамларнинг ҳаммаси ҳам нобуд бўлавермасди, айни пайтда, ҳаммаси ҳам омон қолаётгани йўқ эди, — билъақс: шаҳарликлар, қандай мулоҳаза юритишларидан қатъий назар, ҳамма ерда бирдай ва ғоятда кўп миқдорда ўлардилар, вале токи улар соғ эканлар, тетик руҳ билан ўзга сўғлом кишиларга ўртак кўрсатардилар, аммо касалга чаллинишган захоти, улардан деярли барча юз ўғирар, оқибат, уларнинг бир-биридан ўзини олиб қочиши, қўшниларининг бир-бирларига кўмаклашмаслиги, қариндош-уруғларнинг аҳён-аҳёнда, айримларнинг эса, мутлақо бир-бирлариникига бормаё қўйгани, башарти кўришгудек бўлишса, узоқдан бош иргатиб кўришишлари ҳақида ку, гапириб ўтирмаса ҳам бўлади. Бу фалокат ҳам эркакларнинг, ҳам аёлларнинг юрагини шундай қаттиқ даҳшатга солиб қўйган эдики, ака укани, тоға жияни, опа укани, баъзида эса, ҳатто хотин эрни ташлаб кетар, ҳаттоки ота-она ўз фарзандларини гўё

Ўгай болалардек кўриб, уларга қарамай, парвариш қилмай қўйган эдики, энди бунга ақл бовар қилиши амри маҳол эди. Бундай муносабатлар оқибатида, дардга мубтало бўлган эркак ва аёллар,— бундайларнинг сон-санови йўқ эди,— фақат энг қадрдон ёр-дўстларнинг,— бундайлар бармоқ билан санарли даражада оз эди,— меҳру оқибатидан ёки беҳад катта моюнага учган тамагир малайлардан умидвор бўлишлари мумкин эди, айтмоқчи, бундай малайлар ҳам кун сайин камая борарди, борлариям қўпол табиат, беморларни парвариш қилишга одатланмаган, фақат беморга бирон нима узатишга ва унинг жони чиқар пайтида гафлатда қолмасликкагина қурби етадиган ва кўпинча шундай хизмат пайтида ўз хизмат ҳақи билан бирга ўз жонидан ҳам жудо бўладиган малай ва чўрилар эдилар. Хуллас, беморлардан қўшнилар ҳам, қариндош уруғлар ҳам, ёр-дўстлар ҳам юз ўгиришарди, хизматкорлар етишмасди,— илгари ҳеч қачон кузатилмаган қуйидаги ҳодисаларга мана бундай изоҳ бериш мумкин: касалга чалиниб қолган соҳибжамол, дилбар, аслзода хонимлар ҳаттоки ёш йигитларнинг ёрдамидан фойдаланишдан ҳам истиҳола қилмасдилар, даво топиш учун агар зарур бўлса, шу эркакларнинг кўзи олдида, худди аёл киши қаршисида тургандай, ийманмай баданларининг истаган ерини очиб кўрсатишдан ҳам тап тортмайдиган бўлдилар, баайни шундай ҳол туфайли, улар башарти соғайиб кетгудек бўлсалар, энди аввалгидек маъсума бўлмасдилар. Шуни айтиб ўтиш керакки, агар ўз вақтида ёрдам кўрсатишганда, қирилиб кетганларнинг кўпчилиги омон қолса ҳам ажаб эмас эди. Шулар оқибатида, мунингдек, парваришнинг ёмон бўлгани ва касалнинг ўта юқумлилиги туфайли, кечаси ҳам ўлаётганлар сони шу қадар кўп эдики, жамики ўлганларни кўриш, ҳаттоки бу ҳақда эштитишнинг ўзи даҳшатли эди. Мавжуд вазият шаҳар аҳолисининг хулқ-атворини таг-томири билан ўзгартириб юборган эди.

Қадимда бизда шундай бир одат бўларди (ҳозир яна унга амал қиладиган бўлиши): марҳумнинг уйига унинг аёл қариндошлари ва аёл қўшнилари тўпланишиб, оила аъзолари билан биргаликда аза тутиб йиғлашарди, марҳумнинг уйи олдида эса, эркак қариндошлари, маҳалла-кўй ва шаҳар аҳли йиғилишарди, агар марҳум аслзодалардан бўлса, яна дин пешволари ҳам, мунингдек, марҳумнинг тенгқурлари келишарди-да, зўр дабдаба билан дуойи такбирлар ўқишиб, марҳум жасадини уйдан олиб чиқишар ва шамлар ёқишиб, марҳум ўз жанозасини қайси черковда ўқишларини васият қилган бўлса, жасадини шу черковга олиб боришарди. Вале вабо тарқалиб одамларнинг ёстигини қурита бошлагандан кейин, бу одат деярли йўқ бўлиб кетиб, янгиси пайдо бўлди. Энди одамлар наинки азакаш аёлларсиз, аксарият пайтда, якка-ёлғиз қазо қилардилар ва фақат баъзи-баъзи шаҳарликларнинг тобути тепасидагина хешлари тўпланишарди, бир вақтлар бундай пайтларда мунгли йиғилар эшгилар, аччиқ-аччиқ-кўз ёшлар тўкишарди,— энди бўлса кулиш, ҳазил-ҳузул гаплашиш, дилхушлик қилиш одат бўлган эди, бу одат аёллар зотида айниқса зўр муваффақият қозона бошлаган эди, зеро улар ўз соғ-

лиқларини авайлаб, табиатларидаги раҳмдиллик хислатини даф қилишга уринардилар. Марҳумни ўн-ўн иккита қўни-қўшни черковга кузатиб борган ҳоллар камдан-кам учради, шунда ҳам жанозага бообрў, муҳтарам зотлар қатнашмасди — марҳум тобутини авом халқ кўтариб борарди, бу хизматлари эвазига улар ҳақ олишар ва ўзларини дафн этувчилар, деб аташарди: улар қўққисдан тобут тепасида пайдо бўлиб қолишарди-да, уни кўтариб черков томон физиллатиб олиб кетардилар,— шуниси ҳам борки, улар кўпинча марҳумни у тирик пайтида васият қилган черковга эмас, балки дуч келган энг яқин черковга олиб борардилар,— шу билан бирга, марҳумни кам миқдордаги шамлар билан, баъзан эса, биронта ҳам шамсиз кўтариб борардилар, тобут олдида беш-олти нафар руҳоний борарди, илло улар кбодатхонада ўзларини койитиб узундан-узоқ ва сердабдаба жаноза ўқиб ўтирмасдилар, жанозадан сўнг эса, дафн этувчилар кўмағида марҳум жасадини биринчи дуч келган гўрга кўмардилар. Авом халқнинг ва кўпчилик ўрта ҳол кишиларнинг аҳволи яна ҳам аянчли эди: улар шояд шифо топсак, деган умидда ёки қашшоқлик бонисидан ўз кулбаларида, қўни-қўшнилари даврасида яшардилар ва худонинг берган кунни улардан минг-минглаб киши касал бўларди, аммо ҳеч ким уларнинг ҳолидан хабар олмагани сабабли, деярли ҳаммалари оламдан ўтардилар. Айримлари, хоҳ кечаси бўлсин, хоҳ кундузи, кўчада кета туриб, таппа йиқилиб ўлиб қолардилар, кўпчилик гарчи уйда қазо қилса ҳам қўшнилари уларнинг ўлганини сасий бошлаган мурдаларнинг бадбўй ҳидидангина вайқаб қолардилар. Бутун шаҳар мурдаларга кўмилиб кетган эди. Қўни-қўшнилари мурдаларнинг чириши натижасида ўзлари ҳам хасталашиб қолишдан қўрқишиб, шунингдек, марҳумларга шафқат юзасидан, аксариятлари бир хилда иш тутардилар, яъни, ё ўзлари, ёки агар топиб бўлса, ҳаммоллар ёллашиб, ўлганларнинг жасадларини уйларидан олиб чиқиб, эшик олдида қўяр эдиларки, кўча чеккасида қатор териб ётқизиб қўйилган бу мурдаларни ҳар бир ўткинчи, айниқса эрталабки пайтда, кўрмай иложи йўқ эди, кўришгач эса, дарҳол замбилларга одам юборишарди, башарти замбил топилмаса, мурдаларни тахтапораларга ётқизиб ҳам олиб кетаверардилар. Битта замбилда иккитадан, ҳаттоки учтадан жасадни олиб ўтишган пайтлар ҳам бўлган, бир замбилга эр билан хотинни, икки, баъзида уч оғанини, ота билан болани ётқизган ва шу сингари ҳолларни тез-тез кўриш мумкин эди. Ҳар қадамда учрайдиган ҳодисалардан яна бири: Исонинг чорчўпга михланган тимсолини кўтариб кетиб бораётган иккита руҳоний орқасидан кетаётган тобутга ўликлар солинган яна бир неча замбиллар эргашардики, фақат бир ўликни дафн этмоқчи бўлган руҳонийлар, пировардида, олтита, саккизта, ҳатто ундан ҳам кўп ўликларни дафн этишларига тўғри келарди. Хуллас, марҳумни на кўз ёш тўкиб, на шам ёқиб, на маърака чақириб иззатлашарди — қаёқда дейсиз: ўша пайтда қазо қилган одамнинг ҳаром қотган эчкичаллик ҳам қадри қолмаган эди. Ушанда одамларга шу нарса аён бўлди: кундалик оддий ҳаётда камдан-

кам юз берадиган арзимас жудоликлар ҳаттоки пурзаковат, доно зотларни ҳам сабр-қаноат билан бардош беришга ўргата олмас экану, илло, беҳад мусибатлар билан тўлган кунларда ҳатто калтафаҳм кишилар ҳам серандиша ва тамкинтабиат бўлиб қолишар экан. Ҳар кун, ҳаттоки, ҳар соатда черковларга олиб келинаётган сон-саногин йўқ жасадларни таомилга кўра дафн этиш учун зарур бўлган муқаддас ер етишмаётган эди, — зеро кўҳна расм-таомил бўйича ҳар бир марҳумнинг жасади учун алоҳида қабр қовланиши шарт эди, — ва лекин черковлар қошидаги мазористонлар ўликларга қалашиб кетганлигидан, энди у ерларда ғоят улкан хандақлар қазий бошладилар ва ибодатхонага жаноза ўқиш учун турнақатор олиб келинаётган ўликларни мазкур хандақларнинг ҳар бирига юзталаб кўма бошладилар. Худди кеманинг тағхонасига той-той молларни зич қилиб теришгандек, мурдаларни ҳам хандаққа қатор ётқизишар, кейин устларидан тупроқ тўкишиб, тупроқ устига яна қатор қилиб ўликларни ётқизишар — хуллас, то хандақ тўлиб чиқмагунча, шу алфозда ўликларни қаватма-қават ётқизаверишарди.

Шаҳримиз бошига тушган бу бахтсизликнинг тафсилотларини ортиқ берилмай, шунини айтмоқчиманки, шаҳар бошига қирон келтирган бу палла, унинг теварак-атрофидаги жойлар учун ҳам айнан шундай фожиакор бўлган эди. Қалъаларни айтмасам ҳам бўлади, зеро қалъа ҳам бамисоли шаҳар, фақат кичикроқ шаҳардир, лекин ҳар ер-ҳар ерда сочилиб ётган қўрғонлар ва кентларда ҳам дори-дармонсиз, қаровсиз қолдирилган қашшоқ ва юпун дехқонлар, уларнинг оилалари хоҳ кўча-кўйда бўлсин, хоҳ даладашда, хоҳ ўз кулбаларида кечасию кундузи бир хилда қирилаётган эдилар — улар ўлгандаям одамлардек ўлмас, балки худди дайди итдек хор бўлиб ўлишарди. Бунинг оқибатида қишлоқ аҳли, шунингдек, шаҳар аҳолиси ўртасида ҳам ахлоқий бузуқлик авж ола бошлади; улар ўз хўжаликларига, бутун уй-рўзгор ишларига қарамай қўйишди, ҳар кун ўз ўлимларини кутиб, наинки чорваларидан, ер-сувларидан олишлари мумкин бўлган даромадини ошириш, пешона тери тўкиб ундирган ҳосилни йигиб-териб олиш ҳақида ташвиш қилишарди, билъакс, ўз қўл остларидаги мол-давлатни у ё бу тарзда совуришга ҳаракат қилардилар. Ўз оғилхоналаридан, қўтонларидан, қўндоқларидан, уяларидан қувиб чиқарилган хўкизлар, эшаклар, қўйлар, эчкилар, чўчқалар, товуқлар, ҳаттоки одамзоднинг вафодор дўсти бўлмиш — итлар ҳам ғалласи наинки йиғилмаган, ҳаттоки ўрилмаган, қаровсиз қолган экинзорларда бемалол тентиб юришарди. Айни пайтда бу жониворларнинг аксарияти, бамисоли онгли махлуқлар сингари кун бўйи тўйиб ухлаб, кечаси ўзлари, подачисиз ўз маконларига келардилар. Агар биз теварак-атрофни тарк этсагу, шаҳарга қайтгудек бўлсак, у ердаги аҳволни ушбу рақамлардан кўра маънодорроқ тасвирлай оладиган ҳеч қандай далил топа олмасак керак: самовий қувватлар бизга шунчалик шафқатсиз бўлишгани ё бунга айрим даражада одамзоднинг беандишалиги сабабми, ҳар қалай, март ойдан июль ойигача бўлган вақт ичида, қисман

ўлатнинг юқумли бўлгани сабабли, қисман соғ кишилар, ўзларига касал юқтиришдан қўрқиб, беморларга қарамай, уларни ўз ҳолларига ташлаб қўйганлари оқибатида, айтишларига қараганда, Флоренция шаҳрида юз мингдан ортиқ одам нобуд бўлган, ҳолбуки, бу вабодан олдин, мен аниқ биламан, шаҳарнинг шунча аҳолиси борлигини ҳеч ким тасаввур ҳам қила олмаган эди. Бизда яқингинада хизматкорлар, хонимлар ва жаноблар билан гавжум бўлган қанчадан-қанча муҳташам қасрлар, бежирим уйлар, кўркем бинолар энди ҳувиллаб қолди; шунча одамнинг бари, энг охириги аравакашгача қирилиб кетди! Қанчадан-қанча аслзодалар авлоди, беҳисоб мерос мулклари, туман-туман молдавлатлар ўз қонуний ворисларидан маҳрум бўлдилар! Ҳаттоки Гален, Гипократ ва Эскулаплар ҳам мутлақо соғлом деб эътироф этишлари мумкин бўлган қанчадан-қанча забардаст эркаклар, соҳибжамол аёллар, жонон йигитлар эрталаб ўз оила аъзолари, ёру биродарлари билан нонушта қилган бўлса, кечликни нариги дунёда ота-боболари билан баҳам кўришди!

Бу мудҳиш манзара тасвирини давом эттириш ниҳоятда мушкул бўлгани сабабли, мен гапирмаса ҳам бўладиган тафсилотларни тушириб қолдириб, шу нарсани сизга маълум қилмоқчиманки, юқорида зикр этилган вазиятларга кўра шаҳар деярли мутлақо ҳувиллаб қолган пайтда, кунлардан бир кун (буни менга эътимодли бир зот кейинчалик сўзлаб берган эди) аниқроғи — сешанба кун эрталаб, мудҳиш вабо туфайли қавмлари ибодатга келмай қўйган мўътабар Санта Мария Новелла жоме-сида ўша мотамсаро даврга монанд мотам либоси кийган, дугоналик, қўшничилик, қариндошлик риштаси билан ўзаро боғланган, ўн саккиз билан йигирма саккиз ёш ўртасида бўлган серандиша, олий насабли, соҳибжамол, хушхулқли, ўз хокисорликлари туфайли яна ҳам дилрабоқ кўринган етти нафар жувон пуркаронат ибодатни тинглаб бўлиб, бир-бирларига яқинлашдилар. Мен уларнинг асл номларини сизга баён қилиш мумкин эди-ю, бироқ бу ишдан тилимни тийишга асосим бор, хусусан: мен уларнинг ушбу китобдаги ўзлари ҳикоя қилган ёнги тинглаган қиссалари учун хижолат бўлишларини истамайман, зеро эндиликда вақтичоғлик қилиш хийла тақиқлангандир, ҳолбуки юқорида зикр этилган сабабларга биноан ўлат пайтида ҳаттоки ёши анча ўтиб қолган одамлар ҳам бу борда беқисс эркинликдан фойдаланган эдилар. Уларнинг номини мен яна шунинг учун ошкор қилмоқчи эмасманки, иззат-икромли одамларни бадном қилишга суяги йўқ ҳасадгўйлар бу эъзозли аёлларнинг мўътабар номларига доғ туширишга ҳеч бир баҳона топа олмасинлар. Ва лекин бу хонимларни бир-бирлари билан адаштириб юбормаслик учун уларнинг ҳар бирига шундай ном қўяманки, бу номлар уларнинг қалб фазилатларига тўла-тўқинга ёки йўқ деганда, қисман монанд келгай; улар орасидаги энг катта ёшдаги биринчи жувонни биз Пампинея, деб атаймиз, иккинчисини — Фьяметта, учинчисини — Филомена, тўртинчисини — Эмилия, бешинчисини — Лауретта, олтинчисини — Нейфи-

да, охирги еттинчисини эса — кўп сабабларга кўра — Элисса деб атаймиз.

Булар олдиндан келишиб эмас, балки тасодифан жоменинг бир гўшасида учрашиб қолишган ва давра қуриб ўтириб, «Э, бор худоё» дуосини ўқиб, оғир хўрсиниб қўйишгач, шу кунга мансуб бўлган турли-туман мавзуларда суҳбат қила бошлаган эдилар. Ниҳоят, орага сукут чўкиб Пампинея гап бошлади:

— Дилбар хонимлар! Эзгу ниятли кишилар агар ўз ҳақ-ҳуқуқларидан тўғри фойдалансалар, бундан ҳеч кимга зиён-заҳмат етмагай — бу борада мен жуда кўп маротаба эшитганман, бинобарин, сизларнинг ҳам қулоғингизга етган бўлса ажаб эмас. Еруф дунёга келган ҳар бир одамзоднинг ҳақ-ҳуқуқи — ўз ҳаёти-ни муҳофаза, ҳимоя қилишдан, уни авайлаб-асрашдан иборат. Ҳатто шундай ҳоллар ҳам бўлганки, кишилар ўзларини хавфдан сақлаш мақсадида, қотилликка ҳам қўл урганлар, ваҳоланки, ўшал ўлдирилган одамлар қотиллар олдида мутлақо бегуноҳ бўлганлар. Модомики, бу ҳол тангри бандаларининг фароғатда яшашига имкон туғдирувчи қонунлар томонидан тақиқланмаган экан, унда биз ҳам бошқа одамлар сингари, ҳеч кимга зиён-заҳмат етказмаган ҳолда, ўз жонимизни сақлаш учун барча эҳтиёт чораларини қўллашимиз лозимдир! Мен бугун эрталаб, шунингдек, кейинги пайтларда ўзимизни қандай тутганимизни, бир-биримиз билан нима ҳақда ва қандай суҳбатлашганимизни эслаб, ҳаммамиз ҳам ўз ҳаётимиздан хавотирдамиз, деган хулосага келяпманки, назаримда, сизлар ҳам айнан шундай фикрга келганга ўхшайсизлар. Аммо мени таажжубга солаётган нарса бу эмас, — мени ғоят даражада ҳайратга солган нарса шуки, бизлар ёлғиз аёлларгагина хос сергаклик лаёқатига эга бўлсак ҳам қаршимизда таҳдид қилиб турган хавф-хатарга хиёлгина бўлсин, қаршилик кўрсатмаялмиз. Бунинг оқибатида, биз бул жомега кўнглимиз ибодат тусаб келганмиз ё бўлмаса, ҳар кун ер бағрига қанчадан ўлик қўйилаётганини кузатиш учун, дин пешволарининг (дарвоқе, улар ҳам деярли қирилиб кетишди) тайин қилинган соатларда ибодат қилаётган ё қилмаётганини текшириш учун ва айни пайтда, ибодат қилгани кирган ҳар бир художўйга шаҳримиз бошига тушган офатнинг нечоғлиқ мудҳиш эканлигини эгнимиздаги қора кийим билан исботламоқ учун бу ерга қўйилганмиз, деган таассурот уйғонади беихтиёр. Ҳолбуки черковдан чиқсак, шу заҳоти биз шундай воқеаларнинг шоҳиди бўламиз: одамлар ўликлар ва беморларни ташмалаб у ёқ-бу ёққа зир югурншмоқда; адлия қонунлари асосида қувғин қилинган жиноятчилар, қонунни оёқ ости қилиб, баскирдорлик қилишмоқда, зеро улар қонун ижрочиларининг ё ўлган, ё хаста эканлигини яхши билишади; бизнинг бахтсизлигимиз орқасидан давлат орттираётган, ўзларини дафн этувчилар, деб юритувчи жамиятнинг энг мараз чиқиндилари, ўз мудҳиш қиёфалари билан қалбимизни жароҳатлаб, бошимизга тушган машъум андуҳни қабоҳатли қўшиқлари билан мазах қилиб, ҳамма ерда изғиб юришмоқда. Биз фақат «фалончи ўлипти», «пнсмалдончи жон бер-

япти», деган совуқ хабарларнигина эшитамиз,— агар аза тв-
тувчи одамлар бўлганида, биз ҳамма ёқдан ҳазин йиғи овозла-
рини эшитган бўлардик. Эҳтимол, сизларда ҳам мана бундай ҳол
юз бераётгандир: мен уйимга кириб, кўп кишилик оиламдан ҳеч
ким қолмаганини — бутун хонадонда якка-ёлғиз чўримиз иври-
сиб юрганини кўраман ва бу мудҳиш аҳволдан фиғоним фалакка
чиқаётганини ҳис қиламан. Мен қай томонга бормай, қаерда тўхта-
май, ҳамма ерда кўз олдимда ўлганларнинг арвоқлари намоён
бўлади, лекин мен ўзимга таниш бўлганларнинг қиёфаларини ҳеч
таний олмайман: зеро марҳумлар менга маълум бўлмаган сабаб-
ларга кўра, янгича, қўрқинчли, бадбашара қиёфа касб этганлар.
Мана шунинг учун ҳам мен ҳамма ерда: бу жомеда ҳам, уйда ҳам,
қаерда бўлмай, бир хилда даҳшатдаман. Ваҳоланки, агар хато
қилмаялган бўлсам, бутун шаҳарда фақат бизлар етарли мол-
давлатга эгамиз, фақат бизнинг шаҳардан чиқиб бориб туради-
ган масканимиз бор. Мен кўпгина одамларнинг — улар ҳозир
тирикми, ўлганми, билмайман — боадаблик билан беадаблик ўрта-
сидаги тафовутни фарқ қила олмай, шахватпарастликка муккаси-
дан кетгани, айримларининг ҳатто одамлар кўзи олдида ҳам кеча-
ни-кеча, кундузни-кундуз демай, вақтни ишратда ўтказгани ҳақида
кўп эшитганман, ҳатто ўзим ҳам бундайларнинг шоҳиди бўлган-
ман. Наинки авом қавмлар, шунингдек, монастирь аҳли — зоҳид-
лар ҳам шундай иш кўра бошладилар: улар, шояд ажал биздан
юзини тескари қилса, деган умидда тангрига итоатгўйликни
тарк этиб, ўз шахвоний ҳирсларини қондиришга киришдилар,
фаҳш ва фосиқлик йўлига кириб кетдилар. Модомики аҳвол шу
экан, бизлар нима қилиб ўтирибмиз бу ерда? Нимани кутяпмиз?
Нимани ўйляяпмиз? Нечун биз шаҳарнинг ўзга аҳолисига нисба-
тан ўз соғлигимизга бепарвороқ, лоқайдроқ қараяпмиз? Ёки
бизнинг руҳимиз жисмимизга бошқаларникига нисбатан бақув-
ватроқ занжир билан банд этилгану у занжирни узиб юборишга
қодир бўлган кучнинг бизда мавжудлигидан хавфсирашга ассе
йўқ, деб ишонамизми? Агар шундай деб ўйласак, хато қилган, ўз-
мизни ўзимиз лақиллатган бўламиз. Башарти биз чиндан ҳам
шундай фикрда бўлсак, демак, биз ўтакетган даражада нодон
эканмиз! Шафқатсиз вабо қанчадан-қанча ажойиб, навзавон
йигит-қизларимизни домига тортиб кетганини эслайлик, — шу-
нинг ўзи ҳам бизнинг нодонлигимиз учун энг яққол далил бўла
олади. Менинг таклифимга қандай қарайсиз, билмайману, лекин
барибир ўз ўжарлигимиз ёки ўзбошимчалигимиз касрига қолиб,
мушкул аҳволга тушиб қолмаслик учун сизларга ушбунни так-
лиф қиламан: менимча, биз учун энг яхши йўл — шаҳарни тарк
этиб чиқиб кетган ва ҳозирги пайда ҳам шаҳардан бош олиб
чиқиб кетаётганлардан ибрат олиб, шунингдек, бадкирдор киши-
лар жамоасини ўлимдан ҳам бешбаттар билиб, одоб сақлаган
ҳолда, шаҳардан ташқаридаги боғларимизга (ундай боғлар ҳар
биримизда ҳам бир нечтадан бор) равона бўлмоқдан ва ўша
боғ-роғларда, ақл-идрок чегарасидан асло четга чиқмаган ҳолда
вақтимизни турли-туман кўнгилхушликлар — ўйин-кулги ва

ҳузур-ҳаловат билан ўтказишдан иборат. У ерда қушлар сайрайди, қир-адир ва дала-дашлар ям-яшил либос кийган, экинзорларда бугдой бошоқлари мисли уммондай тўлқинланади, у ерда не-не дарахлар ўсмайди, фалак ҳам у ерда бу ердагидан кўра чеҳрасини кўпроқ очади, гарчи у биздан дарғазаб бўлса ҳам барибир ўзининг илоҳий жамолини яширмайди, — бу манзаралар хувиллаб қолган шаҳарга нисбатан бениҳоя гўзалроқдир, албатта. Кейин у ерларнинг ҳавоси ҳам мусаффо, шунингдек, ҳозирги пайтда биз учун дармон бўлувчи зарурий ҳамма нарсалар айна ўша ерларда мўл-кўл топилади, аммо ғам-ҳасрат у ерда камроқ бўлади. Тўғри, у ерлардаги деҳқонлар ҳам бу ердаги шаҳар аҳли сингари қирилиб ётипти, бироқ у ердаги ўлим шаҳардагичалик оғир таассурот уйғотмайди, чунки у ерларда уйлар ва аҳоли шаҳардаги сингари зич эмас. Иккинчи томондан, агар янглишмасам, биз бу ерда биронта ҳам яқин кишимизни ташлаб кетаётганимиз йўқ; аслини олганда, биз ўзимизни ҳар жиҳатдан ташлаб кетилган, деб ҳисоблашимиз лозим, зеро бизнинг яқинларимиз ё қазо қилишган, ёки ўлим даҳшатидан қочиб, бизни гўё бегонадек билишиб, бу фалокат қўйнига ташлаб кетишган. Хулласи калом, агар биз мен баён қилгандек иш тутсак, бизга ҳеч ким таъна қилмайди. Борди-ю, ўзгача иш тутсак, унда бошимизга мусибат, ғам-андух тушиши, ҳатто, эҳтимолки, қазомиз етиб ўлиб кетишимиз ҳам мумкин. Қисқаси, агар тақлифим ҳаммингизга мақбул тушган бўлса, ўзимиз билан чўриларимизни ва сафарда зарур бўладиган ашёю озуқаларни олайлик-да, шаҳардан бош олиб чиқиб кетайлик ва ҳар кунни ҳар ерда замонамизда йўл қўйилган вақтичоғлик ва ўйин-кулги билан машғул бўлайлик, — менимча, шундай қилсак жуда яхши бўлади. Шу йўсинда, тақдири азалнинг пешонамизга ёзганини ўз кўзимиз билан кўриш насиб қилмагунча (агар унғача вақт-соатимиз битиб ўлиб қолмасак, албатта) ўша ёқларда яшаб турамыз. Яна шу нарсани ҳам идрок қилингки, биз бу ердан иззат-обрў билан чиқиб кетарканмиз, бу ерда қолиб номақбул ишларга қўл ураётган бадкор кишиларга нисбатан шоён таҳсинга лойиқ иш кўрган бўламиз.

Хонимлар Пампинеянинг гапини эшитиб бўлиб, унинг маслаҳатини маъқулладилар ва унга амал қилишга қарор қилишиб, гўё ҳозир жомедан чиқишган заҳоти сафарга жўнашадигандек, ўз аҳдларини амалда қандай қўллаш ҳақида ўзаро кенгаша бошладилар. Ва лекин камоли оқида аёл Филомена шу пайт гап бошлади:

— Хонимлар! Пампинеянинг гапида жон бор, албатта, илло, сизлар бекорга шошиляпсизлар. Ҳаммамиз ҳам аёл зотидан эканимизни ўйлаб кўринг, давримиздаги энг навниҳол қиз ҳам, аёл кишининг ўз идроки билан яшаш нақадар мушкуллигини, унга эркак кишининг маслаҳатлари нечоғлик зарурлигини жуда яхши билади. Бизлар беқароримиз, ҳардамхаёлмиз, бадгумонмиз, жасоратсизмиз, қўрқоқмиз, бинобарин мен, орадан хиёл вақт ўтар-ўтмас эркак киши назоратида бўлмаган тўдамиз тарқаё

кетмасайди — боз устига, ўзимиз ифратимиздан маҳрум бўлиб шармандан шармисор бўлмасак эди, деб қўрқаман, демакки, ўшандай масъулиятнинг ташвишини қилмоғимиз ва фақат шундан кейингина ўз ниятимизни бажаришга киришмоғимиз лозим.

Бунга жавобан Элисса шундай деди:

— Ори рост, эркак киши аёл учун султондир, эркаклар раҳна-молигисиз биз бошлаган ишлар камдан-кам хайрли тугайди ва лекин ундай эркакларни биз қаердан топамиз? Яқин кишиларимизнинг деярли ҳаммаси ўлиб кетди, омон қолганлари эса, гала-гала бўлишиб, номаълум томонларга учиб кетмоқдалар, ҳолбуки бизлар нимадан қочиб кетмоқчи бўлаётган бўлсак, улар ҳам айнан шу нарсадан бош олиб қочмоқдалар. Бегоналарга юз тутайлик десак — уят, — демак, халос бўлмоқ учун бирон ўзга тавфиқли йўл қидирмоғимиз зарур, акс ҳолда, вақтичоғлик ва истироҳат ўрнига бошимиз ғам-алам ва ғалвадан чиқмай қолади.

Қизлар шу тарзда суҳбат қуриб ўтиришган бу пайтда, черковга уч нафар навқирон йигит кириб келди, уларнинг энг ёши тахминан йигирма беш ёшларда эди. Бу уч йигитнинг қалбидаги муҳаббат алангасини на машъум замон, на ёр-дўст ва қариндош-уруғлардан жудолик, на ўз жонларидан хавотирланиш туйғуси сўндира олган эди. Улардан биринчисининг исми Панфило, иккинчисиники — Филострато, учинчисиники — Днонео эди. Учала йигит ҳам истараси иссиқ, яхши оилада тарбия кўрган эди, уювлари ҳам бу бевафо замонда энг юксак тасалли сифатида ўз қалб маҳбубалари билан висол умидида юрган эдиларким, фалакнинг гардиши билан уювлари ҳам излаган маҳбубаларини шу етти нафар қиз ичидан топдилар, қолган тўрт қиз ҳам йигитларнинг қариндошлари эди.

Йигитлар ва қизлар бир-бирларини баравар пайқаб қолди.

— Фалакки, бизга, — деб табассум-ла гап бошлади Пампинея, — ушбу мулоҳазали ва мустаҳиқ йигитларни юборган экан, демак, у армонларимизнинг ушалишига имкон яратмоқда, зеро бу йигитлар бизга сарвар ва мулозим бўлиш вазифасини жон-жон деб ўз зиммаларига олажаклар, башарти биз шу вазифаларни уларга топширишга журъат этсак, албатта.

Бу сўзларни эшитган Нейфиланинг икки юзи уятдан анордек қизариб кетди, чунки келган йигитлардан бири унга ошиқ эди.

— Рост айтасан, Пампинея! — деди у. — Бу йигитларнинг ҳар бири тўғрисида яхши гапдан бошқа ҳеч нима айтиш мумкин эмас, мен буни жуда аниқ биламан, улар сен айтгандан ҳам мушкулроқ вазифаларни бажара оладилар; бизлардан дилрабо-роқ, шонстарақ қизлар бу йигитлар билан бўлишни ўзлари учун гоят зўр ҳаловат, улкан бахт деб ҳисобласалар арзийди. Фақат шуниси борки, улар даврамиздагилардан биронтамизни севиб қолишган ва бу ҳеч кимга сир эмас, — башарти бу йигитларни биз ўзимиз билан олиб кетсак, гарчи бу билан на биз ва на улар ҳеч қандай осийлик қилмасак ҳам одамлар орасида ёмон отлик бўлиб маломатга қолмасмикинмиз, деб қўрқаман.

— Бўлмаган гапни қўй! — деди Филомена. — Мен ўзимдан-ўзим ҳеч ўпка қилмасдан, пушаймон емасдан кун кечирсам бўлгани, одамлар мен ҳақимда нима дейишса дейишаверсин, — парвардигор эгаму диёнатим мени ўз ҳимоятига олишади. Хуллас, агар манави навжувон йигитлар илтимосимизга рози бўлишса, биз ҳам Пампинея сўзини тасдиқлаб: толенмиз бор экан, сафаримиз хушвақт ўтадиган бўлди, дея олган бўлардик.

Филоменанинг бу гаплари ҳаммага маъқул бўлди ва шу заҳоти улар йигитларни ёнларига таклиф қилиб, ўз ниятларини уларга баён қилмоқчи ва бизларга ҳамроҳ бўлишга лутфан розилик беринг, деб улардан илтимос қилмоқчи бўлдилар. Йигитлардан бирига қариндош бўлган Пампинея дарҳол ўрнидан турди-да, сал нарироқда қизларни кузатаётган йигитлар истиқболига йўналди, уларга яқинлашиб, самимий сўрашди ва ўз фикрини баён айлаб, барча дугоналари номидан илтимос қилди:

— Агар имконларингиз бўлса, бизга чинакам оғалик туйғуси билан ҳамроҳ бўлсангиз.

Йигитлар аввалига бу қиз бизни майна қиляпти, деб ўйлашди, лекин таклифнинг жиддий эканлигини англашган заҳоти, мамнуният билан розилик билдиришди ва бу ишни пайсалга солмаслик учун уй-уйларига тарқаллишдан олдин, сафарга нималар олволиш ҳақида маслаҳатлашишди. Қизлар дарҳол сафарга ҳозирлик кўриш ҳақида оқсочларига буюрдилар, ўзлари бориб туришни кўзлаган манзилга хабарчи юбордилар ва ниҳоят, эртаси кунни, яъни чоршанба кунни тонг палласида бир неча чўри қизлар, ўшал уч нафар йигит ва уларнинг учта хизматкори кузатувида шаҳарни тарк этиб, йўлга равона бўлдилар. Улар бор-йўғи икки миляча йўл босиб, кўзлаган манзилларига етиб олдилар. Қатта йўлдан чеккароқда уларнинг кўзига турли-туман набототга бурканиб, ям-яшил хушманзара касб этган тепалик ташланди. Тепа бошида бир қаср қад кўтарган бўлиб, унинг кенг ички ҳовлиси, колоннадалари, бир-бирига туташиб кетган заллару хоналари бор эдики, уларнинг ҳар бири санъат мўъжизаси бўлиб, кўрган кўзни қувонтирувчи гоят ажиб расмлар билан безатилган эди: булардан ташқари қаср атрофини чаманзорлар ва сердабдаба боғ-роғлар қуршаб олган эди, бу ерларда суви шаффоф қудуқлар, майи нобга сероб ертўлалар (ва лекин бу ертўлалар ҳушёр ва хушахлоқ қизларга эмас, балки ичкиликка муккасидан кетган майхўрларга кўпроқ мақбул бўларди) мавжуд эди. Келганлар ҳамма хоналарнинг супуриб-сидирилганини, ётоқхоналарда тўшаклар ёзилганини, йилнинг бу фаслида чаман бўлиб очилган гуллар билан ҳамма ёқ безатилганини, оёқ остига қамишлар солинганини кўриб гоятда хурсанд бўлдилар.

Йигит ва қизлар етиб келишган заҳоти давра қуриб ўтирдилар, шунда бу улфатлар орасида энг хушчақчақ ва энг ҳозиржавоб йигит Днонео гап бошлади:

— Бизлар бу ерга, оймқизлар, сизларнинг ақл-заковатингиз туйфайли келиб қолдик, ўзимизнинг бунга ақлимиз етмаган бўлур эди. Ушбу дамда сизларни қандай хаёллар банд этаётгани менга аён эмас, аммо мен сизлар билан шаҳар дарвозасидан чиқаётга-

нимда ўз фикрларимни ичкарига ташлаб чиққан эдим. Бинобарин, келинлар, энди менга жўр бўлиб, ҳар қайсингиз кўнглингиз тиланган йўсинда вақтичоғлик қилинг, ўйланг, кулинг, ё бўлмаса мени яна ўша бахти қаро шаҳарга, ўз хаёлларим олдига қайтариб юборинг.

Пампинея ҳам бу гапга жавобан, гўё ғамгин хаёлларни ўз бошидан қувгандек қувноқ чеҳра билан шундай деди:

— Сен яхши гап қилдинг, Дионео. Келинлар, хурсандчилик билан яшайлик — бўлмаса, ўша ғам-андух масканидан нега қочиб келдик? Бироқ ҳар қандай ғайри ҳад нарсанинг умри қисқа бўлганлиги боисидан мен, яъни шундай дилкаш жамоани уюштирган камина, шундай тақлиф киритмоқчиман: кўзлаган вақтихушлигимиз узоқ давом этсин, тайдиган бўлса, орамиздан биронтамизни ўзимизга сарвар этиб тайинлашни зарур деб ҳисоблайман, токи биз уни эъзозлайлик, улуғимиз сифатида айтганларига қулоқ осайлик, айни пайтда у ҳам фақат бизларнинг хурсандчилиги билан кун кечиришимиз ҳақида қайғурсин. Аммо мазкур сарварликнинг жамики ташвиш ва қувончларини жамоамизнинг ҳар бир аъзоси бирма-бир ўз бошидан кечирсин учун шу билан бирга, ўшал ташвиш, қувонч туйғуларини бошидан кечирган сарварга ҳеч ким ҳасад қилмасин учун, мен бу шарафли бурчини ҳар биттамызга галма-гал юклашни тақлиф қиламан. Яна шуни айтмоқчиманки, биринчи гал ўзимизга сарварни ҳаммамиз сайлайлик, навбатдагиларини эса, ўша кун ҳоқимимиз ёки ҳоқимамиз бўлган зот кечки ибодат олдидан ўз эзгу ихтиёри билан сайласин. Мана шу сарвар этиб сайланган зот ўзи ҳукмдорлик қилган кун мобайнида қандай усулни мақбул кўрса, шу йўсинда иш олиб бориб, бизлар учун манзил танлаши ва кун тартибини белгилаши лозимдир.

Бу тақлифни ҳамма астойдил маъқуллади ва биринчи кун ҳоқима этиб бир овоздан Пампинея сайланди, шундан кейин Филомена дафна дарахти тагига югуриб бориб, унинг бир неча новдасини синдириб олди-да, улардан серҳашам чамбарак ясади (зеро у дафна чамбарининг унга мустаҳиқ бўлганлар учун нечоғлиқ азизу мўътабар ҳисобланишини ва у чамбар таққан зотни нақадар юксак ҳурматга сазовор қилишини кўп одамлардан эшитган эди) ва уни Пампинеянинг бошига кийдирди, бу маъракада шу кундан бошлаб, то унга барҳам берилгунга қадар мудом дафна чамбари сарварлик аломати ва ҳукмдорлик рамзи бўлиб турди.

Пампинея қиролича бўлгач, ҳаммани жим бўлишга ундади, йиғитларнинг унга хизматкорига ва тўрт нафар чўри қизга одам юборди, жамоа жам бўлиб ҳамма сукут сақлаб ўтирганида у шундай гап бошлади:

— Мен мусти маҳкам ва беқусур жамоамизнинг то биз истаган пайтгача бахтимизга соғ-омон бўлишини ихтиёр айлаб, уни қай йўсинда равнақ топтиришга ўрнатиб кўрсатмоқчиман ва ушбу ният биржа, биринчи навбатда Дионеонинг хизматкори Парменони ўзимга эшик оғаси қилиб тайинлайман ва унинг зиммасига барча хизматчиларга бош бўлиш, уларга ғамхўрлик қилиш, шу билан бирга бизнинг таомларимиз ғамини ейиш вазифасини юклайман. Панфи-

онинг хизматкори Сириско Парменога ёрдамчи қилди тайинланди, у бизнинг ҳисобчимиз ва ғазначимиз бўлади, Тиндаро эса, Филострато ва ўзга йигитларимизнинг хизматини қилади; ўзга хизматчилар бошқа ишлар билан банд бўлган чоғда йигитларнинг оромгоҳларини саришта қилиш вазифаси юкланади унга. Менинг канизагим Мизия билан Филоменанинг қанизаги Личисга ҳамиша ошхонада бўлиб, Пармено буюрган таомларни пиширишлари лозим. Лауреттанинг канизаги Қимера билан Фьяметтанинг канизаги Стратилиянинг зиммасига аёллар ётоқхоналарини ва биз маъракага тўпланадиган хоналарни йиғиштириш вазифаси топширилади. Алқисса, биз шу нарсани илтимос қиламиз ва ҳатто талаб қиламизки, мурувватимизни қадрловчи ҳар бир шахс қай томонга йўл тутмасин ва қаердан қайтиб келмасин, ниманики эшитмасин ва кўрмасин, четдан олиб келинган янги хабарни ошкор қилишдан тилини тийсин, лекин хушхабарлар бундан мустасно.

Пампинея, барча самимият билан тинглаган бу фармонларни бериб бўлгач, қувноқ чеҳра билан ўрнидан турди ва деди:

— Атрофда боғ-роғлар, чаманзорлар ва ўзга хушманзара жойлар мавжуд. Қўнглингизга сиққанча сайр қилинг, аммо эрталаб соат тўққизда, ҳали салқин кўтарилмасдан, ҳаммангиз нонуштага ҳозир бўлишингиз лозим.

Янги қиролича шундай сўзлар билан хушвақт жамоани озод қилди, шундан кейин навжувон йигитлар билан дилбар хонимлар боққа чиқишди ва сайр қилишиб юришаркан, турли-туман нашьали нарсалар тўғрисида суҳбат қилишди, гулчамбарлар ясашиб, нафис овзалари билан қўшиқлар куйлашди. Улар қиролича тайин қилган соатга қадар вақтни шу зайлда ўтказдилар, сўнг уйга қайтиб, Парменонинг ишга астойдил ғайрат билан киришганига шожид бўлдилар: пастда, емакхонада столларга қордек ошноқ дастурхонлар ёзилган, кумуш қадаҳлар мавжланар, ҳамма ёқдан заррин чўл чечаклари муаттар ҳид таратиб турарди. Қироличанинг фармонига хўра, сув келтирилиб, ҳамма қўлини ювгач, ҳар ким Пармено кўрсатган ерга ўтирди. Дарҳол нозик таомлар тортилди, зариф майлар олиб кирилди, уч нафар хизматчи сукут сақлаб хўрандаларга хизмат қилиб турди. Нонушта пайтида сақланган гоят ибратли тартиб жамоанинг кайфиятини кўтариб юборди, ёқимли ҳазил-хузул гаплар айтилди, хуллас, нонушта хушҳоллик билан ўтди. Қизлар ва йигитлар рақс тушишни билишар, баъзиларнинг эса, созандалик ва лонандаликдан ҳам хабари бор эди, шунга кўра, дастурхонни йиғиштириб олишган заҳоти, қиролича чолғу асбобларини олиб келишни буюрди. Сўнг унинг амрига кўра Дионео — лютияда, Фьяметта эса — виолада оҳиста рақс куйини чала бошладилар. Қиролича хизматкорларни, бориб овқатланнинглар, деб чиқариб юборди, сўнг ўзи, бошқа хонимлар ва икки йигит давра қуришиб, хиромон рақс қила бошладилар. Ундан кейин ҳаммалари ажойиб шўх куйларни куйладилар. Ниҳоят, қиролича бир оз ухлаб олиш керак, деган қарорга келди ва ҳамманинг ўз оромгоҳига боришига рожозат берди. Уч навжувон йигит ўз қошоналарига киришди, бу ерда гоят зўр нафосат билан ёзилган тўшаклар уларга мунтазир

эди, бу хоналарда ҳам худди залдаги сингари гуллар сероб эди. Хонимлар ҳам ўз кошоналарига кириб кетдилар; ечиниб, дам олгани ётдилар.

Соат учга жом чалинганда, қиролича, кундузи кўп ухлаш зиён деб, биринчи бўлиб, ўрнидан турди ва ўзга хонимларни ҳам, кейин эса, йигитларни ҳам уйғотди. Ҳаммалари ўрмондаги майсазорга боришди, барра ўтлар барқ уриб ўсиб ётган бу ерга қуёшнинг тангадек ҳам шуъласи тушмасди. Қиролича майин шабададан хушнуд бўлиб, ҳаммани тўғри майса устига, давра қуриб ўтиришга таклиф этди.

— Кўриб турибсизлар,— деб гап бошлади у,— қуёш ҳали қиёмда, жазирама иссиқ, фақат зайтун шохларига инган чигирткалар чирилламоқда. Ҳозир бирон ёққа бориш нодонлик бўларди, бу ер эса, салқин, хушқаво, бизда сатранж, дамкалар бор, ҳар ким кўнглига ёққан ўйин билан машғул бўлмоғи мумкин. Бироқ агар менинг фикримни билмоқ бўлсангиз, мен куннинг энг иссиқ соатларини ўйин билан эмас (зеро ўйиндан баъзи ўйинчиларнинг кайфияти муқаррар бузилади, аини пайтда, бошқаларга, шунингдек, томошабинларга ҳам айтарли ҳеч қандай лаззат бахш этмайди), балки ҳикояхонлик билан банд этган бўлардим, чунки бир ҳикояхон ҳамманинг диққатини ўзига жалб этишга қодирдир. То ҳар бирингиз биттадан ҳикоят сўзлаб бергунча қуёш ҳам мағрибга оғиб қолади, ҳарорат ҳам бир оз пасаяди, ана унда, кўнглимиз тортган ёққа сайр қилишимиз мумкин. Агар менинг таклифим сизларга маъқул бўлса,— лекин мен сизларнинг ҳар қандай истакларингизни бажо келтиришга тайёрман,— унда, келинглар, шу мен айтгандай иш тутайлик; агарда маъқул бўлмаса — унда то кечгача ҳар ким ўз билгича вақт ўтказаверсин.

Эркаклар ҳам, хонимлар ҳам ҳикояхонлик қилишни маъқул кўрдилар.

— Бас, шундай экан,— деди қиролича,— бу ерда турган биринчи кунимизда истардимки, ҳар ким ўзи учун кўпроқ маъқул бўлган нарсалар ҳақида ҳикоя қилса.

Шундай дея, у ўзидан ўнг қўлда ўтирган Панфилога юзланди ва мафтункор илтифот билан ундан ҳикоя бошлашини сўрала. Панфило эса, буйруқни эшитган заҳоти, бутун жамоанинг диққатини батамом ўзига тортди, ўз ҳикоясини шундай бошлади.

Мессер Чеппарелло Ёлгон тавба-тазарру билан авлиё отани лақиллатади-да, бандаликни бажо келтиради; гарчи унинг бутун умри бадкирдорлик билан ўтган бўлса ҳам ўлганидан сўнги уни азиз-авлиёлар сафига қўйиб, «авлиё Шапелето», деб атай бошлайдилар

— Дилнавоз хонимлар, одамзод тахайюл қилган ҳар қандай иш, жамики мавжудотнинг ибтидосини бунёд этган парвардигор йўлида бажарилмоғи лозим. Зеро унинг номи пуркаронат ва муқаддасдир. Мана шу боисдан, баски, мусохабамизни очиш менинг зиммамга тушган экан, мен ҳам эгамнинг ғоят ҳайратангиз ишларидан бирини баён этмоқчиманки, сиз уни тинглаб, унинг устуворлигига астойдил ишонинг ва тоабад унинг номини мадҳу сано қилинг.

Маълумки, ҳамма нарса муваққат, ўткинчи ва фонийдир; бинобарин, шу муваққат нарсанинг ўзи ҳам, уни қуршаб олган бошқа мавжудотлар ҳам ғам-андух, дард ва машаққат билан тўла ва муттасил хавф-хатарга дуч келадилар, бу хавф-хатарлар, муқаррар пайт пойлаб бизни нобуд айлаши мумкин, бинобарин, магар парвардигор ўзининг беадад марҳамати билан бизга куч-қувват юбориб, бизга зийрак заковат ато этмаганида, мазкур фоний дунё хилқатларидан бўлмиш бизлар ўшал фалокатларни даф қилиш, улардан қочиб қутулишга қодир бўла олмас эдик. Ва лекни ўзимизни бундай марҳаматга мустаҳқиқмиз, деб ўйламаслигимиз лозим,— йўқ, парвардигор валинеъмат бўлганлигидан ва шунингдек, бир замонлар худди биз сингари бу фоний дунёда яшаб ўтишган, тирикликларидан тангрининг иродасига амал қилишган ва эндиликда боқий ва масъуд бўлиб унинг ҳузурда истиқомат қилаётганларнинг дуоини фотиҳалари туфайли бизга марҳамат қилмоқда эгам. Биз,— эҳтимолки, энг одил қозимиз барҳақ эгамга сиғинишга ботина олмаганлигимиздан бўлса керак,— акарият пайтларда, фоний ҳаёт тажрибаларини бир замонлар ўз бошларидан кечирган ва эндиликда азиз-авлиёларга айланганларга сиғинамиз. Бинобарин, биз турли-туман овозалардан гумроҳ бўлиб, илоҳий идрок сирларини мушоҳада қилишга фикримиз ожизлик қилганидан, ўзимиз учун ўшал азиз-авлиёлардан ҳимояткор танлаймизким, одатда улар тангрининг қаҳрига учраб, мангу изтиробга маҳкум этилган бўладилар,— зеро ҳақ таолодан ҳеч нимани сир тутиб бўлмайди,— шунга қарамай, эгам пайғамбарнинг мангу азобга маҳкумлигини эмас ва сиғинаётганнинг гумроҳлигини ҳам эмас, балки унинг руҳан поклигини инobatга олиб, гўё ўшал маҳкум этилган зот мангу фароғатга мушарраф бўлгандек, сиғинувчининг илтижосига қулоқ осадиким, парвардигорнинг бизни ўз паноҳида асраётгани ва

биздан марҳаматини дариф тутмаётгани ушбу далилдан яққол кўзга ташланади. Бу гапларнинг бари мен баён қилмоқчи бўлган қиссада намоён бўлади («намоён бўлади», деганимда мен тангри заковатини эмас, одамзод идрокини назарда тутдим).

Дейдиларки, дворянлик унвонига мушарраф бўлган иззат-эйтиборли, ғоятда давлатманд савдогар Мушьятто Францези пана Бонифаций ҳузурига чақиртирилган француз қиролининг укаси Безамин Карл билан биргаликда Тосканага равона бўлганида, аҳли тижоратда тез-тез учраб турадиган бир ҳолнинг шоҳиди бўлган экан: унинг савдо ишлари ўз юртида ҳам, борган ерида ҳам ниҳоятда чалкашиб кетган эканким, уларни оз фурсатда ва осонликча тартибга солиш амри маҳол экан, шунга кўра у бу нуқсонларни бартараф қилишни бир неча кишига топширипти-ю, шу тариқа ҳамма ишларини батамом саришталаб олинпти. Лекин у: бургундияликлардан қарзимни ундира оладиган одамни қаердан топсам экан, деб боши қотиб қолипти. Унинг безовта бўлишига асос бор эди — бургундияликлар қайсар, бадахлоқ ва беномус одамлар сифатида танилган эдиларким, Мушьятто уларнинг ҳийланайрангига бас кела оладиган биронта ҳам доғули, маккор одамни эслай олмапти. Бу тўғрида у узоқ вақт бош қотиргач, ахир мессер Чеппарелло исмли пратолик одамни эслаб қопти, у Парижда Мушьятто ҳузурига тез-тез кириб тураркан. Чеппарелло бўйи пастаккина, олифтанамо кийинадиган одам экан, французлар «Чеппарелло» сўзининг маъносини тушунишмасдан бу сўзни ўз тилларидаги «шапель» сўзига (французларнинг оддий лаҳжасида бу сўз «гулчамбар» деган маънони билдирарди) ўхшатарканлар; лекин Чеппарелло, мен юқорида эслатиб ўтганимдай, паст бўйли одам эди — шунинг учун ҳам уни Шапелет деб эмас, кичрайтириб Шапелето деб чақиршарди. У Шапелето номи билан ҳамма ерда отнинг қашқасидай танилган эди ва унинг мессер Шапелето эканлигини камданкам одам биларди. Ушал Шапелетонинг тасвири бу турар: у нотарнус бўлиб ишлаган чоғларида камдан-кам акт тузар, аммо ўша ўзи тузган актлардан биронтаси тасодифан қалбаки бўлиб чиқмаса, хижолатдан чўғдек қизариб кетарди, унинг акт ёзиши учун арзғўйининг бир оғиз сўзи кифоя эди — шигиллатиб ёзиб ташлайверарди, ўша нотарнуслар жуда улкан тўғфалар эвазигагина ёзадиган актларни у бепул, яна бажону дил ёзиб берарди. Эҳтиёж бўлса-бўлмаса, жон-жон деб сохта гувоҳлик бераверарди, ҳолбуки у пайтларда Францияда қасамга ниҳоятда катта эйтибор бериларди, вале Шапелето учун қасамни бузиш ҳеч гап эмас эди, шу йўсинда у гарчи ҳалол виждон билан гувоҳлик беришга ва фақат соф ҳақиқатни гапиришга ҳар қадамда қасам ичса ҳам аслида ноннсофлик, каззоблик қилиб ҳар бир ишда ютиб чиқаверар эди. Ёр-дўстлар, қариндош-уруғлар ва умуман, одамлар ўртасида низо, адоват уруғини сочиш, уларни бир-бирига гижгижлаб қўйиш — унинг учун энг яхши лаззат, энг хушқайф завқ эди, унинг «шарофати» билан қанча кўп бахтсизлик содир бўлса, бу унга шунча хуш ёқарди. Агар уни қотилликда ёки бирон бошқа жиноятда иштирок этишга таклиф қилишгудек бўлса, у ҳеч қачон бош тортмас эди, билъакс, жон-

жон деб рози бўларди ва ўшал одамни камоли иштиёқ ила ўз қўллари билан яралар ва ўлдирадди. У ўтакетган даражада бадқаҳр одам бўлгани учун бўлар-бўлмагса худони ва азиз-авлиёларни энг бешарм сўзлар билан сўккани сўккан эди. Ибодатга қатнамас, черковнинг жамки муъжизакор кароматларини сариқ қақача қадрламас ва ўта қабиҳ сўзлар билан таҳқирларди. Аммо майхоналар ва ишратгоҳларга қатнашда суяги йўқ эди. Аёл зотини жинидан баттар ёмон кўрадди, илло муқобил қусурларга зўр иштиёқ билан берилардики, бу борада ўта фосиқ одамлар ҳам унинг олдида ип эша олмасдилар. Саховатли одам гадоёга қандай самимият билан хайр қилса, у ҳам ҳеч қандай виждон азобига тушмай, шундай хотиржамлик билан ўғирлик қилиши, одамларни тўнаши мумкин эди. У ўлгудек очофат ва майхўр эдики, баъзида бу қусурлари уни мушкул аҳволга солиб, беҳаё қилиб юборарди. У уччига чиққан муттаҳам бўлиб, қиморда доим фирром ўйнардди. Тавба, нима қилиб, эзмалик қилиб ўтирибман? — қисқаси, бу одамнинг онадан туғилганидан туғилмагани яхшироқ эди. Мессер Мушьяттонинг обрўси ва жамоатчилик ўртасида тутган мавқеи Шапелетонинг найрангларига узоқ вақт қалқон бўлиб келди — Шапелетонинг ўғирликларидан зада бўлган айрим шахслар ҳам, у тупроққа қориб, бадном қилган суд амалдорлари ҳам уни мана шу сабабга кўра кечириб келардилар.

Мессер Мушьятто турмуш тарзи ўзига аён бўлган ана шу мессер Шапелетони эслаб қолди, эслади-ю, маккор бургундияликларга бас келувчи бирдан-бир одам мана шу, деган қарорга келди; шу боисдан уни ўз ҳузурига чақиртириб, унга шундай сўзлар билан мурожаат қилди: «Мессер Шапелето! Ўзингга аёнки, мен бу ердан буткул жўнаб кетяпман, фирибгар бургундияликлар эса, мендан хийла қарз бўлиб қолишган, лекин у қарзни ундириш, менимча, сендан ўзга ҳеч кимнинг қўлидан келмайди. Ҳозирги пайтда сен ҳеч қандай иш билан банд эмассан, бинобарин, агар менинг топширигимни бажаришга рози бўлсанг, мен саройда сенинг ҳақингда икки оғиз сўз айтиб қўйишим мумкин, боз устига, бургундияликлардан ундирган ақчаларингдан катта бир ҳиссани ўзингга бераман».

Мессер Шапелето бекор эди, боз устига, бу дунёдаги маншат ва ишрат бобидаги ишларини ниҳоясига етказиб қўйган эди, бу ҳам етмагандай, узоқ йиллар давомида унга пушти паноҳ ва суянчиқ бўлиб келган зот эндиликда уни ташлаб кетаётган эди, шунга кўра, у зарурат юзасидан, қўйилган шартга дарров рози бўлди. Бир зумда келишиб олишди: Шапелето мессер Мушьяттонинг гувоҳномаси билан қиролнинг тавсияномасини қўлига олди ва мессер Мушьятто жўнаб кетган заҳоти, у ҳам Бургундияга равона бўлди; бу ўлкада уни деярли ҳеч ким танимасди. Бу сафар у ишга тамомила бошқача тарзда киришди ва қарзларни хушмуомалалик ва тинч-тотувлик билан йиға бошлади, — гўё у бутун куч-ғайратини хотима учун асраётгандай эди. У флоренциялик ака-ука судхўрларникига қўнди, улар миссер Мушьяттонинг ҳурмати учун Шапелетого камоли эътибор билан қарай бошладилар, бироқ кунларнинг бирида унинг:

тўсатдан тоби қочиб қолди. Оға-ини дарҳол табибга олам юборишди, унга қараб турувчи одамни ҳам топдилар, хуллас, беморни оёққа турғизиш учун зарур бўлган ҳамма чораларни кўра бошладилар. Ва лекин беморга ҳеч қандай дори-дармон кор қилмади, табибларнинг айтишича, бу ёшини яшаб, ошини ошаган, боз устига, бугун умри маншатбозлик билан ўтган мўътабар зотнинг соғлиғи кун сайин ёмонлашиб бораётган эди, бу дард — оқибатда ўлимга елтувчи хасталик эдиким, ака-ука бу ҳолдан қаттиқ ташвишга тушиб қолишди.

Кунларнинг бирида мессер Шапелето бетоб ётган бўлма ёнидаги хонада ака-ука ўртасида шундай суҳбат бўлди: «Энди уни нима қиламиз? — деди бири иккинчисига. — Бошимизга битган бало бўлди-ку. Уни энди шу касал ҳолида уйимиздан чиқариб юборсак, жула ноинсофлик ва нодонлик қилган бўламиз, зеро уни қандай иззат-икром билан меҳмон қилганимизни, дардга чалинганидан кейин эса, унга қандай ғамхўрлик қилиб, касалини боққанимизни ҳамма кўрди, эндиликда ўлим тўшагида ётганида ва бизга панд беришга ҳеч мажоли қолмаган пайтда, бирдан уни уйдан қувиб солсак, одамлар нима дейди? Иккинчи томондан, бу касофат тавба-тазарру қилишни ва сир-асрорларини черковга аён қилиб, табаррук шаробдан татиб кўришни ўлса ҳам хоҳламайди, борди-ю, шу алфозда тавба-тазарру қилмай ўлиб кетса, унда биронта ҳам черков уни дафн этишга рози бўлмайди, бинобарин, унинг жасадини мисоли ит ўлигидай хандаққа ташлайдилар. Борди-ю, гарчи тавба қилганида ҳам унинг қилган гуноҳлари шу қадар оғирки, оқибат барибир ўша-ўша бўлади: биронта ҳам роҳиб, биронта ҳам руҳоний ота ул осий банданинг гуноҳларини кечирмайди, гуноҳлари кечирилмагандан кейин, барибир ўлиги хандаққа ташланади. Башарти, худо кўрсатмасин, шу воқеа содир бўларкан, бизни муттасил ёмонотлик қилиб келувчи маҳалла-кўй: «Модомики черков бу ломбардли кўп-пакларни дафн этишдан воз кечган экан, нечун энди биз чидашимиз керак уларга?» — деб шов-шув кўтарадилар — негак уларнинг ҳаммаси бизни номақбул ишлар билан шуғулланади, деб ўйлашади, шунга кўра, мол-давлатимизни торож қилишдан ҳам тап тортишмайди. Оқибат уйимизга бостириб киришлари, наники бизни хона-вайрон қилишлари, яна устига устак ўзимизни ҳам тилка-тилка қилиб кетишлари мумкин. Хулласи калом, агар меҳмонимиз ўлиб-нетиб қолгудек бўлса, бизнинг ҳам ҳолимизга маймунлар йиғлайди».

Боя айтганимдек, мессер Шапелето қўшни хонада ётарди; гап шундаки, аксарият беморларнинг қулоқлари тиқ этган товушни эшитгудек жуда динг бўлади, шунинг учун у ўзи тўғрисида айтилган ҳамма гапни тўла-тўқис эшитди. Шунда у икки оға-инини ўз қошига чақиртириб, уларга шундай деди: «Мени деб безовта бўлишингизни, мен туфайли хиёлгина бўлсин, зиён-заҳмат кўришингизни асло истамайман. Мен тўғримда айтган барча гапларингизни эшитдим, ишончим комилки, агар воқеа сиз айтган тарзда содир бўлса, муқаррар, сиз айтган ҳол юз беради, илло иш сиз фараз қилгандек бўлмайди. Мен ўз умримда худонинг қаҳрини шу қадар кў-

келтирганманки, агар ўлимим олдидан уни яна бирон соат қаҳрлан-тирсам, бундан гуноҳларим миқдори кўпаймайди ҳам, камаймайди ҳам. Бинобарин, менга бутун умри тақводорлик билан ўтган авлиёсифат роҳибни, энг покиза, энг тақводор роҳибни (агар жаҳонда шундайлар бўлса) топиб келингу қолган ишни ўзимга қўйиб қўйинг: мен сизларнинг ҳам, ўзимнинг ҳам ишларимни шундай дўндирайки, кейин хурсанд бўлиб юрасиз».

Гарчи оға-инилар бундан ҳеч хайр кутмаган бўлсалар ҳам шунга қарамай, монастирь томон йўл олдилар ва у ерга бориб, биронта тақводор ва донишманд зоҳид бўлса-ю, уйимизда тоби қочиб ётиб қолган гаровкашни тавбасини тинглаб, гуноҳидан кечса, деб илтимос қила бошладилар. Уларга дунё лаззатларидан воз кечган авлиёсифат бир мўйсафидни—ғоят даражада мўътабар, шаҳар аҳлининг алоҳида ва ўта иззат-икромига сазовор бўлган зотни рўпара қилдилар, оға-инилар ул зотни уйларига бошлаб кетдилар. Зоҳид мессер Шапелето ётган хонага кириб, ўлим тўшагида ётган беморнинг тепасига яқин борди ва ғоятда меҳрибон сўзлар билан унга тасалли бера бошлади, сўнг, охириги марта қачон тавба қилган эдингиз, деб сўради ундан.

Умрида бирон марта ҳам тавба-тазарру қилмаган мессер Шапелетто унга бундай деб жавоб қилди: «О, падари бузрук! Йўқ деганда ҳафтада бир марта, баъзан эса, ундан ҳам кўпроқ тавба-тазарру қилиб тураман, албатта, бироқ бу ҳафта ичи, тобим қочиб қолганлиги туфайли черковга бора олмадим ва бирон марта ҳам тавба қила олмадим — зеро оғир дард мени исканжага солиб қўйди».

Ҳазрат унга жавобан шундай деди: «Боракалло, бўтам, бундан буён ҳам шундай иш тут. Модомики, сен шунчалик бот-бот тавба-тазарру қилиб турар экансан, сендан айтарли ҳеч нима эшитмасам ёрак, сенга берадиган саволларим ҳам деярли бўлмайди».

Мессер Шапелето эътироз билдирди: «Ундай деманг, о муҳтарам падар. Мен қанча ва нечоғлиқ кўп тавба қилмай, барибир, ҳар гал, таваллуд топганимдан то шу охириги кунларимгача қилган не осийликларим хотирамга келса, ҳаммаси учун тавба қилишни қанда қилмайман. Шу бондан, ўтинаман сиздан, муҳтарам падар, мени, бутун умрида бирон марта ҳам тавба қилмаган осий бандадек биллиб, камоли тафсилот бирла сўроқ қилинг. Хасталигимга эътибор қилманг — зеро мен, халоскоримиз Исо алайҳиссалом ўзининг мубороқ қонини тўкиб асраб қолган руҳимни маҳв этгандан кўра ўз осий жисмимни қийноққа солишни афзал кўраман».

Бу сўзлар тақводор қариянинг кўнглига мойдек ёқди, чунки бу сўзлар бемор ниятининг поклигидан далолат берарди. Қария Шапелетонинг бундай жавобини бениҳоя мақбул кўриб, унга шундай савол билан мурожаат қилди: «Бўтам, бирон аёл бирла зино иш қилиб гуноҳга ботганмисан?»

Мессер Шапелето оғир хўрсиниб қўйиб, айтди: «Отам! Бу борада сизга ҳақиқатни айтишдан истиҳола қиламан — такаббурлик гуноҳига ботмасмикинман, деб қўрқаман».

Авлиё ота эса, бунга жавобан шундай деди: «Дадил гапира-

вер — ҳақ гапни айтмоқ ҳеч вақт: тавба-тазарру пайтида ҳам, бошқа ҳар қандай шароитда ҳам гуноҳ ҳисобланмайди.

Шундан кейин мессер Шапелето деди: «Ундай бўлса, сиздан яширмайман: мен волидам қорнидан туғилганимда қандай бокира бўлган бўлсам, ҳозир ҳам ўшандайман».

«Парвардигор сени ёрлақасин! — деб юборди роҳиб. — Шоён таҳсинга лойиқ иш кўргансан! Сенинг хизматинг шу бонсдан ҳам беҳад чексизки, агар истасанг, бизларга, шунингдек, бирон аҳду паймон бирла ўзининг бирон нимарсага ё кимсага банд этган барча кишиларга зид ўлароқ, ўзга тарзда енгил ҳаёт кечирishing мумкин эди».

Сўнгра тақводор ота бемордан, ўз баднафслигинг бирла худонинг газабини келтирмаганимдинг, деб сўради. Бемор эса, чуқур хўрсиниб қўйиб, унга жавобан айтди: «Дарҳақиқат, тангрининг газабини келтирганман, бир эмас, бир неча маротаба газаблантирганман эгамни, баски, инсоф юзасидан гапириш фарз экан, жамки тақводор одамлар сизгари, бутун йил мобайнида барча рўзаларга амал қилган бўлсам ҳам, шунингдек, ҳар ҳафтанинг камида уч кунда ёлғиз нон билан сув тановул қилган бўлсам ҳам, илло, сувни хийла кўп ичардим, айниқса — узоқ фурсат ибодат қилганимда ва муқаддас жойларни зиёрат қилиб толиққан пайтларимда, худди бадмаст одамлар май ичишгандек, зўр лаззат ва ҳузур билан симириб-симириб ичардим. Бундан ташқари, мен қишлоқни аёллар дала ишига кетаётганда тайёрлаб оладиган кўкат салатига кўпинча ружу қўярдим, баъзи пайтларда эса, бирон таомни зўр иштаҳа билан тановул қилаётгандек туярдим ўзимни, ҳолбуки, рўза тутувчи ҳар бир тақводор, худога шак келтирмаслик учун ўзини бундай тутмаслиги лозим эди, мен бўлсам мана шунақа тарзда гуноҳга ботиб рўза тутардим».

Роҳиб ҳам унга айтди: «Бўтам! Буларнинг ҳаммаси ҳам одамзодга хос енгил-елли гуноҳлардир, — бинобарин, бу билан виждонни ҳадеб маломатга қўявериш яхши эмас. Ҳар қандай инсонга ҳам, у қанчалик покдомон бўлмасин, узоқ рўзадан кейин таом, қаттиқ толиққандан кейин — сув бениҳоя лаззатли бўлиб туюлади».

«О, отагинам, менга таскин берманг! — деди мессер Шапелето. — Ўзингиз мендан ҳам яхшироқ биласиз-ку, худо йўлига қилинадиган ҳар бир ишни покиза қўл билан ва виждонга тариқча ҳам доғ туширмаган ҳолда қилмоқ лозим, акс ҳолда, руҳимиз гуноҳни азимга ботади».

Роҳиб шодланиб кетиб шундай деди: «Тафаккуринг йўналишини мени ғоятда хушнуд этди! Шундайин покиза, шундайин пурсаховат виждон соҳибининг шохиди бўлиш мен учун улкан бахт! Лекин менга шуни айт-чи, бўтам: сен пулпарастлик гуноҳига ботмаганимсан, ўзингга керагидан ортиқ ақча жамғаришга уринмаганимсан, сен ўзингга тааллуқли бўлмаган нарсани ноҳақ босиб қолмаганимсан?»

Мессер Шапелето бунга жавобан шундай деди: «Бузрук отам! Мен ҳақимда мулоҳаза юритаркансиз, судхўрлар уйда ётганимни

эътиборга олмаслигингизни истардим: улар билан менинг ҳеч қандай яқинлигим йўқ, мен уларга шу қадар бегонаманки, бу ерга келишимнинг бирдан-бир бонси ҳам уларни фош айлаш, қоралаш ва аларни виждонсизлик билан бойлик орттириш усули — судхўрликни тарк этишга унатишдан иборат эди, камина бу ниятимга етган бўлурдим ҳам магар тангрим мени ўз қошига сўратмаган бўлганиди. Маълумингиз бўлсинки, менинг падарим менга катта мерос қолдирган эрди, мен эсам, отам бандаликни бажо келтирганларидан хиёл вақт ўтиши билан ўшал мероснинг кўпроқ қисмини фақир-фуқарога хайру садақа қилиб тарқатдим. Кейин эса, ўзим тирикчилик ўтказиш мақсадида ва хайр-худоини билан кун кечирувчиларга кўмаклашмоқ ниятида, ризқ-рўз эҳтиёжида оз-оздан савдо-сотик билан машгул бўла бошладим ва лекин тушган даромадни мудом тенг иккига бўлиб, ярмини ўз эҳтиёжим учун сарфласам, ярмини худонинг фақир бандаларига улашдим. Оқибат, тангрим мени шу савоб ишим эвазига ёрлақаб, шундай мадад бердики, ишим кун сайин бароридан кела бошлади».

«Мақбул! — деди роҳиб. — Хўш, менга айт-чи, бўтам, бот-бот ғазабланиб турармидинг?»

«Оҳ! — деб юборди мессер Шапелето. — Ори рост, жуда тез-тез ғазабланиб турардим. Сирасини айтганда, менинг ўрнимда ким ҳам одамларнинг кун-уззукун қилган ҳар бир номақбулчиликларига, эгамнинг амрига риюя қилмаётганига ва тангрининг аҳкомидан хайнқмаётганига шоҳид бўла туриб, ўзини ғазабдан тия оларди? Мен худонинг берган куни ўзимга-ўзим бир неча мароталаб бу фоний дунё ишратидан бўлак нарса тўғрисида ўйламовчи, онт ичиб, онтига хиёнат қилувчи, қовоқхонама-қовоқхона санқиб юриб, черковга эса, қадам ҳам қўймовчи дуневий йўлни, илоҳий йўлдан афзал кўрувчи ёш-ялангларни кўриб яшаганимдан кўра, кўрмайин ўлганим афзал, деб айтардим».

Роҳиб унга жавобан шундай деди: «Бўтам! Бу муқаддас ғазабдир, бинобарин, бунинг учун сени черков жазосига мустаҳиқ қилмайман. Лекин менга айт-чи, ўшал ғазаб сени қотиллик қилишга ундаган, худонинг бандасини таҳқирлашга ённики биронта бошқача ҳақоратга даъват этган воқеа бўлганмиди умрингда?»

Мессер Шапелето бу саволни эшитиб, фарёд солиб юборди: «Шўрим қурсин мен осий банданинг! Сизни мен нақ авлиёдек эъзозласаму сиз бўлсангиз, менга шунақа гапларни айтяпсиз-а! Башарти бу ерда сиз бирма-бир санаб чиққан жинноятлардан биронтасига қўл урган бўлсам, — наҳотки парвардигор эгам ўша заҳоти менинг жонимни олгани азроилни юбормаган бўларди, деб ўйласангиз? Бундай ишлар қароқчиларнинг, бадният кишиларнинг қўлидан келади; мен эсам, ҳар сафар ундайлар билан рўбарў келиб қолган пайтимда: «Йўлингдан қолма! Худо сенга инсоф берсин!» — дердим.

Роҳиб ҳам унга шундай деди: «Худойи таолонинг марҳамати сенга ёр бўлсин, бўтам; энди менга шунни айт: ёлғондакам шоҳид бўлмаганмисан, чақимчилик қилмаганмидинг, ўзганинг молини тортиб олмаганмидинг?»

«Ори рост, бузрук ота, чақимчилик қилганман,— деб тан олди мессер Шапелето.— Менинг бир ваҳшийтабиат қўшним бор эди, муттасил заифасини калтаклагани калтаклаган эди. Бир марта мен шу қўшнимнинг қариндошларига унинг ҳақида ёмон гаплар айтганман — негаки хотини шўрликка раҳмим келган эди: зеро ул эр, ичи олса, қўлига тушган нарса билан боёқишни калтаклай бошларди».

Роҳиб унга деди: «Мақбул! Боя сен менга савдогарлик қилганингни эътироф этган эдинг. Қани, менга айт-чи, аҳли тижоратда учраб турувчи одат бўйича, сен ҳам харидорларнинг ҳақиға хиёнат қилганмисан?»

«Гуноҳқорман, ҳазратим,— деб жавоб айлади мессер Шапелето,— илло, кимнинг ҳақиға хиёнат қилганимни аниқ билмайман: кунларнинг бирида қайсиям бир харидор мендан сотиб олган мовутининг ҳақини олиб келганди, лекин мен ақчани ўша он санаб ўтирмай, пўлат сандиққа солиб қўйган эдим, орадан бир ой ўтгач эса, сандиғимда ҳисобимдагидан тўрт чақа ортиқ пул борлигини пайқаб қолдим. Мен у пулни эгасига қайтариб бериш мақсадида бир йилгача сақлаб ўтирдим, лекин харидордан дарак бўлмади, фақат шундан кейин ўша чақаларни мен худо йўлиға садақа қилдим.

Роҳиб унга жавобан айтди: «Арзимаган пул экан, боз устиға, уни оқилона харжлабсан».

Авлиё ота яна кўп нарсалар борасида саволлар берди, мессер Шапелето эса, ўша йўсинда унга жавоб қайтарарди. Пири бузрук уни жамики гуноҳларидан фориг айлашға шайланиб турган пайтида, бирдан мессер Шапелето унга шундай сўзлар билан юзланди: «Пирим! Сизға ҳали яна бир гуноҳим ҳақида айтганим йўқ».

Роҳиб, у қандай гуноҳ экан, деб сўраган эди, мессер жавоб айлади: «Эсимда, кунларнинг бирида хизматқоримға шанба куни соат учдан кейин уй супуртирган эдим, бу билан муқаддас якшанба куниға ҳурматсизлик қилган эдим».

«Э, бўтам бу аҳамиятсиз!» — деди роҳиб.

«Ундай деманг,— деб эътироз билдирди мессер Шапелето,— якшанба кунини алоҳида эҳтиром ила қадрламоқ даркор, зероки у кун тангримиз Исо алайҳиссаломнинг қайта тирилган куни хотирасига яратилгандир».

Роҳиб эса ундан: «Сен бошқа бирон гуноҳ иш қилмаганмисан?» — деб сўради.

«Бўлмасам-чи, қилганман, пирим,— деб жавоб қилди мессер Шапелето.— Бир марта паришонлик оқибатида, худонинг уйида туपुरган эдим».

Роҳиб жилмайиб қўйиб деди: «Бунга асло қайғурма, бўтам. Ҳатто биз — роҳиблар ҳам худонинг берган куни черковда туपुरамиз».

Мессер Шапелето унга жавобан шундай деди: «Ҳоят помақбул иш қиларкансиз: муқаддас жомени гард юқтирмай покиза тутмоқ лозим, зеро ул даргоҳда тангри йўлиға қурбонлик қилинади».

Мессер Шапелетонинг бу сингари майда-чуйда гуноҳлари жуда кўп чиқди, тазарру охирлаб қолган пайтда эса, у чуқур-чуқур хўрсиниб, аччиқ-аччиқ йиғлай бошлади, шуни ҳам айтиш керакки, у кези келганда хўрсинишним, йиғини ҳам жуда ўринлатиб намоён қиларди.

Авлиё ота ундан: «Нима бўлди сенга, бўтам?» — деб сўради.

Мессер Шапелето эса, унга шундай жавоб қилди: «Эвоҳ, ҳазратим! Юрагимни кемириб ётган яна бир гуноҳим бор, қаттиқ истиҳолага борганимдан уни ҳеч қачон баён қилмаганман. Уни эслашим билан, — ўзингиз шоҳиди бўлиб турибсиз, — кўз ёшимни тия олмайман, зеро имоним комилки, тангрим ҳеч қачон бу гуноҳимдан ўтмагай».

Авлиё ота унга жавобан шундай деди: «Қўй бу гапларни, бўтам, нималар деясан? Башарти одамлар томонидан шу чоққача қилинган жамки гуноҳларни, шунингдек, то қиёмат-қойимгача қилинзидиган гуноҳларнинг барини ёлғиз бир киши қилса-ю, у одам худди сен сингари таассуф қилса ва астойдил қайғурса, тангрим ўзининг беқиёс раҳмдиллиги ва одамзодга бўлган меҳри туфайли унинг гуноҳидан ўтган бўлур эди — фақат худодан ҳеч нимани яширмай барча қилмишлари ҳақида рўй-рост сўзлаб берса бўлгани. Сен ҳам қўрқма, айтавер.

Аммо мессер Шапелето ҳамон фарёд чекнишда давом этиб, шундай деди: «Ҳайҳот, муҳтарам падар! Менинг гуноҳим катта, агарда сиз мен учун ибодат қилмасангиз, тангрим мени кечирмагай».

Роҳиб бунга жавобан: «Айтавер, қўрқма, сен учун ибодат қилгум», деди.

Бироқ мессер Шапелето ҳеч бир сўз айтмай, ҳамон зор-зор қақшаб йиғларди, роҳиб эса, унга таскин берарди. Мессер Шапелето узоқ вақт ҳўнграб йиғлади ва ниҳоят, роҳибнинг тинка-мадорини қуритгач, чуқур бир хўрсинди-да, деди: «Отам! Модомики, мен учун ибодат қилишга сўз берган экансиз, мен ҳам сизга ҳамма гапни айтаман. Билингки, мен болалигимда бир кун онамни сўккан эдим». У шундай деди-ю, кўнгли баддарроқ бузилиб яна ҳўнграб йиғлай бошлади.

Роҳиб ҳам унга: «Бўтам! Ҳали шу сенга гуноҳи азим бўлиб туюляптими? Бошқалар эртадан-кечгача шаккоклик қилишади, лекин яратган эгамнинг карамни кенг, агар улар ўз гуноҳларига тавба қилгудек бўлсалар, парвардигор бажону дил уларнинг гуноҳидан кечади. Наҳотки, эгам сени гуноҳингдан кечмаса? Йиғлама, тинчлан! Гапимга ишонавер, агар сен ҳатто Исони чорчўпга михлаганлардан бири бўлганингда ҳам барибир тангрим сени гуноҳингдан ўтган бўларди — сенинг чин юракдан тавба қилаётганингни кўриб турибман».

Мессер Шапелето эса, унга эътироз билдирди: «Ҳайҳот, отагипам! Нималар деяпсиз? Менинг волидайн муҳтарамам мени тўққиз ой сурункасига сийнаси остида олиб юрган, ундан кейин эса, юз карра, минг карра қўлида кўтариб юрган! Шундай муқаддас зотни ҳақорат қилишга қандай йўл қўйдийкин виждоним, ахир бу энг

огир гуноҳ-ку! Агар сиз мени дуо қилмасангиз, тангрим мени асло кечирмагай».

Роҳиб, мессер Шапелетонинг бошқа айтадиган гапи қолмаганини билгач, унинг гуноҳларидан ўтиб, уни дуо қилди,— чунки у мессер Шапелетонинг чин ҳақиқатни сўзлаганига тўла-тўқис ишонган ва уни авлиё одам, деб эътироф этган эди. Ахир ўлаётган одамнинг тавба-тазаррусига ким ҳам ишонмайди дейсиз?

Алқисса, роҳиб унинг тавбаларини тинглаб бўлиб шундай деди: «Мессер Шапелето! Худо хоҳласа, сиз ҳадемай соғайиб кетасиз. Ва лекин мабодо яратган эгам сизнинг покиза руҳингизни ўз ҳузурига чақириб олгудек бўлса, жисмингиз бизнинг жомеда дафи этилишига эътироз билдирмасиндигиз?..»

Мессер Шапелето унга жавобан бундай деди: «Ҳа, улуг ҳазрат. Менинг жасадимни дафи этмоқ учун бундан мақбулроқ даргоҳни орзу қилишим мумкин эмас: сиз менинг руҳимни ёдлаб ибодат қилишга сўз бердингиз-ку, ундан ташқари, мен ҳамма вақт сизнинг жамоангизни алоҳида иззат-ҳурмат қилардим. Бинобарин, сиздан илтимос қиламан: жомега қайтиб борганингиз ҳамоноқ фармон берингким, мен учун ҳар кунни бомдодда черков аршида табаррук этилувчи Исо алайҳиссаломнинг покиза жисмини олиб келсинлар, чунки гарчи мен ўзимнинг бундай иззат-икромга нолойиқ эканлигимни эътироф этсам ҳам, шунга қарамай, сизнинг оқ фотиҳангиз билан жанозамда қавмлар табаррук вино ичишади, дуойи такбир ўқишади, деган умиддаман,— мен ҳаётимда кўпгина гуноҳ ишлар қилганман, аммо чин христиан сифатида ўлишни истайман».

Муҳтарам падар бунга бажону дил рози бўлди, беморнинг ниятларини маъқуллади ва табаррук вино зудлик билан олиб келинади, деб унга ваъда берди. Бир зумда ваъда ҳам бажо этилди.

Энди гапни уй соҳиблари — ака-укадан эшитинг: улар, мессер Шапелето бизга яна панд бериб қўймасин, деб қўрқиб, бемор ётган хона билан ўзларининг хоналарини ажратиб турган тахта девор ортига ўтириб олиб, ҳамма гапга қулоқ сола бошладилар ва мессер Шапелетонинг роҳиб билан нима ҳақда суҳбатлашганини бемалол тинглаб, ҳамма гапга тушундилар. Улар беморнинг кафоратини тингларканлар, кулгидан ўзларини зўрға тутиб ўтирар ва бир-бирларига шундай дердилар: «Қалай-а? На қарилик, на хасталик, на эшик қоқиб келаётган ўлим даҳшати, на бир-икки соатдан сўнг тангри қаршисида сўроқ беришидан қўрқиш,— ҳеч нима бу бадфеъл одамнинг хулқини тузатишга қодир эмас». Лекин уни монастырга дафи этишга ваъда қилишганини эшитиб, ака-уканинг кўнгли жойинга тушди.

Бир оз вақтдан сўнг мессер Шапелето имон келтирди, аҳволи оғирлашгандан кейин эса, фотиҳасини ўқишди. У қилган гуноҳларига самимият билан иқрор бўлган. Ўша кунни кечки ибодатдан кейин хиёл вақт ўтар-ўтмас, бандаликни бажо келтирди. Мана шу муносабат билан уй соҳиблари олдиндан тантанавор мотам маросимига — марҳумнинг ҳисобига, албатта,— ҳозирлик кўришиб, марҳумга бутун расм-таомилга амал қилган ҳолда ҳам оқшомда, ҳам

бомдод пайтида дуойи такбир ўқисинлар учун роҳибларга одам юбордилар ва бу маросим учун зарур бўлган барча тайёргарликни кўриб қўйдилар. Марҳумни тавба қилдириб гуноҳини кечган авлиё ота, унинг қазо қилганини эшитиб, монастырь пири билан келишиб олди ва черков қўнғироғини чалдириб, жами монастырь аҳлини кенгашга йиғди ва мессер Шапелетонинг қилган тавба-тазаррусига қараганда, у авлиё одам экан, деб барчага эълон қилди. Бунга илова қилиб яна у, парвардигори олам бу марҳум туфайли бисёр мўъжизалар кўрсатгай, бинобарин, ога-иниларимиз бу марҳумнинг жасадини бениҳоя лутф ва иззат-икром билан муқаддас боргоҳимизга қабул этгай, деб умид билдирди. Аббат ва лақма зоҳидлар бунга ўз розилиklarини билдиришди. Улар шу оқшом мессер Шапелетонинг жасади ётган уйга равона бўлдилар, у ерда узундан-узоқ пуршукуҳ такбир ўқидилар, эрталаб эса, ридо ва сербар жуббалар кийиб, ҳамда хоч ва инжил кўтаришиб, марҳум шаънига муножот айтишиб, унинг жасади ортидан юра бошладилар ва шаҳарнинг эркагу аёл—бутун аҳолиси кузатувида гоят зўр дабаба ва тантана билан жасадини черковга олиб бордилар. Тобут черковга қўйилгач эса, руҳоний ота минбардан туриб, марҳум ҳақида, унинг турмуш тарзи ҳақида, унинг рўза тутгани, бокиралиги, соддадиллиги, софдиллиги, муқаддас зотлиги ҳақида мўъжизалар гапира бошлади, шу билан бирга, у мессер Шапелетонинг, кўзларидан шашқатор ёш оқиб, энг оғир гуноҳи учун тавба қилгани ҳақида ва ўзи, яъни авлиё ота, тангри бу гуноҳингни кечиради, деб уни зўрға юпатгани ҳақида баён қилди-да, пировардида ваъзига қулоқ осиб турган қавмларга таъна билан шундай деди: «Сиз, бадбахтлар эсангиз, сёғингиз остидан чиққан қандайдир арзимас хасга қоқилиб кетиб худони ҳам, Биби Марямни ҳам, жамики малоикаларни ҳам бўралаб сўкишга тушасизлар!» У марҳумнинг беқусурлиги ва руҳан поклиги ҳақида яна узоқ гапирди. Унинг бу хутбасини черков қавмлари батамом эътироф этдилар; оқибат, авлиё ота қавмлар қўнғилида марҳумга нисбатан шундай меҳр уйғотдики, хутба ўқилиб бўлиши билан черковда тасаввур қилиб бўлмайдиган тўс-тўполон кўтарилди: ҳамма марҳумнинг илки ва пойдан ўпгани жасад устига ёпирилди, унинг эгнидаги либосни тилка-пора қилиб йиртиб юборишди ва у либосдан бир парчаси nasib этган одам ўзини хушбахт ҳисоблай бошлади. Черковнинг жами қавмлари келишиб марҳумни мушоҳада қилсинлар, деган мақсадда тобутни кун бўйи черковда қолдирдилар. Кечаси бўлганда эса, уни мустаҳиқ иззат-икром билан ер остидаги даҳмага, мрамар сағанага қўйдилар, эртаси куни эса, сағанага халқ дарёдай оқиб кела бошлади: зиёрат қилувчилар шамлар ёқишар, дуо ўқишар, назр-ниёз аташар, аҳд-паймон қилишар ва аҳдларини унутмаслик тимсоли сифатида мум тасвирлар илтишарди. Қазо қилган бу марҳумнинг мўътабарлиги ҳақидаги овоза бир зумда ҳамма ёққа тарқалди, оқибат уни шу қадар иззат-ҳурмат қила бошладиларки, бошига бирон кулфат тушган ҳар кимса мессер Шапелетодан бошқа авлиёга сиғинмай қўйди. Энди уни «авлиё Шапелето» деб атай бошладилар ва ҳанузгача шундай деб юритадилар, яна шу нарсани таъкидлайдиларки, парвардигор

бу авлиё орқали ғоят кўп мўъжизалар намоён қилибди ва мазкур авлиёга имон келтириб, унга сиғинувчи барча кишиларга тангри ҳамон ҳар куни мўъжиза намоён қилишни тарк этмай келаркан.

Мана, пратолик мессер Чеппарелло шундай умр кечирган, қазо қилган ва оқибат, ўзингиз билдингиз, оқибат, азиз-авлиёлар сафига киритилган эди. Ўйлайманки, у мангу фароғатга сазовор бўлиб, жаннатга тушган бўлса ажаб эмас, зеро, гарчи у қусурли ва бебош ҳаёт кечирган бўлса ҳам, бироқ ўлими олдидан ўз гуноҳлари ҳақида шу қадар изтироб чекиб тавба қилдики, оқибат, парвардигор унга раҳм айлаб, унга ўзининг арши аълосидан жой ато этгандир, деб ўйлайман. Лекин бу мубҳам нарса; борди-ю, ўз фикри ожизимиздан келиб чиқиб, хулоса қиладиган бўлсак, у беҳиштга эмас, балки шайтоннинг чангалига тушиб, абадулабад азобга маҳкум этилмоғи лозим менимча. Бас, шундай экан, парвардигорнинг бизга раҳм-шафқати беқиёсдир, зероки, у бизнинг гумроҳлигимизга эмас, балки имонимизнинг поклигига қараб ҳукм чиқаради, яъни, унинг ғаними шайтонни ўзимизга дўст деб ўйлаб, ҳимояткор деб тап олганимизни у гуноҳга йўймайди, балки тоат-ибодатимизни, гўёки энг покиза авлиёга қаратилган деб эътироф этиб, биздан ҳамдард-лигини асло дариг тутмайди. Шунга кўра, модомики биз эгамнинг шафқати билан ҳозирги офат пайтида ушбу даврада соғ-саломат, ўйнаб-кулиб ўтирган эканмиз, бу ерга кимнинг номини тилга олиб тўпланган бўлсак, унга ҳамду сано ўқийлик, уни мадҳ этайлик-да, у илтижомизни эшитгай, деб қатъий имон келтирган ҳолда ўзимизни унинг ихтиёрига топширайлик.

Шу ўринда ҳикоят ниҳоясига етди.

2

Жуҳуд Абрам Жаннотто ди Чивиньининг маслаҳати билан Рим саройига ривона бўлади, кейин эса, у ердаги руҳонийларнинг разилликларини ўз кўзи билан кўрган, Парижга қайтади-да, христиан динини қабул қилади

Панфило ҳикоясининг айрим ерлари хонимларни кулдирган бўлса ҳам уни ҳамма эътибор билан тинглади ва умуман, у барчага маъқул бўлди; Панфило ўз ҳикоясини тугатган замоноқ малика навбатни унинг ёнида ўтирган Нейфилага берди. Гўзалликда қанчалик камолотга етган бўлса, ахлоқ-одоб бобида ҳам шунчалик баркамол бўлган Нейфила бажону дил бунга рози бўлди-да, ўз ҳикоясини шундай бошлади:

— Панфило айтган қиссадан шу нарса аён бўлдики, парвардигор қарами кенг бўлганлигидан, бизларнинг ғафлатда қолиб, гумроҳлик қилганимизни айбга йўймас экан, мен эсам, ўз қиссамда барча хатти-ҳаракатлари ва гап-сўзлари билан парвардигорга чин қалбдан имон келтириш ўрнига, тамомила тескари иш кўрувчи одамларнинг иллату қусурларига, фақат марҳамати улуғ бўлгани учунгина сабр-бардош қилиб ва айнан шу қилмниши билан

Ўз марҳаматининг ҳар қандай шубҳадан йироқ эканлигига ишора қилаётган эгамнинг биз осийларга имонимиз кўрсатган йўлдан мудом ҳеч оғишмай боришни даъват этишини исботламоқчиман.

Менга етиб келган мишмишларга қараганда, дилбар хонимлар, Парижда Жаннотто-ди Чивиньи исмли бадавлат бир савдогар истиқомат қилар экан; у оққўнғил, номусли ва диёнатли одам бўлиб, кўтарасавдо билан мовутфурушлик қилар экан, айни пайтда у Абрам исмли бир жуҳуд билан жуда қалин дўст эканким, у ҳам савдогар бўлиб, давлатманд, диёнатли ва номусли одам экан. Унинг инсофли ва номусли эканини билган Жаннотто, у мўътабар, андишали ва ажойиб инсоннинг руҳи динининг нобоплигидан завол кўради-да, деб қаттиқ ранжиб юрар экан. Шунга кўра, Жаннотто бундай ҳолнинг олдини олмоқ мақсадида ва қадрдон дўст сифатида Абрамни жуҳудларнинг қусурли динини тарк этишга ва беқусур дин бўлмиш христианлар динини қабул қилишга ундай бошлапти, зеро,— депти у,— мана шу муқаддас ва ҳаққоний дин тобора камол топиб, мудом кенг кўламда тарқалмоқда, сенинг дининг эса, буининг акси ўлароқ, муттасил бенаво бўлиб, йўқолиб бормоқдаким, бунга ўзинг ҳам шоҳид бўлишинг мумкин.

Жуҳуд жавоб берибдики, унинг тушунишича, энг муқаддас ва энг ҳаққоний дин яҳудийлар динидир, у шу динда туғилган, шу динга имон келтириб яшамоқчи ва шу дин билан ўлмоқчи, бинобарин уни бу ниятидан қайтишга мажбур эта олувчи ҳеч қандай куч мавжуд эмасдир. Бироқ Жаннотто бу жавоб билан қаноатланмай, бир неча кундан кейин жуҳуд билан яна айнан шу мавзуда суҳбат бошлапти ва динимизнинг жуҳудлар динидан афзаллигини энди савдогарларга хос кўполлик билан исботлай бошлапти. Жуҳуд ўз динининг аҳқомларини жуда пухта биларкан, бироқ Жанноттога меҳри товланиб кетганиданми ё муқаддас руҳ томонидан бу оддий фуқаро дилига жо қиллинган ҳикматли сўзларнинг унга таъсир қилганиданми, ҳар қалай, у аввалгидай ўз динига қатъий ишонган ва уни тарк этишни мутлақо истамаган ҳолда, Жанноттонинг келтирган далилларига ғоят зўр эътибор билан қулоқ сола бошлапти.

Шундай қилиб, жуҳуд ҳеч ён босмапти. Жаннотто эса, ҳеч бўш келмай, унга ҳадеб гап уқтиравериптики, ахирн жуҳуд унинг лафзига кўниб шундай депти: «Хўп, майли, Жаннотто. Сен менинг христиан бўлишимни ихтиёр қилган экансан, мен тайёрман, лекин бир шартим шуки — мен даставвал Римга бориб, сенинг таърифингга кўра худонинг ердаги ноибни ҳисобланган зотин бориб кўраман, унинг ҳамда кардиналларининг ахлоқ-одобини, турмуш тарзини кўздан кечираман. Борди-ю, мен улар тимсолида сен айтган сўзларнинг исботини топсаму динингизнинг менинг динимдан афзал эканлигига шоҳид бўлсам,— ахир сен менга айнан шу фикрни исботлашга уринаётувдинг-ку,— сенга берган сўзимнинг устидан чиқаман; акс ҳолда яҳудийлигимча қолавераман».

Жаннотто бу сўзларни эшитиб, қаттиқ хафа бўлибди ва ўзинча шундай дебди: «Бутун уринишларим зое кетди, ҳолбуки, гапларим унга қор қилгандай бўлиб туюлувди, уни ўзимга оғдирдим, деб

ишонувдим. Дарвоқе, агар Абрам Римга бориб, у ерда руҳонийларнинг малъунлиги, бадхулқлигини ўз кўзи билан кўргудай бўлса борми, икки дунёда ҳам христиан динини қабул қилмайди, — асло: борди-ю, қабул қилганида ҳам кейинчалик, барибир, ўз яҳудий дини боргоҳига албатта яна қайтади». Кейин у, жуҳудга юзланиб шундай дебди: «Қулоқ сол, азиз дўстим: Римга сафар қилиш машаққатли ва кўп харажат талаб қилади — нима қиласан у ёққа бориб? Мен ҳали, сендек давлатманд одамнинг йўлига ҳам қуруқликда, ҳам денгизда гов бўлувчи хавф-хатарлар ҳақида оғиз очганим йўқ. Наҳот, сени чўқинтирадиган одам шу ерда топилмаса? Дилингда христиан динига нисбатан шубҳа бор, деб ҳам фараз қилайлик — ҳолбуки, сенга ҳаммасини батафсил тушунтириб берганман, — сенинг барча иштибоҳларингни ойдинлаштириб, барча саволларингга жавоб беришга қодир бўлган шундай улғу алломаларни ва шундай ҳукамонларни бу ердан бошқа яна қаердан топасан? Менимча, бормаганим маъқул. Гапимга ишон: дин пешволари у ерда ҳам худди ўзимиздагидек, агар сал афзалроқ бўлишса, бунга сабаб фақат зоти муқаддасга яқин турганлигидандир. Хуллас, кучингни индульгенция учун қиладиган сафарга асрашингни маслаҳат қиламан — кейинроқ, эҳтимолки, мен ҳам сенга ҳамроҳ бўлурман».

Жуҳуд унга жавобан бундай дебди: «Сенга ишонаман, Жаннотто, бироқ гапнинг қисқаси, истагингни бажо келтириш мақсадида сафарга чиқишга аҳд қилдим; акс ҳолда, мен христианлики қабул қилмайман».

Жаннотто унинг нияти қатъийлигини кўриб: «Ҳай, сафаринг беҳатар бўлсин», — дебди, кўнглидан эса, агар у Рим саройидаги воқеаларни ўз кўзи билан кўрса, асло христиан бўлмайди, деган гапни ўтказибди, бироқ уни ниятидан қайтариб бўлмаслигини тушуниб, уни энди ўз ҳолига қўйишни мақбул кўрибди.

Жуҳуд отга минибди-ю, «ҳайё-ҳайт», деб Римга равона бўлибди; у манзилга етиб бориши ҳамоно, у ерлик жуҳудлар уни зўр эҳтиром билан кутиб олиптилар. Илло, у ўзининг не мақсадда саёҳатга чиққани ҳақида ҳеч кимга лом-мим деб оғиз очмабди ва папанинг, кардиналларнинг, ўзга дин пешволарининг ва барча сарой аъёнларининг турмуш тарзини пинҳона кузата бошлапти. У ўз кўзи билан кўрган ҳоллардан, — зеро у гоятда зийрак одам экан, — ва шунингдек, ўз қулоғи билан эшитган гаплардан шундай хулосага келибди: яъни, юқорида зикр этилган зотларнинг каттаю кичик — барчаси ошқора фосиқлик қилишар, наинки табиий фаҳшга, шунингдек, болабозлик гуноҳига ҳам мук кетишган экан, уларнинг биронтасида ҳам шарм-ҳаё, ор-номус деган нарса йўқ бўлиб, бу ерда бадахлоқ қизлар, шунингдек, ўғил болалар катта эътиборга сазовор эканким, оллоҳнинг марҳаматига мушарраф бўлмоқни истаган киши, шу қиз ва болаларнинг воситасисиз ҳеч иш қилолмас экан. У яна, бу ердаги одамларнинг ҳаммаси бир хилда ҳайвонлардан асло фарқ қилмайдиган баднафс, бадмаст, майпараст, мечкай одамлар эканлигини, буцинг устига, ошқора бузуқи одамлар эканлигини ҳам пайқабди ва бу шахсларни диққат

билан кузатган сари, уларнинг тамагирлигига, очкўзлигига шунча кўп ишонч ҳосил қила бошлабди; уларнинг очкўзлиги шу даражада эканки, улар одамзоднинг, ҳаттоки христиан бандасининг қонини ҳам, шунингдек, турли-туман черков анжомларини, — хоҳ у бук м бўлсин, хоҳ либос бўлсин, — олиб сотишаркан, ниҳоятда эпчиллик билан савдо қилишаркан, уларнинг бу борадаги воситачилари Париждаги мовутфурушлар ёнги ўзга мол сотувчи савдогарлардан ҳам кўп экан, диний лавозимларни ошкора сотиб олиш уларнинг тилида илтимос, очофатлик эса, мадад деб аталаркан, — гўё бул сўзларнинг асл маънисини худога аён эмасдай, — ахир эгам бадният бандаларининг ниятларини доимо мушоҳада қилиб туралми-ю, бинобарин, бошқача ном қўйиш билан тангрини алдаб бўламанми? Шу нарсаларнинг барчаси, шунингдек, биз бу ерда тилга олмасликни афзал билган яна анча-мунча бошқа иллатлар жуҳуд учун жирканч туюляпти, зеро у сабр-қаноатли, хокисор одам экан, ниҳоят у дин пешволарининг турмуш тарзини етарли даражада кузатганига ишонч ҳосил қилиб, Парижга қайтишга қарор қилибди ва бу қарорини амалга оширибди. Унинг қайтиб келганини эшитган Жаннотто, гарчи унинг христиан динига ўтишидан деярли умидини узган бўлса ҳам дарҳол унинг қошига шошилибди ва улар дийдор кўришганларидан беҳад шодланишибди. Жаннотто жуҳуднинг ҳордиқ чиқариши учун бир неча кун имкон бериб, сўнгра зоти муқаддас папа, кардиналлар ва ўзга аъёнлар сенга мақбул бўлди, деган мазмунда унга савол бера бошлабди.

Жуҳуд ўйлаб-нетиб ўтирмасдан шартта жавоб қилибди: «Асло мақбул бўлмади, худонинг қаҳрига учрагурлар! Бунинг боиси бу турур: менинг кузатувим бўйича, у ердаги руҳонийлардан биронтаси ҳам на авлиёлиги, на художўйлиги билан ажралиб туради, уларнинг биронтаси ҳам хайр-эҳсон қилмайди, ҳеч ким эзгу ибрат кўрсатмайди, хуллас, саховатга ўхшаш ҳеч нима кўрмадим, бироқ у ерда шаҳватпарастлик, баднафслик, очкўзлик, тамагирлик, ҳасад, такаббурлик, шу каби ва улардан ҳам бешбаттар иллатлар — агар бундан баттар иллатлар ўзи бўлса, — гуркираб яшнаяпти, шунга кўра, Рим менинг кўзимга савоб ишлар ўчоғи эмас, балки жаҳаннам фитнахонаси бўлиб кўринди. Менинг тушунишимча, сизларнинг бузрук пирингиз, унга эргашиб эса, бошқа ҳамма дин пешволари ҳам христиан динини йўққа чиқаришга, ундан ер юзида ному нишон қолдирмасликка уринишиб ётишипти ва бу ишни улар ниҳоятда зўр ҳафсала билан, ниҳоятда қувлик билан ва ниҳоятда моҳирлик билан бажармоқдалар, ҳолбуки, улар бу диннинг таянчи ва ҳомийси бўлишлари керак эди. Лекин шунга қарамай, иш улар ўйлаганча бўлмаяпти: сизларнинг динингиз тобора кенгроқ тарқалмоқда ва тобора кўпроқ зиё таратиб, мафтункор чарақламоқда, — мана шу боисдан мен, бу диннинг таянчи ва ҳомийси муқаддас руҳ эканлигига ҳеч шубҳа қилмай қўйдим, зеро бу дин бошқа барча динларга нисбатан ҳаққонийроқ ва муқаддасроқдир. Мен узоқ вақт регимни тираб туриб олиб, христиан бўлишдан бош тортган ва сенинг панд-насиҳатларингни рад этиб келган эдим, энди бўлса, очиқдан-очиқ айтаман: албатта христиан динини

қабул қиламан. Қани, кетдик, черковга, у ерда сен муқаддас ливингиз таомилига биноан мени чўқинтирасан».

Жаннотто тамомила бошқача натижа кутган эди; лекин бу сўзларни эшитгач, шодлигининг чеки бўлмабди. У жуҳуд билан Париждаги Биби Марям жомесига бориб, у ердаги кашишлардан Абрамни чўқинтиришни илтимос қилибди. Улар бу илтимосни дарҳол бажо келтирибдилар. Жаннотто унга васий бўлибди ва Жованни деб исм қўйибди, сўнгра унга динимиздан сабоқ беришни мўътабар кишиларга топширибди ва Жованни оз фурсат ичида ёрча панд-насиҳатларни мукаммал ўзлаштириб олиб, шундан кейин то умрининг охиригача саховатли, мўътабар, авлиёсифат одам бўлиб қолган экан.

3

Яҳудий Мельхиседек уч узук ҳақидаги ҳикояси билан ўзига қарши Салоҳиддин томонидан қўйилган энг хатарли домни баргараф қилади

Нейфиланинг ҳикояси бутун жамоага мақбул бўлди, шундан кейин қироличанинг хоҳиши билан Филомена гап бошлади:

— Нейфила сўзлаб берган ҳикояни тинглаб бир яҳудий билан юз берган ғоят хатарли бир воқеа эсимга тушди. Бу ерда худо ҳақида ва динимизнинг энг ҳаққоний динлиги ҳақида айтиб ўтилди, шунга кўра, агар биз энди бандаларнинг ишлари ва қилмишлари ҳақида гап юритсак, бунинг ҳеч қандай ножўя ери бўлмаса керак— бинобарин, мен сизларга айнан шу ҳақда ҳикоя қилмоқчиман, уни тинглаганингиздан кейин, ўзингизга берилган саволларга ғоят эҳтиёткорлик билан жавоб берадиган бўлгайсиз.

Шу нарса сизларга маълум бўлсинким, пурназокат дугоналарим, калтабинлик кўпинча одамларни масъуд ҳолатдан чиқариб, қаҳру ғазаб гирдобига улоқтиради, лекин бунинг акси ўлароқ, идрок донншмандни фалокат домидан қутқариб, унга баркамол ва мустаҳкам ором бағишлайди. Хушбахт ҳаёт лаззатини тотиб юрган одам ўз тентаклиги оқибатида ҳақирга айланиб қолишига жуда кўп мисоллар далил бўла олади, бироқ ҳозирги суҳбатимизда у далилларни келтиришдан маъни йўқ, аммо идрок инсонга мадад бериши, боя сизга ваъда қилганимдай, меннинг қўйидаги қиссагина ҳикоямдан аён бўлгай.

Салоҳиддиннинг шону шавкати ниҳоятда сарбаланд бўлиб кетган эди, бир вақтлар ном-нишонсиз фақирона кун кечирган бул зот Бобил султони бўлди, бундан ташқари: у христиан қироллари ва сарацинлар султони устидан жуда кўп зафар қозонган, бироқ тез-тез бўлиб турган урушлар ва ўзи кечираётган сердабдаба ҳаёт унинг хазиначисини шипшийдам қилиб қўйган эди, бу орада яна унга тўсатдан хийлагина пул керак бўлиб қолди ва у ўзи учун ниҳоятда зарур бўлган ақчани қаердан топиш ҳақида узоқ вақт бош қотириб, ниҳоят, Искандарияда истиқомат қилиб, судхўрлик

билан шуғуланувчи Мельхиседек исмли бадавлат бир яхудийни эслаб қолди. «Мана шу одам, — деб ўйлади у, — агар истаса, менга зарур миқдордаги пулни қарз бериши мумкин». Бироқ судхўр хасис одам бўлиб, ўз ихтиёри билан Салоҳиддинга қарз бермаслиги аниқ эди, Салоҳиддиннинг эса, унга зуғум қилгиси келмасди, лекин муҳтожлик уни шундай қилишга мажбур этди, султон қандай қилиб яхудийни қарз беришга мажбур этиш ҳақида фикр юрита бошлади ва ниҳоят ўзининг синчков заковати ниқоби остида унга зўравонлик қилмоқчи бўлди.

Салоҳиддин яхудийга одам юборди, уни илтифот билан қарши олди ва ўз ёнига ўтқазиб, шундай деди: «О, диловар зот! Менга сени донишманд, тақводорликда кўпчиликдан ўзиб кетган, деб айтишди, шу боисдан сендан бир нарсани сўрамоқчи эдим: учта диндан қайси бирини сен энг ҳаққоний дин деб ҳисоблайсан — жуҳудларникини, мусулмонларникини ё христиан дининикини?»

Яхудий чиндан ҳам донишманд одам эди, шунга кўра, у Салоҳиддиннинг ниятини — куткилаш мақсадида уни тилидан илинтирмоқчи бўлганини дарров пайқаб олди-ю, учта диндан биронтасини ҳам афзал кўрмасликка қарор қилди, — шундай қилсам, Салоҳиддин ўз ниятига ета олмайди, деб ўйлади. У ўзини хижолатга солиб қўймайдиган жавоб ахтариб бутун тафаккурини ишга солди ва тезда жавоб топиб шундай деди: «Султоним! Сиз берган бу савол гоятда теран маънога эга. Бу борада ўзимнинг қандай фикрда эканлигимни изоҳлаш учун, сизга бўлиб ўтган бир воқеани баён қилишни зарур деб ҳисоблайман. Агар янглишмасам, мен бир номдор, давлатманд одам ҳақида кўп маротаба эшитган эдимки, унинг хазинасида беҳисоб қимматбаҳо буюмлар орасида бир ажиб ва азиз узук сақланаркан. У ана шу узукнинг эзгулиги ва гўзаллигини эътироф этиш ниятида ва ул узукнинг авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтишини истаб, шундай фармойиш берилди: узукни қайси ўғлимга васият қилиб қолдирсам, ўша менинг ворисим деб тан олинмоғи лозим ва қолган ҳамма фарзандларим уни авлодимизнинг улуғи деб иззат-ҳурмат қилмоқлари шарт. Ўша узукка муяссар бўлган ўғил ҳам кейинчалик ўз фарзандларига нисбатан айтган отасининг удумини қўллаб иш кўрипти. Қисқа вақт ичида узук кўпгина авлоднинг қўлидан ўтипти ва ниҳоят шундай одамнинг қўлига тушибдики, унинг уч нафар ўктам, хушахлоқ ўғли бўлиб, учовлари ҳам оталарининг сўзидан чиқмайдиган одобли йигитлар экан, шунга кўра ота ҳам уларнинг учовига бирдай меҳр қўйган экан. Йигитлар ўз оилаларида расм бўлган узукни мерос қолдириш одатидан хабардор эканлар, шунинг учун, ҳар бир ўғил ўзини бошқа оға-иниларидан афзалроқ кўрсатишга интилар ва эндиликда қариб-мункайиб қолган отасига ялиниб-ёлвориб, узукни ўзига васият қилиб қолдиришини сўраркан. Ҳамма фарзандини бир хилда яхши кўрувчи бу зот қайси ўғлини ворис қилишни билмай боши қотиб қолипти, у: узукни сенга васият қилиб қолдираман, деб ҳар хил пайтда ҳар бир ўғлига сўз бериб қўйган экан, энди эса, айнан қайси бир ўғлига

қолдиришни билмай гаранг бўла бошлапти, бироқ у ниҳоят учала ўғлини ҳам мамнун қиладиган бир эзгу ишга аҳд қилипти, у бир моҳир заргарни топиб, ўшал узукка худди қуйиб қўйгандай ўхшовчи яна иккита узук ясашни пинҳона буюрибди, узуклар биринчи узукча чунонам ўхшабдики, буюртма топширган отанинг ўзи ҳам уларни бир-биридан зўрға фарқ қила олипти. У ўлими олдидан ҳар қайси ўғлини алоҳида чақиртириб, пинҳона биттадан узук тутқазипти. Ота оламдан ўтибди, шундан сўнг учала ўғил ҳам унинг мероси ва иззат-обрўсига даъвогар бўлишиб чиқишипти ва ҳар бир ўғил бошқасининг меросхўрлик даъвосини рад этиб, ўз ҳуқуқининг дахлсизлиги исботи сифатида узук кўрсатипти. Узуклар бир-бирига шу қадар ўхшарканки, улардан қайси бири ҳақиқий эканлигини ҳеч ким аниқлай олмабди, бинобарин, отанинг вориси ким бўлади, деган масала очиқ қолипти ва ҳатто ҳанузгача шу алфозда қолиб келармиш. Ижозатингиз билан, султоним, мен учта дин қонуни ҳақида ҳам айнан шундай дейман, зеро сиз мендан сўраганингиз ўшал уч диний қонунни парвардигор— падар уч халққа тортиқ қилгандирким, ҳар бир халқ ўзи учун ҳақ йўл очиб берувчи ўшал чинакам қонуннинг вориси, эгаси ва ижрочиси, деб ҳисоблайди ўзини, бироқ уларнинг қайси бири муяссар бўлган ундай қонунга — бу савол, мисоли уч узук масаласи янглиғ, ҳамон жавобсиз қолиб келади».

Салоҳиддин яҳудийнинг ўз оёғи остига қўйилган тузоқдан ғоятда усталик билан қутулиб чиқиб кетганини эътироф этишга мажбур бўлди ва ўзининг эҳтиёжи ҳақида дангал гапириб ундан ёрдам сўрашга қарор қилди. У шундай қилди ҳам, агар яҳудий бу қадар айёрлик билан жавоб қилмаганида, у, яъни Салоҳиддин унинг бошига не кулфатлар солмоқчи бўлганини яҳудийдан яширмай айтиб берди. Яҳудий у сўраган миқдордаги ақчани бажону дил унга қарз берди, Салоҳиддин эса, кейин у қарзини тўла-тўкис қайтарди, боз устига, яҳудийга шоҳона совғасаломлар инъом этди, у билан дўст тутинди ва унга юксак ва мўътабар лавозим бериб, уни ўзига яқин қилиб олди.

4

Бир роҳиб ғоят қаттиқ жазога лойиқ гуноҳ қилиб қўяди, бироқ у ўз аббатининг айнан шундай жиноят қилганини инкор қилиб бўлмайдиган далил билан фош айлаб, жазодан қутулиб қолади

Филомена ҳикоясини тугатган заҳоти, унинг ёнида ўтирган Дионео қироличанинг фармойиш беришини кутиб ўтирмай, ўз ҳикоясини бошлаб юборди, зеро жорий қилинган тартибга биноан навбат унга келган эди; у шундай ҳикоя қила бошлади:

— Муҳтарама хонимлар! Агар барчамизнинг истагимизни тўғри тушунган бўлсам, биз бу ерга қизиқ ҳикоялар айтиб бир-биримизни хушнуд этгани йиғилганмиз. Бинобарин, ўйлайманки, —

бу борада ҳозиргина қироличамиз ҳам айтиб ўтдилар, — ўйлайманки, шу шартларга амал қилган ҳар биримиз, биз учун кўпроқ лаззат бағишлаши мумкин деб ҳисоблаган ўз ҳикоясини баён қилаверсин. Биз Жаннотто ди Чивиньининг эзгу маслаҳатларига амал қилиб, ўз руҳини халос этган Абрам ҳақида ва Мельхиседекнинг ақл-фаросати унинг бойлигини Салоҳиддин қўйган тузоқдан асраб қолгани ҳақида эшитдик, энди мен бир неча оғиз сўз билан бир роҳибнинг ўз тадбиркорлиги туфайли оғир жазодан қутулиб қолгани ҳақида ҳикоя қилмоқчиманки, бу ҳикоям учун мени қойимассизлар, деган умиддаман.

Бу ердан сал нарироқда, Лунижанда бир монастирь бор, авваллари у ерда зоҳидлик ҳам равнақ топган, зоҳидлар ҳам кўп эди ҳозирги пайтга нисбатан, хуллас, у ерда бир ёш роҳиб бўлиб, унинг соғлом жисмини ва тушовсиз ҳирсини на рўзалар, на тунги бедорликлар совита олганди. Мана, у кунларнинг бирида туш пайтида, ҳамма роҳиблар ухлаб ётганида, ёлғиз ўзи черков атрофида сандироқлаб юриб, тасодифан дўндиққина бир қизни учратиб қолади, — кўринишидан шу ерлик деҳқоннинг қизи бўлса керак, — қиз ўтлоқда гиёҳ териб юарди. Уни кўрган заҳоти роҳиб йигитнинг шахвоний нафси уйғониб кетади. У қизга яқин бориб, унга гап қотади, гандан гап чиқиб, мурасага ҳам келиб олишади, натижада роҳиб уни ҳеч кимга сездирмасдан ўз ҳужрасига олиб кириб кетади.

Ва лекин шахват алангасида ёнаётган бепарво йигит қиз билан кўнгилхушлик қилиб ётган бир пайтда, уйқудан уйғониб, унинг ҳужраси ёнидан товуш чиқармай оҳиста ўтиб кетаётган аббатнинг қулоғига бирдан икковларининг гурпанглашаётгани эшитилиб қолади. Аббат ҳужрадан чиқаётган овозларнинг кимникилигини аниқлаш учун эшик тагига пусиб бориб, ичкарига қулоқ солади-ю, ҳужрада заифа борлигига муқаррар ишонади, — шу чоқ у, эшикни очинглар, деб қичқиришга оғиз жуфтлайди-ю, илло, шайтон васвасасидан ўзини базўр тийиб, бу ниятидан қайтади ва ўз ҳужрасига қайтиб кириб, роҳибнинг ҳужрадан чиқишини пойлаб ўтиради. Ва лекин роҳиб, гарчи қизча билан ғамза айлаб, бутун вужуди билан камоли лаззатга ғарқ бўлиб ётган бўлса ҳам мудом сергак эди ва йўлакда шарпа эшитилганида эшик тирқишидан қараб, остонада қулоқ солиб турган пирини кўриб қолган ва пирим ҳужрамда аёл киши борлигини пайқаган бўлиши муқаррар, деган қатъий қарорга келган эди. Энди у жазойи душворга мустаҳиқ этилиши ҳақида ўйларкан, ич-ичидан зил кетади-ю, илло, қизга бунга сездирмайди, у жазодан қутулиш учун турли-туман воситаларни бирма-бир хаёлидан ўтказиб, улар орасидан халоскор воситани ахтра бошлайди; шу чоғ унинг миясига ниҳоятда антиқа бир найранг келадики, айнан мана шу найранг уни тўппа-тўғри муроди мақсадга етказди.

У ўзини, қизнинг висолига тўйгандек қилиб кўрсатиб, унга шундай дейди: «Чиқиб қарай-чи, ҳеч ким йўқмикин — тагин сени кўриб-нетиб қолшмасин; — лекин сен, то қайтиб келгунимча жимгина ўтир».

У ҳужрадан чиқиб, эшикни қулфлайди-да, тўппа-тўғри аббатнинг олдига боради ва унга ўз ҳужрасининг калитини бериб (зеро, ҳамма роҳиблар ҳам уйдан чиқишганида шундай қилишарди), бақрайганча шундай дейди: «Пирим! Бугун эрталаб мен сиз учун ўтин тайёрлашларини буюрибману, аммо уни ҳужрангизга олиб келиш кераклигини айтишга улгурмабман. Шу боисдан, менга фотиҳа берсангиз, ҳозир ўрмонга бориб келсам».

Пир роҳибнинг не ишлар билан машғул бўлганини ўз кўзи билан кўрмоқчи бўлганлиги сабабли ва роҳибнинг ҳозир оромбахш гафлат қучоғида эканлигига имони комил бўлганидан, ушбу вазиятдан мамнун бўлади, унинг қўлидан калитни камоли хоҳиш билан олади-да, худди шундай хоҳиш билан уни ўрмонга жўнатади. Роҳиб кетганидан кейин, пир: «Қандай қилсам мақбул бўлар экан: барча муридлар шоҳидлигида ҳужрани очиб, роҳибни шарманда қилсаммикин,— гар шундай қилсам, кейин уни жазога мустаҳиқ қилганимда муридларимнинг мендан зорланишларига важ топилмайди,— ёинки аввал бўлган воқеанинг тафсилотини қизнинг ўзидан суриштирсаммикин?» — деб ўйлай бошлайди. У шундай фикр юришиб туриб: балки у роҳиблар олдида шарманда қилиниши асло мақсадга мувофиқ бўлмаган аёлдир,— бирон нуфузли одамнинг рафиқаси ё қизи бўлиб чиқар?— деган тараддудга тушиб қолади. Шу мулоҳазадан кейин пир аввал аёлнинг кимлигини аниқлашга, ана ундан кейин бирон чора кўришга қарор қилади. У ҳужра эшиги олдига оёқ учида юриб келиб, уни очади, ичкарига киради-ю, дарҳол эшикни ичидан қулфлаб олади. Қиз пирни кўрган заҳоти данг қотиб қолади, муқаррар шарманда бўлишини ўйлаб, кўзларидан дув-дув ёш оқа бошлайди.

Зоти муқаддаслари қизга бошдан-оёқ назар ташлаб чиқиб, унинг бениҳоя тароватли ва хушрўй эканлигига имон келтиргач, ўзларининг хийла қартайиб қолган бўлишларига қарамай, ўзларида ёш роҳиб вужудида пайдо бўлган шаҳвоний иштиёқдан асло қолишмайдиган хирсий иштаҳа очилганини сезадилару шу заҳоти: «Бизда бемаъниликлар ва дилсиёҳликлар ошиб-тошиб ётипти, бас, шундай экан ва ихтиёр ўзимда экан, нечун лаззат нашъасини татиб кўрмайман? Қиз ғоятда дилбар, боз устига, унинг бу ерда эканлигини ҳеч зор билмайди,— башарти уни гапга уната олсам, у билан ишрат қилишимга нима монелик қилади? Ким билиб ўтирипти бунини? Ҳеч ким ҳеч қачон билмайди, пинҳоний гуноҳ эса ярми кечирилган гуноҳдир. Бундай тасодиф эҳтимол бошқа ҳеч бўлмас, модомики, яратган эгам ўзи шундай неъматни бизга бахшида қилган экан, бу кароматдан юз ўгириш ўта телбалик бўлур эди», деб ўйлайдилар.

Пир шундай ўй билан ўзининг аввалги ниятини буткул ўзгариради-да, қизга яқинлашади ва унга мулоим оҳангда гап қотиб, уни юбата, унга таскин бера бошлайди ва ахирини ўз ниятини унга изҳор этади. Қиз на метиндан ва на оломдан бунёд бўлган эди, шунинг учун бир зумда пирнинг сўзларига итоат этади. Пир уни қучоғига босиб мириққунча бўса олгач, роҳибнинг чорпоясига

чиқиб ётади ва ўзининг юксак лавозимига монанд салмоқдорлигини ва шунингдек, қизнинг ёш ниҳолдек нафислигини инobatга олиб, ҳар аҳтимолга қарши, ўз залвари билан уни эзиб юборишдан қўриқиб, қизнинг устига ётмайди, балки уни ўз устига ётқизадан-да, узоқ вақт шаҳват оғушида роҳатланиб ётади.

Энди гапни роҳиб йигитдан эшитинг, у ўзини ўрмонга кетган қилиб кўрсатган бўлса ҳам аслида йўлакда бир хилват ерга беркиниб олган эди, шунинг учун, у аббатнинг ҳужрага ёлғиз ўзи кирганини кўриши билан тузган режаси тўғри чиқаётганига ишонч ҳосил қилиб, кўнгли таскин топади; аббат эшикни ичидан қулфлаб олганини эшитгач эса, режаси тўғрилигига ҳеч шак-шубҳа қолмайди. У яширинган еридан чиқиб, ўз ҳужраси эшиги олдига аста пусиб боради-да, эшик тирқишидан пирнинг қилган ишлари ва айтган сўзларини кўриб, эшитиб туради. Бу орада, пир ўз чанқоғини ҳозирчалик қонганини ҳис қилади ва қизни ҳужрада қолдириб, устидан қулфлайди-да, ўз ҳужрасига равона бўлади. Орадан бир оз вақт ўтар-ўтмас эса, у йўлакда роҳибнинг оёқ товушини эшитади ва уни ўрмондан келди, деб ўйлаб, унинг ҳужрасидан топилган ўлжага ёлғиз ўзи эга бўлмоқ ниётида уни қойиб бермоқчи ва авахтага ташламоқчи бўлади. У роҳибга одам юбориб ўзининг сарбаланд мансабига монанд виқор билан ва кўзларидан даҳшатли ўтлар чақнатиб, унга зуғум қила бошлайди, зиндонга тушиб ётишни буюради.

Ва лекин роҳиб шу заҳотиёқ унга бундай жавоб қилади: «Пирим! Мен Бенедикт жамоасига яқинда кирганман, бинобарин унинг барча тариқатларини таҳсил қилиб улгурганимча йўқ, сиз бўлсангиз, роҳибнинг наинки ўз соҳиби қўл остида, шунингдек, аёл кишининг ҳам остида бўлиши шарт эканлигини ҳанузгача менга амалда кўрсатмагандингиз. Мана, бугун сиз бунга амалда намоён қилдингиз ва борди-ю, агар менинг гуноҳимдан ўтсангиз, сизга сўз бериб айтаманки, ҳеч қачон бу қондани бузмайман ва доим сиз менга кўрсатганингиздек иш кўраман».

Аббат фаросатли одам эди, шунга кўра у ўзининг роҳибдан мот бўлганини, бунинг устига, кирдикори аён эканлигини бир гапнинг ўзидан тушуниб олади. Шундан сўнг пир ўз қилмишидан хижолат бўлиб, ўзи ҳам мустаҳиқ бўлган жазога роҳибни тортмайди. У роҳибнинг гуноҳини кечади, кўрганларинг ҳақида ҳеч кимга оғиз очма, деб унга амр қилади, шундан кейин улар қизни ҳеч кимга сездирмасдан чиқариб юборишади, аммо кейинчалик бориб, у қизни яна кўп маротаба ҳужраларига олиб кирган бўлсалар ҳам ажаб эмас.

5

Монферрат маркизаси товуқ гўштидан тайёрланган тушлик, шунингдек, жон олғувчи сўзлар билан француз қиролининг телба ҳирсини сўндиради

Дионеонинг ҳикояси аввалига хонимларни бир оз хижолатга солди, уларнинг юзларига югурган қизиллик бундан далолат

берарди; ва лекин улар бир-бирларига ер остидан қарашиб, хохлаб юборишдан ўзларини зўрга тийиб, пиқиллаб кулишганча, бир амаллаб ҳикоянинг охиригача эшитдилар. Ҳикоя ниҳоясига етгандан кейин эса, улар, бундай нарсаларни аёлларга сўзлаш одобдан эмас, деган мазмунда Дионеога навозиш билан танбеҳ бердилар, қиролича эса, ўз ёнида, майса устида ўтирган Фьяметтага юзланиб, навбат унга келганини айтди. Фьяметта ҳам мафтункор латофат бирла ўз ҳикоясини шундай бошлади:

— Бу ерда ҳикоя қилинаётган қиссалар, биринчидан, мени шу жиҳати билан хушнуд этяптики, улар оқилона ҳозиржавобликнинг нечоғлиги улкан аҳамиятга эга эканлигини исботламоқда, иккинчидан эса, мен аминманки, оқил ва фозил эркакнинг энг юксак ҳикмати ўздан юксакроқ мартабадаги аёлнинг илтифотига муяссар бўлмоқ учун астойдил ҳаракат қилмоқ бўлса, аёл кишининг энг юксак эҳтиёткорлиги ўз тутган мавқеидан мартафалироқ эркакнинг муҳаббатидан ўзини эҳтиёт қила олишдан иборатдир, — айнан мана шу мулоҳаза, дилрабо хонимлар, мени сизларга бир қисса сўзлаб беришга ундадики, ул қиссадан сиз, бир аслзода хонимнинг қай тарзда, қандай муомала ва не сўзлар билан ўзини нимадандир сақлаб қолганини, ниманидир сўндирганини билиб оласиз.

Черков ҳарбий кучларининг саркардаси, шавкатли зот Монферрат маркизи салб юришига қатнашиб, ўзга христианлар билан биргаликда денгиз ортидаги мамлакатларга жанг қилгани жўнаб кетган эди. Қунларнинг бирида салб юришига отланаётган Филай Филипп саройида маркизнинг шон-шавкати борасида гап очилиб қолди, шунда рицарлардан бири, маркиз билан унинг хотинидек хушбахт эр-хотин бутун рўйи заминда топилмайди, зеро маркиз жамики рицарлар орасида ўз жасорати билан ажралиб турса, маркиза — жаҳонда энг соҳибжамол, энг шонста аёлдир, деган фикрни айтиб қолди. Бу сўзлар Франция қиролининг кўнглига шу қадар қаттиқ ўтириб қолдики, у маркизани умрида бирон марта ҳам кўрмаган бўлишига қарамай, дабдурустдан унга ишқи тушиб, вужуди муҳаббат алангасида ёна бошлади, натижада бир дақиқа ҳам фурсатни ўтказмай сафарга жўнашга қарор қилди; у Генуяга бориб ўша ерда кемага чиқмоқчи, аммо маркизанинг ҳузурига ташриф буюрмоқ учун шоён ўринли важ сифатида Генуягача қуруқликдан бормоқчи бўлди; маркизнинг уйда йўқлиги туфайли муроди ҳосил бўлишига қатъий ишонган қирол, дарҳол ниятини рўёбга чиқаришга киришди, у қўшинларига олға ҳаракат қилишни буюриб, ўзи кичик бир гуруҳ мулозимлари билан йўлга равона бўлди ва маркизнинг ер-мулкига яқин қолганида унинг рафиқасига, эртага тушликка бизни кутсин, деб чопар юборди.

Оқила ва фозила маркиза чопарга бағоят латофатли иборалар билан шундай деди: «Онҳазратларига бориб айтингки, қадамларига ҳасанот, бундай беқнёс иззатга мушарраф бўлишдан бошим осмонга етади». Шундай деб айтишга айтди-ю, лекин бу ташриф унга шубҳали бўлиб туюла бошлади: қиролнинг эрим йўқ пайтида

қошимга келишига сабаб нима бўлди экан? Менинг ҳусн-жамолим ҳақидаги овоза қиролни бу ерга бошлаб келаётган бўлмасин яна, деган фикр маркизанинг хаёлига келди.— бу тахминда янглишмаган эди у. Шунга қарамай, у довдюрак аёл бўлгани учун қиролни иззат-икром билан кутиб олишга аҳд қилди ва урушга бормай қолган динonatли фуқароларини йиғиб, шуларнинг маслаҳати билан зарур фармойишлар берди; тушлик таом ва ноз-неъматларга келсак, буни маркиза ўз зиммасига олди. У теварак-атрофдаги жаминки товуқларни тутишни буюрди, ошпазларига эса, қирол дастурхонига фақат шу товуқлардан овқат пиширишни тайинлади. Алқисса, тайинланган кун қирол етиб келди, маркиза уни юксак дабдаба ва иззат-икром билан кутиб олди. Қирол унинг ҳусн-жамолини кўрди-ю, унга маҳлиё бўлиб қолди, зеро бу аёл рицарнинг таърифини эшитиб, тасаввур қилганидан минг чандон ортиқ ва беқиёс даражада гўзалроқ, хушфеълроқ ва хушодоброқ бўлиб туюлдики, оқибат у маркизага мафтун бўлиб қолди, уни кўкларга кўтариб мақтади, маркизанинг ўзи тасаввур қилгандан ҳам афзалроқ эканлигини ўз кўзи билан кўргач эса, унга бўлган муҳаббат ҳусни яна ҳам кучлироқ аланга ола бошлади. Қирол шундай иззатли меҳмон шарафига безатилган оромгоҳда ҳордиқ чиқаргач, тушлик овқатга чиқиб, маркизанинг ёнига ўтирди, бошқа мулозимлар ҳам ўз унвон ва мартабаларига қараб, бошқа столлар атрофига ўтиришди.

Турли-туман ноз-неъматлардан, шунингдек, нафис ва қимматли широблардан завқ-шавққа тўлган қирол ўта дилбар маркизага мафтункор нигоҳ ташлаб ўтирарди. Бу орада таомлар бирин-кетин алмаша бошлади, лекин зийрак қирол ниҳоят бир ҳолни пайқаб, айбатда қолди,— гарчи таомлар ҳар хил бўлса ҳам ҳаммаси фақат товуқ гўштидан ҳозирланган эди. Ваҳоланки, бу атрофларда турли-туман парранда-ю, даррандалар сероб бўлишнинг қирол яхши биларди; модомки у ўз ташрифи ҳақида маркизани олдиндан огоҳлантирган экан, вақт ганиматида у ўз одамларини овга юборишни мумкин эди-ку; гарчи бу ҳол қиролни нечоғлиқ таажжубда қолдирган бўлса ҳам барибир у нуқул товуқларнинг ўзидангина ҳозирланган таомлар ҳусусида маркиза билан сўхбатлашишга аҳд қилди. Шунга кўра, у маркизага юзланиб табассум билан сўради: «Бегойим! Наҳот, сиз ёқларда фақат товуқлар бўлса, нима, хўрозлар йўқми?»

Маркиза қиролнинг нимага шама қилаётганини дарҳол тушунди ва ҳозир парвардигорнинг ўзи унинг ўз фикрини баён қилишига имкон берганини англаб, қирол чеҳрасига дадил тикилганча, асло чўчимай шундай жавоб қилди: «Нега энди, аъло ҳазрат, бизда хўрозлар бор, шу боисдан ҳам товуқларимиз ўзга хўрозларга муҳтож эмас».

Қирол бу сўзларни эшитгани ҳамоно, уларнинг пинҳоний маъносига тушунди; бундай аёлни гапга унатиш — деворга гапирган билан баробар эканлигига ва зўрлик билан ҳеч нимага эриша олмаслигига ишонч ҳосил қилгач эса, қирол, агар аввал маркизага шалбаларча шайдо бўлиб, ишқ алангасида ёнган бўлсам, энди агар

ўша девонаваш ишқ алангасини сўндиришга қурбим етса, ўзимнинг ор-номусимни сақлаб қолиш борасида ғоят оқилона иш тутган бўламан, деган мулоҳазага келди. У барча ниятларидан воз кечиб ва маркизанинг янги жавобларини эшитишдан чўчиб, энди таомлардан ҳазил-мутойибасиз тановул қила бошлади. Тушлик ниҳоясига етгач эса, қирол ўзининг бу ғаразли ташрифига тезроқ хотима ясаб, бу ердан жўнаб кетишга ошиқаркан, маркизага, кўрсатган илтифоти учун шоша-пиша ташаккур билдирди, маркиза ҳам уни тангрининг ихтиёрига топширди ва қирол шундан кейин Гснуйага равона бўлди.

6

Бир зот роҳибларнинг жинояткорона риёкорлигини ўзининг доно сўзлари билан фош қилади

Маркизанинг бенуқсон ахлоқини ва ғоят латофатли бир тарзда Франция қиролига берган сабоғини ҳамма бир овоздан мақтагандан кейин, Фьяметтанинг ёнида ўтирган Эмилия қироличанинг ишбраси билан ўз ҳикоясини осуда ҳолатда шундай бошлаб юборди:

— Энди мен сизларга иззат-эътиборли бир кишининг ниҳоятда антиқа ва шу қадар таҳсинга лойиқ сўзлар билан бир тамағир роҳибни ўсал қилгани ҳақида сўзлаб бераман.

Бундан бирмунча вақт илгари, дилбар қизлар, шахримизда фосиқ бидъат аҳлини тазйиқ этувчи бир минорит яшарди, гарчи у, ўз тоифасидаги барча роҳиблар сингари ўзини азиз-авлиё қилиб ва христиан динининг толмас ҳомийси қилиб кўрсатишга зўр бериб уринса ҳам, бироқ ҳамёни қаппайганларни, шунингдек, динга унчалик имон келтирмаганларни жон-жаҳди билан қийноққа солар эди. Кунларнинг бирида ана шу диёнат фидойиси бир мўътабар зотга дуч келиб қолибдиким, унда фаҳм-фаросатдан кўра ҳамёнида ақчаси кўпроқ эди, мана шу одам бир куни ўз жўралари билан улфатчилик қилиб ўтирганида,— худо безори бўлгани учун эмас, албатта, балки шунчаки, керагидан ортиқ ичиб юборгани ва кайфи чоғ бўлгани учун бўлса керак,— оғзидан гуллаб, уйимда шунангангиз зўр май борки, ҳатто Исо алайҳиссалом ҳам уни татиб кўришдан ўзини тия олмайди, деб юборипти. Бу гапни бир зумда бояги золимга етказишган ва у бу банди гумроҳнинг бепоён ермулклари, беҳисоб давлати борлигидан хабар топиб, *cum gladūse fustibus*¹ ва ниҳоятда шошқалоқлик билан унинг устидан шундай бешафқат иш бошлаб юбордиким, бундан мақсад ул осий бандани ҳақ йўлга солиш эмас, балки ўз ҳамёнини флоринларга тўлдиришдан иборат эди, оқибат шундай бўлиб чиқди ҳам. Роҳиб қавми

¹ Қилич ва қозиқлар билан (лот.).

сўроққа чақиртириб, ундан, сенинг тўғрингда гувоҳлик бериб айтганлари тўғрими, деб сўради. Саховатли зот, тўғри, деб эътироф этди ва бу воқеанинг тафсилотини сўзлаб берди.

Авлиё Иоанн Златоустни гоятда иззатловчи муқаддас инквизитор бунга жавобан шундай деди: «Нима, Исо алайҳиссалом таңрига май назр қилиш маросимдами ё бўлмаса, у сизларнинг маншатпараст ва ишратпараст улфатларингданмидики, уни майхўрга, нафис шароблар ишқибозига айлантирмоқчи бўлибсан? Энди бўлса, гўё ҳеч қандай осийлик қилмагандай, ўзингни мўмин-қобил қилиб кўрсатмоқчисан! Янглишасан: модомики биз сени жазога мустаҳиқ қилишга аҳд қилган эканмиз, демак, сен шунга лойиқсан, сени гулханда ёндиргаймиз».

Инквизитор гўё ўз қаршида руҳнинг боқийлигини инкор этган Эпикур тургандек, юқорида баён этилган ва ўшаларга ўхшаш сўзларни таҳдидона қиёфада туриб айта бошлади. У бирпаснинг ичида бечорани шу қадар қўрқитиб қўйдикки, у инквизиторнинг кўнглига раҳм солиш мақсадида воситачилар топиб, уларга инквизиторнинг қўлларини авлиё Иоанн Златоуст мойн билан яхшилаб мойлашни топширди, зеро бу мой тамагирлик деб аталувчи юқумли дардга жуда яхши даво бўлиб, аксарият пайтларда унга руҳонийлар, — пулга қўл уриши қатъиян ман қилинган минорит муридлар эса, инчунин, — мубтало бўлишади. Гарчи Гален ўзининг тиббиёт соҳасида ёзган асарларининг биронтасида ҳам бу дорн борасида лом-ним деб оғиз очмаган бўлса ҳам бизнинг қаҳрамонимиз бу мойни шифобахш дори сифатида шундай сахийлик билан сарфлай бошладики, натижада унга таҳдид қилган олов шафқат юзасидан хоч билан алмаштирилди, — шўрлик, гўё салб юришига отланаётгандай, — унинг қора либосига кўзга яққол ташланиб турадиган сариқ хоч тикишга қарор қилинди. Бундан ташқари, инквизитор пул олгандан кейин ҳам уни бир неча кунга ўз ёнида олиб қолди ва охири унинг зиммасига мана бу тарздаги кафорат юкланди: гуноҳкор ҳар кунни Санта-Кроче черковида ибодат қилиши, тушлик пайтида эса, инквизиторнинг ҳузурига келиши лозим эди; бундан бошқа пайтларда эса ўз ихтиёри билан иш кўриши мумкин эди.

Мўмин банда бу вазифаларнинг ҳаммасини бекаму кўст бажара бошлади, лекин бир кун у эрталабки ибодат пайтида инжилдан: «Юз ҳисса ортиғига муяссар бўлгай ва боқий ҳаётга ворис этилгай», деган оятни эшитиб қолди. У оятни пухта ёдлаб олди, буйруққа биноан тушлик пайтида инквизитор ҳузурига борди ва уни тановул қилаётгани устидан чиқди. Инквизитор ундан, эрталабки ибодатга бордингми, деб сўради.

Сўроқ қилинаётган дарҳол жавоб айлади: «Бордим, зоти муқаддасларин».

Инквизитор унга деди: «Ибодат пайтида сен кўнглингда шубҳа туғдирадиган бирон гап эшитмадингми ва бу борада менга савол бермоқчи эмасмисан?»

«Инсоф билан айтганда, ҳеч бир шубҳали гап эшитганим йўқ, — деб жавоб қилди саховат соҳиби, — аксинча, мен айтилган барча калималарга астойдил имон келтираман. Рост, мен бунда шундай

бир оятни эшитдимки, шундан сўнг сизга ва барча зоҳид аҳлига беҳад ачиниш туйғуси уйғонди менда ва ҳозир ҳам, сизларнинг у дунёда қандай мушкул аҳволга тушиб қолишингизни ўйласам, юрагим баттар ачишади сизларга».

Инквизитор ундан сўради:

«Ул қандай калима эканки, бизга раҳмингни келтирибдур?»

Саховатли зот унга жавобан шундай деди:

«Пирим, у инжил ояти эрди: «Сен бирни берсанг, худодан юз ҳисса бўлиб қайтгай».

Инквизитор тасдиқлаб деди: «Ори рост, инжилда шундай дейилган, бироқ бу калима сени нечун ташвишга солди?»

«Ҳозир сизга изоҳлаб бераман, бузрук ҳазратим,— деб жавоб қила бошлади саховатли зот.— Мен бу даргоҳга, эрталабки ибодатга қатнайдиغان бўлганимдан буён шундай бир ҳолга эътибор бера бошладим, бакия важи билан сизнинг ва ўзга муридларнинг насибасини тортиб олиб, баъзан бир, баъзида эса икки улкан тоғора аталани сон-саноксиз фақир-фуқарога олиб чиқиб беришади. Айтмоқчиманки, башарти у дунёда ҳар бир тоғора аталангиз сизга юз ҳисса бўлиб қайтса, унда ҳаммангиз шу аталага ботиб кетсангиз керак, деб қўрқаман».

Инквизитор билан бир столда ўтирган ҳамтовоқлар бу гапдан қотиб-қотиб қулишди, инквизитор эса бу кесакнинг ўзларининг боғларига қарата отилаётганини дарҳол пайқаб, ниҳоятда даргазаб бўлди, газаби шу қадар беадад эдики, агар бу одамга қарши қўзғаган биринчи иши учун хижолат бўлмаганида, ўзига ва бошқа барча текинтомоқларга ништар бўлиб ботган бу ўткир киноя учун унинг устидан иккинчи иш қўзғаб, жазога мустаҳиқ қилган бўларди:

Лекин у аламини ичига ютди ва гуноҳкор бандани монастирдан ҳайдаб юборди.

7

Бергамино, Примассо билан Ключи черковининг аббати ўртасида бўлган воқеани ҳикоя қилиб, мессер Кане делла Скалага муносиб бўлмаган хасисликни фош этади

Эмилиянинг мароқли ҳикояси қироличани ҳам, бошқаларни ҳам хушнуд айлаб кулдирди; «салбчи»нинг ҳайратомуз тадбиркорлиги ҳаммага мақбул бўлди. Энди навбат Филостратога келган эди, шунга кўра, ҳамма мириқиб кулиб бўлиб, тинчланганидан кейин, у ўз ҳикоясини шундай бошлади:

— Шоиста хонимлар, қимирламай турган нишонга тўғри уриш катта омад, илло, тўсатдан ғайри табиий бирон жонивор намоён бўлса-ю, овчи бир зумда уни шикастласа, буни энди мўъжиза деса бўлади. Черков аҳлининг нокас ва нопок ҳаёти аксарият пайтда уларнинг руҳан қабиҳлигини тўла-тўқис ўзнда акс эттирадиким,

бундай ҳаёт ҳақида фисқу фасод гаплар, маломату мазамматлар тарқалиши муқаррардир. Албатта, муҳтарам қавм инквизиторнинг қалбаки саховатини, яъни чўчқаларга бериш керак бўлган ёинки бутунлай тўкиб ташлаш лозим бўлган ювиндини роҳиблар фақир-фуқарога улашганини фош қилиб жуда тўғри қилган, бироқ мен ҳозиргина тинглаган ҳикоя туфайли хотирамга бир зот тушдиким, уни чексиз мақтовга муносиб, деб ўйлайман ва сизларга шул зот ҳақида сўзлаб бермоқчиман: менинг ушбу қаҳрамоним ҳотам ҳоким мессер Кане делла Скала эътиборига нафис бир қисса ҳавола қилади ва шу қиссасида бошқа номлар билан ўзини ва ҳокимини тасвирлаган ҳолда, бу ҳолами тойда тасодифан ва кутилмаганда вужудга келган хасисликни фош айлаб, уни ўсал қилади. Ана шу ҳикоямга мурожаат қиламан.

Еруғ жаҳонга тарқалган овозаларга қараганда, мудом иқболи баланд келган мессер Кане делла Скала император Фридрих Иккинчи замонидан то ҳозирги кунларгача Италияда бўлган ҳукмдорлар орасида энг нуфузли ва энг саховатли ҳукмдорлардан бири эди. Кунларнинг бирида у Веронада, чор атрофда тумонат одам, айниқса — турли-туман қизиқчилар, масхарабозлар, аскиячилар тўпланиши мумкин бўлган сердабдаба, серҳашам сайил уюштиришни ўйлади, ўйлади-ю, бирдан номальум сабабларга кўра, бу фикридан қайтди, сайилга етиб келганларга туҳфалар улашиб, уларни уй-уйига қайтариб юборди. Ёлғиз Бергамино исмли тadbиркор одам (унинг қай даража сўзамол, нақадар ҳозиржавоблиги ҳақида унинг гапларини ўз қулоғи билан эшитган одамгина аниқ тасаввурга эга бўлиши мумкин), гарчи ҳукмдордан унга ҳеч қандай тортиқ тегмаган бўлса ҳам менга ҳам бахт кулиб боқар, деган умидда бу ердан жилмади. Ва лекин мессер Кане Бергаминога берадиган туҳфамни ўтга ташласам ташлайман, ҳатто ўлсам-ўламан, лекин унга ҳеч нима бермайман, деб ўз сўзида қаттиқ туриб олди, шу боисдан уни ўз ҳузурига чақиртирмадиям, бирон дастёрдан унга ул-бул бериб юборишни буюрмади ҳам. Шу йўсинда орадан бир неча кун ўтди ва ниҳоят Бергамино, ўзини саройига чақиртиришларидан умидини узиб, унинг касби кори бу ерда асқатмаслигига, шунингдек, ўзининг ва малайларининг бу ерда бекор ётиши, отларга сарф бўладиган ем-хашак жуда қимматга тушишига кўзи етиб, қаттиқ қайғурди, лекин шунда ҳам жўнаб кетишига ўзига эп кўрмай, яна кутишга қарор қилди. У сайилда шарманда бўлиб қолмаслик учун ўзга синьорлардан совғага олган учта жуда гаройиб ва қимматбаҳо сарпо олиб келган эди, лекин мусофирхона соҳибни ҳадеб ҳақ талаб қилаверганидан кейин, у аввал битта сарпосини, кейин бориб, яна бир неча вақтга ушланиб қолгани эвазига иккинчисини ҳам мусофирхона соҳибига берди ва ниҳоят, учинчи сарпонинг қанчага етишини синаб кўриш мақсадида, унисиниям пулга чақиб сарфлай бошлади — бу сарпони еб бўлсам, жуфтакни ростлайман, деб кўнглидан ўтказиб қўйган эди у.

Мана, Бергамино учинчи сарпоси ҳисобига кун кўриб юрган пайтда, кунларнинг бирида у тушлик овқат тановул қилиб ўтирган

мессер Кане рўпарасида маъюс қиёфада намоён бўлди. Мессер Кане уни кўрди-ю, биронта антиқа мутойбасини эшитиб кулиш ниятида эмас, балки унинг ўзидан кулмоқ мақсадида, шундай савол берди: «Нима бўлди сенга, Бергамино? Нега бу қадар хомуш кўринасан? Бизга бирон нима сўзлаб берсанг-чи».

Мана шунда Бергамино ўз аҳволини яхшилаб олиш ниятида узоқ ўйлаб ўтирмай, аммо ўзини айтмоқчи бўлган қиссаси устида азалдан кўп бош қотиргандай қилиб кўрсатиб, шундай ҳикоя қила бошлади: «Хукмдорим! Ўзингизга ҳам аён бўлса керак, Примассо буюк тилшунос олим ва шунингдек, ажойиб закиий шоир эди, мана шу хизматлари шарофати билан у шундай иззат-ҳурматга сазовор бўлган эдики, унинг довруғи ва шону шуҳрати ҳатто ҳеч қачон уни кўзи билан кўрмаган кишилар қулоғига ҳам етиб борган, оқибат ҳаммага яхши танилган эди. Шундай бўлибдики, бир вақт у Парижда ёмон муҳтожликка тушиб қолипти,— шунини эътироф этиш керакки, у деярли ҳамма вақт муҳтожликда яшарди, зеро бадавлат кишилар унинг истеъдодини унча қадрламасдилар,— Примассо мана шундай муҳтожликда яшаб юрган пайтида, агар папани истисно қилинса, жами черковларнинг аббатлари орасида Ключи черковининг аббатичалик мўл даромад оладиган аббат йўқ, деган мишишлар унинг қулоғига етиб қолди. Яна унга, аббатнинг эшиги ҳамма учун доимо очик эканлиги, ҳар қандай одам ҳам у билан бир дастурхон теграсида ўтириб, тўйғунича еб-ичиши мумкинлиги ҳақида ҳайратомуз гаплар айтишипти. Ақобир ва аслзода одамлар билан улфатчилик қилишни ёқтирувчи Примассо бу гапларни эшитиб, юқорида номни зикр этилган аббатнинг саховатига шахсан ўзи шоҳид бўлишни истабди ва ул зот истиқомат қилиб турган ергача қанча масофа йўл босиш керак, деб суриштира бошлабди. Аббатнинг монастири Париждан олти миляча нарида, деб жавоб қилишибди унга. Примассо, агар ерталаб сахар палласида йўлга чиқсам, роса тушликка етиб оларканман, деб тахмин қилибди. У одамлардан йўл кўрсатишни илтимос қилибди ва лекин унга эш бўладиган биронта ҳам ҳамроҳ топилмабди, шундан кейин у, худо кўрсатмасин, яна адашиб- нетиб кетсаму овқат йўқ жойга бориб қолсам, очдан сирилиб ўлмай яна, деб ҳар эҳтимолга қарши йўлга уч бурда нон олиб олипти, сувни эса,— гарчи унинг сувга унчалик хуши бўлмаса ҳам,— борди-ю, жуда эҳтиёж туғилиб қолгудек бўлса, сув эгамнинг раҳмати, уни истаган еримдан топаман, деган фикр билан сув олмабди. Мана, у уч бурда нонни қўйнига солиб, йўлга равона бўлибди, омадни қарангки, у аббатниқига аини тушлик овқат олдидан етиб борипти. У емакхонага кириб атрофга кўз югуртириб чиқипти, дастурхон тузалган сон-саноқсиз столларни, ошхонадаги тараддудни ва шу сингари хатти-ҳаракатларни кўриб: «Аббат чиндан ҳам меҳмондўст одам кўринади», деб ўйлапти. Алқисса, у тановул пайти етгунча ва девонбеги қўл ювиш учун сув келтиришни буюргунгача олазарак бўлиб атрофни кузатиб турибди. Сув келтирилиб, қўллар ювилгач, девонбеги одамларни дастурхон атрофига ўтқазибди. Тасодифни қарангки, Примассонини келиб-келиб, аббат чиқиб келадиган эшик рўпарасига ўтқазиништи. Бу

ерда шундай одат расм бўлган экан: то аббат дастурхонга ўтирма-
тунча, столга нон ҳам, шароб ҳам, бошқа хил таому ичкиликлар
ҳам — ҳеч нима қўйилмас экан. Девонбеги хўрандаларни жойлаш-
тириб бўлгач, тушлик тайёр, амрингизга мунтазирмиз, деган маз-
мунда аббатга одам юборипти. Аббат тановулхона эшигини очиш-
ни буюрипти ва тўппа-тўғрига қараганча кириб келипти, буни
қарангки, у эшикдан чиқиб келганида, унинг кўзига биринчи бўлиб
ташланган одам бегона бир шахс, яъни жулдур кийимли Примассо
бўлипти. Аббат уни кўрипти-ю, кўнглида, шу чоққача ҳеч қачон
бўлмаган шум бир ният уйғонибди: «Менинг саховатимдан кимлар
бахраманд бўлмайди-я!» — деб ўйлапти у ва ўз ҳужрасига қайтиб
кириб кетипти-да, эшикни ёпишни буюриб, муридларидан, эшигим
рўпарасида ўтирган муттаҳамни битта-яримтангиз танийсизми,
деб сўрапти. Ҳаммалари, танимаймиз, деб жавоб қилишипти. Бу
орада Примассо узоқ йўл босиб келгани ва рўза тутишга одатлан-
магани туфайли очиқиб қолипти, ҳадеганда аббат овқатга чиқа-
вермаганидан кейин, у кута-кута, ахийри қўйнидан бир бурда нон
олибди-да, пок-покзисига тушира бошлабди. Аббат бир оз кутгач,
муридларидан бирини, чиқиб қара-чи, кетмадимикин, деб Примас-
содан хабар олгани юборипти. Мурид эшикдан мўралабди-ю: «Йўқ,
ҳазратим, кетишни ўйламаяптиям, нон еб ўтирибди,— яъни айт-
моқчиманки, ўзи билан олиб келган нонни еяпти», депти. Аббат
бунга жавобан: «Ўзи билан олиб келган бўлса, еяверсин, аммо
бизники унга насиб бўлмагай», депти. Аббат Примассони чиқариб
юбориш айб бўлади, деб ҳисоблаб, унинг ўз ихтиёри билан кети-
шини истапти. Примассо бир бурда нонни еб бўлибдиям, аммо
ҳануз аббатдан дарак бўлмабди,— шунда у иккинчи бурдани
ейишга киришиптики, меҳмон кетмадимикин, деб хабар олгани
чиққан мурид шу заҳоти бу ҳақда аббатга хабар қилипти. Примас-
со иккинчи бурдани ҳам еб бўлибди-ю, аммо аббатдан ҳамон дар-
рак йўқмиш,— ниҳоят у учинчи бурдага киришипти. Бу ҳақда ҳам
аббатга хабар қилинган экан, у ўйлаб туриб, ўзинча шундай депти:
«Нима балолар қиряпти бугун миямга? Нечун нокаслик қиляп-
ман? Нега нафратланияпман? Кимдан ҳазар қиляпман? Шунча йил-
дан буён ҳаммани — аслзодами, ё зоти наст одамни, қашшоқми ё
бойми, савдогарми ё фирибгарми — фарқ қилмай бир хилда боқ-
кан эдим, сон-саноқсиз муттаҳамлар тузимни ичишган эди, илло,
уларнинг биронтасидан ҳам мен нафратланмагандим, нечун энди
худонинг мана бу бандасидан нафратланмоқдамен? Назаримда,
мен овқат қизганган бу одам жайдари одам бўлмаса керак: кўн-
глимки уни эъзозлашимга қаршилиқ кўрсатган экан, демак, кўзимга
муттаҳам бўлиб кўринган бу одам аслида ғайри оддий инсон-
дир». Аббат шундай хаёлга келиб, унинг кимлигини билмоқ истап-
ти. Унга, бу одам — унинг меҳмондўстлигига шахсан ўзи шохид
бўлиш учун келган Примассо эканлигини айтишганида, аббат
ушшг тўғрисида кўп эзгу гаплар эшитганини, уни кўп замонлар-
дан бери мустаҳиқ одам сифатида танишини эслабди-ю, ўз қилми-
шидан хижолат бўлипти ва ўз айбини ювиш ниятида унинг ҳар
жиҳатдан кўнглини овлашга киришипти. Тушликдан кейин аббат

Примассони унинг рутбасига лойиқ тарзда кийинтиришни буюрипти ва унга ақча, ақчага қўшиб от ҳам тортиқ қилибди-да, кетсанг ҳам, қолсанг ҳам ихтиёр ўзингда,— деб ихтиёрини ўзига ҳавола қилипти. Примассо бундан шу даража мамнун бўлибдики, аббатга қандай миннатдорчилик билдиришни ҳам билмай қолипти; у Париждан пиёда келган эди, энди Парижга от миниб жўнапти».

Бергамино ўзининг бу ҳикояси билан нима демоқчи бўлганини мессер Канедек идрокли одамга изоҳлаб ўтиришнинг ҳеч ҳожати йўқ эди,— у шундоқ ҳам ҳамма гапга жуда яхши тушунган эди, шунинг учун ҳам у мийиғида кулиб туриб деди: «Сен, Бергамино, ўз ранжингни ғоятда зўр моҳирлик билан изҳор этдинг, ўзингнинг нақадар саховатли ва менинг нечоғлиқ қизғанчиқ эканлигимни исботладинг ва мендан нима исташингни ҳам учини чиқариб қўйдинг. Ори рост: бугун мен умримда илк бор сенга нисбатан қизғанчиқлик қилдим, аммо мен бу ҳарислик иллатини бугун сен менинг қўлимга тутқазган таёқ билан бу даргоҳдан даф этгумдир». Мессер Кане шундай деб, мусофирхона соҳибни билан ҳисоб-китоб қилишни, Бергаминонинг учала сарпосини қайта сотиб олиб беришни буюрди, сўнгра унга ақча, ақчага қўшиб от тортиқ этди-да, бу ерда яна қолиш ённки йўлга равона бўлишни унинг ўз ихтиёрига ҳавола қилди.

8

Гвильельмо Борсьере ғоят нафис иборалар билан мессер Эрмино де Гримальдининг хасислигини қоралайди.

Филостратонинг ёнида Лауретта ўтирарди; у ўзининг ҳам ҳали бирон нима ҳикоя қилиб беришига тўғри келишини биларди, шунга кўра, Бергаминонинг ўткир зеҳни ҳақидаги мақтовларни эшитиб бўлгач, қироличанинг фармонини кутиб ўтирмасдан, мафтункор латофат билан ўз ҳикоясини бошлаб юборди:

— Азиз дугоналарим, мен бу ерда эшитган қиссалар, бир муҳтарам зотнинг давлатманд бир савдогар табиатидаги хасислик иллатини айнан ҳозир эшитганимиз қисса тарзида қоралаб, уни енггани ҳақида сўзлаб беришга даъват этади мени. Гарчи ҳикоям мазмун жиҳатидан бундан олдинги ҳикояга ўхшаб кетса ҳам унинг эзгулик билан тугагини инobatга оладиган бўлсангиз, у ҳам худди аввалги ҳикоядай сизни кўп хушнуд этгай.

Алқисса, қадим замонларда Генуяда мессер Эрмино де Гримальди деган номдор одам яшаган экан, оғиздан-оғизга кўчиб юрган гапларга қараганда, бутун Италияда энг поёнсиз ер-мулклар, ҳадди-ҳисобсиз пуллар шу одамда экан. Бироқ Италияда энг бадавлат одам ҳисобланмиш бул зот, айни пайтда ер юзидаги жамики мумсик ва қурумсоқлардан ҳам мумсикроқ ва қурумсоқроқ экан, зеро, у ўзгаларга кўмаклашиш, хайр-садақа бериш у ёқда

турсин, ўзини кўз-кўз қилиб, мақтанишни яхши кўрадиган ўзга те-
нуяликлардан фарқли ўлароқ, ўзига ҳам ҳеч нимани раво кўрмас
ва ҳаттоки овқатдан ҳам сиқиб қўйган экан ўзини. Шунинг учун
ҳам унинг — де Гримальди фамилияси ҳақли равишда унут бўлиб
кетиб, ҳамма уни мессер Эрмино Қурумсоқо, деб атайдиган бўлган
экан.

Мана, у муттасил сариқ чақа ҳам харж қилмай, давлат жамга-
риш билан машғул бўлган бир пайтда Генуяда Гвильельмо Бор-
сьере исмли ширинкор аскиябоз, назокатли, сўзамол одам пайдо
бўлиб қолипти, у ҳозирги сўзамол қизиқчиларга сира ҳам ўхша-
мас экан, зеро ҳозиргилар саройда эмас, балки энг қабиҳ, энг ра-
зили авбош шахслар орасида ўсган эшаклардирким, мўътабар ва
олижаноб одам деб номланиш учун жонларинин жабборга бериб
уринаётган манфур фосиқлар ҳам уларнинг қилмишидан хижолат
бўлғайлар. Илгари пайтларда бундай ширинкорларнинг бевосита
иши ва вазифаси аслзодалар орасида вужудга келган гина-куду-
ратни, нифоқу адоватни тинч йўл билан бартараф қилиш, келин-
куёвларни унаштириш, қариндош-уруғ, ёр-биродарлар ўртасида
хайрли алоқа тиклаш, толиққанларга ширинсуханлик ва мулойим
сўзлар билан далда бериш, саройларда эса, кўнгил очиш, оталар-
дек жиддий танбеҳ билан юз берган иллатларни бартараф этиш-
дан иборат эдиким, буларнинг ҳаммасини улар арзимаган ҳақ эва-
зига бажарардилар. Энди бўлса, улар уйма-уй юришиб иллат
уруғини сочишдан, ҳар турли разил ва қабиҳ гаплар тарқатишдан
бошқа иш қилишмайди, энг ёмон томони шундаки, улар ўзлари
тарқатаётган сўзларнинг ростми ёки тухматми эканлигини фарқ
қилиб ўтирмай, дуч келган ерда гапираверишади, бир-бирларини
ҳар хил ярамас, адабсиз ва мурдор ишларда айблашади, пок қалб-
ли одамларнинг пинжига хушомад билан кириб олиб, кейин улар
ҳақида турлича разил, ифлос гапларни вайсашади,— хуллас, улар
мана шу йўсинда вақтларини ўтказишади. Бинобарин, кимда-ким
ҳам гапта, ҳам ишда ҳаммадан малъунроқ бўлса, ўша бебош,
бадахлоқ зодагонлар даврасида энг зўр иззат-икромга сазовордир,
шундай аблаҳни улар беҳисоб инъом-эҳсонларга кўмиб ташлаша-
ди. Давримизнинг бу қабиҳона иллоти бизлардан инсоф ва диё-
натнинг узоқлашганидан, бахти қаро одамзодни фосиқлик ботқо-
ғига ботишига йўл очганидан яққол далолат беради.

Энди мен ўз бошлаган ҳикоямга қайтиб (одилона ғазабим ме-
ни беихтиёр бошқа гапга чалғитиб қўйди), шуларни баён қилиш-
ни лойиқ топдимки, Генуянинг барча аъёнлари Гвильельмони иззат-
икром билан самимий кутиб олишипти. Гвильельмо эса, Генуяда
бир неча кун туриб, мессер Эрминонинг хасислиги ва қурумсоқ-
лиги ҳақида кўп гаплар эшитипти-да, у билан учрашишга аҳд қи-
липти. Мессер Эрмино Гвильельмо Борсьерени мўътабар одам деб
биларди, бинобарин ўзининг зиқна бўлишига қарамай, унда ру-
ҳий саховат учқунлари ҳали милтиллаб турганлигидан у Гвильель-
мони шодиёна сўзлар ва очиқ чеҳра билан қарши олипти, у билан
узоқ вақт турли мавзуларда суҳбат қилипти, сўнг суҳбатни давом
этирган ҳолда уни ва у билан бирга, суҳбатда ҳозир бўлган генуя-

лик аслзодаларни ҳам бошлаб, уларга ўзи қурган янги ҳашаматли уйни намойиш қилибди.

У меҳмонни янги уйнинг барча хоналаридан бир-бир олиб ўтаркан, унга шундай савол билан мурожаат қилипти: «Менга қаранг, мессер Гвильельмо, сиз ҳаётингизда кўп нарсаларни кўрган, кўн эшитган одамсиз,— шу боисдан менга биронта ғаройиб нарсани айтиб беролмайсизмики, унинг тасвирини уйимнинг деворларига чиздирсам?»

Гвильельмо куракда турмайдиган бу гапни эшитиб, бундай депти: «Сизга, тақсир, бирон ғаройиб нарсани тасвирлашни маслаҳат беришга ожизлик қилсам керак, агар акса уриш ёнки шунга ўхшаш бирон ҳолатни айтмасак. Вале, агар истасангиз, мен сизга бир нарсани айтишим мумкинки, у, аминманки, сизга мутлақо нотанишдир».

Мессер Эрмино қандай жавоб эшитишидан мутлақо беҳабар бўлганидан депти: «Оҳ, марҳамат қилиб айтинг, у нима экан?»

Гвильельмо унга дарҳол жавоб қайтарипти: «Сиз меҳмондўстлик истиорасини тасвирлашни буюринг».

Мессер Эрмино бу гапни эшитишти-ю, қаттиқ хижолат бўлипти ва шу дақиқанинг ўзидаёқ деярли буткул ўзгариб кетипти-да, депти: «Мессер Гвильельмо! Мен бу истиорани шундай чиздираманки, бундан буён на сизда ва на бошқа биронта одамда, у истиоранинг менга нотаниш ва мени ундан беҳабар деб айтишларига ҳеч бир асос қолмағай».

Гвильельмонинг гаплари мессер Эрминога шундай кучли таъсир қилштики, у ўша пайтдан то умрининг охиригача гонуялик аслзодалар орасида ўз ҳамшаҳарларига ҳам, шунингдек, мусофирларга ҳам бир хилда саховат ва илтифот кўрсатувчи энг қўли очиқ одам бўлиб қолипти.

9

Бир гасконлик аёлдан қаттиқ дакки еган Кипр қироли ўз табиатидаги ланжликни тарк этиб, собитфеъл бўлади

Малика охирги фармонини Элиссага бериши керак эди, лекин Элисса уни кутиб ўтирмай, бурро-бурро гапириб ҳикоя қила бошлади.

— Шонста жувонлар, кўпинча шундай бўладикки, муттасил коийшлар ва турли-туман жазолар билан ҳам одамни ҳеч эпақага келтириб бўлмайди-ю, илло, биронта сўз (аксари вақтларда, олдиндан ўйлаб қўйилган сўз эмас, балки тасодифан оғиздан чиқиб кетган биронта сўз) одамзоднинг феълини тамомила ўзгартириб юборишга қодир бўлади. Лауретта баён қилган ҳикоя айнан шу нарсадан далолат беради, мен эсам, ўзимнинг қисқагина ҳикоя билан шу фикрни яна бир бор тасдиқламоқчиман. Яхши ҳикоялар

ҳамма вақт наф келтиради, бинобарини, ҳикояхон ким бўлишидан қатъий назар, унинг ҳикоясини зўр эътибор билан тинглаш фарз-дир.

Алқисса, сизларга маълум бўлсинки, Кипрнинг биринчи қиро-ли замонида, Готфрид Бульоний томонидан Қуддус забт этилгандан кейин, гасконлик аслзода бир хоним у ерга тангри қабрини зиёрат қилгани борипти ва қайтишда Кипрга тушипти, лекин бу ерда қан-дайдир nobакорлар уни қабиҳона таҳқир қилишипти. Аёл қасд олиш имконига эга бўлмаганидан қаттиқ изтироб чекиб, қиролга арз қилмоқчи бўлипти ва лекин кимдир унга, бу ҳаракатингиз зое кетади, чунки қирол шу даража иродасиз ва қўрқоқ одамки, у биронта бошқа одамни ҳақорат қилган одамни адлия қонунига амал қилган ҳолда жазога мустаҳиқ қилиш у ёқда турсин, ўлгудек қўрқоқ бўлгани сабабли, ўзига қаратилган беҳисоб ҳақоратларга ҳам мутеона бардош бериб келади ва шу бондан ит ҳам, бит ҳам ўз аламини шу қиролдан олиб, бутун гуноҳи ва иснодларини унга ағдарадилар, деб айтипти.

Бу гапни эшитган хонимнинг интиқом олиш нияти пучга чиқибди ва ҳеч бўлмаса: «Қандай нотавон одамсиз ўзи?» — деб қиролни ма-ломатга қўйиб бир хумордан чиқиш мақсадида унинг қошига бо-рибди-ю, жиққа ёш кўзлари билан шундай деди: «Аъло ҳазрат! Юртингизда менинг дилимга озор беришди ва лекин ул дилозорлар-дан интиқом олишга ожизлик қилганим сабабли истиқболингизга бир илтимос билан келдим: мишмишларга қараганда, сиз таҳқиру маломатларга тишингизни-тишингизга қўйиб бардош беришга ни-ҳоятда устаси фаранг одам экансиз, бинобарин, менга ҳам қасд олиш ўрнига таҳқирларга бардош бериш йўлини ўргатсангиз, шояд, мен ҳам сиздан олган сабоққа амал қилиб, таҳқиру маломатларга мутелик билан бардош бера оладиган бўлсам,— илло, худо шоҳид, мен ўшал таҳқирларни бажону дил сизга тортиқ қилган бўлур эдим: ахир сиз ҳайратомуз бардошли одам экансиз!»

Одатда ланж ва шалвираган қирол, бу сўзларни эшитиб, гўё гафлатдан уйғонгандек бўлипти ва ишни аёлга қилинган таҳқирдан бошлаб, дилозорларни қаттиқ жазолапти ва шундан бошлаб, ўз тож-тахти шаънига қасд қилганларнинг барини шафқатсизлик би-лан таъқиб остига оладиган бўлипти.

10

Болоньялик магистр Альберто, «менга ошиқ бўлиб қолибсиз», деб уни изза қилмоқчи бўлган аёлининг ўзини ғоят назокатли иборалар билан ўса қилади

Элисса жим қолди, охири навбатда қироличанинг ўзи ҳикоя қилиши керак эди, шунга кўра у ўз қиссасини аёлларга хос ғоят зўр латофат билан сўзлай бошлади:

— Шойста хонимлар! Мусаффо тунларда само гумбазининг вийнати юлдузлар бўлганидек ва баҳор палласида эса, ям-яшил

Ўтлоқларни чечаклар бегаганидек, худди шунга ўхшаш, эзгу ахлоқ ва дилкаш суҳбатни доно сўзлар безайди. Бундай сўзлар ўзининг латиф табиати билан эркаклардан кўра, аёллар тоифасига кўпроқ мосдир, зеро ўринсиз бўлган ерда кўп ва узоқ гапириш аёлларга нисбатан эркак зотига кўпроқ муносибдир, ҳолбуки, бизларни ва жаҳонда яшовчи барча аёл зотини шундай ҳол хижолатга солмоқ-дадирким, нозик иборали сўзларга тушунишга қодир, ённки тушуниб, жавоб қайтара оладиган аёллар эндиликда жуда кам қолган ва эҳтимолки, бутунлай қолмаган бўлса ҳам ажаб эмасдир. Гап шундаки, илгарилари аёл заковатини бегаб турган истеъдодни ҳозирги аёллар ўз баданларини безашга ишлатмоқдаларким, оқибатда, эгнидаги либоси ўзгаларникига нисбатан олачипорроқ бўлган сатанг ва танноз аёллар ўзларини кўпроқ иззат-эътиборга лойиқ деб ҳисоблайдилар, ваҳоланки, уларнинг барча безаклари, тақинчоқларини агар эшакка ортилса, эшак энг ашаддий, энг уччига чиққан сатангу таннозлардан бир эмас, юзтасининг тақинчоқларини бемалол кўтара олса ҳам барибир унинг номини ўша-ўша эшаклигича қолаверини уларнинг ҳаёлларига ҳам келмайди. Бу нарсаларни мен хижолат бўлганимдан айтяпман, зеро бу гапларнинг бари ўзимга ҳам тааллуқлидир. Ясанган-тусанган, пардоз-андоз қилган, ноз-ишвали аёллар одатда мармар ҳайкал сингари беэҳтирос, гунг бўладилар, борди-ю, уларга бирон савол билан мурожаат қилинса, улар шундай жавоб қиладиларки, гапирганларидан гапирмаганлари минг карра афзал бўлиб туюлади. Ваҳоланки, улар ўзларининг хонимлар ва аслзода эркаклар билан суҳбат қура олмасликларига руҳан покликларини важ қилиб кўрсатмоқчи бўладилар, ўз овсарликларини эса, камтарлик деб таърифлайдилар, гўёки аёл кишининг камтарлиги фақат ўз оқсочи ҳамда кир ювувчи ва нонвой хотин билангина суҳбат қуришдан иборат бўлгандай. Лекин борди-ю, ул аёлларнинг ўзларига-ўзлари уқтирмоқчи бўлган нарсалар табиат ихтиёрида бўлганда эди, уларнинг жаврақчилигига бошқа бирон усул билан барҳам берган бўлур эди. Дарҳақиқат, ҳаётнинг ҳар қандай жабҳасида юз берганидек, бу ўринда ҳам киши мавридни, жойини, шунингдек, ким билан суҳбат қилаётганини эътиборга олмоғи лозим, зеро баъзан шундай ҳам бўладикки, аёл ёки эркак киши ўткир сўз билан бирон одамни изза қилмоқчи бўлади-ю, ўз кучини аниқ ҳисобга олмаганидан, бошқа одамни хижолатга қўйиш ўрнига, ўзи панд еб қолади. Шу муносабат билан сизларни ўзингизга эҳтиёт бўлишга ундаб ва «аёл кишини доим лақиллатса бўлади», деган мақол ўз исботини сизларда топмасин учун мен ўзим баён қилмоқчи бўлган бугунги охирги ҳикоям билан сизларга шунингит қилмоқчиманки, сизлар покиза қалбингиз билан бошқалардан қандай фарқ қилиб турган бўлсангиз, олмақом муомалангиз билан ҳам шундай ажралиб турунг.

Яқинда Болоньяда деярли бутун жаҳонга донғи кетган машҳур табиб магистр Альберто деган одам яшарди,— ҳозир ҳам тирик бўлса ажаб эмас. Бу етмиш ёшга бориб қолган чол қалбан ҳали шу қадар навқирон эдики, гарчи унинг томирларидаги табиий ҳарорат энди деярли сўнган бўлса ҳам шунга қарамай, у ишқ алангасида

ёпишни ҳамон тарк этмасди. Бир гал у байрам пайтида бағоят дилбар бир бева аёлни — исми Мальгериде де Гизольери эди шекилли,— учратиб қолди-ю, бир кўрганнинг ўзида унга ошиқи беқарор бўлиб, кекса қалбида навқирон йигитларга хос шижоат билан ишқ учқунини алангалатди ва ўшал ондан бошлаб, магар ул соҳибжамолнинг латиф ва зебо чеҳрасини кундуз кўрмаса, ҳаловати йўқолиб, кечани бедор ўтказадиган бўлиб қолди. Шу боисдан у худонинг берган куни ул аёлнинг деразаси остидан гоҳ пиёда, гоҳ от миниб ўтадиган бўлди. Ниҳоят, вақт ўтиши билан бева хонимнинг ўзи ҳам, унинг қўни-қўшнилари бўлмиш ўзга хонимлар ҳам бу ташрифларнинг боисига тушунгандай бўлдилар ва ўзаро гурунглашиб, шундай катта ёшдаги закий одам бўла туриб, худди йигитлардек ошиқ бўлиб қопти-я! — деган мазмунда ҳазил қила бошладиларким, бу ҳазилдан гўё муҳаббатнинг лаззатбахш эҳтироси фақат бефаросат ўсмирлар қалбидагина маскан қуриши мумкин эди! Бу аспода магистр Альберто ўз маҳбубасининг уйи олдида пайдо бўлишини канда қилмади, мана шундай кунларнинг бирида, қайсиям бир байрам пайтида ўшал хоним бошқа қўшни хонимлар билан ўз уйи олдида чақчақлашиб ўтиришганида, шу томонга келаётган магистр Альбертони узоқдан кўриб қолдилар, кўрдилару ҳозир уни ўз олдиларига чорлаб, иззат-икром билан қабул қилишга, ана ундан кейин бу қариянинг муҳаббати устидан кулишга аҳд қилдилар ва шу заҳоти ўз ниятларини амалга оширишга киришдилар: хонимлар магистрни ўринларидан туриб, қарши олдилар, уни уйга таклиф қилиб, соя-салқин ҳовлига бошлаб кирдилар, хушбўй шароблар ва ширинликлар билан меҳмон қилдилар ва ниҳоят ғоят нафосатли ва зарофатли иборалар билан: бу соҳибжамолга шайдо бўлган навқирон, ўктам, мафтункор ва хушбичим маҳбублар сон-саноқсиз эканлигини кўра-била туриб, сиз ошиқ бўлишга қандай журъат этдингиз, деган мазмунда унга савол бердилар.

Магистр ҳам назокат билан қилинган бу киноянинг мағзини чақиб, табассум бирла жавоб айлади: «Бону! Менинг ошиқлигим, боз устига, сиздек зебога ошиқ бўлишим биронта ҳам мулоҳазали одамни ажаблангирмаслиги керак, зеро сиз бунга, тўла-тўқис мушаррафдирсиз. Табиий ҳолки, ёши улғайган одамларда ишқий машғулотлар учун куч-қувват етишмайди албатта ва лекин улар на севиш эҳтиёжидан, на севишли бўлиш лаззатини англашдан асло жудо бўлмаганлар, бундай туйғуларни улар ёшлардан кўра яхшироқ идрок қилишлари табиий ҳолдир, чунки уларнинг идрок ва заковати баландроқдир. Бинобарин, гарчи мен кексайиб қолган, сизнинг эса, ёш шайдоларингиз беҳисоб бўлса ҳам барибир, бир-биримизни севиб қолишимиздан умидимни узмайман, бунга асос мана бу; мен аёлларнинг тушлик овқат пайтида кўк пиёз еганларини жуда кўп кўрганман. Гарчи пиёз аслида бемаза нарса бўлса ҳам ҳар ҳолда унинг бош томонини тановул қилса бўлади, иштаҳа очадди, бироқ сиз аёлларнинг дидингиз шу қадар айниганки, пиёзни бошидан ушлаб, унинг мутлақо истеъмолга яроқсиз, ғоятда бемаза япроқларини ейишга одатлангансиз. Қим билсин, хоним? Сиз балки ошиқларни ҳам айнан шу йўсинда танлаяпгандирсиз? Бас, шундай

экан, унда сиз, муқаррар, бошқаларни рад этиб, мени танлагай-сиз».

Магистр Альбертонинг сўзлари аслзода хонимни, шунингдек, унинг дугоналарини ҳам анча хижолатга қўйди ва у магистрга шундай жавоб қайтарди: «Сиз, магистр, густохона қилмишимиз учун бизларга гоятда жозибали ва назокатли танбеҳ бердингиз. Ҳарна бўлгандаям, сизнинг ҳиссиётингиз фаросатли ва эъзозли зотнинг муҳаббатини сингари менга азиз ва мўътабардир. Мен бутун инон-ихтиёримни сизга ҳавола қилдим, фақат шартим шуки, номусимга доғ тушмаса бўлган».

Шу гапдан кейин магистр, — унга эргашиб барча ҳамроҳлари — ўринларидан туришди, магистр хонимга миннатдорлик изҳор қилди, у билан видолашди ва қувноқ табассум билан бу ердан узоқлашди. Шундай қилиб, хоним ўзининг нимадан кулаётгани устида мулоҳаза қилмаганлиги оқибатида, мағлубиятга учраб, ўзи кулги бўлиб қолди, ҳолбуки, у бу баҳсда ютиб чиқишига қатъий ишонган эди. Илло, сизларнинг бошингизга у хонимнинг кунни тушмаслиги мумкин, бунинг учун мулоҳаза билан иш кўрмоғингиз лозим, ҳолос.

Ҳамма қизлар ва уч йигит ҳикояларини айтиб бўлишганида қуёш оғиб ҳарорат хийла пасайган эди.

Шунга кўра малика фусункор лутф ила деди:

— Дилбар дугоналар! Мен ҳокималик қилган ушбу кунда, сизлар учун янги малика тайинлашдан ўзга вазифам қолмади, янги ҳокима эртага ўз ихтиёри билан иш кўриб, бизларга шундай ҳукмронлик қилсинким, биз вақтимизни шоён кўнгилхушлик билан ўтказамлик. Рост, тунга ҳали анча бор, лекин агар ҳар бир ишга олдиндан ҳозирлик кўрилмаса, кейинчалик тартиб ўрнатиш мушкул бўлади, бинобарин, янги қиролича эртанги субҳидамга буюртпирадиган жамини нарсаларни ҳозирлаб қўйишга одамлар улгурсинлар, деган мақсадда, мен эртанги кунни ҳозирдан бошланди, деб фармон берман. Хуллас, яратган эгамнинг хоҳиши бирла ва барчамизнинг кўнгилхушлигимиз учун, эртанги кунда салтанатимизга навқирон ва доно Филомена ҳокима бўлсин.

Малика шу сўзлар билан ўрнидан туриб, бошидаги дафна чамбарини ечди ва эҳтиром билан уни Филоменанинг бошига қўндирди-да, ўзи уни қиролича, деб эътироф этиб, унга биринчи бўлиб таъзим қилди, қолган қиз ва йигитлар ҳам Филоменани ўзларининг маликалари, деб ихтиёрий эътироф этган ҳолда, Пампинея кетидан... бир-бир унга таъзим қилдилар.

Филоменага тож кийдиришаётган пайтда у лоладек қизариб кетди, бироқ боя Пампинея айтган сўзларни эслаб, ўзини қўлга олди ва шарманда бўлиб қолмаслик учун биринчи навбатда, Пампинея тайинлаган лавозимдаги одамларни қайта тасдиқлади, эртага шу ерда тановул қилиш учун қандай таомлар ҳозирлаш ҳақида фармойиш берди, сўнгра шундай деб нутқ бошлади:

— Дилрабо дугоналар! Гарчи Пампинея мени сизларга қиролича қилиб тайинлаган бўлса ҳам, — илло, менинг фазилатларим учун эмас, балки кўпроқ, ҳиммат юзасидан қилди у бу ишни, — шунга

қарамай, мен бўлгуси турмушимиз режасини тузишда наинки ўзимнинг, шунингдек, ҳаммамизнинг умумий ақл-заковатимизга амал қилмоқчиман. Шунга кўра, нималарни рўёбга чиқармоқчи бўлганлигимни сизларнинг эътиборингизга ҳавола қилиш мақсадида ва сизларга ўз эзгу ихтиёрингизга кўра бирон нима илова қилиш ённки аксинча, бирон нимани олиб ташлаш имкони бўлсин учун сизларга икки оғиз сўз билан ўз мулоҳазаларимни баён қилмоқчиман. Агар янглишмасам, бугун Пампинея амалга оширишга муяссар бўлган ишларнинг бари ҳам қизиқарли, ҳам кўнглили бўлди,— мана шунга кўра, унинг фармойишлари хоҳ бот-бот такрорланавергани туфайли, хоҳ бошқа бирон сабаб билан кўнглилға тегмагунча, мен уларни рад этмоқчи эмасман. Демак, аввалдан ўйлаб қўйилган режаларимизга амал қилиш мақсадида, келинлар, ҳозир ўрнимиздан турайлик-да, бир оз ўйнаб-кулайлик, кун ботгач, кечки салқинда овқатланайлик, овқатдан сўнг куйлаб вақтичоғлик қилайлик — сўнг ётиб ухлайлик! Эртага эрталаб салқин пайтда туриб яна ҳар ким ўз кўнгли хушлаганча вақтичоғлик қилсин ва бугунги кунга ўхшаб, ҳаммамиз тушлик пайтида бу ерда жам бўлайлик, кейин рақс тушайлик, ундан кейин ҳордиқ чиқарайлик. Уйқудан тургач эса, худди бурунгидек, яна шу ерга йиғилайлик-да, ҳикояхонлик қилайлик, чунки менинг фикри ожизимча, ҳеч бир нарса биз баён қилаётган ҳикояларчалик кишига бисёр лаззат бағишламайди ва айни пайтда, бунчалик улкан наф келтирмайди. Мен фақат биттагина янглик таклиф киритмоқчиман — Пампинея бунн тахтга кеч ўтказилгани учунгина бажаришга улгурмаган эди: мен ҳикоя айтиувчиларни бир мавзу билан чекламоқчиман ва у мавзудан сизларни огоҳ қилиб қўймоқчиманки, мазкур мавзуга мос қизиқарли ҳикоя ўйлаб қўйишингиз учун ҳар бирингизда етарли имкон бўлсин. Хуллас, агар фикримга қўшилишсангиз, мавзуимиз шундай бўлади: дунё яратилгандан буён одамзод тақдирининг бевафолигидан изтироб чекади ва то қиёмат-қойимгача бу изтиробдан фориғ бўла олмайди, бас, шундай экан, ҳар ким *турли-туман мусибатларга гирифторм бўлган одамларнинг чеккан азоб-уқубатлари мутлақо қутилмаганда эзгулик билан тугагани ҳақида* бирон нима сўзлаб берсин.

Эркаклар ҳам, хонимлар ҳам бу низомни бир овоздан маъқулладилар ва унга амал қилишга-ваъда бердилар. Лекин ҳамма гапириб бўлгач, қутилмаганда Дионео гап бошлади:

— Маликам! Мен жамоа фикрига қўшилишаман: сиз киритган янглик шоён таҳсинга лойиқ ва беҳад ажойибдир. Бироқ алоҳида ҳиммат юзасидан, мен учун бир имтиёз туғдириб беришингизни илтимос қиламанким, то ушбу жамоамиз жам экан, менинг ул имтиёздан мудом фойдаланишимга имкон берилиб турилса, яъни,— сиз жорий қилган тартиб менга алоқадор бўлмаса: агар менда берилган мавзу юзасидан ҳикоя қилиш иштиёқи бўлмаса, мени ул мавзуда сўзлашга мажбур қилинмаса, нимани хоҳласам, шунн ҳикоя қилсам. Дилида ўйлаб қўйган ҳикоялари йўқлигидан шундай илтифотни сўраяпти, деб ўйлашмасин учун мен донм ҳаммадан кейин ҳикоя қилишга розиман.

Қиролича Дионеонинг марғуб ва қувноқтабиат одам эканлигини биларди, шунинг учун унинг бу илтимос билан мурожаат қилишига бирдан-бир сабаб, башарти жамоа ақлий ҳикояларни эшитиб толиқса, шунда бирон ҳангома айтиб, ҳамманинг кўнглини кўтармоқчи бўлса керак, деб тушунди ва ошкора мамнуният ва барчанинг розилиги билан унга сўраган имтиёзни берди. Шундан сўнг ҳамма ўрнидан туриб, шишадек тиниқ чашма бўйига бамайлихотир йўл олди — чашма соя-салқин воҳага тоғ бошидан оқиб тушар ва қуюқ ўсган дарахтлар, қоя парчалари ва ям-яшил ўтлоқлар орасидан ўтарди. Хонимлар пойабзалларини ечишди, енгларини шимаришди ва сувга тушишиб, бир-бирларига сув сепиб ўйнаша бошлашди. Кечки овқат пайти келганда эса, ҳамма қасрга қайтди ва зўр иштаҳа билан овқатланди. Кечликдан кейин чолғу асбоблар олиб келинди ва қиролича рақсни бошлашга фармон берди, дарвоқе, раққосларга бош бўлиш Лауреттага, Дионео чалган уд жўрлигида қўшиқ айтиш эса, Эмилияга буюрилди. Лауретта қироличанинг фармонини бажаришга ошиқиб, шу заҳоти рақсга тушиб, бошқаларни ўз орқасидан эргаштирди, Эмилия эса эҳтиросли навозиш тўла овози билан қўшиқ куйлай бошлади:

Ўз ҳуснимга ўзим маҳлиё,
Бошқаларни нима қиламан,
Керак эмас менга ёр асло.

Мен кўзгуда кўриб жамолим,
Тикиламан яна ҳайратда.

На хотира ва на хаёлим
Таъсир этар бу кайфиятда.

Бошқа эрмак эмас муддао,
Ҳусним билан яшай роҳатда,
Керак эмас менга ёр асло,
Қидирмайман кайфу сафони.

У келажак истаганим он.

Унутарман бутун дунёни
Ишқ олови қамраган замон.

У ўт мени қилажак адо,
Буни сира тушунмас нодон,
У ўтга жон бўлади фидо.

Энди бўлса, тикиламан жим,
Лаҳза сайин сен яқин, азиз —

Пешонамга битган гавҳарим,
Умидларим ардоқли, лазиз.

Тақдир менга бахт этмиш ато,
Мендан бошқа ҳеч кимса, эсиз,
Бунчалик кайф сурмаган асло.

Гарчи айрим кишилар бу қўшиқнинг сўзларидан ўйга толган бўлса ҳам ҳамма жўр бўлди унга, қўшиқ ниҳоясига етгандан кейин эса, яна бир неча шўх ўйинлар ижро этилди, шундоқ ҳам қисқа бўлган туннинг бир қисми шу йўсинда ўтиб кетганини сезмай қолишди, бу ҳол қироличани биринчи кунга хотима беришга мажбур этди. У машғалалар ёқиш ҳақида фармон берди, эркаклар ва хонимларга эса, эрталабгача дам олишни буюрди, шундан сўнг ҳамма ўз оромгоҳига тарқалди.





ДЕКАМЕРОННИНГ
БИРИНЧИ ҚУНИ ТУГАБ,
ИККИНЧИ ҚУНИ БОШЛАНМОҚДА.

Филомена ҳокималик қилган ушбу кунда китобхон
эътиборига турли-туман мусибатларга гирифтор
бўлган одамларнинг чеккан азоб-уқубатлари, мут-
лақо кутилмаганда, эзгулик билан тугагани ҳақида-
ги ҳикоятлар ҳавола қилинади.



Хонимлар ва уч йигит ўринларидан турганида қуёш аллақачон ҳамма ёқни чароғон қилган, ям-яшил шохларда қушлар бутун кинотни бошларига кўтариб, бу ҳақда шўх-шўх сайраётган эди; йигит-қизлар боққа чиқишиб, у ерда шабнам инган кўкатлар устида узоқ вақт сайр қилишди, чиройли гулчамбарлар тўқишди. Сўнг ҳамма иш кеча таъсис этилган режа бўйича юришиб кетди: ҳали кун қизимасдан нонушта қилишди, ўйнашди, дам олишди, соат учларга яқин маликанинг фармонига биноан ям-яшил майсазорга боришди-да, давра қуриб ўтиришди. Дафна чамбаридан бошига тож кийган латофатли, мафтункор малика бир оз ўйга толиб туриб қолди, сўнгра йиғилганларга бир-бир кўз югуртириб чиқиб, биринчи бўлиб ҳикоя бошлашни Нейфилага буюрди, у ҳам ялинтириб ўтирмай, қувноқ чехра билан шу заҳоти ҳикоя қила бошлади.

Сохта шол бўлиб олган Мартеллино, авлиё Арригонинг жасадига қўл теккизиб шифо топгандай кўрсатади ўзини, бу найранг фош бўлади. Уни тутиб, калтаклайдилар, дорга осмоқчи бўладилар, лекин унинг бошига тушган бу мусибатларнинг охири баҳаър тугайди

— Дилкаш хонимлар! Ўзгалар устидан, айниқса, муқаддас буюмлар устидан кулмоқчи бўлганлар аксар вақт ўз зиёнига кулади ва ўзи шарманда бўлиб қолади. Мен шу фикрга амал қилиб — қирол-личамизнинг фармойишини бажариш мақсадида, берилган мавзу бўйича бирон нима ҳикоя қилиб бериш учун сизларга бир ҳамшаҳаримизнинг бошига қандай мусибат тушгани ва кейин, мутлақо қутилмаганда, ҳамма кечмишларининг ниҳояси эзгулик билан тугани ҳақида сўзлаб бермоқчиман.

Бундан бир оз вақт муқаддам Тревизода Арриго исмли бир қашшоқ немис яшарди, касби ҳаммолчилик эди; айни пайтда, ҳамма уни ғоятда ҳалол, авлиёсифат одам деб биларди. Ростми, ёлғонми, аниқ айтолмайману, лекин Тревизо аҳли ўртасида тарқалган овозага қараганда, шул зот оламдан ўтган пайт Тревизо жомесидаги ҳамма қўнғироқлар ўз-ўзидан чалиниб кетганмишу бу билан унинг авлиёлиги барчага аён бўлганмиш. Халқ бу ҳолни мўъжизага йўйиб, уни авлиё деб эътироф этди ва шаҳарнинг чор атрофидан унинг жасади ётган ерга оқиб келаверди, сўнгра жасад авлиё одамнинг жасадига монанд иззат-икром билан ибодатхонага олиб ўтилди, шундан кейин, бул муқаддас жасадга қўл учини теккизган ҳар қандай бемор албатта шифо топгай, деб овоза қилишиб, жомега майиб, мажруҳ, кўр, шолларни, дардга чалинган жамики беморларни етаклаб кела бошладилар.

Хулласи калом, Тревизода бўлаётган ана шу тўс-тўполон ва алғов-далғов пайтда у ерга ҳамшаҳарларимиздан уч киши бориб қолади, улардан бирининг исми Стекки, иккинчисиники — Мартеллино, учинчисининг оти эса — Маркезе эди; уювларининг ҳам асосий машғулоти — акобир жанобларнинг қасрларига кириб, ҳар турли одамларга тақлид қилишдек ғайри оддий санъатларини намоён қилиш ва шу билан томошабинларнинг димоғларини чоғ айлаш эди. Илло, улар бу шаҳарда илгари ҳеч бўлмаганликларидан, бу тўполонни кўриб, ҳанг-манг бўлиб қоладилар ва бунинг боисини билишгач, ўзлари ҳам жомега бориб, ўша манзарани ўз кўзлари билан кўришга аҳд қиладилар.

Улар бир мусофирхонага жойлашишади, шунда Маркезе бундай дейди: «Юринглар, ўша авлиёни бориб кўрамиз. Лекин қандай қилиб ўта оларканмиз, ҳайронман,— бутун майдонни немислар билан аскарлар ўраб олган, дейишяпти, аскарларни бебошликни

олдини олиш мақсадида шаҳар ҳокими юборганмиш, ундан кейин, церковнинг ичням, айтишларича, одамга тиқилиб кетганмиш, у ёққа кириш амри маҳол».

Мартеллино бу маросимни жудаям кўргиси келган эди, у шундай деди: «Бе, бунинг нимаси қийин экан! Мен бўламану авлиё жасади олдига кира олмайманми? Бундай бўлиши мумкин эмас».

«Қандай қилиб кирасан?» — деб суриштирди Маркезе.

Мартеллино ҳам унга шундай жавоб қилди: «Ҳозир айтаман. Мен ўзимни мажруҳ одам қилиб кўрсатаман, сен билан Стекки икковинг, гўё мен ўзим юра олмайдигандай, икки қўлтигимдан суяб оласанлару мени ўша авлиёнинг муборак жасади олдига шифо топтиргани етаклаб кетаётгандай кўрсатасанлар ўзларингни, ана унда ҳар қандай одам ҳам бизни кўриб, йўл бўшатади, олдинга ўтказиб юборади».

Маркезе билан Стеккига бу эрмак маъқул тушди. Учовлари ҳам кўп ўйлаб ўтирмай, мусофирхонадан чиқдилару йўлда бир хилватгоҳда тўхтадилар, бу ерда Мартеллино билакларини, кафтларини, бармоқларини, оёқларини шундай қайириб, майиштириб юборди, кўзларини ғилай қилди, оғзини ва бутун башарасини шунақаям қийшайтириб, бадбашара бўлиб кетдики, унга қарагани қўрқарди киши. Уни бу қиёфада кўрган ҳар қандай одам ҳам ногирон банда эканлигига асло шубҳа қилмасди. Маркезе билан Стекки уни шу ҳолича, икки қўлтигидан ушлаб ва ўзларини ғоятда художўй қилиб кўрсатиб, Исо алайҳиссаломнинг номини тилга олганча, одамлардан йўл бўшатишларини тавозе билан сўраб, уни жоме сари етаклаб кетдилар, уларни кўрганлар дарҳол йўл бўшата бошладилар. Улар ҳамманинг кўнглида раҳм-шафқат туйғусини уйғотиб ва ҳамманинг «Пўшт! Пўшт!» — деб қичқириши остида хиёл вақт ўтмай авлиё Арригонинг жасади ётган жомега етиб олдилар. Сағана теграсида уймалашиб турган зодагонлар Мартеллинони кўтариб, шояд шифо топса, деган мақсадда, авлиё жасади устига ётқиздилар. Ҳамманинг кўзи Мартеллинода эди, у эса бир оз чидаб ётгандан кейин, ўзига хос маҳорат билан гўё майишиб кетган бармоғини ёзаётгандай ҳаракат қилди, кейин кафтини ёйди, ундан кейин бутун қўли шифо топиб тузалгандай бўлди ва ниҳоят, қаддини ростлаб ўриндан турди. Бунни кўрган халойиқ бутун жомени бошига кўтариб, авлиё Арриго шаънига шундай ҳамду санолар ўқидики, агар шу пайт момақалди роқ гумбурласа, у ҳам эшитилмаган бўларди.

Тасодифни қарангки, худди шу маҳал бу ерда Мартеллинони жуда яхши танийдиган флоренциялик бир зот пайдо бўлган эди, у аввалига мажруҳ қиёфадаги Мартеллинони танимади. Лекин Мартеллино қаддини тиклаб, расмана одам қиёфасига киргандан кейин, уни дарҳол таниди ва кулги аралаш: «Оббо, касофат-е! Бу вазоҳатини кўрган қайси киши унинг мажруҳ эмаслигига ишонади?» — деб қичқирди.

Унинг бу гапини эшитганлар: «Ие! Ҳали у шол эмасми?» — деб ажабланиб сўрашди.

Флоренциялик уларга жавобан бундай деди: «Йўқ, асло, азба-

ройи шифо! У умрбод сизу биздек хушқомат бўлган,— лекин у, ҳозир ўзларингиз шоҳид бўлганингиздек, ўзини ҳар қандай қиёфага солиб кўрсата оладиган ғоятда беқиёс маҳоратга эга одам».

•Бу гапни эшитган оломон, ортиқ суриштириб ўтирмай: «Ушланглар анани бадкирдорни! У парвардигорни ҳам, азиз-авлиёларни ҳам мазах қилди! У ҳеч қандай шол эмас — фақат бизнинг авлиё устидан ва бизлардан кулиш мақсадида ўзини шол қилиб кўрсатипти!» — деб қичқирганча олдинга ёпирилди. Шундай деб, уни ушлаб олиб, турбатдан тортиб туширдилар, эғнидаги кийим-бошини дабдала қилиб йиртдилар, сочидан чангаллаб — роса беланги қилиб тепиб, дўппослашдики, бу нарсага иштирок этмаган кимса ўзини эркак ўрнида ҳисобламайдиган бўлди. Мартеллино: «Худо ҳаққи, раҳмингиз келсин!» — деб фарёд қилди, баҳоли қудрат тушаётган зарбларни қайтаришга уринди-ю, лекин қўлидан ҳеч нш келмади: оломон унинг бошига тобора кўпроқ тўпланаётган эди. Бу ҳолни кўриб туришган Стекки билан Маркезе, аҳвол чатоқ-ку, деб пичирлашиб олишди, лекин жон ширинлик қилганидан, ўртоқларининг ёнини олишга журъат эта олмадилар, билъакс: бошқаларга қўшилиб, ўлдириш керак бунақа одамни, деб бақира бошладилар, айни пайтда, уни оломон қўлидан қандай қилиб қутқариб олса бўларкин, деб пинҳона бош қотира бошладилар; шу пайт Маркезенинг мнясига «лоп» этиб бир фикр келмаганида, оломон Мартеллинонинг суробини тўғрилаб қўйиши турган гап эди. Маркезе жон-жаҳди билан ҳаракат қилиб, жомени ўраб турган соқчилар томонга отилди ва шаҳар ҳокимининг ўрнига қолган кишига мурожаат қилиб: «Войдод! Бир фирибгар ҳамёнимни қирқиб кетди, ичида юздан кўпроқ олтин флориним бор эди — буюринг, уни тутиб, пулимни қайтариб беришин!» — деб қичқирди.

Ун икки нафар соқчи бу гапни эшитган заҳоти, бахти қаро Мартеллинони совунсиз ишқалаётган оломон орасига отилди ва ғайри инсоний куч ишлатиб, ёриб кириб борди-да, пўстаги қоқилавериб тоза ийиғи чиққан Мартеллинони ситамгарлар панжасидан юлиб олиб, шаҳар ҳокими қасрига олиб борди. Оломон орасидан кўпчилик ўзини гел бўлган ҳисоблаб, бизни майна қилиб кетди-ку, бу хумпар, деб Мартеллино орқасидан ҳоким қасригача эргашиб борди, лекин Мартеллинонинг кисавур сифатида ҳибсга олинганини эшитиб, унинг додини бериш, роса тўзлаш учун дурустроқ важ топа олишмагач, бизнинг ҳам ҳамёнимизни кесиб кетган бу кисавур, деб улар ҳам гувоҳлик бера бошладилар. Тошбағир судья гувоҳлар баёнини эшитиб бўлиб, Мартеллинони бир чеккага бошлаб борди-да, уни сўроқ қила бошлади. Ва лекин Мартеллино, гўё судья мен билан майнабозчилик қияпти, деб ўйлаб, ҳазил-ҳузул гап билан жавоб қила бошлади. Судьянинг ғазаби қайнаб кетиб, уни исканжага солишни ва то айбини бўйнига олмагунча шафқатсиз савалашни, ундан кейин эса, дорга осилгани буюрди.

Мартеллинони исканжадан бўшатгач, судья: «Жабрланганларнинг сенга қарши берган гувоҳликлари тўғрими?» — деб яна сўроқ қила бошлади. Шунда Мартеллино тонишдан ҳеч қандай наф чиқмаслигига тушуниб, шундай жавоб қилди: «Тақсирим! Мен айбим-

га иқрор бўлишга тайёрман, бироқ аввал ҳар бир гувоҳ, қачон ва қаерда унинг ҳамёинини ўмариб кетганимни айтиб берсин, ана унда мен қайси гап рости қайсиси ёлғон эканлигини айтиб бераман».

«Майли, сенингча бўлсин»,— деди судья ва келган гувоҳлардан бир нечасини чақиришни буюрди, ана шунда гувоҳлардан бири, ҳамёинини Мартеллино бир ҳафта бурун кесгани, иккинчиси — олти кун олдин, учинчиси — тўрт кун илгари, бошқалари эса — худди шу бугун ўғирлагани ҳақида гувоҳлик беришди.

Мартеллино бу гапларни эшитиб, шундай жавоб қилди: «Тақсирим! Буларнинг ҳаммаси ғирт ёлғон гапиришяпти, аммо менинг ҳақ гапираётганимга исботим бор: агар мен шу бугунги кундан олдин бирон марта бўлсин, бу шаҳарда бўлган бўлсам, бу шаҳар бетини бошқа ҳеч маҳал кўрмай. Мен шаҳрингизга кириб келган заҳотим, ўз бошимга бало орттириб, авлиё жасадини зиёрат қилгани жомега йўл олдим, у ерда бўлса, мана, ўзингиз кўриб турибсиз, роса патимни тўзитишди. Гапимнинг ростлигини шаҳар маҳкамасидаги амалдор (зеро, шаҳарга кириб келган ҳар бир мусофир биринчи навбатда ўша ерга бормоғи шарт), унинг рўйхат китоби ва ниҳоят, мен жойлашган мусофирхона соҳиби исботлаши мумкин. Айтмоқчиманки, башарти айтганларимнинг ҳаммаси тасдиқланса, менга лутф айлаб, бу азобдан халос этинг ва мана бу нобакорларнинг талаби билан жонимни олманг».

Энди гапни Маркезе билан Стеккидан эшитинг, улар судьянинг Мартеллинони жон-жаҳди билан сўроқ қилаётганини эшитиб қолиб, юраклари орқаларига тортиб кетди ва: «Э, аттанг, қош қўяман, деб кўз чиқариб қўйибмизу: ошнамитни қозондан олиб, ўчоққа тиқибмиз-да», дедилар. Сўнг шу мулоҳаза билан фикрлаганча мусофирхона хўжайинини қидириб кетдилар, уни топиб, бўлган воқеани батафсил сўзлаб бердилар. Хўжайин қулиб юборди ва уларни шаҳар ҳокимининг иззатли кишиси ҳисобланмиш тревизолик Сандро Аголантти деган бир зот қошига бошлаб борди. У Аголанттига бутун бўлган воқеани бир бошдан сўзлаб берди, сўнг ўз ҳамроҳлари билан биргаликда Сандрога мурожаат қилиб, Мартеллинонинг ёнини олишни илтимос қилди. Сандро қотиб-қотиб роса кулгач, ҳаммалари шаҳар ҳокиминикига равона бўлишди ва ундан Мартеллинони олиб келгани одам юборишни илтимос қилди, илтимос шу заҳоти бажо келтирилди. Мартеллинони олиб кетгани борган ҳоким одамлари унинг судья рўпарасида битта ички кўйлақда эси оғиб, даҳшатга тушиб турганини кўришди, зеро судья унинг далилларини эшитишни ҳам истамаяпган эди: билъакс айбдорнинг пешонаси шўр экан денг,— судья, умуман, флоренцияликларни ёқтирмас эди,— шунга кўра у айбловчи далил қандай бўлишидан қатъий назар, барибир Мартеллинони дорга осишга қатъий аҳд қилган эди, уни шаҳар ҳокими ҳузурига юборишни-ку, хаёлига ҳам келтирмаган эди ва лекин ночор, ўлганининг кунидан юборишга мажбур бўлди. Мартеллино шаҳар ҳокими ҳузурига келиб, бўлган ҳамма гапни бир бошдан гапириб берди, сўнг ундан улкан шафқат кўрсатишни ва ўзининг бу шаҳардан жўнаб кетишига ижозат беришини илтимос қилди, зеро,— деб изоҳлади у,— то ўз қадрдон Флоренци-

ямга етиб олмагунимча, бўйнимда сиртмоқ борлигини муттасил ҳис қилавераман. Шаҳар ҳокими бу саргузаштдан роса кулиб, учала ўртоққа либос тортиқ қилди, шундан сўнг, бизнинг флоренцияликлар мутлақо кутилмаганда ғоят катта хавф-хатардан қутулиб, соғ-саломат юртларига қайтиб келдилар.

2

Ринальдо д'Эсти исмли бир одам қароқчилар қўлига тушиб, бутун будшудидан айрилади, сўнг Кастель Гвильелмо шаҳрига етиб бориб, бир бева аёлниқидан паноҳ топади; кўрган талофотлари эвазига катта бойликка муяссар бўлиб, соғ-саломат уйига қайтади

Хонимлар Нейфила сўзлаб берган Мартеллино можаросини тинглаб, кула-кула ичақлари узилди; йигитларга келсак, бу ҳикоя ҳаммадан ҳам кўпроқ Нейфиланинг ёнида ўтирган Филостратонинг кулгисини келтирдиким, малика ҳам ҳикояхонлик навбатини айнан шу йигитга берган эди. У ҳам ҳозиржавоблик билан ҳикоясини шундай сўзлар билан бошлаб юборди:

— Дилором хонимлар! Тилимнинг учиди бахтсизликни, ҳам, ишқий саргузаштларни ҳам ўзига қамраб олган муқаддас нарсалар ҳақидаги бир қисса турипти, ўйлайманки, уни тинглаган одамга зарари етмас, айниқса муҳаббатнинг тўфонли уммонида сузаётганларга кўпроқ нафи тегса ажаб эмас, лекин бундай уммонда сузаётганлар, агар авлиё Юлианни тилга олиб, унга сифинмасалар, ҳаттоки юмшоқ тўшакда ҳам уларнинг уйқулариди ҳаловат бўлмагай.

Алқисса, маркиз Аццо Феррарий замонида Ринальдо д'Эсти исмли бир савдогар ўз иши юзасидан Болоньяга боради. Ва лекин, у ҳамма ишларини тугатиб уйига қайтаётганида, йўлда — Феррара билан Верона ўртасида қиёфаларидан савдогарларга ўхшаб кетувчи бир неча йўловчиларни учратади (аслида эса, улар қароқчилар бўлиб, бадкирдор, қонхўр одамлар эди) учратади-ю, эҳтиётсизлик қилиб, уларга ҳамроҳ бўлади, улар билан суҳбат қуради. Шумният кишилар, ўз ҳамроҳларининг савдогар эканлигига ва унинг ёнида мўмайгина ақчаси борлигига ишонч ҳосил қилишгач, қулай фурсат келган заҳоти уни тўнашни мўлжаллаб қўядилар, лекин савдогар кўнглида ўзларига нисбатан ҳеч қандай шубҳа туғилмасин учун камтарона, одоб сақлаб борадилар, нуқул муқаддас нарсалар, юксак фазилатлар ҳақида баҳс юритадилар ва қўлларидан келганча савдогар олдида ўзларини сертакаллуф, оқкўнгил одамлар қилиб кўрсатишга уринадиларки, Ринальдо бу учрашувни ўзи учун катта омад деб билади, зеро шу пайтгача у сафарга чиққанида доим унга ягона отлиқ хизматкори ҳамроҳ бўлар эди. Улар шу таразда йўл юриб боришаркан, кўпинча сафар вақтида бўлганидек, гапдан гап чиқиб, суҳбат одамларнинг худога қай йўсинда сифинишига бориб тақалади.

Гап шу ерга келганда, қароқчилардан бири,— улар жами уч

киши эди, — Ринальдога шундай савол билан юзланади: «Хўш, сен, мухтарам зот, сафар пайтида қайси дуони ўқийсан?»

Ринальдо унга жавобан шундай дейди: «Гапнинг сирасини айтганда, мен оми, нодон одамман, дуоларни кам биламан, эскича таомил билан жайдари ҳаёт кечираман, юлдузни бенарвон урадиганлардан ҳам эмасман, шунга қарамай, ўзимга шу нарсани одат қилганман; эрталаб, карвонсаройдан жўнаб кетаётганимда, албатта мусофирпаноҳ авлиё Юлиanning арвоҳи ёр бўлсин, ота-онасининг руҳи қўлласин, деб «Э бор худоё» билан «Е Биби Марям»ни ўқийман, кейин тангридан ва авлиё Юлиандан илтижо қилиб бугун кечқурун ҳам менга яхши бошпана ато этишларини сўрайман. Сафарда бўлган пайтларимда бошимга не-не фалокатлар тушмаган, — лекин ҳар гал ҳам: кечқурун бўлганда менга шинамгина бошпана, оёйишта тунайдиган жой насиб этган. Мана шунинг учун ҳам мен авлиё Юлианга сизгинаман — имоним комилки, худойи таолодан мен учун шу авлиё шафқат сўрайди. Ўзи иримим шу: башарти эрталаб унга сизгиниб дуо ўқимай қолсам, ўша куни сафарда бирон фалокатга йўлиқаман, дурустроқ бошпана ҳам топилмайди».

Бояги қароқчи унга яна бир савол беради: «Хўш, бугун эрталаб ибодат қилганмидинг?»

«Бўлмасам-чи!» — деб жавоб қилади Ринальдо.

Шунда, воқеанинг ҳали қандай кўчишини олдиндан фаҳмлаган қароқчи ўзича: «Бошқатдан ибодат қилсанг бўларди, негаки, агар биз гафлатда қолмасак, бугунги тунаш жойинг, назаримда, унчалик оромли бўлмайдиёв», деб ўйлаб қўйди. Лекин Ринальдога бундай сўзлар билан юзланди: «Мен ҳам кўп жаҳонгашталиқ қилганман, бироқ сен айтган дуони ҳеч ўқимаганман, ҳолбуки, унинг яхши ёрдам қилишини кўпчиликдан мен ҳам эшитгандим; шунга қарамай, ҳанузгача мени беором бошпанадан худонинг ўзи асраб келяпти. Мана бугун кечқурун ўзинг қўрасан, қайси биримиз ҳаловатда тунарканмиз: ибодат қилган сенми ё ибодат қилмаган менми.

Бадиқирдор қароқчилар мана шундай ва шу сингари гаплар билан йўлда давом этишаркан айни пайтда ўз ёвуз ниятларини рўёбга чиқариш учун қулай жой ва фурсат кута бошладилар ва шихоят, қош қорайган чоғда улар Кастель Гвильельмога олиб борувчи йўлни кесиб ўтган дарё кечувига етишганида, вақтнинг алламаҳал бўлиб қолганини, бу ернинг ҳувиллаган хилватгоҳ эканлигини эътиборга олишиб, савдогарга ташланадилар, унинг молини талон қиладилар, отини тортиб олиб, ўзини ёлғиз ички кўйлақда қолдирадилар-да, ҳайё-ҳайт, деб бу ердан узоқлашарканлар: «Мана энди кўрасан, ўша авлиё Юлиanning сенга қандай бошпана ато этаркин, лекин бизнинг авлиё Юлианимиз бизни бадастир бошпанада қарши олади!» — дейдилар. Кейин улар дарёдан кечиб ўтиб, кўздан ғойиб бўладилар.

Ринальдонинг хизматкори, хўжайинини тўнашаётганини кўриб, ўтакаси ёрилиб кетди ва унга ёрдамлашиш ўрнига, отининг бошини буриб, то Кастель Гвильельмога етгунча елдек учиб кетди-да, қош қорайганда шаҳарга кириб борди ва дунёдаги ҳамма нарсани миясидан чиқариб ташлаб шу ерда тунади. Бу пайт Ринальдо нима

қиларини билмай гаранг эди: зим-зиё тун, аёз, изгирин, у эса яланг оёқ, эгнида кўйлақдан бошқа ҳеч вақоси йўқ, совуқдан тишлари такилларди, мана у, совуқдан тўнгиб қолишдан кўрқиб, тунаш учун бирон бошпана топилмасмикин деб, теварак-атрофга жавдираб қарай бошлади. Илло, қанча тикилса ҳам кўзи ҳеч нима илғамасди, зеро яқинда бўлиб ўтган уруш пайтида бу ерлардаги ҳамма нарсаларга ўт қўйилиб, кули кўкка созурилган эди. Шундан кейин, Ринальдо совуқдан дийдираганча, Қастель Гвильельмо шахри томон югуриб кетди: лекин у ўз хизматкорини шу шаҳардан топишни ўйлаётгани йўқ эди, чунки унинг қаёққа ғойиб бўлганини билмасди ҳам,— унинг бутун умиди ёлғиз худонинг иноятидан эди.

Унинг Қастель Гвильельмога етишига ҳали яна бир миля масофа қолганда қоронғи тушиб, ҳамма ёқ зулмат пардасига бурканди. Бундай бемаҳалда албатта шаҳар дарвозалари ёпилган, кўприклар кўтарилган ва шаҳарга киришнинг ҳеч қандай иложи бўлиши мумкин эмас эди. Саранг бўлган ва умидсизликка тушган Ринальдо, гупиллатиб ёғаётган қордан пана бўлиш учун бирон ер йўқмикин, деб жиққа ёш кўзлари билан олазарак бўлиб, чор атрофга тикилди. Хушбахт тасодифни қарангки, худди шу пайт, у шаҳар деворидан хиёлгина туртиб чиқиб турган олди айвонча бир уйни кўриб қолди; Ринальдо мана шу айвончада жон сақлаб, шу ерда тонг орттиришга аҳд қилди. Айвончада у пайпаслаб ичидан тамбаланган эшик борлигини сизди, шу атрофда сочилиб ётган бир тутам похолни остонага йиғиб, маъюс ва маҳзун ҳолда шу похол устига гужанак бўлиб ётди ва авлиё Юлианга қилган сажда-ю, ибодатларим эвазига насибам бу қадар ғарибона бошпана бўлмаслиги керак эди-ку, деб зор-зор қақшаб, нолий бошлади. Бу орада авлиё Юлиан унинг ташвишини қилиб ётган эдики, сал фурсат ўтмай бу бандаси учун шинамгина бошпана ҳозирлади.

Мазкур шаҳар чеккасида гўзалликда беқиёс бир бева жувон истиқомат қилардики, у маркиз Аццонинг юрагидан урган ва шу боисдан маркиз уни ўз эҳтиёжи учун шу ерда сақларди. Ушал зикр этилган бева жувон айнан мана шу Ринальдо айвончасига чиқиб ётган уйда турарди. Буни қарангки, фалакнинг гардиши билан худди шу кунни кечки пайт маркизнинг ўзи бу ерга келиб бева жувон билан тонг отгунча ишратбозлик қилмоқчи бўлганини айтиб, ҳаммом ёқиш ва хушхўр кечлик таом ҳозирлаш ҳақида пинҳоний фармон бериб кетган эди. Лекин ҳамма нарса муҳайё қилиниб, бева жувон, ҳали замон маркиз келиб қолади деб, унинг йўлига термилиб ўтирганида, чопар келиб, маркизнинг ғоят муҳим сабабларга кўра тўсатдан жўнаб кетишга мажбур бўлганини айтди. «Шу боисдан князни кутмас экансиз, ул жаноб зудлик билан сафарга жўнаб кетдилар», деди чопар бева жувонга. Бева бу хабардан бир оз ранжиди, кейин маркиз учун ёқилган ҳаммомга ўзи тушмоқчи, ундан кейин кечликни тановул қилиб, уйқуга ётмоқчи бўлди. Шу қарорга келди-ю, кириб ваннага тушди.

Ваннахона бахти қаро Ринальдо ётган ерга девор-дармиён бўлганлигидан бева жувон ваннада ўтирган еридан Ринальдонинг оҳу ноласини, тишларининг худди лайлак тумшуқлари сингари такил-

лашини эшитди. Ниҳоят бека оқсоч қизни чақириб, унга деди: «Чиқиб қара-чи, эшик тагида биров борга ўхшайди, бўлса нимча қилиб ўтирганикин?» Оқсоч остонага чиққанида ҳаводаги булутлар тарқалиб юлдузлар чарақлай бошлаган эди, шунинг учун унинг кўзига, аввал айтганимдек, битта ички кўйлақда, совуқдан дийдираб ўтирган яланг оёқ Ринальдо яққол ташланди. Оқсоч ундан «Кимсиз?» — деб сўради. Ринальдо ўзини дийдирашдан тўхтата олмай ва шу сабабдан дудуқланиб, чала-чулпа қилиб гапира бошлади, лекин шунда ҳам нима ҳол юз берганини, қандай бўлганини ва нега бундай бўлганини бир амаллаб изоҳлаб берди, ундан кейин, аянчли овоз билан, бошпана беришларини сўради, акс ҳолда, бу ерда тўнғиб қолажагини айтди. Беканинг ҳам унга юраги ачиди ва баъзи-баъзида маркиз пинҳона кириб келадиган ўша эшикнинг калити ўзида ҳам борлигини эслаб, шундай деди: «Бориб, унга секингина эшикни оч. Қечлик овқат шундайлигича турипти, ундан кейин, жой ҳам топилади ётишига».

Оқсоч бекасининг одампарварлигига тасанно ўқиб, эшикни очгани чиқиб кетди. У Ринальдони уйга бошлаб кирган заҳоти бева жувон унинг совуқдан шамдай қотиб қолганини кўриб, деди: «Ваннага туша қол, азизим — суви ҳали совуганича йўқ». Ринальдо гапни икки қилиб ўтирмай, ваннага тушди, таңига иссиқ югуриб, жон кираётганини ҳис қилди. Бева жувон яқингинада қазо қилган эрининг кийим-бошини Ринальдо учун тайёрлашни буюрди, Ринальдо кийинди, кийимлар худди унга ўлчаб тикилгандай, чиппа ёпишди-тушди, шундан кейин, у уй бекасининг навбатдаги фармойишини кутаркан, мудҳиш тун офатидан халос этгани ва билишимча, осойишта гўша ҳисобланган бу даргоҳга йўл очгани учун худога ва авлиё Юлианга шукрона ўқиди. Бека ваннадан сўнг бир оз дам олгач, меҳмонхонани яхшилаб иситишни буюрди, сўнг бу ерга кириб, мусофирнинг аҳволини суриштирди.

Оқсоч унга шундай жавоб қилди: «Бегойим! У кийиниб бўлди, қадди-басти келишган хушрўй йигит экан, афтидан, андишали ва илтифотли одам кўринади».

«Бориб чақириб кел,— деди жувон,— ўчоқ олдида исиниб, овқатлансин, қорни очдир ахир».

Ринальдо меҳмонхонага кирди-ю, кўзи хонимга тушди, уни аслзода хоним деб ўйлаб, унга икки букилиб таъзим қилди ва қилган лутфан меҳмондўстлиги учун унга астойдил ташаккур билдирди. Бева жувон мусофир йигитни ўз кўзи билан кўриб, гапларини ўз қулоғи билан эшитиб, оқсочининг гапига ишонди-да, уни хушвақтлик билан қутлади ва истиҳолага бориб ўтирмай, ўчоқ яқинига, ўз ёнига ўтқазиб, унинг бу ёқларга қандай қилиб келиб қолганини сўрай бошлади, Ринальдо бунга жавобан ҳамма бўлган воқеани бир бошдан сўзлаб берди. Кечқурун шаҳарда Ринальдонинг хизматкори пайдо бўлганидаёқ, Ринальдо айтган бу гапларнинг айримлари беванинг қулоғига етган эди, шунга кўра у Ринальдонинг ҳамма гапларига батамом ишониб, ўз навбатида, Ринальдога унинг хизматкори ҳақида эшитганларини сўзлаб берди ва тонг отиши билан хизматкорингизни бир зумда топишади, деб қўшиб қўйди. Дастур-

хон ёзилиб, Ринальдо қўлини ювди ва уй бекасининг истаги билан унинг ёнига ўтирди. У ўрта ёшлардаги норгул, хушрўй, хушбичим, келишган бир одам эди. Бека унга бир неча маротаба кўз қирини ташлади-ю, қарабсизки, жигаридан уриб турибди-да, зеро, олдиндан режа қилинган ва лекин зое кетган маҳбубнинг васлига етиш орзуси бева қалбида шундай шаҳвоний ҳирсни уйғотиб юборган эдиким, улар овқатланиб бўлиб, дастурхондан туришган чоғ, бева жувон оқсочидан, маркиз ниятларимни пучга чиқариб мени лақиллатди, шу боисдан агар тақдир азал менга бул йигитни насиб этгани рост бўлса-ю, мен бу тасодифдан фойдаланиб қолсам, мендан ранжимайсанми, деб сўради.

Оқсоч бекасининг истагини шу заҳотиёқ тушунди ва унга ўз билганича гап уқтириб, шу ниятидан асло қайтмасликка ундай бошлади. Шундан сўнг, бека Ринальдо ёлғиз ўтирган меҳмонхонага қайтиб кирди ва унга ғамза билан тикилиб, шундай гапларни айта бошлади: «Менга қара, Ринальдо: нимани ўйлаб қолдинг? Кийим-кечакларингу отингдан буткул жудо бўлганинга эмасми? Бўлди, кўп ғам чекаверма, ҳаммасини унутиб юбор, ўз уйингдек, бемалол ёзилиб ўтир. Сенга айтадиган менинг бошқа гапларим бор: сени раҳматли эримнинг кийимида кўрган заҳотим, кўз олдимда эрим тургандай бўлди, шундан буён бутун оқшом сени бағримга босиб ўпгим келади, шундай қилган ҳам бўлардим у сени аччиғингни чиқариб қўяманми, деб қўрқиб, ўзимни зўрға тийиб турибман».

Ринальдо ҳам аҳмоқлардан эмас эди, у бу гапларни эшитиб ва беканинг хумор кўзларига кўзи тушиб, қучоғини очди ва хонимга яқинлашиб шундай деди: «Бегойим! Менинг халоскорим эканлигини-гизни, ёлғиз сизнинг шарофатингиз билан тирик қолганимни ўла-ўлгунимча унутмайман, бинобарин, агарда, бирон нимада сизнинг кўнглингизни топмасам, ўтакетган даражада кўрнамаклик қилган бўлур эдим. Истагингиз шу экан, келинг, мени тезроқ бағришгизга босиб, ўпинг, менга келсак,— бу ишни зўр мамнуният билан жон-жон деб бажарурман».

Шу заҳоти икковлари гапни йиғиштириб, амалий ишга ўтдилар. Эҳтирос ўтида ёнаётган бева жувон ўзини Ринальдонинг қучоғига отди. Улар бир-бирларига чиппа ёпишишиб ва бир-бирларидан тўйиб-тўйиб бўса олишгач, бу ердан ётоқхонага ўтдилар, ўтдилару шу заҳоти тўшакка ётдилар ва то тонг отгунча бир эмас, бир неча маротаба кўнгил хушлаб хумордан чиқдилар. Кун ёриша бошлагач эса, беканинг истаги билан икковлари ўринларидан турдилар ва бу ҳол тагин битта-яримтанинг қулоғига етиб-нетиб ўтирмасин учун бека Ринальдони баъзи бир лаш-лушлар билан таъминлаб, ҳамёнини пулга тўлдирди-да, ҳеч кимга чурқ этиб оғиз очмаслик ҳақида Ринальдодан сўз олиб ва хизматкорини қидириб топиш учун Кастель Гвильельмога қандай боришликни тушунтириб, уни яна ўша хуфия эшикдан чиқариб юборди.

Тонг отиб, кун ёришиб кетгач, Ринальдо ўзини гўё узоқдан келган мусофирдай кўрсатиб, энди ланг очилган дарвозадан шаҳарга кириб борди ва у ерда ўз хизматкорини топди. У хизматкорининг хуржунида ётган ўз кийим-бошларини олиб кийиб, эндигина хиз-

маткорнинг отига минмоқчи бўлиб турганида, кеча уни тўнаган уч қароқчини қандайдир бир мўъжиза билан айнан шу шаҳарга олиб келишди, улар Ринальдони талагандан кейин яна бир жиноят қилиб қўлга тушган эканлар. Улар ҳамма айбларига иқрор бўлдилар, шунда Ринальдога ҳам унинг отини, кийим-бошини, пулини қайтариб бердилар, хуллас, у пайпоқ боғичларидан бўлак ҳамма нарсасини қайтариб олди, чунки қароқчилар боғичларни қаёққа қўйишганини ҳеч эслай олмадилар. Ринальдо парвардигорга ва авлиё Юлианга шукрона ўқиб, сакраб отига минди ва эсон-омон, соғ-саломат уйига қайтиб келди. Уч қароқчи бўлса, эртаси куни дорга тортилдилар.

3

Учта ога-ини бутун мол-давлатини совуриб, қашшоқ бўлиб қолади; уларнинг жияки умидсизликка тушиб, юртига қайтаётганида, йўл-йўлакай бир аббат билан танишади, кейин маълум бўлишicha, у аббат эмас, Англич қиролининг қизи бўлиб чиқади; қиз унга турмушга чиқади, йигит эса, тоғалари совурган ақчаларнинг ўрнини қоплайди, шу ҳиммат туфайли улар яна бой-бадавлат бўлиб кетадилар

Хонимлар ва йнгитлар Ринальдо д'Эстиннинг саргузаштларидан таажжубга тушдилар, унинг художўйлигини мақташиб, Ринальдони ўлимдан халос этгани учун парвардигорга ва авлиё Юлианга ҳамду сано ўқидилар. Шунингдек, улар аёл кишининг уздабурунлигинга ҳам тасанно ўқидилар,— қараңки, бефаросат деб ном чиқарган бўлса ҳам худо берган имкониятдан фаҳм-фаросат билан фойдаланиб қолипти, деган маънода уни мақтадилар, лекин бу ҳақда пичирлашиб гаплашдилар. Ҳамма бева жувоннинг тунни қандай лаззатли ўтказгани ҳақида гаплашиб, кулишиб ўтирганида, Флостратоннинг ёнида ўтирган Пампинея ҳикояхонлик навбати ўзига келганини англаб, чуқур хаёлга толди, маликанинг фармон беришини кутиб турди-да, бурро-бурро ҳикоя қила бошлади:

— Шониста хонимлар! Агар толе измини диққат билан кузатсак, бизга шу нарса аён бўладики, унинг бевафолиги ҳақида қанча кўп суҳбатлашсак, у ҳақда гапиришимиз учун шунча кўп важ туғилаверади. Дарҳақиқат, агарда биз, ўз хусусий мулкимиз деб ҳисоблаб юрган жамики нарсаларнинг хўжаси аслида, шу толедир, демакки, у, бизнинг идрокимиз англашга ожиз бўлган аллақандай тартибга биноан, ўзининг пинҳоний марҳамати билан то қиёматқойимгача мудом ўз марҳаматидан гоҳ у, гоҳ бу бандасини баҳраманд қилади, бунисдан олиб унисга ато этади, деб фикр юритгудек бўлсак, юқорида айтган фикримизнинг ҳеч ажабланидиган ери қолмайди. Гарчи бу ҳол барчага аён бўлса ҳам, гарчи бу худонинг берган куни исботланиб турган бўлса-да, ва гарчи биз бу ерда тинглаган ўзга қиссаларда ҳам бу ҳол баён этилган бўлса ҳам, шунга қарамай, баски, маликамиз ушбу мавзуда фикр юритишни давом эттиришимизга истак билдирган эканлар, мен ҳам шояд

тингловчиларга бирон нафи тегиб қолса, деган ниятда, аввалги айтилган қиссаларга ўзимникини илова қилмоқчиманким, у сизларнинг кўнглингизга ёқди, деган умидман.

Бир вақтлар шахримизда мессер Тебальдо деган бир зодагон яшаган экан, баъзи кишиларнинг таъкидлашига қараганда,— у Ламберти уруғидан эмиш, аммо бошқалар уни Аголанти уруғидан деб қаттиқ туриб олганлар, улар бундай хулосага келиш учун афтидан, Аголантилари касб-корини жамики Аголантилари авлодининг илгари замондан то ҳозирги пайтгача нима билан машғул бўлганини назарда тутишган бўлишса ҳам ажаб эмас — бундан бўлак ҳеч қандай далил-асосларга суянишган эмас. Бироқ, келинлар, мессер Тебальдо шу икки уруғдан қайси бирининг насабидан экан, деган масалани бир чеккага қўйиб қўяйлик; маълумингиз бўлсинки, ниҳоятда бадавлат ҳисобланган Тебальдонинг уч ўғли бўлган: каттасининг исми Ламберто, ўртанчаси — Тебальдо, кенжаси эса — Аголанте, учала ўғил ҳам бўйи баста келишган, ўктам йигитлар бўлган, давлатманд мессер Тебальдо ўзининг қонуний ворислари — ўғилларига жамики мол-давлати, ер-сувини ва сийат қилиб қолдириб, бандаликни бажо келтирганида, катта ўғли ҳали ўн саккизга ҳам тўлмаган эди. Фарзандлар беҳисоб хазинага ва беҳад кўп ер-мулкка эга бўлишиб, ўзлари учун ҳеч нимани аямай, ўнгу сўлга жарақ-жарақ пул харжлаб, ялло қилиб яшай бошладилар: беҳисоб хизматкорлар ёлладилар, сон-саноксиз зотдор отлар, итлар, қушлар асрадилар, ошкора дабдаба билан яшай бошладилар, одамларга катта-катта совғалар инъом қилдилар, пойғалар уюштирдилар, ўзларини асилзода кишилардек эмас, балки ақли норасо йигитлардек тутдилар. Хуллас, бу тахлит яшаш узоққа бормади, отадан қолган ақчаларининг чўғи камаё бошладди, даромаддан кўра буромад кўпайиб кетди, шунинг учун ҳам улар ўз ер-мулкларини бирин-кетин сота ва гаровга қўя бошладилар. Бугун бир мулкни сотишса, эртага — яна бошқасини пулладилар, қарабсизки, сал вақт ўтар-ўтмас, деярли ҳеч вақолари қолмади, ниҳоят қашшоқлик эшик қоқиб келиб, бойлик гафлатидан уларнинг кўзлари мошдай очилди.

Мана шундай шум аҳволга тушишгандан кейин, бир куни Ламберто укаларини ўз ёнига чорлаб, оталарининг қандай иззат-ҳурматда яшагани, ўзларининг эса, қандай аҳволга тушгани ҳақида, отасининг нақадар бадавлат бўлгани-ю, ўзларининг бемулоҳаза нсрофгарчиликлари оқибатида қандай бенаво бўлиб қолганлари ҳақида гап очди. Шундай гаплар билан у, қашшоқлашганимиз жамоага аён бўлмасдан бисотдаги қолган-қутган молларни сотайликда, дам ғанимат, бу ердан бош олиб кетайлик, деб укаларини гапга кўндирди бошлади. Укалари бунга рози бўлди: улар ҳеч ким билан хайр-маъзур қилмасдан Флоренциячи пинҳона тарк этдилар ва йўлда ҳеч қаерда манзил қурмай, Англияга етиб олдилар. Лондонда улар бир кулбани ижарага олиб, ҳамма нарсдан ўзларини сиқиб, жон-жаҳдлари билан судхўрлик қила бошладилар. Оқибат, омадлари юршиб, қисқа вақт ичида анча-мунча сармоя орттирдилар. Шунинг шарофати билан улар бирин-кетин Флоренцияга қайт-

дилар ва наинки, сотилиб кетган мулкларининг аксар қисмини, шунингдек, яна янги ерларни ҳам сотиб олишга муяссар бўлдилар, уювлари ҳам уйландилар. Улар Англиядаги дўконларини ёпишини истамай, уни Алессандро исмли ўз жиянлари қўлига топширдилар, ўзлари эса, Флоренцияда қолдилар ва фосиқона ҳаёт кечириш оқибатида бир марта қандай ночор аҳволга тушганларини унутишиб, ўзларининг энди оила бошлиқлари эканликлари ҳақида бош ҳам қотириб ўтирмай, беҳуда исрофгарчиликка аввалгидан ҳам бешбаттар берилдилар, яхшиямки, аҳли тижорат энди улар истаган миқдорда пул қарз бераверарди. Алессандро бир неча йил давомда муттасил амакиларининг сарф-харажатларини қоплаб келди, чунки у инглиз баронларига уларнинг қасрлари, шунингдек, ўзга даромад манбалари эвазига процент билан пул қарз бериб, жуда катта фойда оларди. Алқисса, уч оғанини харала-тарала қилиб яшайвердилар ва пул етмай қолган тақдирда Англияга ишониб, қарз олавердилар, лекин шу пайт бирдан Англияда қирол билан унинг ўғли ўртасида уруш бошланиб кетди, барча учун кутилмаган бу уруш оқибатида бутун орол аҳолиси ўзаро низолашиб, тарафма-тараф бўлиб кетди: бировлар қирол тарафида, бошқа бировлар унинг ўғли тарафида эди, баронларнинг гаровга қўйилган барча қасрлари Алессандро қўлидан тортиб олинди, оқибатда, унинг кун кечириши учун ҳеч вақоси қолмади. Алессандро, бугун эрта ота-бола мурасага келса ажаб эмас, шунда шояд барча сармомяни проценти билан қайтариб беришса, деган умид билан оролни тарк этмай яшайверди, аммо бу орада, унинг амакилари Флоренцияда ўз айш-ишратлари учун жарақ-жарақ пулларни орқа-ўнгига қарамай харжлашдан тўхташмаганидан, уларнинг қарзлари кун сайин ошиб бораверди. Англияда юз берган воқеалар уларнинг умидини пучга чиқарди, натижада учала оғани наинки қарзга олинган пулларни сарфлаб бўлдилар, балки тўсатдан ҳибсга ҳам олиндилар, зеро қарз берганлар ҳақларини талаб қилиб уларни судга берган эдилар. Уларнинг ер-мулклари қарзларни тўлашга етмади, шунинг учун оғанилар қарзини тўлашга ожиз қарздорлар сифатида, қамоқда ётавердилар, уларнинг хотин, бола-чақалари эса, бу мусибатдан силлалари қуриб, муҳтожлик балосидан халос бўлишга кўзлари етмай, чор атрофдаги қишлоқларга тентиб кетдилар.

Алессандро бир неча йилгача Англияда сулҳ тузилишини кутиб ўтирди, бироқ ҳали-бери сулҳ тузилишига кўзи етмагач ва бундан буён у ерда қолишни ҳам хатарли, ҳам бефойда деб билиб, Италияга қайтмоққа қарор қилди ва ёлғиз ўзи биронта ҳам ҳамроҳсиз йўлга тушди. Фалакнинг гардишини қарангки, у Брюггедан чиқаётганида кўзи бенедикт мазҳабига молик бўлган бир аббатга тушиб қолди, у ҳам шу Брюггедан йўлга чиққан эди, аммо уни жуда кўп роҳиблар, сон-саноқсиз хизматкорлар кузатиб борар, олдинда эса, узундан-узун карвон кетиб борарди. Аббат орқасидан икки нафар қартайган рицарь кузатиб борарди, кейин маълум бўлишича, улар қиролнинг қариндошлари экан; Алессандро шу рицарлар билан сўрашиб, танишди, натижада улар Алессандрони ўзларига

хамроҳ бўлишга лутфан таклиф этдилар. Йўл-йўлакай Алессандро улардан, шунча хизматкор кузатувида олдинда кетишаётган роҳиблар ким ва улар қаёққа кетмоқдалар, деган мазмунда эҳтиром билан савол берди. Унинг бу саволига рицарлардан бири шундай жавоб қилди: «Анави энг олдида кетаётган ёш йигит қариндошимиз бўлади, яқинда уни Англиядаги энг йирик монастирлардан бирига аббат қилиб тайинлашди. Илло, низоми бўйича унинг аббат бўлишга ёши етмаяпти, шул боисдан биз, хешимиз ёш бўлса ҳам уни монастирга аббат қилиб тайинланг, деб илтижо қилгани Римга, пири бузрукворлари қошига кетмоқдамиз».

Янги тайинланган аббат, акобир кишилар одати бўйича (бундай ҳолни биз ҳар доим кузатишимиз мумкин), ўз мулозимларидан гоҳ олдинга ўтиб юрар, гоҳ орқада борарди, шундай бир пайтда тўсатдан унинг кўзи навқирон, хушбичим, хушсурат, ниҳоят даражада истараси иссиқ, ҳусни жамоли беқиёс, дилбар Алессандрога тушиб қолди. У бир нигоҳ ташлашининг ўзида аббатни ўзига шундай мафтун ва маҳлиё қилиб қўйгандики, жаҳонда ҳали ҳеч ким бундай қудратга мушарраф бўлолган эмас. Аббат уни ёнига чақириб, у билан лутфан суҳбатлашди, унинг кимлигини, қаёқдан келаётганини ва қай томонга йўл олганини суриштирди. Алессандро ўзи ҳақида ҳеч нимани яширмай батафсил сўзлаб, аббатнинг илтимосини қондирди ва баҳоли қудрат унга хизмат қилишга тайёр эканлигини баён қилди. Аббат йигитнинг ғоятда назокатли ва оқилона гапларини эшитиб, унинг хушмуомалалигига ишонч ҳосил қилди ва ўзича, гарчи бу йигит иснодли касб билан шуғулланса ҳам ўзи олижаноб одам экан, деган хулосага келиб, унга яна ҳам меҳри ортиб кетди. Аббат унга ҳамдардлик қилиб, қадрдон дўст сифатида унинг кўнглига таскин бера бошлади ва ноумид бўлманг, зеро сиз тангрининг мустаҳиқ бандасидирсиз, бинобарин, шум қисмат туфайли жудо бўлган мартабангизни эгам яна ҳам зиёда қилиб қайтариб бергай, деб уни юпата бошлади. Аббат Алессандронинг Тосканага кетаётганини эшитиб, ундан ўзига ҳамроҳ бўлишни илтимос қилди, зеро у ҳам ўша ёққа кетаётган эди. Алессандро унинг таважжуҳига миннатдорчилик билдириб, хизматингизга ҳозирман, деб розилик билдирди.

Аббат яна йўлида давом этди, илло, унинг Алессандрога қўйган меҳри тобора кучлироқ товлана бошлади, бир неча кундан кейин улар бир чекка қишлоққа етиб келдиларким, бу ерда тунаш учун жой танқис эди. Шунга қарамай, аббат шу қишлоқда манзил қуришга аҳд қилди; Алессандро уни бир оғайнисининг уйига жойлаштирди ва ундан аббат учун энг яхши ҳужрангни жиҳозлайсан, деб илтимос қилди. У ўз зиммасига аббатнинг девонбегиси вазифасини олди ва бировни оға, бировни ини деб, таниш-билиш орттириб, аббатнинг мулозимларини уйма-уй жойлаштриб чиқди, аббат кечликни тановул қилгач, бошқалар ҳам вақт алламаҳал бўлгани учун ухлагани жой-жойларига тарқалдилар, шунда Алессандро уй соҳибдан: «Мен қаерда ётаман?»— деб сўради.

Соҳиб унга бундай жавоб қилди: «Бошим қотиб қолди. Ўзинг кўриб турибсан: ҳамма хоналаримиз одамлар билан тўлди, ўзим

билан хотин, бола-чақаларим қоқ ерда тунаймыз бугун. Дарвоқе, аббат ётган ҳужрада дон солинадиган сандиқ турити — сени ўша ерга олиб кириб ётқизаман, тагингга тўшаш учун ҳам бирон нима топарман, айбга буюрмайсан, ошна, бир кеча минг кеча бўлармиди, бир амаллаб тонг ортитарсан».

Алессандро унинг бу гапига эътироз билдирди: «Ахир қандай қилиб шундай улуғ зот ётган ҳонага кираман? Ўзинг биласан, хона торгина — шунинг учун роҳиблардан биронтасини ҳам у ерга жойлаштиролмадик. Агар бунга боя одамларни жойлаштираётганимда билганимда, роҳиблардан биронтасини ўша сандиқ устига ётқизиб, ўзим унинг ўрнига бориб ётган бўлардим».

Соҳиб унга жавобан деди: «Иложини топамиз. Фақат сен хўп десанг бўлгани, ўша айтган еримга жуда яхши жойлашишинг мумкин. Аббат ухлаб қолди, чодир туширилган, мен у ерга оҳиста кираману тўшак солиб чиқаман — баҳузур ухлайверасан».

Буларнинг ҳаммасини аббатни асло безовта қилмай бажариш мумкинлигига ишонч ҳосил қилган Алессандро ахири рози бўлди ва оҳиста кириб, ўрнига ётди. Ва лекин бу пайт аббат бедор эди — тўсатдан бутун вужудини қамраб олган шахвоний эҳтирос унга ором бермаётган эди, шунга кўра, у уй соҳиби билан Алессандро ўртасида бўлган ҳамма гапни эшитиб ётган ва шу суҳбатдан Алессандронинг қаерга жойлашганини билиб олган эди. У руҳан тетиклашиб, ўзига-ўзи деди: «Ниятларимни амалга ошириш учун тангри-нинг ўзи менга имкон яратиб беряпти. Агар ҳозир шу имкониятни бой бериб қўйсам, бошқа бундай қулай шароит бўлмаслиги ҳам мумкин». Аббат, қандай бўлмасин, ушбу тасодифдан фойдаланиб қолишга аҳд қилиб, ташқарига қулоқ солди, бутун уйда теран сукунат ҳукм сураётганига ишонч ҳосил қилгач, пичирлаб Алессандрони ёнига чақирди ва уни ўзи билан бир тўшакда ётишга таклиф этди. У бўлса, анчагача унамай, ахири ечиниб, аббатнинг ёнига ётди. Шунда аббат худди ошиқ йнгитлар ўз маҳбубаларининг сийнасини силаганидай қўлини Алессандронинг кўксига қўйиб, оҳиста сийпалай бошлади, бундан Алессандронинг газаби қайнаб, бул одам фосиқ бўлса керакки, бадкорлик қиляпти, деб аббатдан шубҳаланди. Аббатнинг ўзи зийраклик қилиб сездики ё Алессандро бирон ҳаракати билан ўзини фош қилиб қўйдими, ҳар ҳолда, Алессандронинг шубҳаси аббатга аён бўлди — шунинг учун, у мийғида кулиб қўйди-да, бир зумда қўйлағини ечиб ташлади ва Алессандронинг қўлини олиб, уни ўз сийнасига қўйганча шундай деди: «Алессандро, кўнглингдан чиқариб ташла бемаъни хаёлларни, мана бу еримни ушлаб кўргин — либосим остига қима яширганимни биласан-қўясан». Алессандро қўлини аббатнинг кўксига қўйган эди, қўли тирсиллаб турган, нақ хитойи чиннидек сип-силлик иккита олмадек нарсага тегди. Қўли аббатнинг сийнасига теккан заҳоти Алессандро унинг аёл киши эканлигини тушунди-ю, ортиқ гапсўзни кутиб ўтирмай, уни қучоғига босди ва энди бўса олмоқчи бўлган эди, аёл унга шундай сўзлар билан мурожаат қилди: «Менга яқинлашишдан олдин, гапларимни эшитиб ол. Кўриб турибсанки, мен эркак эмас, аёлман. Мен уйимдан қиз чиққанман, напа қо-

шига турмушга чиқишим учун ижозат сўраб кетяпман. Илло, сенинг бахтингга ёки менинг шўримга, висолингни кўрдиму сенга шундай мафтун бўлиб қолдимки, дунёда ҳали биронта эркак аёл кишини бу даража ўзига ром қила олган эмас. Айни пайтда, мен ҳеч бир одамга сенга эрга тегшимчалик иштиёқмандлик билан тегмаган бўлардим. Ва лекин агар менга уйланишни ихтиёр қилмаётган бўлсанг, унда дарҳол тўшагимни тарк этиб, ўз ўрнингга бориб ёт». Алессандро бу қизнинг кимлигини аниқ билмасди, бироқ уни кузатиб келаётган беҳисоб мулозимларга қараганда, ҳам бадавлат, ҳам аслзода одамнинг фарзанди бўлиши керак, деб ўйлар, унинг соҳибжамол қиз эканлигини ўз кўзи билан кўриб, ишонч ҳосил қилган эди. Мана шунинг учун ҳам, у ортиқ мулоҳазага бориб ўтирмай, қизга жавоб айладикки, агар унга шу нарса шоён мақбул экан, бундан зиёд саодатни у орзу қилмаган бўлур эди. Қиз бул гапни эшитиб, ўз тўшагига ўтириб олди-да, Алессандронинг бармоғига узук тақди, хочга қараб чўқиниб, парвардигор қаршисида, менинг маҳбубим бўлишга қасам ич, деб буюрди. Шундан кейин улар бир-бирларини ачомлашиб, туннинг қолган қисмини ишқий ҳаловатда, сурункасига бир-бирларидан лаззатланиш билан ўтказдилар. Тонг отиши олдидан эса, Алессандро нима қилиши, бундан буён ўзини қандай тутиши ҳақида қиз билан келишиб олиб, тўшакдан турди ва бу хонага қандай пинҳона кирган бўлса худди шундай пинҳона чиқиб кетдики, унинг бу кеча қаерда тунагани барчага сир бўлиб қолаверди, бир оз фурсатдан кейин эса, шодликдан мисоли қушдай енгил тортиб кетган йигит аббат ва унинг мулозимлари билан яна йўлга тушиб, бир неча кундан кейин Рим шаҳрига етиб бордилар.

Аббат узоқ сафардан кейин ҳордиқ чиқарди, сўнг ёнига икки рицарь билан Алессандрони олиб, тўғри папанинг истиқболига борди-да, унга ўз эъзозу эҳтиромини баён қилгач, шундай гап бошлади: «Табаррук ҳазрат! Ўзгаларга нисбатан сизга кўпроқ аён бўлса керакким, ўз умрини адолат ва дённат билан ўтказмоқчи бўлган ҳар бир одамзод кишини ҳақ йўлдан оздирувчи заррача бўлсин, важҳдан имкони борича ўзини олиб қочмоғи лозим. Мана шунинг учун ҳам мен, бу ёруғ жаҳонда ҳалол яшашга аҳд қилиб, ўз ахлоқий бурчимни тўла-тўқис адо этиш ниятида ҳозир сиз кўриб турган ушбу либосда уйимдан қочиб кетдим, — қочгандаям, падарим бўлмиш Англия қироли хазинасидан хийла салмоқли улушни ўзим билан олиб кетдим, зеро отам, ўзингиз кўриб турибсиз, мендек навниҳол қизни қариб, мункиллаб қолган Шотландия қиролига зўрлаб эрга бермоқчи бўлган эди; шундай қилдим шояд сиз, валинеъматим, мени мустаҳиқ эрга берсангиз, деган умид билан истиқболингиз сари йўл олдим. Отамнинг саройдан бош олиб чиқиб кетишимга Шотландия қиролининг мункиллаб қолгани бир сабаб бўлса, ундан ҳам муҳимроқ иккинчи сабаб шулки, борди-ю, тақдир бўлиб, ўшал чолга турмушга чиққудек бўлсаму ёшлик қилиб шарнатга хилоф иш қилиб қўйсам, отамнинг қироллик шаънига доғ туширмасмикинман, деб қўрқдим. Модомики, ҳар бир бандасига не зарурлигини ёлғиз эгам аниқ билар экан, ай-

нан шу фикр билан сизнинг истнқболингиз сари келаётганимда, у ўз карамини мендан дариг тутмай кўз олдимда шундай бир йигитни намоён қилдиким, эгам менга умр йўлдоши этиб раво кўрган йигит шу, деган фикр ўтди кўнглимдан. Мазкур йигит ҳозир ёнимда турипти.— Шундай дея у Алессандрога ишора қилди.— Бу йигитнинг қалб фазилати ва дил саховати шу қадарки, билишимча, гарчи унинг томирида оқаётган қон қирол зотига мансуб бўлмаса ҳам энг олинасаб хонимга ҳам муносиб рафиқ бўла олади. Мен шу йигитни танладим, шунинг менга эр бўлишини истайман ва бошқа ҳеч кимга эрга тегмайман — гарчи бу отамнинг ва бошқаларнинг хоҳишларига зид бўлса ҳам. Шундай қилиб, сафарга чиқишимнинг асосий сабаби ўз-ўзидан бартараф бўлди, лекин шунга қарамай, мен ушбу даргоҳда беҳисоб бўлган муқаддас ва мўътабар жойларни зиёрат қилмоқ учун пири бузрукворлари, шунингдек, ёлғиз худонинг шоҳидлигида пайванд этилган Алессандро икковимизнинг никоҳ риштамиз сизнинг ҳам шоҳидлигингизда, бинобарин, ўзга гувоҳларнинг ҳам шоҳидлигида яна қўшимча тарзда мустаҳкамроқ боғлансин деган мақсадда кўзлаган саёҳатимнинг сўнгги нуқтасигача келишга аҳд қилдим. Мана шу боисдан, эгамга ва менинг ўзимга мақбул бўлган ушбу никоҳ риштасига сизнинг мурувват бирла қарашингизни ва бизга оқ фотиҳа беришингизни пойингизга бош уриб илтижо қиламанким, токи, икковимиз, сиз ердаги вакили ҳисобланмиш эгамнинг бизга кўрсатган ўшал камоли лутф-карами ишораси бирла, тангрим шаънига ва сизга ҳамду сано ўқийлик ва бизга ато этилган умрни биргаликда кечирайлик».

Алессандро ўз рафиқаси — қирол қизи эканлигини билиб ҳангу манг бўлиб қолди ва севинчидан боши кўкка етди; бироқ икки рицарнинг таажжуби бундан ҳам зиёд бўлиб, шу қадар дарғазаб бўлишдики, агар папа ҳузурида бўлишмаганида Алессандрони, эҳтимолки, ҳатто маликани ҳам қаттиқ бадном қилган бўлармидилар. Шунини эътироф этиш керакки, папа ҳам арзғўй аёлнинг эғнидаги либосдан ва унинг танлаган умр йўлдошидан таажжубга тушган эди, бироқ синган чинини чегалаган билан бутун қилиб бўлмаслигини тушуниб, қизнинг илтимосини бажо келтиришга рози бўлди. Биринчи навбатда, у дарғазаб рицарларга таскин беришга ва уларни хоним билан ва Алессандро билан яраштиришга киришди, ундан кейин никоҳ борасида тегишли фармойиш берди. Тайин қилинган кунда, унинг таклифи билан катта маросимга кардиналлар ва кўпгина киборлар тўпланишганди, у келин билан куёвни таклиф қилишни буюрди — хоним шоҳона либосда шундай соҳибжамол, шундай дилбар бўлиб кириб келдики, ҳамма уни мақтаб тасанно айтди, Алессандро ҳам энди шундай ораста кийинган, ҳозирги қиёфаси ва муомаласи судхўрлик қилувчи қирриқ йигитга эмас, балки кўпроқ шаҳзодага ўхшаб кетарди, боз устига, икки рицарь уни иззат-иқром қилиб, атрофида парвона бўлишарди. Кейин папа тантанавор никоҳ ўқитиш маросимини бошлашни буюрди, пуршукуҳ никоҳ тўйи бўлиб ўтгандан кейин эса, келин-куёвга оқ фотиҳа бериб, уларни бехатар сафарга йўллади.

Алессандронинг шунингдек, унинг умр йўлдошининг истаги

билан, улар Римдан тўғри Флоренцияга равона бўлдилар, улар тўғрисидаги мишмишлар бу ерга аллақачон етиб келган эди. Флоренция аҳолиси уларни зўр иззат-ҳурмат билан кутиб олди. Алессандронинг хотини уч оға-инининг қарзларини тўлади, уларни қамоқдан озод қилишни, бутун ер-мулкларини ўзларига ва хотин, болачақаларига қайтариб беришни буюрди. Алессандро билан унинг рафиқаси бундай ҳиммат ва саховат кўрсатиб, бутун жамоанинг таҳсинига мушарраф бўлдилар, сўнгра Аголантени ўзлари билан олиб, Парижга жўнадилар, у ерда Франция қироли уларни ҳурмат-эҳтиром билан кутиб олди. Рицарлар эса, Англияга қайтиб боришиб, қиролга ўз сўзларини шундай уқтиришга муваффақ бўлдиларки, оқибатда, қирол қизининг гуноҳидан ўтди ва куёви билан қизининг Англияга етиб бориши шарафига зўр тўй-томоша қилиб, юртга зиёфат берди, яна озгина вақт ўтиши билан эса, шон-ён антиқа тантана билан куёвини рицарликка тавсия этди ва бу билан бирга Корнуэлл графлигини унга тортиқ қилди. Куёви шунчалик валломат ва шунчалик ишбилармон одам эдики, шунча йилдан буён адоватда бўлган қирол билан шахзодани яраштиришга муваффақ бўлди, шундан кейин оролда яна фаровон ҳаёт тикланди, Алессандро эса, аҳолининг меҳр ва илтифотини қозонди; Аголанте масаласига келсак, ундан тортиб олинган нарсаларнинг ҳаммаси қайтариб берилди ва ниҳоят, граф Алессандро унга рицарлик унвони олиб бергандан кейин, у Флоренцияга аввалгидек бой-бадавлат бўлиб қайтди. Граф ўз хотини билан роҳат ва фароғатда ҳаёт кечириб узоқ яшадилар ва айтишларига қараганда, граф, қисман ўзининг донолиги ва жасурлиги туфайли, қисман қайнатасининг кўмаги билан Шотландияни забт этган ва унинг тахтига ўтириб қироллик қилганмиш.

4

Ландольфо Руфало бутун мол-давлатидан айрилиб, қароқчилик қила бошлайди: кейин генуяликлар қўлига асир тушиб, денгизда ҳалокатга учрайди, қимматбаҳо тошлар солинган сандиққа ёпишиб, ўлимдан қутулиб қолади, Корфада бир аёлникида паноҳ топади, сўнг ўз юртига бой-бадавлат бўлиб қайтади

Пампинеянинг ёнида Лауретта ўтирарди. Пампинея ўз қиссасининг хайрли ниҳоясига етиши билан у таклиф этишларини ортиқ кутиб ўтирмасдан ўз ҳикоясини шу тарзда бошлаб юборди:

— Латофатли хонимлар! Фикри ожизимча, толенинг марҳамати энг ғарибона, энг фақирона аҳволдаги одам дабдурустдан энг сарбаланд подшолик мартабасига мушарраф бўлишида жудаям яққол намоён бўладики, Пампинея ҳикоя қилиб берган Алессандро қисмати ушбу фикримни тасдиқлайди. Бугунги ҳикояхонларнинг бари белгиланган мавзуга қатъий риоя қилмоқлари лозим, албатта, шунга кўра, мен сизларга бир қиссани ҳикоя қилишдан уял-

майман, гарчи унда яна ҳам мудҳишроқ мусибатлар баён қилинса ҳам унинг охири эзгулик билан тугайди. Биладан, ҳикоям мазмунидан огоҳ бўлганингиздан кейин, уни унчалик эътибор билан тингламайсиз, лекин начора, сизга шундан бўлак қисса тавсия қила олмайман, демак, айбга буюрмагайсиз.

Режодан то Гаэтагача бўлган денгиз соҳили Италиянинг энг хушманзара ерларидан бири деб таърифланади. Салернодан бошланувчи Амальфитан соҳили деб номланган бу ердаги шаҳарчалар боғ-роғларга бурканган, ҳамма ерда жилғалар оқиб туради; бу шаҳарчаларда бадавлат одамлар яшайди, уларнинг савдо ишлари ҳамма ердагидан ҳам яхшироқ гуркираб кетган. Шу шаҳарчалардан бирининг оти Равелло бўлиб, у ерда давлатманд одамлар ҳанузгача топилади, бир замонларда эса, бу шаҳарчада Ландольфо Руфало исмли ўтакетган даражада очкўз бир бой яшаган эди, унинг мол-давлати беҳисоб бўлса ҳам ҳеч кўзи тўймасди, шунингчун, бор давлатига қониқмай йирик ўлжа кетидан қува бошлади, оқибатда, наинки, хонавайрон бўлди, ҳаттоки ҳаёти ҳам қил устида қолиб, зўрға жон сақлаб қолди. Хулласи калом, у аҳли тижорат одати бўйича, ҳамма даромад ва буромадни олдиндан ҳисоблаб чиқиб, жуда катта бир кема сотиб олди, нақд пулга турли-туман мол олиб, кемага ортди-да, Кипр ороли сари йўл олди. Борса, у ерда турган кемалар ҳам айнан у олиб келган моллардан ортиб келган экан, шунга кўра, унинг савдоси касод бўлиб, олиб келган молларини наинки арзон-гаровга, ҳаттоки сувтекин бериб юбордики, бунинг натижасида тамомила хонавайрон бўлиш даражасига бориб қолди. Ҳаш-паш дегунча бу энг бадавлат одам энг мискин, энг қашшоқ одамга айланди, бу ҳолдан саранг бўлиб, эсанкираб қолди, сўнг, ё нобуд бўламан, ё босқинчилик қилиб бўлса ҳам кўрган зиёнини қоплайману, лекин барибир бадавлат киши бўлиб чиққан шаҳримга қашшоқ бўлиб кириб бормаيمان, деб аҳд қилди. У улкан кемасига харидор топиб, уни пулади, кеманинг пулига ва шунингдек, сотган молларидан тушган пулга мўъжазгина қароқчилар кемаси сотиб олди, уни беҳисоб қурол-аслаҳа билан шунингдек, бундай машғулот учун зарур бўлган бошқа ҳамма ашёлар билан жиҳозлади-да, ўзгалар бойлигини, асосан — турк кемаларини талаб, бойлик орттира бошлади.

Хуллас савдогарликдан кўра қароқчиликда унинг омади чопди. Бир йил ичида у шу қадар кўп турк кемаларини ғорат қилдики, савдо ишида кўрган зарарларини анча ошириб қоплаб олди. Биринчи талафотдан кўзи очилган, боз устига, ҳаддан зиёд бойиб кетгани учун энди жонини ортиқ таҳликага қўйгиси келмаган Ландольфо (ўзини тия олмай шу алфозда кетаверса, яна иккинчи марта фалокатга учраши муқаррар эди: энди бас, бундан ортиқ менга ҳеч нима керак эмас, деган қарорга келди-да, қароқчилик қилиб орттирган моллари билан уйига қайтадиган бўлди. Бироқ у шунча мол билан йўлга чиқишни хатарли деб билиб, шоша-пиша ҳамма молни сотиб, ўрнига қимматбаҳо буюмлар олди ва ўша ўзининг молтопар кемачасида ўз элига равона бўлди. Кечқурун у тизма оролларга етай деб қолганида, бирдан сирокко шамоли

турди, бу ёқимсиз гармсел шу қадар кучли эдики, денгизда тўфон кўтарилса бошлади, бинобарин Ландольфо ўзининг шалоғи чиққан кемасида бу офатга узоқ бардош беролмасди, шунинг учун у то боди мурод эсгунча сабр қилиб туриш ниятида, оролдан ҳосил бўлган қўлтиққа сузиб кириб, бўрондан пана бўлишни маъқул кўрди. Орадан хиёл вақт ўтар-ўтмас, Ландольфо паноҳ топанг бу қўлтиққа Генуянинг иккита улкан баркаси ҳам шамол қаршилигини енгиб, сузиб кириб келди; Константинополдан келаётган бу баркаларни ҳам ўша тўфон қувиб кирган эди бу ерга. Генуяликлар бу ерда турган кичкина кемани кўриб, унинг соҳибини суриштириб билишгач — зеро Ландольфонинг беқиёс бойлиги ҳақидаги овоза ҳамма ёққа тарқалган эди — бу бешафқат ва пулга ўч одамлар Ландольфо кемасининг денгизга чиқиш йўлини тўсиб, уни қўлга киритишни мўлжалладилар. Шу ниятда улар ўз одамларидан бир қисмини камонлар ва қалқонлар билан қуроллантириб, соҳилга туширдилар ва уларни соҳил бўйлаб шундай жойлаштирдиларки, Ландольфо кемасидан биронта ҳам одам камон ўқиға дуч келмай соҳилга қадам қўя олмайдиган бўлди. Қолганлар қайиқларга ўтиришиб, Ландольфонинг кемаси томон сузиб бора бошладилар ва хиёл вақт ўтар-ўтмас осонгина ва беталофот кемани эгалладилару эшкакчиларнинг жамини битта қўймай қириб ташладилар; Ландольфони эса, баркалардан биттасига жўнатдилар, кемани шипшидам қилиб талаб, сўнг чўктириб юбордилар, шундай қилиб, Ландольфонинг эғнидаги жулдур чакмончадан бўлак ҳеч вақоси қолмади.

Эртаси куни гармсел тиниб, боди мурод эса бошлади, баркалар елканларини ёйиб, мағрибга йўл олдилар, ўша куни кечгача сафарлари ҳаловатда ўтди. Бироқ кечга бориб, шиддатли бўрон кўтарилди, денгизни тўлқинлантириб, баркаларни ҳар ёққа ота бошлади. Оқибат, шундай ҳол юз бердики, бахти қаро ва нотавон Ландольфо тушган барка Кефалония оролидан сал юқорироқда дабдурустдан саёзликка келиб урилди ва мисоли тошга урилган шишадек чил-чил синиб, тилка-пора бўлиб кетди. Бу фалокат оқибатида, одатда бўлганидек, денгиз сатҳида турли-туман буюмлар, яшиқлар, тахтапоралар суза бошлади ва гарчи тун зим-зиё, денгиз эса, қутуриб, довул кўтарилаётган бўлса ҳам фалокатга учраган шўрпешоналарнинг сузишни билганлари сузиб бориб, тўлқинлар юзида чайқалиб турган буюмларга ёпиша бошладилар. Бахти қаро Ландольфо ҳам шу одамлар орасида эди; у фалокат юз бермасдан хиёл олдин, бу кунимдан ўлганим яхши, деб зорланган эди, зеро ватанига қашшоқ бўлиб қайтгандан ўлимни афзал кўрган эди ва лекин, мана, ажал билан юзма-юз тўқнашган эди ҳамки, жон ширинлик қилиб, қўрқиб кетди ва агар ҳозир чўкиб кетмасам, парвардигор мени ўз паноҳида асраса ҳам ажаб эмас, деган умид билан у ҳам биринчи дуч келган тахтапорага маҳкам ёпишиб олди. У тахтапорага миниб олиб, ўрқач-ўрқач тўлқинлару шиддатли шамолга ўйинчоқ бўлиб, бир амаллаб тонг отгунча чидади. Тонг ёришда эса, у чор атрофга кўз югуртириб, булутлару денгиздан яна тўлқинлар устида чайқалиб сузиб юрган бир сандиқдан бош-

қа ҳеч нима кўрмади, сандиқ борган сари Ландольфога яқинлашиб келар ва бу билан уни қаттиқ даҳшатга соларди, чунки у ҳали замон етиб келиши ва тахтапорага урилиб, Ландольфони чўктириб юбориши мумкин эди,— мана шунинг учун ҳар гал тўлқин сандиқни Ландольфога яқинлаштирганда, у сандиқни мажолсиз қўллари билан иложи борича ўзидан нарироққа итариб юборишга ҳаракат қиларди. Ландольфо ғайри инсоний куч билан уриниб ётган мана шу пайтда бирдан ҳавода довул кўтарилиб, денгизга ҳамла қилди ва сандиққа шундай куч билан урилдики, сандиқ ўз навбатида келиб, Ландольфо миниб олган тахтапорага тегиб, уни тўнтариб юборди, натижада Ландольфо беихтиёр тахтапорани қўлидан чиқариб юбориб, сув қаърига кириб кетди, бироқ у ўзининг серғайратлиги туфайли эмас, балки қўрқиб кетганидан, дарҳол сув бетига сузиб чиқди, қараса, тахтапора жуда узоққа кетиб қолибди; шунда тахтапорага сузиб етиб ололмаслигига кўзи етиб, ўзига яқинроқ ерда чайқалиб турган сандиқ сари сузиб бориб унинг қопқоғи устига юзтубан ётиб олди, энди унинг бутун хатти-ҳаракати икки қўли билан бир амаллаб сандиқнинг мувозанатини сақлашдан иборат бўлиб қолди. Мана шундай вазиятда, у тўлқинларга ўйинчоқ бўлиб, оч (зеро егулик ҳеч нимаси йўқ эди), аммо ҳар дақиқа сайини оғзига денгиз суви кириб, ўзининг қаерда эканлигини билолмаган ва денгиздан бошқа ҳеч нимани кўрмаган ҳолда шу кунни ва ундан кейинги тунни ҳам ўтказди.

Эртаси куни тангрининг марҳамати биланми, ё шамолнинг ихтиёри биланми, ҳар қалай, икки қўли билан сандиқнинг икки чеккасида маҳкам ушлаб олган (зеро барчамизга аёнки, чўкаётган ҳар қандай одам ҳам дуч келган нарсага маҳкам ёпишиб олади), шалаббо бўлиб, ўлар ҳолатга бориб қолган Ландольфо, ниҳоят Қорфа ороли яқинига бориб қолди, хайрли тасодифни қарангки, айни шу пайт соҳилда бир ғариба аёл идиш-товоқларини денгиз сувида ювиб, қум билан ишқалаб ўтирган эди. У Ландольфони узоқдан кўриб қолди, аммо уни баҳайбат махлуқ деб ўйлаб, жон ҳолатда чинқириб юборди ва орқасига қоча бошлади. Тинка-мадори қуриган Ландольфонинг аёлни ёрдамга чақиришга ҳоли йўқ эди, унинг кўзлари ҳам хиралашиб қолган эди, шу боисдан, ўликдек чурқ этмай ётаверди. Лекин тўлқин уни соҳилга яқин оқизиб келганида, аёлнинг кўзи сандиққа, ундан кейин эса, сандиқ устида икки ёққа қанотдек ёйилган иккита қўлга; кейин одам калласига тушди ва шундагина, соҳилга яқинлашаётган нарсанинг нималигига тушунди. Аёлнинг раҳми келиб, энди анча тинчиб қолган денгизга тушди-ю, Ландольфонинг сочидан тортиб, уни сандиқ билан бирга соҳилга судраб чиқди, кейин Ландольфонинг чангак бўлиб қолган қўлларини сандиқ четидан зўр-базўр ажратиб, сандиқни шу ерда, ўзи билан идиш-товоқ юваётган қизининг бошига қўйди, Ландольфони эса, ўзи худди бир гўдакни кўтаргандай қўлига олиб, ўз уйига олиб кетди, уни уйига олиб бориб, дарҳол тоғорага ўтказди-да баданини ишқалаб, иссиқ сув билан юва бошлади, натижада бир оздан кейин Ландольфонинг бадани қизиб, унга жон кирди. Аёл унинг ҳушига келганини кўриб, тоғорадан турғазди, кийинтирди,

ўткир май ва қовурилган гўшт билан меҳмон қилди, шундан кейин ҳам, то Ландольфо дармонга кириб, ҳушини йиғиб олгунича, аёл уни ўз уйида сақлаб, яхшилаб боқди. Ана шундан кейингина оққўнгил аёл, унинг сандиғини жо-бажо ҳолда қўлига топшириб, бундан бу ёғига нима қилсанг, ихтиёр ўзингда, деб айтди.

Сандиқ Ландольфонинг эсида ҳам йўқ эди, лекин саховатли аёл уни олиб келиб унинг олдига қўйгач, Ландольфо, шояд беш-олти кун кунимга ярайдиган биронта қимматли буюм чиқиб қолса, деган умидда уни салмоқлаб кўрди, бироқ сандиқ қушдай енгил эди, бундан Ландольфонинг ҳафсаласи пир бўлди. Шунга қарамай, бека уйда йўқ пайтида у, сандиқда нима бор экан, деб уни очди, қараса, у ерда жилоланган ва жилоланмаган олам-жаҳон қимматбаҳо тошлар ётипти,— Ландольфо бошқа нарсани фарқига бормаса ҳам қимматбаҳо тошларни жуда яхши тушунарди. Алқисса, Ландольфо тошларни бирма-бир кўздан кечириб, уларнинг ниҳоятда катта қийматга эга эканлигини аниқлади ва ўзини қашшоқликдан халос этган тангрига шукрона ўқиб, кўнгли тоғдай кўтарилиб кетди. Бироқ қисқа вақт ичида қисматнинг оғир зарбасига кетма-кет икки марта учраган Ландольфо энди, учинчи зарбага дуч келишдан қўрқиб, бу қиммат буюмларни хотиржам уйига олиб бориш мақсадида, барча эҳтиёт чораларини қўлламоқчи бўлди. Шунга кўра у ғоят сараңжомлик билан тошларни увада латталарга ўрай бошлади, халоскор аёлга эса: «Сандиқ менга керак эмас,— истасангиз ўзингизга олингу ўрнига ўрин менга бир қопчиқ беринг»,— деди.

Саховатли аёл дарҳол унинг хоҳишини бажо айлади, Ландольфо эса, қопчиқни елкасига ортмоқлаб, денгиз бўйига борди, кемага ўтириб, Бриндизига, ундан соҳил ёқалаб Транигача борди, у ерда мовутфуруш ҳамшаҳарларини учратиб, уларга ўз бошидан кечирган мусибатларни бутун тафсилоти билан сўзлаб берди, илло, сандиқ ҳақида чурқ этиб оғиз очмади, савдогарлар худо йўлига уни кийинтиришди, боз устига, унга от бериб, то Равеллогача кузатиб қўйиш учун йўл кўрсатувчи ҳам тайинлашди, Ландольфонинг ҳам нияти тезроқ шу шаҳарга етиб олиш эди.

Ландольфо бу ерда ўзини мутлақо бежавотир ҳис қилиб ва эсон-омон қадрдон шаҳрига етиб олгани учун худога шукрона ўқиб, уйига киргач, қопчиғини ечди ва бойлигини яна бошқатдан зўр эътибор билан кўздан кечириб бошлади, кейин у, тошларим шу қадар кўп ва шу даража қимматлики, агар уларни ҳақиқий баҳосига, ҳаттоки арзонроққа сотганим тақдирдаям, у ердан жўнаб кетаётганимдагига нисбатан икки ҳисса бадавлатроқ бўламан, деган хулосага келди. У хиёл вақт ичида қимматбаҳо тошларини пуллаб ҳам олди, ана шунда у Қорфадаги ўша меҳрибон аёлга, уни ўлимдан асраб қолгани учун миннатдорчилик билдириб, хийлагина ақча юборди, Транида унга кийим-бош берганларни ҳам унутмай, уларни ҳам худди шундай тақдирлади ва энди тижорат ишидан буткул воз кечиб, умрининг охиригача тавфиқли ва диёнатли ҳаёт кечирди.

Перужалик Андреуччо Неаполга от харид қилгани бориб, бир кечанинг ўзида учта фалокатга дуч келади ва учовидан ҳам омон қолиб, уйига қим-матбаҳо ёқут билан қайтади

— Ландольфо топиб олган тошлар, — дея гап бошлади Фьяметта, зеро ҳикоя қилиш навбати унга етган эди, — хотирамга бир қиссани келтирдик, унинг таркибидаги хавф-хатарлар Лауретта сўзлаб берган қиссадаги хавф-хатардан кўп бўлса кўпдиру, лекин асло кам эмас, фақат фарқи шундаки, унинг қиссасида баён қилинган воқеа бир неча йил давомида содир бўлганга ўхшайди, менинг қиссамда эса, бор-йўғи бир кеча давомида юз берган воқеалар баён қилинадиким, бунга ҳозир ўзингиз эшитиб иқрор бўласиз.

Менга маълум бўлишича, Перужада Андреуччо ди Пьетро исмли бир йигит бўлиб, унинг касб-кори — асбжаллоб эди. У Неаполда от арзон, деб эшитиб, гарчи илгари ҳеч қачон бирон ерга бормаган бўлса ҳам беш юз олтин флоринга тўлдирилган ҳамёнини чўнтагига солиб, бошқа савдогарлар билан бирга Неаполга равона бўлди. У манзилга яқшанба кун кечга томон етиб борди, ҳамма гапни меҳмонхона соҳибидан суриштириб билиб олиб, эртаси кун эрталаб бозорбошига йўл олди, у ерда жуда кўп ажойиб отларни кўриб, кўзлари ўйнаб кетди, гоҳ у отни, гоҳ бу отни нарҳини сўраб савдолашди, аммо нарҳида ҳеч келиша олмади ва лекин бу ишда кўзи пишмаган тажрибасиз Андреуччо, чиндан ҳам от сотиб олиш ниятида эканлигини билдириш учун эҳтиётсизлик қилиб, ҳар бир от устида савдолашганида чўнтагидан флорин тўлдирилган ҳамёнини чиқариб, уни атрофида изғиб юрган одамлар кўзи олдида ўйната бошлади. Тасодифни қарангки, у савдолаша туриб, ҳаммага ҳамёнини кўз-кўз қилаётган пайтда бу ердан сицилиялик ёш бир жувон ўтиб қолди, у гарчи гоётда соҳибжамол бўлса ҳам, бироқ арзиман ақчага ҳам дуч келган одамнинг кўнглини хушлашдан қайтмайдиганлардан эди. Андреуччо уни пайқамади-ю, аммо жувон унинг қўлидаги ҳамёнини кўриб қолди ва ўзига-ўзи шундай деди: «Агар шунча пул менга насиб қилганидами, кўнглим нимани истаса, шуни қилган бўлардим!» Шундай деб ўйлади-ю, йўлида кетаверди. Жувон билан бирга бир кампир ҳам ўтиб бораётган эди, у ҳам сицилиялик эди, кампир Андреуччони кўрди-ю, шу заҳоти ҳамроҳидан айрилиб келиб, Андреуччони маҳкам қучоқлаб олди. Қиз индамай бир чеккага чиқиб, кампирни кутиб турди. Андреуччо орқасига ўгирилиб, кампирни таниди, дийдор кўришганидан бениҳоя хурсанд бўлди, кампир эса гапни калта қилди, ўзи Андреуччонинг олдига меҳмонхонага боражанини айтиб, ўз йўлида кетаверди, Андреуччо яна от савдосига киришиб кетди, бироқ шу кун эрталаб, савдоси юришмай биронта ҳам от харид қила олмади. Энди гапни гўзал жувондан эшитинг; унинг диққатини аввалига Андреуччонинг ҳамёни, ундан сўнг эса, унинг кампир билан танишлиги тортган эди, у Андреуччонинг ҳамёнини қандай қилиб бўлса ҳам қоқлашга, йўқ деганда, пулнинг бир қисмини қўлга киритишга аҳд қилди, шунга кўра, у кампирдан йигит-

нинг кимлиги, қаерданлиги, бу ерда нима қилаётгани ва уни қаёқдан билиши ҳақида ўсмоқчилаб суриштира бошлади. Кампир бу саволларга шу қадар мукамал жавоб қилдики, агар шу саволлар Андреуччонинг ўзига берилганида, у ҳам бундан муфассалроқ жавоб қилмаган бўларди, чунки кампир Андреуччонинг отаси қўлида аввал Сицилияда, кейинчалик эса, Перужада ҳам узоқ вақт ҳўрилик қилган эди; бундан ташқари, у Андреуччонинг қаерга жойлашгани ва Неаполга нима мақсадда келганини ҳам қизга айтиб берди.

Қиз йигитнинг барча қавм-қариндошлари ҳақида ишончли маълумотлар олди, уларнинг исм-шарифларини ҳам билиб олди-да, айнан шу маълумот замирида маккорлик билан ўзининг тамагирлик режасини тузди. У уйига қайтиб келгач, Андреуччо олдига бора олмасин деб, атайлаб кампирни ишга кўмиб ташлади ва бунақа қувликда суяги йўқ канизагини чақириб, уни кечга яқин Андреуччо жойлашган меҳмонхонага юборди. Канизак меҳмонхонага бориб, бир ўзи эшикка чиқиб келаётган Андреуччо билан остонада юзма-юз тўқнаш келди; канизак, Андреуччо исмли йигит ким бўлади, деб унинг ўзидан сўради. Андреуччо: «Сўраган одамнингиз мен бўламан», деб жавоб қилди; шунда канизак уни бир чеккага олиб бориб шундай деди: «Мессер! Агар эътироз билдирмасангиз, шу ерлик бир нажиба хоним сиз билан суҳбат қуришни ихтиёр қиляпти». Андреуччо бу гапни эшитиб ўйланиб қолди: ўзининг хушсуратлиги ҳақида юксак фикрда бўлгани учун у ўша хонимни ўзига ошиқ бўлиб қолган, деб тасаввур қилди гўё ундан бошқа одам қуриб қолгандай; Андреуччо дарҳол жавоб қилди: «Ул хоним билан жон-жон деб танишган бўлардим, аммо қерда ва қачон?»

Канизак унга шундай деди: «Бўлмаса, мессер, марҳамат қилиб менинг орқамдан юрсангиз. Хоним сизни ўз оромгоҳида кутмоқда».

Андреуччо меҳмонхонадаги дўстларига ҳеч нима демасдан, шу заҳоти оқсочга деди: «Боравер, орқангдан бораман».

Мана, ниҳоят, оқсоч уни ўз бекасининг уйига бошлаб келди, бекаси Чаманзор деб юритилувчи кўчада тураркан, аслида бу кўчани Чаманзор эмас, Чолдевор деса, исми жисмига кўпроқ мос тушарди — чунки бу ер ўғри, каззоблар макони эди. Бироқ Андреуччо бундан мутлақо беҳабар ва ҳеч нимадан шубҳаланмаган ҳолда, энг бадавлат хонадонлар жойлашган кўчадан энг дилрабо хоним ҳузурига кетаётганига қатъий ишонган ҳолда борарди, мана, у оқсочни олдинга ўтказиб юбориб, ўзи меров одамдай уйга кириб борди, зинадан чиқа бошлади, оқсоч ўз бекасини чақириб: «Мана, Андреуччо келди!»— деганида, Андреуччо ўз истиқболига чиқиб, зина бошида туриб қолган хонимни кўрди.

У хушқомат, хушрўй, башанг кийинган ва безанган ниҳолдек ёш бир қиз эди. Андреуччо у томон чиқа бошлади, қиз эса, кучоқларини ёзиб, зинадан уч поғона пастга тушди ва Андреуччонинг бўйнидан маҳкам кучоқлаб олиб, гўё жудаям таъсирланиб кетгандек, бир неча муҳлат қимир этмай туриб қолди; кейин кўзлари жиққа ёшга тўлиб, унинг пешонасидан ўпди ва ҳаяжонланганидан энтика-энтика гапира бошлади: «Хуш келибсан, менинг Андреуччом!»

Бундай назокатли меҳрибонликдан ҳанг-манг бўлиб қолган Андреуччо қаттиқ саросимага тушиб деди: «Сизни кўришдан беҳад хурсандман, ойимтилла».

Шундан кейин, қиз уни қўлидан ушлаб, юқорига, меҳмонхонага бошлади, меҳмонхонадан эса, бир оғиз ҳам сўз демай, атиргуллар, апельсин меваларининг муаттар ҳидлари ва бошқа ҳар турли хушбўй ҳидлар анқиб турган ўз оромгоҳига бошлаб кирди, Андреуччо шу пайт бу ерда чодир ортида сершукуҳ партўшакни бу ернинг таомили бўйича қатор тизиб осиб қўйилган беҳисоб либосларни ҳамда хонанинг қимматбаҳо зийнатлар билан чиройли қилиб безатилганини кўрди,— буларнинг ҳаммаси ҳали ҳаёт лаззатини тотиб кўрмаган Андреуччонинг кўнглида: «Рўпарамда турган аёл, жуда йўқ деганда, иззат-эътиборли аслзода хоним бўлса керак», деган фикрни уйғотди. Улар каравот ёнидаги курсига ёнма-ён ўтиришди ва қиз шу заҳоти Андреуччога юзланиб бундай дея гап бошлади:

«Имоним комилки, Андреуччо, сени бу янглиғ эркалашларимдан, кўз ёши тўкишларимдан жуда ҳайрон қолмоқдасан,— чунки сен мени билмайсан-да, бирон марта бўлсин, менинг тўғримда эшитган бўлишинг ҳам амри маҳол. Лекин ҳозир эшитадиган гапларинг сени яна ҳам кучлироқ ҳайратга солиб қўяди: билгинким, мен сенинг опанг бўламан. Ишон: тангрим менга таърифга сизмайдиган зўр марҳамат қилди, зеро мен кўзим очиғида туғишган иниларимдан бири билан дийдор кўришдим (кошкйиди қолган иниларим билан ҳам шундай дийдор кўришсам), энди, агар Азроил ҳозир жонимни олса ҳам армоним йўқ — тангрим менга шундай тасалли бахш этди. Агар сенинг ҳеч нимадан хабаринг бўлмаса, ҳозир сенга ҳамма гапни бир бошдан сўзлаб бераман. Узингга маълум бўлса керак, сен билан икковимизнинг отамиз Пьетро Пелермода узоқ вақт яшаган эди, у ерда ўша даврда яшаган ва ҳанузгача яшаб турганларнинг аксарияти отамизнинг саховати ва илтифоти ҳақида мудом эслайдилар. Лекин отамизни ҳеч бир зот менинг онам севганчалик қаттиқ севган эмас эди; яхши хонадон фарзанди онам отамизни шу қадар қайноқ қалб билан севган эканки, ўз отаси ва оғалари таҳдидидан қўрқишни ҳам унутиб, ўз шаънига доғ туширишдан ҳам ҳайиқмай, отамиз билан шу қадар яқин алоқада бўлибдики, бунинг оқибатида сен кўриб турган шахс, яъни мен ёруғ дунёга келибман. Кейинчалик дадамиз Пьетро баъзи бир вазиятлар тақозоси билан Палермони тарк этиб, Перужага қайтган экан ва лекин онам шўрликни қўлида чақалоғи билан ташлаб кетган бўлишига қарамай, билишимча, кейинчалик ҳам на онамни ва на мени бирон марта бўлсин, эсига олмаган экан. Агарда у падарим бўлмаганда, онамга қилган бевафолиги учун уни худога солиб қарғаган бўлардим, унинг менга, яъни ўз пуштикамаридан бўлган қизига ҳеч қандай меҳр қўймаганини-ку, қанчалик таажжуб бўлмасин, айтаётганим йўқ,— лекин алам қиладигани шундаки, мени туққан аёл чўри ҳам, фоҳиша ҳам эмас, эди, ахир онам бечора унинг ҳатто қандай одамлигини ҳам билмай туриб, ундан ҳеч нимасини аямаган ва бутун жон-танини унга бағиш-

лаган эди — бунга ягона сабаб, уни покнза вафодорлик билан се-
виши эди. Э, нимасини айтай! Булар ҳаммаси эски гаплар, боз
устига, номақбул ишни мазаммат қилиш осон, аммо тузатиб бўл-
майди. Бўлар иш бўлган. Отам мен чақалоқлигимда онам иккови-
мизни Палермога ташлаб кетган экан, кейин мен ўсиб-улғайдим,
бўйим етгач, бадавлат онамнинг хоҳиши билан агрижентолик асл-
зода оиланинг яхши бир фарзандига турмушга чиқдим, эрим онам-
нинг илтимосига кўра ва мени деб Палермога кўчиб ўтиб, бу ерда
доимий маскан қурди. У ашаддий гвельф бўлгани учун қиролимиз
Карл билан махфий муносабатда бўлди. Бу муносабатлар бирон
натижа бериб улгурмасдан, бундан қирол Федерико хабар топиб
қолди ва оқибат, эндигина бутун оролда энг маълума ва машҳура
аёл бўламан, деб орзу қилиб турганимда Сицилиядан қочишимизга
тўғри келди. Биз бор мол-давлатимиздан озгина қисминигина
олиб, ер-мулк ва қасрларимиздан воз кечиб келиб, мана шу ша-
ҳарда паноҳ топдик, ана шунда қирол Карл, у туфайли кўрган
зарарларимизни қисман бўлса ҳам қоплади, бизга ер-мулк ва уй-
лар тортиқ қилди ва у энди эримни, яъни сенинг пқчангни йирик
сармоя билан доимий равишда таъминлаб турадиким, ҳадемай
бунга ўзинг шоҳид бўлғайсан. Мана шунақа қилиб, мен бу ерга ке-
либ қолдим ва сенинг эмас, балки тангрининг хоҳиши билан сен
билан дийдор кўришдик, қимматли укажоним!»

Шундай дея у яна Андреуччони бағрига босди ва шодликдан
юм-юм йиғлаб, унинг пешанасидан ўпди.

Андреуччо уй бекасининг биронта сўзда тutilмай, бирон гапда
адашмай роса келиштириб, ўринлатиб айтган бу уйдирмасини
тинглаб, отасининг бир вақтлар чиндан ҳам Палермода яшагани-
ни эслади ва ёш-ялангларнинг балоғатга етишганда, одатда, иш-
қий саргузаштларга интилиб, нечоғлиқ ҳавойи бўлишларини ўзи-
дан қиёс қилиб, боз устига, бу қизнинг шодлик кўз ёшларини,
шунингдек беғараз ўпичлари ва қучоқлашларини кўриб, унинг ҳам-
ма гапларига лаққа ишонди-қўйди ва беканинг гапи ниҳоясига
етган заҳоти у билан шундай суҳбат қура бошлади: «Хоним афан-
ди! Гапларингиз мени хижолатга солиб қўйди, бошқача бўлиши
ҳам мумкин эмас эди, чунки менинг отам қандайдир сабабларга
кўра, на сизнинг онангиз ҳақида ва на сиз тўғрингизда чинданам
ҳеч қачон чурқ этиб оғиз очмаган эди, башарти гапирган бўлса
ҳам ҳар ҳолда, менга бу тўғрида ҳеч нима аён эмас, бинобарин, мен
сиздек опам борлигини ҳеч қачон ҳатто тасаввур ҳам қилмаган-
ман. Ўз туғишган опамни бегона шаҳарда учратиш, мен учун шоён
кўнгилли тасодифдир. Мендек бир хашаки савдогар у ёқда турсин,
энг юксак мартабали ҳар қандай зот ҳам сиз билан танишиб, ил-
тифотингизга мушарраф бўлганидан боши кўкка етган бўлур эди.
Бироқ марҳамат қилиб менга шу нарса ни тушунтириб беринг-чи,
менинг бу шаҳарга келганимни сиз қаёқдан билдингиз?»

Қиз унга шундай жавоб қилди: «Мен бу ҳақда бугун эрталаб
бир ғариб аёлдан эшитдим, у меникига тез-тез келиб туради — га-
пига қараганда,— Палермода ҳам, Перужада ҳам отамиз уйда
узоқ вақт чўрилик қилган экан. Мен бу гапни эшитган замонимок

олдингга югуриб борган бўлардим, аммо сен турган бегона меҳмонхонага аёл киши бўла туриб мен борганимдан, сенинг меникига келишинг маъқулроқ бўлади, деб ўйладим».

Кейин у Андреуччодан унинг барча хешларини бир чеккадан ном-баном сўрай бошлади, Андреуччо ҳам унга ҳамма хешлари тўғрисида батафсил сўзлаб бердики, бу савол-жавоблар натижасида Андреуччо беканинг гапларига тамомила лаққа ишонди-қўйди, ҳолбуки, асло ишонмаслиги керак эди.

Сухбат чўзилиб кетди, бу пайт улар суҳбатлашиб ўтирган ётоқхона жудаям исиб, бека эса, бу пайт май, май билан бирга турли ноз-неъматлар олиб келишни ва Андреуччони яхшилаб меҳмон қилишни буюрди. Кечки овқат пайти келди, шунда Андреуччо кетишга отланди, бироқ бека уни қўйиб юбормади; ўзини ранжиганга солиб, Андреуччони қучоқлаб олди-да, шундай деди: «Қандай даҳшат! Кўриниб турипти — сен мени зигирчайм яхши кўрмас экансан. Ахир опангникига умрингда биринчи марта келишинг, туғишган опангинг уйдасан, аслида сендан лозим эди, шаҳримизга келган заҳотинг тўғри меникига тушишинг, сен бўлсанг, кечлик қилгани меҳмонхонага кетмоқчи бўляпсан,— йўқ, бу кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ҳол! Сўзимга кир: кечликни мен билан қил! Эсиз, поччанг ҳозир уйда йўқ-да, ҳа, майли, ҳечқиси йўқ, ўзим аёллик маҳоратимни ишга солиб, сени шундай меҳмон қилиб бир кўнглингни олайки».

Андреуччо нима деб важ қилишни билолмай, шундай деди: «Сени мен ўз туғишган опамдек яхши кўриб қолдим, илло, агар меҳмонхонага қайтиб бормасам, ҳамроҳларим бутун оқшом йўлимга кўз тикиб, хавотир олиб ўтиришади, бу, албатта, уларни менсиманганм бўлади».

Қиз эса, унга эътироз билдириб, шундай деди: «Вой, худоё тавба! Хизматкоримга айтаман, бир этиб меҳмонхонага бориб, дўстларингга, хавотир олманглар, деб айтиб келади. Дарвоқе, сен яхшиси ўша дўстларингни ҳам кечки овқатга меникига таклиф қил, бу билан менга илтифот кўрсатган бўласан — ўзи асли шундай қилишинг шарт эди; овқатдан кейин ҳамманглар бирга қайтиб кетардинглар».

Андреуччо унга шундай жавоб қилди: «Мен дўстларимсиз ҳам оқшомни сеникида жон-жон деб ўтказаман, ўзимни сенинг ихтиёрингга топшираман, нимани маъқул кўрсанг шунни қил». Шунда қиз, Андреуччонинг кўзига, гўё кечликка Андреуччони кутмасмишсизлар, деб айтгани меҳмонхонага одам юборгандек бўлди. Кейин улар у ёқдан-бу ёқдан гаплашиб ўтириб, хилма-хил неъматлардан тузилган кечки овқатни тановул қилгани ўтирдилар, қиз турли хил найранг билан кечки овқатни алламаҳалгача чўзди. Ниҳоят, улар дастурхондан туришди, шунда Андреуччо кетмоқчи бўлди, лекин бека, бунга асло йўл қўймаслигини айтиб, қаттиқ туриб олди, чунки унинг айтишича, Неаполь кўчаларида тунда юриш айниқса — мусофирлар учун хавфли эмиш, ундан кейин, меҳмонхонага кетган одамдан Андреуччони наинки кечки овқатга, умуман, бугун кутманглар,— чунки у ўша меҳмонга борган ерида

ётиб қолади, деб айттириб юборганмиш. Андреуччо қизнинг гапларига ишонди ва унинг кимлигини билмай тамомила бошқача тасаввур қилгани учун у билан ҳамсухбат бўлишдан ўзини мамнун ҳис қилди ва шу ерда ётиб қолишга рози бўлди. Кейки овқатдан кейин қиз ўзининг хуфия ниятини кўзлаб, турли-туман нарсалар ҳақида яна узундан-узоқ суҳбат қуриб ўтирди. Бу суҳбат тун ярим кечадан оғиб кетгунча давом этди, мана, ниҳоят, у Андреуччога ўз хонасида ётишни тавсия қилди ва меҳмонда бирон нимага эҳтиёж туғилса, кўрсатасан, деб унинг ихтиёрига дастёр болани қолдирди-да, ўзи оқсочлари билан бошқа хонага чиқиб кетди.

Хона мисоли ҳаммомдек исиб кетган эди, Андреуччо шу заҳоти эгнидаги калта чакмонини, шимини, пайпоғини ечиб, фақат ички кўйлақда қолди. Лекин бу пайт, ошқозонидаги ортиқча нарсалардан фориг бўлишдек табиий эҳтиёж уйғонди унда ва у дастёр боладан, бу ишни қаерда бажарса бўлади, деб сўради,— бола хона бурчагидаги эшикчани кўрсатиб: «Анави ерда», деди. Андреуччо ҳеч бир шубҳа қилмай, ўша ерга кирди, кирди-ю, бехосдан бир тахтанинг учига оёқ қўйди, лекин тахтанинг иккинчи учи тўсиндан кўчириб қўйилган экан денг, ҳам тахта, ҳам Андреуччонинг ўзи хандаққа гумбурлаб тушиб кетди ва лекин хандақ гарчи хийлагина чуқур бўлса ҳам худо уни бир асради, унинг ҳеч ери лат емади, фақат бошдан-оёқ нажасга беланди. Юз берган вазиятни ва ундан кейин бўладиган воқеани аниқроқ тасаввур қилишингиз учун ҳожатхонанинг қандай қурилганини сизларга изоҳлаб бермоқчиман. Сиз билан биз кўп ерда кузатганимиздек, бу ерда ҳам икки уй ўртасидаги торгина йўлакка иккита тўсин ўрнатилиб, устига тахта қоқилган эди, тахта устига эса, ўтирғич қўндирилган эди; мана шу тахталардан бири Андреуччо билан нажасли ўрага тушиб кетди.

Юз берган фалокатдан гангиб қолган Андреуччо, нажас ичиде туриб дастёр болани чақира бошлади, бироқ бола, бир ниманинг гумбурлаб чуқурга тушиб кетганини эшитгани заҳоти, буни бекасига хабар қилгани физиллаб чиқиб кетди,— бека эса, Андреуччо ётган хонага отилиб кирди-ю, ҳамма ёққа кўз югуртириб, унинг кийим-бошини қидирди; Андреуччонинг кийим-боши ҳам, еру кўкка ишонмай, аҳмоқлик қилиб, доим ўзи билан олиб юрган пуллари ҳам шу ерда эди, бека дарҳол пулни олди, Андреуччо ҳожатхонага чиққан эшикни тамбалаб ташлади-да, шу заҳоти дунёда ундай одам бўлганини буткул унутиб юборди, зеро бу палермолик қиз айнан мана шу ақчага тузоқ қўйиш мақсадида перужалик йиғитнинг опасига айланган эди.

Бола ҳамон овоз бермасди, Андреуччо янаям қаттиқроқ бақира бошлади — лекин барчибир ҳеч бир садо эшитилмади. Мана шундан кейин, ниҳоят, Андреуччо кўнглида шубҳа уйғонди ва у гарчи кеч бўлса ҳам ўзини гел қилинганлигини пайқаб, йўлакни кўчадан тўсиб турган деворга тармашиб чиқди, кейин кўчага тушиб, ўша ўзи яхши билган уйнинг эшиги олдига бориб, анча вақтгача бақириб «опа»сини чақирди, эшикни тақиллатди, жон-жаҳди билан силкиди, тепиб ҳам кўрди, аммо барча уринишлари зое кетди. Кейин, ўзи-

нинг мудҳиш аҳволга тушиб қолганини англаган одам қандай фарёд чекса, у ҳам шундай оҳ уриб, аччиқ-аччиқ кўз ёш тўкди, фарёд солди: «Қандай бахти қаро одам эканман! Кўз очиб-юмгунча ҳам беш юз флоринимдан, ҳам туғишган опамдан жудо бўлсам-а!»

У узоқ вақт оҳ-воҳ қилиб зорланди, кейин кучининг борича эшикни тапиллатиб уриб шунақа қаттиқ бақира бошладики, шу атрофдаги қўни-қўшнилarning кўпчилиги қулоқни қоматга келтирувчи фарёддан уйғониб, ўринларидан туриб кетишди, шу пайт уй бекасининг оқсочларидан бири ҳам деразага келиб, худди маст уйқудан уйғониб кетгандек овоз билан ранжиган оҳангда: «Қим у?» — деб сўради.

«Нима, танимаяпсанми? — деди Андреуччо. — Мен Фьордализо хонининг укаси Андреуччоман».

Оқсоч эса унга: «Сен тасаддуқ, хийла кўпроқ отволганга ўхшайсан. Уйингга бориб ухла, эрталаб келсан. Мен ҳеч қанақа Андреуччо-пандреуччони танимайман, нима деб валдираётганингга ҳам ҳеч тушунмаяпман. Эсинг борида туёғингни шиқиллатиб қол бу ердан, одамларнинг тинчини бузма», деб насиҳат қилди.

«Ие, нима ҳақда гапираётганимни тушунмаяпсанми ҳали? — деди Андреуччо. — Йўқ, балонинг ўқидай тушуниб турибсан! Баски, сицияликлар ўз қариндошларини шунақа тез унутадиган одамлар экан, унда ҳеч бўлмаса кийим-бошларимни қайтариб бер, шуниси-гаям шукур қилиб, бу ердан кетай».

Оқсоч кулиб юборишдан ўзини зўрға тийиб: «Эсингни еб қўйганга ўхшайсан, ўргилай!» — деди-да, деразани «қарс» этиб ёпиб, кўздан ғойиб бўлди.

Ана шундагина Андреуччо ўзининг хонавайрон бўлганига тамомила ишонди, унинг ҳадсиз ғазаби бу жудолик алампдан нартуруриш даражасига етди ва яхшиликча қўлга кирита олмаган қарасини энди зўрлик билан олмоқчи бўлди; шу боисдан у қўлига катта бир тошни олиб, яна эшикни аввалгидан ҳам қаттиқроқ куч билан гурсиллатиб ура бошлади. Бу тўполондан уйғониб кетган ва аллақандай безори номусли бир аёлни бадном қилиш учун ҳар хил туҳматларни ўйлаб чиқаряпти, деб ўйлаб, ўринларидан туришган қўшниллар Андреуччо кўтарган ғавгодан ғазаблари қайнаб, бошларини деразаларидан чиқаришди-да, худди адашиб келиб қолган бегона итга аккиллаган маҳалланинг итлари сингари Андреуччога жаврай кетдилар: «Ҳой, беодоб, нега бунақа бемаҳалда бутун кўчани бошингга кўтариб бақариб, бўҳтон гапларинг билан номусли аёлларимизнинг ҳаловатини бузаяпсан? Қани, гиргиттон, йўлингдан қолма, уйқумизни ҳаром қилма! Агар бу аёлга бирон хусуматнинг бўлса, ярим кечада ғалва кўтармай, эртага кундузи кел».

Худди шу сўзлар диёнатли уй бекасининг уйидаги қўшмачи йигитга халачўп бўлди шекилли (Андреуччо бу эркакни биринчи марта кўриб туриши эди), ҳар ҳолда, у дераза олдига яқинлашиб, даҳшатли ва таҳдидона овози билан бўкирди: «Қим у?»

Андреуччо бошини кўтариб, зим-зиё қоронғида қора соқоли патак бўлиб кетган барзанги бир йигитни зўрға кўзи илғади, бу одам ўзини гўё ҳозир маст уйқуда ётгану энди уйғониб кетиб, уйқули

кўзларини ишқалаётгандай, эснаётгандай кўрсатди; Андреуччо унинг важоҳатини кўриб, қўрқа-писа жавоб қилди: «Мен уй бекасининг укаси бўламан».

Бироқ барзанги йигит, шу заҳоти Андреуччонинг гапини бўлиб, яна ҳам дағдағалироқ қилиб деди: «Мана ҳозир тушаман-да, шунақанги пўстагингни қоқаманки, ёруғ дунёга келганингга ҳам пушаймон бўласан. Қайсар эшак, бадбахт арақхўр, тун бўйи одамларнинг тинчини бузиб ётибсан!» Шундай деб у деразани беркитди-ю, ғойиб бўлди.

Бу одамнинг феълени яхши билган қўшнилари энди Андреуччога безовталаниб юзландилар: «Барака топкур, худо хайрингни берсин, йўлингдан қолма, йўқса, булар сени гумдон қилишдан ҳам тойишмайди. Жонингдан умидинг бўлса, қочиб қол».

Андреуччо бояги барзангининг дағдағаси ва важоҳатидан қўриқиб, шунингдек, қўшнилариининг гўё чин юракдан ачинаётгандек туюлган гапларига ишониб, пулларини қайтариб олишдан тамомила умидини узган ҳолда, оқсоч қиз бошлаб келган ўша йўлдан қайтиб, меҳмонхона томон йўл олди. Ҳамма ёғидан келаётган бадбўй ҳид ўзининг ҳам кўнглини айнитаётган эди, шунинг учун у денгиз бўйига тушиб ювиниб олмоқчи бўлди ва шу ваддан чап томонга бурилиб, Каталония кўчаси бўйлаб юриб кетди. Мана шу йўсинда у денгиз томон кетаётганида бирдан, қаршисидан фонус кўтариб келаётган икки кишини кўриб қолди ва булар ё айғоқчилар, ёки бирон бадният кишилар бўлишса керак, деб ўйлаб, уларнинг кўзига кўринмаслиқ ниятида, оҳиста пусиб шу ерда, йўл ёқасида турган ташландиқ бир кулбага кириб олди. Аммо бояги икки одам ҳам гўё худди шу кулбадан бошқа жой қуриб қолгандек, бу ерга кириб келдилар, келганлардан бири елкасига ортмоқлаган аллақандай темир асбобларни ерга тарақлатиб ташлади, шундан кейин улар иккови бу асбобларни бирма-бир кўздан кечириб, уларнинг нимага яраши ҳақида фикр юрита бошладилар.

Ниҳоят келганлардан бири ортиқ чидай олмай, шундай деди: «Нима бало ўзи? Шунақаям сассиқ ҳид келяптики — ортиқ чидай олмайман!» У шундай дея фонусни кўтарган эди, икковининг кўзи шўрлик Андреуччога тушди ва ҳанг-манг бўлишиб, ундан: «Нима қилиб турибсан, бу ерда?» — деб сўрашди.

Андреуччо чурқ этмай ўтираверди, келганлар шунда фонус билан унинг олдига боришди ва қаерда бунчалик булганганини, бу ерда нима қилаётганини суриштиришди. Андреуччо ўз бошига тушган мушкул савдо ҳақида бир бошдан сўзлаб берди. Улар бу воқеанинги қаерда бўлганини дарҳол англашиб, бир-бирларига: «Товламачи Буттафуоконикада бўлганга ўхшайди» — дейишди.

Шу чоғ икки келгиндидан бири Андреуччога юзланиб, шундай деди: «Гарчи, азизим, пулингдан айрилган бўлсанг ҳам сен, нажасга ботганинг, кейин қайтиб у уйга кира олмаганинг учун кечаю кундуз худога шукрона ўқишинг керак. Ишончинг комил бўлсин: агарда чуқурга тушиб кетмаганингда эди, кўзинг уйқуга кетиши билан сени гумдон қилишган бўларди, ана унда, ҳам пулингдан, ҳам жонингдан батамом айрилган бўлардинг. Кўз ёш қилган билан

пулинг қайтиб келмайди. Битта сариқ чақа ундиришдан кўра осмондаги юлдузни олиб тушиш осон. Тағни битта-яримтага бу ҳақда оғзингдан гуллаб юрма, йўқса, ўша барзанги суробингни тўғрилаб қўяди-я».

Шундан кейин икковлари ўзаро маслаҳатлашиб олишди ва Андреуччога шундай деб гап қотишди: «Биласанми, сенга раҳмимиз келяпти. Гап бундай, агар сен бизга бир ншда кўмаклашиб юборсанг — бошимиз билан жавоб берамизки, ўғирланган ақчангдан ҳам кўпроқ пулга эга бўласан».

Андреуччо учун энди нима бўлсаям барибир эди, шунга кўра, уларнинг шартига сўзсиз рози бўлди.

Ўша куни Неаполь архиепископи пири бузрук Филиппо Минутолонинг дафн маросими бўлиб ўтган эди; унинг эгнига бебаҳо жубба, бармоғига беш юз флориндан ҳам қимматроқ турадиган ёқут кўзли узук тақиб дафн этишган эди,— бу икки одам мана шу мурдани шилмоқчи экан, энди улар Андреуччони ўзларига шерик қилиб олдилар, Андреуччо кўнглида очкўзлик устун чиқиб, мулоҳаза ҳам қилиб ўтирмай ўғриларга эргашиди.

Андреуччодан келаётган сассиқ ҳидга ҳамон димоғлар торс ёрилай дерди, шунинг учун архиерей жомесига кета туриб, ҳамроҳлардан бири шундай деди: «Қаерда ювиниб олса бўларкин? Бўлмаса, жуда кўнгилни беҳузур қиляпти-ку».

Иккинчиси эса унга: «Шу ўртада ғалтакли қудуқ, қудуқ бошида каттакон ёғоч пақир бор — юр, уни чўмилтириб қўямиз, савоб бўлар».

Қудуқ бошига боришса, арқони бору, лекин ёғоч пақирини кимдир олиб кетипти; шу боисдан улар Андреуччонинг белидан арқон боғлаб ўзини қудуққа туширмоқчи бўлишди: ювиниб олганидан кейин арқонни силкитса, дарров тортиб оламиз, дейишди. Улар шу қарорга келишиб, Андреуччони қудуққа туширишди.

Бироқ келиб-келиб, худди шу пайтда шаҳар айланиб юрган миршаблар ҳавонинг иссиқлигидан ёинки биронта одамнинг изига тушиб, чарчаганлариданми чўллаб кетишиб, сув ичгани қудуқ бошига кела бошлашди. Икки ўғри уларни узоқдан кўришлари билан ура қочиб қолишди, шу боисдан сув ичгани келган миршаблар уларни пайқашмади. Бу орада Андреуччо ювиниб бўлиб, арқоннинг учидан тортиди. Сувсаб тиллари осилиб қолган соқчилар, пастда сувга тўла лим-лим пақир турипти деб ўйлашиб, қалқону қурол-яроғу плашларини бир чеккага қўйиб, аzza-базза арқонни торта бошладилар. Андреуччо қудуқ бошига чиқиб олганини кўриб, арқонни қўйиб юборди ва икки қўли билан қудуқ четидан ушлаб олди.

Миршаблар қудуқдан чиқиб келаётган Андреуччони кўриб, қўрқувдан ўтлари ёрилиб, тиллари айланмай қолди, арқонни отиб юборишди-ю, ҳар томонга тирақайлаб қочиб кетишди. Андреуччо ҳам бу ҳолдан жуда ҳайратга келган эди, бинобарин, қудуқ четидан маҳкам ушлаб турмаганида, турган гапки, ҳанг-манг бўлганидан яна қудуққа тушиб кетиб майиб бўлган ёки тил тортмай ўлган бўларди. У сакраб ерга тушди, тушди-ю, атрофга олазарак бўлиб, уйилиб турган қурол-аслаҳаларни кўриб қолди ва уларнинг ўз ҳам-

роҳларига тегишли эмаслигини яхши билиб, таажжуби янада ортди. Унинг боши қотиб, эсанкираб қолди ва ўзининг шўрпешоналигидан нола қилиб, бу ердан бош олиб кетишга аҳд қилди-да, ҳеч нимага қўл урмай, боши оққан томонга кетди. Йўлда у яна ўша икки шеригига дуч келди, улар уни қудуқдан тортиб олгани шошилиб келишаркан экан. Лекин Андреуччога тўқнаш келиб, ҳангу манг бўлиб қолишди ва уни ким қутқарганини сўрашди. Андреуччо, ўзим ҳам ҳайронман, деб айтди ва ҳамма гапни бир бошдан гапираркан, қудуқ бошида ётган аслаҳаларни ҳам тилга олишни унутмади. Воқеани тушунган икки ҳамроҳ, ўзларининг нима сабабдан қочиб кетишгани ва Андреуччони ким қудуқдан тортиб олгани ҳақида кула-кула гапириб беришди. Кейин ғанимат вақтни бекор ўтказмай (чунки вақт ярим кечадан оған эди), улар жомега йўл олишди, ичкарига осонгина киришди ва ҳайбатли мрамар сағана олдига яқин бориб, унинг устидаги зилдек мрамар қопқани лом билан бир одам сифарли қилиб кўтаришди-да, тиргак қўйиб қўйишди.

Шундан кейин икки ўғридан бири: «Ким киради?» — деб сўради. Иккинчиси: «Фақат мен эмас», деди.

«Мен ҳам кирмайман, — деб гапни илиб кетди биринчиси, — Андреуччо кира қолсин».

«Мен кирмайман», деди Андреуччо.

Шунда икковлари Андреуччога зуғум қила бошлашди: «Не, нега кирмас экансан? Қани, кирмай кўр-чи — азбаройи шифо, мана шу лом билан миянгни торс ёриб ташлайликки, тил тортмай ўлгин».

Зуғум Андреуччога қор қилди, лекин у даҳмага туша туриб, ўзи шундай фикрга келиб қўйди: «Улар мени лақиллатишмоқчи: мен уларга ҳамма нарсани узатаман, лекин ўзим чиққунимча, жуфтакни ростлаб қолишадими-ю, мен икки қўлимни бурнимга тиқиб қолавераман». Шунда унинг миясига «ўз тегишимни олдиндан олиб оламан», деган фикр келди. У ўғриларнинг бебаҳо узук ҳақидаги гапни эшитган эди, гўрга тушган заҳоти, архиепископнинг бармоғидаги ўша узукни олиб ўз бармоғига тақиб олди. Шундан кейин юқорига асо, каллапўш, қўлқопларни узатди, мурдани ечинтирди ва тепадагиларга унинг кўйлагига ҳамма либосини узатиб, бошқа ҳеч нима қолмади, деб айтди. Улар, яна узук ҳам бўлиши керак, яхшилаб қидириб кўр, деб талаб қила бошладилар, лекин Андреуччо, узук йўқ, деб ишонтира бошлади ўғриларни ва гўё яна қидиришга киришгандек, юқоридагиларни бир оз вақт куттириб қўйди. Лекин улар ҳам аҳмоқ эмас эдилар: Андреуччога ҳамма ёқни синчиклаб тимирскилаб чиқишни буюрдилар-да, ўзлари пайт пойлаб, мрамар тош тахтани ушлаб турган тиргакни тортиб олдилару Андреуччони тириклайин дафн этиб, ўзлари жуфтакни ростлаб қолдилар. Мрамар қопқоқни қарс этиб ёпилганини эшитган Андреуччонинг кўнглидан нима ўтганини ўзингиз тасаввур қилаётгандирсиз.

У мрамар тош тахтани гоҳ боши, гоҳ елкалари билан кўтаришга бир неча бор уриниб кўрди, аммо уринишлари буткул самарасиз бўлди. Ниҳоят бундай даҳшатдан ҳушини йўқотиб, архиепископ жасади устига ётиб қолди, мабодо шу дақиқа бирон киши уларга назар ташласа, ҳақиқий мурда қай бири: архиепископми ё Андре-

уччоми — фарқига боришга ожизлик қилган бўларди. Бир оздан кейин Андреуччо яна ҳушига келди ва икки даҳшатдан бирига мубтало бўлажаги муқаррар эканлигига ҳеч шубҳа йўқлигини ўйлаб, ҳўнграб йиғлаб юборди; яъни: ё, агар бу ерга ҳеч ким келмаса-ю, қабр тошини кўтармаса, сағана ичида очликдан ва сасий бошлаган мурданинг бадбўй ҳидидан ўлиши, ё бўлмаса, борди-ю, одамлар келиб уни топиб олишса, ўғрилиқ қилгани учун дорга осилажаги кундай равшан эди. Мана у шундай нохуш ўйларга толиб ўтирган пайтида, бирдан одамларнинг гўнғир-гўнғир овози ва оёқ товушларини эшитиб қолди, эшитди-ю, дарҳол идрок қилдиким, жомега ўзи ва икки шериги қандай мақсадда келишган бўлса, бу келган одамларнинг нияти ҳам айнан шундайдўр, бироқ бу фикрдан Андреуччо бешбаттар даҳшатга келди. Келганлар мраммар тоштахтани кўтаришиб, тиргак қўйишди ва ким тушади, деб можаро қила бошлашди — ташаббускор йўқ эди. Ахири, анчагача можаро талашилгандан кейин бир руҳоний: «Буни нимасидан қўрқасизлар? Еб қўймайди-ку ахир! Ўликлар тирикларни емайди. Қелинлар, мен тушаман», деди. Шундай дея у бошини орқага ташлаб, кўкрагини сағана четига қўйди-да, оёғини тушира бошлади. Андреуччо ўрнидан қўзғалиб, руҳонийнинг оёғига маҳкам ёпишиб олди ва уни ичкарига тортмоқчи бўлгандай силкий бошлади. Руҳоний биров оёғидан тортаётганини сезиб, жонҳолатда додлаб юборди ва қабрдан дик этиб сакраб чиқди-ю, шаталоқ отиб қочиб қолди. Унинг шериклари ҳам шу қадар қўрқиб кетишган эдики, сағанани очқлигича қолдириб жомедан чиқиб, гўё орқаларидан юз минг нафар жин қувлагандай, оёқлари ерга тегмай қуён бўлиб қолишди.

Андреуччо бундай кутилмаган нажотдан боши осмонга етиб, бир зумда дахмадан чиқди ва жомедан ҳам унга қандай кирган бўлса, худди шу йўл билан чиқиб олди. Мана у кун ёриша бошлаган пайтда бармоғида узук билан тусмоллаб юриб, денгиз бўйига чиқди ва ниҳоят ўзи тўхтаган меҳмонхонага етиб олди, — маълум бўлишича, унинг ўртоқлари ва меҳмонхона соҳиби кечаси билан мижжа қоқмай, ундан хавотир олиб чиқишган экан. У ўз бошидан кечган ҳодисаларни сўзлаб берган эди, меҳмонхона соҳиби унга зудлик билан Неаполни тарк этиб чиқиб кетишни маслаҳат берди, Андреуччо ҳам дарҳол унинг маслаҳатига кирди. Перужага қайтиб келгандан кейин эса, узукни сотиб, унинг пулига отлар харид қилгани жўнаб кетган экан.

6

Икки ўғлидан жудо бўлган Беритоланинг оролда икки оҳу билан яшаб турганини кўришади; Беритола Лунижанага равона бўлади, бу пайтда унинг ўғилларидан бири шу вилоятнинг ҳоқимиб ишга ёлланиб, унинг қўлида хизмат қила бошлайди ва унинг қизи билан ошиқ-маъшук бўлиб, зиндонга ташланади; Сицилия халқи қирол Карлаи қарши исён кўтаради; она ниҳоят ўз ўғлини танийди, ўғил ўз ҳукмдорининг қизига уйланади; унинг укаси ҳам топилади ва икковлари дастлабки олимақом мартабалирига муяссар бўладилар

Хонимлар ҳам, йигитлар ҳам Фьяметта ҳикоя қилиб берган Андреуччонинг саргузаштларидан роса кулишди; ул қисса ниҳоясига етгач, қироличанинг амри билан Эмилия ҳикоя қилишга киришди:

— Тақдирнинг мухталиф бевафолигига бардош бериш оғир ва машаққатлидир, модомки у борадаги гаплар руҳимизни тетик қилиш қобилиятига эга, тақдирнинг шўхликлари эса, уни гафлатга солишга уринар экан, менимча, унинг зарбалари ҳақида тинглаш ҳеч кимга — бахтиёр кишиларга ҳам, бахти қаро кишиларга ҳам зарар қилмагай: зеро у бахтиёрларни огоҳлантиради, бахти қароларга эса, тасалли беради. Мана шунинг учун гарчи бу мавзуда ҳикоя қилинган бўлса ҳам мен айнан шу борада ниҳоятда ҳаққоний ва таъсирли бир қисса сўзлаб бермоқчиман. Қиссамнинг ечими эзгулик билан тугайди, бироқ ундаги ғам-андух шу қадар аёвсиз ва шу қадар ниҳоясизки, оқибатда унинг ўрнини эгаллаган шодлик туйғуси ҳам уни қаҳрамонларим хотирасидан батамом ўчириб юборишига ишонмоқ маҳолдир.

Сизга маълум бўлсинки, эъзозли хонимлар, император Фридрих Иккинчининг ўлимидан кейин Сицилия қироли Манфред бўлган эди, Манфред замонида Арригетто Капаче исмли неаполлик бир зодагоннинг мартабаси жуда сарбаланд бўлиб кетган эди; у Беритола Караччола исмли бир соҳибжамол аслзода аёлга уйланган бўлиб, у аёл ҳам неаполлик эди. Орол ҳукмдори Арригетто, қирол Манфреднинг қирол Карл Биринчи томонидан Беневенте остонасида мағлубиятга учратилгани ва қатл этилганини, бинобарин, бутун қирол салтанати Карл Биринчига тобе бўлгани ҳақидаги хабарни эшитиши билан сицилияликларнинг матонатига кўзи етмай ва ўз ҳукмдорининг душманига фуқаро бўлишдан бош тортиб, бу ердан бош олиб кетишни фикр қилди. Бироқ сицияликлар бундан хабар топиб, уни тутиб олишди, қирол Манфреднинг кўпгина дўстлари ва содиқ кишиларини ҳам қўлга туширишиб, ҳаммаларини қирол Карл қўлига топширдилар, шундан кейин орол ҳам Карлнинг тасарруфига ўтиб кетди. Мана шу алғов-далғов пайтларда Беритола эри Арригеттога нима бўлганини била олмай, аммо кўнгли фалокат юз берганини сезиб (филҳақиқат, кўнгли тўғри сезган экан), ўзининг бадном бўлиб қолишидан қўрқадиди, бутун мол-давлатидан воз кечиб, қашшоқлашган ҳолда, боз устига, қоринда ҳомиласи, ёнида Жусфреди исмли саккиз ёшлардаги тўнғич ўғли билан қайиққа ўтириб, Липарига равона бўлади ва ўша ерда иккинчи ўғлини туғиб, унга Скачатто деб от қўяди. Шу ерда у бир эна ёллаб, улари ўғли билан бирга мўъжазгина бир кемага чиқадиким, бу кема уқрни Неаполга, Беритоланинг хешлари олдига элтиши лозим эди.

Бироқ унинг шўрпешонасига бошқа нарсалар ёзилган экан; Неаполга йўл олган кемани шамол Понцо ороли томон суриб кетди, бу ерда кема хизматчилари уни бир амаллаб бир қўлтиққа олиб киришга муваффақ бўлди, улар то ҳаво жўнашиб кетгунга қадар шу ерда кутиб турадиган бўлишди. Беритола ҳамма қатори соҳилга тушиб, бу ерда кўздан йироқ ва овлоқ бир гўша топди ва шу ерда, узлатда

Ўз ёри Арригеттони эслаб, тўйиб-тўйиб йиғлади. Кейин у ҳар куни бу ҳолни такрорлаб турди; бироқ кунларнинг бирида, у ўз хилватгоҳида гусса чекиб ўтирганида, бу орол бандаргоҳига қароқчилар кемаси келиб, қирғоқдаги ҳамма одамларни бамайлихотир кемага босиб, яна жўнаб кетдиким, ул кеманинг яқинлашганини на дарға ва на бошқа биров пайқаган эди. Беритола бўзлаб-бўзлаб йиғлаб хумордан чиққач, ҳар сафаргидек болаларидан хабар олгани соҳилга яқинлашди, қараса, у ерда ҳеч зог қолмаган. Беритола бундан ҳайрон бўлди, лекин шу заҳотиёқ кўнглида бир шубҳа уйғонди, у денгиз томонга қараб, хиёл нарироқда ўзи сузиб келган кемачани шатакка олиб кетаётган қароқчилар кемасини кўрди. Ана шунда, Беритола нанки эридан, балки энди фарзандларидан ҳам жудэ бўлганини тушунди. Тушунди-ю, энди дунёда ҳеч кими йўқ, ғарибу бенаво бўлиб, дилбандларидан биронтаси билан қачонлардир дийдор кўришиш насиб бўладими, йўқми—билмай, узоқ вақт эрининг ва болаларининг номини атаб бўзлаб йиғлади ва ниҳоят ҳушидан кетиб, ётиб қолди. Унинг юзига муздек сув сепиб ёинки бошқа восита билан ҳушига келтирадиган бирон кимса йўқ эди,— шу боисдан, унинг руҳи ўзи ихтиёр этган ерларда тентиб юраверди. Беритоланинг мажолсиз жисми ахири хийла кучга киргач, у юм-юм йиғлаб, нола чекиб болаларининг отини айтиб чақириб, ҳар бир ғоричига кириб чиқа бошлади. У бу елиб-югуришлари беҳуда эканлигини энди англаган бўлса ҳам умидворликни тарк этмади ва қоронги тушгач, беихтиёр, ўз ғамини ҳам ейиш кераклигини ўйлади-да, соҳилдан нари кетиб, ҳар кўни андуҳ чекиб, бўзлаб йиғлашни одат қилган ўшал ғамхона ғорга қайтди.

Беритола бутун тунни вужуди мудҳиш қўрқувдан қалтираб, руҳи қаттиқ изтироб чекиб бедор ўтказди; тонг отгач эса, кеча кечқурун туз тотмагани боисидан соат тўққизларда, очликдан ўт-ўланларни юлиб ея бошлади, кўнгли тортганча ўтлаб олиб, яна бўзлаб-бўзлаб йиғлади, сўнг энди куним нима кечади, деб ўйлай бошлади. У шу қабилда теран ўйга толиб ўтирганида, ўзидан сал нарироқдаги ғорга бир оҳу кириб кетганини, бир оз фурсат ўтгач эса, қайтиб чиқиб ўрмон томон йўл олганини кўрди. Шунда Беритола ўрнидан туриб, ўша оҳу чиққан ғорга кирди, қараса, эндигина онадан туғилган, иккита оҳу боласи ётипти, Беритоланинг кўзига улар жуда ёқимтой, дилбар бўлиб кўринишди. Ўзининг яқингинада кўзи ёригани вожидан ҳали кўкрагидан сути аримаган эди, шунга кўра, у оҳу болаларига эҳтиётлик билан ўз сийнасини тутди. Мурғак жониворлар ҳам аёлнинг меҳридан бош тортмай, уни худди ўзи туққан онасини эмгандай эма бошладилар ва шу кундан бошлаб, улар ўз оналари билан бу аёлни фарқ қилмай қўйдилар. Мўътабар аёл бу биёбонда ўзига қандай бўлмасин, эш топганидан кўнгли ёришиб, ўт еб, сув ичиб кун кечира бошлади, ҳар гал эрини, болаларини, ўтган кунларини эслаганда, юм-юм йиғлаб, кўнглини бўшатарди, шундай қилиб у ахири оҳу болаларига худди ўз болаларидек ўрганиб қолди ва умрининг охиригача шу даргоҳда кун кечиришга аҳд қилди.

Шоиста аёл шу йўсинда бир неча ой муттасил ночорликдан ҳайвонсифат кун кечирди, бироқ кунларнинг бирида, денгизда тўфон

кўтарилиб, бир вақтлар Беритола тушган кема кириб келган ўша қўлтиққа Пиза шаҳрининг бир кемаси кириб келди-да, бу ерда лангар ташлаб, бир неча кун туриб қолди. Бу кемада маркиз Малеспиналар қавмидан бўлган Куррадо исмли бир аслзода ўз рафиқаси — иззат-обрўли ва диёнатли аёл билан келаётган эди; улар Апулия салтанатидаги жамики муқаддас жойларни зиёрат қилиб, энди уйларига қайтаётган эдилар. Бир куни Куррадо билан хотини юракнинг чигилини ёзиш мақсадида, хизматкорлари ва итларини олишиб, оролнинг ичкарасига қараб юришди ва Беритола истиқомат қилиб турган гор яқинига бориб қолишди, шунда Куррадоларнинг ити оху болаларини кўриб (улар энди анча улғайиб, ёлғиз ўзлари ўтлайдиган бўлиб қолган эдилар), уларни қувиб кетди. Охулар итлардан қочиб, тўппа-тўғри Беритола яшаб турган ўша горга кириб кетишди. Беритола қўлига таёқ олиб итларни даф қила бошлади, лекин худди шу маҳал итлар кетидан изма-из келаётган Куррадо билан хотини ҳам бу ерга кириб келишди; тўсдай қорайиб, чўпдай озиб кетган, сочлари пахмоқ бу аёлнинг қиёфаси бир қарашда уларни нақадар ҳайратга солган бўлса, улар ўз ташрифлари билан бу аёлни яна ҳам қаттиқроқ таажжубга солган эдилар. Аёлнинг илтимоси билан Куррадо итларни ҳайдаб чиқарди, шундан кейин маркиз билан унинг рафиқаси аёлдан унинг кимлиги, бу ёқларда нима қилиб юргани ҳақида сўрай бошлашди. Беритола ахирини уларнинг гапига зўр-базўр унаб, ўзининг кўрган-кечирган мушкулотлари, бошига тушган аччиқ кўргиликлари ҳақида муфассал ҳикоя қилиб бериб, ҳикояси охирида ўзининг мудҳиш қарорини баён қилди. Куррадо Арригетто Қапечени яхши танирди, бинобарин, унинг шум қисмати ҳақида эшитиб, хўрлиги келиб йиғлаб юборди, сўнг қайта-қайта Беритолани ўз мудҳиш қароридан воз кечишга ундаб, унга шундай сўзлар билан юзланди: «Сизни ўз уйимизга олиб кетайлик, ўз туғишган синглиздек ардоқлаб, бошимизга қўйиб юрамиз, то парвардигор сизга раҳм-шафқатини кўрсатгунга қадар бемалол яшайверинг». Куррадо шундай сўзлар билан қанча ёлворса ҳам Беритола ҳеч кўнмади — шундан кейин маркиз бу аёл олдида хотинини қолдириб, ўзи гордан чиқиб кетди, кета туриб, бу аёлга овқат олиб келишни, ўз либосларидан бирини беришни (зеро, Беритоланинг эғнидаги либоси увода бўлиб кетган эди) ва унинг ўжарлигини бартараф этиб, уни гапга унатишни хотинига буюрди. Саховатли маркиза Беритолага қўшилиб, унинг шўрпешона қисматидан юм-юм йиғлади, унга кийим-бош ва таом олиб келишларини буюрди, илло, Беритолани кийимини алмаштиришга ва овқат тановул қилишга унатиш жуда машаққат бўлди. Кейин эса, Беритола, ўзини танийдиган одамлар даврасига боришдан қатъиян бош тортди, фақат қайта-қайта қилинган ўгиту насихатлардан кейин маркиз оиласи билан Лунижанага жўнашга розилик билдирди, лекин шундай у оху билан унинг икки боласини ўзи билан олиб кетишни шарт қилиб қўйди; дарвоқе, бу орада оху қайтиб келган ва муҳтарам хонимни ҳанг-манг қолдириб, Беритолага бўлган жўшқин меҳрини ошкора намоён қила бошлаган эди.

Ниҳоят, ҳаво юришиб кетиши билан Беритола, Куррадо ва унинг

хотини ўзлари билан оҳу ва унинг икки боласини олиб кемага чиқишди, Беритоланинг ҳақиқий исмини аксар одамлар билмагани учун уни «Ланиола», деб атай бошлашди. Боди мурод эса бошлагани учун улар тез фурсатда Магра дарёсининг қуйилиш жойига етиб, соҳилга тушдилар ва қалъа томон равона бўлдилар. Шу кундан эътиборан маъсума, беозор ва муте Беритола тул хотин либосини кийиб, донна Куррадонинг дугонаси сифатида бу қалъада истиқомат қила бошлади ва оҳу болаларига аввалгидек меҳр қўйиб, ҳамон уларга ғамхўрлик қилиб турди.

Энди гапни қароқчилардан эшитинг: улар Понцо ороли яқинида Беритола келган кемани олиб қочишганда, Беритолани кўрмай қолганликлари туфайлигина уни оролда қолдириб кетган эдилар, қолган ҳамма бандиларни эса, улар Генуяга олиб боришиб, жамики ўлжани кема соҳиблари ўртасида бўлашиб олишди, шунда тасодифни қарангки, Беритоланинг икки ўғли билан уларнинг энагаси бошқалар қатори мессер Гаспаррино д'Ориа деган одамнинг чекига тушдилар; Гаспаррино энага билан болаларни, чўрилик ва дастёрлик қилишди, деб ўз уйига жўнатди. Ўз соҳибасидан айрилгандан ва икки норасида гўдак билан бирга ғоятда мушкул аҳволга тушганидан андуҳга ботган энага эртаю кеч муттасил кўз ёши қиларди. Ва лекин у, кўз ёш дардга малҳам бўлолмаслигини, энди ўзининг ҳам, гўдакларнинг ҳам банди эканликларини ахири англаб, мискин аёл бўлишига қарамай, фаросатли ва зийрак бўлгани туфайли биринчи навбатда, баҳоли қудрат, ўзига таскин берди, ундан кейин нақадар ночор аҳволга тушганини идрок қилиб, башарти бирон тасодиф билан болаларнинг зоти паст авом халқдан эмаслиги ошкор бўлиб қолса, боёқишларнинг қисмати бешбаттар мушкуллашажagini тушунди: шунда ҳам у, шояд машъум кунларнинг охири бахайр бўлса, шояд бир кун келиб бу гўдаклар ўзларининг аввалги юксак рутбаларига мушарраф бўлсалар, деб, эзгуликдан умидини узмади, шунинг учун ҳам у, гўдакларнинг кимлиги ҳақида вақтсоати етгунча ҳеч кимга айтмайман, деб ўзига-ўзи сўз берди ва шу пайдан эътиборан ҳаммага бир хилда: «Ўзимнинг болаларим», деб жавоб қилаверди. Катта ўғилни у Жусфреди, деб эмас, балки прочидалик Жаннотто деб атай бошлади, лекин кичигининг отини ўзгартирмади. Жусфреди масаласига келсак, унинг исмини ўзгартиришга нима мажбур қилганини ва борди-ю, бу сир фош бўлиб қолгудек бўлса — қандай ёмон аҳволга тушишлари мумкинлигини тушунтиргунча энаганинг она сути оғзидан келди — бунинг сабабини болага уқтиришдан у ҳеч чарчамадиям, тўхтамадиям. Жусфреди эсли-хушли бола эди, шу боисдан фаросатли энаганинг ўғитларига мутеона амал қила бошлади. Шундай қилиб, оч, юпун болалар, улар билан бирга энага мессер Гаспарринонинг уйида энг оғир ишларни бажаришиб, жуда кўп йил ночор ва ноилжликдан кун кечиришди.

Ҳолбуки, эндиликда ўн еттига қадам қўйган Жанноттонинг феъли эркесварликка мойил эди: у ўзининг разилона бандилик қисматидан ҳазар қилиб, галерада Искандарияга жўнади ва мессер қўл остидан қочиб, турли-туман ишларга қўл уриб кўрди, илло,

ҳеч бир ишда омади юришмади. Унинг мессер Гаспаррино асорати-дан қочиб кетганига тўрт йилча бўлганида,— бу орада у энди хуш-қомат, ўктам йигитга айланган эди,— аллақачон ўлдига чиқариб қўйган отасининг тирик, аммо қирол Карлнинг зиндонида ҳибсда ётгани дарагини эшитиб қолди,— бу пайтда, оворайи жаҳон бўлиб юриш жонига тегиб, ҳаётдан деярли буткул умидини узган Жан-нотто фалакнинг гардиши билан Лунижанага бориб қолади-ю, у ерда Куррадониинг хизматига киради ва унга сидқидилдан хизмат қилиб, маркизнинг дидига ўтириб қолади. У донна Куррадо қошида яшовчи ўз онасини ҳам аҳён-аҳёнда кўриб турар, лекин уни тани-мас эди, онаси ҳам уни танимаган эди,— зеро улар охириги марта кўришгандан буён жудаям ўзгариб кетишган эди.

Алқисса, Жаннотто Куррадо хизматида юрган пайтида унинг Спина исмли қизи эри Никколо да Гриньянонинг ўлиmidан кейин тул қолиб, ота уйига қайтиб келади. У ниҳоятда сулув, зебо, ёш, эндигина ўн олти баҳорни кўрган навниҳол қиз эди; хуллас, кунлар-нинг бирида бул қизнинг кўзи Жанноттога, Жанноттонинг кўзи эса унга тушиб қолади-ю, икковларида бир-бирларига нисбатан пурҳа-рорат муҳаббат аланга олади. Гарчи улардаги ҳирсий ташналик хиёл вақт ўтмай қондирилган бўлса ҳам одамлар бундан узоқ вақт-гача баҳабар қоладилар. Натижада, ошиқ-маъшуқлар ҳеч кимнинг ҳеч нарса билмаслигига қатъий ишонишиб, бундай ишқий вазият-ларда зарур бўлган эҳтиёткорликни унутиб қўядилар. Оқибат, кунларнинг бирида ёш жувон билан Жаннотто хушманзара қуюқ ўрмон ичида сайр қилиб юришиб, улфатларидан ажралиб, олдин-лаб кетадилар; кейин улар, кўпчиликдан анча олислаб кетдик, деб ўйлашиб, ажиб бир хилватгоҳда азим туп дарахтлар паноҳида, майса ўтлар ва чечаклар гуркираб ўсиб ётган ерда тотли муҳаб-бат нашъасидан баҳраманд бўладилар. Гарчи, улар бу ерда узоқ вақт қолиб кетган бўлсалар-да, ушбу ҳамнафаслик улар учун шу қадар дилнавоз эдики, уларнинг бу ерда ўтказган вақти бир зумда ўтиб кетгандай туюлади,— мана шу боисдан ҳам улар ғафлатда қолиб, ишрат қилиб ётганларида, ёш жувоннинг отаси билан онаси кўққисдан устларидан чиқиб қолади. Юз берган ҳодисадан фигони фалакка чиққан Куррадо ҳеч нимани суриштириб-нетиб ўтирмай, хизматчиларидан уч кишига бу икки гуноҳкорни тутиб, ўз қасрла-ридан бирига қамаб қўйишни буюради; у қаттиқ жаҳолат устида бутун вужуди титраб, икковини шармандаларча қатл этмоқчи бўл-ди. Жувоннинг онаси, гарчанд қаттиқ ғазабланган бўлса ҳам ва қизининг жиноятини энг оғир жазога лойиқ деб ҳисобласа ҳам, бироқ эрининг айбдорларни қандай жазога мустаҳиқ қилмоқчи бўлганини англаб, ўзини йўқотиб қўйди-да, баджаҳл эри ҳузурига отилди ва унга деди: «Бу ғайри инсоний ниятингдан — қариган чоғингда ўз қизингнинг қотили бўлиш ва қўлингни ўз хизматко-рингнинг қонига бўяшдан воз кеч, уларга танбех бериб хумордан чиқиш учун бошқа бирон чора қўлла, чунончи, маълум бир вақтгача уларни зиндонбанд қилгинки, токи, улар у ерда шу гуноҳлари азо-бини тортиб, қилмишларига пушаймон бўлсинлар». Диёнатли аёл шундай ва шунга монанд гапларни бетўхтов айтаверганидан, ахири

эри ўзининг аввалги қарорини ўзгартириб, ошиқ-маъшуқларни бошқа-бошқа жойга ҳибс этиш ва то ўзи махсус фармойиш бермагунча уларни сергаклик билан назорат қилиш, маҳбусларга нон билан сувдан бўлак таом бермаслик, хуллас, уларга ҳеч қандай мурувват қилмаслик ҳақида буйруқ бердиким, бу буйруқни сўзсиз бажаришга киришдилар.

Уларнинг ҳибсда қандай изтироб чекканларини тасаввур қилиш қийин эмас: кун, уззукун андуҳли кўз ёшлару тамаддилари нон билан сув бўлган — Спина билан Жаннотто бундай мусибатли ҳаётга ортиқ бардош беришга ожиз эдилар. Улар роса бир йил шундай қийинчиликда ҳаёт кечиришди, лекин Куррадо уларни ҳатто бирон марта бўлсин, эсига олмади, шу пайт бирдан қирол Педро Арагоний мессер Жан ди Прочиди билан иттифоқ тузиб, Сицилия оролида исён кўтарди ва уни қирол Карлдан тортиб олдиким, Куррадо гибеллилар¹дан бўлгани учун бу воқеадан беҳад мамнун бўлди.

Бу хабарни Жаннотто ўзини қўриқлаб турган соқчидан эшитди, эшитди-ю, аччиқ алам билан оҳ тортиб юбориб, шундай деди: «Қандай бахти қаро одам эканман! Ун тўрт йил ёруғ жаҳонда шундай кунга етиш армонида сарсон-саргардон бўлиб юрдим, мапа ўшал армон қилганим воқеа ниҳоят юз берибди, илло, гўё менинг порлоқ истиқбол ҳақидаги умидим учқунларини ўчирмоқчи бўлгандай, менсиз содир бўлибди, чунки у ҳол мен зиндонда ётганимда рўй берибдиким, бу ғамхонадан мен фақат ўлганимдан кейингина қутулиб чиқишим мумкин!»

«Нима дединг? — деб бақирди зиндонбон.— Аслзода одамлар қилаётган иш билан сенинг неча пуллик ишинг бор? Ё сен ҳам сицилияликмисан?»

Бу саволга Жаннотто шундай жавоб айлади: «У ерда отамнинг қандай юксак мартабада бўлганини эсласам, юрагим садпора бўлиб кетай дейди. Тўғри, у ердан бош олиб кетишга мажбур бўлган пайтимда, мен ҳали ёш бола эдим, лекин отамнинг қирол Манфред ҳузурда энг катта сардор бўлгани жуда яхши эсимда».

«Отангининг исми нима эди?» — деб яна савол берди унга зиндонбон.

«Энди мен отамнинг исмини қўрқмай ошкор қилишим мумкин, — деб жавоб айлади Жаннотто, — унинг исмини айтганим тақдирда ҳам бошимга бундан ортиқ мусибат тушмасди, баски, шундай экан, энди ҳеч нимадан қўрқмайман. Отамнинг исми — Арригетто Капече эди — агар у тирик бўлса, ҳануз шу номда бўлиши керак, менинг отим эса, Жаннотто эмас, балки Жусфреди. Башарти мен зиндондан озод бўлиб, Сицилияга қайтгудек бўлсам, ҳеч шубҳа қилмайманки, у ерда ғоят юксак рутбага мушарраф бўлгайман».

Зиндонбон ортиқ суриштириб ўтирмай, қулай фурсат келиши билан маҳбуздан эшитган гапларини оқизмай-томизмай ҳаммаси-

¹ Гибеллилар — XII—XV асрларда Италияда империя партиясиди; бу партия асосан феодал зодагонларидан ташкил топган бўлиб, герман императорларини қўллаб-қувватлар ва папа партиясиди — гвельфларга қарши кураш олиб боради. (Тарж.)

ни Куррадога айтиб берди. Бу хабар Куррадони қизиқтириб қолган бўлса ҳам бу ҳолни у зиндонбонга сездирмади ва Беритоланинг олдига бориб, гоятда назокатли иборалар билан ундан, Арригетодан Жусфреди исмли фарзанд кўрганмидингиз, деб сўради. Аёлнининг хўрлиги келиб, беному нишон йўқолган икки ўғлимдан катта-сининг исми айнан шундай эди, агар тирик бўлса, ҳозир йигирма иккига кирган бўларди, деб айтди.

Куррадо муштипар онанинг гапларини эшитиб, Жанноттонинг, дарҳақиқат, унинг ўғли эканлигига ишонди ва модомики аҳвол шундай экан, мен беҳад улкан шафқат кўрсатишим ва айни пайтда қизимни навжувон йигитга бериб ҳам ўзимнинг, ҳам қизимнинг шаънига тушган доғни ювишим мумкин, деган мулоҳаза келди унинг миясига. Шунга кўра, у Жанноттони махфий равишда ўз ҳузурига олиб келтирди-да, унинг ўтмиш ҳаёти тафсилотини ипиданигнасигача суриштириб билиб олди. Ниҳоят, у айрим бешак далилларга суянган ҳолда, ўз қаршисида ўтирган одам дарҳақиқат Арригетто Капеченинг ўғли Жусфреди эканлигига ишонч ҳосил қилиб, унга деди: «Ўзингга аёнки, Жаннотто, сен қизим тимсолида мени ниҳоятда оғир таҳқирга қўйдинг, ваҳоланки, мен соҳиб ўз хизматкори билан қандай мулоим ва дўстона муносабатда бўлса, сен билан ҳам шундай муносабатда бўлиб эрдимки, бунинг эвазига сен менинг обрўйимни, шунингдек, оила аъзоларимнинг ҳам иززат-обрўсини ҳимоя ва муҳофаза қилмоғинг лозим эрди. Менинг ўрнинида бошқалар бўлганида ва уларга худди менга кўрсатган кўрнамаклингни қилганинда, улар сени албатта сазойи қилиб, қатл эттирган бўлардилар; бироқ одамгарчилик юзасидан мен бунга қўл урмайман. Сенинг аслзода кишилар фарзанди эканлигини билганимдан кейин эса, мен энди, агар сен ҳам бунга майл билдирсанг, мусибат ва изтиробларингга чек қўймоқчи, сени зиндондан халос этмоқчи, шу билан бирга, сенинг ҳам, менинг ҳам хайрли номимизни инобатли далиллар билан поклаб олмоқчиман. Қизим Спинани, гарчи сен самимий эҳтирос даъвати билан деб ҳисобласанг ҳам, лекин асида, ўзингни ҳам, қизимни ҳам бадном қилувчи шаҳвоний ҳирс билан йўлдан урдинг, ўзингга аёнки, ана шу қизим — бева, унинг сеплари беҳисоб ва асл моллардан иборат, унинг қалб фазилати эса, ўзингга аён, ота-онасининг ҳам кимлигини биласан; сенинг ҳақиқий аҳволинг ҳақида эса, оғиз очмайман. Гап шу, агар сен истасанг, шу беорлик билан орттирган ўйнашинг, менинг рози-ризолгим билан сенинг жуфти ҳалолнинг бўлади, ана унда сен ўз ўғлим сифатида, бу ерда кўнглинг тилаганча хотининг билан бирга менинг қанотим остида яшайверишинг мумкин».

Гарчи зиндон Жанноттонинг силласини қуриб чўп-устихон қилган бўлса ҳам, лекин унинг сут билан кирган дил саховатига ҳам, ўз қалбининг соҳибасига бўлган ҳиссиётининг барқарорлигига ҳам асло таъсирини ўтказа олмаган эди. Куррадони мазкур таклифини мудом орзиқиб кутган бўлса ҳам, ҳали у ҳамон Куррадони бандиси ҳисобланса ҳам, унга қилган жавобида ўзининг улғувор руҳи кўрсатган чиқиқдан бир энлик ҳам четга чиқмади: «Кур-

радо! На мансабпарастлик, на манфаатпарастлик, на биронта бошқа сабаб сенинг жонингга хиёнаткорона қасд қилишга ундаган эди мени. Мен сенинг қизингни севиб қолдим, севаман ва уни ўла-ўлгунимча севажакман, зеро уни муҳаббатимга муносиб деб биламан. Айрим калтафаҳм кишиларнинг фикрича, мен қизингга виждонсизлик қилдим, лекин ахир бу ёшликка монанд бўлган гуноҳ-ку: агарда бу сингари гуноҳлар содир бўлмаганида, унда ёшликнинг ўзи ҳам бўлмас эди; агар қарияларимиз ақлни йиғиб, ўзларининг ҳам бир вақтлар ёш бўлишганини ўйлаб кўришса-ю, ўзгаларнинг қилмишини ўз андозалари билан ўлчаб, ўз қилмишларини ўзгалар андозаси билан ўлчасалар, унда менинг гуноҳим, сен ва яна бошқа кўпчилик кишилар ўйлаганчалик оғир бўлиб туюлмасди, боз устига, мен у гуноҳни ғаним сифатида эмас, балки дўст сифатида қилган эдим. Сен ҳозир менга азалий армонимни тавсия қилиясан, агарда сўзим ерда қолмаслигига имоним комил бўлганида, ўзим буни сендан аллақачон сўраган бўлур эдим, бинобарин, энди бу нарса мен учун юз карра қимматлироқ бўлади, зеро шу чоққача ҳеч қандай умид учқуни йўқ эди менда. Аммо борди-ю, буларнинг ҳаммаси қуруқ гап бўлса-ю, кўнглингда ҳеч қандай бунақа ниятнинг бўлмаса, унда мени сохта умид домига тортма, буюр, мени қайта зиндонга кузатиб қўйишсин, кейин кўнглинг сиққанча мени ўша ерда қийноққа сол, ва лекин сен мен билан қандай муносабатда бўлма, барибир ўла-ўлгунимча Спинани севаман, бинобарин, у туфайли сени ҳам севиб, ҳурмат қиламан».

Куррадо йигитнинг гапларидан таажжубга тушди, зеро унинг нутқида, йигитнинг руҳан улугворлиги ҳам, шунингдек, кучли ҳиссиёти ҳам яққол намоён бўлган эдиким, бунинг оқибатида Жаннотто унга яна ҳам азиз бўлиб қолди. Куррадо ўрнидан туриб, уни бағрига босиб ўпди, кейин шу заҳотиёқ бу ерга Спинани ҳам махфий равишда олиб келишни буюрди. Спина ҳам Жаннотто сингари бандликда озиб-тўзиб, ранги сомон бўлиб, дармонсизланиб қолган эди. Улар шу ернинг ўзида Куррадо шоҳидлигида эр-хотин бўлишга розилик билдириб, бизда мавжуд бўлган расм-таомил бўйича никоҳ аҳди тузишди.

Шундан кейин Куррадо Спина билан Жанноттонинг барча итаклари сўзсиз бажарилсин, деб буйруқ берди, бироқ яна бир неча кун давомида уларнинг бир-бирига фотиҳа қилингани ҳаммадан сир сақланди, ниҳоят, Куррадо, ёшларнинг оналарини хурсанд қилиш пайти етди, деб ҳисоблади, шунга кўра, у ўз хотини ва Беритолани чақиртириб, Беритолага шундай сўзлар билан юзланди: «Хоним афанди, башарти мен сизнинг катта ўғлингизни топсаму уни қизларимдан бирига уйлантириб, кўлингизга топширсам, нима дердингиз?»

Ланиола унга жавобан: «Сизга ҳозиргидан ҳам зиёдроқ миннатдорлик билдиришга қодир бўлганимда эди, агар жонимдан азиз жигарпорамни топиб бергудек бўлсангиз, сизга миннатдорчилик билдиришим учун яна ҳам кўпроқ сабаб бўлган бўларди, — деб айтишдан бошқа нима ҳам дея олар эдим?» — деди-ю, ўпкаси тўлиб гапини тугата олмади.

Шунда Куррадо ўз рафиқасига юзланди: «Шундай куёвга сен нима дердинг, хотин?»

Хотини унга бундай жавоб қилди: «Куёвимиз нафақат ўз дав-рамиздан бўлиши, шунингдек паст табақадан бўлса ҳам менга маъқулдир, ишқилиб, сизнинг табиатингизга ўтирса бўлгани».

Шунда Куррадо деди: «Яна бир неча кундан кейин икковларингни хурсанд қиламан, деган умиддаман».

У ёшларнинг юзига ранг кириб, анча дармонга киришгунича кутди, сўнг икковларини ҳам ўз рутбаларига монанд кийинтиришни буюрди ва Жусфредидан сўради: «Мабодо сенинг бу шодлигинга яна бир шодлик қўшилса — ушбу ерда ўз онанг билан дийдор кўришсанг, кўнглинг хушнуд бўлармиди?»

Бунга Жусфреди шундай деб жавоб қилди: «Шундай оғир қисматга мубтало бўлган онажонимнинг омон қолишга мадори етганига ишона олмайман ва лекин агар онам чинданам тирик бўлса, бошим осмонга етарди. Уйлайманки, унинг маслаҳатлари менинг Сициялиядаги ҳуқуқларимни деярли батамом тиклашимга мадад берган бўлур эди».

Шунда Куррадо иккала хонимга одам юборди. Икки аёл шодиёна таажжуб билан келин-куёвни табриклашди, шунингдек, Куррадони бундай валинеъмат бўлишга — ўз қизини Жанноттога қўшишга ундаган кучдан ҳайратга келишди. Куррадони сўзларидан руҳланган Беритола Жанноттонинг юзига тикилиб қарай бошлади ва ёлғиз оналаргагина хос бўлган қандайдир ғойибона куч ёрдамида, у ўғлининг гўдакликдаги чеҳрасини хотирасида тиклади ва энди ўзга исботларга ҳожат қолмай, ўғлини бўйнидан маҳкам қучоқлаб олди. Жўш урган оналик меҳридан ва бу улкан шодиёнадан у бир оғиз ҳам сўз айта олмади — аксинча, у бирон нимани ҳис қилиш лаёқатини ҳам йўқотиб, ўғлининг қўлига хушсиз йиқилди. Жаннотто эса, уни ушбу қалъада жуда кўп маротаба кўрган бўлса ҳам ҳеч танимаганини эслаб, ҳайрон бўлиб қолди, бироқ у бу аёлни ўз онаси эканлигини фарзандлик қалби билан ҳис қилди ва у ўзининг бепарволигидан койиниб, онасини бағрига босди ва кўзлари жиққа ёшга тўлиб, уни зўр меҳр билан ўпди. Донна Куррадо билан Спина Беритоланинг ҳолига ачинишиб, совуқ сув ва бошқа воситалар билан уни ҳушига келтиришди, шунда у яна ўғлини бағрига босиб, юм-юм йиғлай, меҳр тўла сўзлар билан эркалай бошлади. Унинг бутун вужуди оналик меҳрига тўлган, у ўғлини тўхтовсиз ўнарни, ўғил эса, онасининг чеҳрасига қараб тўймасди.

Бу ерда ҳозир бўлганлар зўр шодиёналик ва улкан мамнуният билан «бир эмас, бир неча марталаб табрик сўзларини самимий изҳор этишга» улгурганларидан кейин, она билан ўғил ўз бошларидан кечирганларини бир-бирларига баён қилганларидан кейин, Куррадо эса, барчанинг кўнглини хушнуд этиб, ёр-дўстларига янги қариндош орттиргани ҳақида овоза қилиб, дабдабали тўй-томоша уюштиришга фармойиш бергач, Жусфреди унга шундай сўзлар билан юзланди: «Куррадо! Сиз мени кўп жиҳатдан хушнуд этдингиз, узоқ вақт онамни эъозлаб меҳмон қилдингиз. Энди илтимосим

шуки, ушбу ҳимматингизни ниҳоясига етказсангиз: онамга, никоҳ тўйимизга, шунингдек, менинг ўзимга ҳам саодат бахш этинг — яъни мессер Гаспаррино д'Ориа қўли остида асоратда хизматкорлик қилаётган инимни халос этинг, сизга аввал ҳам айтган эдим, у одам бизнинг кемага ҳужум қилганида, мени ҳам тутиб олиб кетган эди. Ундан кейин биронта кишини Сицилияга юборинг: токим у одам оролдаги вазиятни ва муҳитни қандай аҳволда эканлигини муфассал билсин ва менинг отам Арригеттога нима бўлганини, у ҳаётми ё оламдан ўтганми — сурштириб билсин, борди-ю, ҳаёт бўлса, аҳволи нима кечаётгани ҳақида аниқ маълумотлар олиб, қайтиб келсин».

Жусфредининг илтимоси Куррадога маъқул тушди ва у фурсатни ўтказмай, Генуя ва Сицилияга ўз ишончли кишиларини юборди. Генуяга йўл олган одам мессер Гаспарринони ахтариб топиб, Куррадонинг Жусфредига ва унинг онасига қанчалик мурувват кўрсатгани ҳақида муфассал сўзлаб берди, кейин, Скаччато билан унинг энагасини қайтиб беришни Куррадо помидан қатъий илтимос қилди.

Мессер Гаспаррино бу хабарни эшитиб, ғоят ҳайратга келди ва деди: «Бажону дил, Куррадо учун қўлимдан келганча яхшилик қилишдан, унинг жамики хоҳишини бажаришдан ўзимни бахтиёр ҳисоблайман. Дарҳақиқат, уйимда ўша сен сўраётган ўн тўрт ёшлар чамасидати бола билан унинг онаси яшайди, мен уларни жоним билан Куррадога бериб юбораман. Бироқ сен унга айтиб қўй, энди ўзини Жусфреди, деб кўрсатаётган ўша Жанноттонинг гапларига лаққа тушиб, кўпам ишонавермасин, сабабки у Куррадо ўйлангандан минг карра айёроқдир».

Шундай дея у ўз хизматкорларига азиз меҳмонни иззат-икром билан кутишни буюрди, ўзи энагани пинҳона чақиртириб, ундан эҳтиёткорлик билан гап ола бошлади. Энага Сицилияда исён кўтарилганидан ва Арригеттонинг тириклигидан хабар топиб, ниҳоят қўрқувни тарк этди ва бўлган барча воқеани муфассал сўзлаб бериб, ўзининг шу тарзда иш тутишига нима мажбур қилганини изоҳлаб берди. Мессер Гаспаррино, энаганинг айтганлари элчининг гаплари билан мос тушаётганига ишонч ҳосил қилди-ю, унинг гапларига ишонди. У ниҳоятда доғули одам бўлгани туфайли ҳар турли йўл билан яна бир неча бор энаганинг айтганларини текшириб кўрди, илло, ҳар сафар унинг рост гапирганини исботловчи янги-янги далилларга дуч кела бошлади; ахири йигитча билан бунчалик ёмон муомала қилганидан, ўзининг йигитга нисбатан қаттиққўл бўлганлигидан жуда хижолат тортди ва Скаччатонинг қўнглини овлаш мақсадида, уни ўзининг ўн бир ёшли сулув қизига уйлантирди, шу билан бирга, беҳисоб молу давлатини қизига сеп қилиб берди, чунки у Арригеттонинг кимлигини, қандай рутбадаги зот эканлигини жуда яхши биларди. У никоҳ маросимини бутун расм-русми билан ўтказгач, ёнига куёви ва қизини, Куррадонинг элчисини ҳамда энагани олиб, ҳаммалари ниҳоятда яхши жиҳозланган кемага чиқишди ва эсон-омон Леричига етиб келишди, у ерда меҳмонларни Куррадо иззат-икром билан қарши олди ва ҳам-

маларини шу яқин ўртадаги қасрларидан бирига олиб кетди, у ерда катта тўй-томоша учун ҳамма нарса тахт қилиб қўйилган эди.

Онанинг ўз ўғли билан дийдор кўришганидан нақадар шодлангани, ака-уканинг самимий хурсандлиги, учовларининг энага садоқатини тақдирлаб айтган тасаннолари, бир томондан мессер Гаспаррино билан қизи, иккинчи томондан қолган ҳамманинг бир-бирларига қилган илтифотлари, шунингдек, Куррадони, унинг рафиқаси ва фарзандларини, ёру дўстларини қандай дабдаба билан қутлашгани — буларни ҳеч қандай сўз билан таърифлаб бўлмайди; буларнинг ҳаммасини, дугоналар сизларнинг тасаввурингизга ҳавола қиламан. Парвардигор эгам, бу хушбахт кишиларнинг ик-боли мукамал бўлсин деб, яна Арригетто Капеченинг соғ-саломат эканлиги ҳақида хушxabар юбордиким, эгам бир шафқат қила бошласа, саховатининг ниҳояси бўлмайди.

Воқеа бундай бўлган эди. Улкан тўй тантанаси эндигина бошланиб, эркак ва аёл меҳмонлар дастурхон теграсига ўтириб, эндигина тановул қилишга киришган пайтларида Сицилияга юборилган чопар етиб келди ва хусусан, қуйидагиларни баён қилди: қирол Карл Арригеттони Катания қамоқхонасига ташлаган экан; мамлакатда қиролга қарши исён кўтарилганда, газабга тўлган халқ қамоқхонага ҳужум қилиб, зиндонларни ўлдириб, Арригеттонни озод қилипти ва қирол Карлнинг ашаддий душмани сифатида уни ўзига саркарда қилиб тайинлаб, французларни қириш ва вағандан қувишга киришипти. Шу бондан Арригетто қирол Педронинг зўр марҳаматига мушарраф бўлибди-ю, қирол унинг барча рутбалари ва мол-давлатини ўзига қайтариб берипти, бинобарин у ҳозир ўззат-эҳтиромда, фароғатда яшамоқда экан; элчини эса, — унинг ўзини айтишича, — зўр хурмат билан қарши олибди, хотини ва ўғли ҳақидаги хушxabардан беҳад хурсанд бўлибди, сабабки, уни зиндонбанд қилишган кундан буён улар ҳақида ҳеч бир хабар эшитмаган экан, эшитибди-ю, дарҳол бир енгил кемани сафарга жиҳозлаб, бир неча аённи хотин, бола-чақасини олиб келишга юборибди, улар орқама-орқа ҳали замон келиб қолишлари мумкин экан. Чопарни мамнуният билан қарши олган меҳмонлар гапларини юраклари шодликка тўлиб тинглашди сўнг Куррадо ва унинг ёр-дўстлари, фурсатни ўтказмай, Беритола билан Жусфредини олиб кетгани келаётган аслзода меҳмонларни кутиб олиш учун соҳилга йўл олдилар ва уларни қучоқ очиб қарши олдилар-да, энди қизиб келаётган базми жамшидга таклиф этдилар. Беритола, Жусфреди ва қолган ҳаммаларининг қувончдан бошлари кўкка етдики, дунёда ҳали ҳеч ким бу даража шодланган эмас эди; Сицилиядан келган меҳмонлар эса, дастурхонга ўтиришдан олдин, Куррадо билан унинг рафиқасини Арригетто номидан табриклаб, уларга Куррадониинг хотини ва ўғлига кўрсатган меҳмондўстлиги учун астойдил миннатдорчилик изҳор қилдилар ва айтдиларки, Арригеттонинг ўзи ва унинг ихтиёридаги барча нарсалар уларнинг хизматида бўлади. Кейин мессер Гаспарринонинг бу қадар саховатли киши эканлигини кутмаган меҳмонлар унга юзланиб, комил ишонч

билан айтдиларким, Арригетто унинг Скаччато учун қилган яхшиликларидан бохабар бўлган заҳоти, унга айнан шундай, эҳтимолки, бундан ҳам зиёд миннатдорлик изҳор этгай. Шундан сўнг тўй-томоша авжига чиқди — ўйин кулги бошланиб кетди.

Куррадо ўз куёви ва ўзга хеш-ақраболари, ёр-дўстлари билан бир эмас, бир неча кун сурункасига тўй ишратини сурди. Тўй ниҳоясига етиб, Беритола, Жусфреди ва бошқалар, сафарга отланиш пайти етди, деб айтишгач, Куррадо, унинг хотини ва мессер Гаспаррино улар билан кўз ёш қилиб хайрлашишди, меҳмонлар ва улар билан бирга Спина ҳам кемага ўтириб йўлга равона бўлишди. Мурод шамоли эсаётган эди. Шу боисдан улар тез фурсатда Сицилияга етиб келишди. Палермода эса Арригетто ўз фарзандлари ва хонимларни шундай шодиёналик билан қарши олибдики, унинг бу шодлиги ҳеч қандай таърифга сиғмайди. Айтишларича, улар, кўрсатган марҳамати учун худойи таолога ҳамду сано ўқишиб, узоқ йиллар саодатли умр кечиршибди.

7

Бобил султони қизини Алгарви қиролига эрга бериб, уни қирол ҳузурига юборади; вазият тақозоси билан қиз тўрт йил мобайнида турли ерларда тўққиз эркакнинг қўлида бўлади, лекин қисса ниҳоясида ўз отаси ҳузурига боқира қиз бўлиб қайтади ва дастлабки ниятини рўёбга чиқариш мақсадида Алгарви қиролига хотин бўлиш учун унинг ҳузурига равона бўлади

Эмилиянинг ҳикояси яна хиёл чўзилганда борми, донна Беритоланинг бошидан кечирган надоматларни эшитиб, унга раҳми келиб ўтирган ёш хонимлар йиғлаб юборган бўлармидилар. Эмилия ҳикоя қилиб бўлгач, малика ҳикояхонлик навбатини Панфилога беришни ихтиёр қилди, у ҳам пайсалга солиб ўтирмай, ҳикоясини шундай бошлади:

— Латифа хонимлар! Нимага интилишимиз зарурлигини билиш бизга насиб этмаган, бу ҳақ гап: биз бундай ҳодисаларнинг жуда кўпини биламизки, одамлар, агар бойсам — беташвиш, беармон кун кечираман, деб ўйлаб, наннки бу борада худого илтижо қилишган, шунингдек, бойлик орттириш мақсадида ҳеч нимадан тап тортмай, энг хатарли ишларга ҳам қўл урганлар, оқибат, гарчи улар ўз ниятларига етган тақдирда ҳам йўлларига тўғоноқ бўлувчи шахслар пайдо бўлишганки, улар бой меросга муяссар бўлишдек бад-ниятлик билан ўшал армони ушалганларнинг жонига қасд қилганлар, ваҳоланки бу кишилар айнан ўша одамларни боймасларидан олдин жонларидан азиз кўриб, ҳимоя қилганлар. Бошқа бировлар кўп жангу жадалларда ўз жонларини таҳликага қўйиб, оға-инилари, ёр-биродарлари тўккан қон эвазига, бахтиқароликдан ўзлари энг олий саодат деб ҳисоблаган салтанат чўққисигача кўтарилишган, кейин эса, мазкур юксак лавозим замирида ҳаяжону даҳшатлар қалашиб ётганининг шоҳиди бўлиш билан бирга, аини пайтда, шоҳлик дастурхонига оғу тўлдирилган косалар қўйилишини ўз

жонларини қурбон қилиш билан тушунганлар. Кўплар қудратли ва гўзал бўлишни астойдил истаганлар, бошқалар зебу зийнат ва тақинчоқларни орзу қилганлар ва лекин улар ўз истакларининг бесамара эканлигини ўз армонларини рўёбга чиқараман деб умрлари ўтиб кетганини пайқагандан кейин ё айнан шу армонлари ўзлари бошига бало бўлгандан кейингина тушунганлар. Мен одамзоднинг ҳар битта армони ҳақида алоҳида гапириб ўтирмоқчи эмасман — мен фақат бир нарсани таъкидламоқчиман: бу ёруғ жаҳонда биронта ҳам толе йўқки, одамзод, айнан мана шу толе мудом фалакнинг бевафолигидан холи бўлиб қолади, деб қатъий ишонган ҳолда, уни ўз қисмати деб танлай олсин, бинобарин, агар биз ақл-идрок билан иш кўрганимизда эди, фақат яратган эгамнинг бизга ато этган насибасидан баҳраманд бўлиб, фақат ўшал насибасидан баҳраманд бўлиб, фақат ўшал насобага қаноат қилмоғимиз лозим эди, зеро ёлғиз эгамнинг ўзи бизнинг нимага муҳтожлигимизни билади ва фақат у бизнинг истакларимизни бажо этишга қодирдир. Ва лекин одамларнинг қусур ишлари турлича бўлгани сабабли, сизларнинг эса, дилрабо хонимлар, гуноҳларингиз, гўзал бўлншга интилганингиз сабабли, яна ҳам зиёдроқ бўлганлиги учун — сизлар гўзал бўлишни шу қадар орзу қиласизки, табиатнинг ўзи бахш этган латофатга қаноатланмай бутун маҳоратингизни ишга солган ҳолда, уни янада оширишга беҳуда уринасиз,— шунинг учун мен сизларга бир сарацин¹ қизи ҳақида ҳикоя қилиб бермоқчиманки, у қандайдир тўрт йил мобайнида ўзининг машъум гўзаллиги касофатига қолиб, тўққиз марта эрга тегеди.

Қадим замонларда Бобил вилоятида Беминадаб исмли саодатли султон ўтган эди. Унинг ўғил ва қизлари сероб эди, шулар қатори, Алатиэль исмли қизи ҳам бор эдики, унинг ҳусн-жамолини кўрганлар, бу ёруғ жаҳонда унга тенг келадиган соҳибжамол йўқ деб айттардилар. Султон, ўз салтанатига бостириб келган араб лашкарларини Алгарви қиролининг мўъжизакор мадади туфайли тор-мор келтирганини эътироф этиб, унга ўз қизини хотинликка беришга ваъда қилди, чунки қирол султондан айнан шуни лутфан илтимос қилган эди. Султон қизини қийматбаҳо ва серҳашам совға-саломлар билан таъминлаб, унга ҳурматли мулозимлар, канизакларни қўшиб берди ва ҳаммаларини мукаммал қуролланган ва жиҳозланган кемага ўтқазиб, қизини худонинг паноҳига топширди-да, қирол ҳузурига юборди. Баҳрийлар об-ҳавонинг матлуб келганидан фойдаланиб, елканларни кўтардилар. Искандария лиманидан чиқдилар, сўнг бир неча кун давомида денгизда хотиржам сузиб бордилар. Улар Сардиния ёнидан ўтиб, энди манзилга ҳам етай деб қолганларида, бирдан шиддатли шамол туриб султон қизи ва баҳрийлар сузиб кетаётган кемани ўйинчоқ қилиб шу қадар аёбсиз ўйнай бошладики, ундаги одамларнинг ҳаёти бир неча бор хавф остида қолди. Шунга қарамай, довжорак баҳрийлар астойдил ҳаракат қи-

¹ Сарацин — ўрта аср бошларидан бошлаб христиан адиблари ўз асарларида ҳамма арабларни шу ном билан аташган. (Тарж.)

либ, қутурган денгиз билан олишдилар, бутун маҳоратларини ишга солиб, икки кеча-кундузга бардош бердилар. Тўфоннинг учинчи тун бошланганда эса,— у ҳануз босилмас, аксинча, тобора қаттиқроқ ғазабга минарди,— адашиб қолган денгизчилар ўзларининг қаерда эканликларини на денгиз асбоблари ёрдами билан, тун осмонини қора булутлар қоплагани туфайли, на кўз билан тахминлаб била оладилар, илло, улар Майоркага етмасдан кеманинг дарз кетганини пайқаб қолдилар. Улар қутулишнинг бошқа иложини топа олмай, боз устига, ҳаммалари ҳам ўз жонларини сақлаб қолиш пайида бўлишиб, дарҳол эшкакли қайиқни сувга туширдилар, шунда кема соҳиби, ўз ҳаётини дарз кетган кемадан кўра шу қайиққа ишонини маъқул кўрди-да, биринчи бўлиб унга сакраб тушди; унинг кетидан бошқалар ҳам таппа-таппа сакраб туша бошладилар, қайиққа олдин тушганлар кейинги тушаётганларга пичоқ ўқталсалар ҳам бўлмади, оқибат шундай бўлдики, ҳалокатдан қутулмоқчи бўлган бу одамлар тўппа-тўғри унинг домнига равона бўлдилар: сабаб, мўъжаз қайиқ тўфон пайтида бунча кўп одамни кўтара олмай, унга тушган ҳамма одамлар билан денгиз қаърига йўл олганди. Бу орада, ғазабнок бўрон таъқибидаги ичига сув тўла бошлаган кема елдек тезлик билан бориб, Майорка оролининг саёз жойига урилди; бу кемада султон қизи ва унинг канизақларидан бўлак ҳеч ким қолмаган эди — улар ҳам саросимадан ва кема чайқалишидан ҳушларини йўқотиб, чалажон бўлиб чўзилиб ётардилар. Кема яшин тезлигида учиб келганлигидан деярли батамом қумга кириб кетди — бу ердан соҳил тош отса еталган даражада яқин эди. Энди шамол кемани ўрнидан қўзғатишга ожиз эди, фақат долғалар тун бўйи кемага урилиб парчаланарди.

Кун ёришиб, бўрон бир оз тинганда карахт бўлиб ётган султон қизи зўр-базўр бошини кўтариб заиф овоз билан гоҳ, у, гоҳ бу маҳрамининг отини атаб қақира бошлади; лекин бу урнинишлари беҳуда эди — зеро у ёрдамга чақираётган одамларнинг ҳаммаси ҳам бу ердан олисда қолиб кетган эдилар. Ҳеч кимдан садо чиқмагач ва кемада ҳеч зог кўринмагач, қиз ҳайратга келиб ҳанг-манг бўлиб қолди ва жуда қўрқиб кетди. У базўр ўрнидан турди ва канизақларининг, улар қаторида, ўзга аёлларнинг ҳам чўзилиб ётишганини кўриб, уларни туртиб, номларини атаб чақира бошлади ва лекин бу аёлларнинг айримларидагина ҳаётдан нишона бор эди, бошқалари эса — биров оғир ошқозон касалидан, бошқа биров қўрқувдан — бандаликни бажо келтирган эдилар; бу мудҳиш манзара қизни яна ҳам мудҳишроқ даҳшатга солди. Шундай бўлишига қарамай, султон қизи ўзининг қаерда эканлигини билмаса, тушунмаса ҳам бирон чора кўриш зарурлигини эътироф этган ҳолда (зеро, қиз ёрдам қўлини чўзадиган ҳеч ким йўқлигини тушунган эди); тирик қолганларга шундай далда бера олдики, улар ўринларидан туришга ўзларида куч топа олдилар. Қиз эркакларнинг қаёққа гойиб бўлганидан бошқаларнинг ҳам беҳабар эканлигини билгач, кеманинг саёзликка ботиб кириб кетганини ва унинг ҳамма ёғи ғилқ-ғилқ сув бўлиб кетганини кўриб, аламидан йиғлаб юборди, унга қўшрилиб бошқа аёллар ҳам йиғлай бошладилар. Соат саккиздан ошган эди,

аммо шафқат тилаб, ёрдамга чақириш учун на соҳилда ва на бошқа ерда биронта тирик жон кўринар эди.

Кун қиёмдан оғиб, вақт соат учларга яқинлашганда, Перикон да Висальго исмли бир аслзода бир неча нафар сувори хизматкорлари қуршовида ўз амлокидан қайтаётиб, шу соҳилдан ўта бошладди. У кемани кўрган заҳоти қандай кор-қол юз берганини тушунди ва хизматкорларидан бирига пириллаб бориб кемага чиқишни ва у ерда кўрган-билганларини хабар қилишни буюрди. Хизматкор бир зумда кемага чиқди, у ерда қўрққанидан тағхонага биқиниб олган бир хоним билан унинг ҳамсафарларини кўрди. Улар хизматкорни кўришлари билан кўз ёш қилиб, шафқат тилай бошладилар, кейин, гапларига хизматкор тушунмаётганини, ўзлари эса — хизматкорнинг гапига тушунишмаётганини фаҳмлашиб, бошларига қандай фалокат тушганини имо-ишоралар билан тушунтира бошладилар. Хизматкор кириб кўриш мумкин бўлган ҳамма жойни кўздан кечириб бўлиб, кемадаги воқеани Периконга хабар қилди. Перикон дарҳол кемадан аёлларни туширишни ва у ердаги энг қимматли молларнинг барини олиб кетишни буюрди-да, бисёр ўлжа билан ўз қасрига равона бўлди. Қасрда аёллар овқатланиб дам олдилар, лекин Перикон қизнинг асл зийнатларига бир қарашдаёқ унинг юксак мартабали она фарзанди эканлигини тушунди, ўзга аёллар уни қанчалик эъозлаётганини кўргандан кейин эса, ўз фикрининг тўғрилигига батамом ишонди. Гарчи қиз денгиз дардидан кейин ранги ўчиб, қути қочган бўлса ҳам, шунга қарамай, Перикон кўзига соҳибжамол бўлиб туюлди ва у шу заҳотиёқ, агарда бу қиз турмуш қурмаган бўлса, унга уйланаман, борди-ю, уйланишнинг иложия бўлмаса, барибир, унинг ишқига ноил бўлишга уринаман, деб аҳд қилди.

Перикон қадди-қомати келишган, зуваласи пишиқ одам эди. У қизни яхшироқ парвариш қилишни буюрди, натижада, орадан бир неча кун ўтар-ўтмас, қиз хасталикдан буткул фориг бўлиб, яна аввалги қиёфасига кирди-ю, Перикон бу қизнинг таърифга сизмайди-ган даражада гўзал эканлигига шоҳид бўлди, шунда у қизнинг тилини тушунмаётганидан, қиз эса, унинг тилига тушунмаётганидан, бунинг оқибатида у қизнинг насл-насабини аниқлай олмаганидан қаттиқ ранжиди, бироқ у қизнинг ҳусн-жамолига шайдо бўлиб қолди ва шул боисдан унга навозиш, мулозамат қилиб, уни ўз истакларини сўзсиз вожиб қилишга ундай бошлади. Лекин унинг барчаринишлари зое кетди: у роса шилқимлик қилиб кўрди, лекин қиз, барибир, унинг талабини узил-кесил рад этди, бунга сари Периконнинг ишқий ҳирси бешбаттар хуруж қила бошлади. Қиз бу аҳволдан воқиф бўлгач, яна бир неча кундан кейин маҳаллий фуқаронинг расм-таомилини кузатиб юриб, унинг христианлар орасига тушиб қолганини, борди-ю, ўзининг кимлигини буларга тушунтира олган тақдирда ҳам бундан унга ҳеч қандай наф бўлмаслигини тушунди; у эртами-кечми, Периконнинг зўрлигига бардош беролмай ёинки ўз ихтиёри билан — қандай тарзда бўлмасин, — унинг истагини бажаришга мажбур бўлажagini англади, англади-ю, қалби пок аёл бўлганлиги учун ҳар қандай мушкул аҳволда ҳам асло

тақдирга тан бермасликка қарор қилди. Шу боисдан у бор-йўғи учта қолган канизақларига шундай деб тайинлади: «Менинг кимлигимни ҳеч кимга айтманглар, фақат, бошқа бирон мамлакатга бориб қолиб, у ерда эркинликка чиқишга муяссар бўлган тақдирингиздагина истисно тариқасида айтишингиз мумкин»; яна у ўз канизақларига юзланиб, уларни ифбатли бўлишга даъват этди ва уларга ўзининг қатъий қарорини баён қилдиким, бу қарорга кўра, уни қонуний эридан бўлак ҳеч ким фатҳ эта олмаслиги керак эди. Аёллар соҳибаларининг гапини маъқуллаб ҳўп мақтадилар ва унинг фармонини баҳоли қудрат бажо келтиришга сўз бердилар.

Перикон армонининг сарҳади тобора яқинлаша ва айни пайтда, уни забт этиш мушкуллаша бошлаган сари, унинг шаҳвоний ҳирси янада кучлироқ аланга ола бошлади, ниҳоят, у хушомад билан ҳеч нимага эриша олмаслигига кўзи етиб, найранг ишлатишга аҳд қилди, зўравонлик қилишни эса, сўнгги чора сифатида кўнглига тугиб қўйди. Урф-одат йўл қўймаганлиги сабабли, умрида бир қултум ҳам май ичмаган қизларнинг секин-аста ичкиликка ружу қўйганларини авваллари ҳам бир неча маротаба ўз кўзи билан кўрган эди, мана шу боисдан, у муҳаббат маъбудаси Венера масканида энг олий қоҳин май эканлигини эслаб, қизни ўз тузоғига май билан илинтиришни мақбул кўрди. Натижада, у қизнинг унга адоват билан қарашини пайқамаетган бўлиб, бир куни кечқурун худди байрамлардагидек ғоятда серфайз дастурхон тузаб, зиёфат уюштирди ва унга қизни ҳам тақлиф этди. Мана, барча меҳмонлар турли-туман ноз-неъматлар уйиб ташланган дастурхон теграсига ўтиришди-ю, зиёфат бошланиб кетди, шунда Перикон қизга мулозамат қилаётган хизматкорнинг қулоғига, қизга ҳар турли майларни омихта қилиб сун, деб буюрди. Хизматкор ҳам соҳибининг амрини бажо айлади: қиз майдан тотиб кўриб, унинг мазасига тушуниб қолди ва сергакликни йўқотиб, қизлик ифбатига зиён етмайдиган миқдордан зиёдроқ ичиб қўйди, бунинг натижасида у бошига тушган барча ғам-аламларини унутиб юбориб, кўнгли ёришиб кетди ва майоркача рақс тушайётган меҳмон аёлларни кўриб, ўзи ҳам искандарияликлар қабилида рақс туша кетди. Ана шунда Перикон ўз ниятига етиш пайти яқинлашганини пайқади ва зиёфатни атайлаб чўзиб, яна устма-уст турли таом ва ичкиликлар олиб келишни буюрдикки, бу базми жамшид то тун яримдан оғунгача давом этди. Ниҳоят, меҳмонлар тарқалишди ва Перикон қиз билан бирга унинг ётоқхонаси сари йўл олди. Қизнинг кайфи ошиб қолган эди, у одоб сақлашни ҳам унутиб, гўё қаршисида канизаги тургандай, ҳеч уялиб-нетиб ўтирмай, Перикон кўз олдида ечинди-да, тўшагига ётди. Перикон вақтни ўтказмай шу заҳотиёқ у билан қовушишга бел болади; у чироқларни ўчириб, бир зумда қизнинг ёнига ётди, унга чирмовиқдек ёпишиб, маҳкам бағрига босди ва қиз томонидан ҳеч қандай монелик бўлмагач, у билан ошиқ-маъшуқ ўйинини бошлаб юборди. Эркак мўғизининг қандай сузишини ушбу дамгача ҳеч тасаввур қилмаган қиз энди унинг сезонғичлигини ўзида синаб кўргач, шунча вақтдан буён Периконнинг гапига унамай келганидан таассуф қилгандай ҳам бўлди ва шу дақиқадан эътиборан у тунни

бундай тотли ўтказиш ҳақида Периконнинг таклифини кутиб ўтирмай, энди аксарият пайтларда ўзи уни бунга таклиф қила бошлади, лекин у ўз ниятини сўз билан эмас,— чунки улар бир-бирларининг гапига тушунмасдилар,— балки имо-ишора билан баён қиларди.

Чамаси, фалак қизнинг қиролга ёстиқдош бўлиш ўрнига ридарга ўйнаш бўлганидан норизо бўлган бўлса керакки, Перикон билан икковлари сураётган роҳатижон лаззатнинг узоқроқ давом этишига яна ҳам ғаддорроқ бўлган бошқа эҳтирос халал берди. Периконнинг Марато исмли йигирма бешларга кирган ниҳоятда ўктам ва гулдек тароватли укаси бор эди. Мана шу йигит қизни бир кўришдаёқ севиб қолади, қизнинг ўзи билан қилган хуш рафторини кўриб, мен ҳам унинг юрагидан урганга ўхшайман, деган қарорга келади-ю, қиз билан мулоқотда бўлишига тўсқинлик қилувчи бирдан-бир ғов — қизни акасининг одамлари томонидан ҳушёрлик билан назорат қилиниши, деган хулосага келиб, миясида хиёнаткорона фикр пайдо бўлади, натижада у шу фикрини ўша заҳоти ғаддорлик билан рўёбга чиқаришга бел боғлайди. Тасодиғи қарангки, худди шу кунларда Романиянинг Қьяренца шаҳрига йўл олган юк кемаси бандаргоҳда лангар ташлайди: кема соҳиби генуялик икки йигит эди, улар мурод шамоли эсишини кутиб, энди елканларни кўтаришмоқчи бўлиб турганларида, Марато келиб улар билан музокара юрита бошлади ва эртаси кун тунда бир аёл билан уларнинг кемасига чиқажагини келишиб олди. У соҳибларни гапга унатгач, ўз режасини энг майда икир-чикиригача пухта ўйлаб чиқди-да, қоронғи тушишини кутди, сўнг ўзи ёллаган ишончли дўстлари билан биргаликда, ғафлатда қолган Периконнинг уйига яқинлашди, Марато ўртоқлари билан олдиндан келишиб олгани бўйича ҳеч кимга сездирмасдан уйга кириб у ерга яширинди. Кейин сокин ва зим-зиё тун қўйнида у шерикларини ҳам уйга киритди; улар Перикон билан маҳбубаси ётган хона олдига яқинлашиб, эшикни очишди ва маст уйқуда ётган Периконга ташланиб, уни ўлдирди, сўнг, уйғониб кетиб, юм-юм йиғлаётган аёлга, агар дод солсанг сени ҳам ўлдирамиз, деб пўписа қилишиб, уни қўлга олишди. Улар Периконнинг ҳамма қимматбаҳо буюмларини ҳам йиғиштириб олиб, ҳеч кимга сездирмай бандаргоҳга йўл олдилар ва у ерда Марато билан унинг асираси шу ондаёқ кемага чиқдилар, шериклари эса, уй-уйларига тарқалдилар. Баҳрийлар боди мурод эса бошлаганидан фойдаланиб, елканларни кўтардилару йўлга равона бўлдилар.

Қиз, бирин-кетин бошига тушган икки бахтсизликдан узоқ вақтгача аччиқ-аччиқ йиғлади. Бироқ Марато, парвардигорнинг ўзи бизга паноҳ этиб тайинлаган авлиё Стояттининг кўмагида қизга шундай ширинсуханлик билан таскин бера бошладики, қиз бора-бора Маратога кўникиб қолди, Периконни эса, буткул унутиб юборди. Лекин у, шўр пешонамга битилган қора кунларга ғоят шу билан барҳам берилган бўлса, деб фараз қила бошлаган бир пайтда, чархи кажрафтор чамаси, қиз бошига тушган бадбахтликлардан ҳамон қаноат қилмаган бўлса керакки, унинг бошига яна янги

офатлар ёғдира бошлади. Воқеа мана бундай бўлган эди: биз қизнинг гўзалликда беқиёс, боз устига, жозибали экани ҳақида айтиб ўтган эдик, шу боисдан, кеманинг иккала ёш соҳиби, унга шундай шайдо бўлиб қолишдики, натижада, ҳамма нарсани унутиб юборишди ва фақат қандай қилиб бу дилбар қизнинг кўнглини олсак, унга илтифот кўрсатсак экан, деб ўйлай бошлашди; аини пайтда улар, бундай илтифотнинг боисини Маратога сездириб қўймаслик учун ҳушёрлик билан иш тута бошладилар. Улар бир-бирлари билан дардлашиб, икковларининг ҳам қизга ошиқ эканлиги ошкор бўлгач, ўзаро хуфия кенгаш тузиб, қизнинг муҳаббатидан икковлари баҳраманд бўлишга аҳд қилдилар,— тавба, муҳаббат — бўлашиб бўладиган бирон мол ё маблағмидики, уни биргаликда баҳам кўришса?.. Улар Маратонинг ўз маҳбубасига ниҳоятда кўз-қулоқ бўлиб турганини кўришиб, ўз ниятларини рўёбга чиқариш осон бўлмаслигини билишди ва кунларнинг бирида кема ҳамма елканларини шишириб шамолдек учиб бораётган, Марато эса, кеманинг қўйруқ томонда туриб, бепарволик билан денгиз манзарасини кузатиб турган бир пайтда, икки соҳиб ўзаро келишиб олиб, орқа томондан келиб, унга ҳамла қилишди ва уни денгизга улоқтиришди. Маратонинг ғойиб бўлгани кема бир милядан кўпроқ йўл босиб қўйгандан кейингина маълум бўлди. Жувон Маратонинг ҳалок бўлганини эшитиб, уни қайта кўришдан умидини узгач, яна оҳ-нола чекиб, кемани бошига кўтара бошлади. Икки ошиқ қиз тушуна олмайдиган мулоим сўзлар билан қуруқ ваёдалар беришиб, уни юпата бошладилар, ва лекин қиз Маратонинг ҳалокатидан ҳам кўра кўпроқ ўзининг бахти қаролигига кўз ёши қилаётган эди. Ошиқ йигитлар анча вақтгача кўйиб-пишиб қизни юпатишга уриндилар, ниҳоят энди овунгандай бўлганида, қиз билан ким олдин ҳамтўшак бўлади, деб можаро талашиб қолдилар. Иккови ҳам биринчи бўлишни хоҳларди, шу боисдан улар бирон қарорга кела олмадилар: билъакс, бир-бирларини ҳақоратлаб, даҳанаки жанг қила бошладилар,— бунинг оқибатида улар бешбаттар қутуриб кетдилар; шунда пичоқ ялонғочлашиб, жаҳолатни тия олмай бир-бирларига ташландилар. Уларни ажратиб қўйишга денгизчиларнинг ҳадлари сифмади, қанча уринсалар ҳам ҳеч бўлмади, оқибат, ошиқлардан бири, олган жароҳатидан шу заҳотиёқ жон берди, иккинчиси, гарчи ўлмамай қолган бўлса ҳам, лекин у ҳам оғир жароҳатланган эди. Бу ҳодисадан аёл қаттиқ ғамга ботди: чунки у энди мутлақо ёлғиз қолган эди-да, маслаҳат ва мадад сўраб юзланай деса, биронта яқин одамни йўқ эди, боз устига у, ҳали кема соҳибларининг хешлари-ю, ёр-дўстлари ғазабига учрамасам гўрға эди, деб жони ҳалак эди; лекин ярадор соҳиб унинг кўнглига таскин бера бошлади; бу ўртада улар Кьяренца шаҳрига етиб олдилар, мана шундагина қиз енгил тин олиб, энди қўрқмасам ҳам бўлади, деб кўнгли таскин топди. У ҳали ярадор соҳиб билан мусофирхонага тушиб улгурмасидан, унинг таърифга сифмас гўзаллиги ҳақидаги гаплар бутун шаҳарга овоза бўлди, демакки, ўша пайтда Кьяренцада истиқомат қилиб турган Морей шаҳзодасининг қулоғига ҳам етиб борди. У қизнинг жамолига бир назар ташлашни ихтиёр қилди, назар ташлагач эса,

унинг ҳуснини таърифлаш учун ҳар қандай мақтов ҳам ожиз деб топди ва уни шундай зўр эҳтирос билан севиб қолдики, ўшал дақиқадан бошлаб, миясига қиздан бошқа ҳеч нима кирмай қўйди. У қизнинг бу ерга қандай келиб қолганини суриштириб билиб, уни ҳаш-паш дегунча ўзимга оғдириб оламан, деган қарорга келди. Шундай қарорга келди-ю, уни рўёбга чиқариш учун йўл ахтара бошлади, бундан хабар топган ярадор соҳибнинг қариндошлари, қизни ўзлари икки қўллаб шаҳзодага олиб келиб бердилар. Шаҳзоданинг кўнгли бундан ғоятда хушнуд бўлди, аёл ҳам хурсанд бўлди: зеро у энди хавф-хатардан буткул фориг бўлган эди.

Қизнинг насл-насабини билиш имконидан маҳрум бўлган шаҳзода, унда ҳам гўзаллик, ҳам шоҳона улугворлик фазилати мужассамланганига иқрор бўлиб, уни аслзода аёллар тоифасидан бўлса керак, деган хулосага келди ва унга бўлган ишқи юз чандон ошиб кетди. У қизни иззатини ўрнига қўйиб, уни ўйнаш деб эмас, балки ўз танмахрамидек билиб муомала қила бошлади. Қиз, ўз бошидан кечирган азоб-уқубатлар энди такрорланмаслигига ва ахири хушбахт кунларга етиб келганига ишонч ҳосил қилиб, руҳланиб, шод-хуррам бўлиб кетди ва ҳусни шунақаям очилиб кетдики, бутун Романия аҳлининг оғзида фақат унинг соҳибжамоллиги ҳақидаги гап борарди. Бу овоза Афина герцогининг қўлоғига ҳам етиб бориб, унинг дилида соҳибжамол аёлни кўриш истаги уйғонди. Бу довюрак, навжувон ўктам йигит, шаҳзоданинг дўсти ва хеши бўлиб, қизнинг дарагини эшитгач, гарчи Къяренцада илгари кўп маротаба бўлган бўлса ҳам уни яна бир бор зиёрат қилиш баҳонасида асъасаю дабдаба билан аслзода мулозимлари қуршовида бир кун шаҳарга кириб келди, уни бу ерда зўр тантана ва иззат-икром билан кутиб олишди. Орадан бир неча кун ўтиб, герцог ҳузурида ўшал аёлнинг ҳусни борасида гап очилганда, у ўртага шундай савол ташлади: «Ул жувон чинданам кўз қамаштиргудек даражада хушрўйми?»

«Юз чандон ортиқроқ,— деб жавоб қилди шаҳзода,— лекин истардимки, сен меннинг сўзларимга эмас, ўзингнинг кўзларингга ишонсанг».

Герцог бу гапни эшитиб, шаҳзодани шошира бошлади. Шунда улар қизнинг истиқболи сари йўл олдилар, қиз уларнинг ташриф буюришини олдиндан билган эди, бинобарин зўр илтифот ва қувноқ чехра билан қарши олди. Улар қизни ўтқозишиб, ўзлари унинг икки ёнига ўтирдилар, бироқ унинг шакарғуфтор суҳбатидан баҳраманд бўла олмадилар, зеро, қиз уларнинг гапини ёмон тушунар, аниқроқ қилиб айтганда — мутлақо тушунмасди. Икковлари ҳам унга худди мўъжизага тикилгандек маҳлиё бўлиб ўтирардилар, герцог-ку—инчунун, у, наҳот шу хилқат ҳам худонинг бир бандаси бўлса, деб ҳеч кўзларига ишонгиси келмасди; оқибат, қизга маҳлиё бўлиб тикилиб, кўзлари билан муҳаббат оғусини сипқара бошлаганини ўзи ҳам пайқамай қолди; гарчи у ўзича, шунчаки нигоҳимга лазат бахш этияпман, деб ўйлаётган бўлса ҳам, лекин аслида у телбаларча ошиқ бўлиб қолган, муҳаббат тўрига ҳеч қутулиб бўлмайдиган даражада ўралиб қолган эди. Герцог қиз олдидан шаҳзода

билан бирга чиқиб кетди, сўнг ёлғиз ўзи қолиб, мадомики шаҳзода шундай хилқатга муяссар бўлибди экан у — жамики одамзод ичидан энг бахтиёрдир, деган хулосага келди. Алламаҳалгача миясига турли-туман хаёллар кириб турди, ниҳоят, қалбида аланга олган оташ эҳтирос унинг виждонидан устун чиқди ва у қандай йўл билан бўлмасин, шаҳзоданинг дил хушини тортиб олиб, ундан ўзи баҳраманд бўлишни кўнглига тугиб қўйди. У идрок ва номус даъватига қулоқ осмай, шу ондан эътиборан фақат, қандай қилиб ўз ниятини тезроқ рўёбга чиқариш, қандай қилса ўзи тузган ёвуз режа барбод бўлмаслиги ҳақида ўйлади. Мана у кунларнинг бирида шаҳзоданинг ниҳоятда чексиз ишончини қозонган Чуриачи исмли хизматкорини авраб, уни жиноятга жалб қилди, сўнг ўз мулозимларига отларни эгарлаб сафар жабдуқларини ҳозирлашни, илло, бу фармойишидан ҳеч ким воқиф бўлмаслиги кераклигини тайинлади. Тунда герцог ва унинг бир дўсти қўлларида қурол билан шаҳзоданинг уйига яқинлашдилар, бу ерда Чуриачи уларни қарши олиб, оёқ учида юриб, шаҳзоданинг оромгоҳига бошлаб кирди, шаҳзода туннинг ниҳоятда дим бўлгани туфайли қип-яланғоч ҳолда денгизга очилган дераза олдида ҳаво олиб турарди, маҳбубаси эса тўшакда ухлаб ётарди. Герцог шеригига қандай иш тутишни олдиндан ўргатиб, ўзи шаҳзоданинг орқасидан пусиб келди-да, унинг биқинига пичоқ санчиб, жасадини деразадан отиб юборди. Қаср денгиз бўйига баланд қилиб қурилган эди, шаҳзода ҳаво олиб турган дераза остида эса, денгиз тўлқинидан вайронага айланган ғарибона кулбалар бор эди,— хуллас, овлоқ ерлар эдиким, герцог тахмин қилганидек жасаднинг пастга тушганини ҳеч ким кўрмади ва кўриши ҳам мумкин эмас эди. Герцогнинг ошнаси иш бажарилганига ишонч ҳосил қилгач, атайлаб ўзи билан олиб келган арқонни қўлига олди-да, гўё Чуриачининг елкасига қоқмоқчи бўлаётгандай бўлиб туриб, бирдан бўйнига сиртмоқ солди ва шундай тортдики, Чуриачи чурқ этиб ҳам товуш чиқара олмади. Шунда герцог унга ёрдамга келди, улар биргалашиб Чуриачини бўғиб ўлдиришди ва унинг жасадини ҳам деразадан отиб юборишди. Герцог ўз ниятини амалга ошириб бўлиб, на аёл ва на бошқа биронта зот ҳеч нима эшитмаганига кўнгли тўлгач, қўлига шам олиб, чорпоя олдида борди ва иккинчи қўли билан маст уйқуда ётган аёлнинг устидаги чойшабни оҳиста кўтарди. Аёлнинг бошидан-оёғигача кўздан кечираркан, лол бўлиб қолди: у яланғочлигида либосдалик пайтидан минг карра гўзалроқ эди. Шунда герцогнинг шаҳвоний ҳирси қўзиб кетиб, ҳозиргина жиноят қилганидан ҳам хижолат бўлмай, қонга бўялган қўлларини ҳам ювиб ўтирмай тўшакка ётди ва аёлни уйқусида тасарруф қилди, зеро, аёл ўз устида ётган одамни шаҳзода деб ўйлаган эди.

Герцог ўз ҳирсини қондириб лаззатлангандан кейин шерикларини чақирди-да, аёлни бу ердан товуш чиқармай олиб чиқиб кетишни буюрди. Герцог кириб келган хуфия эшикдан аёлни кўчага олиб чиқишди, герцог уни отга миндирди ва товушсиз йўлга тушиб, Афинага қайтиб борди. Унинг хотини бор эди, шу боисдан ғамга ботган аёлни Афинага олиб кирмай шаҳардан ташқарида, ден-

гизнинг бўйгинасига қурилган ажойиб бир қасрига пинҳона жойлаштирди ва хизматкорларига уни яхши парвариш қилишни тайинлади.

Энди гапни шаҳзода қасридагилардан эшитинг; эртаси куни аъёнлар то соат учгача шаҳзоданинг уйғонишини кутиб турдилар. Унинг оромгоҳидан «тиқ» этган товуш эшитилмасди; шунда улар ичидан занжирланмаган, аммо юзига берк эшикни очдилар ва хонанинг бўм-бўш эканлигини кўриб, шаҳзода соҳибжамол маҳбубаси билан вақтичоғлик қилгани ҳеч кимга сездирмай бирон ёққа бир неча кунга жўнаб кетган бўлса керак, деган қарорга келдилар ва шу билан ўзларини юпатдилар. Бироқ яна бир кундан кейин қандайдир бир девона Чуриачи билан шаҳзоданинг жасади ётган вайронада тентираб юриб, Чуриачининг жасади устидан чиқиб қолди ва унинг бўйнига солинган сиртмоқ учидан ушлаб, судраб кетди. Кўпчилик мурдани таниб, ҳанг-манг бўлиб қолди, сўнг девонани авраб-савраб, мурдани қаердан топганини билиб олишди-да, у ерга тушиб, шаҳзоданинг жасадига дуч келишди, бу ҳол бутун шаҳар аҳлини қаттиқ қайғуга солди, кейин уни шоҳона рутбасига муносиб иззат-ҳурмат билан дафн этдилар. Одамлар, бундай бадкирдорликка ким қўл уриши мумкин, деб суриштира бошлашган эди, Афина герцогининг ҳеч ерда йўқлиги, унинг яширинча жўнаб кетгани аниқланди, шу заҳоти ҳамма: жиноятга қўл урган ҳам, аёлни олиб кетган ҳам ўша, деб ҳамма қилғиликни герцогдан кўра бошлади-ким, аслида ҳам айнан шундай бўлган эди. Ўлдирилган шаҳзода ўрнига шаҳар аҳлининг хоҳиши билан тахтга дарҳол унинг иниси ўтирди, шу пайтдан эътиборан халқ уни қандай қилиб бўлмасин, герцогдан интиқом олишга ундай бошлади. Марҳумнинг укаси юз берган ҳодиса айнан шаҳарликлар гумон қилгандек содир бўлганини исботловчи жуда кўп далилларга эга бўлгач, ёр-дўстларига, хешларига ва турли вилоятлардаги фуқароларига мурожаат қилиб, улардан мадад куч сўради, оз фурсат ичида кўп сонли абжир, қудратли аскарлардан қўшин тўплади ва Афина герцогига қарши уруш очиб, сафарга чиқди.

Герцог бунинг дарагини эшитган заҳоти, мудофаага ҳозирлик кўра бошлади, жуда кўп аслзодалар, шулар жумласидан, Константинополь императори томонидан юборилган унинг ўғли Константин билан жияни Мануил бөҳисоб шавкатли лашкарлари билан ёрдамга етиб келишди, герцог уларни иззат-икром билан қарши олди, герцогиня эса — инчунин, зеро у Константиннинг опаси эрди. Уруш кун сайин яқинлашиб келарди, мана шундай кунларнинг бирида герцогиня пайт пойлаб туриб, икки амакиваччани ўз хонасига олиб кирди ва шу ерда зор-зор йиғлаб, бутун воқеани муфассал сўзлаб берди; нима важдан уруш бошланаётганини тушунтирди, герцогнинг ўшал аёл билан мулоқотда бўлиши унинг учун таҳқири азим эканлигини баён этди — герцог ушбу мулоқотни барчадан пинҳон тутган эди.

Герцогиня ўзининг шум қисматидан қаттиқ ўқсиб бу жигарларидан, герцог шаънига тушган доғни ювишга ва шу билан унинг — герцогинянинг кўнглига таскин беришга, имконлари борича уриниб

кўришни илтимос қилди. Йигитлар шундоқ ҳам барча гапдан воқиф эдилар, бинобарин, ортиқ суриштириб ўтирмай, баҳоли қудрат, герцогиняни юпатдилар, охири бахайр бўлади деб уни умидвор қилдилар ва ўшал хонимнинг қаерда туришини аниқлаб, бу ердан чиқиб кетдилар. Улар аввал ҳам аёлнинг ғайри табиий ҳусни борасида эшитган эдилар, шу сабабли уни албатта кўришга аҳд қилдилар ва ул хонимни кўрсатишни илтимос қилиб, герцогга юзландилар — герцог эса, ўз маҳбубасини кўрсатган шаҳзоданинг не кўйга тушганини унутиб, йигитлар илтимосини қондиришга ваъда берди. Эртаси кун у ўз маҳбубаси турган қаср олдидаги ғаройиб боғчада сердабаба зиёфат учун стол тузашни буюриб, у ерга ўз қариндошлари билан яна икки-уч кишини бошлаб борди. Хонимнинг ёнида ўтирган Константин унга ҳайрат билан тикиларкан, қалбининг теран бир ерида, бундай соҳибжамолни кўриш унга ҳали шу чоққача ҳеч nasib қилмаганини ва бундай гўзални деб хиёнатга қўл урган герцогнинг ёинки бошқа биронта ғаддорлик қилган ҳар қандай одамнинг ҳам гуноҳидан бемалол ўтса бўлади, деб эътироф эта бошлади. У аёлнинг гулгун чеҳрасига дам ўтмай нигоҳ ташлайвергани оқибатида, унинг бошига ҳам герцогнинг кунни тушди. У ишқ дардидан эс-ҳушини йўқотган ҳолда аёл ҳузуридан жўнаб кетди, энди унинг кўнглига ҳеч қанақа уруш сиғмасди, — унинг бутун фикри зикри герцогнинг кўнглида шубҳа уйғотмай туриб, унинг маҳбубасини ўғирлашга қаратилган эди.

Алқисса, унинг шаҳвоний ҳирси борган сари кучлироқ жўш ура бошлади, бу орада, герцог салтанатига яқин келиб қолган шаҳзодани даф қилиш пайти ҳам етди, шунда герцог, унинг укаси Константин ва бошқа ҳамма жанговар саф тортганча Афинадан чиқиб, шаҳзоданинг герцог юртига кириб келишига йўл қўймаслик учун сарҳад сари равона бўлди. Улар чегарага етиб бориб, у ерда бир неча кун туришгач, бутун фикру хаёли ўшал хонимда бўлган Константин герцог йўқлигида ўз ниятини амалга ошириш анча енгил кўчишини ўйлаб, тўсатдан қаттиқ бетоб бўлиб қолгандай кўрсатди ўзини ва шу важ билан Афинага қайтиб кетмоқчи бўлди. У герцогнинг ижозати билан ўз қўмондонлигидаги қўшинни амакиваччаси Мануил ихтиёрига топширди-да, ўзи Афинага, опаси ҳузурига қайтиб кетди, у ерда уч-тўрт кун яшагач, бир маҳал гапдан гап чиқиб поччасининг ўйнаш тутиб, бу билан опасини таҳқирлагани ҳақида яна гап очилиб кетди-ю, шу баҳона билан Константин бундай деди: «Мабодо, хўп десанг, сенга яхшилиқ қилишим мумкин, яъни герцогнинг маҳбубасини ўғирлаб, бу ердан олиб кетишга ҳам тайёрман». Герцогиня бу таклиф замирида укасининг ўшал аёлга бўлган муҳаббати ёганини тушунмай, укам азбаройи мени яхши кўрганидан шундай қилаётибди, деб ўйлади ва кошкийди, гоятда хурсанд бўлардим, фақат шартим шуки, бу иш менинг рухсатим ва розилигим билан бўлганини герцог билмаслиги керак, деб жавоб қилди, Константин ҳам унга, айтганингдек бўлади, деб қатъий ваъда берди шундан кейин герцогиня укасига бутун ихтиёрини бериб қўйди. Константин ўз одамларига эшакли қайиқ ҳозирлаб, шай бўлиб туриш ҳақида яширинча фармойиш бериб, бир кун кечқурун

ўша боққа яқин ерда соҳилга чиқди ва бир гуруҳ шерикларига қандай иш тутиш лозимлигини ўргатиб, яна бир гуруҳ одамлари билан қаср сари йўл олди. Аёлнинг ўзи ҳам, хизматкорлари ҳам Константинни хушвақт кутиб олишди, кейин аёл Константиннинг илтимосига кўра, ўз хизматкорлари ва Константиннинг шериклари билан биргаликда боққа чиқди.

Константин, герцогнинг омонат гапини айтиш баҳонаси билан жувонни тўппа-тўғри денгизга олиб чиқадиган эшикча сари бошлади. Константиннинг шерикларидан бири бу пайтда эшикчани очиб турган эди; денгиз бўйига чиқишгач, Константин қайиқдагиларга яқинроқ сузиб келишни ва хонимни ушлаб, кемага ўтқазилни буюрди, ўзи эса, хонимнинг хизматидаги одамларга қараб шундай деди: «Қимирламанглар жонингиздан умидингиз бўлса, гинг демайсизлар! Мен герцогнинг маҳбубасини тортиб олаётганим йўқ — балки бу аёлнинг касофати билан опам бошига тушган бадномликни даф этмоқчиман».

Ҳеч ким унга монелик қила олмади. Константин ўз одамлари билан кемага сакраб тушди-да, юм-юм йиғлаётган хоним ёнига ўтирди ва шерикларига эшкак эшиб, соҳилдан узоқлашилни буюрди. Кема ҳам гўё қанот боғлагандек ғизиллаб учиб кетди, шу тахлит улар эртаси куни тонг палласида Эгинага етиб олдилар. Соҳилга тушиб, ҳордиқ чиқардилар, сўнг Константин, ўзининг шум толе хуснига лаънатлар ўқийётган хонимнинг қўйнига кириб, ундан лаззатланиди, кейин улар яна қайиққа ўтирдилар-да, бир неча кундан кейин Хиосга етиб бордилар-у шу ерда манзил қуришга қарор қилдилар: зеро Константин отасининг ғазабидан ва айни пайтда, ўзи ўғирлаб келган аёлни ундан тортиб олишларидан қўрқарди, бу ерда эса, у ўзини бежавотир сезарди. Хоним ўз бошига тушган бу кори баддан бир неча кун кўз ёши қилди; аммо Константин ширинсуханлик билан уни юпатишга муяссар бўлдиким, натижада, бу гал ҳам аёл ўз қисматига ёзилган чархи фалакнинг эзгу хосиятларини кўришга муяссар бўлди.

Император билан ўша пайтда бетўхтов уруш ҳолатида бўлган турк султони Осбек бир куни Смирнага¹ келади ва шаҳзода Константиннинг Хиосда тараллабедод қилиб, ўзи олиб қочиб келган аёл билан бемалол зиногарлик қилиб ётганидан хабар топади-ю, бир куни кечаси ўз одамлари билан енгил кемаларда ўша ёққа йўл олади ва шаҳарга шарпа чиқармай бостириб кириб, одамларнинг кўпчилигини ғафлатда қолдириб, ухлаб ётган ерларида қўлга олади, уйғониб, қўлига қурол олишга улгурганларни эса, қиличдан ўтказди, бутун оролга ўт қўяди, сўнг кемаларига асирлару ўлжаларни ортиб, Смирнага қайтиб келади. Смирнада Осбек, — дарвоқе, у навқирон йигит эди, — қўлга киритган ўлжаларини бир-бир кўздан кечириб туриб, соҳибжамол аёлни кўриб қолади; одамлари уни тўшакда ётган еридан олиб чиқишганини эшитиб ва Констан-

¹ Смирна (Измир) — Кичик Осиёнинг ғарбидаги порт. Туркиянинг Ойдин вилоятига қарашли энг йирик шаҳар. (Тарж.)

тиннинг маъшуқаси шу эканлигидан хабар топиб, жуда суюниб кетади ва тараддудланиб ўтирмасдан, тўй-томоша қилиб, унга уйланади ва бир неча ой мобайнида бу дилбар аёл билан айшу ишратда яшайди.

Император бундан анча олдин Капподокия қироли Базан билан Осбекка қарши биргаликда ҳужум қилиш ҳақида музокара юрита бошлаган эди, яъни қирол ўз қўшинини Осбекка қарши бир томондан ташласа-ю, императорнинг ўзи иккинчи томондан Осбекка қарши ҳужумга ўтса. Бироқ император билан Базан ҳозирча қатъий бир қарорга келиб улгуришганича йўқ эди, чунки Базаннинг қўйган шартларини бажариш аввалига император учун ниҳоятда амри маҳол бўлиб туюлган эди: лекин у ўғли Константиннинг не қўйга тушганидан хабар топгач, ғамга ботди ва Капподокия қиролининг шартларини сўзсиз қабул этди, уни Осбекка ҳужум бошлашга рози қилди-да, ўзи Осбек устига иккинчи томондан босиб боришга ҳозирлик кўра бошлади. Бундан огоҳ бўлган Осбек, қўшинини тўплаб, икки қудратли ҳукмдорнинг қуршовига тушиб қолмаслик учун дарҳол ўзи Капподокия қиролига қарши ҳужумга ташланди, гўзал хотинини эса, ўз содиқ қули ва дўсти ҳимояти остида Смирнада қолдирди. Бир оз вақтдан кейин Осбек қўшини қирол қўшини билан тўқнашди, Осбек қирол билан жанг қила бошлади, бу жангда Осбекнинг ўзи ҳалок бўлди, қўшини тор-мор қилинди, омон қолганлари тумтарақай бўлиб тўзғиб кетди. Базан бу жангда зафар қозониб, энди ҳеч қандай қаршиликсиз Смирнага кириб борди, барча уни ғолиб деб эътироф этиб, унга тобе бўлди.

Соҳибжамол аёлни қўриқлаб қолган Осбекнинг хизматкори Антиох, анча ёшга бориб қолган одам эди, лекин шунга қарамай, у ўзининг қадрдон дўсти ва содиқ хизматкорлик бурчини бир четга йнгиштириб қўйиб, аёлнинг ҳуснига беш кетган ва уни астойдил севиб қолган эди; аёл Антиохнинг тилига тушунганлигидан (бу ҳолдан гўзал жувон ниҳоятда севинган эди — зеро у мана, бир неча йилдирки, бамисоли карсоқовдек яшар; ўзи ҳеч кимнинг гапига тушунмас, унинг ҳам гапига ҳеч ким тушунмасди), Антиохнинг эҳтирос алангаси жўш уриб, бир неча кун ичида аёл билан шу қадар апоқ-чапоқ бўлиб кетдики, қўлига қурол олиб урушга равона бўлган ўз ҳукмдорини ҳам унутиб, икковлари сал вақт ичида ёрдўстлардан ошиқ-маъшуқларга айланишди ва чодир ортида бир-бирларидан мириқиб-мириқиб лаззатланишди. Осбекнинг мағлубиятга учраб, ҳалок бўлгани, Базаннинг йўл-йўлакай ҳамма ёқни ғорат қилиб, Смирнага келаётгани ҳақидаги хабар ошиқ-маъшуқлар қулоғига этиб боргач, улар гапни бир ерга қўйиб, Базан келгунча кутиб ўтирмасликка қарор қилдилар ва ўзлари билан Осбекнинг барча қимматбаҳо буюмларини олиб, ҳайё-ҳайт деб Родосга қочиб кетдилар, мана шу Родосда бир оз вақтдан кейин Антиох хатарли бир дардга чалиниб ётиб қолди. Бу ерда кипрлик бир савдогар уни кўргани кириб қолди; у Антиохнинг вафодор дўсти бўлиб, Антиох уни жуда яхши кўрарди, шунда Антиох қазоси етганини сезиб, ўзининг бутун бойлигини ва маъшуқасини шу дўстига қолдиришга қарор қилди.

У ўзининг куни битиб қолганига кўзи етиб, дўсти билан маҳбу-
басини ёнига чақирди ва уларга шундай деб юзланди: «Қазоим
етиб қолганини сезяпман, мен учун ҳозир ҳаётдан кўз юмиш ни-
ҳоятда аламли, чунки шунча умр кечириб, ҳеч қачон ҳозиргидек
хушбахт бўлмаганим. Илло, фақат бир нарса менга тасалли бе-
ряпти: модомики, куним битиб, ажалим етган экан, мен учун дунё-
да энг азиз одамлар қўлида ўлаётганимдан хурсандман, сенинг
қўлингда, азиз дўстим ва мана шу аёл қўлида ўлмоқдаманки, мен
у билан қовушиб, уни жонимдан ортиқ севиб қолдим. Бироқ мени
бир нарса қаттиқ хижолатга соляпти: ўлимимдан кейин бу шўрлик
мусофир аёл ёлғиз қолиб, ҳоли нима кечаркин, ёрдам ва масла-
ҳат сўраб кимга юзланаркин; яхшиям худо менга сени етказди,
садоқатли дўстим, агар сен ҳам бўлмаганингда, мен учун бу ёруғ
дунёдан кўз юмиш яна ҳам бешбаттар оғир бўлган бўларди,—
энди имоним комилки, менга бўлган ҳурматинг туфайли, бу аёлга
ҳам йўқ деганда, худди менга ғамхўрлик қилганингдек ғамхўрлик
қиласан. Шу боисдан кўз ёш тўкиб ёлвораман сендан: ўлсам ме-
нинг бутун бойлигим билан бу аёлни ўз ҳимоятингга олиб, гард
юқтирмай асрагинки, кўриб арвоҳим хурсанд бўлсин. Сен бўлсанг,
жонгинам, ўлганимдан кейин мени унутма, токи у дунёда, табиат-
нинг энг ноёб хилқати бўлмиш энг гўзал аёл мени севади, деб
мақтаниб юрай. Агар истакларимни бажаришга сўз берсангизлар,
кўнглим тамомила таскин топиб, дунёдан хотиржам кўз юмгай-
ман».

Антиохнинг бу гапларини эшитиб, унинг савдогар дўсти билан
маъшуқаси кўп йиғладилар. У васиятини қилиб бўлгач эса, уни
юпатиб, таскин бера бошладилар ва ўз номуслари ҳаққи, қасам
ичдиларким, башарти у ўлиб-етиб қолгудек бўлса, васиятини ал-
батта вожиб этгайлар. Орадан сал вақт ўтар-ўтмас Антиох чиндан
ҳам бандаликни бажо келтирди ва улар уни иззатини келтириб
дафн этдилар.

Яна бир неча кундан кейин кипрлик савдогар Родосдаги ҳамма
ишларини тугаллаб, бир мачтали Каталония кемасида юртига қай-
тишга шайланди ва соҳибжамол аёлга: «Юртимга жўнаб кетиш
пайтим етди, хўш, сен энди нима қилмоқчисан?»— деди. Аёл унга
жавобан айтдики: «Агар йўқ демасангиз, жон-жон деб сиз билан
кетган бўлардим, зеро Антиохга бўлган ҳурмат юзасидан, мен би-
лан ўз синглингиздек муносабатда бўлишингизга ишонаман».
Савдогар айтди: «Сенинг ҳамма истакларингни бажо келтиришга
тайёрман, илло, сени тасодифий кўнгилсизликдан иҳота қилиш
мақсадинда, то Кипрга етиб олгунимизча, сени одамлар орасида ўз
хотиним деб айтишимга тўғри келади». Улар кемага чиқишганида
икковлари учун кеманинг тумшуқ томонидан бир бўлма беришди
ва савдогар, кема ҳайъатига айтган гапи ёлғон чиқиб қолмаслиги
учун аёл билан бир тўшакка ётди. Бунинг оқибатида, улар Родосни
тарк этиб чиққанларида на савдогарнинг ва на аёлнинг хаёлида
бўлган ҳол содир бўлди: зулмат тун, ҳаловат ва иссиқ тўшак,—
иссиқ тўшак-ку, бундай пайтларда ғоят улкан аҳамият касб эта-
ди,— хуллас, бу лаззатбахш вазият икковларининг ҳам ҳирсини

уйгогиб юборди ва улар ўзларининг марҳум Антиохга бўлган меҳр-муҳаббатлари ва дўстона муносабатларини унутиб, эҳтирос алангасида деярли бир хилда лов-лов ёниб ва бир-бирларини ўт олдириб, савдогарнинг юрти Баффага етиб келмасданоқ, қовушиб қолишди. Улар Баффага етиб келишгандан кейин ҳам аёл савдогар билан бир қанча вақт бирга турди.

Бироқ кунлардан бирида шундай ҳол содир бўлди: Баффага иш юзасидан Антигон исмли бир аслзода келди, у анча-мунча ёшга бориб қолган, ақл-заковати яна ҳам зиёда одам эди-ю, аммо фоний дунё лаззатларидан баҳраманд бўлиш унга nasib этмаган эди, — гарчи у Кипр қиролининг аъёнларидан бўлса ҳам ҳеч омади юришмаган эди. Кунларнинг бирида кипрлик савдогар тижорат ишлари билан Арманистонга жўнаб кетганида, ҳалиги одам унинг уйи ёнидан ўтиб кета туриб, дераза олдида турган унинг гўзал хотинини кўриб қолди, аёл чиндан ҳам беқиёс даражада кўҳлик бўлгани сабабли Антигон унга тикилиброқ қаради ва уни қаердадир кўрганини эслай бошлади, лекин айнан қаердалигини ҳеч эслай олмади. Ҳолбуки, узоқ муддат бевафо қисматга ўйинчоқ бўлиб яшаган, не не мусибатларни бошидан кечирган ва бошига тушган фалокатларнинг аришига ниҳоят энди кўзи ета бошлаган бу нозанин аёл Антигонга кўзи тушиши билан уни Искандарияда кўрганини ва у отасининг саройида хийла юксак лавозимда хизмат қилганини эслади, эслади-ю, кўнглида, бу одам менга оқилона маслаҳат бериши мумкин, унинг маслаҳати туфайли шояд, шоҳ қизига монанд маъкега мушарраф бўлсам, деган умид пайдо бўлди ва савдогарнинг шаҳарда йўқлигидан фойдаланиб, дарҳол Антигонни чақириб киришларини буюрди. Антигон ҳузурига кирганида аёл қимтинибгина, сиз фамагосталик Антигон эмасмисиз — кўзимга иссиқ кўриняйсиз, деб ўсмоқчилаб сўради.

Антигон тасдиқ маъносидида бош ирғатди ва деди: «Сиз ҳам кўзимга иссиқ кўриняйсиз, бону, илло, сизни қаерда кўрганимни ҳеч эслай олмайман, — агар малол келмаса, ўзингиз эсимга солсангиз».

Аёл ўз гумонини тасдиқловчи жавоб олиб, ҳўнграб йиғлаб юборди, Антигонни беҳад ҳайратда қолдириб, унинг бўйнига осилди ва мени Искандарияда кўрганмидингиз, деб сўради. Антигон бу саволни эшитгани замоноқ, кема ҳалокати пайтида нобуд бўлганга чиқарилган султон қизи Алатиэлни таниди ва дарҳол унинг рутбасига яраша иззатини бажо келтиришга шайланган эди, лекин аёл бунга йўл қўймай, яна бир оз ўзи билан қолишни илтимос қилди. Антигон бажону дил рози бўлиб, унга лутфан мурожаат этиб, унинг қандай қилиб бу ёқларга келиб қолгани, қачон ва қаердан келгани ҳақида савол берди — зеро бутун Миср уни бундан бир неча йил муқаддам сувга ғарқ бўлганга чиқариб қўйган эди.

Аёл бунга жавобан шундай деди: «Бу кунимдан ғарқ бўлганим яхши эди, агар бир кун келиб отам дарагимни эшитса. аминманки, у ҳам менинг бу кўйда яшаганимдан ўлиб кетганимни мақбул кўрган бўларди». Шундай деди-ю, кўзларидан шашқатор ёш оқа бошлади.

Шунда Антигон унга айтди: «Малика! Элдан бурун руҳингизни сўндирманг. Мурувват айлаб, менга ўз ҳаққингизда, бошингизга тушган бадбахтликлар ҳақида сўзлаб беринг,— худо хоҳласа, дардингизга даво топгумиздур».

«Антигон,— деб гап бошлади нозанин жувон,— сени кўрдим у кўнглимда, бамисоли ўз падаримни кўргандай бўлдим: ахир мен сенга ҳеч нима айтмаслигим мумкин эди, бироқ вужудимда товлана бошлаган фарзандлик меҳри, юрагимни очиб гапиришимга даъват этмоқда. Мени ҳаммадан ҳам кўпроқ хурсанд қилган нарса шу бўлдики, бошқа биронта танишни эмас, айнан сени учратиб таниб қолдим, бинобарин, энди мен, шу чоққача барчадан сир тугиб келган шум толейимни худди ўз падаримдек билиб сенга баён қилгайман. Башарти, ҳикоямни тинглаб бўлгач, мени дастлабки мавқеимга қайтариш имконини топа олсанг,— ўтинаман сендан, шунга уриниб кўр; борди-ю, топа олмасанг, унда ҳам,— ўтинаман сендан,— мени кўрганинг ҳақида ҳеч кимга оғиз оча кўрма,— ҳаттоки, менинг дарагимни бошқалардан эшитдим, деб ҳам гапирма».

Шундан сўнг у ёноқларини кўз ёши билан ювиб, ўзи тушган кеманинг Майорка соҳилида ҳалокатга учраганидан тортиб, то шу кунгача бошидан кечирган жамики саргузаштларини бирма-бир сўзлаб берди. Антигоннинг юраги эзилиб йиғлаб юборди, кейин мулоҳаза қилиб кўриб шундай деди: «Малика бону! Сиз учун ғоятда машъум бўлган шу давр ичида, кимлингизни ҳеч ким билмабди, бинобарин, мен сизни султон аъло ҳазратлари истиқболига олиб борсам, сиз у киши учун янада эъзозлироқ бўлурсиз, ундан кейин эса, сизни ўзим Алгарви қироли ҳузурига элтиб қўйгаймен».

Аёл, буни қандай бажарурсан, деб сўради. Антигон ўз режасини унга муфассал сўзлаб берди. Сўнг у султон қизининг бошига яна бирон фалокат тушиб-нетиб ўтирмасин, деб уни ҳар қандай хавф-хатардан сақлаш мақсадида, фурсатни ўтказмай, Фамагостага равона бўлди, қирол ҳузурига кириб унга деди: «Аъло ҳазрат! Агар хоҳиш билдирсангиз, ғоятда осонлик билан ўзингиз ҳам донг чиқаришингиз, айни пайтда, хизматингизда қашшоқлашган каминани ҳам бахтиёр қилишингиз мумкин».

Қирол, қандай қилиб, деб сўради. Антигон эса, унга жавоб айлди: «Баффага соҳибжамол бир қиз келган, у султоннинг қизи, аммо унинг ҳақида кўпдан бери, денгизга фарқ бўлган, деган овоза юрибди. У ўзининг қизлик иффатини сақлаш ниятида кўп машаққатлар чеккан ва ҳанузгача муҳтожликда кун кечирмоқда, унинг ягона орзуси отаси ҳузурига қайтиш. Мабодо сиз уни менинг назоратимда ўз отаси ҳузурига юборишни ихтиёр этсангиз, бу сизнинг шону шавқатингизни сарбаланд этгай, мен эсам, шу туфайли мол-давлатли бўлиб олардим. Аминманким, султон бу яхшилингизни ўла-ўлгунча нутмайди».

Қирол ўз рутбасига монанд саховат билан дарҳол розилик билдирди. У қизга фахрий мулозимлар юбориб, уни Фамагостага олиб келишни буюрди, Фамагостада эса, қирол билан қиролича қизни зўр дабдаба билан кутиб олиб, иззат-ишром билан қабул

қилдилар. Қирол ва қиролича қизнинг бошидан кечирган саргу-заштлар ҳақида сўрай бошладилар, қиз эса, уларга Антигон ўргатган гапларни бир бошдан гапириб берди. Орадан бир неча кун ўтгач, қирол азиз меҳмоннинг илтимосига кўра уни Антигон бошчилигидаги акобир эркак ва аёллардан ташкил топган шукуҳли ва фахрий мулозимлар кузатувида султон ҳузурига юборди. Қиз ҳам, шунингдек, Антигон ҳам, яна жами мулозимлар ҳам султон элида нақадар зўр эҳтирос билан кутиб олинганини айтмаса ҳам бўлади. Алатиэль сафардан сўнг ҳордиқ чиқарди, ҳордиқдан кейин эса, султон ўз қизининг қандай мўъжиза шарофати билан омон қолганини ва ўзи ҳақида ҳеч бир хабар бермай шунча узоқ вақт қаерларда юрганини билишни ихтиёр қилди.

Қиз Антигон ўргатган гапларни пухта ўзлаштириб олган эди, шунга кўра, у отасининг саволига бундай деб жавоб қилди: «О падари бузрукворим! Сафаримнинг, янглишмасам, йигирманчи кунда, даҳшатли бўрондан шалоғи чиқиб кетган кемамиз Аквамортдан мағриброқ ерда соҳилга бориб урилди. Қемадаги одамларга нима бўлгани менга ҳануз аён эмас. Фақат шу нарса эсимдаки, кун ёришганда, мен гўё қайта тирилгандек кўзимни очдим, қарасам, шикастланган кемамизни пайқаб қолган ерли аҳоли, уни торож этиш мақсадида ҳар томондан ёпирилиб келяпти, мени ва яна икки канизагимни соҳилга олиб чиқишди, шу чоғ, канизаларни икки йигит кўтариб олиб, икки ёққа олиб қочди. Уларга нима бўлганини билмайман. Менга ҳам иккита навжувон йигит ташланди ва сочларимдан ушлаб, йўл бўйлаб қалин ўрмон сари судрай бошлади. Мен фарёд чекиб йиғлаб, типирчилаб, улар қўлидан қутулишга ҳаракат қилардим, лекин айни шу пайт бахтимга бу йўлдан тўрт нафар отлиқ ўтиб қолди, мени судраб кетаётган йигитлар сувориларни кўришган заҳоти мени ташлаб тирақайлаб қочиб қолдилар. Кўзимга ҳукумат кишилари бўлиб туюлган отлиқлар истиқболимга шошилишди ва мендан узоқ вақт гап сўрашди, мен ҳам уларга узоқ вақт ўзим ҳақимда сўзлаб бердим, лекин улар менинг биронта ҳам гапимга тушунмадилар, мен ҳам уларнинг гапига тушунмадим. Улар ўзаро кенгашиб олиб, ахири мени отга мингаштирдилар-да, ўшал ер динига тегишли аёллар монастирига олиб кетдилар. Улар роҳибаларга нима деб тушунтиришди, билмайман, лекин роҳибалар мени очиқ чеҳра билан қабул қилишди, кейин мудом мени иззат-ҳурмат қилишди, мен ҳам роҳибалардан ибрат олиб, бу ерлик авлиё Стояттига сиғиндим. Улар билан бир қанча вақт яшаб, уларнинг тилига чала-чулпа тушунадиган бўлганимдан кейин, аёллар менинг кимлигимни, қаерлик эканимни суриштира бошладилар, шунда мен, агар ҳақиқатни айтсам, мени ғайридин сифатида ҳайдаб юборишади, деб қўрқиб, уларга, кинрилик бир тўранинг қизи эдим, отам мени Крит оролига эрга берганди, ўша ёққа кетаётганимда, денгиз тўфони кемамизни бу томонга олиб келиб, мажақлаб ташлади, деб айтдим. Мен икки гуноҳдан кичикроғини мақбул кўрдим: уларнинг таомилларига мудом ва қатъиян риоя қилдим. Уларнинг бошлиғи ҳисобланган аёл (роҳибалар уни бегойим, деб аташарди) мендан, Қипрга қайтишни ис-

тайсанми, деб сўраганида, мен доим, бирдан-бир армоним шу, деб жавоб қилардим. Илло, Кипрга йўли тушган одам топилганида, ҳар гал бегойим мени ундай йўлқвчининг ихтиёрига топширишдан қўрқарди, чунки у менинг қизлик ифғатимга доғ тушишидан хавотирланарди; мана, ниҳоят, бундан икки ойча муқаддам монастиримизга Франциядан аслзода кишилар ўз хотинлари билан бориб қолдилар, улардан бири бегойимнинг қариндоши экан, бегойим уларнинг Қуддусга, жуҳудлар томонидан қатл этилган худоларининг тобути қўйилган турбатга сиғингани кетишаётганини билиши билан мени шу французлар паноҳига топшириб, улардан мени Кипрга, отам ҳузурига элтиб қўйишни илтимос қилди. Бу мўътабар одамларнинг менга қандай илтифот кўрсатгани, уларнинг аёллари мени қандай самимият билан ўз давраларига олганлари ҳақида гапирсам гапим адо бўлмайди. Хуллас, биз кемага чиқдигу бир неча кун деганда Баффага етиб келдик. Баффда мен ҳеч кимни танимасдим, шу бондан муҳтарам ҳамроҳларимга нима деб важ қилишни билмай, бошим қотган эди, зеро улар мўътабар бегойимнинг топширигини тўла-тўқис бажо келтириш мақсадида, мени отамнинг ҳузурига элтиб қўймоқчи ҳам эдилар, ва лекин бу пайт тангрим менга раҳм қилди шекилли: айни соҳилга тушаётган пайтимизда Антигонни юборди. Мен уни чақириб олиб, ҳурматли ҳамроҳларим тушунмасин учун ўз тилимизда ундан, мени ўз қизингдек қарши ол, деб сўрадим. У дарҳол гапимга тушунди, мени қучоқ очиб қарши олди, эъзозли ҳамроҳларимни баҳоли қудрат зўр эҳтиром билан қутлади, сўнг мени Кипр қироли ҳузурига бошлаб борди, қирол мени таърифга сиғмайдиган иззат-икром билан кутиб олиб, зиёфат қилди, сўнгра сизнинг ҳузурингизга юборди. Борди-ю, бирон гапни унутиб қолдирган бўлсам, у ёғини Антигон тўлдирад,— зеро кўрган-кечирган мусибатларим ҳақида унга қайта-қайта сўзлаб берганман».

Шунда Антигон султонга юзланиб деди: «Аъло ҳазрат! Қизингиз менга нималарни қайта-қайта сўзлаб берган бўлса, унинг эҳтиромли ҳамроҳлари нималарни айтган бўлсалар, ҳозир сизга ҳам маллика бону шуларни баён айладилар. Ул зот фақат бир нарсани ташлаб ўтдилар—ўйлайманки, у тўғрида сўзлашни эп кўрмаганлар учунгина шундай қилган бўлсалар керак: малика бонунинг муҳтарам ҳамроҳлари баён қилган гапларга қараганда, ул зот монастирда зоҳидона ҳаёт кечирган, эзгу фазилатли бўлган хулқларининг беғуборлиги билан барча роҳибалардан ажралиб турган эканлар; яна малика бону, ўз ҳамроҳларининг у билан видолаша туриб, зор-зор йиғлашгани ҳақида гапирмадилар. Агар мен уларнинг малика бону ҳақида айтган гапларини ҳаммасини бу ерда такрорлайдиган бўлсам, эртадан-кечгача, яна тун бўйи ҳикоя қилганимда ҳам тугамайди. Фақат бир нарсани айтаман: малика бонунинг ҳамроҳлари айтган гаплардан ва ўзимнинг мушоҳадаларимдан шундай хулосага келдимки, сиз қизингиздан ғурурланишга тўла ҳаққисиз: бундай соҳибжамол, бундай пурсаховат ва бундайин диловар қиз дунёдаги биронта ҳам тождорга nasib этмаган».

Султон бу гапларни эшитиб, ҳайратга келди ва худога илтижо

қилдиким: э, тангрим, қизимни бало-офатлардан халос этишда ҳисса қўшганларнинг жамини муносиб тақдирлашим учун, айниқса, қизимни беҳад иззат-икром билан кузатиб қўйган Кипр қиролига миннатдорчилик билдиришим учун ўзинг мадад бер менга. Бир неча кундан кейин, султон Антигонни ҳотамтойлик билан тақдирлаб, Кипрга жўнаб кетишига ижозат берди, қиролга эса, қизига кўрсатган яхшиликлари учун ҳам унга ёзган мактубида, ҳам махсус элчилар орқали бениҳоят зўр миннатдорчилик изҳор қилди. Сўнг бошланган ишни ниҳоясига етказиш, яъни қизини ахири Алгарви қиролига узатиш мақсадида, унга мактуб ёзди: мактубда барча гапни баён қилиб, иловасига: башарти уйланиш ниятидан воз кечмаган бўлсангиз, келинни олиб кетгани одам юборишингиз мумкин, деган мазмунда гап қўшиб қўйди. Алгарви қиролининг кўнгли тоғдек кўтарилиб кетиб, қизни олиб кетгани фаҳрий мулозимлар юборди ва уни шод-хуррамлик билан қарши олди. Қиз эса, саккиз эркакка ўзини, эҳтимолки, ўн минг маротаба топширган бўлишига қарамай, худди номуси кетмаган бокира қиздай қирол билан бир ёстиққа бош қўйди ва ўзининг шундай бокира эканлигини қиролга уқтира олди ҳам, алқисса, у узоқ йиллар давомида эри билан бирга салтанат бошида саодатли ҳаёт кечирди. Бёкор айтмаган эканлар-да: «Бўса берган билан лаб қаримайди, балки янги ойдек ёшаради»,— деб.

8

Граф Антверпенийга тўхмат қиладилар ва у икки фарзандини Англиянинг турли шаҳрида қолдириб, ўзи қочиб қутулади; кейинчалик у Англияга нотаниш қиёфада қайтиб, болаларининг яхши жойлашганига ишонч ҳосил қилди ва Франция қироли лашкарлари сафига отбоқар бўлиб киради; графнинг беғуноҳлиги исботлангандан кейин, унинг барча ҳақ-ҳуқуқлари қайта тикланади

Хонимлар гўзал аёлнинг турли-туман саргузаштлари ҳақидаги ҳикояни эшитиб, оғир-оғир хўрсинишди, лекин бу хўрсинишлар сабабини ким ҳам топа оларди? Эҳтимолки, уларни айримлари нафақат ул аёлга ачинганларидан, балки ўзлари ҳам ўшандай бот-бот эрга тегишга орзуманд бўлганларидан хўрсинишгандир. Аммо биз бу борада гап очмаймиз, фақат шуни қайд қиламизки, Панфилонинг охириги сўзлари хонимларни кулдириб юборди, қиролича эса, шу жумла билан унинг ҳикояси ниҳоясига етганини тушуниб, Элиссага ўгирилди-да, муайян низомга риоя қилган ҳолда ўз ҳикоясини бошлашни таклиф этди. Элисса унга бажону дил итоат этиб, ҳикоясини шундай бошлади:

— Ҳозир биз кетиб бораётган замин бениҳоя поёнсиз. Мана шу замин бўйлаб, бир эмас, ўнлаб манзилдан осонликча югуриб ўтишга қодир бўлмаган биронта ҳам одам йўқ — бу заминда тасодифий ва ғоятда муҳим ҳодисалар бениҳоя қалашиб ётибдики, мен бу тахлит сон-саноқсиз ҳодисалардан биттасига тўхталмоқчиман.

Рим императорининг тож-тахти французлар қўлидан немисларга ўтганда, бу икки халқ ўртасида шафқатсиз адоват ўти аланга олиб, у охири кўринмайдиган қонли урушга айланиб кетган эди, бунинг натижасида, Франция қироли билан унинг ўғли бутун салтанат бўйлаб жар солдириб, хешлари, ёр-дўстларининг мададидан фойдаланган ҳолда лак-лак лашкар тўпладилар ва уни ганимлар устига йўлладилар. Улар салтанатни ҳукмронсиз қолдиришдан қўрқиб, сафарга чиқишдан олдин, граф Гвальтьери Антверпенийни Франция салтанатида бутун ҳокимият устидан ноиб қилиб тайинладилар, зеро қирол ҳам, унинг ўғли ҳам бу одамни аслзода, тadbиркор, ўзларининг содиқ дўсти ва фуқароси деб билардилар, айни пайтда, у гарчи аскарий санъатда кўп тажриба орттирган бўлса ҳам ҳарбий хизматга ноқобил, ўта тантиқ одам эди. Гвальтьери барча давлат қонунларига амал қилган ва ҳар бир ишда қиролича ва унинг келинига маслаҳат солган ҳолда давлатни оқилона бошқара бошлади; иккала аёл ҳам унинг ҳимоятида ва ихтиёрида эди, лекин у подшо хонадонига мансуб зотларни ва ўзидан юксак мартабадаги одамларни қандай эъвозласа, буларни ҳам шундай ҳурматларди. Гвальтьери қирқ ёшлар чамасидаги ғоятда ўктам, акo-бир кишиларга монанд — муомалада ниҳоятда дилбар одам эди, бу фазилатларидан қатъий назар, яна ўзига замондош зодагонлар орасида энг латофатли, энг назокатли киши бўлиб, боз устига, ўзига оро беришда ҳеч ким унга тенг кела олмас эди.

Хуллас, француз қироли ва унинг ўғли ҳануз жанг қилишар, хотини қазо қилиб, гўдак бир ўғил ва бир қизи билан бева қолган Гвальтьери эса, давлат ишлари юзасидан маслаҳатлашиши учун қиролича билан унинг келини ҳузурига тез-тез келиб турарди, шундай ташрифлар пайтида бир кун қиролнинг келини Гвальтьерига назар ташлаб, унга пинҳона ошиқ бўлиб қолди-ю, мафтункор нигоҳларини ундан узмади ва унинг ҳар бир ҳаракатини кузата бошлади. Келин ўзининг ёшлиги ва тароватини, шунингдек, Гвальтьерининг бевалигини эътиборга олиб, ўз истагига осонгина муяссар бўлишига ишонганди—бунинг учун ягона тўсиқни, яъни ҳаё пардасини олиб ташласа кифоя эди, шундай қилиб, у Гвальтьерига ўз юрагини очмоқчи бўлди, Мана, у пайт пойлаб юриб, бир кун ўз ҳузурига ҳеч ким йўқлигида гўё ўзга буюмлар борасида суҳбатлашиши мақсадида, унга одам юборди. Графнинг фикри хаёли бу аёлнинг ниятларидан тамомила олис ёқда эди, шу боисдан у дарҳол жувоннинг истиқболига етиб келди. Шаҳзоданинг хотини графни ўз ёнига, диванга ўтқазди; кўшқда икковларидан бўлак ҳеч ким йўқ эди, граф унга юзланиб, не боисдан чақиртирган эдингиз, деб икки марта сўради,— илло, аёл жавоб бермади; ниҳоят у севги даъватидан куч эмиб, уялганидан чўғдек қизариб, аъзойи баданига титроқ туриб ва йиғламоқдан бери бўлиб, ҳаяжондан тутила-тутила гапирга бошлади:

«Азизим, қимматли дўстим ва ҳукмдорим! Донишманд одам бўлганингиз учун сизга яхши аёндирким, эркаклар ҳам, аёллар ҳам ўз мойилликларини турли сабаблар туфайли ва турлича меъёрда намоён қиладилар — мана шунга кўра пурмурувват ҳаками-

миз — пәрвардигор бир хилда қилинган осийлик учун уни ким қилганига қараб, адолат юзасидан қандай жазога мустаҳиқ қилишни ўйлаб, гуноҳкорларни турлича жазога тортади. Дарҳақиқат, ўз пешона тери билан бир бурда нон топиб зўрға кун кечирувчи қашшоқ эркак ва аёл, мабодо ишқ даъватига қулоқ осиб, унинг амрини вожиб айласа, бундай аёлнинг айнан шундай гуноҳга юз тутган, аммо ўзи бадавлат, бекорчи аёлга нисбатан бир неча карра кўпроқ маломатга қолишини ким инкор эта олади? Аминманки, ҳеч ким. Бас, шундай экан, ўшал кибриё аёл агар бирон кимсага мойиллик билдиргудек бўлса, унинг гуноҳини юмшатовчи асосий далил, менинг фикримча, унинг турмуш тарзи, қолаверса, гар толеи баланд бўлса, ўз рутбасига монанд доно маҳбуб бўлмоғи лозим. Мендаги мавжуд сабаб, тасаввуримча, айнан шундайдир, боз устига, менинг ёшлигимни, эрим билан ҳижронда яшаётганимни инobatга олиш керакким, бундай вазиятда, ноиложликдан ҳам севиб қоласан,— айтмоқчиманки, мазкур сабабларнинг ҳаммаси, менинг оташ эҳтиросимни маъзур кўриш учун сизга далил бўлсин: агар сиз шу фикрга бамаъни одам кўзи билан қарайдиган бўлсангиз, мендан маслаҳат ва ёрдамнингизни аяманг. Гап мана бундай: эрим йўқлигида мен сеҳрли фазилатга эга бўлган шаҳват даъватига ва муҳаббат майлига қарши курашда ожизлик қилдим, зероки, шу даъвату майллар ўзининг айнан ўша сеҳрли фазилати билан наинки заифа аёлларни, шунингдек, юз чандон саботлироқ эркак зотини ҳам фатҳ этганлар ва худонинг берган кунни фатҳ этишда давом этмоқдалар, баски, мен ўзингиз билгандек, фаровон ва беташвиш ҳаёт кечирарканман, бу ҳол ишқий, шавқимни янада жўшқинлатиб, ошиқ бўлиб қолишимга янада кўпроқ имкон яратди. Албатта, агар бу кайфиятим барчага аён бўлганида, хатти-ҳаракатим қабих бўлиб кўринган бўларди, лекин ҳамонки, ул ниятим сирлигича қоларкан, буни ҳеч ҳам гуноҳ деб атаб бўлмайди, боз устига, муҳаббат маъбудиди — Амур менга бу жиҳатдан шундай улкан марҳамат қилдики, ўзимга маҳбуб танлаётганимда, ақлимдан оздирмади, аксинча, менга бебаҳо кўмак бериб, рутбамга муносиб маҳбуб айнан сиз эканлигингизни уқтирди, зеро, сиз,— агар сизни танлаб янгилишмаган бўлсам,— сиз бутун Франция салтанатида энг дилбар, энг лутфкор, энг мафтункор ва энг закий аслзодасиз; бунинг устига, мен ўз тўғримда, эрсиз яшайпман, деб айтишга ҳақим бор, сизнинг эса, хотинингиз йўқ. Хуллас, сиздан илтимос қиламан: сизга бўлган муҳаббатим туфайли, сиз ҳам мендан меҳрингизни дариге тутманг, ўт яқинида турган муз сингари эриб адоий тамом бўлаётган ёшлигимга раҳмингиз келсин».

Келиннинг ўпкаси тўлиб кетиб, гапини тугаллай олмади ва беҳол бўлиб, юм-юм йиғлаганча бошини графнинг кўксига қўйди. Граф ҳақиқий рицарь эди, шу боис андишасиз эҳтиросга эрк бергани учун аёлни қаттиқ қоралади ва бўйнидан қучоқлашга шайланган унинг қўлларини олиб ташлаб, онт ичдиқим: «Ўзимни тўртпора қилиб ўлдиришларига рози бўлсам бўламан, аммо на ўзининг ва на биронта бошқа одамнинг ҳукмдорим шаънига доғ туширишига йўл қўймайман».

Қирол келини бу гапни эшитган заҳоти, қалбидаги графга бўлган муҳаббат ўрнини кучли нафрат эгаллади. «Ҳаёсиз!— деб чинқирди у.— Ҳали менинг эҳтиросимни поймол қиладиган сизмисиз? Мени нобуд қилмоқчимисиз? Эҳтиёт бўлинг, тагин мен сизни хонавайрон қилиб, жонингизни суғуриб олмай». Шундай дея у ўз сочларига чангал солиб, тўзитиб, алвастиларникидек ёйиб ташлади, эгнидаги либосини пора-пора йиртиб, овозининг борича чийиллай бошлади: «Войдод! Ердам беринглар! Граф Антверпений мени зўрлаяпти!»

Граф виждони пок одам бўлса ҳам сарой аъёнларининг ҳасади-дан қўрқарди, шунга кўра: «Турган гапки, аъёнлар менинг бегуноҳлигимдан кўра, бу аёлнинг маккорлигига кўпроқ ишонишади», деган хулосага келди-да, сапчиб ўрнидан турди ва бу хонадан, сўнг саройдан ўқдай отилиб чиқди, ўйлаб-нетиб ўтирмай, болаларини отга миндирди, ўзи ҳам отга минди-ю, ҳайё-ҳайт деб Қалега¹ от қўйиб кетди.

Аёлнинг айюҳанносини эшитган сарой аъёнлари бу ерга югуриб келишди, аёлнинг қиёфасига қараб, унинг не боисдан бундай чинқирганини билиб, ҳамма гапларига ишонишди, наинки, ишонишди, яна граф кейинги пайтларда айнан шу ният билан ўзига оро бериб, бутун сеҳру жодусини ишга солаётган экан-да, деб хулоса чиқаришди. Дарғазаб оломон графнинг уйига ёпирилди; лекин уй соҳибини топа олмай, аввал бутун мол-давлатини талон-торож қилди, кейин уйни вайронага айлантириб, ер билан яксон қилди. Ушбу разилонга туҳмат қирол билан валиаҳднинг қулоғига бориб етди ва улар ғазабга келиб, граф билан унинг фарзандларини умрбод бадарга қилишга маҳкум этдилар, шунингдек, графни хоҳ тириги хоҳ ўлигини топиб келган одамга жуда катта туҳфа ваъда қилдилар.

Ҳеч қандай гуноҳ иш қилмаган бўлса ҳам, қасрдан қочиши билан одамларда шубҳа уйғотиб ночор аҳволга тушган граф болалари билан Қалега етиб келди, илло, ўзини ҳеч кимга танитмади, келганини ҳеч кимга билдирмади, шоша-пиша кемага ўтириб, Англия қирғоғи томон сузиб кетди ва ғарибона либосда Лондонга қараб йўл олди, бироқ шаҳарга киришдан олдин у ўзининг гўдак болаларига юзланиб, уларга асосан икки нарса хусусида батафсил насиҳат қилди: у болалари миясига шу нарсаларни қуйишга ҳаракат қилди: биринчидан, гарчи улар ҳам, ўзи ҳам бегуноҳ изтироб чекаётган бўлсалар-да, бошларига бевафо фалак солган оғир савдога ҳеч зорланмай бардош бермоқлари лозим, иккинчидан, агар жонларидан умидлари бўлса, ўзларининг қаерлик эканликларини, кимнинг фарзанди эканларини ҳеч бир кимсага асло айта кўрмасинлар. Графнинг ўғли Луижи тўққиз ёшларда, қизи Виоланта — еттига кириб қолган эди, аммо улар ҳали гўдак бўлсалар ҳам оталарининг ўғитини жуда яхши тушундилар ва кейинчалик буни амалда исботладилар. Бехавотирроқ бўлсин учун ота фарзандла-

¹ Қале — Франциянинг шимолида, Дувр бўғози бўйидаги шаҳар (Тарж.)

рига бошқа исм қўйишни мақбул кўрди ва шундай қилди ҳам: болага Перотто деб, қизга — Жаннетта деб от қўйди. Улар чувринди кийимда шаҳарга кириб бордилар ва худди ҳозир француз гадо-лар бизнинг кўз олдимизда қандай тиламчилик қилишса, шу тарзда садақа сўраб кун кўра бошладилар.

Бир кун и эрталаб улар черков олдида қўл чўзиб гадойчилик қилиб туришган эди, тасодифан қирол маршалларидан бирининг рафиқаси, кибор хоним, ибодатдан чиқиб кела туриб, хайр-садақа сўраб турган граф билан унинг болаларига назар ташлади. Сўнг у яқин келиб графдан, қаерлик бўласиз, булар сизнинг болаларингизми, деб сўради; граф ҳам унга жавобан деди: «Ўзим пикардиялик¹ бўламан, аммо бадкирдор тўнғич ўғлимнинг дастидан икки мурғак боламини олиб, қадрдон элимдан бош олиб чиқиб кетишга мажбур бўлдим». Графнинг қизи жуда истараси иссиқ, ёқимтой, сернавозиш қизалоқ эдиким, у меҳри дарё хонимнинг кўнглига хуш ёқиб қолди. «Марҳаматли зот! — деди хоним. — Қизчангни менга бер, мен уни бажону дил ўзимга қиз қилиб оламан—қизчанг жудаям ёқимтой экан. Тамизли қиз бўлиб ўсса, бўйи етганда бирон олижаноб одамга узатгум».

Кибор хонимнинг илтимоси графга маъқул тушди; у шу заҳоти-ёқ бунга розилик билдирди ва кўз ёш қилиб, қизини хонимнинг ихтиёрига топширди. У шу тарзда қизини жойлаштириб, уни оқкўнгил одамлар қўлига топширгач, бундан буён бу ерда қолмасликка қарор қилди. Граф тиланчилик билан кун кечириб, бутун орол² бўйлаб узоқ вақт тентираб юрди; у пиёда юришга одатланмагани учун кўп машаққатлар чекиб, ахири, Перотто билан биргаликда Уэллс шаҳрига етиб борди. Бу ерда ҳам бир маршал яшарди; у соҳиби карам одам бўлиб, эшиги ҳаммага бирдак очиқ эди, шу боисдан граф ҳам ўғли билан уникига тез-тез қорин тўйғазгани кириб турди. Маршалнинг ўғли ва бошқа кибор оилаларнинг болалари қаср саҳнида шўхлик қилиб ўйнашарди: югуришар, сакрашарди, Перотто ҳам улар билан бирга ўйнар ва айрим машқларда худди кибор болаларидек, бошқа бир хилларида эса, у болалардан ҳам яхшироқ маҳорат кўрсатар эди. Маршал уни эътибор билан кузата бошлади. Перотто хулқ-одоби, ўзини тута билиши билан маршалнинг эътиборини тортган эди, оқибат маршал қизиқсиниб, унинг химлигини суриштирди. Унга айтдиларки: «Бу аҳён-аҳёнда садақа сўраб келадиган бир ғарибнинг ўғли». Маршал болани ўз тарбиясига олишни ихтиёр қилди, графнинг ҳам бирдан-бир орзуси шу эди: ўз фарзандидан айрилиш нақадар оғир бўлса ҳам, у ҳеч иккиланмай ўғлини маршалнинг ихтиёрига топширди. Граф шу тариқа қизининг ҳам, ўғлининг ҳам тақдирини ҳал қилиб, энди Англиядан бош олиб чиқиб кетмоқчи бўлди, у ёлғон-яшиқ важ-баҳоналар билан бир амаллаб Ирландияга ўтди, Стренгфордга борди,— у ерда бир графнинг вассалига хизматкор бўлиб ёлланди ва узоқ

¹ Пикардия — Франциянинг ғарбидаги вилоят. (Тарж.)

² Орол — Англия (тарж.)

муддат ўзини ҳеч кимга танитмаган ҳолда, муттасил уқубат ва муҳ- тожликда яшаб, малайлик ва отбоқарлик вазифасини ўтади.

Энди гапни Виолантадан эшитинг, у, яъни Жаннетта Лондонда қибор хоним уйда яшади, бўйи етиб, ҳусни жамоли тобора камол топди, шуниси таажжубки: ҳамма — хоним ҳам, хонимнинг эри ҳам, оила аъзолари ҳам, уларнинг барча таниш-билишлари ҳам қизни яхши кўришарди; бу даргоҳда биронта ҳам одам йўқ эдики, қизнинг феъли атворини, хатти-ҳаракатини кузатиб, бу қиз ҳамма жиҳатдан осуда, иззат-ҳурматда яшашга лойиқ, деб ўйламаган бўлсин. Хоним бу қиз ҳақида унинг отаси айтган гапдан бўлак ҳеч нима билмас эди, шунга қарамай, у қизга муносиб қайлиқ топмоқчи, яъни қизнинг хонимга маълум бўлган рутбасига монанд қилиб паст табақали бирон йигитни топмоқчи бўлди. Вале, одамзоднинг жами фазилятларини мурувват билан баҳоловчи олло таолло, қизнинг яхши оила фарзанди эканлигидан, унинг ҳеч қандай гуноҳи йўқлигидан ва ўзгалар касрига қолиб шу аҳволга тушганидан огоҳ бўлиб, ўзгача ҳукм чиқарди ва афтидан, аслзода қиз яна биронта тўпори одамга насиб қилмасин учун бўлса керак, тангри-нинг марҳамати билан ушбу ҳол содир бўлди.

Қибор хоним билан эрининг биттаю битта ўғли бўлиб, улар уни наинки ўз фарзандлари бўлгани учун, шунингдек, унда мавжуд бўлган фазилятлар ва ақлий баркамоллик учун ҳам жуда-жуда яхши кўрардилар: у хушодоб, жасур ва ўктам йигит эди. У Жаннеттадан олти ёшча катта, Жаннета эса, ниҳоятда ҳусндор ва дилрабо қиз эди, йигитча унга ошиқу шайдо бўлиб қолдиким, унинг фикрича, Жаннеттадан гўзалроқ қиз дунёда бўлмаганмиш. Вале, у қизнинг аслзодалар насабидан эмаслигига тушунгани учун унга уйланишга отаси билан онасидан ижозат сўрашга наинки юраги дов берди, балки шундай паст табақадан ўзига хотин топибди, деган таъна-маломатлардан кўрқиб, ўзининг ишқий ҳиссиётларини қурби етганча пинҳона сақлади. Лекин бора-бора бу ишқ дарди уни оғир бетоб қилиб қўйди. Беморни табиблар келиб кўришди, бироқ улар хасталик аломатларини синчиклаб ўрганиб чиққандан кейин ҳам беморнинг дардини аниқлай олмадилар ва йигитнинг соғайиб кетишига ҳеч қандай умид йўқ, деб хулоса чиқардилар. Буни эшитган ота билан онанинг юраклари эзилиб, қаттиқ изтироб чека бошладилар. Улар бемор ўғиллари тепасида юм-юм йиғлаб, қайта ва қайта ундан хасталик сирини айтишни ёлвориб сўрадилар, аммо бемор ўғил жавоб бериш ўрнига ё хўрсинар, ё нари борса, куним битганини сезяпман, дерди, холос.

Лекин кунлардан бир кун беморнинг тўшаги ёнида, гарчи ёш бўлса ҳам анча тажрибали бир табиб унинг томирини ушлаб ўтирган эди, шу чоғ хонага Жаннетта кириб келди, у ўз бекасининг кўнглини кўтариш мақсадида касални фидойилик билан парвариш қиларди. Йигит уни кўрганида бир оғиз ҳам сўз демади, қилт этмади ҳам ва лекин юрагидаги муҳаббат оташи кучлироқ аланга олди-ким, бунинг оқибатида, томир уриши тезлашди. Бу ҳол табибни таажжублантирди ва у бу ҳолатнинг қачонгача давом этишини кузатишга қарор қилди. Жаннетта хонадан чиқиб кетган эди, бе-

морнинг томир тегиши сустлашди, ана шунда табиб, ҳадемай жумбоқни ечилишига кўзи етди. У бир оз фурсат ўтказиб, илло, касалнинг томирини ҳамон қўйиб юбормай, Жаннеттадан сўрайдиган гапим бор, деган баҳона билан уни яна ёнига чақиртирди. Жаннетта ҳам зум ўтмай кириб келди. Қиз остонадан кириб улгурмасдан беморнинг томири яна гупиллаб ура бошлади, қиз хонадан чиққан эди — яна томир тегиши сусайиб қолди.

Энди табибга ҳамма нарса ойдинлашган эди; у ўрнидан турди ва ота билан онани бир чеккага бошлаб бориб, шундай деди: «Ўғлингизнинг дардига шифо бериш учун табиблар ожиздирлар, унинг саломатлиги Жаннеттанинг қўлида: баъзи бир аниқ нишонларга қараганда, ўғлингиз у қизни ниҳоятда кучли эҳтирос билан севаркан ва лекин қиз, менинг шахсий мушоҳадамга қараганда, бу ҳолдан тамомила беҳабар. Энди агар ўғлингиз сиз учун азиз бўлса, уни дардидан фориғ қилиш учун қандай йўл тутишни ўзингиз бир ўйлаб кўринг».

Акобир зот билан унинг хотини ўғилларининг дардига малҳам топилганидан ғоятда масрур бўлдилар, лекин айни пайтда, бу малҳам ўзлари хавотир олиб юрган восита, — яъни Жаннеттага уйланиш бўлиб чиққанидан жуда маҳзун бўлдилар.

Табиб жўнаб кетиши билан улар беморнинг тепасига келдилар ва она унга шундай гаплар билан юзланди: «Ўғлим! Ўз армонингни мендан пинҳона тутасан, деб асло ўйламаган эдим, айниқса, ҳозир, саломатлигинг ўшал армонингнинг ушалишига боғлиқ эканлигини ўзинг ҳам билиб турган пайтда мендан ҳеч нимани яширмаслигинг керак эди — ўзинг бир эмас, бир неча маротаба иқрор бўлган эдинг, ниманики орзу қилсанг, ҳаммасини, ҳаттоки кўнглимга хуш ёқмаган истакларингни ҳам худди ўзим учун қилаётгандай муҳайё қилган эдим. Гарчи сени ўзингга раҳминг келмаса ҳам, гарчи менинг олдимда гуноҳкор бўлсанг ҳам, парвардигор сендан ўз шафқатини дариг тутмади: дардинг сени гўрга олиб кетмасин учун хасталигинг сабабини менга аён этдиким, унинг замирида бор-йўғи сенинг қандайдир бир қизни ғайри табиий муҳаббат билан севиб қолганинг ётар экан. Сен бу ниятингни бизга ошкор қилмасдан бекорга йманибсан — ахир ҳозир сенинг авжи балоғатга етган, уйланадиган пайтинг-ку, агар шу чоққача биронта ҳам қизга ошиқ бўлмаганинга эди, мен сени ҳурмат қилмай қўйган бўлардим. Демакки, ўғлим, мендан асло тап тортма, юрагингдаги армонингни дадил гапиравер. Ғам-ғуссани тарк эт, саломатлигингга зарар етказувчи ҳар қандай хаёлларни бошингдан чиқариб ташла, руҳингни тетик тут ва ишонгинким, илтимосингни, у қандай бўлишига қарамай, бажо келтиргайман, — сени мен жонимдан ортиқ яхши кўраман, ахир! Андиша ва қўрқувни даф қилиб, менга айт, ишқий орзуйингни ушатишда бирои жиҳатдан кўмагим тегмасмикен сенга. Агар борди-ю, менинг ҳеч нимага уринмаётганимни ва берган ваъдамнинг устидан чиқмаётганимни кўрсанг, мени дунёда энг тошбағир она деб ҳисоблашинг мумкин».

Ҳигит онасининг гапларини эшитиб, аввалига уялиб кетди, ле-

кин шу оннинг ўзида ҳеч ким унинг дардига онасичалик даво топа олмаслигини тушуниб, уятни енгди. «Онажон!»— деб гап бошлади у.— Ишқимга иқрор бўлишдан мени шу нарса тийиб турган эди: мен жуда кўп марта пайқаганманким, ёши улуг одамлар, ўзларининг ҳам бир замонлар ёш бўлганликларини эслашни ёмон кўрадилар. Ва лекин, сизнинг оқилона мулоҳаза қилаётганингизни кўриб, мен, гапингизга қараганда, ўзингиз ҳам воқиф бўлган нарсадан тонмоқчи эмасман,— билъакс: сизга ҳамма сиримни очиқ баён қиламан, лекин бир шартим бор: агар сиз имкони борича тезроқ сўзингизнинг устидан чиқсангиз,— шундагина шифо топишим мумкин».

Онанинг миясида шу зумдаёқ бир режа тузилди, у ўзининг муваффақият қозонишига олдиндан қатъий ишониб,— ваҳоланки ул режанинг рўёбга чиқмаслиги аниқ эди,— ўғлига, мендан ҳеч қандай сирни яширма, зеро сенга яхшилик қилиш учун ҳеч нарсадан қайтмайман, деб рўй-рост гапирди.

«Онажон!»— деб яна гапира бошлади йигит.— Бир ёқдан Жаннеттамининг таърифга сизмас гўзаллиги ва комил хулқи одоби, иккинчи ёқдан эса — наинки у қизда менинг ишқимга жавоб ҳисси уйғотиш, ҳеч бўлмаганда, унинг ҳамдардлигига мушарраф бўлишининг ҳам асло имкони бўлмаганлиги, шунингдек, юрак сиримни биронта одамга ошкор қилишдан қўрқиш — буларнинг ҳаммаси мени шу аҳволга солиб қўйди. Энди борди-ю, сиз қандай қилиб бўлмасин, ўз ваъдангизнинг устидан чиқмасангиз, амин бўлингки, бу менинг куним битганидир».

Она ҳозир таъна-маломатнинг мавриди эмаслигини, ўғлининг кўнглини кўтариш зарурлигини тушуниб, унга табассум билан юзланди: «Оҳ, жигаргўшам! Ҳали сен шуни деб ўзингни шундоқ кўйга солиб ўтирибсанми? Руҳингни тетик қил, тезроқ соғай, қолганини эса, менга қўйиб қўй».

Умидвор қилинган хаста йигит тез тузала бошлади, бунини кўриб беҳад хурсанд бўлган она, энди берган ваъдасини қандай қилиб тезроқ амалга ошириш ҳақида ўйлай бошлади. Кунларнинг бирида у Жаннеттани ёнига чақиртириб, мулоим ва мутойиба оҳангда ундан, севган йигитинг борми, деб сўради.

Жаннетта чўғдек қизариб кетди. «Бегойим!»— деди у.— Ота паноҳидан жудо бўлган, бировлар эшигида хизматкорлик қилиб кун ўтказаятган йўқсил қизнинг миясини ишқий хаёллар банд этиши мумкин эмас ва у асло бундай қилмаслиги керак».

«Агар севган йигитинг бўлмаса, унда ўзимиз топамиз,— деди хоним,— у билан сен хуррам яшайсан, бўлмаса, бу ҳусни жамолинг бекорга сўлиб қолади: шундай гўзал қизнинг маҳбуби бўлмаслиги яхши эмас».

Жаннетта унинг бу гапига эътироз билдирди: «Бегойим! Сиз мени қашшоқ отамдан олиб, ўз қизингиздек тарбиялаб ўстирдингиз, бинобарин, мен сизнинг ҳар қандай истаklarингизни ҳам бажаришим шарт, илло, бу хоҳишингизни эмас, ўйлайманки, шундай қилсам виждонан иш тутган бўламан. Агар сиз мени эрга беришни ихтиёр қилган бўлсангиз, унда эримни севаман, лекин фақат эрим—

ни. Ота-боболаримдан менга ёлғиз номусимгина мерос қолган, мен бу номусимни ўла-ўлгунимча сақлаб, ҳимоя қиламан».

Хоним ўғлига берган ваъдасининг устидан чиқишга интилганида, қиздан мутлақо бошқача жавоб кутган эди, бироқ, у оқила аёл бўлгани учун, қизнинг жавобини юракдан маъқулламай иложи йўқ эди. «Нима деяпсан, Жаннетта! — деди у. — Борди-ю, навқирон маҳбуб, яъни қирол аъло ҳазратлари сендек дилбар қизнинг муҳаббатидан баҳраманд бўлишни ихтиёр қилсалар, наҳот сен уни рад этардинг?»

«Қиролнинг мени мажбур қилишга ҳақи бор, — деб дарҳол жавоб қилди Жаннетта, — лекин менинг розилигимсиз номусимга зиён етказадиган ҳеч қандай ишга қиролнинг ҳам қурби етмасди».

Хоним Жаннеттанинг кайфиятини тушуниб олиб, суҳбатни тўхтатди-ю, лекин уни бир синаб кўришни кўнглидан ўтказиб қўйди. У ўғлига, соғайганингдан кейин, Жаннетта билан икковингни бир хонага жойлаштираман, кўнглинг нимани тусаса, ўз кучинг билан эришаверасан, илло мен қўшмачи хотинга ўхшаб, ораларингда воситачилик қилолмайман, деди. Уғил бунга кўнмади ва яна саломатлиги ёмонлашиб қолди. Шунда она ўз ниятларини Жаннеттага очиқ баён қилиб, у билан дардлашди. Аммо Жаннетта яна ҳам қаттиқроқ оёқ тираб туриб олди, ана шундан кейин, она ҳамма гапни эрига айтиб берди, оқибат улар гапни бир ерга қўйиб, ўлганларининг кунидан ўғилларини уйлаштиришга қарор қилдилар, зеро улар унинг уйланмасдан ўлиб кетганидан кўра, ўз тенгига бўлма-саям уйланиб, тирик қолишини афзал кўрардилар; ота билан она буни ҳар ёқлама муҳокама қилишгач, ахири шундай қилишди ҳам. Жаннетта саодатнинг энг сарбаланд чўққисиди эди ва гарчи у шафқатини дариг тутмагани учун парвардигорга чин юракдан минг қатла шукур қилаётган бўлса ҳам ҳамон пикардияликман, деб айтарди ўзини. Йигит шифо топди, тўй-томоша қилиб, хотини билан саодатда кун кечира бошлади.

Булар фароғотда яшаб юраверишсину энди гапни Уэллсда, Англия қиролининг маршали ихтиёрида қолган Пероттодан эшитинг: у ҳам ўсиб-улғайди, ўз соҳибининг эътимодига мушарраф бўлди ва оролда энг биринчи ўктам ва диловар йигит бўлиб қолдики, энди на куч синашда, на от пойгасида, на кўнгилочар курашларда у билан беллашишга юраги дов берадиган мард топиларди; пикардиялик Перотто номи билан бутун мамлакатга доврўғи кетган эди унинг. Синглисидан марҳаматини дариг тутмаган парвардигор уни ҳам карамидан бенасиб қилмади: мамлакатга тарқалган ўлат аҳолининг қарийб ярмини қийратиб кетди, омон қолганларнинг аксарият қисми эса, бу мудҳиш офатдан ўзга юртларга бош олиб кетдиким, оқибатда бу ўлка буткул ҳувиллаб қолди. Вабо пайтида маршал, унинг хотини, оға-инилари, жиянлари ва бошқа хеш-ақраболари нобуд бўлишди — фақат маршалнинг бўйи етган қизи, Перотто ва яна баъзи бир хизматкорлар омон қолгандилар. Мана, ўлат офати ўтиб кетгандан кейин, қиз омон қолган бештаўна шаҳарлик киборларнинг фатвоси ва маслаҳати билан Пероттога турмушга чиқадиغان бўлди, зеро у йигитнинг шижоат ва сахо-

ват соҳиби эканлигини биларди, шунга кўра, қиз ўзига мерос бўлиб қолган жамики мол-давлатга Пероттони соҳиб қилди. Яна бир оз вақтдан кейин эса, Англия қироли маршалнинг вафот этганидан ва пикардиялик Пероттоннинг жасоратидан хабар топиб, уни марҳум маршал ўрнига тайинлади. Жуллас, граф Антверпенийнинг беғуноҳ икки фарзанди ҳаётида қисқа бир вақт ичида мана шундай ўзгаришлар содир бўлди, ваҳоланки, граф ўз фарзандлари билан видолашганида уларни бошқа кўришдан умидини узган эди.

Энди гапни граф Антверпенийдан эшитинг; у Париждан бош олиб чиқиб кетгандан буён ўн саккиз йил вақт ўтди, мана, эндиликда, Ирландияда ғам-ташвишда кун кечириб, қариб қолган пайтида, қандай қилиб бўлмасин болалари ҳолидан хабар олиш истаги кўнглига маҳкам жо бўлиб қолди. Графнинг ташқи қиёфаси жуда ҳам ўзгариб кетган эди, лекин шунга қарамай, тинимсиз жисмоний меҳнат билан шуғуллангани туфайли, ўзини бир вақтлардаги беармон, ҳаловатли ёшлиги пайтидагидан ҳам бардамроқ ҳис қиларди, мана у ахири, бу ўлкага қандай қашшоқ бўлиб келган бўлса шу қашшоқлигича жулдур кийимда, узоқ йиллик хўжайини ихтиёридан бош олиб жўнаб кетди ва Англияга етиб бориб, Перотто билан видолашган шаҳарга йўл олди. Унинг кўз олдида паҳлавон, ўктам, зодагон йигит — маршал намоен бўлди. Буни кўриб, графнинг кўнгли тоғдек кўтарилди, лекин у то Жаннеттанинг ҳолидан хабар олмагунча ўзини танитмасликка аҳд қилди. Шу боисдан у яна йўлга тушиб, то Лондонга етиб олгунча ҳеч қаерда манзил қурмади. Граф қизи Жаннеттани олиб қолган ўшал хонимга нима бўлганини гоийбона суриштириб, қизининг унга келин бўлганидан хабар топди; шунда у фарзандларининг соғ-саломат ва фароғатда яшаётганидан ўзида йўқ хурсанд бўлиб кетдики, ўтмишда бошига тушган оғир савдолар бу шодмонлик олдида йўқдай бўлиб кетди. У Жаннеттани ўз кўзи билан кўрмоқ ниятида, тиланчилик қилётган одамдай, қўшни уйларнинг деразалари остида тентираб юрди. Шундай пайтлардан бирида Жаннеттанинг эри Жаккетто Ламиенс графни кўриб қолди ва қашшоқ чолга раҳми келиб, ўз хизматкорларидан бирига, уни уйга бошлаб киришни ва худо йўлига қорини тўйғазишни буюрди, хизматкор ҳам дарҳол буйруқни бажарди.

Жаннетта Жаккеттодан бир неча ўғил кўрган бўлиб, тўнғичи энди саккизга кирган эди — бундай дилбар, бундай дўндиқ болалар бутун дунёда ҳам топилмасди. Болалар стол ортида ўтирган графни кўришган заҳоти, унинг сиз атрофини ўраб олдилар ва гўё гоийбдан келган товуш уларнинг қулоғига, бу сизларнинг боболарингиз бўлади, деб шипшигандай, чеҳралари очилиб хурсанд бўла бошладилар. Граф эса, буларнинг ўз набиралари эканини жуда яхши билганидан, уларни эркалаб, ардоқлай бошлади, улар ҳам мураббийларининг «ҳой-ҳой»лашига қулоқ солмай, чол олдидан нари кетмасдилар. Шу чоғ ўз хонасидан Жаннетта чиқиб келди ва болаларга, агар мураббийнинг сўзига кирмасанглар, калтак ейсизлар, деб пўписа қилди. Болалар йиғлаб юборишди ва бу меҳрибон одам билан ўйнашишни ёқтиришларини, чунки у уларни мураббий-

дан ҳам кўпроқ яхши кўришини айтишди. Жаннетта билан граф кулиб юборишди. Граф ўрнидан турди ва ота ўз қизига эмас, балки мискин бир киши бойвучча хотинга эҳтиром қилгандай унга ўз миннатдорчилигини изҳор қилди, сўнг унга бошдан-оёқ разм солиб руҳи энгли тортди. Вале, Жаннетта ўз отасини ўшанда ҳам, ундан кейин ҳам ҳеч танимади, чунки улар видолашгандан буён, граф жудаям ўзгариб кетган, соқоли ўсган, озган ва қорайган эди,— хуллас тамомила бошқа одам бўлиб қолган эди. Болалар ҳамон чол атрофида гирдикапалак бўлишар ва «кетманг», деб йиғлашарди, шунга кўра, Жаннетта мураббийдан, болаларни бир оз чол олдида бўлишига ижозат беришини сўради.

Болалар қария атрофида эркаланишиб, гурпанглашиб ўйнашаётганда Жаккеттонинг отаси уйга кириб келди ва ҳамма гапни мураббийдан эшитди; у келини Жаннеттани ёмон кўрарди, шунинг учун бундай деди: «Э, бахтлари қора бўлгурлар! Зотига тортишганда, оналарининг отаси саёқ одам эди, шу боисдан буларнинг ҳам саёққа суйкалишига ҳеч ажабланмаса бўлади». Бу гап графнинг қулоғига кириб қолиб, кўнглига қаттиқ ботди, лекин шу заҳотиёқ, гўё бу таҳқирни ҳам бу янглиғ жуда кўп дашномлар сингари кўнглидан чиқариб юбормоқчи бўлгандай, елкасини бир силкитиб қўйди. Болаларининг бу оқкўнги чолни, яъни графни яхши кўриб қолишгани Жаккеттога ҳам ёқмади, бироқ у болаларини шу қадар яхши кўрардики, фақат уларни ранжитмаслик учунгина бу одамни, агар хўп деса, хизматга олиш ҳақида фармон беражагини айтди. Чол розилик билдирди, вале умрбод отбоқарлик қилганини, қўлидан бошқа ҳеч қандай иш келмаслигини айтди. Унга парвариш қилгани битта от беришди, бўш вақтларида эса, у болаларни ўйнатиб юрди.

Тақдир граф Антверпений билан унинг болалари бошига юқорида зикр этилгандек савдолар солган бир пайтда, Франция қироли немислар билан бир неча сулҳ шартномаси тузиб, оламдан ўтган ва энди тахтга унинг ўғли ўтирган эди, маълумингизки, граф шу шаҳзоданинг хотини касофатига қолиб, юртидан қувғин қилинган эди. Немислар билан тузилган охириги сулҳ шартномасининг муҳлати тугагандан кейин, янги қирол яна хунрезлик урушини бошлаб юборди, у билан яқинда қариндош тутинган Англия қироли эса, унга мадад сифатида маршал Перотто ва иккинчи маршалнинг ўғли — Жаккетто Ламиенс қўмондонлигида беҳисоб лашкар юборди. Мўътабар қария, яъни граф ҳам ўз хўжаси билан майдони ҳарбга равона бўлди; у ўзини танитмаган ҳолда узоқ вақт отбоқарлик вазифасини ўтади, лекин у ишбилармон одам бўлгани учун ёрдамига озми-кўпми муҳтож бўлганларнинг ҳаммасига ҳам маслаҳат билан, ҳам амалий иш билан қўмаклашарди.

Шу уруш пайтида Франция қироличаси қаттиқ бетоб бўлиб ётиб қолди. У куни битиб қолганини сезиб, самимий христиан аёли сифатида, бир вақтлар қилган гуноҳидан ташвишга тушди, тавбатазарру вақтида, ўзининг авлиёсифат ва зоҳидона кун кечириши билан барчага маълум ва машҳур бўлган архиепископ Руанийга ҳамма гапни очиқ айтиб бериб, қилган гуноҳларига тавба қилди ва

қандай қилиб графнинг бегуноҳ жабр чекканини баён қилди. Бу билан қироличанинг кўнгли таскин топмади: тавба-тазаррудан сўнг у ҳамма бўлган воқеани кўпгина мўътабар зотларга ҳам батафсил сўзлаб берди ва уларга юзланиб, қиролга ўз гапларини ўтказишни илтижо қилдиким, токи қирол, агар граф тирик бўлса, унинг ҳуқуқларини қайта тикласин, борди-ю, ўлган бўлса, унинг тирик қолган биронта боласига графлик унвонини берсин. Шундан кейин хиёл вақт ўтгач, қиролича бандаликни бажо келтирди, уни мартабасига яраша иззат-икром билан дафн этдилар. Қиролга унинг эътирофини етказганларида, қирол шундай яхши одамни бекордан-бекор қаттиқ жазога мустаҳиқ қилинганидан ранжиб, қўшинлар ичида, шунингдек, бошқа кўпгина ерларда ҳам ўзининг ушбу фармонини жар солиб овоза қилишни буюрди; яъни, кимда-ким граф Антверпенийнинг ёнқи унинг фарзандларидан биронтасининг қаердалигидан уни, демакки, қиролни огоҳ қилса, у ҳар қайси топган одамни учун беҳисоб миқдорда туҳфа олгусидир, зеро қироличанинг ўлими олдидан қилган тавба-тазаррусидан сўнг унга, яъни қиролга шу нарса аён бўлдиким, граф ноҳақ бадарга қилинган экан, шунга кўра, қирол графга наинки аввалги ҳуқуқларини инъом этмоқчи, балки уни аввалгисидан ҳам зиёдроқ рутба ва унвонлар билан тақдирламоқ ниятидадур. Ҳамон отбоқарлик қилиб юрган граф қирол фармонини эшитиб ва унда чин ҳақиқат баён этилганига ишонч ҳосил қилиб, дарҳол Жаккетто ҳузурига борди, қирол ахтараётган одамларнинг қаердалиги менга маълум, деган важ билан уни Перотто олдига бошлади.

Улар учовлари учрашишди, шунда граф, ўзини қиролга танитгани отланаётган Пероттога шундай гаплар билан юзланди: «Перотто! Мана шу Жаккетто сенинг синглингга уйланган, лекин у синглингни ҳеч қандай сепсиз хотинликка олди, мана шу сабабга кўра, синглинг сепсиз келин бўлмаслиги учун, қирол томонидан сен учун — зеро сен граф Антверпенийнинг ўгли бўласан, — сенинг синглинг, яъни унинг рафиқаси бўлмиш Виоланта учун ҳамда сизларнинг оталарингиз граф Антверпений, яъни мен учун ваъда қилинган чўнг мукофотни ҳеч ким эмас, айнан мана шу куёвнинг олишини истайман».

Перотто графга тикилиб уни дарров таниди, кўз ёши қилиб тиз чўкди, унинг тиззаларини қучди ва: «Салом, дадажон!» — деди.

Жаккетто графнинг гапларини эшитиб ва Пероттонинг чол қаршисида тиз чўкканини кўриб, шодиёна ҳайратдан гангиб қолди, шундай бўлса ҳам унинг айтганларига ишонди ва ўзининг отбоқар — графга қилган доимий таҳқирларидан хижолат бўлиб, кўзлари жиққа ёш ҳолда унинг оёғига йиқилди-ю, ҳақирона илтижо билан унга юзланиб, илгарилари берган озорлари учун узр сўради, — граф уни ўрнидан турғазиб олиҳимматлилиқ билан — мардона кечирди. Учовлари бир-бирларига ўз бошларидан кечирган турлича саргузаштларни баён қилишиб, йиғлашиб, шодланишиб олишгандан кейин, Перотто билан Жаккетто графнинг кийимини алмаштирмоқчи бўлган эдилар, бироқ граф бундан қатъиян бош тортди, сўнг у Жаккеттодан талаб қилди: «Қирол ваъда қилган мукофотни оли-

шингга ишонч ҳосил қилганингдан кейин, мени унга шу отбоқар кийимида кўрсатгинки, у аҳволимни кўриб яна ҳам бешбаттар хи- жолат тортсин».

Алқисса, Жаккетто, унинг орқасидан эса, граф ва Перотто қирол истиқболида пайдо бўлдилар, шунда Жаккетто, агар қирол уни ўз фармонида айтганидек мукофотласа, унинг ҳузурига граф билан болаларини бошлаб келишини айтди. Қирол дарҳол ўша тайинланган туҳфани олиб келишни буюрди, туҳфанинг ниҳоятда соҳиби карамлик билан тайинланганини кўрган Жаккетто ҳайратга келди, қирол эса, унга, агар сўзингнинг устидан чиқиб, менга граф билан унинг болаларини кўрсатсанг, шу мукофот сеники бўлажак, деб айтди. Шунда Жаккетто орқасига ўгирилиб, отбоқар — граф билан Пероттони олдига чиқарди-да, деди: «Аъло ҳазрат! Мана, ота билан ўғил. Қиз, яъни менинг рафиқам бу ерда йўқ, вале, худо хоҳласа, ҳадемай уни ҳам кўрурсиз». Қирол тиз чўкиб таъзим қи- либ турган графга тикилиб қаради, гарчи жуда ўзгариб кетган бўл- са ҳам қирол разм солиб туриб, ахири таниди, кўзи ёшланиб, уни ўрнидан турғазди, қучоқлади, ўпди, сўнг самимият билан Перотто- ни қутлади ва шу бугундан эътиборан графнинг ҳамма нарсаси — либоси ҳам, хизматкорлари ҳам, отлари ҳам, қурол-аслаҳалари ҳам унинг рутбасига муносиб бўлсин, деган фармон берди ва бу фармон зудлик билан бажо келтирилди. У Жаккеттога илтифот кўрсатиб, унинг ҳаётини ҳам билишни ихтиёр қилди. Жаккетто, қирол ҳузу- рига граф билан унинг ўғлини бошлаб келгани учун тайинланган улкан мукофотга муяссар бўлди, шунда граф унга бундай деди: «Қирол аъло ҳазратларининг ушбу сахий туҳфасини қабул қилиб ол, илло, ўз отангга шуни айтиб қўйишни унутмаки, сенинг ўғил- ларинг ва менинг набираларимнинг она томонидан бобоси — саёқ эмас».

Жаккетто мукофотни олиб, хотинини ва ўз отасини Парижда чақиртирди, Пероттонинг ҳам рафиқаси бу ерга етиб келди, шундан бошлаб ҳаммалари, бинобарин, граф ҳам саодатли турмуш кечира бошладилар, қирол графнинг аввалиги жами ҳуқуқларини тиклаш билан бирга, боз устига, мартабасини ундан ҳам ошириб юборди. Ана шундан кейин, қиролнинг розилиги билан унинг меҳмонлари ўз юртларига қайтдилар, қиролнинг ўзи эса, то умрининг охиригача Парижда яшади, дейдиларки, у ҳеч қачон бундаин доврўққа му- шарраф бўлмаган экан.

9

Генуялик Бернабо исмли бир одам Амброжолонинг ёлгон гапларига учиб, бутун мол-давлатидан айрилади ва мутлақо бегуноҳ хотинини ўлимга маҳ- кум этади; бироқ хотини ўлимдан қутулиб қолишга муваффақ бўлиб, эркак либосида султон хизматига ёлланади; у Искандарияда алдоқчи Амброжо- лони учратиб, Бернабони ҳам ўша ерга чақиртиради, фирибгар жазоланади, хотин эса, яна аёллик либосини кияди-да, кўп давлат орттириб, эри билан бирга Генуяга қайтади

Элисса ғоят таъсирли қиссасини сўзлаб бўлиб, ўз бурчини адо этгач, малоҳатлилиги, хушмуомалалиги билан ажралиб турувчи зебо, сарвқомат қиролича Филомена бир оз ўйланиб туриб, шундай деди:

— Дионео билан тузган аҳдимиз ўз кучида қолмоғи лозим, демакки, у билан мендан бошқа ҳикояхон қолмаганлиги сабабли, ҳозир мен ҳикоямни бошлайман; Дионео эса, ўз илтимосига кўра, мендан кейин сўзлайди.

Кейин у шундай ҳикоя қила бошлади:

— «Алдоқчи ўзи алдаган одамидан қочиб қутула олмайди», деган халқ мақолини ҳамма яхши билади. Бу мақолнинг ҳаққоний эканлигини ақлий тасаввур билан исботлаш мушкул — уни ҳаётда содир бўлган ҳодисаларгина тасдиқлай олади. Шундай қилиб, дилрабо хонимлар, берилган мавзудан четга чиқмаган ҳолда ўшал мақолнинг ҳаққонийлигини исботлаш нияти хаёлимга келиб қолди. Уйлайманки, сизлар ҳикоямни зўр қизиқиш билан тинглайсиз, зеро у сизларни фирибгарлардан эҳтиёт бўлишга ўргатгусидир.

Кунлардан бир кун Париждаги меҳмонхоналарнинг бирига италиялик энг давлатманд савдогарлардан бир гуруҳи келиб тушди, одатда, улар бу ерга ўз тижорат ишлари юзасидан келардилар. Мана улар бир куни маишат билан ўтган кечлик овқатдан кейин ўзаро турли-туман мавзуда фикр юрита бошладилар: гап айланиб бориб, ниҳоят уйда қолган ўз хотинларига бориб тақалди.

Шунда улардан биттаси ҳазил қилиб қолса бўладими: «Ҳозир менинг хотинчам нима билан шуғулланаётганини билмайману, — деди у. — Фақат бир нарсага аминман: башарти бу ерда биронта дўндиқ қиз жинимга ўтириб қолса, хотинга бўлган вафодорликни бир чеккага йиғиштириб қўярдиму ўша қиз билан маза қилиб айшимни сурган бўлардим».

Савдогарлардан яна бири бундай деди: «Мен ҳам ҳозир ёстиқ-дошимнинг қандай вақтичоғлик қилаётганини тасаввур этаяпман! Борди-ю, тасаввур қилмаган тақдиримда ҳам у барибир кўнгилхушлигини қилаверади. Келинлар, биз ҳам кўнгилхушлик қилайлик: ахир, чиллаки чиллакини кўриб чумак уради, деган гап бор-ку.

Учинчи савдогар ҳам деярли шундай хулосага келди. Хулласи калом, уйда қолган хотинларининг вақтни бекор ўтказмаяпкани ҳақида ҳамма улфатларнинг гапи бир ердан чиқди.

Улардан фақат бир киши, Бернабо Ломеллин деган генуялик савдогар тамомила зид фикр айтди — унинг таъкидлашича, жуфти ҳалолойда, худойи таоланинг инояти билан аёл зотига мансуб бўлган жамки эзгу фазилатлар мавжуд экан, — мавжуд бўлганда ҳам қаёқдаги қаланғи-қасанғи итальян аёлларидаги фазилатдан юз чандон ортиқ экан, ҳаттоки, рицарлар ёки яроқбардорлар ҳам бу борада унинг хотини олдида ип эша олмас эканлар: хотини хушсурат, навниҳол, оёқ-қўли чаққон, матонатли ва ҳар қандай қўл ҳунарига, чунончи, ипак кашта тикиш ва шу сингариларга моҳир аёл экан. Яна у айтдики, дастурхон тепасида ўз соҳибига яхши ва чаққон хизмат қилишда биронта ҳам малай ё хизматкор унинг хотинига тенг кела олмас экан, зеро у яхши тарбия кўрган, фаро-

сатли ва тадбиркор аёл экан. Кейин Бернабо хотинининг жуда яхши чавандоз эканлигини, овчи қушларни яхши парвариш қила олишини таъкидлаб, ўқиш, ёзиш ва ҳисоблашга келганда, ҳар қандай савдогардан ҳам қолишмаслигини айтди. У шу йўсинда хотинининг мақтовини келтириб, суҳбат мавзунга ўтди ва менинг хотинимдек диёнатли, шарм-ҳаёли аёл бутун дунёда ҳам топилмайди, деб қасам ичди, сўнг у гапининг охирида, агар мен ҳатто ўн йилга ёки умрбод кетиб қолган тақдиримда ҳам барибир у бошқа эркакка қайрилиб қарамаган бўларди, деб комил ишонч билдирди. Унинг бу охирги сўзларини эшитган ҳамсуҳбатлардан Амброжоло деган пъяченчалик ёш бир савдогар хахолаб кулиб юборди, сўнг Бернабодан истеҳзо билан сўради: бундай имтиёзли хотинни сенга ким тортиқ қилди ўзи? Император аъло ҳазратлари эмасми яна? Гарчи бу савол Бернабога хийла оғир ботган бўлса ҳам у, хотинини менга император тортиқ қилгани йўқ, балки императордан минг чандон қудратли бўлган парвардигорнинг менга кўрсатган иноятидир у, деб жавоб қилди.

Амброжоло унга жавобан бундай деди: «Сен ўзининг ҳақлигинга астойдил ишонасан, Бернабо, бунга мен ҳеч қандай шубҳа қилмайман, илло, билишимча, кундалик ҳаёт мағзини чақиб кўрмаганга ўхшайсан, ахир сен фаросатли одамсан, башарти чақиб кўрганнингдами, унинг ичида сен шундай аломат ҳолларни кўрган бўлар эдингки, улар сени бу борада орқа-олдинга қараб гапиришга ўргатган бўларди. Биз ўз хотинларимизнинг бошқа тоифадан бўлгани ва сенинг хотинингга ўхшаб яратилмагани учун эмас балки ҳаёт тақозоси ўзи шуни уқтираётгани учун ҳам хотинлар ҳақида шунчалик ошкора гаплашаётимизки, буни сенга тушунтироқ учун бу мавзуда сен билан алоҳида мусоҳаба қилмоқчиман. Мен, эркак зоти — парвардигор яратган хилқатлар ичида энг мўътабар, деб азалдан эшитганман; эркаклардан кейин, кетма-кет аёл туради, бироқ эркак зоти афкор омманинг таъбирича — ҳаётнинг ўзи ҳам шундай деб ўргатади, — ғоятда баркамол хилқатдир, модомики, у энг юксак такомилга эришган экан, ҳеч шак-шубҳасиз ғоятда сабр-бардошли бўлиши лозим ва ҳақиқатда ҳам айнан шундай, зеро аёллар умуман олганда эркакка нисбатан беқарорроқдирлар, нега бундай — бунинг учун беҳисоб табиий сабаблар мавжуд, бироқ мен ҳозир бу борада эмас, бошқа мавзуда гапирмоқчиман. Айтмоқчиманки, бас, эркак зоти аёлга нисбатан саботлироқ экан, у аёлнинг илтимосини лутфан бажо айламай туролмайди, юрагидан урган ўшал жонона учун ундан ҳам ортироқ хизматни яъни уни тасарруф қилмоқ учун қўлидан келган ҳамма ишни қилмай туролмайди, шуни ҳам эътироф этиш лозимки, бу ҳол унинг ҳаётида ойда бир маротаба эмас, балки кунига минг карра содир бўладирки, доно эркак зоти ишқ даъвати билан ишга солиши мумкин бўлган шилқимликлар, хушомадлар, совға-саломлар ва сон минг хил воситалар олдида ўша табиатан беқарор бўлган хотин зоти ҳеч маҳалда лоқайд тура олармиди сенингча? Наҳотки сен уни шундай нарсаларга учмайди, деб ўйласанг? Сен шу фикрингда қаттиқ туриб олганинг билан барибир ўзинг ҳам шундай

бўлишига ишонмайсан, азбаройи худо. Ахир ўзинг айтаёсан-ку, хотинингни аёл киши деб, бинобарин, у ҳам барча аёллар сингари жон бирла тандан тажассум топгандир. Модомики, шундай экан, худди бошқа аёлларда мавжуд бўлган истак-армонлар одамзоднинг табиий мойилликларига монелик қилувчи куч сенинг хотинингда ҳам бўлиши муқаррардир. Мана шунинг учун ҳам хотининг юз чандон ор-номусли бўлса ҳам барибир, кези келганда, бошқа аёллар қандай иш кўрсалар, унинг ҳам худди шундай иш кўришига тамомила ишонаман, демакки, сен бекорга бунчалик қизишиб баҳслашяпсан ва аксини исботлашга уриниб бекорга овора бўляпсан».

Бернабо унинг бу гапига эътироз билдириб деди: «Мен файласуф эмас, савдогарман ва сенга ҳам савдогарчасига жавоб қиламан. Мен ўз фикримдан қайтмайман: сен назарда тутаётган ишни фақат бефаросат ва беҳаё аёллар қилади. Билъакс, шарм-ҳаёли аёллар ўз номусларига гард юқтирмай, уни қатъий муҳофаза қиладиларки, бунинг оқибатида улар, ўз ор-номуслари ҳақида қайғурмайдиган эркаклардан ҳам юксакроққа кўтариладилар. Менинг хотиним айнан мана шундай аёллар тоифасидандир».

Амброжоло ҳамон ўз гапидан қолмасди: «Шубҳасиз ҳар бир кўнгилхушликдан кейин, хонимларнинг пешоналарида уларнинг нима билан машғул бўлганларини билдирувчи шох ўсиб чиқиб турганида борми, албатта, бундай кўнгилхушликка иштиёқманд аёллар камдан-кам топилган бўларди. Лекин улар шу қадар тadbиркордирларки, шохларини кўрсатиш у ёқда турсин, ҳамма ишни ими-жимиди қиладилар, лекин бадномлик ва беорлик сиртга чиқмай қолмайдиган матоҳдир, агарки, ҳамма ишни «туя кўрдингми — йўқ» қабилда қилиш уларнинг қўлидан келаркан, ҳар бир дами ганимат билиб, фурсатдан фойдаланиб қолишлари турган гап, борди-ю, фойдаланмасалар, бу уларнинг аҳмоқлиги. Гапимга ишонавер: ҳеч қачон ҳеч кимнинг хушомадини эшитмаган ёинки илтижосини ҳеч ким эшитмаган аёлгина беқусурдир. Тушунаман, буларнинг ҳаммаси мутлақо табиий ҳол ва шундай бўлиши ҳам керак, илло, мен ўзим бундай ҳолни анча-мунча аёллар билан ўтказмаганимда, бу борада бу қадар ишонч билан гапирмаган бўлардим. Ижозатинг билан шу нарсани айтай: сен билан гаров боғлашим мумкин, мени ўша маъсума хотининг билан қисқа муддатга ёлғиз қолдиргин, кўрасан: бошқа аёлларни не кўйга солган бўлсам, уни ҳам худди шундай кўйга соламан, албатта».

Қаҳри қайнаб кетган Бернабо унга шундай жавоб қилди: «Бунақада мубоҳасамизнинг ниҳояси бўлмайди: мен ўзимникини маъқуллаймаман, сен ўзингникини — хуллас, ҳеч қачон биров хулосага келолмаймиз. Мана, сен, ҳамма аёлларнинг ҳам кўнгли бўш бўлади, деб бизни ишонтирмоқчи бўляпсан, боз устига, ўзингнинг ром этувчи хислатинг билан керияпсан, бас, шундай экан, хотинингнинг номусли аёл эканлигига ишонч ҳосил қилишинг учун бундай қиламиз: башарти сен, эркак тариқасида, хотинингни йўл-

дан оздиришга қурбинг етса, мен бошимни кундага қўйишгаям розиман; борди-ю, эплай олмасанг, унда сен менга бор-йўғи минг тилла берасан».

Амброжоло баҳса берилиб кетди. «Бернабо, — деди у, — борди-ю, бу баҳсада ютиб чиқадиган бўлсам, унда каллангни нима қиламан? Яхшиси бундай шартлашайлик: агар сен ҳақ эканлигимга амалда икром бўлмақчи бўлсанг, менинг минг тилламга қарши, беш минг тилла тик, зеро сен учун калланг беш минг тилладан азизроқ бўлса керак, албатта. Сўнг муҳлат тайинла, йўқса, ўзим зудлик билан Генуяга жўнаб кетиб, шу кетган кунимдан бошлаб уч ой мобайнида, хотининг билан кўнглимга ёққан ишни қилишга ва бунинг исботи сифатида хотининг учун энг қадрли буюмлардан олиб келишга ҳамда унинг айрим белгиларини баён қилишга сўз бераманки, улар қилган ишларимни эътироф этишга сени мажбур этгай,— фақат, бу вақт ичида бирон маротаба ҳам Генуяга бормасликка ва хотинингга бизнинг гаровимиз ҳақида ҳеч нима ёзмасликка виждонан онт ичишинг керак бўлади».

Бернабо шу заҳотиёқ шартга рози бўлди. Гаров тепасида бўлган бошқа савдогарлар бунга йўл қўймасликка уриниб кўрдилар, чунки бундан хайр кутиб бўлмаслигини сезаётган эдилар, вале икки баҳс бойловчи уларнинг насихатига қулоқ солмадилар ва кажбахслик қилиб, ёзма тарзда шартнома туздилар.

Шартнома имзолангандан кейин, Бернабо Парижда қолди, Амброжоло эса, имконият туғилган заҳотиёқ Генуяга равона бўлди. У бир неча кун мобайнида ниҳоятда эҳтиёткорлик билан суриштириб, ўшал хонимнинг қайси кўчада туриши, феъли атвори ҳақида мукамал маълумот тўплади, бироқ бу олган маълумотлари ҳам Бернабонинг айтганларидан бешбаттар бетаскин эди, шунда унинг кўнглида, бу баҳсни бошлаб бемулоҳазалик қилиб қўймадиммикин, деган шубҳа туғилди. Вале у ўз ниятидан қайтмади ва кунларнинг бирида, ўшал хонимникига тез-тез кириб турадиган ва унинг мурувватига муяссар бўлган бир мискин аёл билан танишди, сўнг пора воситаси билан амал-тақал қилиб ўша аёлнинг кўнглини топди-ю, фақат биттагина илтимосини бажаришга, яъни: уни махсус ясалган сандиққа солиб, хонимнинг уйига олиб киришга, олиб кирганда ҳам ўшал мўътабар хонимнинг оромгоҳларидан бирига слиб кириб қўйишга кўндирди. Эъзозли аёл Амброжоло ўргатганидек иш тутиб, хонимга, ўзининг бир ёққа кетаётганини айтиб, ундан сандиғини бир неча кунга шу ерда қолдиришга ижозат сўради, сандиқни унинг уйида қолдирди-да, ўзи жўнаб кетди. Алқисса, сандиқ хонада қолди, тунда, Амброжоло энди бека ухлаб қолган бўлса керак, деган қарорга келиб, махсус ускуналар ёрдамида сандиқни очди, сўнг чироқ ёниб турган хонага оёқ учиди оҳиста кириб борди. У хонанинг қандай тузилганини, упи безаб турган суратларни ва ундаги барча диққатга лойиқ буюмларни синчиклаб кузатиб, уларни хотирасида сақлаб қолишга ҳаракат қилди. Ниҳоят у каравот бошига яқинлашди, хоним билан жажжи қизчасининг маст уйқуда ётишганига ишонч ҳосил қилгач, хонимнинг устини оҳиста очди, унинг яланғоч ҳолда ҳам худди либос билан безан-

ганидагидек ниҳоятда латофатли эканлигига иқрор бўлди, илло, унинг баданида исбот тариқасида эслаб қоладиган биронта ҳам нишона топаолмади—агар унинг чап сийнаси остидаги холни ва хол атрофидаги бир нечтагина заррин толаларни ҳисобга олмаганда. Шу чоғ, хонимнинг латофатидан унинг ҳирсий иштаҳаси қўзиб, таваккал, бўлганича бўлди, деб хонимга ҳамсоя бўлгиси қистаб кетди-ю, лекин нафсини тийди-да, яна боягидек эҳтиёткорлик билан унинг устини ёпиб қўйди. Чунки хонимнинг чатоқ феълли, баджаҳл аёл эканлиги, унинг шўхликни хуш кўрмаслиги ҳақидаги овозалар эсига тушган эди. Уша кеча у туннинг ярмидан кўпини шу хонада анжомларни кўздан кечириш билан ўтказди, жовондан аёлнинг ҳамёни ва плашини, бир неча белбоғ ва узукларини олиб, сандиғига солди-да, ўзи ҳам уйга кириб ётиб, ичидан беркитиб олди. Шундай қилиб, у кетма-кет икки кеча шу қабилда уйни тинтув қилди, аммо уй бекаси ҳеч нимани сезмай гафлатда қолган эди. Учинчи кун келганида, мискин аёл, Амброжоло билан келишган шарти бўйича, ўз сандиғини олиб кетгани одам олиб келди-да, тайинлаган ерига элтиб қўйишни буюрди. Амброжоло сандиқдан чиқиб, берган ваъдасига биноан аёлнинг ҳақини тўлади, ўғирлаган буюмларини олиб, айтган муддатидан анча олдин Парижга етиб борди.

У баҳс пайтида ва шартнома тузилганда шоҳидлик қилган савдогарларни йиғиб, гаровда ютганини, чунки қилмоқчи бўлган ишини қилганини Бернабога изҳор этди. Кейин ўз фикрини исботи ўлароқ биринчи навбатда, унинг хотини ётган хонанинг тузилишини тасвирлаб, ундаги жиҳозларни бир бошдан айтиб берди, кейин ўзи билан олиб келган буюмларни кўрсатиб, буларнинг ҳаммасини Бернабонинг хотинидан олганлигини қўшиб қўйди. Бернабо хонанинг тузилишини айнан Амброжоло тасвирлагандай эканлигини, буюмлар ҳам хотининики эканлигини эътироф этди-ю, бироқ Амброжоло хонанинг тузилишини биронта хизматкордан суриштириб билиб олиши, айнан ўша хизматкор кўмаги билан буюмларни ҳам қўлга киритган бўлиши мумкинлигини айтиб, бу далилларнинг кифоя қилмаслиги, шунга кўра, агар Амброжоло яна бирон асосли далил кўрсата олмаса, уни гаровда ютган, деб тан олмаслигини айтди.

Амброжоло бунга эътироз билдирди: «Аслида, шу далилларнинг ўзини етиб ортарди-ю, сен менинг яна бирон далил кўрсатишимни хоҳлаясан,— ҳай, айтсам-айта қолай. Эшит бўлмаса: хотининг, Жиневра хонимнинг чап сийнаси остида каттагина хол, хол теграсида олтита олтин тола бор».

Бернабонинг юрагига ништар санчилгандай бўлиб кетди — тўсатдан дили зирқираб оғриб, шу оннинг ўзида ранги бўздек оқариб кетди — ранги шу қадар ўзгариб кетган эдики, ҳеч нима деб жавоб қилмаган тақдирда ҳам Амброжолонинг ҳақ гап айтганини унинг шу қиёфасидан билса бўларди, лекин Бернабо бир оз сукутдан кейин Амброжолонинг гапини тасдиқлаб шундай деди: «Жаноблар! Амброжоло тўғри гапирди. Бинобарин у ютди,— хоҳлаган пайтида ҳузуримга кирсин, ютуқни қўлига топши-

раман». Шундай қилиб, у эртаси Амброжолога ютуқни каму кўст топширди.

Яна бир кундан кейин эса, Бернабо Париждан бош олиб чиқиб кетиб, хотинидан дарғазаб ҳолда Генуяга йўл олди. У шаҳарга кириб боришни исгамай, ундан йигирма миляча масофадаги ўз мулкига бориб тушди. Хотинига мактуб ёзди, мактубни, ўз эътимодидан баҳраманд бўлган хизматкорларидан бирига берди ва уни иккита от билан Генуяга жўнатди, мактубда ўзининг қайтиб келганини баён қилиб, хотинига, мактубни олиб борган хизматкор билан бирга етиб келишни тайинлаган эди, аммо хизматкорига, йўлда келаётганинда, бирон овлоқ ерни топгин-да, бекангни раҳм-шафқат қилмай ўлдиру кейин ўзинг бу ерга қайтиб келгин, деб махфий фармон берди. Хизматкор Генуяга етиб борди, мактубни топширди, буйруқни бажарди,— соҳибаси у олиб келган хабардан ғоят хурсанд бўлди. Эртасига эрталаб икковлари отларга миннишиб, амлок томон йўл олдилар.

Улар бутун йўл давомида у ёқдан-бу ёқдан гаплашиб гурунглашиб бордилар, ниҳоят улар нигоҳига қоялар билан дарактлар орасида ётган чуқур ва кимсасиз жарлик ташланди. Хизматкор ўз хўжасининг буйруғини айнан мана шу ерда осонгина амалга оширишига кўзи етиб, пичоғини суғурди, аёлни биллагидан ушлади-да, деди: «Имонсиз кетмай десангиз, дуо ўқинг, бегойим: бундан нарига бормайсиз, — шу ерда жонингизни оламан».

Соҳиба аёл яланғоч пичоқни кўриб ва бундай даҳшатли гапларни эшитиб, жон ҳолатда қичқариб юборди: «Худо ҳаққи, раҳм қил! Ўлдирмасдан олдин менга жавоб бер: сенга нима ёмонлик қилган эдимки, мени ўлдирмоқчи бўляпсан?»

«Менга, бегойим, ҳеч қандай ёмонлик қилганингиз йўқ, — деб жавоб қилди хизматкор, — аммо эрингизга қандай зиндалиқ қилгансиз — бунини фақат, сизни йўл-йўлакай баеъв гумдон қилиш ҳақида берган буйруғидангина биламан; борди-ю, буйруғини бажармасам, эрингиз мени дорга осадди. Ўзингиз биласиз, мен бировга муте одамман,— қандай бўйин товлай оламан? Худо шоҳид сизга раҳим келяпти, вале, ўзга иложим йўқ».

Шунда бека зор-зор йиғлай бошлади. «Худо ҳаққи, шафқат қил! — деб ёлворди у. — Сенга ҳеч қандай ёмонликни раво кўрмаган одамни бировнинг кўнгли учун ўлдирма. Худо шоҳид, мен эрим олдида мутлақо бегуноҳман, бинобарин, бундай мудҳиш интиқомга асло сазовор эмасман. Лекин ҳозирча бу гапни қўйиб турайлик. Агар хоҳласанг, бир вақтнинг ўзида ҳам худога, ҳам соҳибингга, ҳам менга ёқадиган иш қилишинг мумкин, бунинг йўли мана бундай: сен менинг кийим-бошимни ол, эвазига ўзингнинг калта кафтаннинг билан плашингни бер, кейин соҳибинг олдига бориб, мени ўлдирганингни айт. Сенга мен, ўзинг бахшида қилаётган шу ҳаётим ҳаққи, қасам ичаман: бу ерлардан шундай олис ўлкаларга бош олиб кетайки, тириклигим ҳақидаги хабар бу ерларга етиб колмайди, на хўжанг ва на сен эшитасан менинг овозани».

Хизматкор хўжасининг буйруғини ноилжликдан ижро этаёт-

ган эди, шунинг учун унинг кўнглига раҳм солиш осон бўлди. У бекасининг либосини олди, ўрнига ўзининг плаши билан калта кафтанини берди, аёлнинг ёнида бўлган пулларни ўзига қолдирди, сўнг унинг бу ерлардан бош олиб кетишини илтимос қилиб, жарликда ёлғиз ўзини отсиз қолдирди-да, ўзи соҳибни олдига бориб, унинг буйруғини бажарилганини, беканинг жасадини бўриларга ем бўлсин учун ташлаб келганини айтди. Бернабо яна бир неча кунни шу ерда ўтказиб, кейин Генуяга кириб борди, унинг бу ишидан хабар топган одамлар уни қаттиқ қораладилар.

Гам-андухга ботган хотиннинг энди дунёда биронта ҳам яқин кимсаси қолмаган эди; у қоронғи тушгунча шу ерда кутиб, ўзининг ташқи қиёфасини қўлидан келганча ўзгартирди, сўнг шу яқин орадаги қишлоқ томон йўл олди; қишлоқда бир кампир уни сафарда асқотадиган нарсалар билан таъминлади, аёл эса, калта кафтанни сўкиб, ўзига лойиқ қилиб бошқатдан тикди, қисқартирди, кўйлакни бузиб чолвор тикди, сочини калта қилиб қирқди ва ўзини денгизчи қиёфасига киритиб, денгиз бўйига борди, мана шу ерда хайрли тасодиф уни сеньор Энкарарх исмли каталониялик бир аслзода билан учраштирди,— Энкарарх шу ерга яқин, Альбенгада¹ лангар ташлаган ва ўз кемасидан тушиб, чашма бошида салқинлаб турган экан. Аёл гаплашиб, унинг хизматига ёлланди ва финалелик² Секурано исми билан Энкарарх кемасига чиқди. Бу саховатли одам унга кийим-бош берди, аёл эса, унга садоқат ва ғайрат билан хизмат қилди ва шу боисдан хўжасининг алоҳида эътимодига сазовор бўлди. Бир қанча вақтдан кейин каталониялик савдогар Искандарияга мол олиб борганида, султонга овчи лочинлар тортиқ қилди. Султон уни бир неча бор зиёфатга таклиф этди ва ҳар сафар ўз соҳибига хизмат қилгани пайдо бўлган Секуранонинг хатти-ҳаракатига назар ташлаб, бу хизматкорга меҳри товланиб қолди ва ахири каталониялик савдогардан Секуранони ўзига сўради, савдогар ғижиниб бўлса ҳам султоннинг илтимосини бажарди.

Секурано султонга садоқатли хизмат қилиб, қисқа вақт ичида шундай иззат-обрўга муяссар бўлдики, каталониялик савдогар унга илгари қанчалик ишонган ва қанчалик меҳр қўйган бўлса, султоннинг ишончи ва меҳри ҳам ўша даражага етди. Ҳар йили муайян пайтларда султон қўл остида бўлган Акра шаҳрида тижорат бозори очилиб, унга сон-саноксиз христиан ва сарацин савдогарлари оқиб келардилар; одатда султон савдогарлар ва уларнинг молларини муҳофаза қилиш мақсадида бу бозорга амалдорлардан бошқа яна ўзининг яқин кишиларидан биронтасини бир гуруҳ ишончли одамлари билан юборардиким, бутун бозорни муҳофаза қилиш вазифаси айнан шулар зиммасига юкланарди. Хуллас, тижорат бозорининг навбатдаги очилишига султон Секуранони сардор этиб тайинлашга қарор қилди ва уни Акрага юборди. Бу пайтга келиб, Секурано уларнинг тилини билиб олган эди. Қисқа қилиб айтганда, Секурано Акрага савдогарларни ва уларнинг молларини қўриқловчи

¹ Альбенга — Генуя қўлтигидаги порт (тарж.).

² Финале — Альбенгадан хиёл шимолроқдаги порт шаҳар. (Тарж.).

соқчилар бошлиғи ва сардори сифатида бориб, ҳалоллик ва тириш-қоқлик билан ишга киришди, у растани назорат қилиб айланиб юраркан, бу ерда Шишилядан, Пизадан, Генуядан, Венециядан ва Италиянинг яна бошқа шаҳарларидан келган савдогарлар билан учрашди, ватандошлари билан дўстона мулоқотда бўлди. Қунларнинг бирида у ўз одати бўйича бозор айланиб юриб, тасодифан Венециядан келган савдогарларнинг дўкони олдида тўхтаб қолди, чунки бу дўконда сотилаётган қимматбаҳо буюмлар орасида у ўзининг ҳамёни билан белбоғини кўриб қолиб ҳайратга келган эди. Вале у сир бой бермади ва хушмуомалалик билан: «Булар кимнинг моли, сотиладими?» — деб сўради.

Пьяченчалик Амброжоло ўша пайтда шу ерда эди — у Венеция кемасида оламжаҳон мол олиб келган эди. У соқчилар бошлиғининг, мол эгаси кимлигини суриштираётганини эшитиб, олдинга чиқди ва мийиғида кулиб туриб деди: «Булар менинг молларим, мессер, сотиладиган моллар, агар ёқиб қолган бўлса, бажону дил тортиқ қилишим мумкин сизга».

Савдогарнинг тиржаяётганини кўрган Секурано, бирон хатти ҳаракатимдан кимлигимни пайқаб қолмадимикан, деб ўзидан шубҳалана бошлади, аммо шубҳага тушганини асло сездирмади. «Сен, мени ҳарбий одам бўла туриб, аёллар зеб-зийнатига қизиқиб қолганимдан кулаётган бўлсанг керак-а, назаримда?» — деб сўради у.

Амброжоло унга жавобан деди: «Йўқ, мессер, мен бу зийнатларни қандай қўлга туширганимдан куляпман».

«Илтмос қиламан, — деди Секурано, — қандай қўлга туширганингни бизга ҳам сўзлаб бер, агар ҳикоянгда ноҳўя жиҳатлар бўлмаса албатта».

«Бу буюмларниям, мессер, — деб гап бошлади Амброжоло, — яна бошқа баъзи нарсаларниям менга эсдалик учун генуялик бир хоним, Бернабо Ломеллиннинг хотини Жиневра хоним, у билан бир кеча тўшакда ётганимдан кейин тортиқ қилган эди. Лекин мен бошқа нарсадан куляпман: хонимнинг эри лақма Бернабо эсимга тушиб кетди — у шунчалик фаросатсиз эканки, хотинимни йўлдан уриш қўлингдан келмайди, деб гаров ўйнаб, менинг минг тилламга қарши довга беш минг тилла тикиб ўтирибди-я; мен нима қилдим, денг, хотинини васвасага солиб, зино ишга оғдирдим у тикилган довни ютиб олдим, у бўлса, бу аҳмоқлиги учун ўз-ўзига танбеҳ бериш ўрнига, Париждан жўнаб кетди, Генуяга етиб борган заҳоти у хотинини ўлимга буюрганмиш, ваҳоланки, хотини ҳамма хотинлар сингари иш кўрган эди».

Секурано эрининг не боисдан унга бундай дарғазаб бўлганини энди тушунган эди, у ўз бошига тушган барча оғир савдоларнинг сабабчиси шу одам эканлигига ишонгач, буни шу аҳволда қолдирмасликка қарор қилди. У ўзини Амброжолонинг ҳикоясидан анча кўнгли ёришгандай қилиб кўрсатиб, ҳаш-паш дегунча, у билан шундай иноқлашиб кетдики, тижорат бозори ёпилиб, ҳамма савдогарлар юрт-юртига жўнаб кетишганида, Амброжоло Секуранонинг таклифига биноан, бутун мол-давлатини олиб, у билан бирга

Искандарияга равона бўлди, бу ерда эса, Секурано унинг савдо қилиши учун дўкон очиб берди, ўз ёнидан унга мўмайгина пул ҳам берди, мана шу «яхшиликлар»га учган Амброжоло жон-жон деб Искандарияда туриб қолди. Секурано ўзининг бегуноҳлигини эри Бернабога исботлаш пайтини сабрсизлик билан кутарди, ниҳоят, у Искандарияга келган генуялик бой савдогарлар орқали, турли важабахоналар айттириб, Бернабони бу ерга чақиртириб олиб келди-ю, шундан кейин кўнгли бир оз таскин топди. Бернабо қашшоқлашиб қолган эди, шунинг учун Секурано ўз оғайниларида бирига пинҳона илтимос қилиб, вақтинча — то у, яъни Секурано ўз тузган режасини амалга ошириш учун қулай фурсат етгунча — эрига бошпана бериб туришни сўради.

Бу орада Амброжоло Секуранонинг илтимосига кўра, султоннинг кўнглини очиш учун унга ўз саргузаштларини сўзлаб бериб юрди. Бернабо Искандарияга етиб келгандан кейин эса, Секурано энди пайсалга солишнинг ҳожати йўқ, деган қарорга келди-да, қулай пайт келиши билан султонга юзланиб, ундан Амброжоло билан Бернабони чақиртиришни ва Бернабо олдида, Амброжолодан бор ҳақиқатни, яъни Бернабонинг хотинини тасарруф қилганман, деб керилишлари аслида қандай бўлганлигини сўзлаб беришни талаб қилишни, яхшиликча айтмаса, таҳдид билан гапиртиришни илтимос қилди. Мана, султон қақриғи билан келган Амброжоло билан Бернабо унинг ҳузурида пайдо бўлишди, шунда султон кўпчилик аъёнлар шоҳидлигида, кўзларидан ўқ чақнатиб Амброжолога таҳдидона тикилди ва унга Бернабодан беш минг тилла ақчани қандай қилиб ютиб олгани ҳақида ошкора сўзлаб беришни буюрди. Амброжоло шу ерда ҳозир бўлган Секуранонинг ҳимоятидан умид қилган эди, бироқ Секурано султондан ҳам ғазабнок бўлиб, агарда ростини сўзлаб бермасанг, энг мудҳиш қийноқларга солинасан, деб пўлиса қилди. Амброжоло икки ўт орасида қолган эди, бинобарин, бошқа иложи қолмаганини кўриб ва берадиган жазолари, жуда нари борса, беш минг тилла билан ўғирланган буюмларни қайтариб беришга мажбур қилишдан иборат бўлар-да, деган фикр билан ҳамма гапни рўй-рост сўзлаб берди.

Амброжоло гапириб бўлгач, Секурано, султон номидан гапираётгандай, энди Бернабога юзланди: «Мана шу уйдирмаларга лаққа тушиб, сен хотинингни не кўйга солдинг?»

Бернабо бунга жавобан шундай деди: «Мен мол-дунёмдан жудо бўлиб, боз устига, ўша пайтдаги фикримча, хотинимнинг касофатига шармандайи шармисор бўлиб, жаҳолат устида, ўз хизматкоримга уни гумдон қилишни буюрган эдим, кейин хизматкоримнинг айтишича, хотинимнинг ўлигини бўрилар еб кетибди».

Султон бу гапларнинг ҳаммасини диққат билан тинглаб, идрок қилган бўлса ҳам можарони ўзи уюштириб, ўзи сўроқ қила бошлаган Секуранонинг асл ниятидан ҳамон гофил эдиким, Секурано қуйидаги сўзлар билан мурожаат қилгандан кейингина, унинг мақсади султонга ойдинлашди: «Аъло ҳазрат! Ушал маъсума аёлнинг ўйнашдан ҳам, эрдан ҳам қанчалик бетоле бўлганини энди ўзингиз

идрок қилаётгандирсиз: ўйнаши уни иснодга қўйибди, бўхтон сўзлар билан беобрў қилибди ва айни пайтда эрини ҳам хонавайрон этибди, эри эса, жиддий мулоҳаза юритиб, сўраб-суриштириб, ҳақиқатнинг тагига етиш ўрнига, бегона одам айтган уйдирма гапларга ишониб, хотинини ўлдиришни, жасадини эса, бўриларга ташлашни буюрибди. Бу ҳам етмагандек, ўшал аёлнинг ўйнаши билан эрининг унга бўлган муруввати ва муҳаббати шу қадар кучли эканки, у аёл билан узоқ муддат ҳамтўшак бўлишганига қарамай, уни на униси ва на буниси таний олди. Энди, султоним, буларнинг ҳар бири қандай жазога лойиқлиги тамомила ойдин бўлган бўлса керак сизга, бинобарин, агар ижозат этсангиз, алдоқчини жазога мустаҳиқ қилаю, алданганнинг гуноҳидан ўтай, шўрлик аёлга эса, сизнинг истиқболингизда ва уларнинг қаршисида намоён бўлишни буюрай».

Султон Секуранонинг таклифини бажону дил маъқуллади ва унинг ўшал аёлни олиб келишига истак билдирди. Бернабо қаттиқ ҳайратга келганди — чунки шу чоққача у хотинининг оламдан ўтганига мутлақо ишониб келарди, лекин ҳозир бирон фалокат содир бўлишини кўнгли сезган Амброжоло эса, энди фақат пул тўлаш билан жон сақлаб қолиб бўлмаслигидан хавфсираб, нимага умид боғлашини ва ўша аёлнинг кириб келиши энг нари борса уни қандай таҳликага солишини билолмай, Бернабодан бешбаттар саранг бўлиб турарди.

Султон ижозат беришга улгурмай, Секурано ёш тўла кўзлари билан унинг қаршисига тиз чўкди, шу заҳоти унинг эркакча овози ҳам, эркакка ўхшашлиги ҳам бараварига ғойиб бўлди. «Аъло ҳазрат! — деди у.— Бадкор Амброжолонинг туҳматига қолган, унинг жинойий мақсадлари йўлида бадном қилинган, тошбағир ва инсофсиз эри томонидан унинг хизматкори қўли билан ўлдирилиб, жасади бўриларга ем қилинган: вале олти йил муттасил эркак қиёфасида муҳтожликда оворайи жаҳон бўлиб яшаган ўша бенаво ва бахти қаро Жиневра мен бўламан». Шундай деди-ю, эгнидаги либоси ёқасини чок қилиб, сийнасини очди ва ўзининг аёл эканлигини султонга ва ўзга аъёнларга кўрсатди, ундан кейин, Амброжолога қараб, ғазабдан ўзини боса олмай, қачон мен билан ётган эдинг, деб савол берган эди, у аёлни шу заҳотиёқ таниб хижолатдан лол бўлиб қолди.

Секуранони шу топгача эркак деб юрган султон, бу воқеалардан шу қадар ҳайратга келдики, ҳозир бу ерда ўз кўзи билан кўриб, ўз қулоғи билан эшитган нарсаларнинг ҳаммаси унга кўпроқ тушга ўхшаб кетди. Бундай ҳайратангиз воқеадан у ниҳоят ўзига келиб ва буларнинг ҳаммаси чин ҳақиқат эканлигига ишонч ҳосил қилиб, шу чоққача Секурано исми билан юрган Жиневрани хулқ-одоби ва турмуш тарзини, вафодорлиги ва ҳимматини мақтаб, унга тасанно ўқиди. У Жиневрага сершукуҳ аёллик либоси тортиқ этишни ва уни ўз илтимосига кўра, хонимлар даврасига қўшишни буюрди. Бернабога мўлжалланган ўлим жазосини бекор қилди, Бернабо, эса, ахири хотинини таниб, ҳўнг-ҳўнг йиғлаганча узр сўраб, унинг пойига йиқилди, гарчи у кечириб бўлмайдиган гуноҳ қилган бўлса

ҳам хотини ҳиммат кўрсатиб, гуноҳидан ўтди ва уни ўрнидан туришга ундаб, худди ўз эрини қучгандек, меҳрибонлик билан бағрига босди.

Кейин султон Амброжолони дарҳол бирон дўнгликка, офтобрўй жойга қозиққа боғлаб қўйиб, баданига асал суришни ва то йиқилиб қолмагунча уни ечмасликни буюрдик, буйруқ шу заҳоти бажо келтирилди. Кейин Амброжолога тегишли бутун мол-давлатни Жиневрага бериш ҳақида фармон чиқарди, унинг давлати бениҳоя катта қимматга эга эди: у ўн минг дублондан ортиқроқ турарди. Бундан ташқари, султон Бернабо шаънига ва Бернабонинг рафиқаси бўлмиш шоиста аёл — Жиневра хоним шаънига катта тўй-томоша уюштиришни буюрди ва унга шунча кўп қимматбаҳо буюмлар, олтин ва кумуш идишлар, шунча ақча инъом этдиким, буларнинг ўзи ҳам агар жамланса, ўн минг дублондан ошиб кетарди. Тўй-томоша ўтгандан кейин, султон сафарга бир кема ҳозирлашни буюрди ва эр-хотинга, агар улар ихтиёр билдирсалар, Генуяга қайтишлари мумкин, деб ижозат берди, Бернабо билан Жиневра ҳам беқиёс даражада руҳлари кўтарилиб, Генуяга бой-бадавлат бўлиб қайтдилар, Генуя аҳли уларни, айниқса, тирик кўришдан ҳамма умидини узган Жиневра хонимни шоён иззат-икром билан қарши олди (зеро, аксарият одамлар уни азалдан хушодоб аёл сифатида эъозлар эдилар). Амброжолога келсак, уни қозиққа боғлаб, баданига асал суришган куннинг ўзидаёқ тепасида ғужғон ўйнаган пашша, ари ва сўналарга ем бўлиб, кўп азоб-уқубат билан жон берди, илло унинг фақат пайлар билан пайванд этилган оппоқ суякларига кўп вақтгача ҳеч ким қўл урмади, бу суяклар, унга нигоҳ ташлаган ҳар бир одамга унинг ёвуз қилмишларидан далолат бериб турди. Шундай қилиб, алдоқчи ўзи алдаган одамидан қочиб қутула олмаган экан.

10

Мессер Ричардо да Киндзиканинг хотинини монаколик Паганино ўғирлаб кетади; Ричардо хотининини қаердалигидан хабар топиб, ўша шаҳарга боради ва Паганино билан дўстлашиб, ундан хотинини қайтариб беришни сўрайди; Паганино, агар хотин ўз ихтиёри билан кетмоқчи бўлса, майли, деб розилик билади; хотин эри билан кетишни истамайди, мессер Ричардо оламдан ўтгандан кейин эса, Паганинога турмушга чиқади

Қиролича сўзлаб берган ажойиб қисса бутун аҳли нажибга ғоят манзур бўлди; ҳаммадан ҳам Дионеога кўпроқ мақбул бўлдиким, бугунги охириги қиссани у айтмоғи лозим эди. У қироличага тасанно айтиб, қиссасини шундай бошлади:

— Малоҳатли хонимлар! Қироличамиз сўзлаган қиссанинг бир жойи мени аввалги ниятимдан қайтишга ва бошқа нарса тўғрисида ҳикоя қилишга ундади: мен Бернабонинг, шунингдек, ҳикояда баён

қилинишича, Бернабо ишонган уйдирмага, хусусан — ўзлари жаҳонгашталиқ қилиб юриб, гоҳ у, гоҳ бу аёл билан вақтичоғлик қилувчи, айни пайтда, ўз хотинларининг уйда эрлари йўлига кўз тикиб, қўл қовуштириб ўтиришига астойдил ишонувчи бошқа эркекларнинг лақмалигини (бу лақмалиқ Бернабонинг бошига етмаганига ҳайронман) назарда тутяпман, ахир ҳаммамиз ҳам аёллар орасида яшаб катта бўлганмиз, наҳот уларнинг майл ва истакларини билмасак? Мен ўз қиссамда, бундай одамларнинг қанчалиқ аҳмоқ эканлиги тўғрисида, яна ўзларини табиат қуввасидан ҳам кучлироқ деб фараз қилиб, сохта далилларни пеш қилган ҳолда, кучлари етмаган нарсаларга ўзларини қодир деб ишонтиришга уринувчи ва айнан шундай хислатларни ундай хислатдан мутлақо бегона бўлган одамларга ҳам нисбат қилувчиларни юқорида зикр этилганлардан ҳам юз чандон аҳмоқроқ эканлиги ҳақида сўз юритмоқчиман.

Алқисса, Пиза шаҳрида мессер Ричхардо да Киндикка исмли бир судья яшардиким, у ўзининг куч-қудратидан кўра кўпроқ ақлидрокиннинг ўткирлиги билан доврўқ қозонган эди. У бадавлат одам бўлгани учун, шунингдек бўлғуси умр йўлдошим мудом иш билан банд бўлган мендек эрдан ҳеч нима унмаслигиниям, куймаслигиниям тушуниб, бориға қаноат қилиб ўтираверади, деган умидда ўзига гўзал ва навниҳол қайлиқ ахтара бошлади, ҳолбуки, агар у ўзгаларга бериб юрган маслаҳатини ўзига қилганидами, гўзал ва ёш қизларга суқланиб қарамаслиқни мақбул кўрган бўларди. У орзу-армониға етди: мессер Лотто Гваланди исмли бир зот унга ўз қизи Бартоломеяни хотинликка бердиким, бу қиз оёқ-қўли чаққон, бутун Пиза шаҳрида энг соҳибжамол, энг жозибали қизлардан бири эди. Мессер Ричхардо у қизни ўз уйига зўр дабдаба билан бошлаб кирди, сершукуҳ, серҳашам тўй-томоша қилди ва никоҳнинг биринчи куниеқ юрак ютиб қайлиғи қўйниға киришға журъат этди, журъат этишға этди-ю, лекин шу кечанинғ ўзидаёқ жони узилишиға сал қолди. Натижада, бу шарти кетиб, парти қолган, чўп-устухон, қилтириқ одам эртасиға эрталаб хушбўй шароб, дармонбахш конфетлар ва бошқа шу сингари шифо бўладиган таомлар истеъмол қилиб, зўрга жон сақлаб қолди. Ана шу воқеадан кейин, жаноб судья ўз куч-қудратини қатъий ҳисобға олган ҳолда, хотиниға солномадан сабоқ бера бошладиким, чамаси бул солнома Равеннада чоп қилинган ва эҳтимолки, ўша ерлик мактаб болалари учунгина эрмак бўла оладиган китоб эрди. Мазкур солнома бўйича, йил—ўн икки ойдан биронга ҳам кун йўқ эдиким, унга наинки биттадан — бир нечтадан байрам тўғри келмаган бўлсин, бинобарин, ушбу улғу айёмларни эъзозлаган эр бирла хотин унга амал қилмоғи, демакки, шу кунларда турли баҳоналар топиб, зиногарликдан ўзларини тиймоқлари лозим эди. Бу ҳам етмагандек, жаноб судья ушбу байрам кунларига яна рўза кунларини, кичик рўзаларни, ҳаворийларни ва яна бир талай азиз-авлиёларни ёдлайдиган айём арафаларини, жума ва шанба кунларини, пасха байрамини, катта рўзанинғ ҳамма кунини, ой ҳолатларини ҳам илова қилди, бундан ташқари яна оламжаҳон истиснолар қилдики, чамаси, бу билан у, тўшакда бўладиган

ишлар учун ҳам, худди суд маҳкамасида баъзи-баъзида бўлиб турганидек дам олиш кунлари керак бўлади, деган фикрни уқтирмоқчи бўлган бўлса керак. Хуллас, у анча вақтгача муайян тарзда хотинини жуда нари борса ойда бир марта суғориб, суғоргандаям қониқтириб суғоролмай, баъзида эса, сув бўйига олиб бориб суғоролмай олиб келиб юриб, шу зайлда унга байрам кунларининг ҳисобини қилишни ўргатди, илло, аини пайтда у, пўстинбага чиқиб кетган бегим кунлар ҳисобини қилишни биронта одам хотинимга ўргатиб қўймасин яна деб қўрқиб, кечасию кундузи мижжа қоқмай хотинига кўз-қулоқ бўлиб юрди.

Эзнинг жазирама кунларидан бирида мессер Риччардо вақти-хушлик қилиш мақсадида Монте Неро яқинидаги ўзининг хушман-зара амлокига бориб, у ерда тоза ҳаводан баҳраманд бўлишни ихтиёр қилди ва ўзи билан соҳибжамол хотинини ҳам олиб кетди. Кунларнинг бирида у хотинининг кўнглини хушлаш мақсадида, у билан бирга балиқ овига чиқди; бир қайиқда у билан балиқчилар, иккинчи қайиқда — хотини ва яна бир неча аёл бор эди. Улар балиқ овига берилиб кетиб, қандай қилиб очиқ денгизга чиқиб, соҳилдан бир неча миля узоқлашиб кетганларини пайқамай қолган эдилар. Уларнинг бутун диққат-эътиборини балиқ ови қамраб олган эди, шу маҳал узоқда ҳамма ёққа доврўғи кетган денгиз қароқчиси Паганино да Маренинг галераси пайдо бўлди, Паганино қайиқларни кўриши билан кемасини шу томонга йўналтирди. Аёллар тушган қайиқ бирмунча орқادا қолган эди, Паганино у қайиқда ўтирган гўзал аёлни кўриб қолди, унга шу керак эди, холос: мессер Риччардо эса, бу пайтда соҳилга чиқиб олган эди; Паганино мессер Риччардонинг кўзини бақрайтириб, унинг хотинини ўз галерасига чиқариб олди-да, ҳайё-ҳайт деб бир зумда кўздан ғойиб бўлди. Вафодор хотинини ҳатто шамолга ҳам рашк қилувчи жаноб судьянинг бу аҳволдан қанчалик кўнгли вайрон бўлгани ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. У хотинини ким ўғирлаб кетгани, қаёқларга олиб кетганидан мутлақо беҳабар қолиб, Пизада ҳам, бошқа шаҳарларда ҳам бадкор қароқчилар устидан шикоят ёғдириб ташлади, аммо бунинг ҳеч нафи бўлмади.

Бу ўртада, Паганино асиранинг ғоят дилбар эканлигига ишонч ҳосил қилиб, кўнгли жуда шодланиб кетди, хотини бўлмагани учун уни ўз ёнида олиб қолишга аҳд қилди ва аёлнинг фарёд чекиб йиғлаётганини кўриб, мулойим сўзлар билан юпата бошлади. Кеч кириб, қоронғи тушганда эса, Паганинонинг қўйнидаги солнома тушиб кетди-ю, байрам кунларини, шунингдек, ҳордиқ кунларини ҳам мутлақо хаёлидан фаромуш айлаб, гўзал аёлни энди амалда юпата бошлади, зеро, кундуз кунни айтган таскинларининг ўзи, билишича, бу аёлга асло кифоя қилмаган эди. Паганино уни шундай яхши оувтдики, улар Монакога етиб боришмасданоқ: судья ҳам, унинг жами қонун-қондалари ҳам аёлнинг хотирасидан кўтарилиб кетди ва у Паганино билан шод-хуррам кун кечира бошлади. Монакога боришгач эса, Паганино унинг кўнглини наинки кечаю кундуз сунрунқасига овлади, шунингдек, ўз қонуний хотинидек иззат-ҳурмат ҳам қилди.

Орадан бир қанча вақт ўтгач, мессер Риччардо, ахири, рафиқасининг қаерда эканлигидан хабар топди ва ҳирси аланга олиб, ҳар қанча товон тўлашга ҳам олдиндан рози бўлиб, уни олиб келгани ўзи бормоқчи бўлди, чунки хотинини қайтариб олиб келишни ўзимдан бўлак ҳеч ким эплай олмайди, деб ҳисобларди у. Жаноб судья Монакога денгиз орқали борди ва у ерда тасодифан хотини билан учрашиб қолди, ўша кун кечқуруноқ хотини бу учрашув ҳақида Паганинога сўзлаб бериб, ўз ниятини унга баён қилди. Эртаси кун эрталаб мессер Риччардо Паганино билан танишди, қисқа вақт ичида у билан апоқ-чапоқ бўлиб, қалин дўст бўлиб олди. Паганинога келсак, у мессер Риччардони танимагандай қилиб кўрсатарди ўзини ва пайт пойларди. Мессер Риччардо гапни очадиган пайт етганини англаганидан кейин, ғоятда илтифот билан ва мулоим ибораларда ўзининг нима мақсадда бу шахарга келганини Паганинога баён қилди ва ундан, кўнглига сиққанча товон олса ҳам, хотинини қайтариб беришни илтимос қилди. Паганино ҳам унга хушмуомалалик билан деди: «Қадамларига ҳасанот, мессер! Сизнинг бу илтимосингизга бир неча оғиз сўз билан жавоб бераман: дарҳақиқат, уйимда бир жувон яшайди, илло, у сизнинг хотинингизми ё бошқа бировнинг хотиними, бу менга аён эмас,— шахсан сизни мен танимамайман, ундан кейин, у билан танишганимгаям ҳали ҳеч вақт бўлгани йўқ. Агар сиз, чиндана унинг эри бўлсангиз, майли, сизни унинг олдига бошлаб кирай, инчунун, менинг пайқашимча, сиз илтифотли ва тамизли одамга ўхшайсиз, аминманки, у сизни бир кўришда танийди. Агар у ҳамма гапингизни тасдиқлаб, сиз билан кетишга ихтиёр билдирса, унда, майли, сизга бўлган ҳурматим юзасидан, ўзингиз ҳиммат қилиб қанча товон тўласангиз шуни олгум. Борди-ю, ёлгон гапирган бўлсангиз, уни мендан тортиб олиб ўзингиз гуноҳга ботасиз: чунки мен ёш йигитман, бошқалардан ҳеч кам ерим йўқ,— нега энди мен ўйнаш тутишим мумкин эмас экан, боз устига, шу ёшга кириб бундай гўзал аёлни биринчи марта кўриб турган бўлсам?»

Мессер Риччардо унга шундай жавоб қилди: «Ори рост, у менинг хотиним,— мени у билан юзлаштирган заҳотинг, ўзинг шоҳид бўласан бунга: фақат ваъданги бажарсанг бўлгани, у мени кўриши билан бўйнимга осилиб олади».

— «Ҳай, юринг»,— деди Паганино.

Шундай қилиб, улар Паганиноникига йўл олдилар, уйга киришгач, Паганино хотинни чақиртирди, хотин ҳам улар олдига ясаниб, безаниб чиқди ва лекин Паганино ўз уйига бошлаб келган ҳар қандай бегона одам билан қандай сўрашса, мессер Риччардо билан ҳам шундай кўришди. Хотинининг шодликдан боши осмонга етишини кутган судья бундай ҳолдан жуда таажжубда қолди. «Ким билсин, хотинининг ҳажрида шунча муҳлат ғам-андух ва изтироб чекканимдан, беҳад ўзгариб кетгандирманки, у мени танимапти?»— дебди у ўзига-ўзи таскин берди ва аёлга шундай сўзлар билан юзланди: «Хотинжон! Сени олиб борганим балиқ ови менга қимматга тушди. Фироқингда шунчалик ғам чекдимки, дунёда ҳеч ким ўз ёри ҳажрида бунчалик қайғурган эмас, сен бўлсанг мендан

ётсираяпсан,— танимаяпсан шекилли. Менга тикилиброқ қара — мен сенинг Риччардонгман, мана бу саховатли одамнинг уйига келишимдан мақсад, сен учун унга кўнглига сиққанча товон тўлаб, сени ўз уйимга олиб кетишдан иборат. Бул зот шу қадар мурувватли эканки, тўланадиган товон миқдорини ўзимга ҳавола қиляпти».

Бону жилмайиб қўйди. «Мессер! — деди у судьяга юзланиб. — Сиз менга гапиряпсизми? Назаримда, мени бировга ўхшатыпсиз шекилли — илло, мен сизни ақалли бирон ерда бўлсин, кўрганлигимни ҳеч эслай олмаяпман».

«Сенга нима бўлди ўзи! — деб чинқириб юборди шунда мессер Риччардо. — Менга тузукроқ қара, эсингни йиғ — шунда сенинг Риччардо да Киндзиканг эканлигимга ишонч ҳосил қилсан».

«Афв этасиз, мессер, — деди хоним, — балким сизга бу қадар кўп тикилганим учун мени ҳатто ҳаёси йўқ хотин экан деб ҳам ўйлагандирсиз, — ҳарна бўлгандаям, сиздан кўзимни узмадиму бари-бир сизни умримда биринчи маротаба кўраётганимга ишонч ҳосил қилдим».

Мессер Риччардо, хотинини Паганинодан чўцияпган бўлса керак, шу боисдан маҳбуби қошида мени таниганини эътироф этишга юраги дов бермаяпган бўлса керак, деган тахминга борди ва бир оздан кейин Паганинодан хотини билан бошқа хонада юзма-юз гаплашиб олишга ижозат беришини сўради. Паганино рози бўлди, лекин мессер Риччардо уни зўрлаб ўпмаслиги шарт билан рози бўлди, хонимга эса, судья билан нариги хонага киришни, унинг айтганларини эшитиб, худо кўнглига не гапларни солган бўлса, шундай жавоб қилишни буюрди.

Мана, хоним билан мессер Риччардо нариги хонага ўтишди, ўтиришди, шундан сўнг мессер Риччардо яна хотинига гапира бошлади: «Жонгинам, азизам, қувончим! Наҳот, сени ўз жонидан ортиқ севувчи Риччардонгни танимаётган бўлсанг? Нега ахир? Наҳот мен шу қадар ўзгариб кетган бўлсам? Менга яхшироқ тикилиб қарангин, о, кўзимнинг нури!»

Хоним хандон ташлаб кулиб юборди ва судьянинг гапини бўлиб, ўзи гапира кетди: «Сизни ўз эрим мессер Риччардо да Киндзика эканлигингизни танимайдиган даражада овсар хотин эмаслигимни ўзингиз ҳам тушунасиз, албатта. Илло, бирга яшаган чоғларимизда, сиз мени яхши билмаслигингизни исбот қилдингиз: агар сиз ўзингизни донишманд қилиб кўрсатганингиздек, идрокли бўлганингизда эди, менинг навниҳол, тароватли, бақувват аёл эканлигимни ҳам тушунган бўлардингиз, бинобарин, ёш жувонларга таом ва кийим-кечакдан бўлак, улар номини айтишга уяладиган яна бир нарса керак бўлиши сизга аён бўлмоғи лозим эди. Ана шу эҳтиёжни қай тарзда қондирганлигингизни ўзингиз яхши биласиз. Модомики, хотинингиз билан машғул бўлишдан кўра адлия қонунларини тадқиқ қилмоқ сиз учун мақбулроқ экан, унда уйланиб нима қилардингиз? Дарвоқе, мен сизни судья деб эмас, балки байрамлар ва ҳордиқ кунларининг, шунингдек, рўза айёмлари ва арафаларнинг тарғиботчиси деб тан олган эдим — зеро, уларни сиз жуда яхши

эслаб қолган экансиз. Энди менинг гапимни эшитинг: агар сиз турмордаккына еримга ишлов берувчи омочингизга берганчалик бисёр дамни, ер мулкингизда ишлаётган корандаларга берганингиздами, экинзорларингиздан биронта ҳам дон ундиролмаган бўлардингиз. Лекин менинг навқирон ёшимга худонинг раҳми келди, унинг инояти билан мана шу одамни учратдим ва энди у билан худди шу хонада бирга яшаб турибманки, бу ерда биз байрам-пайрам деган нарсани тан олмаймиз (мен, аёллардан кўра худои таолога фидойилик билан хизмат қилувчи сизни ва сиз изчиллик билан амал қилган байрамларни назарда тутяпман, албатта). Ҳали шу пайтгача бирон марта ҳам бу кулбамизга на шанба, на жума деган кунлар, на арафалар, на кичик рўза-ю, на узундан-узоқ катта рўза айёмлари эшик қоқиб кириб келди,— аксинча, бу ерда кечаю кундуз бирдай иш қизиганки, тинимсиз савағич билан жун савашади. Энг дастлабки кунданок ишимиз яхши юришиб кетди. Мана шу ваядан мен шу ерда қолишни ихтиёр қилдим ва ҳали ёш эканман, шу одам билан меҳнат қиламан, байрамлар, тавба-тазаррулар ва рўза айёмларига эса — буларнинг ҳаммасига қариган чоғимда амал қиларман. Сиз бу ерда бекор вақтингизни ўтказиб юрмай, уйингизга жўнанинг-да, менсиз ўзингиз, кўнглингизга сиққанча байрам қилиб айшингизни суриб яшайверинг».

Мессер Ричхардо бундай гапларни эшитиб, руҳан жуда қаттиқ изтироб чека бошлади; хотини гапдан тўхтагандан кейин эса, унга шундай деб юзланди: «Оҳ, жонгинам, нима деяганингни ўйлаб гапир! Наҳотки ота-онанг обрўсини, ўз номусингни қадрламасанг? Наҳотки сен Пизада менинг умр йўлдошим бўлишдан, бу одамнинг ўйнаши бўлиб, гуноҳи азимга ботишни афзал кўрсанг? Ҳали меъдасига текканингдан кейин у сени ҳайдаб юборади ва бу билан бутун оламга шарманда қилади, лекин мен учун сен ҳамма вақт ҳам энг азиз хотин бўлиб қолаверасан, ҳатто ўлганимдан кейин ҳам уйимнинг бекаси бўлиб ўзинг қоласан. Наҳот сен беҳаё ва бадахлоқ нафсингни қондириш учун эзгу хосиятларингдан ва сени жондан ортиқ севувчи эрингдан воз кечсанг? О, менинг бебаҳо қувончим! Менга бошқа ҳеч нима дема, яхшиси, юр, уйимизга кетайлик. Сенга нима кераклигини энди тушуниб олдим, ана энди мен ҳам астойдил жон куйдириб ҳаракат қиламан! О, маҳбубам! Бу ниятингдан воз кеч ва менинг уйимга қайт — сени мендан жудо қилганларидан бери ўзимни қўярга жой тополмай қолдим!»

Аёл унга жавобан шундай деди: «Менинг номусим ҳақида ҳеч ким қайғурмай қўя қолсин,— энди барибир кеч, ўзим ташвишини қиламан номусимни. Бу ҳақда ота-онам, мени сизга эрга беришаётганда бош қотиришлари лозим эди! Баски, ташвишимни қилишмаган экан, нега энди мен уларнинг обрўсини ўйлашим керак? Эҳтимол мен гуноҳи азимга ботган бандадирман, вале мен кели даста учун чарчашни билмай хизмат қилувчи ҳовончаман, бас, шундай экан, менинг ташвишимни қилмай қўяқолинг. Сизга яна шуни ҳам айтмоқчиман: бу ерда мен ўзимни Паганинонинг хотинидек ҳис қиляпман, Пизада қандай одам эдим? Сиз билан бир тўшақда ёганимдан бошқа қандай наф кўрдим: ойнинг маълум бир ҳолатда

турган пайтидагина ва ҳандаса чизиқлари бир-бирини кесиб ўтган чоғдагина юлдузларимиз бир-бирига тўқнаш келиб қоларди, ҳолбуки, Паганино бутун тун бўйи мени кучоғидан бўшатмайди, белларимни қисирлатиб, тишлаб-тишлаб ўпгани ўпган, Экинзоримга қандай ишлов беришини-ку, айтмасам ҳам бўлади! Сиз астойдил жон куйдириб кўнглимни овлашга сўз беряпсиз. Ахир қандай овлайсиз? Яна дуранг ўйин қиласизми, беҳуда қармоқ ташлашингизни айтяпсизми? Эшитишимча, машҳур балиқчи бўлганмишсиз. Шундай экан, яхшиси, уйингизга жўнанг-да, яна оз-моз ёруғ жаҳонда яшашнинг ташвишини қилинг, йўқса, шартингиз кетиб партингиз қолибди: жудаям нимжон ва ўлимтик бўлиб қолибсиз. Ниҳоят, яна айтадиган гапим шу: борди-ю, бу одам мендан воз кечган тақдирда ҳам,— лекин, пайқашимча, у мендан юз ўгиришни хаёлига ҳам келтирмаяпти, ишқилиб мен ундан воз кечмасам бўлгани унга,— ҳатто шундай тақдирда ҳам сизнинг уйингизга қайтишни ўйламайман: сизни қанча эзгилаган билан бир пиёла ҳам шарбат чиқмайди, сиз билан бирга яшаган умрим зое кетди, роса зиён-заҳмат чекдим, яхшиси энди ўзимга бошқа жойдан хўрак қидираман. Такрор айтаман: бизда бу ерда на байрамлар, на арафалар бор,— мана шу боисдан мен бу ерда қолишни ихтиёр қилдим, сиз бўлсангиз, йўлингиздан қолманг, тезроқ даф бўлинг, йўқса, мени зўрляпти, деб ҳозир дод соламан».

Мессер Риччардо аҳвол чатоқлигини кўриб ва камқувват бўлишига қарамай, ёш қизга уйланиб аҳмоқона иш қилганига энди тушуниб, хонадан маҳзун ва маъюс қиёфада чиқди, кейин Паганино билан яна узоқ гаплашди, лекин охири барибир икки қўлни бурнига тикқанча у ердан жўнаб кетди. У ҳеч нимага муяссар бўла олмай; аввалги ниятидан қайтиб, Пизага йўл олди ва аламидан телба бўлиб қолди: энди у шаҳар кўчаларида тентиб юрганида у билан саломлашган ённки ундан бирон нима ҳақида сўраган ҳар қандай одамга муайян: «Қасофат қулф бекалит яшашни хоҳламаяпти», деган гапни таъкидларди. Тез фурсатда у оламдан ўтди. Паганино бундан хабар топиши билан уйидаги аёлнинг оташини севгисини инobatга олиб, уни расм-таомил бўйича ўзига никоҳлаб олди, шундан буён улар энди байрамларга, арафаларга ҳам амал қилмай, рўза ҳам тутмай ҳар куни то ҳолдан тойиб, сулайиб қолишгунча меҳнат қилишар ва хушвақт ҳаёт кечиришарди. Мана шунақа, азиз хонимлар, Амброжоло билан баҳслашган Бернабонинг панд еб қолиши ҳеч гап эмас эди.

Ушбу қиссадан жамоа шу қадар қотиб-қотиб кулдики, кулгидан ҳамманинг чакаги оғриб кетди, хонимлар эса, бир оғиздан Дионеонинг ҳақ гапирганини, Бернабонинг эса аҳмоқ эканлигини эътироф этдилар.

Қисса ниҳоясига етиб, кулги тингач, қиролича, вақт алламаҳал бўлиб қолганини, бундан ташқари, бугунга мўлжалланган қиссаларнинг ҳаммаси айтилиб бўлганини назарда тутиб, ўзининг ҳам

ҳукмронлик муҳлати тугаганини эътироф этди ва таъсис этилган низомга биноан бошидаги гултожни олиб, Нейфиланинг бошига қўндирди ва қувноқ чеҳра билан: «Азиз дугонам, эндиги дақиқадач бошлаб, мазкур кичик халққа сен ҳокималик қилгайсан», — деди-да, ўз ўрнига бориб ўтирди. Бу ҳурмат-эҳтиромдан Нейфила хиёл қизарди, унинг икки юзи худди апрель ё май ойида тонг палласида очиладиган тароватли атиргулга ўшаб кетди, салгина настига боққан ажиб кўзлари тонгги юлдузлар янглиғ чақнаб кетди. Унинг тегарасидаги жамоанинг янги қиролича шаънига зўр шавқ-завқ ва меҳр-муҳаббат билан айтган ҳамду санолари тингач, Нейфила руҳан тетиклашиб, қадини ростлади-да, шундай гап бошлади:

— Демак, мен сизларнинг қироличангизман, бинобарин, мендан аввалги ҳокималар амал қилган ва сизлар мақбул кўриб итоат этган ҳукмдорлик усулидан четга чиқмаган ҳолда бир неча оғиз сўз билан ўз хоҳишимни баён қилмоқчиманки, мақбул кўрсангиз унга амал қилғумиздир. Маълумингизки, эртага — жума, индинга эса — шанба, яъни ушбу кунларда тановул қилиш мумкин бўлган таомларга қараганда, кўпчилик одамлар учун хийла нохуш кунлардир. Ундан ташқари, жума кунини айниқса эъзозлаш лозим, зеро бизларнинг ҳаётимиз учун жон фидо қилган зот бу кун ироғат мудҳиш даҳшатларни бошидан кечирган, шунга кўра биз ҳикояхонлик эмас, балки тангрига топиниб ибодат қилмоғимиз тўғрироқ ва ододдан бўлур эди. Кейин: шанба кунлари одатда аёллар бош ювадилар ва умуман, ўтган бир ҳафта меҳнат чоғида баданларига ўтириб қолган чанг ва кирни ювиб покланадилар. Яна бизда Биби Марьям шарафига рўза тутиш одати ва кун охирида эса, кириб келаётган якшанбани мадҳ этиб, барча ишлардан ўзига ором бериш одати кенг тарқалган. Вале, биз бу тарздаги ҳаётга тўла-тўқис амал қила олмайдиган бўлганимиздан кейин, мен, шанба кунини ҳам, ҳикояхонликдан ўзимизни тийганимиз мақбул деб ҳисоблайман. Ундан кейин: биз, мана тўрт кундирки, шу ердамиз, бинобарин, агар кутилмаган меҳмонлардан қутулмоқчи бўлсак, ҳозир бу ердан бош олиб кетиб, бошқа ерни маскан қилишимизнинг айна мавриди келди, деб ҳисоблайман, қаерни маскан қилишни эса — мен ўйлаб қўйдим ва бу борада тегишли фармойишлар берганман. Шундай қилиб, мулоҳаза қилишимиз учун бизда вақт етарли бўлади ва биз якшанба кунини тушки уйқудан сўнг қайта-жам бўлганимизда, бугунги куннинг акси ўлароқ, ҳикояларимиз мавзуи доирасини бир қадар торайтирсак ва бирон-бир ҳолат билан чеклансак яхши бўлмасмикин деб ўйлаб, мен, *Кишиларнинг хийла-найранг билан қандай қилиб ўз ҳарисона ниятларига эришганлари ёнги йўқотган нарсаларига қайта муяссар бўлганлари* ҳақида ҳикоя қилишни таклиф қилардим. Жамоамизнинг ҳар бир аъзоси мазкур мавзуда ҳикоя ўйлаб топсинкин, ул ҳикоянинг жамоамизга нафи тегадиган бўлсин ёки йўқ деганда кўнглимизни хушнуд этсин, Дионеога берилган имтиёз масаласига келсак, уни биз ҳам эътироф этгумиздир.

Ҳамма қироличанинг нутқи ва таклифини бир оғиздан маъқул-

лаб, унга розилик билдирди! Қиролича эса, эшик оғасини чақириб, кечқурун қаерда дастурхон тузаши ва ўз ҳукмронлиги даврида унинг вазифаси нималардан иборат бўлиши ҳақида батафсил тушунтирди. Шундан кейин қиролича — унга эргашиб бутун жамоа — ўрнидан турди ва ҳар ким ўз ихтиёри-ла иш кўрсин, деб эълон қилди.

Хонимлар ва йигитлар боғчага чиқишди, бир оз сайр қилишди, ундан кейин, зўр мамнуният билан кечки овқатга ўтиришдиким, у хушвақтлик билан ўтди. Улар дастурхондан туришгач, қироличанинг амри билан Эмилия давра қуриб рақсга тушди. Пампинея кўшиқ айта бошлади, қолганлар эса, унга жўр бўлишди:

Нечун куйламайин, орзум ушалди,
Севгим қуши баланд-баланд учолди!

Кел, ишқим, роҳатим, бахтим гарови,
Эрка умидларим, ширин тушларим,
Авалло бўлмади унинг аёви,
Кейин парвоз этди шодлик — қушларим,
Гарчанд муҳаббатда севинч ҳам азоб,
Унинг оташида куяди вужуд,
Барибир, фариштам, куйлайлик озод,
Севгининг ўтида ёниб беҳудуд.

Севги! Гўзал йигит бўлиб кўриндинг,
Ўтингда ёнаман ўшандан буён.

Куч, мардлик тимсоли, жўшқин навқирон,
Мен энди асиранг, сен буткул енгдинг.

Тенг кела олмайди сенга ҳеч бир зот,
Куйим бўлиб қолдинг,
сарбаст таронам.

Эҳтирос ўтингда,
эй, ҳур паризод,
Ёнади вужудим,
қалбим,
пешонам,

Иш, саховатингга минг бор ташаккур,
Сен менга армуғон этган гўзал ёр,
Мени сендан ортиқ севади масрур.

Шунинг учун бўлдим чексиз бахтиёр.

Мен у дунёда ҳам топгумдир иқбол,
Сабабки, ёримга содиқман жондан.

Бундай муҳаббатга нақддир истиқбол,
Бахтини топгайдир икки жаҳондан.

Бундан кейин ҳам улар яна узоқ вақтгача қўшиқхонлик қилдилар, ўйинга тушдилар, турли чолғу асбобларда куй ижро этдилар. Қиролича, уйқу пайти етганини айтгач эса, ҳамма қўллариги машъала ушлаб олган хизматкор ва чўрилари орқасидан ўз оромгоҳларига тарқалди. Бундан кейинги икки кун мобайнида улар қиролича топширган мавзу устида фикр юритдилар ва якшанба кунини сабрсизлик билан кута бошладилар.





ДЕКАМЕРОННИНГ
ИККИНЧИ КУНИ ТУГАБ,
УЧИНЧИ КУНИ БОШЛАНМОҚДА.

*Нейфила ҳокималик қилган ушбу кунда китобхон
эътиборига, кишиларнинг ҳийла-найранг билан қан-
дай қилиб, ўз ҳарисона ниятларига эришганлари
ёинки йўқотган нарсаларига қайта муяссар бўлган-
лари ҳақидаги ҳикоялар ҳавола қилинади.*



Якшанба куни қуёш энди бош кўтарай деб турган, қирмизи рангдаги шафақ эса, заррин ранг касб эта бошлаган бир пайтда, қиролича тўшакдан турди, бутун жамоани ҳам оёққа турғазди, эшик оғаси бўлса, бундан анча олдин ҳамма нарсени ўз вақтида муҳайё қилиб туришлари учун хизматкорларни қиролича тайинлаган ерга беҳисоб зарурий буюмлар билан юборган эди; у қироличанинг йўлга чиққанини кўргач, қолган анжомларни ҳам имкон борича араваларга ортишни буюрди ва тарк этилган қароргоҳни ҳувиллатиб, кўч-кўрон билан, шунингдек, жаноблар ва хонимлар хизматидаги одамлар билан бирга йўлга равона бўлди. Шундай қилиб, қиролича хонимлар билан учта йигитча даврасида ва кузатувида булбуллару ўзга қушчаларнинг хайр-хўшлашуви сайроғи остида, офтоб чиқиши билан ўз чиройини оча бошлаган, чечакларга бурканган сўқмоқдан хиромон юриб мағриб томонга ўз ҳамроҳлари билан гурунглашиб, ҳазил-мутойиба қилиб, кулишиб, кетиб бораверди; сайёҳлар ҳали икки минг қадам ҳам йўл босиб ўтмасдан, соат еттидан эндигина ўтган паллада, уларнинг кўзи олдида, бир водий ўртасига жойлашган тепалик устида ғоятда ҳашаматли, серзийнат қаср намоён бўлди. Сайёҳлар қасрга кириб, уни бир бошдан айланиб чиқдилар, унинг кенг-кенг залларини, рўзгор тутиш учун зарур бўлган барча ашёлар билан жиҳозланган саранжом ва саришта хоналарини кўздан кечирдилар ва бу ердаги ҳамма нарса, шу билан бирга қаср соҳибининг ҳашамга бўлган иштиёқи ҳам уларга бениҳоя мақбул бўлди. Улар пастга тушишиб, кенг ва оромижон ҳовлини, аъло навли майларга тўла ертўлаларни, қайнар булоқни кўришгач, ҳайрат ва таажжублари яна ҳам зиёда бўлди. Кейин улар ҳордиқ чиқариш учун йилнинг бу фаслида жуда сероб бўладиган новдалар ва гуллар билан безатилган ҳовли ўртасидаги сарбаланд пешайвонга чиқиб ўтирдилар; шу заҳоти фаросатли эшик оғаси пайдо бўлиб, уларни бебаҳо ширинликлар билан меҳмон қилди, олий нав хушбўй майлар билан сархуш этди.

Шундан кейин, ҳаммалари қаср қошидаги атрофи девор билан ўралган боғ эшигини очдириб, ўша ёққа ўтдилар. Улар остона ҳатлаб ўтган замоноқ, боғнинг сўлим манзарасидан ҳайратга келган эдилар, кейин уни бир бошдан батафсил томоша қила бошладилар. Чекка-чеккадаги ўқдек тик кетган кенг йўлкалар боғни турли йўналишда кесиб ўтган, узум бошлари шигил бўлиб осилиб турган

ишком остидан асосий хиёбон чўзилиб кетган эди. Токлар боғдаги сон-саноксиз хушбўй ўсимликлар ҳиди билан омихта бўлиб шундай муаттар ҳид таратардики, бу ерга кирган одам, ўзини гўё Шарқ ўлкасининг жамики муаттар ҳидларидан баҳраманд бўлаётгандек ҳис қиларди. Йўлкаларининг икки ёғига оқ ва қизил гуллар, ясмён ўтқазилган эди,— мана шу боисдан ҳам, нанки эрталаб, балки қуёш найзага келган чоғларда ҳам, офтоб шуъласидан қўрқмай хушором, хушбўй соя-салқинда сайр қилиб юриш мумкин эди. Бу ерда қанча ва қандай наботот борлиги ва уларнинг қай тартибда экилгани ҳақида гапирадиган бўлсак, ҳали-бери гапимиз тугамайди; фақат шуни айтиш kifояки, бизнинг иқлимимизда ўса оладиган жаҳондаги энг ноёб ўсимликларнинг жами бу ерда ғоятда кўп миқдорда мавжуд эди. Боғ ўртасида, тўқ яшил майса билан қоплангани учун узоқдан қорайиб кўринаётган, анвои чечакларга бурканган, бунинг устига, мевалари фарқ пишган ёғур меваларининг шиғиллигидан шохларини ерга эккан ва айни пайтда киши кўзини қувонтирадиган соя солиб, димоқни қитиқловчи ёқимли ҳид тараётган гулларга бурканган апельсин ва лимон дарахтлари билан қуршалган майсазор бор эдиким, бу ерни боғнинг энг хушманзара жойи деса хато бўлмасди. Майсазорнинг қоқ ўртасида ғаройиб ҳайкаллар билан безатилган оқ мрамар фаввора бор эди. Фаввора ҳовузчаси ўртасидан тош устун кўтарилган бўлиб, устуннинг учига ҳайкал ўрнатилган ва ундан тикка самога сув куч билан тизиллаб отилардики, буни табиат қувваси бажаряптими ёки инсон қудратими, аниқ айтиб бўлмасди; осмонга отилган сув фавворанинг фируза косасига хушоҳанг шилдираб тушиб, уни шу қадар лиммо-лим қилиб тўлдирган эдики, бу сув бир тегирмонни бемалол юргизиб, яна ортиб ҳам қоларди. Бу сув,— мен коса четидан тошиб тушаётган сувни назарда тутяпман,—ер остига оқиб кетар, кейин, майсазордан ташқарида яна ер сатҳига отилиб чиқиб, ғоят моҳирона ва мураккаб усулда қурилган новлардан майсазор теграсини айланиб оқиб ўтарди. Кейин айнан мана шундай новлар бўйлаб сўлим боғнинг чор атрофига оқиб кетар ва ниҳоят, барча новлардаги сув боғнинг бир бурчига бориб қўйилиб, у ердан зилол сув оқими водий томон ййноқлаб кетар ва йўл-йўлакай бир эмас, икки тегирмон паррагини ғоятда зўр қувват билан айлантириб, соҳибга катта наф келтирарди. Боғ манзараси; унинг ғоятда батартиблик билан барпо этилганидан кўзларнинг қувонгани; бу ерда ўсаётган наботот; фаввора ва ундан ҳар томонга жилдираб оқаётган жилғалар,— буларнинг ҳаммаси хонимлар билан навжувон йигитларни ҳайратга келтирди ва улар бир огиздан, башарти ер юзидан жаннат барпо этиш мумкин бўлганида, андозасини мана шу боғдан олиш маъқул бўларди, деб айтдилар, зеро улар бу боғдан гўзалроқ бирон жойни ҳатто тасаввур ҳам қила олмасликларига иқрор бўлдилар. Улар боғ ичра лаззатланиб сайр қилиб, ўта мухталиф дарахтларнинг новдаларидан ғоят ажиб гулчамбарлар тўқишиб, худди бир-бири билан баҳс бойлашгандай салкам йигирма хил оҳангда сайрашаётган қушлар наъмасини тинглашиб, ахири бир ҳайратангиз нарсанинг шоҳиди бўлдиларки, бошқа ажойиботларга маҳлиё бўлиб қолганлари учун уни

аввал пайқамаган эканлар. Маълум бўлишича, боғда ҳайвонот оламининг ажойиб намояндаларидан жуда кўп хил махлуқлар мавжуд экан, сайр этувчиларнинг бунга кўзи тушиб қолиб, уларни бир-бирларига кўрсата бошладилар: ана қуёнлар дикирлаб ўтлоққа чиқди, хув ана, ўрмон қуёнлари чопиб кетяпти, бу ёқда ёввойи эчкилар ёстаниб ётибди, анави ерда бўлса, кийик болалари ўтлаб юрибди, булардан ташқари яна жуда кўп хил бешиён махлуқлар худди қўлга ўргатилгандек, эркин ва озод ўйнаб сайр қилиб юрарди,— уларни томоша қилиш бу ердаги ўзга ажойиботлардан ҳам мароқлироқ эди.

Келганлар тўйгунларича сайр-томоша қилишгач, гўзал фаввора яқинига стол тузашни буюрдилар, қироличанинг таклифи билан бўрин-кетин олтига қўшиқ куйладилар, бир неча рақс ижро этдилар, ундан кейин тановул қилгани дастурхонга ўтирдилар, ана шунда ўта зариф, зўр фаросат билан ва муайян тартибга амал қилинган ҳолда ғоятда хуштаъм, нафис таомлар тортилди, улар тановул қилиб бўлганларидан кейин эса, янада қувноқ кайфиятда ўринларидан турдилар ва то қиролича кун қизиб кетганлигини, бинобарин, хоҳлаган одам — ётиб ухлаши мумкинлигини айтмагунча яна ўйинкулги қилишиб, қўшиқ айтиш, рақс тушиш билан машғул бўлдилар. Кейин айримлар мизғиб олгани кетдилар, бошқалар эса, уйқудан воз кечишиб, мана шу гўзал манзара қўйнида бўлишни афзал кўрдилар ва то ўзгалар уйқудан уйғонгунча, рицарлик ва ишқий романлар ўқидилар ёинки шатранж ва мўҳра ўйнадилар.

Соат учда ҳамма ўрнидан турди, муздек сув билан юзларини ювди, қироличанинг истагига биноан улар фаввора томон йўл олишди ва шу ерда одатдаги тартиб бўйича давра қуриб ўтиришиб, қиролича тайинлаган мавзудаги ҳикояни тинглашга шайланишди. Ҳикоя айтиш вазифасини қиролича биринчи бўлиб Филострато зиммасига юкладди ва у шундай ҳикоя қила бошлади.

Лампорекъолик Мазетто деган йигит ўзини гунаг қилиб кўрсатиб, аёллар монастырига боғбон бўлиб ёлланади, кейин ҳамма роҳибалар бирин-кетин унинг қўлидан ўтадилар.

— Соҳибжамол хонимлар! Бўйи етган қизнинг бошига оқ рўмол ўраб, эгнига қора ридо кийдирилса, шу заҳотиёқ у аёл жинсидан чиқади ва ундаги аёллик ҳирслари ўлади, деб даъво қилувчи аҳмоқ эркаклар ва овсар хотинлар дунёда жуда кўп топилади, уларнинг таъбирича, роҳибаликни қабул қилиб, сочини олдирган жувон, мисоли бир кесакка айланармиш. Бундай одамлар ўз мулоҳазаларига зид бўлган бирон нарсани сезиб қолсалар, гўё рўйи заминда табиат қонунига қарши жуда улкан, ғоятда қабиҳона жиноят содир бўлганидек, қаттиқ ғазабланидилар,—гарчи улар кўнгилларига нима маъқул тушса, шу билан машғул бўлсалар ҳам (шундайм ношукурлик қиладилар) на ўзларининг турмуш тарзларидан ибрат олиб ва на бекорчилик ва ёлғизликнинг қудратли кучини инобатга олиб мулоҳаза юртадилар. Бел, белкурак, ёвғон овқат, муҳтожлик буларнинг ҳаммаси бир томондан кўнглимиздаги шаҳвоний ҳирсни баргараф қилса, иккинчи ёқдан, ақл ва идрокимизни ўтмаслаштиради, деб астойдил ишонувчи одамлар дунёда сон мингта. Қироличамизнинг фармонига биноан, таклиф этилган мавзу доирасидан четга чиқмай ҳикоя қилмоқчи бўлганим кичкина қиссадан, сизга ўша одамларнинг ҳақиқатдан нақадар йироқ эканлиги аён бўлмай.

Бизнинг ёқларда, ўзининг табарруклиги билан донг таратган бир аёллар монастыри бор эди — у ҳозир ҳам мавжуд,— лекин унинг шаънига доғ туширмаслик мақсадида атайлаб номини ата-маяпман. Мазкур монастырда бундан бир неча йил бурун, атиги саккизта роҳиба (сарроҳибадан бўлак) бўлиб, ҳаммалари ёш-ёш қизлар эди, монастырнинг кўркем боғида эса, бир давангир йигит боғбонлик қиларди, бироқ у олаётган моянасидан рози бўлмай, ахири рўзғор соҳиби билан ҳисоблашиб, ишдан бўшади, ўзининг қадрдон Лампорекъосига қайтиб борди. Уни шод-хуррамлик билан кутиб олган ҳамқишлоқлари орасида Мазетто исмли азамат, забардаст йигит ҳам бўлиб, у қишлоқи йигит учун хийла хушбичим ва ҳатто ўктам ҳам эди, мана шу Мазетто монастырдан қайтган ҳамқишлоғи Нуто исмли давангир йигитдан, шунча вақтдан бери қаёқларда юрган эдинг, деб сўради. Давангир йигит унга ҳамма гапни тушунтириб берди. Кейин Мазетто ундан, монастырда қандай ишларни бажардинг, деб сўради.

Нуто унга жавобан шундай деди: «Мен уларнинг каттакон, ажойиб боғларига қарардим, аҳён-аҳёнда ўтин олиб келгани ўрмонга

борардим, сув таширдим, яна бошқа ишларни ҳам буюришарди, лекин шунақаям оз ҳақ тўлашардики, олган моюнам эски чориққаям етмасди. Бунинг устига роҳибаларнинг ҳаммаси ёш, шайтонга ўхшаш бирам шўх эдики, ҳеч кўнгилларини топиб бўлмасди. Чунончи, полизда ишлаб турганингда, биттаси келиб: «Мана буни эк», дейди, иккинчиси бўлса: «Йўқ мана буни экасан», дейди, учинчиси, қўлимдан белкуракни тортиб олиб: «Бунақа эмас!» — дейди. Улар шунчалик жиғимга тегишардики, ишни ташлаб, аразлаб кетиб қолардим, мана шу сабабдан, яна моюнанинг озлигидан, улардан воз кечиб, қишлоғимга қайтиб келдим. Ишдан бўшаётганимда рўзгор соҳиби, агар ўзинг билган биронта дурустроқ одам бўлса, бизга юбор, деб айтган эди, мен унга ваъда беришга бердим, илло, нима қиламан бошимни қотириб унинг учун, ҳеч кимни қидирмайманам, юбормайманам!»

Мазеттонинг бутун фикру зикри қандай қилиб монастирға ишга ёлланиш бўлиб қолди, бунинг устига, Нутонинг гапидан маълум бўлишича, армони ҳам ушалиши муқаррардай эди. Шундай бўлса ҳам у ўз ниятини ошкор қилмаслик мақсадида, Нутото шундай сўзлар билан юзланди: «Улардан кетиб ажаб қипсан! Хотин-халаж орасида яшаш эркак кишининг иши эмас. Ундан кўра, шайтонлар билан улфат бўлган осонроқ: нега десанг, хотинлар етти ҳолатдан олтитасида ўзларининг нима исташларини билишмайди».

Мазетто Нутото билан хайр-хўшлашди-ю, шу заҳоти қандай қилиб хотинлар орасига кирсам бўларкин, деб бош қотира бошлади. Нутото санаб берган вазифаларни эплаштиришга-ку, ишончи комил эди,— уни ташвишга солаётган нарса бошқа эди: у ўқтам ва қирчиллама йигит бўлганлиги учун монастирға олмасликларидан кўрқарди. Ниҳоят у ақлини пешлаб, шундай хулосага келди: «Монастирь бу ердан жуда олисда, у ёқларда мени ҳеч ким танймайди. Яхшиси ўзимни гунг қилиб кўрсатаман,— ана унда мени албатта ишга олишади».

У шу фикрида қаттиқ туриб олиб, ҳеч кимга ҳеч нима демай, жулдур кийимлар кийиб, елкасига болтасини ташлаганча, қайда-сан, монастирь, деб йўлга чиқди. У монастирь ҳовлисига кириб, рўзгор соҳибига дуч келди ва соқовларга тақлид қилиб, имо-ишора билан худо йўлига қорнини тўйғазиларини сўради ва бунинг эвазига ўтин ёриб беражагини тушунтирди. Рўзгор соҳиби бажону дил унинг қорнини тўйғазди, кейин уни Нутото ёриб эплай олмаган тўн-калар олдига бошлаб борди, лекин Мазетто Нутотога нисбатан бақувватроқ эди, шу боисдан бирпасда ҳамма тўнқаларни ёриб саржин қилиб берди. Кейин рўзгор соҳиби ўрмонга кета туриб, уни ҳам ўзи билан олиб борди, унга ўтин тайёрлатди, сўнг уни эшакнинг олдига қўйиб, имо-ишора билан ўтинни монастирға олиб бор, деб тушунтирди. Мазетто ҳамма айтилган ишни пухта бажарди, шунда рўзгор соҳиби яна баъзи ишларда ёрдами тегсин, деб уни бир неча кунга монастирда олиб қолди. Мана, ниҳоят, бир кун уни сарроҳиба кўриб қолиб, рўзгор соҳибидан, у қанақа одам, деб сўради. Рўзгор соҳиби унга шундай жавоб қилди: «Бир мискин кар-соқов экан бегойим, садақа сўраб кирган эди, қорнини тўйғаздим, бунинг

эвазига у анча-мунча ишимизни қилиб берди. Агарда, боғбонлик қилиш қўлидан келиб, бу ерда қолишга рози бўлганида эди, бино-йидай хизматкорлик бўлиб қолардик, бизга айнан шунақаси керак: ўзиям азамат йигит экан, ҳар қандай ишни ҳам эплайди. Агар роҳиба қизларингиз билан шўхлик қилади, деб шубҳа қилаётган бўлсангиз,— ўйлайманки, шубҳангиз ўринсиз».

«Гапинг рост, азбаройи худо! — деди сарроҳиба.— Бил-чи, илгари ҳеч боғбонлик қилганмикин, қилган бўлса, шу ерда қолишга кўндир. Унга бошмоқ, эски плаш бер, хушомад қил, силаб-сийпала, обдан тўйгунича овқат бер».

Рўзғор соҳиби айнан шундай иш кўражагини айтди. Бу маҳал шу ўртада ҳовли супуриб юрган Мазетто, ўзини тиришиб ишлаётгандай қилиб кўрсатса ҳам аслида суҳбатга қулоқ осиб, хурсанд бўлганидан ўзига-ўзи дерди: «Сизлар аввал мени ишга олинглар — кейин боғингизни қанақа яшнатиб юборишимни кўринглар».

Рўзғор соҳиби соқовнинг жуда яхши борбон эканлигига ишонч ҳосил қилгач, имо-ишоралар билан ундан, шу ерда қолишни истамайсанми, деб сўради. Мазетто ҳам имо-ишоралар билан унга, ҳеч қандай ишдан бўйин товламайман, дегандек жавоб қилди,—шундан кейин рўзғор соҳиби уни монастырь қошида олиб қолди, уни боғда ишлашга ундади, сўнг унга йўл-йўриқ кўрсатиб, ўзи монастырь хўжалигига оид ишлар билан машғул бўлди. Мазетто кун бўйи тиним билмай ишларди, роҳиба қизлар эса, унга тегажаклик қилишар, одатда соқовларни қандай майна қилишса, уни ҳам шундай довдиратишар, қулоғи том битган деб ўйлаб, энг уят сўзлар билан сўкишарди, сарроҳиба бўлса, бу хизматкорнинг наинки тили, шунингдек, думи ҳам бўлмаса керак, деб фараз қилиб, бу ҳолга деярли ҳеч, аниқроқ қилиб айтганда, мутлақо парво қилмай қўйган эди.

Аммо бир куни шундай воқеа содир бўлди: Мазетто роса тер тўкиб ишлаб, дам олгани чўзилиб ётган эди, иккита ёш роҳиба боғда сайр қилиб юриб тасодифан унинг тепасига келиб қолдилар ва уни ҳар томонлама кўздан кечира бошладилар, у эса ўзини ухлаганга солиб ётаверди. Шунда роҳибалардан шаддодроғи дугонасига деди: «Агар сир сақлай олишингга кўзим етганида, кўпдан бери миямга келган бир ниятимни сенга очган бўлардим, балки сен ҳам ундан баҳраманд бўлармидинг».

Дугонаси бўлса унга: «Гапиравер, қўрқма, мен ҳеч кимга айтмайман»,— деди.

Шундан кейин шаддод роҳиба бундай гап бошлади: «Сен ақалли бирин марта бўлсин, бизни қандай қаттиққўллик билан кузатишларини ўйлаб кўрганмисан? Ахир даргоҳимизга биронта ҳам эркак зоти киришга журъат қила олмайди, анави рўзғорбоши чол билан мана бу соқовни ҳисобга олмасанг. Ҳолбуки, монастыримизга келган хотинлардан кўп маротаба эшитганман: «Бу дунёнинг жамики лаззати-ю, сафоси — аёл кишининг ўзини эркак ихтиёрига топширганидаги нашъу намо олдида ҳеч гап эмас экан. Шу боисдан, менинг хаёлимга бир фикр келди: модомики, бу нашъу намога мушарраф бўлмоқ учун биронта ҳам эркак зотига яқинлашишимиз мумкин эмас экан, ҳарна йўқдан кўра, манави соқов билан ўйнашиб кўр-

маймизми? Ахир бундай иш учун айни муддао шу-ку: чунки у ҳатто бизни чақмоқчи бўлганда ҳам барибир ҳеч кимга айта олмайди, тили йўқ. Кўриниб турибди, ғирт тўнкага ўхшайди. Худо унга бўй беришга берибди-ю, ақлдан сиқиб қўйибди. Хўш? Нима дейсан шунга?»

«Вой, нима деяпсан! — деди иккинчи роҳиба. — Унутдингми, худойи таолога сиғиниб дунёдан бокира ўтишни ният қилган-мизку?»

«Э, ҳар куни худога сиғиниб не-не ниятлар қилишади, аммо биронтасиниям бажаришмайди! — деб эътироз билдирди биринчи қиз. — Уша ниятимизни бошқалар бажара қолсин».

Дугонаси бунга жавобан деди: «Борди-ю, ҳомилали бўлиб қолсанг-чи, унда нима қиласан?»

Униси деди: «Подадан олдин чанг чиқариш на ҳожат! Олдин бўлсин — ўшанда ўйлаб кўрармиз. Агар ўзимиз тилимиздан илинмасак, ҳеч қачон, ҳеч ким, ҳеч нима билмайди».

Иккинчи роҳиба бундай сўзларни эшитиб, бу эркак зоти ўзи қандай махлуқ экан, деб уни синаб кўришга сабри чидамай қолди. «Хўш, нима қиламиз бўлмаса?» — деб сўради у.

Биринчи роҳиба унга деди: «Ҳозир соат уч бўлиб қолди — эгачиларимиз ухлаб қолишган бўлса керак. Қарайлик-чи, богда ҳеч ким йўқмикин, агар ҳеч ким бўлмаса, анави тўнкани қўлидан ушлаймизу ёмғирда кириб ётадиган ҳув анави чайласига етаклаб кирамиз, — биримиз у билан бўлсак биримиз ташқарида қоровул бўлиб турамиз. У шунақа овсарки, ҳамма айтганимизни қилади».

Мазетто бу гапларнинг ҳаммасини қулоғи динг бўлиб эшитиб, хизматга тэйёр бўлиб ётар ва роҳибаларнинг биттаси келиб қўлидан етаклашига мунтазир эди. Роҳибалар теваарак-атрофга олазрак бўлиб қарашиб, ҳеч ким уларни кузатмаётганига ишонч ҳосил қилишгач, бояғи бу борада гап очгани Мазетто бошига келиб уни уйғотди, у дарҳол дик этиб ўрнидан туриб кетди. Қиз унга навозиш билан қаради — Мазетто телбанамо иршайди, қиз уни қўлидан ушлаб, чайлага етаклади ва Мазетто чайлада, қизни ялинтириб ўтирмасдан, эҳтиёжини қондирди. Кейин у, армони ушалгач, ваъдасига вафо қилиб, ўрнини қўриқчилик қилиб турган дугонасига бўшатиб берди, Мазетто эса, ўзини овсарликка солиб, ҳеч монелик қилмай, бунисини ҳам хурсанд қилди. Шу муносабат билан иккала роҳиба ҳам соқовнинг қандай чавандозлик қилишини яна бир мартадан синаб кўргилари қиста қолди. Кейинчалик, улар бир-бирлари билан суҳбатлашишганида, кўпинча, бу нарса бошқа хожинларнинг гапларидан олган таассуротдан ҳам лаззатлироқ эканлигини эътироф этадиган бўлдилар ва қулай пайт пойлашиб шўхлик қилгани соқовнинг олдига бориб турдилар.

Бироқ шундай ҳол юз бердики, эгачилардан биттаси ўз ҳужрасида ўтириб, деразадан икки роҳибанинг хатти-ҳаракатини кўриб қолиб, бошқа яна иккита эгачига кўрсатди. Улар аввалига ҳамма гапни шу заҳоти бориб сарроҳибага айтамиз, деган қарорга келишди, аммо кейин чуқурроқ мулоҳаза қилиб кўриб, бу фикрларидан қайтдилар, икки роҳиба билан келишишиб, улар ҳам Мазеттонинг

матонатини ўз устларида синаб кўра бошладилар. Қолган учта роҳиба ҳам турли пайтда турли сабаблар билан уларнинг ошига шерик бўлишди. Ниҳоят, ҳеч нимадан хабари йўқ сарроҳиба, кунларнинг бирида ёлғиз ўзи боғни сайр қилиб юрганида, Мазеттога кўзи тушиб қолди, гарчи кундузги ишлар унчалик бўлмаса ҳам, лекин тунги чавандозликлар уни қаттиқ толиқтириб қўяётган эди, шунинг учун у бодом дарахти остида узала тушиб ухлаб ётарди-ю, шамол этагини очиб юборгани сабабли, унинг ҳамма ёғи кўриниб қолган эди. Сарроҳибанинг бунга кўзи тушди-ю, олазарак бўлиб боғда ўздан бошқа ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, ўзининг ҳам вужудида худди роҳиба қизларда бўлгани сингари шаҳват ўти аланга олганини сизди. У Мазеттони уйғотиб, ўз ҳужрасига бошлаб кириб кетди ва роҳибаларнинг, боғбон боғимизга қарамай қўйди, деб нолишларига ҳам парво қилмай, илгари ўзи қоралаган ўшал жоннинг ҳузури бўлмиш лаззатдан қайта-қайта баҳраманд бўлиб, соқовни ўз ҳужрасида бир неча кунгача олиб ўтирди.

Ниҳоят бир кун у Мазеттони ўз кулбасидан чиқариб юборди, лекин шундан кейин ҳам уни бот-бот ёнига чақириб турди, илло, энди сарроҳибанинг эҳтиёжи соқовнинг имкониятидан ошиб бораётган эди, шунда Мазетто, энди бу аёлнинг нафсини тўла қондира олмаслигига кўзи етиб, бундан буён ҳам ўзимни соқов қилиб кўрсатадиган бўлсам, ҳолим хароб бўлади, деган хулосага келди. Мана, ниҳоят, бир кун тунда, у сарроҳиба билан ётганида соқовликка барҳам бериб, шундай сўзлар билан унга юзланди: «Бегойим! Эшитишимга қараганда; битта хўроз ўнта товуқни бемалол таъминлай оларкану, аммо ўнта эркак бир аёлни зўр-базўр ёинки қийинчилик билан қониқтираркан, мен бўлсам тўққизта хотиннинг хизматидаман. Энди бунга ортиқ бардош бера олмайман, ҳали буям бир баҳарнави: ортиқча тиришқоқлик қилганим оқибатида энди ҳеч ишга қурбим етмай қолди. Шунинг учун, менинг бу ердан ётинчгина бош олиб кетишимга ижозат беринг, ё бир илож қилиб мени бу балодан халос этинг».

Соқовнинг тилга кирганини кўриб, сарроҳиба эсанкираб қолди. «Бу қанақаси? — деди у. — Мен сени соқов деб ўйлаган эдим-ку».

«Мен, бегойим, дарҳақиқат соқов эдим, — деб эътироз билдирди Мазетто, — лекин туғма эмас эдим, мен бир касал бўлганимда тилсиз бўлиб қолгандим, бугун кечаси бирдан тилим ишлай бошлаганини пайқаб қолдим, бунинг учун парвардигорга астойдил сиғиниб шукрона ўқийман».

Унинг гапларига лаққа ишонган сарроҳиба сўради: «Тўққизта хотиннинг хизматидаман, деган гапингни қандай тушунмоқ керак?» Мазетто бўлган воқеанинг ҳаммасини унга тушунтирди. Сарроҳиба унинг ҳикоясини эшитиб бўлиб, монастырдаги ҳамма роҳибалар мендан анча ақллироқ экан, деган хулосага келди. У мулоҳазали аёл эди, шунинг учун, Мазеттони бўшатиб юбормади, балки Мазетто монастырни бадном қилмаслиги учун, ҳаммалари бир ёқадан бош чиқариб, бу кўнгилсиз ҳолни бартараф этишга қарор қилдилар. Худди шу пайт рўзғор соҳиби қазо қилиб қолди. Роҳибалар ҳар бир гапда бир-бирлари билан баҳамжиҳат иш кўришга одатланган

бўлганлари учун уларнинг розилиги ва Мазеттонинг ижозати билан теварак-атрофдаги қавмларга: роҳибаларимизнинг тоат-ибодати-ю, монастиримизнинг пушти паноҳи бўлмиш азиз-авлиёнинг инояти билан узоқ вақтдан бери гунг бўлиб қолган Мазетто қайта тилга кирди, деб ишонтиришди ва уни ўзларига рўзгорбоши қилиб тайинлашиб, вазифасини шундай белгилаб беришдики, энди у ҳамма ишни ўзи эплай бошлади. Гарчи у бундай вазифани бажариш мобайнида анча-мунча роҳибваччаларни дунёга келтирган бўлса ҳам ёпиқлик қозон ёпиқлигича қолаверди ва бу ҳол фақат сарроҳиба бандаликни бажо келтиргандан кейингина ошкор бўлди, лекин бу пайт Мазетто хийла қариб қолган ва бой-бадавлат бўлиб, уйига қайтиш иштиёқида юрган эди. Бу сирлар ошкор бўлгандан кейин эса, уни жўнатиб юборишга мажбур бўлдилар.

Шундай қилиб, уйдан битта болта билан чиқиб кетган Мазетто табиатан фаросатли бўлгани туфайли, ёшлик даврини самарали ўтказиб, қариган чоғида, сердават, болаларини едириб-ичиришдан, уларга нафақа тўлашдан озод бўлган серфарзанд ота сифатида қишлоғига қайтиб келди, қайтиб келгач, мудом: «Сабр қилсанг ғўрадан ҳалво битар», деб такрорлаб юрган экан.

2

Бир отбоқар қирол Агилульфнинг хотинига ҳаётгўшак бўлади; қирол буни пайқаб қолиб, отбоқарни топади ва унинг сочидан бир тутамини қирқиб олади; отбоқар бошқа отбоқарларнинг сочларидан бир тутамдан қирқиб олади ва фақат шу туфайли мушқули осон бўлади.

Филастрато хонимларни гоҳ уялтириб, гоҳ кулдириб, ахири ўз ҳикоясини тугатганида қиролича навбатдаги ҳикояхон Пампинейя бўлишини ихтиёр қилди, Пампинейя ҳам шўх жилва билан шундай ҳикоя қила бошлади:

— Дунёда шундай бемулоҳаза одамлар бўладикки, улар билмэган нарсаларини биламан, деб керилишни яхши кўрадилар; улар фақат ўзларигина пайқаган ўзгаларнинг гуноҳларини фош қилиш билан ўз иллатларини ювиб юбораман, деб ўйлайдилар, аммо аслида эса, айнан шу хатти-ҳаракатлари билан бешбаттар шарманда бўладилар. Ушбу фикримнинг ҳаққонийлигини, фусункор хонимлар, мен сизларга муқобил воқеа мисолида — бир доғули одам (уни Мазетточалик омади юришмаган экан деб айтишингиз ҳам мумкин) билан яна бир шавкатли қирол мисолида исботламоқчиман.

Лангобардлар¹ қироли Агилульф тахтга ўтиргач, ўз салафлари изидан бориб, Ломбардия шаҳри Павиняни салтанатининг пойтахти этиб танлади, ўзига хотин қилиб эса, лангобардларнинг собиқ қиролининг беваси, соҳибжамол, ақлда баркамол, ғоятда диёнатли

¹ Лангобардлар — Шимолий Италияда яшаган герман қабилалари; Ломбардия вилоятининг номи шундан олинган (тарж.).

вале ишқий масалаларда уқуви йўқ Аутарини олди. Шу номи зикр этилган қирол Агилульфнинг жасорати ва ҳушёрлиги шарофати билан лангобард аҳли тинч ва хотиржам кун кечири бошлади, буни қарангки, қироличанинг отбоқари, яъни гарчи зоти паст бўлса ҳам ўзидаги бошқа хислатларга кўра, ҳозирги манфур касбидан анча дуруст мансабга лойиқ бўлган, худди қиролдек хушқомат ва хушчеҳра одам қироличага девоналарча ошиқ бўлиб қолди. Отбоқар гарчи ғоятда паст мансабда бўлса ҳам ўзининг ушбу ишқий талпинишлари одоб доирасидан чиқаётганини аниқ сезаётган эди, шунга кўра, у закий одам бўлгани туфайли, ўз туйғусини ҳеч кимга изҳор этмас ва ҳеч бир хатти-ҳаракати, ҳаттоки нигоҳ ташлаши билан ҳам қироличага уни севишини сездирмасди. Қироличанинг лутфига ноил бўлмоқ учун унда асло умид йўқ эди, шундай бўлса ҳам хаёлини шундай сарбаланд хилқатга йўналтирганидан зимдан ғурурланиб юрар ва муҳаббат алангасида қовурилган аксарият ошиқлар каби, қироличага ёқмоқ учун ҳамкасбларига нисбатан зўр тиришқоқлик билан ҳар қандай ишни бажону дил бажарарди. Мана шу боисдан ҳам қиролича сайрга чиқаётганида, бошқа отбоқарлар боққан отга эмас, балки айнан шу отбоқар парвариш қилган отга минишни кўпроқ ихтиёр қиларди, шундай ҳолларда, отбоқар буни энг юксак марҳамат деб билиб, от узангисидан нари кетмас ва ҳар сафар қироличанинг либосига тегиб кетганда, ўзини дунёда энг бахтиёр киши деб ҳисобларди.

Бироқ ҳаёт тақозоси бизга шуну уқтирардики, умид қанчалик кам бўлса, муҳаббат шунча кучаявераркан, бахти қаро отбоқар ҳам айнан шундай аҳволга тушган эди. Самарасиз муҳаббат дардини қалбида сир сақлаш унинг учун жуда мушкул эди, ниҳоят у бу ҳиссиётни даф этишга ожизлик қилиб, тез-тез ўз жонига қасд қилишни ўйлайдиган бўлди. Ўз жонига қасд қилиш усулларидан у шундайини сайламоқчи бўлдики, агар ўлса ҳам одамлар, шўрлик, қироличага бўлган кексиз муҳаббати туфайли ўз жонига қасд қилибди, дейдиган бўлишсин. Бундан ташқари, у, ўзим учун танлаётган ўлим, ўз бахтимни синаб кўришда менга кўмаклашиши ва ҳирсий нафсимни батамом ёки йўқ деганда, қисман қондирмоғи лозим, деб ўйлар эди. Отбоқар ўз муҳаббатини қироличага сўз билан изҳор этишга журъат эта олмасди, бу борада унга мактуб ёзишга ҳам юраги дов бермасди — бу иккала усулнинг ҳам бефойда эканлигини у яхши тушунарди,— бинобарин, у бирон ҳийла ишлатиб, қиролича билан бир тўшақда ётишининг иложи йўқмикин, деб бош қотира бошлади. Ўйлаб-ўйлаб у фақат қироличанинг оромгоҳига қирол қиёфасида кириб боришдан ўзга йўл ва восита йўқ, деган фикрга келди, зеро, унга маълум бўлишича, қирол ҳамма вақт ҳам қиролича билан бир хонада ётмасди. У қиролнинг қиролича олдига қай йўсинда ва қандай либосда кириб боришини аниқлаш учун кечалари қасрга кириб, қирол билан қироличанинг оромгоҳлари ўртасидаги катта залга яшириниб ўтирди. Мана шундай тунларнинг бирида у қиролнинг кенг плашга ўраниб, бир қўлида шабқироқ, иккинчи қўлида асо билан ўз ётоқхонасидан чиққанини, қиролича оромгоҳига яқин келиб, товуш чиқармай икки марта асоси билан

эшикни таққиллатганини, шу заҳоти эшик очилиб, унинг қўлидан шабчироқни олишганини кўрди.

Отбоқар қиролнинг қиролича ҳузурига қандай кирганини, кейин у ердан қандай чиқиб кетганини синчиклаб ўрганиб, ўзи ҳам айнан шундай иш кўришга аҳд қилди. У қирол плашига ўхшаган плаш, шабчироқ ва асо топди, кейин гўнг ҳиди қироличанинг димоғига кириб шубҳа уйғотмасин учун ваннада яхшилаб чўмилди-да, яна ўша катта залга кириб яширинди. У саройда ҳамманинг ухлаганига қаноат ҳосил қилгач, ўз орзусини рўёбга чиқариш ёки ўзи истаган ўлим билан юзма-юз дадил учрашиш пайти етганини англади-да, ўзи билан олиб келган чақмоқтош билан чақмоқ пўлатдан ўт чиқарди, шабчироқни ёқди, плашга ўраниб-чирманиб, қиролича оромгоҳига яқинлашди ва эшикни икки марта қоқди. Қанизак уйқули кўзи билан эшикни очди, шабчироқни олиб ўз ўрнига қўйди, отбоқар эса, чурқ этмасдан пардани кўтарди-ю, плашини ечиб, қироличанинг ёнига ётди. У қироличани маҳкам қучоқлади, лекин ўзини бир нимадан ранжигандек кўрсатди, — қирол кўнгли га ш пайтида ҳеч бир сўз эшитишни ёқтирмаслигини отбоқар биларди ва ўзи ҳам бир оғиз сўз айтмай, қироличанинг ҳам гапиришига йўл қўймай кетма-кетига бир неча бор у билан тандош бўлди. Унинг бу ердан сира кетгиси йўқ эди, лекин пайсалга солиш — лаззатни азобга айлантириб юбориши мумкинлигидан қўрқиб, тўшакдан турди, плашини ёпинди, шабчироқни олди-да, бир оғиз ҳам сўз демай хонадан чиқиб кетди ва югура бориб, дарров ўз ўрнига ётиб олди.

У ўрнига бориб ётиб улгургани ҳам йўқ эдики, бу ёқда қирол ўрнидан туриб, қироличанинг оромгоҳига кирди ва бу билан қироличани гоятда таажжубда қолдирди, шунинг учун қирол тўшакка ётиб, хотини билан мулоим саломлашганда, қиролича эрининг ширинсуханлигидан руҳланиб кетиб, унга шундай сўзлар билан юзланди: «О, бу янгилик-ку, аъло ҳазрат! Ҳозиргина меъёридан ортиқ лаззат топиб чиқиб кетган эдингиз, дарров яна қайтиб келибсизми? Саломатлигингизни ўйласангиз бўларди!»

Қирол бундай гапни эшитиб дарҳол тушундики, кимдир юриштуриши, ташқи қиёфаси билан қиролга ўхшашлигидан фойдаланиб, қироличани лақиллатган, бироқ қирол бу ҳолдан қироличанинг ҳам, бошқа биронта одамнинг ҳам хабари йўқлигига ишонч ҳосил қилиб, донишманд одам бўлгани туфайли, қироличани шу гафлатда қолганича қолдириб, иш кўрмоқчи бўлди. Аксар тентак одамлар унинг ўрнида бўлишганда бундай қилишмасди — улар: «Йўқ, мен келганим йўқ. Ким келувди бу ерга? Нима иш қилдиларинг? Ким эди у?» — деб суриштирган бўларди. Бунинг оқибатида ҳар хил совуқчиликлар тушиб қироличани бекорга ранжитган бўларди, айти пайтда, қироличада бўлиб ўтган лаззатли онларни яна такрорлаш истаги уйғонарди, овоза қилса, қирол ўзи бадном бўларди, лекин индамай кетса, ёпиқлик қозон ёпиқлиги ча қоларди.

Алқисса, қирол ғазабини кўнглига тугди ва хатти-ҳаракати билан ҳам, гап билан ҳам асло сир бой бермади. «Хотин! — деди

у. — Наҳот мени такрорлашга қодир эркаклар қаторига қўшманган?»

Хотини бунга жавобан шундай деди: «Албатта қўшаман, аъло ҳазрат, шундай бўлса ҳам соғлигингизни ўйласангиз бўларди-да».

Қирол хотинига деди: «Бу сафар маслаҳатингга кирганим бўлсин — майли, сени безор қилмай, чиқиб кетаман».

Қирол, ўзининг бадном бўлганига асло шубҳа қилмай, газаб ва жаҳолат билан қўлига плашини олди-да, хонадан чиқди, — у айбдорни ҳеч қандай шов-шув кўтармай қидириб топмоқчи бўлди, унинг фикрича, бу ишни қилган одам албатта сарой хизматкорларидан бўлиши керак эди, бинобарин, бундай бемаҳалда у қасрдан ҳам чиқиб кета олмасди. Хулласи калом, у фокусни ёқиб, узундан-узун хизматкорхона томон йўл олди, отхона ҳам шу том остига жойлашган эди — бу ерда турлича сўриларда қиролнинг деярли барча хизматкорлари донг қотиб ухлаб ётишарди. Қирол ҳозиргина қиролича билан мулоқотда бўлган одамнинг томир тепиши ҳам, юрак уриши ҳам жонни жабборга бериб қилинган ўша меҳнатдан кейин ҳали-бери босилмаслиги керак, деган фикрга бориб, бир сўридан иккинчисига ўтиб, бир чеккадан ҳамма хизматкорларнинг юрагига қўлини қўйиб кўра бошлади. Ҳамма донг қотиб ухларди, фақат қиролича қўйнида бўлган отбоқаргина ҳали ухламаган эди. У қиролни узоқдан кўриши билан кимни қидираётганини англади-ю, кайфи учиб кетди, ҳали-замон чавандозлик қилганидан шундоқ ҳам қаттиқ тепаётган юраги, энди кўрққанидан нақ қинидан чиқиб кетгудек питирлай бошлади, чунки агар қирол бундан огоҳ бўлиб қолса, уни ҳеч шафқат қилмай ўлимга маҳкум этишига мутлақо имони комил эди. Отбоқар қиролнинг қўлида яроқ йўқлигини кўриб, турли хил нажот йўллари ни бирма-бир хаёлидан ўтказа бошлади ва ахирини ўзини ухлаганга солиб, қиролнинг нима чора кўришини кутишга қарор қилди. Қирол эса, бу пайт бир бошдан ухлаб ётган хизматкорларнинг юрагини пайпаслаб, ҳозирча шубҳали ҳеч нима сезмай, энди унинг тепасига келган эди, мана у, отбоқарнинг юраги гурс-гурс тепаётганини пайқаб, ўзича: «Бу ўша!» — деди. Ва лекин, вақт-соати етмагунча ниятини ошкор қилишни истамай, ёнида олиб келган қайчи билан унинг чеккасидан бир тутам сочинини қирқиб олди, — у замонда одамлар жуда узун соч қўярдилар, — бунинг сабаби, қирол мана шу нишона бўйича эрталаб уни таниб олмоқчи эди, — шундан сўнг қирол хизматкорхонадан чиқиб, ўз оромгоҳига йўл олди. Қиролнинг ҳар битта ҳаракатини кузатиб ётган отбоқар, идрокли йигит эмасми, қиролнинг не мақсадда бундай нишона қолдириб кетганини дарров фаҳмлади. У шитоб билан ўрнидан турди, қайчи топди — бахтига отхонада бир нечта қайчи бор эди, — чунки улар отларнинг ёлини кузаш учун керак бўларди, — ухлаб ётганлар тепасига пусиб бориб, хизматкорхонада қанча эркак бўлса, ҳаммасининг қулоғи теппасидан худди ўзиникига ўхшатиб бир тутамдан сочини қирқиб олди, кейин бу қилмишини ҳеч кимга сездирмай, ўз ўрнига ётиб ухлаб кетди.

Қирол эрталаб туриб, барча хизматкорларини йиғишни ва са-

рой дарвозасини ҳозирча очмасликни буюрди, буйруқ дарҳол бажарилди. Барча хизматкорлар бош яланг ҳолда унинг қаршисида саф тортиб туришгандан кейин, у кимнинг бир тутам сочини қирқиб олганимни ҳозир топиб оламан, деган умидда, ҳаммани бир-бир кўздан кечири бошлади. Бироқ аксарият хизматкорларнинг бир тутамдан сочи қирқилган бўлиб чиқди-ю, бу ҳол қиролни ҳанг-манг қилиб қўйди. «Мен ахтараётган одам гарчи зоти паст бўлса ҳам, ақли расо экан», — деб ўйлади у. Қирол, овоза қилмай туриб, жиноятчини топиб бўлмаслигига ақли етди ва арзимаган интиқом деб, ўзини бадном қилиб қўйиш мумкинлигини идрок қилиб, икки оғиз сўз билан жиноятчини уялтиришни ва унга, яъни қиролга ҳамма нарса аён эканлигини эслатиб қўйишни эп кўрди. Шу муносабат билан у барчага мурожаат қилиб деди: «Бу ишни ким қилган бўлса ҳам энди ҳеч қачон қилмасин. Боринглар, худо ёр бўлсин!»

Унинг ўрнида бошқа одам бўлганида одамларни қийноққа солишни, азоблашни буюрарди, жиноятчини қидиртириб, ҳаммани бирма-бир сўроқ қилган ва бунинг ниҳоясида одамзод сир тутиши лозим бўлган нарсани ошкор қилиб юборган бўларди. Қирол жиноятчини топиб унй қаттиқ жазога мустаҳиқ қилиш мумкин эди, вале айни пайтда ўзини ҳам шармандайи шармсор қилган ва хотинининг номусига доғ туширган бўлур эди. Қиролнинг гапини эшитганлар ҳайрон бўлишди ва кейин кўп вақтгача, қирол нимага шама қилди экан, деб бош қотириб юришди-ю, барибир, ҳеч ким, ҳеч нима тушунмади; ҳолбуки фақат бир кишига қаратилган ўшал гап эгасини топган эди. У эсли-ҳушли одам эди, шу боисдан қиролнинг кўзи очиқ пайтида бирон марта бўлсин оғзидан гулламабди ва бошқа ҳеч қачон бундай ишга юрак ютиб журъат этмабди.

3

Бир хоним бир кишини севиб қолиб, тавба-тазарру пайтида ўзини қилган гуноҳларига астойдил иқрор бўлаётгандек қилиб кўрсатиб, шундай нарсага муяссар бўладиким, ҳеч нимадан хабари йўқ порсо роҳиб, хоним тузган режани тўла амалга оширишда ҳамкорлик қилади

Пампинея сўзлаб бўлгач, аксари жамоа отбоқарнинг довораклиги, фаросатига, шунингдек, қиролнинг донишмандлигига тасаннолар айтишди, шундан кейин, қиролича, Филоменага юзланиб, навбат уники эканлигини эълон қилди. Филомена ҳам жозибакор нафосат билан шундай ҳикоя қила бошлади:

— Мен сизларга ҳақиқатан бўлиб ўтган бир ҳазил воқеа ҳақида ↔ бир дилбар хонимнинг диёнатли бир роҳибга қилган ҳазили ҳақида ҳикоя қилмоқчиманким, бу ҳазил мардумларга янада кўпроқ ёқиб тушиши мумкин, зеро аксарият роҳиблар ниҳоятда аломат табиатли ва антиқа хулқли, ғирт овсар бўладилар, ўзларини бошқалардан баланд ва заковатлироқ деб фараз қиладилару аслида

бошқалардан минг чандон тубанроқ бўладилар, улар разолат аҳли бўлганликлари сабабли бошқа барча одамлар сингари меҳнат билан ўз эҳтиёжларини қондиришга қодир эмаслар, балки бирон ўлжа ундириш мақсадида мисоли тўнғизлардек муттасил изланадилар. Гулчеҳра хонимлар, бу ҳазилни сизларга наинки қироличанинг амрини бажо айлаш учун, шунингдек, тавба-тазарру пайтида бутун сирру асрорларимиздан ўзимизнинг енгилтаклигимиз туфайли огоҳ бўлган роҳибларнинг ҳам эркаклар томонидан, ҳам ўз тоифамизнинг айрим намояндалари томонидан ғоятда усталик билан алданишни мумкинлигини ва алдани келаётганини сизларга исботлаш учун ҳам сўзлаб бермоқчиман.

Меҳру вафо эмас, балки фирибу найранг маскан қурган бизнинг шаҳримизда бундан хиёл илгари ўзининг нодир хусн-жамоли, хушрафторлиги, олижаноб қалби ва нозик фаросати билан танилган иззат-эътиборли бир хоним яшаган эди, вале унинг ҳам, ҳикоямда иштирок этувчи ўзга шахсларнинг ҳам исмини, гарчи улар менга аён бўлса ҳам, — сизларга очмайман, зеро, уларнинг кўпчилиги ҳали ҳаёт ва ҳикоя уларнинг аччиғини чиқариши мумкин, ваҳоланки, шундай ҳолича ҳикоям сизларни хушнуд этиши мумкин, холос. Шундай қилиб, бу хоним, зодагонлар насабидан бўлишига қарамай, ўзини ниҳоятда бадавлат бўлса ҳам, лекин халқдан чиққан оддий бўзчи, — косибга эрга беришганига ҳеч чидай олмай жиғибийрон бўлиб юрарди, — унинг фикрича, зоти паст эркак, қанчалик бой-бадавлат бўлмасин, олинасаб аёлга лойиқ эмас эди; бунинг устига, у эрининг шунча бойликка эга бўлгани билан матоларни бир-биридан фарқ қилиш, ип йиғириш учун дуг тайёрлаш ёки калаванинг сифати ҳақида ип йиғирувчи аёл билан баҳслашишдан бўлак нарсга уқуви йўқлигини билгач эса, ҳар қандай ҳолда ҳам эрининг эркалашларини, — рад этишнинг ҳеч иложи бўлмаган ҳоллардан бошқа ҳамма вақт, — ҳеч қабул қилмасликка, ўз кўнгилхушлиги учун бу бўзчидан кўра муносиброқ биронта одамни излаб топишга қарор қилди. Шундай қилиб, у ўрта ёшлардаги ғоят даражада диёнатли бир кишига ошиқ бўлиб қолди, уни шунчалик қаттиқ севиб қолдики, агар бир кун кўрмаса, кечаси билан мижжа қоқмай уни қўмсаб чиқадиغان бўлди. Бироқ у эркак ҳеч нимани пайқамас ва бундай фикр унинг хаёлига ҳам келмас эди, хоним эса, эҳтиёткорлик юзасидан, фалокат юз беришидан қўрқиб, ўз армонини унга на воситачи аёл орқали ва на мактуб орқали изҳор қилишга журъат этарди.

Аслзода хоним у одамнинг бир роҳиб қошига тез-тез бориб туришини пайқаб қолди, роҳиб, гарчи нодон ва ношуд одам бўлса ҳам ўзининг зоҳидона ҳаёт кечириши билан деярли барча қавмлар олдида риёзат чекувчи деб доврўқ қозонган эди, хоним, ўзи билан маҳбуби ўртасида энг яхши воситачи мана шу роҳиб бўлиши мумкин, деб кўнглига тугиб қўйди. У қандай тарзда иш кўришни олдиндан пухта ўйлаб олиб, энг қулай фурсатни пойлаб, ўшал роҳиб истиқомат қиладиган черковга борди ва уни чақиртириб, ўзингиз учун қулай бўлган пайтда менинг тавбамни қабул айласангиз, деб илтимос қилди. Роҳиб, аёлни кўринишидан аслзода

эканлигини тушуниб, бажону дил рози бўлди, аёл эса, тавба-тазаррудан сўнг, унга шундай деди: «Пирим! Менга бир иш юзасидан сизнинг кўмагингиз ва маслаҳатингиз керак. Менга аёнки,— ўзим ҳам ҳозир айтиб бердим бунн, — сиз менинг ота-онамни ҳам, мени жонидан ортиқ сеувчи умр йўлдошимни ҳам танийсиз: агар кўнглим бирон нима тусаб қолса, эрим ўта бадавлат ва қўлини нимага чўзса етадиган одам эмасми, ўша заҳоти тангиқлигимни кўтариб, айтганимни бажо келтиради, мана шу фазилати учун ҳам мен эримни жонимдан ҳам ортиқ севаман, бинобарин, агар мен унинг беқусур номига доғ туширадиган ёки уни ранжитадиган бирон хатти-ҳаракат қилиш у ёқда турсин, ҳаттоки шу ҳақда ўйласам ҳам, унда мен энг бадкор аёлдан ҳам бешбаттар шармандаликка лойиқ бўлур эдим. Кейинги пайтларда қандайдир бир эркак, — очингни айтсам, унинг исмини ҳам билмайман, вале янглишмасам сизнинг ҳузурингизга у бот-бот келиб туради, — ана шу эркак, қисфасидан яхши оила фарзандига ўхшаб кетади, хушрўй, хушқомат, доимо бежирим қора либос кийиб юради, — ана шу одам, афтидан, менинг турмуш тарзимдан чеҳабар бўлса керак, менга мутлақо кун бермай қўйди: остонага чиқсам ёки дераза олдига борсам, уйимдан кўчага чиққудек бўлсам, доим рўпарамда пайдо бўлади; ҳозир уни бу ерда кўрмаётганимга таажжубланяпман. Буларнинг ҳаммаси мени қаттиқ безовта қиляпти; унинг бу қилмишлари бегуноҳ, номусли аёлларни бадном қилади. Аввалига мен бунн акаларим орқали унга айтмоқчи бўлдим у кейин бу фикримдан қайтдим? Эркаклар топшириқни бажариш пайтида, баъзан одамнинг аччигини чиқариб қўйишлари, натижада, гапдан гап чиқиб, муштни ишга солишлари ҳам ҳеч гапмас. Мен жанжал чиқишидан, миш-миш гаплар тарқалишидан қўрқдим, шу боисдан тишимни-тишимга қўйиб чидаб келдим у ҳеч бўлмагандан кейин, ахири, бу гапларни, энг яхшиси, сизга изҳор этган маъқул, деган қарорга келдим: биринчидан, у сизнинг дўстингиз, иккинчидан эса, бундай ишлар учун наннки дўстларни, бегона одамларни ҳам тергашга ҳақингиз бор. Мана шунинг учун сиздан ёлвориб сўрайман: худо ҳаққи, уни койиб қўйинг, айтинг, бошқа бундай қилмасин. Эҳтимол эркакларнинг кўз ташлашини, хушторлик қилишини ёқтирадиган, бундай нарсаларга ўч аёллар ҳам бордир, лекин мени бу билан ром қилиб бўлмайди, бу нарса мени нафратимни қўзғайди, холос». Шундай деди-ю, худди кўз ёшлари гапиргани қўймаётгандек бошини ҳам қилди.

Авлиё ота гап ким ҳақида бораётганини дарҳол тушунди ва аёлнинг гапларига батамом ишонган ҳолда, унинг хушахлоқлигини мақтаб, ул зот энди сизга хиралик қилмайди, деб ваъда берди. Кейин бу аёлнинг ғоят бадавлат эканлигини билиб, хайр-эҳсон қилиш қандай савоб иш эканлиги ҳақида фикр юрита бошлади-да, гап охирида ўз эҳтиёжини изҳор этди.

Аёл унга деди: «Худо ҳаққи, илтимосимни ерда қолдирманг! Агар у бош товлайдиган бўлса, ҳамма гапни мenden эшитганингизни, сизга ўзим шикоят қилганимни унга рўйи-рост айтаверинг».

Хоним тавба-тазарру қилиб бўлиб, роҳибнинг хайр-эҳсон бобидаги панд-насиҳатини эслади ва қўлига пул тутқазиб, қазо қилган қариндошларининг номини ибодат пайтида тилга олиб, руҳларини шод этишни илтимос қилди, сўнг тиз чўккан еридан туриб, уйига кетди.

Бир оздан кейин, хоним айтган ўша одам, ҳар сафаргидек авлиё ота ҳузурига кириб келди. Роҳиб у билан у ёқдан-бу ёқдан гаплашиб ўтирди-да, сўнг уни бир чеккага олиб бориб: «Бир хонимнинг менга айтган гапидан аён бўлишнча, гўё сен ўшал аёлнинг кўнглини овлаш учун пайига тушганмишсан, ҳеч ундан кўз узмасмишсан», деб ниҳоятда мулойим иборалар билан унга танбеҳ берди. Лекин у одам бу гапдан гангиб қолди, зеро у ҳеч қачон ўша аёлга қиё ҳам боқмаган, унинг уйи олдидан ҳам деярли ўтмаган эди, шунинг учун ўзини оқлашга ўтди. Бироқ роҳиб унинг гапини бўлди: «Ўзингни гўлликка солма, рад этишга ҳам уринма — барибир қўлингдан келмайди. Мен буни қўни-қўшнилардан эшитганим йўқ — у аёлнинг ўзи келиб зор-зор йиғлаб, гапириб берди. Бунақа шўхлик қилиш энди сенга ярашмайди, энг муҳими, сенинг бу шилқимликларинг у аёлга ёқмаяпти. Қўй, ўзингни шарманда қилма, унинг ҳам ғашига тегма — пашшахўрдаликка барҳам беру уни тинч қўй».

Бу одам роҳибга нисбатан анча фаросатли эди денг, хонимнинг устомонлигини дарҳол фаҳмлади-ю, ўзини хижолат бўлгандек қилиб кўрсатди, бундан буён у аёлга хиралик қилмасликка сўз берди, лекин роҳиб билан хайрлашиб чиққач, тўппа-тўғри ўша хонимнинг уйи томон йўл олди, хоним ҳар сафаргидек дераза олдида унинг йўлига кўз тутиб ўтирарди. Маҳбубини кўриши билан шундай кўнгли ёришиб, хурсанд бўлиб кетдики, эркак роҳибнинг гапларини қанчалик тўғри талқин қилганини дарҳол фаҳмлади. Шу воқеадан кейин, у ниҳоятда эҳтиёткорлик билан ўз дилини хушнуд айлаб, хонимнинг кўнглига таскин бериб ва уни хурсанд қилиб, гўё иш билан қаёққадир кетаётган одамдай, ҳар куни танда қўйиб айнан аёлнинг уйи олдидан ўтадиган бўлди.

Орадан бир оз вақт ўтиб, аёл ўзаро муҳаббат риштаси боғланганига ишонч ҳосил қилгач, у кишини яна кўпроқ ўзига ром қилишни ва ўз ҳиссиётининг самимийлигига уни ишонтиришни ихтиёр қилиб қолди-ю, шу мақсадда яна пайт пойлаб, черковга, авлиё ота олдида борди ва унинг пойига тиз чўкиб йиғлаб юборди. Роҳиб, хайрихоҳ кайфият билан ундан қандай янгилик айтмоқчисан, бўтам, деб сўради.

«Авлиё ота! — деди хоним. — Айтадиган янгилигим ҳануз ўша уч кун бурун сизга шикоят қилганим баттол дўстингиз борасидадир: унинг ёруғ дунёга келишидан ягона мақсад ҳам менинг бошимга битган бало бўлиш ва ўла-ўлгунимча ғамга ботиб, бошқа ҳеч вақт сизнинг муборак пойингизга тиз чўкишимга имкон туғдирмаслик бўлса керак».

«Ие! — деб юборди роҳиб. — Наҳот у сени жиғингга тегишни тарк этмаган бўлса?»

«Вой, қаёқда дейсиз! — деб жавоб қилди хоним. — Бешбаттар

қилипти: назаримда, сизга шикоят қилганим учун мендан ачиқланган бўлса керак, энди худди қасдма-қасдликка қилаётгандай, уйим олдидан кунига бир эмас, ўн марталаб ўтадиган бўлди. Эшигим тагидан ўтганида менга кўз ташлаш билан кифоялансаку, шукур қилардим-а, у шунчалик безбет бўлиб, ҳеч нимадан тап тортмай кетдики, куни кеча уйимга совға-салому ҳар хил латтапутта билан бир аёлни киритибди, мени ўша матоҳига зор деб ўйлаганми, ҳамён билан белбоғ бериб юборибди. Менга бу қилиғи қаттиқ ҳақоратдек ботди, ҳали ҳам шундай туюляптики, гуноҳдан қўрқмаганимда ва сизни иззат қилмаганимда, шунақанги шовқин кўтарардимки! Илло мен бир амаллаб ўзимга таскин бердим-да, сизнинг фотиҳангизсиз ҳеч нима қилмасликка ва ҳеч кимга ҳеч гап айтмасликка аҳд қилдим. Бундан ташқари: мен ўша хотинга ҳамённи ҳам, белбоғни ҳам қайтариб олиб бориб беришни буюрдим, уни уйдан деярли чиқариб юборган ҳам эдим, шунда, тўсатдан, бу хотин буюмларни ўзига олиб, у кишига бориб, хоним совгани қабул қилиб олди, деб айтса нима бўлади, деб қўрқиб,— унақа хотинлар қўлидан ҳар нима келади, деб айтишади,— шундай маломатдан қўрқиб, жаҳл билан буюмларни олиб қолдим-да, энди уларни сизга олиб келдим: ўзига қайтиб беринг ва айтингки, — мен унинг совға-саломига зор эмасман, — худога шукур ва эримга минг раҳматки, уйимда бунақа ҳамёну белбоғлар қалашиб ётибди, истасам ўша дўстингизни бунақа матоҳларга кўмиб ташлайман. Агар у эндиям менга хушомад қилишни канда қилмаса, пирим сифатида сиздан фатво сўрайман-да, ҳамма гапни эрим билан акаларимга айтиб бераман, у ёғи нима бўлса, бўлаверсин. У одамнинг касофатига қолиб бадном бўлганимдан кўра, пешонасига ёзилгани шу бўлса, ўзи шармандайи шармисор бўла қолсин. Тўғри ўйлабманми, авлиё ота?»

Гап шу ерга келганда, аёл кўз ёшларини дув-дув тўкиб, қўйнидан ғоятда нафис инжулар билан безатилган ҳамён, кейин қимматбаҳо чиройли белбоғ олиб, роҳибнинг тиззасига ташлади, —у эса, аёлнинг барча айтганларини чин ҳақиқат деб ишониб, қаттиқ саросимага тушганча буюмларни олди ва аёлга деди: «Бўтам! Бу ҳол сени ранжитаётганидан асло таажжуб қилмайман ва сени наинки айблайман, билъакс панд-насиҳатларимга амал қилаётганинг учун ушбу хатти-ҳаракатингни буткул маъқуллаймаман. Мен уни ўтган куни койиб берган эдим, вале, чамаси, сўзининг устидан чиқмаганга ўхшайди, энди мен уни ҳам аввалги, ҳам мана бу янги найранглари учун шундай адабини бериб қўяйки, сенга иккинчи асло хиралик қилмайдиган бўлсин. Сен бўлсанг худонинг мадади бирла ўз ғазабингни бос ва хешларингга ҳам ҳеч гап айтма, йўқса, у одамнинг аҳволи танг бўлғусидир. Сен бадном бўлишдан қўрқма,— худойи таоло олдида ҳам, мардум олдида ҳам сенинг покиза хулқингга ўзим бегараз шоҳиддирман».

Хоним, ўзини бир оз қўнгли таскин топгандек қилиб кўрсатиб суҳбат мавзуини ўзгартирди ва роҳибларнинг, хусусан, мазкур роҳибнинг нақадар тамагир эканлигини билганидан, у билан

шундай суҳбат қурди: «Пирим! Шу кунларда ҳар кеча тушимга ота-онам кириб чиқяпти. Назаримда, улар қаттиқ азоб чекишаётганга ўхшайди, шунинг учун уларнинг руҳларини ёдлаб ибодат қилишга пулни аямаслигимни сўрашди, айниқса — онам раҳматли кўп илтижо қилди; онамнинг қиёфаси шу қадар ғамгин, аянчли эдики, унга қараб; хўрлигим келиб кетди. Билишимча, у менинг ташвишимни еб — анави худо беҳабарнинг касофатига қолиб қанча қийналганимдан ташвишланиб изтироб чекаётганга ўхшайдилар, шунинг-чун, истардимки, сиз бомдод намози пайтида онамнинг руҳига қирқ маротаба такбир ўқисангизу қариндошларимни жаҳаннам азобидан халос этишини парвардигордан илтижо қилсангиз». Шундай дея, аёл роҳибнинг кафтига бир флорин қўйди.

Авлиё ота пулни жон-жон деб олиб, эзгу сўзлар билан ва беҳисоб ибратли мисоллар билан аёлнинг имонини баркамол қилишга уринди-да, оқ фотиҳа бериб, уйига жўнатди. У ўзининг роса гел бўлганини тушунмай, тавба қилган аёл чиқиб кетиши билан дарҳол дўстига одам юборди, — у роҳибнинг дарғазаб қиёфасини кўрди-ю, шу заҳоти хоним тўғрисида бирон янги гап эшитсам керак, деб ўйлади ва бутун вужуди билан роҳибнинг гап-ларига қулоқ сола бошлади. Роҳиб аввалги танбеҳларини яна такрорлаб, сўнгра, хонимнинг гапига кўра, унга қилган номаъқулчиликлари учун дўстини яна ҳам таҳқирумуз, янада таънали иборалар билан койий бошлади. Дўсти, унинг нимага шама қилаётганини ҳали яхши тушуниб етмай ва роҳибнинг танбеҳидаги қатъий ишончни (бу ишончни унга эҳтимолки, ўшал хоним уқтириб кетгандир) инкор этишга журъат қила олмай, ҳамён билан белбоғ юборганидан қимтинибгина бош тортди-қўйди.

Роҳибнинг фигони чиқиб, бақириб берди: «Эътироз билдиришга қандай тилинг борди, касофат? Мана улар — ўша аёл юм-юм йиғлаб, ўз қўли билан олиб келиб берди. Хўш, сенинг буюмларингми булар?»

Эркак хижолатдан ўзини қўярга жой топа олмаётгандай бўлиб, деди: «Меники, албатта. Тан оламан, номаъқулчилик қилдим. У аёлнинг менга майли йўқлигига энди тушундим, сизга онт ичиб айтаманки, ул аёлдан мен тўғримда бошқа ҳеч қандай шикоят эшитмайсиз».

Улар бу ҳақда яна анчагача суҳбатлашиб ўтирдилар; ниҳоят бефаросат роҳиб, дўстига ҳамён билан белбоғни тутқазди-да, қайта-қайта насиҳат ва илтимос қилиб, бошқа бундай ишлар билан шуғулланмасликка ундан сўз олиб, кетишга рухсат берди. Аёлнинг ўз муҳаббати ҳақида берган дарагидан, шу билан бирга унинг ажойиб совғасидан қувончи еру кўкка сиғмаган ошиқ, роҳибнинг олдидан чиқиб, тўппа-тўғри аёлнинг уйи томон равона бўлди ва иккала буюм ҳам ўзида эканлиги ҳақида хонимни оҳиста оғоҳлантириб қўйди, аёлнинг бундан, айниқса кўзлаган иши жўнашиб кетганидан кўнгли тоғдек кўтарилди. Энди у ўз ташаббусини тўла муваффақият қозониши учун фақат эрининг бирон ёққа жўнаб кетишини орзиқиб кута бошлади, буни қарангки, бир

оз вақт ўтар-ўтмас, эри қандайдир бир иш юзасидан Генуяга жўнайдиган бўлиб қолди.

У отга миниб сафарга жўнаб кетиши билан аёл авлиё ота ҳузурига бориб зор-зор йиғлаб шундай деди: «Пирим! Сизга виждонан айтаман: сабр косам тўлди, вале ўтган куни, сиздан бемаслаҳат ҳеч бир иш қилмайман, деб сўз бериб эдим,— шу боисдан ҳамма гапни ўзингизга сўзлаб бергани келдим. Менинг не боисдан кўз ёш қилаётганимга, нимадан зорланаётганимга ўзингиз иқрор бўлишингиз учун дўстингизнинг, ўша шайтони азимнинг сизга бирма-бир сўзлаб бермоқчиман. У эримнинг кеча эрталаб Генуяга жўнаб кетганини аллақайси гўрдан билиб олибди, шунинг учун боя айтганимдай — бугун тонг палласида, боғимга кириб, ётоқхонам деразаси олдидаги дарахтга чиқибди, энди деразамни очиб, хонамга кирмоқчи бўлиб турган экан, мен уйғониб кетдим у сапчиб ўрнимдан туриб, овозимнинг борича дод сола бошладим, у бўлса, ҳали хонамга ўтишга улгурмасдан, ўзининг кимлигини тушунтирди-да, худо ҳаққи ва сизнинг ҳурматингизни қилиб, шафқат қилишимни илтимос қила бошлади. Мен ҳам сизнинг ҳурматингизни қилиб, жим бўлдим ва онадан қандай туғилган бўлсам, шу алфозда дераза олдида бордим дўстингизнинг тумшуги олдида деразани ёпиб олдим, кейин у кўздан ғойиб бўлди — уни бошқа кўрмадим. Ахир ўзингиз ўйлаб кўринг, шу қилиги яхшими, бунга чидаб туриб бўладими, — мен, ҳарна бўлгандаям, энди уни кечирмоқчи эмасман: шундоқ ҳам сизнинг ҳурматингизни қилиб, шу кунгача кечириб келдим».

Роҳиб шундай газабнок бўлиб кетдики, аввалига гапиришга гап тополмай қолди, — кейин, дўстимни бошқа биров билан адаштираётганингиз йўқми яна, деб аёлдан такрор-такрор сўради.

«Худо сақласин! Наҳот мен уни бошқадан фарқ қила олмасам? Айтдим-ку сизга, ўшанинг ўзи эди, деб. Агар тонадиган бўлса гапига ишонманг».

«Бўтам! — деб яна гап бошлади роҳиб. — Бу борада фақат шундай дейиш мумкин: бу унинг томонидан қилинган мислсиз густохлик, у қабиҳона иш тутибди, вале сен уни қувиб юбориб тўғри қилгансан. Шунга қарамай, илтимос қиламан сендан: баски, шарманда бўлишдан сени худонинг ўзи асрабди, илгари икки марта маслаҳатимга кирганингдек, бу сафар ҳам айтганимни қил, яъни — хешларингдан ҳеч кимга арз қилма ва бу ишни менга ҳавола қил: шу пайтгача авлиё деб юрганам ўшал шайтони ноқобилни шояд бу гал танобини тортиш менга насиб этса. Агар уни ҳайвоний ҳолатдан халос эта олсам — нур устига аъло нур бўлур эрди; борди-ю, қурбим етмаса — сенга фатво бериб, уни ўз билганингча жазолашингга ижозат бергум».

«Хўп, яхши, — деб рози бўлди хоним, — бу сафар ҳам сизга гап қайтармайман, айтганингизни қиламан, лекин уни яхшилаб уришиб қўйингки, бошқа менга хиралик қилмайдиган бўлсин, йўқса, унинг устидан арз қилиб, қошингизга бошқа келиб юрмай-

ман». Хоним охирги сўзларини ҳудди аччиғи чиққандай гапириб, роҳиб олдидан чиқиб кетди.

У энди кўчага чиққан ҳам эдики, церковга ўша киши кириб келди, — роҳиб уни бир чеккага олиб бориб, астар-пахтасини чиқариб роса койиб берди, ёлғончи, хоин ва бадкирдор, деб атади. У киши роҳибнинг не боисдан уни бундай койишини бир эмас, икки марта эшитгани учун гапларини диққат билан тинглар ва унинг саволига тўғри жавоб беришдан қочиб, роҳибдан кўпроқ гап билиб олишга ҳаракат қиларди.

«Нега бунча дарғазабсиз, пирим? Гапингизнинг оҳангидан гўё Исо алайҳиссаломни чорчўпга мен михлагандайман-а», — деб гап бошлади у.

«Аё бешарм! — деди роҳиб. — Бу касофатнинг топган гапини қаранглар-а! Гапининг оҳангидан, гўё орадан бир ё икки йил ўтгану шу боисдан қилган қабоҳат ва жиноятларини унутиб юборгандай гапиради-я! Ахир сен у аёлни шу бугун эрталабки ибодат олдидан таҳқирлабсан-ку — наҳот бирпасда хаёлингдан фаромуш бўлган бўлса? Бугун тонг олдида қаерда эдинг?»

«Билмайман, — деб жавоб қилди у киши. — Буни қаранг-а, бир зумда қулоғингизга етиб келибди-да!»

«Ори рост — тез етиб келди, — деб тасдиқлади роҳиб. — Эри уйда бўлмагани учун муҳтарама хоним менни кучоқ очиб кутиб олади, деб ўйлаган бўлсанг керак-да. Хў, доғули! Яна диёнатли одаммиш! Тунги қароқчиларга тақлид қилиб бировларнинг боғига кирсанг, дарахтга чиқсанг! Нега тунда дераза рўпарасидаги дарахтга чиқдинг? Ёки у аёлнинг иффати сенинг беҳаёлигингга дош бера олмайди, деб ўйлаганмидинг? Ахир у сендан ўлгудек жирканади, сен бўлсанг ҳамон шум ниятингдан қайтмаяпсан. Буни у аёл сенга неча маротаба исботлаб кўрсатди, неча маротаба мен сени койиб бердим — лекин гапларим деворга гапирган билан баравар бўлди! Мана энди эшитиб ол бўлмаса: у аёл то шу кунгача, сени ҳурмат қилганидан эмас, балки менинг илтимосимни инобатга олиб, қилғилиқларинг ҳақида ҳеч кимга оғиз очмай келган эди, лекин бундан буёқ жим ўтирмақчи эмас; мен ижозат бердим, яна унинг ғашига тегадиган бўлсанг, сени нима қилса ихтиёр ўзида бўлади. Ахир акаларига айтиб берса, нима қиласан?»

Роҳибнинг ошнаси керакли гапининг ҳаммасини сурштириб билиб олгач, қўлидан келганича уни юпатди, минг хил ваъдалар қилди-да, кейин тонг палласида, аёлнинг боғига кириб, дарахтга чиқди ва ланг очиб қўйилган деразадан хонага кирди-ю, ниҳоятда чаққонлик билан дилбар хонимнинг кучоғига отилди. Хоним ўз маҳбубини интизорлик билан кутаётгани учун уни шодликдан боши кўкка етиб қарши олди. «Вой, раҳмат-е пиримга! — деди аёл. — Сенга йўлни жуда аниқ кўрсатиб берибди!» Кейин улар узоқ вақт бир-бирларининг хизматида бўлишди, роса чақчақлашишди, мияси йўқ роҳибнинг гўллигини мазах қилишди, савағичлар, тароқлар ва титгичларнинг кимга кераги борлигидан таажжуб қилишди, яна бир-бирларидан лаззатланиб, дилхушлик қилишди.

Сўнг ўзаро келишиб олишиб, авлиё отага бошқа мурожаат қилмайдиган бўлдилар ва яна кўпгина тунларни айнан шу зайлда вақти чоғлик билан ўтказибдиларким, худойи таолонинг бундайин гайри таъриф марҳаматини мен ўзим учун ҳам, уни ихтиёр қилган ҳар қандай христиан бандаси учун ҳам раво кўришини эгамдан илтижо қилган бўлур эдим.

4

Дон Феличе, махсус диний жазога мустаҳиқ бўлиш билан қандай қилиб масъуд зотга айланиш йўлини огаий Пуччога ўргатади; Пуччо диний жазони ўташ билан машғул бўлади, дон Феличе бўлса, фурсатдан фойдаланиб, унинг хотини билан кўнгилихушлик қилади

Филомена ҳикоясини сўзлаб бўлиб жим қолгач, Дионео эса, хонимнинг фаросатини, шу билан бирга Филоменанинг сўнгги муножотини ҳам нафис ибораларда мақтагач, қиролича Панфилога табассум билан қаради:

— Энди сен, Панфило, бизни андак хушнуд эт, бирон қувноқ ҳикоя сўзлаб бер,— деди у. Панфило дарҳол, бош устига, деб жавоб қилди ва шундай гап бошлади:

— Маликам, дунёда жаннатга тушиш орзусида юрган одамлар кўп, вале улар ўзлари ўрнига у ёққа ўзгаларни юборганларини пайқамай қоладиларким, бундан бир оз вақт бурун қўшниларимиздан бир аёл бошидан айнан шундай ҳол кечган эди, бунинг тафсилотини сизлар ҳам ҳозир билиб олгайсизлар.

Авлиё Панкратий монастирига яқин ерда, билишимча, Пуччо ди Риньери исмли давлатманд бир одам турарди, у шунчалик динга берилган эдики, ахийри бориб францискчилар жамоасининг мўмин қавмига айланди ва шундан бўён ҳамма уни «огаий Пуччо» деб чақирадиган бўлди. У ишлаб пул топишга муҳтож эмас эди, чунки қарамоғида хотини билан чўрисидан бошқа ҳеч кими йўқ эди, кўпроқ у руҳий озуқа олмоқ ниятида черковга қатнардди. Бу тўпос, лаванд одамга дуо ўқиш, хутба тинглаш, ибодатга қатнаш бўлса кифоя эди, у қавмларнинг муножотини ҳеч қанда қилмай тинглар, рўза тутар, ўз жисмини қийноққа солар,— ҳатто халқ ўртасида, огаий Пуччо ўзини савалайдиганлар мазҳабидан бўлса керак, деган мишмишлар ҳам тарқалган эди. Унинг хотини — ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган, йигирма саккиз — ўттиз ёшлардаги тароватли, кўҳликкина, дўмбоққина, икки юзи нақш олмадек жувои Изабетта эрининг қарилиги касрига, аксари пайт, ночор парҳезда ўтирарди: шўрликни уйқу элита бошлар ённки эри билан ўйнашгиси келар, аммо чол Исо алайҳиссаломнинг ҳаёти, биродар Настажоннинг панд-насиҳатлари, Магдалинанинг йиғиси ва шу сингарилар ҳақида ҳикоя қилавериб хотинининг тинқасини қуришиб юборарди.

Бу орада авлиё Панкратий монастирида истиқомат қулувчи дон Феличе исмли роҳиб Париждан қайтиб келди, у ҳали ёш, ўктам,

ақли ўткир, билими теран йигит эди, оғайи Пуччо у билан қалии дўст бўлиб олди. Дон Феличе унинг барча гумонларини жуда оқилона изоҳлар билан бартараф қилар, ўзини айни унинг кўнглидаги одам қилиб, шунингдек, зоҳидликни қаттиқ ушлаган роҳиб қилиб кўрсатарди,— мана шунинг учунам оғайи Пуччо уни ўз уйига гоҳ тушликка, гоҳ кечлик овқатга самимият билан таклиф қиларди, оғайи Пуччонинг хотини ҳам эрининг ҳурматини қилиб, роҳиб билан иноқлашиб олди ва уни ҳар келганда очиқ чеҳра билан кутиб оладиган бўлди. Шундай қилиб, роҳиб оғайи Пуччонинг «кунда-шунда» меҳмонига айланди ва уй бекасининг миққидаккина, шакардаккина эканлигига эътибор бериб, бу кўзга яқин жувонга кўпроқ нима етишмаётганини фаҳмлади-ю, оғайи Пуччо бажариши лозим бўлган ишни ўз зиммасига олишга қарор қилди. У вақт-вақти билан жувонга маккорона жилва қилиб, ахири унинг кўнглида ҳам ўзида олдинроқ уйғонган иштиёқни уйғотди. Бунга ишонч ҳосил қилгач, биринчи қулай келган фурсатдан фойдаланиб, унга ўз армони ҳақида гап очди. Гарчи аёл ҳам бу армоннинг ушалишига тилакдош бўлса ҳам уни амалга ошириш учун ҳеч қандай имконият йўқ эди унда: у ўз уйдан ташқарида ўзини роҳиб ихтиёрига топширишга журъат эта олмасди, аммо уйда бу ишни ҳатто хаёлга ҳам келтириб бўлмасди, чунки оғайи Пуччо ҳеч қачон шаҳардан четга чиқмас эдиким, роҳиб учун бу ғоятда кўнглисиз ҳол эди. Фақат орадан анча-мунча вақт ўтгандан кейингина, роҳиб оғайи Пуччонинг уйда бўлишига қарамай, унинг кўнглида ҳеч қандай шубҳа уйғотмай, шу даргоҳда унинг хотини билан ошиқ-маъшуқ бўлиш йўлини ўйлаб топди.

Кунларнинг бирида у ўз қошига келган оғайи Пуччо билан суҳбатлашиб ўтириб, мана бундай мавзуда гап очди: «Кўпдан бери пайқаб юрибман, оғайи Пуччо, сенинг ягона орзу-армонинг — масъудликка мушарраф бўлмоқ, бироқ менинг тасаввуримча, сен бу мақсаднинг сари ғоятда олис йўлдан кетмоқдирсан, ҳолбуки ўзга, энг қисқа йўл ҳам мавжуддирки, уни фақат папа-ю, черковнинг ўзга пири бузрукворлари билишиб, ундан фойдаланишади-ю, илло, асосан ҳайр-эҳсон билан кун кечирувчи руҳонийлар қашшоқлашиб қолишмасин, деган мақсадда бу йўлни ошкор қилишни исташмайди, зеро қавмлар гар ўшал йўлдан огоҳ бўлсалар, дин пешволарига ҳайр-эҳсон ҳам, ўзга садақалар ҳам бермай қўйган бўлур эдилар. Лекин сен менинг дўстимсан ва менга жуда кўп яхшиликлар қилдингки, агарда ўшал йўл ҳақида ҳеч кимга оғиз очмаслигингга ва ул йўлдан ёлғиз ўзинг боришингга имоним комил бўлганда эди, сенга ўшал йўлни кўрсатган бўлур эдим».

Оғайи Пуччонинг сабри чидамасдан дон Феличега, ўша йўлни менга кўрсатинг, пирим, дея ёлвора бошлади ва дон Феличенинг ижозатисиз бу ҳақда ҳеч кимга чурқ этиб оғиз очмасликка қасам ичди-да, башарти ўшал йўлдан боришга ўзини лойиқ деб билса, зудлик билан унга киришажагини баён қилди.

«Баски, сўз бердингми, демак, сенга ўшал йўлни ўргатгум,— деди роҳиб.— Авлиё оталарнинг ўғитлари ўзингга аён бўлса керак: кимда-ким масъуд бўлишни ихтиёр қилса, ўзини диний

жазога мустаҳиқ айласин, деганлар, бунинг маънисини ҳозир сенга изоҳлаб бераман. Фақат гапларимни яхшилаб уқиб ол: диний жазони ўтаб бўлгач, осийликдан фориғ бўласан, деб айтмоқчи эмасман, бироқ шу жазони олишга киришгунча қилган жамики гуноҳларинг ювилиб, шунинг шарофати билан ҳамма гуноҳларинг кечирилгай, ундан кейин қиладиган гуноҳларинг эса, айб сифатида бўйнингга қўйилмагай, балки ҳозир тавба-тазарру қилган бандаларнинг гуноҳлари қандай ювилса, худди шу йўсинда муқаддас сув-билан ювилгай. Демак, диний жазони қабул этишинг қилган гуноҳларингга жидду жаҳд билан тавба қилишдан бошланади, ундан кейин, — қирқ кун муҳлат билан рўза тутасан ва ўзингни зиногрликдан тамомила тиясан, шуниси ҳам борки, сен наинки биронта бегона аёлга, ҳатто ўз хотинингга ҳам яқинлашмаслигинг лозим бўлади. Ундан сўнг, уйингда тунда осмон кўринадиган бирон гўша бўлиши керак. Сен ҳар кунни тунги ибодат пайтида шу ерда бўлмоғинг лозим, ниҳоятда катта бир стол топиб, уни ўшал хонага шундай ёнлатиб қўйишинг керакки, икки оёғингни ерга қўйиб, слкангни ўшал стол сатҳига тирай оладиган, икки қўлингни эса, худди чорчўпга чормих қилингандай кериб турадиган бўлгин. Башарти сен бундай пайтда қўлларингни столга михчалар билан қоқиб қўйишларини ихтиёр қилсанг, бу ман қилинмайди. Шу алфозда кўзларингни самога тикиб, эрталабки ибодатга қадар қимир этмай туришинг шарт. Агарда саводинг бўлганида эди, бу пайтда баъзи бир дуоларни ўқиб турган бўлардинг, баски, саводсиз экансан, уч юз маротаба—«Э, бор худоё»ни, уч юз марта — «Е Биби Марям»ни, яна Пурмуқаддас Троица дуосини ўқишинг керак бўлади. Сен кўкка кўз тиккан чоғингда еру кўкни яратган парвардигори олам ҳақида ўйлашинг керак; худди чорчўпга михланган Исо алайҳиссаломдай турганингда унинг чеккан азоб-уқубатлари ҳақида ўйлашинг керак. Эрталабки ибодатга қўнғироқ чалганларидан кейин эса, у хонани тарк этишинг мумкин, сен ўз тўшагингга бориб ечинмасдан ётиб ухлайсан, кейин черковга борасан, кам деганда уч вақт ибодатга қатнаш, эллик марта «Э, бор худоё»ни ва шунча «Е Биби Марям»ни ўқи, кейин ишинг бўлса, бемалол ишингни қил, тушлик қил, ундан кейин черковга кечки ибодатга бориб, айрим дуоларни ўқи, — мен уларни сенга ёзиб бераман, уларсиз муродга етишинг ҳеч иложи йўқ, — ундан кейин сал вақт ўтгач, яна ўша гўшада тунги ибодату яна ҳаммаси бошқатдан бошланади. Ўзим ҳам шу сўновдан ўтганман, имоним комилки, агар ҳамма ўғитларимни астойдил ихлос билан адо этсанг, ушбу диний жазо ниҳоясига етмасданоқ мангу саодатнинг нечоғлиқ ҳайратангизлигига шоҳид бўлгайсан».

Оғайй Пуччо унга шундай деди: «Бу иш айтарли қийин ҳам эмас экан, унчалик узоққа ҳам чўзилмас экан, демак, бемалол эпласа бўлади, бўпти, келяпкан якшанбаданоқ худого шукрона ўқиб, бошлаб юбора қоламан».

У уйига қайтиб келиб, роҳибнинг розилиги билан хотинига ҳамма гапни бир бошдан сўзлаб берди. Фаросатли хотин эрига тонг отгунча қимир этмай туриб ибодат қилишни буюришдан

роҳибнинг мақсади нима эканлигига дарҳол тушунди-ю, буни яқши ўйлаб топибди, деган фикрга келиб, эрига айтдики: «Ўз руҳингни гуноҳдан поклаш йўлида қилган ҳар битта хайрли ишини сингари, бу ташаббусингни ҳам маъқуллайман, агар парвардигор сенинг тавбангни қабул қилиб мурод-мақсадинга тезроқ етказишини билсам, мен ҳам сенга қўшилиб рўза тутишга рози бўлардим, ammo қолган таомилларга келганда — уларига сўз беролмайман».

Оғайй Пуччо келишиб олиб, маъсуд бўлиш иштиёқида, келаётган якшанбаданоқ тонготар ибодатни бошлаб юборди, роҳиб эса, Изабетта билан гапни бир ерга қўйиб, деярли ҳар куни, одамларнинг кўзи тушмайдиган пайтни пойлаб, уникига зиёфатга келар, келганидаям, ҳар сафар лаззатли таомлар ва анвойи ичкиликлар олиб келарди, кейин Изабетта билан чорпояга ётар, шу ётганча, эрталабки ибодат пайти етгандагина ўрнидан туриб чиқиб кетарди, кейин шу чорпояга оғайй Пуччо ухлагани келарди. У ўзи учун товбагоҳ қилиб танлаган гўша хотинининг ётоқхонаси ёнида бўлиб, бу икки хона пардевор билан ажратилган эди. Шундай кечаларнинг бирида роҳиб билан оғайй Пуччонинг хотини ҳеч ўзларини тия олмай шўхлик қилишаётганида, оғайй Пуччонинг назарида, оёғи остидаги пол тахталари қимирлаётгандай бўлиб туюлди ва у «Э, бор худоё»ни энди юз карра ўқиган пайтида, бирдан тутилиб қолди-ю, қандай алфозда турган бўлса, ўшандай ҳолда қимир этмасдан, хотинининг отини айтиб чақириб, ундан нима қилаётганини сўради. Ҳазилкашликка суяги йўқ бўлган хотини эса, худди шу пайт авлиё Бенедиктнинг, балки авлиё Иоани Гвальбертнингдир жийронига салт миниб олиб улоқ чопаётган эди. «Мен, эржон, илондек тўлғаниб ётибман, ўлай агар!» — деб қичқирди у эрига жавобан.

Оғайй Пуччо эса унга деди: «Нега энди илондек тўлганасан? У қанақа тўлғаниш яна?»

Хотини шўхтабиат, гапга чечан аёл эди ё эҳтимол унинг бир нимадан кулгиси қистаётган бўлгандир. «Наҳот тушунмасангиз? — деб чинқирди у. — Ахир оч қорин билан ухлагани ётма, бўлмасам кечаси билан илондек тўлғаниб чиқасан, деб ўзингиз менга қайта-қайта айтардингиз-ку».

Оғайй Пуччо хотинининг киноясини ўзича талқин қилиб, шўрликнинг бедорлигига сабаб — рўза тутгани, шунинг учунам ўрнида беором ётибди, деб ўйлади-да, соддадиллик билан унга шундай деди: «Айтувдим-а, сенга, хотин, рўза тутмагин деб! Баски, сўзингда қаттиқ туриб олган экансан, энди овқат ҳақида ўйлама, бир амаллаб ухлашга уриниб кўр, йўқса, тўшагингда шунақанги ирғишляяпсанки, бутун уй ларзага келяпти».

«Безовта бўлманг, — деди хотини, — менга нима кераклигини ўзим биламан. Сиз ўз ишингизни қилаверинг, мен бўлсам ҳоли қудратим етгунча, ўз ишим билан машғул бўламан».

Шундан кейин оғайй Пуччо жим қолиб, яна дуо ўқишга киришди, хотини бўлса, бу оқшомни ҳам, кейин — оғайй Пуччо қанда қилмай диний жазони ўтаб юрган пайтларни ҳам айшу ишратда ўтказди, фақат ётар жойларини уйнинг нариги чеккасидаги хонага

кўчиришди; ҳар куни тонгда роҳиб чиқиб кетиши билан Изабетта Ўз чорпоясига келиб ётар, бир оздан кейин худди шу чорпояга тун бўйи оёқда туриб ибодат қилиб чиққан оғай Пуччо ҳам келиб ётарди. Хуллас, оғай Пуччо тавба-тазарру билан овора эди, хотини эса, роҳиб билан роҳатда яшарди, шу Ғоисдан у бир неча марта роҳибга ҳазил қилиб бундай деган эди: «Жаннати бўлман деб жамики диний азобларга бардош бераётган оғай Пуччо-ку, илло, унинг шарофати билан жаннат роҳатига мушарраф бўляпкан — бизлармиз». Эрининг қўлида узоқ вақт қантариқлик турган хотинга бундай лаззатли ҳаёт мойдай ёқиб қолган ва роҳибнинг хўрагига шу қадар одатланиб қолган эдики, ҳатто биродар Пуччонинг тунги ибодатлари тугагандан кейин ҳам у роҳиб билан бошқа ерда тановул қилишнинг иложини топди ва ҳар ёқлама огоҳ бўлиб, яна узоқ вақт унинг хўрагидан баҳраманд бўлиб юрди.

Шундай қилиб ҳикоямизнинг ниҳояси унинг муқаддимасидаги фикримизга мос келди: оғай Пуччо жаннатга тушиш иштиёқида тавба-тазарру билан шуғулланди-ю, аслида эса, унга йўл-йўриқ кўрсатган пири билан ўз хотини ўшал жаннат роҳатидан баҳраманд бўлишдиким, хотини эри билан яшаган пайтларда нимага ташна бўлган бўлса, энди роҳиб унинг чанқоғини зўр ҳиммат билан ва керагидан зиёд қилиб таъминлаган экан.

5

«Олифта» ўзининг салт отини мессер Франческо Вержеллезига совға қилади ва эвазига унинг розилигини олиб, хотини билан гаплашади; хотин индамайди, шунда «Олифта» унинг учун ўзи жавоб қайтаради, кейинчалик улар ўртасидаги гап «Олифта» айтган жавобга тўла-тўқис мос тушади

Панфило хонимларни қиқир-қиқир кулдириб, оғай Пуччо ҳақидаги ҳикоясини тугатганида, қиролича мафтункор табассум билан навбатни Элиссага берди. Хиёл тажангтабиат, аммо беғараз Элисса шундай ҳикоя қила бошлади:

— Кўп нарсани билган аксарият одамлар, бошқаларни оми деб фараз қиладилар, бунинг оқибатида, гарчи бошқаларни ўз тузоқларига илинтиришни ўйласалар ҳам аслида ўзларининг тузоққа илиниб қолганликларини, бўлар иш бўлиб ўтгандан кейингина пайқаб қоладилар. Мана шунинг учун ҳам бўлар-бўлмасга, бировларнинг фаросатини синовдан ўтказиш ўтакетган даражада тентаклик бўлиб кўринади менга. Лекин ҳамма ҳам менинг фикримга қўшилмаслиги мумкин, шунинг учун мен жорий этилган қоидага амал қилиб, пистойялик¹ бир аслзоданинг бошидан кечирганларини сизларга ҳикоя қилиб бермоқчиман.

Пистойяда мессер Франческо деган бир одам ўтган эди, у Вержеллезилар авлодидан бўлиб, ниҳоятда давлатманд, донишманд, сермулоҳаза, аммо ўлгудек хасис эди, мана шу одам Миланга ша-

¹ Пистойя — Флоренцияга яқин шаҳарчининг номи. (Тарж.)

ҳар ҳокими этиб тайинланди-ю, ўзини Милан аҳлига дурустроқ кўрсатиш учун ҳокимга хос бўлган барча мол-анжомларни олди, ҳамма нарсани топди-ю, лекин миниш учун муносиб от топа олмади: у от ахтариб, жуда кўп отларни кўздан ўтказди, аммо биронтаси ҳам дидига ўтирмади, бу ҳол уни қаттиқ хижолатга сола бошлади. Ўша пайтда Пистойяда Ричхардо исмли бир йигит яшарди, гарчи унинг нажоди паст бўлса ҳам мол-давлати бисёр, доимо башанг бўлиб, серпардоз юрардиким, уни одатда ҳамма «Олифта» деб атарди. Ричхардо мессер Франческонинг хотинига кўпдан хуштор бўлиб қолган эди, вале гўзал ва камтарин аёл унинг ишқига бепарво эди. Ричхардонинг ғоятда хушсурат бир оти бўлиб, бунақа от бутун Тосканада ҳам камдан-кам учрарди, «Олифта» ҳам бу антиқа отини еру кўкка ишонмасди, «Олифта»нинг мессер Франческо хотинига шайдо бўлиб қолгани ҳеч кимга сир бўлмаганлиги туфайли, кимдир мессерга: «Агар сиз «Олифта»нинг отини сўрасангиз, хотинингизга бўлган ҳурмати юзасидан ўша отини сизга сотишга рози бўлиши мумкин»,— деб айтиб қолди. Шунда мессер Франческо «Олифта»ни чақириб келишларини буюрди-да, ундан: «Отингни менга сот»,— деб илтимос қилди, лекин хасис эмасми, сотиб ўлибдими, тортиқ қилса ҳам ажаб эмас, деб кўнглидан ўтказди.

«Олифта» хурсанд бўлиб кетди. «Мессер! — деди у.— Агарда бутун мол-давлатингизни берганингиздам отимни сотмасдим, лекин фақат битта шарт билан уни сизга тортиқ қилишим мумкин: отни олишдан олдин, хотинингизга бир неча оғиз сўз айтишимга ижозат берасиз — айтгандаям, сизнинг кўз олдингизда, бироқ гапимизни ҳеч ким эшитмайдиган масофада айтаман».

Мессер Франческонинг хасислиги кўзиб кетди, бунинг устига, у «Олифта»ни бир гел қиладиган бўлдим, деб ўйлади — шунинг учунам, кўнглингга сиққанча гапиравер, дегандек, унинг шартига рози бўлди. Кейин «Олифта»ни қасридаги кошоналардан бирида қолдириб, ўзи хотинининг олдига йўл олди ва унга, от текинга тushадиган бўлганини айтиб, унга «Олифта»нинг гапларини тинглашни, аммо унинг саволларига «ҳа», деб ҳам, «йўқ», деб ҳам жавоб қилмасликни буюрди. Бу ҳол мутлақо хотинининг кўнглига ўтирмади, лекин иложи қанча: эрининг сўзини рад этиш мумкин бўлмагани сабабли, хўп бўлади, деб «Олифта»нинг гапини тинглагани эрининг орқасидан эргашиб залга чиқди.

«Олифта» боя аслзодага айтган шартига биноан, унинг хотини билан залнинг хилват бир гўшасига бориб ўтирди-да, шундай дея гап бошлади: «Марҳаматли маликам! Сиз фаҳм-фаросатли аёлсиз, шунинг учун ҳусн-латофатингиздан сархуш бўлиб юрганимни аллақачон фаҳмлаб олганлигингизга асло шубҳа қилмайман, — зеро мен ҳали шу чоққача бундайин латофат соҳибаси бўлган аёлни кўрмаганман. Мен энди сизнинг шоиста рафторингиз ва камолагингиз ҳақида гапириб ўтирмайман — бу фазилатларингиз энг матонатли одамни ҳам ўзига шайдо қилишга қодирдир. Демакки, ҳали шу чоққача биронта ҳам эркак зоти бирон аёлни худди мен сизни севганчалик оташин муҳаббат билан севмаганини сўз билан исботлаб

Ўтиришимга эҳтиёж йўқ. Хуллас, ҳеч шак-шубҳа йўқки, мен танимда жоним бор экан, сизни севажакман, инчунун: агарда у дунёда ҳам худди бу ёруғ жаҳондаги сингари севиш одати бўлса, унда мен сизни абадулабад севгумдир. Гапимга ишонинг, хоним, сиз учун ким бўлишимдан қатъий назар, сиз мени, шунингдек, менга тегишли бўлган жамики мол-давлатимни батамом ўзингизники деб ҳисоблашингиз ва ҳар қандай вазиятда ҳам менга ва менинг бутун бойлигимга комил ишонч билан орқа қилишингиз мумкиндир. Гапимнинг ишончлироқ бўлиши учун яна шуни илова қилмоқчиманки, агарда мен бутун жаҳон султони бўлсаму бутун олам фармонимни сўзсиз бажо келтирадиган бўлса, тақдирнинг ушбу ғоят сарбаланд марҳаматини ҳам сизнинг буйруғингизни бажариб, сизни хушнуд эта олувчи бирон иш қилганимда топган саодатчалик кўрмаган бўлур эдим. Демакки, ҳозир ўз қулоғингиз билан эшитганингиздек, мен бутун вужудим билан сизники эканман, сиз зоти олияларига илтижо қилиб густохона юзланишга менда асос мавжуддир, зеро менинг тинчим, саодатим, менинг нажотим, бу ёруғ жаҳонда фақат сизнинг измингиздадир. Шу боисдан, мен фақирул ҳақир қулингиз сифатида сизга тавалло қиламан: о, жавоҳирим, муҳаббат алангасида қовурилайётган ва ёлғиз сиздангина умидвор бўлган қалбимнинг яккаю ягона армони, менга мурувват кўрсатинг, бутун вужудим билан сизнинг қулингиз бўлишимга қарамай, шу пайтгача менга кўрсатиб келаётган нафратингизни шафқатга айлантинг, токи мен сизнинг ўшал шафқатингиздан руҳланиб, ҳусну жамолингиз мени асир этиб, қайта ҳаётга қайтарди, деб айта оладиган бўлай, билъакс, агар такаббур руҳингиз тавалломга қулоқ осмаса, ҳаётим инқирозга учраб, оламдан кўз юмишим муқаррарким, унда сизни менинг қотилим деб атай бошлагайлар. Менинг ўлимим сизни ёмонотлиқ қилиши мумкинлиги ҳақида гапирмоқчи эмасман; бироқ ўйлайманки, унда, виждонингиз қийналиб, мен билан бундай муносабатда бўлганингиздан таассуф қиласиз, натижада менинг шум тақдиримдан мутаассир бўлиб: «Оҳ, нечун мен «Олифта»гинамга шафқат қилмадим!» — деб ўйлай бошлайсиз. Лекин бу кейинги пушаймон юрак-бағрингизни яна қаттиқроқ азоблай бошлайди. Бинобарин, бундай фалокат содир бўлмаслиги учун ва менинг ташвишимни аритиш учун ҳали имкон бор экан, ҳали тирик эканман, менга шафқат қилинг, марҳаматингизни мендан дариг тутманг,— зеро мени бутун дунёда энг хушбахт одам қилиш ҳам, энг бадбахт одам қилиш ҳам ёлғиз сизнинг қўлингиздадир. Аминманки, менга мурувват қиласиз, сизни улкан ва чексиз муҳаббат билан севганим эвазига мени ўлимга маҳкум этмайсиз,— сизнинг илҳомбахш ва шафқатбахш жавобингиз, сизнинг ҳар бир нигоҳингиздан даҳшатга келиб қалт-қалт титровчи аянчли руҳимга таскин беради, деб умид қиламан». Шу ерга келганда у жим қолди, бу пурҳиммат хонимнинг нима деб жавоб қилишини кутиб, чуқур хўрсинди ва обидийда қила бошлади.

Хонимга на кўпдан давом этиб келаётган хушомадлар, на унинг шарафига уюштирилган пойгалар, на субҳидамда унинг шаънига айтилган қўшиқлар таъсир қилган эди — хуллас, «Олифта»нинг

унинг кўйида қилган барча хатти-ҳаракатлари мутлақо зое кетган эди, лекин бу оташқалб ошиқнинг ҳозир айтган эҳтиросли сўзлари аёлга таъсир этди ва у умрида биринчи маротаба, илгари ҳеч қачон ҳис қилмаган ажиб бир туйғуни ҳис қилди: у муҳаббат нималигини англади. Гарчи у эрининг хоҳишини бажариб, чурқ этмай ўтирган бўлса ҳам бехосдан чуқур тин олишлари, унинг энди «Олифта»га жон-жон деб айтиши мумкин бўлган гапларини ошкор қилиб қўяётган эди.

«Олифта» бир оз вақт жавоб кутиб ўтириб ва ниҳоят, бу аёлдан ҳеч қандай садо чиқмаслигига ишонч ҳосил қилиб, аввалига ҳайрон бўлди, кейинроқ эса, мессер Франческонинг қандай найранг қўлаганини фаҳмлай бошлади. У хонимнинг жамолига нигоҳ ташлаганида, унинг кўзлари ҳар гал «Олифта»нинг кўзига тушиши билан чақнаб кетаётганини пайқади, бундан ташқари, у хонимнинг ўзини хўрсинишдан зўрға тийиб турганини сеза бошлади; бу ҳол «Олифта»га далда берди ва хонимнинг бу кайфиятидан руҳланиб, янги чорани қўллай бошлади, яъни ўзига-ўзи аёлнинг номидан жавоб бера бошлади: «Албатта, «Олифта»м, мени гайри оддий ва беқийс муҳаббат билан севишингни аллақачон пайқаганман, энди бўлса, ҳозирги гапларингни эшитиб, бунга қатъий ишонч ҳосил қилдим, турган гапки, бу ҳолдан бениҳоя шодман. Шу чоққача сенинг кўзингга бадқовоқ ва бераҳм бўлиб кўринган эдим ва лекин сен менинг ташқи қиёфамга қараб, бу аёлнинг қалби тош экан, деб фикр юритишингни истамайман. Йўқ, мен сени ҳамма вақт ҳам севардим, сен мен учун ҳаммадан азиз эдинг, лекин мен ўзимни бошқача тута олмас эдим: биринчидан, мен бошқа бир одамнинг ҳасми бўлганлигидан, иккинчидан, ўз шаънимга доғ тушишидан кўрқардим. Мана, ниҳоят, сени қанчалик севишимни исботлай оладиган, менга бўлган собит муҳаббатингга ўз муҳаббатим билан жавоб бера оладиган пайтим етди. Қайғурма, ноумид ҳам бўлма, зеро яна бир неча кундан кейин мессер Франческо Миланга жўнаб кетади, у ерга у шаҳар ҳокими қилиб тайинланган,— дарвоқе, буни менсиз ҳам ўзинг яхши биласан: ахир ўзинг менга бўлган муҳаббатинг туфайли энг чиройли отингни ҳам баҳридан кечиб, унга тортиқ қилиб юбординг-ку. Ўз номусим ҳаққи ва сенга бўлган садоқатли севгим ҳаққи, онт ичиб айтаманки, яна бир неча кундан кейин, эрим жўнаб кетиши билан биз қовушамиз ва бизнинг икки тарафлама оташ севгимиз тўла-тўкис амалга ошиб, саодатли ниҳоясига етади. Кейин яна эслатиб юрмаслик учун ҳозирдан айтиб қўя қолай, бот томонга очиладиган деразамда иккита сочиқ осилганини кўрсанг, қоронғи тушиши билан кўча эшикдан боққа киргину менинг хонамга чиқавер,— илло, эҳтиёт бўл, тагин битта-яримта кўриб қолмасин,— бу пайт мен сени интизор бўлиб кутиб ўтирган бўламан, кейин бутун тунни сен ихтиёр қилган тарзда — шод-хуррамлик билан, бир-биримиздан лаззатланиб ўтказгаймиз».

«Олифта» бу гапларни хоним тилидан гапириб бўлиб, энди ўз номидан гапира бошлади: «Азизам! Сизнинг бу ғоятда мақбул жавобингиз мени шу қадар хушнуд этдики, севинганимдан сизга миннатдорчилик изҳор этиш учун бирон нима дейишга ҳам ожиз-

ман. Лекин борди-ю, муносиб ибора топган чоғимдаям, ўзим ихтиёр қилганимдек ва ўз тутган мавқеимга монанд ҳолда миннатдорчилик билдиришим учун вақтим етмаган бўлур эди, шу боисдан мен батамом сизнинг заковатингизга таянаман: мен қанчалик уринганимда ҳам, ҳозирги дамда сўз билан баён қила олмайдиган гапларимни ўзингиз албатта идрок этгайсиз, деган умиддаман. Ёлғиз бир гапни айтишим мумкин: сиз қандай тушунтирган бўлсангиз, мен ҳам айнан шундай иш тутажакман, ана ўшанда менга ваъда қилган қимматли армуғонингиздан илҳомланган ҳолда, имконим борича сизга ўз ташаккуримни намоёиш қилажакман. Ҳозирча айтадиган гапларим мана шулардан иборат. Парвардигор сизга, азизам, ўзингиз орзу қилгандек шодлик ва саодат ато этсин! Сизни худога топшираман».

Хоним унинг ҳамма айтган гапларига бир оғиз ҳам сўз билан жавоб қилмади. «Олифта» ўрnidан туриб, аслзода томон йўналди— у эса «Олифта»нинг истиқболи сари юриб келаркан, кулиб туриб сўради: «Хўш? Сўзимнинг устидан чиқдимми?»

«Йўқ, мессер,— деб жавоб қилди «Олифта»,— сиз менга хотинингиз билан суҳбатлашим учун имкон бермоқчи бўлиб эдингиз, бироқ мен мрамр ҳайкал билан гаплашдим».

Зодагон мамнун бўлди — у аввал ҳам ўз хотини ҳақида жуда яхши фикрда эди, энди бўлса, хотини кўзига яна ҳам вафодорроқ бўлиб кўриниб кетди. «Демак, энди от меникимми?» — деб сўради у.

«Ҳа, мессер,— деб тасдиқлади «Олифта»,— аммо сизнинг илтифотингиздан ҳозиргачалик манфаат кўришимни олдиндан билганимда, отимни сизга шундоқ тортиқ қилган бўлур эдим. Шундай қилсам гоятда соз бўлур эди, лекин бундай бўлади, деб ким ўйлабди дейсиз? Гарчи мен от сотмаган бўлсам ҳам сиз уни сотиб олдингиз».

Аслзода кулиб қўйди ва текинга отлик бўлиб олиб, бир неча кундан кейин, шаҳар ҳокими лавозимини қабул қилиш учун Миланга жўнаб кетди. Хотини эса, бекорчиликда «Олифта»нинг айтган гаплари ҳақида, унинг бу аёлга бўлган муҳаббати ҳақида, айнан мана шу муҳаббати туфайли от совға қилганлиги ҳақида фикр юрита бошлади ва уйи олдидан дамо-дам у ёқ-бу ёққа танда қўйиб ўтиб юрган «Олифта»ни кўриб, ўзига-ўзи деди: «Нима қиляпман ўзи? Нега ёш умримни хазон қиляпман? Эрим бўлса, Миланга жўнаб кетди, ярим йилгача қорасини кўрсатмайди энди. Шу парҳезда ўтган ярим йиллик умрим эвазига мени у қачон ҳам ардоқларди? Қариган чоғимдами? Ундан кейин, «Олифта»дек маҳбубни қаердан топа оламан? Ўзим якка-ёлғиз яшаяпган бўлсам, қўрқадиган ҳеч кимим бўлмаса, нега энди шундай қулай имкониятдан фойдаланиб вақтичоғлик қилиб қолмайман? Бунақанги эрк менга яна қачон насиб бўлади-ю! Ҳеч ким ҳеч нарса билмайди, башарти сир ошкор бўлган чоғдаям, бегуноҳ яшаб, кейин ўқиб юргандан, гуноҳ қилиб кейин тавба қилган яхшироқ». Шу тариқа гаплар билан у ахири ўзини-ўзи ишонтирди ва «Олифта» берган маслаҳатга кўра, бир кунни боққа очиладиган деразасига иккита сочиқ илиб қўйди. «Олифта» буни кўриб, боши осмонга етди ва тун қоронғисида унинг кўча

эшиги олдига писиб келди,— қараса, эшик занжирланмаган,— у уйга кирди, бу ерда уни бека орзиқиб кутаётган эди. У «Олифта»ни кўрган ҳамоноқ ўзида йўқ хурсанд бўлиб кетди ва дарҳол ўрнидан туриб, унинг истиқболи сари юрди, «Олифта»га келсак, у бекани кучоғига босиб, тўйиб-тўйиб бўса олди, унга эргашиб, зинадан юқори қаватга чиқди ва ўша ердаги беканинг оромгоҳида фурсат ўтказмай тўшакка ётдилар-да, ишқ эҳтиросининг энг сўнгги босқичидан баҳраманд бўлдилар. Ҳали бу фақат илк лаззат эди, лекин у кўп вақтларгача такрорланиб турди, зеро, аслзода Миланда турган пайтида шунингдек, у қайтиб келгандан кейин ҳам, «Олифта» жуда кўп маротаба унинг хотини ҳузурда бўлди, оқибат икки томон ҳам бу яқинликдан беҳад даражада мамнун ва масрур бўлган экан.

6

Филиппелло Сигинопфонинг хотинини Риччардо Минутоло яхши кўради; у хотиннинг рашкчилигини билиб, унга: «Эринг эртага ҳаммомда менинг хотиним билан учрашмоқчи», деб шипшийди; буни эшитган рашкчи хотин ҳаммомга боради; у, ўз эрим билан ётибман, деб ўйлайди, лекин аслида вақтини эри билан эмас, Минутоло билан ўтказган бўлиб чиқади

Элисса ўз ҳикоясини ниҳоясига етказиши билан қиролича «Олифта»нинг тadbиркорлиги ҳақида мақтов сўзлар айтди ва навбатни Фьяметтага берди.

— Бош устига, маликам,— деди кулги аралаш Фьяметта ва бундай деб гап бошлади: — Биз, умуман олганда, ҳеч нимадан камини йўқ ва хусусан — ҳаётдан олинган ибратли мисолларга бой ушбу шаҳримизни вақтинча тарк этсак,— мен ҳам Элиссага ўхшаб, ўзга шаҳарда юз берган бир воқеани сўзлаб бермоқчиман. Эътиборингизни Неаполь шаҳрига жалб қиламан ва муҳаббат туйғусига нафрат билан қаровчи бир тақводор аёлнинг қандай қилиб ўз ошиғини найрангига учиб, муҳаббат гунчаси очилмасдан бурун унинг мевасини тотиб кўргани ҳақида сўзлаб бермоқчиман. Бу қиссам сизларни келгусида огоҳ бўлишга ўргатади, қиссада баён қилинадиган воқеа эса, кўнглингизни хушнуд этади.

Италиянинг бошқа шаҳарлари сингари, балки улардан ҳам хушчақчақроқ ҳисобланган ғоятда кўҳна Неаполь шаҳрида бир вақтлар Риччардо Минутоло исмли бир йигит яшаган бўлиб, у ўз давлатининг зиёдалиги билан донг таратган ниҳоятда машҳур оила фарзанди эди, мана шу Риччардо, ўз хотинининг навниҳол, дилбар, дилрабо бўлишига қарамай бошқа бир аёлни, мишмишларга қараганда — гўзалликда бутун Неаполда тенги йўқ аёлни севиб қолдиким, ўшал аёлнинг исми Кателла бўлиб, аслзодалиқда Минутолодай Филиппелло Сигинопфо исмли йигитнинг хотини эди ва у ўз эрини чин вафодор хотин сифатида севиб ардоқларди. Шундай қилиб, Риччардо Минутоло Кателлани севаб, жамики мавжуд воситалардан фойдаланиб, унинг илтифоти ва муҳаббатига мушарраф бўлишга уринарди-ю, лекин бу борада ҳеч қандай муваффақиятга

эриша олмай, умидсизликка туша бошлаган эди. Аммо у Кателлага бўлган муҳаббат туйғусини, барибир кўнглидан чиқариб ташлай олмади, эҳтимол бу унинг ихтиёридаги иш эмас эди, бироқ у ўлиб ўлмади, ҳаётда худди зиндонда яшагандек яшади. Унинг мана шундай изтиробда кун кечираётганини кўрган аёл қариндошлари, Кателлани кўнглингдан чиқариб юбор, деб унга ўғит бера бошладилар, бу уринишларингдан барибир наф чиқмайди, чунки Кателлага Филиппеллодан бўлак ҳеч ким керак эмас, у эрини ҳатто унинг боши устидан учиб ўтган қушларга ҳам рашк қилади, дедилар. Риччардо Кателланинг рашкчи эканлигини эшитиб, ўз ниятига қандай етиш йўлини дарров фаҳмлади-ю, лекин ўзини гўё Кателланинг севгисига сазовор бўлишдан тамомила умидини узгандай ва энди бошқа бир зодагон хонимга эътиборини қаратгандай қилиб кўрсата бошлади. Шундан сўнг, у энди ўшал ўзга хоним шаънига деб мусобақалар, от пойгалари — хуллас, илгари Кателла шарафига нималар қилган бўлса, ҳаммасини яна такрорлай бошлади. Орадан хиёл вақт ўтгач, деярли бутун Неаполь аҳли, шу жумладан, Кателланинг ўзи ҳам, Минутолонинг ишқи энди бошқа бир хонимга тушиб қолибди, деган қарорга келишди. Шу йўсинда Минутоло узоқ вақт артистлик қилиб юрди ва оқибат унинг тўғрисида ҳамма шундай қатъий қарорга келдики, Кателла ҳам энди Минутолодан, у бир вақтлар муҳаббат изҳор этиб, кетидан юрган пайтидагидек ўзини олиб қочмай, бошқа ҳамма билан қандай таъзим қилиб саломлашса, у билан учрашганида ҳам, хайрлашганида ҳам шундай иноқлик билан таъзим қиладиган бўлди.

Саратон кунларининг бирида бир гуруҳ эркак ва аёллар, неаполликлар одатига кўра, улфат бўлишиб, денгиз бўйига жўнадилар ва тушликни, маъкул келиб қолса, кечлик овқатни ҳам ўша ерда қилиб қайтмоқчи бўлдилар. Денгиз бўйига жўнаган улфатлар орасида Кателла ҳам борлигини эшитган Риччардо ўз жўраларини олиб, ўша ёққа ошиқди, у ерда унга Кателла даврасига қўшилишни таклиф қилдилар, бироқ Риччардо бу таклифни қабул қилишдан олдин, анчагача таранг қилиб, уларни кўп ялнитирди, хонимлар, улар қаторида Кателла ҳам Риччардонинг янги маҳбубаси устидан ҳазил қила бошладилар, йигит эса, ўзини янги ишқ гирдобига боши бегап шўнғиб кетгандай қилиб кўрсатиб, ўзининг сохта муҳаббати ҳақидаги миш-мишларга яна кўпроқ пишанг бера бошлади. Орадан эми-кўпми вақт ўтгач, одатда сайил вақтида бўлганидек, Кателланинг дугоналари ҳар томонга бўлиниб-бўлиниб кетишди, Кателла эса, уч-тўртта дугонаси билан Риччардо ҳузурда қолди, ана шунда Риччардо Кателлага пичинг қилиб, эри Филиппеллонинг гўё бегона хотинлар билан вақтихушлик қилиб юргани ҳақида шама қилди. Кателланинг рашкдан бирданига фигини чиқиб кетиб, Риччардонинг нимани назарда тутаётганини билиш истаги билан ёна бошлади. Кателла бир оз вақт чидаб ўтирди-ю, лекин барибир ўзини тия олмади ва Риччардога ёлвориб, ўз маҳбубасига бўлган севгиси ҳаққи-ҳурмати, унга илтифот кўрсатишини ва Филиппелло ҳақида айтганларини изоҳлаб беришни илтимос қилди.

Риччардо унга жавобан шундай деди: «Баски, сиз мен учун энг

азиз ва лазиз бўлган зот ҳурмати илтимос қиларкансиз, илтимосингизни рад эта олмайман. Мен илтимосингизни бажо айлашга ҳозирман, илло, бир шартим бор: то айтганларимнинг ҳақлигига ўзингиз амалда иқрор бўлмагуингизча бу борада на эрингизга, на бошқа бирон шахсга чурқ этиб оғиз очмайсиз, қандай қилиб иқрор бўлиш йўлини эса агар хоҳласангиз ўргатиб қўяман».

Хоним Риччардонинг гапларига лаққа тушиб, қўйган шартига рози бўлди ва ҳеч кимга чурқ этиб оғиз очмасликка онт ичди. Шунда Риччардо, ҳеч ким гапларини эшитмасин учун уни бир чеккага бошлаб борди-да, шундай гап бошлади: «Бону! Агарда сизни ҳалиям илгаригидек севганимда, сизга биронта ҳам кўнгилсиз гап айтишга асло журъат эта олмаган бўлур эдим, вале муҳаббатим ўтиб кетди, бинобарин ҳақиқатни ошкор айтиш энди мен учун унчалик мушкул эмас. Филиппелло менинг сизга бўлган муҳаббатимдан огоҳмиди ва сизни ҳам менга майлингиз бор, деб ўйлармиди — ҳар ҳолда бу менга маълум ҳам эмас, бундай муносабатни у менга сездиргани ҳам йўқ. Назаримда, у ўзига нисбатан менда ҳеч қандай шубҳа уйғонмайдиган пайтни пойлаб юриб, менга шундай хиёнат қилишни ўйлаб қўйган шекилли, фикримча, у ўзи айнан шундай хиёнатни мен томондан кутган бўлса керак, айтмоқчиманки — эрингиз менинг хотинимни ўзига оғдирмоқчи. Менга аён бўлишича, у бир қанча вақтдан буён хотинимга пинҳона мактуб кетидан мактуб юбориб ётибди — буни мен хотинимнинг ўзидан эшитдим, кейин хотиним унга мен айтган сўзлар билан жавоб ёзиб юборди. Лекин худди шу бугун эрталаб, бу ёққа кела туриб, хотиним олдига кирсам, бир бегона аёл у билан бир нималарни пичирлашиб гаплашиб ўтирибди; унинг қандай махлуқ эканлигини бир қарашдаёқ пайқадиму хотинимни бир чеккага чақириб, нима керак бу аёлга, деб сўрадим. Хотиним менга шундай деди: «Филиппеллонинг мактубига жавоб ёзиб, уни умидвор қилишни ўзинг буюрган эдинг, энди ўшанинг жатига мен қоляпман. У ўз ниятимни очиқ-ойдин баён қилишимни талаб қилиб хат юборибди, хатида мени ҳаммомда пинҳона учрашишга ундаяпти. Мана шунақа шум ният билан шилқимлик қиляпти уятсиз, агарда сен мени у билан бундай мураса қилишга мажбур этмаганимда эди (Ҳайронман, нега бундай қилдинг?), мен уни чунонам суробини тўғрилаб қўярдимки, мен томонга қиё боқишга ҳам юраги дов бермайдиган бўлиб қоларди». Шундан кейин менга эрингизнинг жудаям ҳаддидан ошиб кетгани, буни энди эътиборсиз қолдириб бўлмаслиги кундай равшан бўлди ва мени сал бўлмаса нобуд қилаёзган собит садоқатингизнинг қадр-қиммати қанчалик топталганини ўзингиз фаҳмлаб олинг, деган мақсадда бу гапларнинг ҳаммасини сизга баён қилишни лозим кўрдим. Вале сиз буларни фирт уйдирма деб ўйламаслигингиз учун ва агар хоҳиш билдирсангиз, ҳаммасини ўз кўзингиз билан кўра олишингиз учун хотинимга, унинг жавобини кутаётган хотин орқали, туш пайтида, соат иккиларда, ҳамма ҳордиқ чиқариб ётган пайтда ҳаммомга боришга розилик билдиришни буюрдим, қўшмачи хотин ҳам бундай жавобдан қаноат ҳосил қилиб, чиқиб кетди. Умид қиламанки, хотинимни ўша ерга

юбориш ниятим мутлақо йўқлигига сиз ишонсангиз керак, албатта. Аммо сизнинг ўрнингизда бўлганимда, мен шундай иш тутардимки, у мени ўша орзиқиб кутаётган маҳбубаси деб ўйлаган бўларди, у билан бир оз вақт бирга бўлганимдан кейин эса, кимлигимни унга очардим-да, қилмишига яраша роса доднини берган бўлардим. Уйлайманки, агар сиз шу қабилда иш тутсангиз, уни шундай шарманда қиласизки, оқибатда сиз билан мени ёмонотлиқ қилмоқчи бўлгани учун ўзи бадном бўлиб қолади».

Кателла ўтакетган рашкчи бўлгани учун бу гапларни ким гапираётганини унутиб қўйиб, унинг замирида бадкорлик ётганини пайқамади, — шу заҳотиёқ ҳамма гапга лаққа ишонди, авваллари юз берган айрим воқеаларни бу гапга қиёс қилиб кўриб, фиғони чиқиб кетди ва худди Риччардо айтганидек иш тутажagini, бу нарса унга унча малол келмаслигини ва агар эри чинданам учрашувга ўша ҳаммомга борадиган бўлса, ҳар гал бегона аёлга кўз қирини ташлаганида эсига тушиб турадиган қилиб шармандасини чиқаражagini айтди. Риччардо мамнун эди; у ғоятда маккорона найранг ўйлаб топганига ва бу найрангни хамирдан қил суғургандек осон кўчганига ишонч ҳосил қилгач, Кателлага яна олам-жаҳон гап гапириб, унинг ниятини пухталаркан, айни пайтда, бу гапни мен айтганлигимни ҳеч бир кимса билмаслиги керак, деб яна бир марта эслатиб қўйишни ҳам унутмади, аёл эса ўз номуси ҳаққи, айтмасликка онт ичди.

Эртаси куни эрталаб Риччардо ҳаммом тутувчи бир эъзозли аёлни кига борди (Кателлага ҳам у шу ҳаммомнинг дарагини айтган эди) ва унга ўз ниятини айтиб, қўлидан келганча ёрдам қилишини сўради. Бу аёлга Риччардо яхшилик қилиб ўтказиб қўйган эди, шунинг учун аёл бажону дил унга кўмаклашмоқчи бўлди ва нима деб гапиришни, қандай иш тутишни йиғит билан келишиб олди. Ҳаммом жойлашган уйда биронта ҳам дарчаси йўқ қоп-қоронғи бир бўлма бор эди, ҳаммомчи аёл худди мана шу бўлгани Риччардонинг кўрсатмаси бўйича йиғиштириб, энг яхши чорпояни шу ерга олиб келиб қўйдирди, Риччардо ҳам тамадди қилиб олиб, шу чорпояга ётди-да, Кателлани кута бошлади.

Энди Кателладан эшитинг: у Риччардонинг гапларига кўркўрона ишониб, кечқурун уйга фиғони чиқиб қайтиб келди, худди шу маҳал уйга Филиппелло ҳам қайтиб келган эди, бироқ у ўз хаёллари билан банд бўлгани туфайли, уйга кириб келган чоғида хотинининг чеҳрасидаги доимий шоду хуррамлик аломати бу сафар йўқлигини тасодифан пайқамай қолган бўлса керак. Бу ҳол хотинига яна ҳам шубҳалироқ бўлиб туюлди. «Бутун фикру зикри эртага ўзи билан сафо суриб, ишрат қилмоқчи бўлган аёлда бўлса керак, — деди аёл ўзига-ўзи. — Чучварани хом санабсан!» Кейин Кателла тун бўйи, эртага эри билан қовушгандан кейин унга нималар деб айтиши тўғрисида ўйлаб чиқди. Хўш, кейин нима бўлди? Кателла берган ваъдасига амал қилиб, тушдан кейин соат иккиларга яқин, ўзи билан оқсоч қизни олиб, Риччардо айтган ҳаммом томон йўл олди, остонада ҳаммомчи аёлни кўриб, ундан, Филиппелло шу ердами, деб сўради.

Ҳурматли аёл Риччардо ўргатгандай жавоб қилди: «У билан гаплашмоқчи бўлган хоним сиз бўласизми?»

«Ҳа, менман», — деб жавоб қилди Кателла.

«Ҳа! Юра қолинг бўлмаса!» — деди ҳурматли аёл.

Кателла учун ҳозир у одамнинг бу ерда бўлганидан бўлмагани яхши эди, лекин унинг шу ерда эканлигини эшитиб, ўзини ўша хонага олиб киришларини буюрди ва елкасидаги чодрага ўраниб, бўлмага кирди-ю, эшикни занжирлаб олди. Риччардо Кателлани кўргани ҳаманоқ, севинганидан ўрнидан туриб кетди, аёлни бағрига босди, пичирлаб: «Қадамларига ҳасанот, жонгинам!» — деди. Кателла ўз «бурчи»ни бажаришга киришиб, уни қучоқлади, ўпди, бу висол онларидан ўзини гоятда хушнуддек қилиб кўрсатди, — лекин буларнинг ҳаммасини товуш чиқармай қилди, чунки ўзини танитиб қўйишдан қўрқарди. Бўлма зим-зиё эди ва бу ҳол уларнинг икковларига ҳам қўл келган эди. Ҳатто у ерда узоқ вақт бўлгандан кейин ҳам қўз қоронғига ўрганолмасди. Риччардо хонимни чорпоя олдига етаклаб борди ва улар ўзларини танитиб қўймаслик учун овоз чиқармай чорпояда узоқ вақт бирга бўлдиларким, бу биргаликдан бир томон иккинчи томонга нисбатан беқийёс даражада улкан ҳаловат ва лаззат олди.

Кателла юрагига тугиб қўйган пинҳоний қаҳр-ғазабини тўкиб солиш пайти энди етганини идрок этгач, жаҳолат билан шундай гапира бошлади: «О, мунча шўрпешона бўлмаса аёл зоти, нечун шунчалик телбаларча севамиз биз эркакларни! Мен бахти қаро, саккиз йилдан буён сени жонимдан ортиқ севиб келардим, лекин нималарни кўряпман? Сен бошқасининг ишқиди ёниб аланга олиб юрган экансану, бевафо, бадкирдор! Хўш, нима дейсан: ҳозир ким билан вақтичоғлик қилдинг? Саккиз йилдан бери сен билан бир ёстиққа бош қўйиб келаётган жуфти ҳалолнинг билан ётибсан — ваҳоланки сен бошқани севаркансан-ку, мени эса рибёкорона эркалаб, шунча вақтдан бери алдаб келаркансан. Мен Риччардонинг хотини эмас, Кателламан, беҳаё ва бевафо банда! Гапимни эшит! Овозимни танияпсанми? Бу менман! Қачон ёруққа чиқиб, сени бу бадкорлигингга яраша шармандайи шармисор қиларкинман, деб кутиб ётибман-ку, лекин унганча минг йил борга ўхшаб, сабрим чидамаяпти, мурдор, қўтир ит! Шўрим қурсин! Шунча йилдан бери қандай махлуққа меҳр қўйиб келибман денг. Мана шу рамақижон кўппакка! Бу бўлса, қўйнида ётган аёлни бошқа деб ўйлаб шу қисқа вақт ичида, бутун лаёқатини ишга солиб мени шу қадар эркалаб-суйдики, у билан шунча йил бирга умр кечириб, бу меҳрибонликларнинг урвоғиниям кўрмаган эдим. Бугун сен астойдил бел боғлаб ишга киришдинг, қирчанғи, бугун жуда азаматлик қилдинг, лекин уйда бундай пайтларда доим силланг қуриб, дармонинг кетиб, ожизлик қилиб қолардинг. Лекин тангрига шукурки, ниятингга етмадинг — кўчатингни ўз жўягингга экдинг. Бугун кечаси менга яқин йўламаганингни боисига энди тушундим. Сен йиққан бутун куч-қувватингни бошқа ерда сарфламоқчи бўлган экансан, жанг майдонига янги куч билан от чоптириб кириб бормоқчи бўлган

экансан. Вале, парвардигорнинг марҳамати-ю, ўзимнинг фаҳм-фаросатим туфайли, сув ўз ўзъига оқди. Нега индамайсан, касо-фат? Нега гапимга жавоб қайтармаяпсан? Нима, гунг бўлиб қолганмисан? Азбаройи худо, ҳайронман; нега шу чоққача юз-кў-зингни юмдалаб олмадим экан? Бу хиёнатингни ҳеч ким пайқамайди, деб ўйлагансан, лекин бир киши билган гапни иккинчи одам ҳам албатта билади — бу энди кундай равшан! Шум ниятингга етолмадинг! Изинга энг зўр исковуч итларни солишимни билмагансан-да».

Ричхардо ич-ичидан қувониб ётарди; у чурқ этмасдан, мудом аёлни қучоқлар, ўпар ва ҳеч кетини узмай яна ҳам қизгин ҳарорат билан эркаларди. Кателла эса унга дерди: «Ҳа, энди ясама эркалашларинг билан менга хушомад қилмоқчимисан, манфур ит, менга тасалли беришга, кўнглимни кўтаришга уриняпсанми, — хомтама бўласан! То қариндош-уруғларимнинг ҳаммаси олдида сени шармандайи шармисор қилмагунимча кўнглим жойинга тушмайди. Нима, мен Ричхардо Минутолонинг хотиничалик гўзал эмасманми? Ушанчалик аслзода эмасмидим? Нега индамайсан ахир, қўтир ит? Уша хотиннинг мендан нимаси ортиқ экан? Нарн тур, қўлингни теккизма менга, шундоқ ҳам бугун жангни жуда қизитиб юбординг! Биламан: кимлигимни билиб қолганинг учун энди ўлганингни кундан бўлса ҳам ўзингни кўрсатишга ҳаракат қиласан, лекин ҳали шошмай тур, худо хоҳласа сени бир оч қолдириб, сирайки, Ричхардога одам юборсам бўлмас эканми-я! У мени жонидан ортиқ севарди, мен бўлсам унга бирон марта қиё ҳам боқмабман-а, боқсам нимаси ёмон экан? Бу ерда қўйнингда ётган Ричхардонинг хотинчаси деб ишонган эдинг сен, борди-ю, бу ерга чинданам ўша аёл келганида, сен ҳозирги тиришқоқлигининг унинг учун қилган бўлар эдинг-да. Бундан чиқди, агар Ричхардо менга ўйнаш бўлганида мени айбснатишга сенинг ҳеч қандай ҳақинг бўлмас экан-да».

У яна анчагача гапириб роса таъна қилди, ниҳоят Ричхардо, агар бу хонимни гафлатда қолдирсам, кейин кўп кўнгилсизликлар бўлиши мумкин, деб ўйлаб, ўзини фош қилишга ва аёлни хато йўлдан қайтаришга аҳд қилди. У Кателлани қўлидан чиқиб кета олмайдиган қилиб қучоқлаб, бағрига маҳкам босганча, унга шундай сўзлар билан юзланди: «Аччиқланманг, жонгинам! Мен оддий йўл билан эришолмаган нарсага муҳаббат маъбудаси — Амурнинг мадади билан найранг ишлатиб муяссар бўлдим, Каминан — сизнинг Ричхардонгиздирман».

Кателла бу гапни эшитиб, уни таниди ва тўшакдан ирғиб турмоқчи бўлган эди, туrolмади, чинқирмоқчи эди, Ричхардо унинг оғзини қафти билан ёпди. «Хоним! — деб яна гапира бошлади Ричхардо. — Сиз умрбод айюҳаннос солганингизда ҳам орамизда бўлиб ўтган нарсани энди тузатиб бўлмайди. Борди-ю, чинқирсангиз ёки бошқа бирон йўл билан бу сирни ошкор қилсангиз, унинг оқибати қуйидагича бўлади: биринчидан, — сиз учун бунинг аҳамияти жуда катта, — номусингиз ва пок номингиз булғанади, зеро, мени авраб олиб келди, деб айтган тақдирингизда ҳам мен:

«Елгон гапиряпти, пул билан совға ваъда қилган эдим, шунга учиб ўзи келди, лекин кўзлаган нарсасини ололмаганидан кейин, дод солиб, бақира бошлади», деб айтаман, ўзингиз яхши биласиз, одамлар яхши гапдан кўра ёмон гапларга кўпроқ мойил бўладилар, демаски, улар сизнинг гапингиздан кўра, кўпроқ менинг айтганларимга ишонишади. Бу ҳали ҳаммаси эмас: эрингиз билан менинг ўртамда адоват вужудга келади ва бунинг оқибатида ё мен уни ўлдиришим, ёки у мени ўлдириши мумкин, — бундан сиз на манфаат топасиз ва на қувонасиз. Шундай қилиб, менинг маҳбубам, тақдирга тан беринг, акс ҳолда, ўзингизни шарманда қиласиз, эрингиз билан менинг ўртамга низо соласиз ва иккови-мизни улкан хавф-хатарга рўбарў қиласиз. Мен учун сиз на биринчи ва на охириги маҳбубасиз, вале, мен сизни, бирон бебаҳо нарсангиздан маҳрум этмоқ мақсадида алдаганим йўқ, — мени бундай жасоратга ундаган нарса сизга бўлган ва бундан кейин ҳам тоабат бўладиган беқиёс муҳаббатимдирким, сизни. севарканман, айни пайтда мудом энг содиқ қўлингиз бўлиб қоламан. Менинг ўзим, менга тегишли бўлган жами нарсаларим, мен қодир бўлган барча ишлар ва шаън-шавкатим, — буларнинг ҳаммаси кўпдан буён сизнинг ихтиёрингиздадир ва бугундан эътиборан уларнинг янада кўпроқ даражада сизга тегишли бўлишини истайман. Сиз ҳамма вақт фаросатли аёл бўлгансиз ва умид қиламанким, ҳозирги вазиятда ҳам албатта чуқур мулоҳаза билан иш кўргайсиз».

Кателланинг кўзларидан дув-дув ёш оқарди, лекин у гарчи жуда аччиқланган ва Риччардога тинмай маломат ёғдираётган бўлса ҳам аслида Риччардонинг ҳақ эканлигини тушунаётган эди: чунки ҳаммаси худди Риччардо баён қилгандек бўлиши турган гап эди. «Риччардо! — деди Кателла. — Сенинг бу фирибгарлигингга-ю, таҳқирларингга бардош бериш учун худо менга сабр-қаноат берармикин, билолмадим. Мен бу ерга ўзимнинг лақмаллигим ва телбаларча бадрашклигим касофатига келиб қолган бўлсам ҳам бу ерда фарёд қилмайман, илло, ишончинг комил бўлсинки, менга қилган бадкирдорлигинг учун қандай қилиб бўлмасин, сендан интиқом олмагунимча кўнглим таскин топмайди. Энди қўйиб юбор мени, торт қўлингни! Сен ниятингга етдинг, мендан тўйиб-тўйиб лаззатландинг, энди бас, ўз ҳолимга қўй!»

Риччардо Кателланинг ҳали жаҳлдан тушмаганини кўриб, то у билан ярашиб олмагунича уни қўйиб юбормасликка аҳд қилди. Шу сабабдан у Кателлани ҳар қандай йўл билан авраб-савраб, силаб-сийпаб кўнглини топа бошлади ва шундай ялиниб-ёлворди, шундай илтижо, шундай тавалло қилдики, Кателла ахири шаштидан қайтиб, у билан ярашди, натижада, улар бир-бирларидан рози бўлишди ва бир-бирларидан беқиёс даражада баҳраманд бўлишди, яна анча вақтгача бу ерда қолиб кетишди. Кателла ўйнашининг бўсалари эрининг бўсасидан қанчалик тотли эканлигини билгач, Риччардога нисбатан бўлган жаҳолати ўрнини назокатли муҳаббат эгаллади. Уша кундан бошлаб Кателла уни астойдил севиб қолибди ва улар гоятда ҳушёрлик билан иш тутиб, ишқ

нашъасидан тез-тез баҳраманд бўлиб турибдилар. Худо бизга ҳам шундай нашъу намо ато этсин!

7

Тедальдо ўз маҳбубаси билан аразлашиб қолиб, Флоренциядан бош олиб кетади, лекин бир неча йилдан сўнг дарвиш қиёфасида яна қайтиб келади, маҳбубаси билан суҳбатлашиб, унинг ноҳақ эканлигини исботлайди, уни ўлдирганликда айбланган эрини ўлим жазосидан қутқаради, уни ўз ака-укалари билан яраштиради, сўнг унинг хотини билан ими-жимиди яна вақтичоғлик қилавереди

Фьяметта қиссасини тугатиб барчанинг таҳсинига сазовор бўлди ва жим қолди, шунда қиролича фурсатни ўтказмаслик учун шу заҳоти ҳикояхоҳлик навбатини Эмилияга берди, Эмилия ҳам шундай ҳикоя қила бошлади:

— Мендан олдин ҳикоя қилган икки дугонам шаҳримизни тарк этишни ихтиёр қилган эдилар, мен эса, яна унга қайтмоқчиман ва сизларга бир ҳамшаҳаримизнинг қандай қилиб ўз маъшуқасининг илтифотига қайта муяссар бўлганини баён қилмоқчиман.

Алқисса, Флоренцияда Тедальдо дельи Элизей исмли бир навқирон йигит ўтган эди, у Эрмеллина исмли бир хонимга, яъни Альдобрандино Палермини деган кишининг хотинига девоналардек ошиқ бўлиб қолган ва ўзининг бенуқсон садоқати туфайли армонининг ушалишига ноил бўлган эди. Вале хушбахт кишиларга адоват қилувчи шум толе унинг бу саодатли ҳаётига ҳасад қилди: шу чоққача унга лутф қилиб келган маъшуқаси, бирдан ҳеч бир сабабсиз ундан юз ўғирди ва наинки унинг мактубларини ўқимай қайтарди, ҳаттоки у билан дийдор кўришишни ҳам истамадикки, бунинг оқибатида Тедальдо дилтанг бўлиб, мудҳиш гуссага тушди ва лекин у ўз ҳиссиётини ниҳоятда пухталиқ билан яширганлигидан, унинг бу дилгирлигига сабаб айнан шу рад этилган муҳаббат эканлиги ҳеч кимнинг хаёлига келмади. У ўз маҳбубасининг илтифотига сазовор бўлмоқ учун ўзини не кўйларга солиб кўрмади, зеро у маъшуқасининг илтифотидан асоссиз маҳрум бўлган деб ҳисобларди ўзини; ниҳоят у ҳамма уринишлари зое кетаётганини тушуниб, бу даргоҳдан бош олиб кетишга қарор қилди: чунки у ўшал маҳбубасининг кўзига ишқ азобида изтироб чекаётган бўлиб кўринишни ва бу билан уни хушнуд этишни истамасди. Натижада, у қўлида бор ақчасининг жамини ёнига солиб, ўзининг энг садоқатли, энг ишончли ягона ошнасидан бўлак ҳеч кимга,— на хешларига ва на ёру-дўстларига,— ҳеч нима айтмай, махфий тарзда Анконага¹ жўнаб кетди; у ерда ўзини Филиппо ди Сан-Лодеччо деб атаб, бир бадавлат савдогар билан танишди, унинг хизматига ёлланди ва кемасида Кипрга равона бўлди. Унинг хулқ-атвори ва хушмуомалалиги савдогар

¹ Анкона — Италиянинг Адриатик денгиздагъ порт шаҳри. (Тарж.)

кўнглига шу қадар ёқиб қолдики, савдогар унга наинки яхши маош тайинлади, яна уни ўзига тенг шерик қилиб олди, бундан ташқари, деярли барча ишларини бошқаришни унга топшириб қўйди, Тедалдо эса топширилган ишларни шу қадар моҳирлик ва тиришқоқлик билан адо этдики, бир неча йил мобайнида ўзи ҳам эъзозли, бадавлат, нуфузли савдогарга айланди. Муҳаббат тигидан қалби оғир жараҳатланган бу одамнинг бутун фаолияти унинг ўшал бағритош маъшуқасини бот-бот эслаб туришига ва унинг кўйида интизор бўлиб яшашига асло халал бермасди, у ғайри табиий матонат кўрсатиб, етти йил муттасил ўз ёғига ўзи қовурилиб яшади. Аммо кунларнинг бирида у Кипрда, ўзи бир вақтлар тўқиган қўшиқни тасодифан эшитиб қолдиким, у қўшиқда ўзининг ўшал жононга, ул жононнинг унга бўлган муҳаббати ҳақида, ўшал маҳбубанинг истиқболига мушарраф бўлиш уни қанчалик хушбахт қилиши ҳақида куйланарди; Тедалдо шу қўшиқни қайта эшитди-ю, маъшуқам мени унутган бўлиши мумкин эмас, деган қатъий қарорга келди ва уни кўришни шунчалик хоҳладиким, ахир ўзини тийиб тура олмай, Флоренцияга қайтиб боришга аҳд қилди.

У ўз ишларини саранжомлаб, хизматкори билан биргаликда Анконага жўнади, у ерга етиб борган замонок, Флоренцияга, анконалик ошнасининг дўсти номига ҳамма юкларини юборди, ўзи эса, хизматкорини ёнига олиб, Исо турбатига сиғинмоқ учун Қуддуса зиёрат қилгани борган ҳожи қиёфасида, салт ҳолда ўша ёққа жўнади. У Флоренцияга етиб келиб, икки ака-ука соҳиблик қилаётган бир ғарибона мусофирхонада тўхтади, мусофирхона маҳбубасининг уйи билан ёнма-ён эди; Тедалдо ул хонимнинг уйига боришдан олдин, қулай фурсат топиб, унинг ўзини кўришга аҳд қилди. Шу ният билан у маъшуқасининг уйига яқин борди, қараса, уйнинг ҳамма эшик ва деразалари тақатақ берк, буни кўриб у қаттиқ безовта бўла бошлади: ўлиб қолмаганмикин, — деб ҳам ўйлади, — ё бошқа бирон ерга кўчиб кетдимикин? У ниҳоятда қаттиқ ташвишга тушиб, ўз ака-укалариникига йўл олди ва ўз уйи эшигида тўрттала ака-укасини қора кийимда кўриб, ҳанг-манг бўлиб қолди. Ўзини таниш осон эмаслигини эътиборга олиб, — у шунча йил мусофирчиликда юриб жудаям ўзгариб кетган эди, боз устига эғнидаги кийими ҳам ғайри табиий эди, — шу ўртадаги кавушдўз қошига дадил юриб борди-да, нечун бу одамлар қора кийинган, деб сўради. Кавушдўз унинг бу саволига шундай жавоб қилди: «Шунинг учун қора кийишганки, бундан анча бурун бу ердан жўнаб кетган Тедалдо исми уларнинг бир иниларини бундан икки ҳафтача илгари ўлдириб кетишди, айтишларига қараганда бу ака-укалар судда, Альдобрандино Палерминини қотил деб гувоҳлик беришибди, ҳозир у одам ҳибсда ўтирибди, — у одам Тедалдонини шунинг учун ўлдирганки, хотинини ўша ўлган Тедалдо яхши кўраркан, шу хотин деб у Флоренцияга яшириқча келган экан».

Тедалдо бу дунёда ўзининг ҳамқиёфаси ҳам борлигини эшитиб, ҳайрон қолди ва бахти қаро Альдобрандинонинг ҳолига ачинди.

Севикли махбубасининг соғ-саломат эканлигини билиб, ҳар турли ўй-хаёллардан боши қотиб мусофирхонага қайтганида қош қорайиб қолган эди, у хизматкори билан бирга кечлик овқат тановул қилди, сўнг унга нақ томнинг таггинасидан жой беришди. Миясига турли хил хаёллар қираётганиданми ё юпқа тўшаги биқинига ботганиданми, балки ёвғон овқатга қорни тўймаганлиги сабабдир, ҳар ҳолда, тун яримдан оғибди ҳамки, у ҳануз мишжа қоқмай ётарди. Шу йўсинда бедор ётган пайтида тўсатдан, кимдир томдан тушиб келаётгандай бўлиб туюлди, яна бир оздан кейин эшик зийндан чироқ шуъласи тушди, шуъла зинадан юқорига кўтарилаётган эди. Тедальдо бунинг нима эканлигига қизиқсиниб, оҳиста ўрнидан турди, эшик тирқишидан мўралади ва қўлига шабчироқ ушлаган кўҳликкина бир қизни ва томдан тушиб, шу қиз томон келаётган уч нафар эркакни кўрдиким, ҳаммалари қиз билан салом-алик қилишгандан сўнг, йигитлардан бири, қизга шундай сўзлар билан юзланди: «Худога шукур, энди хотиржам бўлишимиз мумкин: биз эшитган энг аниқ маълумот шуки, Тедальдо Элизеининг оға-инилари қотил Альдобрандино Палермини деб гувоҳлик беришибди, у ҳам айбига иқрор бўлган, унинг устидан ҳукм ҳам чиқарилиб бўпти. Шундай бўлса ҳам эҳтиёт бўлмоғимиз лозим: чунки қотил биз эканлигимизни бир кун эмас-бир кун билиб қолгудек бўлсалар, бошимизга Альдобрандинонинг куни тушиши турган гап». Қиз бундан суюниб кетди, сўнг ҳаммалари ухлагани тарқалишди.

Тедальдо бу гапларни эшитиб, одамзод идрок маҳв этишга қодир бўлган саҳв-хатонинг нақадар улканлиги ва уларнинг моҳияти ҳақида чуқур мулоҳаза юрита бошларкан, биринчи навбатда бегона одамни ўз огалари деб билган ва мазкур бегона одамнинг жасадни дафи этган ака-укалари ҳақида, янглиш гумон ва нотўғри гувоҳлик туфайли ўлимга маҳкум этилган бегуноҳ одам ҳақида, шунингдек, деярли ҳамма вақт ўзларини ғоятда тиришқоқлик билан суриштириб ҳақиқат қилаётгандек кўрсатиб, аслида эса, жазолаш йўли билан қалбаки гувоҳликлар олувчи ва айни пайтда бедодлик қуроли ва шайтоннинг малайи бўла туриб, ўзини одил суд ходими ва парвардигорнинг ноиб қилиб кўрсатувчи давлат намояналарининг ва улар томонидан жорий этилган қонунлар мажмуасининг кўркўрона қаттиққўллиги ҳақида ўйлай бошлади. Кейин у Альдобрандинони қандай қилиб қутқариш ҳақида бош қотира бошлади ва ахири иложини топди.

Эрталаб у уйқудан турди, хизматкорини мусофирхонада қолдирди, ўзи, ишга киришиш пайти етди, деб махбубаси ҳузурига йўл олди. Эшик очиқ эди, у пастки қаватдаги мўъжазгина залга кирди ва у ерда зор-зор йиғлаб ўтирган махбубасини кўриб, ачинганидан ўзининг ҳам хўрлиги келиб, сал бўлмаса йиғлаб юборай деди, сўнг у аёл олдига яқинлашиб шундай деди: «Кўп куюнаверманг, хоним афанди,— ҳадемай тасалли топгайсиз».

Хоним бошини кўтариб, унга қаради ва йиги аралаш гапира бошлади: «Э, саховатли зот! Сен, назаримда, мусофир, дарвиш

бўлсанг керак, — нимага қуюнаётганимни ва нимадан тасалли топишимни сен қаёқдан биласан?»

Дарвиш унга жавобан шундай деди: «Хоним афанди! Мен ҳозиргина Константинополдан келиб турибман, мени парвардигорнинг ўзи, сизнинг андуҳингизни қувончга айлантириш ва эрингизни ўлимдан сақлаб қолиш учун бу ерга йўллади».

«Агар константинополлик бўлсанг ва бу ерга эндигина келган бўлсанг, эрим билан менинг кимлигимизни қаёқдан билдинг?» — деб сўради аёл.

Дарвиш гапни бир бошдан бошлаб, Альдобрандинонинг бошига тушган мусибатни бутун тафсилоти билан сўзлаб берди, аёлнинг кимлигини ва турмушга чиққанига қанча вақт бўлганини айтиб, унинг ҳаётидаги ўзига аён бўлган ҳодисалардан бир қанчасини нутқига илова қилди. Хоним ҳайратда эди; у дарвишни авлиё деб эътироф этиб, қаршисида тиз чўкди ва гар Альдобрандинони халос этгани келган бўлсанг, шошил, зеро фурсат жуда оз қолди, деган мазмунда унга худонинг зорини қилиб ёлвора бошлади.

Дарвиш ўзини бузрук порсо одам қилиб кўрсатиб, деди: «Ўрнингиздан туриг, хошим афанди, йиғини тарк этинг, гапларимга зўр эътибор бирла қулоқ осинг ва уни биронта одамга айтиб қўйишдан тилингизни тийинг. Парвардигор менга шуни аён қилдиким, бу бадбахтликни у сизнинг бир вақтлардаги қилган гуноҳингиз учун бошингизга солибди. Тангрим руҳингизни ҳеч бўлмаганда ўшал гуноҳдан фориғ айлашни ихтиёр этдиким, уш сиз изтироб чекиб ювмоғингиз лозим эркан, акс ҳолда бундан ҳам оғир фалокатларга дучор бўлғайсиз».

Хоним унга бундай деди: «Менинг гуноҳларим кўп, мессер, бинобарин, улардан айнан қайси бирини парвардигорнинг инояти билан ювмоғим керак — била олмаяпман».

«Ул гуноҳингиз, хоним афанди, менга мукамал даражада аёндир, — деди дарвиш. Вале, мен гуноҳингизни яна ҳам пухтароқ билиш учун эмас, балки ўзингиз у ҳақда баён қилаётиб, янада қаттиқроқ виждон азобига тушишингиз учун бу ҳақда сўрайман. Қани, бошладик. Бир эслаб кўринг-чи, илгарилари сизнинг биронта бўлсин, маҳбубингиз бўлганми?»

Хоним бу гапларни эшитиб, чуқур хўрсинди-ю, ҳайратга келди: бунинг дарағи қандай қилиб бошқалар қулоғига бориб етганига ҳайрон эди у, — ҳа, дарвоқе, Тедальдо деб танилган одамнинг жасадини дафн этишган пайтда бу ҳақда пичир-пичир гаплар юрганди, Тедальдонинг ҳамма гапдан воқиф бўлган бир дўсти оғзидан беихтиёр чиқиб кетган уч-тўрт оғиз сўз сабаб бўлган эди бу мишмишларга. «Назаримда, парвардигор жамики бандаларининг сир-асрорларини сизга аён қилибди, бинобарин, сиздан ҳеч нимани сир тутиб ўтирмайман, — деди хоним. — Ҳа, ори рост, ёшлигимда мен бир бахти қаро йигитни севганман, менинг эрим, гўё ўша йигитни ўлдирганмиш. Мен унга аза тутдим ва ҳануз унинг қўйида йиғлайман, зеро гарчи у билан бир вақтлар бераҳм ва совуқ муносабатда бўлган бўлсам ҳам шунга

қарамай, на унинг жўнаб кетиши, на узоқ йиллар давом этган хижрон, на унинг мудҳиш ўлими юлқиб ола олди уни менинг қалбимдан».

Дарвиш аёлга шундай деди: «Сиз мақбул бўлган ўшал шўрпешона йигитни ҳеч қачон севмагансиз — сиз Тедальдо Элизеини севгансиз. Айтинг-чи: ундан ғазабланишингизнинг боиси нима эди? У сизни бирон хатти-ҳаракати билан таҳқирлаганмиди?»

Хоним унинг бу гапига жавобан шундай деди: «Йўқ, у мени ҳеч қачон таҳқирлаган эмас эди. У билан муомаламни ўзгартиришимга бир малъун роҳиб сабабчи бўлган эди. Қунларнинг бирида мен тавба-тазарру пайтида унга ўша йигитни севишимни, у билан яқин эканлигимни очган эдим, у менга ўшанда шунақа ўшқириб, таҳдид қила бошладики, эсласам ҳалиям аъзойи баданимни совуқ тер босиб кетади, ахир роҳибнинг измидан чиқиш ҳазилакам гапми: «Магар Тедальдо билан мулоқотда бўлишга барҳам бермасанг, бу густохлигинг жатига иблисинг комига равона бўлғайсан, сени жаҳаннам қаърига ташлагайлар ва ул ерда сен мангу гулханда абадулабад энгайсан», деб уқтирганди роҳиб. Ушанда мен дўзах азобидан қўрқиб кетиб, Тедальдо билан алоқамни тамомила узинга аҳд қилдим ва шу боисдан унинг мактублари-ю, номаларидан юз ўгира бошладим, ҳолбуки, агарда у, ўшанда, умидсизликка тушганидан бўлса керак, бу ердан бош олиб кетмай, бунинг ўрнига сал талабчанроқ бўлганида ва кўз олдимда худди офтоб тафтидан эриган муздай эрий бошлаганида борми, худди у менсиз яшай олмагандек, мен ҳам усиз яшай олмаганим сабабли, ўшал аҳдимдан қайтган бўлардим».

Дарвиш эса, унинг бу гапига шундай деб жавоб қилди: «Айнан мана шу гуноҳингиз, хоним афанди, сизни изтиробга солмоқда. Мен аниқ биламан, Тедальдо сизни ўйнаш бўлишга мажбур этмаган — сиз унга ошиқ бўлиб, у билан ихтиёрий равишда қовушгансиз, чунки у сизнинг кўнглингизга ёққан, илтифотингизга сазовор бўлган ва сиз бу лутфингизни бағоят жонбозлик кўрсатиб, сўз билан ҳам, иш билан ҳам исбот қилгансизки, йигитнинг сизга бўлган оташин муҳаббати яна минг карра кучлироқ аланга олган. Бас, шундай экан, унга бунчалик шафқатсиз бўлишингизнинг боиси нимада? Сизни бунга нима мажбур қилди? Сиз бундай иш тутишдан олдин жуда пухта ўйлаб кўришингиз керак эди, мабодо ушбу мулоқотнинг нечоғлиқ номанзур иш эканлигига ва бу ишдан кейин бориб пушаймон бўлишингизга кўзингиз етса, ана унда алоқани узаверишингиз мумкин эди. У сизники эди, сиз эса, уники эдингиз. Сиз сарбаст аёл эдингиз, демакки, уни ўз қулингиздек билиб устидан ҳукмронлик қилардингиз, бинобарин, унга бўлган ўз ҳуқуқингиздан воз кечишингиз ва айна пайтда ундан ўзингизни — уники ҳисобланмиш ўзингизни ўғирлашингиз, бу қароқчилик қилиш, жинойи ишга қўл уриш демакдир. Кўриб турибсиз, мен роҳибман, роҳиблар таомилини ҳам жуда мукаммал биламан, борди-ю, сизнинг ҳаётингизни кўзлаб, роҳиблар борасида бир қадар эркинроқ мулоҳаза юритсам, бу бошқалардан кўра мен учун узрлироқдир. Ҳар қалай сизга мен уларнинг турмуш

тарзлари ҳақида сўзлаб бермоқчиманки, гапимни эшитгач, улар тўғрисидаги ҳозирги таассуротингиз бирмунча мукаммаллашса ажаб эрмас. Илгари замонда тақводор, авлиёсифат роҳиблар ўтган, аммо бизнинг замонда ўзини роҳиб деб юритувчи ва тақводор, порсо деб шуҳрат қозонишга интилувчи роҳибларда эгниларидagi ридодан бўлак роҳибларга мансуб ҳеч вақо йўқ, ҳатто ридоларни ҳам роҳибона эмас, зеро роҳибликни таъсис этганлар ридони жайдари дағал матодан тор қилиб тикишни амр этганлар — улар ўз руҳларининг бу фоний дунё сафоларидан ҳазар қилишини ихзор этиш мақсадида ўз жисмларини ўта ғарибона жанда билан ёпганлар, ваҳоланки, ҳозирги роҳиблар ўзларига кенг қилиб, яна астарли, астарли бўлгандаям қимматбаҳо ялтироқ шоҳи астарли жуббалар тиктиряптиларки, бу уларни сервиқор ва улуғвор қилиб кўрсатади, барча аҳли дунё сингари, шу либосда кўзбўямачилик қилишади, уят-андишани унутиб, кўча-қўйда, ибодат пайтида шу кийимда савлат тўкиб юришади. Ўз тўрларига имкони борича кўпроқ балиқ илинтиришга уринган балиқчилар сингари улар ҳам ҳалпиллаган жуббаларининг кенг этаги остига кўпроқ риё аҳлини, кўпроқ бева хотинларни, кўпроқ лақма эркагу аёлларни тўплашга уринадилар, — кўпроқ шундай ишлар устида жон куйдирадилар. Хуллас, агар ҳақиқатга яқинроқ ёндашадиган бўлсак, уларнинг ридолари эмас, балки ридоларининг рангигина роҳибларга хосдир. Қадимги роҳиблар одамзоднинг ҳаловати ҳақида бош қотиришган, ҳозирги роҳибларнинг фикру зикри эса, аёллару бойлик орттиришдир, улар бор кучларини таҳдиду турли-туман даҳшатлар тасвири билан овсарларни кўрқитишга, жамики гуноҳлар хайр-эҳсон, ош-худойилар қилиш билан ювилади, деб ваъз қилишга сарфлайдилар: шундай қилиб улар, яъни тарки дунё қилиш мақсадида эмас, балки қалбан олчоқ бўлганлари учун ишламай кун кечириниш ниятида роҳибликни танлаган одамлар шунга эришадиларки, биров уларга нон олиб келади; бошқаси шароб юборади, учинчиси эса, марҳумлар арвоҳини ёдлаб дуо қилиши учун ақча ташлаб кетади. Ори рост, эҳсону ибодат чиндан ҳам гуноҳларни ювади, вале садақа берувчилар, уни қабул этиб олаётганларнинг ҳақиқий башарасини кўришганда, ёки ҳеч бўлмаса, билишганда эди, садақаларини ўзларига олиб қолган, йўқ деганда чўчқа олдига ташлаган бўлардилар. Садақа олувчилар қанча оз бўлса, қора ридо кийганлар учун шунча яхши, — бунини улар тушуниб олишган, — маъна шу боисдан ҳар битта роҳиб айюҳаннос солиб бақириниб-чақириниб, дағдаға қилиб бошқасини йирик ўлжа теласидан нари қувишга уринади. Улар зино қилувчи эркакларни фош қиладилар, чунки зино қилувчилар шаҳватни тарк этсалар, барча аёллар шу фош этганларга қолади. Улар ришвахўрликни ва ғайри қонуний ўлпонларни қоралайдилар — шу мақсаддаки, ўшал ўлпонларни ўзлари йиғиб олишни истайдилар, агар шундай бўлса, уларнинг ўз таъбирича, у дунёда бандаларни дўзах азобига солувчи ўшал мол-давлатлар эвазига ўзлари учун яна ҳам кенгроқ жуббалар тикишлари, бирон епископликни ёинки яна бошқа бирон

Ғаъзонни сотиб олишлари мумкин экан. Борди-ю, мана шунақа ва шу сингари яна беҳисоб разилликлари учун уларга дашном берадиган бўлишса, улар: «Биз айтганни қилинг, вале биз қилган ишни қилманг», деб жавоб қиладиларки, фақат шу тарзда гуноҳи азимдан фориғ бўлиш мумкин эмиш, бундан чиқди, саботли, иродали бўлиш чўпонлардан кўра қўйлар учун осонроқ экан. Бироқ бундай маслаҳатни тинглаганларнинг аксарияти уни тамомила ўзгача талқин этишини деярли ҳамма роҳиблар жуда яхши тушунишади. Ҳозирги роҳиблар, ўзларининг айтганини сўзсиз бажо айлашингизни истайдилар, айнан уларнинг ҳаменини қаппайтиришингизни, уларга ўз сирларингизни баён қилиб туришингизни, маъсума, сабр-қаноатли бўлишингизни, сизга озор берганларни кечиришингизни, гийбат қилмаслигингизни истайдилар. Буларнинг ҳаммаси ғоят даражада мақтовга сазовор, савоб ишлардир, лекин не боисдан улар сизга буни такрор-такрор ўғит қилмоқдалар? Шунинг учунким, аҳли мардум уларнинг сабоғига амал қилса, шу мардум қилиши керак бўлган ишларга ўзлари қўл урган бўлардилар. Ҳамма ҳам яхши тушунади, агар уларнинг ақчалари бўлмаса, ишлашга мажбур бўладилар. Модомики сен ақчангни ўз ҳузур-ҳаловатинг учун сарфларкансан, унда роҳиб бекор ўтира олмайди; агар сен аёлларга муҳаббат изҳор этсанг, унда роҳиб икки қўлини бурнига тикиб қолади; борди-ю, сен бесабр бўлсангу озор берувчини кечирмасанг, унда роҳибнинг уйингга келиб, онлангда жанжал кўтаришга ўрин қолмайди. Э, нимасини айтай? Башарти улар аҳли тафаккур олдида ўзларини оқламоқчи бўлсалар, ҳар сафар, албатта, ўзларини-ўзлари ёмонотлиқ қилиб қўядилар. Баски, улар сабр-қаноат билан зоҳидона кун кечиришга қодир эмас эканлар, уйларида хап ўтирсалар бўларди. Модомики улар зоҳидликни бўйинларига олган эканлар, нечун илжилга амал қилиб яшамайдилар? Ахир Исо алайҳиссалом ҳам ишлаган, ҳам сабоқ берган эди-ку. Булар ҳам олдин ишласин, кейин ўзгаларга насиҳат қилишсин-да. Мен ўз умримда саёқларнинг, фосиқларнинг наннки аслзода хонимларга, шунингдек, роҳибаларга ҳам илакишган хотинбозларнинг жуда кўпини кўрганманки, уларнинг барчаси ҳам келиб-келиб черков минбаридан воизлик қилувчилар эди! Ахир наҳотки биз шундай бадрафторларга эргашсак? Тўғри, қандай рафтор қилиш — бу уларнинг шахсий иши, ammo шундай қилишлари яхшими, йўқми — энди бунга худонинг ўзи қози. Фараз қилайлик, сизга захрини сочган ўшал роҳибнинг эр-хотин ўртасидаги вафодорликка хиёнат энг оғир гуноҳдир, деб айтган гапи тўғри ҳамдир, вале инсоннинг бебаҳо нарсасини ўғирлаш — ундан ҳам оғирроқ гуноҳ эмасми? Уни ўлдириш ёнки оворайин жаҳон бўлиб дарбадарликда юришга мажбур этиш — яна ҳам оғирроқ гуноҳ эмасми? Ким бунга эътироз билдира олади? Эркак билан аёлнинг ўзaro алоқа қилиши — бу табиий гуноҳ, вале эркак кишининг нарсасини ўғирлаш, уни қатл этиш ва ёки бадарга қилиш, бу энди жиноятдир. Сиз Тедальдодан ўзингизни олиб қочиб, унга жабр қилгансиз, ваҳоланки ундан анча олдин ўзингизни унга ихтиёрый равишда топширган эдингизки, буни ҳали юқорида исбот-

лаб берган эдим. Мен яна шуни ҳам таъкидлаб айтмоқчиман, сиз уни, очиги, қатл этдингиз, аммо унга шунчалик бешафқат бўлганингизга қарамай, у ўз жонига қасд қилмасликка журъат этган экан, бунда сизнинг ҳеч қандай ҳиссангиз йўқ; ҳолбуки, адлия қонунлари мажмуасида айтилишича, юз берган жишоятга сабабчи бўлган шахс ҳам ҳақиқий жишоятчига бериладиган жазога тортилиши керак экан. У фақат сизнинг касрингизга қолиб, бу ердан бош олиб кетди ва умрининг етти йилини дарбадарликда ўтказди-ким, бунга ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ. Бинобарин, мана шу учта қилмишингизнинг ҳар бири Тедалдо билан яқин мулоқотда бўлганлигингизга нисбатан беҳад оғирроқ гуноҳдир. Хўш, ўзимизга-ўзимиз: балки Тедалдо қилмишига яраша жазосини тортгандир? — деб савол бериб кўрайлик. Ҳалол гапни айтганда, — йўқ. Биринчидан, буни ўзингиз эътироф этдингиз, иккинчидан эса, бошим ни тикиб айтаманки, у сизни жонидан ҳам ортиқ севади. У дилкаш улфатлари орасида бўлган чоғларда ва шубҳа уйғотмасдан гап-риш имкониятига эга бўлганида, ҳаммадан ҳам сиз тўғрингизда кўпроқ эътиром билан гапирар, ҳеч кимни сизчалик юксак таърифламас ва мадҳ этмасди. У сизни деб ўзининг бутун давлатидан, номусидан, эркидан — ҳамма-ҳаммасидан воз кечишга ҳам тайёр эди. Ё унинг насаби пастмиди? Ё ҳамшаҳарлари сингари хушсурат эмасмиди? Ё йигитларга хос жасоратли эмасмиди? Ё уни бу ерда эъзозлашмасмиди, у билан улфатчилик қилишни ёқтиришмасмиди, ҳамма кўярда-кўймай, уни меҳмонга чақирмасмиди? Буларни сиз асло инкор эта олмайсиз. Бас, шундай экан, қандай қилиб сиз жоҳил, ҳасадгўй, овсар бир роҳибнинг маломатларига ишониб, Тедалдога бунчалик бераҳмлик қилдингиз? Мен эркак зотини назарга илмаган ва унинг қадрига етмаган аёлни тушуна олмайман; бу янглиғ гумроҳлик қилган аёл, ўзининг қандай одамлиги ва худойи таолонинг иродаси билан бошқа ҳар қандай жониворлардан фарқ қилиб турувчи эркакнинг нақадар улуғвор ва нақадар қалби пок эканлиги ҳақида ўзига-ўзи ҳисоб бермоғи лозим эди, — бинобарин, аёл ўзининг севикли маҳбуба эканлигидан ғурурланиши, азиз маҳбубини қадрлаши ва қалбидаги ишқ алангаси ҳеч қачон сўнмаслиги учун ҳамма жиҳатдан унинг кўнглини овлаши лозим эди. Ўзингиз биласиз, сиз мечкай, очофат роҳибнинг васвасасига учганингиздан шундай қилгансиз. Ажаб эмаски, Тедалдонинг ўрнини ўзи эгаллаш ниятида уни қалбингиздан ситиб чиқарган бўлиши ҳам мумкин. Ўз хатти-ҳаракатининг оқибатини закиёна идрок этишга қодир бўлган илоҳий адолат худди мана шу гуноҳингиз учун сизни бежазо қолдирмасликни мақбул кўрди ва Тедалдонни ўзингиздан аъришингизда унинг ҳеч қандай айби бўлмагани каби, эрингиз ҳам Тедалдо туфайли беғуноҳ жазога тортилди, эрингиз кўйида эса энди ўзингиз изтироб чекмоқдасиз. Агар сиз шул кулфатингиздан халос бўлишни истасангиз, шу нарсани ваъда қилмоғингиз, наннки ваъда қилмоғингиз, энг муҳими ўшал ваъдангизга вафо айламоғингиз лозим: мабодо кунлардан бир кун ўшал Тедалдо узоқ жудоликдан кейин яна қайтиб келиб-нетиб қолгудек бўлса, унга сиз қайтадан илтифот

кўрсатмоғингиз, ўз муҳаббатингиз, мурувватингизни яна у билан баҳам кўрмоғингиз, бинобарин, яна у билан қовушмоғингиз — хуллас, ўша жинни-санғи роҳибнинг гапларига кўр-кўрона ишонмасингиздан олдин Тедалдо сизнинг истиқболингизда қандай ҳуқуқларга эга бўлган бўлса, шу ҳуқуқларнинг ҳаммасини мукамал тикламоғингиз лозим бўлади».

Дарвиш шу ерга келганда, гапига нуқта чекди, шунда унинг гапларини диққат билан тинглаб ўтирган аёл у келтирган далилларни етарли даражада ишончли эканлигини ва дарвиш таъкидлаган фикрни эътироф этиб, айнан шул гуноҳим учун жазога лойиқ эканман, деб айбига иқрор бўлди-да, бундай деб гап бошлади: «О, порсо зот! Эътироф этишим лозимки, мутлақ ҳақ гапни баён қилдингиз. Сизнинг шарофатингиз билан, мен ниҳоят роҳибларнинг қанақа одам эканлигини идрок қилдим, зеро сиз билан суҳбат қилгунимча мен уларни авлиё деб билардим. Энди қўлимни кўксимга қўя туриб, шу нарсага иқрор бўлиб айтаманки, мен Тедалдо билан бу йўсинда муомала қилиб, чиндан ҳам гуноҳи азимга йўл қўйибман, борди-ю, гуноҳимни ювиш чораси топилганда эди, айнан шу сиз лозим топган усулда жон-жон, деб айбимни ювган бўлардим, аммо иложим қанча? Афсус ва надоматлар бўлсинки, энди Тедалдо ҳеч қачон бизнинг ёқларга қайтиб келолмайди — у оламдан ўтган. Модомики, буни бажо айлаб бўлмас экан, ваъда беришнинг ҳам ҳожати йўқ».

Дарвиш унинг гапига шундай деб эътироз билдирди: «Хоним афанди! Парвардигор менга аён қилдиким, Тедалдо ўлмаган, — у соғ-саломат ва борди-ю, сиз унга яна лутф ва карам кўрсатсангиз, у яна жаннат роҳатига мушарраф бўлгай».

«Эсингизни йиғинг! Нима деяпсиз ўзи? — деб чинқириб юборди хоним. — Мен кўча эшигимиз олдида ётган унинг жонсиз жасадини ўз кўзим билан кўрганман ахир, унинг баданидаги жароҳат изларини ҳам кўрдим, уни бағримга босиб, жонсиз юзини кўз ёшларим билан ювдимки, худди мана шу хатти-ҳаракатим ғаламис одамларнинг миш-миш гап тарқатишига баҳона бўлган бўлса керак».

Дарвиш унга деди: «Сиз нима десангиз денг, хоним афанди, аммо ишонтириб айтаманки, Тедалдо тирик ва агарда сўз берсангизу сўзингизнинг устидан чиқсангиз, ҳадемай уни ўз кўзингиз билан кўрурсиз».

«Мен шартингизга кўнаман, жон-жон деб рози бўламан, — деди хоним. — Эримнинг озодликка чиққанига ва ҳеч қандай қийин-қистокқа солинмаётганига, Тедалдонинг эса, тирик эканлигига ишонч ҳосил қилиш — ахир бундай сарбаланд саодат бўлиши мумкин эмас мен учун».

Шунда Тедалдо ўзини танитиш ва аёл кўнглида унинг эрини халос этиш борасида қатъийроқ ишонч туйғусини уйғотиш пайти етганини тушунди. «Хоним афанди! — деди у. — Эрингиз қисматидан ортиқ хавотирланмаслигингиз учун сизга катта бир сирни очаман, аммо умрингизнинг охиригача уни ҳеч кимга айтмаслик шарт билан».

Хоним бу дарвишнинг авлиё одам эканлигига ҳеч шубҳа қилмасди, шунинг учун ҳам у билан ёлғиз қолишдан, яна хилват оромгоҳда бирга бўлишдан асло қўрқмаган эди. Тедальдо ана шу вазиятни мулоҳаза қилиб кўриб, охириги марта бирга бўлишган тунда хоним совға қилган узукни ёнидан чиқарди-да (буни у мудом кўз қорачиғидек асраб келар эди), уни аёлга кўрсатиб сўради: «Танияпсизми, хоним афанди?»

Хоним бир кўз ташлашдаёқ узукни таниди. «Ҳа, мессер, бир вақтлар буни Тедальдога тортиқ қилиб эдим», деди у.

Шунда дарвиш дик этиб ўрнидан туриб кетди, эғнидаги дарвишлик жандасини отиб ташлади, кулоҳини ечди ва Флоренция шевасида сўради: «Мени-чи, танияпсизми?»

Хоним Тедальдонини таниб, эсанкираб қолди; гўё қаршисида Тедальдонинг арвоҳи тургандай қўрқиб кетди, у Кипр оролидан қайтиб келган маҳбуби Тедальдонинг қучоғига ўзини отган бўларди, аммо унга ташланмади, — йўқ, у даҳшатга келиб, сал бўлмаса хонадан қочиб чиқиб кетай деди, зеро, унинг назарида бу — гўридан туриб келган Тедальдо бўлиб кўринган эди.

Бироқ шу пайт Тедальдо ўзи гап бошлади: «Қўрқманг, хоним. Мен — сизнинг Тедальдонгизман, мен соппа-соғман, ўлган ҳам эмасман, сиз ва менинг оға-иниларим ўйлагандек ўлдирилган ҳам эмасман».

Хоним унинг овозини таниб бир оз кўнгли жойига тушди; унинг юзига тикилиб қараб, рўпарасида турган зот чинданам Тедальдо эканлигига ишонч ҳосил қилди-да, сўнг йиғлаб юбориб, унинг бўйнига осилиб ўпа бошлади. «Азизим Тедальдо! — деди у. — Сениям кўрадиган кун бор экану!»

Тедальдо уни маҳкам қучиб ўпди. «Хоним афанди! — деди у. — Ҳозир назокатли эркалашларнинг мавриди эмас. Мен эрингизнинг соғ-саломат ҳузуригизга қайтиб келиши учун қўлимдан келган ҳамма ҳаракатни қилмоқчиман, эртага оқшомдан қолмай, сизни хурсанд қилсам керак, деган умиддаман, борди-ю, уни халос бўлишинга менда бугун умид пайдо бўлса, унда шу бугун кечасиёқ қаршигизга келиб, хийла қулайроқ шароитда ҳамма гапни сўзлаб берурман».

У яна дарвишлик жандасини, кулоҳини кийиб, маҳбубасини яна ўпиб ва умидвор қилиб, унинг ҳузуридан чиқиб кетди ва бўлажак қатлдан даҳшатга келиб, қутулиб қолишдан деярли мутлақо умидини узган, Альдобрандининг ҳибсда изтироб чекиб ётган ерига йўл олди. Тедальдо қамоқхона нозирларининг ижозати билан, гўёки ўлим олдида маҳбуснинг руҳини кўтармоқчи бўлгандай, унинг олдига кирди, ёнига ўтириб шундай гап бошлади: «Альдобрандино! Мен сенинг дўстингман, беайб эканлигингдан огоҳ бўлган парвардигор сенга шафқат қилди ва ҳибсдан озод этмоқ учун мени ҳожатбарор этиб юборди. Агар сен, худо ҳаққи, арзимаган бир ҳожатимни чиқарсанг, ҳеч шак-шубҳасиз, эртага ўзинг кутиб ётган ўлим ҳукми ўрнига, оқлансин, деган ҳукмни эшитгайсан».

Альдобрандино унга шундай жавоб қилди: «О саховатли одам! Гарчи сени танимаяпган ва қаерда кўрганлигимни эслолмаяпган

бўлсам ҳам, баски, мени халос этмоқ учун жон куйдираётган экансан, ўйлайманки, ҳақиқатан ҳам дўстим бўлсанг керак. Гапнинг ҳалоллини айтганда, бўйнимга қўйишаётган жиноятни мен қилмаганман, — эшитишимга қараганда, ўшал жиноят учун мени қатл этишмоқчимиш, — лекин ҳаётимда кўпгина бошқа жиноятларга қўл урганман, эҳтимол, ўша гуноҳларим учун азоб чекаётгандирман. Шундай бўлса ҳам худонинг шоҳидлигида айтаман: парвардигор чинданам шафқатини мендан дариф тутмаган экан, сенинг наинки кичик, энг йирик ҳожатингни чиқаришга сўз бераман ва чиқараман ҳам. Кўнглингда нима гапинг бўлса сўрайвер, — озодликка чиқсам, ҳамма истакларингни зўр жидду жаҳд билан астойдил бажаргум».

Шунда дарвиш унга деди: «Истагим битта: сени Тедальдонинг қотили деб ўйлаб устингдан шикоят қилган унинг тўртта ака-укасини кечир, агар улар сендан кечирим сўрашса, улар билан дўст ва оға-ини тутин».

Альдобрандино ҳам унинг гапига бундай жавоб қилди: «Интиқомнинг нақадар тотли ҳиссиёт эканини фақат таҳқирланган одам билади ва у ўч олишни жон-жаҳди билан истайди. Шунга қарамай — мен бажону дил уларни кечираман, аллақачон кечириб бўлдим ҳам, ишқилиб тангрим мени ўлимдан халос этса бўлгани. Айтмоқчиманки, агар ҳаётим сақланиб, менга эрк берилса, илтимосингни албатта бажо келтиргайман».

Дарвиш унинг жавобидан қаноат ҳосил қилди ва ҳамма гапни тафсилоти билан изоҳлаб ўтирмай, фақат сен ноумид бўлма, зеро эртага оқшомдан қолмай, албатта ҳамма ишинг хайрли яқунланганидан хабар топасан, деб айтди.

Тедальдо қамоқхонадан шаҳар ҳокимининг қасрига йўл олди ва у ерда ҳокимга шундай сўзлар билан юзланди: «Ҳукмдор! Ҳар бир одам, алалхусус, сиздек мансабдор зотлар, ҳақиқатни рўёбга чиқармоқ борасинда бутун кучларини сарфлашлари лозим, бундан мақсад шулким, беғуноҳларни жазодан қутқариб, айбдорларни жазога мустаҳиқ этмоқдир. Сизнинг шаън-шавкатингизни янада сарбаланд қиладиган иш тутиш ва гуноҳқорларни жазога тортиш мақсадида мен ҳузурингизга келдим. Альдобрандино Палерминига жуда оғир айб қўйганингиз ҳаммадан ҳам ўзингизга яхшироқ аёндир — сиз уни Тедальдо Элизениннг қотили деб қатъий ишонасиз ва унинг устидан ҳукм чиқариш ниятидасиз. Вале, сиз хато йўлдан бормоқдасиз, — мен буни сизга вақт ярим кечага бормасданок исботлаб бераман: ўшал йигитнинг ҳақиқий қотилларини ҳузурингизга бошлаб келаман».

Бу диловар зот Альдобрандинога ачинаётган эди; у дарвишнинг тафсилотли ҳикоясини тинглаб, унинг қистовига қулоқ осдида, бу маҳалда бир уйқуни олган мусофирхона соҳибларини, шунингдек, уларнинг хизматкорини ҳам ҳибсга олиш ҳақида фармон берди, ҳибсга олиш пайтида айбдорнинг биронтаси ҳам қаршилик кўрсатмади. Шаҳар ҳокими бор ҳақиқатни билиш мақсадида уларни қийноққа солишни буюрган эди, улар қийноқдан қутулнш мақсадида ҳам бараварига, ҳам якка-якка олиб борилган

сўроқ пайтида холисанилло, айбларига иқрор бўлдилар, аммо ўлган одамнинг Тедалдо эканлигидан беҳабар эканликларини айтдилар. «Хўш, уни не боисдан ўлдирдингиз?» — деб берилган сўроққа улар шу важни сабаб қилиб кўрсатдиларки, ўзлари мусофирхонада йўқликлариди, марҳум соҳиблардан бирининг хотинига шилқимлик қилиб уни зўрламоқчи бўлган экан.

Сўроқ тугагач, дарвиш шаҳар ҳокимидан кетишга ижозат сўраб, донна Эрмеллинанинг уйига пинҳона кириб борди ва бутун хонадонда ёлғиз ўзи бедор ўтирган хонимни кўрди: у эри ҳақида хушхабар эшитиш ва ўз севиқли маҳбуби билан батамом ярашиш ниятида Тедалдонинг йўлига кўз тикиб ўтирган эди. Тедалдо қувноқ чеҳра билан кириб бориб, шундай деди: «Хушвақт бўл, эй қалбим соҳибаси! Эртага эринг, ҳеч қандай шак-шубҳасиз, эсон-омон уйга қайтиб келади». Шундан кейин у ўз гапининг янада ишончлироқ бўлиши учун ҳамма бўлган воқеани муфассал сўзлаб берди. Бу кутилмаган ва ғайри табиий икки ҳодиса, яъни: ўлимга аза тутган Тедалдонинг тирик қайтиб келиши ва эрининг қисматидаги хайрли ўзгариш (у эрининг оқланишига энди қатъий ишона бошлаган эди) хонимни фавқулодда завқлантириб юборди, — у Тедалдони маҳкам қучоқлаб ўпди, шундан сўнг улар икки томоннинг хоҳиши билан тўшакка ётдилар, пурнеъмат ва фараҳбахш сулҳ тузишиб, узоқ вақт сафо сурдилар, бир-бирларини лаззатлантирдилар. Субҳидамда эса, Тедалдо Эрмеллинага ўз ниятларини айтиб, ўрнидан турди ва унга ҳамма гапни қаттиқ сир тутишни яна бир бор тайинлаб, яна дарвишлик жандасини кийдида, Альдобрандинонинг ишини тўғирлаш учун чиқиб кетди.

Тонг отиб, кун ёришгач, шаҳар ҳокими масала равшан, деган қарорга келди-да, дарҳол Альдобрандинони бўшатиб юборди, яна бир неча кундан кейин эса, айтилган қотиллик содир бўлган ерда қонхўрларнинг боши олинди. Альдобрандино беқиёс даражада шодмон бўлиб, шунингдек, хотинининг хешлари ва ёр-дўстларини ҳам хушнуд этиб, озодликка чиққач, бундай саодатга фақат дарвишнинг қотишуви туфайли муяссар бўлганини эътироф этди-да, ундан ўз хонадонининг азиз меҳмони бўлишни илтимос қилди ва унга шаҳардалиқ пайтида мудом унинг уйида яшашни таклиф қилди. Эр ҳам, хотин ҳам ҳар бир нарсада дарвишнинг кўнглини овлашга, уни эъзозлашга уринишди, қандай одам учун жон куйдираётганини яхши билган хотин-ку, инчунин. Орадан бир оз вақт ўтгач, Тедалдо Альдобрандинони ўз ака-укалари билан яраштиришга бел боғлади ва Альдобрандинога унинг ваъдасини эслатди. Бу пайтда Тедалдонинг ака-укалари, айтишларича, ҳокимнинг Альдобрандинони оқлаб чиқарган ҳукмидан норози бўлишиб, бирон фалокат юз бермасин, деб қуроолларини қўлларидан қўймай юришарди. Альдобрандино ўзининг узр сўрашга тайёр эканлигини изҳор қилди. Шунда дарвиш унга, эртаси куни катта зиёфат беришни таклиф қилди, мана шу зиёфат пайтида Альдобрандино ҳам, унинг қавм-қариндошлари ҳам, қариндошларининг хотинлари ҳам Тедалдонинг тўрт ака-укасини, уларнинг хотинларини очиқ чеҳра билан кутиб олишсин, деб илтимос қилди, ўзи эса, ҳозир

бориб ака-укаларини базмга ва иноқлашишга таклиф этиб келажагини айтди. Дарвиш Альдобрандининг розилигини олиб, ўз оғанилари ҳузурига йўл олди ва анчага чўзилган зарурий музокарадан сўнг, инкор этиб бўлмайдиган далиллар ёрдамида, Альдобрандинодан узр сўраш ва у билан дўстлашиш лозимлигини уларга осонгина уқтирди. Кейин ҳаммаларини хотинлари билан биргаликда эртага Альдобрандино бераётган зиёфатга таклиф этди, улар ҳам дарвишнинг чин сўзига ишониб, боришга ваъда бердилар.

Алқисса, эртаси кунни тушлик пайтида меҳмонларни кутаётган Альдобрандино уйига биринчи бўлиб мотам либоси кийган тўрт оғани ва уларнинг айрим ёр-дўстлари келишди, улар Альдобрандининг меҳмонлари қошида яроқларини ерга отишди ва ўз қилмишлари учун узр сўраб, ўзларини унинг ихтиёрига топширишди. Альдобрандининг хўрлиги келди, уларни қучоқ очиб қарши олди, ҳаммаси билан оғиз-бурун ўпишди, икки-уч илиқ сўз билан уларнинг таққирларини кечирганини айтди. Кейин ака-укаларнинг опа-сингиллари ва хотинлари ҳам қора кийимда келишди, донна Эрмеллина билан ўзга хонимлар уларни ҳам зўр илтифот билан қарши олдилар.

Эркакларни ҳам, хонимларни ҳам жуда яхши меҳмон қилишди, ушбу базмда тортилган ҳар бир таом энг зўр таҳсинга лойиқ эди, вале Тедальдонинг хешлари камгап ва хомуш эдилар: бошларига тушган мусибат ҳали жуда янги эдики, уларнинг бу ғамгинликлари сиртдан либосларининг мотамона рангида акс этиб турарди, шунга кўра, бу ҳол уларнинг айримларида, дарвиш уюштирган базми жамшиддан норизолик уйғотди, илло, бу кайфият дарвиш эътиборидан четда қолмади; ахири, у шировар пайтида, сукутни тарк этиш лозим, деган қарорга келиб, — у ҳамма ишни олдиндан режа-лаб қўйган эди, — ўрнидан турди ва жамоага юзланиб деди: «Зиёфатимиз ширин ўтиши учун Тедальдонинг иштироки зарур бўлиб қолди, баски сизлар уни мудом ораларингизда бўлганига қарамай, танимаган экансиз, энди уни сизларга ўзим кўрсатаман».

Шундай дея, у эгнидаги ридони барча дарвишона рўдаполарни ечиб ташлаб, ям-яшил ипак камзулда қолди, шунда одамлар беқиёс даражада ҳайратга келиб, унга бақрайиб қараб қолишди, унинг юз тузилишига қанча тикилишмасин, Тедальдо эканлигига ҳеч ишонгилари келмасди. Шунда Тедальдо ўзининг қавм-қариндошлари ҳақида гап очди, уларнинг ҳаётида содир бўлган ҳар хил воқеаларни эслади, шунингдек, ўз бошидан кечирганларини ҳам айтиб берди. Бундай далилларни эшитган ака-укалари ва бошқа эркаклар севинчдан йиғлаб юборишиб, унга ташланиб, ўпа бошлашди, кейин хонимлар — қариндошлариям, бегона хонимлар ҳам уни қутлаб ўпа бошлашди, ёлғиз донна Эрмеллина бундан истисно эди.

Альдобрандино эса хотинига деди: «Бу қанақаси, Эрмеллина? Нечун сен бошқа хонимлар сингари Тедальдони табриклама-псан?»

Эрмеллина ҳаммага эшиттириб эрига шундай жавоб қилди: «Бу

ерда ҳозир бўлганлардан биронтаси ҳам уни менчалик астойдил қутламаган ва қутлай олмаган ҳам бўларди, — ахир ҳаммадан кўпроқ унга мен миннатдорчилик изҳор этишим лозим: чунки у менга сени қайтариб берди, лекин биз Тедалдо деб ўйлаган анави марҳумга аза тугган кунларимизда шаҳарга ҳар хил ёлғон-яшиқ гаплар тарқалган эди, мен ўша ғийбатлардан истиҳолага бориб уни қутлашдан ўзимни ушлаб турибман».

«Бе, қўйсанг-чи, бу гапни! — деди Альдобрандино. — Ғийбатчиларнинг гапига ишонмайман! Бу гапларни мен илгариям бўхтон деб ҳисоблаганман, энди мени ўлимдан қутқариб қолиш учун шунча эзгуликлар қилганидан кейин эса, инчунин. Дарҳол ўрнингдан тур ва бориб уни қучоқла».

Эрмеллинаям худди шу гапни кутиб турган эди — у эрининг амрини бажо айлашга ошиқиб, ўрnidан турди ва бошқалардан ибрат олиб, Тедалдонини ўпиб, очиқ чеҳра билан қутлади. Альдобрандинонинг ҳиммати Тедалдонинг оға-иниларидаям, шунингдек, ўзга ҳамма эркак ва аёлларда ҳам шодиёна таассурот қолдирди, зеро бу ҳиммат шаҳарда юрган мишмишлар туфайли айрим кишиларнинг кўнглида пайдо бўлган шубҳаларни батамом йўқ қилиб ташлаган эди. Тедалдонинг қайтиб келиши муносабати билан ҳамма ўз хурсандчилигини изҳор қилгач, йигит ўз қўли билан акалари ва иниларининг мотам либосларини йиртиб ташлади, сингиллари ва қайинсингилларининг бошларидаги қора рўмолларини ҳам юлқиб олди, сўнг уларга бошқа либос, бошқа рўмол олиб келишни буюрди. Меҳмонлар кийимларини алмаштириб олишгач, қўшиқ куйлаб, рақс туша ва вақтичоғлик қила бошладиларким, бу мотамсаро маърака бора-бора сершовкин базми жамшидга айланиб кетди. Кечқурун эса, зиёфатда бўлган одамларнинг ҳаммаси Тедалдоникига меҳмондорчиликка бордилар, шу алфозда улар бир неча кун бетиним маишат қилдилар.

Флоренцияликлар яна анча вақтгача Тедалдога худди мўъжизага, қайта тирилган мурдага тикилгандай шубҳа билан қараб юрдилар. Кўпчиликни, ҳаттоки, ўз ака-укаларини ҳам: Тедалдонининг ё бошқа биронта одаммикин? — деган шубҳа ҳамон тарқетмасди. Улар унинг Тедалдо эканлигига гоҳ ишонишар, гоҳ ишонимасди, агар бу ерда юз берган бир ҳодиса, ўлган одамнинг кимлигини ойдинлаштириб бермаганда, эҳтимолки, улар яна узоқ вақт Тедалдодан шубҳаланиб юрган бўлармидилар, — у воқеа мана бундай бўлган эди.

Кунларнинг бирида Тедалдонинг уйи олдида Лунижана аскарлари ўтиб кета туриб уни кўриб қолишди ва: «Яхшимисан, Фацуоло!» — деб қичқиришди.

«Мени биронта одамга ўхшатдинглар шекилли», — деди Тедалдо ака-укаларининг кўз олдида.

Аскарлар унинг овозини эшитиб, хижолат бўлишди ва узр сўрашиб дейишди: «Сиз чинданам бизнинг бир ўртоғимизга — понтремолялик Фацуолога жудаям ўхшаркансиз, — у бундан икки ҳафтгача бурун шу шаҳарга келган эди, шундан бери дом-дараксиз бўлиб кетди. Дарвоқе, биринчи қарашдаёқ кийимингиз бизни

сал шубҳага солган эди, — негаки у ҳам худди бизга ўхшаган аскар эди-да».

Тедальдонинг энг катта акаси бу гапларни эшитиб, аскарлар олдига яқин борди ва ўша Фацуоло қандай кийимда эди, — деб сўради. Улар жавоб қилишди, — маълум бўлишича, марҳум худди аскарлар айтганидек кийимда экан. Шундай қилиб, мана шу ва яна турли хил аломатларга суяниб, ўлдирилган Тедальдо эмас, балки Фацуоло эканлигини аниқлашди, бинобарин, Тедальдонинг оға-инилари ва бошқалар кўнглида қолган Тедальдо борасидаги сўнги гумонлар тамомила барбод бўлди. Тедальдо эса, Флоренцияга бадавлат бўлиб қайтиб, ўз ишқига содиқ қолди ва маъшуқаси у билан энди бошқа аразлашмай қўйгани туфайли, икковлари ғоятда эҳтиёткорлик билан баҳамжиҳат иш тутиб, яна узоқ йиллар ишқ лаззатидан баҳраманд бўлиб яшаган экан. Худои таоло бизларга ҳам шундай лаззатли ҳаёт ато этсин!

8

Ферондо ухлатадиган хаб дори ичади ва уни тириклайин дафн этишади; айни пайтда унинг хотини билан ишрат қилиб юрган аббат уни дахмадан зиндонга олиб ўтади, шунда Ферондонини, сен аърофдасан, деб ишонтиришади; кейин Ферондо қайта тирилгач, йўқлигида хотини аббатдан орттирган ўғилчасини тарбиялайди

Эмилия, жуда узун бўлишига қарамай, наинки тингловчиларни чарчатган, балки (агар ҳикоядаги ҳодисаларнинг беҳисоблиги ва турлилигини эътиборга олинадиган бўлса) аксинча, ҳаммага инҳоятда қисқа бўлиб туюлган ўз ҳикоясини тугатгандан сўнг, қиролича Лауреттага имо қилди ва у қироличанинг муддаосини тушуниб, ўз қиссасини шундай бошлади:

— Дилбар хонимлар! Эсимга ҳақиқатда бўлиб ўтган бир воқеа тушди, ваҳоланки у сизларга мутлақо уйдирма бўлиб туюлиши ҳам мумкин — чунки унда баён қилинадиган воқеа чинданам ҳақиқатдан жуда йироқдир; боя бир одамни бошқа одам деб ўйлаб унга аза тутганлари, дафн этганларини эшитдим у бирдан шу воқеа эсимга тушиб кетди. Хуллас, мен сизларга бир одамнинг қандай қилиб тириклайин дафн этилгани, кейинчалик кўп одамлар уни тирик инсон деб эмас, балки тирилиб тобутдан турган одам деб тан олишгани (бунга унинг ўзи ҳам ишонган эди) ҳамда жазога мустаҳиқ бўлган айбдорни азиз-авлиё деб эътироф этишгани борасида сўзлаб бераман.

Алқисса, Тосканада бир монастирь бўлган эди, у ҳозир ҳам бор; илло, у аксарият монастирлар сингари ғоятда овлоқ бир ерга жойлашган эди, ушбу ибодатгоҳнинг пири бўлмиш роҳиб, ҳар жиҳатдан ўта художўй киши эди, — агар унинг аёл зотига мойиллигини ҳисобга олинмаса, албатта. У шу қадар эҳтиёткорлик билан иш тутардики, деярли ҳеч ким унинг бу одатини наинки билар, ҳатто

шундай одам деб ундан гумонсирамасди ҳам, зеро унинг жиддият билан кечираётган зоҳидона ҳаёти ҳеч кимда шубҳа уйғотмасди. Мана шу аббат Ферондо исмли мол-давлатли, аммо ғирт овсар бир деҳқон билан дўст тутинди; гарчи аббат аҳён-аҳёнда деҳқоннинг гўллигидан кулиб вақтичоғлик қилиш ниятида у билан танишган бўлса ҳам кейинроқ хотинининг соҳибжамол эканлигига кўзи тушиб қолиб, ул аёлга шунчалик шайдо бўлиб қолдики, кечаю кундуз бутун фикру зикри ўшанда бўлиб қолди. У Ферондонинг ғирт аҳмоқ эканлигини, вале, ўз хотинчасига муҳаббати ва унга кўз-қулоқ бўлиш борасида ўта донишманд эканлигини аниқлаб, буткул умидсизликка тушди. Шунга қарамай, у ниҳоятда доғули одам бўлгани сабабли, барибир Ферондо билан хотинининг аҳён-аҳёнда унинг боғчасига сайр-томоша қилгани бориб туришига муваффақ бўлди, ана шу боғда аббат дорилбақодаги фаровон ҳаёт ҳақида ва қадим замонларда яшаган эр-хотинларнинг хайрия ишлари ҳақида таскинбахш суҳбатлар қилиб турдики, ахири Ферондонинг хотини аббатга тавба-тазарру қилишни ихтиёр қилиб қолди ва бунинг учун эридан ижозат олди.

Алқисса, аёл тавба қилгани аббат қошига келиб, унинг пойига тиз чўкди ва бу билан аббатнинг кўнглини тоғдек кўтариб, тавбасини шундай сўзлар билан изҳор эта бошлади: «Пирим! Агарда парвардигор менга ҳақиқий эр ато этган бўлганида ё бўлмаса, ҳеч қандай эр насиб этмаганида эди, эҳтимолки, сизнинг ваъз-насиҳатларингизга амал қилиб, бизга баён қилганингиз ўшал барҳаётлик йўлига қадам қўйишим осонроқ бўлармиди. Ва лекин Ферондонинг қандай одамлигини, унинг ғирт овсарлигини ўйлайдиган бўлсак, гарчи мени эрлик хотин деб айтишса ҳам ўзимни бева деб ҳисоблайман, зеро у тирик экан, менинг бошқа эрим бўлиши мумкин эмас, у галварс бўлса, ҳеч қандай вазисиз мени итгаям-битгаям рашк қилаверадики, у билан кечираётган кунларим нақ азоб-уқубатнинг ўзгинасидир. Шу сабабли, тавба қилишга киришишдан олдин сиздан лутфан сўрайманки, менга бирон йўл-йўриқ кўрсатиб маслаҳат берсангиз, негаки, агар ҳозир мени қўлламасангиз, на қилган тавба-тазарруларим ва на савоб ишларим менга мадал бўла олади».

Аббат бу гапларни эшитиб, руҳи шодланди: энг асл армонининг ушалишига толе ёр бўляпти, деб ўйлади. «Бўтам! — деди у. — Фикри ожизимча, сиздек латофатли ва назокатли аёл учун телба эр — қип-қизил даҳмазанинг ўзи, алалхусус, бунинг устига яна рашкчи ҳам экан, баски, у ҳам овсар, ҳам рашкчи экан, у билан кун кечириш нечоғлик машаққат эканлигини кўз олдимга яққол келтириб турибман. Гапнинг мухтасари шуки, сизга ягона бир маслаҳат беришим ва ягона йўриқ кўрсатишим мумкин: Ферондонни рашк дардидан даволаш лозим. Бунинг адвиясини мен яхши биламан, фақат сиз, ҳозир баён қиладиган гапларимнинг барини сир тута олсангиз кифоя».

«Асло шубҳа қилманг, — пирим, — деди аёл, — модомики, сиз сир тутишни буюраркансиз, ўлсам ўламан, илло, ҳеч кимга оғиз очмайман. Фақат унинг усули қандай?»

«Агар эрингизнинг рашк дардидан фориг бўлишини истасангиз, уни аърофга рихлат эттирмоқ лозим», — деб жавоб қилди аббат.

«Тирик одам қандай қилиб жўнайди у ёққа?» — деб сўради аёл.

«У қазо қилмоғи лозим, шу тақдирдагина аърофга тушади, — деб жавоб қилди аббат. — Эрингиз у ерда мавжуд азобларнинг ҳаммасини тотиб кўриб рашк дардидан халос бўлгач, сиз махсус дуоларни ўқиб, худодан унга жон ато этишини илтижо қиласиз, шунда у яна тирилади».

«Демак, унгача беваликда кун кечирарканман-да?» — деб сўради аёл.

«Илож қанча, — деб жавоб қилди аббат, — яна мазкур фурсат ичида бошқага турмушга чиқишни зинҳор-базинҳор ўйламайсиз, — худо хоҳламайди бунини; зеро Ферондо тирилгандан кейин сиз яна унинг бағрига қайтмоғингиз лозим бўлади, ана унда эрингиз сизни бешбаттар рашк қила бошлайди».

«Мен розиман, — деди аёл, — ишқилиб эрим шайтон васвасасидан шифо топса-ю, мени тўрт девор орасида сақламаса бўлгани. Нимани мақбул кўрсангиз, шуни қилинг».

«Қилишга-ку, қилаверамиз, — деди шунда аббат, — аммо улкан хизматимиз учун каминани нима билан хушнуд этасиз?»

«Қўлимдан келганча хурсанд қиламан, — деб жавоб берди аёл. — Бироқ мендек бир одми аёл, сиздек юксак мартабали зотни муносиб тарзда хушнуд этишга қурби етармикин?»

Аббат ҳам унга шундай жавоб қилди: «Хоним афанди! Менинг сизга қилмоқчи бўлган хизматимдан ҳам ортиқ жасоратга қодирсиз, зероки, мен сизни хушнуд этгувчи ва таскин берувчи ишга қўл урарканман, сиз ҳам шундай иш қила оласизки, ул ишингиз жисмимга қуввату руҳимга — нажот бағишлагай».

«Ундай бўлса, мен рози», — деди аёл.

«Рози экансиз, — деди аббат, — унда мени севингу ишқингиздан лаззатланишимга имкон беринг, — зеро мен сизнинг мафтунингизман ва ишқингизда ёниб кул бўлаёздим!»

Аёл бу гапни эшитиб, жуда эсанкираб қолди.

«Раҳм айланг, пирим, нимани сўраяпсиз мендан? — деди у. — Мен бўлсам, сизни авлиё одам деб ўйлаб юрардим! Ахир авлиёлар ҳам нажот истаб келган аёлларни йўлдан уришарканми?»

Аббат ҳам унга шундай жавоб қилди: «Жоним тасаддуқ! Бунинг ҳеч таажжуб қиладиган ери йўқ: қудсиятга бундан асло зиён-заҳмат етмагай, зеро у одамзоднинг руҳида бўлади, камина эсам, сизни жисмоний гуноҳга даъват этаётиман. Зеро мени бунга Амур даъват этди — сизнинг ажиб малоҳатингиз мана шундай тилсимли қувватга эга экан. Гапимга ишонинг, жаҳондаги биронта ҳам соҳибжамол аёл ўз ҳусн-жамолидан мағрурланиши учун сизчалик тирашмасангиз: шуни ҳам идрок этингизки, сиз самовий гўзалликни мушоҳада қилишга одатланган порсоларга мақбул бўлмоқдасиз. Бундан ташқари, мен гарчи аббат бўлсам-да, бошқаларга ўхшаган худонинг бир бандасиман ва кўриб турибсизки, ҳали қариган ҳам эмасман. Бинобарин, армонимнинг ушалишига ҳисса қўшини сиз учун асло қийин эмас, билъакс: сиз ўзингиз шу нарсага

интилмогингиз лозим, зеро Ферондо аърофдалик пайтида мен билан ёлғиз қолиб шундай хушҳоллик нашъасини сурингким, бамисли у фақат ўз эрингиз билан бўлгандагина сурадиган чинакам нашъо намо бўлсин. Буни биронта ҳам зот пайқамайди — чунки сиз мени шу сўнгги дақиқагача ким деб ўйлаб келган бўлсангиз, бошқалар ҳам худди ўшандай деб ўйлашади. Келинг, худои таолонинг ўзи ато этаётган марҳаматдан юз ўгирманг, — сиз муяссар бўлишингиз мумкин бўлган ва башарти оқилона иш тутсангиз-у менинг маслаҳатимга кўнсангиз, мушарраф бўлишингиз муқаррар бўлган бундай ҳаловатга орзумандлар сон мингта. Булардан қатъий назар, менда ғоятда нафис ва бебаҳо буюмлар борки — уларни сизга атаганман. Хуллас, қувончим, гапимга кириб, хўп деяверинг, ана унда мен жон-жон деб сиз учун хизмат қилгайман».

Аёл ер чизиб қолди — нима қиларини билмай боши қотган эди: рад этишга кўнгли бормас, хўп дейишга уяларди. Аббат эса унинг тараддуланиб қолганини кўриб, ишни хийла пишириб қўйганини кўнглидан ўтказди, сўнг яна мубоҳасага тушиб кетди, у ҳали бошлаган гапини тугатиб ҳам улгурмаган эдики, аёл унинг келтирган далил-исботларини кўнглига тугиб олди ва энди ҳеч уялиб-нетиб ўтирмай, барча айтганларини бажаришга, вале, Ферондо аърофга тушгандан кейингина бажаришга тайёр эканлигини изҳор қилди. Аббат ҳам бундан шодланиб кетиб деди: «Биз уни у ёққа шу яқин кунлардаёқ рихлат эттиргумиздир, фақат сиз уни эрта ё индинга менинг ҳузуримга юборинг». Шундан сўнг аббат аёлнинг қўлига жуда бежирим бир узукни қистириб, кетишига ижозат берди. Аёл бу совгадан кўнгли гул-гул яшнаб ва бўлғуси лаззатбахш онларни армон қилиб, ўз дугоналари олдига қайтди, уларга аббатнинг валинеъмат авлиё эканлиги ҳақида жуда кўп нарсаларни тўқиб гапириб, улар билан уйига равона бўлди..

Яна бир неча кундан кейин Ферондо монастирга борди. Пирин бузрук уни кўрди-ю, аърофга жўнатиш масаласини пайсалга солмасликка қарор қилди. У бир вақтлар Шарқ ўлкасида бўлганида нуфузли бир зот унга мўъжизакор хусусиятга эга бўлган хаб дори тортиқ қилган эди, у ана шу дорини ахтариб топди; ўша зодагоннинг таъкидлашича, Муҳаммад пайгамбар ўз бандаларидан биронтасини жаннатга жўнатмоқчи ёинки аксинча, у ердан чиқариб олмоқчи бўлса, одатда шу хаб дорини қўллар экан ва у қанча истеъмол қилинишидан қатъий назар, кишига ҳеч бир зиён-заҳмат етказмас, балки шундай қаттиқ ухлатиб қўярканки, то таъбир кучи тугамагунча, уни ичган одамнинг тириклигига ҳеч ким ишонмас экан; аббат тинмаган май қуйилган стаканга ўша хаб доридан уч кеча-кундузга етадиган миқдорда солиб, уни ўз ҳужрасига кириб келган ҳамма нарсадан ғофил Ферондога ичирди, сўнг уни ўзга роҳиблар олдига бошлаб чиқиб, ҳамманинг олдида калака қила бошлади. Орадан хиёл вақт ўтар-ўтмас хаб дори кучга кирди ва қўққисдан Ферондони шу қадар қаттиқ уйқу элитдики, у турган ерида ухлаб қолди ва йиқилиб тушди. Аббат, бу аҳволдан қўрқиб кетгандек бўлиб, Ферондони ечинтиришни, совуқ сув олиб келиб, унинг баданига пуркашни буюрди, бу билан гўё уни ҳушига келти-

риб, тирилтирмоқчи эди; бундан ташқари, ошқозонда содир бўладиган зарарли буғлардан фориг этувчи, шунингдек, бошқа хатарли касалликлардан асровчи яна кўп турли ўзи билган воситаларни қўллай бошлади, бироқ бу воситалар ҳеч қор қилмаганини, бинобарин, Ферондонинг ҳушига келмаётганини кўришгач, томирларини ушлаб кўришди ва унда ҳаётдан асар қолмаганига имон келтиришиб, Ферондонинг оламдан ўтганига қатъий ишонч ҳосил қилишди. Хотинига ва қариндошларига одам юборишди — улар ҳам дарҳол етиб келишди, хотин ва қариндошлари марҳумга аза тутиб, йиғлашгач эса, аббат жасадни кийинтириб дахмага қўйишни буюрди.

Хотини уйга қайтиб бориб, Ферондодан бўлган боласини ўзидан ўла қолса ҳам ажратмаслигини айтиб, уни ўзи тарбиялай бошлади, эридан қолган хўжаликни ҳам ўзи бошқара бошлади.

Тунда аббат билан болоньялик бир роҳиб (у аббатнинг энг ишончли кишиси бўлиб, эндигина Болоньядан қайтиб келган эди) оҳиста туришиб, Ферондони дахмадан олиб чиқиб, зиндонга ётқизишди — бу ерга ҳеч қандай зиё тушмас ва одатда гуноҳ қилган роҳибларни шу ерга банд этишарди. Улар Ферондонинг эғнидаги кийимларини ечиб олиб, унга роҳиблар либосини кийдиришди ва похолга ётқизишиб, то ҳушига келгунича шу алфозда қолдиришди. Болоньялик роҳиб эса, пирининг тайинлаганларини бажо айламоқ учун шу ерда қолиб, Ферондонинг уйғонишини пойлаб ўтирди, вале айни пайтда, монастырь аҳлидан ҳеч кимнинг бу воқеалардан асло хабари йўқ эди. Эртаси куни аббат ўзи билан бир неча роҳибни олиб, гўё марҳумнинг бевосита таъзия билдирмоқчи бўлгандай, Ферондонинг хотини олдига йўл олди ва уни мотам либосида, маҳзун қиёфада кўриб, таскин берувчи бир неча ширин сўз айтди, кейин пичирлаб, аёлнинг берган ваъдасини эслатди. Аёл энди ўз ихтиёри ўзида эканлигини, на Ферондо ва на бошқа биронта одам унга халал бера олиши мумкинлигини ўйлаб, бунинг устига, аббатнинг қўлидаги яна битта чиройли узукка кўзи тушиб, розилик билдирди ва у билан гапни бир ерга қўйиб, бу кеча азиз меҳмоним бўласиз, деб айтди. Мана, қоронғи тушиши билан аббат Ферондонинг кийимини кийиб, бир роҳиб ҳамроҳлигида аёлниқига борди ва у билан бомдодгача дилхушлик қилиб, лаззатланди, кейин яна монастырга қайтиб келди, шу кундан эътиборан у айнан шу мақсадда бу йўлдан тез-тез қатнаб турдиким, унинг шу йўлдан кетаётганини ёки келаётганини баъзан кўриб қолган примчи қишлоқчилар уни Ферондонинг жонсарақ арвоҳи деб ўйлаб, бу муносабат билан талай-талай уйдирмалар тўқиб чиқардилар ва уларни Ферондонинг хотинига сўзлаб бердилар, лекин хотин гап нима тўғрисида бораётганини жуда яхши тушунарди.

Ферондо ниҳоят ҳушига келди ва ўзининг қаердалигини билолмай, ҳайрон ётганида бирдан даҳшатли наъра тортиб болоньялик роҳиб югуриб кириб келди-да, уни хилпич билан савалай кетди.

Ферондо йиғлар, дод солар ва нуқул: «Қаердаман ўзи!» — деб сўрарди.

Роҳиб ҳам ҳар гал унга: «Аърофдасан», — деб жавоб қиларди. «Қандай қилиб? — дерди Ферондо. — Бундан чиқди, мен ўлибман-да?»

«Ҳа, ўлгансан», — деб таъкидларди роҳиб.

Буни эшитган Ферондо ўзига мотам тутиб, хотинига, ўғлига ачиниб зор қақшаб йиғлай бошлади, кейин ақл бсвар қилмайдиган тутуриқсиз гапларни алжий кетди.

Роҳиб унга егулик ва ичкилик олиб келди. «Ўликлар ҳам овқат ейдими?» — деб сўради Ферондо.

«Ейди, — деб жавоб қилди роҳиб, — собиқ хотининг бугун эрталаб монастиримизга сенинг руҳингни ёдлаш учун ошхудойи қилиб келган эди, шуни олиб келдим, худога шукрона ўқиб, саявер».

«Худо хотинимнинг тўрт мучасини соғ қилсин! — деди шунда Ферондо. — Мен тириклигимда уни жудаям яхши кўрардим, кечаси билан сурункасига уни қучоғимдан қўймай, устма-устига ўпиб ётардим, кўнглим тусаган пайтларида бўлса, яна баъзи ишлар билан шуғулланардим». Бу пайт унинг иштаҳаси қўзиб, овқат билан майга ташланди, бироқ май унга ёқмади ва деди: «Пиримизга девор тагида турган бочкадаги майдан олиб келмагани учун худонинг ғазабига учрайди хотиним».

У овқатланиб бўлиши билан роҳиб ишга киришиб, яна уни савалай кетди.

Ферондо роса дод солиб. бўлганидан кейин сўради: «Нечун мени бундай савалаяпсан?»

«Тангрим сени ҳар куни икки маротаба савалашни амр қилган».

«Қайси гуноҳим учун?» — деб сўради Ферондо.

«Бутун вилоятда энг хушахлоқ аёл ҳисобланган ўз жуфти ҳалолнингни рашк қилганинг учун».

«Вой! Гапинг тўғри, — деди Ферондо, — хотиним энг хушахлоқ, энг сафобахш аёл. У попукдан ҳам ширин хотин, лекин мен билмовдимда, рашк қилишининг худога хуш ёқмаслигини, билсам, сираям рашк қилмаган бўлардим».

«Сен буни ёруғ жаҳондалик пайтингда идрок қилиб, хатонгни тузатиб олишинг лозим эрди, — деб унга танбеҳ берди роҳиб. — Борди-ю, бирон шарофат туфайли, яна рўйи заминга қайтгудек бўлсанг, сенга маслаҳатим шу: бу даргоҳда қандай таъзирингни саяётганингни унутма ва бошқа ҳеч қачон хотинингни рашк қилма».

«Ҳеч замонда ўлганлар яна ер юзига қайтарканми?» — деб сўради Ферондо.

«Агар тангри шуни ихтиёр қилса — қайтишади», — деб жавоб қилди роҳиб.

«Оҳ, ер юзига қайтиш менга насиб этгудек бўлса, — деди Ферондо, — дунёда энг меҳрибон эр бўлардим, хотинимни ҳатто чертмасдим ҳам, койиб уришмасдим ҳам, фақат бугун бизга бемаза шароб юборгани, яна биронта ҳам шам олиб келмагани учун салгина койиб қўйган бўлардим, холос, — ўзинг кўрдинг-ку, ахир, қоронғида овқатланишимга тўғри келди».

«Хотиннинг-ку, шам юборувди, — деб эътироз билдирди роҳиб, — лекин ибодат пайтида ёниб адо бўлди-да».

«Бўлса бордир, — деди Ферондо. — Агар тирилиб ёруғ жаҳонга қайтсам, хотинимнинг бутун эркини ўзига бериб қўяман албатта. Лекин менга айт-чи, о, ситамкорим, ўзинг ким бўласан?»

Роҳиб ҳам унга шундай жавоб қилди: «Мен ҳам ўлган бандаман, истиқомат қилган ерим Сардиния эди, умримнинг аксар қисмини ўз хожама рашк қилишга ундаш билан ўтказганман, мана шу гуноҳим учун парвардигор мени ҳам ўз ғазабига олди: энди зиммамга сени едириб-ичиришу айни пайтда, то тангрим сен билан икковимизнинг тақдиримизни бир ёқлик қилиб ҳал қилмагунча сени савалаб туриш вазифаси юкланган».

«Бу ерда икковимиздан бўлак ҳеч ким йўқми?» — деб суриштирди Ферондо.

«Бу ерда тумонат одам, — деб жавоб қилди роҳиб, — вале, сен уларни кўролмайсан ҳам, эшита олмайсан ҳам, шунингдек улар ҳам сени на кўришади ва на эшитишади».

«Она юртимиздан қанчалик олисдамиз?» — деб суриштирди Ферондо.

«Оҳ-ҳо, жуда-жуда олисдамиз! — деди роҳиб. — Бу ердан кўринмайди ҳам».

«Эҳҳе! Бундан чиқди, ростданам олис экан, — деди Ферондо. — Қара-я, шунчалик узоқлаб кетибмиз, — чинданам нариги дунёдага ўхшаймиз».

Алқисса, мана шундай ва шу янглиғ суҳбатлар орасида Ферондонини гоҳ боқиб, гоҳ калтаклаб, зим-зиё зиндонда салкам ўн ой ушлаб турдилар, бу орада ҳазрат соҳибжамол аёлни дамо-дам йўқлаб, бу йўқловларнинг ҳар бирдан беқиёс даражада лаззат топиб, вақтини бағоят зўр ҳаловатда ўтказиб юрди. Илло, шундай сафоли дамларда бирдан ишқал чиқиб қолса бўладими: аёл ҳомиладор бўлиб қолди, ва бу ҳолни пайқаган заҳоти ҳамма гапни ҳазратга ошкор қилди; шу сабаб бўлди-ю, икковлари Ферондонини зудлик билан аърофдан чиқариб олиш зарур, деган қарорга келдилар: шундай қилиб уни хотини ҳузурига қайтарадиган, хотини эса, унга, ҳомила сендан, деб айтадиган бўлди.

Мана, болоньялик роҳиб овозини ўзгартириб ҳибсда азоб чекиб ётган Ферондога садо берди: «Рухингни тетик қил, Ферондо! Худойи таоло сенинг рўйи заминга қайтишингни ихтиёр қилди. Қайтганингдан кейин, хотининг сенга ўғил туғиб беради, сен унга Бенедикт деб исм қўй, зеро парвардигор, тақводор пирингнинг тоат-ибодатлари, хотинингнинг таваллоларига қулоқ осиб ҳамда авлиё Бенедиктга бўлган меҳри туфайли бу марҳаматидан баҳраманд этмоқда сени».

Ферондо бу гапларни эшитиб, шодликдан кўнгли ёришиб кетди. «Оҳ, қандай яхши! — деб шодланди у. — Парвардигор бу хайр-саховати учун ўзини ҳам, пиримни ҳам, авлиё Бенедиктни ҳам, менинг севикли, латофатли, малоҳатли, назокатли хотинимни ҳам ёрлақасин!»

Ҳазрат, Ферондога юбораётган шаробга яна ўшал хаб доридан

солишни, лекин фақат тўрт соатгина ухлашига етадиган миқдорда солишни, Ферондо ухлаб кетгач, унга ўз кийимини кийинтиришни буюрди, кейин роҳиб билан бирга Ферондони ҳеч кимга сездирмасдан яна даҳмага олиб кириб ётқиздилар. Тонг пайтида Ферондо уйғонди ва тирқишдан тушиб турган ёруғликни кўриб, — зеро у ўн ойча вақтдан бери зиё деган нарсани кўрмаганди, — ўзининг тирилганига ишонди ва овозининг борича: «Очинглар, очинглар!» — деб бақира бошлади; бақира туриб, боши билан сағана қопқоғига шундай қаттиқ урилдики, қопқоқ сурилиб кетди, — қопқоқни суриш унчалик қийин бўлмагани сабабли, қўли билан уни бир чеккага сура бошлади. Эрталабки ибодатни эндигина ўқиб бўлган роҳиблар Ферондонинг овозини эшитиб, даҳма томон югурдилар ва унинг тобутдан тураётганини кўришиб, шу заҳоти бу фавқулодда ҳодисадан даҳшатга келишди ва жуфтакни ростлаб қолишди-ю тўғри аббат қошига боришди.

Аббат ўзини гўё ибодат қилаётгандек кўрсатиб, деди: «Чўчи-манглар, бўталарим! Хоч олинглар, оби қудсдан олинглар-да, менинг орқамдан юринглар — қодир хўдонинг кашфини мушоҳада қиламиз». Ҳазратнинг амри дарҳол вожиб этилди.

Узоқ фурсат очиқ ҳавода бўлмаганидан ранги докадек оқариб кетган Ферондо бу пайт энди даҳмадан чиқиб олган эди. У аббатни кўриш билан ўзини унинг пойига ташлади. «Пирим! — деди у. — Менга аён бўлдим, сизнинг, шунингдек, авлиё Бенедиктнинг ҳамда жуфти ҳалоломнинг тоат-ибодатлари мени аъроф азобидан халос этибди ва менга рўйи заминни яна бошқатдан кўришни насиб этибдиким, бундан буёқ мен сизнинг дуойи жонингизни қилиб, йил бўйи саодатда ва абадул-абад фароғатда яшашингизни худон таолодан илтижо қиламан».

«Парвардигорнинг беинтиҳо қудратига ҳамду сано ўқийлик! — деди аббат. — Модомики парвардигор сенга рўйи заминни қайта кўришни насиб этган экан, бор, бўтам, у дунёга рихлат этганиндан буён муттасил кўз ёши тўкиб, аза тутиб ўтирган бечора ёстиқдошининг кўнглини хушнуд эт ва бундан буён садоқатли ва жонкуяр христиан бўлгил».

«О, пири бузрук, бу тўғрида менга у ёқда ҳам танбех беришган эди, — деди Ферондо. — Мен хотинимни ўлгудек яхши кўраман, — фақат уйимга етиб олсам бўлгани, уни шунақанги ўпиб-ўпиб ардоқлайкин».

Ферондо кетгандан кейин, аббат роҳибларга бу содир бўлган ҳодисадан ўзининг ниҳоятда ҳайратга келганини баён қилди ва: «Тангрим, шафқатингни дарйғ тутма...» дуосини ихлос билан ўқишни буюрди. Ферондо ўз қишлоғи томон кетиб бораркан, уни кўрган ҳар бир одам ундан худди ажинадан қочгандай тирақайлаб қочарди, у бўлса уларни чақирар, қайтадан тирилдим, деб ишонтирмоқчи бўларди. У ўз хотинини ҳам жуда кўрқитиб юборди.

Ҳамқишлоқлар унинг чинданами Ферондо эканлигига ва тирик эканлигига ишонч ҳосил қилишгач, ҳар тўғрида суриштира бошладилар, Ферондо бўлса, гўё шу ўтган вақт ичида эс-хушли бўлиб қолгандай туюла бошлади уларга: қазо қилган ҳамқишлоқларининг

руҳлари у ёқда не ишлар билан машгул эканини сўзлаб берди, аърофнинг қандай тузилгани ҳақида ёлғонни сувдай ичиб, роса опқочди ва бутун жамоат даврасида ўзининг тирилиши олдидан Жаброил алайҳиссаломнинг оғизларидан қандай гаплар эшитганини сўзлаб берди. Уйда у яна ўз мол-давлатига соҳиблик қила бошлади ва ўзининг эътирофича, хотинининг қорнини қаппайтирди ва фақат аҳмоқларгина чин кўнгилдан ишонадиган муайян вақт ўтгач, яъни хотини ўз ҳомиласини қоринда роппа-роса тўққиз ой олиб юргач, бахтли тасодиф туфайли, бир кун қўчқордек ўғил туғиб берди, чақалоққа Бенедикт Ферондо деб исм қўйдилар. Ферондо нариги дунёдан қайтиб келиб, олди-қочди гаплар билан ҳаммани лақиллата бошлагач, пирнинг табарруклик шавкати яна юз карра ошиб кетди, зеро Ферондонинг қайта тирилганига деярли ҳамма ишонган эди. Ўз рашкчилиги учун кўп мартаба саваланган Ферондо энди бу дарддан фориг бўлди ва ҳазрат унинг хотинига ваъда қилганидек, ҳеч рашк қилмай қўйди. Бу ўзгаришдан хотинининг ҳам кўнгли таскин топди, яна эрига вафодор хотин бўлиб қолди; Шуниси ҳам борки, ими-жимиди иш кўриш имкони бўлган пайтларда тақводор ҳазрат билан ҳам учрашар, шунда ҳазрат куч-қувватини асло аямай, енг шимариб, аёлнинг хизматида бўларди.

9

Нарбоннлик Жилетта исмли қиз француз қиролини чипқондан даволайди ва бунинг эвазига ўзини Бельтран Руссильонийга эрга беришини илтимос қилади.— кув унга мажбуран уйланади ва аламидан Флоренцияга кетиб қолади; бу ерда у бир қизга шайдо бўлади, лекин у билан бир тўшақда ўша қиз эмас, балки Жилетта ётади; Жилетта Бельтрандан икки ўғил кўради, мана шу сабабли, орадан бир қанча вақт ўтиши билан Бельтран қалбида Жилеттага ҳурмат уйғонади ва у билан ўз хотинидек муомала қила бошлайди

Дионео учун яратилган имтиёзни ундан ҳеч ким тортиб олишни истамади, Лауретта ҳам ўз ҳикоясини тамомлади, демакки, навбат қироличаниннг ўзига келган эди, бинобарин у жамоаниннг илтимос қилишини кутиб ўтирмай, тасаввур қилиб бўлмайдиган латофат билан шундай ҳикоя қила бошлади:

— Лауреттадан кейин ҳикоя қилиш мушкул. Яхшиямки, у биринчи бўлиб ҳикоя қилмади, акс ҳолда, камдан-кам одамниннг ҳикояси манзур бўларди сизларга; ўйлайманки, ундан кейин ҳеч ким зўр мақтовга сазовор бўла олмаса керак. Ҳай, таваккал: мен ҳам сизларга бир ҳикоя сўзлаб бермоқчиманки, у, берилган мавзуга тўғри келади, менимча.

Францияда Иснардо исмли одам яшаган бўлиб, у Руссильон вилоятининг графи эди, лекин у хаста бўлганлиги сабабли нарбоннлик магпстр Жерардо исмли бир табибни доим ўз қошида сақлаб турарди. Графнинг Бельтран исмли яккаю ягона ўта хушфёъл, ўта

хушчеҳра ўгли бўлиб, унинг тенгқурлари, хусусан, ўшал табибнинг Жилетта исмли қизи ҳам у билан бирга тарбия кўрарди, қизда Бельтранга чексиз муҳаббат ҳисси уйғонган эдиким, бу ҳиссиётнинг ўта жўшқинлиги қизнинг латиф ёшига монанд эмас эрди. Бельтранга келсак, отаси оламдан ўтгандан кейин, Парижга кўчиб ўтишга мажбур бўлган, зеро қиролнинг ўзи унга васийлик қила бошлаган эди, шу боисдан, йигитнинг жўнаб кетиши қизни қаттиқ ўкситиб қўйган эди. Орадан хиёл вақт ўтар-ўтмас қизнинг отаси ҳам бандаликни бажо келтирди, шундан кейин, энди қиз агар бирон узрли важ топгудек бўлса, Бельтран билан дийдор кўришгани жон-жон деб Парижга қанот боғлаб учган бўларди-ю, аммо у бадавлат, ота-онаси йўқ етим қиз бўлганлиги учун шаҳар аҳли унинг ҳар бир босган қадамидан хабардор эди, узрли важ эса, ҳамон тўғри келмаётган эди. Унинг бўйи етиб қолган эди, бироқ ҳануз кўнгли Бельтранда эди, шу боисдан, қариндош-уруғлари унаштирмоқчи бўлиб топган куёвларининг барини сабабини айтмай, рад этарди.

Тасодифни қарангки, Бельтран жудаям хушсурат йигит бўлиб кетибди, деган мишмишларни эшитиб, унинг кўйида ишқ алангасида ёниб юрган Жилетта айнан шу пайтларда, Француз қиролининг оғир дардга чалиниб қолганлиги, хусусан, баданига чиққан ёмон ярани даволашган пайтда, фасоди батамом ситиб чиқарилмаганлиги туфайли ўрнида чипқон пайдо бўлиб, уни қаттиқ безовта қилаётганлиги, бунинг оқибатида қиролнинг оғриққа бардош бера олмаётганлиги, уни даволашга кўпгина табиблар уриниб кўрган бўлса ҳам ҳеч ким даволай олмагани, балки дардни аввалгидан ҳам бешбаттар зўрайтириб юборишгани, — шу боисдан қирол, умидсизликка тушиб, энди ҳеч кимнинг маслаҳатига кирмаётгани, ҳеч қандай табибни ёнига яқин йўлатмаётгани ҳақидаги гапларни эшитди. Бундан хабар топган қиз жуда хурсанд бўлиб кетди ва бу ҳолнинг, биринчидан, Парижга бориш учун қонуний важ бўла олишини, иккинчидан, башарти қиролнинг дарди айнан у тасаввур қилгандек бўлса, уни осонгина даволай олиши мумкинлигини ва ўз хизмати эвазига, қирол амри билан Бельтранни ўзига уйлантириши мумкинлигини ўйлаб қўйди. У табиб отасидан кўп нарсаларни ўрганган бўлгани учун гиёҳлардан туркона дори ҳозирлаш унга қийин бўлмади, унинг тасаввурича, айнан шу дори қиролнинг дардига шифо бўлмоғи лозим эди, қиз дорини тайёрлади-ю, отга миниб, Парижга равона бўлди. Парижда у Бельтран билан учрашиш учун уриниб ҳам кўрмади, унга фақат узоқдан бир кўз ташлади-ю, қирол истиқболига йўл олди ва ундан мурувват сўраб келгандай оҳангда ярасини кўрсатишни илтимос қилди. Қирол бу хушрўй, хушмуомала қизнинг сўзини икки қила олмай, чипқон чиққан ерини кўрсатди. «Аъло ҳазрат! — деди у. — Агар ижозат берсангиз, умид қиламанки, тангрининг мадади билан сизни ҳеч безовта қилмай ва мутлақо қийнамай бир ҳафта ичида дардингизни аритурман».

Қизнинг ҳаддан зиёд ўзбилармонлигидан қирол ичида кулиб

қўйди. «Энг ўткир табиблар ҳам дардимни аниқлай олмай, шифо бера олмадилар-ку,— деди у ўзига-ўзи,— тиббиётдан хабари йўқ бу қизнинг қўлидан нима ҳам келарди?» Сўнг у қизга эзгу нияти учун миннатдорлик билдириб, энди табибларга ўзини кўрсатмасликка аҳд қилганини айтди.

Қиз ҳам унга жавобан шундай деди: «Аъло ҳазрат! Менинг қиз бола бўлганим учун, аёл киши бўлганим учун, табиблик касбимни писанд қилмаяпсиз, вале, ижозатингиз билан сизга шуни эслатиб қўймоқчиманки, мен ўз хусусий билимим туфайли эмас, балки парвардигорнинг инояти билан ва падаримнинг, яъни ҳаёт пайтида кўп машҳур бўлган нарбонлиқ магистр Жерардонинг берган сабоқлари туфайли табиб бўлгандирман».

Қирол бу гапдан ўйланиб қолди: «Агар бу қизни менга парвардигорнинг ўзи йўллаган бўлса-чи? Нима қипти синаб кўрсам? Ахир жуда қисқа муддат ичида, боз устига, ҳеч безовта қилмай даволашга ваъда беряпти-ку». Хуллас, қирол бу синовга кўнадиган бўлди ва қизга шундай савол билан юзланди: «Борди-ю, ойимқиз, мени даволай олмасангиз ва бу билан аҳдингизни бажара олмасангиз, унда нима бўлади?» — «Аъло ҳазрат! — деб жавоб қилди қиз. — Устимдан соқчи қўйинг, башарти бир ҳафта ичида сизни тузата олмасам, майли, буюринг, мени гулханда ёндирсинлар. Лекин борди-ю, шифо топсангиз-чи, унда менга қандай туҳфа инъом этурсиз?»

Қирол ҳам унинг гапига бундай жавоб қилди: «Сиз, назаримда, ҳали эрга тегмаган кўринасиз; дардимга шифо топсангиз, унда сизни олий табақадан биронта яхши одамга эрга бергумиздир».

Қиз ҳам унга ўз истагини баён қилди: «Холисанилло айтганда, аъло ҳазрат, мен чинданам эрга тегишни истайман, лекин мен ўзим ёқтирган одамгагина турмушга чиқмоқчиман ва фақат ўшанга тегаман,— ўғилларингиздан биронтаси ҳам, қирол хонадонидаги биронта аслода ҳам менга даркор эмас».

Қирол қизнинг хоҳишини бажаришга бажону дил сўз берди. Қиз уни даволашга киришди ва айтган муҳлатидан ҳам олдинроқ қиролни отдек қилиб тузатиб юборди. Қирол ўзининг шифо топганини сезиб, қизга шундай сўзлар билан юзланди: «Яхши қиз! Сиз кўнглингиз тилаган эрга сазовор бўлдингиз».

Қиз ҳам унга жавобан шундай деди: «Ундай бўлса, аъло ҳазрат, мен Бельтран Руссильонийга сазовор бўлдим,— уни мен гўдаклик чоғимдан яхши кўриб қолганман ва ҳанузгача жону дилимдан севаман».

Гарчи бу қиз, қирол тасавурида, сарбаланд рутбали Бельтранга асло муносиб эмасдек туюлган бўлса ҳам олдиндан сўз бериб қўйганлиги учун энди сўзидан қайтишни эп кўрмади, шунинг учун Бельтранга одам юбориб, унга шундай сўзлар билан юзланди: «Бельтран! Энди катта йигит бўлдинг, олаётган таълим-тарбиянг ҳам ниҳоясига етди. Ўз вилоятингни бошқариш учун юртингга қайт, шу билан бирга мен сенга хотинликка тавсия қилган қизни ўзинг билан олиб кет».

«Ким экан ўша қиз, аъло ҳазрат?» — деб сўради Бельтран,

«Мени ўз дори-дармонлари билан даволаган қиз»,— деб жавоб қилди қирол.

Бельтран қизни Парижга келган куниёқ кўриб, уни таниган эди ва гарчи унинг бағоят мафтункор ҳусн соҳибаси эканлигини эътироф этган бўлса ҳам, бироқ уни ўз тенги эмаслигини ўйлаб, аччиғи чиқиб деди: «Аъло ҳазрат! Наҳот менга табиб қизни муносиб кўрган бўлсангиз! Худо шоҳид, мен унга ҳеч қачон уйланмайман».

«Бундан чиқди, мен бу қизга берган қироллик сўзимдан қайтишим керак экан-да? У мени даволай бошлаганида, шу хизмати эвазига, сенга турмушга чиқишни ихтиёр қилган эди, мен ҳам унга сўз бериб эдим», — деди қирол.

«Аъло ҳазрат! — жавоб қилди Бельтран. — Сиз мени бутун борлигимдан маҳрум қилиб, истаган одамингизга тўртиқ қилишингиз мумкин, зероки мен сизнинг садоқатли талабангиздурман, вале, сизни ишонтириб айтаманки, бу никоҳ мен учун бебахт бўлади».

«Йўқ, бахтли бўлади, — деб эътироз билдирди қирол, — қиз чиройли, идрокли, сени жон-дилдан севади, — мана шу боисдан умид қиламанки, сен бул қиз билан турмуш қурганингда мушарраф бўладиган бахт-саодатга бошқа биронта ҳам олинасаб хоним билан эриша олмагайсан».

Бельтран чурқ этмай қолди, қирол эса, сердабдаба тўй-томоша тараддудини кўриш ҳақида фармон берди. Мана, никоҳ ўқитадиган кун ҳам етиб келди-ю, Бельтран уни ўз жонидан ҳам ортиқ севувчи қиз билан ўлганининг кунидан қирол ҳузурида никоҳдан ўтди. Вале, гарчи у никоҳ ўқитишга ўқитган бўлса ҳам бундан буён нима иш қилиши кераклигини олдиндан режалаб қўйган эди, бинобарин, никоҳ тўйини ўз вилоятида ўтказишни баҳона қилиб, юртига жўнаб кетиш учун қиролдан ижозат сўради ва отга миниб, ўз вилоятига эмас, балки Тосканага равона бўлди. У флоренцияликларнинг сиеналиклар¹ билан уруш қилаётганидан хабар топиб, флоренцияликлар ёниги олишга аҳд қилди. Флоренцияликлар уни мамнуният ва иззат-икром билан кутиб олдилар. Бельтран эса, уларнинг отрядларидан бирига саркардалик қилишни ихтиёр этди ва улкан туҳфалар олиб, узоқ фурсат уларнинг хизматида бўлди.

Ўз қисматидадан норизо бўлган келинчак умидсизликка тушмади, балки шояд Бельтранни авраб бўлса ҳам Руссильон графлигига чорлай олсам деган умид билан Руссильонга равона бўлди; бу ерда уни ҳамма қонуний бекадек самимият билан қарши олди. Граф ўз мулкда кўпдан бери бўлмаган эди, шу боисдан бу ерда ҳамма нарса издан чиқиб кетган ва таназзулга юз тутган эди, қайлиқ, фаросатли аёл эмасми, зўр ғайрат ва ҳафсала билан мулкда тартиб ўрната бошладикки, фуқаро ҳам бундан кўп мамнун бўлди; одамлар уни зўр эҳтиром билан эъзозлади ва яхши кўриб қолишди, графдан эса, аксинча, хотини билан ихтилофда бўлгани

¹ С е н а — Флоренциядан жануброқдаги шаҳар. (Тарж.)

учун нафратлана бошлашди. Графиня вилоят ишларида зарурий тартиб ўрнатгандан сўнг, бу ҳақда икки аслзода орқали графга хабар қилдирди ва улардан, граф ўз вилоятига фақат мен туфайли келишни истамаянган бўлса, майли, унинг кўнгли учун бу ердан жўнаб кетгумдир, деб айтишни тайинлаб юборди. Аммо графнинг юборган жавоби ўта шафқатсизлик билан ёзилган эди: «Нима қилса, ихтиёр ўзида, лекин мен у ерга фақат мана бу узугим хожимнинг бармоғига тақилган ва қўлига эса, мендан бўлган боласини кўтарган тақдирдагина қайтиб боражакман». Дарвоқе, Бельтраннинг қимматбаҳо бир узуги бўлиб, уни ҳеч қачон бармоғидан ечмасди, чунки таъкидлашларига қараганда, ул узукнинг сеҳрли кучи бор экан. Холисанилло айтганда, унинг асло бажариб бўлмайдиган иккита шартини эшитган аслзода элчилар графнинг ўжарлигига бас келиб бўлмаслигини тушуниб, графиня ҳузурига қайтиб келдилар ва эрининг жавобини унга баён қилдилар. Аввалига келин қаттиқ ғамга толди, лекин кейин, бирон найранг ишлатиб бўлса ҳам ўша иккита шартни бир амаллаб бажариш ва шу йўл билан эрини уйга қайтариш мумкин эмасмикин, деб кўп вақтгача бош қотириб юрди. У ҳамма томонларни пухта мулоҳаза қилиб бўлиб, ниҳоят вилоятдаги барча оқсоқоллару табаррук кишиларни ҳузурига чақиртирди ва уларга, графликда не не ишлар қилган бўлса, ҳаммасини графга бўлган муҳаббати туфайли қилганини бутун тафсилоти билан баён қилиб, бунинг эвазига графнинг қандай нонкўрлик қилганини йиғлаб-сиқтаб гапириб берди. Ўз гапининг ниҳоясида графиня, графнинг у деб умрбоқ мусофир юртларда юришини асло истамаслигини, — аксинча, савоб орттириш мақсадида умрининг қолганини муқаддас ерларни зиёрат қилишга ва хайрия ишлари билан машғул бўлишга сарфламоқчи эканлигини изҳор этди. Шу боисдан у оқсоқолларга мурожаат қилиб, бутун мулк муҳофазасини ва шу билан бирга уни бошқариш вазифасини ҳам ўз зиммаларига олишларини илтимос қилди, графга эса, унинг мулкидан бош олиб чиқиб кетганимни, Руссийлонни тарк этганимни хабар қилинглар, деб илтимос қилди. Графиня гапираётган пайтда саховатли кишилар юм-юм йиғлашди; гапириб бўлгандан кейин эса, улар бу ниятингиздан қайтинг, деб унга ялиниб-ёлвора бошлаган бўлишса ҳам барибир ҳеч гапга уната олишмади.

У одамларни худога топшириб, ўзи зиёратчи аёл либосини кийди, ёнига кўпроқ ақча ва қимматбаҳо буюмларини олиб, амакисининг ўғли билан ўз оқсочи кузатувида сафарга равона бўлдимиз, унинг аниқ қай томонга йўл олганини бутун вилоятда биронта ҳам одам билмай қолди, у бўлса Флоренцияга йўл тутган ва бирон ерда ҳам манзил қурмай шитоб билан кетиб борар эди. Флоренцияда у биринчи тўғри келган мўъжазгина меҳмонхонада тўхтадики, бу меҳмонхонанинг бекаси мўътабар бир бева аёл эди: графиня ўз эри тўғрисида бирон гап эшитишни сабрсизлик билан кутиб, фақир мусофир аёл сифатида диёнатли ҳаёт кечири бошлади. Тасодифни қарангки, у келган куннинг эртасига, меҳмонхона ёнидан навкарлар бошида от миниб Бельтран ўтиб қолди, гарчи

хотин бир қарашдаёқ уни таниган бўлса ҳам муҳтарама бекадан, бу қандай одам, деб сўради.

Бека унга шундай жавоб қилди: «Бу аслзода, шаҳримизда мусофир, оти граф Бельтран, ғоят илтифотли, назокатли одам, бу ерда уни ҳамма ҳурмат қилади. У ҳозир қашшоқлашиб қолган зодагонлар насабидан бўлган бир қўшнимизнинг қизи ишқида девона бўлиб юрибди. Қиз ифбатли, номусли, камбағаллиги туфайли ҳали эрга тегмаган, у ўзининг серфаросат, хушфазилат онаси билан яшайди, айтмоқчиманки, агар онаси бўлмаганда, ким билсин, балки қиз билан граф ўртасида бирон муносабат тикланармиди».

Графиня бу гапларни дилига жо қилиб олди-ю, ҳамма гапни биттама-битта сурнштириб, қандай иш кўриш режасини тузди. Графиня граф ошиқ бўлган қиз билан онасининг қаерда туришини, уларнинг исмларини сурнштириб билиб ояди ва зиёратчи аёл либосида, ҳеч кимга билдирмасдан ўшаларникига борди, бир қарашдаёқ уларнинг ғарбона ҳаёт кечирिशларига иқроор бўлиб, улар билан кўришди ва қизнинг онасига, агарда хоним эътироз билдирмаса, у билан юзма-юз гаплашиш нияти борлигини айтди.

Муҳтарама хоним ўрнидан туриб, унинг гапини тинглашга ҳозир эканлигини айтди. Улар ўрта хонага киришиб, ўтиришгандан кейин, графиня шундай гап бошлади: «Назаримда, хоним, сиз ҳам худди менга ўхшаш шўрпешонага. ўхшайсиз ва лекин сиз ўзингизни ҳам, мени ҳам хушнуд этишингиз мумкин».

Аёл унга жавобан: «Менинг энг эзгу армоним виждонан иш кўриб, иқболга муяссар бўлиш»,— деди.

«Лекин орамиздаги гапни бировга айтмасликка сўз берасиз,— деб гапида давом этди графиня.— Зеро, мен, сизга ишонсаму сиз менга панд бериб қўйсангиз, унда сизга ҳам, менга ҳам ёмон бўлади».

«Хотирингиз жам бўлсин,— деди ҳурматли аёл.— Кўнглингизда нима гапингиз бўлса, айтаверинг,— мен сизга панд бермайман».

Шунда графиня гапни ёшликдаги ишқий армонларидан бошлаб, ўзининг кимлигини ва шу кунга қадар бошидан нималар кечганини шундоғам батафсил баён қилдики, муҳтарама хоним, ўзи ҳам бу борада айрим гапларни эшитган бўлганидан, графинянинг гапларига астойдил ишониб, унга ачинди. Графиня эса, ўз бошига тушган кулфатли савдоларни баён қилиб бўлиб, гапини шундай давом эттирди: «Хуллас, мана, ўзингиз эшитдингиз, бошимга тушган шунча мусибат етмагандай, менга яна икки шарт қўйилган-ким, эримнинг ёнимга қайтиб бормоғи учун мен у шартларни бажармоғим лозим, бинобарин, агар менинг эрим бўлмиш графни қизингизга ошиқи шайдо бўлган деб қулоғимга етиб борган мишмишлар чинданам тўғри бўлса, менга бу борада сиздан бўлак ҳеч ким ёрдам беришга қодир эмас».

Унга жавобан муҳтарама хоним шундай деди: «Хоним афанди! Граф қизимни чин юракдан севадими, йўқми — бунини мен

айтолмайман, лекин у қизимга очиқдан-очиқ муҳаббат изҳор этипти. Хўш, сизга қандай ёрдам кўрсатишим мумкин?»

«Ҳозир сизга ҳаммасини тушунтираман, хоним, — деб жавоб қилди графиня, — вале, кўрсатадиган хизматингиз эвазига қандай армуғонга сазовор бўлишингизни олдиндан билиб қўйишингизни истайман. Қизингизнинг ҳусни ойдеккина, боз устига, бўйи ҳам етиб қолган экан, аммо турмушга чиқмаётганига бирдан-бир сабаб, менга аён бўлишича ва идрок қилишимча, унинг сепсизлиги экан. Шунга кўра, менга қиладиган яхшилигингиз эвазига, мен шу дақиқанинг ўзида, қизингизга ўз хусусий сармоймдан уни сепи учун сизга зарур бўлган миқдорда ақча беришга розиманки, токи сиз ўшал сеп билан қизингизни бирон нуфузли кишига турмушга чиқаришга муяссар бўлинг».

Бу таклиф ҳожатманд аёлни хушнуд этган бўлса ҳам, лекин диёнатли бўлгани учун, бегона аёлга шундай деб савол беришни ўзига эп кўрди: «Синглим, сиз учун мен аниқ нима иш қилишим керак, — аввал шуни айтсангиз менга, агарда ўшал иш номусимга доғ туширмайдиган бўлса, унда хизматингизга ҳозирман ва ўзимни сизнинг ихтиёрингизга топшираман».

Графиня ҳам унга шундай деди: «Сиздан илтимос қиладиган нарсам шу: сиз ўзингизга ишонгандай ишонган бирон яқин одамнинг орқали менинг эримга, яъни графга хабар қилингким, гўё қизингиз унинг ҳар қандай истагини бажаришга тайёр, илло, бунинг учун графнинг фақат сўзда эмас, амалда ҳам астойдил севишига қизим ишонч ҳосил қилса кифоя, бунинг исботи учун граф ўз бармоғига тақиб юрган ва овозаларга қараганда, у ниҳоятда қадрлайдиган узугини қизимга юборсин, фақат шундагина қизим графнинг чинданам севишига ишонади, деб тайинлайсиз. Агар граф узукни юборса, уни менга берасиз ва шу заҳоти одам юбориб, қизим графнинг истагини бажаришга рози, деган мазмунда унга хабар қиласиз уйимга келаётганини ҳеч ким кўриб қолмасин, деб тайинлайсиз, ана ундан кейин, тўшакка қизингиз ўрнига сездирмасдан мени ётқизиб қўясиз. Шояд худонинг хоҳиши билан ҳомиладор бўлсам; кейин, бармоғимда ўша узугу қўлимда унинг пуштикамаридан бўлган чақалоқ бўлгач, граф меники бўлади ва биз эр-хотин бўлиб яшай бошлаймиз, буларнинг ҳаммаси, албатта, сизнинг шарофатингиз билан бўлади».

Муҳтарама хоним учун бу жуда мушкул вазифа бўлиб туюлди, — у қизининг бадном бўлиб қолишидан қўрқарди, — ва лекин, бу саховатли аёлнинг бағрига эрини қайтаришга кўмаклашиш — савоб бўлишини, графинянинг эса, эзгу мақсадни кўзлаганини ўйлаб ва унинг ўзига самимият билан илтифот кўрсатаётганига ишонч ҳосил қилиб, унинг барча айтганларини бажо айлашга сўз берди ва орадан бир неча кун ўтгач, графинянинг ўғитларига амал қилиб, ўз хатти-ҳаракатини ҳаммадан сир сақлаган ҳолда, эҳтиёткорлик билан графнинг узугини бир амаллаб қўлга киритди — бу узукдан жудо бўлиш графга нечоғлиқ қийин бўлса ҳам у рози бўлган эди, — ундан кейин, аёл ҳийла ишлатиб, қизи ўрнига граф билан графиняни ётқизди. Граф интизорлик билан кутган

шу илк қовушишдаёқ тангрининг инояти билан графинянинг бўйида бўлиб қолди, бунинг устига, кейинчалик, кўзи ёриганда аён бўлдики, у бирваракайига икки ўғилни ҳомила қилиб олган экан. Муҳтарама аёл графинянинг ўз эри билан ишрат қилишига бир эмас, бир неча маротаба имкон яратиб берди, вале, бу машғулоти у пинҳоналик пардасига шу қадар моҳирлик билан ўрадиким, аслида нималар содир бўлаётгани биронта ҳам одамнинг хаёлига келмаган эди, граф эса, ўз хотини билан эмас, балки маҳбубаси билан қовушаётганига буткул ишонган эди. У тонг палласида, чиқиб кета туриб, графиняга беҳисоб ноёб ва қимматли буюмлар ҳадя этар, графиня эса, уларни кўз қорачиғидай асраб кўярди.

Ниҳоят, графиня ўзининг энди ҳавол эмаслигига қатъий ишонгач, муҳтарама хонимни ортиқ безовта қилмасликка қарор қилди. «Хоним! — деди у. — Худонинг инояти ва сизнинг кўмагингиз туфайли, мен ўз мақсадимга эришдим — энди сизни хушнуд этмоғим керак, ундан кейин, бу ердан жўнаб кетсам ҳам бўлади».

Муҳтарама хоним айтдики: «Агар графинянинг орзуси ушалган бўлса, хурсандман, вале, мен сизга бирон манфаатни кўзлаб эмас, балки, кишиларга яхшилик қилишни ўзимнинг бурчим деб билганим учун холисанилло кўмаклашдим».

Графиня ҳам унга бундай деди: «Сиздан бундай гапни эшитганимдан ғоятда хурсандман, хоним, мен ҳам сиз сўраган нарсани хизмат ҳақи сифатида эмас, балки савоб иш қилишга эҳтиёж сифатида топширмоқчиман сизга».

Шунда муҳтарама хоним ниҳоятда муҳтож бўлганлиги туфайлигина, хижолатдан ўзини кўярга жой топа олмай, қизининг сепи учун графинядан юз лира сўради. Аёлнинг пул сўрашга уялаётганини тушуниб турган графиня, унинг тортинчоқлик билан қилган илтимосини эшитди-ю, унга беш юз лира берди ва ундан ташқари яна шу қадар беҳисоб сержозиба қимматли буюмлар тортиқ қилдики, буларнинг ўзи ҳам беш юз лирадан кам турмас эди. Муҳтарама хонимнинг бундан кўнгли сурурга тўлди ва графиняни миннатдорлик сўзларига кўмиб ташлади, графиня эса шундан сўнг меҳмонхонага қайтди. Муҳтарама хоним ҳам яна Бельтран келиб юрмасин ё хизматкорни юбориб ўтирмасин деб, қизини ёнига олди-ю, шоша-пиша қишлоққа ўз қариндошлариникига жўнаб кетди. Бельтран эса, орадан бир оз вақт ўтгач графинянинг вилоятдан бош олиб чиқиб кетганини эшитиб, ўз фуқароларининг даъвати билан она юртига қайтиб борди.

Графиня графнинг Флоренциядан ўз юртига жўнаб кетганини эшитиб, бу вазиятдан беҳад мамнун бўлди, ой-куни етиб, Флоренцияда кўзи ёриб, худди қуйиб қўйгандай графга ўхшаб кетувчи қўш ўғил туғди ва энага ёллаб уларни ғоятда авайлаб парвариш қила бошлади. Ниҳоят, ўзи кўзлаган вақт етгач, у Флоренцияни тарк этди ва ҳеч кимга ўзини танитмай Монпельега¹ етиб борди. Бу ерда у бир неча кун дам олди, графнинг қаердалигини аниқлади

¹ Монпелье — Франциянинг жанубидаги шаҳар. (Тарж.)

ва азиз-авлиёлар кунн у Руссильонда хонимлар ва рицарлар учун сердабада сайил-томоша уюштираётганини эшитиб, аввалгидек зиёратчи аёл либосида, ўша ерга равона бўлди.

Хоним ва рицарларнинг граф қасрида энди зиёфатга ўтиришга шайланаётганини билиб, графиня ҳамон ўша кийимда, қўлига икки чақалоқни кўтарган ҳолда меҳмонхонага кўтарилди ва одамлар орасини ёриб ўтиб, граф қаршисига тиз чўкди-ю, бўзлаб йиғлаб шундай гап бошлади: «О, ҳукмдорим! Мен сенинг бахти қаро рафиқангдурман, сенинг ўз уйингга қайтиб, шу ерда яшашинг учун узоқ муҳлат жаҳонгашталиқ қилдим. Энди эса, икки аслзодадан менга айтиб юборган шартингга амал қилишингни худонн ўртага қўйиб илтижо қиламан. Мана, қўлимда сендан бўлган битта эмас, ҳаттоки икки чақалоқ, бу эса, сенинг узугинг. Бинобарин, ўз ваъдангга вафо қилиб, мен билан эр-хотин бўлиб яшайдиган пайтинг келди.

Бу гапларни эшитган граф жудаям эсанкираб қолди, узукни таниди, чақалоқларни ўз фарзандлари деб эътироф этди — зеро улар унга худди қуйиб қўйгандек ўхшардилар ва лекин шунга қарамай, графиняга савол билан юзланди: «Бу ҳол қандай юз бериши мумкин эди?»

Графиня графни ва бу ерда ҳозир бўлган барча меҳмонларни ҳайратда қолдириб, бўлган воқеани бир бошдан сўзлаб берди. Граф, унинг тўғри гапирётганига қаноат ҳосил қилиб, графинянинг садоқати ва фаросатига қойил қолди ва икки нафар дўндиқ болаларини кўриб, ийиб кетиб, боз устига, ўз ваъдасига вафо қилишни ўз бурчи деб билиб, шу билан бирга, ўз қўл остидаги эркагу аёл фуқаронинг графиняни ўз қонуний хотинингиздек иззат-икром билан қарши олинг ва қабул қилинг, деган илтижоларига риоя қилиб, ниҳоят қайсарона бераҳмлиқ феълини тарк этди, — графиняни ўрнидан тургазди, уни бағрига босиб ўпди ва ўзининг қонуний хотини, деб гўдакларни эса ўз фарзандлари деб эълон қилди. У бу ерда ҳозир бўлган барчанинг, шунингдек, бу ҳақда эшитган бошқа ҳамма одамларининг кўнглини шод айлаб, графиняга унинг рутбасига яраша либос кийинтиришларини буюрди ва ўзи уюштирган байрамни тўй-томошага айлантириб, бир эмас, бир неча кун сурункасига бутун вилоятга зиёфат берди. Шу кундан эътиборан граф графиняни ўз хотини ва рафиқаси деб эъзозлаб, чексиз меҳр-муҳаббат билан севиб, бирга яшай бошлаган экан.

10

Олиябека саҳрода паноҳ топади; роҳиб Рустико унга шайтонни дўзахга қувиб киритишни ўргатади; сўнг Олиябека саҳрони тарк этиб, Неербалга турмушга чиқади

Дионео қироличанинг ҳикоясини диққат билан тинглади; қиролича сўзлаб бўлгандан кейин, ўзидан бошқа ҳикоя қилувчи қол-

маганлиги туфайли, Дионео фармонни кутиб ўтирмасдан шундай гап бошлади:

— Мафтунокор хонимлар! Сизлар шайтонни дўзахга қандай қувиб киритишлари ҳақида эшитмаган бўлсангиз керак, — мана шу боисдан мен бугун кун бўйи муҳокама қилинган мавзудан имкони борича четга чиқмасликка ҳаракат қилиб, айнан шу тўғрида сўзлаб бермоқчиман, билишимча, бу нарса руҳингизни пок-лашга хизмат қилади ва айни пайтда гарчи муҳаббат маъбудаси — Амур меҳмоннавоз кошоналар билан пуршукуҳ қасрларни афзал кўрса ҳам бундан ташқари, ўз кучини қалин ўрмонзорлар қўйнида мудҳиш қоялар орасида ва хилват ғорлар қаърида ҳам синаб кўришдан қайтмаслигига ишонч ҳосил қилишингизга кўмаклашадиким, — бундан, жаҳондаги жамики мавжудот унинг изми-да, деган хулосага келиш мумкин.

Мақсадга ўтайлик. Билингки, бир вақтлар Берберия вилоятининг¹ Капса шаҳрида ғоятда сердавлат ва серфарзанд бир боғ яшаган бўлиб, унинг фарзандлари орасида Олиябека исмли хушрўй ва хушфел қизи ҳам бор эди. Қиз христиан динида эмас эди-ю, лекин шаҳарда истиқомат қилувчи кўпчилик христианлардан христиан динининг ва ул диндаги ҳайрия ишларининг имтиёзлари ҳақида кўп эшитган эди, шунинг учун қиз, шу христианлардан бирига, ҳеч қандай қаршиликка дуч келмай худо йўлига савоб иш қилиш мумкинми, деган савол билан юзланди. Христиан бандаси унга, тарки дунё қилганлар, чунончи, Фива² биёбонида зоҳидона кун кечирувчилар кўпроқ худога ёқадилар, деб жавоб қилди. Эртаси куннеқ ўша гўл қиз, — унинг ёши ҳам жуда борган бўлса, ўн тўртта эдиёв, — динга мойиллиги туфайли эмас, балки болалик инжиқлиги туфайли, ҳеч кимга ҳеч нима демай, яширинча, биронта ҳам ҳамроҳсиз Фива саҳросига йўл олди, аммо бу инжиқлик йўл-йўлакай ҳам ўтиб кетмади, натижада, бир неча кундан кейин у бир амаллаб ўшал овлоқ жойларга етиб олди-ю, у ерда бир кулбани кўриб, ўша томонга равона бўлди, етиб келиб кулба остонасида тарки дунё қилган бир зоҳидни кўрди, — зоҳид қизни кўриб, ҳайратдан тонг қотиб қолди-ю, ундан, бу ерда сенга не керак, деб сўради. Қиз жавоб қилди: «Худо йўлига савоб иш қилишим ва савоб иш қилишдан ўғит берувчи зоҳидни топишим учун парвардигорнинг ўзи кўнглимга бу ёққа келишни солди».

Зоҳид қизчанинг ҳали жуда навниҳол ва ниҳоятда хушчеҳралигига эътибор қилди-ю, агар уни ўз кулбамда қолдирсам, шайтоннинг васвасасига учиб, гуноҳи азимга дучор бўлишим мумкин, деб капалаги учиб кетди ва қизнинг хайрли ниятини маъқуллаб, уни ўт-ўлан томирлари, хурмо, ёввойи олма билан боқди, чанқови-

¹ Берберия — Африка қитъасининг Урта ер денгизи билан Саҳрои Кабир ораллиғига жойлашган қисми бўлиб, таркибда Жазоир, Марокаш, Тунис ва Триполислар бўлган. Берберия ўрта асрларда Варваристон деб ҳам аталган, чунки денгиз қароқчилари ва қулдорлар шу ердан чиққан. (Тарж.)

² Фива — қадимги Мисрнинг пойтахти бўлиб, у Нилнинг ўрта оқимида қад кўтарган эди. Демак, бу ерда шу атрофдаги саҳро назарда тутилмоқда. (Тарж.)

ни сув билан қондирди-да, сўнг шундай деди: «Бўтам! Бу ердан хиёл нарироқда бир авлиё истиқомат қилади, сени савоб ишга мenden ҳам кўра ўша яхшироқ йўллайди, — сен ўшанинг олдига бор». Зоҳид шундай деб, қизни йўлга солиб юборди.

Қиз ўшал зоҳид ҳузурига етиб борди ва ундан ҳам биринчи зоҳиддан эшитган ўғитини эшитиб, ниҳоят Рустико исмли ғоятда худо тарс ва тақводор бир зоҳид йигитнинг ҳужрасига етиб олди-да, унга ҳам бошқа зоҳидларга айтган саволи билан юзланди. Рустико ўз иродасининг нечоғлиқ собитлигини синовдан ўтказиш мақсадида, бошқа зоҳидлар сингари, қизни бу ердан кетишга ундамади, билъакс, уни ўз ҳужрасида қолдирди, қоронғи тушганда эса, унга пальма шоҳларидан тўшак солиб берди-да, мана шу ерда ухлашинг мумкин, деб айтди.

Илло, шу гапни айтиб улгургани ҳам йўқ эдики, руҳининг пойдорлиги бирдан васвасага тушди. У иродасининг собитлигига ортиқча ишониб юборганини тушуниб, ўзини мағлуб деб тан олди-ю, жангсиз таслим бўлди. Шундан сўнг у диёнатли бўлиш ниятларини, дуою таваллоларни ва бул биёбонга ўз жисмини изтиробга солиб яшаш мақсадида келганини буткул хаёлидан фаромуш айлаб, кўз олдига қизнинг навниҳоллигини ва гўзал вужудини келтирди-да, яна қиз кўнглига фосиқ йигит экан, деган фикр келмасин учун у билан қандай муносабатда бўлиш, қандай иш кўриш лозимлигини ўйлай бошлади ва қатъий бир фикрга келгандан кейингина уни тасарруф айлашни ният қилди. У қизга бир исча савол бериб, унинг ҳали афифа эканлигига, ўзини гўлликка солмаётганига, балки аслида ўзи шунақа онаси ўпмаган қиз эканлигига ишонч ҳосил қилгач, кўнглида уни худо йўлига савоб иш қилдириш баҳонаси билан тасарруф қилиш нияти вужудга келди. Аввалига у шайтоннинг худога нечоғлиқ манфур махлуқ эканлиги ҳақида узоқ вақт гапирди, сўнг ўшал шайтонни дўзахга қувиб киритишдан ортиқроқ савоб иш йўқлиги, зеро, парвардигорнинг ўзи у ерни шайтонга макон этиб тайинлаганлиги ҳақида тушунтирди.

Қиз, қандай қилиб шайтонни қувиб киритса бўлади, деб сўради. Рустико унга шундай жавоб қилди: «Ҳадемай буни ўзинг биллиб олурсан, ҳозир эса, менга тақлид қил». Шундай дея, у эғнидаги жулдур либосини ечиб ташлаб, қип-яланғоч бўлди, қиз ҳам унга тақлид қилди. Кейин Рустико, гўё ибодат қилмоқчи бўлгандай, тиз чўкди, қизчага эса, ўз рўпарасига келиб туришни буюрди.

Алқисса, у шу алфозда қизнинг жозибасидан кўз узмай чўккалаб тураверди, бунинг оқибатида, унинг шаҳвати борган сари тутақиб, олати ғафлатни тарк этди; Олиябека эса бундай ҳолни кўриб, ҳайрон бўлиб сўради: «Анави чиқиб турган нарсанг нима, Рустико? Менда унақа нарса йўқ-ку».

«Оҳ, бўтам! — деб жавоб айлади Рустико. — Сенга боя тушунтирганим шайтон мана шу-да. Мен сенга айтсам, ишонасанми? — айни ҳозир мени қаттиқ изтиробга солмоқда касофат».

Қиз бўлса унга шундай деди: «Вой, худога шукур-е, менда уна-

қа шайтон йўқ,— шунинг учун ҳам ўзимни яхши ҳис қилмоқдаман».

«Ори рост,— деб қўшилишди Рустико,— илло, сенда бошқа нарса борки, у менда йўқ».

«Қандай нарса ў?» — деб сўради Олиябека.

Рустико ҳам унга шундай жавоб қилди: «Сенда дўзах бор, назаримда, парвардигор руҳимни азобдан халос этмоқ учун юборган бўлса керак сени, зеро, агар шайтон нуқул хуруж қилиб, жонимга тегаверса-ю, сен менга раҳм қилиб, уни қайтадан дўзахга қувиб киритишимга имкон берсанг, бу ҳимматинг билан кўнглимни бениҳоя хушнуд айлаган, айни пайтда, парвардигорга ҳам ғоятда мақбул хизмат қилган бўласанки, худо йўлига қилинган савоб иш бундан ортиқ бўлмагай, ахир гапларингдан маълум бўлишича, бу ёқларга сен ўзи шу мақсадда келгансан-ку».

Соддадил қиз ҳам унга шундай деди: «Пирим! Модомики, дўзах менда экан, кўнглингиз тусаган пайтда шайтонни унга қувиб киритаверинг».

«Икки дунёнг обод бўлсин, бўтам! — деб юборди Рустико.— Ҳас, шундай экан; юр, шайтонни дўзахга қувлайликки, у мени тинч қўйсин».

Шундай сўзлар билан у қизни тўшакка ётқизди ва бадкор иблисни ҳибс этмоқ учун қандай ҳолатда ётмоқ лозимлигини қизга ўргатди.

Қиз, шайтонни умрида биринчи маротаба дўзахга киритиши эди, шунинг учун хийла азият чекди. «Дарҳақиқат, пирим,— деди у,— бу мурдор шайтон, парвардигорнинг ашаддий душмани экан, зеро, одамлар у ёқда турсин — ҳаттоки дўзахни ҳам оғритиб юборди».

«Бу оғриқ доим бўлавермайди, бўтам»,— деб эътироз билдирди Рустико.

Бундан буён энди қиз учун енгил бўлишини исботлаш мақсадида, у тўшакдан туришдан олдин беш-олти маротаба шайтонни дўзахга қувиб киритиб, унинг попугини пасайтириб қўйишди-ю, шундан сўнг у муайян пайтгача ювош бўлиб қолди.

Бироқ кейин ҳам шайтон жуда кўп маротаба кеккайдиган бўлди, қиз эса, унинг попугини пасайтиришдай савоб ишдан асло бош тортмади, чунки бу ўйин унга ёқиб қолган эди. «Саховатли Қапса аҳли худо йўлига савоб иш қилиш дилни хушнуд этади, деб рост айтган экан,— дерди у Рустикога.— Дарҳақиқат: ҳеч бир савоб иш шайтонни дўзахга қувиб киритишчалик менга ҳаловат ва лаззат бағишламайди. Менимча, худо йўлига бирон бошқача тарзда савоб иш қилиш ўтакетган тентаклик». Қиз тез-тез Рустико билан бирга бўлар ва ҳар гал унга дерди: «Ҳазратим! Мен бекорчилик учун эмас, худо йўлига савоб иш қилиш ниятида бул биёбонга келганман. Юринг, шайтонни дўзахга қувамиз».

Хизматдан кейин эса, қиз баъзида Рустикога шундай сўзлар билан юзланарди: «Ҳеч ақлим бовар қилмайди, нега ахир шайтон дўзахдан қочиб чиқяпти. Ахир, дўзах уни хурсанд бўлиб қабул қиляпти-ку, менимча — унинг ўрнида бошқа бўлганида, сираям қайтиб чиқмасди».

Хулласи калом, қиз Рустикодан худо йўлига савоб иш қилишни шу қадар кўп талаб қилардики, бора-бора, зоҳиднинг устухони билан терисидан бўлак ҳеч вақоси қолмади ва жазирама офтобда ҳам совуқ қотиб дийдирайдиган бўлиб қолди. Мана шу муносабат билан, у қизга уқтира бошладики, шайтонни фақат кеккайиб бош кўтарган пайтидагина дўзахга қувиб киритмоқ лозим: «Илло, сен билан биз, парвардигорнинг марҳамати билан унинг попугини пасайтириб қўйдик, энди у худога, мени тинч қўйишсин деб илтижо қилмоқда». Қиз шундан сўнг вақтинча тинчиди.

Энди Рустико шайтонни дўзахга қувиб киритишни ортиқ илтимос қилмай қўйди, бундан ҳайрон бўлган Олиябека кунларнинг бирида унга шундай деди: «Рустико! Сенинг шайтонинг жазосини тортди, сени ортиқ безовта қилмаяпти, аммо менинг дўзахим ҳеч тинчлик бермаяпти менга. Утинаман сендан, ўз дўзахим билан сенинг шайтонингнинг попугини пасайтиришга қандай кўмаклашган бўлсам, энди сен ҳам шайтонинг билан менинг қутурган дўзахимни ҳовуридан тушириб бер».

Ут-ўлан томирини истеъмол қилиб, сув ичиб кун кечирувчи Рустико бутун бойлигини созуриб бўлган қиморбоздек ҳис қилаётган эди ўзини; у, дўзахни тинчитиб учун жуда кўп пблис керак бўлади, лекин қўлимдан келганча уриниб кўраман, деб айтди. Дарҳақиқат: вақт-вақти билан Рустико қизнинг кўнглини овлаб турарди-ю, аммо бу кўнгли овлашлар камдан-кам бўлар ва шер оғзига ташланган лўқма унга қанчалик наф келтирса, қиз ҳам Рустикодан шунчалик наф оларди, шунга кўра қиз, ўзининг худо йўлига астойдил хизмат қила олмаётганига ишонч ҳосил қилиб, ахири, қисматидан нолий бошлади.

Рустиконинг шайтони билан Олиябеканинг дўзахи ўртасида, бир томоннинг ўта эҳтирослиги ва иккинчи томоннинг камқувватлиги туфайли, келишмовчилик бораётган бир пайтда, Қапса шаҳрида ёнгин бўлиб, бу ёнгин пайтида Олиябеканинг отаси, унинг бутун оила аъзолари ва хизматкорлари ўз уйида ёниб кетди, демакки, Олиябека энди отасининг мол-давлатига ягона меросхўр бўлиб қолган эди. Бу пайтда ақчаларини орқа-ўнгига қарамай харжлаб созуриб бўлган Неербал исмли бир йигит Олиябеканинг тирик эканлигидан дарак топиб, уни қидириб топгани йўлга чиқади, уни топгач эса, Рустиконинг кўнглини тоғдек кўтариб, вале, қизнинг норозилигига қарамай, уни Қапсага олиб келади-да, қизнинг отасидан қолган мол-дунё меросхўрнинг йўқлиги важи билан давлат ихтиёрига ўтиб кетмасдан Олиябекага уйланади-ю, унинг беҳисоб мол-дунёсига эга бўлади. Бироқ Олиябеканинг никоҳи бўлмасдан олдиноқ хотин-халаж ундан қандай қилиб саҳрода худо йўлига савоб иш қилдинг, деб суриштиришганди; бунга жавобан қиз, шайтонни дўзахга қувиб киритиш билан машғул бўлганини ва Неербал унинг худо йўлига савоб иш қилишига халал бериб — гуноҳи азимга ботгани ҳақида гапирган эди.

Аёллар бу гапга қизиқсиниб, ундан: «Қандай қилиб шайтонни дўзахга қувиб киритдинг?» — деб сўрашганди. Шунда қиз бунга гап билан изоҳлаб берган ва тушунарли бўлсин учун яна кўрсатиб ҳам

берган эди. Шунда аёллар роса қотиб-қотиб кулишибди, шу кула бошлашганча ҳанузгача кулгидан тўхтамаганмишлар. «Хафа бўлма, қизалоқ, — деб уни юпатишибди аёллар, — бу ерда ҳам у ишни жуда дўндиришади. Неербал ҳам сенга уйлангандан кейин худо йўлига астойдил хизмат қилади ҳали».

Аёллар бу гапни бутун шаҳарга ёйиб юборишди, кимда-ким шайтонни дўзахга қувиб киритса, у худони рози қилади, деган мақол шу ердан келиб чиққан, дейдилар. Мамлакатимизга денгиз ортидан келган бу мақол халқ орасида ҳануз ишлатилиб келади. Бинобарин, сизлар ҳам, навниҳол қизлар, парвардигорни тилга олиб, шайтонни дўзахга қувиб киритишни ўрганинг: бу ҳам худога мақбул бўлади, ҳам икки томон учун лаззат бахш этади ва бундан жуда кўп эзгуликлар келиб чиқади ва вужудга келади.

Дионеонинг ҳикояси бошдан-оёқ қаҳқаҳа билан бўлиниб турди — ҳикоя муҳтарама хонимлар кўнглини шунчалик шодлантириб юборган эди. Дионео сўзлаб бўлиши билан қиролича ўзининг ҳукмронлик муддати ниҳоясига етганини билдириб, бошидан дафна гултожини олди ва зўр назокат билан уни Филострато бошига кийдираркан, деди:

— Кўрамиз ким-кимни яхши қўриқларкин: бўри қўйларними ёки қўйлар бўриларними?

Бу гапга Филострато кулиб туриб, шундай жавоб қилди:

— Агар бўрилар менинг гапимга киришса, улар ҳам шайтонни дўзахга қувиб киритишни Рустико Олиябекага ўргатгандан дурустроқ қилиб қўйларга ўргатган бўлурдилар. Айтмоқчиманки, бизни бўри деб атаманг — зеро, сиз ҳам қўй эмассизлар. Қандай бўлмасин, менга ишониб топширилган салтанатни мен бутун ақл-фаросатимни ишга солиб бошқаргайман.

Нейфила эса унга шундай деди:

— Менга қара, Филострато: сен бизга ақл ўргатишга ошиқясан, вале, худди лампореккьолик Мазетто роҳиблардан ўрганганидек аввал ўзинг эсингни йиғиб олсангу гўрда чиримасингдан олдин одамлардек гапиришни ўргансанг бўларди.

Филострато хонимларнинг гапга чечанлигига шоҳид бўлиб, ҳазилни бас қилди ва салтанат жиловини қўлга олди: эшик офасини чақирди, ишлар қандай кетаётганини суриштирди, сўнгра унинг ҳукмронлиги даврида бутун жамоа фароғатда яшаши учун зарурий, доно фармойишлар берди. Ундан кейин эса хонимларга шундай сўзлар билан юзланди:

— Муҳтарама хонимлар! Мен эзгуликни ёвузликдан фарқ қилишни ўрганган пайтимдан буён, ишқ илоҳасининг амри билан ва ўзимни изтиробга солиб, мудом биронтангизга ошиқ бўлиб келдим вале на хоксорлик, на мутелик, на ул илоҳанинг жамики аҳкомларига амал қилишга интилиш — ҳеч биттаси менга ёрдам қилмади: чунки ҳар гал мендан юз ўгириб бошқани афзал кўравердилар, бунинг оқибатида аҳволим тобора мушкуллашиб бормоқдаким, наза-

римда, энди ўла-ўлгунимча пешонамнинг шўри аримаса керак, деб ўйлайман. Мана шу боисдан, эртага айтиладиган ҳикоялар менинг ишқий кечинмаларимга мувофиқлаштирилишини, яъни *Бенаво ва бедаво муҳаббат* ҳақида боришини истардим, зеро агар шу алфозда давом этаверадиган бўлса, муҳаббатимнинг хотимаси ғоятда бахти қаролик билан яқунланажак, дарвоқе, шунисиям борки, менга от қўйган одам, отимни жуда топиб қўйган экан.

Шу сўзлардан кейин қирол ўрнидан турди ва бутун жамоани кечки овқатга довр озод қилди.

Боғ шу қадар хушманзара ва оромижон эдики, бундан яхшироқ жойни ахтариш ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмади. Қуёш энди қиздирмасди, шунинг учун ҳам бир-бирларининг устидан ирғишлашиб, сакрашиб, қувалашиб юрган оҳулар, қуёнлар ва ўзга жониворлар кетидан жамоа ҳам қувлай бошлади. Дионео билан Фьяметта мессер Гвильельмо ва дель Вержў хоним тўғрисида қўшиқ айта бошладилар, Филомена билан Панфило сатранж ўйнашди, шу тақлид, ҳамма вақтнинг қандай ўтганини пайқамади, ҳаш-паш дегунча кечлик овқат пайти бўлди. Столлар жозибали фаввора теварагига қўйилган эди, кечлик овқат ҳам ғоятда хушчақчақлик билан ўтди.

Дастурхонлар йиғиштирилиши билан Филострато қироличалар жорий этган тартибни бузмаслик учун Лауреттага рақс тушиб, қўшиқ айтишни буюрди. Лауретта унга шундай деди:

— Аъло ҳазрат! Мен ўзгалар қўшиғини билмайман, ўзимнинг қўшиқларимдан бўлса, биронтаси ҳам хушвақт жамоага маъқул тушмайди. Ва лекин шунга қарамай, агар сиз эътироз билдирмасангиз, ўзимнинг қўшиқларимдан биронтасини куйлаб бераман.

Қирол унга шундай жавоб қилди:

— Сенинг тилинг билан айтиладиган ҳар қандай нарса латиф ва лазиз бўлмай иложи йўқ, бас, шундай экан, хоҳлаган қўшиғингни куйла.

Шунда Лауретта нафис овози билан бир қадар мунгли қўшиқ куйлади, бошқалар унга жўр бўлишди:

Оҳ, дунёда мен каби забун,
Мендай мафтун
афкор бормикан,
Мендай бахтсиз,
беёр бормикан!

Коннотни яратган меъмор
Мени ижод қилган соатда
Ҳусн берди тенгсиз, мафтункор,
Тенгсиз бўлдим мен латофатда,
Токи ақл ҳайронлар бўлса,
Лол қолдирса самовий чирой.
Таажжубки, инсонлар бўлса,
Фаҳм этмасдан буни, хойнаҳой,
Азоб берар менга, алқисса.

Бир кун менга муносиб бир мард
Дўст тутинди ва бўлди ҳамдард,
Кейин севги изҳор айлади,
Мен ҳам унга ёқимтой боқдим,
Вужудига бир олов ёқдим,
У кўнглини менга бойлади.
Лекин бахтнинг умри кўп қисқа,

Қор ёғди у оташин ҳисга.

Бир кун яна йўлимда бир ёш
Пайдо бўлди, кўп маҳмадона,
Кўп савлатли, бироқ кўп бебош,
Фазл беришда, йўқ, одилона
Бўлмас экан табиат гоҳо.
Мен учратган ўша ёш ўғлон
Аҳди, сўзи бетаъсир, арзон,
Хуллас, менга қилмади вафо.
Лекин ширин сўзига учдим,
Уни чиндан ёрим деб қучдим,
Кўриммади кўзимга хато.

Янги ёр деб эски ёридан
Айрилганнинг аҳволига вой.
Энди дилим оҳу зоридан
Фойда бўлмас менга ҳойнаҳой!
Бу ҳам ҳолва экан.
Синовнинг
Энг оғири мени кутаркан.
Маккорлиги оғир бу ёвнинг,
Ўлимдан ҳам бешбаттар экан.

Асл ёрим, биринчи ёрим,
Худо сени кўп кўрди, эсиз,
Жонгинангни олди, шунқорим,
Бу жудолик азоби чексиз.

Мен тангридан сўрайман фақат:
Жонимни ол, мен шўрликнинг ҳам.
Эшигини очсин у жаннат,
Ёргинамга бўлайин ҳамдам.
Мени чақир, жонгинам, тезроқ,
Ажратмасин бизларни тақдир.
Муҳаббатдан чекиниб фироқ,
Унинг голиб чиқмоғи ҳақдир.

Шу ерга келганда, Лауретта қўшиғини тугатди, қўшиқ ҳамма-нинг диққатини ўзига жалб қилиб, ҳамма уни ҳар хил талқин қилди. Уни миланликларга хос талқин қилувчилар, яъни гўзал қиздан бўрдоқи чўчқа афзал қабилида талқин қилувчилар ҳам топилди,— бошқалар эса, уни хийла тумтароқ мақомда таъбирладилар, уни яхшироқ ва аниқроқ тушундилар, вале, ҳозир бу борада гапни чўзиб ўтирадиган пайт эмас. Қирол иложи борича кўпроқ машъала ёқишни буюрди, шундан кейин, яшнаган майсазорда яна узоқ вақт — то юлдузлар самода сўна бошлагунга қадар қўшиқлар янграб турди. Ана шунда қирол, уйқуга ётиш пайти етди, деган қарорга келиб; ҳаммага яхши туш кўришни тилаб, ўз кўшқларига тарқалишни буюрди.





ДЕКАМЕРОННИНГ
УЧИНЧИ КУНИ ТУГАБ,
ТУРТИНЧИ КУНИ БОШЛАНМОҚДА.

*Филострато ҳокимлик қилган бу кунда китобхон
эътиборига бенаво ва бедаво муҳаббат ҳақидаги
ҳикоятлар ҳавола қилинади.*



Дилнавоз хонимлар! Бамаъни одамлардан эшитган гапларимга суяниб, шунингдек, ўзим мушоҳада ва мутолаа қилган нарсаларга ҳам таяниб, мен ҳасаднинг шиддаткор, маҳв этувчи қуюни фақат сарбаланд минораларни ва азим туп дарахтлар учинигина ер билан яксон қилади, деган хулосага келиб юрган эрдим, ҳолбуки, бир кун келиб, мен бул тасаввуримнинг янглиш эканлигини англадим. Аслида мен ул дарғазаб қуюннинг шиддатли ҳамласидан ўзимни олиб қочиб юрганман ва мудом шунга амал қилиб келганманки, шу сабаб дада-дашддан, баъзан ҳаттоки, теран жарликлардан товушсиз, пусиб ўтганман. Флоренция лаҳжасида имконим борича оддий ва жайдари услубда насрий йўл билан ёзилган менинг ушбу бесарлавҳа қиссаларимни ўқиган ҳар қандай одам юқоридаги фикримнинг тўғрилигига амин бўлади. Лекин шундай бўлишига қарамай, ўшал қуюн мени шафқатсиз тарзда савалади, сал бўлмаса томирим билан суғуриб ташлаёзди, ҳасад аъзойи баданимни чақиб ташладиким, энди доноларнинг: бу ёруғ жаҳонда фақат ҳақир кишиларгина ҳасад қилмайдилар, деган ҳикматли сўзларига тўла тушундим.

О, менинг оқила хонимларим, гап шундаки, мени сизларга ҳаддан зиёд шайдо бўлган деб, кўнглингизни хушлашга, кўтаришга урнишларимни одобсизлик деб таъкидловчи китобхонлар ҳам топилди қолди, ўзга китобхонлар эса, сизларни мадҳ этганим учун менга яна бадтарроқ дашном қила бошладилар. Яна баъзи бировлар, агар ётиғи билан айтиладиган бўлса, менинг ёшимда бундай мавзу билан яъни—аёллар ҳақида мулоҳаза юритиш ва уларнинг кўнглини овлашга урниш билан машғул бўлиш одобдан эмас, деб танбеҳ бердилар. Аксарият китобхонларнинг фикрича эса, агар мен ўз нақлларим билан сизларни бошингизни қотириш ўрнига Музалар билан Парнасада¹ истиқомат қилсам, кўп оқилона иш тутган бўлар эканман — буни қарангки, улар менинг обрўйим ташвишини қилиб шундай фикр юритишганим. Яна шундай «донишмандлар» ҳам топилдики, улар бирон оқилона фикр баён қилиш ўрнига мен тўғримда такаббурлик билан: «Бошини бўлар-бўлмас сафсаталар билан ғовлатиб, ҳаво ютиб кун кечиргандан кўра, нон-насиба таш-

¹ Парнаса — Юнонистондаги тоғнинг номи; ривоятларга қараганда, шерият ва мусиқа илоҳалари — музалар мана шу тоғда маскан қуришар экан. Бу ерда Боккаччо ўз фикрини рамзий маънода баён қилмоқда. (Тарж.)

вишини қилса яхши бўларди», деб таъкидлашади. Ниҳоят, яна шундайлар ҳам борки, улар менинг ижодимни қоралаш мақсадида жамки ёзганларимни, аслида тамомила бошқача бўлган, деб исботлашга уринмоқчи бўладилар.

Қамина сизларнинг хизматингизда бўлганим учун, муҳтарама хонимлар, мана шундай бўрон авж олмоқда менинг бошим узра, мана шундай қонсираган ўткир тишлар баданимга ботиб, менга азоб бермоқда. Худо шоҳид: мен барча таъна-маломатларни хотиржам тинглаб қабул қилмоқдаман. Аслида-ку, мени сизлар ўз ҳимоятингизга олишингиз лозим эди-ю, лекин ўз-ўзимни муҳофаза қилишга қарор қилдим. Мен ғийбатчиларимга муносиб тарзда жавоб қилишни лозим топмай, фақатгина қулоқларимни маломатдан иҳота қилиш учун қисқагина раддия билан чекланмоқчиман ва буни пайсалга солмай, ҳозироқ бажармоқчиман. Ахир, ижодимнинг ҳали учдан бирини ўтмасимданки, мени мазаммат қилувчилар шу қадар кўпайиб, шу қадар бешарм бўлиб кетишган экан, бунақада китобимга хотима ясаб улгурмасимдан олдин улар шунчалик болалаб, беҳисоб даражада кўпайиб кетадилар ва қарши зарбага дуч келмай, мени осонгина яксон қилиб ташлайдиларки, унда сизлар ҳам қанчалик қудратли бўлманг, уларнинг таънаю маломаткашларига қаршилиқ кўрсатишга ожизлик қилиб қоласизлар. Вале, мен айрим ғанимларимга жавоб беришдан олдин, ўзимни оқлаш мақсадида бир қиссадан ҳисса сўзлаб бермоққа қарор қилдимким, илло, сиз, ўзининг хусусий қиссасини китобидаги муҳтарам жамоа айтаётган ҳикоялар билан қориштириб юбормоқчи, деб ўйламанг яна,— қиссамнинг китобимдаги ҳикояхонларнинг ҳикояларига алоқадор эмаслиги унинг мана шу қиссадан бир ҳиссалигидан сезилиб турсин. Шундай қилиб, мен ўз ғийбатчиларимга мурожаат қиламан:

Қадим замонларда шахримизда, Филиппо Бальдуччи исмли бир одам ўтган бўлиб, у аслзодалар насабидан бўлмаса ҳам давлатманд, диёнатли ва ўз ҳунарини пухта ўрганган одам эди. У ўз хотинини жонидан ортиқ севар эди, хотини ҳам уни жуда яхши кўрарди, хуллас, улар тинч-тотув яшашар ва фақат бир-бирларининг кўнглини топишни ўйлардилар. Бироқ ҳамманинг бошига эртами-кечми тушадиган савдо кунлардан бир кун уларнинг ҳам бошига тушди: саховатли аёл ўша пайтларда эндигина икки ёшга кирган ўғилчасини Филиппога қолдириб, дорилбақога рихлат этди. Филиппо хотинининг ўлимидан кейин, ўзининг энг суюкли кишисини йўқотган ҳар қандай одам сингари қайғуга ботди. У жаҳондаги жами хазиналардан ҳам азизроқ ва лазизроқ бўлган умр йўлдошидан жудо бўлиб, бутун оламда ёлғиз ўзи сўппайиб қолди ва бу жамият даврасидан бош олиб чиқиб кетишга, умрининг қолганини, шунингдек, гўдак ўғлини ҳам худо йўлига хизмат қилишга бағишлашга қарор қилди. У бутун мол-давлатини мискинларга улашиб, ўзи Эшактоққа равона бўлди, у ерда ўғли билан бир ҳужрага жойлашди ва хайр-садақа билан кунини ўтказиб, сурункасига рўза тутиб, тоат-ибодат қилиб кун кечира бошладиким, у ҳаммадан ҳам ўғли билан бирон беҳуда нарса тўғрисида гап очишдан ёки унинг эътиборини худога сиғишидан четга тортадиган бирон нарсага қаратишдан ниҳоятда

қўрқарди; у ўғли билан муттасил боқий дунёнинг имтиёзлари ҳақида, парвардигор ва унинг азиз-авлиёлари ҳақида гаплашар, унга турли дуоларни ўргатарди. У ўғлини ҳужрадан ҳеч қаёққа чиқармай ва ҳеч ким билан гаплашишга йўл қўймай, жуда кўп йиллар давомида уни шу йўсинда ҳаёт кечирिशга мажбур этди.

Бу саховатли зот вақт-вақти билан Флоренцияга жўнарни — у ерда художўй кишилар унга тирикчилик учун зарур бўлган нарсаларни эҳсон қилишар, сўнг у яна ўз ҳужрасига қайтиб келар эди.

Мана, ниҳоят йигитча ўн саккизга кириб, Филиппо эса, хийла қариб қолган пайтда, кунларнинг бирида ўғил отасидан унинг қаёққа отлангани ҳақида сўради. Филиппо унга жавоб қилди. Шунда йигит деди: «О, падарим! Ёшингиз энди бир ерга бориб қолди, бундай олисга бориб келишга мадорингиз етмайди, бирон марта мени ҳам Флоренцияга олиб борсангизу тангримни ҳам, сизни ҳам эъзозловчи мўъминлар билан таништирсангиз бўлмасмикин? Мен ёшман, куч-қувватим ҳам сизга инебатап кўпроқ, кейин эҳтиёж туғилган чоғларда, иш юзасидан ўзим Флоренцияга бориб келаверардим, сиз бўлсангиз, уйда дам олиб ўтирардингиз».

Саховатли зот ўғлининг энди улғайиб қолганини ва ниҳоятда художўй бўлганини инобатга олиб, унинг дунёвий ҳаёт мўъжизаларига учмаслигига кўзи етди-да, нчида «Тўғри гапиряпти!» — деб ўйлади. Шундан кейин Флоренцияга борадиган бўлганида ўғлини ҳам ўзи билан бирга олиб кетди.

Йигит шаҳардаги сон-саноқсиз қасрлар, ўйлар, жомелар ва бошқа нарсаларни кўриши билан ҳанг-манг бўлиб қолди-ю, бундай манзараларни илгари қачон кўрганман, деб қанча бош қотирса ҳам ҳеч эслай олмади ва кўзига ниманки кўринса, отасига ёпишиб олиб, бу нима, оти нима, деб сўрайвериб безор қилди. Отаси унинг ҳар бир саволига жавоб қайтарар, — шунда ўғли жавобдан қаноат ҳосил қилиб, яна бошқа нарса тўғрисида сўрарди. Шундай қилиб, ўғил ҳамон савол бериб, ота унга жавоб қайтариб кетишаётганида қаршиларидан бир тўда гўзал ва ясанган аёллар чиқиб қолишди, — улар тўйдан қайтишаётган бўлишса керак, — ўғил уларни кўрган заҳоти отасига: «Мана булар нимади?» — деган савол билан юзланди.

Отаси эса, унга деди: «Бўтам, кўзларингни ерга тик, у ёққа қарама, улар макруҳдирлар».

«Уларнинг оти нима?» — деб сўради ўғил.

Ота ўғлида шаҳвоний нафсни уйғотмаслик ва унинг кўнглида гуноҳга ундовчи фикр пайдо қилмаслик учун аёлларни ўз оти билан атамасликка қарор қилди, ота шу сабабли: «Булар мода ғозлар», — деб жавоб қилди.

Во ажаб! Бу ердаги қасрларга ҳам, буқага ҳам, отга ҳам, эшакка ҳам, ақчаларга ҳам, хуллас, ўша кунни кўзига учраган ҳамма нарсага ҳам эътиборини қаратмаган ўғил, умрида ҳеч қачон аёл зотини кўрмаган бўлса ҳамки, шу чоғ бирдан отасига илтижо билан юзланди: «О падар! Менга битта мода ғоз олиб беринг».

«Бас қил, ўғлим! — деди ота. — Буни ҳатто хаёлингга ҳам келтирма. Улар макруҳдирлар!»

Шунда йигит: «Наҳот макруҳ нарса шунақа бўлса?» — деди.
«Шунақа бўлади», — деб жавоб қилди отаси.

Ўғли эса унга жавобан деди: «Ҳеч ақлим бовар қилмаяпти. Нечун уларни макруҳ деб айтяпсиз? Менимча, ҳеч қачон мен бундайин латофатли ва жозибали нарсани кўрмаганман. Булар ўзингиз кўрсатган суратлардаги фаришталардан ҳам чиройлироқ-ку. Елворамаи, ота! Агар мени яхши кўрсангиз, шу мода ғозлардан биттасини ўзим билан олиб кетишимга ижозат берасиз — мен уни боқаман».

«Йўқ, ижозат бермайман, — деб жавоб қилди ота. — Сен ҳали билмайсан ҳам уларни нима билан боқишни!» Шундай деди-ю, инсон табиати ондан ҳам қудратлироқ эканига имон келтирди ва ўғлини Флоренцияга олиб келганидан пушаймон бўлди.

Қиссамни шу ерда тўхтатиб, энди яна бояги ғийбатимни қилган одамларга мурожаат қилмоқчиман. Шундай қилиб, менга ғаразгўйлик қилувчилардан айримларининг фикрига қараганда, мен, о, навниҳол хонимлар, сизларни ўзимга батамом мафтун этиб қўяяпганмишман, ўзим эсам, сизларга ҳаддан ортиқ шайдо бўлиб қолганмишман. Лекин мен ҳам бунинг инкор этаётганим йўқ-ку. Дарҳақиқат, сизларга мафтун бўлганман ва ўз навбатида, сизларни ўзимга жазб этишга уринмоқдаман. Хўш, нима экан уларни таажжубга солаётган нарса? Ахир уларнинг ўзлари болдек тотли бўсалар, лаззатбахш қучишлар ҳузурини суришган ва кўпинча сизнинг, бебаҳо хонимлар, ижозатингиз билан ўша энг роҳатбахш яқинлик сафосини сурганлар-ку. Бу одамлар сизларнинг хушрафторлик маҳоратингизни, фусункор малоҳатингизни, дилрабо латофатингизни ва илова ўлароқ, пурҳиммат камтарлигингизни ҳамиша мушоҳада қилишадими, ҳеч бўлмаса, шул далолатнинг ўзини назарга олганда ҳам, — тақир тоғ чўққисида торгина ҳужрада тарбия кўриб ўсган, ўз отасидан бўлак ҳеч бир кимсани кўрмаган одам, сизларнинг биронтангизга майл қўйса, иккинчингизга ошиқ бўлса, учинчингизга шайдо бўлса не ажаб? Модомики, менинг жисим самонинг инояти билан муҳаббат учун яратилган экан, оташ нигоҳларингизнинг сеҳрли қуввасидан, ширин-ширин сўзларингиз латофатидан, ҳамдардона хўрсинишларингизнинг жўшқин алангасидан додираб қолган руҳим, ёшлик чоғимдан сизларга талпинаркан, модомики, мен сизларга шайдо эканману сизларни ҳам ўзимга мафтун этишга уринарканман ва ниҳоят, она сути оғзидан кетмаган саҳройи гўл — зоҳид йигитники, бошқа ҳамма нарсадан кўра, сизлар ўзингизга ром қилолган экансиз, қандай қилиб мени таҳқирлаш, бадном этиш, босиб-янчиш мумкин? Сирасини айтганда, сизларни севмайдиган, ўзларининг аёл зоти томонидан севилишни истамайдиган, бинобарин, асл таашшуқнинг нақадар қудратли ва нечоғлиқ оромбахш бўлишини синаб кўрмаган ва бошларидан кечирмаганларгина мени ёмонотлиқ қилишлари мумкин, эмо бу садқайи саримга.

Менинг қиссаларимдан кулганлар, не сабабдан пиёзнинг боши аллақачон оппоқ бўлгани билан барраси ҳануз ям-яшил эканлигини билишмаса керак. Ҳазилни йиғиштирайлик. Бу одамларга мен шуни

айтмоқчиман: модомики ёшлари анча қайтиб қолган Гвидо Кавальканти билан Данте Алигьери ҳам, мункиллаб қолган Чинно да Пистойя ҳам аёлларга хушомад қилишдан лаззатланган эканлар, уларнинг кўнглини топишни ўзлари учун саодат деб билган эканлар, мен ҳам то умрининг охиригача уларга хушомад қилишдан асло уялмагайман. Мен ўзимнинг баён қилиш усулимга содиқ қолишни истайман, йўқса, қадим замонларда шавкатли эрлар анча ёшга кириб қолган пайтларида ҳам жидду жаҳд билан аёллар кўнглини олишга уринганларидан далолат берувчи мисоллар тарихда беҳисоб эканлигини исботлаган бўлур эдим. Агар баъзи бировлар бу мисоллардан беҳабар бўлсалар, китоб ўқишсин.

Мени Парнас тоғида Музалар билан бўлишга ундовчи гапга келсак — мана бу, назаримда, яхши маслаҳат, лекин шуниси ҳам борки, на биз муттасил Музалар билан бўла оламиз ва на улар биз билан. Бинобарин, агар бирон зот улар билан видолашишга мажбур бўлса-ю, ўрнига-ўрин, шу музаларга ўхшовчи хилқатларга шайдо бўлса, буни ҳеч қандай айбга йўядиган беадаблик деб бўлмайди. Музалар — аёллардир ва гарчи аёллар Музаларга тенг кела олмасалар ҳам ҳар ҳолда, улар ўртасида зоҳирий ўхшашлик мавжуддир, шунга кўра, гарчи уларнинг ўзга бирон жиҳатлари менга мақбул бўлмаган тақдирда ҳам мазкур ўхшашликнинг менга ёқмаслиги мумкин эмас. Бунга илова ўлароқ, аёллар менинг кўпгина шеърларимга мавзу берганлар, ваҳоланки, Музалар биронта шеърга ҳам мавзу бўлолмадилар. Рост, улар ҳам катта ёрдам кўрсатганлар — менга шеър ёзишни ўргатганлар. Дарвоқе, ушбу жайдари қиссачаларимни яратаётган пайтларимда улар, — ё аёлларнинг кўнглини топиш учун, ё ўзлари билан улар ўртасидаги ўхшашлик туфайли бўлса керак, — кўп маротаба қошимга келиб, менга илҳом берган бўлсалар ҳам ажаб эмаским, ўз ҳикояларимни сизларга баён этарканман, кўпчилик одамлар тасаввур этгандек, Парнас тоғидан ҳам тушмайман, Музалардан ҳам узоқлашмайман.

Менинг доврўғимга ҳасад қилиб, менга нон-насиба ташвишини қилишни маслаҳат берганлар ҳақида нима десам экан? Нима дейишга ҳам ҳайронман. Мабодо қашшоқлашиб, улар олдига бир бурда нон тилаб борсам, менга қандай жавоб қилишларини жуда аниқ тасаввур қила оламан, — улар менга шундай дейишган бўларди: «Жўна, масалларинг боқсин сен!» Кези келганда, шуни айтиш керакки, шоирлар ўз масаллари билан кўпчилик боёнлардан ҳам кўпроқ нон топганлар, — улар масаллари билан ўз замонасининг доврўғини оламга таратганлар, ваҳоланки еб адо қилиб бўлмайди-ган даражада кўп ғалласи бўлган аксарият одамлар расво — радди бало бўлиб қирилиб кетишган. Э, нимасини гапирай! Уша насиҳат-гўйлар, агар мен улардан нон сўрасам, майли, мени қувиб солишсин, вале, худога шукур, ҳали мен нонга зор бўлганимча йўқ, борди-ю, зор бўлган тақдиримда ҳам ҳаворий айтганидек, йўқсилликда ҳам, тўқчиликда ҳам кун кечира оламан, демакки, бир амаллаб ўз ташвишимни ўзим қиламан.

Мен ҳикоя қилаётган нарсаларни, аслида бошқача бўлган, деб таъкидловчиларга келсак, агар улар менга асл воқеани ҳавола қила

олсалар, ғоятда дўстона хизмат қилган бўлардилар, ана ўшанда агар ўртада фарқ сезилгудек бўлса, уларнинг таъналарини эътироф этган ва хатомни тузатишга уринган бўлур эдим. Лекин ҳозирча булар фақат қуруқ гап, холос, бас, шундай экан, улар ўз фикрларидан қолаверсинлар, мен бўлсам, ўз фикримга амал қиламан ва улар мен тўғримида нима деб гапирсалар, мен ҳам улар тўғрисида шундай фикр юритаверман.

Хўп, бу галча шунинг ўзи кифоя бўлса керак. Мен парвардигордан мадад тилаб, сизларнинг кўмагингизда, о, кибриё хонимлар,— зеро бутун умидим сизлардан,— сабр-қаноат билан, орқамни шамолга тутиб, олға қараб юраман,— шамол қанча эсса, эсаверсин! Ўйлайманки, жуда нари борса, бошимга, чанг-тўзоннинг кунни тушар, жўшқин шамол, одатда, уни ё мутлақ ерга ёпиштириб ташлайди, ё бўлмаса, осмони фалакка учириб, авом халқ тепасидан, подшолар ва қиролларнинг тож-тахти устидан учириб ўтаркан, онда-сонда сарбаланд қаср ва минораларнинг томларига индиради, боринг, ана, тўзон у ердан тушиб ҳам кетди, дейлик, аммо у қуюн кўтарган ердан пастроққа тушмайди-ку. Бинобарин, агар мен илгари нима қилиб бўлса ҳам сизларнинг кўнглингизни олишга интилган эканман, эндиликда ҳам сизлар учун яна ҳам кўпроқ хизмат қилишга тайёрман, зеро сизларнинг камина янглиғ мухлисларингиз фақат шундай дейишлари мумкин: сизларга сажда қилмоқ, бу табиий ҳолдир. Табиат қонунларига қаршилик кўрсатиш учун эса ғоятда улкан куч зарурдир, мана шу боисдан қаршилик қилувчиларнинг уринишлари аксарият ҳолларда наинки бесамар бўлади, шунингдек, уларнинг ўзига ҳам катта зиён-заҳмат етказди. Ори рост, менда ундайин куч-қудрат йўқ, бўлгандаям ҳожатсиз, чунки ундай мақсаднинг ўзи йўқ менда, борди-ю, ўшандай кучим бўлганида ҳам уни тезроқ ўзгалар билан ўртоқлашган бўлур эдим. Демакки, менга дашном қилувчилар уларини ўчирсинлар, агар алангаланишга қурблари етмас экан, майли, муз бўлиб тўнгисинлар ва ўзларининг фосиқона майлларига эрк бериш билан ўз кўнгилларини кўтарсинлару меннинг бу бир зумлик ўткинчи ҳаётимда ўз билганимча кўнгилхушлик қилишимга халал бермасинлар.

Қаранг-а, сизлар билан хийла узоқ фурсат сайр қилдик, дилкушо хонимлар,— энди дастлабки манзилимизга қайтайлик-да, азалдан жорий этилган тартибимизга амал қилайлик.

Филострато ўз тўшагидан туриб, аини пайтда бутун жамоага ҳам турадиган пайт етди, деб хабар қилганида қуёш аллақачон самодан юлдузлар чаманини қувиб юборган, шабнам тушган рўйи заминдан тун кўланкасини ҳайдаган эди, ҳамма вақтичоғлик қилгани ажиб гулшанга чиқди; тушлик қиладиган пайт келганда эса, улар кеча кечқурун овқатланган ерларида тановул қилдилар. Қуёш қиёмга келган пайтда улар дам олдилар, сўнг ҳар сафаргидай, жозибали фаввора атрофига давра қуриб ўтирдилар, шунда Филострато ҳикоя бошлашни Фьяметтага буюрди, Фьяметта ҳам ортиқ эслатишларини кутиб ўтирмай, ғоят зўр малоҳат билан шундай сўзлай бошлади.

I

Салерно ҳокими Танкред ўз қизининг ўйнашини ўлдирди ва унинг юрагини олтин қадаҳга солиб қизига киритади; қизи у юракка оғу қуяди ва ўшал оғуни ичиб ўлади

— Бугун биз учун қирол ғамгин мавзу тайинлади. Нимасини айтасиз: биз бу ерга вақтихушлик қилгани тўпланган эдик, вале, ғам-андух ҳақида ҳикоя қилишимизга тўғри келади: ғам андух устида борганида ҳикояхонлар ҳам, тингловчилар ҳам азият чекканларга ҳамдард бўлмай қололмайдилар. Очигини айтганда, сўнги пайтларда биз меъеридан ортиқ кўнгилахушлик қилиб юборган эдик, — эҳтимолки, қирол шул кайфиятимизни бир оз чеклаш мақсадида бизга шундай топшириқ бергандир. Ҳарна бўлгандай, қирол нимайики ихтиёр қилган бўлмасин унинг хоҳишига эид иш тутишим одобдан бўлмайди, шунга кўра, мен сизларга ғоятда кўнгилисиз бир мусибат ҳақида ҳикоя қилиб бермоқчиманки, уни эшитиб, кўз ёш тўксак арзийди.

Салерно шаҳзодаси Танкред агар қариган чоғида қўлини ошиқ-маъшуқлар қонига бўяганини ҳисобга олинмаса, жуда одамохун ва оқкўнгил зот эди, унинг кўз очиб кўрган биттаю битта қизи бор эди (аммо оламдан бефарзанд ўтса, яхшироқ бўларди). Дунёда биронта падар ўз фарзандини Танкред ўз қизини севганчалик меҳрибонлик билан ардоқламаган эди, — мана шу сабабга кўра, аллақачон қизининг бўйи етган бўлса ҳам ота ҳамон уни эрга бермай уйда олиб ўтирарди, зеро қизидан айрилишни сира истамасди. Мана, ҳеч иложи қолмагандан кейин, у қизини Капуа¹ герцогининг ўғлига эрга берди, лекин қизининг пешонаси шўр экан — эри билан узоқ яшаш насиб этмади, барвақт бева қолиб, яна отаси бағрига қайтиб келди. Бу қиз жаҳонда энг сарвиқомат, энг соҳибжамол, навниҳол, довюррак ва аёлларга хос бўлмаган ақл соҳибаси эди. У меҳрибон отаси бағрида ҳаловатда ва фароғатда яшар, ота эса, уни шу қадар яхши кўрардики, иккинчи марта эрга беришга ҳеч ошиқмасди, қиз ҳам бу борада отасига оғиз очишга истиҳола қиларди, шунга кўра, у агар имконият тугилса, ўзига муносиб бирон маҳбуб топишни ва у билан имжимида мулоқотда бўлишни ўйлай бошлади. Шу ният билан у отасининг қасрида хизмат қилувчи аслзода аёнларга, шунингдек, иаст табақали эркакларга ҳам разм сола бошлади, — бундайлар ҳамма саройда бўлгани каби бу ерда ҳам топиларди; қиз уларнинг

¹ Капуа — Италиянинг Козерта вилоятидаги шаҳар ва қалъа. (Тарж.)

рафторини, хулқ-атворини кузатиб юриб, ниҳоят, отаси қўлида ишловчи Гвискардо исмли ёш хизматкор йигитга эътиборини қаратди: гарчи бу йигит бенаво бўлиб туғилган бўлса ҳам қалб фазилати ва рафтори жиҳатидан ҳар қандай аслзодадан олижаноброқ одам эди, қиз мана шу одам билан бот-бот учрашиб, ҳар кун сайин унинг хулқ-атворида кўпроқ назокат аломатларни учратиб, ахири унинг кўйида пинҳоний ҳирс алангасида ёна бошлади. Кези келганда айтиш керакки, йигит ҳам ғоятда тийрак ақл соҳиби эди, мана шунинг учун у аёлнинг эҳтиросини пайқамай қола олмади ва оқибат у ҳам аёлга шу қадар шайдо бўлиб қолдики, дунёдаги ҳамма нарсани унутиб юборди.

Хуллас, улар бир-бирларини яшириқча севиб қолдилару ёш жувоннинг ягона орзуси қандай қилиб йигит билан овлоқда учрашишдан иборат бўлиб қолди, бироқ у ўзининг юрак сирини бирон кимсага очишдан қўрқиб, йигит билан қандай учрашиш ва ўз ниятини унга изҳор қилиш учун антиқа бир ҳийлани ишга солди. У йигитга нома ёзиб, номада унинг эртаси куни қандай иш кўриши лозимлигини тушунтирди. Сўнг, номани найча қилиб ўраб, қамиш ичига тиқди-да, Гвискардога тутқазаркан, нозли қиёфа билан деди: «Буни кечқурун оқсоч хотинга бер — ўт ёқаётганда шу билан дам берсин».

Гвискардо қамишни олди-ю, буни жувон унинг ўзига берганини ва бекорга бундай сўзлар билан юзланмаганини тушуниб, ўз хонасига борди, у ерда қамишни кўздан кечириб, ковагидан хат топиб олди, очиб ўқиди ва ўзининг қандай иш тутишини англаб, жуда хурсанд бўлиб кетди-да, қиз белгилаган жойда у билан учрашишга ҳозирлана бошлади. Ҳукмдорнинг қасрига яқин ердаги тоғда бир вақтлар ғор қазилган бўлиб, бу ғорга унинг оғзидаги туйнукдан ғира-шира ёруғ тушиб турарди, ғор кўпдан бери ташландиқ бўлиб қолгани ва унга борадиган йўлни чақиртиканак ва ўт-ўланлар босиб кетгани учун унга фақат ҳукмдорнинг қизи турадиган пастки қаватдаги хонадан махфий нарвон билан тушиш мумкин эдиким, нарвон турган ерга очиладиган эшик ҳам миҳлаб ташланган эди. Бу ерда нарвон борлигини ҳамма аллақачон унутиб юборган, кўп замонлардан бери бу йўлдан ҳеч ким фойдаланмас, эндиликда эса ўша нарвоннинг қаердалигини эслай оладиган деярли ҳеч ким қолмаган ҳам эди. Бироқ нигоҳига ҳар қандай сир ҳам аён бўлиб кўринувчи севги худоси — Амур ушбу нажот йўлини ошиқ аёл кўнглига солди. У ўз ниятини ўзгага ошкор қилмаслик учун ўзи бир неча кун давомида эшик билан овора бўлиб, ахири турли-туман ускуналар ёрдамида уни очишга муваффақ бўлди. Эшикни очгач эса, ғорга тушди, у ерда туйнук кўрди, сўнг у Гвискардога хабар қилиб, унга шу туйнукдан киришга уриниб кўришни айтarkan, туйнукнинг қандай балангликда жойлашганини ҳам айтди. Гвискардо пайсалга солиб ўтирмай, арқон ҳозирлади, осилиб чиқиш ва тушиш қулай бўлсин учун арқоннинг ҳар ер-ҳар еридан тугун тугди ва эртаси куни тунда, баданини тикан тилиб юбормаслик учун эгнига теридан тикилган кийим кийиб ва бу ҳақда ҳеч қимга чурқ этиб оғиз оч-

май, гор томон йўл олди, арқоннинг бир учини гор оғзида ўсган азим туп дарахтининг танасига сириб боғлаб, шу арқонга осилиб горга тушди-да, ўз маҳбубасини ўша ерда кута бошлади. Бу орада қиз, ўзини уйқу элитаётгандай қилиб кўрсатиб, канизакларини хонадан чиқариб юборди, хонаси эшигини ичидан беркитиб, нарвон турган ерга чиқадиган эшикни очди-да, горга тушиб, Гвискардони кўрди, икковлари бир-бирларининг висолига етишганидан шодланиб кетишди ва қизнинг хонасига кўтарилиб, бу ерда деярли бутун кунни ғоятда зўр лаззату сафода ўтказишди. Кейин Гвискардо муҳаббатлари сиридан биров огоҳ бўлиб қолмасин учун ғоятда эҳтиёткорлик билан яна горга тушди, қиз эса унинг орқасидан эшикни ёпиб, канизаклари олдига чиқди, Гвискардо қоронги тушгунча пойлаб ўтириб, кейин ўша арқонга тирмашиб, туйнук орқали гордан чиқди-да, ўз ҳужрасига қайтди. Шу йўсинда у яна бир неча маротаба маҳбубаси билан учрашгани борди.

Бироқ уларнинг давомли ва ғайри тавсиф камоли саодатлари-га фалак ҳасад қилди ва бир кўнгилсиз воқеа оқибатида, ошиқ-маъшуқларнинг саодатини мунгли надоматга айлантирди. Танкред қизининг олдига тез-тез кириб турарди, — одатда у ёлғиз ўзи келар ва қизи билан бир оз суҳбатлашиб ўтириб, яна чиқиб кетарди. Кунларнинг бирида у тушлик овқатдан кейин қизининг хонасига кирди; қизи — унинг исми Гисмонда эди, — бу пайтда канизаклари билан сайр қилиб юрган эдиким, Танкреднинг бу ерга кирганини ҳеч ким кўрмадиям, эшитмадиям; у киришга кирди-ю, аммо қизининг вақтичоғлиқ қилишига халақит қилишни истамеди; хонанинг деразалари берк, чорпоя устидаги парда тушириғлиқ эди; Танкред бурчакда турган курсига бориб ўтириб, чорпояга суянди-ю, гўё атайлаб бировдан беркинаётгандай, парда билан ўзини яширди ва шу алфозда мудраб кетди. У ухлаб ўтирган пайтда; бахтга қарши, айни шу бугун Гвискардо билан учрашишга шартлашган Гисмонда канизакларини боғда қолдириб, оҳиста ўз хонасига кирди, эшикни занжирлади ва отасининг шу ерда эканлигидан беҳабар, зина эшигини очиб, у ерда турган Гвискардони хонага киритди; кейин икковлари, ҳар сафаргидай, чорпояга ётишди-ю, от-отакам ўйнаб, шўхлик қила бошлашди, шунда бирдан Танкред уйғониб кетиб, Гвискардо билан қизининг қилаётган найрангбозлигини ўз кўзи билан кўрди. Бундай ҳолдан тепа сочи тикка бўлган ота уларни бақариб койиб бермоқчи бўлди-ю, лекин яна бу фикридан қайтди ва чурқ этиб товуш чиқармасликка, ўзи ўтирган хуфия гўшадан чиқмасликка аҳд қилди-да, ўзини ҳаминқадар камроқ шарманда қилувчи усулни қўллаган ҳолда, ҳалитдан кўнглига тугиб қўйган режасини ими-жимиди амалга оширмоқчи бўлди. Ошиқ-маъшуқлар тўшакда узоқ вақт ишрағ қилиб ётишди, кейин хайрлашиш пайти етгач, ўринларидан туришди, Гвискардо горга тушди, қиз эса, хонасидан чиқиб кетди. Танкред, анча кексайиб қолган бўлишига қарамай, деразадан боққа сакраб тушди ва ҳеч кимнинг кўзига кўринмай, ғамга ботиб ўз кўшигига қайтди.

Эртаси куни тунда, яхши одамлар бир уйқуни олишган пайтда, икки хизматкор ҳокимнинг фармониға биноан Гвискардони гор оғзида пойлаб туришди ва чарм либосда бўлганлигидан унчалик қовуша олмаган йигитни қўлга туширдилар-да, Танкред ҳузуриға олиб бордилар. Танкред Гвискардони кўриши билан йиғламоқдан бери бўлиб унга деди: «Гвискардо! Сенга кўрсатган ҳимматим эвазига бутун авлодимни иснодга қўйдинг, бадном қилдингки, бунга ўзим шоҳид бўлдим».

Бунга жавобан Гвискардо фақат шундай деди: «Муҳаббат сизу биздан кучлироқдир».

Танкред уни барчадан махфий тарзда, шу яқин ўртадаги хоналардан бириға қамаб, зийраклик билан қўриқлашни буюрди, буйруқ дарҳол бажо қилинди.

Эртаси кун Танкред хаёлидан сон-саноқсиз режаю чораларни ўтказиб, тушликдан кейин, одати бўйича, ҳали ҳеч гапдан хабари йўқ қизининг хонасига кирди, унга одам юборди ва эшикни ичидан беркитиб, кўз ёш тўкиб гапира бошлади: «Гисмонда! Мен сенинг маъсума ва номусли аёл эканлигингга шунчалик ишонган эдимки, ўз эрингдан бўлак бирон-бир эркакнинг қўйнига киришга наинки аҳд қилганинг, ҳаттоки бу тўғрида ўйлаганинг ҳақида битта-яримтадан эшитсаму, аммо ўз кўзим билан кўрмасам, бундай гапга икки дунёда ҳам ишонмаган бўлардим, — мана шу боисдан, агар қилган найрангларингни эсласам, кексайган чоғимда, бу ёруғ жаҳонда менга nasib этган уч-тўрт йиллик умрим муттасил ғам-андуҳда ўтса керак, деб ўйлайман. Баски, пешонангга шундай шармандалик ёзилган экан, ҳеч бўлмаганда, ўзингга тенгингни топсанг бўлмасмиди, саройимдаги шунча одам орасидан келиб-келиб Гвискардони — насл-насаби мутлақо мавҳум, гўдаклигидан то шу вақтга қадар фақат ҳиммат юзасидан ўз саройимда асраб келаётганим йигитчани танладингми? Ахир бу қилмишинг билан юрагимни исканжага солиб эзиб ташладинг-ку, мен сени нима қилишимни ҳам билолмай қолдим. Гвискардони тунда гордан чиқиб келаётган пайтида тутиб олишни буюрган эдим, — унинг тақдирини ҳал қилиб қўйганман, аммо сени нима қилишим лозимлигини ёлғиз худонинг ўзи билади. Бир томондан сенга бўлган оталик меҳрим, — ахир ҳеч бир ота ўз қизини мен сени севганимчалик севмас эди, — иккинчи ёқдан сенинг ўта фаросатсизлигинг туфайли қалбимда уйғонган ҳаққоний ғазаб тилга кирапти: меҳрим сени афв этишимни талаб қиляпти, ғазабим эса, ўз феълимга зид ўлароқ, сенга қарши шафқатсиз бўлишга ундапти мени. Лекин бирор қарорга келишимдан олдин содир бўлган воқеа тўғрисида сенинг фикрингни билишни истардим». Ҳоким шундай дея бошини хам қилиб, худди калтак еган гўдакдек йиғлаб юборди.

Гисмонда отасининг гапидан наинки ғойибона мулоқотлари фош бўлганини, балки Гвискардонинг ҳам ҳибсга олинганини англаб, ниҳоятда мушкул аҳволга тушди ва бунақа аҳволга тушадиган аёлларга тақлид қилиб, бир эмас, бир неча маротаба айюҳаннос солмоқчи, оҳ-воҳ қилиб юрагини бўшатмоқчи ҳам бўл-

ди-ю, бироқ унинг заифлигидан ғурури устун келди ва бутун кучини йиғиб, бутун дарду аламини ичига ютишга уринди ва қалбининг теран ерида, отасидан илтижо қилмасдан, энди ҳаёт билан видолашаверишга аҳд қилди, зеро у Гвискардони аллақачон оламдан ўтганлигига тамоман ишонган эди.

Мана шу сабабли, у отаси билан гаплашганида, ўзини азият чеккан ёки гуноҳи ошкор бўлган аёлдек тутмади, — бу дақиқада унинг қиёфаси осуда ва мардонавор эди, асло саросимага тушмаган кўзлари дадил боқар эди. «Ота! — деди у. — Мен айбимдан тоғмоқчи ҳам, ўзимни ерга отиб ёлвормоқчи ҳам эмасман, — барибир бундан менга наф тегмасди, очигини айтсам, наф тегишини истамайман ҳам. Аммо бу билан менга мурувват қил, деб ёлвормоқчи ҳам, оталик меҳрингдан фойдаланмоқчи ҳам эмасман, — мен фақат барча қилмишларимга иқрор бўлмоқчи ва ўз номусимни муҳофаза қилмоқ учун асосли далиллар келтирмоқчиман, ундан кейин иродамининг собитлигини амалда исботламоқчиман. Ҳа, тўғри: мен Гвискардони севганман, ҳозир ҳам севаман, бундан кейин ҳам, то ўла-ўлгунимча севажакман, — ўлимим эса яқин қолган, — ва лекин бунга ўзимнинг аёллик заифлигимдан кўра кўпроқ, биринчидан, мени ерга беришга ошиқмаганинг, иккинчидан эса Гвискардонинг фазилатлари сабабчидир. Ўзинг жуда яхши биласан-ку, ота, баски сен жонзот экансан, пуштикамарингдан бўлган қизинг ҳам тошдан ёки темирдан ясалган эмас, у ҳам жонзотдир, бинобарин, сен, гарчи қариб қолган бўлсанг ҳам ёшлик одатлари қандай бўлишини, унинг моҳиятини ва қандай куч билан ўзини намоён қилишини билмоғинг лозим эди. Сен ҳаётингнинг энг лазиз йилларини эркак зотига монанд бўлган ҳарбий машғулотларга бағишладинг, шунга қарамай, фароғатли ва ҳаловатли ҳаётнинг кексайган одамларга — ёшларга-ку инчунин, — қандай таъсир этиши сенга аён бўлмоғи лозим. Хуллас, менки, сенинг фарзандинг эканман, демак жонзотман, бунинг устига ҳали жаҳонда шу қадар кам яшаганман, бинобарин, ўзимни ёш деб ҳисоблай оламанки, айнан мана шу вазият вужудимда эҳтиросимни жўш урдирмоқда ва айниқса, эрлик хотин бўлиб, ҳирс аҳтиёжини қондириш нақадар нашъали бўлишини ўзим синаб кўрганимдан кейин, ўшал эҳтиросим яна юз чандон кучлироқ алангалана бошлади. Мен ўз тамайюлимни сиришга ожизлик қилиб қолдим ва ҳамма навнихол жувонларда бўлганидек, тамайюлимга таслим бўлдим севиб қолдим. Холисанлилло гапирсам, табиатнинг ўзи менга рўпара қилаётган гуноҳ иш сени ҳам, ўзимни ҳам бадном қилмаслиги учун иложи бўлган ҳамма чораларни қўлладим. Раҳмдил Амур ва марҳаматли фалак мен учун хуфиена йўл топиб кўрсатдиларким, шу йўл туфайли мен ўз ниятигма пинҳона ета бошладим. Лекин у йўлни сенга бирон кимса кўрсатдими ё ўз ақлинг билан топдингми — билмадим, ҳар ҳолда, топганингни инкор этмайман. Мен бошқа аёлларга ўхшаш иш кўрганим йўқ: Гвискардони танилаганим — тасодиф эмас — фақат теран мулоҳаза оқибатидагина уни ўзгалардан афзал эканлигига иқрор бўлдим, ҳар томонлама ўйлаб, мулоҳаза қилганимдан

кейингина ёнимга йўлатдим, натижада, пурандиша вафо билан, ўз эҳтиросим лаззатидан узоқ вақт баҳраманд бўлдим; Гвискардо ҳам менга айнан шундай садоқат кўрсатди. Илло, сен менинг ахлоқан инқирозга юз тутганимга эмас, балки кўпроқ нолойиқ одамни танлаганлигим учун заҳрингни сочиб маломат қиляпсан, зеро сен, менинг тушунишимча, зодагонлар бидъати остидасан: менинг зоти паст одам билан қовушганлигимни пеш қиляпсан, гўё унинг ўрнига биронта аслзода фарзандини танлаганимда, бу қилмишимни бу қадар шафқатсизлик билан таҳқирламаган бўлардинг. Аммо бу менинг гуноҳим эмас, балки иззат-икромга сазовор бўлмаган шахсларни кўпинча кўкларга кўтариб, ҳамду саного сазовор бўлган кишиларнинг бошига эса, бадбахтлик ато этувчи фортунанинг¹ гуноҳи эканлигини сен тушунишни истама-япсан. Бироқ ҳозирча бу гапни қўя турайлик. Сен жисмлар тузумига эътибор бер — шунда жамики одамзод пайкари бир хилда таркиб топганининг, яратувчи ягона эгам ҳаммамизнинг руҳимизга бир хилдаги хислатлар, қобилиятлар хусусиятлар ато этганининг шохиди бўласан. Биз илгарилари ҳам, бир хилдаги хилқатлар бўлиб дунёга келганмиз, ҳозир ҳам шундай — илк бор орамызга фарқ солган нарса саховат бўлади, кимда-ким пурсаховат бўлса ва саховатини амалда намоён қилишга астойдил уринган бўлса, ўшани аслзода деб, қолганларни эса — зоти паст, деб юрита бошлаганлар. Гарчи ушбу низом, оқибатда муқобил қоида томонидан сиқиб чиқарилган бўлса ҳам шунга қарамай, одамзод хусусияти ҳам, шуниндек, жамият атвори ҳам ҳали ундан тамомила фориг бўлганича йўқ. Мана шу боисдан саховат кўрсатган одам, ўзини аслзода эканлигини намоён қилади; борди-ю, уни бошқача ном билан атагудек бўлсалар, унда бунинг гуноҳи аталганга эмас, балки атаганга тушади. Сен ўз аъёнларингга назар ташла, уларнинг турмуш тарзларини кузат, уларнинг хулқ-атвори ва одатларига синчиклаб қара-ю, нигоҳингни Гвискардога қарат, агар сен шундан кейин холисанилло ҳукм чиқарадиган бўлсанг, Гвискардони энг аслзода инсон, деб аслзода сифатида эъозлашиб келаётганларни эса, — қора халқ, деб атайсан Гвискардонинг фазилати ва камолатига келсак, бу борада мен фақат сенинг сўзларингга-ю, ўз кўзларимга ишонган эдим. Унинг чинданам таҳсинга лойиқ бўлган ишларини огиз кўпиртириб мақтаган сен эмасмидинг? Фақат мақтовга сазовор одам ҳақида яхши гаплар айтишади-да.. Холисона гапирганда, сен унинг фаросатига қойил қолган эдинг: агар кўзларим мени алдамаган бўлса, сен уни бирон марта ҳам бекордан-бекорга мақтамаган эдинг, — боз устига: у ҳар доим ҳар қандай мақтовдан ортиқроқ иш кўрсатарди. Агар мен уни танлаб янглишган бўлсам, фақат сенинг касрингга қолиб шундай алданганман. Шу гаплардан

¹ Ф ор т у н а — қадимги Рим мифологиясида — тақдир илоҳаси. Одатда кўзи боғлиқ, қўлига мўл-кўллик рамзи бўлган шохни ушлаган ҳолда ё шар, ёники ёлдирак устида тасвирланадики, бу бахт-толенинг беқарорлигидан дарак беради. (Тарж.)

кейин ҳам зоти паст одам билан қовушибсан, деб менга таъна қилишга тилинг борадими? Агар тилинг борганида ҳам бу гапинг ёлгон бўлади. Борди-ю, уни камбағал деб атайдиган бўлсанг, бу фикрингга қўшилса бўлади, вале, бу — ўзингнинг обрўйингга пугур етказадиган ҳол, — демак, сен таҳсинга лойиқ одамни, ўз хизматкорингни ўзинг муносиб тақдирлай олмагансан, ҳолбуки, камбағаллик нажобатнинг эмас, балки фақат мол-давлатнинг йўқлигини билдиради. Кўпгина қироллар, бир қанча князлар қашшоқ бўлганлар, аммо ер ҳайдаётган деҳқонлару мол боқаётган подачиларнинг кўпчилиги бадавлат бўлишган ва ҳозир ҳам шундайдирлар. Қани, бўла қол, энди буни нима қилсам экан, деб кўп бошингни қотириб ўтирма. Агарки, сен шунча умр кўриб ҳеч қачон қилмаган ишга, қариб қолган чоғингда қўл урмоқчи, яъни шафқатсизлик қилмоқчи экансан, ўз ғазабингни менинг бошимга ёғдир, боз устига, сендан шафқат сўрамоқчи ҳам эмасман: негаки, агар айб ҳақида гапириладиган бўлса, ҳамма бўлган ишга ёлғиз мен айбдорман. Гапимга ишонавер: сен Гвискардони не кўйга солган ёки солмоқчи бўлсанг, менга ҳам ўшандоқ жазони раво кўр, ўз жонимга ўзим қасд қилгайман. Бор, хотинларга жўр бўлиб ув тортиб аза оч, ундан кейин, қаҳру ғазабга тўлиб, бир зарб билан маҳбубимни ҳам, мени ҳам ўлдир, агар бизни шундай жазога лойиқлигимизга имонинг комил бўлса».

Қизининг маҳобатли қалби ҳокимга аён бўлган бўлса ҳам унинг ўз ниятини рўёбга чиқаришига унчалик ишонмади. Шундай хаёллар билан у қизининг олдидан чиқиб кетди-ю, фарзандидан нитиқом олиш ниятини тарк этди, — бутун қаҳру ғазабини қизининг маҳбуби бошига ёғдирмоқчи ва шу билан унинг сийнасидаги муҳаббат алангасини сўндирмоқчи бўлди; шу қарорга келди-ю, икки навкарини чақириб, тунда, ҳеч қандай товуш чиқармай, Гвискардони бўғиб ўлдиришни ва унинг кўксидан юрагини суғуриб олиб, унга олиб келишни буюрди, буйруқ у айтгандай бажарилди.

Эртаси куни Танкред каттакон чиройли олтин қадаҳ олиб келишларини буюрди ва қадаҳга Гвискардонинг юрагини солиб, садоқатли хизматкори орқали қадаҳни Гисмондага юбораркан, унга шундай деб айтишни буюрди: «Отанг учун дунёда энг азиз бўлган нарсани сен қандай асраган бўлсанг, у ҳам сен учун ўта ардоқли бўлган нарсани сенга тасалли сифатида юборди».

Бу орада Гисмонда, ўзининг мушкул аҳволда эканлигини инкор этмай, заҳарли гиёҳлар ва томирлар олиб келишни буюрган ва башарти гумоним тўғри чиқиб қолгудек бўлса, қўл остимда тайёр оғу бўлсин, деган мақсадда отасининг йўқлигидан фойдаланиб, ўзига шундай оғу тайёрлаб қўйган эди. Хизматкор совға олиб келиб, ҳокимнинг гапини баён этганида, қиз асло чўчимамай, қўлига қадаҳни олди, унинг ичига қаради, ундаги юракни кўриб, отасининг нима демоқчи бўлганига тушунди, тушунди-ю, юрак Гвискардонники эканлигига батамом ишонди. У хизматкорнинг кўзларига тик қараб туриб: «Бундай қалбга олтин дахма муно-

сиб — отам доно иш тутипти» — деди. Шундай дея, Гисмонда юракни оғзига яқин олиб бориб ўпди. «Отам умримнинг мана шу сўнгги кунига қадар ҳамма вақт ва ҳар соҳада менга энг самимий меҳр қўйиб келди, — деб давом этди у, — илло, бугун у меҳрибонликни ҳар доимгидан ҳам ўтказиб юборипти, — бориб отамга унинг бу бебаҳо тортиғи учун менинг сўнгги миннатдорчилигимни изҳор эт».

Кейин у ўз қўлида маҳкам ушлаб турган қадаҳга юзланиб, ундаги юракдан кўзини узмаган ҳолда яна гапира бошлади: «О, нашъу намоларимнинг пурлаззат маъбади! Бугун сени жисмий кўзларим билан кўришга мажбур этганининг шафқатсизлигига лаънат ёғсин! Сени мудом қалб кўзларим билан мушоҳида қилиб турганимнинг ўзи кифоя эди-ку, менга. *Сен ҳаётнинг ниҳоясига нуқта қўйдинг*, қисматингга битилган ҳамма ишни бажо айладинг. Сен ҳар бир инсоннинг армони ҳисобланмиш маррага етдинг, сен бу бевафо дунёни унинг ғам-андуҳлари билан бирга тарк айладинг, ғанимнинг эрса, сенга, жасоратингга монанд дахма армуғон этди. Сени дафн этиш учун ҳаётлик чоғингда жондан ортиқ севганинг маҳбубангнинг кўз ёшларигина етишмаётган эди. Парвардигор сени мана шу кўз ёшлардан маҳрум этмасликни ихтиёр қилди ва золим отамнинг кўнглига, сени менга юбориш фикрини солдиким, гарчи мен кўз ёши тўкмай, мардона жон беришга қарор қилган бўлсам ҳам кўз ёшимни сен учун армуғон этгум. Сўнгра мен ҳеч иккиланмай сенинг ёрдамингда ўз жонимни, о юрак, сен ғоятда авайлаб-асраган жон билан қовуштиргум. Ахир сенинг жонингдан бўлак яна ким билан мавҳум ёқларга бундай хотиржам ва хуррам кайфиятда равона бўлишим мумкин? Аминманки, руҳинг ҳали шу ерда, у иккови-мизнинг ушбу оромгоҳимизни мушоҳада қилмоқда, у мени севган ҳолда (бунга асло шубҳам йўқ), руҳимни кутмоқда, руҳим эса, уни дунёда ҳамма нарсадан ортиқроқ севади».

Бундай мусибатга учраган жамики аёл зотига тамомила зид ўлароқ, Гисмонда бирон марта ҳам зорланмади, — жимгина қадаҳ устига бошини эгди-ю, гўё бошида кўз ёши чашмаси бордек, жонсиз юрак устига кўз ёшларини дув-дув тўкиб, ундан қайта-қайта бўса ола бошлади. Атрофида турган канизаклар юракнинг кимники эканлигини билишмас, қизнинг гаплари мазмунига тушунишмас эди, шунга қарамай, ҳаммалари унга ачинишиб йиғисига жўр бўлдилар, унга ҳамдардлик билдирдилар, йиғисининг боисини суриштирдилар ва қўлларидан келганча, унга тасалли беришга ҳаракат қилдилар.

Гисмонда тўйиб-тўйиб йиғлаб олиб, бошини кўтарди ва кўзларини артиб деди: «О, ардоқли юрак! Сенинг олдингдаги бурчимни адо этдим — энди фақат ўз руҳимни сенинг руҳинг билан туташтиришим қолди». Шундай дея у тоқчадаги кўзани олиб беришларини сўради, — кеча ўзи тайёрлаган оғуни у шу кўзага қўйиб қўйган эди, — ва ул оғуни ўз кўз ёшлари билан ювган жонсиз юрак устига қўйди. Сўнг дадиллик билан қадаҳни кўтариб, ундаги суюқликнинг барини ичди, қадаҳни қўлидан қўймай,

тўшагига ётди, ўлган маҳбубининг юрагини ўз юрагига зўр эҳтиром билан босиб, жимгина ўлимини кута бошлади.

Буларнинг ҳаммасини кўрган ва эшитган канизаклар, гарчи Гисмонданинг айнан нима ичганидан гофил бўлсалар ҳам Танкредга одам юбордилар, у, энди содир бўлиб бўлган нарсанинг юз беришидан қўрқиб, қизининг кошонасига ошиқди; у кириб келганида қиз энди тўшакка ётган эди. Ота қизининг аҳволини кўриб, энди ширин сўзлар билан тасалли беришдан унга наф йўқлигини тушуниб, аччиқ-аччиқ йиғлай бошлади.

Қиз эса унга шундай деди: «Ота! Кўз ёшларингни номатлуб қайғу учун асраб қўй, уларни менинг тепамда тўкма — мен учун керак эмас кўз ёшларинг. Бу юрак орзу қилган кимсага сендан бўлак яна ким кўз ёш тўкди? Вале менга бўлган оталик меҳринг ҳали буткул сўнмаган бўлса, сўнги марҳаматингни аяма: менинг Гвискардо билан гойибона ва пинҳоний мулоқатда бўлганим сенга қанчалик манфур бўлган бўлса ҳам унинг жасадини қаерга кўмишингдан қатъий назар, ҳамманинг кўзи олдида менинг ҳам жасадимни у билан ёнма-ён дафн этишларига ижозат бер». Ҳокимнинг ўпкаси тўлиб кетганидан қизига жавобан ҳеч нима дея олмади. Шунда жувон, ажали яқин қолганини ҳис қилиб, жонсиз юракни кўксига яна маҳкамроқ босди-ю: «Сизларни худо ўз паноҳида асрасин, мен ўляпман»,— дея олди. Кўзлари хиралашди, ҳеч нима сезмай қолди ва бу ғамгин дунёйи бевафони тарк айлади.

Шундай қилиб, Гвискардо билан Гисмонда муҳаббатининг машъум ниҳояси сизга аён бўлди. Танкред эса, кўп кўз ёш тўкди ва ўзининг бешафқатлигидан кеч пушаймон еб, бутун Салерно аҳлининг оҳ-зорлари, фарёд чекиб аза тутиши остида ошиқ-маъшўқларни иззат-икром билан бир дахмага дафн этган экан.

2

Роҳиб Альберт, сизга сармалак Жаброил ошиқ бўлиб қолган, деб бир жувонни шонтиради ва ўзи Жаброил қиёфасига кириб, ул аёлникида бир неча маротаба тунайди, аммо бир кун кечаси аёлнинг қариндошларидан қўрқиб, ўзини деразадан ташлаб қочади ва бир фақирнинг кулбасида паноҳ топади; эртаси кун фақир уни ёввойи одам қиёфасига киритиб шаҳар майдонига етаклаб борадики, шунда ҳамма уни танийди, роҳиблар эса уни ушлаб зиндонга ташлайдилар

Фьяметтанинг қиссаси бир неча маротаба дугоналари кўзини филт-филт ёшга тўлдирди. Фьяметта қиссасини айтиб бўлгач, қирол маъюс қиёфада деди:

— Гвискардо билан Гисмонда сурган ўшал сафонинг ярмини кўриш менга насиб этганда, ўлсам ҳам армоним қолмасди, ҳа, бунинг ҳеч ажабланидиган ери йўқ: тўғри, мен яшамоқдаман, аммо ҳар соатда минг дапқир ўлиб-тириляпман, шунга қарамай, ҳаёт нашидасининг учқуни ҳам насиб этмаяпти менга. Ҳай, вақт-соати етгунча, менинг аҳволимни ўз ҳолича қолдирайлик,

— мен ҳозир Пампинеядан қисман бўлса ҳам менинг ушбу аҳволимни эслатувчи биронта ғамгин қисса сўзлаб беришни сўрайман. Агар у Фьяметтанинг изидан борса, ҳеч шак-шубҳа йўқки, бунинг ҳам қиссаси вужудим алангасини совитувчи шудринг янглиғ бўлгай.

Пампинея бу фармонни тинглаб, қиролнинг нима демоқчи бўлаётганига унча яхши тушунмади, илло, ўз дугоналарининг кайфиятини аёллик туйғуси билан ҳис қилди, бинобарин, у қиролнинг кўнглини топишдан ҳам кўра,— кўнглини топадиган бўлса ҳам, фақат унинг фармонини бажариш билан топиб,— кўпроқ дугоналарининг руҳини кўтариш ниятида, берилган мавзу чегарасидан чиқмаган ҳолда, бир кулгили қисса сўзлаб беришга аҳд қилди ва қиссасини шундай бошлади:

— Халқда шундай нақл бор: «Аҳли дийнатнинг касби — хиёнат». Бу нақл берилган мавзу бўйича мусоҳаба олиб боришимга имкон бериши билан бирга, айни пайтда, жудаям кенг ва эгаги узун ридо кийган, чеҳралари нақ кесакдек гезарган роҳибларнинг қандай риё ишлар билан шуғулланиши ва бу риёкорликлари қай даражада кучли эканлигини сизларга намойиш қилишимга ҳам имкон беради; хусусан, улар хайр-эҳсон сўраган пайтларда, хушомадона ва маккорона овоз билан, ўз шахсиётининг қусурларини ўзгаларда кўриб қолишган тақдирда эса, таҳдидона айюҳаннос солиб қавмларни шу нарсага ишонтироқчи бўладиларки, гўё улар садақа олиш билан, қолган бандаларнинг ҳаммаси эса, хайр-садақа қилиш билан савоб иш қилишармиш, гўё улар арши аълога мушарраф бўлмоқ учун биз осий бандалардан фарқли ўлароқ, фидойилик қилишлари шарт эмасмиш, зеро, арши аъло—уларнинг маҳри, отамерос мулк эмиш-ки, у дунёга рихлат этганлар ўлими олдидан монастирлар учун нималарни васият қилиб қолдирганига қараб, уларга, ўшал мулкдан тузукроқ ё бундайроқ жой ажратиш уларнинг ихтиёрида эмиш; ва лекин бу билан улар, агар ўз ваъзларига ишонсалар, ўзларини ҳам, шунингдек, уларнинг ваъзини тинглаган қавмларни ҳам лақиллатадилар. Агар улар тўғрисида ҳамма гапни ошқор айтишимга ижозат берилганидами, шу оннинг ўзидаёқ мен одамларга, роҳибларнинг кенг ридолари қатларига нималар яширилганини батафсил очиб ташлаган бўлардим. Илоё, шу тўқиган бўҳтонлари учун ҳаммаларининг бошига Венецияда энг иззат-этиборли бўлган, ёши ҳам анчага бориб қолган авлиё Франциск мазҳабидаги тақводор роҳибнинг куни тушсин. Мен айнан мана шу роҳиб ҳаққинда батафсилроқ сўзлаб беришни жуда хоҳлаяпман, — шояд, шу ҳикоям билан Гисмонданинг ўлимидан қаттиқ қайғурган сиз дугоналаримнинг кўнглингизни ёзиб, қисман бўлса ҳам тасалли бера олсам.

Алқисса, шоиста хонимлар, Имолада Берто делла Масса исмли осий ва бадкирдор одам яшар эди, у ўзининг гуноҳ ишлари билан ҳаммага отнинг қашқасидек танилган эдики, ҳатто рост гапирган пайтларида ҳам гапига ишонмайдиган бўлиб қолишган эди. Ахир, у бу ерда нон еяолмаслигига, энди бошқа ҳеч кимни лақиллата

олмаслигига кўзи етгач, жамики разолатнинг уяси бўлган Венецияга кўчиб ўтди-ю, бу ерда тамомила бошқача усулда қароқчилик қилмоқчи бўлди. У ўтмишдаги барча бадкирдорликларидан ўзини виждон азобида қийналаётгандек қилиб кўрсатиб, ўта хоксор ва ғаройиб обид қиёфасига кириб, миноритлар даврасига кирди ва имолалик оғайи Альберт номи билан яшай бошлади. Роҳибликда яшаркан, ўзини ғарибона кун кечираётгандек кўрсатди, қавмларни товба қилишга, нафсларини тийишга даъват эта бошлади, гўшт емай, май ичмай қўйди — егиси ва ичгиси келмаган пайтларда, албатта. Шундай қилиб, у, кўз очиб-юмгунча қароқчи, қўшмачи, фирибгар ва каллақисардан маълум ва машҳур тақводорга айланиб қолдиким, бу ҳол унинг юқорида санаб ўтилган фосиқликлар билан машғул бўлишига, лекин пинҳона машғул бўлишига асло халал бермасди. У чин роҳиб бўлгач, ибодат пайтида, минбар яқинида ҳамманинг кўзи тушадиган ерда туриб олиб, Исо алай-ҳиссаломнинг чеккан азоблари ҳақида сўзлаб, юм-юм йиғларди, зеро кўз ёши тўкиш унинг учун карнайчидан «пуф» кетгандек гап эди. У ўзи ўқиган хутбалар ва тўккан кўз ёшлари билан қисқа фурсат ичида венецияликларни шу қадар ўзига ром қилиб олдики, оқибатда қавмлар уни ўзларининг васий оталари деб эътироф эта бошладилар ва васият қилиб қолдирмоқчи бўлган ақчаларини сақлаб қўйиш учун унга берадиган бўлдилар, эркаклар ҳам, аёллар ҳам уни ўзларининг пири ва маслаҳатгўйи қилиб танладилар. Шундай қилиб у оғзи қон бўридан бузрук пирга айланиб, шундай обрў-эътиборга сазовор бўлдиким, унинг авлиёлиги ҳақида Венецияда айтилган гапларнинг ярмини ҳам Ассизиди авлиё Франциск ҳақида гапирмаган эдилар.

Кунлардан бир кун шундай воқеа юз бердиким. Фландрияга бир неча кемада мол олиб кетган тагли-зотли савдогарнинг хотини — квиринолар уруғидан бўлган Лизетта исмли овсарнамо, енгилтак бир жувон бир неча аёллар билан биргаликда тавба-тазарру қилгани ўшал диёнатли пир ҳузурига борди. Сўнг тиз чўкиб, ўзи қилган майда-чуйда гуноҳларига иқрор бўла бошлади,— маълумингизки, Венеция аёлларининг ҳаммаси ҳам енгилтак бўлишадди,— оғайи Альберт эса, ундан, хушторинг йўқми, бўтам, деб сўради.

«Вой, кўзингиз кўрмаяптими, пирим? — деб жаҳл аралаш сўради Лизетта.— Е, менинг ҳусни жамолим билан анави тавбага келган аёлларнинг ҳусни орасида ҳеч қандай тафовут йўқми сизнингча? Агар хоҳласам, хушторлар орқамдан гала-гала бўлиб юришадди, лекин мен жудаям кўҳликман, ҳар кимниям менга ошиқ бўлишига йўл қўя олмайман. Менга ўхшаган соҳибжамолни яна қаерда кўргансиз? Ҳаттоки жаннатдаги ҳурлиқолар ҳам менга маҳлиё бўлиб қолишса керак». У ўз латофати тўғрисида чунонам лаби лабига тегмай сайраб кетдики, ҳатто юракни зиқ қилиб юборди.

Оғайи Альберт бу жувоннинг ҳийла телбанамолигини бир қарашдаёқ фаҳмлади-ю, аини шунақа дўндикни кўзлаб юрганини эътироф этиб, дарҳол унга девоналардек ошиқ бўлиб қолди. Вале,

унга севги изҳор этишни бошқа сафарга қолдириб, бу жувонга ўзини ҳозирчалик тақводор қилиб кўрсатишга уринди ва мақтанчоқлиги учун унга танбеҳ бериб койий бошлади, жувон эса, роҳибга: тентак экансиз, гўзалликдан гўзалликни фарқи борлигини тушунмас экансиз, деди. Оғайи Альберт, жувоннинг яна бешбаттар аччиғи чиқиб кетишидан қўрқиб, шоша-пиша уни товбасини қабул қилди-ю, бошқа аёллар билан бирга уйга кетишига рухсат этди.

Сўнг орадан бир неча кун ўтказиб, у ёнига бир содиқ дўстини олди-да, Лизеттаникига равона бўлди, бориб, Лизетта билан иккови кўздан йироқ бир хонага киришиб, роҳиб бу ерда жувонни овлоқ бурчакка бошлаб бориб, рўпарасида «гурс» этиб чўккалаб олди ва шундай деди: «Бўтам! Азбаройи худо, якшанба кунни менга ўз ҳусн-жамолингиз ҳақида гапирганингизда сизга айтган гапларим учун мени кечиринг. Уша кунни кечасиёқ мени шунақа боплаб дўппослашдики, ўшандан буён шу бугун биринчи маротаба оёққа турганим».

«Қим сизни дўппослади ўзи?» — деб сўради овсар жувон.

«Ҳозир сизга ҳаммасини айтиб бераман, — деб жавоб қилди оғайи Альберт. — Тунда доимий одатим бўйича ибодат қилиб турганимда, бирданига ҳужрам кўзни қамаштиргудек чарақлаб ёришиб кетди, бошимни шундай кўтариб қарадим у қаршимда турган, қўлига йўғон таёқ ушлаган ҳусн-жамоли антиқа бир йигитни кўрдим, — у менинг жуббам ёқасидан ушлаб, ерга юзтубан йиқитди-да, дўппослай кетди. Мен ундан, нечун уряпсан, деб сўраган эдим, у шундай жавоб қилди: «Шунинг учунким, сен бугун Лизетта хонимнинг самовий жамоли ҳақида таҳқиромуз сўзлар айтдинг, ахир мен учун парвардигор эгамдан сўнг, дунёда энг азиз ва лазиз зот ўшал хоним бўлади-ку». Шунда мен ундан сўрадим: «Ўзингиз кимсиз, ахир?» У менга, «малак Жаброилман», — деб жавоб қилди. «О, бузрукхожам! — дедим мен. — Ёлвораман: мени афв этинг!» — «Афв этгум, — деб жавоб қилди у. — Лекин шартим бор, мумкин қадар тезроқ у хоним билан дийдор кўришиб, ундан узр сўрамоғинг лозим. Башарти у сени гуноҳингдан ўтмаса, мен яна ҳужрангга ташриф буюриб, сени ўла-ўлгунингча унутмайдиган қилиб пўстагингни қоқаман». Кейин у бу гапига яна бир гапни илова қилди, илло, уни сизга фақат мени афв этганингиздан кейингина айтишга журъат этгум».

Лизетта мияси суюқ аёл эди, — у оғайи Альберт тўқиётган ҳамма уйдирмага лаққа ишониб, ҳар бир гапидан эриб кетаётган эди. «Менинг ҳусним самовий ҳусн деб айтмовдимми сизга, оғайи Альберт, — деб таъна қилди жувон бир оздан кейин, — шундай бўлса ҳам азбаройи худо, сизга раҳмим келяпти, шунинг учун яна баттар жазоламасликлари учун, сизни кечираман, аммо ул малак яна нималарни сизга баён этганини менга сўзлаб беришингиз шарт».

Оғайи Альберт бу гапга жавобан шундай деди: «Бўтам! Сизки, мени кечирдингиз, мен ҳам бажону дил ҳамма эшитганларимни сизга баён қилгум, лекин бир нарсани унутмаслигингизни сўрайман: агарда сиз, о жаҳонда энг саодатли аёл, бу ишнинг бузилмас-

лигини истасангиз, мендан ҳозир эшитадиган гапларингизни бирон-та кишига айтиб қўйишдан қўрқинг. Малак Жаброил сизга шуни айтиб қўйишимни буюрди, сиз унга жудаям ёқар экансиз, фақат бир нарсадан, яъни сизни чўчитиб юборишдан қўрққани учун ўз ҳирсини тийиб турганмиш, йўқса, аллақачон бир эмас, бир неча маротаба тунда қошингизга келган бўларкан. Мана шунинг учун сизни огоҳлантириб айтиб қўйишимни буюрдик, ул зот бир иложини топиб, тунда ҳузурингизга келмоқ ва узоқ вақт сиз билан ҳамнафас бўлмоқ ниятида эмишлар. Ул зот малак бўлганлари учун агар қошингизга малак сиймосида келсалар, сиз унга яқин йўлай олмаслигингизни ўйладилар ва сизнинг ҳаловатингизни кўзлаб, қаршингизда одамзод қиёфасида намоён бўлмоқни ихтиёр қилдилар. Хуллас, ул сармалак қачон ва қандай қиёфада қошингизга келса сизга мақбул бўлишини билмоқчи, сиз нима деб айтсангиз ҳаммасини сўзсиз бажо айлагайки, ҳозир ер юзида ҳаёт бўлган аёллар ичида сиз ўзингизни энг муқаддас аёл деб ҳисоблашингиз мумкин».

Бефаросат жувон унга жавобан дедик: «Малакнинг ишқи менга тушгандан ғоятда мамнунман, ўзим ҳам Жаброилга ихлос қўйган эдим, шу боисдан унинг тасвири олдида доим энг катта шам ёқиб қўярдим. Бинобарин, у қачонки қошимга келишни ихтиёр қилса, доимо азиз меҳмоним бўлмай, у келганда хонамда ўзимдан бўлак ҳеч ким бўлмамай. Фақат илтимосим шуки, агар у мени чинданам севса, ёлвориб сўрайман ундан, биби Марям ҳаққи, мендан юз ўгирмасин, ўзим-ку, унинг менга бўлган муҳаббатидан беҳабар бўлган пайтларимдаям, мудом унинг тасвирини қасрда кўрсам, ўша ерда қаршисида тиз чўкардим. Энди унинг қошимга қандай қиёфада келишига келсак, — бу ўзининг иши, ишқилиб мен чўчимайдиган бўлсам бўлгани».

Огаий Альберт унга жавобан шундай деди: «Бўтам! Сиз оқилона мулоҳаза қилдингиз, ўзим ҳаммасини тўғрилайман. Илло, сиз айни пайтда менга ҳам катта марҳамат қилишингиз мумкин, буни сизга ҳеч оғирлиги тушмайди. Марҳаматингиз ушбундан иборат: Жаброилнинг қошингизда менинг жисмимда намоён бўлишини ихтиёр қилсангиз. Бу билан менга беҳад улкан муруват кўрсатган бўласиз: у менинг руҳимни жисмимдан тортиб олиб жаннатга йўллайди-ю, ўзи менинг жисмимга киради, оқибат у сиз билан бўлган пайтда, менинг руҳим жаннатда фароғатда бўлади».

Овсар хотин бўлса, бунга жавобан шундай деди: «Розиман. Менинг касримга қолиб тортган азобларингизнинг босирини бўла қолсин бу».

Огаий Альберт аёлга деди: «Ундай бўлса, кўз-қулоқ бўлиб турунг; уйингизнинг эшиги кечасига очиқ қолсин: баски, у одамзод қиёфасида келаркан, эшикдан киришдан ўзга иложи қолмайди».

Лизетта рози эканлигини айтди. Альберт қайтиб кетди, жувон эса, суюнганидан ўзини қўярга жой топа олмай; малакнинг намоён бўладиган пайтини орзиқиб кута бошлади. Огаий Альберт бутун тун малак эмас, чавандоз бўлишини ўйлаб, эгардан учиб

кетмаслик учун, лаззатли таомлар билан куч тўплай бошлади. У монастырдан чиқишга ижозат олиб, қош қорая бошлаганда дўсти билан бир таниш аёлни кига йўл олди, илгарилари ҳам у байталларни миниб совитиш учун шу аёлни кидан кўп маротаба йўлга чиққан эди, мана вақт ҳам бўлди, шунда роҳиб кийимини алмаштирди-ю, физиллаганича Лизеттани кига жўнади; унинг уйига кириб ҳамма ёғига ҳар турли тақинчоқларни осиб, малак қиёфасига кирди ва зинадан чиқиб, Лизеттанинг хонасига кирди.

Лизетта ўз қаршисида қордек оппоқ қандайдир хилқатни кўриши билан дарҳод тиз чўкди, малак уни дуо қилди, қўлтиғидан олиб, ўрнидан турғазди ва тўшакка ётишни имо қилди, жувон ҳам малакнинг бу хоҳишини ўша заҳоти бажону дил бажо айлади, шундан кейин, малак ҳам пайсалга солиб ўтирмай, унга талпинувчи, уни эъзозловчи бу тақводор жувонга ҳамсоя бўлди. Оғайи Альберт барваста, бақувват, жуссаси пишиқ, соғлом эркалардан эди, шунинг учун у дйркиллаган ва лўппигина донна Лизетта билан ҳамтўшак бўлгач, шундай хунарлар кўрсата бошладик — унинг олдида жувоннинг эри ип эша олмасди! — тонг отгунча у кўп маротаба қанотсиз парвоз қилдик, бундан жувоннинг кўнгли тоғдек кўтарилиб кетди, парвоз орасидаги танаффус пайтларда эса, малак арши аълодаги ҳаёт тавсифида кўп ғаройиб нарсаларни сўзлаб берди. Тонг ёриша бошлаганда у жувон билан кейинги сафар учрашиш борасида шартлашиб, ўз совутларини олди-да, ўртоғи ётган хонага кирди, зеро хушчақчақ оқсоч қиз, малакнинг ўртоғи ёлғиз кўрқиб-негиб ўтирмасин деб, тун бўйи у билан ҳамхона бўлишга лутфан рози бўлган эди.

Лизетта тушликдан кейин дугоналари билан оғайи Альберт хузурига борди, унга малак ҳақида, шунингдек, ундан эшитган дорилбақо ҳаёти тавсифи ҳақида, малакнинг қиёфаси ҳақида гапириб, яна анча-мунча гапларни қўшиб-чатди.

Оғайи Альберт жувонга шундай деди: «Жаброил билан вақтингиз қанчалик хушнуд ўтганини билмайман, бўтам, — менга фақат шу нарса аёнки: бугун тунда у малак ҳужрамга ташриф буюрди. шунда сизнинг топширигингизни бажо айлаганимни биламан, шу чоғ у менинг руҳимни шундай бир чаманзор бўстон қўйнига олиб бориб қўйдик, у ердаги анвойи чечакларни бу рўйи заминда ҳеч ким ҳеч қачон кўрмаган, мен то бомдод намози гача ана шу роҳатбахш маконда ҳаловатда яшадим, бу пайтда жисмимнинг ҳоли не кечганидан менинг мутлақо хабарим йўқ».

«Айтмадими ҳозир сизга? — деди Лизетта. — Жисмингиз, сармалак Жаброил билан бирга, тун бўйи менинг қўйнимда бўлди. Ишонмаётган бўлсангиз, чап сийнангизнинг остига қаранг — ўша ерингиздан шундай тишлаб олдимки, кўкаргани ҳали яна бир неча кунгача кетмайди».

Бунга жавобан оғайи Альберт шундай деди: «Майли, кўп замонлардан буён қилмаган ишимни қилиб, бугун бир ечиниб текшириб кўраман».

Лизетта оғайи Альберт билан яна анчагача гурунглашди, оғайи Альберт эса, бундан кейин ҳам ҳеч қандай монеликка учра-

май, яна кўп маротаба малак қиёфасида Лизетта ҳузурига бориб турди.

Бироқ кунларнинг бирида Лизетта қўшни хотин билан гўзаллик ҳақида тортишиб қолди-ю, жаҳонда ўзидан гўзалроқ биронта ҳам аёл йўқлигини исботлаш мақсадида, овсарлик қилиб, оғзидан гуллаб қўйса бўладими: «Менга ошиқ бўлган зотнинг кимлигини билганингизда, мени бошқаларга тенг қилмаган бўлардингиз».

Қўшни хотин Лизетта ғирт лақма жувон эканлигини жуда яхши биларди, шунинг учун синчковлиги қистаб, шундай деди: «Балки гапингиз тўғридир, илло, ошиғингиз кимлигини билмасдан туриб, фикримни ўзгартиришим мушкул».

Лизеттани тилидан илтириш оппа-осон эди, шунинг учун у шу заҳотиёқ ҳамма гапни оқизмай-томизмай айтди-қўйди: «Бу тўғрида гапиргани истиҳола қилсам ҳам, айланай қўшни, барибир айтаман — менинг маҳбубим — сармалак Жаброил, у мени ўз жонидан ҳам ортиқ яхши кўради, унинг таърифича, мен бутун ёруғ жаҳонда, ҳаттоки, бутун даҳамизда энг чиройли аёл эканман».

Қўшни хотин «пиқ» этиб кулиб юборай деди-ю, лекин гапни белига тепмаслик учун ўзини босди. «Жаброил алайҳиссаломнинг ўзики, сизга муҳаббат изҳор этган экан, хоним, унда гапингизга ишонса бўлади, — деди у, худо ҳаққи, малоикаларнинг бундай ишлар билан машғул бўлишлари хаёлимга ҳам келмаган эди».

«Вой, билмас экансиз, қўшнижон, — деб эътироз билдирди Лизетта. — Тепамда худо турибди, у эримдан яхшироқ ҳаракат қиларкан. Унинг айтишича, арши аълода ҳам шундай иш билан шуғулланаркан-у, лекин мен ҳамма ҳурлиқолардан ҳам дилбарроқ бўлганим учун менга ошиқ бўлиб қолибди, шунинг учун ҳозир тез-тез қошимга келиб турадиган бўлди. Хўш? Бунга нима дейсиз?»

Бу гапларни одамларга тезроқ овоза қилиш учун қўшни хотиннинг сабри чидамасди. Ниҳоят байрам куни у бир тўда хотинхалаж даврасига тушиб қолди-ю, Лизеттадан эшитган гапларини икир-чикиригача бутун тафсилоти билан сўзлаб берди. Аёллар эса, бу эшитганларини, ўз навбатида, эрларига, яна бошқа хотинхалажга гапириб беришди, улар ҳам ўз эгачи-ю, овсин-ажинларининг қулоғига етказишди; хуллас, икки кундан кейин бу воқеа бутун Венеция аҳлининг оғзида гап бўлди. Буни, кўп қатори Лизеттанинг қайнилари ҳам эшитган эди, шунинг учун улар, Лизеттага ҳеч нима демай, ўша малакни пойлашга ва унинг учиш, учмаслигини ўз кўзлари билан кўришга аҳд қилдилар. Улар бир неча тун сурункасига янгаларининг уйи тагида пойлоқчилик қилдилар.

Бу гап оғайи Альбертнинг қулоғига ҳам етиб борди ва у тунларнинг бирида, ўз маҳбубасини оғзи бўшлиқда айблаб, қўйиб қўйиш учун унинг қошига борди, вале у Лизеттанинг хонасига кириб эндигина ечинган ҳам эдики, бу ҳолни кузатиб турган қайнилар, шу заҳоти келиноиларининг хонаси эшиги остида

пайдо бўлишди. Огаий Альберт дўпир-дўпир оёқ товушларини эшитиб, бунинг маъносига дарҳол тушунди-ю, сапчиб ўрнидан туриб кетиб, бу фалокатдан қутулиш йўлини ахтариб, оёғи куйган товукдай уй ичида зир югура бошлади, кейин Катта анҳор томондаги деразани очди-ю, ўзини «шалоп» этиб сувга ташлади. Бу ерда сув чуқур эди, аммо роҳиб сузишни биларди, шунинг учун иши ўнгидан келди. У нариги соҳилга сузиб чиқиб, шу ердаги эшиги танбаланмаган бир уйга югуриб кирди, бу ерда бир диёнатли одамни учратиб, худонинг зорини қилиб, мени қутқаринг, деб унга ёлворди, лекин бундай бемаҳалда яна шир яланғоч ҳолда бу ерга қандай келиб қолгани тўғрисида бир қоп ёлғонни тўқиб ташлади. Диёнатли зот шафқат қилиб, уни ўз ўрнига ётқизди,—ўзи зарур иш юзасидан бир ерга кетаётган эди,— мен келгунимча кутинг, деб айтиб эшикни қулфлаб, ишига кетди.

Энди гапни Лизеттанинг қайниларида эшитинг, улар янгасининг ётоқхонасига бостириб киришди, қарашса, Жаброил қанотларини қолдириб, ўзи учиб кетибди. Гел бўлган қайинларнинг фиғонлари чиқиб, Лизеттани койиб беришди ва уни йиғламоқдан бери қилишди, сўнг малак қолдириб кетган совуту аслаҳаларнинг жамини олишиб, уйларига кетишди. Бу орада тонг отиб кун ёришиб кетди ва илтифотли уй хўжаси Риальтода¹, Лизеттаникига тунагани сармалак Жаброил борган экан, лекин жувоннинг қайнилари пайига тушганини сезиб кўрқиб кетганмишу, ўзини анҳорга ташлаганмиш, у ёғи нима бўлганини ҳеч ким билмасмиш, деган миш-мишларни эшитди, эшитди-ю, кўнглига, уйимда ётган анови одам шу бўлса керак, деган фикр келди. У уйига қайтиб келиб, ўз фикрининг тўғрилигига тамомла ишонди ва у билан узоқ можаро талашгандан кейин, ундан эллик дукат пул талаб қилди, акс ҳолда, Лизеттанинг қайнилари қўлига тутқазаман, деб айтган эди, огаий Альбертнинг бу шартга кўнишдан ўзга иложи қолмади.

Алқисса, огаий Альберт бу ердан чиқиб кетишни ихтиёр қилганида саховатли зот унга шундай деди: «Сиз бу ердан фақат мана бундай тарзда чиқиб кетишингиз мумкин: бугун бизда байрам, одамлар байрам қилишиб, биров — одамни айиққа ўхшатиб, биров уни ёввойи одам қиёфасида, бировни — ундоқ, бировни бундоқ қиёфада авлиё Марк майдонига етаклаб боришади, кейин у ерда шикор бошланади, шикор тугагач, байрам ҳам ниҳоясига етади, шундан кейин, ким кимни етаклаб келган бўлса, ўша билан истаган томонига кетаверади. Хулласи калом, агар эътироз билдирмасангиз, бу ердалигингизни ҳали ҳеч ким пайқаб қолмасдан, сизни бирон қиёфага киритардим-да, майдонга етаклаб чиқардим, ана ундан кейин, хоҳлаган ерингизга олиб бориб қўярдим, бу ердан ҳеч кимга сездирмай чиқиб кетиш учун бирдан-бир илож шу — Лизеттанинг қайнилари сизнинг шу атрофда яшириниб юрганнингиздан хабар топишибди, улар ҳамма ёққа соқчилар қўйишган».

¹ Риальто — Венециядаги энг йирик кўприк. (Тарж.)

Шаҳар бўйлаб масхарали қиёфада юриш оғайи Альберт учун ўлим билан тенг шармандалик бўлса ҳам Лизеттанинг қариндошларидан кўрққанидан уй соҳибининг шартига кўниб, унга шундай деди: «Мени истаган томонингизга, истаган қиёфага солиб олиб бораверинг — ҳаммасига розиман». Шунда саховатли зот унинг баданига асал суриб, устидан пат сочди, бўйнига занжир боғлаб, бошига ниқоб кийдирди, бир қўлига кушхонадан олиб келган иккита хирсдай-хирсдай кўптак боғланган тасмани ушлатди-да, ўзи: кимда-ким малак Жаброилни кўрмоқчи бўлса Авлиё Марк майдонига борсин, деб халойиққа жар солгани Риальтога бир одамни юборди, — мана сизга венецияликнинг «садоқати!» — Бир оз вақт ўтказиб у оғайи Альбертни кўчага етаклаб чиқди, унга олдинга тушиб, майдон томон юришни буюрди, ўзи эса роҳибнинг бўйнидан боғланган занжирнинг бир учидан ушлаб, унинг орқасидан юриб бораверди, шунда йўл-йўлакай учраган одамлар: «Бу қанақа махлуқ ўзи? Бу қанақа махлуқ ўзи?» — деб бақиршиб, уларга эргашиди. Риальтодаги одамларнинг аксарияти ҳам жарчининг овозини эшитган заҳоти майдон ёққа отилишган, хуллас, майдонга тумонат одам тўпланган эди. Саховатли зот майдонга етиб келгач, гўё шикор бошланишини кутмоқчи бўлгандай, ўзи етаклаб келган махлуқни, ҳамманинг кўзига ташланиб турадиган баланд ердаги устунга боғлаб қўйди, ёввойи махлуқнинг баданига асал сурилган эмасми, шу боисдан уни пашшаю сўналар шафқатсиз чақа бошладилар.

Ниҳоят майдоннинг одамга ғуж-ғуж тўлганини кўрган бояги зот ёввойи махлуқни занжирдан бўшатиб юбормоқчидай бўлиб, унинг бошидан ниқобини юлқиб олди-да, деди: «Афандилар! Баски, шикорга қобон келмаган экан, қобонсиз ов бўлмагани учун бекорга келиб-кетманглар, деган мақсадда, мен сизларга венециялик аёлларимизнинг кўнглини овлагани кечалари ариши аълодан тушадиган Жаброилни намойиш қилмоқчиман». Ниқоб олинган заҳоти, ҳамма оғайи Альбертни таниди, чуғур-чуғур қилишиб, уни энг таҳқиромуз сўзлар билан қарғаб, сўка бошлашди, қўлларига тушган ҳар балоларни унга ота бошлашдики, ҳеч қандай бадкирдор одам ҳам ҳеч қачон бу даража ҳақоратланмаган эди! Бунинг овозаси то монастирга етиб бормагунча, бу машмашанинг кети узилмади, — ниҳоят, оғайи Альбертнинг бахтига, олти чоғли роҳиб бундан хабар топиб, майдонга етиб келишди ва оғайи Альбертнинг елкасига ридо ташлашиб, уни занжирдан ечиб олишди-да, оломоннинг масхараловчи қийқириқларни остида монастирга олиб кетишди, айтишларига қараганда, кейинчалик, у ўша ерда ҳибсда азоб чекиб, оламдан ўтганмиш.

Ҳамма тақводор деб иззатлаган, бадкорликдан бегона деб ҳисобланган бу одам, мана шу йўсинда ўзини Жаброил қилиб кўрсатишга журъат этган, аммо оқибатда малакдан ёввойи махлуққа айланган, қилмишига яраша шармандан шармисор бўлган, ундан кейин, кўрган роҳатлари бурнидан булоқ бўлиб чиққан эди. Илоҳо, у қабилдаги ҳамма одамларнинг бошига шундай савдо солгин!

Уч нафар йигит уч опа-сингилни, яхши кўришади ва улар билан Крит оролига қочишади; қизларнинг каттаси рашк туфайли ўз маҳбубини ўлдиради; ўртанчаси Крит герцогининг қўйнига кириб, шу туфайли опасини ўлим жазосидан халос қилади, лекин уни ўз маҳбуби ўлдириб, опаси билан қочиб кетади; ўртанча қизнинг ўлимида кичик сингил билан унинг маҳбубини айблашади; улар ҳибс қилиниб, айбни ўз бўйниларига оладилар, лекин кейин қатл этилишдан қўрқиб, соқчиларни пора билан сотиб оладилар-да, бутун мол-давлатларидан воз кечиб, Родосга қочадилар ва ўша ерда қашшоқликда ўлиб кетадилар

Филострато Пампинеянинг қиссасидан ўйланиб қолди, сўнг унга шундай мурожаат қилди:

— Менга қиссангизнинг ниҳояси кўпроқ ёқди, аммо қиссада кулгили ерлари жуда кўп, мен айнан шундай бўлмаслигини истардим. Шундан кейин у Лауреттага мурожаат қилди: Марҳамат, хоним, сиз биронта тузукроқ нарса сўзлаб беринг.

Лауретта кулиб туриб унга шундай деди:

— Сиз севги аҳлига ҳаддан зиёд бешафқат экансиз, зеро улар муҳаббатининг ниҳояси андуҳли бўлишини ихтиёр қиляпсиз. Шунга қарамай, мен фармонингизга итоат этаман ва ўз муҳаббатлари лаззатидан баҳраманд бўлишга улгурмай, бир хилда мушкул аҳволга тушган уч жуфт ошиқ-маъшуқлар ҳақида ҳикоя қилиб бераман.

Сўнг у қиссасини шундай бошлади:

— Навниҳол хонимлар! Ўзингизга аён, ҳар қандай иллат ҳам, наннки унга қўл урган одамларга, балки аксарият пайтларда, қозонга яқин юрсанг, қораси юқар қабилда, ўша иллат аҳли атрофидагиларга ҳам беҳад улкан зиён-заҳматлар етказгай. Мен, энг зарарли иллатлардан бири деб ғазабни биламан, зеро ғазаб, теран ғам-андуҳ оқибатида вужудга келадиган, ақл садосини ўчириб, тафаккур зиёсини сўндирадиган ва қалбларимизда қаҳру ғазаб оташини осмони фалакка етгудек алангалатадиган ҳиссиётнинг бирваракайига бемулоҳаза ҳаракатга келишидан бўлак нарса эмас. Аксарият пайтларда бу ҳол эркак зотида, бировида жўшқинроқ, бошқа бировида заифроқ юз беради, вале бу ҳол аёллар тоифасида ҳам учраб туради, боз устига, у яна ҳам беадад савдолар солиши мумкин аёл зоти бошига, чунки ғазаб алангаси улар вужудида тезроқ алангаланеди, ёрқинроқ ёнади, бинобарини, уни ўчириш ҳам бениҳоя мушкулдир. Илло, бу ҳол бизни таажжубга солмаслиги лозим — ўт, ўз моҳияти билан одатда қаттиқ ва пишқ жисмлардан кўра, енгил ва нафис жисмларни тезроқ забтига олади; эркалар биздан ўпкаланмасинлару, ҳар тугул, биз аёллар чиндана уларга нисбатан назокатлироқ ва хийлагина мутаассир шахслармиз. Шунга кўра, мен ўзимизнинг неларга мойиллигимизни билган ҳолда, меҳримизни қозонган эркалар учун бизнинг муруват ва шафқатимиз истироҳат ва ҳаловат манбан эканлигини, вале, ғазаб ва нафратимиз улар бошига фалокат ва офат келтириши

мумкинлигини эслаб ва бундай ҳол ўзликўзимизга маҳкам бўлишимизда бизга ибрат бўлсин учун сизларга мен уч йигит билан уч қиз ўртасидаги саодатли севги ҳақида ҳамда ул қизлардан бирининг ғазаби туфайли ҳаммаларининг бадбахтлик сари юз тутганлари борасида ҳикоя қилиб бермоқчиман.

Маълумингизки, Марсель, Прованс вилоятида, шундоққина денгиз соҳилига жойлашган, илло, бу қадимий, шавкатли шаҳарда бадавлат кишилар, нуфузли савдогарлар ҳозиргига қараганда илгарилари кўпроқ бўларди. Мессер Арнольд Чивада шундай зотлар тоифасидан эди; гарчи у рутбаси нигунлардан бўлса ҳам, аммо диёнатли, инсофли савдогар эди, унинг ер-суви ҳам, хазинасида ақчалари ҳам беҳисоб эди; ўғил-қизлари ҳам сероб эди, лекин унинг учала қизи ҳам ўғилларидан катта эди. Икки тўнғич қизи эгизак бўлиб, ўн беш ёшга тўлган, кичиги эса—ўн тўртда эди, қариндош-уруғларининг кўзи Испанияга мол олиб кетган миссер Арнольднинг йўлида эди, чунки у қайтиб келиши билан қизларни турмушга чиқариш тараддудини кўришмоқчи эди. Эгизакларнинг исми Нинетта ва Мадалена, кичик қизнинг исми эса — Бертолла эди. Нинеттага Рестаньоне исмли аслзода ва лекин қашшоқ бир йигит ошиқи шайдо эди, қиз ҳам уни севарди. Улар анчадан бери йўлини қилиб, ими-жимиди севишиб юришарди, лекин кунларнинг бирида, ота-оналарининг ўлиmidан сўнг катта меросга эга бўлишган Фолько ва Угетто исмли икки навжувон дўст, Нинеттанинг сингиллариға: Фолько — Мадаленага, Угетта — Бертоллага хуштор бўлиб қолишди.

Нинетта ҳам бу хабарни дарҳол ўз маҳбуби Рестаньоненинг қулоғига етказди; Рестаньоне ўз аҳволини яхшилаш ниятида бу икки йигитнинг ишқий тамайюлидан фойдаланишга аҳд қилди-да, ахири улар билан дўстлашди, шундан кейин улар учовлари уч опа-сингил билан учрашгани борадиган бўлишди. Рестаньоне Фолько ва Угетто билан ораларидан қил ҳам ўтмайдиган дўст бўлиб олганидан кейин, бир куни уларга шундай маслаҳат солди: «Навжувон дўстларим! Мана, шунча вақтдан буён бирга улфатчилик қиляпмиз; ўйлайманки, энди мен учун бағоят азиз кишилар бўлиб қолганингизга, сизларни ўзимдан ортиқ қадрлашимга, бинобарин сизлар учун ҳар қандай ишга тайёр эканлигимга ишонч ҳосил қилган бўлсангиз керак. Сизларни баайни жон-дилим билан севганлигим сабабли кўнглимга келган бир фикрни ўртоқлашишга аҳд қилдим, фикримни эшитгач, ҳамжиҳатлик бирла, ҳаммамиз учун мақбул бўлган йўлни топишга уриниб кўрайлик. Агар менга баён қилган гапларингиз рост бўлса-ю, хатти-ҳаракатларингизга қараб фикр юритадиган бўлсам, сизлар кечани кеча, кундузни кундуз демай, икки маҳбуба ишқиди аланган оташ бўлиб ёниб ётибсиз, мен эсам, ўша қизларнинг опасига ошиқман. Шу боисдан мен, агар сизларда ҳеч қандай эътироз бўлмаса, албатта, эҳтиросимиз чанқовини босадиган хушқайфият ва пурлаззат бир восита ўйлаб топдим; у қандай восита эканлигини ҳозир сизларга изҳор этгум. Сизлар бойвачча йигитларсиз, мен камбағалман. Башарти ўз сармояларингизни жамлаб, унга мени ҳам тенг шерик қилишга

рози бўлсангиз ва ўз маъшуқаларимиз билан дориламон ҳаёт кечириш учун жаҳоннинг қай гўшасига равона бўлиш ҳақида бирон қарорга келсангиз, унда мен, уч опа-сингилни оталарининг мол-давлатидан ёғлиқроқ улуш олиб, биз ихтиёр қилган томонга бизлар билан бирга кетишга кўндирурман, деб кафолат берур эдим, кейин бизлар, мисоли уч ога-инидек, ҳар биримиз ўз маъшуқамиз билан ҳузур-ҳаловатда кун кечирардик. Хўш, ҳаёт лаззатидан баҳраманд бўлишни истайсизми ёки менинг таклифимни рад этишни афзал кўрасизми — бу ёғини ўзингиз ўйлаб кўринг энди».

Ишқий интизорликдан кўзларини шира босган икки йигитча, қизлар висолига етишларини тасаввур қилиб, ўйлаб-нетиб ҳам ўтирмай, дарҳол рози бўла қолдилар. Рестаньоне уларнинг розилигини олгач, бир неча кундан кейин, Нинетта ҳузурига, ҳар сафаргидай юрагини ҳовучлаб пинҳона кириб борди. У қиз билан бирмунча вақт бирга бўлгач, ўзининг икки йигит билан бўлган суҳбатини унга баён қилди-ва ўз режаларини фойдали жиҳатларини анча-мунча мисоллар билан исботлади. Қизни ота уйини тарк этишга кўндириш ҳамирдан қил суғургандай оппа-осон кўчди — унинг ўзи ҳам Рестаньоне билан эркин қуш бўлиб яшашни кўпдан орзу қиларди, мана шунинг учун ҳам қиз ҳеч иккиланиб ўтирмай, маҳбубининг таклифини ўзига маъқул тушганини, сингиллари, эса, ҳар ишда, — бу борада эса, инчунин, — унга қулоқ солишларини айтиб, қочишни имкони борича тезроқ уюштиришни буюрди. Сўнг Рестаньоне уни сабрсизлик билан кутаётган ака-ука олдига келиб, уларнинг маъшуқалари билан иш пишириб қўйилганини айтди. Навжувон йигитлар Крит оролига қочишга аҳд қилишиб, дастмоя қилиш мақсадида ўз ер-мулкларини сотдилар, барча буюм-анжомларини ҳам битта қўймай пулладилар, тезсузар кема сотиб олдилар, бутун шаҳар аҳлидан пинҳона тутиб, кемани имкони борича яхшироқ жиҳозладилар-да, тайинланган муддатни кута бошладилар. Бу орада Нинетта ҳам ўз юрак туйғуларини опасидан асло яширмайдиган сингилларини ширинсуханлик билан шу қадар қизиқтириб қўйдик, улар шаҳардан бош олиб кетиш пайтини бетоқатлик билан кута бошладилар.

Мана ниҳоят кўпдан армон қилинган тун ҳам етиб келди, — уч опа-сингил оталарининг улкан пўлат сандиғини очишиб, ундан талай ақча-ю, қиммат буюмларни олишди-да, ўғринча уйдан чиқишди, шартлашган ерда ўз маҳбублари билан учрашиб, қимматбаҳо вақтларини ғанимат билиб кемага чиқишди, эшкакчилар эшкакларни қўлга олишди ва кема соҳилдан узоқлашди, улар йўлда ҳеч ерда манзил қурмай, эртаси куни кечқурун Генуяга етиб боришди, шу ерда, энди тухумдан чиққан ошиқ-маъшуқлар илк бор муҳаббат нашъаси ва лаззатидан тотиб кўрдилар. Улар Генуяда сафар тадоригини қилиб, яна йўлга равона бўлдилар ва ҳар бандаргоҳда бир-бир тўхтаб, ниҳоят бир ҳафта деганда эсон-омон Крит оролига етиб олдилар, бу ерда ўзларига бағри кенг, хушманзара мулклар сотиб олдилар, Кандияга яқин бир ерда эса, ажиб, муҳташам қасрлар қурдилар. Улар аста-аста сон-саноксиз

хизматкор, чўрилар ёллай бошладилар, итлар, қушлар, оғлар сонини кўпайтирдилар, вақтларини базмлар, ўйин-қулги ва айш-ишратда ўтказга бошладилар, ўз маъшуқалари билан худди подшо-лардек фароғатда яшай бошладилар, хулласи калом, дунёда улардан хушбахтроқ одам йўқ эди.

Вале, кунларнинг бирида биз ҳар кун шоҳиди бўладиган бир ҳол содир бўлди: одамзоднинг табиати ўзи шунақа — унинг бирон кўнгил хуши бўлади ва шу билан ўзини овутиб юради, илло, бора-бора ундан ҳафсаласи пир бўлиши муқаррар; Рестаньоне учун ҳам Нинетта худди шундай кўнгил хуши эди, уни эҳтирос билан севарди, лекин ўз маҳбубасидан ҳеч қандай монеликсиз лаззатлана бошлаганидан буён қиз унинг меъдасига тегди ва Рестаньоненинг ундан кўнгли қолди. Қайсиям бир сайил пайтида шу ерлик кибор бир оиланинг соҳибжамол қизи унинг кўнглига ўтириб қолиб, Рестаньоне ул қизга мулозамат қила бошлади, турли йўл билан унга инобат ва илтифот кўрсатди. Бундан огоҳ бўлган Нинетта эрини ул қизга рашк қила бошлади, изига одам қўйди, унга таъна тошини ёғдирди, жигибийрони чиқиб, хуноб бўла бошлади, аммо бу хатти-ҳаракати билан эрини ўзидан баттарроқ бездирар, ўз қалбини эса баттар жароҳатларди. Модомики бирон нимани ҳаддан зиёд мўллиги кишида ҳазар туйғусини уйғотса, бунинг акси ўлароқ, бирон нарсага бўлган тақиқ, унга бўлган майлни зўрайтиради, мана шу боисдан Нинеттанинг жаҳолати Рестаньоне қалбида янги маъшуқага бўлган ҳирси алангалатди. Бунинг оқибатида нима билан яқунланишидан, яъни Рестаньоне янги маъшуқаси билан қовушишга мушарраф бўлармиди ё балки бундай бахт насиб этмасмиди, — бундан қатъий назар, бу борада ким нима деб гапирмасин, Нинетта, эрини ўшал қиз билан мулоқатда бўляпти, деб ўзига-ўзи уқтирадиган бўлиб қолди. Бу ҳол уни умидсизликка туширди, бу умидсизликдан нафрат униб чиқди, нафрат албатта жаҳолатга айланди, жаҳолат эса, унинг Рестаньонега бўлган муҳаббатини мудҳиш адоватга айлантирдики, Нинетта жаҳолат туфайли ақлини йўқотиб, эрини ўлдиришга ва шу йўл билан ўз, тушунчаси бўйича, бадном бўлгани учун Рестаньонедан интиқом олишга жазм қилди. У оғу тайёрлашда тенги йўқ бир моҳир юнон кампирига одам юбориб, унга талай ваъдалар, совға-тортиқлар берди ва уни одам ўлдирадиган оғу тайёрлаб бершга кўндирди, кейин бир кун одам оқшом пайтида, Нинетта ўз сирини барчадан пинҳон сақлаган ҳолда, оғуни янги маҳбубаси кўйида девона бўлиб, эҳтиёткорликни мутлақо унутган Рестаньонега ичирди. Оғу шу қадар кучли эдики, Рестаньоне ўша кун кечасиёқ оламдан ўтди. Рестаньоненинг заҳарланиб ўлгани на Фольконинг, на Угеттонинг, на Мадаленанинг ва на Бертолланинг хаёлига келди: улар Нинетта билан биргаликда марҳумга чинакам аза тутишди ва иззат-икром билан уни дафн этишди. Бироқ орадан бир неча кун ўтгач, Нинеттага оғу тайёрлаб берган ўшал кампир янги бир бадкорлиги билан қўлга тушди-ю, қийноқ пайтида ўзининг қилган бошқа кирдикорлари қатори, Нинеттага оғу тайёрлаб берганини ҳам бўйнига олиб, унинг оқибатида қан-

дай фалокат юз берганини ҳам эслаб ўтди. Крит герцоги бу шум хабарни атайлаб овоза қилмай, тунда Фолько қасрини жимгина қуршовга олди ва қасрда тўс-тўполон кўтармай, ҳеч қандай қаршиликка дуч делмай, Нинеттани қўлга тушириб олиб кетди ва бу аёлга ҳеч қандай жазо чорасини кўрмасданоқ ўша заҳоти ундан Рестањоненинг ўлими тафсилотини мукаммал билиб олди.

Кейин герцог Нинеттанинг не боисдан ҳибсга олинганини Фолько билан Угеттога шипшитди, Фолько билан Угетто эса, буни Маддалена билан Бертоллага айтишди, оқибат, тўртовлари ҳам қаттиқ қайғура бошладилар. Гарчи улар Нинеттани гулханда ёнишдан қутқариб қолиш учун ҳеч нимани аямай роса уриниб кўрган бўлсалар ҳам (зеро, уларнинг идрок қилишича, Нинетта ўз қилмиши учун айнан шундай жазога лойиқ эрди), вале, ўз хатти-ҳаракатларининг самарасига ишонмадилар, чунки герцог ўз фикридан қайтмайдиган одам эди. Ахири, ҳеч иложи қолмагандан кейин, навнихол гўзал Маддалена ўз канизагини герцог ҳузурига пинҳона юбориб, унга, агарда иккита шартимга рози бўлсангиз, яъни опам соғ-саломат уйга қайтиб келса ва орамизда бўладиган иш барчага сир бўлиб қолса, сиз билан ҳамтўшак бўлишга розиман, деб айтишни буюрди; у герцогнинг кўнглини овлаш билан опасини ўлимдан сақлаб қолмоқчи эди; гап шундаки, герцог Маддаленага анчадан бери шайдо бўлиб қолган-у лекин қиз ҳеч унга қайрилиб боқмасди; энди бўлса, қушчанинг ўзи қафасга талпиняган эди. Герцог канизакнинг гапларини ҳузур қилиб тинглади, чорға қидириб аввалига ҳўп ўйлади ва ахири, бу ишга бел боғлаб, қўйилган шартга рози эканлигини изҳор этди. Бир кунни тунда у олдиндан Маддаленани огоҳлантириб қўйиб, Нинеттанинг иши юзасидан сўроқ қилгани Фолько билан Угеттони уйдан олиб чиқиб кетишни буюрди, ўзи эса, бу фурсатдан фойдаланиб, Маддаленанинг ҳузурига пинҳона кириб борди. Ва лекин бундан сал олдинроқ у гўё герцог Нинеттани қопга солиб, тунда денгизга чўктириб юбориш ҳақида фармон берганмиш, деб ҳамма ёққа овоза қилишни буюрди, аслида эса, Маддаленанинг ҳусни таважжуҳига ноил бўлгани эвазига опасини тортиқ тариқасида ўзи билан қасрга олиб келган эди, сўнг у саҳар палласида Маддалена ҳузуридан чиқиб кета туриб, «муҳаббатимизнинг ушбу илк тунни шу билан барҳам топмаслигини истайман», деб изҳор этди қизга. Герцог бу гапига илова қилиб, жиноятчи опасини бирон ёққа жўнатишни таклиф қилди, акс ҳолда, халқ пайқаб қолса, ғалаён кўтариши мумкинлиги, ана унда у, яъни герцог, истаса-истамаса, суднинг бутун шафқатсиз қонунарига амал қилишга мажбур бўлажagini айтди.

Эрталаб Фолько билан Угетто озод қилинди, Нинетта денгизга чўктириб юборилибди, деган миш-мишлар уларнинг қулоғига ҳам етиб борган ва булар унга ишонган эдилар. Улар уйга қайтиб келишиб, опа-сингилга таскин бера бошладилар, лекин хиёл вақт ўтар-ўтмас, Фолько Нинеттанинг шу ерда, қасрда эканлигини найқаб қолди, ваҳоланки, Маддалена бу сирни яширишга астойдил уринардик, бу ҳол Фолькони қаттиқ таажжубга солиб қўйди

ва оқибатда у Маддаленадан шубҳалана бошлади, зеро, унга герцогнинг ишқи тушганидан у ҳам хабардор эди, шунинг-чун, қандай қилиб, Нинетта уйга келиб қолди, деб сўради. Маддалена бир талай важларни тўкиб солди, лекин Фолько эсли-ҳушли йигит бўлгани учун хотинининг гапларига ишонқирамай, қайта-қайта суриштираверди, Маддалена ҳам ниҳоят, бошқа иложи қолмагач, қилган айбига иқрор бўлди. Бу аламдан эсини йўқотиб қўйган Фолько қаҳри қайнаб, шамширини қинидан суғурди-ю, шафқат сўраб худонинг зорини қилган Маддаленанинг ёлворишига қулоқ солмай шамшир тигини унинг сийнасига санчди. Кейин, у герцогнинг қаҳридан ва унинг судидан қўрқиб, хотинининг жасадини ерда ётганича қолдириб, ўзи Нинетта ҳузурига йўл олди ва гўё ҳеч бир ҳол юз бермагандай, унга деди: «Ҳозироқ жўнаймиз — синглинг менга сени кузатиб қўйишни буюрди, — герцог сени бошқатдан ҳибсга олмасин яна». Нинетта унинг гапига ишонди ва ҳаттоки хайрлашгани синглиси олдига ҳам кирмай — у шу қадар қўрқиб қолган ва бу ердан бош олиб кетишга ҳеч сабри чидамаётган эди — тунда Фолько билан икковлари ўзлари билан бир оз ақча олиб, қасрдан чиқиб кетишди; улар денгиз бўйигача югуриб боришиб, қайиққа ўтиришди, лекин ўша қайиқнинг қай соҳилга бориб тўхтаганини ҳануз ҳеч ким билмайди.

Эртаси куни Маддаленанинг жасади топилди, шунда Угеттога ҳасад қилган ва уни кўролмаган одамлар, бунга оқизмай-томизмай дарҳол герцогнинг қулоғига етказдилар, Маддаленани девоналарча севувчи герцог, дарҳол қасрга етиб келиб, Фолько билан Нинеттани қочиб кетганидан ҳали беҳабар бўлган Угетто билан Бертоллани жаҳл устида ҳибсга олишни буюрди ва уларни Фолько билан ҳамжиҳат бўлиб Маддаленани ўлдирганларига иқрор бўлишга мажбур қилди. Угетто билан Бертолла ўзларининг иқрор бўлишлари оқибатида муқаррар ўлим жазосига маҳкум этилажакларини англаб, ниҳоятда эҳтиёткорлик билан соқчиларнинг кўнглини топишди ва бирон кор-ҳолга яраб қолар, деб қасрга яшириб қўйган ақчаларини уларга тутқазишди-да, ўзлари билан бирон нима олишга ҳам фурсатлари бўлмай, тунда, соқчилар билан бирга қайиққа ўтиришиб, Родос оролига равона бўлишди, у ерда бир оз вақтдан сўнг, қашшоқлик ва муҳтожликда оламдан ўтишди. Мана, Рестаньоненинг бемулоҳаза муҳаббати ва Нинеттанинг жаҳолати ўзларининг ҳам, хешларининг ҳам бошига шундай қора кунлар солган экан.

4

Жербино буваси қирол Вильгельмнинг шоҳона вағдасини бузиб, Тунис қиролининг қизи кетаётган кемага ҳужум қилади ва қизни ўғирламоқчи бўлади; денгизчилар қирол қизини ўлдиришади, Жербино денгизчиларни қириб ташлайди, оқибатда эса, Жербинонинг боши танасидан жудо қилинади

Лауретта ўз қиссасини айтиб бўлиб жим қолгандан кейин, тингловчиларнинг баъзилари бир-бирлари билан гўнғир-гўнғир гаплашиб, баҳти қаро ошиқ-маъшуқларга ачина бошладилар, кимдир

Нинеттанинг баджаҳллигини қоралай кетди, биров у деб, биров бу деб гап уқтира бошлади; ниҳоят қирол, худди теран хаёллар домидан халос бўлгандек, бошини бир силкиди-да, гап бошлаш учун Элиссага ишора қилди, шунда Элисса ўзига хос камсуқумлик билан шундай ҳикоя қила бошлади:

— Латофатли хонимлар! Аксарият одамлар, Амур фақат бирон кишига шайдо бўлганларгагина ўз камонидан муҳаббат ўқини отади, деб ўйлашади, лекин баъзида маъшуқанинг висолини кўрмай, доврўғини эшитиб ҳам ошиқ бўлиш мумкин, деб ишонтирмоқчи бўлган одамларнинг гапидан кулишади. Уларнинг бундай фикр юритиб хато қилаётганлари мен ҳикоя қилмоқчи бўлган қиссадан маълум бўлади, шу билан бирга, бир-бирларини сира кўрмасдан, фақат орқаворотдан таърифини эшитиб, севишиб қолганларнинг муҳаббати мудҳиш ўлимга сабабчи бўлгани аён бўлади.

Сицияликларнинг айтишича, уларнинг қироли Вильгельм Иккинчининг иккита фарзанди бўлган экан: ўғли Ружери билан қизи Костанца. Ружери отасидан олдин қазо қилиб кетиб, ундан Жербино исмли бир ўғил қолган эди, бобоси унга жуда яхши тарбия бериб ўстирди; у ўзининг доврўраклиги, одоблилиги билан ҳамма ёққа овоза бўлган, ўктамликда тенги йўқ йигит эди. Унинг доврўғи наинки бутун Сицилияга, балки дунёнинг турли қитъаларига, айниқса, ўша вақтда Сицилия қиролига бож тўлаб турувчи Берберия мамлакатига кўпроқ овоза бўлган эди. Жербинонинг фазилатлари ва назокатли ахлоқи ҳақидаги овозани эшитганлар орасида Тунис қиролининг қизи ҳам бор эдики, унинг ҳусн-жамолини кўрганларнинг жами бир овоздан уни, барча эзгу фазилатларни ўзида мужассам қилган ва ғайри оддий руҳий нажобат эгаси, табиатнинг энг баркамол маҳсули, деб айтардилар. У қиз шавкатли жувонмардлар ҳақида ҳикоя эшитишни яхши кўрарди; айниқса Жербинонинг жасоратлари ҳақидаги қиссаларни ўзавқ билан тинглади; бу қиссалар уни шу қадар ўзига ром қилиб олган эдики, у ўз тасаввурда Жербинонинг сиймосини намоён қилиб, охири, унга телбаларча ошиқ бўлиб қолди ва шундан бошлаб ўзи унинг тўғрисида зўр иштиёқ билан ҳикоя қиладиган ва бошқалар сўзлаганда эса, бутун вужуди билан берилиб тинглайдиган бўлди. Бу орада, қирол қизининг ҳусни жамоли, унинг қалб фазилатлари ҳақидаги зўр доврўқ ҳамма томонга тарқалганидек, Сицилияга ҳам етиб келди ва Жербино у соҳибжамол ҳақидаги ҳикояларни қалбан ҳаяжонланиб тинглай бошлади, кейин маълум бўлишича, бекорга ҳаяжонланмаган экан: қиз уни ғойибона қандай севиб қолган бўлса, Жербино ҳам шундай улкан муҳаббат адангасида ёниб унга мафтун бўлиб қолди. Вале, у ўзининг Тунисга бориб келишига бобосидан ижозат сўраш учун бирон-бир узрли ваз топма олмас эди, аммо бутун фикру зикри қизнинг висолига етиш эди, шу боисдан у Тунисга кетаётган барча ёр-биродарларига, қандай қилиб бўлмасин, қирол қизига ўзининг ғойибона чексиз муҳаббати ҳақида хабар қилишни ва у қиз ҳақида бирон хабар олиб келишни буюрарди. Шу дўстларидан бири унинг айтганларини ғоятда зўр маҳорат билан бажо айлади: аҳли тижорат одати бўйича у маликага аёлларнинг зеб-зийнатларидан

олиб борди ва унга Жербинонинг муҳаббати ҳақида сўзлаб бериб, яна, Жербино ҳам, унга тегишли бўлган жамики мол-давлат ҳам сизнинг ихтиёрингизда, кўнглингиз нимани тиласа, шундай қилишингиз мумкин, деб илова қилди. Қиз элчини шод-хуррамлик билан қабул қилиб, гапларини астойдил тинглади, ўзининг ҳам Жербинони оташ муҳаббат билан севиб қолганини изҳор этди ва ўз муҳаббатининг далили сифатида энг қимматли зийнатларидан бирини бериб юборди. Жербино бу тортиқни гўё энг муқаддас тухфадек билиб, боши осмонга етди, шундан кейин, яна ўша дўсти орқали жуда кўп маротаба мактублар ва қимматли совға-саломлар юбориб турди ва шу йўсинда қирол қизи билан алоқа боғлаб, тангрининг инояти билан бир-бирларининг висолига етиш ва топшиш борасида ғойибона музокара олиб бориб турди.

Иш шу тариқа давом этаверди, бу орада қиз ҳам, Жербино ҳам муҳаббат оташида ёна бошлаган эдилар, лекин Тунис қироли шу чоғ тўсатдан ўз қизини Гранада қиролига унаштириб қўйди-ю, бу билан қизнинг бутун орзу-армонларини барбод айлади; фақат бир фикр: ўз маҳбубидан жуда олисда бўлиш, эҳтимолки, унинг висолига энди ҳеч қачон ета олмаслик фикри қизни қаттиқ изтиробга соларди. Агар у иложини топа олса эди, эрга тегмаслик учун ота уйндан жон-жон деб Жербино ҳузурига қочиб кетган бўларди. Жербинога келсак, бу унашувнинг дарагини эшитиб, унинг ҳам буткул руҳи тушиб кетган ва нуқул, агар қизни қайлиғиникига денгиз орқали олиб боргудек бўлишса, уни ўзига тортиб олиш усуллари устида бош қотира бошлаган эди. Тунис қироли ўз қизни билан Жербино ўртасида вужудга келган ишқий муносабат тўғрисида, шунингдек, Жербинонинг нияти ҳақида баъзи гапларни эшитганда, бинобарин, унинг ҳеч нарсадан тап тортмайдиган ва ғайри оддий паҳлавон эканлигини билгани сабабли ўз қизини қайлиғи қошига юборишдан олдин, қирол Вильгельмга чопар юбориб, уни ўз ниятидан огоҳ қилди-да, агар на Жербино, на бошқа бирон зот бунга тўсқинлик қилмаслигига қирол Вильгельм кафолат берса, шу ниятини рўёбга чиқармоқчи эканлигини хабар қилди. Қирол Вильгельм бу пайтда жуда қариб қолган эди; у Жербинонинг муҳаббати ҳақида ҳеч гап эшитмаган ва айнан шу муҳаббат туфайли ундан кафолат сўралаётганини англамаган эди, шунинг учун ҳам бунга бажону дил рози бўлди ва ўз кафиллиги аломати ўлароқ, Тунис қиролига қўлқопини юборди. Тунис қироли қўлқопни олиб, Карфаген бандархонасига юбориш учун муҳташам улкан кема шайлашни, уни сафар пайтида қиз учун зарур бўладиган жамики нарсалар билан таъминлашни, яхшилаб жиҳозлаш ва безатишни буюрди-да, энди қизини Гранадага юбориш учун фақат об-ҳавонинг юришиб кетишини кута бошладди. Бу тараддулларни кўриб, кузатиб турган қиз ўз хизматкорини пинҳона Палермога юборди, довурак Жербинога дуойи салом айтиб, саломдан сўнг, яна бир неча кундан кейин ўзини кемада Гранадага олиб кетажакларини, бинобарин, мана энди унинг мард ўғлон эканлиги ҳақидаги овозаларнинг тўғрими-йўқлигига шохид бўлиш, севаман, деб ичган онтининг тўғрилигини амалда синаб кўриш пайти етганини айтишни буюрди. Чопар ўз

вазифасини аъло бажариб, яна Тунисга қайтиб келди. Жербино бундай хабарни эшитиб, бобоси қирол Вильгельм Тунис қиролига кафолат берганидан огоҳ бўлиб, бутунлай эсанкираб қолди. Вале, муҳаббат унга мадад бағишлади ва у ўз маҳбубасидан мазкур даракни олгач, наинки юраксизлик қилди, балки аксинча, Мессинага равона бўлди, у ерда зудлик билан иккита тезсузар галерани қурол-аслаҳа билан жиҳозлатди, энг шоввоз йигитлардан кема ҳайъати ёллади ва улар билан Сардиния соҳиллари сари йўл олди, зеро, у ўз маҳбубаси тушган кемани шу Сардиния ёнидан сузиб ўтади, деб ҳисоблаган эди.

У янглишмаган экан: Жербинонинг бу ерга етиб келганига бир неча кун бўлганида, у пойлаб турган ердан сал нарироқда енгил шамол қувиб келаётган бир кема кўринди. Жербино бу кемани кўрган заҳоти ўз ҳамроҳларига шундай нутқ билан юзланди: «Биродарлар! Агар, сизлар, мен ўйлагандек, чинакам мустаҳиқ кишилар бўлсангиз, аминманки, ораларингизда хоҳ илгари бўлсин, хоҳ ҳозир бўлсин, ишқ дардига мубтало бўлмаганлар йўқ бўлиши керак, зеро, менинг тушунишимча, ишқ нималигини билмаган одам эзгу фазилатлардан маҳрум бўлиб, ҳеч вақт саодат лаззатини тотмай-дир. Агарда сизлар бир вақтлар севган бўлсангиз ёинки ҳозир шу севги оғушида бўлсангиз, менинг дардимни осонгина тушунасиз. Мен севаман, бинобарин, шул севгим даъвати билан сизларни бу ишга чорладим, менинг севгим эса, ҳув, анави кемада сузиб келмоқда, бу кемада нафақат менинг қалбим маликаси, шунингдек, беҳисоб хазиналар ҳам бордирки, агар биз довюрак азаматлар, мардона жанг қилсак, ул бойликларни осонликча қўлга киритишимиз мумкин. Шуни ҳам айтиб қўяйки, агар зафар қучсак, муҳаббатим ҳокимаси бўлмиш ўшал қизнигина ўзимга ўлжа қилиб оламан,— зеро, мени қўлимга қурол олишга ундаган ҳам шу санамдир,— қолган жамики бойликни сизларга ҳавола қиламан. Шундай қилиб, дам ганимат, кемага ҳужум бошлайлик — олға! Бу ишда худонинг ўзи бизга кўмаклашмоқда: шамол тинди, кема қи-мир этмай туриб қолди».

Шоввоз Жербинонинг узундан-узоқ нутқ сўзлаши шарт эмас эди, чунки ўлжага ўч мессиналиклар, Жербино даъват этган нарсани шундоқ ҳам аллақачон кўнгилларидан ўтказиб қўйган эдилар. Шунга кўра жанговар наъра тортиб, унинг охириги сўзларини босиб юбордилар, карнайлар чалдилар, қуролларини қўлларига олиб, эшкак эшиб, бир зумда кемага яқинлаб бордилар. Денгизчилар бу галераларни узоқдан кўришган чоғдаёқ улардан қочиб қутула олмасликларини тушунишиб, мудофаага ҳозирлик кўришган эди. Шоввоз Жербино уларга, агар жанг қилишни истамасанглар, соҳибларингни галерага олиб келинглар, деб талаб қўйди. Сарацин денгизчилар эса, буларни таниб ва талабиний эшитиб, эътироз билдириб: «Қиролингизнинг ваъдасига хилоф ўлароқ, бизга ҳужум қилясиз»,— деб айтдилар, сўнг бу сўзнинг исботи учун қўлқопни кўрсатдилар-да, фақат жанг ниҳоясида ютқизсаларгина таслим бўлажакларини айтдилар ва кемадаги бирон нарса ё бирон шахсни уларга топширишдан қатъиян бош тортдилар. Жербино шу чоғ ке-

манинг дум томонида турган қирол қизини кўриб, унинг ўзи тасав-
вур қилгандан ҳам гўзалроқ эканлигига инонди ва унга бўлган
муҳаббати яна ҳам кучлироқ аланга ола бошлади, шунинг учун
бобосининг қўлқопини кўрсатишганда у: бу ерда лочинлар йўқ,
демак қўлқопнинг ҳам ҳожати йўқ, аммо агар қизни бермасангиз,
унда жангга ҳозирланинглар, деди. Шундан сўнг жанг бошланиб
кетди, икки томондан камон ўқлари, палахмон тошлари отила бош-
лади, жанг узоқ давом этди, шунга кўра, икки томон ҳам жуда кўп
талафот кўрди. Ниҳоят Жербино, бунақада ҳеч нарса қилиб бўл-
маслигига ишониб, ўзи билан Сардиниядан олиб келган брандерни¹
ёндиришни ва икки галера ёрдамида уни кемага яқин олиб боришни
буюрди. Шунда сарацинлар, таслим бўлиш ё ҳалок бўлишдан ўзга
иложлари қолмаганини тушунишиб, пастда юм-юм йиғлаб турган
қирол қизини палубага олиб чиқишни буюрдилар. Улар қизни кема
тумшугига олиб келиб қўйдилар, Жербинони чақирдилар ва қиз
худонинг зорини қилиб шафқат сўраб ёлворса ҳам, қанчалик фарёд
чекиб ёрдамга чақирса ҳам, уни Жербинонинг кўзи олдида ўлдир-
дилар ва жасадини сувга отиб, Жербинога дедилар: «Ана, ола қол
уни! Бундан ўзга тарзда бера олмас эдик уни — сен шу қадар диё-
натли одамсанки, бундан ортиқ ҳеч нимага лойиқ эмассан».

Жербино, уларнинг бу бадкирдорлигини кўриб, худди жонидан
тўйган одамдай дўлдек ёғаётган камон ўқлари ва палахмон тошла-
рига парво қилмай, ўзини ўша кемага яқин олиб боришларини
буюрди. Кейин у сарацинларнинг қаршилигини енгиб, кемага сак-
раб ўтди ва бамисоли таначалар подасига ҳамла қилиб, ҳаммасини
бирма-бир бўғизлай бошлаган ва дастлабки пайтда тирноқ ва тиш-
ларини ишга солиб очлигидан ҳам кўра кўпроқ ўз ғазабини қондир-
моқчи бўлган оч шердек жуда кўп сарацинларнинг калласини
бирма-бир узиб, даҳшатли ўлимга маҳкум эта бошлади. Брандерда
аланга кўтарилгандан кейин эса, у ўз шерикларининг хизматини
тақдирлаш мақсадида, кемани торож қилишга рухсат берди, сўнг-
ра, фаним устидан нохуш зафар қозониб, галерага сакраб ўтди. У
соҳибжамол қизнинг жасадини сувдан олиб чиқишни буюрди ва
унинг тепасида узоқ вақт аза тутиб йиғлади, Сицилияга қайтаёт-
ганда эса, йўл-йўлакай уни Трапанининг нақ рўпарасига жойлаш-
ган Устика² оролчасига иззат-эҳтиром билан дафн этди ва қайғуга
ботиб, ўз юртига қайтди.

Бу шумхабар Тунис қиролининг қулоғига етиб боргач, у қирол
Вильгельм ҳузурига, сўзингизнинг устидан чиқмадингиз-ку, деган
шикоят билан мотам либоси кийган элчиларни юборди, элчилар қи-
рол Вильгельмга юз берган воқеани батафсил сўзлаб бердилар.
Қирол Вильгельмнинг бундан қаҳри қайнаб кетди; у элчиларнинг
одилона талабларини рад эта олмай ва беномус ҳукмдор деган ном
олишдан кўра ўз набирасидан жудо бўлишни афзал кўриб, Жерби-
нони тутиб келишларини буюрди, гарчи сарой аъёнларининг бари

¹ Брандер — портловчи моддалар ортилган кема. Елканли флот замони-
да душман кемаларини портлатиш учун хизмат қилган. (Тарж.)

² Устика — Сицилиянинг шимолидаги кичик орол. (Тарж.)

бирдай Жербинонинг ёнини олишса ҳам набирасини ўлимга ҳукм қилди, натижада қиролнинг кўзи олдида Жербинонинг бошини танасидан жудо этдилар.

Мана, ошиқ-маъшуқларнинг қандай шум толе бўлганлари ҳақида ҳикоя қилиб бердим сизларга: йигит билан қиз ўз муҳаббатлари мевасидан тотиб ҳам кўрмай, бирин-кетин шафқатсиз ўлим топган эканлар.

5

Лизабеттанинг акалари унинг маҳбубини ўлдирадилар; маҳбуб қизнинг тушига кириб, ўзининг қаерга кўмилганини хабар қилади; Лизабетта пинҳона унинг жасадини ковлаб, бошини уйига олиб келади ва уни райҳон ўстирилган гултувакка солиб, унинг тепасида ҳар кун кўз ёш тўкади; акалари ундан маҳбубининг калласи солинган гултувакни тортиб оладилар, шунда хиёл вақтдан сўнг қиз ҳам андуҳдан ўлади

Элисса қиссасини сўзлаб бўлиб, жим қолгач, қирол унинг қиссасидан қисқагина хулоса чиқариб, навбатни Филоменага берди, бахти қаро Жербино билан унинг маҳбубасига ачиниб ўтирган Филомена оғир хўрсиниб қўйиб, ҳикоясини шундай бошлади:

— Жозибадор хонимлар! Мен ҳикоя қилмоқчи бўлган одамлар Элиссанинг қаҳрамонларичалик улуғ зотлар эмас, илло, ҳикоям таъсирчанликда ундан қолишмаса керак, деб ўйлайман. Элисса ўз қиссасида Мессина шаҳрини тилга олди, айнан шу ҳол ҳозир айтмоқчи бўлган ҳикоямни ёдимга солди, зеро, мен ҳикоя қилмоқчи бўлган воқеа шу Мессинада юз берган эди.

Алқисса, Мессинада уч оғанини савдогар йигитлар бўлиб, улар асли таги сан-жиминъянолик бўлган оталарнинг ўлимидан кейин жуда бойиб кетган эдилар, уларнинг Лизабетта исмли хушсурат ва хушфеъл сингиллари бор эдики, уни негадир ҳали эрга беришга улгурмаган эдилар. Йигитларнинг дўконларидан бирида Лоренцо исмли пизалик бир йигитча гумашталиқ қилар, — оғанини савдогарларнинг ҳамма ишларини шу Лоренцо бажарар ва олиб борарди. У хушмуомала, хушбичим йигит бўлганидан Лизабетта ундан ҳеч кўз уза олмасди, оқибат у қизга астойдил ёқиб қолди. Лоренцо ҳам қизнинг бу мойилликларини пайқаб юрарди, ахири у ҳам юрагидан аввалги эҳтиросларини чиқариб ташлаб, бутун фикру хаёлини Лизабеттага қаратди. Улар бир-бирларига бўлган майлини ҳис қилишиб, хиёл вақт ичида ўзаро мулоқот риштасини боғладилар ва истакларининг сарҳадига етдилар.

Улар шу йўсинда ишрат ва лаззатда вақтичоғлик қилиб юришаркан, ҳушёрликни унутиб қўйишди, натижада, бир кун кечаси, Лизабетта Лоренцо олдига кетаётганида уни катта акаси кўриб қолиб, изига тушди, аммо қиз буни сезмади. Акаси унинг бу қилмишидан қаттиқ хижолат бўлди-ю, лекин мулоҳазали йигит бўлган учун ҳозирча ҳеч қандай чора кўрмасликка, бу шармандалиқдан хабардор эканлигини ҳеч кимга сездирмасликка ва эрталабгача

кутишга қарор қилди-да, тун бўйи паққос шу тўғрида ўйлаб чиқди. Тонг отиб, кун чиққандан кейин эса, у укаларига тунда кўрганларини, Лизабеттанинг Лоренцо олдига қандай борганини сўзлаб берди; оға-инилар узоқ вақт маслаҳатлашишди ва ахири, ўзларини ҳам, сингилларини ҳам уятга қолдирмаслик учун бу воқеани босди-босди қилишга ва вақт-соати етгунча ўзларини ҳеч нима кўрмаган, ҳеч нарса билмаган қилиб кўрсатишга, кейин ўз ниятларини амалга ошириш учун қулай пайт келганда, бу бадномликни ҳали маддалаб хавф туғдирмасидан томири билан суғуриб ташлашга аҳд қилдилар.

Улар шу қарорга келиб қўйдилар-да, аввалгидек Лоренцо билан ҳазиллашиб, чақчақлашиб юравердилар, кейин кунларнинг бирида шаҳар ташқарисига сайр-томошага кетаётгандай бўлишиб, Лоренцони ҳам ўзлари билан олиб кетдилар. Улар ҳувиллаган, овлоқ бир ерга боришгач, қулай вазиятдан фойдаланиб, ҳеч нимадан хабари йўқ Лоренцони ўлдирдилар-да, жасадини бир пастқам ерга кўмиб ташладилар. Мессинага қайтиб келишгач эса, Лоренцони иш билан фалон ерга юбордик, деб айтишди, бу гапга ҳамма ишонди, чунки ака-укалар уни иш юзасидан ҳар ёққа тез-тез юбориб туришарди. Ва лекин Лоренцо ҳадеганда қайтиб келавермади, унинг бунчалик узоқ вақт ҳаяллаб кетганидан қаттиқ ташвишга тушган Лизабетта, Лоренцо қаерда, деб тобора кўпроқ, тобора қатъият билан суриштира бошлади; ниҳоят, кунларнинг бирида у суриштиравериш акаларини ҳол-жонига қўймаган эди, акаларидан бири унга шундай деди: «Буни қандай тушунмоқ керак? Лоренцо билан сенинг нима ишинг бор, нега уни бунчалик суриштириб қолдинг? Агар яна бир марта унинг номини тилга оладиган бўлсанг, ўз қилмишингга муносиб жавоб оласан биздан». Қиз шу гапни эшитди-ю, жуда маънос ва маҳзун бўлиб қолди, ҳеч нима кўнглига таскин бермай, аллақандай мавҳум даҳшат кучоғида яшай бошлади, у Лоренцо тўғрисида бошқа ҳеч сўрамади, лекин муттасил кўзини унинг йўлига тикиб ўтирар ва фақат тунлари ҳазин нидо билан унга илтижо қилар, кел қошимга, деб ёлворарди, узоққа чўзилган бу ҳижрон аламидан юм-юм йиғларди.

Бир куни тунда у тўйиб-тўйиб йиғлаб, ниҳоят, шу аснода ухлаб қолганида, тушига Лоренцо кирди; унинг ранг-рўйи синиққанмиш, сочлари тикандек диккайган, кийим-боши йиртилиб, чириб кетганмиш, бу чоғ қиз унинг овозини эшитди: «О, Лизабетта! Сен мудом мени чақирасан, ҳижрон азобида яшайсан, кўзларингдан ёш аримай, муттасил йиғлайсан ва алам чекиб, мендан ўпкаланасан. Билиб ол, энди мен сенинг қошингга келишга ожизман,— сен мени охириги марта кўрган ўшал куни акаларинг мени ўлдиришган». Сўнг у ўзининг қаерга кўмилганини айтганмиш-да, энди мени бошқа чақирмаям, кутмаям, деб ғойиб бўлганмиш.

Қиз уйғониб кетиб, буни хобидаги хаёлот эмаслигига ишонди ва яна аччиқ-аччиқ йиғлай бошлади. Эрталаб у ўрнидан туриб, хобида кўргани рўё ҳақида акаларига оғиз очишга журъат эта олмай, тушида эшитганлари тўғри эканлигига ишонч ҳосил қилмоқ ниятида, ўшал айтилган ерга ўзи бориб кўрмоқчи бўлди. У шаҳар ташқари-

сида бир оз сайр қилишга ижозат олиб, илгари ўзининг оқсочи ва барча ишларида сирдоши бўлган қиз билан бирга ўшал ерга жадал равона бўлди, етиб боргач эса, хазонлар тагини очди ва тупроғи юмшоқ бўлган жойни ковлади. У салгина ковлаши билан кўзи бахти қаро маҳбубининг жасадига тушди,— жасад ҳали айнимаган, сасимаган ҳам эди,— шунда хобида кўрган рўёнинг хаёлот эмаслиги унга аён бўлди. Бу ҳол уни ҳушидан кеткизаёзди, шунга қарамай, ҳозир кўз ёши қилиш мавриди эмас, деб ўзига-ўзи тасалли берди; агар куч-қуввати етганда маҳбубининг жасадини кўтариб олиб кетиб, иззатини ўрнига қўйиб дафн этган бўларди, лекин қиз бундай қилиб бўлмаслигини тушунарди,— шунинг учун у пичоқ билан жасаднинг калласини кесиб олди, жасадни эса яхшилаб кўмди-да, каллани сочиққа ўраб, оқсочнинг этагига солди ва ҳеч кимга сездирмай, уйига қайтиб келди.

У ўз хонасига кириб ичидан беркитиб олди ва узоқ вақт маҳбубининг боши узра зор-зор йиғлаб, ул бошнинг ҳамма ёғини кўз ёши билан ювди, ўпичлар билан қоплади. Кейин у, одатда хушбўй марза гули ва райҳон ўстириладиган каттакон чиройли гултуваклардан бирини олди-да, каллани чиройли бир сочиққа ўраб ўша гултувакка солди, устидан эса тупроқ тўкиб, унга Салернода ўсадиган антиқа райҳондан бир неча новда ўтқазди, кейин уни мўттасил гулоб билан, норинж суви билан ё ўз кўз ёшлари билан суғориб турди. У райҳон кўчатидан бир қадам ҳам нари кетмас, ундан меҳр кўзларини узмас эди, зеро, шу кўчат тубида Лоренцонинг боши ётарди. У райҳонга тиклиб-тикилиб туриб, устига энгашар ва дув-дув кўз ёши тўкиб уни суғорарди.

Райҳон, ҳам меҳр билан мўттасил парвариш қилинганидан, ҳам калланинг ичидан ирий бошлаб тупроқни ўғитлай бошлаганидан, тобора хушсурат ва хушбўй бўла бошлади. Гул парвариши қизда одат тусига кирганидан қўни-қўшнилари бу ҳолни пайқамай иложлари йўқ эди, шунга кўра, қизнинг акалари, нечун синглизмининг ҳусни сўлиб бораётганикин, нечун кўзлари бунчалик чўкиб кетаётганикин, деб ажабланишганида қўшнилари айтишдики: «Синглингиз уззукун фалон-писмадон иш билан машғул». Қизнинг акалари бу гапни эшитиб, кейин бунга ўзлари ҳам шоҳид бўлиб, уни бир неча марта пича койигандай ҳам бўлдилар, лекин бу койишлар қор қилмагач, гултувакни қизга билдирмасдан олиб чиқиб кетишни буюрдилар. Райҳон тувагининг ғойиб бўлганини кўрган қиз астойдил ёлвориб, гултувагимни қайтиб беринглар, деб тўхтовсиз илтижо қилаверди, аммо акалари барибир беришмади; қиз қон-қон йиғлаб, ахири беҳол ётиб қолди, вале хаста бўлиб ётган чоғида ҳам фақат райҳон ўтқазилган гултувакни сўрайверди. Сингилнинг бунчалик қатъий талаби акаларини таажжубга солди ва улар тувак ичидан нима борлигини текшириб кўрмоқчи бўлдилар. Улар тувакдан тупроқни тўкиб ташлаб, тупроқ остида сочиққа ўралган каллани кўрдилар, калла ҳали буткул ириб кетмаганлигидан ва сочининг рангидан, ака-укалар бу бошни Лоренцоники, деб аниқладилар. Улар бу ҳолдан жуда қаттиқ ҳайратга келдилар; бу сирнинг ошқор бўлишидан қўрқишиб, каллани яширинча кўмиб ташладилар, кейин

эса, ўз ишларини тинчитиб, пинҳона Мессинадан Неаполга кўчиб кетдилар.

Қиз эса, тинимсиз йиғлаб, райҳонини қайтиб беришларини илтижо қилганча, кўзларида ёш билан ниҳоят оламдан ўтди — ул шўрликнинг бенаво муҳаббати хотимаси шундай бўлди. Орадан бир қанча вақт ўтгач, бу ҳодиса ҳамма ёққа овоза бўлди ва кимдир бу тўғрида қўшиқ тўқидики, у ҳанузгача халқ оғзиде куйланиб келади:

Тортиб олди шум дажжол
Менинг хушбўй чечагим

ва ҳоказо.

6

Андреола Габриоттони севади; қиз унга ўзи кўрган тушни, йигит эса, қизга ўз тушни сўзлаб беради, сўзлаб бўлади-ю, тўсатдан қиз қучоғида жон беради; Андреола ўз оқсочи билан бирга Габриоттонинг жасадини унинг уйига кўтариб олиб кетишайтганида, миршаблар уларни тутиб олади, сўнг Андреолани сўроқ қиладилар; шаҳар ҳокими Андреолани зўрламоқчи бўлади, лекин қиз унга қаршилик кўрсатади; қизнинг беғуноҳлиги аниқланади, шунда бу гаплардан бохабар бўлган Андреоланинг отаси ҳаракат қилиб қизини озод қилади; бироқ Андреола мардумлар орасида яшашни ортқ истамай, монастирға бош олиб кетади

Филоменанинг қиссаси хонимларда ғоятда теран таассурот қолдирди; улар бу қўшиқни кўп маротаба эшитгандилар, вале, унинг ниманинг шаънига тўқилганидан бехабар эдилар. Қирол Филоменанинг ҳикоясини эшитиб бўлгач, жорий этилган тартибга кўра, ҳикоя қилиш навбатини Панфилога берди. Панфило мана бу йўсинда ҳикоясини бошлади:

— Филоменанинг қиссасида баён этилган туш, менинг хотирамга бошқа бир қиссани туширди, вале, энди бу қиссада бир эмас, икки туш борасида сўз борадиким, уларнинг оқибати қиссада айтилгандек содир бўлган эди, яъни туш кўрганлар, ўз тушларини бир-бирларига сўзлаб берадилару дам ўтмай икковларининг туши ҳам ўнгидан келади. Албатта, ўзингизга аёнки, зебо хонимлар, ҳаммамиз ҳам туш кўраминг, бунинг устига, ухлаб ётган киши учун у кўраётган тушларнинг айримлари бутунлай ўнгида бўлаётгандек туюлади; уйғонганида эса, баъзи кўрган тушлари унга худди башоратли тушдек, баъзилари чиппа-чиндек бўлиб туюлади, яна баъзилари — тамомила ақл бовар қилмайдиган бўлади-ю, шунга қарамай аксарият тушлар кейин бориб, барибир ўнг келади. Мана шу боисдан кўпгина кишилар, ўнгларида кўрган нарсаларга қандай ишонсалар, тушга ҳам худди шундай ишонадилар; кўрган тушлари уларнинг кўнглига даҳшат солса, кўнгиллари ғаш бўлиб уйғонадилар, умид бағишласа, руҳлари тетик бўлиб уйғонадилар. Илло, шундай кишилар ҳам борки, улар то тушларида башорат қилишган

фалокат ўнгларида содир бўлмагунча тушга ишонмайдилар. Мен бўлсам — бетарафман, зеро, тушларнинг ҳаммаси ҳам ғойибдан хабар беравермаганидек, ҳаммаси ҳам ёлгон бўлиб чиқавермайди. Башоратли бўлмаган тушлар ҳам бўлишини ҳар бир одамзод бир эмас, бир неча бор амалда ўзи синаб кўрган бўлиши керак, баъзи тушларнинг ўнг келишини эса, Филомена ўз қиссасида исботлаб берди, мен бўлсам, юқорида огоҳлантирганимдек, буни ўз қиссамда ҳам исботламоқчиман. Менинг тушунимичма, диёнат билан яшаб, виждонан иш кўрувчи киши кўнглини ғаш қилувчи аллақандай тушлардан чўчимаслиги ёинки шу туш туфайли ўзининг эзгу ниятларидан воз кечмаслиги керак. Ва лекин бадниятликлар ва бадкорликларга келсак, башарти туш сизни шу шумликларга ундаган чоғда ҳам, агар улар қайта-қайта тушга кириб, туш кўрувчини шундай номақбул ишга даъват этганда ҳам, худди эзгу тушларга батамом ишониб бўлмагандай, бундай тушларга ҳам ишонмаслик керак. Яхшиси, ҳикоямизга мурожаат қилайлик.

Бир вақтлар Брешиада¹ мессер-Негрода Понте Карраро исмли бир серфарзанд аслзода яшарди, унинг Андреола исмли соҳибжамол қизи бўлиб, у ногаҳон Габриотто деган қўшни йигитга ошиқ бўлиб қолди: Габриотто гарчи паст табақадан бўлса ҳам ўзи фозил, хушқомат ва хушчеҳра йигит эди. Қиз ўз оқсочини Габриоттонинг олдига юбориб, унга муҳаббат изҳор қилди, кейин ўша оқсочининг ўзи, йигитни бир эмас, кўп маротаба Андреролаларнинг хушманзара боғига бошлаб келиб, икковини бисёр ва бисёр хушнуд этди. Улар бу эришган саодатларига ўлимдан бўлак ҳеч нима рахна сола олмасин учун пинҳона эр-хотин бўлишди.

Улар шу тарзда яширинча учрашиб юрдилар, кунлардан бир кун кечаси қиз туш кўрди, тушида, у ўз боғида эмиш, икковлари бирдай бениҳоя дилхуш кайфиятда эмиш, қиз Габриоттони ўз бағрига босиб ўтирганмиш. Кейин Габриоттонинг вужудидан аллақандай қоп-қора, мудҳиш бир нарса чиққанмишу қиз унинг нималигини аниқ кўра олмаганмиш, ўша махлуқ Габриоттога чангал солиб, ғайри табиий куч билан уни қизнинг кучоғидан тортиб олганмиш-да йигит билан бирга ер қаърига кириб, кўздан ғойиб бўлганмиш, шундан кейин йигит қайта кўзига кўринмаганмиш. Бу ҳол қизнинг юрагини жудаям эзиб юборганидан, у уйғониб кетди, гарчи кўзини очиб, кўрганлари фақат туш эканлигига суюнган бўлса ҳам барибир юрагига ваҳима тушди. Шу боисдан у Габриотто билан тунда учрашишни тарк этмоқчи бўлди, бироқ йигит қўярда-қўймай учрашишни талаб қилавергач, унинг кўнглида шубҳа уйғотишни истамай, яна тунда у билан боғда учрашди. Гуллар айни чаман бўлиб очилган пайт эди, шу боисдан Андреола оқ ва қизил атиргуллардан бир қучоқ қилиб узиб, Габриотто билан зилол сувини тизиллатиб отаётган ғаройиб фаввора ёнида ўтиргани йўл олди. Улар бир-бирларининг жамолига ҳеч тўя олмай узоқ ўтиришди, кейин тўсатдан Габ-

¹ Брешиа — Шимолий Италияда, Милан билан Верона ўртасидаги шаҳар. (Тарж.)

риотто қиздан нима учун учрашишни истамагани сабабини сўраб қолди. Қиз унга ўзи кўрган тушини сўзлаб бериб, кўнгли хавотирда эканлигини баён қилди — хуллас, ундан ҳеч нимани яширмади.

Габриотто қизнинг гапидан кулди ва тушга ишониб ўтакетган бемаънилик, деб айтди: одам, деди у, ё меъеридан ортиқ овқат еса, ё оч ётиб ухласа туш кўради; туш беҳуда нарса, беҳудалигига деярли ҳар кун ишонч ҳосил қилиш мумкин. У яна шундай деди: «Агар тушга ишонадиган бўлганимда, сен кўрган туш туфайли эмас, балки бугун кечаси ўзим кўрган туш туфайли ҳам қошингга келмаган бўлардим; мана, эшит: тушимда гўё хушманзара, оромбахш бир ўрмонда ов қилиб юриб, жуда чиройли, беқиёс даражада ёқимтой бир оҳуни тўтиб олганмишман. У оҳу қордай оппоқмиш, уни бир зумда қўлга ўргатиб олганмишманки, у мендан бир қадам ҳам нари кетмасмиш, шунга қарамай, ўзим учун ниҳоятда азиз бўлиб қолган бу оҳунинг кетиб қолишидан кўрққанымдан, бўйнига гилла бўйинбоғ тақиб, тилла занжирда етаклаб юрганмишман. Кейин, бир маҳал оҳу бошини менинг тиззамга қўйганмиш; шу пайт қаёқдандир бир този ит пайдо бўлиб қолганмиш, унинг қиёфаси нақ баҳайбат махлуққа ўхшармиш, мисоли зулматдек қоп-қорамииш, бунинг устига, ўлгудек очмиш, у югуриб келиб, тўғри менга ташланганмиш, менинг бўлса қимир этишга ҳолим йўқмиш. Ит кўксимга тишларини ботириб, узоқ вақт юрагим устини ғажиб-ғажиб, ахир юрагимни очганмиш-да, кейин уни юлқиб олиб қочиб кетганмиш. Мен даҳшатли оғриқдан уйғониб кетдим у дарров қўлимни кўксимга қўйдим. Кўксимда ҳеч қандай жароҳат йўқ эди, шундан кейин ўзимдан-ўзим кулиб юбсрдим. Хўш, бундан қанақа хулоса чиқади? Мен шунақа, ҳатто бундан ҳам кўрқинчлироқ тушларни жуда кўп кўрганман, илло, менга ҳеч нима бўлгани йўқ. Кел, яхши-си буларни хотирамиздан фаромуш айлайлик-да, вақтимизни хурсандчилик билан ўтказайлик».

Ўзи кўрган тушдан шундоқ ҳам чўчиб қолган қиз, Габриоттонинг бу ҳикоясини эшитиб, капалаги учиб кетди, лекин йигитнинг кўнглини ранжитмаслик учун ўзини қўлга олди. Вале, у ўзини хушвақт қилиб кўрсатиб йигит билан қучоқлашса, ўпишса ҳам барибир, бехосдан келган кўрқув унга ором бермасди, шу бондан у маҳбубининг чеҳрасига ҳар сафаргидан кўпроқ тикилар, биронта қора шарпа писиб келмаяптимикин, деб аҳён-аҳёнда боққа олазарак бўлиб қарарди.

Шу пайт тўсатдан Габриотто чуқур хўрсиниб, қизни қучоқлади-да: «Оҳ! Ермам қил менга, фариштам, мен ўляпман!» — дея майса устига йиқилди.

Қиз унинг бошини ўз сийнасига босиб, йиғлаб юборишдан зўрға ўзини тийганча сўради: «Ҳаётим сурури, жоним ҳузур! Нима бўлди сенга?»

Габриотто ҳеч нима деб жавоб қилмади; у оғир-оғир нафас олар, қора терга ботиб кетган эди, бир зумдан сўнг у шу алфозда оламдан ўтди.

Бу йигитни жонидан ортиқ севган қиз қалбини ўшанда қандай мусибат, қандай умидсизлик қамраб олганини ҳар бирингиз осонги-

на тасаввур қилишингиз мумкин. У юм-юм кўз ёш тўкиб, бўзлаб йиғлади, кўзингни оч, деб унга илтижо қилди, аммо барча ҳаракати зое кетди, у маҳбубининг энди совиб қолган жасадини ушлаб кўриб, оламдан ўтганига буткул ишонгач, ниҳоятда дили вайрон бўлиб кетди, икки юзи кўз ёшидан ҳўл бўлиб, андуҳдан қадди дол бўлди, сўнг ўзининг сирдош оқсочи олдига борди-да, бошига тушган мусибат ҳақида, ўзининг бахти қаролиги ҳақида унга сўзлаб берди.

Икковлари ўлиб ётган Габриоттонинг юзини ғам-андуҳ ёшлари билан ювганларидан кейин, қиз оқсочига шундай деди: «Парвардигор ёримни мендан тортиб олган экан, мен ҳам энди бу ёруғ жаҳонда яшашни ортиқ истамайман. Илло, ўз жонимга қасд қилишдан олдин, сенинг кўмагинг билан қўлимдан келган ҳамма ишни қилмоқчиманким, токи менинг номим иснодга қолмасин, яъни менга дилдош бўлган жон тарк этган бу жасадни ва у билан бирга ўз севгимиз сирини ҳам дафн этмоқчиман».

Оқсоч аёл ҳам унга жавобан шундай деди: «Ўз жонингга қасд қилишни хаёлингга ҳам келтирма, қизим,— ҳозирча сен Габриоттондан бу дунёда жудо бўлдинг, аммо башарти, ўзингни-ўзинг ўлдирадиган бўлсанг, у дунёда ҳам маҳбубингнинг жамолини кўришдан маҳрум бўласан: зеро, сен дўзахга тушасан, унинг руҳи эса,— аминманки,— дўзахга тушмайди, негаки у ориятли йигит эди. Сен кўнглингга таскин бер, ундан кўра, агар раҳматликнинг руҳи бирон гуноҳ қилиб қўйган бўлса-ю, ёрдамга муҳтож бўлса, тоатибодат қилиб ва савоб ишлар билан бир амаллаб унга кўмаклашиш тўғрисида ўйла. Энди Габриоттони дафн этишга келсак, энг қўл келадиган хотиржам ер шу боғнинг ўзи,— шунда сир фош бўлмайди: ахир унинг бу ерга кирганини ҳеч ким кўрмаган-ку. Ё бўлмаса, жасадни ташқарига олиб чиқиб, девор тагига қўямиз,— эртага одамлар кўриб, уйига олиб кетишади, кейин хешлари дафн қилишади».

Қиз қаттиқ қайғураётган, кўз ёшини тия олмай йиғлаётган бўлса ҳам оқсочнинг гапини диққат билан тинглади, вале, унинг иккала маслаҳатини ҳам рад этиб, шундай деди: «Худо сақласин! Наҳот, ўз севгимни, менинг эрим бўлган маҳбубимни мисоли итдек кўмиб ташлашга ёки жасадини кўчага олиб чиқиб ташлашга кўнглим борса? Мен унга аза тутиб йиғладим, энди шундай қиламанки, хешлари ҳам унга аза тутажақлар, ҳаммасини ўйлаб қўйганман».

У ўз сандиғида ётган шоҳи матони олиб келишни оқсоч хотинга буюрди, оқсоч матони олиб келгач эса, уни ерга ёздилар-да, Габриоттонинг жасадини шунга ётқиздилар, боши тагига ёстиқ қўйдилар, кўз ёшларини тия олмай йиғлаганларича, марҳумнинг кўзларини, жағини юмдилар, унинг бошига атиргуллардан тўқилган гулчамбар қўйдилар, бошдан-оёқ ҳамма ёғини боғдан узилган атиргуллар билан кўмиб ташладилар. «Унинг уйи бу ерга яқин,— деди қиз,— мана, бечорани гулларга буркадик, энди, кел, уни кўтариб олиб бориб, уйининг олдига қўййлик. Ҳадемай тонг отади-ю, уни кўриб қолишади. У менинг қўлимда жон берди, гарчи унинг ўлими хешлари учун мудҳиш қайғу бўлса ҳам, ҳар ҳолда, жасадни уларга топширганумдан кўнглим энгил тортади».

Шундан кейин, у яна кўз ёши булоғини очиб, мурданинг тепасига энгашганча узоқ муддат йиғлади. Оқсоч хотин уни шоширарди, чунки тонг гира-шира ёриша бошлаган эди; ниҳоят қиз қаддини ростлади ва бир вақтлар Габриотто тортиқ қилган никоҳ узугини ўз бармоғидан ечиб, уни марҳумнинг бармоғига тақиб қўйди. «Қимматли султоним! — деди у бўзлаб йиғлаб.— Агар руҳинг кўз ёшларимни кўраётган бўлса, агар шу жонсиз жисмингда ҳиссиёт ва туншунчага ўхшаш бирон нимадан севган маҳбубангдан ушбу сўнги тортиқни лутфан қабул айла». Шундай дея у ҳушидан кетиб ўлик устига йиқилди.

Андреола ниҳоят ҳушига келиб, ўрнидан турди ва оқсоч хотин билан биргаликда жасад ётган матонинг четларидан ушлаб кўтардилар-да, боғдан чиқиб, Габриоттонинг уйи томон йўл олдилар. Айни шу маҳал шаҳар соқчилари — миршаблар кўчадан ўтиб қолишса бўладими; соқчилар Андреола билан оқсоч хотинни учратиб тўхтатишди, сўнг ўлиқни ҳам, иккала аёлни ҳам ўзлари билан олиб кетишди. Андреола ўлимдан қўрқмасди, шу боисдан, миршабларга рўйирост шундай деди: «Сизларнинг кимлигингиз менга аён; шунингдек, агар қочсам, бундан ҳеч қандай наф бўлмаслигини ҳам биламан. Мен қочмайман, сизлар билан шаҳар ҳокими қошига бораман ва ҳамма гапни батафсил сўзлаб бераман, лекин менга қўл теккиза кўрманг, шунингдек, мурданинг нарсаларига ҳам тегманг, акс ҳолда, устингиздан арз қиламан». Ҳеч ким унга тегмади, қиз Габриоттонинг жасадини шаҳар ҳокими ҳовлисига олиб кирди. Юз берган воқеа ҳақида шаҳар ҳокимига ахборот беришган эди, у курсидан турди ва Андреола билан ёлғиз қолиб, уни сўроқ қила бошлади. Табибларга эса, мазкур саховатли зот оғу ичиб ўлмаганмикин ёинки бошқа бирон восита билан ўлдирилмаганмикин, аниқланглар, деб буюрди, аммо табиблар унинг ўз ажали билан ўлганлигини, яъни юраги яқинида бир яра ёрилиб, фасодидан юраги тўхтаб қолганини айтдилар. Ҳоким табиблар ахборотини тинглаб қизда деярли ҳеч қандай айб йўқлигига ишонгач, қизга қочиріқ гап билан юзланиб, ақчага сотишга ҳақи бўлмаган нарсани унга тортиқ қилмоқчи эканини ва агар қиз унинг истагини бажо айласа, уни бўшатиб юборажагини айтди. Вале, ҳокимнинг жаминки панд-ўғитлари зое кетди,— шунда ҳоким одоб доирасидан чиқиб, зўрлик қилмоқчи ҳам бўлиб кўрди, лекин нафрат туйғуси ифбатли қиз Андреолага куч бағишлади: у ўзини мардона ҳимоя қилди, оқибатда ҳоким қизни бўралаб сўкиб, мазах қилди-да ноилож чекинишга мажбур бўлди.

Тонг отиб, кун ёришганда миссер Негро юз берган воқеадан хабар топди ва ҳам чекиб, бирмунча ёр-биродарлари билан саройга йўл олди, у ерда ҳокимдан ҳамма гапни суриштирди ва бу савдодан гаранг бўлиб, қизини қайтиб беришларини талаб қилди. Шаҳар ҳокими, ўз қилмишлари ҳақида ўзи сўзлаб беришни афзал кўриб, қиздан ҳайратга келгани, унинг устуворлигига қойил қолгани ҳақида гап бошлади ва ўз гапининг исботи ўлароқ, қизни зўрлашга уриниб кўрганини ҳам сўзлаб берди. Шу гапдан келиб чиқиб, у қиз-

нинг собит иродали эканига шоҳид бўлганини, уни чин қалбдан севиб қолганини, агарда қизнинг отаси ва унинг ўзи қарши бўлиш-маса, зоти паст одамнинг хотини бўлганлигига қарамай, зўр мам-нуният билан унга уйланажagini айтди.

Улар шу йўсинда мусоҳаба қилиб туришган пайтда бу ерга бир-дан Андреола югуриб кирди ва бўзлаб йиғлаб отасининг оёғига йиқилди. «Отажон! — деб юзланди у.— Қандай бахтсизликка муб-тало бўлганим ҳақидаги ва нимага аҳд қилганим тўғрисидаги бу қиссани сўзлаб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак,— зеро, амин-манки, ҳамма гапни ўзингиз ҳам эшитгансиз, бўлган воқеадан огоҳ-сиз. Ягона илтимосим шуки, ҳокисорлик билан бутун қалбдан илтижо қиламан сиздан, гуноҳимдан ўтинг, яъни сизга билдирмай, оташ муҳаббат даъвати билан эрга текканим учун мени кечиринг. Илло, мен гуноҳимни ювиб, ёруғ жаҳонда хотиржам яшаш учун афв сўраётганим йўқ, балки сизнинг оқпадар қизингиз сифатида эмас, суюкли фарзандингиз сифатида жон бериш учун мени кечирингизни илтижо қилапман».

Мункиллаб қолган, бунинг устига табиатан оққўнгил, мўмин бўлган чол мессер Негро қизининг бу ноласини эшитиб, йиғлаб юборди ва Андреолани авайлаб оёққа турғазиб шундай гап бошла-ди: «Қизим! Мен мустаҳиқ деб топган одам сенинг умр йўлдошинг бўлганида кўнглим кўпроқ шодланган бўларди, баски, сен муҳаб-бат даъвати билан эрга теккан экансан, мен ҳам эрингни эъозла-ган бўлардим. Аммо эрга текканингни мендан пинҳон тутганинг — мана шу ишинг мени ранжитди: демак сен мен билан очиқ масла-ҳатлашишни истамагансан, мени янаям кўпроқ ранжитган нарса шуки, эрга текканинг ҳақида ҳеч нима билмасимдан, сен эрингдан жудо бўлиб ўтирибсан. Бас, пешонага ёзилгани шу экан, эринг агар тирик бўлганида, сен туфайли уни қанчалик ҳурматлайдиган бўл-сам, ҳозир, ўлганида ҳам шундай қиламан, яъни у зотни ўз кувимга монанд иззат-икром билан дафн этаман». Шундан кейин у ўғилла-рига ва хешларига юзланиб, Габриоттони зўр дабдаба билан дафн этишга фармон берди.

Бу орада, юз берган воқеадан хабар топган йигитнинг эркак-аёл қавм-қариндошлари, шунингдек, қарийб бутун шаҳар аҳли сарой саҳнига тўпланишди ва Андреоланинг шоҳи матоси устида ҳамон гулларга бурканиб ётган Габриоттонинг жасади устида энди наин-ки Андреола билан унга қариндош аёллар, балки шаҳарда истиқо-мат қилувчи хотин-халажнинг деярли ҳаммаси ва кўпчилик эркаклар бўзлаб аза тутдилар, сўнг марҳумни саройдан бир авом сифатида эмас, балки бир аслзодадек иззат-икром билан олиб чиқ-дилар: тобутни қабристонга шаҳарнинг энг юксак мартабали киши-лари зўр эҳтиром билан елкаларида кўтариб бордилар. Орадан бир неча кун ўтгач, шаҳар ҳокими иккинчи марта Андреолага оғиз солиб кўрди, лекин мессер Негро бу ҳақда қизига гап очганида, қиз бу ҳақда ҳатто эшитишни ҳам истамади. Кейин у отасининг оқ фотиҳасини олиб, ўз оқсочи билан бирга диёнат маскани бўлмиш монастирга чекинди, у ерда тоат-ибодат билан яна узоқ йиллар кун кечирган, дейдилар.

Симона билан Пасквино бир-бирларини севишади; икковлари боққа кир-шади; Пасквино тишини мармарак барги билан ишқалаб, ўлади; Симонани ҳибсга оладилар; судьяга Пасквинонинг қандай ўлганлигини намоиш қилиш мақсадида қиз, ўша мармарак баргини ўз тишларига ишқайди-да, у ҳам ўлади.

Шундай қилиб, Панфило ўз хизматини ўтаб бўлди, шунда қирол, Андреола қисматига хиёлгина ҳам ачинмай, кўзи билан Эмилияга ишора қилиб, агар у бирон нима сўзлаб берса хурсанд бўлишини изҳор этди. Эмилия кўп ўйлаб ўтирмай, шундай гап бошлади:

— Дилрабо дугоналар! Менда, Панфилонинг ҳикоясига ўхшаб кетадиган бошқа бир қиссани сизларга сўзлаб бериш истаги уйғонди; ҳикоям қахрамони бўлган қиз ҳам худди Андреолага ўхшаб ўз маҳбубидан боғда жудо бўлади. Кейин худди Андреолага ўхшаб қўлга тушгач эса, суд бўлишдан ўз матонати ва ақл-заковати туфайли қутулмайди — балки уни суддан ногаҳоний ўлим халос этади. Биз сизлар билан аллақачон, муҳаббат маъбуди — Амур бадавлат кошоналарда жон-жон деб маскан қуриш билан бирга, фақирона кулбалардан ҳам ҳазар қилмайди, ҳаттоки у баъзан, айнан ана шундай кулбайи вайроналарда одамлар устидан шундай ҳукминини ўткази бошлайдики, бундан огоҳ бўлган боёнлар ҳам худди қодир ҳукмдор қаршисида тургандай дағ-дағ титрайдилар, деган хулосага келган эдик. Агар сизлар ҳикоямни охиригача эшитсангиз, бу фикрим гарчи тўла-тўқис бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда, сизларга етарли даражада ойдинлашади, ундан ташқари, менинг ҳикоям бизларни яна ўзимизнинг қадрдон шаҳримизга олиб ўтади, зеро бугун турли нарсалар тўғрисида фикр юритиб ва жаҳоннинг биз турли бурчакларида жаҳонгашталиқ қилиб, шаҳримиздан жудаям олислаб кетдик.

Хулласи калом, яқин ўтмишда Флоренцияда Симона исмли соҳибжамол, бўйи баста келишган бир қиз яшаганди; у камбағал оиланинг қизи бўлгани сабабли, муҳтожлик уни ўз пешона тери билан кун кечиршига мажбур этган эдиким, шунга қарамай, у ўз қалбини ишқ маъбуди Амурга очишдан қўрқадиган даражада журъатли эмас эди, зеро, Амурнинг ўзи ҳам кўпдан бери қизнинг қалбига бир камбағал йигитнинг мулозаматлари ва ширинсуханликлари орқали киришни орзу қиларди; ул йигит бир тўқувчи соҳибниқда югурдаклик қилар ва жун йигирувчи аёлларга жун ташиш билан шуғулланарди. Алқисса, қиз ўз кўз олдида Пасквино исмли ошиқ йигит қиёфасида намоён бўлган Амурга ўз қалбидан жой бериб, унинг висолига етиш иштиёқида изтироб чекарди-ю, аммо журъат қилиб, ўзига эрк беришдан қўрқарди ва фақат ҳар бир коптокни дукка ўраган пайтида оташона хўрсиниб қўярди, зеро, ҳар сафар жун йигиришга киришганида, уни ким олиб келгани эсига тушиб кетарди-да, Пасквино ҳам ўз томонидан, йигирувчи аёллар тепасида парвона бўлиб, хўжайини бериб юборган жунни

уларга яхшироқ йигиртириш учун куйиб-пишиб ҳаракат қилар ва гўё фақат Симонанинггина йигирган жуни газлама тўқишга ярайдигандек, дам ўтмай унинг қошига бориб турарди. Қиз ҳам йигитнинг бу ташрифларини лутфан қабул қиларди, мана, ахири бир кун келиб, йигит юрагини очишга ботинди, қиз ҳам қўрқув ва андишани тарк этди, бунинг оқибатида, икковлари ҳаловатли ҳамнафасликка мушарраф бўлдилар. Оқибат улар бир-бирларини шундай севиб қолишдики, қиз ҳам, йигит ҳам бир-бирининг таклифини кутиб ўтирмайдиган бўлишиб, висол онларини тайинлашди, мудом фикрлари бир ердан чиқадиган бўлди.

Қисқа қилиб айтганда, уларнинг кун сайин муҳаббатлари баландроқ аланга олиб, ҳар кун ишқ лаззатидан баҳраманд бўлишарди, шунда, бир кун тўсатдан Пасквино Симонага ўзи билан бир боққа боришни таклиф қилиб қолса бўладими,— у ер ҳам қулай, ҳам беҳавотир, деб айтди у. Симона рози бўлди ва якшанба кунларидан бирида, тушликдан кейин отасига Сан-Галло черковига тавба-тазарру қилгани кетяпман, деб айтиб, ўз дугонаси Лажина билан Пасквино тайинлаган боғ томонга йўл олди, боришса, у ерда Пасквино ўзининг «Бетайин» лақабли Пуччино деган ўртоғи билан кутиб турган экан. Бетайин билан Лажина ҳаш-паш дегунча бир-бирларининг пинжига кириб кетишди, шунинг учун ҳам Пасквино билан Симона, ўзаро кўнгилхушлик қилиш мақсадида боғнинг бошқа бир чеккасига боришни маъқул кўрдилар-да, бу ерни Лажина билан Бетайинга қолдирдилар.

Боғнинг Пасквино билан Симона кетган қисмида баланд ўсган чиройли мармарак бутаси бор эди. Улар шу бута яқинига ўтиришиб, узоқ вақт бир-бирларини эркалашди, яхшилаб ҳордиқ чиқарганимиздан кейин, шу ерда тамадди қилиб оламиз, деб гаплашиб ўтиришди, сўнг Пасквино мармарак баргидан биттасини узиб олди-да, овқатдан кейин оғзини шу барг билан тозаласа жуда яхши бўлади, деб баргни тишлари ва тиш милкларига ишқалай бошлади. Кейин Пасквино яна тамадди ҳақида гапира бошлаган эди, лекин шу пайт бирдан ранги ўзгариб кетди, бир зумдан кейин эса, кўзи кўр, тили гунг бўлиб қолиб, салдан кейин оламдан ўтди. Симона зор қақшаб йиғлаб, Бетайин билан Лужинани чақира бошлади. Улар шу заҳоти югуриб келишди, лекин Бетайин Пасквинонинг нанки оламдан ўтганини, боз устига, бошдан-оёқ шишиб кетганини ва бутун юз-кўзи ва аъзойи баданида қора доғлар пайдо бўлганини кўриб: «Ху, жодугар! Сен унга оғу бергансан!»— дея Симонага ўшқира бошлади. Кейин, у бутун боғни бошига кўтариб шундай шовқин солдики, шу атрофда яшовчи одамлар унинг овозини эшитишди. Эшитишди-ю, дарҳол бу шовқинга югуриб келишиб, Пасквинонинг шишиб ўлиб ётганини кўришди, кўришди-ю, Пасквинони атайлаб заҳарлаган деб бутун айбни Симонага қўяётган Бетайиннинг гапини эшитишиб, бундан ташқари ўз ёрининг тўсатдан ўлиб қолганидан қаттиқ изтироб чекиб, эс-хушини йўқотиб қўйган қизнинг бегуноҳлигини исботлаш учун ҳеч нима деёлмаётганини кўришиб, Бетайиннинг гапига батамом ишонишди,

Улар мана шу далилларга асосланган ҳолда, фарёд чекиб, юм-юм йиғлаётган қизни тутдилар-да, шаҳар ҳоқимининг қасрига олиб кетдилар. Бетайин ҳам, шунингдек, Пасквинонинг бу ерга етиб келган «Барзанги» ва «Дилозор» лақабли оғайнилари ҳам шу заҳотиёқ суд қилишни талаб эта бошладилар, натижада судья шу ернинг ўзида қизни сўроқ қилишга киришди. Лекин ўз маҳбубини қасдан заҳарлаган деб Симонани айблаш учун судья далил топа олмади, шунинг учун у қизнинг кўзи олдида марҳумнинг жасадини ва фалокат юз берган ерни кўришни ва шахсан ўзи бутун вазият билан мукамал танишиб чиқишни ихтиёр қилди, зеро, у қизнинг баёнотидан содир бўлган воқеани етарли даражада тасаввур қила олмаётган эди. Шу боисдан у ҳеч қандай шов-шув кўтармасдан Симонани боққа Пасквинонинг нақ бочкадек шишиб кетган жасади олдига олиб боришни буюрди, сўнг унинг орқасидан ўзи ҳам ўша ерга равона бўлди, борди-ю, мурдани кўриб, ҳайратга келди ва қиздан воқеанинг тафсилотини сўрай бошлади. Шунда Симона бута олдига борди, судьяга Пасквинонинг ўлими олдидан бўлган воқеаларни батафсил сўзлаб берди ва ҳамма воқеа тушунарли бўлсин учун ўз маҳбубасига тақлид қилиб, ўшал мармарак баргидан узди-да, у билан тишини ишқалади. Барзанги, Бетайин ва Пасквинонинг бошқа ёр-биродарлари судьяга бу гапларнинг ҳаммаси уйдирма ва сафсата деб ўқтира бошладилар, қизни мазах қилиб, уни жон-жаҳдлари билан қотилликда айблай бошладилар ва унга, йўқ деганда, тулханда ёндириш жазосини қўллашни талаб қилдилар. Бироқ шу чоғ тўсатдан, суюкли ёридан жудолик қайғуси ва Бетайин талаб қилган жазо чораси таҳликасида изтиробга тушган боёқиш қиз тишларини мармарак барги билан ишқаб, худди Пасквино янглиф дабдурустдан йиқилиб тушди ва бу билан бу ерда ҳозир бўлганларнинг ҳаммасини ўта ҳайратга солиб қўйди.

О, масъуд қалблар! Оташ муҳаббатингизга ва мазкур бебақо ҳаётга бир кунда чек қўйиш ёзилган экан икковингизнинг қисматингизга! О, сизлар, хушмасъуд зотлардирсиз, магар у дунёда жудолик бетини кўрмасангиз! О, башарти охиратда ҳам муҳаббат бўлса-ю, сизлар бир-бирингизни бу дунёда севгандек севсангиз, унда энг пурмасъуд хилқатлар сизлар бўласизлар! Вале биз, тирикларга мансуб, бўлган хислат билан ишнинг моҳиятига назар ташлайлик, гар шундай қилсак, энг хушбахт руҳ Симонанинг руҳи эканлигини эътироф этишга мажбур бўламиз, зеро унинг бегуноҳлиги ҳақида Барзанги, Дилозор ва яна қаёқдаги юнг титувчилар ва ҳар хил қаланғи-қасанғиларнинг мубоҳаса юритишидан худонинг ўзи асради,— тақдир қизни уларнинг бадном этувчи бемаъни ифволаридан муҳофаза қилиб, унга саодатли ўлим насиб этдики, у маҳбубининг ўлими билан ўлишдек, ўзига жондош бўлган Пасквино руҳига эришишдек шарафга муяссар бўлди.

Бу ҳодисадан ҳамма қатори ҳайратга келган судья, бир оғиз ҳам сўз айтишга қурби етмай, узоқ вақт ўйланиб қолди, сўнг ўзича мулоҳаза қилиб, қуйидаги хулосага келди: «Гарчи одатда мармарак заҳарли бўлмаса ҳам, назаримда, айнан мана шу бута заҳарланган бўлиши керак. Яна бошқа бирон кимсага бундан зиён-заҳ-

мат етмасин учун уни илдиз-пилдизи билан суғуриб олиб ёқиб юбормоқ лозимдир». Боғ қоровули шу заҳоти, судьянинг кўзи олдида бутани илдизидан чопа бошлади, хиёл вақтдан сўнг баланд бўйли бута қулади-ю; бахти қаро ошиқ-машуқларнинг ўлими сабаби ҳаммага аён бўлди. Мармарак илдизи остида жуда ҳам баҳайбат бир бақа биқиниб ётган экан, шунда бу ерда ҳозир бўлганларнинг ҳаммаси, айнан шу бақа ўзининг оғули нафаси билан мармаракни заҳарлаган, деган ягона хулосага келишди. У бақага яқинлашишга ҳеч кимнинг юраги дов бермади, шу боисдан унинг устига шох-шаббалар уйиб, мармарак бутаси билан биргаликда ёқиб юборишди ва судья бахти қаро Пасквинонинг жасади юзасидан қўзгаган ишга шу билан барҳам берди. Бетайин, Барзанги, Гуччо «Ирkit» ва Дилозорлар Пасквино билан Симонанинг заҳардан шишиб кетган жасадларини Сан-Галло черковига дафн этишди,— тасодифни қарангки, марҳум ҳам, марҳума ҳам шу черковнинг қавмлари экан.

8

Жироламо деган йигит Сальвестрани севади; лекин йигит онасининг илтимосини рад этолмай Парижга жўнайди, кейинчалик қайтиб келиб, Сальвестранинг бошқа кишига турмушга чиққанидан хабар топади, сўнг қизнинг уйига пинҳона кириб бориб, унинг ёнида жон беради; марҳумнинг жассадини черковга олиб бориб қўйишганда, Сальвестра ҳам унинг ёнига бориб жон беради

Эмилия ўз ҳикоясини тугатиши билан қиролнинг фармонига кўра Нейфила ҳикоя қила бошлади:

— Шоиста хонимлар! Шундай одамлар бўладики, ўзларини бошқаларга нисбатан билимдонроқ қилиб кўрсатишади, аслида эса улар, менинг тушунишимча, жуда оз билишади,— мана шу боисдан улар наинки бошқаларнинг фикрларини, ҳаттоки табиий нарсаларни ҳам эътироф этишни хоҳламайдилар, оқибат уларнинг ана шу мутакаббирликларидан, шу чоққача беҳисоб фалокатлар рўй бергану, аммо биронта бўлсин, эзгулик содир бўлганини кўрмаганмиз. Муҳаббат, барча табиий ҳолларга зид ўлароқ, ўзгаларнинг ўғит-насиҳати билан ҳам иш кўрмайди, йўлига гов бўлувчиларни ҳам назар-писанд қилмайди: у шундай яратилганки, ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетиши мумкин, аммо ҳеч қандай доно маслаҳатга асло қулоқ осмагай, шу муносабат билан мен сизларга, ўзини аслидан ҳам ақллироқ, фаросатлироқ қилиб кўрсатишга жон-жаҳди билан уришган бир аёл ҳақида ҳикоя қилиб бермоқчиман, сирасини айтганда, бу шундай иш эдиким, унга ҳеч қандай ақл-фаросатнинг зиғирча ҳам нафи тегмасди, оқибатда шундай бўлиб ҳам чиқди — гарчи у аёл ўз ўғлининг қалбида, — эҳтимолки, самовий мавжудотлар таъсирида, — ниш урган ишқ ниҳолини суғуриб ташламоқчи бўлди-ю, лекин

аслида, ўғлининг вужудидан муҳаббат билан бирга жонини ҳам суғуриб олди.

Қарияларнинг айтишича, бизнинг шахримизда Леонардо Сигъери исмли иззат-ҳурматли, бадавлат бир савдогар яшаган экан, лекин у Жироламо исмли ўғил кўрганидан кейин хиёл вақт ўтар-ўтмас, ўз савдо ишларини ғоятда саришта аҳволда қолдириб, ёруғ жаҳондан кўз юмибди. Гўдакнинг васийлари ва онаси биргаликда ўз бурчларини ҳалол ва виждонан бажариб, унга тарбия бера бошлаганлар. Бола қўшни болалар билан бирга ўйнаб катта бўлган, лекин у ҳаммадан ҳам шу ерлик бир тикувчининг ўзига тенгқур қизи билан қалин дўст бўлган. Вақт ўтиши билан бу дўстлик шундай оташ ва пурэхтирос муҳаббатга айланганки, Жироламо ўз дугонасини кўрмаса бир он ҳам яшолмайдиган бўлиб қолган, қиз ҳам унга баайни шундай кўнгили қўйган экан.

Бу ҳол онанинг назаридан четда қолмади ва у боласини тез-тез койиб, уришиб турди, аммо гаплари ўғлига асло қор қилмаяганини кўриб, васийларга ўғлидан шикоят қилди ва шунча мол-давлатим билан ўғлимга осмондаги ойни олиб беришга ҳам қурбим етади, деб ўйлаб, уларга шундай сўзлар билан юзланди: «Ўғилчамиз ҳали ўн тўртга ҳам тўлгани йўғу ҳалитдан қўшнимиз тикувчининг қизи Сальвестрага ошиқи шайдо бўлиб қолибди, агар уларни бир-бирларидан жудо қилмасак, худо кўрсатмасин, ўғлим сўраб-нетиб ҳам ўтирмай шу қизга уйланиб қўйиши мумкин, унда умрбод боши ғамдан чиқмайди; борди-ю, қиз бошқага турмушга чиқса, унда ўғлим унинг ҳажрида хаста бўлиб қолади. Шунга кўра, фалокатни даф этиш мақсадида, ўғлимни бирон узоқроқ ерга иш билан юборсанглар яхши бўларди: шояд айрилиқда юриб, уни хаёлидан чиқариб юборса, биз бўлсак, бу аснода ўғлимизга аслзодалар насабидан бирон қиз топиб қўярдик».

Васийлар онанинг фикрини маъқуллашди ва қўлларидан келган ҳамма ишни қилишга сўз беришди. Мана, улардан бири болани дўконга чақариб олиб, у билан мулоҳим оҳангда гаплаша бошлади: «Бўтам! — деди у, — энди сен катта йигит бўлиб қолдинг, ўзинг иш билан машғул бўлсанг ёмон бўлмасди. Биз сени Парижда яшаб келишингни жудаям истардик, зеро, сармоянгнинг асосий қисми айнан ўша ерда муомалада бўлмоқдаки, бунга ўзинг иқрор бўлғайсан, унда кейин, Парижда аслзодалар, тўралар, зодагонлар беҳисоб, уларни кўриб, ўзинг ҳам одоблироқ, назокатлироқ бўласан, улардан хушмуомалаликни ўрганганингдан кейин эса, яна уйга қайтишинг мумкин бўлади».

Бола унинг гапларини диққат билан тинглади, вале, ахир одамлар Флоренцияда ҳам яшаб турибди-ку, деган вазн билан қисқагина қилиб рад жавобини берди. Муҳтарам васийлар уни койиб ҳам кўрдилар, аммо ҳеч нимага эришолмадилар, кейин ҳамма гапни онасига бориб айтдилар. Онани жиғибийрон қилаётган нарса ўғлининг Парижга боришдан бош тортгани эмас, балки унинг тикувчи қизига шайдолиги эди, шунинг учун уни роса койиди, кейин ширин сўзлар билан, васийларнинг айтганига қулоқ сол, деб ялиниб-ёлвора бошлади. У ширинсуханлик билан ўғлининг пинжиги шундай кириб

кетдики, ахри Жироламо Парижда бир йил туриб кетмишга, лекин бир йилдан бир кун ҳам ортиқ яшамасликка рози бўлди, ҳамма бу фикрга қўшилишди.

Муҳаббатдан эсини йўқотиб қўйган Жироламо Парижга равона бўлди, васийлари эса, «ана, эртага, мана, эртага», деб пайсалга солавериб, уни бир эмас, икки йил у ерда олиб туришди. Бироқ йигитнинг Сальвестрага бўлган муҳаббати энди жўнаб кетаётган чоғидан ҳам кучлироқ аланга ола бошлаган эди, бинобарин у уйига қайтиб келганида, Сальвестранинг чодирчилик билан шуғулланувчи бир ўктам йигитга турмушга чиққанини билди-ю, қаттиқ ғамга ботди. Бироқ йўқолган нарсани қайтариб бўлмаслигини тушунганлиги учун тақдирга тан бериб, кўникишга ҳаракат қилди. У Сальвестранинг қаерда туришини суриштириб билиб, ошиқ йигитлар одати бўйича, унинг уйи олдида у ёқдан-бу ёққа танда қўя бошлади — Жироламо ўзи маъшуқасини унутмаганидек, маъшуқасининг ҳам уни унутмаганига қатъий ишонган эди. Ваҳоланки, у янглишган эди, қиз, гўё уни биринчи марта кўраётгандай тутди ўзини; уни таниётган бўлса ҳам буни асло сездирмади. Жула тез орада йигит ўзининг унутилганига қаттиқ ранж билан иқрор бўлди; шунга қарамай, у қизнинг қалбидан жой олиш учун жон-жаҳди билан ҳаракат қилаверди, вале, уринишлари зое кетаётганини кўриб, гарчи жонидан кечишга тўғри келса ҳам Сальвестра билан гаплашишга аҳд қилди.

Жироламо Сальвестранинг қўшниларидан бири билан гаплашиб, унинг уйдаги хоналарнинг жойлашиш тартибини суриштириб билиб олди-да, бир куни кечқуруп, Сальвестра билан эри қўшниникига меҳмонга чиқиб кетишган пайтдан фойдаланиб, ҳеч кимга сездирмай уларнинг уйига кирди ва Сальвестранинг ётоқхонасидаги қават-қават осилган чодирлар орқасига яшириниб олди. Эр-хотин уйга қайтиб келиб ўринларига ётишди, Жироламо, Сальвестранинг эри ухлаб кетгунча кутиб ўтириб, кейин қизнинг бошига борди ва қўлини унинг сийнасига қўйиб пичирлади: «Саодатим менинг! Уй-гоқмисан?»

Сальвестра ҳали ухламаган эди; у чинқирмоқчи бўлган эди, лекин Жироламо унга ёлвора бошлади: «Худо ҳаққи, қичқирма! Мен — сенинг Жироламонгман».

Шунда қиз бутун вужуди дағ-дағ титраб гап бошлади: «Ўтинаман сендан, кет, Жироламо! Сен билан биз энди бола эмасмиз — ошиқ-маъшуқ ўйини энди бизга ярашмайди. Кўриб турибсан, мен эрга текканман, энди фақат эримни севишим керак, бошқа ҳеч кимга меҳр қўя олмайман. Яратган эгам ҳаққи, кет, — агар эрим эшитиб қолгудек бўлса, сенга-ку, ҳеч қандай зиён етказмайди, аммо мен шундан кейин эрим билан ортиқ тинч-тотув яшай олмайман, ҳозир бўлса эрим мени севади, икковимиз апоқ-чапоқ яшаймиз».

Бу сўзларни эшитган Жироламонинг бутун қалбини шафқатсиз ғусса қамраб олди. У аввалги ишқий муносабатларни қизнинг эсига туширишга уриниб кўрди, бизни бир-биримиздан айирган олис масофа қалбимдаги муҳаббат туйғусини асло совитмади, деб эътироф

қилди, ёлворди, у учун ҳамма нарсага тайёр эканлигини айтди,— лекин қиз қатъий туриб олган эди. Шунда йнгит ўзини-ўзи ўлдиришга қасд қилди ва қиздан шу муҳаббати эвазига, унинг ёнига ётиб исиниб олиш учун ижозат сўради, сени кутиб ўтириб совуқ қотиб кетдим, деди: боз устига, у Сальвестра билан гаплашмасликка, унга қўл учини ҳам теккизмасликка ва сал исиниб олиши билан туриб кетишга ваъда берди. Сальвестранинг йнгитга раҳми келди ва унга сўзининг устидан чиқишни шарт қилиб қўйиб, ўз ёнига ётишга рози бўлди. Жироламо қизга тегиб кетмайдиган ҳолда тўшакка ётди. Узининг собит садоқати, қизнинг тошбағирлиги, барбод бўлган армонлар — буларнинг ҳаммаси бир зум ичда унинг хаёлидан ғув этиб ўтди, шунда у ўзининг бу дунёда яшашидан наф йўқлигини тушунди. У қизга бир оғиз ҳам гапирмай нафасини дам қилди-да, жон талвасасида муштларини тугиб, шу ётганича жон берди.

Сальвестра бир оз кутиб ётди, кейин йнгитнинг сабр-қаноатидан таажжуб қилиб ва эрининг уйғониб қолишидан қўрқиб: «Ҳой, Жироламо! Бўлди энди, кета қол!»—деб пичирлади. Аммо йнгитдан садо чиқмагач, ухлаб қолганга ўхшайди, деб ўйлади-да, уни туртиб уйғотиш мақсадида қўлини чўзиб, уни пайпаслаб кўрганди, бадани муз бўлиб қолганини сезиб, ҳайратдан тонг қотиб қолди. Қиз қўли билан уни босиб кўрди — у қимир этмади, яна бир марта босиб кўрди, фақат шундан кейин у Жироламонинг ўлиб қолганини тушунди; қиз даҳшатдан гаранг бўлиб, анча вақтгача бирон қарорга келолмай ётди. Ниҳоят, эрига маслаҳат солиб кўрмоқчи бўлди, лекин аввалига бунга гўё бегона одамларга алоқадордай қилиб тасвирламоқчи бўлди. Шундан кейин, эрини уйғотди-да, унга ҳозир берда юз берган фалокатни гўё бошқа бировнинг уйида бўлгандек қилиб ҳикоя қилиб берди, кейин унга: «Борди-ю, шунга ўхшаш савдо менинг бошимга тушганда, сен қандай маслаҳат берган бўлардинг?» — деб савол берди. Эри тамизли одам эди, шунинг учун: «Менинг фикримча, марҳумнинг жасадини сездирмасдан унинг уйи остонасига олиб бориб ётқизиб қўйиш керак, хотиндан эса, асло ранжиш керак эмас, зеро, унда ҳеч қандай гуноҳ йўқ»,— деб жавоб қилди.

Шунда Сальвестра деди: «Демак, биз худди шундай иш тутишимиз керак экан». Шундай дея у эрининг қўлидан ушлаб, уни мурданинг баданига теккизди. Эри жудаям саросимага тушиб қолди, чироқ ёқди ва ҳеч қанақа гап суриштириб ўтирмай, мурдага унинг либосини кийдирди, сўнг уни опичлаб кўтарди (хотинининг бегуноҳлигига бўлган ишонч унга куч бағишлаганди) ва олиб бориб, Жироламонинг кўча эшиги олдига ётқизиб келди.

Тонг отганда, Жироламонинг оила аъзолари унинг уй остонасида ўлиб ётганини кўришиб, ҳовлини бошларига кўтариб дод солишди; ҳаммадан кўпроқ унинг онаси фарёд чекарди. Табиблар жасадининг ҳамма ёғини пайпаслаб кўришди ва лекин на бир жароҳат ва на бирон лат еган эрини топишди, бир овоздан, уни ғам-андух ўлдирган, деган хулосага келишдиким, бу ори рост эди. Жасадини черковга олиб бориб қўйишди, унинг мотамсари онаси, у билан бирга бир га-

ла хотин-халаж — қавм-қариндош, қўни-қўшнилар ҳам черковга боришди ва ҳаммалари ўз таомилимизга кўра, аза тутиб, саннаб, ув тортиб йиғлай бошлашди.

Ибодатхонада оҳ-воҳлар, дод-фарёдлар авжга чиққан шу аснода, Жироламо жон берган уйнинг саховатли соҳиби бундай деди: «Рўмолингни ёпиниб олиб, Жироламнинг жасади қўйилган черковга бор, хотин-халаж орасига аралашиб, уларнинг гапига қулоқ сол, мен эркакларнинг гапини эшитиб кўраман — бизга бирон айб тўнкашмаяпганмикин». Энди, вақт ўтгандан кейин Жироламога раҳми келган Сальвестра, черковга боришга рози бўлди.— у Жироламо тириклигида биттагина бўса билан унинг кўнглини шод этишни истамаган бўлса ҳам энди ўшал маҳбубининг жасадига бир нигоҳ ташлагиси келди. Шундай қилиб, у черковга йўл олди.

Во ажаб, ишқ-муҳаббат рафторини идрок қилмоқ нақадар мушкул! Жироламо хушбахт бўлган пайтда унинг илтижоларига парво қилмаган ўшал қалбнинг ўзи, энди хушбахтлик ўрнини бадбахтлик ишғол қилганда бирдан тараҳхум айлади ва айнан шу бадбахтлик бирдан аёл дилидаги сўниб кулга айланиб қолаётган муҳаббат учқунини қайта аланга олдириб юборди, муҳаббатдан эса, шундай теран шафқат униб чиқдики, шол рўмолига ўраниб олган Сальвестранинг кўзи узоқдан марҳумнинг юзига тушиши билан у аёллар оломони орасини ёриб, ўша томон шитоб билан бораверди ва ниҳоят тобут олдига бориб тўхтади. Сўнг у ғоятда маҳзун бир фарёд чекиб, ўзини тобут устига ташлади, ташлади-ю, марҳум йигитнинг юзларини кўз ёшлари билан ювмади, бунинг бирдан-бир сабаби, вужуди мурдага тегиб кетиши билан шу ондаёқ йигитнинг умрини ўғирлаган руҳий азоб бу жувонни ҳам умридан маҳрум этган эди. Унинг кимлигини билмаган аёллар унга тасалли бера бошладилар, уни ўрнидан туришга ундадилар— илло, у қаддини кўтармасди; шундан кейин аёлларнинг ўзи уни кўтармоқчи бўлдилар — лекин у қимир ҳам этмади; улар ниҳоят бу аёлни мурда устидан кўтаришга муваффақ бўлишди, шунда унинг Сальвестра эканлигини ва ўлиб қолганини кўришди. Хотин-халажнинг унга раҳми келиб, яна барала уввос солиб йиғлай бошладилар.

Жомедан ташқарига чиққан бу шумхабарни шу ердаги эркаклар, демакки, шу даврада турган Сальвестранинг эри ҳам эшитди ва ўкраб йиғлай бошлади, йиғлагандаям ҳеч кимнинг тасалли ва юпатилшларига қулоқ осмай узоқ йиғлади, кейин у, атрофини ўраб олган кишиларга ўз хотини билан марҳум йигит ўртасида кечаси нималар бўлганини рўйирост сўзлаб берди, шундан кейингина ҳамма икки марҳум нимадан ўлганини тушунишиб, бошларини эгдилар. Таомил бўйича, марҳумларнинг жасадини қандай ювиб-тарашса, Сальвестранинг жасадини ҳам шундай ювиб-тараб Жироламнинг ёнига қўйдилар, кейин икковларини бир даҳмага дафн этдилар. Хулласи калом, муҳаббат, уларнинг тирикликларида бир-бирлари билан қовуштиришга ожизлик қилган эди, аммо ўлим уларни мангу узилмас ришта билан чамбарчас боғлади.

Мессер Гвильельмо Россильоне ўз хотинининг маҳбуби мессер Гвильельмо Гвардастаньони ўлдириб, унинг қовурилган юраги билан хотинини меҳмон қилади; хотини буни билиб қолади ва ўзини баланд деразадан ташлаб ўлади, сўнг уни маҳбуби билан ёнма-ён дафн этадилар

Нейфила дугоналарининг юракларини эзиб, ўз ҳикоясини тугатгач, қирол, ўзи билан Дионеодан бўлак ҳикояхон қолмагани ва Дионеога берилган имтиёздан уни маҳрум қилиш нияти йўқлиги сабабли, ўзи шундай ҳикоя бошлади:

— Пуршафқат хонимлар! Сизлар бебахт муҳаббат тўғрисидаги ҳикояларни қаттиқ аянч билан тинглаяспизки, менинг хаёлимга келган қисса ҳам сизларни бундан олдинги қиссачадек қаттиқ ҳаяжонга солмоғи керак, зеро, мен ўз қиссамда бирмунча юксакроқ мартабали кишилар ҳақида ҳикоя қиламан, айни пайтда алар босидан кечган воқеа ҳам хийла мудҳишроқдир.

Ўзингиз ҳам провансликлардан эшитган бўлсангиз керак, бир вақтлар Провансда бир нечталаб қасрлари ва вассаллари бўлган иккита аслзода рицарь яшаган бўлиб, улардан бирининг исми мессер Гвильельмо Россильоне, иккинчисиники эса — мессер Гвильельмо Гвардастаньо эди. Бу икки паҳлавон соҳибқурол бир-бирларини яхши кўришар ва доим турнирлар, улоқлар ва ўзга жанговар мусобақаларга бир хил совут кийиб, бир хил яроғ-аслаҳа тақиб чиқардилар. Ва лекин уларнинг қасрлари бир-биридан ўн милядан кўпроқ масофага жойлашган бўлса ҳам, гарчи улар дўстлик ва меҳрибонлик риштаси билан чамбарчас боғланган бўлсалар ҳам, шунга қарамай, мессер Гвильельмо Гвардастаньо мессер Гвильельмо Россильоненинг соҳибжамол, фусункор хотинини оташ муҳаббат билан севиб қолди ва гоҳ ундай, гоҳ бундай йўл билан ўз ҳиссиётини у аёлга изҳор этишга урина бошладиким, бу хатти-ҳаракатларни аёл пайқамай иложи йўқ эди. Йигит ҳам аёлнинг дидига ўтириб қолган эди, зеро, уни шавкатли рицарь деб биларди, натижада, у аёл қалбида шундай кучли эҳтирос уйғотган эдиким, энди у йигитни севиб қолган ва ёлғиз уни ихтиёр қиларкан, унинг истагини ўз оғзидан рўйирост эшитишни орзиқиб кутарди, йигит ҳам унга муҳаббат изҳор этишни галга солиб ўтирмади, натижада улар ўз ҳирсларининг жўшқин иштиёқига таслим бўлиб, бир неча бор ўз ишқий эҳтиёжларини қондирдилар.

Ва лекин улар эҳтиёткорликни унутиб қўйдилар, оқибатда, эр уларнинг хатти-ҳаракатини пайқаб қолиб, шу қадар дарғазаб бўлиб кетдики, Гвардастаньога бўлган аввалги самимий садоқати ўрнини шафқатсиз адоват туйғуси эгаллади. Илло, у ўз адоватини шундай пухталики билан яширдики, ҳаттоки, ошиқ-маъшуклар ҳам ўз ишқий муносабатларини бунчалики сир туттишга қодир эмас эдилар, айни пайтда у, қандай қилиб бўлмасин, Гвардастаньонинг ўлдиришга қасд қилиб қўйди. Мана, Россильоне шундай қарорга келиб қўйган бир

пайтда, Францияда катта спорт мусобақасига ҳозирлик кўрилаётгани маълум бўлди, буни хабар қилгани Россильоне дарҳол Гвардастаньога одам юборди ва олдиндан келишиб олиш учун уни уйига таклиф қилди. Гвардастаньо бундан ниҳоятда хурсанд бўлиб, эртаси куни кечки овқатга албатта етиб боражагини чопарлардан айтиб юборди.

Россильоне бунинг дарагини эшитиб, ҳозир Гвардастаньодан айни қасос оладиган пайт, деган қарорга келди. Эртаси куни у қуролланди ва ўзи билан бир неча хизматкорини олди, отга минди ва ўз қалъасидан тахминан бир миляча нарида, ўрмон ичида, Гвардастаньога пистирма қўйди. У узоқ кутди, кейин бирдан қараса, олдинда Гвардастаньо, унинг орқасидан икки хизматкори отда келишяпти, лекин ҳаммалари ҳам қурол-яроқсиз, чунки Гвардастаньо йўлда бирон фалокат юз беришини хаёлига ҳам келтирмаган эди-да. У Россильоне пистирма қўйган ерга етиб борганида, маккор ва даргазаб Россильоне дарахтлар орасидан: «Кунинг битди, бадкирдор!» — деб бақириб отилиб чиқди-да, шу дамдаёқ найзасини дўстининг кўксига санчди. Гвардастаньо ўзини муҳофаза қилиш у ёқда турсин, ҳатто бир оғиз сўз ҳам айтишга улгуролмади, — найза зарбидан отдан қулаб тушди-ю, шу заҳоти жон берди. Унинг хизматкорлари эса, қотилни танимадилар ва отларини орқага бурдилару ўз соҳиблари қасрига нақ ёв қувгандек елиб кетдилар. Россильоне отдан тушди, пичоғи билан Гвардастаньонинг кўксини тилиб, ўз қўли билан унинг юрагини суғуриб олди, сўнг хизматкорига бу юракни найза учига қадалган алвонга ўраб, қалъага олиб боришни буюрди. Яна у хизматкорларига, ҳеч кимга чурқ этиб оғиз очмайсанлар, деб қаттиқ тайинлаб, отига минди-да, кечқурун алламаҳалда уйга қайтиб келди.

Хотини Гвардастаньонинг кечки овқатга етиб келиши ҳақида эшитган эди, шунга кўра уни ғоят сабрсизлик билан кутаётган эди; аммо унинг келмаганини кўриб, жуда ҳайрон бўлди ва эридан: «Нега Гвардастаньо ҳаяллаб қолдийкин-а?» — деб сўради.

«Менга хабар қилншди, у эртага келаркан», — деб жавоб қилди эри, бу жавоб аёлнинг кўнглини бир оз хижил қилди.

Россильоне отдан тушиб, ошпазни чақиртирди ва унга деди: «Мана — қобон юраги, — бундан иштаҳа очадиган хуштаъм таом тайёрла. Мен дастурхонга ўтирганимда уни кумуш лаганда кирит». Ошпаз юракни ошхонага олиб кириб, майда-майда жаз қилиб тўгради, тотли бўлсин учун унга турли хил зираворлар солди, хуллас, у лаззатли таом тайёрлаш учун бисотидаги бутун ҳунарини ишга солди.

Мессер Гвильельмо билан хотини белгиланган пайтда дастурхонга ўтирдилар. Столга овқат тортилди, аммо бугунги қилган ёвуз-лигидан Гвильельмонинг кўнгли нотинч эди, шунинг учун у деярли ҳеч нима емади. Мана, ошпаз Гвильельмо буюрган таомни киритиб юборди. Гвильельмо иштаҳаси йўқлигини важ қилиб, таомни хотини олдига қўйишни буюрди ва ул таомни роса мақтади. Эрининг акси ўлароқ, хотиннинг иштаҳаси бугун яхши эди, у овқатдан то-

тиб кўрган эди, мазаси оғзига ёқди ва уни охиригача бир ўзи еб қўйди.

Рицарь хотинининг таомни еб битирганини кўриб, унга шундай савол билан юзланди:

«Қалай, таом маъқул бўлдими сизга?»

«Бағоят лаззатли, азбаройи худо»,— деб жавоб қилди хотини.

«Ундай бўлса, яхши,— деди рицарь.— Дарвоқе, бунинг ҳеч ажабланадиган ери йўқ: тириклик пайтида сиз учун дунёда энг азиз бўлган нарса, ўликлигида ҳам шундай лазиз бўлмоғи керак, албатта».

Хотини бу сўзларни эшитиб ўйга толди.

«Нима, нима дедингиз? Менга нима едирдингиз?» — деб сўради у.

Рицарь унга жавобан бундай деди: «Сиз ҳозир, о, хиёнаткор аёл, мессер Гвильельмо Гвардастанъонинг юрагини истеъмол қилдингизким, уни сиз оташ муҳаббат билан севиб қолгандингиз Ишонаверинг, ҳозир еган таомингиз унинг юраги эди, чунки уйга қайтишим олдидан, мен ўз қўлим билан уни Гвардастанъонинг кўксидан суғуриб олдим».

Дунёда энг азиз ва мўтабаб бўлган маҳбубининг не фалокатга дучор бўлганини билган Россильоненинг хотини қандай аянчли аҳволга тушиб қолганини тасаввур қилиш қийин эмас. «Сиз хиёнаткор ва бадкирдор одамдек иш тутибсиз,— деди бир оз сукутдан сўнг хотини.— Мен ўз ихтиёрим билан уни қалбимга султон қилиб тайинлаган эдим — бунга у мени мажбур этмаган эди,— агарки, бу хатти-ҳаракатим билан сизни таҳқирлаган эканман, сиз уни эмас, мени жазоламоғингиз лозим эрди. Вале, аминманки, парвардигори оламнинг карами кенг,— мессер Гвильельмо Гвардастанъодек диловар ва пурҳиммат рицарнинг юрагидан пиширилган энг шоҳона таомдан сўнг бошқа бирон нима истеъмол қилишимга асло йўл қўймагай!»

Шундай дея у дик этиб ўрнидан турди ва бир лаҳза ҳам тараддудланмай шу ердаги деразага орқа ўгириб ўтирди-да, ўзини пастга отди. Дераза ердан анча баландда бўлгани учун аёл шу заҳоти тил тортмай ўлди, унинг жасади таниб бўлмайдиган даражада абжақ бўлиб кетган эди. Мессер Гвильельмо эсанкираб қолди. Ана шундагина ўзининг қай даражада бадкирдорлик қилганини аниқ тасаввур қилди-да, халқ интиқомидан ва Прованс графи ғазабидан қўрқиб, отларни эгарлашни буюрди ва бу юртдан бош олиб қочиб кетди.

Эртаси куни эрталаб юз берган ҳодиса бутун вилоятга овоза бўлди. Мессер Гвильельмо Гвардастанъо қалъасининг аҳолиси, марҳума аёл яшаган қалъа аҳолиси билан биргаликда иккала мурдани ювиб-тарашди, аччиқ-аччиқ йиғлаб, аза тутишиб, икковларини Россильоненинг хотини истиқомат қилган қалъа черковидаги бир дахмага дафн этишди, дахма тошига эса, марсия ёзилган бўлиб, у марсияда бу ерга кимлар дафн этилгани ва мазкур қабр тоши остида ётганларнинг ўлими сабаби мухтасар ёзилган эди.

Табибнинг хотини, гиёҳлардан тайёрланган дорини ичиб, карахт бўлиб қолган ўйнашини ўлик деб ўйлаб, уни сандиққа солади, икки судхўр бу сандиқнинг ичидаги одам билан бирга уйига олиб кетади; ўйнаш ҳушига келади, лекин уни шу заҳотиёқ, ўғри деб тугиб олишади; табиб хотинининг оқсочи шаҳар ҳокимининг ҳузурига бориб, у менинг ўйнашини, уни сандиққа мен солган эдим, кейин судхўрлар у сандиқни ўғирлаб кетишибди, деб гувоҳлик беради, оқибат унинг бу берган гувоҳлиги ўйнашни сиртмоқдан халос этади, судхўрларга эса, сандиқни ўғирлашгани учун жарима солишади

Энди қиролдан сўнг фақат Дионео қолган эди; қирол буни эслатмаган тақдирда ҳам унинг ўзи биларди, шунинг учун у ҳикоясини шундай бошлади:

— Бу ерда бенаво муҳаббатнинг надоматлари ҳақида ҳикоялар айтишди, у ҳикоялар нафақат хонимларнинг, шунингдек, менинг ҳам қалбим ва нигоҳларимни ғам-андуҳ билан қопладик, мен уларнинг тугагини сабрсизлик билан кутиб ўтирдим. Энди, яратганга шукур, андуҳли ҳикоялар айтиб бўлинди (мабодо менда ҳам бу нокерак мавзуга ҳисса қўшиш иштиёқи вужудга келмаса, албатта, лекин бу иштиёқдан худонинг ўзи сақласин мени!) ва мен бу ғуссали мавзунини энди четда қолдириб, биронта ёқимлироқ, хушчақчақроқ ҳикоя сўзлаб бермоқчиманки,— у бизнинг эртага айтиладиган ҳикояларимиз учун шояд ибратли муқаддима бўлса.

Алқисса, соҳибжамол қизлар, бундан бир оз вақт муқаддам Салернода Маццео делла Монтанья исмли маълум ва машҳур табиб жарроҳ яшагани, мана шу зот кексайиб қолган пайтида бирдан ўз ҳамшаҳари тагли-тахтли, гўзал бир қизга уйланиб олса бўладими, кейин у, шаҳардаги жамики аёлларнинг кўзини ўйнатиб, хотинининг энг бежирим, энг қимматли либослар билан ясантирди, унга энг қимматбаҳо жавоҳирларни, аёл кишининг кўнглини олувчи жамики ноёб буюмларни ҳадя қила бошлади, вале, унинг битта иши чатоқ эди: аёл деярли ҳар кеча совуқ қотарди, чунки табиб тўшакда унинг устини яхши ёполмасди. Биз илгари номини зикр этганимиз мессер Риччардо да Киндзика ўз ёстиқдошини байрам кунлари зино иш қилмасликка ўргатгани сингари, табиб ҳам ўз вафодорига, хотин билан ётгандан сўнг, қанчаям кун куч йиғиш керак бўлади, деган ва шу сингари бемаъни гапларни уқтирардиким, унинг бу ўғитлари бора-бора хотинининг жонига тегиб кетди. У гидрокли, довюрак аёл бўлгани учун ахири ўз мулкини эҳтиётлаб қўйишга ва кўчага чиқиб, ўзганинг мулкидан фойдаланишга аҳд қилди. Унинг кўз олдидан сон-саноқсиз йигитлар бирма-бир ўтишди, вале, улардан фақат биттаси жувоннинг дидига ўтирди, шунда у бутун фикру хаёлини мана шу йигитга қаратди, бутун орзу-умидим, бахт-саодатим ёлғиз шу йигитда, деган хулосага келди. Йигит ҳам бу ҳолини пайқаб қолиб, жувон уни ўзига мафтун қилиб қўйганлигидан, ўзи ҳам жувонни астойдил севиб қолди. Ружери д'Айероли исмли бу навжувон йигит аслзода кишилар насабидан эди-ю, лекин ёмон одатларга

мойиллиги ва бебош хулқи билан ҳаммага отнинг қашқасидай танилган эдиким, бора-бора унга ҳамдард бўладиган, у билан дўстона муносабатда бўлишни истайдиган биронта хеши ҳам, биронта ёр-биродари ҳам қолмаган эди. Унинг ўғирликлари-ю, бошқа хил бадкирдорликлари бутун Салернога овоза бўлган эди, бироқ табибнинг хотини бу овозаларга парво қилмади: йигит унга бошқа мақсадда керак эди, мана, кунлардан бир кун аёл ўз оқсочларидан бирининг воситачилигида йигит билан висол жойини тайинлади. Аввалига улар бир оз шўхлик қилишди, кейин жувон йигитнинг шу чоққача амал қилиб келаётган турмуш тарзини қоралаб, унга танбеҳ берди ва агар мени десанг, ўзингни тутиб ол, деб илтимос қилди. Унинг диёнат йўлига ўтиши мушкул бўлмасин учун эса, аёл уни кейинчалик гоҳ-гоҳида пул билан таъминлаб турди.

Лекин шундай ҳол юз бердики, улар ниҳоятда эҳтиёткорлик билан иш тутиб юришган бир пайтда, кунлардан бир кун табибни оёғи оғриқ бир беморни даволашга чақриб қолдилар. Табиб беморнинг оёғини кўриб бўлиб, унинг қариндошларига шундай деди: «Оёқнинг суяги чириган, агар шу чирик суякни зудлик билан олиб ташланмаса кейинчалик бутун оёқни кесиб ташлашга тўғри келади, кесиб ташланмаса, бемор ўлади; борди-ю, суяк олиб ташланса, касал тузалиб кетиши ҳам мумкин, бироқ бундай ҳолда ҳам даволашнинг муваффақиятли чиқишига кафолат бера олмайман». Беморнинг тирик қолишидан умидларини узган унинг қариндошлари табибнинг айтганларига рози бўлишди. Табиб, беморнинг операцияга ухлатадиган дорисиз бардош беролмаслигини, бунга йўл ҳам қўймаслигини назарда тутиб, суякни кечкурун кесиб олиб ташлашга аҳд қилди-да, беморга ичириш учун эрталабдан суюқ дорни буюртириб қўйдиким, унинг мўлжали бўйича бу дорни беморни бутун операция мобайнида ухлатиб қўйишга қодир эди. Дорини тайёрлаб олиб келишди, табиб уни олиб, ўз хонасидаги дераза тоқчасига қўйиб қўйди-ю, унинг нима эканлигини уй ичидагилардан ҳеч кимга айтмади. Лекин оқшомда табиб, энди ўшал беморникига жўнашга отланиб турган эди, аксига юриб, Амальфидан бир одам келиб қолса бўладими — уни табибнинг амальфилик ёр-дўстлари юборишибди; бу одамнинг айтишича, Амальфида қирғин жанг бўлиб, кўп одам жароҳатланибди, шунинг учун табибнинг дўстлари, ҳар қандай зарур иш бўлса ҳам ташлаб, тезда Амальфига етиб келсин, деб тайинлаб юборишибди. Табиб операцияни эрталабга қолдирди, қайиққа тушиб, фалокат юз берган ерга равона бўлди. Эрининг тунда қайтиб келмаслигига мутлақо ишонган хотини, кундаги одати бўйича, Ружерига пинҳона одам юборди, кейин уни, то уйдагилар ётиб пинакка кетишгунча ўз хонасига киритиб, устидан беркитиб қўйди.

Севгилсини интизорлик билан кутиб ўтирган Ружери ё толиққанлигидан, ё шўр таом тановул қилганлигидан, ёинки шунчаки, тарки одат — амри маҳол, дегандек, жуда ҳам чўллаб кетди, шунда унинг кўзи деразадаги бемор учун ҳозирлаб қўйилган бир шиша суюқ дорига тушди-ю, уни ичадиган сув деб ўйлаб, бир томчи ҳам қолдирмай симириб юборди. Бир оз фурсатдан кейин унинг кўзлари юмила бошлади-да, оқибат тўп отсаям уйғонмайдиган маст уйқуга

ғарқ бұлди. Махбубаси имконият туғилиши билан хонага кириб келди, йигитнинг ухлаб ётганини кўрди-ю, уни турткилай ва пичирлаб отини айтиб уйғота бошлади — аммо бу чора асло кор қилмади: ундан садо ҳам чиқмади, қилт этмади ҳам. «Кўзингни оч, уйғучи! Нима, ухлагани келганмисан бу ерга?» — деди хоним ва жаҳл билан уни итариб юборди. Ружери сандиқ устидан худди ўликдек қулаб тушди. Бир оз ваҳимага тушган хоним уни кўтариб турғизмоқчи бўлди-да, силкита бошлади, бурнидан, соқолидан тортиб кўрди — аммо бу уринишлари кор қилмади: ҳозир йигитнинг орқасини кесиб кетишса ҳам билмасди. Шунда аёлнинг хаёлига: агар ўлиб қолган бўлса-я? — деган мудҳиш фикр келди. Чунки у Ружерини чимчилади ҳам, шам билан куйдирди ҳам, — ҳеч наф бермади. Эри табиб бўлгани билан хонимнинг ўзи тиббиёт соҳасида алифни калтак деёлмасди, шунинг учун ҳам у Ружерининг ўлганига чинпачин ишонди. Ружерини дунёда ҳаммадан ортиқ севган бу аёлнинг қандай мушкул аҳволга тушиб қолганини тасаввур қилиш қийин эмас. У шовқин кўтаришга журъат эта олмай, ёрининг боши узра унсиз йнглар ва ўзининг шўрпешоналигидан нола чекарди.

Хиёл фурсатдан кейин у, жудолик — жудолигу лекин бунинг устига яна шарманда бўлиб қолишим ҳам мумкин-ку, деб ўйлади ва диққатини бир ерга жамлаб, қандай қилиб жасадни уйдан олиб чиқиб кетиш ҳақида бош қотира бошлади. Бош қотириб ўтириб-ўтириб, ахири оқсоч қизни оҳиста ёнига чақирди, бошига қандай кулфат тушганини тушунтириб, ундан бирон маслаҳат беришини илтимос қилди. Оқсоч ҳайрон бўлиб қолди: у ҳам Ружерини силкитиб, чимчилаб кўрди-да, қаршисида чўзилиб ётган одам — жонсиз жасад эканлигига ишонч ҳосил қилиб, у ҳам айнан бекаси келган хулосага, яъни Ружери шак-шубҳасиз оламдан ўтган, деган хулосага келиб тўхтади ва уни уйдан тезроқ олиб чиқиб кетишни маслаҳат берди.

«Қай ерга олиб бориб қўйсақ, эртага уни кўриб қолишганида, бизнинг уйимиздан олиб чиқилганига ҳеч кимда шубҳа уйғонмаскин?» — деб сўради бека.

Оқсоч унга шундай жавоб айлади: «Бекам! Кечқурун мен дурадгор қўшнимизнинг устахонаси олдида мўъжазгина бир сандиқ турганини кўрувдим. Агар эгаси олиб кетмаган бўлса, ўша сандиқ жуда асқотарди-да бизга: мурдани ўша сандиққа солардик-да, икки-уч марта баданига пичоқ санчиб, ўша ерда қолдирардик. Кейин уни толиб олишгандаям бизнинг уйдан олиб чиқилган, деб ҳеч ким ўйламасди. Аксарият, ўзи шум ният билан кўчага чиққан унда қасди бўлган бигта-ярымта душмани гум қилиб сандиққа тиқиб кетган бўлса керак, деб ўйлаши мумкин, — ахир унинг ярамас одамлиги ҳаммага маълум-ку».

Оқсочнинг маслаҳати бекасига бамаъни бўлиб кўринди, — фақат уни яралашга юраги бетламаслигини айтди, — шундан кейин, чиқиб қара-чи, сандиқ кўчада турганмикин, деб оқсочни кўчага чиқариб юборди. Оқсоч ғириллаб бориб, сандиқ жойида турибди, деб келди. Мана шундан кейин ёш, бақувват оқсоч қиз бекаси кўмагида Руже-

рини опичлаб олди, бекаси олдинда назоратчи бўлиб борди, улар сандиқ турган ерга етиб боришлари билан Ружерининг жасадини унга солдилар-да, қопқоғини ёпиб, уни шу алфозда қолдириб, уйга қайтдилар.

Дурадгор уйининг орқасидаги уйга яқинда икки йигит кўчиб келган бўлиб, улар судхўрлик билан шуғулланишарди; уларнинг иккови ҳам ўлгудек юлғич ва қурумсоқ одамлар эди, янги уйда уларга анжому жиҳозлар зарур бўлгани учун кўчада турган ўшал сандиқни кўриб қолишиб, агар шу сандиқ кечаси ҳам шу ерда қолса, уйимизга олиб кириб кетамиз, деб аҳд қилиб қўйишганди. Мана, улар ярим кечада уйларида чиқиб, сандиқнинг ҳамон ўша ерда турганини кўришди ва дамни ғанимат билишиб, гарчи сандиқ хийла залварли кўринган бўлса ҳам, ихраб-сихраб уни уйларига олиб кириб кетдилар ва бир амаллаб хотинлари ётган хона яқинига қўйдилар-да, ўзлари ўринларига кириб ётиб, тарракдек қотиб ухладилар.

Ружери узоқ фурсат ўликдек ухлади, лекин ниҳоят туркона дори унинг ошқозонида ҳазм бўлиб, ўз кучини йўқотди-ю, у бомдод намози олдидан ҳушига келди, уйғонишга уйғонди-ю, лекин ғафлатни тарк этиб, ўзига келган бўлса ҳам боши шундай ғовлаган эдиким, бу ҳол тун бўйи ва яна бир неча кун давом этди. У кўзини очди — зим-зиё; қўлини чўзиб, пайпаслаб, ўзини сандиқ ичида ётганини тушунди-да, миясини ишлатиб, ўзича мулоҳаза юрита бошлади: «Бу ёғи қандоқ бўлди? Қаердаман? Туш кўряпманми ё бедорманми? Ахир жудаям яхши эсимда, кечқурун жононимнинг хонасида эдим, энди бўлса, сандиқ ичида ётибман шекилли. Нега бундай бўлди? Ё табиб бемаврид қайтиб келдими, ё яна бирон кор ҳол юз бердимики, маҳбубам мени ухлаб ётган ҳолимча сандиққа яширишга мажбур бўлибди? Ҳа, худди шундай бўлган бўлса керак».

Шундай хаёл билан у писиб ётиб, қулоқ сола бошлади. У узоқ вақт қулоғини динг қилиб ётди. Сандиқ хийла тор ва ётиш учун бирмунча ўнғайсиз бўлганидан,— бунинг устига Ружерининг ёнбоши увушиб қолган ҳам эди,— нариги ёнбошига ағдарилиб ётмоқчи бўлди, лекин ағдарилаётиб, эпчилликниям роса ўрнига қўйди: сандиқ нотекис ерда лапанглаб турган эди денг, Ружери ағдариламан деб, орқаси билан сандиқнинг ён деворига урилди, натижада сандиқ бир томонга оғиб, ёнбошига йиқилди. Йиқилганда ҳам шунақанги гумбурлаб йиқилдики, нариги хонада ухлаб ётган аёллар чўчиб уйғониб кетишди ва қўрққанларидан жим бўлиб қолишди. Сандиқнинг ағдарилиши Ружерини ҳам ваҳимага солиб қўйган эди, у сандиқнинг қопқоғи очилиб кетганини кўриб вақт ғаниматда сандиқдан чиқиб олишни маъқул кўрди. Ахир Ружери ўзининг қаерда эканлигидан мутлақо беҳабар эди-да, шу боисдан у бўлганича бўлди деб, тусмоллаганча зина ёки эшикни қидириб юриб кетди. Бедор аёллар уй ичида юрган аллакимнинг шарпасини эшитишиб: «Ким у?»— деб қичқаришди. Овозлар нотаниш эди, шунинг учун Ружери товуш бермасликни афзал кўрди; шундан кейин аёллар эрларини чақаришди, лекин улар жуда кеч

ётишган бўлгани учун донг қотиб ухлашар ва мутлақо ҳеч нима эшитишмасди. Шунда аёллар дағ-дағ титрашиб юракларини ҳовучлаганча дераза олдига бориб: «Войдод! Уғри тушди!»— дея айюҳаннос сола бошладилар. Бунни эшитган қўшнилари талвасага тушишиб, биров чордоқ туйнугидан, биров кўча эшикдан, биров орқа эшикдан ёрдамга шошилиб келаверди, бу орада шов-шувдан уй соҳиблари ҳам уйғониб кетишган эди.

Қаёққа қочишини билмай (қочиш керакмиди ўзи) серрайиб қолган Ружерини тутиб олишди-да, бу шовқин-суронни эшитиб етиб келган миршабларга тутқазишди. Ружерини судьянинг ҳузурига олиб боришганда, уни қўлидан ҳар қандай жиноят келадиган одам сифатида, дарҳол қийноққа солдилар ва у қийноққа бардош беролмай, судхўрлар уйига ўғирликка тушганини бўйнига олди, шаҳар ҳокими эса, ушбу қийноқ остида берилган гувоҳликка асосланиб, уни зудлик билан осишга қарор қилди.

Ружерининг судхўрлар уйда жиноят устида қўлга тушгани эрталаб бутун Салернога овоза бўлди. Бу овоза табибнинг хотини билан унинг оқсочи қулогига ҳам етиб борганида, икковлари шундай гангиб қолишдики, тунги саргузаштлари гўё тушларига киргандек бўлиб туюла бошлади. Бунинг устига-устак Ружерининг бошига тушган фалокат маҳбубасини қаттиқ ташвишга солган эди. Эрталаб барвақт Амальфидан табиб қайтиб келди ва беморни операция қилгани боришга отланиб, туркона дори солинган шишани сўради. Лекин у шишанинг бўм-бўш турганини кўриб, фигони чиқиб кетди ва ҳеч тартиб бўлмади-бўлмади бу уйда, деб бақира бошлади.

Хотини ҳам ўз ёғига ўзи қовурилиб ўтирган эди, шунинг учун эрини жеркиб ташлади: «Ҳой табиб, бошингизга чинакам кулфат тушса нима қилардингиз? Шу бир шиша сувни тўкиб ташлашгангаям ота гўри қозихонами? Нима бало, сув отига дунёда қирон келганими, намунча дод-вой қилмасангиз?»

Табиб эса унга жавобан деди: «Сен, хотин, ўша шишадаги нарсани оддий сув деб ўйлаяпсан шекилли, илло, сен янглишасан: у ухлатадиган дори эди». Табиб шундай дея, ул дорини нима мақсадда тайёрлаганини айтиб берди.

Хотини бу гапни эшитди-ю, Ружерининг ўша сувни ичганига, оқибатда оқсочи билан иккови уни ўлдига чиқаришганига иқдор бўлди. «Биз билмабмиз, табиб,— деди хотини,— энди дорини бошқатдан буюртирасиз-да». Илож қанча — табиб янги туркона дори буюртиришга мажбур бўлди.

Орадан хиёл вақт ўтгач, оқсоч қиз уйга кириб келди; у бекасининг гапи билан Ружери тўғрисида қандай мишмишлар юрганини эшитгани кўчага чиқиб кетган эди; у келди-ю, кўчада эшитган гапларини баён қила кетди: «Бекам! Ружери тўғрисида бир оғиз ҳам яхши сўз эшитмадим. Билишимча, унинг ёнини олиш учун биронга қариндоши ҳам, биронта ёр-дўсти ҳам бормаптиям, боришни хаёлига келтирмапти ҳам, ҳамманинг оғзида дув-дув гап: жиний ишлар судьяси уни эртага дорга осишга ҳукм этармиш. Энди бу ёғини эшитинг, мен сизга Ружерининг қандай қилиб судхўрларнинг уйига

кириб қолганини айтиб берай. Дурадгорни ўзингиз танийсиз — унинг устахонаси рўпарасида турган сандиққа биз Ружерини олиб бориб жойлаган эдик. Бу ёғини эшитинг, ҳозир ўша дурадгор аллақандай бир киши билан жанжаллашди — чамаси, у ўша сандиқнинг эгаси бўлса керак: у киши сандиқ учун ҳақ талаб қилди, дурадгор бўлса, сандиқнинг сотганим йўқ, кечаси ўғирлаб кетишибди, деб уқтира бошлади. У киши бўлса, унга: «Гапинг ёлғон! Сен сандиқнинг икки ёш судхўрга сотгансан — Ружерини тутган пайтимизда, сандиқнинг ўз кўзим билан кўрдим уларнинг уйида — ўзлари айтишди сотиб олишганини», — деди. Дурадгор бўлса унга: «Гаплари ёлғон, сандиқни сотиш хаёлимгаям келгани йўқ эди; чамаси, тунда ўзлари ўғирлаб олиб кириб кетишган бўлишса керак. Қани, юр, уларникига кирамиз!» — деди. Шундан кейин икковлари судхўрникига бошлашиб кетишди, мен уйга қараб югурдим. Мана, Ружери судхўрларникига шу йўсинда кириб қолган экан, илло, унга қандай қилиб жон киргани — мен учун жумбоқ».

Ана шунда табибнинг хотинига ҳамма нарса ойдинлашди ва у оқочига ўзининг эри билан қилган суҳбатини сўзлаб бериб, унга, Ружерини қутқар, деган илтимос билан юзланди: агар хоҳласанг бўлди — Ружерини қутқарсан, бу билан соҳибангни ёмонотлик бўлишдан асраб қоласан, деди.

«Сиз менга йўлини кўрсатсангиз бўлди, бегойим, — деди оқсоч қиз, — у ёғини ўзим амаллайман».

Бека буни пайсалга солиб бўлмаслигини тушуниб, шу топдаёқ қандай иш кўриш кераклигини ўйлаб топди ва ўз режасини оқсочига муфассал баён қилди.

Оқсоч биринчи навбатда табибнинг олдига кирди ва кўз ёш қилиб гап бошлади: «Мессер! Мен сиздан кечирим сўрагани келдим, негаки, сизнинг олдингизда қаттиқ гуноҳқорман».

«Гуноҳнинг нима экан?» — деб сўради табиб.

Оқсоч қиз бетаскин йиғлаб, гапида давом этди: «Мессер! Сиз, албатта, Ружери д'Айеролини танисангиз керак, мана шу одам мени кўз остига олиб юрган экан денг, шу бу йил мен, қисман кўрққанимдан, қисман у йиғит кўнглимга ўтирганидан, унга ўйнаш бўлгандим. Кеча, у сизни кечқурун жўнаб кетаётганингизни эшитиб қолиб, бугун кечаси сен билан хонангда тунайман, деб хиралик қилиб туриб олди, мен йўқ дея олмадим; лекин унинг келиб келиб, шу пайтда чўллаб қолганини айтмайсизми, мен бўлсам, яқин ўртада қаерда сув ё шароб борлигини билмадим, ундан кейин, шу бемаҳалда хотинингизнинг кўзига кўринишни ўзимам истамасдим — бундоқ қарасам, хотинингиз залда экан, — бирдан сизнинг хонангизда сув тўлдирилган шиша тургани хаёлимга келиб қолди, гириллаб бориб, ўша сувни олиб келиб Ружерига ичирдим-да, идишни ўша заҳоти яна жойига олиб бориб қўйдим, — кейин сиз ўша сув деб уйни бошингизга кўтардингиз. Биламан, мен номаъқул иш тутганман, — илло, ким гуноҳ қилмаган бу дунёда, — айбисиз парвардигор. Мен жуда пушаймонман, бу ҳам етмагандай, шу қилган гуноҳим ва уннинг оқибати туфайли Ружерининг умри хазон бўладиганга ўхшаб турибди, мана шу боисдан сизга ёлвориб илти-

жо қиламан: кечира қолинг энди мени, кейин Ружерини ўлимдан қутқариб қолишим учун қўлимдан келганча уриниб кўришимга ижозат беринг».

Табибнинг таъби тирриқ бўлиб турган бўлса ҳам оқсочни мазах қилиб юрагини ёзиш истагидан воз кеча олмади. «Сен ўзингга-ўзинг азоб орттирибсан,— деди у,— кечаси билан мени роса терлатади, деб бошлаб келган азамат йигитинг мудроқ танбал бўлиб чиқипти. Бор, ўша ўйнашингни қутқарсанг қутқара қол, лекин шартим бор: иккинчи уни уйимга бошлаб келмайсан, акс ҳолда, ўша заҳоти ҳамма қилмишларинг учун бирваракайига адабингни бериб, жийдахалтангни қўлингга тутқазаман!»

Ҳар бир ишнинг бошланиши қийин; оқсоч ғизиллаганча Ружери ётган авахтага борди ва қамоқхона нозирдан маҳбус билан гаплашишга розилик беришини илтимос қилди. У Ружерига, агар жонидан умиди бўлса, судьянинг сўроқларига қандай жавоб қилиши кераклигини ўргатиб, шу заҳотиёқ судьянинг қабулига киришга муяссар бўлди.

Судья оқсоч қизнинг сутдек оппоқ ва биққидаккина эканига эътибор бериб, ҳозирча ҳеч қандай арзга қулоқ солмади, билъакс, худонинг бу банди оқсочнинг қармоққа илинтирмоқчи бўлди, шунда оқсоч ҳам ишнинг осон кўчишига монелик қилмади; судья оқсочга дам бериб бўлгач, ўрнидан турди ва шундан кейингина оқсочнинг арзини тинглай бошлади: «Мессер!— деди оқсоч.— Авахтангизда ўғирликда айбланган Ружери д'Айероли ўтирибди, лекин унинг ҳеч қандай гуноҳи йўқ». Шундан кейин у судьяга, ўз ўйнаши Ружерини табибникига қандай бошлаб боргани, ўзи ҳам билмасдан унга туркона дори ичириб қўйгани ва уни ўлиб қолди, деб ўйлаб, олиб чиқиб сандиққа жойлагани—ҳамма-ҳаммасини бир бошдан сўзлаб берди-да, кейин Ружерининг қандай қилиб судхўрлар уйида пайдо бўлиб қолганини изоҳлаш учун ўзи беихтиёр гувоҳи бўлган дурадгор билан сандиқ эгаси ўртасидаги жанжални ҳам айтиб берди.

Судья буларнинг ҳаммасини осонгина текшириб кўриш мумкинлигини тушуниб, биринчи навбатда табибни чақиртирди ва ундан, шишада қандай ичимлик бўлган эди, деб сўради ва табибнинг жавобидан, оқсоч қизнинг ҳақ гапирганига ишонч ҳосил қилди. Ундан кейин дурадгорни, сандиқ эгасини ва судхўр йигитларни чақиртириб, уларни узоқ вақт сўроқ қилиб шуни аниқладикки, судхўрлар ҳақиқатан ҳам кечаси сандиқни уйларига олиб кириб кетган эканлар. Шундан кейин у Ружерини олиб келишларини буюрди ва унга кеча кечқурун қаерда эдинг, деб савол берди; Ружери, билмайман,— фақат, кечқурун доктор Маццеонинг оқсочиникига борганимни, жуда ташна бўлганимда, қизнинг хонасида сув ичганимни биламан, ундан у ёғини эслолмайман, ҳушимга келиб қарасам, судхўрларнинг уйида сандиқда ётибман, деб айтди. Бу саргузашт судьяга ғоятда қизиқарли бўлиб туюлди ва у оқсочни, Ружерини, дурадгорни ва судхўрларни бир неча марталаб бошқатдан ҳикоя қилишга мажбур этди.

Ва ниҳоят судья сандиқ ўғирлаган судхўрларга ўн унциядан

жарима солди, Ружерини эса, гуноҳи йўқ, деб топиб, қамоқдан озод этди. Ружерининг қанчалик хушбахт бўлганини, унинг маҳбубасининг қувончи ичига сиғмаётганини тасаввур қилиш қийин эмас. Кейинчалик у, Ружери ва уларнинг халоскори оқсоч учовлари, Ружерига пичоқ санчмоқчи бўлишганини эслашиб, қотиб-қотиб кулиб юришди; Ружери билан табибнинг хотинига келсак, улар тобора бир-бирларига кўпроқ мафтун бўлишиб, ҳамжиҳат, ҳаммеҳр бўлиб яшашди. Мен ҳам жон-жон деб рози бўлардим шунақа ҳаётга, фақат сандиққа тиқишмаса бўлгани.

Бугун айтилган дастлабки қиссалар дилбар хонимларни ғуссага солган эди, вале, Дионео ҳикоя қилган сўнгги қисса, айниқса судьянинг қармоқ ташлаган ери, тингловчиларни тўхтовсиз кулдирдиким, бу кулгилар хонимларнинг бугунги руҳий изтиробларини батамом ювиб юборди. Бироқ бу пайт Филострато офтоб шуъласининг хиралаша бошлаганини кўриб,— бу унинг ҳукмдорлик даври ниҳоясига етганидан дарак эди,— бенаво ва бедаво муҳаббатдек ғамгин мавзу танлагани учун латофатли хонимлардан минг хил назокат билан узр сўради. Узр сўраб бўлгандан кейин эса, ўрнидан туриб, бошидаги дафна гултожини олди-да, хонимлар ўзларига-ўзлари, кимга кийдираркин, деб савол бериб улгуришмасдан, Филострато ғоят нафис ҳаракат билан уни Фьяметтанинг зулфизар бошига қўндирди.

— Ушбу гултожини мен сенга кийдирипман,— деди у,— зероки, эртага сен дугоналарингни бугунги серандуҳ кун изтиробидан фориғ қилишда ўзга хонимлардан фаолроқ иш кўрсатгайсан.

Узун, заррин, қўнғироқ сочи оппоқ нафис елкаларига тушиб турган, кулча юзи гоҳ оқ нилуфардек, гоҳ қирмизи атиргулдек товланиб турган, кўзлари шахло, дудоқлари — бир жуфт ақиқни эслатувчи Фьяметта табассум билан унга шундай жавоб қилди:

— Мен бу гултожини жон-дилим билан қабул қиламан сендан, Филострато. Бугунги кунимизни расво қилганинг ўзингга яна ҳам ойдин бўлсин учун мен ҳозирнинг ўзидаёқ ўз амримни баён қиламан ва ҳаммангизга эртага. *Кўп машаққатлар ва сарсон-саргардонликларни бошларидан кечирган ошиқ-маъшуқларга ахири бахт кулиб боққани ҳақидаги ҳикояларни сўзлашга шай бўлиб туришингларни буюраман.*

Фьяметтанинг таклифи ҳаммага мақбул бўлди. Шундан кейин у эшик оғасини чақиртириб, у билан ҳамма соҳада маслаҳатлашиб олди, кейин хонимлар ва йигитлар ўринларидан туришди ва Фьяметта уларни то кечлик овқатгача баҳузур ҳордиқ чиқариш учун озод этди.

Биров боққа кирди,— боғ шу қадар кўркама эдики, ундан кўз узиб бўлмасди,— биров боғ ортидаги тегирмонга, биров — у ёққа, биров — бу ёққа тарқалиб, то кечки таом пайтигача ҳар ким ўз майлига кўра вақтичоғлик қилди. Мана, ниҳоят, овқат пайти етиб келди, ҳамма доимий одат бўйича, пуржозиб фаваора олдига тўпланди ва бағоят зўр мамнуният ҳамда бениҳоя латиф дид билан тuzалган дастурхон атрофига ўтирди. Улар тановул қилиб

бўлиб, ўринларидан туришганда, таомил бўйича, рақс ва қўшиқ бошланмоғи лозим эди, шунга кўра, Филомена эндигина рақсни бошлаган эди, қиролича бундай деди:

— Филострато! Мен ўзимдан олдинги ҳукмдорлар жорий қилган одатни тарк этмоқчи эмасман. Шунга кўра, мен ҳам ўтган ҳукмдорлар сингари қўшиқ тинглашни ихтиёр қилдим, модомики, қўшиқларингнинг қиссаларингдан мазмунан фарқ қилмаслигига имоним комил экан, ҳеч бўлмаса, бошқа кунлари ўшал машъум қўшиқларинг билан кўнглимизни ғаш қилмаслигинг учун сенга шу бугун қўшиқ айтишни буюраман — майли, ўз севган қўшиғингни куйла!

Филострато бажону дил рози бўлди ва шу дақиқа ўз қўшиғини ижро этишга киришди:

Шунча азоб чекиб, дунёга
Исбот этдим афсус емоғин
Ким дил берса бевафоларга.

Севги! Сен ўт ёққач қалбимда,
Унга чизгач, дилбар суратин,
Ўйлагандим мен ўз олдимда
Кўрдим дея поклик хилқатин.
Кулфат менга туюлди роҳат,
Чунки уни севгидан кўрдим.
Англаб етдим мен энди фақат:
Хато қилдим, аввал кўр эдим.

Англаб етдим қора бир кунда,
Ташлаб кетгач, мени севганим,
Юрагимни қолдириб унда
Жоним, борим, ёрим деганим.
Пайқамаган эканман асло
Вой бўлишин ишқимга якун.
Унутишин мени бевафо
Бошқа бир ёр ишрати учун.

Ақлим буни идрок этган он,
Мен зарбага берсам-да, бардош,
Нафрат тошиб мисоли тўфон,
Этдим ёрнинг сохталигин фош.
Юзидаги тиниқлик сўнди,
Кўзлари ҳам юлдуз эмас, тун.
Хаёл унинг ҳуснини кўмди,
Ўз-ўзимни койидим бутун.

Яширмайман дардим, аламмим,
Мен қулингман, ҳукмдорим — ишқ!
Яна сенга йўллаб каломим,

Топшираман ихтиёрим,
Токи, ишқ!
менинг қисматимга сен
Бўлмассан деб лоқайд, бепарво.
Тайёрдирман хизматингга мен,
Улимдан ҳам қаттиқдир дунё.
Майли,
келсин, ажал

тиғини
Вужудимга чуқурроқ санчсин.
У тугатсин кулфат доғини,
Азоблардан жоним тинчисин.
Ишон, севги, қайғу-аламдан
Қутулмоқда ягона йўл шу.
Олиб кетса ажал оламдан,
Мен миннатдор бўламан мангу.
Кулфатларим сабабкорига,
Ғамгин дилим маккор ёрига
Сен бу билан хизмат этасан.
Эрк берасан ихтиёрига,
Янги ёрга уни тутасан.

Мен кутмайман сендан, таронам,
Бахш этмоқни жонларга шодлик.
Шундай бўлса ҳамки, жононам,
Севги томон учиб, озодлик
Ва фарбғат бағишла, майли.
Мен бўлсам, у ҳижрон туфайли
Қанотидан айрилган қушман.
Агар севги бўлмаса душман,
Мени йўқлик сари бошласин.
Унда ором, сукунат сайли,
Мени ўша ерга ташласин.

Шунча азоб чекиб,
дунёга
Исбот этдим афсус емогин
Ким дил берса бевафоларга...

Қўшиқ баёнидан Филостратонинг қандай кайфиятда эканлиги ва не бонсдан бундай бўлгани аён бўлди; вале, агар рақс тушаётган қизлардан бирининг чеҳраси бирдан чўғдек қизариб кетганини тун зулмати яширмаганида, Филостратонинг не бонсдан бундай кайфиятда бўлгани яна ҳам яққолроқ аён бўлган бўларди. Филостратодан сўнг бошқалар ҳам қўшиқ айтишди, ундан кейин ётиб ором олиш пайти келди ва қироличанинг амри билан ҳамма ўз оромгоҳига тарқалди.



ДЕКАМЕРОННИНГ
ТЎРТИНЧИ ҚУНИ ТУГАБ,
БЕШИНЧИ ҚУНИ БОШЛАНМОҚДА.

Фьяметта ҳокималик қилган ушбу кунда китобхон,
этиборига кўп машаққатлар ва сарсон-саргардон-
ликларни бошларидан кечирган ошиқ-маъшуклар-
га ахири бахт кулиб боққани ҳақидаги ҳикоятлар
ҳавола этилади.



Шарқ томонда уфқ ёриша бошлади ва бош кўтариб чиқаётган қуёшнинг шуълалари бизнинг ярим куррани чароғон айлади, худди шу чоғ, тонгги соат олтида буталар орасида шўх-шўх чуғурлаша бошлаган қушларнинг хушовоз хонишларидан уйғониб кетган Фьяметта ўрнидан турди ва ҳамма қизлар билан уч йнгитни чақириб келишни буюрди. Сўнг у дўст ва дугоналари билан ҳар тўғрида ширин суҳбат қурганча бир-бир босиб водийга тушди-да, кенг майсазордаги шабнам инган ўтлар орасидан юра бошлади, офтоб баландга кўтарилиб улгурмагунча улар шу зайлда сайр қилиб юришди. Қуёш шуъласи баданни куйдира бошлагандан кейин эса, Фьяметта уйга қайтди. Уйга келгач, у ҳаммага сайр-томошадан сўнг хушбўй шароб ва ноз-неъматлар билан тамадди қилиб олишни буюрди, сўнгра то тушликка қадар бутун жамоат оромгоҳ боғда вақтичоғлик қилди. Тушлик пайти етиб келиб, тадбиркор эшик оғаси ҳамма нарсани муҳайё қилиб қўйгандан кейин, қизлар билан йнгитлар бир неча қўшиқ ижро этдилар, сўнгра қироличанинг фармониغا биноан, очиқ чирой билан дастурхон атрофига ўтирдилар. Тушлик овқатни чақчақлашиб, рутбага риоя қилган ҳолда ўтказдилар; тушликдан сўнг бўладиган рақсга тушиш одати ҳам қанда қилинмади: чолғу асбоблари жўрлигида қўшиқ айтиб, бир неча рақс ҳам ижро этдилар. Сўнг қиролича ҳаммани ҳордиқ чиқаргани тарқатиб юборди. Айримлар мизғиб олгани кўшкларига кириб кетишди, бошқа бировлар эса, ғаройиб бўстонда қолишни мақбул кўрдилар. Ва лекин соат тўртга яқинлашганда ҳаммалари қироличанинг истагини бажо келтириб, аввалдан жорий этилган тартиб-қоидага биноан фаввора қошига тўпландилар. Қиролича тахтга ўтириб Панфилога табассум-ла қаради ва бугунги қиссахонликда биринчи бўлиб сўзлашни сенга амр этаманким, айтадиган қиссанг хайрли тугасин, деб буюрди.

Муҳаббат туфайли ақли камолга етган Чимоне денгизда ўз маҳбубаси Ифигенияни ўғирлайди; Родосда уни зиндонбанд қиладилар; лекин Лизимах уни қутқаради ва икковлари бир бўлиб, Ифигения билан Кассандрани, уларнинг никоҳ тўйи пайтида олиб қочиб кетадилар; ҳаммалари Крит оролига борадилар, у ерда йигитлар қизларга уйланадилар, кейинчалик эса, ҳаммалари уйларига қайтиш учун таклифнома оладилар

— Шодиёна ўтишига кўзимиз етган ушбу куннинг бошланишида мен сизларга, дилбар хонимлар, анча-мунча қиссалар сўзлаб беришим мумкин эди, лекин улардан биттаси, бугунги мавзуимизга жудаям мосдек туюляпти менга, зеро, бу нафақат охири бахайр тугайдиган қисса (ахир бугун ҳаммамиз ҳам бу ерга айнан шундай қиссаларни ҳикоя қилгани тўпланганмиз-ку), шунингдек, бу қиссамдан сизларга ишқ маъбудаси — Амурнинг қувваси нечоғлиқ муқаддас, нақадар қудратли ва шарофатли эканлиги аён бўладиким, кўпчилик одамлар, ўзлари ҳам сабабини билмай, ул муборак қуввани адолатсизлик билан таҳқирлайдилар ва қоралайдилар. Баски, ҳаммаларингиз ҳам ишқ дардига йўлиққан экансиз, ўйлайманки, бу сингари қисса дардингизга фақат малҳам бўлиши мумкин.

Алқисса, Кипрнинг солномаларида ёзишларича, у ерда бир вақтлар Аристипп исмли бир аслзода яшаган ва ўз ҳамшаҳарлари орасида энг саодатли зот бўлганким, агар пешонаси бошқа нарсадан шўр бўлмаганда, у ўзини ер юзида энг бахтиёр одам деб ҳисоблаши ҳам мумкин эди. Гап шундаки, унинг Кипрда энг барваста, энг хушқомат йигит ҳисобланган ўғилларидан бири — ғирт овсар эди; муаллимни у билан қанча шуғулланмасин, отаси уни ҳам эркалаб, ҳам калтаклаб тарбиялашга қанча уринмасин, — бошқалар ҳам қандай найранглар ишлатиб кўришмасин — барибир унинг миясига ҳеч илм кирмади, нодонлигича қолаверди, овози ҳам эшитган қулоқни қоматга келтирувчи ўша-ўша дағаллигича қолаверди; хулласи, бу инсон эмас, мисоли бир ҳайвон эди, — шу боисдан, гарчи унинг ҳақиқий исми Галезо бўлса ҳам ҳамма мазох қилиб «Чимоне», деб чақирардиким, бу уларнинг тилида «мол» деган маънони билдирарди. Бу фарзанди ноқобил отанинг бошига кўп ташвишлар сола бошлади, оқибат ота ундан буткул умидини узди ва бошга битган бу балони кўрмаям-куймаям, деди-да, авом деҳқонлар орасида яшаб юраверсин, деб уни қишлоққа жўнатди, Чимоне ҳам бундан хурсанд эди, чунки авом халқнинг урф-одати унга шаҳарликлар расм-таомилидан минг карра афзал эди.

Шундай қилиб, Чимоне қишлоққа кўчиб келиб, деҳқончилик қилиб юраверди, шунда кунлардан бир кун туш маҳалида, у елкасида асо билан бир амлоқдан иккинчисига кета туриб, май ойи бўлгани сабабли қуюқ япроқларга бурканган бир дарахтзорга кирди.

ким, бу — яқин атрофдаги энг хушманзара ўрмон эди. Мана, у кета туриб, азим туп дарахтлар билан қуршалган бир сайхонликка чиқиб қолди, сайхоннинг бир чеккасида бир ажиб, муздек чашма қайнаб турар, чашма бўйида, ям-яшил майса устида эса, соҳибжамол бир қиз маст уйқуда ётарди, эғнидаги ҳарир кўйлаги унинг оппоқ баданини деярли яшира олмаган эди; қизнинг белидан то оёғи учигача қордек оппоқ нафис чойшаб ёпилган эди; унинг пойида икки оқсочи билан бир хизматкори ухлаб ётишарди. Чимоне бу манзарани кўриб қолди-ю, гўё умрида биринчи маротаба аёл кишини кўраётгандай, таърифлаб бўлмайдиган шавқу завқ билан сукутга толганча, асосига таяниб, қиздан кўзини узмай тикилиб қолди. Ана шунда, муаллимларнинг фозилликка ундовчи беҳисоб таълим-тарбиялари оқибатида ҳам ҳеч қандай назокат ва нафосат туйғулари «қилт» этиб уйғонмаган унинг тўпори қалбида бирдан шундай бир ҳиссиёт пайдо бўлдики, бу ҳиссиёт унинг нотавон ва ношуд хом калласига, кўзинини оч, кўз олдинда одамзод шу чоққача шоҳиди бўлмаган ғоятда гўзал бир хилқат ётибди, деб уқтира бошлади. Чимоне қизнинг қадди-қоматини кўздан кечираркан, ўзи олтинга ўхшатган унинг сочларидан, унинг манглайи, бурни, оғзи, бўйни, қўлларидан, айниқса ҳали унча дўппаймаган кўкракларидан ҳайратга келди ва бу деҳқон йиғит дабдурустан нафосатнинг қадрига етувчи шахсга айланиб, энди қизнинг маст уйқуга кетган кўзларини кўриш иштиёқида ёна бошлади,— йиғит у кўзларни кўриш учун бир неча бор қизни уйғотишга ҳам чоғланиб кўрди. Бироқ бу қиз Чимоне шу чоққача кўрган-билган ҳамма аёллардан беқиёс даражада гўзалроқ бўлиб туюлганлиги сабабли, унинг миясига: тагин бу илоҳа бўлса-я, деган хаёл келди. Ва лекин шунга қарамай, илоҳаларни рўйи замин хилқатларидан кўра ортиқроқ иззатлаш лозимлигига ақли етди-ю, шу боисдан ўзини тийиб, бу хилқатнинг то ўзи уйғонгунича кутиб туришга аҳд қилди, гарчи куттиш анчага чўзилаётган бўлса ҳам Чимоненинг ҳеч кетгиси келмасди — унинг қалбига қутқу солган бу илк нашида кучи шунчалик кучли эди.

Мана, ахири қиз,—унинг исми Ифигения эди,—ўз хизматкорларидан олдин уйғонди, у кўзини очиб, бошини кўтарди-ю, рўпарасида асога таяниб турган Чимонени кўрди. «Ие, сенмисан, Чимоне? — ўта таажжуб билан сўради қиз.— Бу ўрмонда нима қилиб юрибсан?»

Шуни ҳам айтиш керакки, Чимоне ҳам ўзининг хулқ-одоби, ҳам телбалиги билан бутун вилоятга танилган эди; айни пайтда, ҳамма унинг отасини ғоятда хирадманд ва давлатманд одам деб биларди. Чимоне Ифигенияга ҳеч нима деб жавоб қилмади,— кўзи қизнинг шахло кўзига тушди-ю, нигоҳини у кўзлардан уза олмай ром бўлиб қолди, шунда қиз кўзларидаги ғамза унинг қалбини, шу чоққача маълум бўлмаган қандайдир фараҳбахш туйғу билан суғораётгандек бўлиб туюлди унга.

Қиз бу ҳолни пайқади-ю, бу тўпори одамнинг менга бундай тикилиб қарашини, шаънимга доғ туширишдан дарак эмасмикин, деган хаёлга борди, шунинг учун у оқсочларини уйғотиб, ўзи ҳам диқ этиб ўрнидан турди-да, деди: «Бор, Чимоне, худо ёр бўлсин!»

Чимоне эса бунга жавобан: «Мен сен билан кетаман», деди.

Қиз, Чимоненинг бирон хурмача қилиқ қилишидан ҳамон шубҳаланиб, қанчаллик уни ўзидан узоқлатишга уринмасин, барибир ундан қутула олмади, шундай қилиб, Чимоне қизни то уйининг эшигигача кузатиб қўйиб, кейин отаси ҳузурига равона бўлди-да, унга, ортиқ қишлоқда яшашни истамайман, деб айтди. Бу хабар Чимоненинг отасига ҳам, бошқа хешларига ҳам маъқул тушмади, лекин шунда ҳам: қани, кўрайлик-чи, турмуш тарзини дабдурустан бу янглиғ ўзгартиришга сабаб нима бўлдийкин, деб ўйлашиб Чимонени уйдан ҳайдашмади.

Бу орада, ҳар қандай илм-ҳикмат ҳам сингиб киришга ожизлик қилган Чимоненинг қалбига, энди Ифигения ҳусн-жамолининг шарофати билан ишқ маъбуди отган камон ўқи ёриб киргани, шунда, Чимоне отасини, шунингдек, барча қариндош-уруғлари ва ёр-биродарларини ҳайратда қолдириб, миясида туғилган беҳисоб орзу-ниятларини ғоятда қисқа фурсатда рўёбга чиқарди. Биринчи навбатда у отасига юзланиб, уни ҳам худди ўз ака-укаларидек кийинтиришни илтимос қилди, бу илтимосни отаси бажону дил бажо айлади. Сўнг-ра у мустаҳиқ йигитлар билан улфат бўлди ва аслзода йигитларнинг, боз устига, ошиқ бўлган аслзода йигитларнинг қандай талабларга жавоб беришлари лозимлигини билиб олди-да, барчани ҳайрон қолдириб ва фавқулодда ҳайратга солиб, қисқа вақт ичида нанки саводини чиқариб олди, шунингдек, энг буюк файласуфлардан бирига айланди. Ундан кейин,— булар ҳаммаси Ифигения деб бўлаётган эди,— у ўз овозини ўзгартиришга ҳам муваффақ бўлди: авваллари у худди қишлоқиларга ўхшаб дағал гапирар эди, энди бўлса, зодагон зотларга ўхшаб хушовоз бўлиб қолди; бу ҳали ҳаммаси эмас: Чимоне қўшиқ ва мусиқа ҳақида яхши фикр юрита оладиган бўлди, моҳир ва мард чавандозга айланди, жангу жадалда ҳам — хоҳ денгизда бўлсин, хоҳ қуруқликда — кўп маҳорат кўрсатди. Унинг жасоратлари ҳақида қисқароқ гапириш учун мен фақат шунини айтмоқчиманки, Чимоне, ошиқ бўлганига тўрт йил ўтар-ўтмас у бутун Кипрда энг жозибали, энг хуштабиат ва энг мустаҳиқ йигитга айланди.

Қани, хўш, мафтункор хонимлар, нима ҳол юз берган эди ўзи Чимонедан? Мана, эшитинглар: само унинг олижаноб руҳига баркамолликни ато этган эди-ю, илло, ҳасадгўй шум тақдир бу олижаноб хислатни Чимоне юрагининг теран бир гўшасига қамаб, чайир аргамчи билан сириб боғлаб ташлаган эди, ва лекин ишқ маъбуди — Амур шум тақдирдан беқийс даражада қудратлироқ экан, шунга кўра, у ўшал аргамчининг чигаллини ечиб, бўлак-бўлак қилиб узиб ташлади. Зеро, ғафлатда ётган идрокларни уйғотини хислатига эга бўлган Амур бутун куч-қудратини ишга солиб, ўшал идрокларни ёвуз зулмат қаъридан чароғон зиё сари олиб чиқдики, бу билан у ўз ихтиёридаги руҳни қандай мушкулотлардан озод қилиб, ўз шуъласи билан унинг йўлини ёритган ҳолда, уни қандай юксакликка кўтара-слишини амалда намойиш қилди.

Қисқаси, гарчи Ифигенияга ошиқ бўлган Чимоне аҳён-аҳёнда ўзгалар билан ишрат қилиб турса ҳам (одатда бундай ҳол аксарият

ошиқ йигитларда учраб туради), шунга қарамай, Аристипп, ўз ўглининг ишқ маъбуду — Амурнинг шарофати билан ҳайвонсифат махлуқдан инсонга айланганини инобатга олиб, унинг ишратбозлик қилишига монелик қилиш у ёқда турсин, яна, ҳеч нимадан ўзингни сиқма; деб ўғлига уқтира бошлади ҳам. Ва лекин Чимоне,— дарвоқе, у ўзини Галезо деб чақирмасликларини илтимос қиларди, чунки Ифигениянинг уни Чимоне, деб чақиргани ҳануз ёдида эди,— қиз тўғрисида энг холис ниятда эди ва бир эмас, бир неча маротаба, Ифигениянинг отаси Чипсео қизини менга бернишга рози бўлармикин, деган ниятда унга оғиз солиб кўрди ҳам, лекин Чипсео, қизимни Пазимунд исмли родослик аслзода йигитга унаштириб қўйганман, берган сўзимдан ҳеч қачон қайтмайман, деб донм бир хилда рад жавобини берарди.

Мана, Ифигениянинг никоҳ кунни яқин қолиб, келинни олиб кетиш учун куёв ўз жўраларини юборди, шунда Чимоне ўзига-ўзи: «Ана энди, Ифигения, сени қанчалик севишимни амалда исботлашим керак. Ёлғиз сен туфайли одам бўлдим ва имоним комилки, ҳали меники бўлганингдан кейин, мен жамики худолардан ҳам саодатлироқ бўламан. Иккидан бири: ё сен меники бўласан, ё бўлмаса, мен нобуд бўламан», деди-да, дарҳол ўзининг ёр-дўстлари, аслзода йигитлар билан тил бириктириб, бир кемани денгиз жанги учун зарур бўлган барча анжом-аслаҳа билан жиҳозлаш ҳақида яширинча фармон берди, сўнг шу кемада денгизга чиқди ва у ерда Ифигенияни Родосга, қайлиғи олдига олиб кетаётган кемани пойлаб турди. Ифигениянинг отаси куёв жўраларни кўп иззат-икром билан кутиб олиб, зиёфат қилгач, улар денгиз сафарига чиқдилар-да, Родос томон сузиб кетдилар. Чимоне сергак бўлиб турарди: у эртаси кунини ёқ келин кетаётган кемани қувиб етди ва ўз кемасининг тумшугида турганча барала наъра тортиб деди: «Елканларни туширинглар, акс ҳолда сизларни мағлуб айлаб, ҳаммангизни денгизга фарқ қиламиз!» Ғанимлар қўлларига қурол олиб, ўзларини муҳофаза қилишга шайландилар. Шунда Чимоне қўлига сопи узун темир илгак олиб, уни гизиллаб сузиб кетаётган Родос кемасининг қуйруқ томонига моҳирлик билан илди-да, уни тортиб ўз кемасига ёндаштира бошлади, сўнг ўйлаб-нетиб ўтирмай, ўз ғанимларини писанд ҳам қилмай, шерга хос жасорат билан улар кемасига сакраб ўтди. У Амур даъватидан руҳланиб, қўлида ханжар билан душманларнинг энг ғуж ерига ўзини отди ва ҳаммаларини биттама-битта худди қўйдайд бўғизлай бошлади. Родосликлар буни кўриб, дарҳол қуролларини ташлашди ва деярли ҳаммалари таслим бўлишди.

Чимоне уларга шундай деди: «Гапларимга қулоқ солинглар, йигитлар: мени Кипрни тарк этиб очиқ денгизда сизларга қарши қурол ишлатишга ундаган нарса тамагирлик ҳам, адоват ҳам эмас. Мени бундай ишга қўл уришга даъват этган нарса, мен учун дунёда энг қимматли ўлжадирки, сизлар уни менга яхшиликча берсангиз, ҳеч қандай зиён кўрмайсиз: мен Ифигенияни назарда тутмоқдаман,— мен уни дунёда ҳамма нарсадан ортиқ севаман, аммо отаси уни менга яхшиликча, рози-ризолик билан беришни хоҳламади,— ана шундан кейин Амур мени адоват қилишга ва маъшуқамни қу-

рол ишлатиб сизлардан тортиб олишга ундади. Хуллас, мен Пазимунд ўрнини эгалламоқчиман. Ифигенияни менга беринглари сизларни мен худонинг паноҳига топширай!»

Куёвжўралар, юм-юм йиғлаётган Ифигенияни ҳиммат юзасидан эмас, балки кўпроқ даҳшат даъвати билан Чимоне қўлига топширдилар. Қизнинг йиғлаётганини кўрган Чимоне унга шундай сўзлар билан юзланди: «Тинчлан, о, шарифа қиз! Мен — сенинг Чимоненгман, сени жуда кўпдан буён севаман, бинобарин, сенинг умр йўлдошинг бўлишга Пазимунддан кўра мен кўпроқ мустаҳиқман, зеро, Пазимунднинг сенга қайлиқ бўлишига ҳеч қандай ҳақи йўқ,— агар отангни унга берган ваъдасини ҳисобга олмасак».

Шундан кейин, Чимоне Ифигенияни ўз кемасига олиб ўтишни буюрди ва родосликлардан бошқа ҳеч нима олмай, уларни тинчомон қўйиб юборди-да, ўзи ёр-дўстлари қошига қайтди. Энг қимматли ўлжага муяссар бўлганидан боши кўкка етган Чимоне ҳамон зор-зор йиғлаётган Ифигенияни юпатишга киришди, сўнгра ўртоқлари билан маслаҳат қурди, бу кенгашда улар, ҳозирча Кипрга қайтмаган маъқул, деган қарорга келишди; Чимоне ҳам, унинг ўртоқлари ҳам бир овоздан Крит оролини танладилар, чунки у ерда кўпчилик йигитларнинг эски ва янги қариндошлари, шунингдек, беҳисоб ёр-биродарлари бор эдиким, ҳаммалари, айниқса, Чимоне билан Ифигения ўзларини у ерда бежавотир ҳис қилишлари муқаррар эди,— шунга кўра улар кемани шу орол томон йўналтирдилар.

Бироқ Чимонега ўз маҳбубасини деярли ҳеч бир монеликсиз ўлжа қилиб тутқазган бевафо қисмат, энди бу ошиқ йигитнинг тавсифга сиғмайдиган шодлигига ҳасад қилиб, уни мудҳиш ва аччиқ мусибатга айлантирди. Чимоне родосликлардан ажралгандан кейин орадан тўрт соатча вақт ўтар-ўтмас кеч кириб қоронғи тушди, Чимоне шу ёшга етиб, умрида биронта ҳам тунни бугунгичалик интизор бўлиб кутмаган эди, чунки бу тун унинг умрида энг лаззатбахш тун бўлиши керак эди, лекин қоронғи тушиши билан бирдан даҳшатли тўфон кўтарилди, осмон булут билан бурканди, денгиз сатҳида асов шамол ўйнай бошлади, ҳамма саросимага тушиб, қай томонга қараб сузишни билмай қолди, кемани тўлқин шундай ўйнатардики, денгизчилар оёқда тура олмасдилар, ўз бурчларини бажариш ҳақида-ку, гап ҳам бўлиши мумкин эмас эди. Чимоненинг қандай умидсизликка тушганини тасаввур қилиш қийин эмас. «Худолар, мени яна ҳам мудҳишроқ ўлимга рўбарў қилмоқ учун армонимни рўёбга чиқаришган экан-да, деган фикр келди Чимоненинг хаёлига, зеро, ёнида Ифигения бўлмаганда, ўлим билан юзлашиш унга осонроқ бўларди. Чимоненинг ўртоқлари ҳам умидсизликка тушдилар, Ифигенияни-ку, мутлақо руҳи тушиб кетган эди: у фарёд солиб йиғлар ва кема биқинига келиб урилган ҳар бир долгадан юраги орқасига тортиб кетарди. У зор-зор йиғларкан, Чимонени, унинг муҳаббатини энг ёмон сўзлар билан қарғарди, унинг шоввозлигидан жиғибийрон бўлар ва бу ғазабнок бўронни бошимизга худолар соляпти, деб ишонтирарди: эмиш, Чимоне худоларнинг қаршилигига қарамай, Ифигенияни ўзинга хотин қилиб олишга журъат этганлиги учун бу офатни йўллаётганмишларки,

энди улар аввал қизнинг қандай ҳалок бўлишини Чимоненинг кўзига кўрсатиб, ундан кейин ўзини шармандаларча нобуд бўлишга маҳкум этармишлар. Денгизчилар тобора қаттиқроқ нола чекишиб, шамолнинг тобора зўрайиши оқибатида нима қилишларини била олмай, ҳеч нимани кўрмай қолдилар ва қаёққа кетаётганларини тасаввур ҳам қила олмай, ниҳоят Родос оролига яқин бориб қолдилар. Улар бу қуруқликнинг Родос эканлигини билмай, шу соҳилга тушиб жон сақлаб қолиш учун ғайри инсоний ғайрат билан ҳаракат қила бошладилар. Толе уларга ёр бўлиб, мўъжазгина бир кўрфазга сузиб кирдилар, вале, бундан хиёл вақт олдин Чимоне қўйиб юборган родосликлар ҳам ўз кемаларида шу кўрфазга кириб келган эдилар. Чимоненинг одамлари, бу соҳилнинг Родос ороли эканлигини англаб улгуришмасдан, тонг отиб, осмон чиннидай мусаффо бўлди, шунда улар куни кеча ўзлари қўйиб юборган кемани кўриб қолдилар,— кема камондан ўқ отса етадиган масофада турарди. Бу ҳолдан саранг бўлиб қолган ва мудҳиш фалокатга дучор бўлишига кўз етган (кейин айнан шундай бўлди ҳам) Чимоне, ҳолимиз нима кеча ҳам майли, барибир бугун тунда бошимизга тушган уқубатдан баттар бўлмайди-ку, деб, қандай қилиб бўлмасин, зудлик билан бу ердан бош олиб чиқиб кетиш керак, деган мазмунда фармон берди. Ва лекин денгизчиларнинг барча уринишлари зое кетди: қаршидан эсаётган пуршиддат шамол, наинки уларнинг кўрфаздан чиқиб кетишига йўл қўйди, балки уларнинг жоң ҳолатда уринишларига қарамай, кемани қайтадан соҳилга суриб олиб бориб қўйди. Улар бандаргоҳга яқин келишлари билан ўз кемаларидан тушган родосликлар уларни дарҳол танишди. Шу пайт улардан бири шу яқин ўртадаги қишлоққа югурди ва ўша ерга дам олгани кетган родослик бойвачча йнгитлар олдига бориб, тақдир Чимоне билан Ифигенияни ҳам шу ерга олиб келиб ташлади, деб хабар қилди. Ғайратлари жўш урган бойваччалар ўзлари билан бир талай қишлоқликларни олганча денгиз бўйига ошиқдилар, шу чоғ ўз ҳамроҳлари билан соҳилга тушган ва шу яқин орадаги ўрмонга кириб паноҳ топиш ниятида бўлган Чимоне ҳам, унинг ўртоқлари ҳам, Ифигения ҳам — ҳаммаларини қўлга олиниб, қишлоққа олиб борилди. Уша пайтда Родос ҳокими бўлган Лизимах бу ерга бир отряд қуролли кишилар билан етиб келиб, Чимоне билан унинг ўртоқларини қамоқхонага олиб кетдиким, денгизда содир бўлган воқеадан воқиф бўлган ва Родос сенатига бу ҳақда арзнома ёзган куёв Пазимунд ҳам айнан шуни талаб қилган эди.

Шундай қилиб, эндигина Ифигениясининг висолига етган ва унинг дудоқларидан бир мартагина бўса олишга улгурган бахти қаро ошиқ Чимоне ўз маҳбубасидан яна жудо бўлди. Родослик бойвачча хонимлар Ифигенияни ўз паноҳларига олиб, унинг кўнглини кўтара бошладилар, зеро, қиз ўзининг ўғирланганидан буён ва тўфон пайтида кўрган-кечирганларидан кейин ҳамон ўзига кела олмасди; хонимлар Ифигенияга то никоҳ кунигача улар билан бўлишни таклиф қилдилар. Чимоне билан унинг шериклари, родослик йнгитларни безарар қўйиб юборишгани учун ўлим жазосидан қутулиб қолдилар ва умрбод қамоққа маҳкум этилдилар, ҳолбуки

Пазимунд уларга ўлим жазоси берилишини талаб қилаётган эди. Маҳбусларнинг руҳлари қанчалик тушиб кетганини тасаввур қилиш қийин эмас; вале, Пазимундга келсак, у тўй кунини мумкин қадар тезлаштириш тараддудида эди.

Илло, воқеа айни шу ерга келганда, фалак, Чимонегга бениҳоя раҳмсизлик ва адолатсизлик қилганидан пушаймон бўлди шекилли, унга қутулиш йўлини топиб берди. Пазимунднинг Ормизд исмли бир укаси бўлиб, у ҳар жиҳатдан ҳам акасидан қолишмасди, мана шу Ормизд кўпдан бери шу ерлик Кассандра исмли насл-насаблӣ, соҳибжамол бир қизнинг ишқида шайдо бўлиб юарди, лекин негандир тўйлари бир эмас, бир неча бор ҳар турли сабабларга кўра қолдирилган эди. Шуниси ҳам борки, Родос ҳокими Лизимах ҳам Кассандрани бутун вужуди билан севар ва уни кўз остига олиб қўйган эди. Мана, ниҳоят Пазимунд ўзининг сердабдаба никоҳ тўйч арафасида, икки марта сарф-харажат қилмаслик мақсадида, биратўла Ормизднинг ҳам тўйини ўз тўйига қўшиб ўтказиб қўя қолишни мақбул кўрди. Шу сабабли у яна Кассандранинг ота-оналари билан музокара олиб бориб, ахири, уларнинг рози-ризалигини олди, ана шундан кейин, ака-ука Кассандранинг ота-онаси билан биргаликда: Пазимунд билан Ифигениянинг ва Ормизд билан Кассандранинг никоҳ тўйлари бир кунда бўлиб ўтади, деган қарорга келишди. Бу хабарни эшитган Лизимах жуда қаттиқ ранжиди, зеро, у шояд Ормизд билан Кассандра мурасага келиша олмаса, унда Кассандра албатта менга насиб этади, деб мудом қиздан умидини узмай юарди. Лекин у тадбирли одам бўлгани учун ўз юрак дардини ошкор қилмади ва қандай қилиб никоҳ тўйини бузиш ҳақида фикр юритиб, ниҳоят, энг тўғри йўл — қизни ўғирлаб кетиш, деган қарорга келди. Унинг ҳукмдор лавозимида бўлганлиги бу ниятини амалга ошириш учун энгиллик тағдирарди ва лекин у, агар ҳокимият тепасида бўлмаганимда, номусимга камроқ путур етган бўларди, деган фикрга келди. Шундай бўлса ҳам барибир узоқ мулоҳазадан кейин муҳаббат номус ҳиссиётидан устун чиқди ва нима бўлсаям, Кассандрани ўғирлашга аҳд қилди. Кейин у ўзига кимларни шерик қилиб олиш ҳақида ва режасини қандай қилиб осонликча амалга ошириш ҳақида ўйлаб ўтириб, бирдан ўзи ҳибсга олган Чимоне билан унинг дўстларини эслаб қолди ва бундай ишда Чимонедан мақбулроқ ва ишончлироқ шерик топа олмайман, деган фикрга келди.

Шунга кўра, у тунда ўз ҳузурига яширинча Чимонени олиб келишни буюрди ва унга шундай сўзлар билан юзланди: «Чимоне! Худолар — севган бандалари учун саҳоват бирла саодат бахш этгайлар, зеро, улар одамзод шижоатини ва бошларига қанчалик оғир савдолар тушганда ҳам сабот ва матонат билан бардош берганларни ўта донолик билан синаб кўрарканлар, шул бандалари нчидан энг мустаҳиқларини энг сарбаланд армуғон бирла тақдирлагайлар. Айтмоқчиманки, худолар сенинг ўз отанг паноҳида яшган пайтингдагидан ҳам (отангни эса мен ниҳоятда бадавлат одам сифатида биламан) мустаҳиқроқ тутишингни ихтиёр этдилар. Мен ҳаммасини эшитдим, худолар аввалига муҳаббатнинг аччиқ изтиробни кўмагида сени нодон бир махлуқдан одамзодга айлантири-

шипти, кейин эса, мана, бошингга оғир мусибатлар солиб, зим-зиё авахтага ҳибс этдилар-да, бу билан сени, ўша ўлжангга муяссар бўлган чоғингдаги бир зумлик хушбахтликдан кейин, аввалги жасоратинг ва шижоатингнинг пасайган ё пасаймаганлигини синамоқчи бўлдилар. Агарки, жасоратинг ҳарорати ҳали ҳам пасаймаган экан, унда худоларнинг марҳамати ҳеч қачон, ҳозир сенга бахшида қилинаётганчалик маҳобатли ва саховатли бўлмаган. Уларнинг марҳамати нимадан иборат эканлигини мен ҳозир сенга баён этгумки, сен уни эшитиб, жонлангайсан, руҳан тетиклашгайсан. Пазимунд сенинг бу бахти қаролигингдан хурсанд, у сенинг ўлимингни истаяпти ва Ифигения билан никоҳ ўқитиш кунини тезлатиб, сенинг маҳбубангдан ўзи баҳраманд бўлиш учун жон-жаҳди билан тиришиб ётиптики, уни, яъни Ифигенияни фалак аввалига сенга тортиқ қилиб, дилингни хушнуд айлаган, кейин эса, тўсатдан қаҳри қайнаб, уни яна сендан тортиб олган эди. Сенинг қанчалик изтироб чекаётганингни,— агар чинданам Ифигенияни севсанг, албатта,— мен ўзимдан қиёс қилиб билияпман: ўша никоҳ куни Пазимунднинг укаси Ормизд менинг ҳам қалбимни худди сеники сингари жароҳатлайди,— чунки Ормизд мен учун жаҳонда энг севимли хилқат бўлган Кассандрага уйланмоқчи. Ушбу офатни, мана шу тақдирнинг бевафолигини бартараф қилмоқ учун сен билан биз яна ўшал тақдирнинг иродасига суянган ҳолда ягона бир воситадан фойдаланишимиз мумкинки, у ҳам бўлса, руҳан тетик бўлишимиз, забардаст билақларимиз эса шамшир тутган бўлмоғи лозимдир, бунинг оқибатида сен маҳбубангни иккинчи мартаба ўғирлашинг учун ўзингга йўл очишинг лозим бўлади, мен эсам, ўз дилбаримни биринчи мартаба ўғирлашга журъат этгум. Хулласи калом, агар сенинг орзуармонинг озодликка чиқиш тўғрисида бўлмаса-ю,— билишимча, маҳбубангсиз озодликнинг сен учун ҳеч бир қадр-қиммати бўлмаса керак,— ўз севгилинг билан қовушиш бўлса, унда менинг ташаббусимга ҳамдам бўл, шунда худолар ёрингни қайтариб беришгай».

Бу сўзлар Чимоненинг маҳзун руҳини кўтариб юборди ва шу заҳотиёқ ҳукмдорга бундай деб жавоб айлади: «Лизимах! Модомики, мен ваъда қилинган туҳфага мушарраф бўлар эканман, бундай ишда мендан саботлироқ, садоқатлироқ дўст топа олмайсан ўзингга, бинобарин, сен ўша ишингни дадил топширавер, ўшанда менинг қандай мўъжизакор жасорат соҳиби эканлигимга шоҳид бўласан».

Лизимах ҳам унга бундай деди: «Индинга иккала келинчак биринчи марта ўз эрларининг уйига қадам қўядилар; кечга томон ўша ерга биз ҳам: сен — ўзингнинг қуроқланган ўртоқларинг билан, мен — ўзимнинг ишончли одамларим билан қириб борамиз, тўйнинг авжи қизиган пайтида биз иккала келинчакни олиб қочамиз-да, уларни менинг махфий фармонимга биноан сафарга жўнашга шай бўлиб турган кемага олиб чиқамиз; бизга монелик қилганларни эса, битта қўймай қириб ташлаймиз».

Бу режа Чимонегга маъқул тушди ва у белгиланган вақтни авахтада хотиржам кута бошлади.

Никоҳ тўйи муносабати билан ғоятда зўр ва дабдабали маърака уюштирилди; ака-ука куёвлар уйининг ҳар бир гўшасида шодиёна,

уйин-кулги авжга минган эди. Белгиланган соатда қизларни олиб қочувчилар шай бўлиб туришди, шунда Лизимах шерикларини бундай ишга даъват этиш мақсадида уларга катта нутқ сўзлади, сўнгра Чимоненинг ҳам, ўзининг ҳам ўртоқларини — ҳаммалари кийимлари ичига яроқ яширган эдилар, — учта гуруҳга бўлди ва бирон қорхон бўлгудек бўлса, ўзларининг кемага чиқиб олишларига ҳеч ким халал бермасин учун гуруҳлардан бирини бандаргоҳга йўналтирди, иккинчи гуруҳни, тўйхонанинг эшигини ҳеч ким ичидан беркитиб олмасин ёнгики уларнинг бу ердан чиқиб кетишларига бирон висиба билан тўсқинлик қилмасин, деган мақсадда, Пазимунд уйининг кўча эшиги олдига қўйди, учинчи гуруҳга эса ўзи билан Чимоне бошчилик қилган ҳолда зинадан кўтарила бошлади. Улар залга киришиб, икки келинчакни ва яна кўпгина бошқа аёлларни тўкин дастурхон теграсида ўзларига муносиб ерларда ўтиришганини кўришди-ю, Лизимах билан Чимоне столларни ағдариб, устидаги ноз-неъматларни сочиб, ўз маъшуқаларига ташландилар, сўнгра уларни шерикларига қўлма-қўл узатдилар-да, уларни елканларини шишириб, сафарга шай бўлиб турган кемага зудлик билан олиб боришни буюрдилар. Келинчаклар юм-юм йиғлаб, фарёд чека бошладилар, меҳмонга келган аёллар, чўрию хизматкорлар дод солиб йиғлаб, бутун уйни бошларига кўтардилар. Бу орада Чимоне билан Лизимах, шунингдек, уларнинг шериклари ҳам шамширларини яланғочлаганча ҳеч қандай қаршиликка дуч келмай, зина бошига етиб бордилар, зеро, ҳамма улардан қўрқиб, йўл бўшатарди. Улар зинадан тушаётганда эса, Пазимунднинг кўриб қолдилар, у хотинларнинг қий-чувини эшитган ва шу боисдан каттақон таёқ ушлаб зинадан чиқиб келаётган эди, лекин Чимоне шамшири билан унинг бошини чопиб, икки паллага ажратиб юборди, Пазимунд тил тортмай ўлди. Чимоне акасига ёрдамга югуриб келган бахти қаро Ормиздни ҳам даф қилди, бу кутилмаган меҳмонларга ҳамла қилмоқчи бўлганларни эса, Лизимах билан Чимоненинг шериклари ё жароҳатладилар, ё улоқтириб ташладилар. Лизимах билан Чимоне қон ва кўз ёшга ғарқ бўлган, нолаю фарёдга тўлган бу хонадонни тарк этиб, эришилган зафар лаззатидан сархуш бўлиб, ҳеч қандай монеликка учрамай бандаргоҳга етиб олдилар, маҳбубалари олдинроқ олиб келинган кемага барча шериклари билан чиқдилар ва то одамлар келинчакларни халос этмоқ учун қўлларига қурол олиб соҳилга етиб келишгунча, улар шод-хуррамлик билан сузиб кетиб бўлган эдилар.

Улар Крит оролига етиб бориб, қариндош-уруғлари, ёр-биродарларини хушнуд этдилар ва тўй-томоша қилиб, ўз маҳбубаларига уйландилар-да, ўша ерда ўз бебаҳо муздлари билан лаззатланиб яшай бошладилар. Шу воқеадан кейин анча вақтгача Кипр билан Родос ўз ҳаловатини йўқотиб қўйди. Ниҳоят, у томондан ҳам, бу томондан ҳам хешу ёр-дўстлар ўртага тушишиб, ахири бир неча муддат қувғинда яшаган Чимоне билан Ифигениянинг Кипрга, Лизимах билан Кассандранинг эса, Родосга қайтишига муваффақ бўлдилар; бундан кейин яна узоқ йиллар давомида тўртовлари ўз ватанларида роҳату фароғатда умр кечирган эканлар.

Костанца исмли қиз Мартуччо Гомитони севади; маҳбубининг ҳалок бўлганини эшитиб, ғамга ботади ва ёлғиз ўзи қайиққа тушиб, ўзини денгиз тўлқини ихтиёрига топширади, шамол унинг қайиғини Суза соҳилига олиб бориб қўяди; орадан бир қанча вақт ўтган, қиз Тунисда Мартуччони соғсаломат ҳолда кўради, Мартуччо ўз севгилисини танийди; бу ҳижрон даврида Мартуччо қиролга доно маслаҳат бериб, унинг муқарраби бўлиб олган экан: энди у Костанца билан никоҳдан ўтади ва беҳисоб мол-давлат ортириб Липарига қайтади

Панфило ўз қиссасини ниҳоясига етказди, қиролича қиссани жуда маъқуллади-да, ҳикоя қилиш навбатини Эмилияга берди, Эмилия шундай ҳикоя бошлади:

— Чинакам ҳиссиёт муносиб туҳфага мушарраф бўлса, биз қувонмоғимиз лозим, модомики муҳаббат — нохуш эмас, балки аксарият пайтда хушбахт ҳиссиёт экан, мен кечаги қиролимизнинг фармонига итоат этгандан кўра, бугунги қироличамизнинг амрларини жон-жон деб бажо айлағум, зеро, қироличамиз тавсия этган мавзу устида фикр юритиш мен учун кўпроқ нашъалидир.

Алқисса, хушфёъл хонимлар, маълумингизки, Сицилия ороли яқинида Липари номли жажжи оролча бор, мана шу оролчада яқингинада шу ерлик олиҳиммат кишилардан бирининг фарзанди Костанца исмли соҳибжамол қиз яшарди, шу оролнинг фуқароси бўлмиш Мартуччо Гомито исмли ўз касбининг устаси, хушсурат, диёнатли йигитча эса, у қизни чин юракдан севиб қолган эди. Костанца ҳам унга кўнгили қўйган эдиким, бутун фикру хаёли шу йигитда эди. Мартуччо Костанцага уйланишни ният қилиб, қизга, отангдан оқ фотиҳа ол, деб айтди, бироқ қизнинг отаси, Мартуччоннинг камбағал тоифадан эканлигини пеш қилиб, бунга рози бўлмади. Фақат камбағаллиги туфайли илтимоси рад этилган Мартуччо ўз хешлари ва ёр-дўстлари билан келишиб, мўъжазгина бир кеманя жиҳозлади-да, агар бойнимасам ҳеч қачон Липарига қадам қўймайман, деб онт ичиб, денгизда қароқчилик қила бошлади ва Берберия соҳиллари бўйлаб сузиб, ўзидан заифроқ бўлган жамики кемаларга ҳужум қила бошлади. Бу ишда унинг қўли баланд келиб, босартусарини билмай қолдики, қисқа муддат ичида у шериклари билан бирга беқиёс даражада бойиб кетди: энди қароқчиликка барҳам бериб, ўзини тийса, айни муддао бўлур эди-ю, лекин очкўзлик ҳамон унга тиним бермасди; ахири воқеа шу билан тугадикки, бир кун уларга сарачинлар ҳужум қилдилар ва уларнинг қаршиликларини бартараф қилиб, ҳаммаларини ҳибсга олдилар, мол-давлатларини торож қилдилар, деярли жами қароқчиларни денгизга улоқтирдилар, кемани чўктирдилар, Мартуччони эса, Тунисга олиб кетиб зиндонга ташладилар, натижада у бу ерда узоқ муддат бандилик азобини чекиб ётди.

Липарига эса, бир эмас, икки эмас, жуда кўп ва ҳар хил одамлар, Мартуччо ҳам, унинг кемасидаги ҳамма одамлар ҳам кема-пемаси билан чўктирилиб юборипти, деган шумхабар олиб кела

бошладлар. Мартуччо Липаридан бош олиб чиқиб кетганидан буён Қостанца ҳижрон азобида қаттиқ қийналиб юрган эди; маҳбубининг кўп қатори нобуд бўлганини эшитгач эса, узоқ вақт кўз ёши тўкиб, сўнг бу ёруғ дунёдан бош олиб кетишга аҳд қилди, илло, ўз жонига қасд қилишга юраги дов бермаганлиги туфайли, оқибати муқаррар ўлимга олиб борадиган бирон йўл тутмоқчи бўлди. Шундай қилиб, ҳеч кимга сездирмасдан, тунда ота уйидан бош олиб чиқиб кетиб, бандаргоҳга борди, бу ерда у кемалардан хиёл нарироқда турган елканли бир қайиқни тасодифан кўриб қолди, — афтидан, бу балиқчилар қайиғи бўлиб, эгалари эндигина денгиздан сузиб келишган ва қайиқни шу ерда қолдиришган эди. Қостанца, барча оролликлар сингари денгизчилик ҳунаридан хабардор эди, шу боисдан у қайиққа сакраб тушди-да, эшкак эшиб, соҳилдан олислаб кета бошлади, сўнг у елканни кўтарди, эшкакларга ҳам, рулга ҳам қўл теккизмай, ўзини шамол ихтиёрига топширди, зеро, у ҳеч ким бошқармаётган бу бўш қайиқни шамол ё ағдариб юборади, ё бўлмаса, бирон қояга олиб бориб уриб чилпарчин қилади, деган умидда эдиким, Қостанца на у ва на бу тақдирда, истаса-истамаса, барибир, денгиз қаърига чўкиб кетиши муқаррар эди. Шу ўй билан у қайиқ тубига ётиб, ёпингичига боши билан бурканганча юм-юм йиғлай бошлади.

Ҳолбуки тақдир унинг пешонасига бошқа нарсаларни битган экан: енгил трамонтана¹ эсар, денгиз сокин, қайиқ чайқалмасди, оқибат шамол эртаси куни кеңгача қайиқни Тунисдан юз миляча юқорироқдаги Суза шаҳри жойлашган ерга олиб бориб қўйган эди. Қостанца учун бошини қайиқдан кўтариб қарашнинг ҳеч ҳожати йўқ эди, у ўрнидан кўтарилмасликка ўзига-ўзи сўз бериб қўйган эди, мана шунинг учун ҳам у ўзининг денгизда эмас, балки кўпроқ қуруқликда эканлигини англамади ҳам. Қайиқ келиб соҳилга тумшуги билан урилган чоғда, шу атрофда тасодифан бир ғариба аёл ғивирсиб, офтобга ёйилган балиқчилар тўрини йиғаётган эди. Елкани туширилмаган қайиқни соҳилга келиб урилишига йўл қўйиб қўйишгани аёлга ғалати туюлди ва у балиқчилар ухлаб қолишган чоғи, деб ўйлаб, қайиқ тепасига келди, аммо қайиқда қотиб ухлаб ётган бир қиздан бўлак ҳеч кимни кўрмади; аёл уни бир неча бор ҳойҳойлаб чақириб, ахири уйғотди ва унинг либосидан христиан эканлигини тушуниб, итальян тилида, ёлғиз ўзинг бундай сафарга чиққани қандай юрагинг дов берди, деб сўради. Қостанца итальянча гапни эшитгач, тескари эсган шамол мени яна Липарига қайтариб олиб бориб қўйибди-да, деб ўйлади ва сапчиб ўрнидан туриб, теварак-атрофга кўз югуртирди, вале, гарчи шундоққина денгиз бўйида турган бўлса ҳам бу ернинг бегона жой эканлигини тушунди ва аёлдан ўзини қаерга келиб қолганини сўради.

«Сен, қизим, Бербериядасан, Сузага яқин ердасан», — деб жавоб қилди аёл.

Қостанца, худо унга ўлимни раво кўрмаганидан қаттиқ ранжиб, ўз ифратининг поймол бўлишидан қўрқиб, тамомила саранг бўлиб

¹ Трамонтана — шимолдан эсган шамол. (Тарж.)

қолди ва қайиқ четига ўтириб олиб, юм-юм йиғлай бошлади. Саховатли аёлнинг унга раҳми келиб, ўз кулбасига таклиф қилди, бошини силади, шунда Қостанца унга юрагини ёриб, ўзининг не сабабларга кўра бу ёқларга келиб қолганини айтиб берди. Меҳрибон аёл қизнинг икки кундан буён туз тотмаганини эшитиб, ялиниб-ёлвориб уни бир бурдагина суви қочган нон билан балиқ ейишга ва сув ичишга ундади. Қостанца ундан: ўзингиз кимсиз, нега италянча гапиряпсиз, деб сўради. Аёл ўзини трапанилик¹ экани, исми Қарапреза бўлиб, христиан балиқчиларига чўрилик қилишини сўзлаб берди. Қостанца аёлнинг исми Қарапреза эканлигини билиб, кўнгли ғаш бўлишига қарамай, ўзи ҳам сабабини билмай, бу исмнинг хосияти яхши бўлади, деб ўйлади ва вужудига ўзи учун ҳам ҳали мубҳам бўлган бир умид учқуни чақнади-ю, энди унчалик ўлгиси келмай қолди. Қостанца ўзининг кимлиги ва қаерданлигини айтмай, бу саховатли аёлдан, ёш умрига раҳм қилишини ва қандай қилса, номусини сақлаб қолиш йўлини ўргатишини худонинг зорини қилиб сўради.

Қарапреза Қостанцанинг дардини эшитгач, унга раҳми келиб, ўз кулбасида қолдирди-да, ўзи ғизиллаганча тўрларини йиғиштиргани кетди, кейин қайтиб келиб, қизнинг елкасига ўз ёпинчиғини ташлади-да, уни Суза шаҳрига бошлаб кетди, улар шаҳарга кириб боришганида эса, аёл шундай деди: «Қостанца! Мен бу ерга тез-тез келиб, бир оққўнги мусулмон аёлнинг уй-рўзғор ишларига қарашиб тураман, сени шу аёлнинг қошига олиб бормоқчиман: у — жуда кўнгилчан кампир, ундан яхшилаб илтимос қиламан, сен ишонавер: у сени албатта уйига киритади, кейин у сени ўз қизидай меҳр билан парвариш қилади, фақат сен ҳам унинг кўнглига ёқишга, унинг меҳрини уйғотишга ҳаракат қилгин, шунда худо марҳаматини сендан дариг тутмайди». Шундай деди-ю, қизни кампирникига бошлаб борди.

Кексайиб қолган мусулмон аёл Қарапрезанинг гапларини тинглаб бўлиб, Қостанцага тикилиб қаради-да, йиғлаб юборди, сўнг уни бағрига босиб, пешонасидан ўпди ва ўз уйига бошлаб кирди, бу уйда унинг ўзидан бошқа яна бир неча нафар аёл истиқомат қиларди-ю, илло, биронта ҳам эркак зоти йўқ эди; аёллар чеварлик қилишар, шоҳидан, хурмо дарахтидан ва теридан турли-туман буюмлар тикишар-ясашарди. Орадан бир неча кун ўтар-ўтмас Қостанца баъзи ҳунарларни ўрганиб олди, ҳамма билан бирга ишлай бошлади ва саховатли бека билан чевар аёлларнинг меҳр ва илтифотига мушарраф бўлдиким, бунга гаажжуб қилмай туриб бўлмасди. Қисқа вақт ичида аёллар унга ўз тилларини ҳам ўргатиб қўйишди.

Шундай қилиб, Қостанца Сузада яшаб тураверсину гапни унинг оила аъзоларидан эшитайлик; улар қиздан ҳеч қандай хабар топиша олмагач, уни ўлдига чиқаришиб, аза очдилар, бу ўртада эса, гранадалиқ бир иқтидорли ақобир йигит, Тунис давлати менинг салтанатим, деб овоза тарқатиб, бу давлатни маҳв этиш мақсадида Тунис султони Маликулабдул устига лак-лак лашкар йўллади.

¹ Трапани — Сицилиянинг ғарбий соҳилидаги шаҳарча. (Тарж.)

Бу ҳақдаги овоза ҳатто зиндон қаърига ҳам сингиб кириб борди, Мартуччо Гомито берберияликлар тилини жуда мукаммал билганлиги учун бу ерда эшитган гапларидан Тунис султонининг мудофаага фаол тайёргарлик кўраётганини тушунди-да, зиндонбонлардан бирига шундай деди: «Агар султон билан гаплашиш имконим бўлганида, унга шундай бир маслаҳат берардимки, оқибатда у албатта бу урушда зафар қучган бўлур эди».

Зиндонбон бу сўзларни нозирга айтди, нозир эса, дарҳол султонга етказди. Султон Мартуччони олиб келишни буюрди, шунда, менга қандай маслаҳат бермоқчи эдинг, деб сўраган султонга Мартуччо шундай жавоб қилди: «Онҳазрат! Мен сизнинг мамлакатингизда бўлганман, қай усулда жанг қилишингизни ҳам кузатганман,—агар янглишмасам, қўшнингизда энг асосий куч ёйандозлардир; гап бундай, агар ғанимингизда камон ўқлари тахчил бўлса-ю, сизда мўл-кўл бўлса, сиз албатта жангда ғолиб чиққан бўлардингиз».

«Агар вазият шундай бўлганида эди, зафар қозонишимга асло шубҳа қилмаган бўлур эдим»,— деди султон.

«Сиз фақат ихтиёр этсангиз кифоя, шаҳриёр, бунинг йўли оппасон: мана, эшитинг,— деб гапни илиб кетди Мартуччо,— фармон қилингким, камонларга одатдагидан анча ингичкароқ ип ҳозирлашин, ўқларнинг думини эса, айнан шу ингичка ипга муносиб қилиб кертисин, ammo буни ниҳоятда сир тутишсинким, акс ҳолда, ғанимлар бундаң огоҳ бўлиб, бу тадбирга қарши бирон нима кашф этишлари мумкин. Сизга бундай маслаҳат беришимнинг боисига келсак, у бундай: ғанимларнинг ёйандозлари ўз ўқларини, сизнинг ёйандозларингиз эса, ўз ўқларини отиб бўлишгач, ўзингиз яхши тушунасиз, ғаним ёйандозлари сизнинг ёйандозларингиз отган ўқларни ва айни пайтда сизнинг камонкашларингиз ғанимлар отган ўқларни жанг пайтида териб олишга мажбур бўладилар, илло, ғанимлар сизнинг лашкарларингиз отган ўқлардан фойдалана олмайдилар, чунки уларнинг камонларидаги йўғон из сизнинг ўқларингиздаги тор кертikka тушмайди ва лекин ғаним ўқлари сизнинг навкарларингизга жуда асқотади: зеро, душман ўқларининг думидаги кертик кенг бўлгани учун ингичка ип бемалол у кертikka туша қолади. Оқибатда сизнинг лашкарларингизда камон ўқи кўнгилга сиққанча бўлади-ю, айни пайтда ғаним ёйандозларининг аҳволи танг бўлади».

Султон фаросатли одам эди, шунинг учун у Мартуччонинг бамаъни маслаҳат бераётганини дарҳол тушунди. У Мартуччо берган маслаҳатга тўла-тўқис амал қилиб, ғаним устидан зафар қучди, Мартуччо эса шу баҳона билан қиролнинг марҳаматига мушарраф бўлиб, сернуфуз ва бадавлат одамга айланди.

Унинг доврўғи бутун мамлакатга тарқалди, ана шунда Қостанца кўпдан кўнглида ўлдига чиқариб қўйган маҳбуби Мартуччо Гомитонинг тирик эканлигидан дарак топди, натижада аллақачон сўниб, устини кул босган муҳаббат чўғи бу хушхабардан яна алангаланди, ушалмай қолган армонига куч ва жон бағишлади. Шунда у саховатли бекасига ўз бошидан кечган жамики воқеаларни батафсил сўзлаб берди-да, қулоғи эшитган хушхабарни ўз кўзлари билан

кўриб ёрининг висолига тўйиш ниятида, Тунисга боришни ихтиёр этганини айтди. Кампир унинг бу ниятини тўла-тўқис маъқуллади ва худди унинг туққан онасидек иш кўриб, у билан бирга қайиққа ўтириб, икковлари Тунисга равона бўлдилар, Тунисда эса, кампирнинг бир қариндошиникига тушдилар. Карапреза ҳам уларни кузатиб борган эди, кампирнинг қариндоши уни Мартуччо ҳақида хабар топиб келишга юборди,—Карапреза одамлардан суриштириб, Мартуччонинг соғ-саломатлиги, юксак мартабага эришганини билиб келди. Шундан кейин саховатли аёл Мартуччога унинг маҳбубаси Костанца шу ерда эканлигини шахсан ўзи хабар қилишни ихтиёр этди.

У Мартуччо қошига бориб шундай деди: «Мартуччо! Липаридан хизматкоринг келган, у меникида турибди,— у сен билан овлоқ ерда гаплашиб олмоқчи. Орага бошқа одамни аралаштиришдан қўрқиб, сенинг олдинга келишни мендан илтимос қилди». Мартуччо аёлга миннатдорчилик билдириб, унинг уйига йўл олди.

Костанца маҳбубини кўриб, севинчдан ҳушини йўқотгудек бўлди; у ўзини тия олмай Мартуччога отилди, унинг бўйнидан маҳкам қучиб, бошидан кечирган ўтмишдаги қора кунлар эсига тушиб ва бундай ҳаловатли кунга етишганидан хурсанд бўлиб, товушсиз йиғлаб юборди. Мартуччо аввалига турган ерида қотиб қолди — у шу қадар ҳайратда қолган эди, кейин енгил тин олиб, шундай деди: «О, менинг Костанцам, сен тирикмидинг? Сени дом-дараксиз кетган, деб эшитгандим, ватанимизда сен ҳақингда кўпдан ҳеч ким ҳеч нима билмайди». Шундан кейин у ўпкаси тўлиб, кўз ёш қилди, қизни бағрига босиб, ўпди. Костанца ўз бошидан кечирган жамики бахтсизликларни, шунингдек, муҳтарама кампирнинг уйда қандай ҳаловатда яшаганини бирма-бир сўзлаб берди.

Мартуччо ўз севгилиси билан узоқ вақт суҳбат қилди, ниҳоят у онҳазрат қошига бориб, ҳам ўзининг, ҳам Костанцанинг бошига не савдолар тушганини ҳикоя қилиб берди, сўнгра Костанца билан христиан таомили бўйича никоҳ ўқитишга ижозат сўради. Қирол таажжубланиб, Костанцага одам юборди, унинг гапларини тинглаб, Мартуччонинг гапи чин эканлигига иқрор бўлди. «Сен, дарҳақиқат, бундай эрга мустаҳиқдирсан»,— деди. Сўнг қизга ҳам, Мартуччога ҳам беҳисоб ва бебаҳо тортиқлар инъом этиб, ўз бахтларини ўзлари ихтиёр этганча қуришларига ижозат берди. Мартуччо Костанцани ўз қаноти остига олган муҳтарама кампир билан хайр-хўшлашаркан, Костанцага қилган ҳамма яхшиликлари учун унга чин кўнғилдан миннатдорчилигини баён қилди, саҳийлик билан унга совға-салом инъом этди ва: «Сизни худонинг паноҳига топширдим»,— деб, йиғидан ҳеч ўзини тия олмаётган Костанца билан унинг хонадонини тарк этди. Кейин қиролнинг розилиги билан Мартуччо, Костанца ва ўз хизматларига олишган Карапреза тезсузар кемага чиқдилар, боди мурод эсаётган бўлгани сабабли улар тез орада Липарига етиб келдилар, бу ерда уларни таърифга сиғмайдиган зўр тантана билан кутиб олишди. Кейин Мартуччо Костанцага уйланди, бутун элга зиёфат бериб тўй-томоша қилди; алқисса, улар яна узоқ йиллар ўз иқболларидан лаззатланиб, фароғатда кун кечирган эканлар.

Пьетро Боккамацца билан Аньолелла ўзаро тил бириктириб, уйларидан қочишади; уларга қароқчилар ҳужум қилишади; Аньолелла ўрмонга қочиб яширинади, кейин уни қалъага олиб боришади; Пьетро гарчи қароқчилар қуришовида қолган бўлса ҳам улардан қутулишига муваффақ бўлади; сўнг бошидан бир қатор синовларни ўтказиб, ахири у ҳам қалъага келади ва бу ерда Аньолелла билан учрашади, унга уйланади, кейин биргаликда Римга қайтадилар

Эмилияннинг қиссасини ҳамма бир овоздан маъқуллади. Қиролча қиссанинг тугганига ишонч ҳосил қилгач, ҳикояхоплик навбатини Элиссага берди, Элисса шундай гап бошлади:

— Эъзозли хонимлар! Кунларнинг бирида икки ошиқ-маъшук ўзларининг бемулоҳазаликлари туфайли мудҳиш бир тунни бошларидан кечирган эдилар, — ҳозир шу воқеа эсимга тушиб кетди, — илло, бу тун кетидан келган беҳисоб кунларнинг ҳаммаси саодатли кунлар бўлгани учун ҳикоям бугунги мавзумизга мос тушади, демакки, уни ҳикоя қилиб берсам бўлади, деган фикрдаман.

Бир замонлар бутун жаҳоннинг боши бўлган, аммо эндиликда бор-йўғи унинг думига айланган Рим шаҳрида бундан хиёл олдинроқ Пьетро Боккамацца исмли бир йигит яшаган эди, у бутун шаҳарга таниқли ғоятда муътабар бир оиланинг фарзанди бўлиб, рутбаси паст бўлса ҳам Рим аҳлининг ҳурматиغا сазовор бўлган Жильоццо Саулло деган бир зотнинг Аньолелла исмли соҳибжамол фусункор қизига ошиқ бўлиб қолган эди. Пьетро у қизга ўзи шайдо бўлиш билан бирга, қизнинг ҳам уни шундай эҳтирос билан севишига муяссар бўлди. Натижада, бу ишқ алангасида лов-лов ёнган йигит ўз маҳбубаси висолига эришиш иштиёқида чекаётган оғир азобга ортиқ бардош беролмай, қизниқига совчи юборди. Бундан хабар топган Пьетронинг барча қариндошлари унинг олдига келишиб, бу хатти-ҳаракати учун йигитни юмталлашиб, қаттиқ койиб беришди, бундан ташқари, улар Жильоццо Сауллога ҳам одам юбориб, Пьетрога розилик бера кўрма, барибир сени дўст деб ҳам, хеш деб ҳам тан олмаймиз, деб айтиб қўйишни буюришди. Ўз орзуси сарҳадига олиб борадиган бу ягона йўлга ғов тушганини кўрган Пьетро гамандухдан ҳушини йўқотиб қўйгудай бўлди. Агарда Жильоццо оқ фотиҳа берганидаям, у ўз қариндошларининг гапига ҳам қулоқ солиб ўтирмай, қизга уйланган бўларди. Шундан кейин, Пьетро ҳар қандай тўсқинликларга қарамай, қиз билан қовушишга қатъий аҳд қилди, энди бунинг учун ягона йўл: қизнинг розилигини олиш эди. У ўртада турган одам орқали қизнинг ота уйидан бош олиб кетишга рози эканлигини билди-да, у билан гапни бир ерга қўйиб, Римдан қочиб чиқиб кетадиган бўлишди. Пьетро сафар тарадудини кўриб қўйиб, бир куни тонг палласида йўлга отланди ва икковлари иккита стга минишиб, Аланьи томон равона бўлишди, у ерда Пьетронинг содиқ дўстлари бор эди. Йўлда уларнинг бир-бирлари билан яқинлашишга имконлари бўлмади — улар таъқибдан кўрқишарди, шунинг учун ҳозирча бир-бирларига муҳаббат изҳор этиш ва аҳён-

аҳёнда ўпишиш билан чекланиб, шитоб билан кетиб борардилар.

Аксига юриб, Пьетро йўлни яхши билмасди, шунинг учун улар Римдан саккиз миляча узоқлашишганида, ўннга кетган йўлдан юриш ўрнига чапга бурилишди. Улар ҳали икки миля ҳам йўл босиб улгуришгани йўқ эди, қаршиларида бир қаср кўринди,— қаср аҳли буларни кўриб қолди ва у ердан ўн икки нафарча қуролланган одам отилиб чиқди. Улар жуда яқин келиб қолишгандагина қиз уларни кўриб қолди ва: «Қоч, Пьетро! Бизга ҳужум қилишмоқчи!» — деб қичқирди-да, ўзи эгарнинг қошидан маҳкам ушлаганча отини ниқтаб, нарироқдаги қуюқ ўрмон сари ҳайдади, от ҳам фалокатни сезиб, елдай учиб кетди.

Пьетро йўлни кузатиш ўрнига ўз маҳбубасидан кўзини узмай борарди,— шунинг учунам қуролланган кишиларни ундан олдин қиз кўриб қолган эди, Пьетро олазарак бўлиб, қиз айтган одамларни қидиргунча улар етиб келиб, уни ўраб олдилар, отдан тортиб туширдилар ва: «Қимсан?» — деб сўрадилар, Пьетро ўзининг кимлигини уларга баён қилгач, улар ўзаро кенгашиб, шундай хулосага келдилар: «Демак, бу — душманларимизнинг дўсти экан. Нимасига бош қотирамиз? Кийимини ечдириб, отини тортиб оламирзу ҳамма Орсиниларнинг зиддига, ўзини мана бу эман дарахтларидан бирининг шохига осамиз». Улар шундай ҳукм чиқариб, Пьетрога ечинини буюришди. Ва лекин Пьетро энди қочиб қутула олмаслигига кўзи етиб, либосларини еча бошлаганда, ҳеч кутилмаганда бирдан йигирма беш нафарча келадиган одам: «Улим йўлтўсарларга! Улим!» — деб қичқириб, пистирмадан отилиб чиқди-да, Пьетронинг жабрлаётганларга ҳамла қилди. Фафлатда қолган босқинчилар Пьетронинг қолдириб, ўзларини ҳимоя қилишга ўтган эдилар, бироқ рақибнинг кучли эканлигини кўриб, тирақайлаганча қоча бошладилар, ҳужум қилганлар ҳам уларнинг орқасидан қува кетдилар. Шунда Пьетро шоша-пиша буюмларини йиғиб, отига сакраб минди-да, боя Аньолелла от чоптириб кетган томонга ўзи ҳам отини шамолдек елдириб кетди. Ниҳоят, у бояги босқинчилар қўлига ёинки босқинчиларга пистирма қурганлар чангалига иккинчи марта тушиш хавфи энди йўқлигига ишонч ҳосил қилгандан кейингина теварак-атрофига кўз югуртириб, на бирон йўл, на бир сўқмоқ, на от туёқларининг изини кўрди,— унинг севикли ёри ғойиб бўлган эди, шунда у дили вайрон бўлиб, ғамга ботиб ўрмонда зир югурди, ёрининг отини атаб чақириб, ҳўнг-ҳўнг йиғлай бошлади. Лекин унинг бу нолаларига фақат сукунат жавоб бўлди, шунда унинг боши қотиб нима қиларини билмай қолди: орқага қайтай деса, хавфли; олдинга юрай деса — қаердан бориб чиқишини билмайди. Булардан ташқари у яна, ваҳший ҳайвонлар ҳужумидан қўрқиб, ҳам ўзидан, ҳам Аньолелладан хавотирланарди, ҳаттоки, ҳалитдан қизни айиқ топтагандек ё бўри ғажиб кетгандек туюла бошлади унга. Бечора Пьетро шу аҳволда кун бўйи ўрмон кезиб, овозининг борича бақириб, Аньолелланинг отини атаб чақириб юраверди, ўзини жудаям ичкарилаб кетгандай ҳис қилганда, яна орқага қайтди; ниҳоят, тинмай бақириб-чақиритдан, кўз ёш тўкишдан, қўрқув ва

оқликдан унинг шу қадар мажоли қуридики, ортиқ йўл босишга ҳоли қолмади. Бу орада қоронғи ҳам тушди, Пьетро ҳайвонлар ҳужумидан эҳтиёт бўлиш мақсадида, энг азим туп бир эман дарахтини топиб, вақт ғаниматда отдан тушишни, отини шу дарахтга боғлаб, ўзи дарахт устига чиқиб олишни маъқул кўрди. Бир оз фурсатдан кейин ой чиқди, ўрмон сая ёришди ва лекин Пьетро дарахтдан йиқилиб тушишдан қўрқиб, мутлақо мижжа қоқмади; шуниси ҳам борки, у ухлашдан қўрқмаган тақдирда ҳам Аньоелла ҳақидаги машъум хаёллар унинг уйқусини қочириб юборган бўларди, шу боисдан у бутун тунни йиғлаб, нола чекиб, шум толега лаънат ўқиб, бедор ўтказди.

Энди гапни қиздан эшитинглар; боя сизларга айтганимдек, у бутун ихтиёрини отига ҳавола қилиб, қуюқ ўрмонга шу қадар ичкарилаб кириб кетган эдики, кейин унга қай томондан кириб борганини ўзи ҳам ҳеч аниқлай олмай қолди. Шунинг учун у ҳам худди Пьетрога ўхшаб, кун бўйи хилват ўрмон ичида адашиб, гоҳ олдинга юриб, гоҳ орқага қайтиб, тентираб юраркан. нола чекиб, фарёд солиб пешонаси шўрлигидан зор-зор йиғларди. Пьетродан эса ҳамон дарак йўқ эди; ахири, кечга томон оти бир сўқмоқ йўлга чиқиб, шу сўқмоқдан юриб кетди, икки милядан ортиқроқ йўл босгандан кейин, олдинда бир кулба кўринди, Аньоелла бунни кўриши билан шу кулба томон от қўйди, яқин бориб, кулба олдида турган кекса бир чол билан унинг қартайган хотинига кўзи тушди.

Чол билан кампир қизнинг ёлғиз эканлигини кўриб, ундан сўрадилар: «Ёлғиз ўзинг бемаҳалда бундай овлоқ ерга қандай келиб қолдинг, қизим?»

Қиз юм-юм йиғлаб, ўрмонда ҳамроҳларидан қолиб кетганини айтди ва Аланьигача бу ердан олисми, деб сўради. Марҳаматли қария унга жавобан бундай деди: «Қизим, бу йўл Аланьига олиб бормајди, Аланьи бу ердан ўн икки миля нарида».

«Шу яқин ўртада бирон қишлоқ-пишлоқ йўқмикин, мен у ерда тунаб қолсам?»— деб сўради қиз.

«Биздан энг яқин қишлоққа кун бўйи отда юриб ҳам етолмайсан»,— деб жавоб қилди оқкўнги чол.

«Модомики қишлоққа етиб бора олмас эканман, худо йўлига, уйингизда тунаб қолишимга ижозат берсангиз!»— деб ёлворди Аньоелла.

«Гап бундай, қизим,— деди оқкўнги чол.— Сени жон-жон деб уйинизга қўямиз, илло, огоҳлантириб қўйишимиз керак: ўрмонда кечая кундуз бадният кишилар галаси санқиб юрибди — гоҳ иттифоқчиларимиз, гоҳ ғанимларимиз бўлиб чиқишади улар, лекин ҳаммаларни ҳам бошга битган бало ва зараркунандалардир. Айтмоқчи-манки, башарти, фалокат юз бериб, ўша шум одамлар бостириб келиб қолишса-ю, сени кўриб қолишса,— ўзинг ниҳолдаккина, яна кўҳликкина қиз экансан,— унда номусингни поймол қилишади, биз бўлсак, сенга ҳеч қандай кўмак бера олмаймиз. Бу гапларни айтишимиздан мақсад, кейин биздан ўпкалаб юрма, демоқчимиз».

Чолнинг сўзлари Аньоеллани чўчитиб қўйган бўлса ҳам вақт алламаҳал бўлиб қолганлигидан, у чолга шундай сўзлар билан юз-

ланди: «Худо хоҳласа, сизларни ҳам, мени ҳам фалокатдан ўз паноҳида асрагай, лекин башарти шундай фалокат юз берган тақдирда ҳам ўрмонда ваҳший ҳайвонларга ем бўлганимдан кўра, одамлар қўлида азоб чекиб ўлганим афзал».

Шундай дея у отдан тушиб, фақир чолнинг кулбасига кирди, уй эгалари ўзларининг ёвгон таомларини қиз билан баҳам кўрдилар, кейин у эгнидаги кийими билан чол-кампир ёнига, уларнинг гарибона тўшакларига ётди ва бутун тун бўйи оғир-оғир хўрсиниб, ўзининг шумтоле эканлигидан, шунингдек, Пьетронинг ҳам бебахтлигидан юм-юм йиғлади, зеро, у Пьетрони нобуд бўлган деб ўйларди. Тонг отишига озгина қолганида бирдан от туёқларининг қаттиқ дўпир-дўпир эшитилди; Аньоелла дик этиб туриб, кулба орқасидаги кенг ҳовлига отилиб чиқди, у ерда турган пичан гарамини кўрди-ю, келаётган одамлар кўзидан ўзини олиб қочиш учун шу гарам ичига яширинишга ошиқди. У гарам ичига киришга эндигина улгурган эди ҳамки, бу ерга етиб келган одамлар — булар қароқчилар галаси эди — кулба бўсағасида тўхтадилар ва эшикни очинглар, деб қичқира бошладилар, кейин кулбага кириб, ҳовлидаги эгарлоглиқ от кимники, деб сўрадилар.

Қизнинг яширинишга улгурганини пайқаган нуроний чол бундай жавоб қилди: «Уйимизда биздан бўлак ҳеч зоғ йўқ. Бу от, чамаси, эгасини йўқотиб қўйган бўлса керак, кеча кецқурун ўзи югуриб келиб қолди, биз уни бўриларга ем бўлмасин деб ҳовлига олиб кириб қўйгандик».

«Эгасиз от экан, демак уни ўзимизга оламиз», — деди улларнинг бошлиғи.

Шундан кейин, қароқчилар уйнинг ҳар томонига ёйиллишиб, ҳамма ёқни тинтий бошладилар, айримлари ҳовлига чиқишиб, қалқону найзаларини бир ерга гуж қилиб тираб қўйишди, улардан битта қўли қичганини эса, пичан гарамига найза отиб, сал бўлмаса, у ерда яшириниб ётган Аньоеллани ўлдириб қўяёзди, қиз дод деб юборишга сал қолди: найза унинг кўйлагини йиртиб, чап сийнаси ёнидан шундай сийпалаб ўтиб кетди ва наздида, гўё кўксига санчилгандек туюлдики, шунда чинқириб юборай деди, аммо ўзининг қаерда ётганини эслаб, тишини-тишига қўйди. Қароқчилар ҳар ер-ҳар ерга давра қуриб ўтиришиб тановул қилишга киришдилар, улар эчки гўшти ва ҳоказоларни еб, шароб ича бошладилар, кейин улар йўлга отланиб, Аньоелланинг отини ҳам ўзлари билан олиб жўнаб кетдилар.

Уларнинг қораси ўчиши биланоқ саховатли мўйсафид ўз хотинига юзланди: «Кечаги меҳмон қизимиз қани? Мен турганимда ўрнида йўқ эди».

Хотини ҳам уни кўрмаганини айтди, шундан сўнг икковлари қизни қидиришга тушишди.

Қароқчиларнинг жўнаб кетганини эшитиб, қиз гаром орасидан чиқди, оққўнгил чол уни қароқчилар қўлига тушмай омон қолганини кўриб, жуда хурсанд бўлиб кетди; бу пайт энди тонг оғиб, кун ёришган эди, шунинг учун у қизга бундай таклиф қилди: «Мана, тонг ҳам отди. Агар хўп десанг, сени бу ердан беш миляча

наридаги қалъага кузатиб қўямиз, у ерда хавф-хатардан холи бўласан, илло, пиёда юриб боришингга тўғри келади: отингни қароқчилар олиб кетишди». Аньоеллела бунга рози бўлди ва уй соҳибларига: худо хайрингизни берсин, мени ўша қалъага олиб бординг, деган мазмунда юзланди. Учовлари қалъага равона бўлдилар ва эрталаб соат етти ярим деганда манзилга етиб бордилар.

Қалъа Орсинилар уруғидан бирига қарашли бўлиб, унинг исми Льелло ди Кампо ди Фьоре эди ва Аньоелланинг бахтига, ўша пайтда қалъа соҳибининг рафиқаси — энг саховатли, покиза қалб эгаси — шу ерда истиқомат қилиб турган экан. Қалъа соҳибаси бир кўришдаёқ Аньоеллани таниди, хурсанд бўлиб кетди ва ундан қандай қилиб бу ерга келиб қолгани сабабини бутун тафсилоти билан сўзлаб беришни илтимос қилди. Аньоеллага ҳеч нимани яширмасдан ҳамма юз берган воқеани хонимга баён қилди. Пьетро қалъа соҳибасининг эри билан қалин дўст эди, шу сабабдан у Пьетронни ҳам яхши танирди, энди унинг бошига тушган мушкул савдонни эшитиб, ғоятда қаттиқ хафа бўлди. Модомики, Пьетро қароқчилар қўлига тушган экан, ҳозир энди соғ қолмаган бўлиши керак, деб ишонарди хоним. Шундан кейин у Аньоеллага бундай деди: «Баски, сен Пьетро тўғрисида ҳеч нима билмас экансан, токи сени Римга бежавотир етказишга кафолат бермагунимча, менинг қасримда яшаб туравер».

Энди гапни Пьетродан эшитинг, бу орада у эман дарахти устида тамомила умидсизликка тушиб ўтираркан, олди одамлар бир уйқуни олган бир пайтда, тўсатдан, бир гала бўрилар унинг отини қуршаб олди. От бўриларни сезиши билан бошини қаттиқ силтаб, тизгинни узди-да, қочиб кетди, лекин бўрилар қувиб етиб олиб уни чор атрофдан ўраб олдилар-да, гарчи от бўриларни қанча тишламасин, тепмасин, барибир, уни ерга қулатдилар ва кекирдаги, қорнига тишларини ботиришиб, бир зумда хомталаш қилиб, еб юбордилар, кейин унинг суяқларининггина чиқитга чиқариб, яна изғиб кетдилар. Пьетро ўзининг энг вафодор дўсти, бошига кулфат тушганда суянчиғи бўлган отидан айрилгач, бутунлай руҳи тушиб кетди-ю, энди ҳеч қачон бу ўрмондан омон чиқиб кетолмайман, деб ғамга ботди. Бу пайт тонг ғира-шира ёриша бошлаган эди, у эса, ҳамон эман устида совуқдан дийдираб, чор атрофга олазарак бўлиб ўтирарди — шунда кўзига бирдан ўзи турган ердан бир миляча нарида шуъла кўринди. Кун батамом ёришгандан кейин у ахири кўрқа-писа ерга тушди ва тўғри ўша шуълани мўлжалга олиб кетаверди, бир оздан кейин у лангиллаб ёнаётган гулхан қаршисидан чиқди, гулхан теварагида подачилар ҳангомалашиб, овқат еб ўтиришарди — улар Пьетронинг ҳолига ачиниб, уни ўз давраларига олдилар. Пьетро аввалига тўйиб овқатланди, исиниб олди, ундан кейин подачиларга ўз бошидан кечирган мусибатларни, қандай қилиб ёлғиз ўзи бу ёқларга келиб қолганини сўзлаб берди-да, бу яқин ўртада, манзил қуриш мумкин бўлган бирон қишлоқ ё бир қалъа йўқми, деб сўради. Подачилар, бу ердан уч миляча нарида Льелло ди Кампо ди Фьоренинг қалъаси борли-

гини, ҳозир у ерда унинг хотини яшаб турганини айтишди. Пьетро бу хабардан ўзида йўқ хурсанд бўлиб кетди ва подачилардан уни ўша қасрга кузатиб қўйишни илтимос қилди — икки подачи бажону дил бунга рози бўлишди. Қалъада Пьетро ўзининг баъзи танишларини учратди. Лекин у ўзини бежавотир сева бошлаши билан биринчи навбатда, қандай қилиб бўлса ҳам тезроқ ўрмонга бориб, Аньоеллани қидиришим керак, деб фикр юрита бошлаган эди, шу чоғ уни қалъа соҳибаси қошига чақириб қолишди, Пьетро дарҳол ўша ерга кирди, кирди-ю, кўзи Аньоеллага тушиб, суюнганидан терисига сиғмай кетди. У сал бўлмаса қизни бағрига ҳам босарди-ю, аммо қалъа соҳибасидан ийманди. Пьетро ғоятда бахтиёр эди. Аньоелланинг ҳам бахти уникидан қолишмасди.

Муҳтарама хоним Пьетро билан саломлашиб, уни хуш кўрди, лекин йигит ўзи тўғрисида ҳамма гапни бир бошдан сўзлаб бергандан кейин, хоним, ўз хешлари сўзига қулоқ солмагани учун ундан қаттиқ ранжиди. Ва лекин Пьетрони ниятидан қайтариб бўлмаслигини, қиз ҳам уни астойдил севишини кўргач, хоним бундай хулосага келди: «Э, менга нима-я? Икковлари бир-бирини севишса, бир-бирларини яхши билншса, икковлари ҳам эрим билан яхши мулоқотда бўлншса, ниятлари ҳам хайрли бўлса, ундан кейин, худонинг ўзи шуни хоҳлаган бўлса керакки, йигитни сиртмоқдан, қизни найза зарбидан, икковларини эса — ваҳший ҳайвонлар ҳамласидан асрабди. Демак, тақдири азал ўзи шу бўлса керак». Шундан сўнг, у ошиқ-маъшуққа юзланди: «Турмуш қуринглар, мен сизларни ҳимоямга оламан, бўлар иш бўпти. Никоҳ тўйини эрим Льелло ҳисобига ўтказамиз, сизларни хешларингиз билан яраштиришни бўлса ўз зиммамга оламан».

Хурсандликдан терисига сиғмаётган Пьетро билан севинчдан боши осмонга етган Аньоелла дарҳол никоҳ ўқитдилар. Муҳтарама хоним уларга бундай овлоқ ўрмонга монанд энг дабдабали тўй-томоша қилиб берди ва келин-куёв шу ерда илк бор ўз севгиларининг ғоятда лаззатли мевасидан тотиб кўрдилар. Яна бир неча кундан кейин эса, қалъа соҳибаси, Пьетро ва Аньоелла отларга минишиб, ишончли соқчилар ҳимоясида Римга қайтдилар. Пьетронинг қариндошлари ундан қаттиқ хафа эдилар, вале, қалъа соҳибаси уларнинг ҳаммасини яраштириб қўйди; шундай қилиб, Пьетро билан Аньоелла то қариб мункиллаб қолгунларича хушбахт ва хушҳаловат кун кечирган эканлар.

4

Мессер Лицио да Вальбона ўз қизининг Риччардо Манарди билан ётганини кўриб қолади; Риччардо мессер Лицио билан ярашиб, унинг қизига уйланади

Элисса сукутга толди, қиролича эса, дугоналарнинг Элисса ҳикоя қилган қисса ҳақида айтган мақтов сўзларини тинглаб бўлиб, ҳикоя бошлашни Филостратога буюрди, шунда у мийиғида кулиб қўйиб, шундай ҳикоя қила бошлади:

— Кеча мен одамни йиғлатувчи ва кўнгилда мунгли фикрлар уйғотувчи мавзу танлаганим учун кўпчилигингиз мендан ранжиган эдингиз, шунга кўра, кечаги ҳикоялардан вужудга келган гусса учун қисман бўлса ҳам кўнглингизни кўтаришни, бинобарин, бир оз кулдириб хурсанд қилишни ўз бурчим деб биламан. Шу муносабат билан муҳаббат ҳақида қисқагина бир қисса сўзлаб бермоқчиманки, ушбу қиссада қайғули ҳодисалар бўлмайди, балки фақат хўрсинишлару қисқа муддатли қўрқув ва уят бўлади — хуллас, у хушбахтлик билан тугайдиган қисса.

Алқисса, шонста хонимлар, яқин ўтмишда Романьяда Лицио да Вальбона исмли бир диёнатли аслзода ўзининг Жакомина исмли рафиқаси билан умр кечирарди, улар ошларини ошаб, ёшларини яшаган бир пайтда тўсатдан бир қиз кўридиларки, у ўсиб бўйи етган чоғда ўз гўзаллиги ва лафоти билан ўша даҳадаги жамики қизлардан устун турарди, у ота-онасининг биттаю битта фарзанди бўлгани учун улар уни ерга ҳам, кўкка ҳам ишонишмас, кўз қорачиғидай асраб, папалаб ўстиришар ва унга ўта муносиб қайлиқ топишни орзу қилиб юрардилар. Манарди ва Бреттиноро авлодидан бўлган Риччардо исмли бир азамат, хушсурат йиғит мессер Лиционикига тез-тез келиб турар ва унинг уйида ўз кишиси бўлиб қолган эди; мессер Лицио билан унинг хотини худди Риччардо уларнинг ўз фарзандлари бўлгандек қизларини ундан деярли ҳеч эҳтиёт қилмасдилар, аммо Риччардо уларнинг хулқ-одобли, хушмуомала, хушрафтор, боз устига, бўйи ҳам етиб қолган қизига бир қарашдаёқ телбаларча ошиқ бўлиб қолган эди-ю, аммо севгисини қаттиқ сир тутиб келарди. Қиз ҳам йиғитнинг унга ошиқ эканлигига ишонч ҳосил қилиб, муҳаббат найзаларидан ўзини эҳтиёт қилишни ўйламади ҳам — аксинча, ўзи ҳам Риччардонни севиб қолди, бу ҳолни сезган Риччардоннинг севишдан боши осмонга етган эди.

У бир неча мартаба қизга муҳаббат изҳор этишга жазм қилиб кўрди, лекин ҳар гал ҳам бунга юраги дов бермасди, ниҳоят у бир куни қулай пайт топди-ю, юрак ютиб, қизга бундай деди: «Катерина! Менинг муҳаббатдан ўлиб қолишимга йўл қўйма!»

Қиз ҳам унга жавобан деди: «Ишқилиб, худо мени сенинг кўйингда ўлгулик қилмасин!»

Қизнинг бу жавобидан Риччардо суюниб, руҳланиб кетди ва қизга бундай деди: «Сен учун мен ҳамма нарсага тайёрман, икковимизнинг тирик қолишимиз фақат сенга боғлиқ». Қиз унга бундай деб жавоб айлади: «Мени қандай кўз-қулоқ бўлиб кузатишларини ўзинг биласан, Риччардо, шунинг учун, қандай қилиб ёнимга кира оларкинсан — ҳеч ақлим бовар қилмаяпти. Лекин агар менинг номусимга доғ туширмайдиган бирон илож топсанг, дарак бер, сенга панд бермайман».

Риччардо ҳамма нарсани олдиндан пухта ўйлаб қўйганлиги учун дарҳол бундай жавоб қилди: «Жоним Катерина! Мен фақат биттагина йўлни биламан: мабодо, сен боғингиз томондаги балконга чиқиб ухласанг қандай бўларкин? Агар сенинг шу балконда ётганингни аниқ билсам, унда мен, балконнинг қанчалик баланд

бўлишига қарамай, барибир бир амаллаб кечаси ёнингга чиққан бўлардим».

Катерина бўлса, унга: «Ишқилиб, қўрқмасанг бўлгани, мен-ку, бир иложини қилиб, балконда ётишга ҳаракат қиламан»,— деди.

Риччардо қизга сўз берди, шундан кейин улар хуфиёна ўпишиб хайрлашди.

Эртаси кун қиз, ҳавонинг димлигидан мижжа қоқмай чиққани ҳақида онасига шикоят қилди — шуни ҳам айтиш керакки, бу воқеа май ойининг охирларида бўлаётган эди.

«Вой, нега дим бўларкан, қизим?— деб эътироз билдирди она.— Ахир кечаси салқин бўлди-ку».

Катерина бўлса, онасига: «Ойижон, сизга шунақа салқин бўлиб туюлган. Чунки сиз кексайиб қолгансиз, мен бўлаам ёшман. Ёш қизларнинг қони кекса аёлларникига қараганда қанчалик қайноқ бўлишини ўзингиз бир тасаввур қилиб кўринг».

«Шундай бўлса бордир,— деб эътироз билдирди она,— илло, мен сенинг кўнглинга қараб, кунни гоҳ иссиқ, гоҳ совуқ қила олмайман-ку. Иссиқ ҳам, совуқ ҳам йилнинг фаслига қараб бўлади. Шояд бу кеча салқинроқ бўлса-ю, сен баҳузур ухласанг».

«Айтганингиз келсин,— деди Катерина,— лекин ёз яқинлашаётганда кечасининг салқинлашиши мумкин эмас-да».

«Бўлмаса, нима истайсан?»— деб сўради она.

«Агар отам билан сиз ижозат берсангиз,— деб жавоб қилди Катерина,— мен кечасига каравотимни дадажонимнинг хонаси ёнидаги, боққа қараган балконга қўярдим: ҳам булбуллар хонишини эшитиб ётардим, ҳам иссиқдан димиқмасдим,— у ерда ўзимни сизнинг ётоқхонангиздагидан кўра яхшироқ ҳис қилган бўлардим».

«Ҳа, яхши, қизим,— деди она,— отанг билан гаплашиб кўраман: у нима деса шу».

Лекин мессер Лиццо оёғини тираб туриб олди,— афтидан, қартайган сари унинг қайсарлигям орта бораётган эди. «Булбул хониши остида ухлаш қаёқдан чиқди?— деб тўнғиллади у.— Мен унга шунақа булбулни кўрсатиб қўяманки, у ҳатто жазирама туш пайтида чигирткаларнинг чириллаши остида ҳам ўликдек ухлайдиган бўлади!»

Катерина отасининг нима деганини эшитиб, димиққанидан ҳам кўра кўпроқ аламдан кечаси билан ўзиям мижжа қоқмай ижирганиб чиқди, нафасим қайтиб кетяпти, деб онасиниям ухлатмади, эртасига эрталаб она мессер Лиццо қошига бориб шундай деди: «Қизингизни, отаси, шунақа яхши кўраркансиз-да! Балконда ухлагиси келаётган экан—ухлай қолсин сизга нима? Кечаси билан боёқлиш, иссиққа чидолмай ўзини қўярга жой тополмай чиқди. Ундан кейин, булбулнинг хониши унга ёққанидан сиз нега ажабланиясиз? Қизимиз ҳали жуда ёш! Ёш қизлар, ёшликни эслатувчи ҳамма нарсани хуш кўришади, ахир».

«Ҳа, майли,— деб рози бўлди мессер Лиццо,— унга балконга সিғадиган каравот танлаб бер, чодир осиб қўй, майли, булбул навосини кўнглига сиққанча эшитиб ухлай қолсин».

Қиз бу суҳбатнинг дарагини эшитган заҳоти ўзи учун балконга

жой қилиб беришларини буюрди, кейин Риччардонни кутди-да, қандай иш тутиш лозимлиги ҳақида унга шартли ишора қилди, кеч-қурун бўлгач, балконга чиқди. Мессер Лицио, қизини балконга ухлагани чиқиб кетганини эшитиб, ўз хонасининг балконга очиладиган эшигини ичидан беркитди-ю, ухлагани ётди. Бутун уй сукутга чўмгандан кейин, Риччардо нарвон қўйиб деворга чиқди, кейин деворнинг дўнг ерларига тармашиб, бошқа деворга ўтди ва ниҳоят, қийнала-қийнала, балконга чиқиб олдики, агар оёғи тойиб, йиқилиб тушганда жонини хавф остига қўйган бўларди; мана, уни қиз лаззатбахш, аммо товушсиз қувонч билан қарши олди. Улар роса мириқиб ўпишишгандан кейин тўшакка ётдилар ва деярли бутун тун бўйи бир-бирларини кўнгилларини овлаб, бир-бирларини лаззатлантирдилар, уларнинг булбули ҳам бетўхтов хониш қилиб турди. Икковлари ҳам камоли роҳатга мушарраф бўлдилару аммо май ойининг тунлари қисқа бўлишини унутиб қўйдилар; тонг ёриша бошлаган эди, улар эса ҳам иссиқдан, ҳам ишқий ўйинлардан чарчаб, устларига ҳеч нима ёпмай пинакка кетдилар, бунинг устига, Катерина ўнг қўли билан Риччардонинг бўйнидан қучиб, чап қўли билан эса, унинг ортигини чангаллаб ётардиким, бу ортиқнинг номини, сиз, хонимлар, айниқса эркаклар ҳузурда тилга олишга истиҳола қиласизлар.

Улар тонг отгунча мана шундай ҳаловатли маст уйқуда ётдилар, тонг палласида эса мессер Лицио уйқудан турди ва шу заҳоти қизининг балконда ухлаб ётгани эсига тушиб: «Қани, бир қарайчи, бугун кечаси Катерина булбул хонишини эшитиб қандай ухлаганйкин»,— дея оҳиста балкон эшигини очди. У балконга чиқиб, секингина пардани кўтарди, кўтарди-ю, Риччардо билан ўз қизининг устларига ҳеч нима ёпмай, қип-яланғоч тарзда, яъни меҳ юқорида баён этган вазиятда қучоқлашиб ухлаб ётишганини кўрди. Мессер Лицио бир қарашдаёқ Риччардонни таниди ва хотинни қошига кириб, уни турткилаб уйғота бошлади: «Тур, тур дейман, ҳей, хотин! Чиқиб қара: булбул қизингнинг кўнглига ўтириб қопти шекилли, уни тутиб олиб, қўлида ушлаб ётибди».

«Вой, топган гапингизни қаранг-а»,— деди хотинни.

«Агар пайсалга солмасдан тезроқ чиқсанг, ўз кўзинг билан кўрасан ўша булбулни»,— деди мессер Лицио.

Хотинни апил-тапил кийинди ва эрининг орқасидан эргашиб, оёқ учиде балконга чиқди. Икковлари қаравот бошига бориб чодирни кўтаришган эди, донна Жакомина, қизининг ўша ўзи орзу қилган сайроқи булбулни тутиб олиб қўлидан қўймай ётганини ўз кўзи билан кўриш имконига муяссар бўлди.

Она бутун уйни бошига кўтариб, Риччардонни ўтакетган қаллобликда айбламоқчи ва уни қарғамоқчи бўлиб оғиз жуфтлаган эди, бироқ шу пайт мессер Лицио унинг қулоғига бундай деб пичирлади: «Хотин! Агар икковимиз можаролашиб қолмайлик десанг, тилиннга эрк берма — баски, қизинг булбулни тутиб олган экан, энди яхшиси уни ҳеч қачон қўйиб юбормасин. Риччардо нуфузли, бадавлат йигит, бундан муносиброқ қайлиқ топа олмайсан қизингга. Агар Риччардо биз билан ҳамжиҳат бўлишни афзал кўр-

са, унда дарров қизимиз билан фотиҳа ўқита қолсин, ана унда, айни муддао бўлиб, Ричхардо булбулни бировнинг қафасига эмас, ўз қафасига киритиб олган бўлади». Она эрининг жаҳли чиқмаётганини кўриб, қизнинг эса, бу кечани қойилмақом ўтказганини ва яхши дам олганини, бунинг устига, булбулни ҳам тутиб олганини ўйлаб, кўнгли таскин топди ва оғзига сўк солиб олгандай чурқ этмай қолди.

Бир оз фурсатдан кейин Ричхардо уйғонди. У кун ёришиб кетганини кўриб, кайфи учиб кетди ва Катеринани уйғотиб бундай деди: «Оҳ, менинг қувончим! Энди нима қилдик? Кун ёришиб кетилти-ю, энди ҳолим нима кечади?»

Шу чоғ мессер Лицио яқин келиб чодирни кўтарди ва «Ҳаммаси яхши бўлади»,— деди.

Ричхардо мессер Лиционни кўрди-ю, қўрққанидан юраги орқасига тортиб кетди. У ўрнидан туриб каравот четига ўтирди-да, қизнинг отасига шундай сўзлар билан юзланди: «Муҳтарам афандим! Худо ҳаққи, менга шафқат қилинг! Этьироф этаман, мен муттаҳам, қаллоб одамман, бу гуноҳим билан мен ўлимга мустаҳқиқдирман, шундай бўлса ҳам илтижо қиламан сиздан; мени нима қилсангиз, ихтиёр ўзингизда, фақат ёлвораман — жонимни омон сақланг, ўлдирманг мени!»

Мессер Лицио бунга жавобан шундай деди: «Ричхардо! Мен сени яхши кўрадим, ўзимга ишонгандек ишонардим, лекин сен яхшилигинми билмадинг! Ҳамонки, бўлар иш бўлган экан, баски, ёшлик туфайли эсингни йўқотиб қўйган экансан, энди ўзингни ҳам нобуд қилма, мени ҳам юзимни ерга қаратма-да, иссиғида Катерина билан қонуний никоҳ ўқитиб бир ёстиққа бош қўй: бу кеча у сенинг тасарруфингда бўлди — истайманки, энди ўла-ўлгунча сеники бўлсин. Фақат шундай тақдирдагина сени кечираману жонинг омон қолади, акс ҳолда, жанозангни ўқийвер».

Ушбу суҳбат пайтида Катерина булбулни қўлидан чиқариб юбориб, чойшаб ёпиниб олди, кейин зор-зор йиғлаб, отасидан Ричхардонинг гуноҳидан ўтишни илтижо қила бошлади. Ричхардога эса, отамнинг хоҳишини бажо келтир, деб ёлвора бошлади, ана ўшанда сен билан бизга бундан кейин ҳам беҳисоб ҳаловатли тунлар насиб этгай, деб шама қилди. Ваҳоланки, Ричхардога ёлворишнинг ҳеч ҳожати йўқ эди: биринчидан, у қилган ишдан хижолатда эди ва ўз гуноҳини жон-жон деб ювишни истарди; иккинчидан, ўлдириб қўйишади, деб қўрқарди, лекин у яшашни истарди; ниҳоят, у Катеринани бутун вужуди билан севар ва унга молик бўлиш иштиёқида юарди — шу сабабларнинг ҳаммаси мужассам бўлиб, Ричхардонни ўз ихтиёри билан ва асло иккиланмай, мессер Лиционнинг ҳамма шартларини сўзсиз бажаришга тайёрман, деб айтишга даъват этди. Шунда мессер Лицио донна Жакоминанинг узукларидан бирини омонатга олиб турди ва Ричхардо шу ернинг ўзидаёқ, балконда, ота-онанинг шоҳидлигида Катеринанинг бармоғига узук тақди. Мессер Лицио билан хотини уйга киришдан олдин келин-куёвга шундай дедилар: «Энди ётинглар. Муқаррар, ўрнингиздан туришдан кўра ётишга иштиёқ зўрроқ бўлса керак

ҳозир сизларда». Келиннинг ота-онаси уйга кириб кетишган заҳоти, тун бўйи тиним билмай олти чақирим йўл босиб қўйган Риччардо билан Катерина, чамбарчас бўлишиб яна икки чақиримни босдилар ва фақат шундан кейингина биринчи кун сафарини қартиб, ўринларидан турдилар. Риччардо каравотни тарк этиб, кийиниб, ювиниб, энди мессер Лиццо билан иш юзасидан тамомила жиддий суҳбатлашди, яна бир неча кундан кейин эса, расм-таомил бўйича, хешлар ва ёр-биродарлар иштирокида Катерина билан никоҳдан ўтди-да, зўр дабдаба билан уни ўз уйига олиб борди ва юртга зиёфат бериб, серҳашам, серфайз тўй-томоша қилди, тўйдан кейин эса, яна узоқ вақтгача ўз умр йўлдоши билан баҳамжиҳат бўлиб, ўз кўнглини хушнуд айлаб, ҳам кечаси, ҳам кундузи зўр бериб булбул овлаш билан машғул бўлган экан.

5

Кремоналик Гвидотто ўзининг асранди қизини павиялик Жакоминонинг ихтиёрига қолдириб, оламдан ўтади; Фанца шаҳрида Жанноле ди Северино ва Мингино ди Минголе исми икки йигит қизга ошиқ бўлиб қолиб, унинг кўйида бир-бирлари билан жанг қиладилар, аммо пировардида қиз—Жанноленинг сингелиси бўлиб чиқади ва уни Мингинога турмушга берадилар

Хонимлар булбул ҳақидаги ҳикояни тинглаб, ичаклари узилгудек қотиб-қотиб кулишди, Филострато ўз ҳикоясини аллақачон тугатган бўлса ҳам улар ҳамон ўзларини кулгидан тия олмасдилар. Ниҳоят, хонимлар тўйиб-тўйиб хахолаб олишгач, қиролича Филостратога бундай деди:

— Кеча сен бизни жуда юрагимизни эзиб юборган эдинг, илло, бугун кечагининг ҳиссасини чиқариб, роса кулдирдингики, шундан кейин сендан хафа бўлишга ҳеч кимнинг ҳақи қолмади.

Кейин қиролича Нейфилага юзланиб, энди навбат уннки эканлигини эслатди; Нейфила таманно билан ҳикоясини шундай бошлади:

— Филостратонинг ҳикояси бизни Романьяга олиб борган экан, мен ҳам ўз қиссамда ушбу ўлка бўйлаб сайр айлашни ихтиёр эдим.

Алқисса, маълумингиз бўлсинким, Фано¹ шаҳрида икки судхўр яшарди: бири кремоналик Гвидотто, иккинчиси павиялик² Жакомино; икковлари ҳам ошини ошаб, ёшини яшаган одамлар бўлиб, икковлари ҳам бутун ёшлик даврларини жангу жадалда ўтказган эдилар. Гвидоттонинг на бирон фарзанди, на Жакоминодан яқинроқ бирон қариндоши ёки ёри биродари бор эди, шунинг учун у бу дунёдан кўз юмаркан, ўзининг ўн ёшлар чамасидаги

¹ Фано — Адриатик денгизни бўйидаги шаҳарча. (Тарж.)

² Кремона ва Павия — Италиянинг шимолдаги шаҳарлар. (Тарж.)

асранди қизини ва бутун мол-давлатини шу дўстининг ихтиёрига топширди да бутун аҳволни мукамал тушунтириб, бандаликин бажо келтирди. Айни шу маҳал, узоқ муддат жанг майдони бўлиб келган ва шу бондан ғоятда қийин аҳволда қолган Фаэнца шахрининг энди мушкули осон бўлиб, ўзини ўнглаб олди ва очиқ шаҳар деб эълон қилиниб, хоҳлаган одамнинг у шаҳарга қайтиб боришига ижозат берилди, бизнинг Жакомино эса, бир вақтлар бу шаҳарда истиқомат қилган ва бу шаҳардан ғоятда кўнгилли хотиралар қолган эди унда, айнан мана шу важга кўра у ўзининг бутун мол-давлатини ҳамда ўз фарзандидек эркалаб, парваришлаб боқётган Гвидоттонинг қизини олиб, шу шаҳарга кўчиб ўтди. Қизнинг бу пайтда бўйи етиб, бутун шаҳарнинг энг олди гўзалига айланганди, унинг камтарлиги ва одоблилиги бир ҳуснига ўн ҳусни қўшиб турарди. Шу фазилатлари туфайли унга ошиқ бўлганларнинг сон-саногини йўқ эди, ammo қадди-қомати келишган ва хулқ-атворда мутлақо бенуқсон икки навжувон йигит ҳаммадан кўпроқ кўнгил қўйишган эди унга ва рашк қилишиб, бир-бирлари билан довланиб қолгандилар, йигитлардан бирининг исми — Жанноле ди Северино, иккинчисиники — Мингино ди Минголе эди. Иккала йигит ҳам бу қизга уйланишни ўзи учун бахт деб ҳисобларди, боз устига, қиз ҳозир ўн беш ёшга тўлган эди, кинобарин фақат отаси рози бўлса кифоя эди, ammo уларнинг икковига ҳам узрли баҳона билан рад жавоб беришди, мана шу вазият туфайли йигитларнинг унисин ҳам, бунисин ҳам қизни ўғирлаб кетиш тўғрисида режа туза бошлади ва бунинг учун ҳар қайсиси ўзига ишончли ҳисобланган воситани танлади.

Жакоминонинг уйида кекса бир чўри хотин билан Кривелло исмли ҳазилкаш ва ҳозиржавоб бир хизматкор яшарди. Жанноле айнан мана шу Кривелло билан яқиндан танишиб олди ва қулай фурсатни пойлаб туриб, ўз юрак сирини унга очди-да, ундан, ниятимга етиш учун мени қўллаб юбор, деб илтимос қилди ва бунинг эвазига улкан мукофот ваъда қилди. Кривелло унга бундай деди: «Биласизми, сизнинг бу режангизга мен фақат мана бу тарзда кўмаклашишим мумкиндир балки: хўжам бирон ерга зиёфатга кетган пайтида мен сизни қиз билан дийдор кўришишингизга йўл очиб бераман; агар қизга сиз тўғрингизда ўзим оғиз очадиган бўлсам, аминманки, у гапимни эшитишни истамайди. Мана шу гап, агар хўп десангиз шундай иш тутишга ваъда бераман ва ваъданнинг устидан албатта чиқаман, у ёнига ўзингиз билганча иш кўраверинг».

Жанноле, шунинг ўзи менга кифоя, деди-да, икковлари бир қарорга келишиб қўйишди.

Бу орада, Мингино чўри хотин билан танишиб, унинг кўнглини шу қадар овлаб, ўзига мойил қилиб олдики, чўри бир эмас, бир неча маротаба йигит билан қиз ўртасида воситачилик қилди ва бунинг оқибатида қиз қалбиди йигитга бўлган муҳаббат чўгини ўт олдириб юборишга муваффақ бўлди. Чўри хотин ҳатто, агар кечқурунлари хўжам бирон важ билан уйдан чиқиб кетгудек бўлса, сени қизнинг олдигаям олиб кираман, деб сўз берди.

Хуллас, мава шу музокаралардан кейин бир оз вақт ўтар-ўтмас, хизматкор Кривелло шундай бир ҳийла ишлатдики, хўжаси Жакомино кечқурун бир ошнасиникига меҳмонга кетди. Кривелло буни Жанноленинг қулогига етказиб, менинг ишорам бўйича дарҳол етиб келасиз, эшик занжирланмаган бўлади, деб огоҳлаштириб қўйди. Айни пайтда, бу гаплардан мутлақо беҳабар бўлган чўри хотин Мингинога, бугун кечқурун Жакоминонинг меҳмонга бориши ҳақида дарак берди ва унга шу яқин ўртада шай бўлиб туришни тайинладиким, унинг ишора қилиши билан тез келиб, уйга кириши мумкин бўлсин. Шундай қилиб, бир-бирининг кўзлаган режасидан мутлақо беҳабар, аммо ҳар бир ишда бир-биридан гумонсировчи икки ошиқ, кечқурун қуролланган шерикларини ўзлари билан олиб, қизни қўлга киритгани равона бўлдилар. Мингино ўз одамлари билан Жакоминонинг қўшнисин бўлмиш ўз оғайнисиникига яширинди, Жанноле ўз одамлари билан ундан хиёл нарироқда биқиниб турди.

Жакомино уйдан чиқиб кетган ҳамоноқ хизматкор Кривелло билан чўри хотин бир амаллаб бир-бирларини уйдан жўнатиш пайига тушишди.

Кривелло чўри хотинга: «Бориб ухласанг-чи, нима қиласан бу ерда ивиришиб?» — деди. Чўри хотин бўлса, унга: «Ўзинг нега соҳиб билан бирга кетмадинг? Қорнингни бўлса тўйғизиб олдинг — уйдан чиқиб кетавер-да энди», — деди. Шундай қилиб, улар бир-бирларини уйдан чиқариб юбора олмадилар.

Жаннолега ишора қилиш пайти етганда эса, — Кривелло: «Э, қолса қолавермайдими! Хап ўтирмаса — ўзига ёмон», — деган гапни кўнглидан ўтказди-да, ишора қилиб, эндигина эшикни очган эди ҳамки, ҳовлига Жанноле икки нафар ўртоғи билан бостириб кирди ва қизни залдан топиб, уни маҳкам ушлаганча, эшик томон судрай бошлашди. Қиз типирчилаб, чинқира бошлади, чўри хотин ҳам уйни бошига кўтариб дод солди. Бу шовқинни эшитиб, Мингино билан ўртоқлари югуриб келишди ва қизни ҳали-замон остонадан кўчага олиб чиқиб кетишларини кўриб, дарҳол қиличларини яланғочлашди. «Бадкирдорларга ўлим! — деб қичқиришди улар. — Қўйворинглар қизни! Зўравонлик қилшингизга йўл қўймаймиз!» Улар шундай сўзлар билан ғанимларига ҳамла қилдилар. Бу тўс-тўполонни эшитган қўни-қўшнилари қўлларига шаб-чиноқ ва яроқ ушлашиб ҳовлига кириб келишди ва Жанноленинг қилмишидан нафратланиб, ҳаммалари Мингино ёнини ола бошлашди, шунинг шарофати билан кескин олишувлардан кейин, Мингино қизни Жанноле қўлидан тортиб олишга муяссар бўлди-да, уни ичкарига олиб кириб кетди. Аммо тўқнашув то соқчилар етиб келмагунча яна давом этди — соқчилар анча-мунча одамни, хусусан, Мингино, Жанноле ва Кривеллоларни ҳам ушлаб, авахтага олиб кетишди. Жакомино зиёфатдан қайтиб келганида тўс-тўполон босилган эди, у юз берган ҳодисадан дарак топиб, аввалига қаттиқ ранжиди, илло, тафсилотни суриштириб, қизининг ҳеч бир гуноҳи йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, кўнгли таскин топди ва лекин бундай ҳоллар бошқа такрорланмаслиги учун уни

имкони борича тезроқ эрга бериш керак, деган: қарорга келиб қўйди.

Ҳибсага олинган йигитларнинг қариндошлари тунги можаро ҳақидаги ҳамма гапни эшитгач, агар Жакомино қонунан шикоят қилса, икки йигитнинг бошига не фалокатлар тушишини тасаввур қилишиб, эрталаб Жакоминонинг қошига келишди ва ниҳоятда таъсирли иборалар билан ундан бефаросат тирранчаларнинг қилган зиндалигини назарда тутиб эмас, балки шу илтижо қилиб келган кишиларга бўлган меҳру илтифот юзасидан иш кўришини илтимос қилишди-да, ҳам ўзлари, ҳам йигитлар номидан кафолат бериб, ҳаммамиз ҳам сиз қўйган ҳар қандай шартларни бажаришга тайёرمىз, деб айтишди.

Жакомино кўпни кўрган, оқкўнгил одам эди, шу бондан келганларга қисқа қилиб шундай жавоб қилди: «Сеньорлар! Башарти мен сизларнинг бу қадрдон шаҳрингизда эмас, балки ўз она юртимда истиқомат қилиб турган бўлганимда ҳам илтимосингизни бажо келтирган бўлур эдим, зеро, мен сизларни ўзим учун энг қадрдон одамлар деб биламан. Боз устига, қўйида зикр этилмиш вазиятнинг ўзи ҳам илтимосингизни бажо айлашга даъват этади мени: ахир суриштириб келганда сизлар ўзларингизни-ўзларингиз таҳқирладингиз — қизимизнинг таваллуд топган ери кўпчилик фараз қилганидек, Кремона ҳам, Павия ҳам эмас, у фазнцалик, ва лекин сизга шуни айтишим керакки, у қизнинг кимнинг фарзанди эканлигини на мен ва на уни менинг тарбиямга қолдирган зот биларди. Хуллас, сизларнинг барча илтимосингизни бажо айлагум».

Мўтабар шаҳарликлар қизнинг ватани Фаэнца эканлигини эшитиб, ҳайрон қолдилар ва кўрсатган муруввати учун Жакоминога миннатдорчилик билдиришиб, ундан қизнинг қандай қилиб унинг қўлига тушиб қолганини ва унинг фазнцалик эканлини қаёқдан билганини лутфан сўзлаб беришни илтимос қилишди. Жакомино уларга шундай ҳикоя қила бошлади: «Менинг Гвидотто исмли бир полкдош дўстим бор эди, у кремоналик эди,— мана шу дўстим ўлим олдидан юрагига тугиб юрган бир сирни менга баён қилди: император Фридрих Фаэнца шаҳрини забт этган чоғда, шаҳар ёппасига форат қилинган экан, шунда аскар Гвидотто ўз ўртоқлари билан бир уйга кирган, қарашса, уйда ҳар турли моллар қалашиб ётибди-ю, лекин уй соҳиблари йўқмиш, фақат икки ёшлар чамасидаги бир қизалоқ зинада унга дуч келибди-ю, уни «дада», деб чақирибди. Дўстимнинг қизчага раҳми келиб, уни ўзи билан Фанога олиб кетибди, шунингдек, ўша уйдаги бутун бойликни ҳам олиб кетибди; кейин у кун битиб, дунёдан кўз юмар чоғида, қизчани менинг ҳимоятимга топширди, шу билан бирга бутун мол-давлатини ҳам менга қолдирдиким, токи мен қизни эрга берадиган бўлганимда бу давлатларнинг бари унинг сепи бўлиши керак. Мана энди унинг бўйи стиб қолди, аммо унга муносиб қайлиқ топганимча йўқ ҳали. Сирасини айтганда, мен кечаги ҳодисанинг яна такрорланмаслиги учун, агар жойи чиқса, жон-жон деб узатиб юборган бўлардим уни».

Илтимос билан келганлар орасида Гвильельмино да Медичина исмли бяр зот ҳам бўлиб, у ўша горат пайтида Гвидотто билан бирга бўлган ва унинг қайси хонадонни торож қилганини жуда яхши биларди. У Жакомино қошига келганлар орасида ўша уйнинг соҳиби ҳам турганини кўриб, унинг олдига борди ва ундан сўради: «Бернабуччо! Жакоминонинг гапларини эшитдингми?»

«Эшитдим, — деб жавоб қилди Бернабуччо. — Ҳозир худди шу ҳақда ўйлаётган эдим, — эсимга тушди, ўша тўс-тўполон пайтида мен қизалоғимни йўқотиб қўйган эдим, қизим ўшанда ҳозир Жакомино ҳикоя қилган қизчанинг ёшида эди».

«Турган гапки, бу сенинг қизинг, — деди Гвильельмино. — Гвидотто бир кунни шунча молни қаердан ўмарганини менинг олдимда ҳикоя қилиб берган эди, мана энди тушундим, у сенинг уйингни торож қилган экан. Қани, бир эслаб кўр-чи, қизингнинг биронта таниқли белгиси йўқмиди, агар бўлса-ю, уни шу қизга топсанг, унда, бу қиз ҳақиқатан ҳам сенинг қизинг бўлиб чиқади».

Бернабуччо ўйлаб-ўйлаб, ахири, қизчанинг чап қулоғи устида қўшув аломатига ўхшаган яра ўрни бўлиши керак, деб эслади, ўша фалокат юз бермасдан хиёл олдин қизчанинг шу ерига чиққан ярани отаси жарроҳга кестирган экан. Шу воқеани эслади-ю, дарҳол Жакомино олдига яқин бориб, ундан қизни кўрсатишни илтимос қилди. Жакомино унинг илтимосини бажону дил бажариб, қизни қақриб чиқди. Бернабуччо қизни кўрди-ю, кўз олдида ҳали ўз ҳусн-тароватини йўқотмаган навниҳол хотини намоён бўлгандек туюлди унга. Ва лекин у бу далилнинг ўзинга қаноат қилмай, қизнинг сўл қулоғи устидаги соч толасини кўтариб кўришга Жакоминодан ижозат сўради — Жакомино бунга қаршилиқ билдирмади. Бернабуччо хиёлат бўлаётган қиз қошига келиб, ўнг қўли билан унинг сочинини кўтарган эди, кўзини унинг қулоғи устидаги қўшув аломатига ўхшаган чақа ўрнига тушди. Шундан кейин у бу қизнинг ўз фарзанди эканлигига тамомла ишонди, қувбончдан йиғлаб юборди ва қизнинг қаршилиқ кўрсатишига қарамай уни бағрига босди.

Кейин у Жакоминога юзланди: «Биродари азиз! Бу менинг қизим, Гвидотто менинг уйимни торож айлаган, менинг хотиним, яъни қизнинг онаси қўрққанидан уни унутиб қолдирган. Ўша кунни уйимиз ёниб кетган эди, биз қизимиз ҳам ёниб кетди, деб ўйлаган эдик».

Бу гапларнинг ҳаммасини эшитган қиз қаршисида турган одамнинг чол эканлигини эътиборга олиб, унинг гапларига ишонди; у ўзи маънисига тушуна олмаган қандайдир бир ҳиссиётга итоат этиб, энди чолнинг қучоқлашларига қаршилиқ кўрсатмас ва унинг чеҳрасига тикилиб туриб, ўзи ҳам севинганидан йиғлаб юборган эди. Бернабуччо дарҳол қизининг онасига, опа-сингилларига ва ака-укаларига, шунингдек, ўзга хешларига одам юборди, уларнинг ҳаммасига қизни кўрсатди, бўлган воқеани муфассал сўзлаб берди, сўнгра, ҳамма қариндош-уруғлар бирма-бир қизни ўлиб чиқишгандан кейин, у қизни ўз уйига зўр тантана билан олиб кетдиким, бундан Жакоминонинг боши осмонга етди.

Уша шаҳарнинг ҳокими яхши одам эди; у ўзи ҳибсга олган Жанноле — Бернабуччоннинг ўгли, бинобарин, қизнинг туғишган оғаси эканлигини билиб, бу йигитга мурувват қилмоқчи бўлди; у Бернабуччо билан Жакоминонинг воситачилигида Мингинони Жанноле билан яраштириб қўйди ва Мингинонинг барча қариндош-уруғларини хушнуд этиб, исми Агнеса бўлган бу қизни Мингинога турмушга берди; энди бу можарода қўли бўлган хизматкор Кривелло билан бошқа одамларга келсак, ҳоким уларнинг барини бандиликдан озод қилди. Мингино эса, қувончдан терисига сиғмай гоятда сердабдаба тўй-томоша қилиб, Агнесани ўз уйига бошлаб кирибди-да, у билан саодатда ва тотувликда яна узоқ умр кечирган экан.

6

Қироа Федерикога туҳфа этилган қизни Прочида оролининг фуқароси Жанни қўйида ётганини кўриб қоладилар; уларнинг икковини устунга боғлаб гулханда ёқмоқчи бўладилар; бироқ Ружери де Лориа Жаннини таниб қолиб, уни қатлдан халос этади, Жанни қизга уйланади

Нейфила барча хонимларга ниҳоятда мақбул бўлмиш ўз қиссасини ниҳоясига етказгани замоноқ қиролича Пампинейга ҳозирланишни буюрди ва Пампиней тингловчиларга бир-бир порлоқ нигоҳ ташлаб чиқиб, шундай ҳикоя бошлади:

— Фусункор хонимлар! Муҳаббатнинг қудрати беададдир: муҳаббат ошиқларни энг мардона жасоратларга даъват этади ва гайри оддий, гайри тасаввур синовларга бардош беришларида уларга мададкор бўладикки, бизнинг бундай ҳулосага келишимизга даврамизда айтилган бугунги ҳикоялар ҳам, бундан олдинги кунларда баён этилган жуда кўп қиссалар ҳам далил бўла олади. Ва лекин шунга қарамай, мен фикримни бир ошиқ йигит тимсолида исботлашдек ҳаловатдан ўзимни маҳрум эта олмайман.

Неаполь яқинидаги Иския оролида истиқомат қилувчи Марино Болгаро деган низат-икромли бир зотнинг Реститута исмли соҳибжамол ва жуда шўх бир қизи бор эдиким, қўшни Прочида оролининг фуқароси Жанни исмли йигит ул қизни жонидан ҳам ортиқ яхши кўрарди, қиз ҳам у йигитни севарди. Жанни кундуз кунлари Прочидадан Искияга ўз ёрининг висолига етишиш учун кемада келиб турса ҳам бу унга кифоя қилмасди, шу боисдан у кечалари, қайнги йўқлигида шу икки орол ораллигидаги масофани сузиб ўтардики, бундан мақсад — ҳеч бўлмаса маҳбубаси истиқомат қилаётган уйнинг деворларига нигоҳ ташлашдан иборат эди. Уларнинг бир-бирларига бўлган ишқий эҳтирослари мана шундай жўшқин аланга олган ёз кунларининг бирида, қиз ёлғиз ўзи денгиз соҳилида қоялар орасида айланиб юриб, пичоқ билан тошлардан чиғаноқларни кўчириш билан овора бўлиб, бир хилват дарага кириб қолди; бу ер соя-салқин эди, дара тубидан муздек булоқ суви шарқираб оқиб турарди; афтидан, айнан шу манзара Неаполдан

келаётган ксмадаги навжувон сицилияликларни бу ерда манзил қуриб, ҳордиқ чиқаришга ундаган бўлса керак. Қиз, ўз ҳаёлати оғушида бўлиб, соҳилга тушган бегона йигитларни пайқамаган эди, йигитлар эса, қизни кўришган ҳамонок ҳаммаларининг фикри бир ердан чиқиб, уни гоятда дилбар қиз экан, деб эътироф этдилар ва унинг кузатувчисиз, ёлғиз ўзи юрганга ишонч ҳосил қилишиб, уни ўғирлаб олиб қочмоқчи бўлдилару, шу зумнинг ўзида аҳдларини амалга оширишга киришдилар. Қиз қанча бақириб-чақирмасин, ҳеч наф бўлмади, уни тутиб, кемага олиб чиқдилар-да, дарҳол бу соҳилдан узоқлаб кетдилар. Улар Қалабрияга¹ етишганида, қиз кимники бўлади, деб баҳслашиб қолишди, чунки уларнинг ҳар биттаси қизни ўз кўзи остига олиб қўйган эди. Шундай қилиб, улар муқим бир қарорга кела олмадилар-да, ниҳоят,— зеро, шайтоннинг васвасасига учиб, бир-бирлари билан уришиб қолишлари ҳам мумкин эди-да,— ниҳоят, бир қарорга келишиб, қизни Сицилия қироли Федерикога туҳфа қиладиган бўлдилар, зеро, у пайтларда қирол ҳали ёш йигит бўлиб, ишқий саргузаштларга гоятда ишқибоз эди. Йигитлар Палермога етиб келишиб, айнан шундай иш тутдилар. Қирол қизни ниҳоятда гўзал деб топиб, унга ошиқ бўлиб қолди, аммо шу пайтда сирқовланиб юрганидан, то дармонга киргунча қизни Куба деб номланувчи боғнинг ичкари-сида қад кўтарган мухташам қасрга жойлаштириб, жуда яхши парвариш қилишни буюрдиким, буйруғи дарҳол бажо келтирилди.

Қизнинг ўғирланиши Искнияда жуда катта шов-шувга сабаб бўлди; ҳаммадан ҳам ўғирларнинг кимлиги аниқланмагани одамларни кўпроқ ташвишга солаётган эди. Жаннининг бўлса-ку, бу фалокатдан юрак-бағри эзилиб кетган эди; шунга кўра, у то қиздан бирон дарак топилгунча Искнияда ўтиришга сабри чидамай, ўшал кеманинг қай томонга сузиб кетганини сўраб билди-да, ўз кemasида имкони борича зудлик билан Қалабрия соҳили бўйлаб Миннервадан то Скалеягача сузиб, ҳамма ерда қизнинг дарагини сўрай бошлади ва ниҳоят, Скалеяга етганида, қизни сицилиялик денгизчилар Палермога олиб кетишгани ҳақида аниқ хабар топди. Жанни кеманинг барча елканларини шишириб, Палермо томон елдек учди ва узоқ қидирувлардан кейин, ахири, қизнинг қиролга туҳфа қилинганини ва ҳозир уни Куба қасрида сақлашаётганини эшитди; бу шумхабардан буткул умидсизликка тушган Жаннининг қизни халос этиш у ёқда турсин, ҳатто жамолини кўришга ҳам кўзи етмай қолган эди. Ва лекин муҳаббат қувваси унга мадад берди; у кемасини қайтариб юбориб, ўзи шу ерда, Палермода қолишга аҳд қилдики, уни бу ерда ҳеч ким танимасди. Бу ерда у Куба боғига тез-тез бориб турди ва кунларнинг бирида тасодифан дераза олдида турган қизни кўриб қолди, қиз ҳам уни кўрди, икковлари ҳам бу ҳолдан бениҳоя хурсанд бўлиб кетдилар. Жанни, ҳеч ким йўқмикин, дегандек атрофига бир кўз югуртириб чиққач, қиз томонга яқинроқ борди, у билан гаплашди, кейин эса, қандай

¹ К а л а б р и я — Италиянинг жанубидаги вилоят. (Тарж.)

қилиб холи учрашиш мумкинлиги ҳақида қизнинг маслаҳатини эшитиб, қасрнинг қандай жойлашганини диққат билан ўрганиб чиқди-да, бу ердан жўнаб кетди. У ярим кечада яна шу боққа келди ва ҳаттоки, қизилиштонлар ҳам тойиб кетадиган силлиқ шохларга тирмашиб чиқиб, боққа тушди, сўнг узун бир холи топиб, уни кундузи қиз кўрсатган деразага тираб қўйди-да, унга тармашиб, бир зумда деразага чиқиб олди. Илгарилари қиз, номусни ихота қилиб, ўзини йигитдан олиб қочиб юрарди, лекин энди иффати барибир топ талажагини билиб, бу ишда энг муносиб одам — Жаннидир, деб ўйлади-да, ўзини шу йигит ихтиёрига топширишга қарор қилди, натижада, шояд бу қилмишим билан мени бу ердан опқочиб кетишга унатсам, деган умид билан йигитнинг хонага бемалол кириши учун дераза иллагини солмади, Шундай қилиб, деразанинг очиқлигини сезган Жанни оҳиста хонага кирди ва бедор ётган қизнинг ёнига ётди. Қиз, ишга киришишдан олдин йигитга ўз режасини баён қилди, мени бу ердан халос этиб олиб кет, деб унга яллиб-ёлворди. Жанни бўлса, ўзининг ҳам бирдан-бир орзуси шу эканлигини, бугун бу ердан кетиши билан дарҳол шунга ҳаракат қилишини ва кейинги сафар тўғридан-тўғри уни олиб кетгани келажагини айтди. Шундан сўнг улар ғайри тавсиф лаззат билан бир-бирларини маҳкам қучоқлашди, кейин эса, муҳаббат сафосининг энг юксак сарчўққисига мушарраф бўлишди, бу роҳатбахш ҳаловатни яна бир неча бор такрорлаб, ниҳоят, бир-бирларини маҳкам қучоқлаганча пинакка кетганларини ўзлари ҳам сезмай қолдилар,

Тасодифни қарангки, қизни бир кўришдаёқ ёқтириб қолган қирол, келиб-келиб шу пайтда ўзини бирмунча яхши ҳис қила бошлади ва тонг отишига оз вақт қолган бўлса ҳам қизнинг олдига бориб у билан ишрат қилмоқчи бўлди.

У ўз маҳрамлари билан Куба боғига пинҳона келиб, қасрга кирди, у қизнинг қай хонада ухлаб ётганини биларди, шунга кўра, ўша хонанинг эшигини оҳиста очишни буюрди ва каттакон шабчироқ ушлаган хизматкорини ўздан олдин киритди, сўнг ўзи остонадан ҳатлаб кираркан, чорпояга кўз ташлаб, у ерда қипланғоч бўлиб, маҳкам қучоқлашиб ухлаб ётган қиз билан Жаннини кўриб қолди. Гарчи қирол ҳеч нима демаган бўлса ҳам бу ҳол уни шундай нафратлантирган ва дилда шундай шиддаткорона ғазаб ўтини аланга олдирган эдики, шу чоғ у иккала ошиқ-маъшукнинг кўксига ханжар санчишдан зўрға ўзини тутиб қолди. Фақат, ғафлатда ётганларни ўлдириш — нанки қироллар, шунингдек, оддий фуқаро учун ҳам номусиб иш эканлигини ўйлаб, шундан кейингина ўзини қўлга олди ва буларнинг икковини халойиқ кўзи олдида гулханда ёндиришга қарор қилди. Сўнг у ўзининг ягона ҳамроҳи — маҳрамига ўгирилиб, ундан сўради. «Биз кўз остимизга олиб қўйган ушбу манфур хотин ҳақида сен қандай фикрдасан?» Шундан кейин у, бизнинг қасримизга кириб келишга ва кимсан қиролдек улуг зотни бундай таҳқирлаб, бу қадар ранжитишга юраги дов берган бу безбет болани сен танийсанми, деб савол берди.

Хизматкор унга жавобан, бу йигитни бирон марта ҳам кўрмаганлигини айтди.

Қирол қаҳри қайнаб хонадан чиқди ва бу ошиқ-маъшуқларни тугиб боғлашни ва кун ёришиши билан уларни яланғоч ҳолда Палермога олиб боришни, у ерда эса майдоннинг ўртасида бир-бирига орқасини қилиб устунга боғлашни ва шу аҳволда то ҳамма ўтган-кетган кўришга улгуриши учун уларни эрталабки соат тўққизгача ушлаб туриб, кейин қилган гуноҳларига яраша, гулханда ёндириб юборишни фармон қилди. Қирол фармонни бериб, дарғазаб ҳолда Палермодаги ўз қасрига қайтди.

Қирол чиқиб кетиши билан хизматкорлар ошиқ-маъшуқларга ташланишди, уларни бир-бирдан ажратиб, банд айлашди. Бу икки ёшнинг қанчалик кўрқиб кетганини, нақадар бенажот аҳволга тушишганини ва қандай оҳ-фарёд чекиб, қичқирганини тасаввур қилиш қийин эмас. Сўнг қиролнинг фармонига кўра уларни Палермога олиб боришди, у ерда майдон ўртасидаги устунга боғлашиб, қирол белгилаган вақтда ёқиш мумкин бўлсин учун ўлимга маҳкум этилганларнинг кўзи олдида гулханга ҳозирлик кўра бошлашди. Палермонинг эркагу аёл бутун аҳолиси ошиқ-маъшуқларни томоша қилгани майдонга тўпланди: эркаклар қизнинг қоматини томоша қилишга қизиқардилар, шунинг учун улар унинг бедусур ҳусн-жамолидан, мафтункор баданидан кўз узолмай қолдилар, аёллар эса, йигитни томоша қилгани тўпланишган ва унинг хушқадлигига ва хушсуратлигига маҳлиё бўлиб қолишган эди. Бахти қаро ошиқ-маъшуқлар эса, уятдан ўзларини қўярга жой топа олмай, бошларини ҳам қилиб, шафқатсиз гулхан алангасида ёниш дамларини кутишар ва ўз бошларига тушган бу машъум савдодан қон йиғлардилар. Алқисса, бир ёқда, майдонда бахти қаролар учун гулхан қалаяпти-ю, бир ёқда жарчилар ҳамон уларнинг жинояти ҳақида бутун шаҳар аҳлига жар солиб юрибдилар денг, ниҳоят, бу овоза шавкатли мард генерал-адмирал Ружери де Лорнанининг қулогига ҳам етиб борди ва у жиноятчиларни ўз кўзи билан кўриш мақсадида майдонга йўл олди. Аввало у қизга кўз ташлаб, унинг гўзаллигидан ҳайратга келди, сўнг йигитга назар ташлади ва бир қарашда уни таниб, яқинроқ борди-да: «Сен прочидалик Жанни эмасмисан?» — деб сўради.

Жанни ҳам адмирални таниб, унга жавоб айлади: «Шундай, бегим, ўша Жанни мен бўламан, аммо ҳадемай йўқ бўламан».

Адмирал, сени бу мушкул аҳволга солган нарса нима, деб савол берди унга. «Биринчидан, муҳаббат, иккинчидан эса қиролнинг қаҳри», — деб жавоб қилди Жанни.

Шунда адмирал бўлган воқеанинг икки-чикирларигача муфассал сўзлаб беришни буюрди Жаннига ва унинг ҳикоясини зўр эътибор билан тинглаб бўлиб, бу ердан кетмоқчи бўлган эди, Жанни уни тўхтатди. «Бегим! — деди у. — Агар мумкин бўлса, мени бу ерга боғлаб қўйишни буюрган зотдан мен учун кичик бир мурувват қилишни сўраб берсангиз».

Ружери, у қандай мурувват экан, деб сўради, Жанни унга жавоб айлади: «Мен ўзимнинг ўлишимни, ўлгандаям тез орада

Ўлишимни биламан. Лекин мен бу қизни жонимдан ортиқ севаман, у ҳам мени шундай севади, биз бир-биримизга орқа ўгириб турибмиз, менинг илтимосим шуки, ул зот бизга марҳамат қилсалару инковимизни юзма-юз қилиб қўйишса, — шунда маҳбубамнинг жамолига қараб туриб жон бериш мен учун осон бўларди».

Ружери кулиб юбориб шундай деди: «Э, ҳали мен шундай қиламанки, маҳбубангга қарайвериш жонингга ҳам тегиб кетади!»

Сўнг у бу ердан узоқлашаркан, қиролнинг фармонини бажаришга шай бўлиб турган одамларга, то қиролнинг янги фармони келгунча ҳеч қандай чора кўрманглар, деб буюрди-да, ўзи фурсатни ганимат билиб, қирол ҳузурига равона бўлди, бориб қиролнинг дарғазаб кайфиятда ўтирганини кўрди, лекин барибир, унга шундай савол билан юзланди: «Аъло ҳазрат! Сиз бир йигит билан қизни майдон ўртасига боғлаб, гулханда ёқишга буюрибсиз, улар не қилмишлари билан, сизнинг қаҳрингизни келтирдилар?»

Қирол унга изоҳлаб берди. Шунда Ружери деди: «Уларни жазоламаслигингиз керак эди. Жиноят жазога, саховат эҳсонга лойиқдир, — мурувват ва раҳм-шафқатга-ку, инчунин. Гулханда ёқмоқчи бўлганингиз ўшал одамнинг кимлиги сизга аёнми?»

Қирол, йўқ, деб жавоб қилди. Шунда Ружери деди: «Мен ҳам ҳузурингизга айнан шу нарсани билдириб қўйиш учун келдимки, гапимни эшитиб, газаб даъватига қулоқ осиб донишмандлик аломати бўлолмаслигини тушуниб олишингизни истардим. Бу йигит — Прочиди оролнинг фуқароси Ландольфонинг ўғли бўлади, сиз, онҳазрат, ана шу Ландольфонинг туғишган акаси мессер Жаннининг шарофати билан бу оролнинг қироли ва ҳокими бўлгансиз, энди қизга келсак, у — Марино Болгаронинг қизиким, Иския оролнинг ҳануз сизга тобе эканлиги мана шу зотнинг қудрати туфайлидир. Бу йигит билан қиз кўпдан бир-бирларини севишади, бинобарин, сиз аъло ҳазратларини таҳқирлаш истаги эмас, балки шу муҳаббат туйғуси уларни шундай гуноҳ ишга даъват этган (агар муҳаббатнинг ёшларни рағбатлантирувчи кучини гуноҳ деб аташ мумкин бўлса). Сиз бу ҳолдан бениҳоя мамнун бўлиб, уларга ҳиммат ва мурувват қилмоғингиз лозим эди, лекин сиз нима қиляпсиз? Уларни ўлимга маҳкум қилдингизми?»

Қирол Ружерининг ҳақ гапирётганини тушунди, шунга кўра, у ўз ҳукмини бекор қилиш билан чекланиб қолмай, яна қилмишига пушаймон ҳам бўлди. Сўнг шу заҳоти йигит билан қизни бўшатиб, ўз ҳузурига бошлаб келишларини буюрди, буйруқ бир зумда адо этилди. Қирол йигит билан қизнинг ҳикоясини бутун тафсилотлари билан тинглаб бўлиб, уларга кўрсатган ранжи эвазига энди ҳурматларини келтириб, совға-салом билан тақдирлашга аҳд қилди. Қиролнинг фармонича кўра, йигит билан қизга қимматбаҳо либослар кийдирилди, сўнгра уларнинг бир-бирларига майл қўйганликларидан огоҳ бўлган қирол қизни Жаннига никоҳлаб берди ва беҳисоб совға-саломлар тақдим этиб, бахтиёр келин-куёвни юртларига жўнатди, юртларида эса, уларни шоду хуррамлик билан кутиб олдилар, тўй-томошадан кейин улар яна узоқ йиллар роҳат ва фароғатда умр кечирган эканлар.

Теодоро ўз соҳиби мессер Америгонинг қизи Виолантани севади; Виоланта Теодордан ҳомила орттиради; оқибат Теодорони дорга осмоқчи бўладиларда, қамчи билан савалаб дор тагига ҳайдаб кетаётганларида, уни отаси кўриб, таниб қолади; Теодорони озод этадилар, у Виолантага уйланади.

Ошиқ-маъшуқларнинг гулханда ёнишини юрак ҳовучлаб кутиб ўтирган хонимлар, уларнинг халос этилганини эшитиб, кўнгиллари жойига тушди ва худога шукрона ўқидилар, қиролича эса, қиссанинг ниҳоясига етганини билиб, навбатни Лауреттага берди ва у шўх оҳангда шундай ҳикоя бошлади:

— Соҳибжамол хонимлар! Сицилияда саховатли қирол Вильгельм ҳукмронлик қилган замонда бу оролда мессер Америго Аббате да Трапани деган бир зодагон яшарди; у сердавлат ва серфарзанд одам эди. Шу боисдан унда хизматқору малайларга эҳтиёж туғилган эдиким, аини пайтда, Шарқ мамлакатларидан қайтиб келган генуялик қароқчиларнинг Арманистон соҳиллари бўйлаб сузиб, жуда кўп ўғил болаларни ўғирлаб келишганини эшитиб қолди ва ўшал болаларни турк деб ўйлаб, айримларини ўзига сотиб олди, кейин билса, бу болаларнинг ҳаммаси чўпон болалар экан, лекин уларнинг орасида Теодоро исмли бир бола ўзининг олижаноб хислатлари ва хушсуратлиги билан бошқалардан ажралиб турарди. Гарчи бу болани ҳамма қул деб ҳисобласа ҳам у мессер Америгонинг хонадонида унинг болалари билан бирга ўсди, у ғоятда бемуқсон хулқ ва одоб соҳиби бўлиб, бундай фазилатларга, асосан, ўзининг серфаросатлиги туфайли мушарраф бўлган эмас, балки ўзи аслида шундай туғилган эдиким, бора-бора мессер Америгонинг меҳри ортиб, уни қулликдан озод қилди ва чўқинтириб, Пьетро деб от қўйишни буюрди.— зеро, у болани турк деб ўйлаган эди,— ва унга тўла ишонч билдириб, ўзига иш бошқарувчи қилиб тайинлади.

Мессер Америгонинг болалари ўсиб улғая бошлашди, бинобарин, унинг Виоланта исмли сарвқомат қизининг ҳам бўйи етиб қолди, аммо отаси уни эрга беришга ошиқмасди, шу аснода қиз Пьетрога ошиқ бўлиб қолди, ва лекин у йигитни нечоғлиқ қайноқ меҳр билан севмасин, унинг хулқи ва одобини қанчалик эъзола-масин, биринчи бўлиб ўз туйғусини изҳор этишга қизлик шарм-ҳаёси йўл қўймасди. Лекин севги маъбуди — Амур уни бундай ташвишдан халос айлади: қизга ўғринча кўз қирини ташлаб юрган Пьетро ҳам уни телбаларча севиб қолган эди, демак, унинг бутун фикр-хаёли ҳозир шу қизга қаратилган эди. Пьетро бир нарсдан: ушбу юрак сирини битта-яримта сезиб қолишидан қўрқарди, зеро, қалбининг теран бир ерида бу қилмиши учун ўз-ўзини койирди. Қиз уни кўрганида доим қувониб кетарди, энди йигитнинг қалбида не ҳол содир бўлганини пайқагандан кейин эса, унга далда бериш мақсадида ўзининг бу ҳолдан бениҳоя мамнун эканлигини билдир-

дики, аслида ҳам аҳвол айнан шундай эди. Улар ўртасидаги бундай мубҳамлик узоқ вақт давом этди, узоқ муддат улар бир-бирларига юрак ёза олмай юрдилар, ҳолбуки, инқовлари ҳам бир-бирларига жидду жаҳд билан талпинардилар.

Алқисса, уларнинг қалблари бир хилда алангаланиб, мудом ёнавердиким, бу ҳол то тақдир илоҳаси — Фортуна орага тушиб, уларни ўзларидаги журъатсиз тортинчоқликни тарқ этишга даъват этгунгача давом этди. Воқеа бундай бўлган эди: Трапанидан тахминан бир миляча нарида мессер Америконнинг ғоятда хушманзара бир амлоки бўлиб, хотини билан қизи ўз дугоналари ва оқсочлари билан вақтичоғлик қилгани у ерга тез-тез бориб турардилар. Мана, жазирама саратон кунларидан бирида улар Пьетрони ҳам ўзлари билан олиб, ўша амлокка равона бўлдилар, у ерда хўп сайр қилдилар, аммо шу пайт тўсатдан, осмонни қора булут буркаб олдики, ёз фаслида бундай ҳол тез-тез учраб туради; хоним билан унинг ҳамроҳлари момақалдироқда қолиб кетишдан қўрқишиб, жадал Трапанига қайта бошлашди. Пьетро билан қиз, навқирон ва серғайрат эмасмилар, бошқалардан анча олдинлаб кетиб қолдилар, йлло, уларни бунга ундаган нарса ҳавонинг авзойи бузилгани эмас, балки кўпроқ муҳаббат қистови эди. Улар орқада келатганларга кўринмайдиган даражада узоқлашиб кетишганида, бир неча бор пайдар-пай чақмоқ чақиб, момақалдироқ гулдуради ва кетидан йирик-йирик дўл ёғиб юборди, шунинг учун она ўз ҳамроҳлари билан бир қишлоқнинг кулбасига кириб, дўлдан пана бўлди. Пьетро билан қиз эса, дурустроқ бир бошпана йўқлигидан, бир ташландиқ хароба уйга кириб, унинг томи тагида туришди, томнинг деярли ҳамма ёғи ўпирилиб, бир парчагина ери қолганидан улар беихтиёр бир-бирларининг пинжигга кириб туришга мажбур бўлдилар. Икки таниннг бундай ҳамсоялиги уларга далда берди ва бир-бирларига ўз қалб армонларини изҳор этиш учун йўл очди.

Биринчи бўлиб Пьетро тилга кирди. «Э худо, ишқилиб дўл тинмасин-да!» — деди у.

«Вой, қандай яхши бўларди!» — деб юборди қиз.

Улар гапдан амалга ўтдилар: бир-бирларининг қўлларини маҳкам сиқдилар, кейин қучоқлашдилар, ундан кейин ўпишдилар, дўл ҳамон ёғиб ётарди. Хулласи калом, улар то муҳаббат лаззатининг энг тотли онларидан баҳраманд бўлишмагувча ва бундан кейин ҳам қандай қилиб бир-бирларининг дилини хуфиёна хушлаш ҳақида келишиб олишмагунча ҳаво юришиб кетмади. Мана, ахирин, момақалдироқ ҳам тиниб, улар яна йўлга тушдилар ва салдан кейин шаҳар чеккасига етиб келиб, шу ерда қизнинг онасини кутиб турдилар, кейин у билан бирга уйга қайтиб келдилар. Шу воқеадан кейин улар яна жуда кўп маротаба имн-жиммида учрашиб турдилар, лекин ҳар гал учрашишганда эҳтиёткорликнинг барча чораларини кўриб учрашишди, шу боисдан ҳам бу учрашувларнинг ҳар бири беқиёс шодмонлик бахш этарди уларга. Йигит билан қиз ўртасидаги яқинлик шу даражага етиб бордики, қиз ҳомиладор бўлиб қолди ва бу ҳол уларни қаттиқ ташвишга солиб қўйди. Улар

табиат қонунига қарши ўлароқ ҳомиладан қутулиш учун ўзларини не кўйга солмадилар, аммо барибир барча уринишлари зое кетди.

Пьетро жон сақлаб қолиш учун бу ердан қочмоқчи бўлиб, ўз ниятини қизга баён қилган эди, қиз унга: «Агар сен қочиб кетсанг, ўша заҳоти ўзимни-ўзим ўлдираман», деб айтди.

Пьетро қизни астойдил севарди, шунга кўра унга бундай деб юзланди: «Жоним! Ўзинг ўйлаб кўр: мен қандай қилиб бунда қолай? Сенинг ҳомиладорлигинг гуноҳимизни фош қилади — сенику, сал вақтдан кейин кечирिशар, лекин мен шўрпешона ҳам сенинг, ҳам ўзимнинг айбим учун сўроқ беришга мажбур бўламан».

Қиз ҳам унга жавобан бундай деди: «Менинг айбим ошкор бўлиши турган гап, аммо сенинг айбинг — кўнглинг тўқ бўлсин, Пьетро, ҳеч қачон ошкор бўлмайди, фақат ўзинг тилингдан илтимасанг бўлгани».

«Ҳай, ундай бўлса, қолганим бўлсин, — деди Пьетро, — фақат сен мени чақиб қўймагин».

Қиз ўзининг ҳомиладор эканлигини энг сўнгги имкони қолгунча ён сақлаб юраверди, лекин вақт ўтиши билан шу қадар етилиб, тўлишиб кетдики, бу сирни ортиқ яширишга энди иложи қолмади, мана шундай кўнлардан бирида у юм-юм йиғлаб, онасига ҳамма гапни очиб солиб, мени фалокатдан сақланг, деб ёлворди. Онаси даҳшатга келиб, қизини роса койиди, ундан кейин бу ҳолининг тафсилотини синчковлик билан суриштира бошлади. Қиз Пьетродан хавотирланиб, онасига ҳақиқатни айтмади, балки ичидан сохта бир афсона тўқиб, онасини ўз гапига ишонтирди. Натижада, она қизининг айбини одамлардан пинҳона тутиш мақсадиди уни олиб ўз мулкларидан бирига жўнаб кетди. Қизининг ой-кунини егиб, тўлғоқ тута бошлаганида, у ҳам аксарият хотинлар сингарчи, бутун ўйни бошига кўтариб чинқира бошлади, тасодифни қарангани, айнан шу мулкидан ҳеч қачон хабар олмайдиغان Америкго парранда овидан қайта туриб, ҳеч хотини кутмаган бир пайтда, яъни айни қизининг тўлғоғи тутиб чинқира бошлаган пайтда аксига юриб шу ерга яқин жойдан ўтиб қолса бўладими; у ҳайрон бўлиб хонага югуриб кирди-ю, хотинидан, нима гап, деб суриштирди. Хотин эрини кўриб, даҳшатдан қалт-қалт титраб ўрнидан туриб кетди ва ноилож қизининг туғаётганини айтди, лекин эр хотинига ўхшаб лақма эмас эди, шунга кўра хотинига эътироз билдириб, қизимиз ўзининг кимдан ҳомила орттирганини билмаслиги мумкин эмас, деб айтди ва қиздан ҳамма гапни ўзи суриштириб бېлмоқчи бўлди: агарда ҳақиқатни айтса — гуноҳидан кечаман, борди-ю, айтмаса — шафқат қилмай қатл этаман, деб ўйлади. Хотини, қизимиз ёлғон гапирмади, деб эрини ишонтиришга қанча уринса ҳам бундан ҳеч наф чиқмади. Дарғазаб мессер Америкго шамширини ялағочлаб қизига ташланди, аммо у, айни шу можаро пайтда туғиб улгурган эди. «Айт, бола кимдан, йўқса, ўлдираман!» — деб дағдаға қилди ота. Қиз кўрқиб кетиб, Пьетрога берган аҳдини бұзди ва чақалоқнинг отаси Пьетро эканлигини айтиб қўйди. Отанинг га-

заби қайнаб, сал бўлмаса ўз фарзандини ўлдириб қўяёзди, лекин ҳартугул ўзини қўлга олди, қизини роса бўралаб сўқди-ю, кейин отига миниб, Трапанига жўнади, шаҳарга етиб борган заҳоти, уни бадном қилган Пьетро устидан қиролнинг ноиб мессер Куррадога шикоят қилди, сўнг ҳеч нимадан хабари йўқ бу хизматкорини дарҳол ҳибсга олишни буюрди, Пьетро ҳам қийноққа чидай олмай ҳамма қилмишига иқрор бўлди. Орадан бир неча кун ўтгач, ноиб: Пьетронин бутун шаҳар кўчаларидан сазойи қилиб қамчилаб ўтиб, кейин дорга осилсин, деган фармон чиқарди; вале, мессер Америго, Пьетро ўлимга маҳкум этилгандан кейин ҳам ғазабидан гушмади, у ошиқ-маъшуқларни ҳам, уларнинг чақалоғини ҳам йўқ қилиб ташлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди, шунга кўра, у ўз хизматкорларидан бирини чақириб, унинг қўлига оғу аралаштирилган шароб тўла қадаҳ билан яланғоч бир ханжар тутқаздида, унга тайинлади: «Буларни Виолантага олиб бориб бериб, менинг номимдан унга айт: дарҳол шу икки воситадан бирини танласин ўзига,— хоҳ заҳар ичсин, хоҳ кўксига ханжар санчсин,— илло, пайсалга солмасин, акс ҳолда мен уни оломон олдида гулханда ёндиришга маҳкум этаман, ана унда қилмишига яраша жасосини олади. У ўлганидан кейин эса, чақалоғини олгин-да, бошини деворга уриб мажақлаб, мурдасини итларга ташла». Ваҳшийсифат мессер Америго ўз қизи ва набираси устидан бундай бешафқат ҳукм чиқаргандан кейин, тошбағир хизматкор шу заҳоти буйруқни бажаргани жўнаб кетди.

Ўлимга маҳкум этилган Пьетрони соқчилар қамчи билан савалаб, сазойи қилиб дор тагига олиб кета туриб ногаҳон бир меҳмонхона ёнидан ўтиб қолдиларки, бу меҳмонхонада худди шу пайтда уч нафар аслзода армани истиқомат қилиб турарди — Арманистон подшоси уларни бўлғуси салб юришига доир ғоятда муҳим аҳамиятга молик ишлар юзасидан папа билан музокара ўтказиш учун Римга юборган эди, улар йўл-йўлакай бир оз ҳордиқ чиқариб, йўл азобидан ўзларига келиб олиш учун уч-тўрт кунга бу ерда манзил қурган эдилар, трапанилик аслзолалар ҳам, хусусан, мессер Америго, меҳмонларни ғоятда зўр иззат-икром билан кутиб олган эдилар. Арманилар, меҳмонхона олдидан кимнидир сазойи қилиб олиб ўтишаётганини эшитиб, деразадан кўчага қарадилар-да, белгига яланғоч, қўллари орқасига қайириб боғланган Пьетрони кўрдилар. Уч элчидан бири бўлмиш Финео исмли ниҳоятда нуфузли қариянинг кўзи шу чоғ қатлга кетаётган маҳбуснинг кўкрагидаги каттакон қизил холга тушди, бу ясама доғ эмас, балки табиий,— аёллар таъбири билан айтганда,— туғма хол эди. Қария бу холни кўрган заҳоти, эсинга ўзининг йўқолган ўғли тушди; ўғлини бундан ўн беш йилча муқаддам Лаяцога яқин ерда, денгиз бўйидан қароқчилар ўғирлаб кетган ва ўшандан буён у дом-дараксиз йўқолган эди. Қария бу бахти қаро йигитнинг неча ёшдалигини чамалаб кўриб, агар ўғлим тирик бўлганида у ҳам шу ёшга кирган бўларди, деб ўйлади, хол эса, унинг шубҳасини кучайтирди, чунки йўқолган ўғлининг кўксига ҳам шунақа туғма ҳол бўлган эди; агарда бу чинданам менинг ўғлим бўлса,—

деб яна мулоҳаза қила бошлади саҳоватли армани,— ўз исмини, отасининг отини ва ўз ватанини ҳали ҳам унутмаган бўлади, арманча гапириш ҳам ҳали эсидан чиқмаган бўлиши керак, албатта.

Маҳбус қария турган хона деразасига рўпара келганида у: «Ҳой, Теодоро!»— деб қичқирди.

Пьетро дарҳол бошини кўтариб қаради, шу маҳал қария Финео ундан арманчалаб: «Қаерликсан, кимнинг фарзандисан?»—деб сўради.

Соқчилар бу муҳтарам зотга ҳурмат юзасидан юришдан тўхтадилар, шунда Пьетро жавоб қайтарди: «Мен — арманистонликман, Финео деган одамнинг фарзанди бўламан, мени бу ерга кичкина болалик пайтимда олиб келишган, илло, ким олиб келганини билмайман».

Шу гапдан кейин, Финеода бу йигитнинг ўз ўғли эканлигига ҳеч қандай шубҳа қолмади; у ҳўнграб йиғлаб юборди ва ўз ҳамроҳлари билан кўчага отилиб чиқди, соқчилар хорижлик меҳмонга илтифот кўрсатиб, унга йўл очишди, шунда чол ўғлини бағрига босиб, ўз елкасидаги ҳарир шоҳи ридони унинг елкасига ташлади ва соқчилар сардоридан, маҳбусни то янги фармойиш келгунча қатлга олиб бормаи туришни илтимос қилди. Сардор бунга рози бўлди.

Финео бу йигитни қай гуноҳлари учун қатл этишмоқчи бўлишганидан хабардор эди, зеро, бу гап бутун шаҳарга овоза бўлган эди. Шунга кўра у барча ҳамроҳлари ва хизматкорлари билан бирга тўппа-тўғри мессер Куррадо ҳузурига борди-да, унга шундай деди: «Мессер!— сиз қул деб ҳисоблаб ўлимга маҳкум этган одам, аслида эркин шахсдир, зеро, у менинг ўғлим бўлади; мишмишларга қараганда, у бир қизнинг номусига тегиб қўйган эмш, аммо ўғлим ўшал қизга уйланмоқчи. Шунга кўра, ўшал қизнинг ўғлимга турмушга чиқишга рози-рози эмаслиги аён бўлгунча қатлни тўхтатиб туришингиз мумкин бўлмасмикин, борди-ю, қиз ўғлимга турмушга чиқишга ихтиёр билдирса, унда сиз қонунга хилоф иш қилган бўлиб чиқасиз». Ўлимга маҳкум этилган йигит Финеонинг ўғли эканлигини билган мессер Куррадо ҳайратга келди. У тақдир тақозоси билан сал бўлмаса улкан хатога йўл қўйиши мумкинлигини ўйлаб, қаттиқ хижолат бўлди ва Финеонинг ҳақ гапираётганига иқрор бўлиб, унга тасалли берди ва меҳмонхонага қайтишни илтимос қилди, ўзи эса, мессер Америкгога одам юбориб, унга бутун воқеани муфассал сўзлаб берди. Мессер Америкго, қизини ҳам, набирасини ҳам аллақачон оламдан ўтган деб ишонарди; шу боисдан, ўзининг машъум қилмишидан тамомла умидсизликка тушган эди, чунки қизи ўлдирилмаганда ҳам хатони тузатса бўларди ҳали. Шундай бўлса ҳам у, ҳар эҳтимолга қарши, зудлик билан қизга одам юборди ва унга — агарда ҳали тирик бўлса, албатта ўз буйруғини рад этганини эълон қилишни буюрди. Зудлик билан етиб келган чопар шундай манзаранинг шоҳиди бўлдики, мессер Америкгонинг хизматкори Виоланта қаршисига оғу солинган қадаҳ билан ханжар қўйиб, ҳардамхаёл қизни бўра-

лаб сўкаётган ва уни тезроқ икки ўлимдан бирини танлашга мажбур этаётган эди. Аммо у ўз соҳибининг янги фармойишини эшитиши билан қизни ўз ҳолига қўйди ва қайтиб келиб хўжасига ҳамма гапни батафсил баён қилиб берди. Бунни эшитиб, мессер Америконинг боши осмонда эди; у дарҳол Финео қошига йўл олди, унга ўзининг самимий таассуфини изҳор этди, кўз ёш тўкиб, ундан афв этишини лутфан илтимос қилди ва, агар Теодоро қизимга уйланишни ихтиёр этса, бу ҳол мени фақат хурсанд этади, деб баён қилди.

Финео унинг узрини бажону дил қабул қилди ва деди: «Мен ҳам ўғлимнинг сизнинг қизингизга уйланишини истайман. Лекин агар у қизингиздан бош тортгудек бўлса, унда ўғлим устидан чиқарилган ҳукмнинг ўз кучида қолгани маъқул!» Финео билан Америго шундай дея гапни бир ерга қўйишиб, Теодоро қошига боришди ва ундан, ниятинг нима, деб сўрашди. Ҳам ўлим даҳшати, ҳам ўз отаси билан дийдор кўришгани севинчи бир-бирига омухта бўлиб, миясн говлаб, ўз ёғига ўзи қовурилиб ётган Теодоро, агар хоҳласа Виолантага уйланиши мумкинлигини тушуниб, худди бир сакрашда жаҳаннам қаъридан нақ арши аълога чиқиб олгандай терисига снғмай қувониб кетди ва баски, сизлар рози экансиз, Виоланта билан турмуш қуришим учун берган бул ижозатингизни дунёда энг улкан мурувват деб билгайман, деди. Шундан сўнг, Виолантага одам юбориб, бу фикрга унинг қандай қарашини билмоқчи бўлдилар. Виоланта тамомила умидсизликка тушиб қолган эди: у Теодоронинг не кўйга тушганини, ҳали яна не мусибатларни бошидан кечиринини биларди, боз устига, ўзи ҳам ўлим хавфи остида турган эди, шунга кўра, ўз қошига келган чопарнинг гапларига олдин унча ишонмади, лекин кейин, руҳи бир оз тетиклашгач, шундай деб баён қилди: агар бу фақат менинг розилигимга боғлиқ бўлса, унда мен учун дунёда Теодоронинг умр йўлдоши бўлишдан ҳам улуғроқ саодат, ундан ҳам сарбаланд толе бўлиши мумкин эмас, аммо ҳарна бўлганда ҳам ота-онамнинг измидан чиқмагайман. Шундай қилиб, барчанинг рози-ризолиги билан Виоланта Теодорога турмушда чиқди ва шу муносабат билан бутун шаҳар аҳлини шодмон айлаб тўй-тантана уюштирилди.

Виолантанинг қўнгли таскин топди, чақалоқни энага боқувига берди ва бир оз вақтдан кейин аввалгидан ҳам гўзалроқ бўлиб очилиб кетди. Финео Римдан қайтганида, Виоланта, кўзи ёриган чоғидаги хасталикдан буткул фориг бўлиб, уни худди ўз отасидек қарши олди, чол эса, шундай соҳибжамол келини борлигидан завқланиб, уни ўз қизидек эркалади,— кейинчалик ҳам уни мудом ўз фарзандидек ардоқлаб келди,— ва келини билан ўғлининг никоҳ ўқитиш маросимини бениҳоя зўр тантана билан нишонлади. Яна бир неча кундан кейин эса, у ўғлини, келинини ва набирасини олиб галерада ўз ватани Лаяцого равона бўлди; манзилга етиб келишгач эса, бир-бирларига шайдо келин-куёв шод-хуррамлик ва хотиржамликда узоқ умр кечириб, мурод-мақсадларига етган эканлар.

Траверсарилар уругидан бўлган қизни севиб қолган Настажо дельи Онести исмли йигит маъшуқасининг висолига етиши йўлида пулларини орқа-ўнгига қарамай сарфлайди, вале, барибир қизнинг кўнглини эритишга мушарраф бўла олмайди, у ўз хешларининг илтимосига рози бўлиб, Къяссига жўнайди, бу ерда унинг кўз олдига бир сувори бир қизни кўвиб келиб, уни йлдиради ва жасадини икки ит олдига ташлайди; Настажо ўз хешларини ва маҳбубасини зиёфатга таклиф этади; маҳбубасининг кўз олдига ўша қизни яна қийноққа соладилар, оқибат, Настажонинг севгилиси, ўзининг ҳам бошига шундай кулфат тушишидан кўрқиб Настажога турмушга чиқади

Лауретта ҳикоясини тугатгач, қироличанинг амри билан Филомена ўз қиссасини шундай бошлади:

— Пурлатофат хонимлар! Раҳм-шафқат қилган одам иззат топгай, илло, тошбағир кишиларни одил қози — парвардигорнинг ўзи қаттиқ жазога мустаҳиқ қилгай. Бу фикрим сизга тушунарли бўлсин учун ва сизлар ўз қалбингиздан тошбағирлик иллатини буткул даф этмоғингиз учун мен сизларга ҳам таъсирли, ҳам қизиқарли бир қисса сўзлаб бермоқчиман.

Романьянинг энг кўҳна шаҳарларидан ҳисобланмиш Равеннада бир вақтлар жуда кўп аслзода ва давлатманд кишилар, хусусан, Настажо дельи Онести исмли бир йигит ҳам яшаган эдиким, отаси ва амакисининг ўлиmidан сўнг у беҳисоб мол-давлатга эга бўлган эди. Аксарият бўйдоқ йигитлар табиатида бўлгани сингари, у ҳам мессер Паоло Траверсари номли бир зотнинг қизига ошиқи шайдо бўлиб қолди — қиз Настажодан ҳам нажобатлироқ эди, шу боисдан Настажо қизнинг илтифотига муяссар бўлиш учун ўзини не-не кўйларга солиб кўрмади, аммо унинг жамки олижаноб, латофатли ва мақтовга лойиқ ҳаракатлари унга наф келтирмас, балки кўпроқ зиён келтираётгандек эди — чунки маҳбубаси унга нисбатан шу қадар бадфеъл, бераҳм ва бадқаҳр эдиким, ўзига бино қўйиб, шу даража кеккайиб кетган эдиким, афтидан, у ўзининг энг олий насабга молик эканлигини яхши биларди, — хуллас, қиз унга қиё ҳам боқишни истамасди. Бундай совуқ муносабат Настажога шу қадар оғир ботардики, у бир эмас, бир неча маротаба, узоқ ва ғамгин ўйга толиб, ўз жонига қасд қилишни ҳам ўйлай бошлади, бироқ ҳар гал ўзини бундай гуноҳдан зўр-базўр тутиб қолар ва ўзига-ўзи, қиз ҳақида мутлақо ўйламасликка, ҳаттоки қиз ундан қандай нафратланаётган бўлса, ўзи ҳам ундан шундай нафратланишга аҳд қиларди. Ва лекин барибир, ҳамма уринишлари зое кетар, аксинча, унинг қиз висолига мушарраф бўлиш умидлари кўпроқ сўна бошлаган сари, қизга бўлган муҳаббат алангаси шунча кучлироқ аланга олаётгандай бўларди. Қисқаси, Настажо қизга шайдолигини қўймай, унинг кўйида ғарра-шарра ақча сочишда давом этаверди; ниҳоят, унинг хешлари ва ёр-дўстлари, бунақада ҳам соғлиғидан, ҳам мол-дунёсидан айрилиб қолиши мумкин, деб маслаҳатлашиб, унга ялиниб-ёлбориб, Равеннадан бош олиб чиқиб кетишни ва бир қанча вақт бошқа ерда яшаб кўришни маслаҳат

бера бошладилар,— шундай қилсанг, ишқий ҳирсинг ҳам, беҳула исрофгарчиликка бўлган иштиёқинг ҳам сўниб, ҳоврингдан тушарсан, дейишди. Настажо кўп вақтгача қариндошларининг бу маслаҳатини ҳазилга йўйиб юрган бўлса ҳам қулогига ҳадеб бир гапни қуяверишгандан кейин ахири, шаҳардан чиқиб кетишга рози бўлди. У гўё Францияга, Испанияга ёники яна бошқа бирон олис мамлакатга кетаётгандай сафарга шайланди, сўнг отга минди-да, ўз ёр-биродарлари ҳамроҳлигида Равеннадан уч миляча нарига бориб тўхтади. У Қъясси деб аталувчи шу жойга чодирлар тикишни буюрди ва ўзини қузатиб келганларга, бундан нарига кетмаслигини баён қилиб, уларга истасангиз Равеннага қайтиб кетишингиз мумкин, деб айтди. Настажо Қъяссидан манзил қуриб, яна бояги-боягидек таралабедод кун кечира, гоҳ у, гоҳ бу ўткинчиини чайласига таклиф қилиб зиёфат қила бошлади.

Мана, ниҳоят, май ойининг бошларидаги энг ажиб кунлардан бирида, у яна ўша бағритош маъшуқасини эслаб кетди ва ўз маҳрамларига мени холи қўйинглар, деб буюриб, токи ўз маҳбубасини тўғрисида ўйлашига ҳеч ким халал бермасин учун боши оққан томонга юриб кетиб, ахири бир қарағайзорга бориб қолганини ҳам пайқамади. У яна ярим миляча йўл босди, лекин эрталабдан бери туз тотмагани ҳам, ҳаттоки, теварак-атрофдаги бутун борлиқни ҳам хаёлидан фаромуш айлаб, соат ўн иккиларда, бирдан кимнингдир бўзлаб йиғлаётганини ва жон аччиғида фарёд солаётганини эшитиб қолди — бўзлаётган ва нола чекаётган аёл киши эди. Настажонинг ширин хаёллари шу тарзда барбод бўлди; у бошини кўтариб, ўзини бир қарағайзорда кўрди-да, ҳанг-манг бўлиб қолди. Кейин у, сочлари паришон, аъзойи баданини тиканаклару шохлар тилиб қонатиб юборган гоятда гўзал бир қизнинг қип-яланғоч ҳолда қаршидаги чангалзор орасидан фарёд чекиб йиғлаб, шафқат сўраб югуриб келаётганини кўриб қолди. Қизнинг икки томонида иккита қопоғон баҳайбат кўппак югуриб келар ва қизга етиб олиб, уни додлатиб тишларди. Орқароқда эса, қора отда қора кийинган бир сувори яланғоч шамширини силтаб, елдек учиб келарди, унинг кўзларидан ваҳшиёна ўт чақнар, дарғазаб ва ҳақораг сўзлар билан қизга қаҳрини сочаркан, уни ўлдиршига човут соларди. Бу аҳволдан Настажо ҳайратга келди, кўрқиб кетди ва айни пайтда қалби бу бахти қаро аёлга шафқат туйғуси билан тўлди, шунга кўра шўрлик қизни таъқибдан халос этиб, ўлимдан қутқармоқчи бўлди. Унинг қуроли йўқ эди, шунинг учун дарахт шохини синдириб олиб, кўппаклар ва сувори томонга отилди.

Ва лекин буни кўрган сувори узоқдан унга бақирди: «Аралашма, Настажо! Бу бадкирдорни қилмишига яраша жазолашда итларга ҳам, менга ҳам халақит қилма!»

Бу орада кўппаклар қизнинг биқинларидан ғарчча тишлаб, уни югуришдан тўхтатдилар, сувори ҳам қизни қувиб етиб олиб, отидан сакраб тушди. Настажо унга яқин бориб деди: «Сен мени яхши танийдиганга ўхшайсан, аммо мен сени кимлигингни асло билмайман, шундай бўлса ҳам тилимни тийиб тура олмайман: қўлда қурол билан яна от устида яланғоч бир қизни таъқиб қилиш,

буям етмагандай худди ёввойи ҳайвонни ов қилгандек орқасидан ит қўйиш фақат энг разил одамнинггина қўлидан келади. Мен бу қизни сўнги томчи қоним қолгунча ҳимоя қиламан».

Сувори ҳам унга бундай жавоб қайтарди: «Настажо! Биз сен билан ҳамшаҳармиз, лекин мени Гвидо дельи Анастажо деб юри-
тишгач замонда сен ҳали гўдак эдинг, у пайтда мен мана бу аёл-
ни, сен ҳозир Траверсарини қандай севсанг, ундан ҳам қизгинроқ
севардим, аммо бунинг такаббурлиги ва бераҳмлиги мени шунча-
лар изтиробга солдики, кунларнинг бирида, буткул ноумидликка
тушиб, мана шу шамширни ўз сийнамга санчдим ва шу густохли-
гим билан ўзимни жаҳаннам азобига мубтало қилдим. Орадан бир
оз вақт ўтгач, менинг ўлимимдан хушнуд бўлган бу аёл ҳам олам-
дан ўтди ва менга кўп азоб бергани, мен чеккан изтироблардан
хурсанд бўлгани ва қилган гуноҳлари учун асло пушаймон бўлма-
гани учун,— зеро, у ўз қилмишларини сира ҳам гуноҳ деб ҳисоб-
ламас эди,— жаҳаннам ўтида то абад ёнишга маҳкум этилди. У
дўзахга тушган заҳоти мenden ўзини олиб қочиб юриш жазосига
мустаҳиқ бўлди, бир вақтлар уни оташ муҳаббат билан севган мен
бўлсам — уни таъқиб қилишга, таъқиб қилганда ҳам севikli ёр
сифатида эмас, балки ашаддий душманим сифатида таъқиб этиш-
га маҳкум бўлдим. Мен бунга неча марта қувиб етган бўлсам,
шуңча марта, ўз кўксимга санчган мана шу шамширим билан
унинг сийнасини чок қиламан, кейин, мана, ҳозир ўзинг кўрасан,
кўксини ёраман-да, бирон марта бўлсин, на муҳаббат, на раҳм-
шафқат туйғуси сингиб кира олган унинг бераҳм, тошдек совуқ
юрагини ва юраги билан бирга ичак-чавоқларини суғуриб олиб
итларга ташлайман. Аммо сал вақт ўтар-ўтмас одил ва қодир ху-
донинг продаси билан у гўё ҳеч нима кўрмагандек яна тирилади-ю,
яна унинг учун уқубатли қочиш, мен учун эса, итлар билан уни
таъқиб қилиш бошланади. Қисқаси, ҳар жума кунн айни шу пайт-
да мен уни қувиб етаману ўзинг ҳозир шохиди бўласан, уни қий-
ноққа сола бошлайман. Аммо бошқа кунлари дам олишса керак,
деб ўйлама бизни,— мен буни ҳамма ерда, ҳамма вақт таъқиб
қилиб, бир вақтлар менга қилган ҳар бир бадқирдорлиги, мен ҳа-
қимдаги ҳамма ёвуз ниятлари учун ундан мудом ўч оламан. Кўриб
турибсанки, мен ошиқдан душманга айланганман ва у менга қан-
ча ой шафқатсизлик қилган бўлса, энди мен уни шунча йил таъқиб
қилишим керак. Шунинг учун парвардигорнинг одил ҳукмини иж-
ро этишимга ҳалал берма — барибир менга тўсқинлик қилишга
қурбинг етмайди!»

Даҳшатдан Настажонинг сочлари тикка бўлиб кетди; у ўзини
четга олди ва бу бахти қаро қизга кўзини тикканча, бу ёғига нима
бўлишини юрак ҳовучлаб кута бошлади; бу пайт сувори йиғит худ-
ди қутурган итдек қизга ташланди ва шамширини бор кучи билан
унинг кўксига санчди; икки биқинидан икки кўппак тишлаб олган,
тиз чўкканча суворига ёлвориб, ундан шафқат сўраб фарёд чека-
ётган қиз йиғлаганча ерга қулади, шунда сувори ёнидан пичоғини
суғуриб, қизнинг кўкрагини чок қилди-да, унинг юраги билан
бошқа ички аъзоларини суғуриб олиб, ҳаммасини итлар олдига

ташлади, оч кўппаклар ҳам уларни кўз очиб-юмгунча еб юбордилар. Кейин орадан хиёл вақт ўтар-ўтмас, буни қарангки, бояғи қиз, гўё ҳеч нима бўлмагандай яна сакраб ўрнидан турди ва денгиз томонга югуриб кетди, кўппаклар унинг орқасидан қувиб боришаркан, дамо-дам уни тишлашарди, сувори ҳам ўзангига оёқ қўйиб, шамширини ялангочлаганча қизнинг кетидан қувиб кетди ва бир оздан кейин ҳаммалари кўздан ғойиб бўлдилар.

Настажо бу ҳолни кўриб ҳам даҳшатга тушди, ҳам юрак-бағри эзилиб кетди, лекин сал кейинроқ миясига: баски, бу ҳол ҳар жума куни такрорланар экан, менга жуда асқатиши мумкин, деган фикр келди. У фожиа юз берган жойни яхшилаб эслаб қолиб, ўз чайласига қайтди, сўнг қариндошлари, ёр-биродарларини ўз қошига чақиртиришни лозим кўрди, улар келгач эса, Настажо шундай гап бошлади: «Сизлар кўпдан бери мени, бадхоҳ маҳбубангдан воз кеч, пулни хазондек совуришга барҳам бер, деб ундаб келяписизлар, ҳа, яхши, мен истакларингизни бажо келтираман, аммо бунинг эвазига сизлар менга битта илтифот кўрсатишларингиз керак, у ҳам бўлса — келаси жума куни Паоло Траверсарининг рафиқаси, қизи, яна барча аёл хешлари билан шу ерга, мен уюштирадиган тушлик зиёфатга таклиф қиласиз — яна бошқа хоҳлаган одамлар бўлса, уларни ҳам таклиф қилинг. Траверсарилар учун зиёфат беришимнинг бонсини эса, ўшанда билиб оласиз».

Настажонинг хешлари, бу илтимосни бажарса бўлади, деган қарорга келиб, худди айтганингдек қиламиз, деб сўз бердилар. Улар Равеннага қайтиб бориб, вақт-соати етганда Настажо айтган одамларнинг барини зиёфатга таклиф қилдилар; гарчи Настажонинг севгилисини гапга унатиш кўп мушкул бўлган бўлса ҳам барибир, уни ҳам ахири боришга кўндирдилар. Настажо энг поёб ноз-неъматлар билан дастурхон тузашни ва столларни, ўтган жума куни тошбағир қиз қийноққа солинган ўша машъум сайхонлик яқинидаги қарағайзорга қўйишни буюрди. Кейин, етиб келган эркагу аёл меҳмонларни шундай жойлаштирдикки, маъшуқаси шундоққина ўша фалокатгоҳ рўпарасига ўтирди. Мана, ниҳоят зиёфат оёқлаб, охириги таомни дастурхонга торта бошлашганда, бирдан ҳамма таъқиб остида қочиб келаётган қизнинг аянчли фарёдини эшитди. Таажжубда қолган меҳмонлар бу нима бўлди, экан, деб бир-бирларидан суриштира бошладилар, бироқ ҳеч ким ҳеч нимага тушунмаётган эди, шундан сўнг ҳаммалари ўринларидан туриб кетишди ва олисга тикилишиб, ўша фарёд солаётган қизни, сувори йигитни ва кўппакларни кўришди, яна бир зумдан кейин эса, қиз, сувори ва кўппаклар меҳмонлар ўтирган ерга яқин келиб қолишган эди. Ҳамма ҳойҳойлаб, суворини уриша, кўппакларни даф қила бошлашди, кўпчилик одамлар қизни ҳимоя қилишга отилдилар, бироқ сувори йигит ўтган жума куни Настажога қандай сўзлар билан юзланган бўлса, ҳозир ҳам айнан ўша гапларни баён қилди-да, ҳайрат ва даҳшатга тушган меҳмонларни орқага чекиннишга мажбур этди. Шундан кейин, сувори ўтган галдаги қилмишини яна такрорлаган эди, барча аёллар, гўё ўзларини ҳам худди шундай азобга тушаётгандай ҳис қилиб бўзлаб йиғлаб юбор-

дилар — дарвоқе, бу аёллар орасида бадбахт қизнинг ҳам, сувори йигитнинг ҳам хешлари кўп эдики, йигитнинг қайноқ муҳаббати ва унинг қай тарзда ўлгани ҳали уларнинг хотираларидан ўчмаган эди. Бутун фожиа ниҳоясига етиб, ахири қиз билан суворининг қораси кўринмай кетгандан кейин, бу ҳодиса тўғрисида ҳар ким ҳар хил фикр юрита бошлади. Лекин бу ваҳшатдан энг қаттиқ ҳаяжонга келган одам Настажонинг мутакаббир маъшуқаси эдиким, у бутун воқеани яққол мушоҳада қилиб ва аниқ эшитиб, унинг бевосита ўзига алоқадор эканлигини тушунган эди; у Настажога нисбатан нечоғлиқ калондимоғ бўлганини эслади ва шунда бирдан тасаввурда ўшал қиз ўрнида гўё ўзи югуриб кетаётгандай, икки ёнида икки кўппак қувиб бораётгандай, орқасидан эса дарғазаб Настажо от қўйиб келаётгандай туюлди. Қиз шу қадар даҳшатга келган эдики, натижада ўз ғазабини шафқатга алмаштирди ва барча шартларига розиман, деб Настажога ўз дугонасини ғойибона юбориш учун қулай фурсатни сабрсизлик билан кута бошлади — фурсат ҳам унинг шу ниятига маҳтал экан дег, шу кун кечқуруноқ ўзини намоён қилди. Настажо қиз айтиб юборган гапларни эшитиб, воситачи орқали шундай жавоб қилди: ул зотга бориб айтингким, олиб келган хушxabарингиздан кўнглим тоғдек кўтарилди, илло, мен ўз муродимга ҳалол йўл билан етишишни истайман, яъни ойимқизининг хоҳишлари бўлса, ул дилбарни хотинликка олмоқчиман. Қиз, ҳамма гап фақат ўзида қолганини тушуниб, розиман, деб жавоб қилди. Кейин у ўзига-ўзи совчи бўлиб, ота-онаси қошига кирди-да, Настажога эрга тегмоқчи бўлганини изҳор этди, — бу гапдан қизнинг ота-онаси бениҳоя қувониб кетишди, оқибат, йигит билан қиз келгуси якшанба кун хутба ўқитиб, ниқоҳдан ўтдилар ва шод-хуррам умр кечириб, мурод-мақсадларига етдилар. Шундай қилиб, Настажонинг меҳмонларини даҳшатга солган ўша жума кундаги ҳодиса ҳам келин-куёвнинг бахтининг очган экан, ҳам ўшал машъум воқеадан юрак олдириб қўйган равеналик барча хонимларнинг попугини пасайтириб, анча муомалага юрадиган қилиб қўйган экан.

9

Федериго дельи Альбериги бир хонимга ошиқ бўлиб қолади, аммо хоним унга қиё ҳам боқмайди; йигит ўз маҳбубаси кўйида бутун бойлигини совуриб, хонавайрон бўладики, бисотида ёлғиз бир лочини қолади, оқибат, кунлардан бир кун уйига ўша севикли маъшуқаси меҳмон бўлиб келганида, уни меҳмон қилиш учун ҳеч нима топа олмай, ўша лочинини пишириб столга қўяди; бундан воқиф бўлган хоним йигитга бўлган совуқ муносабатини ўзгартиради, унга турмушга чиқади ва шунинг шарофати билан у яна бадавлат бўлиб кетади

Филомена сукутга толди, қиролича эса, ҳаммадан кейин ҳикоя қилиш имтиёзига эга бўлган Дионео билан ўзидан бўлак ҳеч ким қолмаганини тушуниб, хушчақчақ чехра билан шундай гап бошлади:

— Энди қиссахонлик навбати менга етди, шунга кўра мен, ле бар хонимлар, мамнуният билан сизларга бир қисса айтмоқчиман ки, у айрим жиҳатлари билан бундан аввалги қиссага ўхшаб кетади, илло, мен бу қиссани, наинки сизларнинг сеҳр-жодуларингиз олижаноб йнгитлар қалбини ром қилишга нақадар моҳир эканлигини ўзлигингизга тушунтириш учун, балки айни пайтда, айрим вазиятларда ўзингиз саховат кўрсатмоғингиз лозимлигини, бинобарин, ҳамма вақт ҳам тақдирга ишониб ўтираверишингиз тўғри эмаслигини англаб олмоғингиз учун ҳам баён қилмоқчиман, зеро, тақдир аксарият пайтларда ўз тортиқларини бемулоҳазалик, бифарқлик билан улашади.

Алқисса, маълумингиз бўлсинким, бизнинг шаҳримизда Коппо ди Боргезе Доменики исмли иззат-ниромли ва ғоятда мўътабар, барчанинг самимий ҳурматини қозонган ва томирида аслзодалик қони тепиб тургани учунгина эмас, балки кўпроқ диёнатли ва қалби пок бўлгани учун одамларнинг мудом тасанносига лойиқ бўлган бир зот яшарди, эҳтимол у ҳозир ҳам ҳаётдир; ана шул зот кексайган чоғида, ўз қўни-қўшнилари ва ўзга одамлар билан суҳбат қуриб ўтириб, айниқса мозийни эслашни хуш кўрардиким, хотираси ниҳоятда ўткир, ўзи ниҳоятда сўзамол одам бўлганлигидан, ҳар қандай одамдан ҳам яхшироқ ва келиштириброқ ҳикоя қиларди. У қайта-қайта ҳикоя қиладиган энг аjoyиб қиссаларидан бири — бу флоренциялик мессер Филиппо Альберигининг ўгли Федериго исмли йнгит ҳақида бўлиб, бу йнгит Тоскана ёш-яланглири орасида ҳарбий маҳоратда тенги йўқлиги билан, шунингдек, ўз одоб-ахлоқи билан ажралиб турарди. Алқисса, у аксарият олинасаб йнгитларга ўхшаб, кунларнинг бирида монна Жованна исмли аслзода бир хонимга ошиқ бўлиб қолади, ўша пайтда бу аёл бутун Флоренцияда энг соҳибжамол, энг мафтункор аёллардан бири ҳисобланарди. Мана, Федериго бу хонимнинг севгисига мушарраф бўлмоқ учун пойгалар ва мусобақаларда қатнаша бошлади, унинг шаънига томошалар уюштирди, уни совга-саломларга кўмиб таълади, ақчаларини орқа-ўнгига қарамай харжлади ва лекин қанчалик серлатофат бўлса, шунчалик серсаховат монна Жованна уни деб қилинаётган бу ишларга эътибор бермас ва илтифоткор йнгитга парво ҳам қилмасди. Хуллас, Федериго гарчи ўзининг топништутишига қарамай, бутун ақчасини маҳубаси кўйида ҳеч аямай совурса ҳам, ҳеч нимага эриша олмади, оқибатда, одатда бундай пайтларда бўлганидек, ҳамёнлари қоқланиб, қашшоқлашиб қолди, унинг беҳисоб мол-давлатидан фақат бир парчагина ғарибона ери қолган эдиким, энди у мана шу еридан тушган арзimas даромад ҳисобига амал-тақал қилиб кун кечира бошлади, дарвоқе, унинг яна битта лочини ҳам бўлиб, жаҳонда бунга тенг келадиган лочин йўқ эди. Йнгит монна Жованнани аввалги пайтдан ҳам эҳтирослироқ сева бошлади, аммо шаҳарда яшашга ва илгари пайтдагидек ҳаёт кечиринишга энди унинг имкони йўқ эди, — мана шу сабабга кўра у ўзининг ўша ғарибона мулки жойлашган Кампига кўчиб ўтди ва қуш овлаш билан машғул бўлди; шундай бўлса ҳам у ҳеч кимдан кўмак сўрамай, муҳтожликка бардош бериб яшай бошла-

ди. Тасодифни қарангки, Федериго ниҳоятда таиғ аҳволга тушиб қолган шу пайтда, монна Жованнанинг эри хаста бўлиб қолади-ю, кунн битганига кўзи етиб, ўлими олдидан васиятнома ёзади. У ўзининг беҳисоб мол-давлатига, ўша пайтда ҳали гўдак бўлган ўғлини меросхўр деб эълон қилади, аммо айни пайтда васиятномага: башарти ўғлимнинг қазоси етиб ўлиб қолса, ўз пуштикамаримдан бўлган ўзга қонуний фарзандим бўлмаганлиги туфайли, бутун бойлигим жонимдан азиз бўлган умр йўлдошим монна Жованна иштиёрига ўтсин, деб илова ҳам қилади. Монна Жованна бева қолгач, бизнинг хонимлар удуми бўйича, ҳар йили ёзда ўғлини олиб, қишлоқдаги ўз мулкига жўнаб кетадиган ва бутун ёз фаслини ўша ерда ўтказадиган бўлди: унинг амлоки Федеригонинг мулкига қўшни бўлгани сабабли, Федеригонинг қуш ва итларига ишқибоз бўлиб қолган бола бора-бора Федериго билан иноқлашиб кетди. У кўкда парвоз қилаётган лочиндан ҳеч кўзпни уза олмас эди, унинг Федеригого ҳаваси келар, аммо унинг ўз лочинини еру кўкка ишонмаслигини билганидан, лочинингизни менга совға қилинги, деб айтишга тили бормасди. Мана, кунларнинг бирида бола касал бўлиб қолди. Она бундан қаттиқ ташвини чека бошлади,— ахир онанинг яккаю ягона фарзанди, бинобарин унинг жон-дили, суянган тоғи шу бола эди-да,— у ўғлининг бошидан бир қадам ҳам нари кетмас, унинг кўнглини очишга урниб, ҳадеб, кўнглини нимани тусаяпти, деб сурштирарди,— баҳоли қудрат, ҳамма истақларингни бажо келтираман, дерди.

Ҳадеб она қистоққа олавергандан кейин, ахирн бола юрагини ёзди: «Ойи-жон! Менга Федеригонинг лочинини олиб беринг — олиб берсангиз, бир зумда тузалиб кетаман»,— деди.

Она ўйга толиб, мулоҳаза қила бошлади. Аёл Федеригонинг кўп вақтгача унинг ишқида юрганни, аммо боёқиш ошиққа ўзининг қайрилиб ҳам қарамаганини ҳали ҳам унутмаган эди. «Қандай қилиб унинг лочинини сўраттираман, лочинингни боламга бер, деб айтишга қандай тилим боради?— деб ўзича фикр юрнга бошлади у.— Айтишларига қараганда, бупақа лочин оламда биттаймиш; боз устига, шу лочини унинг кунига яраб туршти. Бир диёнатли одамнинг ягона овунчоғини тортиб олиш ноинсофлик бўлмасмикин?» Монна Жованна ўз илтимосининг рад этилмаслигига қатъий ишонарди-ю, илло, бундай илтимос билан мурожаат қилишга журъат эта олмаётган эди, шунга кўра, ўғлига нима деб жавоб қилишини билмай, боши гангиб лол турарди.

Барибир, ахирн оналик меҳри устун чиқди: Монна Жованна ўғлини хурсанд қилмоқчи бўлди ва бунинг оқибати қандай бўлишига қарамай, лочинга одам юбориш ниятидан воз кечиб, ўзи Федеригонинг олдига боришга аҳд қилди. «Тинчлан, ўғлим!— деди у.— Ишқилиб сен тезроқ тузалиб кетсанг бўлгани, эртагаёқ лочинни олиб келишга сўз бераман». Бола шунчалик хурсанд бўлиб кетдики, ҳатто ўша куннёқ анча снгиб тортиб қолди.

Эртасига эргалаб монна Жованна ёнига дугонасини олиб, гўё сайр қилиб юргандай, Федеригонинг кулбаси томон юриб кетди, унинг эшигига етиб боришганда уни чақиртирди. Ўша кунн об-ҳа-

во ов қилишга нобоп эди; бунинг устига, Федериго шундоқ ҳам бир неча кундан буён овга чиқмасдан, томорқасида ер чопиш билан машғул эди. У монна Жованна сўраётганини эшитиб, бу хушхабардан эсини йўқотаёзди ва югурганича хонимнинг истиқболига чиқди.

Монна Жованна Федеригони кўриши билан виқорли илтифот билан ўрнидан турди ва Федеригонинг эҳтиром билан берган саломига алик олиб бўлгач, гапида давом этди: «Сен мени ниҳоятда кучли ҳарорат билан севган чоғларингда, дилингни вайрон қилиб, сенга кўп озор берган эдим, энди шу қилмишларим эвазига товон тўлагани келдим қошингга. Тўламоқчи бўлган товоним эса, шундан иборат: мен ўз дугонам билан бугун сенкида бир меҳмон бўлмоқчиман».

Федериго ҳам унга камсуқумлик билан шундай жавоб айлади: «Хоним, сизнинг менга бирон ёмонлик қилганингни эслолмайман, аксинча: сиз мен учун жуда кўп яхшиликлар қилгансиз; сиздаги эзгу фазилат шу қадар улугки, сизни севмай иложим йўқ эди, оқибатда, айнан шу севги ҳиссиёти менга эзгулик бахш этди. Гапларимга ишонинг: кулбайн вайронамга қадам ранжида қилганингни кўриб қувончдан бошим кўкка етдиким, бир вақтлар сизнинг кўйингизда ақчаларимнинг ҳеч ҳисобига бормай, сарфлаб, сочиш орқали мушарраф бўлганим — қувончлардан ҳам беҳад юксакдир бугунги қувончим, ҳолбуки, шуни эслатиб кўйишим керак, сиз бугун қашшоқ одамнинг уйига меҳмон бўлиб келдингиз». Шундай дея у хижолатдан ўзини қаёққа кўйишни билмай, аёлни уй ичидан боғчасига олиб ўтди, аммо меҳмоннинг олдида ўтирадиган ҳеч ким бўлмагани учун унга шундай сўзлар билан юзланди: «Хоним! Менинг оилам йўқ, — шунга кўра, сиз билан мана бу сарватли аёл, хизматкоримнинг хотини ўтириб туради, мен эсам, бориб дастурхон тузашни буюрай».

Федериго ўзининг ниҳоятда ночор аҳволда яшаётганига қарамай, шу пайтгача негадир бирон маротаба ҳам не боисдан ўз молдавлатимни бу қадар бепарволик билан совурдим-а, деб ўйлаб ҳам кўрмаган эди, фақат мана шу бугун, меҳмоннинг, — бир вақтлар унинг севгисига мушарраф бўлиш учун беҳисоб одамларга зиёфат берган эъозли меҳмонининг олдида кўйиш учун уйда ҳеч нима топа олмагач, ўзининг қандай мушкул аҳволга тушиб қолганини яққол тасаввур қилди. Унинг жудаям руҳи тушиб кетди, ўзининг шўрпешоналигидан нолиб, нима қилишга боши қотиб қолди ва уй ичида зир югура бошлади — унинг на ақчаси, на гаровга кўйиш учун бирон буюми бор эди, вақт ҳам бир ерга бориб қолган, ва лекин муҳтарама хонимни бирон нима билан меҳмон қилишни жону дилдан хоҳларди, аммо ёрдам сўраб бирон одамга, ҳаттоки, ўз хизматкорига ҳам мурожаат қилишга ийманарди, мана шу ғоятда мушкул пайтда унинг кўзи жонидан азиз кўрувчи лочинига тушди, — лочин шу ерда, — ҳужрада қўндоқда ўтирарди. Ҳеч бир илож топа олмаган Федериго лочинни қўндоқдан олиб, унинг баданини пайпаслаб кўрди — лочин хийлагина семиз бўлиб, бундай нуфузли хонимни зиёфат қилишга ярарди. Федериго ортақ ўйлаб-

нетиб ўтирмасдан, лочиннинг бўйинини шартта узди ва шу заҳоти оқсочига унинг патини юлишни, ичларини тозалашни ва сикха тикиб, яхшилаб кабоқ қилишни буюрди. Столга эса, аввалки дабдабали ҳаётдан нишона — қордек оппоқ дастурхон ёздирди, сўнг боғчада ўтирган хоним қошига қувноқ чеҳра билан чиқиб келди-да, дастурхон меҳмонга мунтазир эканлигини айтиб, топган-таянганимизни баҳам кўргайсиз, деди. Хоним билан унинг дугонаси стол теграсига ўтиришиб, уларни «олинг-олинг», деб меҳмон қилаётган Федериго билан биргаликда ноёб лочиннинг гўштини еб юбордилару, аммо ниманинг гўштини тановул қилганларини билмадилар.

Ниҳоят, дастурхон ҳам йиғиштирилди, овқатдан сўнг, бир оз вақт чақчақлашиб ўтиришди, ана шундан кейин, меҳмон аёл ўз ташрифининг сабабини баён қилиш пайти етганини тушуниб, Федеригога илтифотли нигоҳ ташлаганча, шундай дея гап бошлади: «Федериго! Сенинг ўтмиш ҳаётинг ҳануз ёдингда бўлса керак, албатта, шунингдек, менинг бегаразлигимни ҳам (эҳтимолки, сен бунга тошбағирлик, бераҳмлиқ деб ўйлагандирсан) унутмагандирсан, шунга кўра, асло шубҳа қилмайманки, ҳозир, уйингга қандай сабаб билан келганимни эшитиб, сен албатта менинг бу журъатимдан таажжубланасан. Аммо аминманки, агарда сенинг ҳам болаларинг бўлганида, фарзандга бўлган меҳр нималигини билганингда, менинг бу журъатимни қораламаган бўлардинг. Лекин сенда фарзанд йўқ, менинг эса, ўғлим бор, бинобарин, мен ҳам барча оналарга хос бўлган хислатларга мойилдирман: Шундай қилиб, мен баски, барча оналар қисматига шерик эканман, ўз ихтиёримга эид ўлароқ ва одоб доирасидан чиқишга мажбур бўлиб, сендан, билишимча, сен учун энг азиз бўлган нарсани сўрашга мажбур бўляпман, унинг сен учун не боисдан бунчалик қадрли эканини яхши тушунаман: сенинг аччиқ қисматинг бу ёруғ жаҳонда шундан бўлак ҳеч қандай овунчоқ, ҳеч қандай кўнгилхуши, ҳеч қандай ҳаловат қолдирмаган сенга. Хуллас, менга лочиннингни тортиқ қилишинингни ўтиниб сўрайман: болам лочиннингни шу қадар яхши кўриб қолибдики, агар ўни олиб бормасам, бунга чидолмай ўлиб қолиши мумкин. Шу боисдан, менга бўлган муҳаббатинингни ўртага қўйиб эмас, зеро, у муҳаббат сени ҳеч нимага мажбур эта олмайди,— балки сенинг ҳозирги саховатингга намоён бўлган олижаноб қалбинг ҳимматига илтижо қилиб, айтаман: худо хайринингни берсин — лочиннингни менга ҳада эт, шу эзгу ишинг билан ўғлимнинг дардини аритасан, ўзим бўлса то ўла-ўлгунимча ҳаққингга дуо қилиб ўтаман».

Федериго меҳмоннинг илтимосини тинглаб, унга нафи теголмаслигини англади (зеро, лочин ҳазм бўлиб кетган эди) ва жавоб бериш ўрнига йиғлаб юборди. Меҳмон хоним эса, Федериго лочинини кўзи қиймаяпганидан йиғлаётган бўлса керак, деб ўйлади ва лочиннинг ўзингга буюрсин, деб айтишга оғиз жуфтлаган эди, аммо кейин яна Федеригонинг йиғидан тўхтаб, берадиган жавобини кутишни маъқул кўрди, Федериго ҳам йиғидан тўхтаб, шундай деди: «Хоним! Худонинг иродаси билан бутун ишқий армонларим-

ни сизга қаратган пайтимдан буён, иқболим ҳеч қулмади-қулмади ва мудом ўз бадбахтлигимдан нола қилиб келдим, аммо шум толеимнинг шу чоққача менга берган жамки зарбалари — бугунги зарбаси олдида пашша чаққанчалик ҳам аламли эмасдир — бугундан эътиборан то ўла-ўлгунимча, сизнинг ғарибона қулбамга қилган бугунги таширфингиз (ҳолбуки, бадавлат ҳаёт кечирган пайтларимда менга қайрилиб ҳам қарамаган эдингиз), мендан арзимаган нарса сўраганингиз ва мен, фалакнинг тақозоси билан илтимосингизни адо этишдан бош тортишга мажбур бўлганим ёдимга тушиши ҳаманоқ ўз бадбахт қисматимдан то абад зорланавераман; нега бош тортишга мажбур бўляпман — мен бунинг сабабини ҳозир сизга қисқа қилиб тушунтириб бераман. Сизни мурувват айлаб менинг қулбамда меҳмон бўлишга ихтиёр қилганингизни билганим заҳоти мен сизнинг жамоа орасидаги мавқенингизни ва худди шунингдек, беадад фазилатларингизни эътироф этган ҳолда, сизни ҳаммага ҳам муяссар бўлавермайдиган ғоятда ноёб таом бирла меҳмон қилишни ўзим учун ҳам фарз, ҳам қарз деб билдим. Шунда, сиз илтимос қилаётган лочин эсимга тушди, унинг гўшти таъмлини ўзимча тасаввур қилиб кўрдим-да, бундай таом билан сиздек зотни меҳмон қилса уят бўлмайди, деб ўйладим ва ул қушни бундан улуғворроқ ишга ишлата олмаслигини тушуниб, уни кўрда пишириб дастурхонга қўйишни буюрдим. Энди билсам, лочин сизга тирик ҳолда керак экан, оқибат, сизга яхшилик қила олмаганимдан ўзимни шу қадар гуноҳкор ҳис қиляпман, шу даража беҳуд бўляпманки, энди то ўла-ўлгунимча ўзимни кечирмайман».

Шундан кейин у ўз айтганларининг исботи ўлароқ хонимнинг оёқлари тагига лочиннинг патлари, панжалари ва тумшуғини тўкишни буюрди. Меҳмон хоним буларни кўриб ва бўлган воқеани эшитиб, биттагина аёлни меҳмон қиламан, деб шундай ажойиб лочинни сўйгани учун Федеригони койиди, ва лекин ҳаттоки, қашшоқлик ҳам ғов бўла олмаган унинг валлакатлигини ботинан юксак қадрлади. У иззат-икром билан кутиб олиб, меҳмон қилгани учун Федеригого миннатдорчилик билдириб, уйига энди лочинсиз қайтишидан ва эҳтимолки, бундан ўғлининг дарди оғирлашишидан ғам чекиб, уй соҳибни билан хўшлашди-да, уйига, ўғли қошига қайтиб борди,— ўғли эса, ё энди лочини бўлмаслигидан изтироб чеккани туфайли, ёхуд бедаво дардга чалинганлиги сабабли орадан бир неча кун ўтгач, онасининг юрагини вайрон қилиб, оламдан ўтди.

Монна Жованна ўғлининг кўйида узоқ вақт кўз ёш қилиб, аза тутиб юрди, лекин унинг оғанилари, шундай давлатманд ва ҳали ёш жувоннинг умрини беваликда ўтказиши яхши эмас, деган мулоҳазага боришиб, уни иккинчи марта турмуш қуришга қўярда-қўймай ундай бошладилар. Аёлнинг бунга хоҳиши йўқ эди, аммо оғалари уни ҳеч тинч қўйишавермагач, хаёлига Федериго келди, у чиндана жуда ажойиб ва қалби пок одам эди,— ахир ўшанда у мени меҳмон қилиш учунгина шундай бебаҳо лочинининг ҳам баҳрида кечган эди-я,— деб кўнглидан ўтказиб, оғаларига бундай

деди: «Агарда мени бунчалик қистоққа солмаганингизда, умримни беваликда ўтказишни афзал кўрган бўлардим, баски, сизлар мени эрга тегишимни жудаям хоҳлар экансизлар, унда, мен Федериго дельи Алберигидан бўлак ҳеч кимга турмушга чиқмайман».

Оғалари уни мазах қилиб кулишди: «Тентак!— дейишди улар. — Нималар деяпсан ўзи? Ахир унинг сариқ чақаси ҳам йўқ-ку!»

Аёл эса уларга бундай жавоб қилди: «Буни, мен оғажонлар, сизлардан яхши биламан, аммо менинг тушунишимча, эркакка муҳтож ақчадан, ақчага муҳтож эркак афзал».

Аёлни оғалари Федеригони гарчи мискин бўлса ҳам динonatли киши эканлигини билишарди, шунга кўра сингилларининг истагига тўсқинлик қилмай, уларнинг бошини қўшиб қўйдилар, Федериго хотини учун жуда беҳисоб сеп олди. Шундай қилиб у ўзи севган аёлга уйланиб, шу аёл туфайли яна бой-бадавлат кишига айланибди, серғайрат соҳиб бўлиб, ўз маҳбубаси билан саодатли умр кечирибди.

10

Пьетро ди Винчоло дўстиникига зиёфатга кетади; унинг хотини уйига бир ёш йигитни таклиф қилади; Пьетро қайтиб келади; хотини йигитни илгари жўжа очириб юрган саватнинг тагига яширади; Пьетро ҳозир ўзи меҳмонга борган дўсти Эрколаникида бир йигит топилганини, уни Эрколанинг хотини яшириб қўйганлигини айтади; Пьетронинг хотини Эрколанинг хотинини қоралайди; аксига юриб, шу пайт сават тагига яширинган йигитнинг қўлини эшак босиб олади ва у оғриққа чидай олмай, додлаб юборади; Пьетро югуриб бориб, саватни кўтаради ва у ерда биқиниб ётган эркакни кўради, шу йўсинда хотинининг найранги фош бўлади, лекин қиссанинг ниҳоясида Пьетро ўзининг фосиқлиги туфайли хотини билан ярашиб олади

Қироличанинг қиссаси ниҳоясига етди, шунда Федеригого мурувват қилган парвардигорга ҳамма ҳамду сано ўқиди, кейин эса, Дионео жамоанинг илтимос қилишини кутиб ўтирмай, шундай ҳикоя бошлади:

— Нима учун одамларни хайрли ншдан кўра ёвузлик кўпроқ хушнуд этаркин, агар ул ёвузликдан ўзларига зиён етмайдиган бўлса-ку, инчунин; эҳтимол бу айрим кишиларнинг фосиқлигидандир, балким — ахлоқнинг бузилишидандир, ё бўлмаса — туғма осийлигимиз бунга сабабдир. Вале, мен ўз зиммамга — дилингиздан ғусса-ю, андуҳни аритишни, сизларни кулдириш ва хушнуд этиш вазифасини олдимки, бу вазифамни бундан буён ҳам оғишмай бажаришга тайёрдирман — менинг ягона мақсадим ана шундан иборат; мана шунинг учун ҳам, мен сизларга, жонон қизлар, гарчи хийла одобсизроқ бўлса ҳам, илло, ғоятда антиқа бир қисса сўзлаб бермоқчиманки, сизлар уни эшитиб бўлиб, одатда боққа кириб гул узганингизда қандай иш тутсангиз, яъни нафис қўлчангизни гулга чўзганингизда, қандай қилиб унинг тиканларини қолдириб, гулнинг ўзини узсангиз, ушбу вазиятда ҳам айнан шундай

иш тутинг: танбал эрнинг шарманда бўлиб, ўзининг шум қисмати мевасидан татиб кўргангани эътиборга олингу унинг хотини билан ўйнаши ўртасидаги ишқий можаро устидан кулинг, зарур деб топган пайтингизда эса, бегона йигитнинг аҳволига ачининг.

Бундан бирмунча вақт илгари Перужада Пьетро ди Винчого исмли бир бадавлат одам яшаган эди; мана шу Пьетро, гарчи хотин олишга ишқибоз бўлмаса ҳам Перужа аҳлини лақиллатиш ва ўзи ҳақида юрган ҳар хил мишмишларни даф қилиш мақсадида бўлса керак, уйланди. Худойим унга аини дилидаги хотинни, лўмбиллаган, малла, хўра хотинни ато этди,— бу аёл бир йўла икки эр билан яшашга ҳам йўқ демайдиганлардан эди-ю, аммо тақдир пешонасига ёзган бу эр унинг кўнглини овлашни хаёлига ҳам келтирмайдиган фирт танбал одам бўлиб чиқди. Хотин тез орада бунга ишонч ҳосил қилди, ҳолбуки, у ўзини ниҳоятда соҳибжамол ва тароватли деб қатъий ишонар, хуллас, у аини етилиб, палак ёза бошлаган хотин эди, шу боисдан у дастлабки пайтларда эрининг ношудлигидан жиғибийрони чиқиб, унинг астар-пахтасини ағдариб қарғаб хуноб бўлиб юрди, хуллас — у билан ҳеч тил топиша олмади. Аммо бора-бора бу хотин, бунақа билан барибир эрини одам қила олмаслигини, қайтага ўз соғлигини йўқотиб қўйиши мумкинлигини тушунди. «Бу касофат мендан ҳазар қиляпти, шунинг учун бўлса керак, ҳайвонсифат бўлиб, чаппасига иш кўряпти, ярамас,— деб ўйлади у,— бо худо, одамларга ўхшаб иш қиладиган битта жазман топиб оламан ўзимга. Тавба, нима жин уриб, шунча сепларим билан келиб-келиб шу ишқюмасга тегдим-а? Мен бунга эркак деб ўйловдим, жаҳондаги жамики эркак зотига ширин кулча бўлиб туюлган нарса бунга ҳам ёқади, деб ўйлаган эдим, агар мен бунинг эркак эмаслигини олдиндан билганимда, ўлсам ҳам унга тегмаган бўлардим. Лекин ахир менинг аёл эканлигимни у билган эди-кю, хотин зотидан шунақа ҳазар қиларкан, унда нега уйланади? Сабрим чидамаяпти. Агар мен дунё лаззатидан воз кечганимда эди, унда узлатга чекиниб зоҳида бўлиб яшаган бўлардим. Илло, мен яшайман, бу ёруғ жаҳонда яшашни хоҳлайман, мен бу дунёнинг айш-ишрати-ю, ҳузур-ҳаловатига ташнаман, лекин бунақа кун кечирадиган бўлсам қариб қоламан, бундоқ дурустроқ ўйнаб-куллолмайман ҳам. Ёшинг ўтиб қолгандан кейин, ўзингни не қўйга солма, барибир кеч бўлади: негаки ёшлик давринг ўтган, ўтгандаям бесамар ўтган бўлади, ҳолбуки, ёшликда ўйнаб-кулиб қолиш керак, бу борада эрим менга жуда антиқа ўрناق кўрсатяпти: ўзи вақтичоғлик қилиб, мени ҳам вақтичоғлик қилишга ўргатяпти, аммо мен вақтичоғлик қилсам ҳеч айб бўлмайди, вале, унинг қилаётган айшу ишратлари турган-битгани маломатга қолдирадиган ўта даража ноҳўя иш: мен фақат қонунга хилоф иш қиламан, у бўлса ҳам қонунни бузаяпти, ҳам табиат буюрган вазифасидан юз ўгирияпти».

Муҳтарама жувонинг миясига бу фикр тобора кўпроқ кела бошлади: ниҳоят ўз ниятини пинҳона амалга ошириш мақсадида, у илонларни кўкрак сути билан боққан муқаддас Вердианага ўхшаб кетувчи бир кампир билан танишди; ушбу кампир тавба-та-

зарру қилгани борганида мудом тасбеҳ ўгирар, фақат авлиё-анбиёлар ҳаётидан ҳамда авлиё Францискнинг жароҳатлари¹ ҳақида ҳикоятлар айтар ва шу боисдан ҳамма уни авлиё аёл деб ҳисобларди. Пьетронинг хотини мана шу авлиё хотин билан бақамти гаплашиб олишга аҳд қилди ва кунларнинг бирида унга ўзининг бутун армониини тўкиб солди. Кампир ҳам унинг ниятларини эшитиб, бундай фикрга келди: «Қизим! Худо ҳамма нарсадан воқиф, у сенинг тўғри иш тутаётганингга имон келтиради. Ҳаттоки, бундайин асосли далилинг бўлмаган тақдирда ҳам сен, барибир ҳар қандай ёш жувон сингари айнан шундай иш тутмоғинг лозим эди, акс ҳолда, ёшлик даврининг бесамар ўтиб кетади, ахир вақтни бефойда ўтказиб юборганини эътироф этиш одамзод учун нечоғлиқ мушкул. Қариган чоғиниизда бизни бошларига уришадими? Нимага яраймиз — ўчоқнинг кулини тозалашгами? Мен бунн ўзимдан қиёс қилиб гапиряпман, зеро, бунн ўз бошимдан кечирганман, шунинг учун гапларимга ишонавер; мана мен ҳозир, қариган чоғимда, нега шунча умримни бекор ўтказиб юбордим, деб изтиробли, аламли ва таассуфли, бефойда надомат қилиб, дод деб юборгим келади. Рост, мен ҳам бир вақтлар анойилардан эмас эдим, — сен мени, ғирт аммамнинг бузоғи экан, деб ўйлама, — фақат кўнглим тусаганча мириқиб ўйнаб-кулолмадим, шунинг учун ёшлик давримни эсласаму уни ҳозирги ҳолимга қиёс қилсам, қариллик кони ғурбат эмасми, — юрак-бағрим хун бўлиб кетади. Эркакларнинг йўриғи бошқа: уларнинг қўлидан фақат бугина эмас, ҳамма иш келади, ҳаттоки, чоллар ҳам баъзан бу ишда ёшларни йўлда қолдириб кетишади, хотинларнинг қўлидан бўлса, фақат шу ишу яна бола туғиш келади, — фақат шу ҳунарлари учунгина аёлларни қадрлашади. Мана сенга яққол далил: аёллар ҳамма вақт ўз ҳунарини кўрсата олади, аммо эркак зоти бунақа эмас. Ундан кейин, битта аёл бир неча эркакнинг силласини обдан қурита олиши мумкин, ваҳоланки, бир неча эркак битта аёлни ҳолдан тойдиришга қодир эмас. Аз баски, биз шу ҳунар учун яратилган эканмиз, унда — қулоғингга қуйиб ол — эрчангни лақиллатиб айшингни сурмоқчи экансан — жуда тўғри қиласан, — ана унда, қариган чоғингда ўз ҳирсингдан ўпкаланиш учун сенда ҳеч важ қолмайди. Ҳамма одамлар, айниқса, аёллар, ҳаёт меваларидан имкони борича кўпроқ тановул қилишмоғи лозим; эркаклар ҳам ҳар бир қулай фурсатдан фойдаланишлари керак, аёллар-ку, ичунун: ўзинг биласан — қариганимиздан кейин, бизга на эримиз қайрилиб қарайди ва на биронта бегона эркак, ўшанда бизни, бор, оёқ остида ўралашма, ошхонага чиқиб ўтир, зериксанг, идиш-товоқларингни бошқатдан санаб чиқ, деб ўчоқбошига қувишади. Боз устига, улар яна бизни: «Ёшлар иззатда, қарилар хизматда», деб мазах ҳам қилишади — э, нималар дейишмайди биз тўғримиз-

¹ Авлиё Франциск назарияси бўйича чорчўпга микланган Исо алайҳиссалом баданининг қай ерларидан қон оққан бўлса, унга астойдил сиғинган бандаларнинг ҳам айнан ўша ерларидан қон оқмоғи лозим экан. (Тарж.)

да! Хулласи калом, менга маслаҳат солиб жуда тўғри қилгансан: мен ҳар қандай пўрим йигитнинг ҳам пинжигга кириб, гапиман унга уқтира оламан, ҳар қандай бетамиз ва галварсни ҳам гапимга унатиб ўз ногорамга ўйнашга мажбур қила оламан. Фақат ўша дидингга ўтирган азаматни менга кўрсатиб қўйсанг бўлди, у ёғига ишни ўзим пишираман. Илло, қизим, эсингда бўлсин: мен қашшоқ аёлман, шунинг учун биратўла ҳам шу гуноҳларимни ювиб тавба-тазарру қилишимга, ҳам ибодат учун менга садақа бер,— бу сен учун бамисоли марҳум қариндошларингнинг руҳларини шод қилиш учун шам ёққаннинг билан баробар». Кампир шу ерда гапини тугатди:

Жувон, ўз кўчасидан тез-тез ўтиб турадиган бир йигитнинг қиёфасини кампирга тасвирлаб бериб, агарда уни учратгудек бўлсангиз, ишга киришаверинг, деб кампир билан гапни бир ерга қўйди. Хайрлаша туриб, унга бир бўлак тузлашган сўқим гўшт берди-ю, худо ёр бўлсин, деб уйдан чиқариб юборди. Орадан бир неча кун ўтгач, кампир жувон тайинлаган ўша йигитни унинг хонасига имижимида бошлаб келди, шу кундан бошлаб, кампир, жувоннинг кўнглига ёққан ҳамма йигитларни бир-бир етаклаб келаверди, гарчи жувон эридан чўчиб, юраги така-пука бўлиб иш кўрса ҳам ҳеч кимни чиқитга чиқармасди. Лекин мана, кунлардан бир кун кечқурун, унинг эри Эрколано исмли ўз ошнасникига меҳмонга кетди, хотини бир зум ҳам вақтни ўтказмай кампирни чақиртириб келди ва унга ўзи кўз остига олиб қўйган хушсуратликда бутун Перужада тенги йўқ бир йигитнинг дарагини айтиб, дарҳол уни бошлаб келишни буюрди, кампир ҳам бу топшириқни ўша заҳоти бажо айлади. Бахтга қарши, уй соҳибаси йигит билан дастурхонга ўтириб улгурмаган ҳам эдиларки, кўчадан Пьетронинг, эшикни эшитинглар, деб бақирган овози эшитилиб қолди. Хотин эрининг овозини эшитиб, серрайиб қолди, лекин шу заҳотиёқ, эрим билан ўйнашим бир-бирларини кўрмаслиги керак, деган қарорга келди-ю, аммо йигитни бошқа эшикдан чиқариб юбориш ўрнига эшикнинг зиёдалигидан, уни смакхона ёнбошидаги ҳужрага яширди, илгари жўжа очирадиган саватни ўйнашининг устига тўнкариб, устидан боя чангини қоқтиргани олган тўшакнинг аврасини ёпиб қўйди, шундан кейин, чиқиб эрига эшик очишларини буюрди.

«Вой, дарров тугадиямми меҳмондорчилик?»— деди у уйга кириб келган эрига.

«Э, овқатга қўл ҳам урганимиз йўқ»,— деди Пьетро.

«Вой, нега?»— деб сўради хотин.

«Ҳозир айтиб бераман,— деб жавоб қилди Пьетро.— Эрколано, унинг хотини ва мен учовимиз эндигина дастурхонга ўтирган эдик, бирдан, кимнингдир акса ургани эшитилди; бир марта аксирди, икки марта аксирди — биз эътибор бермай, ўтиравердик, лекин кейин устма-уст учинчи, тўртинчи, бешинчи марта акса ура бошлаган эди,— у ёғига ўзимизам ҳисобдан адашиб кетдик,— шунда биз ҳайрон бўлиб қолдик. Бу орада Эрколано, ҳадеганда бизга эшик очавермагани учун хотинини хийла койиб берган эди, энди, кимнингдир акса ураётганини эшитиб, фиғони чиқиб: «Бу яна қа-

нақаси? Ким акса уряпти?»— деб хотинига ўшқира кетди. Кейин ўрнидан турди-да, зина томон йўл олди, зина тагида ҳамма уйларда бўлганидек,— ҳар турли қақир-қуқурлар қўйиладиган ҳужрача, бор. Акса овози мана шу ҳужрачадан чиқаётгандай туюлганди Эрколанога, у ҳужра эшикчасини ланг очворган эди, ичкаридан олтингугуртнинг ўта қўланса ҳиди бурқсаб чиқа бошлади, дарвоқе, олтингугурт ҳиди уйга келган пайтимиздан димоғимизга кира бошлаган, бу ҳид қаердан келяпти, деб гапирган ҳам эдик, аммо уй бекасн бунга жавобан: «Ҳа, боя мен ҳужрага тутун пуркаш учун зина тагидаги оҳакли декчага олтингугурт ташлаган эдим,— шунинг ҳиди келяпти,— девди. Эрколано эшикчани очган эди, тутун бир оз тарқади, у ичкарига мўралаб, у ерда турган эркакка кўзи тушди: димоғига олтингугурт ўтириб қолган бу эркак ҳануз тинмай акса урарди. Гарчи бу одам муттасил акса ураётган бўлса ҳам барибир, нафаси қайтиб кетган эди, шунинг учун башарти у ҳужрада яна бир оз ўтирганда борми, на акса уришга, на яна бошқа бирон иш қилишга мажоли қоларди. Эрколано уни кўрди-ю, фиғони чиқиб кетди: «Ана, энди, деб чинқира бошлади у, боя не сабабдан анча маҳалгача эшик очмаганингни тушундим! Агар ҳозирнинг ўзида сендан қасд олмасам, худо урсин мени!» Хотини сирри фош бўлганини тушунди,— ҳатто ўзини оқлашга ҳам уриниб кўрмади: ўтирган ўрнидан сапчиб турди-ю — хайр-маъзурни насия қилиб, жуфтакни ростлаб қолди! Эрколано хотинининг қочиб кетганини пайқамай қолди ҳам, зеро, у бояги акса урган эркакка: қани, чиқ бу ёққа чиқ,— деб дўқ қилар, у бўлса — худди бандаликни бажо келтираётган мурдадай чўзилиб ётарди. Лекин шунда Эрколано унинг оёғига човат солиб, қазноқдан судраб чиқди-да, уни чавақлаб ташлаш ниятида пичоқ олиб келгани отилган эди, аммо мен, бу йигитни чертишингга ҳам йўл қўймайман, деб унинг йўлини тўсдим: нега десанг, жиноят содир бўлса, шеригисан, деб мени ҳам қамаб қўйишларидан қўрқдим — сапчиб ўрнимдан туриб кетиб, йигитни ҳимоя қила бошладим ва овозимнинг борича унга шунақаям ўдағайлаб бердимки, ҳамма кўни-қўшнилар можаро тепасига тўплашиши, даҳшатдан мурда бўлиб қолган йигитни қўлларига кўтаришиб, аллақаяёққа олиб кетишиди. Мана шунинг учун ҳам меҳмондорчилик расво бўлди: ҳеч нимага ҳам қўл урмадик, ҳатто таомнинг ҳиди ҳам димоғимизга кириб улгурмади».

Пьетронинг хотини эрининг гапини эшитиб бўлиб, бошқалар ҳам анойн эмас экан, деган хулосага келди ва айни пайтда бу найранг ҳаммада ҳам беғалва бўлавермаслигини эътироф этди: аёл тамомила Эрколанонинг хотини тарафида эди-ю, лекин ўз айбини беркитиш учун энг яхши восита — бошқаларни қоралаш эканлигини тушуниб, эрига юзланиб шундай гап бошлади: «Ана халос! Яна у хоним тавфиқли, диёнатли аёл эмишлар! Сиртдан қарасанг: нақ авлиё дейсан,— тўғри бориб унга топингнинг келади! Ё худоё тавба, кампир бўлиб қолгану ёшларга кўрсатаётган ибратини қаранглар! Э худо, жодугар туғилган ўша қора кунга минг лаънат-е. Ҳайронман, бу ёруғ жаҳонда қандай бош кўтариб юрганийкин! Ер ҳам ютмайди-я, бунақаларни! Вой яшшамагур газанда-е, вой яра-

мас бадкирдор-е, биз перужалик ҳамма аёлларни шармандай шармисор қилди-ку! Ахир бу қанақаси, шарм-ҳаёни йўқотса, эрига бевофолик қилса, ўзининг пок номига доғ туширса, жазмани деб, уни бошига кўтариб эъозловчи шундай диёнатли, шундай муҳтарам зотдан воз кечса, унинг ҳам, ўзининг ҳам номига доғ туширса-я! Ё тангрим, мен осий бандангни ўзинг кечир, бунақа хотинларни ҳеч аяш керакмас: ўлдириш керак уларни, тириклайин гулханда ёндириш лозим».

Лекин шу пайт у сават тагида ётган ўз жазманини эслаб қолди ва Пьетрога, энди ухлаш керак, деб айтди. Аммо Пьетронинг уйқуси эмас, кўпроқ овқат егиси келаётган эди, шу боисдан, у, овқат бермайсанми, деди хотинга. «Яна қанақа овқат!— деб эътироз билдира кетди хотини.— Ахир сен меҳмондорчиликка кетган пайтларингда мен ҳеч уйда овқат пиширганманми? Мен Эрколаниннг хотини эмасман! Кириб хапгина ўрнинга ёт — агар жаҳлимни чиқармай десанг!»

Аксини қарангки, келиб-келиб ўша кунн кечқурун қишлоқдан Пьетронинг батраклари келишган ва эшакларини қазноқ ёнидаги оғилга боғлашган эди, улар ҳам эшакларни боғлашга боғлашибди-ю, лекин суғоришга келганда унутиб қўйишибди, натижада сувсаган эшаклардан бири арқонни узиб, оғилдан чиқади ва сув қидириб, чор атрофни искай бошлайди, шу йўсинда бориб қазноққа кириб қолади-ю, туёғи билан бояғи йигит биқиниб ўтирган саватни босади. Йигит тиззалаб, қўлларига таяниб турганлигидан бир қўлининг бармоқлари сават тагидан чиқиб турган эди, хуллас, унинг пешонасида бор экан, аниқроқ қилиб айтганда, пешонаси шўр экан, денг, эшак унинг панжаларини босиб олади-ю, йигит оғриқ аламидан чинқириб юборади. Пьетро бировнинг додлаган овозини эшитиб, ҳайрон бўлди, лекин овознинг шу яқин ўртадан келаётганини дарҳол тушунди. Йигит ҳадеб додлар, зеро, эшак бутун оғирлиги билан ҳамон унинг панжаларини босиб турарди; Пьетро ахири ортиқ чидаб ўтиролмай хонадан чиқди ва: «Кимди?»— деб сўради, кейин саватни кўтарди-ю, кўзи бояғи йигитга тушди, у бўлса, энди наинки эшак босиб олган бармоқларининг оғригидан, шунингдек, мана, қўлга тушдим, энди уй соҳибни мени бир нима қилиб қўймасайди, деб қўрққанидан дағ-дағ титрай бошлади. Лекин Пьетро йигитга тикилиброқ қараб, уни таниди — бу ўзининг баччаси бўлиб, шу билан доим фосиқлик қилиб юрарди, Пьетро ундан: «Бу ерда нима қилиб юрибсан?»— деб сўради, лекин йигит бу саволга чурқ этиб ҳам жавоб қилмай, мени урманг, деб худонинг зорини қилиб, ёлвора бошлади.

«Тур ўрнингдан, қўрқма, сени урмайман,— деди Пьетро,— сеп фақат менга шуни айт, қандай қилиб ва нима сабабдан бу ерга келиб қолдинг?»

Шунда йигитча бўлган воқеани муфассал сўзлаб берди. Пьетро бу йигитча билан дийдор кўришганидан қанчалик хурсанд бўлган бўлса, уй бекаси буларнинг учрашувидан шунчалик ташвишга тушган эди, Пьетро йигитчаниннг қўлидан ушлаб, уни қўрқувдан қалт-қалт титраб эрини кутиб ўтирган хотини олдига бошлаб кир-

ди. Кейин у хотинининг рўпарасига ўтириб олиб, шундай, деди: «Мана, ҳозиргина ўзинг Эрколанининг хотинини қаргаётувдинг, уни гулханда ёндириш керак, биз аёлларни бадном қилди, девдинг. Бас, шунақа экан, нега энди ўзинг тўғрингда лом-мим демадинг? Ўзингнинг ҳам худди Эрколанининг хотининики сингари ҳунаринг бўла туриб, ўз ҳақингда чурқ этиб оғиз очмаган ҳолда, у аёлни ёмонлашга қандай тилинг борди? Хотин зоти борки, ҳаммаси бир гўр, ҳа, ҳа, ҳаммаларинг ҳам ўзгаларнинг гуноҳини пеш қилиш билан ўзларингнинг қинғир ишларингни пардалашга устасанлар. Э, худо, бу лаин зот уруғини газабинга олу ҳаммасига қирон келтир!»

Эрининг қўлга эрк бермай, ҳозирча сўкиш билан чекланаётганини ва бу хушрўй йигитчани учратганидан беҳад суюниб кетганини яхши аломат деб билган хотини ўзини анча дадил тутиб жаврай кетди: «Агарда бутун хотин зотига қирон келса, турган гапки, сен хурсанд бўлардинг,— деди у,— негаки, ит калтакни қандай яхши кўрса сен ҳам биз хотинларни шундай яхши кўрасан, аммо мана, худо шоҳид, бу шум ниятинга икки дунёда ҳам етмайсан. Шунга қарамай, менинг нимам сенга ёқмаётганини бир билиб қўймоқчи эдим. Азбаройи худо, агар менинг қандай яшаётганимни Эрколано хотинининг турмуш тарзи билан бир қиёс қилиб кўрсанг, фақат хурсанд бўлган бўлардим: ўша қари тақводор ва риёкор хотин, ўзига лозим бўлган ҳамма нарсани олади эридан, эри унинг бошидан сув ўгириб ичади, соясига кўрпача солади, зеро, эркак киши хотинини шундай эъзозлаши керак, мен бўлсам, айнал шу нарсдан маҳрумман. Тўғри, қорним тўқ, эгним бут, аммо ҳаказо ва ҳоказо ишлар бобида сен билан бизнинг ишимиз қай ҳолда эканлигини ва қанча вақтдан буён мен билан ётмаслигингни ўзинг ҳам яхши биласан. Мени ясантириб қўйиб, ўзинг менга қиё ҳам боқмаганингдан кўра, жулдур кийимда юрганим яхши эди, фақат тўшакда мени хурсанд қилсанг бўлгани эди. Тушун ахир, Пьетро: мен оддий бир аёлман, демакки, мен ҳам барча аёллар хоҳлаган нарсани хоҳлайман, бинобарин, сен менинг нафсимни қондирмаётган экансан, уни қондирадиган нарсани ўзим ахтариб топишга ҳаракат қиляпманки, бунинг учун мени койишга ҳаққинг йўқ. Қайтага, сенинг обрўйингни сақлаб, ҳар хил қаланғи-қасанғи муттаҳам ва фирибгарлар билан алоқа қилмаётганимга хурсанд бўлишинг керак».

Пьетро хотинининг жағи очилганини ва энди эрталабгачаям тинмай жаврайвериши мумкинлигини кўриб ва ўзининг шу топгача хотинига эътиборсиз бўлганини эътироф этиб, унга шундай сўзлар билан юзланди: «Бас энди, хотин! Бўпти, энди кўнглингни овлаганим бўлсин, лекин худо хайрингни берсин, аввал бизга овқат бер, мана, йигитчаям, афтидан, ҳали ҳеч нима емаганга ўхшайди».

«Вой, бўлмасам-чи,— деб тасдиқлади хотини.— Кечлик қилишга улгурмадиям боёқиш. Биз у билан энди дастурхонга ўтирган эдик, шу маҳал фалокат босиб, қай гўрданам сен келиб қолдинг».

«Ҳа, бўпти, бор, овқатингни олиб кел, бизга,— деди. Пьетро,—

қорин тўйгандан кейин бир уриниб, иккинчи зор қақшамайдиган қилиб қўяман сени».

Эрининг жаҳлидан тушганига қаноат ҳосил қилган хотин хонадан чиқиб, дастурхон тузашни буюрди, сўнг танбал эри, йигитча ва ўзи учовлари биргаликда ўзи пиширган кечлик овқатни тановул қилишга киришишди, кечлик бека учун хушнудлик билан ўтди. Кечликдан сўнг, Пьетро учовларининг хурсанд бўлиши учун аниқ нима ишлар қилгани хотиримдан фаромуш бўлган. Фақат шу нарса аёнки, эрталаб йигитчани Катта майдонгача кузатиб қўйишганда, у йўл-йўлақай: кечаси мен ўзим асти нима вазифа бажардим: эр бўлдимми ё аниқроғи, хотин бўлдимми? — деб ўйлаб борди. Хуллас, гап шунақа, муҳтарама хонимлар: ҳеч қачон гарданингизда қарз қолмасин, борди-ю, ҳозирча қарзни узишга қурбингиз етмаса, қулай фурсат келишини кутинг-да, чақирган жойдан қолманг.

Дионео шу тарзда ўз ҳикоясини тугатди, бу ҳикоя давомида аёллар пиқир-пиқир кулиб қўйишдики, ҳикоянинг уларга ёқмаганлигидан эмас, балки хижолат бўлишганидан шундай кулишган эди, ниҳоят Фьяметтанинг ҳокималик даври ҳам тугади; у тахтдан турди ва бошидан дафна чамбарини олиб, уни ғоятда латофатли хушчеҳра билан Элиссанинг бошига кийдирди.

— Энди, марҳаматли бека ойм, ҳокималик қилиш сизнинг навбатингиз, — деб эълон қилди у.

Элисса ушбу эҳтиромни қабул айлаб, худди ўзидан олдинги ҳукмдорлар сингари иш тутди, — эшик оғасини чақиртириб, ўзи ҳокималик қиладиган бутун муҳлатга фармойиш берди, кейин, бутун жамоани хушнуд айлаб, шундай гап бошлади:

— Ҳаммамиз ҳам кўп маротабалаб эшитганмизким, кўпчилик кишилар қочирриқ, аския билан ўзларига қарши қайралган тишларни кўз очиб-юмгунча қоқиб олишга, хавф-хатарни даф қилишга муяссар бўлганлар. Бу ғоятда аъло, ибратли мавзу ва мен истайманки, эртага, худонинг мададкорлиги билан суҳбатимиз айнан шу мавзу теграсида, яъни — *Бировлар мутойибасидан қаттиқ ранжиган одамларнинг дилозорлардан худди шу йўсинда қасд олгани ёинки ҳозиржавоблик ва топқирлик билан жавоб қайтариб, жудоликка, хавф-хатарга ва бадномликка барҳам бергани ҳақида бўлсин.*

Қироличанинг ушбу фикри бир овоздан маъқулланди, сўнг қиролича то кечлик овқатгача ҳаммани озод қилди. У ўрнидан турди, унга эргашиб бутун мўътабар жамоа ҳам жойидан қўзғалди, кейин ҳар ким тасдиқ этилган низом бўйича ўз иши билан машғул бўлди. Чигирткалар чириллашдан тўхтагач эса, қиролича ҳаммани кечки овқатга таклиф қилишни буюрди; зиёфат ғоятда хушчақчақлик билан ўтди, зиёфатдан кейин эса, рақс тушишиб, қўшнқлар куйлай бошлашди. Қиролича Эмилияга рақсни бошлаб беришни, Дионеога эса — қўшиқ айтишни буюрди. Дионео шу заҳоти, *монна Альдруда, думингни кўтар, олиб келдим сенга хушха-*

бар, — деб куйлай бошлади. Аёллар қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборишди; қироличанинг қаҳ-қаҳи ҳамманикидан баландроқ янгради; шундай бўлса ҳам у Дионеога, бу қўшиқни қўйиб, бошқа биронта дурустроғини айтишни буюрди.

Дионео бўлса унга жавобан бундай деди:

— Маликам! Агар цимбалим¹ бўлганда: *О, монна Лапа, этагинг кўтар қўшиғини ёки Зайтун ости майсазор қўшиғини ё бўлма-са: Уммоннинг шўр сувидан қуригай шўрим қўшиғини айтиб беришим мумкин эди, лекин менинг цимбалим йўқ, шунинг учун ўзингиз танланг. Балки мана бу қўшиқни хоҳларсиз: Қани, чиқарчи бошинг, юлиб олай мисли гул.*

— Йўқ, бошқасини айтиб кўр, — деди қиролича.

— Унда, мана: *О, Симона, бочкангни тутма, билмайсанми, кузга бор ҳали.*

— Бўлди, майнабозчилик қилма! — деди кула-кула қиролича. — Агар истасанг, биронта яхши қўшиқ айт, лекин бу қўшиғингни эшитишни истамаймиз.

— Аччигингиз чиқмасин, маликам, — деди Дионео. — Буюринг, қанақасини айтай? Мен билган қўшиқлар сон мингта. Мана бу қўшиққа тобингиз қалай: *Чиғаноғим, сени асло тинч қўймагайман, қобигингни бир уринсам дарҳол очгайман. Ёки: Секинроқ, эргинам. Яна: Юз лирага хўроз олдим.*

Ҳамма кулиб юборди, аммо қироличанинг аччиги чиқди.

— Етар, шунча жиннилик қилганинг, Дионео! — деди у. — Бизга яхши бир қўшиқ айтиб бер, йўқса, адабингни бераман!

Дионео шу заҳотиёқ майнабозчиликка барҳам бериб, мана бундай қўшиқни куйлай бошлади:

Севги! Ёрим кўзларида нур —
Порлашидан бошим айланди.
Дилим буткул йўқотиб ҳузур,
Сенга, демак унга бойланди.
Сен таратган сўнмас аланга
Соат сайин ёндирар жоним,
Сиздирмайди бутун оламга,
Бедор тунлар олиб оромим.
Ёр ҳуснига тикилиб ногоҳ
Ишқ сеҳрига бўламан иқрор.
Севги, мени сен этдинг огоҳ,
Етук экан зеболикда ёр!
Бу самовий жамол

туну кун

Мени этиб тобе ва мафтун,
Буткул кетди мендан ихтиёр.

Ҳукмдор ишқ,
мен кўпдан буён

¹ Ц и м б а л — чангга ўхшаб кетувчи музика асбоби. (Тарж.)

Кутмакдаман сендан мукофот,
Ахир, чеккан азобим аён,
Уқубатга айланди ҳаёт
Аммо, менга ҳамон қоронгу:
Беҳудами ширин орзулар?
Хабардорми аҳволимдан у?
Етганми бу қайноқ туйғулар?
Ушандадир фикру хаёлим,—
Биладими бунни ёр, айтгил!
Ҳаётимдир соҳибжамолим,
Усиз битган буткул мажолим,
Мен кўйида бунда зор,
айтгил!

Ишқ тангриси!

Ўтингдан ногоҳ
Еримнинг ҳам юрагига ёқ!
Азобимдан бўлсин у огоҳ,
Билсин қандай оғирдир фиरोқ!
Билсин чеккан кулфатларимни,
Дарду ташвиш — улфатларимни,
Билсин, ўтин ёққил каттароқ!
Менинг учун бир савоб иш қил,
Фориғ этма, севгин, дуодан.
Мен ёримга шунда очай дил,
Кейин, майли, ўтсам дунёдан.

Дионео қўшиқни ниҳоясига етказиб жим қолгандан кейин, қиролича Дионеони мақтов сўзларга кўмиб ташлашди, аммо бу ҳол унинг бошқаларнинг қўшиқларини ҳам эътибор билан тинглашига халал бермади. Ниҳоят, кундузги ҳарорат ўрнини тунги салқин эгаллагач, қиролича, энди ҳар бирингиз то эрталабгача, худо кўнглингизга нима солган бўлса, шу йўсинда ҳордиқ чиқаришингиз мумкин, деб эълон қилди.





ДЕКАМЕРОННИНГ
БЕШИНЧИ КУНИ ТУГАБ,
ОЛТИНЧИ КУНИ
БОШЛАНМОҚДА.

*Элисса ҳокималик қилган ушбу кунда китобхон
эйтиборига, бировлар мутойибасидан қаттиқ ран-
жиган одамларнинг дилозорлардан худди шу йўсин-
да ўч олгани ёйинки ҳозиржавоблик ва топқирлик
билан жавоб қайтариб, жудоликка, хавф-хатарга ва
бадномликка барҳам бергани ҳақидаги ҳикоятлар
ҳавола қилинади.*



Қоқ найзага келган ой хиралашиб, самога кўтарилган янги ёритқич — офтоб бутун оламни чароғон этган пайтда, малика ўз тўшагидан туриб, барча муқаррабларини чақиршига фармон берди ва ҳаммалари шудринг кечиб, аста-секин сайрга чиқиб кетдилар, улар мухташам қаср яқинида сайр қилиб юрарканлар, у ёқдан-бу ёқдан чақчақлашдилар, кимнинг қиссаси яхши-ю, кимники бундай-роқ эканлиги ҳақида мубоҳаса юритдилар, эшитган қиссаларининг айрим жойларини эслаб, қотиб-қотиб кулдилар, хуллас, улар то қуёш кўтарилиб, қиздира бошлагунча шу тарзда сайр қилиб юриб, кейин, уйга қайтиш пайти етди, деган қарорга келдилар-да, орқаларига қайта бошладилар. Улар етиб келишганда, дастурхонлар аллақачон тузалган, хушбўй кўкатлар, муаттар чечакларнинг ҳиди димоқни қатиқларди, шунда қиролича, кун қизиб кетмасдан, нонушта қилиб олиш кераклигини баён қилди. Нонушта гоятда вақтичоғлик билан ўтди, кейин бир неча ажиб ёқимли қўшиқлар ижро этилди, ана ундан кейин биров ҳордиқ чиқаргани, биров шатранж ёки мўҳра ўйнагани кетди, Дионео билан Лауретта бўлса, Троил ва Крессида ҳақида қўшиқ айта бошладилар. Сухбат қуриш пайти келгач эса, қироличанинг даъвати билан яна жамса жам бўлиб, ҳар кунги одат бўйича ҳаммалари фаввора яқинига жойлашиб, ўтирдилар. Қиролича қиссахонликни бошлашга энди буйруқ бермоқчи бўлиб турган эди, тўсатдан, шу вақтгача кўз кўриб, қулоқ эшитмаган бир воқеа содир бўлди; қироличанинг ва унинг теграсида ўтирганларнинг қулоғига ошхона томондан хизматкор ва оқсочларнинг ғайри табиий жанжал-сурони эшитилди. Эшик оғасини чақиртириб, ундан, шовқин солаётган ким ва бу ғавғонинг боиси нима, деб сўрашди, эшик оғаси, Личиска билан Тиндаронинг даҳанаки жанг қилишаётганини, илло, жанжалнинг нимадан чиққанлигини билмаслигини айтди, зеро у тўполонни бостиргани энди ошхонага кирганида, уни малика қошига чақириб қолишган эди. Малика, Личиска билан Тиндарони дарҳол менинг ҳузуримга юборинг, деб буюрди, сўнг истиқболига келган жоғарокашларга, нимадан баҳс ахтариб жанжаллашиб қолдинглар, деб савол берди.

Тиндаро жавоб бериш учун энди оғиз жуфтлаган эди, лекин афтлари бурушиб кампир бўлиб қолган, табнотан манман, бунинг устига жоғаро талашганидан тутақиб кетган Личиска Тиндарога худди еб кўйгудек ўқрайди.

— Кўрдингларми бу ҳафтафаҳми?— деб бидирлай кетди у.— Мен турган ерда бу кишим тушунтириб берармишлар! Йўқ, овора бўласан, ўзим гапираман!— деди-да, қироличага юзланиб, гапини давом этдирди:— Маликам! Бу менга Сикофантнинг хотини ким бўлганини тушунтирмоқчи, гўё ўзим билмагандай: бундан ташқари, мессер Дубини айнан уларнинг биринчи никоҳ кечаси Қоратоққа ҳужум қилиб, кўп қурбон бериб, уни забт этган, деб мени ишонтирмоқчи бўляпти, мен айтяпманки, йўқ, бу тўғри эмас,— тамомила акси бўлган: у Қоратоғни ҳеч қандай жанг қилмасдан олган, ерли халқ ҳам бундан бениҳоя хушнуд бўлган, дейман. Бу бефаҳм бўлса, қизлар шунчалик лақмаки, ота ё оғаларининг розилигини кутиб, вақтларини бекор ўтказиб ўтираверишади, деб ўйляпти, билмайдики, отаю оғалар аксарият пайтда қизларнинг тўйини уч, ҳаттоки, тўрт йилга кейинга суриб юборишади. Кошкийди, укажон, қизлар шунча узоқ вақт сабр-қаноат қилиб ўтиришса. Худо шоҳид — лекин мен худонинг номини бекорга тилга олмайман,— мениннг қўшнларим орасида, эрга қиз теккан биронта ҳам хотинни тополмайсиз, ундан кейин, эри бор хотинлар ҳам, менга маълум бўлишча, ўз эрларига шунақанги найранглар кўрсатишадики, асти қўяверасиз! Илло, манави овсар бўлса, аёллар тўғрисида мен билан шундай баҳслашяптики, бамисоли мен куни кеча дунёга келганман-у ҳеч балони билмайман!

Хонимлар, Личисканиннг гапларидан ичаклари узилгудек қотиб-қотиб кулишди, қиролича бўлса, Личискани гапдан тийишга қанча уринса ҳам фойдаси бўлмади. Личиска бутун гапини тўкиб солгандан кейингина тилини тийди.

Ахири унинг овози ўчгач, қиролича истехзо билан Дионеога деди:

— Бу — сенга тааллуқли масала, Дионео, демакки, ҳаммамиз қиссаларимизни сўзлаб бўлганимиздан кейин, сен бу баҳсни очди қилиб берасан.

Дионео ҳам унга дарҳол жавоб қайтарди:—

— Маликам!— деди у.— Мен бунга ҳал қилиб қўйганман ва илова қиладиган ҳеч қандай гапим йўқ: менимча, Личиска ҳақ, афтидан, аҳвол чинданам у таъкидлаётгандай бўлиши керак, Тиндаро эса овсар.

Бу сўзларни эшитган Личиска қотиб-қотиб кула бошлади.

— Хўш! Сенга нима деган эдим?— деди у Тиндарога ўгирилиб.— Сен, ука, яхшиси, хап ўтир! Мениннг олдимда сен ҳали тирранчасан, яна мен билан баҳслашганиннг ортиқча! Мени, худога шукурки, қилмаган, кўрмаган ишим қолмади умримда,— ҳар қанақасини кўрганман!

Агарда қироличаниннг сабр косаси тўлиб Личискага: тилингни тий, жаврашни бас қил, акс ҳолда сени савалатаман, деб дағдаға қилмаганида ва уни Тиндарога қўшиб ошҳонага қайтариб юбормаганида борми, жамоа қулоғи кечгачаям унинг жаврашидан тинмаган бўларди. Личиска билан Тиндаро бу ердан кетишлари билан, қиролича ҳикоя бошлашни Филомнага буюрди ва у хушчақчақ чеҳра билан шундай ҳикоя қила бошлади.

Бир аслзода сафар пайтида донна Ореттага ваъда бериб, шундай дейди: сизга мен бир қиссани шундайин мароқли баён қилиб берайки, сиз, хоним, бамисли от миниб кетаётгандай, манзилга қандай етиб борганингизни пай қамай қолинг: вале, ҳикояхон нўноқ бўлиб чиқади ва Оретта ундан, мени отдан тушириб қўйинг, деб илтимос қилади

— Навниҳол хонимлар! Беғубор тунларда осмон гумбазининг зебу оройиши юлдузлар бўлганидек, баҳор фасли чечаклар кўкаламзорларга, япроқлардан либос кийган бутазорлар эса, тепаликлар жамолига пардоз бўлгани янглиғ, айнан шу йўсинда, ҳозиржавоблик билан айтилган сўзлар эзгу ахлоқ ва дилкаш суҳбатни безайди. Ҳозиржавоблик, ўзининг қисқалик хусусияти билан эркаклардан кўра кўпроқ аёлларга муносибдир, зеро, эзмалик дарадига аёллар ҳали эркакларчалик кўп чалинган эмаслар. Шундай бўлишига қарамай, минг таассуф бирла айтамызки, қандайдир номаълум сабабларга кўра: ҳайронман, ё биз аёллар тентаклашиб кетяпмизми, ё самовий қувватлар қаҳрига учраганмизми, ҳар ҳолда, ҳозир кези келганда ҳозиржавоблик билан гап қайтара оладиган ва ўзгалардан эшитган бундай киноявий ибораларни тўғри таҳлил қила оладиган аёллар жуда кам қолди, эҳтимолки, қолмагандир ҳам. Ҳай, бу борада Пампинея айтиб ўтган эди, шунинг учун мен бевосита ўз қиссамни баён қилишга ўтаманки, сизлар бу ҳикоядан хонаси келганда топиб айтилган сўз нақадар ажиб сўз бўлишини англаб оласизлар: яъни, мен сизларга бир нуфузли хонимнинг қандай назокат билан бир аслзоданинг тилини тийишга мажбур этгани ҳақида сўзлаб бераман.

Кўпчилигингиз шаҳримизда истиқомат қилиб турувчи бир аслзода аёлни шу яқин вақтлар ичида кўрган ёинки ҳеч бўлмаса, унинг доврўғини эшитган бўлишингиз керак, — ул хоним шу қадар саховатли ва гапга чечан аёл эдиким, номини ошкор айтсак арзийди. Алқисса, унинг исми донна Оретта бўлиб, у мессер Жери Спинанинг рафиқаси эди. Кунларнинг бирида биз унинг мулкида меҳмон бўлдик, ўша кунни ул хоним ўз меҳмони бўлган хонимлар ва эркаклар даврасида сайр қилиб юрарди, улар пиёда боришлари керак бўлган ер хийла олис бўлганидан, донна Ореттани кузатиб бораётган эркаклардан бири шундай таклиф киритди: «Ижозат этсангиз, донна Оретта, сизга гоьтда мароқли бир қисса сўзлаб

берсам, шунда сиз, бутун йўлни бамисоли отда босиб ўтгандай, манзилга қандай етиб қолганингизни сезмай қоласиз».

«Марҳамат, сўзланг, мессер,— деди хоним,— мени бениҳоя мамнун қиласиз».

Шамшир тикшининг қанчаллик ҳавосини олган бўлса, афтидан, маҳмадоналикни ҳам ўзига шунчаллик касб қилиб олган бу жаноб, хонимдан ижозат олгач, ўз қиссасини ҳикоя қилишга киришди, қисса-ку, ўзи ғоятда нафис эди, унда олинмақом зотлар ва уларнинг бошидан кечган антиқа ҳодисалар ҳақида баён қилинарди-ю, аммо ҳикояхон бир эмас, икки эмас, беш-олти мароталаб бир айтган гапини такрорлаб, муттасил: «Йўқ, ундай эмас!» — деб, яна бошқатдан бошлаб, шахсларнинг номларини шундай чалкаштириб юбордики, бу билан қиссани буткул расвосини чиқарди, бунинг устига устак, у сўзларни чайнаб, равон гапиролмасди. Донна Ореттадан совуқ тер чиқиб кетди, у ҳушидан кетаётгандай юраги гўё тўхтаб-тўхтаб қола бошлади. Мана, ниҳоят унинг буткул тоқати тоқ бўлиб, йигитнинг гапдан тамоман адашиб кетганини кўрди-да, лутфбахш жилва билан деди: «Мессер! Отингиз жуда кўп қоқиларкан. Барака топинг, мени отдан тушириб қўйинг!»

Хонимнинг ҳамроҳи нўноқ қиссахон бўлса ҳам, аммо зеҳни ўткир одам эди, бинобарин, у шу заҳотиёқ қочирқиқнинг маъносига тушунди, уни ҳазилга йўйиб, биринчи бўлиб, ўзи кулиб юборди ва дарҳол гапни бошқа мавзуга бурди; унинг ўзи бошлаб, ўзи чалкаштириб юборган қисса шу зайлда тугалланмай чала қолиб кетган экан.

2

Мессер Жери Спина, ўзининг новвой Чистига ножўя илтимос қилганини унинг бир неча оғиз жавоб сўзидан пайқаб олади

Хонимлар ва эркаклар донна Ореттанинг фаросатига узоқ вақт таҳсинлар ўқишди; ниҳоят, қиролича навбатни Пампинеяга берди ва у шундай ҳикоя қила бошлади:

— Дилкаш хонимлар! Мен қатъий бир фикр айтишга ожизман — ким кўпроқ гуноҳкор: илоҳий руҳни манфур жисмга солиб қўйган табиатми ёинки мазкур илоҳий руҳ ато этилган жисмни жайдари иш билан машғул бўлишга мажбур этган фортунамани, биз буни ҳамшахаримиз Чисти ва шунингдек, бошқа кўпчилик одамлар тимсолида кўрмоқдамиз. Агарда, табиатнинг донишмандлигидан ва Фортунанинг кўзлари мингта эканлигидан (гарчи тентаклар бу маъбудани кўр қилиб тасвирлашса ҳам) воқиф бўлмаганимда эди¹, мен албатта табиатни ҳам, Фортунани ҳам дуойи бад қилган бўлардим. Менинг фикри ожизимча, иккала илоҳий куч ҳам бениҳоя эҳтиёткор бўлганликлари сабабли, кўпинча худди ўт-

¹ Фортуна — қадимги Рим мифологиясида бахт-толе маъбудаси бўлиб, кўпинча кўзи боғлиқ ҳолда тасвирланади. (Тарж.)

кинчи бандалар янглиг иш кўрадиларким, бу бандалар, келажакни мушоҳада қила олмаганликлари бондан, ўзларининг энг қимматли буюмларини қора кунга сақлаб қўйиш учун уларни қидириб толиш ҳеч кимнинг хаёлига келмайдиган энг хуфия ерларга яширадилар, зеро,— деб мулоҳаза қиладилар улар — нарса сақлаш учун кўрмисиз, эътиборсиз ер муҳташам хонадан минг карра ишончлироқдир,— ва ўшал ашёларини фақат жуда зарурат туғилган пайтдагина яширган ковакларидан оладилар. Худди шунга ўхшаб, бутун коинотнинг икки соҳибаси ҳам ўзларининг энг қадрли бандаларини мутлақо жайдарн ҳисобланувчи касб-кор пардаси билан яширадиларким, бундан мақсад, табиат билан Фортунанда ана шу ҳунармандларга эҳтиёж уйғонгудек бўлса, улар ўз фазилатларини ҳар ёқлама намойиш қила олсинлар. Донна Оретта ҳақидаги қисса, менга новвой Чистининг қандай арзимаган баҳона билан ўзининг яхши фазилатларини намойиш қилганини ва бу билан донна Ореттанинг эри бўлмиш мессер Жери Спинанинг кўзини очганини эслатди, бинобарин, мен айнан шу тўғрида сизларга қисқанина бир қисса сўзлаб беришни ихтиёр қилдим.

Алқисса, сизларга маълум бўлсинким, мессер Жери Спинани бағоят иззат-ҳурмат қилувчи папа Бонифаций фавқулудда муҳим бир иш билан Флоренцияга эътиборли элчиларни юборди ва улар папани ташвишга солган ишларни мессер Жери билан муҳокама қилиш ниятида, унинг уйига тушдилар, мессер Жери мана шу папа элчилари билан деярли ҳар кун эрталаб, қай томонга йўл олишмасин, албатта Санта Мария Уги черкови ёнидан ўтардиларким, худди шу ерда новвой Чистининг новвойхонаси бўлиб, бу ерда у шахсан ўзи пон ёпарди. Тақдир унга ниҳоятда одмигина бир касб ато этган бўлса ҳам айни пайтда, унинг омадини ҳам берган эди, оқибат у бора-бора шу қадар бадавлат бўлиб кетдики, ўз касб-корини ҳеч қандайин бошқа ҳунарга алмашмаган бўларди: у ўзини ҳеч нимадан камситмасди, уйда кўз кўриб қулоқ эшитмаган не-не антиқа нарсалар бор эди, шу билан бирга Флоренцияда ва унинг атроф вилоятларида топиладиган энг олий нав оқ ва қизил майлар унинг уйда ҳамма вақт топиларди. У шундай жазирама саратонда ҳар кун эрталаб ўз уйи эшиги тагидан ўтаётган мессер Жерини ва папанинг элчиларини новвойхонада кўриб ўтираркан, бу меҳмонларга агар асид нав оқ шаробдан таклиф қилсам, уларга бу илтифот кўрсатган бўлардим, деб ўйлади, ўйлашга ўйлади-ю, лекин ўзининг мессер Жеридан қанчалик тубанда эканлигини кўз олдига келтириб, уни уйимга таклиф қилсам одобсизлик бўлади, деган қарорга келди-да, ўйлаб туриб, шу заҳоти, мессер Жерининг ўзи қошига илтимос билан келадиган бир восита топди. Шу пайтда эътиборан у ҳар кун эрталаб, мессер Жери ва папа элчилари ўтадиган пайтни пойлаб туриб, эшик олдига муздек сув тўлдирилган яп-янги рух челак, асл оқ шароб солинган янги Болонья кўзаси ва нақ кумушдек ярақлатилган иккита стакан қўядиган, ўзи эса, кордек олпоқ калта кафтан кийиб, олдига чиннидай озода фартуқ таққанидан новвойдан кўра кўпроқ тегирмончига ўхшаб кетиб, эшик олдига ўтириб оладиган ва бир-икки марта чиртиллатиб ту-

пуриб, шаробхўрликни бошлайдиган бўлди, у шаробни шунақа лаззат билан ичардики, ичишини агар ўлик кўрса, у ҳам ташна бўлиб, май ичгиси келиб кетарди.

Мессер Жери унинг ёнидан бир кун чурқ этмай ўтиб кетди, эртасига эрталаб ҳам шундай бўлди, лекин учинчи куни ортиқ сабри чидамай, новвойга гап қотди: «Қалай, Чисти? Хушхўр шароб эканми?»

Чисти ўрнидан дик этиб туриб кетди: «Шунақанги хушхўрки, таърифига тилим лол,— деб жавоб қилди у,— ўзингиз бир тотиб кўринг!»

Ё куннинг тафтидан, ё бўлмаса, қаттиқ чарчаганидан ва ёки Чистига ҳаваси келганидандир, ишқилиб, мессер Жерининг кўнгли шароб ичишни тусаб қолди. «Синьорлар!»— деб у элчиларга жилва билан юзланди.— Мана бу саховатли зотнинг шаробидан тотиб кўрсак нима дейсизлар? Таассуф қилмаймиз деб ўйлаймиз». шу сўзлардан кейин ҳаммалари Чистининг истиқболи сари юрдилар.

Чисти новвойхонадан энг яхши курсини олиб чиқишни буюрди ва меҳмонларни ўтиришга таклиф қилди, стаканларни чайишга ошиққан уларнинг хизматкорларига эса, бундай деди: «Овора бўлманглар, ўзим печга нон ёпишга қанчалик уста бўлсам, май қуйишни ҳам шундай дўндираман. Ундан кейин, оғайнилар, мен сизларга шаробимдан бир қултум ҳам бермайман,— умид қилмай қўя қолинглар». Кейин Чисти шахсан ўзи тўртта яп-янги чиройли стаканни чайди, асл шаробдан бир кўза олиб чиқишни буюрди ва ҳафсала билан мессер Жери билан унинг ҳамроҳларига май қўя бошлади, улар ҳам майни ичиб кўриб, кўпдан буён бундай хуштаъм шаробни ичмаганликларини эътироф этдилар. Май уларнинг оғзига шунчалик ёқиб қолган эдиким, элчилар то Флоренциядан жўнаб кетгунларича, деярли ҳар куни эрталаб мессер Жери улар билан биргаликда Чистиникига шаробхўрликка келиб турди.

Элчилар ҳамма ишларини ниҳоясига етказиб сафарга ҳозирлик кўра бошлаганида, мессер Жери улар шарафига зўр зиёфат берди ва бу зиёфатга шаҳарнинг казо-казолари билан бир қаторда Чистини ҳам таклиф этди, аммо у зиёфатга боришдан қатъиян бош тортди. Шунда мессер Жери, меҳмонлар биринчи газакдан кейин ҳеч бўлмаса ярим стакандан ичишин, деган мақсадда бир шиша шароб олиб келиш учун Чистиникига хизматкорини юборди. Хизматкор, Чисти шаробидан ичирмагани учун унга кек сақлаб юрган эканми, унинг олдига каттакон қориндор шиша кўтариб борди.

Чисти шишани кўрди-ю, хизматкорга: «Мессер Жери, сени, биродар бошқа ёққа юборибди»,— деди.

Хизматкор қанча тушунтирмасин, Чисти ўз сўзида қаттиқ тураверди; ахири хизматкор мессер Жерининг олдига қайтиб бориб, Чистининг айтганларини унга баён қилди. Мессер Жери бўлса: «Унинг олдига бориб яна бир марта сени мен юборганимни айт. Борди-ю, яна боянгдай жавоб қиладиган бўлса, ундан сўра: сени қаёққа юборган эканман?»— деди.

Хизматкор яна Чистининг олдига келиб: «Чисти! Мессер Жери мени айнан сенинг олдингга юборган эканлар»,— деди.

«Йўқ, огайни, асло меникига эмас»,— деди Чисти.

«Сеникига бўлмаса, унда қаёққа юборибди?»— деб сўради хизматкор.

«Арно»¹га,— деб жавоб қилди Чисти.

Хизматкор бу гапни мессер Жерига етказган эди, бирдан унинг кўзи мошдай очилди. «Қани, олиб борган шишангни менга кўрсатчи,— деб буюрди у ва қориндор каттакон шишани кўриб, деди:— Чисти тўғри айтипти». Сўнг хизматкорини койиб бериб, кичик бир шишача олиб боришни буюрди.

Бу сафар Чисти шишачани кўрди-ю: «Мана, энди кўриб турибман, хўжайиннинг сени мени олдимга юборипти,— деди,— ҳозир қуйиб бераман».

Чисти ўша куннёқ ўзининг асл шаробидан бир бочкача олиб, ими-жимида мессер Жериникига элиб беришни буюрди, кейинроқ ўзи унинг ҳузурига бориб, унга бундай деди: «Мессер, эрталаб-ки қориндор катта шишани кўриб капалаги учиб кетипти, деб ўйламанг мени, мен фақат шунча кундан бери сизларга нима сабабдан кўзачадан шароб қуйганимни тушунмабсиз деб ўйловдим: шароб жайдари шароблардан эмас-да,— эрталаб айтиб юборган гапимда мана шу нарсага ишора қилган эдим. Илло, у шаробни энди асраб нима қиламан, шунинг учун бор шаробимнинг ҳаммасини сизга юбордим,— уни нима қилсангиз ихтиёр ўзингизда».

Мессер Жери бу тортиқдан беҳад мамнун бўлди, Чистига чин қалбдан миннатдорчилик билдирди ва ўшандан бошлаб, уни иззат-ҳурмат қилиб, у билан энг қадрдон дўст бўлиб олган экан.

3

Франция епископи монна Нонна де Пульчига жуда ўринсиз ҳазил қилади; аммо хоним бир оғиз ўткир гап билан епископнинг оғзига уриб, нафасини чига тушириб юборади

Пампинейя ҳикоясини тугатди, шунда Чистининг жавоби ҳам, унинг саховати ҳам барчага манзур бўлди, қирғичча эса, энди Лауретта ҳикоя қилсин, деб ихтиёр билдирди ва Лауретта шўх чеҳра билан ҳикоясини шундай бошлади:

— Дилрабо хонимлар! Бизнинг ношудлигимиз касофати ва ҳозиржавоб гапнинг латофати ҳақида аввал Пампинейя, ундан кейин Филомена томонидан айтилган барча гаплар мутлақо ҳаққоний гаплардир. Буни яна такрорлаб ўтиришга эҳтиёж йўқ, мен фақат ҳозиржавоблик борасида бир нарсани илова қилмоқчиман, холос: қочириқ сўз, ўз моҳияти билан итдек қопмаслиги, балки майин шабададек эркалаши лозим: борди-ю, у мисоли итдай қопса, бу энди

¹ Арно — Флоренциядан оқиб ўтувчи дарё. (Тарж.)

қочириқ эмас, балки ҳақоратдир. Донна Ореттанинг гапи ҳам, Чистининг жавоби ҳам ғоятда ўринли қочириқ намуналаридир. Ҳолбуки, агар одам, итдек қолиб гапирган одамга жавоб қайтара туриб, уни ҳам итдек қолиб олса, энди бунинг учун уни айбга йўйиш керак эмас, — зеро, ҳар доим қочириқ гапнинг қандай вазиятда, қаерда, қачон ва кимга айтилганини эътиборга олмоқ лозимдир. Дин пешволаридан бири бу ҳолга парво қилмай, бир хонимнинг дилини қаттиқ огритиб, итдек тишлаб олган эди, шу қилмиши учун унинг ўзини ҳам шундай қаттиқ тишлаб олдиларким, — мен айнан шу тўғрида сизларга қисқагина қилиб сўзлаб бермоқчиман.

Флоренция епископи лавозимини мустаҳиқ ва донишманд руҳоний Антоний д' Орсо ҳазратлари эгаллаб турган пайтда, кунлардан бир кун бу ерга қароя Робертнинг мирохўри каталониялик аслзода Дьего де Ла Рат таширф буюрган эди. Мана шу олифта ва уччига чиққан машатпараст йигит Флоренциянинг энг соҳибжамол хонимларидан бирига — епископ Антонийнинг набира жиянига шайдо бўлиб қолди. Кейин у, аёлнинг эри гарчи зодагонлар насабидан бўлса ҳам ўлгудек хасис ва ғирт аблаҳ эканлигини сурштириб билиб, у билан тил топшиди: унинг хотини билан бир кеча тунаш эвазига унга беш юз олтин флорин берадиган бўлди. Шунга кўра, у ўша пайтда муомалада бўлган икки сольдолик кумуш тангаларга олтин суви юритишни буюрди ва хасиснинг хотини билан (гарчи аёл қаттиқ қаршилик билдирган бўлса ҳам) бир кечани бирга ўтказиб, эвазига унинг эрига ўша тангаларни тутқазди. Кейинчалик аблаҳ эрнинг чув тушгани бутун шаҳарга овоза бўлиб, у ҳаммага майна бўлди, илло, епископ доно одам бўлганлигидан ўзини бу шармандаликдан беҳабардай тута бошлади. Епископ билан мирохўр тез-тез учрашиб туришарди, мана, улар Иоани Пешво байрами кунини от миннишиб ёнма-ён, пойга ўтказиладиган кўчадан ўтиб боришаётган эди, шунда бирдан епископнинг кўзи хонимлар орасида турган бир ёшгина жувонга тушди. — бу мессер Алессно Винуччининг холаваччаси монна Нонна де Пульчи эди. — уни ҳаммангиз ҳам яхши танисангиз керак — ҳозирги вабо хазон қилди шўрликни. Эндигина Порт Сан Пьерога турмушга чиққан мана шу тароватли ва навниҳол, фаросатли ва тадбиркор жувонни епископ мирохўрга кўрсатди. Сўнг жувон тепасига яқин бориб, қўлини мирохўр елкасига қўйганча деди: «Қалай, Нонна? Эплай оласанми буни?»

Нонна, бу сўзлар уни бадном этажagini ва эшитганлар кўз олдига — ундайлар анча-мунча эди — ўзининг бадном бўлиб қолаётганини пайқадую, бу туҳматни бартараф қилиш учун эмас, балки фақат зарбага зарба билан жавоб қайтариш мақсадида дарҳол шундай жавоб қилди: «Ҳазрати бузрук! — деди у. — Бу йигитингизку, мени эплай олмаслиги мумкин, илло, мен учун муҳими бошқа нарса: тангалар қалбаки бўлмаслиги керак».

Мирохўр ҳам, епископ ҳам аёлнинг нимага қочириқ қилаётганини тушунишди: мирохўр епископнинг жиян набирасига нисбатан ноинсофлик қилган, епископ эса — акасининг набираси бадном этилганига лоқайд қараган эди; алқисса, икковлари ҳам бир-бир-

ларининг кўзига қарашга ботинолмай қолдилар; икковлари ҳам жувонга жавобан чурқ этиб оғиз оча олмай, лол бўлиб қолдилар ва бир-бирларидан ажрашиб, икки томонга жўнаб кетдилар. Шундай қилиб, ёш жувонни аввалига ўзлари қоғиб олган бўлганлари учун жувон ҳам уларни ҳазил аралаш чақиб олган эканким, бунинг ҳеч хижолатли ери йўқ, албатта.

4

Куррадо Жанфильяццининг ошпази Кикибио, жон сақлаш мақсадида, хўжасининг таҳдидига шундай ўринли жавоб ўйлаб топадики, бу билан хўноб бўлиб турган Куррадонинг чеҳрасини очишга ва айни пайтда, хўжайини унинг бошига солмоқчи бўлган оғир савдодан қутулиб қолишга муяссар бўлади

Лауретта сўзлаб бўлгач, ҳамма Ноннага таҳсинлар ўқиди, ундан кейин қиролича ҳикоя қилиш навбатини Нейфилага берди ва у шундай ҳикоя қила бошлади:

— Илтифотли хонимлар! Одамлар наинки ўз идроки, зийраклиги туфайли, балки тасодифий ҳол сабаб бўлиб ҳам, уларнинг тилларига дабдурустдан ғоятда ўткир ва ўринли жавоб келиб қоладикки, баъзи пайтларда бундай тасодиф тортинчоқ одамларга ёрдамга келиб, икки дунёда ҳам хаёлларига келмайдиган ниҳоятда доно жавобларни солиб қўяди. Мен мана шундай тасодиф тўғрисида ҳикоя қилмоқчиман.

Ҳаммаларингиз ҳам бизнинг муҳтарам ҳамшаҳаримиз Куррадо Жанфильяццини билсангиз керак, билмасангиз, доврўғини эшитган бўлишингиз керакки, у саховатли, қўли очиқ одам бўлиб, сердабаба ҳаёт кечирар, итлар ва лочинлар билан ов қилишни яхши кўрар, аммо бу эрмаклари унинг муҳим аҳамиятга молик бўлган ишлар билан шуғулланишига халал бермасди. Кунларнинг бирида Перетола яқинида унинг лочини бир турнани тутиб олди ва Куррадо турнанинг ҳали жўжа ва семиз эканлигини кўриб, уни ўзининг Кикибио исмли венециялик моҳир ошпазига юбораркан, яхшилаб қовуриб, кечлик дастурхонга қўйсин, деб буюрди. Киқибно,— шуни эътироф этиш керакки, у ўта бевурд одам эди,— турнани тозалаб, товага қўйди-ю, бутун маҳоратини ишга солиб, уни қовура бошлади. Турна гўшти деярли етилиб, ошхонада қовурилаётган гўшт ҳиди ҳамма ёққа таралган пайтда, тасодифан бу ерга қўшни қишлоқлик Брунетта исмли нозанин аёл кириб қолди—у Кикибионинг ўйнаши эди,—аввалига қовурилган гўшт ҳиди димоғига кирган, кейин, гўштнинг ўзини ҳам кўрган аёл Кикибиога ноз-ишва қилиб, ундан турнанинг битта оёғини сўрай бошлади.

«Бермайман оёғини, донна Брунетта, бермайман турнанинг оёғини!» — деб Кикибио ўзининг оҳангдор шеvasида жавоб қилди аёлга.

Донна Брунеттанинг аччиғи чиқиб кетди ва: «Бермасанг, мен ҳам сенга қарамайман, худо шоҳид!»— деди бидирлаб.

Хуллас, икковлари ошхонани бошларига кўтариб жанжаллаша

бошладилар. Лекин Кикибио ахири ўз маъшуқасини ранжитмаслик учун турнанинг битта оёғини узиб берди.

Кечқурун Куррадо ва унинг меҳмонлари олдига қовурилган турна бир оёқсиз қўйилганда, Куррадо таажжубда қолиб, дарҳол Кикибионни чақиртирди ва ундан, турнанинг иккинчи оёғи қани, деб сўради. Венециялик алдоқчи, соҳибининг бу саволига бақрайиб туриб шундай жавоб қилди: «Тақсир! Ўзи ҳамма турналарнинг оёғи биттадан бўлади!»

Куррадонинг жаҳли чиқиб кетди. «Азбаройи шифо, қанақасига биттадан бўларкан?— деб бақирди у.— Нима, мен умримда турна кўрмаганманми?»

Кикибио бояғи гапида туриб олди: «Рост айтяпман, мессер! Агар хоҳласангиз тирик турналарда исботлайман гапимни».

Куррадо меҳмонлар олдида ошпази билан мунозара қилиб ўтиришга ор қилди ва унга фақат пўписа қилиб қўйди. «Сен тирик турналарда мен ҳеч қачон кўрмаган ва эшитмаган нарсани кўрсатмоқчи бўляпсан менга,— майли, бўлмаса, эртагаёқ кўрсат, ўшанда кўнглим таский топади. Борди-ю, кўрсатолмасанг — худо шоҳид,— сени шунақа дўппослатаманки, онадан туғилганингга ўла-ўлгунингча pushаймон бўлиб юрасан».

Ўша кунни кечқурун уларнинг даҳанаки жанги шу билан тугади, илло, Куррадо эрталаб уйқуни тарк этиб турганида, ҳамон ғазабдан тушмаганди,— билъакс: ўрнидан қаҳрга тўлиб турган эди: у, кун энди ғира-шира ёришиб келаётган пайтда туриб, отларни эгарлатди, Кикибиога қирчанги отга минишни буюрди ва икковлари ботқоқлик томон йўл олишди, у ерда тонг палласида доим турналар кўп бўларди. «Кеча, иккаламизнинг қайси биримиз ёлғон гапирганимизни ҳозир кўрамиз»,— деди Куррадо.

Ўлгудек қўрқиб кетган Кикибио хўжасининг ортидан отда лўкиллаб бораркан, пложини топса, ҳозир жон-жон деб жуфтакни ростлаб қолган бўларди, зеро, Куррадонинг ҳалиям жаҳлидан тушмаганини кўриб борарди, демакки, у қандай қилиб бўлмасин, фалокатга чап бериши керак, аммо қандай қилиб чап беришини ҳеч кўз олдига келтира олмасди. Айни пайтда, жуфтакни ҳам ростлай олмасди ва гоҳ олдинга, гоҳ орқасига, гоҳ икки ёнига олазarak бўлиб қараркан, кўзига тушган ҳар бир нарса унга икки оёқда турган турна бўлиб кўринарди.

Мана, улар ботқоқликка яқинлашдилар — қарасалар, кўл соҳилида ўнтача турна битта оёқда турипти — одатда турналар шу алфозда ухлашадди. Кикибио дарҳол Куррадога шу турналарни кўрсатди. «Мана, энди ўзингиз кўриб турибсиз, мессер, мен тўғри айтган эдим,— деди у,— турналарнинг оёғи битта экан-ку! Қаранг, ана туришипти!»

Куррадо турналарга қараб қўйиб бундай деди: «Шошмай тур! Ҳозир сенга уларнинг иккинчи оёғини кўрсатаман». Шундай дея, у турналар турган ерга пусиб яқинлашди-да: «Ҳой-ҳой!»— деб бор овози билан бир қичқирган эди, ҳамма турналар бараварига иккинчи оёқларини чиқаришди-ю, физиллаб югуриб бориб, учиб кетишди. Шундан кейин Куррадо Кикибиога қараб деди:

«Хўш, муттаҳам? Энди кўргандирсан турналарнинг оёғи икки-талигини?» Тамомила эсанкираб қолган Кикибионинг миясига шу чоғ тўсатдан бир аломат фикр келди. «Кўрдим, мессер,— деди у,— аммо-лекин сиз кеча «Ҳой-ҳой!»— деб қичқирганингиз йўқ эди-да,— гар қичқирган бўлганингиз-да, кечаги турна ҳам иккинчи оёғини чиқарган бўларди».

Бу жавоб Куррадога ғоятда мақул тушди, шу боисдан у баттар-роқ аччиқланиш ўрнига, хандон ташлаб кулиб юборди. «Гапинг тўғри, Кикибио,— деди у.— Эсиз, кеча ҳойҳойлашим керак экан».

Шундай қилиб, ҳозиржавоблик билан айтган антиқа жавоби туфайли Кикибионинг фалокати ариб, ўз соҳибни билан ярашиб олган экан.

5

Мужеллодан қайтиб келиётган мессер Форезе да Рабатта билан сураткач Жоттонинг қиёфалари ғоятда аянчли; шу боисдан улар ўз заковатларини кўз-кўз қилиб, бир-бирларининг устидан кулшади

Нейфиланинг ҳикояси ниҳоясига етиб, хонимлар Кикибионинг усталик билан жазодан қутулиб қолганига таҳсинлар ўқишгач, қироличанинг хоҳиши билан Панфило шундай ҳикоя қила бошлади:

— Муҳтарама хонимлар! Боягина бизга Пампинея ҳикоя қилганидек, толе маъбудаси Фортуна баъзида қалб фазилатларининг ғоятда ажиб бойликларини ғойибона машғулотлар билан ниқоблаганидек, табиат ҳам худди шу йўсинда, баъзан, ўзининг бирон-бир мўъжизавий туҳфасини ўта бадбашара одам жисмига жо қилган бўлади. Бу фикрим исботини қуйида номлари зикр этиладиган икки ҳамшаҳаримиз тимсолида кўришимиз мумкинким, мен айнан шулар ҳақида ҳикоя қилмоқчиман. Уларнинг бири — мессер Форезе да Рабатта, пак-пакана, бадбашара, юзи пачақ, бурни пучуқ зот бўлиб, Барончилар оиласидан энг хуноғи ҳам унга қарашдан ҳазар қилган бўларди, вале, айна пайтда, у қонунлар мажмуасини шу қадар пухта билардики, аҳли дониш уни адлия илмининг пири деб ҳисобларди. Иккинчи ҳамшаҳарларимизининг фамилияси Жотто бўлиб, у ўзининг беқиёс истеъдоди шарофати билан бутун борлиқнинг бунёдкори ва онаси бўлмиш табиат, мангу чарх уриб турувчи само остида ниманики яратган бўлса, ҳаммасини қалам, патқалам ва мўйқалам билан шундай ўхшатиб тасвирлар эдики, уни гўё тасвир эмас, балки ўша буюмнинг асли деб ўйларди кўрган киши, шу боисдан бўлса керак, у ижод этган расмларнинг кўпчилиги кишини чалғитиб қўярди: зеро, бу саҳви назар шу қадар кучли эдики, кишилар тасвирланган нарсаларни ҳақиқий деб қабул қилардилар. Бу инсон, аҳли дониш дидини топишдан кўра, аҳли жоҳил кўзини очиш мақсадида асар яратиб, асрлар давомида поймол этиб келинган чинакам санъатни қайта тиклади ва айнан

шу хизматлари учун унга Флоренциянинг кўрки ва ифтихори деган ном берса арзийди. Шунга қарамай, ўзини ниҳоят даражада камтар тутуши эса, беадад таҳсинга лойиқдир: гарчи у энг ҳассос санъаткор бўлса ҳам бундай унвондан қатъиян бош тортарди. Ва лекин, Жоттонинг теграсидаги истеъдодсиз рассомлар ённки унинг шоғирдлари бу юксак унвонга сазовор бўлиш учун қанча ҳалак бўлсалар ва ул муборак унвонни тамағирлик билан ўз номлари олдига қўйиб олишга қанча уринсалар, бу унвон зиёси Жоттонинг чеҳрасида шунча чароғон бўлиб акс этарди. Қисқаси, у буюк рассом эди, лекин унинг қадди-қомати ва афт-башараси мессер Форезеникидан асло қолишмасди. Ҳай, ҳикоямизга мурожаат қилайлик.

Мессер Форезенинг ҳам, Жоттонинг ҳам Мужеллода мулклари бор эди. Суд маҳкамалари ёпиқ бўладиган ёз ойда мессер Форезе қаровсиз қолган мулкни бир кўздан кечириб мақсадида Мужеллога борди, сўнг ижарага олинган қирчанғи отни миниб шаҳарга қайтаётганида, йўлда орқасидан Жотто етиб олди — у ҳам ўз мулкни кўздан кечиргани борган ва энди Флоренцияга қайтаётган эди. Унинг ҳам қирчанғи оти ва отининг абзаллари худди мессер Форезеникидек ғарибона эди, шу тарзда икки қария ҳамроҳ бўлишиб бамайлихотир кетавердилар. Лекин бир маҳал ёз пайтида бўлиб турганидек, тўсатдан ёмғир шаррос қуйиб юборди-ю, икки ҳамроҳ ёмғирдан қочишиб, шу ўртада истиқомат қилувчи ўзларига таниш ва қадрдон дўст бўлган бир қишлоқиникига кириб паноҳ топдилар. Лекин ҳавонинг авзойидан ёмғир ҳали-бери тинмайди-ганга ўхшайди. Форезе билан Жотто эса, Флоренцияга қош қораймасдан кириб боришни истардилар, шу боисдан, улар уй эгасидан, бизга вақтинчаликка плаш билан шляпа бериб турсанг, деб илтимос қилдилар; уй эгаси уларга Романья аҳли киядиган иккита жулдур плаш билан тузукроғи бўлмагани учун яккита илма-тешик шляпа олиб чиқиб берди, шундан кейин ҳамроҳлар яна йўлга равона бўлдилар.

Улар ёмғирдан бутун аъзойи баданлари жикқа ҳўл бўлиб мударом от туёқлари остидан сачраётган лойдан бутун уст-бошлари ва афт-башаралари бежалиб, узоқ вақтгача йўлда чурқ этмай кетавердилару, лекин бора-бора яна гапга тушиб кетдилар, боз устига, осмон ҳам ҳийла ёриша бошлаган эди. Мессер Форезе Жоттонинг гапларини диққат билан тингларкан (зеро, у жуда гапдон одам эди), айни пайда уни, гоҳ ёнидан, гоҳ олдидан, гоҳ орқасидан — хуллас, уни бошдан-оёқ роса кузатди; уни кузатишга кузатди-ю, аммо ўзининг қай қиёфада эканлигига эътибор бермади, Жотто ниҳоятда аянчли, ғарибона қиёфада бўлганлигидан мессер Форезе беихтиёр хахолаб кулиб юборди. «Айт-чи, Жотто,— деди у,— ҳозир сени умрида ҳеч кўрмаган бир одам бизга дуч келиб қолгудек бўлса,— нима деб ўйлайсан: У сенинг жаҳонда тенги йўқ рассом эканлигинга ишонармиди?»

Жотто ҳамроҳининг саволига бундай жавоб қилди: «Менимча, ишонарди, мессер, агарда у одам сизга қараб туриб, китобни баъур ҳижжалаб ўқишингизга ишонгудек бўлса».

Шунда мессер Форезе ўзининг бемулоҳаза иш тутганини эътироф этиб, қилмиш-қидирмиш деган гапнинг тўғрилигига имон келтирган экан.

6

Микеле Скальца ёш-яланглар билан битта зиёфатдан гаров ўйнаб, Барончиларни наинки бутун дунёда, ҳаттоки денгизнинг бутун соҳилида энг машҳур кишилар, деб айтади ва гаровда ютиб чиқади

Хонимлар Жоттонинг топқирлик билан айтган ғоятда ажиб жавобидан узоқ кулишди; ниҳоят қиролича Фьяметтага юзланди ва у шундай ҳикоя қила бошлади:

— Навниҳол хонимлар! Эҳтимолки, сизлар Барончиларни, ҳали бу ерда уларнинг номини тилга олган Панфилочалик яхши билмассизлар, илло, менга унинг ҳикояси, Барончилар авлодининг нақадар асл зотлиги ҳақида бўлган бир баҳсни эслатди,— бу хотира бугунги суҳбатимизга бевосита алоқадор бўлгани учун уни сизларга ҳикоя қилиб бермоқчиман.

Бизнинг шахримизда бир вақтлар Микеле Скальца исмли навқирон бир йигит яшарди, у шундай жонон, шундай ҳазилвон йигит эдики, бунақаси дунёга ҳеч келмаган эди, унинг бисотида энг ғайри табиий ҳикоялар доим топиларди,— мана шу сабабдан Флоренция йигитлари у билан улфатчилик қилишга интилардилар. Кунларнинг бирда у ўз улфатларидан айримлари билан Монтугига борди, ана ўша ерда улар: Флоренцияда энг шавкатли ва энг қадимги авлодга мансуб бўлганлар кимлар, деб баҳслашиб қолишди. Бировлар Убертилар номини айтса, бошқалар — Ламбертиларни айтишарди, лекин ҳар ким ўз фикрида қаттиқ туриб олган эди.

Скальца уларнинг баҳсини эшитиб бўлиб кулиб юборди. «Вой тентаклар-е!— деди у.— Нима деб валдираяпсизлар ўзи? Бутун дунёгина эмас, ҳаттоки бутун соҳил бўйида ҳам энг шавкатли ва энг қадимги авлод — Барончилар авлодидир, барча афкор омманинг ва у авлодни худди мендек яхши билганларнинг фикрлари ҳам айнан шундай, англашилмовчилик содир бўлмаслиги учун сизларга фикримни аниқроқ тушунтиришим керакки, мен ўз қўшиларимни — Санта Мария Мажоре яқинида истиқомат қилувчи ўша Барончиларни назарда тутяпман».

Скальцаниннг бу сўзлари йигитлар учун мутлақо кутилмаган ҳол эди, шу сабабли ундан кула бошладилар. «Нима сен бизни майна қилмоқчимсан?— дедилар.— Биз Барончилар авлодини сендан яхшироқ биламиз».

«Майна қилишни хаёлимга ҳам келтирганим йўқ, инжил урсин,— деб онт ичди Скальца,— мен рост айтяпман, агар орангизда биронта мард топилса, у билан битта зиёфатдан баҳс бойлашим мумкин — фақат шарт шуки, ютқизган ютган одам билан яна унинг олти нафар оғайнисини зиёфат қилади, агар шу шартга рози бўлсанглар, мен ўзим учун энг ноқулай шартга ҳам рози бўлиб, бажо-

ну дил бахс бойлашаман: баҳсимизга орангиздан хоҳлаган кишингиз ҳакамлик қилиши мумкин».

Шунда Нери Маннини исмли бир йигитча отилиб чиқиб: «Мен бахс бойлашаман ва аминманки, албатта ютиб чиқаман»,— деди. Шундан кейин баҳслашувчилар ўзлари меҳмон бўлиб ўтирган хонадоннинг соҳиби Пьеро ди Фьорентинони ҳакамликка сайлашдида, ўз ниятларини унга хабар қилиш учун унинг хонасига йўл олишди, қолган ҳамма йигитлар ҳам уларга эргашишди — Скальцанинг гаровда қандай ютқазинини ҳамма кўргиси келар ва уни мазах қилиб кулмоқчи эди.

Пьеро фаҳм-фаросатли йигит эди; у аввал Нерининг далилларини эшитди, ундан кейин Скальцага юзланиб, сўради: «Хўш, сен ўзингнинг ҳақлигингни нима билан исботлайсан?»

— «Нима билан?»— дея такрорлади Скальца.— Менда шундай бир салмоқдор далил борки, уни айтсам, нафақат сен, ҳатто мен билан бахс бойлашган манави Нери ҳам гапимнинг тўғри эканлигини эътироф этади. Маълумки, авлод қанчалик қадимги бўлса, у шунчалик шавкатли бўлади — бунга ҳаммангиз қўшилмасиз, албатта. Барончилар авлоди ҳамма авлодлардан кўҳнароқ, демакки, у энг шавкатли авлоддир. Бинобарин, агар мен уларнинг энг қадимги авлод намояндаси эканлигини исботласам, ютиб чиқаман. Сизларга аён бўлсинки, парвардигор сураткашликни тетапоя ўргана бошлаган пайтдаёқ Барончиларни яратган, ҳолбуки, бошқа одамларни сураткашлик маҳоратини мукаммал эгаллагандан сўнг яратган. Агарда гапимнинг ҳақлигига ишонмоқчи бўлсанглар, Барончиларни кўрингу бошқа одамларни кўринг: ҳамма одамлар — бинойндай одам башара, қош-кўзлари, юз тузилишлари жойида, лекин Барончиларга назар ташласангиз: биттаси гувалаюз, биттаси бодрингюз, бошқа бири — товоқюз, бирининг бурни иягига тушади, бошқасиники фақат тугмачадай, бирининг ияги худди қармоққа ўхшаб қайрилиб чиққан, чакаклари эса, эшакникидан қолишмайди, улар орасида бир кўзи иккинчисидан каттароқ бўлганлар ҳам, бир кўзи иккинчисидан пастроқ бўлганлар ҳам борки, улар эндигина расм чизишни ўргана бошлаган болаларнинг расмларидаги башараларга ўхшаб кетишади. Бундан шундай хулоса чиқади: боя айтганимдай, парвардигор Барончиларни сураткашликни энди машқ қила бошлаган пайтида яратган, демакки, уларнинг авлоди энг қадимги, бинобарин, энг шавкатли авлоддир».

Ушбу баҳсга ҳакамлик қилган Пьеро ҳам, Скальца билан битта зиёфатдан гаров ўйнаган Нери ҳам, унинг бундай аломат мулоҳазасини эшитиб, хахолаб кулиб юборишди ва Скальцани ҳақ деб топнишиб, гаровда ютиб чиққанини эътироф этишди. шу билан бирга, Барончилар авлоди, дарҳақиқат, нафақат бутун Флоренцияда, балки бутун дунёда ва ҳаттоки бутун соҳил бўйлаб, энг машҳур ва энг қадимги авлод, деб тан олишди.

Мана шунинг учун ҳам Панфило ўз ҳикоясида мессер Форезининг нақадар бадбашара эканлигини бизга тўла тасвирлаб бериш учун Барончилар авлодидаги энг тасқара одам ҳам унга қарашдан ҳазар қилади, деб айтишга тўла ҳақли эди.

Донна Филиппа ўйнаши билан ётганда, эри устидан чиқиб қолади; суд пайтида аёл, сўроқларга тadbиркор ва фиросатли жавоб қайтариб, ўзини жазодан қутқариб қолади ва суд қонунини ўзгартириш зарурлигига важ топиб беради

Фьяметта ҳикоясини айтиб бўлди, лекин жамоа, Барончилар насабининг энг шавкатли насаб эканлиги тўғрисида Скальца келтирган антиқа далилдан ҳамон қотиб-қотиб куларди; ниҳоят қиролчиа Филостраттога навбат берди ва у шундай ҳикоя қила бошлади:

— Шоиста хонимлар! Ҳар қандай вазиятда ҳам гапга чечанлик хислати ғоятда таҳсинга лойиқдир, илло, менимча, зарурат туғилган ерда чечанликни намоён қила билиш нур устига аёло нур ҳисобланади. Мен сизларга ҳикоя қилмоқчи бўлганим бир хоним мана шу маҳоратни ниҳоятда пухта ўзлаштирган эди: у, ўз нутқини тинглаганлар лабидан шўх кулги ҳосил қилиш билан бирга, айни пайтда, ҳозир ўзингиз билиб оласиз, ўзини шармандайи қатлдан халос этиб қолган эди.

Бир вақтлар Прато шаҳрида зино қилганини ва шунингдек, пулга сотилганини эрлари фош этган хотинларни ҳеч қандай истисносиз, гулханда ёқишга ҳукм қиладиган ниҳоятда бешафқат ва бешарм қонун мавжуд эди. Мана шу қонун ҳали ўз кучини йўқотмаган пайтда, кунлардан бир кун донна Филиппа исмли номдор, соҳибжамол ва бутун вужуди муҳаббат алангасида ёнаётган бир хонимни тунда ўз бўлмасида шу шаҳар фуқароси бўлмиш Ладзарино де Гваццальотри исмли аслзода ва ўктам йигит қучоғида ётганини эри Ринальдо де Пульези кўриб қолади; шуни айтиб ўтиш керакки, донна Филиппа йигитни жонидан ортиқ севар, йигит ҳам унга ошиқи беқарор эди. Ринальдо жаҳл устида уларга ташланишдан ўзини зўрга тийиб қолади, агар жавобгарликдан қўрқмаганида, инқовиниям тўшакда ётган ерида гумдон қилган бўларди — ҳа, унинг ғазаби шу даража қайнаб кетган эди. У қотиллик қилишдан ўзини тийди, ammo кейин Прато шаҳри қонунига суянган ҳолда, ўзи қўл уришга ҳақи бўлмаган нарсани, яъни хотинини қатл этишларини талаб қилишдан ўзини туюлмади. Унинг қўлида инкор этиб бўлмайдиган далиллар мавжуд эди, шунинг учун у тонг отишини кутди-ю, у ёғига ўйлаб-нетиб ўтирмай, хотини устидан шикоят қилиб судга арзнома ёзиб, уни судга чақиртирди. Донна Филиппа ҳамма ошиқ жувонлар сингари довжорак аёл эди, хешлари ва таниш-билишлари уни судга боришдан бош тортишга қанча уринишмасин, у, барибир, боришга аҳд қилди, — у судга бормаганлиги учун ўзининг бадарға қилинишидан ва ўтган тунни ўзи билан қучоқлашиб ўтказган маҳбубига номуносиб бўлишдан, яъни қўрқоқлик қилиб қочгандан кўра, бутун ҳақиқатни судда ошкора айтиб, мардона ҳалок бўлишни афзал кўрган эди. У, бир тўда эркак ва аёллар кузатувида (дарвоқе, улар то маҳкамага етиб бор-

гунча, ҳеч нимани бўйнингга олма, деб хонимга гап уқтириб бордилар) шаҳар ҳокими қошида пайдо бўлди ва унинг кўзларига дадил тикилганча, қатъий оҳангда, мендан нима истайдилар, деб сўради. Шаҳар ҳокими бу аёлнинг нақадар сулувлигига ва ўзини ғоятда дадил тутишига эътибор берди, аёлнинг гапириш оҳангиданоқ унинг мардоналиги сезилиб турарди; ҳокимнинг аёлга раҳми келди; буям бир баҳарнави эди-я, у хонимнинг бирон гуноҳга иқрор бўлиб қўйишидан чўчий бошлади, чунки агар у айбига иқрор бўлса, ҳоким ўз бурчига содиқ инсон сифатида, уни ўлим жазосига маҳкум этишга мажбур бўларди.

Ҳолбуки, ҳоким бу аёлга қўйилган айб юзасидан уни сўроқ қилишга мажбур эди. «Муҳтарам хоним!— деб гап бошлади у.— Узингизга аёнки, эрингиз Ринальдо устингиздан шикоят ёзган, у ўзининг шикоятда таъкидлашича, сизни бегона эркак билан зиногарлик қилаётганингиз устидан чиққан ва шу далилга асосланиб, биздаги мавжуд қонунга амал қилган ҳолда, сизни ўлимга маҳкум этишимни талаб қилмоқда ва лекин мен, агар сиз бўйингизга қўйилган гуноҳни инкор этгудек бўлсангиз, устингиздан ҳукм чиқара олмайман. Қисқаси, жавоб беришдан олдин яхшилаб ўйланг, ана ундан кейин айтнинг: эрингиз сизга тўғри айб қўйганми ё айтганлари бўҳтонми?»

Донна Филиппа зигирча ҳам хижолат тортмади. «Мессер!— деб қувноқ оҳангда гап бошлади у.— Ринальдонинг — менинг эрим эканлигиниям, бугун тунда мени Ладзаринонинг қучоғида кўрганиям,— ҳаммаси мутлақо тўғри, мен буни инкор қилишни хаёлимга ҳам келтирганим йўқ,— маълумингиз учун мен Ладзаринонинг қучоғида бундан олдин ҳам жуда кўп маротаба ётганман, зеро, мен уни жон-дилимдан оташ қалб билан севаман, бироқ сизга шу нарса албатта маълум бўлиши керакки, давлат қонунлари, албатта барчага бир хилда жорий қилиниши ва моддалари кимга тегишли бўлса, ўшаларнинг розилиги билан таъсис этилиши керак. Ваҳоланки, мавжуд қонун ўша талабларга тўла жавоб бера олмайди: у фақат шўрпешона аёлларнинг очилиб-сочилиб яшашига имкон бермайди, ҳолбуки, аёллар кўпчилик эркакларни қониқтириши мумкин, аммо эркаклар бу борада аёллардан жуда орқада қолишади. Бундан ташқари, бу қонун жорий қилинишдан олдин аёллар муҳокамасига қўйилмаган, уларнинг розилиги олинмаган,— мана шу сабабли, бу қонунни бадкор қонун деб аташ мумкин, холос. Албатта, сиз мана шу қонун бўйича мени ўлимга маҳкум этишингиз, шу билан бирга ўз виждонингизга ҳам завол етказишингиз мумкин — бу сизнинг ихтиёрингиздаги иш, аммо устимдан бирон ҳукм чиқаришингиздан олдин менга хиёлгина мурувват қилсангизу эримдан сўрасангиз: бирон марта бўлсин, мен у сўраган нарсани беришдан баш тортганмикинман, ҳар гал унинг илтимосини бажарган пайтларимда, бутун вужудим билан унинг айтганларига унамаган пайтларим бўлганмикин, боз устига, у неча маротаба хоҳлаган бўлса, уни шунча маротаба рози қилганмикинман ё йўқми?» Бу гапни эшитган Ринальдо, шаҳар ҳокимининг савол беришини кутиб ўтирмай, шоша-пиша хотиним, дарҳақиқат, менинг

барча истакларимни сўзсиз бажариб келган, деб баён қилди. «Бас, шундай экан,— деб яна гапни илиб кетди донна Филиппа,— сиздан бир нарсани сўрашга ижозат беринг, жаноб шаҳар ҳокими: модомики, эрим мендан кўнгли тусаган ва хоҳлаган ҳамма нарсасини олиб келган экан, унда ўзимда қолган ортиқчасини нима қилишим керак? Итларга ташлашим керакми? Ахир бунақада, у қадрини йўқотиши, бузилиб қолиши мумкин-ку, ундан кўра, мени жонидан ортиқ севувчи аслзода йигитга тортиқ қилганим мақбул эмасми?»

Бундайин сержозиба, бундайин маълума аёлнинг иши кўрилатган суд маҳкамасига қарийб бутун Прато аҳли йиғилган эди; ҳамма одамлар унинг аломат жавобини эшитиб, хахолаб юборишди, роса мириқиб кулишиб олишгач эса, ҳаммалари бир овоздан, хотиннинг гапи тўғри, жуда оқилона фикр айтди, деб қичқирди. Шаҳар аҳли уй-уйига тарқалишдан олдин, шаҳар ҳокимининг рабати билан суд қонунига тузатиш киритишди: энди, бундан буён у қонунни фақат пул эвазига эрига бевафолик қилган аёлларгагина қўллаш мумкин эди. Шу вазиятга кўра, бемулоҳаза иш тутгани учун омади юришмаган Ринальдо, қаттиқ хижолатга тушиб, маҳкамани тарк этди, лекин унинг оқланган хотини, уйига шодиёна ва ролибона қиёфада қайтган экан.

8

Фреско ўз жиянига, агар бадбашара одамларга қарашдан кўнглинг айни-са, унда кўзуга қарама, деб маслаҳат беради

Филостратонинг ҳикояси аввалига хонимларни бир оз хижолатга солдики, уларнинг юзларига югурган қизиллик бундан далолат берарди; бироқ улар хандон ташлаб кулиб юборишдан ўзларини зўрға тийганча, бир-бирларига кўз қирларини ташлашиб, пиқиллаб кулишиб, ҳикояни бир амаллаб охиригача эшитишди. Филострато ҳикоясини айтиб бўлгач, қиролича ҳикояхонлик навбатини Эмилияга берди ва Эмилия гўё эндигина уйқудан кўзини очган одамдай чуқур тин олиб, бундай тарзда ҳикоя бошлади:

— Азиза ва лазиза дугоналар! Мен ўйга толиб, хаёлот қанотида бу ердан жуда олисга ва анча муддатга кетиб қолибман, шу боисдан, қироличамизнинг амрларини бажо айлайману, лекин назаримда, айтмоқчи бўлаётган ҳикоям, бутун қалбим билан қошингизда бўлган пайтимдаги ҳикояларимдан анча қисқа бўладиганга ўхшайди, мен сизларга бир оймқизнинг овсарлиги, тоғаси ҳазил-мутойнба билан унинг эсини киритмоқчи бўлгани ва лекин қизнинг, бу ҳазилни тушунишга фаросати етмагани ҳақида ҳикоя қилиб бермоқчиман.

Хуллас, Фреско да Челатико исмли бир кишининг жияни бор

эди, уни ҳамма эркалатиб — Ческа деб чақирарди ва гарчи у чиройли ва сарвқад қиз бўлса ҳам уни асло паричеҳра деб атаб бўлмасди,— бунақалар, ҳозир тез-тез учраб туради,— лекин у ўзи тўғрисида жуда баланд фикрда эди, ўзини кўп ўйларди-ю, аммо барча эркак ва аёлларни ҳамда бошқа ниманки нарсага кўзи тушса, ҳаммасини ёмонлашни одат қилиб олган эди, фақат ўз шахсияти тўғрисида лом-ним деб офиз очмасди, ваҳоланки, ёқимсизликда, суллоҳликда ва овсарликда унга тенг келадигани бутун дунёда йўқ эди, шу билан бирга, ҳеч нима қилиб унинг кўнглини топиб бўлмасди. Бундан ташқари, Франция қироли авлодидан бўлган улуг зотлар ҳам бу қизчалик димоғдор эмас эдилар. У кўчага чиққанида, йирганиб юрар ва гўё ҳамма ўтган-кетгандан бадбўй ҳид келаётгандай афтини бужмайтирарди. Мен бу ерда унинг барча қабиҳона ва разилона қилиқлари ҳақида гапириб ўтирмайман — фақат бир нарса тўғрисида ҳикоя қиламан: кунларнинг бирида у қиз уйга қайтиб келиб, тоғасининг ёнига ўтирибди-да, иккун тантиқлик қилиб тўнғиллайверибди. Ахири Фресконинг сабри чидамай жиянидан сўрабди: «Тинчликми ўзи, Ческа? Бугун байрамку, нега бир зумда уйга қайтдинг?»

Бу саволга қиз ниҳоят даражада совуқ карашма қилиб бундай жавоб қилибди: «Гапингиз рост, дарров қайтиб келдим, лекин мен шахримизнинг эркакларини аёлларини бунчалик қабиҳ ва разил деб ўйламаган эдим. Ёнимдан ўтган ҳар бир одам тасқаранинг ўзи, мен бўлсам ярамас одамларга қарай олмайман, қарасам кўнглим айниди! Шунинг учун дарров қайтиб келдим».

Фреско жиянининг бу жирканч хурмача қилиқларидан безор бўлган эди, шунинг учун у бундай деди: «Агар тасаддуқ, ярамас одамлар жудаям меъданга теккан бўлса, унда ўз кайфиятингни бузмаслик учун ҳеч қачон кўзгуга қарама». Аммо қиз, гарчи ўзини Лукмони ҳақимдек донишманд деб билса ҳам аслида, сал эсган шамолга майишиб кетувчи бир новда эдиким, Фресконинг ҳазилини, жуда борса, бир эшакчалик тушуниб, кўзгуга бошқалардан кўпроқ қарасам қарайману, аммо кам қарамайман, деб айтди. У илгари қандай овсар бўлган бўлса, ўшондоқлигича қолган эди.

9

Гвидо Кавальканти, уни мот қилишга уринган флоренциялик аслодаларни пардаланган беозор ҳазил сўз билан ҳақоратлайди

Қиролича, Эмилиянинг ўз бурчини ўтаб бўлганини ва охириги бўлиб ҳикоя қилиш ҳуқуқини олган одамни истисно қилганда, ўзидан бошқа ҳамма гапириб бўлганини кўриб, шундай ҳикоя қилишга киришди:

— Мафтункор хонимлар! Бугун сиз ҳикоя қилган қиссалардан,

йўқ деганда, иккитасини мен сизларга сўзлаб бермоқчи эдим, лекин бисотимда яна битта асраб қўйган қиссам бор, унинг ниҳоясида айтилган сўзлар ғоятда теран маънолики, мен ҳали ҳеч қачон бундай бамаъни гапни эшитмаганман.

Алқисса, сизлар билишингиз керак, бир замонлар бизнинг шаҳримиз ўзининг жуда ажойиб ва таҳсинга лойиқ расм-таомиллари билан довруқ қозонган эди, лекин ўша ибратли таомиллардан биронтаси ҳам ҳозир сақланиб қолмаган, бунга сабаб пулга ружу қўйишдан бўлак нарса эмасдирким, одамлар бойиган сари, бу иллат ҳам тобора ривож топа бошлади ва оқибат эски урф-одатларга буткул завол етказди. Ўша расм-таомиллар орасида шаҳримизда «гап ейиш»га ўхшаш шундай бир одат бор эди: бир-бирларига қўшни бўлиб яшовчи аслзода флоренцияликлар ҳамжиҳат бўлишиб, жамоа тузишар, бу жамоага маълум миқдорда одам аъзо қилиниб олинарди, аъзо бўлганлар жамоа учун ақчасини аямайдиган кишилар бўлиши ва жорий қилинган низомга биноан, бугун биттаси, эртага иккинчиси, хуллас, ҳамма аъзолар навбатма-навбат ўзлари учун тайинланган кунда — бутун жамоа аъзоларини ўз уйларига зиёфатга таклиф қилиши шарт эди, шу билан бирга, улар аксари пайтларда хорижий аслзодаларни, шунингдек, бошқа шаҳарлик кишиларни ҳам зиёфатга таклиф этардилар. Бундан ташқари, жамоа аъзоларининг барчаси йилда бир марта бир хилда ясаиниб кийинишар, улуғ айём кунларида, шаҳар кўчаларида биргаликда отда сайр қилишар, вақти-вақти билан, асосан катта ҳайит пайтларида ёки ғалабадан ёинки шунга ўхшаш бирон воқеадан дарак берувчи хушхабарлар олинган пайтларда пойга мусобақаси уюштирардилар. Шундай жамоалардан бири мессер Бетто Брунеллескининг жамоаси бўлиб, унинг ўзи ҳам жамоа аъзолари ҳам, Кавальканте де Кавалькантининг ўғли Гвидони ўз давраларига жалб қилишга уриниб ётардилар, илло, уларнинг бу уринишлари бежиз эмас эди: Гвидо жуда ўткир мантиқдон ва машҳур табиат файласуфи¹ эди, аммо унинг айнан шу хислатларини жамоа аъзолари унчалик қадрламасдилар,— билъакс, Гвидонинг дилбар йиғит эканлиги, сўзамол, диёнатли эканлиги уларни ўзига ром қилган эди, у қай ишга қўл урмасин,— вале у фақат диёнатли одамга хос ишларгагина қўл урарди,— ҳамма ишни ҳам аъло даражада бажарарди; бунга илова ўлароқ, у бениҳоя давлатманд эди, ўзи учун ҳурматли бўлган одамларни у шундай эъозлардики, буни таърифлашга тил ожизлик қилади. Шунга қарамай, мессер Бетто барибир ўз ниятига ета олмади; етолмаганининг боиси, унинг ўз шахсий фикри ва шунингдек, шерикларининг фикрича, Гвидонинг ўз ҳаёлларига ғарқ бўлиб ёлғиз юришни яхши кўргани, яъни одамови бўлиб юриши эди. Гвидо маълум даражада эпикурчилар²

¹ Табиат фани ҳали фалсафадан ажралмаган пайтларда, табиатни ўрганиш билан шуғулланган идеалистик фалсафий таълимот намояндаси. (Тарж.)

² Қадимги грек файласуфи Эпикурнинг динга қарши қаратилган материалистик таълимоти намояндалари. (Тарж.)

мухлиси бўлганлиги туфайли, авом халқ, унинг одамовилиги ҳақида, паққос худонинг йўқлигини исбот қилиш устида фикр юритса керак бу одам, деб ўйларди.

Кунлардан бир кун у Корсо дельн Адимаридаги Орто Сан Микеледан чиқиб, Сан Жованни томонга қараб йўл олди,— у мудом шу йўлдан юрарди,— ўша маҳалларда Сан Жованни атрофида мрамрдан тикланган маҳобатли ва бошқа ҳар хил даҳмалар жуда кўп бўларди,— энди бўлса, улар Санта Репаратага жойлашган,— хуллас, бу ерда порфир устунлар ҳам, ўша даҳмалар ҳам, Сан Жованнининг берк эшикларини ҳам муҳайё эди, шу пайт Санта Репарата майдонидан мессер Бетто ўз ошналарини билан от устида ўтиб кета бошладилар; улар даҳмалар орасида айланиб юрган Гвидони кўриб қолишиб, бир-бирларига шундай дедилар: «Келинлар, бир жигига тегамиз!» Гвидо атрофидаги воқеалардан гофил бўлиб, кетиб борарди, отлиқлар эса, отларини жадаллатиб, уни нақ босиб олмоқчи бўлгандай тепасига от қўйиб бориб, унга етганда отларини тўхтатдилар ва гап қотдилар: «Гвидо! Сен биз билан муфатчилик қилишдан ёлғизликни афзал кўраркансан. Лекин сен худонинг йўқлигини исбот этган тақдирингда ҳам ундан сенга нима наф тегади?»

Гвидо ўзининг чор атрофдан қуршаб олинганини кўриб; шартта: «Синьорлар! Сиз ўз уйингизда менга ҳар қандай гапни айтишга ҳақингиз бор»,— деди-ю, қўлини шу ердаги дахма бошига қўйиб, гарчи у хийла баланд бўлса ҳам, устидан мисоли қушдай енгил сакраб, нариги томонга тушди ва ҳамсуҳбатлари етолмайдиган ерга ўтиб олгач, ўз йўлида кетаверди.

Отлиқлар аввалига ҳайрон бўлишиб бир-бирларига қарашди, кейин, Гвидо эсидан оғиб қолган бўлса керак,— унинг бу гапида ҳеч қандай маъни йўқ, деб гапира бошлашди; зеро, ҳозир улар турган ер на уларга ва на бирон-бир шаҳарликка қарашли эди,— қайтага бу ерга Гвидо кўпроқ даъво қилиши мумкин, деб айттишди. Ва лекин мессер Бетто уларга бундай деди: «Баски, Гвидо айтган гапларнинг маънисига тушунмабсиз, ўзларингиз эсингиздан оққансизлар: ахир у икки оғиз сўз билан назокатли ибораларда бизни ниҳоятда қаттиқ таҳқирлади-ку. У айтган сўзларининг маъзини чақинг, ўшанда ҳамма гапга тушунасиз: мана бу даҳмалар ўликларнинг уйлари, зеро бу ерга ўликлар жасади қўйилади ва улар шу даҳмаларда ётади; Гвидо эса, бизни, бошқа барча нодон ва нотавонлар сингари, унга ва бошқа аҳли маърифатга нисбатан — ўликдан ҳам бешбаттар деб ҳисоблаб, ушбу даҳмаларни бизнинг уйларимиз эканлигига шама қилди, демоқчики, биз бу ерда ўз уйимиздамиз».

Гвидонинг нима демоқчи бўлганини ниҳоят тушунган ҳамроҳлар бу гапдан қаттиқ хижолат тортишибди ва ўшандан кейин Гвидого ҳеч тегажаклик қилмайдиган бўлишибди, мессер Беттони эса, улар фаросатли ва идрокли одам деб эътироф этган эканлар.

Оғай Лука деҳқонларга сармлак Жаброилнинг патини кўрсатишни ваъда қилди, аммо пат солинган қутида пат ўрнида кўмир бўлаклари ётганини кўриб, қазжларига муқаддас Лаврентий мана шу кўмирнинг чўғида қовурилган эди, деб уқтиради

Жамоа аъзоларининг барчаси ўз навбатларини ўтаб бўлган эди; шунинг учун ҳикоя қилиш навбати энди ўзига келганини кўрган Дионео, илтимос қилишларини ҳам кутиб ўтирмай, ҳамон Гвидонинг ўткир сўзларини мақтаб гурунглашаётганларини жим бўлишга ундади-да, ўз ҳикоясини шундай бошлади:

— Бебаҳо хонимлар! Гарчи истаган мавзунмда ҳикоя қилиш имтиёзига эга бўлсам ҳам бугун сизларнинг гоятда ҳикматли ҳикояларингиз мавзундан четга чиқмоқчи эмасман, балки сизларга эргашиб, муқаддас Антоний жамиятига мансуб бўлган бир роҳибнинг икки ёш йигит томонидан қўйилган тузоқни ўз вақтида пайқаб қолиб, шармандалиқдан қутулиб қолгани ҳақида сўзлаб бермоқчиман. Уйлайманки, ҳикояни чала-чулпа қилиб гапирмаслик учун пича кўпроқ вақтингизни олсам, мендан хафа бўлмасизлар, — зеро, офтоб ҳали қиёмда, ана, қаранглар.

Эшитган бўлсангиз керак, бизнинг Валь д' Эльза вилоятимизда Чертальо қишлоғи бор, гарчи бу қишлоқ ўзи кичкинагина бўлса ҳам у ерда бир вақтлар аслзода ва бадавлат одамлар кўп ўтган. Муқаддас Антоний жамиятининг аъзоси бўлмиш Лука исмли роҳиб черковнинг анойи қавмларидан тушадиган садақаларни йиғиб олиб кетгани мана шу қишлоққа кўп йиллардан бери йилига бир мартадан келиб турарди, зеро, у бу қишлоқдан қачон ёғлиқроқ хайр-аҳсон тушишини олдиндан аниқ биларди; шуниси ҳам борки, оғай Лукани Чертальо аҳли ҳар сафар шод-хуррамлик билан қарши олардиким, бундай ҳолга наинки у ерликларнинг тақводор бўлишгани, балки роҳибнинг исми ҳам сабаб бўлган бўлса ажаб эмасдир, зеро, у ерларда унадиган пиёзнинг¹ овозаси бутун Тосканага таралган эди.

Оғай Лука малласоч, паканагина, жуда хушчақчақ, улфати киши эди. У ғирт оми бўлишига қарамай, халқ ўртасида тили гоятда ўткир ва ҳозиржавоб нотиқ деб донг таратган эди — билмаган одамлар уни буоқ ритор² деб янги замон Цицерони ёки Квинтилиани деб эътироф этишарди, биннобарин, у ҳамма билан дўст-иноқ эди.

Мана, у август кунларидан бирида, ўз одати бўйича, ўшам қишлоққа равона бўлди ва якшанба кuni эрталаб, шу қишлоқдаги черковнинг қавмлари бўлмиш теварак-атрофдаги қишлоқларнинг художўй эркагу аёл деҳқонлари бомдод намозига тўпланишганида, оғай Лука, кези келганда, минбарга чиқиб, қавмларига шундай сўзлар билан мурожаат қилди: «Эъзозли биродарлар ва син-

¹ Автор «Лука» исмининг «лук» (яъни пиёз) қисмига ишора қиляпти. (Тарж.)

² Ритор — қадимги Грецияда нотиқлик санъати ўқитувчиси. (Тарж.)

гиллар! Ўзларингизга яхши аёнким, қишлоғингизда хайрли бир одат мавжуд: сизлар ҳар йили муқаддас Антоний паноҳидаги ғарибу гураболарга баҳоли қудрат ўз ҳимматингиз ва парвардигорга бўлган ихлосингизга қараб, бировингиз дон, бировингиз нон билан ёрдам қиласиз,— зеро, ҳаммангиз ҳам масъуд Антонийнинг ҳўкизларингизу эшакларингиз, чўчка-ю, қўйларингизни ўз паноҳида асрашини истайсиз. Сизлар яна йил сайин қиладиган арзинмас ионангизни ҳам олиб келмоғингиз лозим,— бу айниқса, бизнинг жамоа мухлисларига кўпроқ тааллуқлидир. Хуллас, мана шуларни сизлардан йиғиб олмоқ учун соҳибим, яъни падари, бузрук, мени бу ёққа юбордилар. Шунга кўра, қиёмдан кейин соат тўртда, қўнғироқ садосини эшитганингиз ҳамоноқ, худонинг паноҳида, бу ерга, черковга келаверинглар, камина одат бўйича хутба ўқийман, ундан кейин, сизлар ҳоч ўпишга мушарраф бўлғайсиз. Бундан ташқари, паноҳимиз — муқаддас Антонийни иззат-эҳтиром қилганингиз учун сизларга шоён ҳиммат юзасидан, шахсан ўзим қадамжолардан олиб келган бағоят улғу ва ажиб, табаррук бир нимани, яъни — сармалак Жабронининг патини кўрсатурманким, бу патни у Назаретда¹, Биби Марьям кулбасига кириб, унга го-йибдан эзгу хабар олиб борганида тушириб қолдирган эди». Шу гапдан сўнг, у ибодатни давом эттирди.

Оғайй Лука юқорида баён этилган ваъз билан қавмларига юзланганида, ибодатга келган оломон орасида, тиқилинчда Жованни дель Брагоньера ва Бьяжо Пиццини исмли иккита ҳазилкаш йигит ҳам бор эди. Улар оғайй Лука билан ораларидан қил ҳам ўтмайдиган қалин ошна бўлишса ҳам, унинг табаррук пат ҳақидаги гапини эшитишиб, зимдан кулиб қўйишди-да, шу пат вазидан уни бир мазах қилмоқчи бўлишди. Улар сўраб-суриштириб, оғайй Луканинг бугун бир ошнасникида тушлик қилишини билишди ва айни пайтда уни дастурхон тепасида ўтирибди, деб фарз қилишиб, ўзлари оғайй Лука тушган мусофирхонага бордилар; аммо боришдан олдин шундай келишиб олдилар: Бьяжо оғайй Луканинг малайини гапга солиб турадиган, Жованни бўлса, бу пайт оғайй Луканинг буюмларини кавлаштириб, патни ўғирлайдиган бўлди,— икковларини ҳам роҳибнинг халойиққа нима баҳона қилишини билиш қизиқтирарди. Оғайй Луканинг малайини бировлар «Гуччо наҳанг», бошқалар «Гуччо иркит», яна бошқалар эса «Гуччо тўнғиз» деб юритишарди, у шу қадар овсар эдики, ҳаттоки Липпотопо ҳам унинг олдида бу борада ип эша олмасди. Оғайй Лука ўз малайи устидан кулишни яхши кўрар ва улфатлари даврасида унинг ҳақида бундай дерди: «Хизматкоримнинг бир эмас, тўққизта шундай хислати борки, агар улардан атиги биттагинаси Сулаймон подшода, Арастуа ёки Сенекуда бўлганида, шунинг ўзи уларнинг жамики савоб ишларини, ҳикматларини, тамиз-

¹ Назарет — Галилеядаги (Исо алайҳиссалом замонида «Шимолий Фаластиндаги вилоят номи) кичик бир қишлоқ номи. Исо пайғамбарнинг болалик йиллари шу ерда ўтган эмиш. Бу ернинг янги арабча номи Ан-Назирадир. (Тарж.)

иҗкларини бадном қилиб юбориш учун кифоя бўларди. Ана энди, сиз дёнати ҳам, ҳикмати ҳам, тамизи ҳам бўлмаган, лекин ўша тўққизта хислати бўлган одамни тасаввур қилиб кўринг!» У қандай хислатлар экан, деб савол беришганда оғайи Лука қофияли қилиб, бундай жавоб берарди: «Ҳозир айтаман: у ярамас, топса-тебранмас, маст-алас; у кажбаҳс, нокас, ифлос; у ялқов, анқов, меров. Унинг яна бошқа иллатлари ҳам бор — у, лекин мен уларни, яхшиси, тилга олмай қўя қолай. Ва лекин унинг бағоят аломат бир қилиғи бор: у қаерга борса, ўша ерда уйланмоқчи ва ҳамма ерда ҳовли сотиб олмоқчи бўлади. Унинг соқоли узун, тпмқора, сочмой суртилгандай ялтиллагани учун ўзини дунёда ягона кўркам йиғит деб ҳисоблайди ва жамки аёлларни ялписига ўзига ошуфта деб тасаввур қилади. Агар унга эрк берсанг, у чинданам дуч келган хотин орқасидан думини хода қилиб, шаталоқ отиб югуришдан чарчамаган бўларди. Лекин сизларга шунинг эътирофи этмоғим лозимки, унинг менга нафи кўп тегади: кимда-ким мен билан холи гаплашмоққа истак билдирса, у доим сергак бўлиб туради; пойнитар-сойнитар гапириб юборишимдан қўрқадди ва менга савол беришган заҳоти у ўз билганича, менинг ўрнимга «ҳа» ё «йўқ», деб жавоб қилади».

Оғайи Лука бугун уйдан чиқиб кета туриб, мана шу малайинга эҳтиёт бўл, тагин битта-яримта менинг буюмларимга, ҳаммаданам, — табаррук нарса солинган халтамга тегмасин, деб қаттиқ тайинлаган эди. Бироқ булбулни гўл ўзига қандай ром қилиб тортса, Гуччо исқиртни ошхона яна ҳам кучлироқ жазб қиларди; айниқса, у агар ошхонада оқсоч хотинни кўриб қолса, ўзини тўхтата олмасди, бунинг қарангки, айни шу маҳал у мусофирхона ошхонасида ўша «жонон»ни — исқирт, бесўнақай, калтабақай, бадбашара оқсочни кўкраклари нақ гўнг ташийдиган саватга, башараси худди Барончиларникига ўшаб кетадиган, қора терга ботган, ҳамма ёғи мой ва қоракуя хотинни кўриб қолди-ю, оғайи Луканинг эшигини ёпишнинг унутиб, унинг ҳамма буюмларини очик-сочик қолдирганича худди қузғун ўлаксага ташлангандай, ошхонага отилди. Гарчи вақт — август ойи бўлса ҳам у лангиллаб турган ўчоқ олди-га ўтирди ва оқсоч хотин билан — унинг исми Нута эди — гапга тушиб кетди-ю, ўзининг беном аслзода эканлиги, бировларга қарз берган пулларидан ташқари тўққиз тўп флорини борлиги, қарзга берганлари эса, бундан ҳам кўп эканлиги ҳақида, қўлидан ҳар қандай иш: азбаройи худо, иш қилиш ҳам, гап сотиш ҳам келиши ҳақида булбулигўё бўлиб сайраб кетди. У яғир бўлиб кетган капюшонидан¹ бир ошли ёғ чиқишини, эғнидаги ридосининг йиртилдиб ямоқ-ямоқ бўлиб кетганини, ёқаси ва қўлтиқ тагларини яғири чиқиб йилтиллашини, унинг ҳамма ёғи ранг-баранг доғлар билан қопланганини (Татаристон ва Ҳиндистоннинг гулдор матолари ҳам унинг чакмонидаги доғлар олдида ип эша олмасди), тўзиган бошмоқлари ва йиртиқ пайпоқларини унутиб қўйиб ва ўзини, йўқ де-

¹ Ка п ю ш о н — устки кийим ёқасига тикияган қалпоқ. (Тарж.)

ганда, Кастильоненинг¹ улуг герцоги деб тасаввур қилиб, оқсоч хотинга, сени мисоли қўғирчоқдек ясантираман, еганинг олдингда, смаганинг орқангда бўлади, хуллас, бировлар эшигида чўрилик қилишдек ачиқ ҳаётни бошингдан соқит қиласан, деб ваъда берди; шоҳона ҳаёт ваъда қилмайману, лекин ҳар ҳолда, бундан буён ҳеч нимага муҳтож бўлмай кун кечирасан, деган маънода роса сайради. Лекин унинг бу ширинсуханлиги ҳеч қандай наф бермади: унинг бундан олдинги аксари армонлари сингари бу нияти ҳам барбод бўлди. Қисқаси, икки йигит мусофирхонага келганида, Гуччо тўнғиз Нутанинг атрофида парвона бўлаётган эди. Бу вазиятдан йигитлар хурсанд бўлишди,— зеро, режадаги ишнинг ярми ҳалитдан пишган эди,— ва оғай Луканинг очиқ қолган хонасига киришиб, Жабронлнинг пати солинган халтани қидиришга тушишди. Улар халтанинг ичидан шоҳи матога ўралган бир қутича топдилар, қутича ичида тўтиқушнинг думидан юлиб олинган пат бор эди, буни кўриб, улар, оғай Луканинг Чертадьо аҳлига наъмойиш қилмоқчи бўлган пати шу бўлса керак, деган фикрга келишди. Уша пайтларда, оғай Лука, халқни ўз гапларига ишонтиришга бемалол умид боғлаши мумкин эди, чунки Тосканада Миср ажойиботлари ҳали жуда кам учрарди,— ул ажойиботлар кейинроқ устма-устига ёпирилиб келиб, Италияни хонавайрон қилишди. Илло, оғай Лука замонида тўтиқуш ҳақида камдан-кам одам биларди, маҳаллий аҳоли бўлса-ку, мутлақо беҳабар эди. У пайтларда ҳали у ёқларда одамлар ота-болаларидан мерое қолган гўллик ва пок ахлоққа амал қилардилар, шунинг учун кейинги авлод нафақат ҳеч қачон тўтиқушларни кўрмаган, балки аксариятлари дунёда шундай қушлар бўлишини ҳатто эшитмаган ҳам эдилар. Йигитлар топган ўлжаларидан мамнун бўлиб, қутичадан патни олдилар ва ўрнига шу ерда бурчакда уйилиб ётган кўмрдан беш-олти бўлагини солиб қўйдилар. Улар қутичани ёпиб, ҳамма нарсани аввалги ҳолига келтириб қўйдилар-да, ҳеч кимга сездирмасдан лип этиб кўчага чиқиб кетдилар; улар оғай Луканинг пат ўрнида кўмир бўлаклари ётганини кўриб, бу мушкул аҳволдан қутулиш учун нечоғли куйиб-пишини тасаввур қилдилар-да, антиқа томоша кўришни умид қила бошладилар.

Черковга ибодатга келган эркаклару соддадил хотинлар бомдод намозидан кейин уй-уйларига тарқалишгач, шу заҳоти роҳибнинг айтганлари оғиздан-оғизга ўтиб, бир зумда бутун қишлоққа овоза бўлди-ю, қиёмат-қойим бошланди — зеро, Жабронл алайҳиссаломнинг муборак патларини кўришга иштиёқмандлар бениҳоя кўп эди. Оғай Лука эса, тўйиб овқатланиб, овқатдан сўнг нича мизғиб ҳам олди-да, соат тўртларга борганда ўрнидан турди ва бутун қишлоқ аҳли Жабронлнинг патини кўришни сабрсизлик билан кутаётганини эшитиб, Гуччо исқиртга айтинглари, қўнғироқчалар билан хуржунимни олиб черковга борсин, деди. Гуччо айтилган нарсаларнинг ҳаммасини олиб, имиллаб, пишиллаб — у жуда

¹ Кастильоне — Болоньядан шимолроқдаги район. Ҳозир Кастильоне деи Пеполли деб юритилади. (Тарж.)

кўп сув ичганидан мешдай шишиб кетган эди — черковга қараб равона бўлди; оғайи Лука унга черков бўсағасида туришни буюрди, сўнг Гуччо кучининг борича тиришиб, қўнғироқчаларни чала бошлади. Бутун жамоа черковга тўпланиб бўлгач эса, ҳамма нарсаси бутлигига тўла-тўкис ишонган оғайи Лука бугунги воқеага боғлаб узундан-узун бир хутба ўқиди. Ниҳоят, патни намойиш қиладиган пайт ҳам келди, — шу чоғ у беқиёс эъвоз-эҳтиром билан дуо ўқиди, икки нафар машъала ёқиб қўйишни буюрди, капюшонини бошидан ечиб, ниҳоятда эҳтиётлик билан шоҳи матони оча бошлади. Сўнг сармалак Жабронл алайҳиссалом билан ўз қўлидаги табаррук пат шаънига ҳамду сано айтиб, шундан кейингина қутичани очди. Роҳиб қутичанинг кўмир бўлақлари билан тўлдирилганини кўриб, буни Гуччо сўқим қилганлигига асло ишонмади, — зеро, Гуччонинг бунақа ишга ақли етмаслигини у яхши биларди, — ҳаттоки, кўз-қулоқ бўлмабсан, деб уни койи мади ҳам, — балки ўзи, тепса-тебранмас, ярамас, ялқов, анқов деб ҳисоблаган одамга буюмларини ишониб қўйгани учун ичида ўзини койиди. Шундай бўлса ҳам оғайи Лука ўзини йўқотиб қўймади — кўзларини шифтга тикиб, қўлларини кўкка чўзганча жарангдор овоз билан: «Е қудратингдан, парвардигори олам!» — деб юборди. Шундай деди-ю, қутичани ёпиб жамоага шундай ваъз билан юзланди:

«Эгамнинг севган қуллари оға-инилар, эгачи-сингиллар! Сизларга маълум бўлсинки, мен ҳали жуда ёш бўлган пайтларимда, соҳибим мени машриқдаги мамлакатларга юборган эрди, у менга Чўчқа Пуфаги мамлакатада бўлишни айниқса кўпроқ тайинлаган эди, аммо чўчқа пуфагини пуфлаб шишириш осон бўлгани билан ундан нима паф чиқади? Алқисса, камина Венециядан чиқиб, бутун Борго де Гречини кезиб ўтдим. Алгарвия салтанатини отда босиб ўтдим, кейин Бағдодда бўлдим, Парнонега бордим ва ниҳоят, ордан бирмунча вақт ўтгач, қаттиқ ташна бўлиб Сардинияга етдим. Мен ўзим бўлган мамлакатларнинг ҳаммасини сизларга бу ерда батафсил сўзлаб ўтирмайман. Қисқа қилиб айтганда, мен Авлиё Георгий бўғозидан сузиб ўтиб, халқи беадад, аҳолиси тигиз бўлган — Қаллобистон мамлакати билан Порахўробод мамлакатада бўлдим. У ердан мен Елғонистон ўлкасига ўтдим, — у ерда бизнинг жамиятимизга ва ўзга диний жамиятларга алоқадор бўлган жуда кўп роҳиблар, худо-олло, дейишиб, ҳеч нимадан ҳазар қилмай қўйибдилар, ўзгалар ташвишига парво қилмай, фақат ўз ҳамёнларини ўйлаптилар ва қалбаки индульгенциялар¹ тарқатяптилар. У ердан мен Абрुцци юртига йўл олдим — у ерда эркагү аёллар — биров олди билан, биров орқаси билан юраркан, биров колбаса билан кун кечирса, биров сосиска истеъмол қиларкан. Ундан сал ўтгач, мен нонни таёққа санчиб, шаробни мешга солиб юрадиган одамларни учратдим, ундан кейин Куртлар тоғига яқинлашдим —

¹ Индульгенция — (лотинча муруват, ҳиммат маъносини билдиради) «Гуноҳдан фориг бўлди» деган мазмунда Рим папаси номидан бериладиган ёрлик. Одатда индульгенция одамларга пул эвазига ёинки черковга кўрсатган бирон хизмати эвазига католик черкови томонидан бериларди. (Тарж.)

бу тоғдан оққан сувнинг ҳаммаси пастга шариллаб тушарди. Қисқа вақт ичида мен жуда олислаб кетдим: сабазор Ҳиндистоннинг энг ичкари ерларигача етиб бордим ва шу эғнимдаги жуббам ҳаққи, онт ичиб айтаманки, мен у ерларда пичоқ дарахтларининг гуллаб турганини кўрдим,— буни ўз кўзи билан кўрмаган одам, албатта, бу гапимни қуруқ сафсата деб ўйлайди. Аммо гапимнинг ростлигига номдор савдогар Мазо дель Сажо шохиддир, мен ул зот билан ўша ерда учрашиб қолдим,— у ёнғоқ пўчоғини чакана савдо билан сотиб ўтирарди. Хуллас, мен қидирган нарсамни у ерда ҳам топа олмадим ва ундан у ёғига сувда сузиш лозим бўлгани сабабли, камина ноилож орқага қайтдим-да, Муқаддас заминга етдим, бу ерда ёз йилида суви қочган нон тўрт динор турар, янги тандирдан узилган нон текин эди. У ерда мен Қуддуснинг эъзозли патриархи падари бузрук Тангри ҳаққи койиманг асти ҳазратлари ҳузурда бўлдим, ул зоти муборак паноҳгоҳим авлиё Антонийнинг мен аъзои бўлган жамиятига ҳурмат юзасидан, ўз қўл остидаги муқаддас ва муборак буюмларини менга кўрсатишни ихтиёр этди, унинг қўл остида бундайин буюмлар шу қадар кўп эдики, башарти мен аларни ҳисоблашга киришсам, то умримнинг охиригача ҳам санаб адоғига ета олмаган бўлур эдим, шунга қарамай, мен сизларни ранжитмаслик учун уларнинг айримларини айтиб ўтаман. Ҳазрат менга Муқаддас руҳнинг¹ бут-бутун, сира бузилмаган бармоғини ҳам, муқаддас Францискнинг хобида намоён бўлган олти қанотли бузрук малак — Серафимнинг бир тутам сочини ҳам, олиёфаришта — Херувимнинг тирноғини ҳам, зарварақ жубба кийгача тангрининг қовурғасини ҳам, муқаддас католик дини либосларини ҳам, сеҳргарлар машриқ томонда кўришга мушарраф бўлган юлдузнинг бир неча шуъласини ҳам, авлиё Михаил иблис билан жанг қилган чоғда юзидан оққан тер томчилари солинган шишачани ҳам, ажал Лазарнинг² жағини ҳам ва шу сингари ҳоказо ва ҳоказоларни менга кўрсатди. Мен ҳам падари бузрукка Монте Мореллонинг италян тилига ағдарилган адирларини ҳамда қиёматномадан бир неча сура тортиқ қилган эдим — буни ул зот кўпдан буён ахтариб юрган эканлар,— миннатдорчилик юзасидан менга ўз қўл остларидаги муборак буюмлардан айримларини ҳада этдилар: ул ҳазрат менга Санта Кроче қалъасининг кунгурасини, Сулаймон жомеси кўнгироқларининг садосини берувчи шишачани, сизларга бугун бомдодда айтиб ўтганим сармалак Жабронлнинг патини, вилламанъелик авлиё Герарднинг ёғоч кафшини, уни мен яқинда Флоренцияда Герард ди Бонзига тортиқ қилдим, зеро, ул зот мазкур авлиёни айниқса кўпроқ эъзозлар экан,— булардан ташқари падари бузрук менга жафокаш масъуд Лаврентий куйдирилган чўғнинг қолдиқларини ҳам берди,— мана шу табаррук

¹ Муқаддас руҳ — худонинг илоҳий фаолиятини ифодаловчи учинчи ваҳҳи. (Тарж.)

² Лазар — инжил ривоятларида ғариб бир моховнинг исми. Лука ушбу ваъзиди кўп нарсаларни чалкаштириб айтаётгани учун Лазарни ҳам ажал деб айтаётган бўлиши мумкин. (Тарж.)

буюмларнинг жамини кўз қорачиғимдек асраб-авайлаб у юртдан олиб қайтдим ва ўзим билан бу ерға олиб келдим. Дастлабки пайтларда, соҳибим ул табаррук ашёларнинг асл нусха эканлигига шаҳодат бўлмагунча, уларни қавмларга намоён қилишимга ижозат бермаган эди,— ва лекин аларнинг кўрсата бошлаган кароматлари, шунингдек, падали бузрукдан келган мактублар бу ашёларнинг дарҳақиқат муборак эканлигини исботлади, ўшандан буён соҳибим уларни очиқ намоён қилишимга ижозат бериб қўйган. Лекин гап бундай: мен сармалак Жаброилнинг пати эзилиб қолмасин деб, уни алоҳида қутичада, авлиё Лаврентий куйдирилган чўғнинг қолдиги — кўмир бўлақларини эрса, бошқа қутичада сақлайман, илло, иккала қутича ҳам бир-бирига худди куйиб қўйгандай ўхшагани учун мен кўпинча уларни адаштириб қўяманки, шу бугун ҳам айнан шундай ҳол содир бўлибди: мен пат солинган қутичани олиб келдим, десам, кўмирли қутичани олиб келибман. Ва лекин мен бунинг бежиз эмас, деб худонинг хоҳиши шундай бўлган, деб ва парвардигорнинг ўзи қўлимга кўмирли қутичани тутқазган, деб ўйлайман, наники ўйлайман, бунга астойдил ишонаман,— зеро, ҳозир эсимга тушди, яна икки кундан кейин — Лаврентий байрам бўлади. Чамаси, сизларга авлиё Лаврентий қовурилган чўғнинг кўмирини кўрсатишим ва шу билан қалбингизда унга иззат-эҳтиром уйғотишим худога матлуб бўлган бўлса керакким, шул босдан парвардигор менга аввал кўзлаганимдек Жаброил патини эмас, билъақ анинг муқаддас жисмида мавжуд бўлган суюқлик бирла ўчирилган мўътабар чўғларнинг бўлақларини олиб келишимни кўнглимга солибди. Бинобарин, эъзозли бўталарим, каллапўшларингизни олингу, бул кўмир парчаларини мушоҳада қилмоқ учун ихлос билан яқин келаверинглар. Билингким, ушбу кўмир парчаси бирла кимнинг жисмига хоч чизилса-ю, ул банди башарти куйиб-нетиб қолгудек бўлса, мазкур хоч бир йил мобайнида мудом ўз таъсирини кўрсатиб тургай».

Оғайи Лука шундан сўнг авлиё Лаврентийнинг номини хутбага олиб дуо ўқий бошлади ва қутичани очиб, қавмларга кўмир бўлақларини кўрсатди. Овсарлар оломони аввалига бақрайишганча ҳаяжонли ихлос билан кўмир бўлақларини томоша қилиб туришди, кейин эса, ҳамма бир-бирини босиб, янчиб оғайи Лука қошига интила бошлади, унга одатдагидан ортиқроқ эҳсон беришиб, кўмирни баданларига теккизишни илтижо қила бошлашди. Оғайи Лука ҳам «енгни шимариб», уларнинг оппоқ кўйлақларию калта кафтанларию, ёпқичларининг у четидан-бу четигача, тепасидан-пастигача катта-катта қилиб хоч чиза бошлади: у хоч чиза туриб, одамларга, хоч чизганда кўмир парчалари кичраяди, илло, кейин қутичага тушгандан кейин яна асл ҳолига тушиб қолади, деб уқтирарди,— бу ҳолни у бир эмас, бир неча маротаба синаб кўрган эмиш. Шундай қилиб у қишлоқ аҳлининг барчасига хоч чизиб чўқинтириб, ҳаддан зиёд эҳсон йиғиб олди ва ўзининг зийрак заковати туфайли, унинг қутичасидаги патни ўғирлаб, устидан кулмоқчи бўлганларни доғда қолдириб, ўзи улар устидан кулди. Патни ўғирлаган икки йиғит ҳам оғайи Лука ўқиган хутбани тини-

лашди, хутбадан кейин у жуда устомонлик қилиб ва фасоҳатли услубдаги жумлалар ёрдамида гоётда эпчиллик билан мушкул аҳволдан қутулиб чиқиб кетдики, буни кузатиб турган икки дўст қотиб-қотиб кулишганидан анча вақтгача чакаклари оғриб юрди. Қавмлар уй-уйига тарқалгандан кейин, йигитлар оғайи Лука ҳузурига йўл олдилар ва ўз найранглари тўғрисида унга кула-кула сўзладилар-да, патни қайтариб бердилар; ўша куни кўмир бўлаклари қандай хизмат кўрсатган бўлса, келаси йили пат ҳам оғайи Лукага шундай иш берган экан.

Бу қисса ҳамманниг кўнглини очиб, руҳини кўтариб юборди. Тингловчилар оғайи Лука устидан, айниқса унинг саргузаштлари ва ўзга юртларда кўрган-кечирганлари, шунингдек, ўзи билан олиб келган муборак буюмлари устидан роса мириқиб кулишди. Шундай қилиб, Дионеонинг қиссаси ниҳоясига етди, айни пайтда қироличанинг ҳам ҳукмронлик муддати тугади; шунда қиролича ўрнидан туриб, ўз бошидан гултожни олди-да, табассум бирла уни Дионеонинг бошига қўндирди.

— Дионео,— деди у,— энди сен ҳам аёллар устидан ҳукмронлик қилиш ва уларни бошқариш қандай бўлишини қисман бўлса ҳам ўзинг бошингдан кечириб кўр. Шоҳ бўлиб, бизга шундай ҳокимлик қилгинки, ҳукмронлик муддатинг тугаган чоғда, ўзинг жорий қилган подшоҳлик усулигдан бизлар мамнун бўлиб қолайлик.

Бошига гултож қўндирилган Дионео жилва қилиб туриб шундай деди:

— Сизлар уларни кўп кўргансиз — мен сатранж ўйинидаги шоҳни назарда тутаяпманки, улар менга ишбатан юз чандон қадрлироқдирлар! Лекин агар сизлар менга ҳам худди ҳақиқий шоҳга итоат этгандай қулоқ солсанглар, кўнглингизни шундай хушлардимки, эртанги кунимиз нақ байрамдай ўтган бўларди. Ҳай, ҳозирча бу гапни қўя турайлик. Ҳарқалай, бир амаллаб ҳукмронлик қиларман.— Шундай дея у расм бўлган одат бўйича эшик оғасига одам юборди, сўнг ўзининг қироллик даврида қиладиган ишлари ҳақида унга муфассал фармойиш бериб бўлди-да, жамоага юзланиб шундай деди:— Шонста хонимлар! Донна Личисканинг бизлар билан суҳбат қургани айни муддао бўлди,— мен унинг гапларидан эртанги ҳикояларимиз учун мавзу топдим, йўқса, бу ерда одамзоднинг тadbиркорлиги борасида бениҳоя кўп ва турли-туман воқеаларни баён қилишдики, янги мавзу топмиш учун роса тер тўкиб бош қотиришимга тўғри келарди. Агар эсингизда бўлса, донна Личиска, қўни-қўшнилари орасида эрига қиз теккан биронга ҳам хотин йўқлигини айтган эди, кейин шу гапига илова қилиб, хотинларнинг эрларига қиладиган найранглари нечоғли хилма-хил ва беҳисоб эканлигини ҳам айтган эди. Биз биринчи жиҳатни чиқариб ташлаймиз,— у болалар эрмаги,— аммо иккинчи жиҳат борасида суҳбатлашим, менимча, жуда қизиқарли бўларди. Шундай қилиб, донна Личиска бизга мавзу топиб берган экан, мен эртага Аёлларнинг ишқ йўлида ёинки фалокатдан қутулиши ниятида ўзларимиз

ерфаҳм ва бефаҳм эрларига қандай найранглар кўрсатгани ҳақида ҳикоялар сўйлашни амр этаман.

Айрим хонимлар бу мавзуда фикр юритишни ўзлари учун уят деб топдилар ва Дионеога юзланиб, бошқа бирон мавзу танлашни ёлтимос қилдилар. Бироқ қирол уларга эътироз билдирди:

— Муҳтарама хонимлар! Мен ҳам танлаган мавзуимнинг нималигини худди сизлардек тушуниб турибман, лекин барибир мени тараддудга соломмадинглар: тушунишимча, ҳозирги кунларда эркакларга ҳам, аёлларга ҳам гуноҳ иш қилиш ман этилади, аммо улар истаган мавзуларида истаганларича суҳбатлашишлари мумкин. Ҳозир бизлар шундай мудҳиш даврда яшамокдамизки, судьялар суд маҳкамаларини тарк этишган, ҳам илоҳий, ҳам инсоний қонунлар гунг бўлиб қолган, ҳар бир одамга қандай қилиб бўлмасин яшаш учун курашиш ҳуқуқи берилган: наҳот сизлар буни билмасангизлар? Бинобарин, бизлар мусоҳаба қилаётган пайтимизда, агар борди-ю, шарм-ҳаё доирасини гарчи бир қадар кенгайтиргудек бўлсак ҳам бу ҳол сизларнинг хулқ-авторингизга асло манфий таъсир кўрсатмаслиги лозим,— бу билан сизлар ўзингизнинг ва ўзгаларнинг кўнглини фақат бир оз хушлаш билангина чекланасизки, кейинчалик бу учун сизга ҳеч ким ҳеч бир маломат қилмагай. Биз жам бўлган биринчи кундан буён нималар борасида ҳикояхонлик қилган бўлмайдик, ўзимиз ниҳоятда одоб сақлаб келмоқдамиз ва фаҳимча, номимизга ҳеч доғ туширганимиз йўқ ва худо хоҳласа, бундан буён ҳам асло доғ туширмагаймиз. Ундан кейин, сизларнинг қанчалик ўзингизга пишиқ эканлигингизга ким ҳам шубҳа қила оларди? Эрмакбон ҳикоялар нима экан,— сизлар ўлим таҳдид солган пайтда ҳам ўз маъсумалигингизга завола етказмаган бўлардингиз. Модомики, гап шундай экан, сизларнинг баъзи-баъзида мутлақо беқусур ҳангомаларга қаршилик кўрсатганингиздан бирон одам хабар топгудек бўлса, у: ҳа, ўзларининг виждонлари нопок бўлса керак-да, шу сабабдан эътироз билдиришган, деб кўнглидан ўтказган бўларди эҳтимол. Э, ўргилдим сиздақа фуқаролардан: ахир ўзларингиз қирол қилиб сайлаб эдингиз-ку, энди бўлса, мен тавсия қилган мавзуда суҳбат қуришдан бўйин товлаб, мени ўз измингизга солмоқчи бўляпсиз,— ҳолбуки, мен ҳамма ҳукмдорларга истисносиз бир хилда итоат этган эдим. Ҳаёлингиздан чиқариб ташланг ундай шубҳаларни, сизлардек қалби пок хилқатларда бундай шубҳаларга ўрин бўлмаслиги лозим,— сизларга омад тилайман ва умид қиламанки, мени гафлатда қолдирмасиз.

Хонимлар қиролнинг нутқини тинглаб бўлиб, унинг истагини баъжаришга қарор қилдилар, шунга кўра, қирол ҳаммани кечликка доғур озод қилди.

Бугунги ҳикоялар унча кўп вақт олмагани учун ҳикояхонлик тугаганда қуёш ҳали анча баландда эди. Дионео ва бошқа йигитлар мўҳра ўйинига берилиб кетдилар. Элисса эса, хонимларни бир чеккага чорлаб, шундай деди:

— Бу ерга келган кунимизоқ сизларни шу ерга яқин бир жойга олаб бориш истаги туғилган эди менда,— назаримда биронтангиз

ҳам у ерда бўлмагансиз; у ер Хонимлар воҳаси деб юритилади.— аммо ўша ерга бориш учун шу чоққача сира вақт ажрата олмаган эдим, мана, бугун айни мавриди, чунки кеқкурунғача ҳали анча вақт бор.— бора қолайлик, аминманки, афсус қилмайсиз.

Хонимлар бу таклифга бажону дил қўшилишиб, боришга рози бўлдилар ва оқсочлардан бирини чақириб, йигитларга эса ҳеч нима демасдан, ўша воҳа сари равона бўлдилар. Улар бир миля ҳам йўл босиб ўтмасларидан қаршиларида воҳа намоён бўлди. Воҳага зилол сувли жилға ёқалаб кетган торгина сўқмоқ йўл олиб борарди, бу воҳага хонимларнинг кўзлари тушиши билан у таърифлаб бўлмайдиган даражада гўзал ва хушманзара бўлиб кўриндиким, бу кўнгилли таассуротни чароғон кўёшли кун яна ҳам зўрайтираётган эди. Ушал хонимлардан бири кейинчалик менга айтиб берган эди: бу водий нақ паргор билан чизиб қўйилгандек, ниҳоятда аниқ доира шаклида экан, ваҳоланки, унинг инсон қўли билан яратилган эмас, балки табиат мўъжизаси эканлиги бир қарашдаёқ кўзга ташланган экан. Доиранинг айланасига узунлиги бир милядан кўпроқ келарди; уни унча баланд бўлмаган олғита тоғ қуршаб олган эди; ҳар бир тоғнинг чўққисиди ҳашаматли қасрга ўхшаган қандайдир нарса қад кўтарган эди. Тоғларнинг ёнбағирлари водий сари худди пиллапоя сингари поғонама-поғона тушаркан, айни пайтда, доира пастлашган сари торая борарди. Жануб томондаги тоғларнинг ёнбағирлари сидирғасига тоқзорлар, зайтун, бодом, олча, анжир ва бошқа кўп хил мева дарахтлари билан қопланган эди. Ва лекин шимолий ёнбағирлар эман, шумтол ва ўзга ям-яшил, ҳайратомуз даражада хушқад дарахтларга кўмилган эди. Водийнинг тубига тушмоқ учун хонимлар кетиб бораётган ўша сўқмоқдан бўлак йўл йўқ эди, водийнинг тубида эса, қора қарағайлар, сарвлар ва дафна дарахтларидан қуюқ ўрмон ҳосил бўлган эди, илло, бу дарахтлар орасига бир неча туп қарағай дарахти шундай моҳирлик билан ўтқазилган эдики, бир қарашдаёқ, уларни миришкор одам ўтқазганлиги кўришиб турарди. Қуёш ҳатто қиёмга келган пайтда ҳам шуъласи қуюқ дарахтлар тагига тушмасди, шу боисдан водий гуркираган майсазорга айланган эдиким, у ер ям-яшил ўтлоқ бўлиб, қизил ва бошқа рангдаги чечакларга бурканган эди. Шунингдек, шалолани томоша қилиш ҳам кишига ҳузур бағишларди: шалола икки тоғни бир-биридан ажратиб турган ердан воҳага ёриб кириб, тош пиллапоялардан шовуллаб оқиб тушаркан, киши диққатини ўзига тортар ва бирон идишдан сиқиб чиқарилган симоб томчиларига ўхшаш шаффоф қатраларни ҳар томонга сачратарди, бу шалола мўъжазгина жар лабига етганида, чиройли жилға даражасида торайиб, сувини водийнинг маркази сари жадал оқизиб кетар ва у ерда ҳовуз ҳосил қилардики, одатда, имкони бўлган шаҳарликлар ўз боғчаларида айнан шундай ҳовузчалар кавлашарди. Ҳовуздаги сув одамнинг кўкрагидан келарди ва у шу қадар тиниқ ва шаффоф эдики, унинг тубида ётган энг майда тошларни ҳам кўриш мумкин эди — агар хоҳиш бўлса, эрмак учун уларни биттама-битта санаб чиқса ҳам бўларди. Ҳовузга тикилган одам нафақат унинг тубини, шунингдек, унда сузиб юрган сон-са-

ноқсиз балиқларни ҳам кўриб, ҳайратдан кўзи қамашини мумкин эди. Ҳовузнинг теварак-атрофи майсазор ўтлоқ эди, бу ердаги майсалар сув сероблигидан ям-яшил ранг касб этган эдилар. Ҳовуз ҳамма сувни ўзига сиғдира олмас эди, шу боисдан ортиқча сув бошқа ариқ орқали водийдан оқиб чиқиб кетар ва бу ердан пастроққа жойлашган экинзорларни суғорарди.

Навжувон хонимлар ҳамма ёқни бир-бир кўздан кечириб чиқиб, бу ерни гоёта мақбул жой деб эътироф этдилар, жазирама ёғтоб қиздираётган эди, шунга кўра бу ерда мўралайдиган ҳеч ким йўқлигига ишониб, шу шаффоф ҳовузда чўмилиб олишга қарор қилдилар. Шундай бўлса ҳам улар оқсочга, ўзлари тушиб келган сўқмоққа чиқиб, кўз-қулоқ бўлиб туришни ва борди-ю, бирон кор-ҳол бўлгудек бўлса, дарров хабар қилишни буюрдилар-да, еттита қиз ечиниб сувга тушдилар, илло, юпқа шиша қизил гулни қанчалик яширса, бу зилол сув ҳам қизларнинг баданини шунчалик пана қилди. Улар сувга тушиш билан сувни хиёл ҳам лойқатмадилар ва ўзларини қаёққа олиб қочишни билмай саросимага тушган балиқчаларни қўллари билан тутишга ҳаракат қилдилар. Қизлар шу зайлда бир неча фурсат шўхлик қилиб, уч-тўртта балиқ қўлдилар-да, сувдан чиқдилар, кийиндилар, сўнг кетадиган вақт бўлди, дейишиб, кўрган-кечирганларидан камоли ҳайратга келишганча ҳеч шошмасдан орқага қайта бошладилар, йўл-йўлакай ҳам улар бу водийнинг нечоғли хушманзара эканлиги ҳақида яна кўп суҳбатлашдилар.

Улар барвақт қайтиб келишган эди, бинобарин, йиғитларни қандай вазиятда қолдирган бўлсалар, қайтганларида ҳам ўшал вазиятнинг шоҳиди бўлдилар, яъни улар ҳануз мўҳра ўйини билан машғул эдилар.

— Бугун биз сизларни лақиллатиб кетдик!— деди кулиб Пампинея.

— Қандай қилиб?— деб сўради Дионео.— Бундан чиқди, ўзгаларнинг найранги ҳақида ҳикоя қилишдан олдин ўзингиз найранг-бозлик қила бошлабсиз-да?

— Ҳа, аъло ҳазрат,— деб жавоб қилди Пампинея, сўнг ўзларининг қаерда бўлишгани, борган ерларининг қанақа жой эканлиги, бу ердан қанча масофада эканлиги ва у ерда нима қилганликлари ҳақида муфассал сўзлаб берди.

Қирол у ернинг табияти нақадар гўзал эканлигидан огоҳ бўлиб, ўшал манзарани мушоҳада қилиш иштиёқи билан ёна бошлади ва зудлик билан кечлик овқат тортишни амр этди. Дастурхон теграсида ҳаммалари роса вақтичоғлик қилишди, сўнг уч йиғит хонимларни шу ерда қолдириб, хизматкорларини эргаштириб, ўзлари ҳеч қачон бўлмаган ўшал водий томон равона бўлдилар ва уни тўйиб-тўйиб томоша қилишгач, ҳаммалари бу ерни, бутун жаҳондаги энг хушманзара масканлардан бири, деб ягона қарорга келдилар. Аммо вақт алламаҳал бўлиб қолгани сабабли улар чўмилиб дарҳол кийиндилар-да, уйга қайтдилар ва Фяметтанинг кўшигига давра қуриб рақс тушишаётган қизларнинг устидан чиқдилар; кейин, қизлар рақсини тугатган заҳоти, йиғитлар Хо-

нимлар водийси тўғрисида гап очдилар ва у ерларнинг хушманзаралиги тўғрисида узоқ вақт мақтов сўзлар айтиб, мадҳ этдилар. Қирол эшик оғасини чақириб, эрталабга ҳамма нарсани ўша ерга тайёрлашни, шу билан бирга, туш пайтида бирон кишининг мизғигиси ё чўзилиб ётгиси келиб қолса керак бўлиб қолади, деган фикр билан ҳар эҳтимолга қарши тўшаклар ҳам олиб боришни буюрди. Кейин у шамлар олиб келишни, май ва ширинликлар тортишни фармон қилди, ҳамма ҳам майдан ичиб, ҳам ширинликлардан тотиб кўргач, қирол, рақсни бошлаш пайти етди, деб фармон берди. Қиролнинг хоҳишига кўра, Панфило жадал рақсга тушиб, базмни бошлаб берди, қиролнинг ўзи эса, Элисса томонга ўгирилиб, унга мулоим оҳангда деди:

— Дилбар қиз! Эрталаб бошимга гултож кийдириб, камолни илтифот кўрсатган эдинг, энди мен сенга бошқача илтифот кўрсатмоқчиман: истайманки, бугун кечқурун бизга сен қўшиқ айтиб бер. Қайси қўшиқ ўзингга кўпроқ ёқса, шу қўшигингни куйла.

Элисса қиролнинг фармонига жавобан табассум қилди, қўшинқ куйлашга бажону дил рози бўлди ва шу дақиқанинг ўзида унинг ёқимтой овози янгради:

Севги! Тирноқларинг қонатди ёмон.

Қанча уринса ҳам

бундан оғирроқ

Азоб бера олмас ҳеч ваҳший ҳайвон.

Ҳали ёш ва бебош бир қизча эдим,

Мен ўшанда кирдим сен билан жангга.

Мен буни шунчаки бир ўйин дедим,

Эҳтиёт бўлмадим, учдим найрангга.

Сен эса, маккора, чап бериб аввал,

Кейин човут солдинг менга орқадан,

Елкамга минганинг сездим бир маҳал,

Шундай асир этдинг мени дафъатан.

Қўлларим қайириб, занжирбанд этдинг,

Зарра парво қилмай охи зоримга,

Асиранин икки қўлда сен тутдинг

Бағритош, парвосиз, золим ёримга.

Одамзод наслида бундай бешафқат,

Бу қадар омонсиз бўлмаган асло.

У кўз ёшларимга қилмайди парво,

У махлуқ беҳисдир ва бемурувват.

Беҳуда йнглашдан бўлдим бемадор,

У қулоқ солмади оҳу ноламга.

Шунда тушундимки, яшашим бекор,

Оҳ, нега келиман фоний оламга.

Фақат, севги, сендан битта илтимос:

У бағритошни ҳам ҳукмингга олгил,

Қўлу оёғига кишанингни бос,

Унинг бўйнига ҳам занжиринг солгил.

Агарда етмаса кучинг, мабодо

У гаддорга сеҳринг этмаса таъсир,
Демак, орзуларим барчаси рӯё,
Сен ёққан оловинг кўксимда ўчир!
Токи, яна ҳусним келсин ўрнига,
Гул-гул очилайин ва этайин шод.
Мен кирай бахтиёр кунлар қўйнига,
Қадамимдан боғлар яшнасин обод.

Элисса куйлаб бўлиб, ғамгин хўрсиниб қўйди ва гарчи бу қўшқнинг сўзлари ҳаммани таажжубга солган бўлса ҳам қизни изтироб чекишига мажбур қилган шахснинг кимлигини ҳеч ким билмади. Қиролнинг эса, кайфи чоғ эди; у Тиндарони чақиртириб, уни қўшнаёга юборди, кейин мана шу қўшнаё садоси остида қиролнинг хоҳиши билан ҳамма яна узоқ вақт рақс тушди. Вақт ярим кечадан оққандан кейин эса, қиролнинг амри билан ҳамма ётиб ухлагани хона-хонасига тарқалди.



ДЕКАМЕРОННИНГ
ОЛТИНЧИ КУНИ ТУГАВ,
ЕТТИНЧИ КУНИ
БОШЛАНМОҚДА

*Дионео ҳокимлик қирган ушбу кунда китобхона
эътиборига аёлларнинг ишқ йўлида ёнқи фалокат-
дан қутулиш ниятида ўзларининг серфаҳм ва баъ-
фаҳм эрларига қандай найранглар кўрсатиши ҳа-
қидаги хикоятлар ҳавола қилинади.*



Шарқ томонда юлдузлар бир-бир сўниб, энди оқара бошлаган осмонда фақат Чўлпон юлдузигина порлаб турган пайтда эшик оғаси аллақачон ўрнидан турган ва узундан-уzun карвон билан Хонимлар водийси томон йўл олган эдиким, у ўз ҳукмдорининг фармони ва кўрсатмасига биноан ўшал ерда ҳамма нарсани муҳайё қилиб турмоғи лозим эди. У жўнаб кетиши билан қирол ҳам ўрнидан турди — отларнинг кишнаши ва араваларга юк ортаётган хизматкорларнинг ғовур-ғувури уни уйғотиб юборган эди, — ўрнидан турди-ю, дарҳол хонимлар билан йигитларни оёққа турғазди. Ҳаммалари субҳидамнинг илк шуъласи билан йўлга равона бўлдилар. Гўё булбуллару ўзга қушчалар ҳеч қачон бу тонг палласидагидек қувноқ сайрашмагандай эди. Шу зайлда улар қушларнинг тиним билмай хониш қилиши остида манзилга етиб олдилар, манзилда эса, уларни жампи паррандалар гўё бу ташрифдан бағоят хушнуд бўлишгандек, бутун водийни бошларига кўтариб чуғурлашиб қарши олишди. Хонимлар ва йигитлар бутун водийни айланиб, яна бир бошдан уни кўздан кечирдилар, водий кечагидан ҳам зиёдроқ маъқул тушди уларга, — субҳидам пайтида бу ер бениҳоя ажиб манзара касб этарди. Меҳмонлар ўтқир шароб ичиб, ширинликлардан газак қилиб олишгач, қушчалардан қолншмай, қўшиқлар куйлай бошладиларки, бутун водий акс садо билан жўр бўлиб турди, қушчалар эса, ҳеч бўш келишмай, ўзларининг хушовоз хонишлари билан бутун воҳани янгратардилар. Столлар ҳовузнинг шундоққина бўйига, қулф уриб гуллаб турган дафна ва ўзга хушсурат дарахтлар тагига қўйилган эди, тушлик қилиш пайти етганда эса, ҳаммалари қирол кўрсатган ерларга ўтирдилар ва тановул пайтида кўлда тўп-тўп сузиб юрган балиқларни томоша қилиб ўтирдиларким, бу манзара уларнинг дастурхон теграсидаги суҳбатларига мавзу бўлди. Мана, ниҳоят тушлик ҳам ниҳоясига етиб, идиш-товоқлар, ундан кейин столлар йиғиштирилиб олинди, шунда ўйин-кулги янада авжга чиқди: қўшиқлар куйлашди, мусиқа чалишди рақс тушишди. Минғиб олишни ихтиёр қилганлар учун сой бўйига олдиндан тўшаклар тўшалиб, тadbиркор эшик оғаси уларни француз саржасидан қилинган чодирлар билан тўстириб қўйган эди, — фақат қиролдан ухлаб олишга ижозат олинса бўлди эди, ухлагиси келмаганлар эса, кўнгилларига

сиққанча вақтичоғлик қилиши мумкин эди. Ниҳоят жамоа ўрнидан туриб, ҳикояхонлик қилгани жам бўлди, шунда қиролнинг фармониға кўра, боя тушлик тановул қилинган ерга, ҳовузнинг бўйгинасига, майса устиға гиламлар тўшалди ва ҳамма гиламға давра қуриб ўтирган заҳоти қирол Эмилияға ҳикоя сўзлашни амр этди. Эмилия ҳам қувноқ табассум билан шундай ҳикоя қила бошлади.

Жанни Лоттеринги тунда эшик тақиллаганини эшитиб, хотинини уйғотади, хотини уни, бу арвоҳ, деб шонтиради; икковлари ўринларидан туришиб, афсун ўқийдилар, шунда эшикнинг тақиллаши тўхтади

— Аъло ҳазрат! Бугунги гурунгимиз учун танланган гоятда антиқа мавзуда ҳикоя айтишни менинг ўрнимга сизнинг ижозатингиз билан бошқа бирон одам бошлаб берса бениҳоя хурсанд бўлган бўлардим, бироқ агарки сиз менинг ибрат кўрсатишимга хоҳиш билдирар экансиз, мен бажонудил фармонингизга итоат этгум. Ҳай, мен сизларга, дилбар хонимлар, шундай бир ҳикоя сўзлаб бермоқчиманки, келгусида унинг сизларга нафи тегиб қолиши мумкин, негаки ҳаммаларингиз ҳам худди мен сингари кўрқоқ бўлсангиз керак ва дунёда ҳаммадан ҳам кўра арвоҳлардан кўпроқ кўрқсангиз керак,— илло, арвоҳнинг қандай махлуқлигини ёлғиз эгамдан бўлак ҳеч ким билмайди; арвоҳдан-ку, ҳаммамиз ҳам бирдай кўрқамиз-а, аммо мен, жилла қурса, бирон тагина аёлни билмайманки, у арвоҳлар тўғрисида бирон тушунчага эга бўлган бўлсин,— хуллас, агар ҳикоямга диққат билан қулоқ солсангиз, шундай бир дуони ўрганиб оласизки, у сизни арвоҳларни даф қилишингизда асқатажак.

Бир вақтлар Флоренцияда авлиё Панкратий маҳалласида Жанни Лоттеринги исмли бир юнг саваловчи яшаган эди, у гарчи ўз касбининг пири бўлса ҳам бошқа соҳада нўноқ ва хийла гўл одам эди, мана шу одамни муққаддас Мария Новелла жамоасига тез-тез оқсоқол қилиб сайлаб турардилар ва у жамоа низомини қандай бажарилишини зийраклик билан кузатиб борарди, бундан ташқари ҳам унинг шу қабилдаги лавозимлари анча-мунча эдики, бора-бора димоғи шишиб, ўзини жуда улуг одам деб ҳис қила бошлади, ваҳоланки, у бадавлат одам бўлгани, бинобарин, роҳибларнинг томоғани кўнгилдагидек қилиб мойлашга қурбй етгани учунгина ўшал лавозимларга муяссар бўлар эди. Роҳиблар мудом суллоҳлик билан ундан ҳар хил нарса: биров пайпоқ, биров каллапўш, биров ридо ундирарди, эвазига эса, унга яхши дуолар ўргатишар, итальян тилида дуолар ўргатишар, итальян тилида дуо китоби, авлиё Алексей ҳақидаги ривоят, авлиё Бернарднинг йиғиси, донна Матильданинг мақтови ҳоказо ва ҳоказо бемаъни нарсаларни тортиқ қилишарди, Жанни эса, буларнинг

барни ниҳоятда қадрлар ва ўз руҳини гуноҳдан Фориғ этмоқ ниятида ҳаммасини кўз қорачиғидай сақларди. Мануччо делла Кукульянинг қизи бўлмиш унинг хотини монна Тесса соҳибжамол, хушрўй, доно ва ғоятда фаросатли аёл эди. Монна Тесса, бекфаросат эрининг феъллини пухта ўрганиб олгач, Федериго ди Нери Писолотти исмли ўктам ва айни кучга тўлган бир йигитни севиб қолади, шунингдек, йигитнинг ҳам унга майли борлигини пайқаб, ўртага ўз оқсочини воситачи қилиб қўяди-да, Федериго билан суҳбат қургани уни Камератога таклиф этади; у ерда эрининг ғоятда хушманзара мулки бўлиб; монна Тесса, одатда бутун ёзни шу ерда ўтказар, эри эса, ахён-ахёнда тунагани келар, шундаям эрталаб турган заҳоти ўзининг тижорат ишлари билан ённки жамоа ишлари юзасидан яна шаҳарга жўнаб кетарди. Энди гапни Федеригодан сўрасангиз, у монна Тессанинг айнан шу таклифини кўпдан интизор бўлиб кутарди; шунинг учун ҳам у тайин қилинган кун кечки пайт Камератога равона бўлди ва Жаннининг бу ерда йўқлиги шарофати билан ўша кеч беканинг ҳузурда мириқиб овқатланди ва бутун тунни шундай лаззату фароғатда ўтказдики, бека унинг қўйнида ётаркан, кечаси билан унга эридан ўрганган дуою муножотлардан камда олтитасини ўргатди. Бундай лаззатбахш туннинг яна такрор-такрор бўлиб туришига умид боғлаган монна Тесса ҳам, унга ҳамният бўлган Федериго ҳам — икковлари, ҳар сафар оқсоч хотинни овора қилиб ўтирмаслик мақсадлида, шундай деб гапни бир ерга қўйишди: бека ҳар куни уйдан чиқиб, сал юқориқоқдаги экинзорини бориб кўради. Федериго эса, монна Тессанинг дала томонга ўтганидан ёки даладан қайтганидан кейин, унинг уйи олдидаги токзорга кўз ташлаши керак: агар поялардан бирининг учига қўндирилган эшак бошчаноғи Флоренция томонга қараб турган бўлса, демак қош қорайиши билан йигит бемалол ва беҳавотир хонимнинг ҳузурига кириб боравериши мумкин; мабодо эшик берк бўлса, уни уч марта тақиллатса бас — хоним эшик очади; бордию бошчаноқнинг тумшуғи Фьезоле томонга қараган бўлса, унда келмасин — демак, Жанни уйда бўлган бўлади. Хуллас, улар шу битимга амад қилган ҳолда, анчамунча учрашишди.

Аммо кунларнинг бирида, кутилмаган ҳол юз берди: ўша куни Федериго бутун тун монна Тессанинг меҳмони бўлиши керак эди ва шу муносабат билан бека бўрдоқига боқилган бир жуфт ахта хўроз қовуришни буюрган эди; шу пайт, бугун келиши сира кутилмаган Жанни вақт алламаҳал бўлиб қолганига қарамай, тўсатдан уйга кириб келса-бўладими. Бу ҳолни кўриб, тарвузи қўлтиғидан тушган бека ўзига ва эрига, ҳар эҳтимолга қарши, деб пиширтириб қўйган бир бўлаккина тузланган сўқим гўштини олиб келишларини буюрди, оқсочига эса, қовурилган икки хўрозни, ҳозиргина пиширилган оламжаҳон тухумлару бир шиша ўткир шаробни қордек оппоқ сочиққа ўраб, ҳаммасини, Жанни кўрмасин учун орқа эшикдан боққа олиб чиқишни ва шафтоли тагига, майса устига қўйиб келишни буюрдики, монна Тессанинг ўзи ҳам ахён-ахёнда Федирого билан кечликни шу ерда тановул қиларди. Бека,

кайфияти бузилганидан, оқсочига Федериго келгунича кутиб ўтир-да, хўжайин шу ерда, деб уни огоҳлантир, овқатларни ўзи билан олиб кетсин, деб айтишни ҳам унутиб қўйди. Маъна, бека билан Жанни ҳам, оқсоч ҳам уйқуга ётишди, шундан кейин, орадан хиёли вақт ўтар-ўтмас, Федериго оҳиста эшикни тақиллатди, эшик ётоқхонанинг ёнгинасида бўлгани учун Жанни тақиллаган овозни аниқ эшитди, буни хотини ҳам эшитди-ю, лекин эрида шубҳа уйғоғмаслик учун ўзини ухлаб қолганга солиб ётаверди.

Федериго бўлса бир оз кутиб туриб, яна тақиллатди. Жанни ўз қулоқларига ишонмай, оҳиста хотинини туртди. «Тесса! Эшитяпсанми?— деб пичирлади у.— Биров эшигимизни тақиллатаяпти».

Ҳаммасини эридан ҳам яхшироқ эшитиб ётган хотин ўзини гўё энди уйғонгандай қилиб кўрсатди. «А? Нима?»— деб сўради у алаҳсирагандай.

«Биров эшигимизни тақиллатаяпти дейман»,— деб жавоб қилди Жанни.

«Тақиллатаяпти?— деб қайта сўради хотини.— Вой, ўлмасам! Жанни, жонгинам! Ниҳоят сен бунинг нима эканлигини билмасанг? Бу — арвоҳ, айтмоқчи, кейинги пайтларда кечалари у мени шунақанги даҳшатга соляптики! Тақиллаганини эшитишим билан кўрпага бурканиб оламан-да, то тонг отгунча қнмир этмай ётаман».

«Бе, қўйсанг-чи, хотин, бунинг нимасидан қўрқасан? — деди унга Жанни.— Мен ётар чоғимда *Сабоҳ паноҳига* дуосини, *Карамингни дариг тутма*, яна бир неча хайрли дуоларни ўқиб, парвардигорни, Исо алайҳиссаломни ва муқаддас руҳни тилга олган ҳолда, чорпоямизни бошдан-оёқ чўқинтириб чиққанман, шунинг учун ҳеч нимадан қўрқма: ўша рўё қанчалик кучли бўлмасин, бизга ҳеч қандай зиён етказа олмайди».

Лекин монна Тесса, Федеригонинг кўнглида бирон шубҳа уйғониб, ўзи билан аразлашиб қолишидан қўрқиб, ўрнидан турди ва Жаннининг шу ерда эканлигини бир амаллаб ўйнашига тушунтирмоқчи бўлди. «Топган гапингни қара-ю! — деди у эрига. — Биз уни афсун ўқиб даф қилмоғимиз лозим, бўлмаса, жонимни ҳрвучлаб ўтиравераман, яхшиямки, сен шу ердасан, далда бўласан».

— Қанақа афсун экан у даф қилладиган?»— деб сўради Жанни.

«Бунинг йўлини билиб олганман! — деб жавоб қилди хотин. — Яқинда мен тавба-тазарру қилгани Фьезолега борувдим, битта зиёратчи аёл, — вой, Жанни, тасаддуғинг кетай, мана шу зиёратчиларни ҳақиқий авлиё деса бўлади, азбаройи худо! — битта зиёратчи аёл гапини эшитиб, қўрқоқ экансиз, деди, кейин менга бир хайрли, табаррук дуо ўргатди, — ана шу аёл айтишича, у зиёратга қадам қўймасдан олдин бир эмас, бир неча мартаба шу дуонинг мўъжизакор кучини синаб кўрган экан, — бир марта ҳам нафи тегмай қолган пайти бўлмаган, деб айтди... Лекин ёлғиз ўзим бўлганимда у дуонинг кучини синаб кўришга, худо ҳаққи,

юрагим дов бермас эди, илло мана, сен ёнимда бўлганинг учун — юр, бир синаб кўрамиз ўша дуони».

Жанни бунга рози бўлди. Икковлари ўрниларидан туриб, оёқ учида эшик олдига рози боришди, Федериго ҳали ҳам эшик тагида турарди ва унинг кўнглида энди шубҳа уйғона бошлаган эди.

«Мен, тупур деганимда тупурасан», — деди монна Тесса эшик олдига яқин боришганида.

«Яхши», — деб жавоб қилди Жанни.

Ана шундан кейин хотин афсун ўқий бошлади: «Рўёмисан, нимасан, нега тинчлик бермайсан? Сен думингни хода қилиб келгансан, яна уни қайирмасдан кетасан. Ундан кўра, боққа чиқсанг, кўрасан, шафтоли дарахти тагидан жиз-биз қилинган насибангни оласан; товугимнинг тагидан тушгани ҳам, бўрдоқи гўшт яна бир нишани ҳам. Ушаларни гиппа-гиппа туширгин, эрим билан икки-мизни тинч қўйгин». Монна Тесса шуларни айтиб бўлиб эрига: «Туфла, Жанни!» — деди, Жанни ҳам туфлади.

Эшик тагида кутиб турган Федериго бу гапларнинг ҳаммасини эшитиб, кўнглида пайдо бўлган рашкни бир зумда тарк этди, бу ҳол унига қанчалик алам қилган бўлсаям, ўзини кулгидан тийишга уриниб пақ этиб ёрилиб кетишига сал қолди, Жанни туфлаганда эса, «Афсунинг ўзингга урсин!» — деди. Монна Тесса афсунни уч карра қайтариб, яна эри билан тўшакка ётди. Хоним билан машат қилишга шайланган, аммо ниятига эришолмаган Федериго афсунининг маънисига жуда яхши тушунди: у фикрлаб боққа чиқди, азим туп шафтоли дарахти тагига бориб, у ердан иккита қоврилган хўроз, анча-мунча тухум ва бир шиша шароб тонди, ҳаммасини олиб уйига борди-да, ҳузур қилиб овқатланди. Кейин у монна Тесса билан учрашганида, у ўқиган афсунни эслашиб, икковларининг кулгидан ичаклари узилаётган эди.

Ва лекин бошқа одамларнинг таъкидлашича, монна Тесса эшак бош чаноғининг тумшугини Фьезоле томонга қаратиб қўйган экану, лекин узумзордан ўтиб кетаётган қайсиям хизматкор, кўлидаги таёғи билан бошчаноқни бир уриб, чирпирак қилиб юборганмиш, оқибатда, у Флоренция томонга қараб қолганмиш — мана шунинг учун ҳам Федериго ўзини меҳмонга таклиф этилган деб ўйлаб монна Тессаникига келган экан. Яна бошқа баъзилар айтидиларки, монна Тесса гўё мана бундай деб афсун ўқиганмиш: «Арвоҳмисан ё рўё? Остонамда турма-ё! Эшак бошни буриб қўйган мен эмас. Бу шумликни қилган одам, илоё, тўнғиз қўпсин, синсин оёқ-қўли-ё, Жанни эрим ёнимда-ё». Шундай қилиб, Федериго ўша куни, муродига етолмай қуруқ қайтиб кетибди. Лекин менинг бир қўшним, жуда мўнқиллаб қолган кампир, аввалги воқеа ҳам, кейингиси ҳам дарҳақиқат бўлган, деб ишонтирди мени, — айтишича бунга у ёшлик чоғида эшитган экан, — фақат фарқи шу эканки, иккинчи воқеа Жанни Лоттерингнинг уйида эмас, балки, Сан Пьеро дарвозаси яқинида истиқомат қилувчи Жанни ди Нелло деган одамнинг уйида содир бўлган эканким, бу ҳам худди Жанни Лоттерингга ўхшаган ғирт аҳмоқ одам экан. Мана, эъозли хонимлар, кўнглингизга маъқул бўлган дуони

таглаб олинглар. Истасангиз, унисни ҳам, бунисини ҳам эслаб қолинг — ўзингиз ишонч ҳосил қилдингизки, бундай ҳолларда иккала дуо ҳам мўъжизакордир. Уларни албатта ёдлаб олинг, асқотиб қолиши мумкин.

2

Перонелланинг эри уйига қайтади, бунни кўриб Перонелла ўйнашини май бочкасига яширади; эр бочкани сотганини айтади, лекин хотин уни аллақачон бир одамга пуллаб бўлганман, ҳозир у бочка ичига тушиб, уни кўздан кечирипти, деб эрини ишонттиради; кейин Перонелланинг ўйнаши бочкадан чиқади-да, эридан уни тозалаб беришни талаб қилади ва ҳикоя охирида, бочкани ўз уйига олиб кетади

Тингловчилар дамо-дам хаҳотлаб кулишиб Эмилиянинг ҳикоясини бўлиб турдилар, афсунларни эса фойдали ва мўъжизакор деб топдилар. Сўнг қирол Филостратога ҳикоя қилишни буюрди ва у ўз ҳикоясини шундай бошлади:

— Дилбар хонимлар! Эркак зоти, алалхусус — эрларингиз, сизларга шундай найранглар кўрсатишадикки, битта-яримта хотин озиб-ёзиб эрини гел қилиб қолгудек бўлса, сизлар шундай ҳол юз берганидан, бундай воқеадан дарак топганингиздан, бу ҳақда биронтадан эшитганингиздан хурсанд бўлмоғингиз керак, наинки, хурсанд бўлмоғингиз — балки ўз навбатида, юз берган ўша ҳол ҳақида ҳаммага овоза қилишингиз керакким, токи эркаклар, агар ўзларини эр билсалар, хотинларини шер билишлари лозимлигини тушуниб олсинлар. Бу эса, биз эркаклар учун фақат наф келтириши мумкин: зеро, биримиз иккинчимизнинг ҳам худди ўзимиз сизгари уддабурон эканлигимизни билсак, уни лақиллатишга уннашдан олдин ўйлаб кўрадиган бўламиз. Ҳеч шубҳа қилмайманки, бугун баён қилинадиган ҳикояларимиз, эркаклар қулоғига этиб борганида, улар ҳаттоки сиз аёллар ҳам агар истасангиз, уларни шарманда қилишингиз мумкинлигини мулоҳаза қилишиб, анча эҳтиёткор бўлиб қолишади. Мана шу мақсадда мен паст табақали бир жувоннинг ўз сирини яшириш мақсадида, кўз очиб-юмган эрини қандай лақиллатгани ҳақида ҳикоя қилиб бермоқчиман.

Бундан хиёл вақт олдин Неаполда бир камбағал йигит Перонелла исмли ғоятда гўзал ва зебо бир қизга уйланади; йигит тош терувчи, қиз ип йигирувчи, улар шу иш билан топган уч-тўрт танга пулга амал-тақал қилиб кун кечирарди. Аммо кунлардан бир кун шундай ҳол содир бўлдики, бир бебурд такасалтанг йигит Перонеллани кўриб қолди, унинг жамолидан ҳайратга келди, унга ишқи тушиб, аёлда ҳам ўзига мойиллик уйғотишга астойдил урина бошлади ва ниҳоят, ниятига етди ҳам. Улар бир-бирларининг висолига етиш борасида шундай келишиб олдилар: Перонелланинг эри жуда барвақт туриб, ё ишга, ё бўлмаса, иш қидиргани чиқиб кетарди, шунинг учун йигит бу пайтда шу яқин ўртада эрнинг уйдан чиқиб кетишини пойлаб туриши, сўнг, лип этиб уйга кириб олиш

керак эдиким, Аворио кўчасида ҳеч ким яшамагани учун буни бировага сездирмай бажариш ҳеч қийин эмас эди. Хуллас, улар анча вақтгача шу йўсинда иш кўриб юришди.

Лекин кунларнинг бирида эрталаб, муҳтарам эр ўз одати бўйича уйдан чиқиб кетди, Жаннелло Скриньярио эса, — йигитнинг исми шундай эди, — лип этиб уйга кириб кетиб, у ерда Перонелла билан ёлғиз қолди, бироқ орадан хиёл вақт ўтар-ўтмас, одатда то кечгача қайтиб келмайдиган эр тўсатдан қайтиб келиб, эшикни итарди, қараса у ичидан занжирланган. Эр эшикни тақиллата бошлади ва тақиллата туриб шундай хаёлга борди: «Э худо, ўзингга шукур! Сен менга гарчи бойлик ато этмаган бўлсанг ҳам, кўнглимга таскин бериш учун номусли, яхши хотин ато этдинг! Буни қара: остонадан ҳатлаб кўчага чиқишим билан дарров эшикни ичидан занжирлаб олипти, битта-яримта кириб, кўнглимни ранжитиб-нетиб ўтирмасин деган-да!»

Перонелла эса, эшикнинг қандай тақиллашидан, эри келганини дарров пайқади. «Шўрим қуриди, жонгинам Жаннелло! — деди у, — Адойи тамом бўлдим! Бу келган эрим, илоё ер ютсин уни! Нега дарров қайта қолдийкин-а? Ё сени уйга кирганингни кўриб қолдимкин? Э, бўлганича бўлди! Сен, худо деб, мана бу бочканинг ичига тушиб ол, мен бориб эшикни очай. Ҳозир биламиз, нима жин уриб қайтиб келганин!»

Жаннелло ўйлаб-нетиб ўтирмасдан дарров бочкага тушиб олди, Перонелла эса, эрини жавраб қарши олди. «Бу яна қанақа қилиқ бўлди? — деди у. — Нега дарров қайтиб келдинг? Яна ҳамма асбоб-ускуналарингним олиб келсан! Назаримда, бугун ўзингга байрам уюштирмоқчисан шекилли? Бунақада қандай кун кечирамиз? Нонга пулни қаёқдан оламиз? Ё мени кўйлагимни, ё бўлмаса бошқа биронта латта-путтамни гаровга қўяди деб ўйлаяпсанми? Мен жилла қурса, қорачироққа мой сотиб олармиканман, деб, кечани кеча, кундузни кундуз демай ип йигириб итдай чарчасаму сен нима қиляпсан? Э, садқан эр кет-е! Қўшни хотинларнинг ҳаммаси тиним билмай ишлашимни кўриб, ҳайрон-ҳайрон қолишяпти, ҳатто устимдан кулишяпти ҳам, сен бўлсанг ишга қўл урмасингдан дарров уйга қайтиб келибсан!» Шу ерга келганда Перонелла йиғлаб юборди. «Мунчаям шўрпешона бўлмасам мен бояқиш! — деб яна гапира кетди у. — Қандай қаро кунда туғилган эканман, қандай бадбахт кунда келин бўлиб тушган эканман бу хонадонга! Дурустгина бир азамат йигитни топиб, ўшанга турмушга чиқсам бўлмас эканми, йўқ, пешонамнинг шўрлигини қарангки, келиб-келиб шу пандавақини танлаб ўтирибман, бу бўлса мени зиғирча ҳам қадрламайди! Бошқа хотинлар ўйнаш орттиришиб, вақтичоғлик қилишади, баъзи хотинларнинг иккитадан, баъзи бирларининг бўлса, ҳатто учтадан ўйнаши бор, улар ўйнашлари билан кўнгилхушлик қилишади, эрларининг бўлса бурнидан ип ўтказиб олишган. Мен худога нима ёзибман? Номусли аёл бўлсам, ҳеч қандай қинғир ишни ҳатто кўнглимга ҳам келтирмасаму, нега бунчалик шўрпешонаман-а, нега менинг ҳеч нимадан толейим йўқ-а? Рост-а, нима қилти менам ўйнаш орттирсам. Сен, эржон, билиб

қўйсанг ёмон бўлмасди: менам агар хоҳласам, бирпасда ўзимга ўйнаш топиб оламан — қизлик чоғимда не-не ўктам йигитларнинг бошини айлантирганманки, ҳали-ҳали менга одам қўйишни канда қилишмайди, жарақ-жарақ пул ваъда қилишади, хўп десангиз шойи либослару қимматбаҳо тақинчоқларингизни ҳисоби бўлмайди, дейишади, аммо бунақа йўлга киришимга номусим йўл қўймайди, сен бўлсанг, ишлаб пул топиш ўрнига, уйингга қайтиб келиб ўтирибсан!»

«Бўлди, хотин, кўп куюнаверма! — деди эр. — Гапимга ишон, сеннинг яхши хотинлигингни биламан, ҳозиргина бунга яна бир марта иқрор бўлдим. Мен ишга боришга борибману, лекин бугун авлиё Галионе кунн эканлигини, ҳеч ким ишламаслигини сен ҳам, мен ҳам билмабмизда, — мана шунинг учунам уйга дарров қайтиб келдим. Лекин энди бир ойга етadиган нон пулимиз бўлади — ҳозир шунинг гамини еб келдим. Кўряпсанми, анави одамни бошлаб келдим. Мен унга бочкамизни сотдим, — ўзинг биласан, бочкамиз қачондан бери бўм-бўш бўлиб, бекорга жойни эгаллаб турипти, бу одам бўлса, бочкамизни беш флоринга сотиб олмоқчи».

«Дард устига чипқон! — деб чийнллай бошлади бунн эшитган Перонелла. — Ҳой, ҳар ҳолда эркаксан-ку ахир, ҳамма ерда бўласан, нима қиларкан оз-оздан бўлса ҳам рўзгор тутишнинг йўлини ўргансанг, бочкани келиб-келиб атиги беш флоринга сотдингми? Мен остона ҳатлаб кўчага чиқмайдиган оми бир хотин бўла туриб, бочканинг ноқерак бўлиб қолганини кўрдиму уни бир муҳтарам зотга пулладим, илло, сенга ўхшаб беш флоринга эмас, етти флоринга сотдим, ана ҳозир ўзи бочканинг ичига тушиб, унинг тоб ташлаган-ташламаганлигини текшириб кўряпти».

Эр бу гапдан жуда хурсанд бўлиб кетди-да, ўзи бошлаб келган одамга ўгирилиб деди: «Худо йўлингни берсин, ҳурматли зот! Эшитгандирсан? Хотиним бочкани етти флоринга сотипти; сен бўлсанг, бориб турган баҳоси беш флорин, деган эдинг».

«Таъбингиз», — деди харидор ва жўнаб кетди.

«Баски, ўзинг келиб қолдинг, — деди эрига Перонелла, — бу ёғига харидор билан ўзинг гаплаш».

Бу пайтда ўйнашнинг қулоғи динг эди: у эр-хотин ўртасидаги гапдан ўзига нима таҳдид солаётганини тушунишга уринар ва бу таҳдидни даф қилиш устида бош қотирарди; у Перонелланинг охириги гапини эшитган заҳоти, бочкадан дик этиб сакраб чиқди ва гўё эрининг қайтиб келганини эшитмагандай бўлиб: «Қаёқдасиз, ҳой бека?» — деб чинқирди.

Лекин шу чоғ бу ерга эр кириб келди ва деди: «Гапинг бўлса айтавер! Нима дейсан?»

«Сен кимсан ўзи? — деб сўради Жаннелло. — Менга бу бочкани хотин киши сотган эди — ўшани чақиряпман.

«Нима гапинг бўлса, менга айтишинг мумкин, — мен ўша хотиннинг эри бўламан», — деб жавоб қилди Перонелланинг ёстидоши.

«Бочкангиз гумбур, текшириб кўрдим, — деди шундан кейин ўйнаш, — лекин унинг тубига алланиманинг қўйқуми ўтирган экан,

энди қотиб, ёпишиб кетибдики, тирноғим билан кўчираман деб қанча уринсам ҳам бўлмади. Агар тозалаб берсангиз — бочкангизни сотиб олардим».

«Бунинг ҳеч қийин ери йўқ,— деб гапга аралашди Перонелла,— ҳозир эрим бирпасда яхшилаб тозалаб беради».

«Албатта тозалаб бераман»,— деди эр ва асбоб-ускунасини ерга қўйиб, камзулини ечди, шам ёқишни ва куракча олиб келишни буюрди, сўнг бочкага тушиб олиб, уни ҳафсала билан қиртишлай бошлади. Бочка унчалик кенг эмас эди; бунинг устига Перонелла ҳам гўё эрининг ишини кузатмоқчи бўлгандек, бошини бочкага тикиб олди, яна қўлини ҳам елкасигача бочка ичига тушириб, эрига: «Мана бу ерни қириб ташла, анави ердаям бор экан, энди мана бу қуйқумни тозала, мана бу ёқдаям озгина қопти»,— деб иш ўргата бошлади.

Хотин, эрига қиртишлаш лозим бўлган ерларни кўрсатиб, шу алфозда тураверди, Жаннелло эса, уй хўжасининг бемаврид келиб қолгани сабабли, ўз ҳирсини кўнгилдагидек қондиrolмаганини, бунинг устига, энди барибир бугун ҳеч нима ундира олмаслигини тушуниб, шахвоний нафсини баҳоли қудрат қондиринишга аҳд қилди. Шунга кўра у, бочка озини кўкси билан ёпиб турган Перонеллага яқинлашди-да, худди бепоён даштларда ўтлаб юрган асов айғирлар Парфея¹ байталларига ташланиб нима қилинган бўлса, бу ҳам шундай иш тутиб, ахирини ўзининг йиғиллик ҳирсини қондириб ҳовурини пасайтирди; у Перонелланинг бочкасини қиртишлаб бўлиб, ўзини ундан нарига олиб қочган ҳам эдики, бу ёқда аёл ҳам бошини бочкадан чиқарди, унинг эри ҳам шу пайт бочкадан чиқиб келди. Шунда Перонелла «харидор»га деди: «Яхши йиғит, шамни олиб, ўзингиз бир кўринг-чи, кўнглингиздагидек тоза бўлдимикин?» Жаннелло бочкага бош тикиб кўриб, мана энди тон тоза бўпти, хурсандман, деб айтди. Шундан кейин у ўйнашининг эрига етти флорин берибди-да, унга бочкани кўтартириб уйига элтиб беришни буюрган экан.

3

Огаий Ринальдо ўз кумаси билан ўйнашади; аёлниң эри бунинг устидан чиқиб қолади, аммо огаий Ринальдо, ўглингизнинг гижжасини дуо ўқиб даф қилаётуедим, деб важ кўрсатади

Филострато Парфея байталлари ҳақида сал бепарда гапирди, шунинг учун ҳам фаросатли хонимлар, унинг нимага шама қилаётганини тушунишиб, кулиб юборинган бўлса ҳам ўзларини бошқа вайдан кулаётган қилиб кўрсатишди. Филостратонинг қиссаси ниҳоясига етганига ишонч ҳосил қилган қирол ҳикоя қилиш навба-

¹ Парфея — хусусан, ҳозирги Қўҳистон билан Хуросоннинг бир қисмини ўз ичига олган тоғлик ўлканнинг қадимги номи. Бу мамлакатнинг асосий маҳсулоти йилқилар бўлган. (Тарж.)

тини Элиссага берди ва у қироднинг амрини бажо айлаб шундай ҳикоя қила бошлади:

— Дилбар хонимлар! Эмилиа ўз ҳикоясида баён қилган сеҳр-жоду менга бир афсун ҳақидаги ҳикоятни эслатди, гарчи у айтарли қизиқ бўлмаса ҳам шунга қарамай, бугунги ҳикояхонлигимиз учун белгиланган мавзуга монандроқ бошқа бирон ҳикоя бўлмаганлиги туфайли, шу ҳикоямни сизларнинг эътиборингизга ҳавола қиламан.

Сизларга маълум бўлсинки, бир вақтлар Сиенада¹ асизодалар табақасидан чиққан Ринальдо исмли бир дилбар йигит яшарди. У ўз қўшниси бўлмиш бадавлат кишининг соҳибжамол хотинига девонлардек ошиқ бўлиб қолган эди ва агар ҳеч кимнинг кўнглида шубҳа уйғотмай бир маротабагина у аёл билан холи ерда суҳбатлаша олсам, ўз ширин орзуимнинг сарчўққисига мушарраф бўлардим, деб умид қилиб юрарди, ва лекин у ўз ниятини рўёбга чиқармоқ учун ўшал хотин билан кум тутинишдан² ўзга важ топа олмади,—шунинг ҳам айтиб ўтиш керакки, аёл ўшал чоғда ҳомилдор эди. Шу ниятда Ринальдо аёлнинг эри билан дўстлашди, дўстлашгач, гоятда нозик иборалар билан унга ўз истагини изҳор этди, эр ҳам бунга рози бўлади. Шундай қилиб вақт-соати етгач, донна Агнессанин кўзи ёриди ва Ринальдо у билан кум тутинди; энди у донна Агнесса билан овлоқда суҳбат қуриш учун ҳамма вақт ҳам узрли важ топиши мумкин эди; алқисса, кунлардан бир кун йигит юрак ютиб, ўз ниятини дангал изҳор этди (шунинг ҳам айтиш керакки, донна Агнесса йигитнинг кўнглини аввалроқ ҳам унинг кўзидан пайқаб юрар эди), гарчи аёл унинг ишқий иқрорини ҳузур қилиб тинглаган бўлса ҳам, лекин Ринальдо бу билан ҳеч нимага муяссар бўла олмади. Шу воқеадан кейин орадан хиёл вақт ўтар-ўтмас, Ринальдо негадир узлатга чекиниб роҳиб бўлди; унинг бундан қандай манфаатни кўзлагани маълум эмас, лекин у кейинчалик ҳам ўла-ўлгунча роҳиб бўлиб қолаверди. Ринальдо сочини хоч шаклида олдириб, роҳибликни қабул қилгач, ўз кумасига бўлган муҳаббатини ва васвасага солувчи ўзга ҳиссиётларини вақтинча бўйнидан соқит қилди, илло, орадан маълум вақт ўтгач, у роҳиблик ридосини ечмаган ҳолда, тарки одат — амри маҳол, дегандек яна аввалги одатларини қўллай бошлади, ўзига оро беришдан, олиф-тагарчиликдан, пўримликдан, модага монанд ясанишдан, ишқий шערлар, мадҳиялар, сонетлар ёзишдан, қўшиқлар куйлашдан ҳоказо ва ҳоказолардан лаззатлана бошлади.

Мунчаём шу оғай Ринальдога ёпишиб олмасам! Нима, бошқалар ундан яхшироқ бўятими? О, фосиқ жамиятимизнинг шармандалиги! Улар ўзларининг сўқимдек семизликларидан, икки юзларининг апордек қип-қизиллигидан, ўзларининг тантиқ табиат-

¹ Сиена — Флоренциядан жануброқдаги шаҳарча. (Тарж.)

² Кум тутиниш — христиан ва католик дини қавмларида туғилган чақалонни черковда чўқинтирган эркан ва аёл — боланин ота-онасига кум ва кума, боланин ўзига эса чўқинтирган ота ва чўқинтирган она бўлиб, шу кундан эътиборан улар бу оиллага гўё қариндошдек яқин бўлиб қолишади. (Тарж.)

дикларидан, эгниларидаги жамики қимматбаҳо либослардан хиёлгина бўлсин андишага бормайдилар, уларнинг бутун хатти-ҳаракатларида мусичадек беозорликдан асар ҳам йўқ,— улар мисоли бабоқ хўрозлардек, тожларини тиккайтириб, кўкракларини кериб савлат тўкиб юрадилар. Уларнинг ҳужраларида пардозбоп упа-эликлар солинган банклар, ширинликлар тўлдирилган қутичалар, атирлар ва хушбўй мойлар солинган шишачалар, мусалласлар, юнон майлари ва ўзга нозик таъмли шароблар тўлдирилган бочкачалар қалашиб ётибди,—кўрган одам буни роҳибнинг ғарибона ҳужраси деб эмас, балки баққолчилик ва атторлик дўкони деб ўйлаши мумкин, э, ҳали буям ҳолва! Улар ўзларининг подагра¹ дардига чалинганлигидан зиғирча ҳам ҳижолат бўлмайдилар; улар, гуё рўзага қатъий риоя қилишдан, ғарибона ва ёвғон овқатдан, нафсини тийишдан одамларнинг озишини, ихчамлашини, одатда, соғломлашини, бордну товлари қочгудек бўлса ҳам ҳар ҳолда, подагра дардига чалинмасликларини (зеро, роҳибнинг поклиги ва шунингдек, бутун камтарона турмуш тарзи ул дардни даф айлағай) ҳеч ким билмайдиям, тушунмайдиям деб ўйлашса керак. Улар муҳтожликда узоқ муддат бедор яшаш, нбодатда туриш, ўз жисмини қийноққа солиш оқибатида кишининг ранги сомон, руҳи вайрон бўлишини, авлиё Доминикда ҳам, авлиё Францискда ҳам тўрттадан жубба бўлмаганлигини, уларнинг ҳеч қачон қимматли зарбоф либослар кийишмаганини, билъакс, энг одми дағал матодан тикилган жубба кийиб юришганини, эгниларидаги либослари ўзларини кўз-кўз қилиш учун эмас, балки совуқдан сақланиш учунгина хизмат қилишини ҳеч ким тушунмайди деб ўйлайдилар. Э, парвардигор, ушбу ахлоқий иллатларни бартараф қилиб, ўз хайр-садақалари билан ўшал дин пешволарини боқиб ётган, руҳий озуқага муҳтож авом бандаларингни имонини баркамол қил!

Алқисса, оғайй Ринальдонинг эски одати яна кўзий бошлади-ю, кумасининг қошига яна танда қўядиган бўлди. Вақт ўтиши билан у анча дағаллашган ва шилқимлиги қуюшқондан чиқа бошлаган эди. Раҳмдил аёлнинг кўзига оғайй Ринальдо бу вақт ичида очилиб кетгандай бўлиб туюлди, ундан ташқари, бундай қистовга мушдом дош беришга энди у ожизалик қиларди, шунга кўра, оғайй Ринальдо хиралик қилавериб, хонимни ҳеч ҳол-жонига қўймагач, хоним энг сўнги чорани ишга солдиким, одатда, ён босишга рози бўлган аёллар бундай ҳолларда айнан шу йўлни тутадилар. «Сизга нима бўлди, оғайй Ринальдо?—деди донна Агнеса.—Роҳиблар ҳам шунақа иш билан шуғулланарканми?»

Оғайй Ринальдо ҳам унга жавобан бундай деди: «Хоним! Агар жуббамни ечиб ташласам,—мен уни зум ўтмай ечгум,—сиз менинг роҳиб эмас, баайини жами эркак зоти янглиғ бир эркак эканлигинига шоҳид бўлғайсиз».

¹ Подагра—оёқ ва қўл бўғинларини зирқиратиб оғритадиган касал бўлиб, одатда у жисмоний меҳнат билан шуғулланмай, кучли таомларни муттасил кўи истеъмол қилиш оқибатида вужудга келади; халқда бу «бой касал» деб юритади. (Тарж.)

Донна Агнеса мийгида кулиб қўйди. «Вой, шўрим, энди нима қилсам экан?—деб юборди у.—Ахир сиз билан кум тутинган бўл- сак, аёл киши ўз куми билан ҳам шунақа қилса бўларканми? Ахир жудаям одобсизлик бўлса керак, ҳа, ҳа, мен кўп кишилардан эшитганман, бу ишимиз гуноҳи азим бўлармиш, агар шу томонни бўлмаганда, албатта кўнглингизни овлаган бўлардим».

Агар шундан ўзга асосингиз бўлмаса, унда буни сиз томондан қилинган тентаклик деб ҳисоблайман,—деб эътироз билдирди Ринальдо.—Мен буни гуноҳ эканлигини инкор этмайман, илло, парвардигор тавба қилган бандасининг бундан ҳам оғир гуноҳларидан ўтади. Менга шуни айтинг: ўглингиз учун ким қадрдонроқ — унинг чўқинтирган отаси бўлмиш менми ёники уни пуштикамари билан ёруғ жаҳонга келтирган эрингизми?»

«Эрим»,—деб жавоб қилди донна Агнеса.

«Ори рост,—деди роҳиб. Хўш, эрингиз сиз билан ётмайдимми?»

«Албатта ётади»,—дея жавоб берди донна Агнеса.

«Бас, шундай экан,—деб давом этди роҳиб,—боз устига, ўглингиз учун мен эрингизга нисбатан жуда олис қариндош эканлигини эътиборга олинадиган бўлса, унда мени ҳам сиз билан мулоқотда бўлишга ҳақим бор».

Донна Агнеса мантиқ илмидан сабоқ олмаган эди, тўғри, у бирон далилга суяниши керак эди, албатта, шунинг учун ҳам у роҳибнинг айтган гапига ишонди,—ё эҳтимол, ўзини ишонгандай қилиб кўрсатгандир. «Сизнинг доно сўзларингизга қандай эътироз билдириб бўлади?—деди у ва кум тутинишганига қарамай, роҳибнинг ҳожатини чиқармоқчи бўлди. Улар дарҳол ишга киришдилар, кум тутинганликлари уларнинг бир-бирлари билан учрашишга енгиллик туғдиргани ва ҳар қандай шубҳа-гумонларни даф қилганлиги сабабли, улар кейинчалик ҳам яна бир неча маротаба учрашишди.

Илло, мана, кунларнинг бирида оғайи Ринальдо донна Агнесанинг ҳузурига келди ва бутун уйда хоним билан унинг дўндиққина, дўмбоққина оқсочидан бўлак ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, оқсочга ўз оғайнисини рўпара қилиб, бу қизга дуо ўқишни ўргатиб қўй, деб икковини чордоққа чиқариб юборди, ўзи эса, қўлга ўғилчасини кўтарган донна Агнеса билан унинг хонасига кирди, улар хонага киришган заҳоти, эшикни ичидан беркитиб олиб, диванга ётишди-да, шўхлик қила бошлашди. Шўхлик айни авжга мишган бир пайтда бирдан хонимнинг эри уйга қайтиб келиб қолса бўладими; унинг уйга кирганини ҳеч ким пайқамасди ҳам; эр хона эшиги олдига келиб, уни тақиллатди-да, хотинини чакирди.

«Вой, ўлдим!—деб пичирлади донна Агнеса эрининг овозидан таниб.—Эрим келди. Энди бизни нега бунчалик бир-биримизга яқин бўлиб қолганимиз сабабини пайқаб қолади».

Оғайи Ринальдо ечинган эди, аниқроғи—эгнида лозимдан бўлак ҳеч нимаси йўқ эди,—жуббаси билан жомасини ечиб қўйган эди. «Ҳақ гапирдингиз,—деди у.—Магар мен либосда бўлганимда эрди, бирон тадоригини кўрса бўларди, ва лекин сиз ҳозир эшикни

очсангизу эрингиз мени ушбу қиёфада кўрса, унда ҳеч қандай баж-баҳоналар инобатга ўтмагай».

Шу чоғ донна Агнесанинг миясига ажойиб фикр келди. «Кийининг,—деди у,—кейин, кийиниб бўлишингиз билан ўғилчамни қўлингизга кўтариб олинг-да, мен айтадиган гапларни диққат билан тинглангим, токим икковимизнинг гапимиз бир жойдан чиқсин, қолганини менга қўйиб беринг».

Эр ҳамон эшикни тақиллатарди; мана, ниҳоят хотин: «Мана, ҳозир! Кетяман!—деб товуш берди ва ўрнидан туриб, ҳеч гап бўлмагандай эрининг олдига чиқди. «Вой, биласизми, эр,—дея жавраб кетди у,—кумимиз шу ердалар—уни худонинг ўзи етказди бизга: у бўлмаганда ўғилчамиздан айрилиб қолган эдик».

Бу гапларга лаққа ишонган оқ кўнгил эр қотиб қолди. «Не, нега ундай бўларкан?»—деди у.

«Вой, асти сўраманг, эр!—деб гапида давом этди донна Агнесса.—Ўғлимиз бирдан ҳушидан кетиб қилт этмай қолди,—аввалига мен уни ўлиб қолди деб ўйладим, нима қилишимни, ўзимни қаёққа уришимни билмай гаранг бўлиб турган эдим, бахтимга шу маҳал муҳтарам кумимиз оғай Ринальдо кириб келсалар бўладими, кирдилару дарҳол болани қўлларига олиб: «Кума! Ўғлингизнинг ичидаги гижжаси юрагига хуруж қияпти,—дедилар.—Одатда бундай дард ўлим билан тугайди, илло, сиз кўрқманг: мен афсўн ўқиб, гижжаларни даф қиламан. То ўғлингиз отдай бўлиб соғайиб кетмагунча уйингиздан кетмайман» дедилар. Дуо ўқиб туриш учун сиз керак эдингиз, лекин оқсочимиз сизни қаердан қидиришни билмади, шундан кейин кумимиз уйингизнинг энг баланд ерида дуо ўқиб туришни ўз оғайнисидан илтимос қилди, биз бўлсак, бу хонага кирдик. Бу примда боланинг опасидан бўлак ҳеч ким қатнашиши мумкин эмас экан,—шунинг учунам, ҳеч ким бизга ҳалал бермасин деб, хонага кириб ичидан беркитиб олган эдик. Ўғилчамизни кум ҳанузгача қўлида кўтариб турипти, то ошнаси томда дуо ўқишни тугатмагунча шундай ушлаб тураверса керак, лекин назаримда хатар ўтди чоғи,—негаки боламиз ҳушига келиб кўзини очди».

Лақма эр ҳамма гапга лаққа ишонди; унинг қалбида оталик меҳри шуичалик кучли жўш ураётган эдики, хотинининг гапларидаги ёлғонни пайқамасди ҳам. Кўнгли енгил тортиб, чуқур тин олди ва деди: «Кириб боламизни қарай-чи».

«Вой, кира кўрманг,—деди хотини,—бутун ишни расво қиласиз. Шошмай турунг, олдин ўзим кириб қарай,—агар мумкин бўладиган бўлса, сизни чақираман».

Оғай Ринальдо ичкарида туриб бутун гапни эшитган эди; у эрхотини ўртасида бўлган суҳбат пайтида бамайлихотир кийимларини кийди, кийиниб бўлиб, ўзига оро бергач, болани қўлига кўтариб олди-да, қичқириб деди: «Ҳой, кума! Келган кумимиз шекилли, а?»

«Ҳа, менман, тақсирим»,—деб жавоб қилди овсар.

«Ундай бўлса кираверинг!»—деб қичқирди оғай Ринальдо.

Овсар эр ичкарига кирди, шунда оғай Ринальдо унга бундай деди: «Мана ўғилчангиз, энди у худонинг инояти бирла соппа-соғ,

илло, бундан бир неча дақиқа муқаддам мен уни оқшомга қолмай жонин узилади, деб ўйлаган эдим. Энди сиз парвардигор эгамга шукрона сифатида, муборак падаримиз Амвросийнинг тасвири қаршисига болангизнинг бўйи баравар шам қўйишни буюринг,— зеро, шул табаррук зотнинг хизматлари туфайли тангри сизга бундай беқиёс карам айлади».

Ҳамма гўдаклар сингари бу бола ҳам отасига кўзи тушиши билан унга қўл чўзиб талпина ва эркалана бошлади, ота бундан ийиб кетди ва кўзларига ғилт-ғилт ёш тўлди, гўёки фарзандини гўр оғзидан тортиб олгандек, қўлига кўтариб олиб, ўпди, ундан кейин эса, кумига чақалоқни дардан фориг қилгани учун қуюқ миннатдорчилик билдира бошлади. Бу орада огаий Ринальдонинг ошнаси чордоқда оқсоч қизни дуо ўқишга камида тўрт маротаба ўргатиб бўлиб, кейин унга оқ тўқима ҳамён совға қилдиким, бу ҳамённи унинг ўзига бир роҳиба совға қилган эди, хуллас, роҳиб оқсочни шу йўсинда ўз қавмлари сафига киритди; кейин у хотинини чақираётган овсар эрнинг овозини эшитиши билан оёқ учида чордоқ зинасидан бир неча поғона пастга тушди-да, ҳамма гап эшитиладиган, ҳамма нарса кўринадиган ерда турди. Кейин, иш ўнгидан келганига қаноат ҳосил қилиб, пастга тушди ва хонага кириб келиб шундай деди: «Огаий Ринальдо! Мен тўрт ракат дуони батамом ўқиб бўлдим»

«Чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин экан,—деди унга жавобан огаий Ринальдо,—лекин мен кумим келганида фақат икки дуони ўқиб улгурган эдим, илло, раҳмдил эгам ҳам сенинг, ҳам менинг тоат-ибодатларимиз эвазига мурғак болага шифо ато этди».

Овсар эр энг нодир майлардан, ширинликлардан дастурхон тузашни буюрди, кумига ва унинг ошнасига уларда йўқ кўп нарсаларни тортиқ қилди, кейин иззат-икром билан кузатиб қўйди-да, ўша куннинг ўзидаёқ ўғилчасининг бўйи тенг келадиган шам буюртириб, уни бошқа шамлар қаторига, муборак зот Амвросийнинг тасвири рўпарасига (илло, Миландаги Амвросийнинг эмас) осиб қўйишни буюрган экан.

4

Бир кун кечаси Тофано хотинини уйга киритмайди; хотин қанча ялиниб-ёлвормасин, у эшикни очишдан бош тортади; шунда хотин ўзини қудуққа ташлагандек қилиб кўрсатади, аслида эса, қудуққа харсанг тош ташлайди; бунини эшитган Тофано уйдан отилиб чиқиб, қудуқ бошига югуради, хотин эса, бу фурсатдан фойдаланиб, уйга киради ва эшикни занжирлаб олиб, эрини бутун маҳалла олдида шарманда қилади

Элиссанинг қиссаси тугаганини пайқаган қирол шу он Лауреттага юзланиб, унинг ҳикоясини тинглашга ихтиёр билдирди, натижада Лауретта вақтни пайсалга солиб ўтирмай, шундай ҳикоя қила бошлади:

— О, Амур! Сен нақадар қудратли, ҳийлагар ва заковатлисан! Қийин аҳволга тушиб қолган мухлисларингнинг мушкулини осон

қила олувчи сенинг дастуриламалларинг, кашфиётларинг ва найранглариинги қайта тиклаган ёки тиклашга қодир бўлган шундай мутафаккир ва шундай санъаткор ўзи бўлганми ё мавжудми? Холдсанлилло айтганда, бошқа ҳар қандай илм ҳам сенинг илминг билан қиёс қилинганда, унчалик устивор эмасдек туюладики, бу ҳол биз тинглаган барча ҳикоялардан яққол сезилиб турибди. Бу фикримга илова ўлароқ, назокатли хонимлар, мен бир соддадил аёлнинг (Амурнинг йўл-йўриғи билан албатта) қандай найранг ишлатгани ҳақида сўзлаб бермоқчиман.

Алқисса, Аренцода Тофано исмли бир бой яшаган эди. У монна Гита деган соҳибжамол қизга уйланиб, ҳеч қандай сабабсиз бирдан рашк қила бошлади. Монна Гита бундан қаттиқ ранжиди, аввалига, мени рашк қилишга қандай далилинг бор, деб бир неча бор эрига дағдага қилиб ҳам кўрди, илло, эр биронга бўлсин важ кўрсатишга ожизлик қилиб, маза-матраси йўқ қуруқ гаплар билан чекланиб қолаверди, бу ҳолдан жиғибийрони чиққан хотин бора-бора тоқати тоқ бўлиб, шу қилганингга, бошингга ҳақиқий рашк дардини солмасам менам юрган эканман, деб кўнглига тугиб қўйди. Шу атрофда монна Гитанинг кўнглига ўтирган бир ўктам йигит турарди, шу йигитнинг ўзига шайдо бўлиб юрганини пайқаган аёл бегона кўзлардан хуфиёна ноз-карашма қилиб, унга қочирқиқ гаплар ота бошлади. Ахир икковлари бир-бирлари билан тил бириктиришиб, ниҳоят амалий ишга ўтиш пайти келганида, аёл бу иш учун ҳам қулай восита қидириб топмоқчи бўлди. У эрининг ярамас одатларидан бири майхўрлик эканлигини билиб, бу борада уни энди рағбатлантира бошлади ва аксар пайтларда ўзи унга май қуйиб берадиган бўлди. Орадан вақт ўтиши билан эр майга шу қадар ружу қўйиб кетдики, энди хотин ўзи учун зарур бўлган пайтда доим эрини ичириб қўйиб, ишини битираверадиган бўлди. Мана шундай найранг туфайли у ўз маҳбуби билан бир кун келиб, илк бор топишишди: у эрини гирт маст қилиб, ухлатиб қўйди-да, ўзи физиллаганча йигит билан учрашгани кетди, ана шу кундан эътиборан у ўз маҳбуби билан тез-тез ва бежавотир учрашиб турадиган бўлди. Бадмаст эрнинг бежавотир эканлигига қатъий ишонган хотин, бора-бора ўйнашини уйига бошлаб келишидан ҳам қўрқмай қўйди, баъзида эса, у ҳатто тонг отгунча йигитникида қолиб кетадиган бўлди, яхшиямки, йигитнинг уйи унча узоқ эмас эди. Ошиқ аёл шу йўсинда иш кўриб, айшини суриб юраверди ва лекни бадбахт эр, хотинининг ўзи ичмай, ҳадеб унга ичиришини бир кун келиб сезиб қолди-ю, ахир бунинг боисига тушунди, яъни хотиним бемалол яйраб ўйнаб олиш учун менга май ичириб ухлатиб қўяркан, деган фикр кўнглидан ўтди. У ўз фикрининг тўғрилигини амалда синаб кўриш мақсадида, кунлардан бир кун атайин оғзига бир қултум ҳам май олмади илло, кечқурун уйига гирт маст одамдай кириб келди. Хотини унинг мастлигига ишониб, бошқа ичирмасам ҳам бўлади, шундоғам тирракдак қотиб ухлайди, деб ўйлаб, шоша-пиша уни тўшакка ётқизди. Эр ўринга ётиши билан хотин ўз одати бўйича, маҳбубининг қошига жўнаб қолди ва то ярим кечагача ўша ерда қолиб кетди.

Энди гапни Тофанодан эшитнинг, у хотинининг уйдан чиқиб кетганига ишонч ҳосил қилган, ўршдан турди, эшикни ичидан занжирлаб олиб, хотини келса, «мана энди шарманданг чиқди» демақчи бўлиб, уни дераза олдида туриб кута бошлади. То хотини қайтиб келгунча у шу алфозда дераза олдида нари жилмай тураверди, мана ниҳоят, хотин келиб, эшикнинг ичидан занжирлаб олинганини пайқади ва бу ҳолдан кўнгли гаш тортиб, зора очилса, деган мақсадда эшикни аzza-базза итара бошлади. Тофано бир оз фурсат хотинининг хатти-ҳаракатини кузатиб туриб, кейин унга шундай деб қичқирди: «Бу чиранишларингдан наф йўқ, хотин,— барибир уйга киролмайсан! Қаёқдан келган бўлсанг ўша ёққа кетавер энди. То қариндош-уруғларингу қўни-қўшнилари олдида сени шарманда қилмагунмача уйга қадам босмайсан, гап шу!»

Хотин, эшикни оча қол, деб эрига худонинг зорини қилиб ялинди, мен сен ўйлаган ердамас, қўшни хотинникида гурунглашиб ўтирган эдим: кечаси узун бўлди, ухлаб тонг оттириб бўлмайди, бир ўзим уйда зерикканимдан чақчақлашгани чиқувдим, деб ёлворса ҳам, бу гаплар эрига таъсир қилмади; шаҳар аҳлининг бу можародан ҳали хабари йўқ эди, аммо ўзини ҳам, хотинини ҳам бутун Арецо шаҳрига шарманда қилмагунча овсар эрининг кўнгли таскин топмайдиганга ўхшарди.

Ниҳоят хотин, бу ялиниб-ёлворишларининг ҳаммаси деворга гапирган билан баробар эканлигини тушуниб, энди дўқ-пўписа қила бошлади. «Агар эшикни очмасанг, сени хонавайрон қиламан»,— деди у эрига.

«Хўш, қўлингдан нима келарди?» — деди Тофано.

Бу орада хотин ишқ худоси — Амурнинг мадади билан хийла хушёр тортган эди.

«Мен ноҳақ бадномликка бардош бера олмайман,— деди у, ҳозир ўзимни ҳув анови қудуққа ташлайман, кейин менинг жасадимни топишганида, ҳамма айбни сенга тўнкашади,— маст бўлиб келиб хотинингни сен қудуққа ташлаб юборгансан, деб сендан кўришади. Оқибат, бутун мол-давлатингдан воз кечиб, бу ердан бош олиб чиқиб кетишингга, мусофир юртларда саргардон бўлиб яшашингга тўғри келади, акс ҳолда, менинг қотилим сифатида сени қатл этишади, рост-да, қотилим бўлмай ким бўлардинг?»

Тофано хотинининг бу таҳдидларини эшитиб ҳам ўзининг аҳмоқона ниятидан воз кечмади. Шунда хотини унга бундай деди: «Бўпти бўлмаса, мен бунақа аламга бардош бера олмайман. Сени худога солдим! Илоё, кўз ёшларимнинг уволи тутсин сени».

Шу сўзлардан кейин у қудуқ томонга қараб юра бошлади, тунзим-знё бўлганлигидан, у қудуқ ёнида ётган битта ҳарсангни кўтариб: «Э худо, ўзинг кечир!»— деб чинқирди-да, уни қудуққа ташлаб юборди. Харсанг сувга шалоплаб тушди. Тофано сувнинг шалолаганини эшитиб, хотиним ростдан ўзини қудуққа ташлади-ёв, деб ўйлаб уйдан югуриб чиқди ва хотинини қутқариш учун қудуқ бошига югурди. Хотин эса, бу пайтда эшик ёнида биқиниб турган эди, у эрининг остонадан ҳатлаб ташқарига чиқиши билан, лип этиб уйга кириб, эшикнинг ичидан занжирлаб олди-да, ўзи дераза

олдига бориб эрига қичқирди: Ҳайит ўтгандан кейин хинани ҳожати қолмайди!»

Тофано хотинидан мот бўлганини тушуниб, эшик томон югурди, лекин эшик запжир эди,—шундан кейин у эшикни оч деб хотинига ёлвора бошлади.

Боя ташқарида паст овоз билан гапирган хотини энди бутун кўчани бошига кўтариб шанғиллай кетди. «Бадмас маҳлуқ!—деб чийилларди у.— Бугун уйга кириб бўпсан! Ҳиқилдоғимга келди сеннинг бу бебошликларинг. Мана энди, қанақа одамлигингни, уйингга қай маҳалда келишингни ҳамма кўриб қўйсин».

Тофанонинг хуноби чиқиб, у ҳам бақира ва сўкина бошлади. Бу даҳанаки жангдан теварак-атрофдаги қўни-қўшнилари уйғониб кетиниб, ўз деразалари олдига югуриб бордилар ва эр-хотиндан бу можаронинг боисини сўрадилар.

Шунда хотин айюҳаннос солиб жаврай кетди: «Ҳаммасига шу яшшамагур эрим сабабчи. Худонинг берган кунни кечқурун уйга маст бўлиб келади, бордию қовоқхонада ухлаб қолса, унда мана шунақа, ярим кечада келади. Шунча чидадим, қанча тергадим—ҳеч гапим қор қилмади, сабр қилавериб, тоқатим тоқ бўлди—зорамора нисофга келиб одам бўлса».

Овсар Тофано ҳам бўлган воқеани одамларга изоҳларкан, хотинига дагдага қила бошлади.

Хотини эса, шанғиллаб қўшнилари бундай дерди: «Ана, энди ўзинглар нқрор бўлгандирсизлар бунинг қанақа одамлигига? Борди-ю, у уйда бўлганда, нима деб ўйлардинглар? Азбаройи худо, унинг гапларига ишонган бўлардинглар! Эримнинг қанчалик ҳушёр эканлигини ўзингиз кўриб турибсиз: қилғилиқни ўзи қилиб қўйиб энди бутунлай менга ағдармоқчи. Боя қудуққа бир нимани ташлаб юборди—мени қўрқитмоқчи бўлди. Э худо, бундан кўра ўзини қудуққа ташлаб чўкиб кета қолса яхши бўларди,—ўзиям бир меш май ичганга ўхшайди, қудуққа тушса, ичдаги май сув билан чапишиб, бир оз ҳушёр тортармиди!»

Эркагу аёл ҳамма қўшнилари Тофанони койий бошлади: улар бутун айбни унга қўйишиб, хотинингга тухмат қиялсан, деб уришиб беришди. Бу жанжалнинг овозаси оғиздан-оғизга ўтиб, бир зумда хотиннинг қариндошлари қулоғига етиб борди. Улар шу заҳотиёқ гурра ёпирилиб келишди, қарашса, ҳамма уйларнинг деразаларидан қўшнилари қараб туришибди, нима бўлганини ундан-бундан сўраб-суриштиришди. Кейин, Тофанога ташлашибди, унинг қон чиқмайдиған ерига роса муштлашди, сўнг тўппа-тўғри уйига бостириб киришди; хотиннинг бутун мол-бисотларини кўтариб чиқишди, кейин, ҳали бу сенга ҳолва, деб Тофанога пўписа қилишди-да, хотинини олиб, уйларига жўнаб кетишди. Тофано ўзининг алдангани ва рашкнинг оқибати яхшиликка олиб бормаслигини тушунди, натижада у хотинини жуда бошқачасига яхши кўрганлиги учун ёр-дўстларини ўртага қўйиб ярашмоқчи бўлди, дўстлари ҳам унга астойдил кўмаклашибди. Тофано бошқа маҳал рашк қилмасликка сўз берди, хотинининг кўнгли тусаган ишни қилишига, (фақат Тофано пайқамаса бўлгани) имкон беришини айтди, ана шун-

дан кейин, хотини ўз хоҳиши билан яна уйига қайтиб келибди. Аҳмоқнинг мурасага келиши—бешбаттар шарманда бўлиши, дейдилар. Яшасин севги, йўқ бўлсин пул!

5

Бир рашкчи одам тақводор роҳиб қиёфасига кириб, ўз хотинининг тавбасини тинглайди, хотини тавба-тазарру пайтида, бир тақводор зотни яқин кўришини ва ҳар кунни тунни ўшал зот билан бирга ўтказишини баён қилади; рашкчи эр кечаси уйи остонасида биқиниб туриб, тақводор зотни пойлайди, аммо бу маҳалда хотинининг маҳбуби, унинг таклифига кўриш тойдан ошиб туриб, бутун тунни аёлнинг қўйнида ўтказди

Лауретта ўз ҳикоясини тугатгач, бутун жамоа, аёлнинг тўғри иш қилганини, ўша ярамас рашкчи эрнинг додини бериб, ажаб қилганини эътироф эта бошлади, лекин шу чоғ қирол фурсатни ганимат билиб, Фьяметтага юзланди ва гоятда зўр эҳтиром билан унга ўз ҳикоясини бошлашни таклиф қилди, Фьяметта ҳам қиролнинг хоҳишини бажо айлаб, ҳикоясини шундай бошлади:

— Машҳура хонимлар! Бундан олдинги қисса, мени яна бир рашкчи эр ҳақида ҳикоя қилишга ундаяпти; зеро, мен рашкчи эрларини, алалхусус, ҳеч бир важсиз рашк қилувчи эрларни лақиллатган хотинларни тўла-тўқис маъқуллайман. Агарки, қонунларни жорий этувчилар ҳамма нарсани олдиндан кўра олганда эдилар, фикри ожизимча, улар бундай ҳолларда, ўзини муҳофаза қилиш мақсадида ўзгага зиён етказувчи ҳар қандай шахс учун қандай жазо белгиласалар, хотинлар учун ҳам айнан шундай жазо таъсис этган бўлур эдилар, зеро, рашкчи эрлар навжувон хотинларига қарши ёвуз ниятда бўлиб, уларни ажалидан беш кун олдин ўлдирадилар. Хотинлари ҳафтанинг бошидан охиригача тўрт девор ичида қамалиб ўтирадилар, онла ва рўзгор ишлари билан машғул бўладилар, аксинча, байрам ва ҳордиқ кунлари жамики саҳоватли кишилар сингари улар ҳам вақтинчоғлик қилгилари, дам олгилари, ўйнаб-кулгилари келади,— ахир деҳқонлар ҳам, шаҳарлик қосиблар ҳам, судьялар ҳам дам оладиларким, парвардигор эганининг бизга амри шундай, зеро, унинг ўзи олти кунда дунёни яратиб, еттинчи кунни дам олган эди, илоҳий ва дунёвий қонунлар ҳам парвардигорга ҳамду сано ўқиб, жамиятнинг бахт-саодатини кўзлаб, меҳнат кунлари ҳамда махсус ҳордиқ кунлари жорий қилганлар. Рашкчи эрларга бу ҳам мақбул эмас; барча учун қувончли ҳисобланган кунлар уларнинг хотинлари учун айниқса мунгли ва машаққатлидир, негаки бундай кунларда рашкчи эрлар назоратни янада кучайтириб, шўрлик хотинларни етти девор — ичида сақлайдилар. Бу ҳолнинг нақадар оғир азоб эканлигини фақат ўз бошидан кечирган бечора аёллар билишади. Шунинг учун ҳам мен қатъий тасдиқлаб айтаманким, ўз хотинини ҳеч қандай асос ва далилсиз рашк қилган эрини ҳар хил кўйга солиб аҳмоқ қилган хотин, таънага эмас, фақат мақтовга сазовордир.

Алқисса, Румини шаҳрида бир савдогар яшарди, унинг жуда кўп ер-суви, беҳисоб ақчаси ва соҳибжамол хотини бўлиб, шу хотинини беҳад даражада рашк қиларди. Бундай қилиши учун унда фақат биттагина сабаб бор эди: у хотинини жонидан ортиқ яхши кўрар, унинг ҳусн-жамолига маҳлиё бўлиб юрар, хотинининг, ўз эрига, яъни унга ёқиш учун не-не қилиқлар, пардоз-андозлар қилаётганини кузатарди; баски, шундай экан,— деб мулоҳаза қиларди эр ўзича,— демак, хотинимни бошқалар ҳам яхши кўради, унинг ҳуснига маҳлиё бўладя, чунки хотиним ҳаммага ёқишни истайди. Бундай фикр фақат нодон ва калтабин одамдан чиқиши мумкин. Бора-бора эрнинг рашки ортиб, хотинининг ҳар бир қўйган қадамини кузатадиган ва уни тўрт девор ичида сақлайдиган бўлдим, турма нозирлари, ҳатто ўлимга маҳкум этилган маҳбусларни ҳам бу рашкчи эр хотинини кузатганчалик ҳушёрлик билан кузатишмаган бўлса керак. Хотиннинг на тўй-ҳашамларга, на хешлариникида бўладиган оилавий маросимларга, на черковга боришга ҳақи бор эди, у наинки уйдан чиқишга, ҳаттоки деразадан кўчага қарашга ҳам журъат эта олмасди; хуллас, унинг турмуши жуда оғир эди, у ўзини гуноҳкор деб ҳисобламас, шунга кўра, чеккан азоби янада машаққатлироқ туюларди.

Ниҳоят эрининг муттасил ва ноҳақ гиш-гиш қилаверганидан тоқати тоқ бўлган аёл, бир илож қилиб, унинг қуруқ гумонларига далил ахтариб, рашкчи эрини феълига яраша тақдирламоқчи бўлади, ана шундагина эримнинг таъна-маломатларини эшитиш алам қилмайди, деб ўйлади. Дераза олдида бориб унга ман этилган эди; бинобарин, унинг ҳусн-жамолига маҳлиё бўлган ўтган-кетганлардан биронтасига сиз менга ёқасиз, дегандек имо-ишора қилиш учун унда имкон йўқ эди ва лекин аёл, ўзи истикомат қилиб турган шу уйда бир ўктам, хушсурат йигитнинг унга девор-дармиён қўшни бўлиб яшашни яхши биларди, шунга кўра, у агар деворда ўшал йигитнинг хонасига мўралаб бўладиган биронта тирқиш топилгудек бўлса, то йигитга кўзи тушмагунча ўшал тирқишдан кўз узмасликка, уни кўргач эса, у билан гап қотишишга, башарти йигитда ўзига майл уйғота олса, уни ўз муҳаббати билан бахтиёр қилишга, кейин эса, баъзан-баъзан у билан учрашиб туришга ва ҳеч бўлмаса шу эрмаги билан ўзининг диққинафас ҳаётига пичагина бўлсин, қувноқлик бағишлашга аҳд қилди, кейин, бора-бора шояд эрим инсофга келса-ю, телба-тескари фикрларини бошидан соқит қилса, деб ўйлади. Кунларнинг бирида аёл, эрининг уйда йўқлигидан фойдаланиб, деворга тикилганча узоқ вақт уй ичида юрди ва ниҳоят, бирдан деворнинг ёруғ тушмайдиган бир ерида ҳосил бўлган тирқишга кўзи тушди. Аёл шу тирқишдан мўралай бошлади — гарчи, деярли ҳеч нарса кўринмаётган бўлса ҳам у барибир деворнинг нариги томони хона эканлигини аниқлади, шунда у: «Қанийди, бу Филиппонинг (йигитнинг исми шундай эди) хонаси бўла қолса, унда ишнинг ярми битди деб ҳисобласа бўларди», деб ўйлади. У ўзи билан сирдош бўлган оқсочига ҳамма нарсани суриштириб билишни буюрди — кейин билса, тирқишдан кўриниб турган хона йигитнинг ётоқхонаси экан. Шу-шу бўлди-ю,

аёл бу тирқишдан буткул нари кетмай қўйди; у йигитнинг оёқ та-
вушларини эшитса, тирқишга майда тош ё буғдой поясини тиқар-
ди — хуллас, у бора-бора навжувон йигитнинг эътиборини ўзига
тортишга муяссар бўлдиким. йигит ҳам: «бу нима экан, ўзи», деб
келиб тирқишдан қаради. Шу чоғ аёл оҳиста овоз билан йигитнинг
номини айтиб чақирди,— йигит ҳам унинг овозини таниб, унга
жавоб қилди; мана шундан кейин бу қўлай фурсатдан фойдалан-
ган аёл тўрт оғиз сўз билан йигитга ўз ҳасратини тўкиб солди.
Йигит ҳам буни эшитиб суюниб кетди; у азда-базда ҳаракат қилиб
тирқишни ўз томонидан кўзга ташланмайдиган қилиб, бир оз кен-
гайтди. Энди улар шу туйнук орқали бот-бот суҳбатлашишар,
ҳаттоки бир-бирларининг қўлларини ҳам сиқишарди-ю, илло, бун-
дан нарига ўта олмасдилар — зеро, рашкчи эрнинг қатъий назора-
ти уларнинг йўлига ғов бўлиб турарди.

Улуғ айём — Рождество байрами яқинлашиб келаётган эди, шу
важдан хотин, байрам куни черковга бориб, христианлар таоми-
лига кўра тавба-тазарру қилишга эридан ижозат сўрай бошлади.
«Тавба-тазарру қилиш сенга нима учун керак бўлиб қолди? Қан-
дай гуноҳ қилгансан?» — деб сўради рашкчи эр.

«Вой, нега гуноҳим бўлмас экан? — деб эътироз билдирди хоти-
ни. — Нима, тўрт девор орасига қамаб қўйганинг билан мен беқу-
сур бўлиб қолибман-да, сенингча? Йўқ, ўзинг жудаям яхши биласанки,
ҳамма одамлар сингарин, менинг ҳам ўзимга яраша
гуноҳларим бор, лекин уларни сенга айтмайман, чунки сен гуно-
ҳимдан ўтадиган роҳиб эмассан».

Рашкчи эрнинг кўнглида шубҳа уйғонди; у хотинининг гуноҳи
нимадан иборат эканлигини албатта билиб олмоқчи бўлиб, буни
қандай бажариш йўлини топиб қўйди-да, хотинига: майли, тавба-
тазарру қилишингга ижозат бераман, илло, шартим бор, сен кўн-
глинг тусаган черковда эмас, балки фақат ўзимизнинг маҳалла
ибодатхонасида тавба қиласан, деди, боргандаям, эртaroқ бориб,
ё пирнинг ўзига, ё бўлмаса, пир тайин қилган руҳонийга — хуллас,
шу икковидан бирига тавбангни айтасану ибодат тугаши билан
дарҳол уйга қайтиб келасан, деб тайинлади. Хотин эрининг нияти-
ни деярли тўла тушунган эди, шунинг учун у билан ортиқ можаро
талашмасликка аҳд қилди.

Улуғ айём куни эрталаб у барвақт ўрнидан туриб ясапти-да,
эри тайинлаганидек, маҳалла черковига йўл олди. Бадрашк эр
ҳам жуда эрта турди ва хотинидан олдинроқ ўша черковга етиб
борди. У пир билан мураса қилиб, шоша-пиша эгнига кулоҳдор
руҳонийларнинг жубасини кийди-да, кулоҳни кўзигага туширди;
олди ва клиросга¹ бориб ўтирди. Бу пайт унинг хотини черковга
кириб келиб, пирни сўради. Пир аёлнинг қошига чиқди ва унинг
тавба қилмоқчи бўлганини эшитиб, ўзининг банд эканлигини
айтди-да, қошингизга роҳиблардан биронтасини юбораман, деб

¹ Клирос — христиан черковида, меҳробнинг шеки ёпидаги муножот ўқий-
диганлар ўтирадиган жой. (Тарж.)

ваъда қилиб, ичкари кириб кетди ва аёлнинг ҳузурига унинг шўрпешона рашкчи эрини чиқариб юборди. Эр хотинининг олди-га улуғвор қиёфада чиқиб келди, гарчи кун ҳали унчалик ёришмаган бўлса ҳам у эҳтиёт юзасидан кулоҳин кўзигача тушириб олган эди ва лекин шунга қарамай, хотин бир қарашдаёқ эрини таниди,— «Яхшиямки бадрашк эримнинг миясига жубба кийиб, руҳоний бўлиш келипти!»— деб ўйлади аёл.— Ҳап санимн, ана энди мендан кўрадиганингни кўрасан: ўзинг пиширган ошини ўзингга едирмасамми». Хотин эрини танимаганга солди ўзини ва унинг қаршисида тиз чўкди. Муътабар рашкчи, тили айланиши қийин бўлсин учун оғзига бир нечта тош ташлаб олган эди— шунга кўра, энди хотиним менинг талаффузимдан ҳам таний олмайди, деб кўнглидан ўтказди, ташқи қиёфасидан-ку, уни ҳеч ким таний олмаслигига мутлақо ишончи комил эди: у шунчалик ўзгариб кетган эдики, хотиним ўлганда ҳам мени таний олмайди, деб ўзига-ўзи таскин берарди. Хотин тавбанинг бошида, ўзининг эри борлигини, лекин бир руҳонийни севиб қолганини, ўша руҳоний худонинг берган кунни тунни у билан ўтказишини баён қилди.

Бу сўзлар бадрашк эрининг юрагига наштардек санчилди; у жаҳл устида ўрнидан туриб чиқиб кетган ҳам бўларди-ю, лекин бу шармандалиқнинг тафсилотини жудаям билгиси келиб, газабини зўр-базўр босди ва хотинидан сўради: «Ие? Ҳали эрингиз сиз билан турмайдими?»

«Бирга туради, тақсирим»,— деб жавоб қилди хотин.

«Ундай ҳолда, қандай қилиб руҳоний сиз билан тунашининг ўддасидан чиқмоқда?»— деб сўради рашкчи эр.

«Қандай ўддасидан чиқаётганига ўзим ҳам тушуна олмайман, тақсирим,— деб жавоб қилди хотин,— лекин бутун уйда биронта ҳам мустақкам тапбаланган, занжирланган, қулфланган биронта ҳам эшик йўқки у қўл учини теккизганда очилмай қолган бўлсин. Руҳоний отанинг айтишича, у менинг хонам эшигига яқинлашганида қандайдир бир дуо ўқирканки, у дуодан эрим шу заҳотиёқ донг қотиб ухлаб қоларкан. Кейин, эрим пинакка кетди дегунча у эшигимни очиб ёнимга кириб келади-да, то тонг отгунча мен билан бўлади. Ҳали шу маҳалгача бирон марта ҳам унинг дуоси ижобат бўлмаган кеча бўлгани йўқ».

«Бу қилмишингиз бадкорлик-ку, хоним,— деди рашкчи эр,— сиз дарҳол бунга барҳам бермогингиз лозим».

«Қўлимдан келмас-ов, тақсирим,— деди хотин,— негаки, мен уни жудаям яхши кўраман!»

«Ундай бўлса, гуноҳингиздан ўтмайман»,— деб юборди рақичи эр.

«Шўрим қуриди,— деди хотин.— Биламан, тавба-тазарру найтида ёлгон сўзлаб бўлмайди. Агарда бу гуноҳ ишни тарк этишга ўзимни қодир деб ҳис қилганимда, сизга очингани айтардим-қўярдим».

«Сизга астойдил таассуф қиламан, хоним,— деди рашкчи эр.— Бунақада, муқаррар, руҳингизни поймол қилажаксиз. Илло,

мен ўз томонимдан сиз учун қўлимдан келган ҳамма ишни қилишга урингайман, шахсан сиз учун айниқса кўпроқ ибодат қиламан — шояд ўқиган дуоларимдан сизга наф тега. Вақт-вақти билан қошнингизга ўз дастёримни юбориб тураман — сиз дуоларимдан қанчалик наф тегаётганини шу бола орқали менга айтиб турасиз: агар кор қилаётган бўлса, биз яна бисёрроқ дуо қилажамиз».

«Вой, асти юбора кўрманг ҳеч кимни, тақсирим! — деди хотин. — Эрим ўлгудек рашкчи, агар олдимга биров келганини сезиб қолса борми, албатта, бирон шум ният билан келган, деб миясига қуйиб оладики, кейин минг уринганингиз билан бу фикрни унинг калласидан чиқариб ташлай олмайсизу эрим ўша одамнингизни нуқул пеш қилавериб, бир йилгача менга кун бермайди».

«Ҳеч азият чекманг, хоним, — деб эътироз билдирди рашкчи эр. — Мен шундай иш тутгайманким, бу борада эрингиздан бир огиз ҳам таъна сўзи эшитмагайсиз».

«Ундай бўлса, розиман», — деди хотин. У тавба қилиб, гуноҳларини ювгач, ўрнидан турди, сўнг ибодатга қатнашди.

Рашкчи эр ўзининг аянчли қисматидан ўкиниб, оғир хўрсиниб қўйди ва жуббани ечиб уйи томон йўл оларкан, йўл-йўлакай паққос хотинини роҳибнинг қўйнида ётгани устига қандай бостириб кириши, кейин икковларининг қандай додини бериши ҳақида ўйлаб борди. Хотин черковдан қайтиб келиб, эрнинг авзойига бир қарашдаёқ унинг таъбини тирриқ қилганини сезди; эр эса, бугун қандай найранг қилганини, шунингдек, ўз кўнглида, билиб олдим, деб ўйлаган нарсаларини, хотинидан, сир туттишга астойдил урина бошлади.

У руҳоний ошиқни тунда кўча эшик олдида пойлашга қарор қилди ва хотинига бундай деди: «Бугун кечлик овқатга мени кутма, кечаси ҳам келмайман. Кўча эшикниям, даҳлиз эшигини ҳам, ўз хонангнинг эшигини ҳам ичидан яхшилаб беркитиб олгин-да, агар ухлагинг келса — ётиб ухлайвер».

«Майли», — деди хотини.

Кейин у пайт пойлаб туриб, девор тирқишига яқин борди-да, олдиндан келишиб қўйилган шартли овоз билан йиғитни чақирди; Филиппо ҳам бу овозни эшитиб, дарҳол туйнук олдига келди. Аёл ўзининг эрталабки саргузаштларини, шунингдек, уйга келганида эрининг айтган гапларини Филиппога бир бошдан сўзлаб берди. «Лекин эрим ҳеч қасқа кетмайди, — бунга ишончим комил, — деди аёл, — аксинча, эшик тагида пойлоқчилик қилади, бинобарин, агар мен билан ҳамхона бўлиш ниятинг бўлса, уйимга томдан тушиб кел».

«Худди айтганингиздек қиламан, хоним», — деди завқланиб кетган йиғит.

Қоронғи тушиши билан рашкчи эр қўлига милтиғини олиб, вақт-соати етгунча пастки қаватдаги хоналардан бирида биқиниб ўтирди, хотини эса, бу пайт ҳамма эшикларни яхшилаб беркитишни буюрди, зинага чиқадиган эшикни-ку — рашкчи эри тунда чиқа

олмасин учун — айниқса, пухта беркитишни буюрди, бу аснода ийгит ҳам қулай пайт пойлаб, ниҳоятда эҳтиёткорлик билан том орқали хонимнинг хонасига ўтди, шу заҳотиёқ улар тўшакка ётишди-да, тонг отгунча бир-бирларига лаззат ва роҳат бахш этиб чиқишди, тонг ёриша бошлаганда бўлса, йигит яна ўз уйига чиқиб кетди. Бу орада рашкчи эр, даярли бутун тун эшик олдида туриб, қўлида қурол билан ошиқ руҳонийни пойлаб чиқди; тонг ғира-шира ёриша бошлагач эса, кечаси билан пойлоқчилик қилиб силласи қуриган қорни очган, совуқдан дилдираган эр, бедор туришга ортиқ мажолни қолмай, шу пастки хоналардан бирида ётиб ухлаб қолди. У эрталабки соат олтиларда ўрнидан турди, бу пайт энди кўча эшик очиб қўйилган эди, эр ўзини гўё ҳозиргина бошқа ердан чарчаб келгандай тутиб, овқатга ташланди. Бир оз вақтдан кейин эса, у бир болани топиб, уни кеча черковда хотинининг тавбасини қабул қилган руҳоний отанинг дастёри сифатида бека олдига чиқариб юбораркан, ундан, ўзингизга маълум бўлган шахс бугун ёнингизда бўлдимиз деб сўрашни буюрди. Хотин бу элчи боланинг кимлигини дарров пайқади; шунга кўра: «Бугун тунда ул шахс келмади,— дея жавоб қилди у болага,— агар бундан буёқ ҳам шунақа қиладиган бўлса, гарчи уни сира-сира хаёлимдан чиқаришни нистамасам ҳам шу бебурдлиги учун бутунлай унутиб юбораман».

Бундан кейин нималар бўлганини гапириб ўтириш шартмикин? Рашкчи эр хотинининг ўйнашини пойлаб яна жуда кўп тунларни эшик олдида бедор ўтказди, хотини бўлса, бу пайтда ўз маҳбуби билан кўнгилхушлик қиларкан, бу лазиз тунларнинг бир онини ҳам чиқитга чиқармасликка ҳаракат қилди. Оқибат, сабр косаси тўлган бадрашк эр кунлардан бир кун хотинига ўқрайиб қараб: «Улуғ айём кунни тавба-тазарру пайтида руҳоний отага нималарни гапирган эдинг?» — деб сўраб қолди. Шунда хотини: «Лйтмайман — чунки бу ҳам гуноҳ, ҳам уят», — деб жавоб қайтарди.

«Бешарм хотин! — деб чийиллай бошлади рашкчи эр. — Сен учун қанчалик кўнгилсиз ҳол бўлса ҳам энди сирни очаман: ўшанда руҳоний отага нималар деганингни мен биламан, лекин мен, ўзининг дуою афсунлари туфайли ҳар кеча сенинг қўйингизда ётишга сазовсиз бўлган суюкли маҳбубинг — ўша руҳонийнинг кимлигини аниқ билмоқчиман! Гапир, бўлмаса ичак-човоғингни ағдариб ташлайман!»

Хотини ҳеч қандай руҳонийни севмаслигини айтди.

«Нима?» — деб дағдаға қилди рашкчи эр. — Сен тавба пайтида фалон, писмадон гапларни айтмабмидинг?»

«Афтидан, тавбамни тинглаган руҳоний ота ҳамма бўлган гапларни бутун тафсилоти билан сенга сўзлаб берганга ўхшайди, — бу гаплардан, гўё тавба-тазарру пайтида ўзинг ўша ўртада туриб олиб ёшитиб олгандайсан, — деди хотини. — Ҳа, мен бунга иқрор бўлгандим».

«Гапир бўлмаса, ким ўша руҳоний? — деб дағдаға қилди рашкчи эр. — Гапир тезроқ!»

Хотини жилмайиб қўйди. «Гўл хотинлар ўз доно эрларининг бурнидан ип ўтказиб олиб, лақиллатиб юришса, менга жуда хуш ёқади,— деди аёл.— Ваҳоланки, сени доно деб бўлмайди,— сен бе-сабаб рашк қила бошлаган кунингдан бошлаб, бутун ақлинг бир ерингдан кетиб бўлган. Сен қанчалик аҳмоқ, қанчалик тўпори бўлсанг, менинг обрўйимга ҳам шунча кўп путур етади. Наҳотки, сен, эржон, менинг жисмий кўзларимни худди ўзингнинг руҳий кўзларинг сизгари сўқир деб ўйласанг? Йўқ, менинг кўзларим кўр эмас. Мен бир қарашдаёқ тавбамни қабул қилаётган руҳоний отанинг кимлигини билиб олган эдим, мен сени ўша заҳоти танувдим, лекин ўшанда мен, сендан аччиғим чиқиб, ўзинг пиширган ошни ўзингга ичришга аҳд қилувдим. Ичирдим ҳам. Агарда сен, ўзинг ўйлагандек, чинданам ақлли одам бўлганингда эди, вафодор хотинингнинг сирларини билиб олиш учун бундай усулни қўллаш ўрнига, кўнглингдаги аҳмоқона шубҳаларни бартараф қилишга уринган бўлардинг, хотинингнинг сенга рост гапирганини ва унинг гапларида сени бадном қилувчи ҳеч нарса йўқлигини фаҳмлаб олган бўлардинг. Мен сенга бир руҳонийни севаман, деб айтгандим, ахир ўша маҳал сен жубба кийиб руҳоний бўлиб олган эдинг-ку. Демак, бундан чиқди, мен сени севар эканман, аслида-ку, менинг севгимга арзимайсан ҳам. Ўшанда мен, агар у мен билан ётишни ихтиёр қилса, биронта ҳам эшик унинг йўлига гов бўла олмайди, дегандим. Хўш, менинг олдимга кирмоқчи бўлганингда, бир марта бўлсин, биронта эшикнинг берк бўлганини кўрганмисан? Яна, руҳоний ота бутун тунни мен билан ўтказадим, деб айтгандим. Қани айт-чи, менинг хонамда бирон марта бўлсин ётмаган кечанг борми? Фақат, черков дастёрини олдимга юбормасингдан олдинги кечада уйда тунамадинг, холос, мен ҳам ўшанда дастё болага, руҳоний ота бугун ёнимга келмади, деб тўғриси айтгандим. Фақат рашк оқибатида кўр бўлиб қолган, эсини йўқотган овсар одамгина бу гапларга тушунмаслиги мумкин. Сен кечалари кўча эшик олдида кўриқчилик қилиб турдинг, лекин бошқа жойда овқатландим, ўша ерда тунаб қолдим, деб мени ишонтирмоқчи бўлдинг! Агар сирру асрорингдан худди мен сизгари огоҳ бўлган одамлар кўзи олдида шарманда бўлишни истамасанг, кўзингни оч, ҳушингни йиғиб олу менинг орқамдан изма-из юрма. Мободо, сенга хиёнат қилишни кўнглим тусагудек бўлса, иккита эмас, юзта кўзинг бўлганда ҳам азбаройи худо, ўша кўзларингни шамғалат қилиб, шунақа ҳунарлар кўрсатардимки, нима қилганимни икки дунёда ҳам пайқамаган бўлардинг».

Хотинининг сирини жуда усталик билан билиб олдим, деб ўйлаб юрган ношуд рашкчи эр, бу гаплардан кейин, ўзининг аҳмоқ бўлиб қолганини тушунди. У хотинига ҳеч нима деб жавоб қилмади ва хотинини ақлли, яхши хотин экан, деган хулосага келиб, айни энди рашк қилишни лозим бўлган пайтда уни рашк қилмай қўйди, ҳолбуки унинг рашк қилиши учун хотини томонидан ҳеч ваз бўлмаган пайтда у рашкчилик фаолиятини бошлаб юборган эди. Шундай қилиб, идрокли хотин қарийб тўла эркинликка чиқиб олиб, энди ўз маҳбубига мушукларга ўхшаб томдан эмас, одамлардек

тўппа-тўғри эшикдан кириб келаверишни таклиф этипти ва эҳтиёт-корлик билан иш кўриб, яна кўп маротаба маҳбубининг ишқ шаробидан тўйиб-тўйиб ичиб, икковлари роса вақтихушлик қилишган экан.

6

Донна Изабелла ўз ётоқхонасида Леонеттони қабул қилаётган бир пайтда, ховлисига мессер Ламбертуччо исмли хуштори отда кириб келади; хиёл вақт ўтар-ўтмас донна Изабелланинг эри ҳам қайтиб келиб қолади; шунда, мессер Ламбертуччо донна Изабелланинг илтимосига кўра, қўлига пичоқ ушлаб олиб, хонадан отилиб чиқади; кейин хонимнинг эри Леонеттонни то уйигача кузатиб қўяди

Фьяметтанинг ҳикоясини жуда мароқ билан тинглашди; ҳамма бир оғиздан, аҳмоқнинг жазоси шунақа бўлади, дейишиб хотиннинг ҳаракатини мутлақо тўғри деб тонишди. Шундан сўнг қирол ҳикоя қилиш навбатини Пампиняга берди ва у бундай тарзда ҳикоя қила бошлади:

— Кўпчилик кишилар соддадил бўлганликлари учун одамларни севги худоси Амур девона қилади, унинг шарофати билан кишилар ақлдан озишади, деб тушуннади. Менимча, бу гумроҳлик бўлса керак. Бугун эшитганимиз қиссалар бундай хулосанинг хато эканлигини бизга исботлаб берди, шунга қарамай, мен ҳам бу фикримни яна бир ҳикоя билан сизларга исботламоқчиман.

Илгарилари ҳамма нарсаси сероб бўлган бизнинг шаҳримизда ёшгина, маълума, соҳибжамол, бир жувон яшарди, у шавкатли давлатманд бир аслзоданинг хотини эди. Кун-уззукун ҳадеб бир хил таомин еявериш ҳар қандай одамнинг ҳам меъдасига тегади; баъзи-баъзида кўнгил бошқа хил таомларни тусаб қолади,— бу жувон ҳам худди шундай бўлди: эри етарли даражада қониқтиролмагани сабабли, Леонетто исмли бир йигитга ошиқ бўлиб қолди, аслзодалар насабидан бўлмаган, илло, одоб, ахлоқда баркамол бўлган бул йигит ҳам хонимни қаттиқ севиб қолди, ўзингизга маълумки, цкки томон бир мақсад сари интилса, аксарият найтда, ундайларнинг армонлари ушалмай қолмайди,— бу икки севишган қалб: йигит билан хоним ўз ишқий орзуларининг сарҳадига ноил бўлдиларким, бунинг учун уларга озгина вақт кифоя қилди. Буни қаранги, шу соҳибжамол, пуртароват жувонга мессер Ламбертуччо исмли бир зот ҳам телбаларча шайдо бўлиб қолган эди, ваҳоланки, хонимнинг кўзига у манфур ва жирканч бўлиб кўринар эди, бинобарин аёлнинг унга ҳеч ҳам мойиллиги йўқ эди. Мессер Ламбертуччо устама-уст элчи кетидан элчи юборавериб, хонимнинг холжонига қўймаган бўлса ҳам унинг жаники уринишлари зое кетгандан кейин, ахири у хонимга одам юбориб, бундай деб айтишни буюрди: «Мен қўлимни қасрга чўзсам етади, қудратимнинг чеки йўқ, бинобарин, агар хоним менинг таклифимга кўнмайдиган бўлса, унинг шармандасини чиқаришим мумкин» Бу одамнинг қўли-

дан номаъқулчилик келишини билган хоним унинг таҳдидидан кўрқиб кетди ва мессер Ламбертуччонинг гапига рози бўлишни маъқул кўрди.

Донна Изабелла,—хонимнинг исми шундай эди,—барча хонимларимиз сингари ёз пайтида ўзининг хуштабиат мулкига кўчиб бори, алқисса, кунларнинг бирида эрталаб хонимнинг эри бир неча кун муддатга қандайдир бир иш билан жўнаб кетди, хоним шу заҳотиёқ бу ҳақда Леонеттога хабар қилдирди, Леонетто ҳам хурсанд бўлганидан терисига сиғмай маҳбубасининг олдига бир зумда қушдай учиб келди. Айни пайтда донна Изабелланинг эри уйдан жўнаб кетганидан хабар топган мессер Ламбертуччо ҳам ҳамроҳларсиз бир ўзи эшикни тақиллата бошлади. Бунни кўрган оқсоч қиз гизиллаганча соҳибасининг олдига югурди,—бу маҳал донна Изабелланинг ҳузурда Леонетто бор эди — ва уни бир чеккага чақириб олиб: «Бегойим! Уйингизга мессер Ламбертуччо келди! Ёлғиз ўзи!»—деди. Шу дамда донна Изабелланинг назарида бутун дунёда ўзидан бахтиқаро аёл йўқдек бўлиб туюлди. Қўрқувдан юраги торс ёрилаёзган хоним Леонеттога лутфан юзланиб, то мессер Ламбертуччо жўнаб кетгунча унинг парда орқасига ўтиб ўша ерда беркиниб ўтиришини илтимос қилди. Мессер Ламбертуччодан наинки донна Изабелла, Леонетто ҳам қаттиқ қўрқарди, шунинг учун у лип этиб парда орқасига ўтди-ю, ўша ерга биқиниб олди. Донна Изабелла мессер Ламбертуччога дарвозани очишни буюрди. Шунда хизматкор қиз чиқиб дарвозани очди. Мессер Ламбертуччо ҳовлига кириб отдан тушди, отни боғлади-да, сўнг юқори қаватга кўтарилди. Донна Изабелла гўё ҳеч нима бўлмагандай, зина бошига чиқиб мессер Ламбертуччони қарши олди, унинг келганидан ўзини хурсанддек қилиб кўрсатди ва меҳмондан ҳол-аҳвол сўради, хуштор меҳмон хонимни қучоқлаб ўпди. «Жонгинам!—деди у.—Эрингизни уйда йўқ деб айтишганди менга,—шу боисдан бир оз вақтга ҳузурингизга келдим». Шу гапдан сўнг улар хонага киришиб, эшикни ичидан беркитиб олишди-ю, хиёл вақт ўтмай, мессер Ламбертуччо хонимнинг ҳожатини чиқаришга киришиб кетди.

Илло, айни шу маҳал, донна Изабелла мутлақо кутмаган бир ҳол юз берди, яъни тўсатдан унинг эри қайтиб келиб қолди. Хизматкор қиз унинг катта йўлда келаётганини кўриб, гизиллаганча зина бошига чиқди ва бекасига: «Бегойим! Эрингиз қайтиб келяптилар! Ҳозир ҳовлига кирган бўлсалар ҳам керак», деб қичқирди.

Бека, уйда бир эмас, иккита бегона эркак борлигини, боз устига, мессер Ламбертуччонинг асло яшириб бўлмаслигини ўйлаб (чунки унинг оти ҳовлида боғлоқлик турган эди), қўрққанидан нақ месак бўлиб қолди. Лекин шу заҳоти миясига бир антиқа фикр келди-ю, дик этиб тўшакдан туриб кетди ва мессер Ламбертуччога шундай сўзлар билан юзланди: «Мессер! Агар менга яхшилик қилиш ниятида бўлсангизу мени ўлимдан халос этишни истасангиз, ҳозир мен сизга ўргатгандай иш тутасиз. Қўлингизга пичоқ олинг, баджаҳл қиёфада кўзингиздан ўт чақнатиб зинадан пастга тушаркансиз: «Ҳали мен сенинг додингни бериб қўяман, ярамас, худо шохид!»—деб дағдаға қилинг. Бордию эрим сизни йўлдан тўхта-

тиб: «Нима гап ўзи?— деб сўрайдиган бўлса, чурқ ҳам этманг, йўлингиздан ҳам тўхтаманг-да, отингизга минингу жўнаб қолинг».

Мессер Ламбертуччо хонимнинг илтимосини бажаришга сўз берди. Унинг икки юзи зўр бериб ҳаракат қилганидан ва маҳбубасининг эри бемаврид қайтиб келгани алампидан шундоғам чўғ бўлиб қизариб кетган эди; у пичоғини яланғочлаб олди-ю, хонадач отилиб чиқиб кетди. Бу пайтда энди ҳовлига кириб, отдан тушиша улгурган эр, бу ерда боғлоқлик турган бегона отни кўриб ҳайрон бўлган ва эндигина юқори қаватга чиқишга жазм қилган эди, шу пайт зинадан тушиб келаётган мессер Ламбертуччога кўзи тушди; унинг дағдағаси ва бутун қиёфасига ҳайрон қолган эр: «Сизга нима бўлди, ўзи, мессер?»— деб сўради.

Мессер Ламбертуччо оёғини узангига қўйиб, отга минаркан, «Ҳали мен сенинг додингни бериб қўяман, касофат, мана кўрасан, худо шоҳид!»— деб қичқирди ва отини чоптириб жўнаб қолди.

Ҳурматли эр зинадан кўтариларкан, қўрқиб кетиб, саросимага тушган хотинини зина бошида турганини кўрди. «Тинчликми ўзи?— деб сўради эр.— Кимга дағдаға қилди ўзи мессер Ламбертуччо, унинг бунчалик дарғазаб бўлишига сабаб нима?»

Донна Изабелла эрнинг саволига жавоб беришдан олдин, гапларимни Леонетто эшитсин, деб ўз хонаси эшигига яқинроқ бориб турди-да, шундан кейин гапира бошлади: «Вой, нимасини айтасиз, қўрқанимдан ўтакам ёрилиб кетди! Кутилмаганда, уйимизга бир нотаниш йигитча отилиб кириб келди, мессер Ламбертуччо унинг орқасидан пичоқ яланғочлаб қувиб келаётган эди. Тасодифан хонамнинг эшиги очик қолган экан денг — йигитча шу ёққа югуриб кирди-ю, дағ-дағ титраб: «Хоним! Худо ҳаққи, мени қутқаринг, йўқса, сизнинг кўз олдингизда ўлдиришади мени!»— деди. Мен дик этиб ўрнимдан туриб, ундан: «Кимсиз ўзи, нима воқеа юз берди?»— деб сўраб улгурганим ҳам йўқ эди, шу чоғ остонада мессер Ламбертуччо кўринди. «Ҳа, бу ёқда экансан-да, аблаҳ?»— деб қичқирди у. Мен остонада туриб олиб уни ичкарига қўймадим, илло, у шунчалик назокатли одам эканки, мени итариб юбормади,— фақат узоқ вақт йигитчага дағдаға қилиб турди, кейин эса, ўзингиз кўрингиз, ҳовлига тушди».

Бунга жавобан эр шундай деди: «Яхши қипсан, хотин. Мабодо уйимизда қотиллик юз берганида борми, ўла-ўлгунимча иснодга қолган бўлардик, мессер Ламбертуччо ҳам бизни уйимиздан паноҳ топган қочоққа ҳужум қилиб, жуда ярамас иш қилибди». Кейин, эсига тушиб, қани ўша йигитча, деб сўради.

«Унинг қаёққа беркинганини кўрганим ҳам йўқ»,— деб жавоб қилди хотин.

«Қаердасан, ҳой?— деб қичқирди эр.— Чиқавер, қўрқма!»

Леонетто бу гапларнинг ҳаммасини эшитиб турган эди; у чинакам қўрқувдан қарахт бўлган ҳолда яширинган жойидан чиқиб келди.

«Мессер Ламбертуччо билан ораларингдан нима гап ўтган эди?»— деб сўради уй эгаси.

«Ҳеч нима ўтган эмас эди, мессер,— деб жавоб қилди йигитча.—»

Мутлақо имоним комилки, у ё телба бўлиб қолган, ё бўлмаса, сени биронта одамга ўхшатди. Мен унга сизнинг қўрғонинингизга келадиган йўлда тўқнаш келиб қолдим. У ҳеч нимадан ҳеч нима йўқ, бирдан пичоғини суғуриб: «Ўлдираман, бадкирдор!» — деб бақирса бўладими. Мен ундан гуноҳим нима, деб сўраб ўтирмадим-да, урра қочиб қолдим, югуриб келиб, сизнинг уйингизга кирдим — бу ерда эса, худонинг марҳамати ва манави саховатли хонимнинг ҳиммати мени ўлимдан халос этди».

«Энди қўрқмасанг ҳам бўлади,— деди уй соҳибчи.— Мен сени уйингга соғ-саломат элтиб қўяман, кейин мессер Ламбертуччодан ўзинг бир амаллаб суриштириб билиб оларсан нега сенга бунақа таҳдид қилганини».

Хонимнинг эри йингитчанинг қорини тўйғазиб, отга мингаштирди ва уни Флоренцияга, то уйининг эшигигача олиб бориб қўйди, йингитча эса, донна Изабелланинг маслаҳатига кўра, ўша куни оқшомдаёқ мессер Ламбертуччо билан хуфиёна музокара олиб борди ва оқибатда икковлари ўзаро шундай келишиб олибдиларки, гарчи ўша кунги мижаро ҳийлагина шов-шув бўлган бўлса-да, эр, хотини томошидан ўзининг аҳмоқ қилинганини барибир пайқаман экан.

7

Лодовико донна Беатричега муҳаббат изҳор қилади; донна Беатриче эри Эганого ўзининг кўйлагини кийдириб, уни боққа чиқариб юборади-да, ўзи Лодовико билан ишқ лаззатини суради; кейин Лодовико тўшакдан турди ва боққа чиқиб, Эганони таёқ билан роса пўстагини қоқди

Пампиней баён қилган ҳикоядаги донна Изабелланинг устомонлиги бутун жамоани ҳайрон-ҳайрон қолдирди, бироқ қиролнинг амри билан Пампинейдан кейин ҳикояхонлик навбатини олган Филомена бундай деб гап бошлади:

— Муҳтарам хонимлар! Мен балки янглиш гапиряпгандирман, лекин шунга қарамай, ҳозир мен таърифламоқчи бўлган хоним элчилликда ва фаҳм-фаросатда ўша донна Изабелладан асло қолишмайди.

Билингким, бир вақтлар Парижда флоренциялик бир аслзода истиқомат қиларди, ана шу аслзода қашшоқлашиб қолиб, тижорат билан шуғулланишга аҳд қилди-ю, бу соҳада иши юришиб, сал вақт ичида беқийс даражада бойиб кетди. Унинг биттаю битта ўгли бўлиб, унга Лодовико деб исм қўйган эди. Ота ўглининг савдогар бўлишини истамади; шояд авлод-аждодимиз шаън-шавкатига ҳисса қўшса, деган умид билан уни дўконда пештахта ортига турғизиб қўймади — унинг хоҳишига кўра, Лодовико ўзга аслзода йингитлар билан бирга Франция қироли хизматига ёлланди ва бу хизматда у киборона муомалаларни ва беҳисоб ўзга эзгу расм-таомилларни ўрганди. Мана, кунлардан бир кун, ёш-яланглар, шулар қатори Лодовико ҳам ўзаро суҳбатлашиб ўтиришганда

уларнинг даврасига бир гуруҳ рицарлар келиб қўшилишди.— булар Исо алайҳиссаломнинг қабрини зиёрат қилгани бориб яқингинада қайтиб келишган эди,— шу пайт, рицарлардан бири, йигитларнинг дунёда энг гўзал аёллар қайси мамлакатда — Франциядами, Англиядами ё бошқа бирон юртдами, деб можаро талашнаётганини эшитиб ўтириб, уларга гап уқтира кетди: «Мен дунёнинг ҳамма ерини кезиб чиққанман, жуда кўп соҳибжамол аёлларни кўрганману, илло, болоньялик Эгано де Галуциянинг хотини донна Беатричечалик гўзал аёлни ҳеч ерда кўрмадим». Болоньяда бўлиб, донна Беатричени кўришга муяссар бўлган бошқа рицарлар ҳам унинг гапини тасдиқлашди. Лодовико шу чоққача ҳали ҳеч кимни севмаган эди. энди бўлса, донна Беатриченинг дарагини эшитди-ю, унинг висолига етиш иштиёқида ёна бошлади ва шу пайтдан эътиборан унинг кўнглига ўшал жонондан бошқа ҳеч нима сиғмай қўйди. У қандай қилиб бўлмасин, Болоньяга боришга ва агар донна Беатриче кўнглига ёқиб қолгудек бўлса, ўша ерда қолишга қарор қилиб, отасига, Исо алайҳиссаломнинг қабрларини зиёрат қилгани бормоқчиман, деб ёлғон-яшиқ гап билан баҳона қилди. Отаси оғриниб бўлса ҳам унга ижозат берди.

Шундан кейин, Лодовико ўзига Аникино деб от қўйиб Болоньяга равона бўлди ва у ерга етиб борган куннинг эртасигаёқ катта намоёнш пайтида, тақдирнинг марҳамати билан ўшал хонимни кўришга муяссар бўлди-ю, унинг таърифлаганларидан ҳам зиёда гўзал эканлигига иқрор бўлди. У бир нигоҳ ташлашдаёқ хонимга телбаларча ошиқ бўлиб қолди ва то у билан ишқий мулоқотда бўлмагунча Болоньяни тарк этмасликка аҳд қилди. Бу виятига етиш учун у қандай нш тутни ҳақида ўйлаб-ўйлаб, ахири ҳамма чоралардан воз кечиб, фақат бир воситага келиб тўхталди: унинг хаёлига, агар хонимнинг эрига хизматга ёллансам, ана шунда ўз мақсадимга эришсам ажаб эмас, деган фикр келди. Шундан кейин Лодовико отларини сотди, хизматкорларини имкони борича яхшироқ жойлаштириш гамини еб, уларга, кўча-қўйда мени кўриб қолгудек бўлсанглар, танимагандай бўлиб ўтиб кетинглар, деб тайинлади ва ўзи истиқомат қилиб турган меҳмонхона соҳиб билан иноқлашиб олди-да, бир кун гапдан-гап чиқиб, унга, агар биронта яхши соҳиб топилса, унинг хизматига ёлланган бўлардим, деб айтди. Меҳмонхона хўжайини унга бундай жавоб қилди: «Шаҳримизда Эгано исмли бир аслзода бор, унинг хизматкорлари жуда кўп, сен шу одамга жуда мос тушсан, негаки, у нуқул сенга ўхшаган, кўркам, басавлат йигитларни ишга ёллайди. Мен у билан гаплашиб кўраман». Меҳмонхона соҳиб ваъдасининг устидан чиқди: у Эганонинг ҳузурига бориб, то у Аникинони хизматга олишга рози бўлмагунча, олдидан кетмади; Аникинонинг-ку, хурсанд бўлганидан боши осмонга етган эди. У Эганонинг хизматига киргач, унинг хотинини тез-тез кўриб туриш имконига эга бўлди; айни пайтда, у ўз хизматини гоёта тиришқоқлик билан ўтай бошлади, ҳар бир ишда Эганонинг кўнглини топишга астойдил ҳаракат қилдики, оқибат, Эгано уни яхши кўриб қолди, унинг маслаҳатисиз бир қадам ҳам жилмайдиган бўлди ва ниҳоят, у нафақат ўз шах-

сиятини, шунингдек, барча ишларини ҳам Аникинонинг ихтиёрига ишониб топшириб қўйди.

Алқисса, кунлардан бир кун Эгано шикорга жўнаганида, Аникино у билан бормади, шунда донна Беатриче у билан сатранж ўйнай бошлади; гарчи хоним Аникинонинг севгисидан ҳали беҳабар бўлса ҳам, унинг ўзини қандай тутишини узоқ вақт диққат билан кузатиши оқибатида, у ҳақда яхши фикрга келган ва унга мурувват кўрсата бошлаган эди. Мана, Аникино хонимни хушнуд этиш мақсадида ўйинда атайлаб ютқиза бошлади,— лекин буни ниҳоятда усталик билан бажарарди,— донна Беатриче эса, бу ҳолдан бениҳоя мамнун эди.

Бир вақт, уларнинг ўйинини томоша қилиб турган канизаклар икковларини ёлғиз қолдириб нари кетишган эди, шунда Аникино оғир бир хўрсиниб қўйди.

Донна Беатриче бошини кўтариб унга қаради. «Сенга нима бўлди, Аникино?— деб сўради у.— Менга ютқизаётганингдан хафа бўлясанми?»

«Асло, бегойим!— деб жавоб қилди Аникино.— Шу арзимаган парсагаям хўрсинармидим?»

«Агар мени яхши кўрсанг, дардингни менга очиқ айтасан»,— деди шунда донна Беатриче.

Аникино дунёда ўзи учун энг азиз ва лазиз бўлган одам оғзидан: «Агар мени яхши кўрсанг»,— деган сўзларни эшитиб, янада оғирроқ хўрсинди,— шунда донна Беатриче, бу хўрсинишларининг боиси нима, менга тушутириб бер, деб яна Аникинога юзланди. Аникино ҳам унга жавобан: «Сизни ғазаблантириб юбораман деб қўрқаман, бегойим. Кейин буни бошқа одамга айтиб қўйишингиздан қўрқаман.

«Мен хафа бўлмайман, гапимга ишонавер,— деди донна Беатриче,— кейин ҳеч кимга чурқ этиб оғиз ҳам очмайман,— бундан кўнглинг тўқ бўлсин,— башарти ўзинг илтимос қилсангинга айтишим мумкин бўлар».

«Баски, ваъда бераркансиз, майли, айтаман»,— деди Аникино ва йиғламоқдан бери бўлиб, ўзининг кимлиги ҳақида баён қилди, сўнг хоним ҳақида нималар эшитганини, қаерда ва қандай вазиятда уни севиб қолганини, эрининг хизматига қандай мақсадда ёлланганини муфассал сўзлаб бериб, кейин хонимга ожизона илтимос билан юзланди: «Ўтинаман, менга шафқат қилинг, агар иложини топсангиз, менинг пурэхтирос қалб армонимни рўёбга чиқаринг; бордию бунга рози бўлмасангиз, унда ҳамма-ҳаммаси ўз аслича қолсину, лекин сизни севишимга монелик қилманг».

О, Болоньянинг шоён кўнгилчан аёллари! Сизлар ҳамма вақт ҳам бундай ҳолларда бениҳоя олиҳимматлик кўрсатардингиз! Кўз ёшлару хўрсинишлар сизларга таъсир этмасди; илло, илтижоларга албатта қулоқ осардингизу муҳаббат эҳтиросига ён босардингиз. Башарти, мен ўзимни сизларни таърифлашга лойиқ шоир деб ҳисоблаганимда, муттасил сизларни мадҳ этган бўлур эдим.

Аникино ҳикоя қилаётган пайтда донна Беатриче ундан кўз узмай тикилаб ўтирди; у Аникинонинг гапларига батамом ишонди,

Йигитнинг илтижоларидаги ҳиссиёт аёл қалбининг теран ерига жў бўлди ва ниҳоят унинг кўксидан ҳам чуқур хўрсиниш нидоси отилиб чиқди-ю, у Аникинога шундай сўзлар билан юзланди: «Жонгинам Аникино! Менга шайдо бўлиб, севги изҳор қилган тўралар, мансабдорлар ва шу сизгари казо-казолар жуда кўп бўлган, ҳалиям қалашиб ётипти, илло, уларнинг келтирган тортиқлари ҳам, берган ваъдалари ҳам, қилган ялтоқликлари ҳам менинг юрагимга жиз этиб таъсир қилмаган эдики, мен улардан биронтасини ҳам севиб қолмадим, аммо ўз ҳиссиётингни менга баён қилган шу ўта қисқа вақт ичида сен шундай зафар қозондингким, оқибатда, мен ўзимдан кўра ҳам кўпроқ сенга тегишли бўлиб қолдим. Бинобарин менинг ишқимга сазовор эканлигингга ишондим— демак сенга севгимни армуғон қиламан ва сўз бериб айтаманким, сен бугун тонг отмасданоқ севгимдан баҳраманд бўлгайсан. Бу шиятимизни рўёбга чиқармоқ учун эса, сен тун ярим кечага яқинлашганда ҳеч кимга сездирмасдан менинг хонамга кир. Мен эшикни занжирламайман. Чорпоянинг қайси чеккасида ётишимни ўзинг биласан. Киришинг билан менга қўлиниги теккизиб кўр — агар келгунингча, одам ходис, ухлаб қолган бўлсам, дарҳол уйғонаман, шунда, ўша азалий армонинг ушалади. Унгача, кўнглингда ҳеч қандай шубҳа уйғонмаслиги учун ҳозир сенга байъона сифатида ўпич бераман». Шундай дея у Аникинони қучоқлаб зўр назокат билан ўпди. Аникино ҳам ундан ширин бўса олди.

Шу чоғ Аникино донна Беатриче билан хайрлашди ва кеч киргунча ўзини қаёққа қўйишини билмай, ўз ишлари билан машғул бўлгани чиқиб кетди. Кечқурун Эгано шикордан ҳориб-чарчаб келди ва овқатини еди-ю, ухлагани кириб кетди; унинг орқасидан донна Беатриче ҳам хонасига кирди, аммо ваъдасининг устидан чиқиб, эшикни занжирламади. Шартлашилган соатда, юзигагина ёпик эшик олдига Аникино яқинлашди, оёқ учиди хонага кирди-да, эшикни ичидан занжирлаб қўйди, оҳиста юриб, чорпоянинг донна Беатриче ётган чеккасига борди, қўлини унинг сийнасига қўйиб, унинг уйғоқ ётганини пайқади. Донна Беатриче эса, унинг келганини сезиб, иккала қўли билан йигитнинг билагидан маҳкам ушлаб олди-да, ўрнида шундай тўлғана бошладики, ахири Эгано уйғониб кетди. «Шикордан жуда ҳориб келганинг учун кечқурун сенга айтмай қўя қолувдим,— деб гап бошлади хотин,— энди, Эгано, менга фақат ростингни айт: ўз хизматкорларинг ичида қайси бирини энг яхши, энг содиқ хизматкор деб биласан, улардан қайси бирини ҳаммадан кўра яхши кўрасан?»

«Нега мендан буни сўраб қолдинг, хотин?— деди Эгано.— Наҳот ўзинг билмасанг? Мен ҳеч кимга Аникинога ишонганчалик ишонмаганман, ишонмайман ҳам ҳеч бир хизматкорни уни севганимчалик севмайман. Хўш, нега мендан буни сўраб қолдинг?»

Эганонинг уйғонганини ва эр-хотин ўртасидаги суҳбат ўзи ҳақида бораётганини эшитган Аникинонинг юраги орқага тортиб кетди,— донна Беатриче менга тузоқ қўйган экан-да, деб ўйлади у ва қўлини тортиб олишга урина бошлади, аммо донна Беатриче

унинг қўлидан шунчалик маҳкам ушлаб ётардики, йиғитнинг қутулиш учун қилган бутун ҳаракатлари зое кетди.

«Ҳозир тушунтираман,— деб яна гап бошлади донна Беатриче.— Мен ҳам худди шундай фикрда эдим, хизматчиларинг орасида энг садоқатлиси деб ҳисоблардим уни, лекин кеча ундан ҳафсалам пир бўлди: сен шикорга жўнаб кетганингдан кейин, у пайт пойлаб туриб, уялмай-нетмай, менга севги изҳор этди ва ҳирсий ҳожатини чиқаришимни илтимос қилди, мен ҳам кейин ўзимни оқлашга бошқа далил қидириб ўтирмай дедим-да, бу гапларимнинг ҳақлигига шахсан ўзинг иқрор бўлишинг учун унга, тун ярим кечадан оққанда боққа чиқиб, уни қарағай дарахти тагида кутишга ваъда бердим. Турган гапки, мен у ерга чиқмайман, аммо мана, агар сен ўз хизматчингинг садоқатини синаб кўрмоқчи бўлсанг, ҳозир айни қулай пайт: эгингга менинг кўйлагимни кийиб, бошингга бирон нима ёпиниб ол-да, боққа чиқиб, унинг келишини кут — амминанки, у албатта ёнингга келади».

«Ҳа, у билан бир дийдор кўришсам чакки бўлмасди»,— деб қўйдн Эгано хотинининг гапини эшитиб бўлиб. Сўнг ўрнидан туриб, қоронғида бир амаллаб хотинининг кўйлагини кийди, бошига чойшаб ёпинди-да, боққа чиқди ва қарағай дарахти тагида туриб Аникинони кута бошлади.

Донна Беатриче эрининг хонадан чиқиб кетганига ишонч ҳосил қилгач, ўрнидан туриб, эшикни ичидан занжирлаб олди. Аникино эса, бу вақт ичида қўрқувдан юраги ёрилиб ўлишига сал қолганди, у аза-база қўлини бўшатишга уринган бўлса ҳам барча ҳаракатлари бекор кетган эди; шу вақт ичида у донна Беатричегга ҳам, ўзининг ошиқлигига ҳам, лақмалик қилгани учун ўзига ҳам юз минг марта лаънат ўқиганди; лекин кейин донна Беатриченинг бу найрангни не мақсадда ўйлаб топганини тушунди-ю, суюнганидан терисига сиғмай кетди ва хоним яна келиб тўшакка ётиши билан унинг буйруғига биноан Аникино ҳам либосини ечиб, худди донна Беатриче сингари, онадан туғилгандаги қиёфасида қолди, шундан кейин улар узоқ вақт бир-бирларининг жонини киритишиб, ишқ лаззатидан биргаликда баҳраманд бўлишди. Ниҳоят донна Беатриче, Аникинонинг бу ерда ортиқ қолиши хатарли эканлигини ўйлаб, унга тўшакдан туриб кийинишни буюрди. «Севикли маҳбубим!— деди у.— Ҳозир сен каттакон бир таёқ оласан-да, боққа чиқасану мен синамоқ учун мени учрашувга таклиф этгандай, қаршингда гўё мен турганимга ишонгандай тутасан-да ўзингни, икковимизнинг бундан кейин ҳам хушбахт ва хушчақчақ яшашимиз учун эримни роса қойиб, сўнг боплаб пўстагини қоқасан!

Аникино ўрнидан туриб кийинди, қўлига бир сўйил олиб боққа чиқди. Аникино қарағай тагига етиб қолгандагина Эгано уни кўриб қолди ва ўзини жуда хурсанд бўлгандай кўрсатиб, дик этиб турди-да, Аникинонинг истиқболи томон юрди. Ва лекин Аникино унга ўдағайлаб берди: «Вой, мараз хотин-е! Ҳали сен мени ўз хўжамга хиёнат қилади деб ўйлаганидинг, шу илинжда келдингми бу ерга? Мана, ҳозир бир адабингни бериб қўймасамми!» Шу сўзлардан кейин у сўйилни қулочкашлаб туриб, Эганонинг оч биқи-

нига тушира кетди. Эгано ҳам бундай ҳақоратларни эшитиб ва хизматкорининг қўлида сўйил кўриб, чурқ этиб ҳам оғиз очмай, жуфтакни ростлаб қолди. Аникино эса, унинг орқасидан қува кетди, қувиб бораркан, унга қарата: «Ҳа, қочиб қол, бешарм хотин, худонинг газабига учрагур, эртага, барибир, ҳамма гапни Эганога айтиб бераман!»— деб бақирди.

Аникинодан роса таъзирини еган Эгано бир зумда ётоқхонага югуриб етиб олди. Хотини ундан Аникино боққа чиқдими, деб сўраган эди, Эгано: «Э, чиқмай ўлсин,— деб жавоб қилди,— у мени сен деб ўйлаб, қўлидаги сўйил билан биқинимни тешиб юбораёзди, кейин шунақанги ярамас, ифлос гаплар билан койидики, дунёда биронта ҳам фохиша аёл ўз умрида бирон марта бундайин ҳақоратни эшитмаган. Очигини айтсам, унинг сен билан бунақа оҳангда гаплашиб, менинг шаънимга доғ туширмоқчи бўлганидан жуда таажжубда қолган эдим, кейин билсам, у сенинг нозли, шўх феллингни кўриб, фақат сени синаб кўриш учун бу найрангни ўйлаб чиққан экан!»

«Худога шукурки, у мени фақат гапда, сени эса — калтак билан синаб кўрди,— деди донна Беатриче.— Энди, агар ундан қайси биримиз бардошлироқ эканмиз, деб сўрасанг, сенинг калтакка бардош беришингдан кўра, менинг сўзга кўпроқ бардош берганимни тасдиқлаган бўларди, албатта. Ҳарна бўлганда ҳам, Аникино сенга шу қадар садоқатли эканки, уни севмай, ҳурмат қилмай бўлмайди».

«Рост айтасан»— деб қўйди Эгано.

Шу воқеадан кейин у, биронта ҳам аслзодада унинг хотини сингарин вафодор хотин, хизматчисидек садоқатли хизматчи йўқлигига тўла-тўқис ишонч ҳосил қилди. Шу кундан эътиборан, ўзи ҳам, хотини ҳам, Аникино ҳам бу воқеани тез-тез эслаб, мириқиб куладиган бўлишди, шунинг ҳам айтиш керакки, донна Беатриче билан Аникино айнан мана шу воқеа туфайли ишқий шўхликлар қилишиб севги ҳаловатига бемалол фарқ бўлиб юрдиларки, бу ҳол, Аникино Болоньяда Эгано қўли остида қанча вақт хизматда бўлган булса, шунча вақт давом этди. Ахир ўша тунги воқеа бўлмаганда, бундай эркинлик бўлмаслиги ҳам мумкин эди-да, улар учун.

8

Бир одам ўз хотинини рашк қилади; хотини, ўйнаши келганини билиш учун кечалари оёғининг бармоғига ип боғлаб қўяди; эр бу ҳийлани пайқаб қолади, лекин у ўйнашнинг кетидан қувиб кетган пайтида, хотини бошқа хотинни ўз тўшагига ётишга кўндиради; эр қайтиб келиб шу хотинни дўппослайди ва сочини кесиб олади, кейин бориб, қайнағаларини бошлаб келади; улар кувёнинг барча гапи ғийбат эканлигига ишонч ҳосил қилишгач, уни роса болохонадор қилиб сўқишади

Донна Беатриченинг эрига кўрсатган барча найранглари тингловчилар учун ғайри табиий қувлик бўлиб туюлди ва улар, донна Беатриче Аникинонинг билагидан маҳкам ушлаганча, унинг ўзига муҳаббат изҳор этганини эрига сўзлаганида, йигитчанинг юраги

қандай така-пука бўлгани ҳақида гапира бошлашди. Лекин қирол Филоменанинг қиссаси ниҳоясига етганидан огоҳ бўлиб, энди Нейфилага юзланди ва:

— Мана, энди навбат сизга,— деди.

Нейфила сезилар-сезилмас жилмайиб қўйиб, шундай ҳикоя қила бошлади:

— Дилкаш хонимлар! Мендан олдин ҳикоя қилганлар сингари мароқли қисса билан сизларни хушнуд этиш, осон вазифа эмас, бироқ мен ҳам эгамнинг мадади билан ўз бурчимни адо этсам керак деб ўйлайман.

Алқисса, эътиборингиз учун шаҳримизда бир вақтлар Арригуччо Берлингъери исмли ниҳоятда бадавлат бир савдогар яшаган эди, ана шу савдогар шундай бир номаъқулчилик қилган эдики, ҳали ҳам аксар савдогарлар худонинг берган кун бунақа номаъқулчиликини қилиб турадилар: савдогарнинг қиборлар билан қариндош тутингиси келиб қолди-ю, ўз тенги бўлмаган қизга — монна Сисмонда исмли оқсуяклар насабидан бўлган бир қизга уйланди. Ҳамма савдогарлар сингари унинг ҳам кўп вақти сафарда ўтарди, бинобарин, хотинининг ёнида кам бўларди, оқибатда, хотини Руберто исмли бир ёш йигитга ошиқ бўлиб қолдиким, бу йигит азалдан унга хуштор бўлиб юарди. Монна Сисмонда у билан жуда яқин мулоқотда бўла бошлади-ю, аммо бу яқинликини, севгига жудаям берилиб кетганидан, унчалик сир сақламади. Арригуччо бўлса, чамаси, хотинининг бежо оёқ олишини пайқаб қолган бўлса керак, ҳар ҳолда қаттиқ рашк қила бошлади, сафарга чиқишни тарк этди, бутун тижорат ишларини эътиборсиз ташлаб қўйди, энди унинг бирдан-бир ташвиши хотинини қўриқлашдан иборат бўлиб қолган эди, фақат хотинининг тўшакка ётганига кўнгли тўлгандан кейингина, унинг кўзи уйқуга кетарди, хотини бўлса, бу назоратдан қаттиқ қийнала бошлади, зеро, энди у ўз хуштори билан хуфиёна учрашиш иложини тополмай қолган эди. Руберто ҳам соғинтириб юбордингку ахир қачон дийдор кўришамиз, деб кунузукун ёлворгани ёлворган эди, шундан кейин, хоним ўз севгилис билан учрашиш учун қандай йўл ўйлаб топши ҳақида роса бош қотирди; ва ниҳоят шундай режа ўйлаб топди: ётоқхонасининг деразалари кўчага очиларди, хонимнинг кузатишича, эри ижирғана-ижирғана зўрға ухлаб кетарди-ю, аммо бир ухлаганидан кейин, тонг отгунча уйғонмасди,— шунга кўра, хотин мана бундай иш туттишга қарор қилди: Руберто ярим кечага яқин эшик тагига келадди, хоним эса, унга эшикни очадиди, эри маст уйқуда ётганида Руберто билан кўнгли-хушлик қилади, аммо ҳар сафар Руберто келганини сезиш ва буни ҳаммадан сир туттиш учун хоним узун ипнинг бир учини деразадан пастга туширишни, ипнинг давомини эса, уй ичида ер юзалаб олиб бориб, иккинчи учини чорпояга олиб чиқиб, чойшаб остига яширишни, кейин, ўзи уйқуга ётаётганида уни оёғининг бош бармоғига боғлаб қўйишни ўйлаб топди. Сўнг буни Рубертонинг қулоғига етказиб, кечаси келганинда ипнинг учидан тортиб кўрасан, деб буюрди: башарти эри ухлаб қолган бўлса, у ипни ечиб юборадиган ва тушиб эшикни очадиган бўлди;

борди-ю, эри уйғоқ бўлса, Руберто бекорга кутиб ўтирмасин учун ипни бўшатмайдиған, аксинча ўзига тортадиған бўлди. Бу усул Рубертоға ҳам маъқул тушди; шундан кейин у кечалари кўп мартаба висолға келди, баъзида улар учрашишға муяссар бўлдилар, баъзида — йўқ.

Бу ҳол анчагача давом этди, аммо бир кун кечаси Арригуччо хотини ухлаб ётган пайтда бехосдан оёғини узатган эди, оёғи қандайдир ипга илинганини пайқади; у ипни қўлига ушлаган эди, унинг бир учи хотини оёғининг бошмалдоғига боғланганини сезди. «Бу хиёнат аломати»,— деди у ўзига-ўзи. Ипнинг иккинчи учи деразадан пастга туширилганини пайқаганидан кейин эса, гумонининг тўғрилиғига бутунлай ишонди. У ипни оҳиста узиб олиб, уни ўз бармоғига боғлади ва қани, бу ёғи нима бўларкин, деб кута бошлади. Орадан бир оз вақт ўтгач, эшик тагига Руберто келди ва шарт бўйича, ипдан тортди, Арригуччо ҳам буни дарҳол сезди, бу орада Руберто ипни иккинчи марта яна ҳам қаттиқроқ тортди, аммо Арригуччо ипни бармоғига унча қаттиқ боғламаган экан денг, ип узилиб, Рубертонинг қўлида қолди,— бу аломат: «Мени кут»,— дегани эди. Арригуччо дик этиб ўрнидан туриб кетди ва қўлига қурол олиб, эшик олдида турган одамни кўриш ва унинг додини бериш мақсадида югуриб пастга тушди. Гарчи савдогарлар насабидан бўлса ҳам ўлгудек жоҳил ва боз устига, девдек кучли бўлган Арригуччо эшикни хотини сингари эҳтиёткорлик билан очмади, шунинг учун донна Сисмондани кутиб турган Рубертонинг кўнглида, эшикни Арригуччонинг ўзи очаётганга ўхшайди, деган асосли шубҳа уйғонди-ю, у оёғини қўлига олиб, шаталоқ отиб қочиб қолди, Арригуччо ҳам унинг орқасидан қува кетди. Руберто узоқ вақт югурди, Арригуччо ҳам унинг орқасидан изма-из қувиб кетаверди: мана, ниҳоят, Руберто қочишдан тўхтади, унинг ҳам ёнида қуроли бор эди, у шамширини суғуриб, Арригуччо томонга юзини ўгирди, шундан кейин улар, бири ҳужумга ўтса, иккинчиси ҳимояга ўтиб жанг қила бошладилар.

Энди гапни уй бекасидан эшитинг: эри эшикни тарақлатиб очиши билан у ҳам уйғониб кетган эди, у уйғонди-ю, бармоғидаги ипнинг узиб ташланганини кўрди,— шунда у ўз ҳийласининг мисв чиққанини пайқади. У эрининг Рубертони қувиб кетганини эшитиб ва бу таъқибнинг оқибати нимага олиб келишини тасаввур қилиб, тўшакдан сакраб турди, бу гапларнинг ҳаммасидан хабардор бўлган оқсоч қизни чақирди ва уни ўз ўрнига тўшакка ётишга, ҳар қанча оғир бўлганда ҳам ўзини танитмасликка ва Арригуччонинг қалтакларига ғинг демай дош беришга кўндирди ва унга: «Бу яхшилигинг учун сени шундай хурсанд қилайки, ҳамма қийналғачларининг ҳиссаси чиқиб кетади ва ҳеч вақт бу кунингга ўкинмайсан», деб ваъда қилди. Шундан сўнг монна Сисмонда шамни ўчириб хонадан чиқди ва қўшни хонада биқиниб ўтириб, бу ёғи нима бўлишини кута бошлади. Бу маҳал Арригуччо билан Руберто ҳамон жанг қилиб ётишарди, ахири, икковининг шовқин-сурони атрофдаги қўни-қўшниларни уйғотиб юборди; қўшнилар ўринларидан туриб кетишиб, олишаётганларни сўка бошладилар, ана шун-

да бирдан Арригуччо ўзини таниб қолишларидан қўрқиб кетди, — ва ҳатто рақибининг кимлигини ҳам билолмай ва унга зигирдакки-на ҳам зиён етказмай, ундан юз ўғирди-ю, ғазабдан жони ҳиқилдоғига келиб, уйга угурди. У уйга кириб келиб, жаҳл устида бақирди: «Қаннисан, ҳой беҳаёе? Тополмасин деб, атайин шамни ўчириб қўйибсан шекилли — бекорларни айтибсан!» Шундай дея у чорпоя тепасига келди, у ерда ётган чўри қизни ўз хотини деб ўйлаб, хиппа ёқасидан бўғиб кўтарди-да, билагидаги кучининг борини ишга солиб, шўрликни юз-кўзи аралаш аямай муштлайвериб, оғзибурнини қон қилди, оёғи билан тўхтовсиз тепавериб аъзойи баданнини мўматалоқ қилиб юборди, бу ҳам етмагандай бояқинининг сочинни тутамлаб туриб, кесиб олди ва айни пайтда унга қарата шундай ҳақорат сўзларни айтдики, биронта ўта бузук аёл ҳам ўз умрида бунчалик ҳақорат эшитиб, бунчалик надомат қилмаган эди. Ахён-ахёнда у оғриққа чндай олмаганидан: «Войод! Хучо ҳаққи! Тоқатим тоқ бўлди!» — деб чинқариб кўярди. Лекин ўксиб-ўксиб йиғлашп унинг равон гапиршига имкон бермасди. Арригуччо эса, ниҳоятда дарғазаб бўлганидан, овоз таниш қобилиятини ҳам йўқотган эди. Хуллас, — такрор айтаман, — Арригуччо оқсоч қизни роса таъзирини бериб дўппослаб, буининг устига, сочинни кесиб олиб, унга қарата шундай деди: «Сен маразни мен бошқа урмайман, — ҳозир акаларингнинг олдига бораману фаҳш ишларнинг ҳақида уларга гапириб бераман, — яхшиен ўзлари келиб, ор-номуслари даъват этган жазони беришсен-да, сени бу ердан олиб кетишени — гапнинг сираси, менинг уйимда сенинг қиладиган ишинг қолмади». — Шу гаплардан кейин, у хонадан чиқиб, эшикни устидан қулфлади-да, қайнагаларининг олдига жўнаб кетди.

Ҳамма гапларни эшитиб турган монна Сисмонда эрининг уйдан чиқиб кетганига ишонч ҳосил қилгач, эшикни очиб ётоқхонага кирди ва шамни ёқди — оқсоч қизининг баданида соғ ери қолмаган эди, у аччиқ-аччиқ кўз ёш тўкарди. Монна Сисмонда қўлидан келганча уни овутди-да, хонасига етаклаб олиб борди, унга яхшилаб парварниш қилиш, даволаш ҳақида хуфиёна фармойиш бергач, Арригуччонинг маблагидан олиб, унга шундай тортиқлар қилдики, оқсоч қиз чеккан азобларига мингдан-минг рози бўлди. Монна Сисмонда оқсоч қизни жойлаштириб бўлиб, яна ўз ётоқхонасига қайтди, бир зумда ўрин-тўшакни саришталади, хонани йиғиштириб, тартиб ўрнатди. — энди кўрган одам бу кеча бу ерда ҳеч ким ётмаган деб айтиши мумкин эди, — шабчироқни ёқди, кийинди, ҳали уйқуга ётмагандек ювиниб-таранди, кейин чироқнинг пилигини баландроқ қилиб, ўзи тикаётган кўйлагини кўлига олди-да, зина бошига ўтириб олиб, қани, бу можаронинг оқибати нима билан тугаркин, деб бамайлихотир ишни тикиб ўтираверди.

Энди гапни Арригуччодан эшитинг. У уйдан чиқа солиб, қайнагаларининг олдига ўқдек учиб кетди, бориб уларнинг эшигини шунақанги гурсиллата бошладики, эшитиб дарҳол эшикни очинди. Монна Сисмонданинг онаси ҳам, уч оғаси ҳам келган Арригуччо эканлигини эшитишиб, ўринларидан туришди, шам ёқишни буюришди, еўнг унинг олдига чиқиб, ёлғиз ўзинг, яна шундай бо-

маҳалда нега келдинг, деб сўрашди. Арригуччо бутун бўлган воқеани бошдан-оёқ батафсил сўзлаб берди. Биринчидан, у монна Сисмонданинг оёқ бармоғига ип боғланганлиги ҳақида гапирди, ундан кейин, навбатдаги барча кўрган-кечирганлари ҳақида ва ўз томонидан қандай чоралар кўргани тўғрисида сўзлаб берди. Кейин Арригуччо, қайнаман билан қайнағаларим кўнглида яна шубҳа туғилмасин, деб уларга, ўз хотинимники, деб кесиб олган бир тутам сочни тутқазди-да, охирда қайнағаларига: «Ҳозир бориб синглингиз билан виждонингиз буюрган ишни қилинг, мен энди уни уйимда олиб ўтирмайман», деди. Монна Сисмонданинг оғалари Арригуччонинг гапларига ишонишди, у олиб келган шумхабардан қаттиқ дарғазаб бўлишди, улар сингилларининг қилмишидан қадрлари қайнаб, машғалалар ёқишни буюришди ва Сисмондани яхшилаб адабини бериб қўйишга шайлангишиб, Арригуччо билан бирга йўлга чиқишди. Оналари уларнинг орқасидан изма-из бораркан, гоҳ у, гоҳ бу ўглига илтижо қилиб, бўзлаб гапирарди: «Ҳамма гапга дарров лаққа ишонаверманглар, аввал синглингиздан сўраб-суриштиринг; куёв бошқа ваздан аччиқланиб қизимни азобга солган бўлишям мумкин, энди ўзини оқлаш учун йўқ ердаги гапларни тўқияпгандир балки», дерди. Кейин у: «Ё тавба, ҳайронман, қандай қилиб қизим бундай ишга қўл уриши мумкин, ахир мен ўз қизимнинг феълени жуда яхши биламан-ку, унга ўзим тарбия берганман, ўзим...»— деб яна оламжаҳон гапларни айтди.

Мана, улар Арригуччонинг уйига етиб келишди — уйга кириб, зинадан кўтарилла бошлашди. «Ким?»— деб сўради шв чоғ монна Сисмонда.

«Кимлигимизни ҳозир биласан, беҳаё!»— деб жавоб қилди оғаларидан бири.

«Ё худоё тавба! Бу қанақаси яна?— деб пичирлади монна Сисмонда ўрнидан тураркан,— Хуш кепсизлар, оғаларим!— дея юзланди у кириб келган акаларига.— Бирваракайига учовингларни, яна шундай бемаҳалда уйимга келишингларга нима мажбур этди?»

Монна Сисмонданинг оғалари унинг баҳузур иш тикиб ўтирганини, юзида эса ҳеч қандай кўкарган ери йўқлигини кўришиб (ҳолбуки, Арригуччо, бутун аъзойи баданида тангадек соғ жой қолдирмай тепкилаб муштладим, деб айтувди), бир оз таажжуб қилдилар, лекин шу заҳотиёқ ғазабларини ичларига ютиб: «Эринг устингдай шалкоят қилиб борди олдимизга — шунинг учун ҳозир бизга бутун ҳақиқатни очиб ташлайсан, бўлмаса, ҳолингга маймуңлар йиғлайди»,— деб айтишди.

«Билмадим, нимани очиб айтишим керак экан сизларга,— дея жавоб қилди монна Сисмонда.— Ҳеч ақлим бовар қилмаяпти, эримга нима гуноҳ қилган эканман». Бу орада Арригуччо хотинининг юзига тикилиб қараб туриб, ўз кўзларига ишонмай қолди: эсида, у хотинининг башарасини камида минг марта бежаган, ҳамма ёғини тимдалаб ташлаган, роса хумордан чиқиб, эзгилаб тепган эди, тавба, унга бало ҳам урмабди-я! Монна Сисмонданинг оғалари унга Арригуччодан эшитганларини — ип ҳақида ҳам, дўп-

послагани тўғрисида ҳам, хуллас, ҳамма гапни қисқа қилиб гапириб бершди.

«Вой тавба! Қуруқ тухматингдан асра! — деди монна Сисмонда Арригуччога юзланиб. — Ҳой эр, нега энди ўзингни-ўзинг бадном қилиб, мени ҳаёсиз деб айтдинг — ахир мен ҳеч унақа эмасман-ку, ўзингни бўлса, бағритош, ёвуз одам қилиб кўрсатяпсан, ўзинг ҳам аслида унақа эмассан. Ахир бугун кечаси сен бу ерга, — менинг ёнимга келиш у ёқда турсин, — ҳатто уйга ҳам келганинг йўқ-ку! Кейин, қачон мени дўппослабсан? Мен буни сира эслолмаяман».

«Вой ҳаёсиз-е, нима деяпсан? — деб гапира кетди Арригуччо. — Ахир тўшакда бирга ухлаб ётганмидик? Мен ўйнашингнинг орқасидан қувиб кетдим, кейин яна шу ерга қайтиб келдимми? Ахир сени итдек калтаклаб, сочингни кесиб олмадимми?»

«Сен бугун уйда тунаганинг йўқ, — деб эътироз билдирди хотин. — ҳай, майли, буни қўйиб турайлик, — аммо мен чин ҳақиқатни айтяпман — бунга ишонаман ҳам фақат бунга ҳеч қандай далилим йўқ, — энди сен тўқиган уйдирмаларга келайлик, гўёки сен мени калтаклаб, сочимни кесиб олган эмишсан. Йўқ, сен мени урганинг йўқ. Қани, ҳамманглар, сен ҳам диққат билан қаранглар-чи, баданимда биронта кўкарган ерим бормикин? Менга қўл кўтариб бўлсан, — агар шу даражага бориб, юзсизлик қиладиган бўлсанг, ўзим кўзларингни ўйиб олган бўлардим. Ундан кейин, сочимни қачон кесиб олганингни мен ҳатто сезмабманам, кўрмабманам-а. Балки ими-жимнида сездирмай кесиб олгандирсан? Қани қараб кўрай-чи, сочим ростданам кесиб олинганмикин ё йўқми». Шундай дея у бошидаги рўмолини ечди, шунда ҳамма унинг сочи кесилмаган, бут эканлигига шоҳид бўлди.

Она билан оғалар иккала томоннинг арзини тинглаб бўлиб ва бугун бўлган воқеани ўз кўзлари билан кўриб, ким ҳақу ким ноҳақлигини аниқлашгач: «Хўш, энди нима дейсан, Арригуччо? Ахир сен бутунлай бошқа гапларни айтувдинг-ку бизга. Энди бу ёнига қандай исботлайсан айтганларингни?» — дея куёвга ёпиша кетдилар.

Арригуччонинг назарнда, бўлиб ўтган воқеаларнинг ҳаммаси гўё тушдай бўлиб туюлди; у бир неча бор хотинининг сўзини булиб, ўзининг ҳақлигига далил келтира бошлаган эди, лекин хотин эрининг ҳамма келтирган далилларини шу заҳоти пучга чиқаравердики; оқибат, Арригуччо, гап қайтариб балога қолгандан хал ўтиришни маъқул кўрди.

«Ҳай, начора, оғалар, — деб яна гапира бошлади монна Сисмонда, — ўзи тилимни қичитиб, шу маҳалгача бирон марта ҳам оғзимдан чиқмаган гапларни — яъни палидона, қабиҳона қилмишларини очиб ташлашимга мажбур қиляпти мени — бас, шундай экан, майли айтаман. Ишончим комилки, эримнинг ҳозир менга тўнкаган ҳамма қилғилиқлари ўзининг бошига тушган, уларнинг ҳаммасини ўзи қилган. Мана, ўзингиз эшитинг. Мен бахтиқаро учун куёликка таплаганингиз шу муҳтарам зотнинг, яъни ўзини тижбратчи деб атовчи, демакки, жамоанинг ҳурмат-этиборини қозонишга интилиши, ўзини роҳибдан ҳам сабр-қаноатлироқ, ифбатли қиздан

ҳам покизароқ тутиши лозим бўлган мана шу ҳурматли зотнинг қовоқхонама-қовоқхона сандирақлаб юрмаган, гоҳ у, гоҳ бу бузуқ хотинга илакишмаган куни камдан-кам бўлади, мен шўрлик уни ҳар куни ярим кечагача, баъзида эса, ҳозир ўзингиз кўриб тургандек, тонг отгунча кутиб ўтираман. Бас бойлашаман, бугун ҳам ўлгудек ичиб олиб, кейин биронта бузуқ хотинни кига ётгани кетган, кейин, уйғониб кетиб, ўша хотиннинг оёғига ип боғланганини кўргану тура солиб, ўша сизларга сўзлаб берган жасоратларини амалга оширган, кейин яна қайтиб бориб, ўша хотиннинг пустигини қоққан-да, сочини қирқиб олган, ғирт маст бўлгани учун, — менимча, ҳалиям кайфи тарқамаган кўринади, — хотинини, яъни мени жазолагандек тасаввур қилган. Башарасига яхшироқ эътибор бериб қаранглар — ҳалиям кайфи бор. Шундай бўлса ҳам, майли, ҳаволаси худога, менга қилган тухматларини сизлар маст одамнинг алжираши деб билинг; мен уни кечираман — сизлар ҳам кечиринг».

Лекин шу чоғ онаси шанғиллаб кетди.

«Йўқ, қизим, уни кечириб бўлмайди, сира-сира бўлмайди! — деб чийиллади у. — Бу кўтир итни, кўрнамак ҳайвонни ўлдирсанг ҳам оз, — у сенга эр бўлишга лойиқ эмас. Вой, яшшамагур гўрсўхта-е! Эркак киши ўз умр йўлдошини муҳтожликдан қутқарган тақдирда ҳам унга миннат қилиб, бунақа қўпол муомала қилмайди. Ҳу, бўйинг гўрда чиригур! Бо, қизим, садқайи эрқак кетсин, бу эшак гўнгидан чиққан савдогарвачча мастликда оғзига нима келса алжийверади-да, — бунақа битлиқи қишлоқиларнинг сон мингтаси келиб жойлашиб олишган шаҳримизга: кийишлари бўздан, иштонининг ҳар бир почаси нақ черков қўнғироғи дейсан, иштонларининг орқасига пат илашгану агар ҳамёнларига уч мири тушиб қолгудек бўлса, дарров аслзодаларнинг ё зодагон хонимларнинг кузларига совчи қўя бошлайдилар, ўз авлодларининг гербларини кашф этадилару нуқул: «Мен фалон авлодданман, ота-боболарим фалон-писмадон жасоратлар кўрсатган», деб керила бошлайдилар. Вой, болаларим-а, нега ўшанда менинг маслаҳатимга кирмадинглар-а! Сепинг фақирона бўлса ҳам, қизим, акаларинг сени жуда яхши хонадонга келин қилиб узатишлари мумкин эди, ана унда ҳозир сен граф Гвидилар оиласида кенг уйинг келини бўлиб иззатикромда яшаб юрган бўлардинг. Лекин акаларинг манави бебаҳо бойваччани куёв қилишни истаб қолишди, лекин бу кўрнамак бўлса, уялмай-нетмай, ярим кечада уйимизга бориб, сен тўғринда — бутун Флоренцияда энг хушаҳлоқ, энг номусли аёл ҳақида — гап деб айтишга тили борди-я, нима, сени билмас эканмизми биз? Менга қолса-ку, ўзим билардим нима қилишимни, илоё, кўз ёшларининг уволи урсин». Шундан кейин у ўғилларига юзланди: «Болаларим, сизларни неча марта қайтарган эдим! Энди эшитгандир-сизлар ёқимтой куёвингизнинг, мана шу бадбахт савдогарваччаниннг ўз синглингиз ҳақида нималар деганини? Агар мен сизларнинг ўрнингизда бўлсаму синглим ҳақида куёвининг шундай ҳақорат сўзлар айтиб, уни бунчалик беҳурмат қилганини кўрсам, бунақа куёвни олиб бориб, то гўрга тиқмагунимча кўнглим тинчимаган бў-

ларди. Агар мен аёл эмас, эркак бўлганимда, ўз қўлим билан уни гумдон қилардим. Э худо! Мана бу мараз пчкиликхўрни ўз газабингга ол, бу бадкорда на шарм-ҳаё, на виждон қолипти!»

Ҳамма гапни эшитиб, ҳамма воқеага шоҳид бўлган йигитлар Арригуччони шу қадар бўралаб ҳақорат қилишдики, биронта ҳам аблаҳ одам бутун умрида бунчалик ҳақорат эшитмаган эди, улар сўкиб-сўкиб бўлиб охирида шундай пўписи қилиб кўйдилар: «Бяски, бу ишларни кайф устида қилган экансан, бу сафарча сени кечирамиз, лекин бундан буёқ, агар жон ширин бўлса, ўзингни шундай тутгинки, иккинчи сен тўғрингда бундай ярамас гапларни эшитмайлик; эшитиб қолгудек бўлсак — унда ҳамма қилмишларнинг учун бирваракайинга адабингни бериб кўямиз». Шу гаплардан кейин улар уйларига жўнаб кетишди.

Арригуччо худди қоққан қозикдай серрайиб туриб қолди; буларнинг ҳаммасини у ўнгида қилдимн ёки хобида кўрдимн — ҳеч тушуна олмасди, шунинг учун у хотинига бошқа ҳеч гап демади ва шу кундан эътиборан уни ўз ҳолига қўйиб қўйди; хотин эса, ўзининг ўткир фаросати туфайли, нафақат бошига тушган фалокатни аритган, ундан ташқари, эридан асло ҳайиқмаган ҳолда, кўнгли тусаган ишни қилиш имкониятига муяссар бўлган экан.

9

Никостратнинг хотини Лидия Пиррни яхши кўриб қолади; Пирр хонимнинг севгиси қанчалик самимий эканлигини синамоқ учун унга учта шарт қўяди, Лидия учала шартни ҳам бажаради; устига-устак, у яна Никостратнинг кўзи олдида Пирр билан ачомлашиб ўйнашади-ю, аммо ҳеч нима бўлгани йўқ, деб эрини шонтиради

Нейфилаининг ҳикояси тингловчиларга шу қадар манзур бўлдики, гарчи қирол жамоани жим бўлишга, Панфилоини эса, ўз ҳикоясини бошлашга бир неча бор ундаб кўрган бўлса ҳам хонимлар на кулгидан ва на ҳозиргина эшитганлари тўғрисида фикр алмашишдан ўзларини тўхтата олдилар; ниҳоят тинчлик ўрнатилиб, Панфило ўз ҳикоясини шундай бошлади:

— Муҳтарам хонимлар, менинг тушуншимча, оташ муҳаббат эгаси бажаришга журъат эта олмаган биронта ҳам сермашаққат ва гоятда хатарли иш дунёда бўлмаса керак; гарчи бу фикр даврамизда баён қилинган аксар қиссаларда исбот этилган бўлса ҳам, шунга қарамай, мен ҳам уни бир хоним тимсолида яна бир бор исботлашни ўзимга эп кўрдим, илло, бу аёл ўз ниятларини амалга оширишда, ўзининг тугма фаросатидан кўра, кўпроқ Фортунанинг кўмагидан фойдаландиким, мана шунинг учун ҳам мен ҳеч кимга ўшал аёлдан ибрат олишни маслаҳат бермайман, зеро, Фортуна ҳамма вақт ҳам илтифот кўрсатавермайди, ундан ташқари, эркакларнинг ҳаммаси ҳам бир хилда кўр эмас.

Юнонистонда Аргос деган кўҳна бир шаҳар бор, ўзи кичкинагина-ю, лекин қадимги замон ҳукмдорлари билан оламга доврўқ қозонган, мана шу шаҳарда бундан анча-мунча йил муқаддам Никострат исмли бир номдор зот яшаган эди, кунлардан бир кун, ёши

анча қайтиб қолган мана шу зотни тақдир Лидия исмли бағоят дилбар ва шунингдек, жуда довурак аёлга рўбарў қилиб, уларни никоҳ риштаси билан қовуштириб қўйди. Барча аслзода ва давлатманд кишиларда бўлгани сингари Никостратнинг ҳам беҳисоб хизматкорлари, сон-саноқсиз итлари ва овчи қушлари бор эди, зеро, у ашаддий овчилардан эди. Шунингдек, унинг Пирр исмли хизматкори ҳам бўлиб, у хушқад мўмин-қобил, қўли гул ўктам бир йиғит эди.— Никострат уни ҳамма хизматкорларидан юқори қўяр, ҳаммадан уни ўзига яқин тутарди. Лидия айнан мана шу йиғитга ошиқ бўлиб қолди, ошиқ бўлгандаям, кечасю кундузи бутун фикру зикрини шу Пиррга қаратадиган бўлиб қолди, ҳолбуки, Пирр, ё ҳеч нимани пайқамганидан, ёки пайқашни истамганидан, хонимга ақалли қайрилиб ҳам боқмасдики, бу қилмиши билан Лидияни қаттиқ руҳий изтиробга соларди.

Ахири Лидиянинг ортиқ сабри чидamay, Пиррга юрагини очмоққа аҳд қилди, бунинг учун у Луска исмли канизагини чақиртирди-да, унга ўз дардини очиб солди, зеро, Лидия бу канизагига худди ўзига ишонгандай ишонарди; у шундай деди: «Луска! Мен сенга кўп яхшилик қилганман, шу вайдан, сен ҳам менга итоткор ва содиқ бўлишинг керак,— эсингда бўлсин, ҳозир мен сенга ишониб айтадиган сирни зинҳор бировга озингдан гуллаб қўйма, уни ёлғиз бир одамга айтишинг керак. Ўзинг кўриб турибсан, Луска: мен ҳали ўн гулдан бир гули очилмаган ниҳолдек ёш, гунчадек тароватли жувонман, мол-давлатимни-ку, санаб адоғига етиб бўлмайди, аёл киши армон қилиши мумкин бўлган жамики нарса менда ошиб-тошиб ётипти,— хулласи калом, агар битта етишмовчиликни истисно қилсак, ҳеч нимадан нолийдиган ерим йўқ, у истисно шуки: эрим мендан анча катта,— мана шунинг учун ҳам мен, айнан ёш жувонлар учун кўпроқ роҳат бахш этадиган бир нарсадан камситилганман. Мен ҳам ўзга жувонлар хоҳлаган нарсани хуш кўраманки, шундан келиб чиқиб мен: баски, Фортуна мени шундай қарн эр билан қовуштириб, менга бадхоҳлик қилган экан, энди ўзимга-ўзим душманлик қилиб ўтирмай, лаззат ва хушбахтлик йўлини ўзим топиб оламан, дея мулоҳаза юритдим ўзимча. Мана, ниҳоят ўзимни фақат Пиррнинг қучоғидагина хушбахт ҳис этишим ва шундагина ўз муродимга етдим, деб ҳисоблашим мумкинлигини тушундим, зеро, менинг муҳаббатимга энг муносиб зот шу Пиррдир, мен уни шундайин оташ севги билан севаманки, фақат уни кўрган чоғларимда, ёйинки уни ўйлаган пайтларимдагина кўнглим ҳузур қилади. Агар шу яқин кунлар ичида ўзимни унга бағишламасам, ўлиб қоладигандек ҳис қиляпман ўзимни. Гап шу, менинг ўлиб қолишимни истамасанг, Пиррга ишқим тушиб қолганлигини унга бир амаллаб етказ ва менинг номимдан уни ҳузуримга келишини илтимос қилгин-да, ўзинг уни қошимга бошлаб кел».

Канизак бу ишни бажаришга жон-жон деб киришди ва қулай пайт пойлаб юриб, Пиррни овлоқроқ бир ерга бошлаб борди-да, усталик билан ўз бекасининг топширигини бажаришга киришди. Канизакнинг гаплари Пиррни ниҳоятда таажжубга солди, зеро, у

бекасининг хатти-ҳаракатида бунақанги ҳолатни асло сезмаганди, шу боисдан: бегойим тагин мени синамоқчи эмасмикин?— деган шубҳа уйғонди унинг кўнглида. Сўнг у Лускадан бу сўзларни эшитган заҳоти, унга кўрслик қилиб, шундай жавоб қайтарди: «Луска! Шу гапларни бегойим айтганлигига ишонмайман,— оғзингга қараб гапир, тагин бу уйдирма гапларинг учун адабингни бериб қўйишмасин,— борди-ю, ана, бу гапларни бегойим айтган ҳам дейлик, ўшанда ҳам чин юракдан айтганлигига асло ишонмайман; майли, ҳатто чин юракдан айтган деб фараз ҳам қилайлик, барибир, ўшанда ҳам мен ўз хўжайинининг номига иснод келтирмайман, негаки, кўрсатган хизматим эвазига, у менга юз чандон зиёдроқ яхшилик қайтаради. Билиб қўй, иккинчи менга бунақа ноҳўя гапларни гапирма!»

Пигитнинг кўрс муомаласи Лускани хижолатга солмади. «Пирр!— деди у.— Гапим ҳо ёқсин, ҳо ёқмасин, менга барибир, лекин бунақа гапларниям, яна бошқа гапларниям, токи бекам буюрарканлар, мудом қулоғингга қуявераман. Аммо сен ишқи йўқ эшак экансан!»

Шундай дея у Пирринг жавобидан ҳафсаласи пир бўлиб, ўз бекаси қошига қайтди,— бека унинг гапини эшитиб, аламдан сал бўлмаса ўлаёзди, бироқ орадан бир неча кун ўтказиб, у канизаги билан яна шу мавзуда гап очди. «Биласанми, Луска,— деди у,— эман дарахти бир болта урган билан қулай қолмайди. Бас, шундай экан, менинг аччиғимни чиқариб, ўз хўжасига ҳаддан зиёд садоқат кўрсатаётган ўша одам билан яна бир гаплашиб боқсанг қандоқ бўларкин? Пайт пойлаб туриб, унга ҳамма гапни шундай тўкиб солгинки — унинг ишқида қандай аланга олиб ёнаётганимни сезсин,— хуллас, бу сафар ишни охиригача етказ; агар уни ярим йўлда қолдириб келсанг, ўлиб қоламан, у эса, мени синамоқчи бўлишган экан, деб ўйлай бошлайди, оқибатда қилган орзумга зид ўлароқ, мени севмайди, балки мендан нафратлана бошлайди».

Канизак соҳибасига тасалли берди; у яна Пиррни ахтариб кетди ва унинг димоғи чоғ эканлигини кўриб, унга юзланиб шундай гапира бошлади: «Пирр! Бундан бир неча кун олдин мен сенга икковимизнинг умумий бекамиз тўғрисида гап очиб, уни сенга ишқи тушиб, муҳаббат ўтида қовурилаётганини хабар қилган эдим. Яна такрор айтаман: агар бу гал ҳам аввалгидек тошбағирлик қиладиган бўлсанг, гапимга ишонавер, бекамнинг паймонаси тўлган — ўлиб қолади. Шунинг учун ҳам сендан илтимос қиламан: бекамнинг истагини бажо айла, мен сени доим ақлли йигит, деб ҳисоблаб келардим ахир, лекин борди-ю, яна эшакка ўхшаб қайсарлик қиладиган бўлсанг, ғирт аҳмоқнинг ўзи бўласан. Шундай гўзал, нажиба ва бадавлат аёл сени дунёда ҳамма нарсадан ортиқ кўрсаяю, наҳотки бу хуш ёқмаса сенга? Бу ҳам майли, баски, Пирр, сенинг навқирон ёшингга хос бўлган барча умид-орзуларинг рўёбга чиқяпкан экан, шу билан бирга, ҳеч нимадан кам бўлмаслигинг аниқ экан, бу ишга тақдири илоҳийнинг ўзи бош қўшмаяптимикин? Агар сен ақл билан иш кўрадиган бўлсанг, дилхушлик қилиш бобида биронта ҳам навқирон йигит сенга тенг кела олмайди! Ба-

шарти сен ҳам бекамизни, у сени севиб қолганчалик севсанг, сенда шунча кўп яроғ-аслаҳа, отлар, либослару ақчалар бўладик, бу борада биронта ҳам ошиқ йигит сенга тенг кела олмайди! Уйлаб кўр, гапларимга лутфан қулоқ сол. Унутма, Фортуна одамзод учуи ўз қучоғини бир марта очиб, фақат бир марта кулиб боқади. — кимки, бу илтифотдан фойдаланиб қолмаса, ундай одамнинг бутун умри қашшоқлик ва муҳтожликда ўтадики, буни энди ўзидан кўрсин. Сенга яна шуни айтмоқчиман: малайлар ўз хўжайинларига қон-қариндош ҳам, ёр-биродар ҳам эмас, бинобарин, улар хўжайинларга жудаям содиқ бўлишлари шарт эмас, — аксинча: хўжайинлар ўз малайлари билан қандай мулоқатда бўлсалар, малайлар ҳам ўз хўжайинлари билан шундай муносабатда бўлишлари керак. Мана, ўзинг ўйлаб кўр: фараз қилайлик, сенинг гўзал хотининг, онанг, қизинг ё синглинг бор, у Никостратнинг кўнглига ўтириб қолди, нима, уни ҳам ўзингга ўхшаб олижаноблик қилади ва малайига бўлган садоқатини оёқ ости қилмайди, деб ўйлайсанми? Агар шундай ўйлаётган бўлсанг, гирт аҳмоқсан. Гапимга ишонг: сен унга хушомад қилсанг ҳам, илтижо қилсанг ҳам барибир наф бўлмасди — у гапингга қулоқ ҳам солиб ўтирмай, куч ишлатиб бўлса ҳам ўша хотиннинг ё синглингни тортиб олган бўларди. Бас, шундай экан, улар бизга ва бизга тегишли нарсаларга қандай муносабатда бўлишса, бизлар ҳам уларга ва уларники бўлган нарсаларга шундай муносабатда бўлайлик. Кўзингни оч, омадинг келипти, тақдирнинг марҳаматидан фойдаланиб қол, бахтингдан юз ўғирма, унинг истиқболига пешвоз чиқиб, шод қабул қилиб ол; бордию бошқача йўл тутадиган бўлсанг, онг ичиб айтаман, беканг муқаррар оламдан кўз юмади; бу ҳам кам: кейин шундай таассуф қила бошлайсанки, оқибатда, сен учун энг матлуб хотима ўлиш бўлиб қолади».

Пирр ҳам Луска айтган гапларнинг ҳаммасини мулоҳаза қилиб кўриб, ахири: агар мени синашмаётганига қатъий ишонч ҳосил қилсам, Луска келаси сафар келганида унга бутунлай бошқача жавоб қиламан ва беканнинг кўнглини овлашга шай эканлигини айтаман, деган хулосага келиб, кўнглидан ўтказиб қўйди. Унгача эса, у Лускага юзланиб бундай деди: «Тушунаман, Луска, тўғри гапирдинг, аммо иккинчи томондан, хўжамнинг донишманд ва айёр эканлигини ҳам яхши биламан, ҳозир у бутун ишни менга топшириб қўйган, шунинг учун хўжайиним мени бир синаб кўрмоқчи бўлиб хотинини ишга солган бўлмасин, тагин, деб қўрқаман. Ҳай, энди бу ёғини эшит, агар бека мени астойдил севса, буни амалда исботлаб, мен қўйган учта шартни бажариши керак, ана шундан кейин, унинг ҳар қандай истаги мен учун қонун бўлиб қолажак. Бунга ишончи комил бўлсин. Шундай қилиб, мен унга учта шарт қўяман: биринчидан: у Никостратнинг кўзи олдида унинг энг яхши қирғийини ўлдирсин; кейин у Никостратнинг соқолидан бир тутамини юлиб олсин ва ниҳоят эрининг битта энг соғлом тишини суғуриб, икковини менга юборсин».

Бу қўйилган шартларни бажариш Лускага қийин бўлиб кўрилади, Лидияга эса, яна ҳам мушкулроқ туюлди, аммо буюк ғамгузор

тасаллибахш ва доно маслаҳатчи Амур Лидияни ўшал уч шартни бажаришга илҳомлантирди, натижада бека оқсоч қизни Пирр олдига юбориб, унга ҳамма талабларинг бажарилади, бажарилгандаям — жуда қисқа вақт ичида бажарилади, деб айтишни буюрди. Бундан ташқари, у Пиррга шуларни айтиб қўйишни буюрди: майли, Пирр Никостратни ғайри оддий заковат соҳиби деб ҳисоблайверсин, аммо мен Никостратнинг кўзи олдида Пирр билан очикдан-очик ўйнашаман, Никостратни бўлса, ҳеч нарса бўлгани йўқ деб ишонтираман. Шундан кейин, Пирр бу аслзода аёлнинг қандай иш тутишини кута бошлади. Ниҳоят, орадан бир неча кун ўтгач, Никострат ўз одати бўйича баъзи аслзодаларга катта зиёфат бераётган пайтда. Лидия эгнига яшил духоба кўйлагини кийди, беҳисоб қимматбаҳо тақинчоқларини тақди ва дастурхонлар йиғиштирилиб бўлгандан кейин, меҳмонлар ўтирган катта хонага кирди. Пиррнинг ва бошқа ҳамма меҳмонларнинг кўзи олдида, у Никостратнинг энг қадрли қирғийи қўниб турган дор томон йўл олди, сўнг у қирғийни ўз қўлига қўндирмоқчи бўлгандай, унинг иппини счди, оёғига солинган чарм банддан ушлади-да, деворга уриб ўлдирди-қўйди.

«Э, хотин, нима қилиб қўйдинг?»— деб чинқириб юборди Никострат. Лидия унга ҳеч нима деб жавоб қилмади-ю, овқатланиб ўтирган аслзодаларга юзланди. «Жаноблар, агарки, битта қирғийдан қасдимни олишга журъат эта олмасам,— деди у,— унда, мени башарти қирол таҳқирлагудек бўлса, ундан қандай ўч ола олган бўлардим? Сизларга маълум бўлсинким, бу қирғий менга тааллуқли бўлган жуда кўн вақтни — эркаларнинг аёлларга бағишлаши лозим бўлган вақтни ҳаром қилди. Ҳар доим тонг гира-шира ёриша бошлади дегунча, Никострат ўрнидан туради-ю, отига миниб, қўлига қирғийни қўндириб, дала-даштга чиқиб кетади-да, ўша ерда кун бўйи қирғийнинг кўкда учинини томоша қилади, мен бўлсам, аёл бошим билан яна ўзингиз кўриб турибсиз, айни етилган пайтимда жиғибийроним чиқиб, тўшакда ёлғиз қолиб кетавераман. Мен бу қирғийни ўлдиршга кўпдан аҳд қилган эдим, лекин бир эндиша мени бу ниятбатдан қайтариб турган эди: мен, эрим билан икковимизнинг муносабатимизни одилона ажрим қилиб бера оладиган одамларнинг кўзи олдида ўлдиршга аҳд қилдим уни, энди бу ёғи сизларга ҳавола».

Меҳмонлар Лидиянинг гапларини эшитиб бу хоним ҳақиқатан ҳам эрини жуда яхши кўраркан, деган қарорга келишди ва қулиб юборишиб қаттиқ ранжиган Никостратга: «О, Никострат, хотининг сендан оладиган аламини роса боплаб қирғийдан олди-да!»— дейишди, сўнг, бутун гапни ҳазилга йўйиб юборишиб, ахири қовоғидан қор ёғаётган Никостратни ҳам кулдиршга муяссар бўлишди, Лидия эса, шу чоғ ўз хонасига кириб кетди.

«Муҳаббатим хушбахт бўладиганга ўхшайди,— деб ўйлаб қўйди бу воқеанинг шоҳиди бўлган Пирр,— Лидия ўз бурчинини адо этишни жуда яхши бошлади — уни ниҳоясига етказишига худонинг ўзи мадад берсин!»

Лидия қирғийни ўлдирган кундан буён орадан бор-йўғи бир

неча кун ўтди, мана, у бир маҳал ўз хонасида Никострат билан ўтираркан, уни эркалар, у билан ўйнашарди, Никострат ҳам шу пайт ҳазиллашиб хотинининг сочидан оҳиста тортиб қўйди, айнан мана шу ҳол Пиррнинг иккинчи шартини бажариш учун Лидияга баҳона бўлди: у ўйлаб-нетиб ўтирмасдан Никостратнинг соқолига чангал солди-да, уни бор кучи билан тортиб, бир тутамини кулиб туриб юлиб олди. Никострат хотинини бу қилиғи учун койий бошлади. «Вой, нима бўлди сенга? Намунча қовоқ-тумшугинг осилмас-са?— деди хотин.— Соқолингни уч-тўртта тукини юлиб олганимга шунча димоғ-фироқми? Сен менинг сочимдан тортганингда бундан ҳам қаттиқроқ сўриган эди». Лидия эри билан шу йўсинда гурунглашиб, ҳазиллашиб ўтириб, юлиб олгани бир тутам соқолини сездирмасдан яшириб қўйди, шу куннەқ уни маҳбубига жўнатди.

Учинчи шарт Лидиянинг анча бошини қотирди, лекин у табиатан оқилона аёл бўлганлиги сабабли, боз устига, ишқ худоси Амур унинг ақлини пешлаб турганлигидан, ахирин, бу ниятига етиш йўлини ҳам топди. Никостратга иккита ўғил бола дастёрлик қиларди, уларнинг иккови ҳам яхши оила фарзандлари бўлиб, ота-оналари Никостратнинг хонадоннда киборлар рафторидан таълим олсинлар деб, унинг хизматига топширган эдилар; болалардан бири Никострат дастурхонга ўтирганида, у ейдиган таомни майдалаб тўғраб турарди, иккинчиси эса, ичимлик ташиб турарди; мана, Лидия бир кун шу икки болани ўз олдига чақириб олиб, уларнинг оғзидан ёмон ҳид келаётганини, бинобарин, Никостратга хизмат қилаётган чоғда, бошларини ҳаминқадар четга буриб туришни айтди ва бу гапни эинҳор ҳеч кимга айта кўрмасликни тайинлади. Болалар беканинг гапига ишонишиб, ўргатгандай иш тута бошладилар. Мана, Лидия кушлардан бир кун эрига шундай савол берди: «Болалар сенга хизмат қилишаётганда нима қилишаётганига эътибор бердингми?»

«Ҳа, эътибор бердим,— дея жавоб қилди Никострат,— мен ҳатто, нега ундай қиялчилар, деб сўрамоқчи ҳам бўлдим»,— «Кераги йўқ,— деди Лидия,— ўзим ҳозир сенга тушунтириб бераман. Бу тўғрида сен билан гаплашишга кўпдан оғиз жуфтлардиму ҳеч журъат этолмай келардим — сени ранжитиб қўйишдан қўрқардим, энди билсам, бошқалар ҳам сеза бошлашпти,— йўқ; айтмасам бўлмас экан, деб ўйладим. Оғзингдан ёмон ҳид келади — шунинг учун болалар юзларини тескари буришадн,— ҳайронман, нега бундай бўлдийкин, илгарилар йўқ эди-ку бунақа ҳид. Яхши эмас! Сен олимақом кишилар даврасида кўп бўласан,— бу кўнгилсиз ҳолга барҳам бериш керак».

«Нима сабаб экан-а?— деб сўради Никострат.— Тишларимдан битта-яримтаси қуртлаганмикин?»

«Шунақаям бўлиши мумкин,— деб жавоб қилди Лидия ва эрини дераза олдига бошлаб бориб, унга оғзини очишни буюрди.— Вой, Никострат,— деди у эрининг ҳам чап, ҳам ўнг жағидаги тишларини бир-бир кўздан кечириб чиққач.— Ахир қандай қилиб чидаб юрибсан-а? Манави томонингда битта тишинини қурт еган, менимча, чириб, бўладигани бўпти, агар ҳозир олдириб ташлама-

санг, ёнидаги тишларинггайм ўтади,— бефарқ бўлма, тезроқ олдириб ташла!»

«Унақа бўлса, майли, розиман,— деди Никострат,— ҳозироқ табибга одам юборишсин — келиб суғуриб ташлайди.

Хотини бўлса унга: «Бошингга урасанми табибни? Тишинг ўзи қамирлаб турипти — ўзимам оғритмасдан бинойидек суғуриб оламан. Ундан кейин, бу табиблар беморга шафқат қилиш деган нарсани билишмайди — сенинг ўшанақа табиблардан биронтасининг қўлига тушганингни кўрсам ё эшитсам, ҳолинга ачинганимдан юрагим эзилиб кетган бўларди. Гап қайтарма — ўзим суғураман, бордию оғригудек бўлса, ўша заҳоти тўхтатаман; билиб қўй, табиб бунақа раҳм қилиб ўтирмайди».

Кейин Лидия асбобларга одам юборди-да, Лускадан бўлак ҳаммани хонадан чиқариб юбориб, эшикни ичидан беркитиб олди, Никостратни стол устига ётқизди ва унинг оғзига омбур тиқиб, тишларидан биттасини қисиб олди; Никострат оғриқдан бутун уйни бошига кўтариб додлай бошлади, аммо уни маҳкам босиб ушлаб туришгани сабабли, ахирн зўр машаққат билан бўлса ҳам тиши суғуриб олинди. Лидия у тишни яшириб, оғриқ азобидан чалажон бўлиб сулайиб ётган Никостратга олдиндан ҳозирлаб қўйган, чириб қоп-қора бўлиб кетган бошқа бир тишни кўрсатди. «Буни қара, шунча маҳалдан бери оғзингда олиб юрган экансан чириган тишни»,— деди у. Никострат ҳамма гапга ишонди; у дўзах азобини бошидан кечирди, дод солиб бутун уйни бузиб юборди, лекин тиши суғуриб олингандан кейин ўзини соғлом ҳис қила бошлади. Унга яна баъзи нарсалар ичиритиб, қувватга киритишди, шундан кейин у ўз хонасига кириб кетди. Лидия эса шу заҳотиёқ тишни маҳбубига юборди,— Пирр ҳам Лидиянинг ишқий ҳиссиёти самимий экалигига ишониб, энди хонимнинг ҳар қандай истакларини бажаришга тайёрман, деб айттириб юборди.

Ўз севгилисининг фироқида ўтказган ҳар бир соати бир асрдек туюлган ва ўз ваъдасининг устидан чиқишга сабри чидамаётган Лидия Пиррнинг кўнглида заррача ҳам шубҳа қолдирмаслик учун энди ўзини касалга солиб олди ва бир кунни тушликдан кейин, хонасига Никострат кириб келганида, Лидия, эрининг ёлғиз Пирри билан кириб келганини кўриб, мени боққа олиб чиқинлар — боғда сивил тортаман, деб айтди. Никострат билан Пирр шу заҳотиёқ уни қўлга кўтариб, боққа олиб чиқишди-да, ажиб бир нок дарахтнинг тагига майса ўтлар устига ётқизишди. Бундай ҳолда қандай иштатиш кераклигини Пиррга олдиндан ўргатиб қўйган Лидия бир оз дам олиб ётгандан кейин бундай деди: «Пирр! Кўнглим нок тусадди. Барака топкур, дарахтга чиқиб, уч-тўрттасини узиб ташлагин!»

Пирр бир зумда дарахтга тирмашиб чиқди. У пастга нок узиб ташларкан: «Ҳей, мессер, нима қилиясиз ўзи?»— деб юборди бирдан.— Сизга нима жин урди, донна Лидия? Уят эмасми ахир! Менинг кўз олдимда қиласизми шу шармандаликни? Нима, мени кўр деб ўйлаясизларми? Ие, ахир ҳозиргина, касалим оғир, деб ётган сиз эмасидингиз? Бу ҳунарингиз дардингизга малҳам бўлиб бир зумда жон кира қолипти-да? Баски, бунчалик бетоқат экансиз, ҳеч

бўлмаса, ўз қўл остингиздаги шунча ҳашаматли хоналардан биронтасига кириб, ўша ерда қилганингиз маъқулмасмикин бу майнабозчиликни? Ҳар ҳолда бегона кўздан четда бўлардинглар!»

«Пирр нима деяпти ўзи?— эрига юзланиб сўради Лидия.— Алаҳлаяптими, нима бало?»

«Йўқ, алаҳлаяпганим йўқ,— деб дарахтдан туриб жавоб қилди Пирр.— Наҳот мени ҳеч нарса кўрмаяпти деб ўйласанглар?»

«Сен туш кўряпсан шекилли, Пирр»,— деди жуда таажжубда қолган Никострат.

«Мен ҳеч қанақа туш кўраётганим йўқ, хўжайин,— дея эътироз билдирди Пирр.— сизлар ҳам туш кўраётганингиз йўқ,— туш бунақа бўлмайди! Агар мана бу мен ўтирган дарахт ҳозир сизлар силкинаётгандай силкинса борми, бутун меваси битта қолмай дув тўкилган бўларди».

«Нима бало, жинни-минни бўлганми?— деб яна гап бошлади Лидия.— Наҳотки чинданам кўзига бир нималар кўринаётган бўлса? Вой, худойим-е, агар соғ бўлганимда, албатта дарахтга чиқиб, унинг кўзига кўринган мўъжизани ўз кўзим билан кўрадим».

Пирр бўлса дарахтда ўтирганича ҳамон сафсата сотарди. «Қани, туш пастга!»— деб қичқирди унга Никострат. Пирр пастга тушди. «Хўш, нималарни кўрддинг?»— деб сўради ундан Никострат.

«Сиз, назаримда, чинданам мени алаҳлаяпти ё кўкнорихаёл қиляпти деб ўйлаётганга ўхшайсиз,— деб жавоб қилди Пирр,— лекин агар виждонан гапирадиган бўлсам, сизни мен хотинингизни устидан кўрдим. Лекин дарахтдан тушганим билан қарасам, яна хотинингизнинг устидан тушиб, боғни ўтирган жойингизда ўтириб-сиз».

«Демак, иситманг борга ўхшайди,— деб хулоса чиқарди Никострат.— Сен дарахтга чиқаётган пайтингдан то қайтиб тушгунигича, икковимиз ҳам жойимиздан жилганимиз йўқ».

«Нима қиласиз мен билан баҳслашиб?— хуноб бўлиб деди Пирр.— Ахир ўз кўзим билан кўрдим-ку сизни, юзтубан ётган эдингиз».

Никострат тамомла гангиб қолди. «Қани, ўзим бир чиқиб қарай-чи, бу дарахт сеҳрли эмасмикин, унга чиққан одамнинг кўзи а мўъжиза кўриниши ҳам ростмикин»,— деди у ва дарахтга тирмашиб чиқа бошлади. У дарахтга эндигина чиқиб улгурган ҳам эдики— Лидия билан Пирр ачомлашиб ишни бошлаб юборишди. Никострат буни кўрди-ю, тепадан туриб бақира бошлади: «Ҳей, беҳаё хотин! Нима қиляпсан? Сенга нима бўлди, Пирр? Сенга ахир ўзимга ишонгандай ишонардим-а!» Шундай дея у шоша-пиша пастга туша бошлади.

Хотини билан Пирр бўлса унга: «Биз жой-жойимизда ўтириб-миз!»— дейишди. Кейин қараша, у дарахтдан тушиб келяпти,— дарров аввалги жойларига ўтириб олишди. Никострат дарахтдан тушиб, қараса, улар аввалги жойларида ўтиришибди, шундан кейин уларни койий кетди.

Пирр бўлса унга жавобан: «Боя сиз тўғри гапирган экансиз,

хўжайин, мана энди тушундим: мен дарахт устида ўтириб кўрганларимнинг ҳаммаси,— бу саҳви назардир, менинг бундай хулосага келишимнинг босси шундай: билишимча, сизда ҳам айнан саҳви назар содир бўлган. Ўзингиз агар чуқурроқ фикр юритиб, бош қотириб кўрсангиз, гапимнинг тўғрилигига иқроф бўласиз: айтмоқчи-манки, агар борди-ю, ҳатто сизнинг энг вафодор, энг оқила умр йўлдошингиз обрўингизга доғ туширмоқчи бўлган чоғда ҳам бу иш билан келиб-келиб сизнинг кўз олдингизда шуғулланардимиз? Ўзим ҳақимда-ку, гапирмайман,— мен бундай иш билан яна сизнинг кўз олдингизда шуғулланиш у ёқда турсин, буни ҳатто хаёлимга келтиргандан кўра, гўшларимни нимта-нимта қилиб ташлашларига рози бўлардим. Хулоса шуки — ҳамма айб нок дарахтда — саҳви назарни шу дарахт уйғотяпти. Дарҳақиқат, ҳозир сизни хотинингиз билан мулоқатда бўлганингизни инкор этиш учун бутун олам бир тараф бўлганда ҳам буни исботлашга ожизлик қиларди, илло, сизнинг кўзингизга мен ҳам айнан шу иш билан шуғуллангандай бўлиб туюлганимни ўз оғзингиздан эшитганимдан кейин, кўзимга хато нарсалар кўринганига ишондим, зеро, мен нанки ундай ишлар билан шуғулландим, ҳаттоки хаёлимга ҳам келтирганим йўқ эди — ахир буни мен билмай, ким билсин?»

Шу чоғ Лидия ўзини аччиқлангандай кўрсатиб, ўрнидан турди. «Шундай дейишга қандай тилнинг борди! — деб чийиллади у эрига қараб. — Демак, сенинг таъкидлашингча, кўз олдинга фаҳш билан шуғулланган бўлсам, унда фирт аҳмоқ бўлиб қолибман-да? Лекин эгарда кўнглим шунақа нарсани тусаган бўлганда мен биронта «қалоқ хонани топиб,— гапимга ишонавер,— шундай усталик билан бу тутган бўлардимки, буни сен икки дунёда ҳам сезмаган бўлардинг».

Никострат, хотиним ҳам, Пирр ҳам ҳақ гапиришяпти, деган хулосага келди,— рост-да, улар ҳеч қачон унинг кўз олдида бундай ёшлишга журъат эта олмаган бўлардилар; у хотини билан Пиррни кўйишдан, танбеҳ беришдан тўхтади ва бу кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ҳодиса ҳақида — яъни дарахт устидан ҳамма нарса тамомила бошқача манзара касб этиши ҳақида гапира кетди.

Лекин Лидия, менинг ҳақимда шундай ёмон хаёлга бординг-а, дегандек ҳануз ўзини Никостратдан ранжиган қилиб кўрсатарди.

«Мен шундай қиламанки, бу дарахт мени ҳам, ўзга аёлларни ҳам ортиқ шарманда қилмайдиган бўлсин,— деди Лидия.— Пирр, ғизиллаб бориб, болта олиб кел-да, ўзинг учун ҳам, мен учун ҳам бу дарахтдан ўч ол: кесиб ташла уни. Очигини айтганда, болта билан бу дарахтни чопиш ўрнига, сенинг бошингни чопса яхшироқ бўларди, Никострат,— зероки, ўз тафаккур кўзларингнинг нима ҳабиатда бирдан сўқир бўлиб қолгани ҳақида ҳатто ўйлаб ҳам кўрмадинг. Фараз қилайлик, бу ерда бизга сўзлаган нарсаларинг кўзингга кўринган ҳам дейлик — лекин сенинг тафаккуринг буни асло ҳақиқат деб қабул ҳам, эътироф ҳам этмаслиги лозим эди».

Пирр шу заҳотиёқ ғизиллаб бориб болта кўтариб келди-да, нок дарахтини чопиб ағдарди. Дарахт қулаганидан кейин Лидия Никостратга шундай деди: «Номусим душмани маҳв этилди, энди хафа

эмасман», — шундан кейин у ёлвориб кечирим сўраган Никостратга мурувват кўрсатиб, унинг гуноҳидан ўтди-да, сени ўз жонидан ортиқ севувчи хотинингдан иккинчи бунақа гумонсирама, деб қўшиб қўйди.

Шундан сўнг, аҳмоқ қилинган бечора эр, хотини ва хотинининг ўйнаши уйга киришди, шундай қилиб, бу хонадонда Пирр Лидия билан, Лидия Пирр билан беҳисоб маротаба ва ҳеч бир тўсқинликсиз ишқ лаззати ва ҳаловати оғушида яшаган эканлар. Худо бизга ҳам шундай бахт ато этсин!

10

Сиеналик икки йигит бирининг кумасига ошиқ бўлиб қолишади; кейин кум йигит қутилмаганда қазо қилади; у дўстига берган аҳдига биноан, ўлгандан кейин ўз оинаси қошига келиб, нариги дунёда қандай яшаётгани ҳақида сўзлаб беради

Қиролдан бошқа ҳамма ҳикоя қилиб бўлган эди. Бекордан-бекорга кесиб ташланган нок дарахтига ачина бошлаган хонимлар ахири тинчишгач, қирол шундай деб гап бошлади:

— Барчага аёнки, одил қирол ўзи жорий этган қонунларга тўла рия этмоғи лозим; борди-ю, у тескари иш тутса, унда у қирол эмас, балки энг оғир жазога лойиқ бўлган қулдир. Бугун сизларнинг қиролингиз — камина беихтиёр айнан шундайини гуноҳга ботадиган бўляпман ва ўзимга худди ўшал қул сингари айб ортаман. Дарҳақиқат, кеча мен бугунги мусоҳабамиз учун мавзу тайин этган пайтимда, яна ўз имтиёзимдан фойдаланаман, деб ўйлаган эдим, — аксинча: мен сизлар билан биргаликда умумий қондага рия қилган ҳолда, сизлар баён қилган мавзуда ҳикоя этишга аҳд қилган эдим, бироқ сизлар наинки мен сўзламоқчи бўлган ҳиссанинг мазмунини айтиб қўйдингиз, балки мен кўзлагандан ҳам мукамалроқ ва ниҳоятда қизиқарли қилиб баён қилдингизки, энди мен қанчалик хотирамни кавлашга уринмай, сизларнинг ҳикояларингизга қиёс қилишга лойиқ ўзим билган биронта ҳам воқеани эслаб, идрок эта олмаяпман. Мана шунинг учун ҳам ўзи жорий этган қонунни бузишга мажбур бўлган, демакки, жазога мустаҳқиқлигига иқрор бўлган камина қиролингиз олдиндан шуни айтиб қўймоқчиманки, ҳар қанча миқдорда жарима тўлашга ям розиману, илло, ўзимга берилган имтиёздан фойдаланмай туролмайман. Эътироф этаман, дилдор хонимлар, Элиссанинг кум билан кума ҳақидаги ҳамда сиеналикларнинг калтабинликлари ҳақидаги ҳикояси менда шу қадар кучли таассурот қолдирдики, мен ақлли хотинларнинг аҳмоқ эрлари устидан қиладиган найранглар ҳақидаги гапни четга йиғиштириб қўйишга ва сизларнинг эътиборингизга кум билан кума тўғрисида кичкинагина бир ҳикоя сўзлаб беришга аҳд қилдимки, гарчи ундаги айрим воқеалар ҳақиқатга тўғри келмаса ҳам уни мамнуният билан тингларсиз, деган умиддаман.

Алқисса, Сиенада иккита фақир йигит яшарди, улардан бирининг исми Тингоччо Мили, иккинчисиники — Меуччо ди Тура эди, улар Салайя дарвозасига яқин ерда истиқомат қилишар, асосан ўзаро мулоқотда бўлишар ва чамаси, бир-бирларини астойдил яхши кўришарди. Барча диёнатли кишилар сингари улар тез-тез черковга бориб, воизлар хутбасини тинглашарди, воизлар намозхонларга кўпроқ, одамзод тириклигида, бу дунёда қандай хизматлар кўрсатган бўлса, шунга қараб унинг руҳини нариги дунёда ё роҳат, ё жазо кутиб туриши ҳақида гапирардилар. Икки дўст бу ҳақда инobatли маълумотлар қидира бошладилар, лекин қандай қилиб топиш мумкинлигини билолмадилар, шунга кўра, улар бир-бирларини билан аҳд-паймон қилишиб, ким олдин ўлса, ўша тирик қолганининг олдинга қайтиб келиб, уни ҳамма гапдан воқиф қилди, деб келишиб олдилар.

Шундай қилиб улар, боя айтиб ўтганимдек, доим бир-бирлари билан мулоқотда бўлиб яшаб юравердилар, бир-бирларига сўз беришгандан кейин эса, Тингоччо, Кампо Режи фуқароси бўлмиш Амброжо Ансельминини деган одам билан кум тутинди, зеро, Ансельмининг хотини монна Мита яқинда эрига ўғил туғиб берган эди. Болани чўқинтириш маросими бўлиб ўтгандан кейин Тингоччо аҳён-аҳёнда дўсти Меуччо билан бирга гоёта дилбар ва мафтункор жувон бўлмиш кумасини бориб кўриб турадиган бўлди-ю, лекин бора-бора кум тутинган бўлишига қарамай, ул аёлга ошиқ бўлиб қолди. Жувон Меуччога ҳам ёқиб қолган эди, бунинг устига Тингоччо муттасил кумасини кўкларга кўтариб мақтарди, — хуллас, бора-бора у аёлга Меуччо ҳам шайдо бўлиб қолди. Иккала йигит ҳам бунинг бир-биридан сир тутарди, аммо сир туттишлари учун икковларида икки хил асос бор эди: Тингоччо ўз кумасига ошиқ бўлиб қолганини гуноҳи азим деб билар ва бу ҳақда бирон кишига иқроор бўлишдан хижолат оўларди, шунинг учун ҳам бу сирнинг дўстига айтишга ийманарди, Меуччонинг ўз севгисини сир сақлашига эса, бошқа сабаб бор эди: у монна Митанинг Тингоччога ёқиб қолганини сезган эди. «Агар мен Тингоччога сиримни ошкор қилсам, — деб ўзича мулоҳаза қиларди у, — бунга унинг ғайирлиги келиши мумкин, у кум сифатида ул хоним бидан истаганча суҳбат қуриш ҳуқуқига эга бўлганлигида, хонимга мени ёмонлаши мумкин, ана унда мен ҳеч нимага муяссар бўла олмайман».

Шундай қилиб, икки ёш йигит монна Митани севиб қолишди, лекин у билан суҳбатда бўлиш, Меуччога нисбатан, Тингоччога осонроқ эди, шунга кўра у кези келганда гап, кези келганда имошиора орқали кумаси билан алоқа қилиб, ахири хоҳлаган нарсасига эришди. Меуччо улар ўртасида не ҳол содир бўлганини жуда яхши тушунди, гарчи бу ҳол уни қаттиқ изтиробга солган бўлса ҳам барибир келгусида ўзининг ҳам омади келишидан умидини узмади ва лекин у, агар Тингоччо юрак сиримдан огоҳ бўлса, менга халал бериши ва йўлимга гов бўлиши мумкин, деган мулоҳаза билан ўзини ҳеч нарсани сезмаганга солиб юраверди.

Хуллас, икки дўстдан бири иккинчисига нисбатан омадтироқ бўлиб чиқди, бироқ Тингоччо ўз кумасининг майдончасида шундай

бир партов ерни толиб олиб, тиришқоқлик билан уни шундай пархиш қила, унга шундай ишлов бера бошладик, ахири, меъеридан зўрроқ кучаниб юборгани сабабли хатарли дардга чалиниб қолди ва бу дардга бардош бера олмай, бир неча кундан кейин оламдан ўтди. Улимнинг учинчи куни эса,— олдинроқ иложи бўлмаган шекилли,— у берган ваъдасига биноан, тунда Меуччонинг тепасида пайдо бўлди, Меуччо маст уйқуда ётган бўлса ҳам уни уйғотди.

«Қим бу?»— деб сўради Меуччо кўзини очиб.

«Тингоччоман,— дея жавоб қилди арвоҳ,— мен ваъдамга биноан сенга у дунё ҳақида гапириб бергани келдим».

Меуччо, унга кўзи тушиши билан кўрқиб кетди, лекин тезда ҳушини йиғиб олди. «Қадаминга ҳасанот, дўстим!»— деди у ва шу заҳотиёқ Тингоччодан, сен хароб бўлган руҳмисан, деб сўради.

Тингоччо эса, унга жавобан бундай деди: «Хароб бўлган — йўқ бўлган деган билан баробар. Агар мен хароб бўлганимда қандай келган бўлардим бу ерга?»

«Йўқ, мен уни гапираётганим йўқ,— дея эътироз билдирди Меуччо.— Мен сендан: руҳинг дўзах ўтида ёнишга маҳкум этилганим, деб сўраяпман».

Тингоччо ҳам унга жавобан бундай деди: «Йўқ, руҳим бунга маҳкум этилмаган, илло, қилган гуноҳларим учун жуда қаттиқ жафо чекапман, қийноққа солиняпман».

Шундан кейин Меуччо, бу дунёда қилинган ҳар бир гуноҳ иш учун у ерда қандай жазолар бериларкан, деб дўстига устма-уст савол бера бошлади, Тингоччо бўлса, ҳамма саволга батафсил жавоб қайтарди. Шунда Меуччо, менинг бирон нимада сенга фойдам тегиши мумкинми, деб сўради; Тингоччо, ҳа, деб жавоб қилди ва «Менинг арвоҳимни хотирлаб, черковда ибодат буюртир, руҳимга дуо ўқишларини илтимос қил, руҳимни ёдлаб, фақир, гадоларга садақа улашиб тур — шуларнинг ҳаммаси у дунёда қийноқни енгиллатади»,— деди. Меуччо, бу айтганларининг ҳаммасини бажони дил бажо келтираман, деб сўз берди.

Тингоччо жўнашга шайланганида, бирдан Меуччо кума ҳақида эслаб қолди ва Тингоччо томонга кўз қирини ташлаб туриб, ундан сўради: «Ҳа-я, яхши эсимга тушди! Менга қара, Тингоччо: бу дунёда ўз куманг билан алоқа қилганинг учун у ёқда қандай жазо беришди сенга?»

Тингоччо ҳам унга жавобан бундай деди: «Дўстим! Мен у ёққа рихлат этганимда маълум бўлдик, ўша ердаги бир зот, менинг жамики қилган гуноҳларимни нақ ўзининг беш бармоғидай яхши биларкан,— у менга маълум бир жойга боришни буюрди, мен ўша ерга бориб, ўзимга ўхшаб бир хил қийноққа маҳкум этилган жуда кўп бошқа руҳлар билан биргаликда қаттиқ қайғуриб, қилган гуноҳларим учун юм-юм йиғлаб ўтирдим. Улар орасида ўтирганимда, бирдан куман билан қилган зино ишларим эсимга тушиб кетди-ю, бу қилмишим учун яна бешбаттар қийноққа солишса керак, деб ўйлаб, гарчи шу пайт ўчмас аланга ичида ёнаётган бўлсам ҳам кўрққанымдан даг-даг қалтирай бошладим. Бояги зот бу аҳволимни кўриб, сўради: «Сен ўт ичида ёна туриб, қалтираяпсан, демак

бу ердаги гуноҳкорларнинг ҳаммасидан ҳам мудҳишроқ гуноҳга ботган кўринасан!»— «О, дўстим!— деб нидо қилдим мен.— Мен бир гуноҳи азимга ботганман — шу учун бериладиган жазодан қўрқяпман». Шунда у мендан, хўш, қандай гуноҳ экан у, деб сўради. «Мана, эшит,— деб жавоб қилдим,— мен ўз кумар билан ўйнашганман, у билан ўйнашавериб-ўйнашавериб ахири ўзимни нобуд қилдим». У хахолаб кулиб юборди. «Вой, тентакво-эй!— деди у.— Бунинг нимасидан қўрқасан? Бу ерда кумалар гуноҳга ўтмайди». Шундан кейин кўнглим таскин топди». Гап шу ерга келганда тонг ёриша бошлаганди, шунга кўра, Тингоччо бундай деди: «Хўп бўлмаса, Меуччо, худо ёр бўлсин сенга, менинг вақтим бўлди». Шундай деди-ю, бирдан ғойиб бўлди.

Меуччо, кумалар билан ўйнашиш гуноҳ ҳисобланмаслигини эшитиб, ўзининг тентаклик қилганидан кулиб қўйди,— буни қаранг-а, қанчадан-қанча кумаларига, фақат аҳмоқ бўлганлиги туйфайли қиё ҳам боқмабди?! Шу кундан эътиборан у нодонликнинг зулмат гўшасини тарк этди ва ақл билан иш кўра бошлади. Агар оғай Ринальдо кумалар гуноҳ ҳисобланмаслигини билганида эди, саховатли кумасини ўзига оғдираётган пайтда бунча овора бўлиб, бунчалик фасоҳат билан сўзлаб ўтирмаган бўларди.

Қирол ўз қиссасини айтиб бўлганида, қуёш энди уфққа ёнбошлаётган ва майин шаббода эса бошлаган эди, у бугун бошқа гапирадиган одам қолмаганлигини тушуниб, бошидан гултожни олди-да, уни Лауреттанинг бошига қўндиради, шундай деди:

— Марҳаматли соҳибам! Исмингизга муносиб айлаб, бошингизга дафнадан¹ тож кийдирияпман; ҳозирдан бошлаб энди сиз — бизнинг маликамизсиз. Ҳокималик ҳуқуқингиздан фойдаланган ҳолда, ўз ихтиёрингизча фармойиш беринг,— ишқилиб бизлар вақтни хурсандчилик ва кўнгилхушлик билан ўтказасак бўлгани.

У шундай деб ўз ўрнига бориб ўтирди.

Тож кийдириш маросими тугаган заҳоти Лауретта эшик оғасига одам юборди ва унга хушманзара водийга бориб дастурхон тузашни, лекин қасрга қайтишга шошилмаслик учун барвақтроқ тузашни амр этди ва унинг ҳукмдорлик даврида қандай тартибга амал қилиш кераклиги ҳақида тушунтирди. Сўнгра Лауретта шундай нутқ билан жамоага юзланди:

— Кеча Дионео бизлардан хотинларнинг ўз эрларига қандай найранглар кўрсатгани ҳақидаги ҳикоятларни эшитишни ихтиёр қилган эди. Агарда, мени қопагон лайча деб аташларидан қўрмаганимда, эртага, эркакларнинг аёлларга қандай найранглар кўрсатгани ҳақидаги мавзуда ҳикоятлар сўзлашга фармон берган бўлардим. Лекин биз ҳозирча бу мавзунинг четга қўйиб тураминиз,— мен истайманки, эртагача ҳамма аёлларнинг эркакларга, эркакларнинг аёлларга ва эркакларнинг эркакларга кун-уззукун қандай

¹ Лауретта, лавр (яъни дафна) сўзидан олинган. (Тарж.)

найранглар кўрсатиши ҳақидаги ҳикоятлардан ўйлаб қўйсин, ўйлайманки, бу мавзуда ҳам ажойиб ва ғаройиб қиссалар бугунги мавзудагидан кам бўлмаса керак.

Шу сўзлардан кейин Лауретта ўрнидан турди ва барчани кечликка қадар озод қилди.

Хонимлар билан йигитлар ҳам ўринларидан туришди; биров пойабзалини ечиб, зилол сувли ирмоқлардан ялангоёқ кечиб юра бошлади, биров хушқад сарв дарахтлари билан қўршалган ям-яшил ўтлоқда сайр қила бошлади. Дионесо билан Фьяметта икковлашиб узоқ вақт Арчита билан Палемон ҳақида қўшиқ куйлашди. Уларнинг кечлик зиёфатгача бўлган вақтлари шу йўсинда турлитуман хурсандчилик билан ғоятда хушвақт ўтди. Кейин ҳаммалари мўъжазгина қўл бўйига тузалган столлар атрофига ўтирдилар ва сон-саноқсиз қўшларнинг сайрашини эшитиб, атрофдаги тоғлардан майин шаббода эсиб турган ва бинобарин ҳар қандай майда чивинлар даф бўлган пайтда хушчақчақлик билан хотиржам овқатландилар. Кейин улар оромгоҳ водий бўйлаб бир оз сайр қилишди ва ҳали қуёш ботмасданоқ маликанинг амри билан ўз масканлари сари оҳиста одимлаб юра бошлашди. Улар ҳам бугун тингланган ҳикояларга тааллуқли бўлган, ҳам мутлақо уларга алоқадор бўлмаган турли-туман нарсалар устида ҳазил-мутойиба қилишиб, чақчақлашиб, ўзларининг муҳташам қасрларига етиб келишганида қоронғи тушган эди. Гарчи йўл узоқ бўлмаса ҳам ҳамма толиққан эди, лекин муздек шароблар ва ҳар хил ширинликлар ўз ишннц қилди: бир зумда чарчоқ йўқ бўлди ва ҳамма антиқа фаввора теграсида аввалига Тиндаронинг созига, кейин бошқа мусиқа садоларига рақс туша бошлади. Ниҳоят қиролича Филоменага қўшиқ куйлашни амр этди ва Филомена шундай куйлай бошлади:

Ғамим чексиз, дардим бепоён!
Оҳ, наҳотки бахт масканига
Энди йўлим тушмас ҳеч қачон?

Бу саволга тополмай жавоб,
Шўрли ақлим энди буткул лол.
Ишқ, одамни этади ҳароб,
Ҳақиқатдан мағлуб, бемажол.
Юзим шувут, яқинларимдан
Сўролмайман энди мен кенгаш.
Бир сен, севги ёлқинларида
Мени ёққан сарварим, яккаш
Қўллаб юбор, бўлма беомон,
Дариг тутма, мендан шафқатинг,
Тасалли бер, ором олсин жон,
Менга кўрсат, ўз марҳаматинг.

Йўқ, ожиздир дунёвий сўзлар
Дардим сенга этишга баён.
Оташида ёндирад ҳислар,
Дилим сенга мафтун, жонажон.

Бу оловнинг ёлқинида жон-
Елар, ёнар, ўртанар юрак.
Айрилиқдан ўлимдир осон,
Улим худди кичик бир эрмак.
Айтгил, севги, ёримнинг қачон
Қўзларига боқаман яна?
Алангаси, майли, беомон,
Қачон жоним ёқаман яна?
Ерим, қачон келасан, айтгил,
Қучоғингга оласан қачон?
Тезда келса ёрим,
тўхтатгил,

Табиб,

дармонларинг!

Қўп осон

Ўраларим давоси, табиб!
Дардларимга ягона дармон
Васли билан у ёри ҳабиб!
Тақдир сени бахш этса тақдор,
Кетиб бўлсан энди мендан, ёр!
Ҳижрон ақлим нишитди чупон.
Энди сени қўлдан қўймасман.
Оҳ, минг бора фидо этиб жон,
Севиб, ўпиб, асло тўймасман!
Тезроқ келгил, суюк жоношим!
Соғинганинг ҳақиға эҳсон-
Этажакман сенга бу жоним!

Ҳамма бу қўшиқни эшитиб Филоменанинг қалбини қандайдир янги ва бу сафар хушбахт севги туйғуси қамраб олибди, деган фикрга келди, қўшиқнинг мазмунидан, унинг ўз севгилисининг висолига етиш билан чекланиб қолмаганлиги аён бўлиб турардики, ҳамма, Филомена ғоятда нодир бахтга мушарраф бўлибди, деб хулоса чиқарди, баъзиларнинг эса, унга ҳаваси ҳам келди. Лекин бу пайт малика, эртага жума эканлигини эслаб, барчага назокат билан шундай деди:

— Шарифа хонимлар ва навжувон йиғитлар, ўзингизга аёнким, эртага биз Исо алайҳиссаломнинг чеккан изтиробларини хотирлаймиз, албатта, унутмаган бўлсангиз керак, Нейфила қиролчи бўлганида, биз бу кунни тақводор одамларга хос тарзда ўтказган эдик ва киноявий ҳикоялар сўзлашни ман қилган эдик, шанба кунига ўтганда ҳам ўзимизни айнан шундай тутган эдик. Шунга кўра, мен Нейфила кўрсатган хайрли ишдан ибрат олишни ихтиёр қилдим ва бинобарин, ушбу кунларда бизларнинг руҳларимизни халос этиш борасида нелар қилинганини ёдлаб, худди ўтган сафардагидек, ажиб ҳикояларимизни эртага ва индинга айтмасликни маъқул кўраман.

Қиролчанинг ушбу жўяли мулоҳазаси барчага маъбул бўлди. Тун ярим кечадан оққанда эса, малика бутун жамоага жавоб берди ва ҳамма ухлагани кириб кетди.



ДЕКАМЕРОННИНГ
ЕТТИНЧИ КУНИ ТУГАБ,
САККИЗИНЧИ КУНИ
БОШЛАНМОҚДА.

*Лауретта ҳокималик қилган ушбу кунда китобхон
эътиборига аёлларнинг эркакларга, эркакларнинг
аёлларга ва эркакларнинг эркакларга кун-уззукун
қандай найранглар кўрсатиши ҳақидаги ҳикоятлар
ҳавола қилинади.*



Якшанба куни эрталаб, бош кўтариб чиқаётган қуёшнинг шуълалари осмонўпар тоғларнинг чўққиларини ёритиб, водийдан тунлардаси кўтарилган ва бутун борлиқ аниқ кўрина бошлаган бир пайтда малика ва унинг барча муқарраблари ўринларидан туришиб, шабнам инган майсазорда сайр қила бошлашди ва соат етти яримга борганда, эрталабки ибодатга қатнашмоқ учун шу ерга яқин бўлган мўжазгина черковга йўл олишди. Ибодатдан қайтишгач, овқатлангани ўтирдилар, овқат хушчақчақлик ва хушҳоллик билан ўтди, кейин қўшиқ айтиб, рақсга тушдилар, ундан кейин эса, қиролича, хоҳлаган кишилар учун бориб ҳордиқ чиқаришга ижозат берди. Кун қиёмдан оққанда эса, ҳамма маликанинг фармонига кўра, одатдаги мусоҳабани бошлаш учун чиройли фаввора ёнига тўпланди, шунда Нейфила маликанинг хоҳишини бажо айлаб, ҳикоя қилишга киришди.

Вольфард ўз дўсти Гаспарруолодан пул қарз олади; аммо бундан олдин у Гаспарруолонинг хотини билан тил бириктириб, айнан шунча пул эвазига бир кечани у билан ўтказишга келишиб олади; у пулни хотинга беради, кейин эса, унинг олдида зрига, сендан олган қарзимни хотинингга берганман, деб айтади, хотин ноилож буни тасдиқлайди

— Баски, бугун биринчи бўлиб менинг ҳикоя қилишим худонинг хоҳиши экан, майли, шундай бўла қолсин. Аёлларнинг эркакларга кўрсатган қилиқларни ҳақида биз кўп гапирганмиз. Шунга кўра мен, муҳтарама хонимлар, сизларга эркакнинг аёлга кўрсатган қилиғи ҳақида сўзлаб бермоқчиман, илло, бу билан мен эркакни бу қилиғи учун айбламоқчи эмасман ва айни пайтда, аёлни жазога лойиқ эмас, деб ҳам айтмоқчи эмасман, — билъакс: менинг ниятим — эркакни оқлаб, аёлни қоралашдан, шу билан бирга, эркаклар ҳам ўзларининг фирибларига лаққа ишонган аёлларга бинойидай найранг кўрсатишлари мумкинлигини ва бу борада улар ўзларини лақиллатган аёллардан асло қолншмасликларини исботлашдан иборатдир. Гапнинг сираси шунки, мен баён қилмоқчи бўлган нарсани найранг деб эмас, балки қилмишига яраша жазо деб аташ маъқулроқ бўларди, зеро, аёл киши эркак зотига нисбатан маъсумароқ бўлмоғи, номусини мисоли ўз ҳаётидек пок сақламоғи ва унга тажовуз қилмоққа уринган ҳар қандай ҳамлага зарба бермоғи лозимдир. Лекин биз аёллар кўнгли бўш хилқатлардирмиз, ўзимизни шарму ҳаё талаб этган мавқеда тутишга ожизлик қиламиз; лекин шунга қарамай, мен қатъий таъкидлаб айтаманки, пулга учиб зино қилган аёл гулҳанда ёндирилмоғи лозимдир, аммо қудрати сиз билан бизга аён бўлган муҳаббат туфайли гуноҳга ботган аёл, унчалик қаттиққўл бўлмаган судьянинг марҳаматига сазовор бўладиким, бундан бир неча кун муқаддам Филострато бу фикримни пратолик донна Филиппа тимсолида исботлаб берган эди.¹

Алқисса, бир вақтлар Миланда Вольфард исмли бир немис яшарди: у ёлланган солдат бўлиб, довюрак ва аксарият немислардан фарқ ўлароқ, ўзини ёллаган одамга эътиқод ва садоқат билан

¹ VI куннинг 7-ҳикоясига қаранг.

кизмат қилувчи одам эди. Вольфард агар бировдан қарз олса, доим ўз вақтида ва ҳалоллик билан қайтарарди, шу боисдан ҳар қандай савдогар ҳам унга бажону дил қарз берар, бергандаям, унисийлаб, камроқ процентга берарди. Миланда Вольфарднинг Амброжа исмли гўзал бир аёлга ишқи тушиб қолдики, у аёл Вольфарднинг кадрдон ошнаси Гаспарруоло Кагастраччо деган бадавлат савдогарнинг хотини эди. Вольфард хонимга бўлган ишқий туйғусини ниҳоятда эҳтиёткорлик билан намоён қилганидан, ҳеч бир кимса, шу жумладан, хонимнинг эри ҳам ҳеч нима сезмасди; ахири бир кун келиб, Вольфарднинг сабри чидамади-да, ўртага одам қўйиб унга бундай деди: «Хонимга бориб айт, унинг ишқида юракбарим ўртаниб кетди, ўз навбатида мен ҳам хоним нимаики ихтиёр этса, барча истакларини сўзсиз бажаришга тайёрдирман». Вольфард билан Амброжа шу зайлдаги ҳуда-беҳуда гаплар билан вақт ўтқазиб юришди ва ниҳоят кунлардан бир кун Амброжа: майли мен Вольфарднинг истагини қондиришга розиман, аммо у ҳам менинг икки шартини бажариши керак: биринчидан, у орамизда бўлган ишни сир сақлаб, зинҳор бировга айтмаслиги керак; иккинчидан, бир нозик иш учун менга икки юз флорин олтин пул керак, Вольфард бадавлат одам,—агар шу икки юз флоринни берса, эвазига, кейин доим унинг хизматида бўлардим, деб маълум қилди. Вольфард шу чоққача Амброжани диёнатли аёл деб ҳисоблаб келарди, мана энди унинг шунчалик тамагир, шунчалик нокас эканлигини кўрди-ю, қалбидаги муҳаббат алангаси дабдурустдан нафратга айланди, оқибат, бу аёлни у бир майна қилмоқчи бўлди-да, одам юбориб, унга, Вольфард сизнинг кўйингизда қўлидан келадиган ҳар қандай ишга ҳам тайёр,—фақат унинг қачон ҳузурингизга келишини айтсангиз бўлди экан, ўша кунидек у сиз учун зарур бўлган миқдордаги пулни қўлингизга тутқазар экан, бунини фақат Вольфарднинг ишончли бир ошнасидан бўлак ҳеч ким билмайди, деб айтишни буюрди. Хоним, аниқроқ қилиб айтганда — нобакор хотин, бу гапдан суюниб кетди ва эри Гаспарруоло бир неча кундан кейин иш билан Генуяга жўнаб кетаганини — ана ўшанда, ўзи хабар қилиб, унга одам юбораганини Вольфардга бориб тайинлашни буюрди.

Шундан кейин, Вольфард қулай пайт пойлаб туриб, бир кун Гаспарруолонинг олдига борди ва унга: «Бир нозик иш учун менга икки юз олтин флорин керак бўлиб қолди. Ҳар сафар оладиган процентинг билан менга шу пулни қарз бериб турсанг», — деди. Гаспарруоло бажонудил бунга рози бўлиб, шу ернинг ўзидаёқ пулни унга санаб берди.

Яна бир неча кундан кейин, Амброжа айтганидек, Гаспарруоло Генуяга жўнаб кетди, Амброжа бундан Вольфардни огоҳ қилди; у Вольфардни ўз уйига таклиф қиларкан, ўзи билан бирга икки юз флоринни ҳам олиб келишни илтимос қилди. Вольфард ённга ошнасини олиб, йўлига кўз тикиб ўтирган Амброжа ҳузуринга борди ва биринчи навбатда, ўз дўстининг шоҳидлигида аёл қўлига икки юз флоринни тутқазди-да: «Мана сизга пул, хоним, эрингиз қайтиб келганида унга бериб қўярсиз», — деди.

Амброжа пулни олди: лекин Вольфарднинг нега бундай деганига тушунмади; ҳа, деб ўйлади у менга ҳақ тўлаётганини дўстига сездирмаслик учун шундай деган бўлса керак. «Яхши, бериб қўяман,— деди у шундан кейин, — лекин олдин ичкари кириб санаб кўришим керак». У пулни стол устига тўкиб, санаб чиқди ва унинг нақд икки юз флорин эканлигига иқрор бўлгач, бундан беҳад хурсанд бўлиб кетдию дарҳол пулни яшириб қўйди. Кейин Вольфарднинг олдига қайтиб чиқди-да, уни ўз хонасига етаклаб олиб кириб кетди. Амброжа нафақат ўша куни, балки ундан кейин, то эрининг Генуядан қайтиб келгунига қадар, Вольфарддан олган пули эвазига қайта ва қайта ўз тани билан ҳисоб-китоб қила бошлади.

Гаспарруолонинг Генуядан қайтиб келганига хиёл вақт бўлар-бўлмас, Вольфард эр-хотинининг уйдалик пайтини пойлаб, дарров уларнинг олдига борди ва Гаспарруолога хотинининг олдида шундай деди: «Биласанми, Гаспарруоло, менга қарз берганинг икки юз флорин керак бўлмади—ўша пул билан амалга оширмакчи бўлганим нозик иш пулсиз пишиб қўя қолди. Шунинг учун ўша кунлардаёқ пулингни хотинингга қайтариб берган эдим. Шунинг учун орамизда тузилган шартномани йўқ қилиб ташлашингни сўрайман».

Гаспарруоло, пулни олганиднинг, деб хотинидан сўради. Хотин, пулни Вольфарддан гувоҳ олдида олганини эслаб, никор этишдан наф йўқлигини тушунди. «Ҳа, ҳа, бўлмасам-чи, олганим, — дея таъкидлади у, — фақат бунинг сенга айтиш эсимдан чиқибди».

«Бўпти бўлмасам, Вольфард, — деди Гаспарруоло. — Худо ёр бўлсин—орамиз очик».

Вольфард чиқиб кетгандан кейин, фириб еган хотин, разиллик қилиб топган иснод келтирувчи мукофот пулни эрига қайтариб берди. Доно ўйнаш ўзининг нокас маъшуқасидан шу тарзда белул фойдаланган экан.

2

Верлунголик руҳоний ота монна Бельколоре билан вақтихушлик қиладичи сўнг эвазига гаров тариқасида ўзининг кифтпўшини қолдиради; орадан бир оз вақт ўтгач, руҳоний ота хонимдан ҳовончасини бериб туришчи сўрайди, кейин ҳовончами қайтариб, гаровга қолдирган кифтпўшини талаб қилади; муҳтарама аёл қарғаб-қарғаб бўлса ҳам ноилож кифтпўшини қайтариб беради

Эркаклар ҳам, аёллар ҳам Вольфарднинг миланлик тамагир хотинга кўрсатган найрагини маъқулладилар, ундан кейин, малика Панфилога табассум билан ўгирилиб, энди навбат уники эканлигини баён қилди, Панфило ҳам шундай ҳикоя қила бошлади:

— Дилкаш хонимлар! Сизларнинг эътиборингизга, бизнинг ўч олишга ожизлигимизни билиб, ҳар қадамда номимизга иснод келтирувчи шахсларнинг кирдикорини фош қилиб ташловчи кичик бир ҳикоя ҳавола қилмоқчиман; яъни мен аёлларимизга салб юриши бошлаган дин пешволарининг кирдикорларини назарда тутяп-

ман, — чунки улардан қайси бири қачон бўлмасин, биронта эрли хотинни тасарруф қила олган бўлса, бу «жасорати»ни гўё Искандариядан Авиньонга нақ султоннинг ўзини кишанбанд қилиб олиб келган билан баробар савоби азим деб ўйлаб, шу туфайли барча қилган гуноҳлари ювилгандай ва худонинг газабидан фориг бўлгандай ҳис қила бошлайди ўзини; ҳолбуки, камбағал фуқаро, айнан шу қабилда улардан қасд олиш имконига эга бўлмагани учун ўз аламини бу дилозор хотинбозларнинг оналари, опа-сингиллари, дугоналари, қизларидан оладилар, олганда ҳам дилозорлар уларнинг хотинларини қандай шиддат билан йўлдан оздирган бўлсалар, улар ҳам уларнинг аёлларини худди шундай ҳамла билан маҳв этадилар. Хулласи калом, мен сизларга ўзи қисқагина бўлса ҳам, лекин ниҳояси ичакни узгудек кулгили бўлган, қишлоқ ҳаётидан олинган бир ишқий можарони сўзлаб бермоқчиман, — бу ҳикоядан яна, руҳоний оталарга ҳамма вақт ва ҳар ишда ҳам ишонавериб хатога олиб боради, деган хулоса аён бўлади сизларга.

Алқисса, сизга маълум бўлсинки, Верлунго қишлоғида (унинг бу ердан узоқ эмаслигини ўзингиз ҳам биласиз, билмасангиз, эшитган бўлишингиз керак) бир руҳоний ота бўлиб, у хотинларнинг кўнглини овлаш бобида чарчаш нималигини билмайдиган абжир одам эди, гарчи у хат-савод бобида ҳеч вақода бўлмаса ҳам, лекин шунга қарамай, якшабба кунлари зирк дарахти тағига ўтириб олиб, ўз қавмларига ваъзхонлик қилишни ва ўз нутқини пурдиёнат ва ибрат бўладиган иборалар билан безашни одат қилган эдиким, қавмлар иш билан бироқ ёққа жўнаб кетган чоғларида уларнинг хотинлари олдига ўзидан олдин ўтган руҳоний оталардан кўра ҳам тез-тез қатнаб туриши учун унинг бу тақводорлиги асло ҳалал бермасди; хотинлар ҳузурига у биронта хайрли вайж билан ташриф буюрарди, албатта: бирига Исонинг тасвири чизилган икона, бошқасига — дуо теккан шам қолдиги, учинчисига оби муборак олиб борар, тўртинчисиникига эса, дуо қилиш баҳонаси билан борарди. Аёл қавмлар орасида монна Бельколоре исмли жувон кўпроқ унинг жигаридан урган эди; бу жувон Бентивенья дель Маццо деган ғаллакор деҳқоннинг хотини бўлиб, ўзи жуда кетворган, бугдойранг, тароватли, айни дам бериш учун мослангандай, бадаини тирсиллаб турган деҳқон аёл эди. Бундан ташқари, у чангини ҳаммадан яхши чалар, *Сув оқади жар ёққа* қўшиғини куйлаб, кўлида қимматбаҳо чиройли рўмолини ҳилпиратиб ридда ва боллонкио рақсига тушарди. Руҳоний ота унинг ишқидея девона бўлиб қолаёзди ва энди муттасил аёлнинг кўзига тушишга ҳаракат қила бошладди. Якшабба кунлари эрталаб, ибодат пайтида, агар у аёлнинг черковда эканлигини билиб қолса *Kyrie*¹ ёки *Sanctus*² дуосини ўқий бошлаганида, ўзининг баркамол хонандалик маҳоратини намойиш қила бошлардики, эшитган одам эшақ ҳашграяпти, деб ўйлаши мумкин эди; борди-ю, аёлни черковда кўрмаса, унда бунчалик терлаб-пишмасди. Айни пайтда, унинг бу хатти-ҳаракатла-

¹ Э худо, шафқат қил (*Лот*).

² Фориг бўлсин... (*Лот*).

рини на монна Бельколоренинг эри ва на қишлоқнинг қолган фуқароси сезарди. Руҳоний ота монна Бельколорени ўзига мойил қилиш учун вақт-вақти билан унга бирон нима тортиқ қиларди: гоҳ ўз томорқасида ўзи экиб ўстирган саримсоқдан бир боғгинасини юборар,— шуни ҳам айтиш керакки, бутун қишлоқда унинг саримсоғига етадиган саримсоқ йўқ эди,—гоҳ саватчада ловия юборар, баъзи пайтларда бўлса, бир боғ пиёз ёки маринадбоп барра пиёз юборарди. У аёл билан тўқнаш келиб қолганида, агар уларни ҳеч ким кўрмаётган бўлса, унинг авратига ўғринча кўз ташлар ённки эркаловчи сўзлар билан қойиб қўярди, лекин монна Бельколоре ундан ётсирар гуё ҳеч нарса сезмаётгандек бўлиб руҳоний ота ёнидан виқор билан ўтиб кетарди, у эса, икки қўлини бурнига тикиб қолаверарди.

Мана, кунлардан бир кун, туш пайтида ҳазрат қишлоқ бўйлаб сандироқлаб юрганида, устига ҳар хил нарсалар ортилган бир эшакни ҳайдаб келаётган Бентивенья дель Маццога тўқнаш келди; салом-аликдан сўнг руҳоний ота ундан қаёққа кетяпсан, бўтам, деб сўради.

Бентивенья унга жавобан бундай деди: «Гапнинг сирасини айтганда, тақсир, мен ўз ишим юзасидан шаҳарга жўнаб кетяпман, мана буларнинг ҳаммасини, шояд бир поэтик ишимда мени қўллаб юборса деб — мессер Бонакорри да Жинестретога олиб кетяпман, бинойи ишларни кўрувчи судья ўзининг иш юритувчи саркотиби орқали мени шошилиш равишда чақиртирибди».

Руҳоний ота ич-ичидан суюниб кетди. «Ажаб, бўтам, мен сени дуо қилиб турармен!—деди у.—Тезроқ қайтиб кел, бордию у ерда Лапуччини ёки Нальдиниони кўриб қолсанг, уларга айтгинки, менга Бугдой янчадиган тўқмоқ учун тасма юборишсин».

Бентивенья, ҳўп бўлади, тақсир, деб Флоренцияга қараб ўз йўлида кставеради, руҳоний ота эса, ҳозир Бельколоренинг олдига кириб айни бахтимни синаб кўрадиган пайт, деб ўйлади. Шундай деди-ю, бир зумда аёлнинг уйига етиб борди ва ҳовлига кириб келаркан: «Ё тангри таолонинг эъозли фарзанди Исо алайҳиссалом, ўзинг шафқат қил! Уйда ким бор?—деди.

Бельколоре бу пайт чордоқда эди. «Вой, сизмисиз, падали бузрук!—деди у руҳоний отанинг овозини эшитиб.—Қадамларига ҳасанот. Шундоқ жазирамада нима қилиб тентираб юрибсиз?»

«Ҳа, йўқ, бўтам, тентираб юрганам йўқ!—деб жавоб қилди руҳоний ота.—Мен фақат сенинг олдинга бир зумгина кириб чиққани келдим: эринг шаҳарга кетаётган экану — ҳозир йўлда учратдим».

Бельколоре чордоқдан тушди-да, ўтириб олиб, яқинда эри йиғиб келган карам уруғини саралай бошлади. «Хўш, нима дейсан, Бельколоре, — деб яна гап бошлади руҳоний ота,—токайгача мени қийнайсан?»

«Вой, нима қилиб қийнабман сизни?»—деб сўради Бельколоре жилмайиб.

«Сен ўзинг ҳам ҳеч нима қилмаяпсан, менга ҳам кўнглимдаги ишни, яъни худо буюрган ишни қилишимга йўл қўймаяпсан»,—дея жавоб қилди руҳоний ота.

«Вой, қўйсангиз-чи, бунақа гапларни!—деди Бельколоре.—Рухонийлар ҳам шунақа иш қилишарканми?»

«Ие, ҳали билмас экансан—бошқа эркаклардан яхшироқ қилишади,—деб жавоб қайтарди рухоний ота.—Бўлмасам-чи. Мен сенга айтсам: бизлар жўякни бошқа эркакларга қараганда қондирibroқ сугорамиз. Сабабини биласанми? Негаки, бизнинг новларимизда сув сероб. Хулласи калом, агар сен қаршилиқ кўрсатмасдан менга тўла эркинлик берсанг, фойдадан бошқа нарса бўлмайди сенга».

«Мен нима фойда кўрадим, ҳамманглар ўлгудек қурумсоқ бўлсанглар?»—деди Бельколоре.

Рухоний ота эса, аёлга бундай деди: «Сенга нима кераклигини мен билмасам, майли, кўнглинг тилаган нарсани сўра: бошмоқ керакми, лентами, яхши шоҳи белбоғми—нима истайсан, тортинмай айтавер».

«Вой ордона! Уша айтганларингизнинг ҳаммаси ўзимда бор,—деди Бельколоре.—Лекин агар сиз мени ростакамига яхши кўрсангиз, менга бир яхшилиқ қилинг—ана ўшанда истагингизни қондираман».

«Хўш, ўша қандай яхшилиқ экан? Сен учун мен ҳамма нарсага тайёрман»,—деди рухоний ота.

Шундан кейин Бельколоре кўнглидаги гапни шартта айтиб қўя қолди: «Мен, деди, шанба куни Флоренцияга бориб келишим керак—жуи йигирганман—шуни топшираман, кейин яна чархимниям тузатгани боришим керак. Хуллас, агар сиз менга беш лира қарз берсангиз,—ёнингизда беш лира топилса керак, албатта,—судхўрга гаровга қўйган тўқ қизил кўйлагим билан белбоғимни қайта сотиб олардим; у белбоғ менинг сепим эди, донм байрамларда боғлаб чиқардим, ҳозир бўлса, ўша белбоғсиз черковга борганиям, биронта бадавлат хонадонга меҳмондорчиликка борганиям хи-жолат бўляпман. Шу пулни берсангиз, сизни роса мириқтираман».

«Худо шоҳид, киссамда унақа пул йўқ,—деди рухоний ота,—лекин сен хотиржам бўлавер: шанба кунигача қўлингда бўлади ўша пул—буни сен учун жон-жон деб бажо келтирурман».

«Э, бу осмондаги гап!—деди Бельколоре.—Ваъда беришга келганда ҳаммангизлар устасизлар, лекин ҳеч сўзингизнинг устидан чиқмайсизлар. Сиз мени ҳам худди Бильюццага ўхшатиб аҳмоқ қилмоқчига ўхшайсиз-а, чамамда? Мени лақиллатиб бўпсиз, худо шоҳид—Бильюцца ўша воқеадан кейин бузилиб кетди. Ёнингизда пулингиз бўлмаса—бориб олиб келинг».

«Йўқ, шу пайтда энди мени уйингдан ҳайдама, уйда ўзинг ёлғиз экансан, ҳозир айни мавриди,—деб ёлворди рухоний ота,—ахир ишим бекор турибди, то пулга бориб келгунимча—қарабсанки, битта-яримта кириб қолиб ишимизга ҳалал бериши мумкин. Яна қачон шунақа қулай пайт nasib этаркин менга, худо билди!»

Аёл бўлса унга: «Ихтиёрингиз, деди. Хоҳласангиз бориб келинг, бўлмаса, сабр қилинг».

Рухоний ота, бу хотиннинг фақат *salvum mefac*¹ шарти билан унинг ҳирсини қондиришга рози эканлигини кўриб, ҳолбуки, ҳазрат аёлдан *sine custodia*² лаззатланишни кўзлаган эди) шундай деди: «Майли, агар сўзимга ишонмас экансан, пул олиб келиб бераман, унгача сенга ўзимнинг манави ҳаворанг елкапўшнинг қолдираман».

Бельколоре бошини кўтариб қаради. «Мана шу елкапўшни айт-яписми?— деб сўради у.— Неча пул туради ўзи?»

«Неча пул туради?—деб гапир кетди руҳоний ота.—Мен сенга айтсам, бу Дуэ мовутидан тикилган, жуда пишиқ мато, йўқ, аниқроғи, икки карра ёки уч карра пишиқроқ мато бу, ўша ерли одамлар буни ҳатто тўрт карра пишиқ деб инотиришяпти. Бундан икки ҳафта бурун мен бу елкапўш учун эскифуруш Лоттога нақ етти лира тўладим, шундаям беш сольдо арзон тўлабман—буни Бульетто д'Альберто айтди менга, ўзинг биласан, у одам кўк мовутнинг пири ҳисобланади».

«Вой, шунақа денг!—деб юборди Бельколоре.—Вой худоё тавба, ҳечам ишонмаган бўлардим. Ҳа, майли, бўлмаса, ҳозир беринг».

Ҳазратим отмоқчи бўлган камалакнинг ипи тарафга тортилган эди, у елкапўшини шартта ечиб, Бельколорега тутқазди. «Юринг, ҳазратим, хув анави ҳужрага кира қолайлик,— деди Бельколоре елкапўшни ўраб олиб,—у ерга ҳеч ким ҳеч қачон кирмайди».

Шундай қилиб, иш ҳам пишди-қўйди. Бу кулбада руҳоний ота Бельколоре билан узоқ вақт кўнгил очиб ётди: уни тўйиб-тўйиб ўпди, парвардигорга қариндош қилиб қўйди, кейин бу аёлнинг олдидан елкапўшсиз, худди таптанали маросим пайтидагина кийиб юриш мумкин бўлган авра тўннинг ўзида черков томон равона бўлди.

Шундан кейин ҳазрат, агар бир йил мобайнида тўнлаган жамин шам қолдиқларини пуллаганида ҳам икки ярим лира ололмаслигини ҳисоблаб чиқиб, ютқазибман-ку, деб ўйлади-да елкапўшига кўнгли ачиб, энди қандай қилсам бир чақа ҳам сарфламай, уни қайта тортиб оларканман, деб бош қотира бошлади. У юлдузни бенарвон урадиган доғули одам эди, шунинг учун елкапўшни қандай қилиб қайтариб олиш йўлини кўнглидан ўтказиб қўйди ва бу иш юзасидан жуда антиқа режа тузди. Эртаси куннёқ,—бу байрам кун эди, у қўшнинг боласини монна Бельколореникига юбориб, бугун уйимга Бингуччо дель Пожо билан Нуро Бульетилар меҳмон бўлиб келишмоқчи, шуларга қайла пиширмоқчидим, деб баҳона қилиб, хонимнинг тош ҳовончасини сўраттирди. Бельколоре болага ҳовончани бериб юборди. Кейин руҳоний ота Бентивенья дель Маццонинг ўз хотини Бельколоре билан овқатланиб ўтирадиган пайтини пойлаб туриб, черковда хизмат қилувчи дастёр болани чақирди-да, унга шундай деди: «Мана бу ҳовончани Бельколорега олиб бориб бергин-да, ҳазратим раҳмат деб юбордилар, қўшни бола гаровга қолдириб кетган елкапўшни қайтиб берармишсиз, дейсан»,—деб гап уқтирди. Дастёр бола ҳовонча кўтариб Белько-

¹ Гарантия олиш. (Лот.)

² Гарантиясиз ва гаровга ҳеч нима қолдирмай. (Лот.)

лореникига кириб борганида у эри билан овқатланиб ўтирган эди. Дастёр бола ҳовончани қўйиб, руҳоний ота ўргатган гапларни айтди.

Бельколоре елкапўшни сўраб келишганини эшитиб, эътироз билдиришга киришган эди, лекин шу пайт эри жаҳл билан унинг сўзини бўлди: «Ҳали сен ҳазратимдан гаров учу мол олиб қоладиган бўлдингми?— деб дағдага қилди,— ҳозир бир тумшугингга туширсам билардинг! Дарров қайтариб бер елкапўшни, шол бўлгур! Бундан кейин билиб қўй: руҳоний ота нимаики сўратмасин, ҳаттоки эшагимизни сўраса ҳам,— ҳеч қачон ҳеч нимага унинг сўзини иккита қилмайсан».

Бельколоре тўнғиллаганча сандиғи олдига борди, ундан елкапўшни олиб, дастёр болага тутқазди: «Руҳоний отага айтиб қўй,— деди у.— Бельколоре онт ичиб гапирдики, дегин, баски, ишингизни битириб олиб, кўрсатган миннатдорчилигингиз шу экан, иккинчи унинг ҳовончасидан умид қилмас экансиз»,— дегин.

Дастёр бола елкапўшни руҳоний отага элтиб бериб, унга Бельколоренинг айтганларини сўзлаб берди. Руҳоний ота кулиб қўйиб деди: «Сен Бельколорени кўрганганда унга айтгинки, агар ҳовончангизни бермасангиз, ҳазратим ҳам сизга дастасини бермасмишлар, де,— зеро арпа эксанг, арпа олурсан, буғдой эксанг буғдой, деганлар».

Бентивенья хотини айтган гапнинг маънисига эътибор бермади, чунки у, Белколорени койиб берганим учун жаҳл устида шундай деб юборди, деган фикрга келган эди, илло, шохи синган Бельколоре то узум пишиғигача руҳоний ота билан аразлашиб, у билан гаплашмай юрди, лекин узум узиш пайтида руҳоний ота, нақ иблисининг домига рўбарў қилгум, деб пўписа қилган эди, Белколоренинг ўтакаси ёрилиб кетди, шундан кейин ҳазрат уни янги солиingan май ва қайноққина каштан ёнғоғи билан меҳмон қилди, шундан кейин улар мазахўракка ўрганишиб, такрор-такрор бир-бирларининг вақтини хушлашиб юришди. Руҳоний ота эса, ўша беш лира қарзи эвазига Бельколоренинг чангига янги тери қоплатиб, яна қўнғироқча ҳам осиб қўйишни буюрибдиким, оқибатда, монна Бельколоре ҳамма бўлиб ўтган ишларга рози бўлган экан.

3

Каландрино, Бруно ва Буффальмакко Муньоне дарёси бўйида гелиотропий тошини қидирадилар; Каландрино, ўша тошни топдим, деб ўйлаб қўйинини ҳар хил тошларга тўлғизганча, уйига қайтади; хотини уни кўриб, жабрай бошлайди; газаби қайнаган Каландрино аламдан хотинини роса дўппослайди, кейин эса, ҳамма нарсадан шундоқ ҳам воқиф бўлган дўстларига бўлган воқеани бирма-бир сўзлаб беради

Панфило ҳикоясини тугатган заҳоти (хонимлар бу ҳикоядан шунақанги қотиб-қотиб кулишдики,— чамада, ҳанузгача кулишаётган бўлса керак), малика Элиссага, эди давбат сеники, деб айтди шунда Элисса, ҳали кулгидан тўхтамаган бўлса ҳам ҳикояни шундай бошлади:

— Мафтункор хонимлар, гарчи мен сўзламоқчи бўлган ҳикоя ҳам ҳаққоний, ҳам қизиқарли бўлса-да, уни эшитганингизда, Пан-филонинг ҳикоясидан кулганингизчалик куласиз, деб кафолат бера олмайману, аммо шунга уриниб кўраман.

Турли-туман расм-таомилларга бой бўлган бизнинг шаҳримизда ҳар хил тентаксифат одамлар кўп бўлган, шу яқин вақт ичида у ерда Каландрино исмли, ўзи хийла калтафаҳм ва аломат табиатли бир сураткаш яшаганди, у вақтининг кўп қисмини бошқа икки сураткаш билан ўтказар эдики, улардан бирининг исми — Бруно, иккинчисиники эса—Буффальмакко эди; бу йигитлар жуда ҳазилкаш бўлишса ҳам, аслида анча фаросатли ва заковатли кишилар эди, Каландрино билан дўст тутинганларининг боиси эса, у ўзининг қилиқлари, шунингдек, тентакликлари билан уларни муттасил кулдиргани кулдирган эди. Уша пайтда Флоренцияда Мазо дель Сажо исмли турли-туман ҳазил-мутойибанинг уяси, гапга чечан, эсли-хушли бир йигит яшарди, мана шу йигит, Каландринонинг овсарсифат одамлигидан хабар топиб, эрмак учун унинг устидан бир мириқиб кулмоқчи ёки уни калака қилмоқчи бўлди. Қунлардан бир кун Мазо Каландринони Сан Жованни черковида кўриб қолди,— у меҳроб устидаги бостирмага бундан хиёли олдин ўрнатилган тасвирий ва ўймакорлик санъати намуналарини кўздан кечираётган эди; Мазо ўз ниятини амалга ошириш учун айни қулай пайт келганини тушуниб, ўз режасини ўртоғига сўзлаб берди, шундан кейин икковлари, Каландрино ёлғиз ўзи ўтирган ерга яқин боришиб ва ўзларини уни кўрмаганга солишиб, қимматбаҳо тошларнинг мўъжизакор хосиятлари ҳақида суҳбат қила бошладилар, бундан ташқари, Мазо у тошлар тўғрисида мутлақо шубҳага ўрин қолдирмай, дадил гапирардики, уни тошларнинг хосиятини пухта ўрганган ҳассос экан, дейиш мумкин эди. Каландрино ўтирган ерида бу суҳбатга қулоқ сола бошлади, кейин, йигитларнинг сир сақламаслигига ишонч ҳосил қилиб, бир оз фурсатдан кейин ўрнидан турди-да, ҳамсуҳбатлар олдига яқинлашди ва бу билан ҳамон гапиришда давом этаётган Мазони ич-ичидан хурсанд қилиб юборди, у келиб, ўша ажойиб тошлар қаерларда бўлади, деб сўради. Мазо унга жавоб бериб, бундай тошлар басклар элида Сут дарёсининг соҳилида, ток новдаларини пояга сосискалар билан боғлайдиган, сариқ чақага бутун бошли ғоз, яна сийловига ғоз жўжасини берадиган Аврористон юртида бўлади, ўша ерда қирғичдан ўтказилган пишлоқдан тоғ қад кўтарган, у тоғда истиқомат қилувчи одамлар эртаю кеч нуқул макарону равьоли¹ пишириш билан машғул бўладилар, улар ўша макарону равьолиларни ахта хўрознинг сардагида пишириб, дастга улоқтирадилар — ким кўпроқ илиб олса, ўшанга кўпроқ тегади,— ўша ерга яқин жойда яна Верначчи булоғи қайнаб ётади — унақа хуштаъм шаробни бутун дунёни ахтариб ҳам топиб бўлмайди, унга бир томчи ҳам сув аралашмаган, деб айтди.

«Қандай фаровон ўлка экан!—деди Каландрино.—Менга мар-

¹ Равьоли — тўрт бурчакли гўшт сомса,—итальянларнинг миллий таоми.

ҳамат қилиб айт-чи, ахта хўрозларни илиб олганлар гўштини нима қилишади?»

«Ҳаммасини басқлар ейишади»,—деб жавоб қилди Мазо.

«Ўзинг ўша ерда бўлганмисан?»—дея суриштирди Каландрино.

«Бўлгансанми, дегин?»—деб қайта сўради Мазо.—Минг марта, агар мингини олиб ташланса».

«Ўша ер узоқми?»—деб сўради Каландрино.

«Шунча, шунчани ярмича, яна чорагича юриш керак,—шунақа узоқ!»—деб жавоб берди Мазо.

«Бундан чиқди, Амбруццаданам узоқ экан»,—деб хулоса чиқарди Каландрино.

«Ҳа, узоқ — бу ердан кўринмайди»,—деб тасдиқлади Мазо.

Мазонинг ҳамма саволларга вазмишлик билан жиддий оҳангда жавоб қайтараётганини кўрган лақма Каландрино унинг уйдирмаларини худди чин ҳақиқатдек билиб, ҳаммасига лаққа ишонди. «Менга узоқлик қиларкан,—деди у.—Сал яқинроқда бўлганда, албатта сен билан бирга бир бориб келардим, тоғ бошидан қандай қилиб макарон ташлашларини кўрардим, бурнимдан чиққунча тўярдим. Илтимос, менга яна марҳамат қилиб шу парсанни айтсанг: ўша антиқа тошлар бизнинг ёқларда ҳам топиладими?»

Мазо унга жавобан шундай деди: «Ҳа, бизда мўжизакор кучга эга бўлган тошлардан икки хили учрайди. Биринчи—бу Сеттиньяно ва Монтиши гранити, агар шу иккала гранитдан тегирмон тоши тайёрланса, орасидан ун тўкилаверади,—мана шунинг учун ҳам у ёқларда худодан раҳмату Монтишидан — тегирмон тош, дейишади, лекин бизда унақа тегирмон тошлар қалашиб кетганлигида, уларнинг қадрига етмаймиз, у ёқларда бўлса, халқ зумрад тошларини қадрламайди, негаки уларнинг элида зумрад тошлар ҳатто Мореллодан ҳам баланд бўлиб, тоғ-тоғ уйилиб ётибди, бунинг устига кечалари у тошлар шундай ёруғ чиқарадики—тасвирлашга тил ожизлик қилади. Хуллас, тайёр қилинган, олий пав тегирмон тошларини ташишдан олдин унга гардиш кийдиришни тавсия қилдилар, борди-ю, сен шундай тошни шу ҳолича кўтариб, султоннинг саройига олиб борсанг, у сенга миннатдорчилик юзасидан тиллаган тилагингни беради. Иккинчи мўжизакор тошни биз мутахассислар, гелиотропий деб атаيمиз,—унинг хосияти беҳад даражада улуғ; у тош қайси одамда бўлса, у одам қаерга бормасин, ҳамма ерда ҳам ҳеч кимнинг кўзига кўринмайди».

«Мана бу зўр тош экан!»—деб юборди Каландрино.—Хўш, бу тош қаерда учрайди?»

Мазо, Муньоне бўйларида учрайди, деб айтди.

«Қандай катталиқда бўлади у тошлар?»—деб сўради Каландрино.—Кейин, ранг қанақа?»

«Ҳар хил катталиқда бўлади,—дея жавоб қилди Мазо,—катталариям, кичиклариям бўлади, лекин ҳаммаси деярли қора».

Каландрино бу гапларни эслаб олди ва ишим зарур эди, деб баҳона қилиб, Мазо билан хайрлашди-да, шу заҳотнёқ ўша тошни қидириб топишга аҳд қилди, лекин олдин бу ҳақда Бруно билан Буффальмаккони огоҳлантириб қўймоқчи бўлди, зеро, улар Қалан-

дринонинг алоҳида ҳурматиға сазовар одамлар эдилар. У бошқа одамлардан олдинроқ отни қамчилаш мақсадида ўша тошни қидиришға ҳозирнинг ўзида киришмоқчи бўлди-да, дўстларини қидириб кетди, илло, уларни қидиравериш чашшоғча вақти ўтиб кетди Ниҳоят, соат иккилардан ошганида, Каландрино бирдан, дўстларининг Фаэнци кўчасидаги аёллар монастирида ишлаётганини эслаб қолди ва ҳамма ишини ташлаб, кун ёнаётган бўлишиға қарамай, ўша ёққа югурди, бориб уларни бир чеккаға чақириб олди ва бундай деди: «Дўстларим! Агар гапимға ишонсангиз, биз Флоренциянинг энг олди бойларига айланишимиз мумкин. Бир эътиборли зотдан эшитдим: Муньоне бўйида шундайин бир тош учарканки, уни кўтариб юрган одам ҳеч кимнинг кўзига кўринмас экан. Ана ўша тошни бошқалардан олдинроқ бориб қидирасак, яхши бўлар эди-да. Уни топишимиз турган гап—чунки унинг аломатларини биламан, топсак киссаға соламизу физиллаганча саррофларнинг олдиға борамиз, ўзларинг биласан, уларнинг олдида олтину кумушлар уйилиб ётади—бемолол ҳовучлаб-ҳовучлаб олаверасан. Ҳеч ким пайқамайди. Бир зумда бойиб кетамиз, ана ундан кейин, кунузузукун бўёқчилик қилмасак ҳам бўлади».

Дўстлар Каландринонинг гапини эшитиб, мийиқларида кулиб қўйишди ва гўё таажжубға тушгандай, бир-бирларига қараб олишиб, розилик билдиришди: шунга қарамай, Буффальмакко, ўша тошнинг оти нима экан, деб сўради. Каландрино қовоқ бош эди, шунинг учун тошнинг оти унинг бу қулоғидан кириб, аллақачон у қулоғидан чиқиб кетган эди. «Унинг нима деб аталиши барибир эмасми, энг муҳими, биз унинг хусусиятини биламиз-ку?—дея эътироз билдирди у.—Менимча, пайсалға солиб ўтириш керак эмас—кетдик қидиргани».

«Маъқул,—деди Бруно,—унинг кўриниши қапақа ўзи?»

«Ҳар хил,—деб жавоб қилди Каландрино,—лекин ҳамма тошлар дярли сидирғасига қора бўларкан. Келинлар, то ўша тошни топмагунимизча, ҳамма қора тошларни бир чеккадан тераверамиз. Вақтни ўтказмайлик,—кетдик!»

«Йўқ, шошма,—деб Бруно уни тўхтатди ва Буффальмаккоға угирилиб бундай деди:—Менимча, Каландринонинг гапида жон бор, лекин ҳозир тош қидирадиган вақт эмас: қуёш найзада, шуьласи тўппа-тўгри дарёға тушиб турибди, бундан ташқари, ҳамма тошлар офтобда қуриган, шу боисдан, баъзи тошлар оқ бўлиб кўриниши мумкин, аммо эрталаб, ҳали офтоб шабнами қуришиб улгурмасдан, тошлар қора бўлиб кўринади. Бундан ташқари, бугун дарё бўйи гавжум,—ахир бугун ҳамма ишда,—бизни кўришадди-да, нима қилаётганимизни пайқаб қолишадди, кейин худо кўрсатмасин, улар ҳам қидиришға тушиб кетиб, ўша тошни топиб олишлариям мумкин,—биз икки қўлимизни бурнимизға тикқанча қолаверамиз. Менимча, сизлар эътироз билдирмасиз,—деб ўйлайман бу ишни эрталаб қилиш керак—эрталаб оқни қоралдан ажратиш осонроқ бўлади,—бунинг устиға, эртаға якшанба, ҳеч ким кўрмайди бизни». Буффальмакко Брунонинг фикриға, Каландрино эса, Буффальмакконинг фикриға қўшилишди-да, шу билан учовлари

тош қидиргани якшанба куні эрталаб борадиган бўлиши, Каландрино бўлса, тагин бировга айтиб қўйманглар-а, буни менга, ҳеч ким билмасин деган шарт билан айтишган, деб дўстларини қаттиқ оғоҳлантирди. Каландрино тош тўғрисида гапириб бўлгач, Сут дарёси ҳақида ҳам оғзидан гуллаб қўйди, кейин, буларнинг ҳаммаси чин ҳақиқат деб оинт ичди. Каландрино жўнаб кетиши билан икки дўст бундай вазиятда қандай иш гуттиш лозимлиги ҳақида ўзаро келишиб олишди.

Каландрино якшанба тонгини сабрсизлик билан кутарди; мана у тонг палласидан ўрнидан туриб, оғайниларини чақирди ва учовларни биргаликда Сан Галло дарвозасидан чиқиб, Муньоне бўйига тушдилар ва мўжизакор тошни қидириб, оқим бўйлаб кетавердилар. Каландрино, энг ашаддий изловчи сифатида, дўстларидан сал олдинроқда, бир ердан иккинчи ерга чопиб-чопиб ўтиб юрарди: кўзи қора тошга тушди дегунча, таппа ташланарди-да, дарров қўйнига солиб оларди. Ошналари эса, ундан кейинроқда боришаркан, тошларни истар-истамас теришарди; лекин Каландрино хиёл вақт ўтар-ўтмас қўйини тошга тўлдириб бўлди; шунга кўра, у Геннегау бичимидан бошқача қилиб тикилган кийимнинг этагини кўтариб, уни орқасидан ҳам, олдидан ҳам зўр ҳафсала билан камарига қистирди,— натижада унинг белни атрофида кенг қоп пайдо бўлдики, бир оз вақт ичида у бу қопни ҳам тошга лиқ тўлдирди, ана шундан кейин у плашини қопга айлантриб уни ҳам тўлдирди. Тушлик қиладиган пайт бўлиб қолган эди, шунда Каландринонинг юки оғирлашиб кетганини кўрган Бруно, ўзаро олдиндан келишиб олган шартга кўра: «Каландрино қани-я?»—деб сўради Буффальмаккодан.

Каландрино Буффальмаккодан атиги икки қадам нарида турарди, лекин у атрофга кўз ташлаб чиқиб, шундай жавоб қилди: «Ҳайронман. Ҳозиргина олдимизда кетаётувди».

«Кетаётган бўлса, кетиб бўпти,— деди Бруно.— Гаров ўйнайман, у аллақачон уйига етиб олиб, овқатланиб ўтирибди ҳозир, бизни бўлса, Муньоне бўйида аҳмоқ бўлиб қора тошларни териб юраверишин, деб ташлаб кетибди».

«Бошлаб лақиллатиб кетибди бизни,— деди Буффальмакко,— бизлар бўлсак, аҳмоқ бўлиб ишониб юрибмиз! Рост-да, Муньоне бўйида мўжизакор тошлар учрайди, деган гапга лаққа ишонадиган биздақа каллаварамларни яна қаерда учратиш мумкин?»

Икки дўстнинг бу суҳбатини эшитиб турган Каландрино, демак мўжизакор тошни топибман-да, шунинг учунам мени кўришмаяпти, деган хулосага келди. Бундай омаддан севинчи ичига сиғмай кетиб, ошналарига ҳеч сўз айтмасдан уйига жўнамоқчи бўлди ва шу фикр билан орқасига қайта бошлади.

Шунда Буффальмакко Брунога бундай деди: «Биз нима қилиб турибмиз? Нимага энди биз уйимизга кетмаслигимиз керак?»

«Кетдик,— деди Бруно,— азбаройи худо, Каландрино энди мени лақиллатиб бўпти! Агар уни бугун эрталаб бўлганидек яқин ерда учратсам, товонини пойлаб тош билан чунонам урайки, бу ёқимтой ҳазилимининг аламинин ўла-ўлгунча унутмайдиган бўлсин». У шун-

дай деб туриб, қулочкашлаб тош отган эди, тош тўғри бориб Каландринонинг товонига тегди. Каландрино оғриқдан оёғини кўтариб олди, додлаб юборишдан қўрқиб товушсиз ингради, лекин ҳеч нима демай яна йўлида давом этди.

Бу пайт Буффальмакко ўзи терган тошлардан бирини қўлига олди.

«Манави тошнинг чиройлилигини қара! Қанийди, шу тош билан Каландринонинг елкасини мўлжаллаб туриб урсам!»—шундай дея у кучининг борича тошни отган эди, у мўлжалга бориб тегди. Улар шу зайлда, то Саъ Галло дарвозасига бора-боргунча бутун йўл бўйи Каландринонинг орқасидан тош отиб, уни минг оҳангга солиб майна қилиб бордилар. Дарвоза олдига етиб боришгач эса, улар терган тошларни тўкиб юбориб, соқчиларни огоҳлантириб қўйишди—соқчилар эса, ичлари узилгунча хахолашиб, ўзларини Каландринони кўрмаганга солиб турдилар ва шу зайлда уни шаҳарга ўтказиб юбордилар. Каландрино ҳам ҳеч ерда тўхтамасдан, Канто алла Мачина яқинидаги ўз уйига етиб олди, тақдирнинг бу ҳазилга мойиллик кўрсатмаганини қарангки, Каландрино аввал соҳил бўйлаб, кейин шаҳар ичида кетиб бораётганида ҳеч кимса у билан гаплашмади; ундан кейин, ўзи кўчада йўловчилар ҳам кам эди, чунки айни тушлик маҳали эди-да.

Ниҳоят, Каландрино юкни ортмоқлаб уйига кириб келди. Унинг хотини монна Тесса,—кўҳликкина, андишали аёл,—зинанинг пиллапоясида турган эди. Эрининг шунча вақт ҳаяллаб кетганидан аччиғи чиққан хотин, унга кўзи тушиши билан жаврай кетди: «Ҳа, келдингми, тасаддуқ?—деди монна Тесса.—Қай гўрларда юрувдинг? Одамлар аллақачон тушликни қилиб бўлишса-ю, сен бўлсанг энди овқатлангани келсанг!»

Каландрино ўзининг кўринаётганини тушуниб қолиб бирдан фиғон чиқиб кетди. «Вой, ярамас махлуқ-э!—деб чинқирди у.—Сен нима қилиб бу ерда қаққайиб турувдинг? Бутун ишмини расвосини чиқардинг, бадбахт, мана энди мендан кўрасан, бошлаб пўстагингни қоқаман, азбаройн худо!» Шундан кейин у ҳужрага кириб, териб келган тошларни бир ерга тўкди-да, чиқа солиб, хотинига ёпишиб кетди, унинг сочидан тутамлаб ерга ётқизди, то ўзининг қўл-оёғи зирқираб оғримагунча, боққиш хотиннинг дуч келган ерига тепаверди, муштлайверди,—хуллас, хотин қўлларини кўксига чалиштириб, раҳм қилишни қанча илтижо қилмасин, барибир, Каландрино унинг баданида бирон соғ жой қолдирмай аъзойи баданини моматалоқ қилиб юбормагунча, унинг пўстагини қоқаверди, бўралаб сўкаверди.

Буффальмакко билан Бруно эса, шаҳар дарвозаси олдида соқчилар билан роса кулишиб, сўнг яна Каландринонинг орқасидан кета бошладилар. Улар Каландринонинг уйи олдига боришгач, бир оз вақт ичкарига қулоқ солиб туришди, ниҳоят улар уйдан эшитилаётган тўполоннинг маъносига тушунишиб, ўзларини гўё эндигина етиб келгандай кўрсатишиб овозларининг борича бақириб, Каландринони чақира бошлашди. Ғазабдан қизариб кетган, қора терга ботган ва итдек қутурган Каландрино деразадан қаради ва

дўстларини болохонага таклиф қилди. Улар ўзларини аччиқлангандай кўрсатиб, юқорига чиқишди-ю, шундай манзаранинг шоҳиди бўлишди: бутун хонага тош сочилган, бир бурчакда Каландринонинг сочлари тўзғиган, ўласи қилиб калтакланган хотини юм-юм йиғлаб ўтирар, унинг бутун юз-кўзи қонталашиб, кўкариб кетган эди, бошқа бурчакда эса, қутурган Каландрино ҳансираб турарди.

Бруно билан Буффальмакко бу манзарага қараб туриб-туриб, бундай дедилар: «Бу нима ўзи, Каландрино? Нима, иморат қурмоқчисан шекилли? Шунча тош сенга нега керак бўлиб қолди? Не, монна Тессага нима бўлди?—дея савол беришда давом этдилар улар.—Бечорани калтаклабсан чоғи. Бу қанақаси бўлди-а?» Олам-жаҳон тошни орқалаб келиб сплласи қуриган Каландрино бунинг устига, жон-жаҳди билан хотинини дўппослаганидан ва бошига қўнай-қўнай деб турган бахт қушининг бирданига ундан юз ўғиргани алаmidан тили, ғўлдираб, аниқроқ жавоб қилишга қурби етмай қолган эди. Унинг бир нималар деб ғўлдираётганини кўрган Буффальмакко бир оз сабр қилб туриб, яна гапира бошлади: «Каландрино, сен хотинингдан хафа бўлган экансан, бунга бизнинг ҳеч қандай дахлимиз йўқ; лекин нега ахир аламингни биздан оласан? Бизни қимматбаҳо тош қидиргани бошлаб бориб, ўзинг жуфтани ростлаб қопсан, биз икковимиз аҳмоқ бўлиб дарё бўйида қолиб кетавердик,—биз сендан жудаям хафамиз, иккинчи бизни бунақа гел қила олмайсан».

Ниҳоят Каландрино бир амаллаб нафасини ростлаб олди-да, бундай деди: «Мендан хафа бўлманглар, оғайнилар! Воқса асло сизлар ўйлаганича бўлгани йўқ. Мен бахти қаро, ўша тошни топдим ахир! Сизларга ҳозир бутун бўлган воқеани айтиб бераман, хўпми? Икковларинг бир-бирингдан мени суриштира бошлаганларингда, мен сенлардан атиги беш қадам нарида турган эдим. Қарасам, мени кўрмайпсанлар, шундан кейин сенлардан ўзиб кетдим ва то уйга кела-келгунча сенлардан сал олдинроқда юравердим». Шу йўсида у ошналарига бутун бўлган воқеани бошидан-охиригача гапириб бераркан, дўстларининг нима ҳақда гаплашгани ҳам нима ишлар қилишганиям қолмади, кейин у тош тегавериб кўкариб кетган елкаси билан товонини кўрсатиб, яна гапира давом этди: «Бунн қарангки, шаҳар дарвозасидан қўйини тўла тош билан кира бошлаганимда, ҳеч ким менга ҳеч нима демеди, бўлмаса, соқчиларнинг қанчалик суллоҳ, пашшадек хира бўлишини ўзинглар ҳам яхши биласанлар: қачон қарасанг, кўзлари олазарак. Кейин мен йўл-йўлакай анча-мунча ёр-дўстларимни учратдим; одатда улар мен билан ҳол-аҳвол сўрашарди, майхўрликка таклиф қилишарди, бу сафар бўлса—чурқ этиб ҳам оғиз очишмади: сабаби, улар мени кўришмади, мен сенларга айтсам! Аммо уйга кириб келишим билан манави жодугар рўпарамга чиқди-ю, мени кўрди-қўйди,—ўзларинг биласанлар, хотин зоти ҳар қандай нарсанинг ҳам кучини қирқиб юборарди. Мана, оқибат: ҳали-замон мен ўзимни бутун Флоренцияда энг бахтнёр одам деб ҳисоблаётган эдим, энди бўлса, энг бадбахт одамга айландим-қўйдим—шунинг учун ҳам уни то қўлларим толгунча дўппосладим, ҳозир яна қўлим

қичиб, унинг қони эмас, жони чиққунча муштлагим қистаяпти. Бу алвастининг турқини биринчи марта кўрган кунимга, менинг уйимга хотин бўлиб кириб келган ўша машъум кунларга минг лаънат!» Шундан кейин Қаландрино яна ғазабланиб мушглари дўлайтирганча сал бўлмаса яна хотинига ташланаёзди.

Буффальмакко билан Бруно ўзларини жуда таажжубда қолгандай кўрсатиб, мудом Қаландринонинг айтганларини маъқуллаб туришди; лекин унинг яна ғазабга тўлиб, яна хотинига ташланмоқчи бўлганини кўришгач, югуриб бориб, уни ушлаб қолишди, кейин улар ҳамма айб унинг хотинида эмас, балки ўзида эканлигини исботлаб, баски, аёл зоти ҳар қандай парсанинг кучини қирқиб юборишини биларкансан, нега хотинингни, бугун кўзимга кўринма, деб огоҳлантириб қўймадинг?—деб койиб беришди уни.—Афтидан, худо ақлингни олган бўлса керак, зероки, ўша бахт эҳтимол сенга аталмагандир, эҳтимолки, мўъжизакор тошни топган заҳотинг, бундан биз, дўстларингни огоҳ қилиш ўрнига, бизни алдаб кетганинг учун худо сени шу тарзда ғазабига олгандир. Шундай қилиб, икки дўст узоқ вақт можаролашиб, ахирин Қаландринони унинг қаттиқ озор чеккан хотини билан яраштириб қўйишга зўрга муваффақ бўлибдилару Қаландринони бир тўп тош тепасида гамага ботиб ўтирган ҳолича ташлаб чиқиб кетган эканлар.

4

Фьезоле жомесининг бош нозирни бир бева жувонни яхши кўриб қолади, лекин аёл уни хуш кўрмайди; нозир бева жувоннинг оқсочи билан бир тўшакда ётади-ю, аммо бева жувон билан ётибман, деб фараз қилади; бу орада бева жувоннинг инилари нозирни гуноҳ иш устида епископга тутиб берадилар

Элисса, бутун жамоага камол ҳаловат бахш этган қиссасини тугатиши билан қиролича Эмилига юзланди ва Элиссадан сўнг ундан ҳикоя эшитишни ихтиёр қилганини айтди; Эмилига ҳам дарҳол ҳикоясини шундай бошлаб юборди:

— Шоиста хонимлар! Руҳонийлар, роҳиблар ва ўзга дин пешволарининг биздек аёллар руҳини васвасага солганлари ҳақидаги қиссалар илгарилари ҳам кўп маротаба эътиборимизга ҳавола қилинган эди, ва лекин ушбу мавзу бенинхо экан: баъзида бу борада ғоятда кўп гапирилгандай туюладн, ҳолбуки, аслида, ҳали кутилмаганлари ундан ҳам кўп бўлиб чиқади, мана шунинг учун мен юқорнда баён қилинган қиссаларга илова ўлароқ, бу мавзуда яна бир ҳикоя сўзлаб бермоқчиманки, унда гап бир жоменинг нозирни ҳақида боради; бу нозир бир ҳамиятли бева жувоннинг муҳаббатига қандай қилиб бўлмасин, нонл бўлишни, аёл истасанистамаса, ўзининг оташ севгисини у билан баҳам кўришни истайди, бева эса, фаҳму фаросат соҳибаси бўлганлиги туфайли, нозирни унинг ўзига муносиб аёл билан қовуштириб қўяди.

Маълумингизки, Фьезоле шаҳри,— у шаҳар жойлашган дўнглиқ шу ердан ҳам кўриниб туради,— жуда кўҳна бўлиб, қадимда у жу-

да катта шаҳар бўлган, аммо замонлар ўтиши билан заволга учрайди, шунга қарамасдан, ҳозир ҳам у ерда, худди қадимгидек епископ яшайди. Мана шу жомедан хиёл нарироқда монна Пиккарда исмли ножиба бир бева аёлнинг чорбоғи билан уйчаси жойлашган эди. Аёл бой-бадавлат бўлмагани сабабли ҳамма вақт шу ерда ўзининг икки укаси билан муқим яшардики, укалари—ақлли, одобли йигитчалар эди. Монно Пиккарда ибодат қилгани жомега қатнардн, ўзи ҳали жуда ёш, чиройли, малоҳатли жувон эди, шу сабабли жоме нозирн унга бутун вужуди билан ошинқ бўлиб қолди ва бу шайдолик оқибатида буткул эсини йўқотиб қўйди. Орадан бир оз вақт ўтар-ўтмас нозир шу қадар ҳаддидан ошиб кетдики, хонимга дангал севги изҳор этиб, очиқдан-очиқ менинг бу хушторлигимни рад этманг, сиз ҳам севинг, деб ёлвора бошлади.

Ёши ўтиб қолган бўлишига қарамай, ҳали хийла эпчил, чайир, мутакаббир, ўзига бинно қўйган, ҳурмача қилиқлар қиладиган бу нозир шу қадар манфур ва разил одам эдики, ҳамма ундан нафратланарди, бева эса инчунин; хуллас, бева учун у энди ғирт дардисар бўлиб қолган эди. Илло, у оқила аёл бўлганлигидан, нозирнинг плтмосига бундай жавоб қилди: «Ҳазратим! Сизнинг менга севги изҳор этишингиз, менга ҳам жуда ёқар балки; мен ҳам сизни севмогим лозим ва жоним билан севажакман, илло, сизнинг ҳам, менинг ҳам севги туйғуларимизда қуюшқондан чиқиб кетадиган ҳеч нарса бўлмаслиги керак. Сиз менинг руҳоний отамсиз, дин пешвосисиз, ёшингиз ҳам анчага бориб қолган, бинобарин, сиз саволатли ва покиза ҳаёт кечирмоғингиз лозим, мен эсам, энди қиз эмасман,—одатда изҳори нишқни тинглаш қизларга ярашади,—мен сева аёлман, бева аёлларнинг расм-таомилга қанчалик жиддий риоя қилишлари ўзингизга аён, шунинг учун энди сиз мени кечирингу, лекин мен сизни ҳеч қачон мендан кутаётганингиздек муҳаббат билан севмайман, сизнинг ҳам мени шундай севги билан севишингизни истаймайман».

Гарчи нозир бу сафар ҳеч нимага эриша олмаган бўлса ҳам барибир ушбу биринчи зарбадан унинг руҳи тушмади, таслим ҳам бўлмади,—у ҳамон ўзига хос сурбетлик ва шилқимлик билан хонимнинг уйига муттасил элчилар юбориб турдиким, улар хонимга нозирнинг мактубларини ёки оғзаки гапларини отказиб турншар, хоним черковга борган пайтларда эса, хатто нозирнинг ўзи унга яқин келиб, гап қотарди. Унинг мана шу совуқдан-совуқ қилиқлари монна Пиккарданинг кўнглига тегиб, безор қилиб юборди, натижада у нозирнинг шилқимликларидан буткул қутулишга аҳд қилди, аммо бирон бошқа восита топилмаганлиги сабабли, нозирнинг қилмишига яраша чора кўрадиган бўлди-ю, лекин ҳар ҳолда олдиндан ўз ишилари билан маслаҳатлашиб олишни маъқул кўрди. У жоме нозирнинг ўзига қилаётган шилқимликлари ҳақида укаларига гапириб бериб, бунга қарши қандай чора кўрмоқчи бўлганини хабар қилди, укалари унинг режасини тўла маъқулладилар, мана шу гапдан кейин бир неча кун ўтгач, хоним ўз одати бўйича черковга борди, нозирнинг кўзи унга тушиши билан ўз одати бўйича, хонимнинг қошига йўл олди ва келиб, уятсизларча гап ота бош-

лади. Монна Пиккарда нозирга жилва билан бир боқиб қўйди-да, кейин у билан чеккароқ юра бошлади, бу ерда у ҳар галгидек нозирнинг «юрақ дарди»ни тинглаб бўлиб, чуқур хўрсинди ва бундай деди: «Мен отахон, дунёда биронта ҳам мустаҳкам қалъа йўқки, уни қайта-қайта ҳужумдан кейин забт этиб бўлмайдиган бўлсин, деган гапни кўп эшитган эдим, мана энди ўзимдан қиёс қилиб бу гапнинг ҳақлигига имон келтирдим. Сиз мени қамалга олиб, ўзингизнинг ширинсуханлигингизни ишга солдингиз, гоҳ ундай, гоҳ бундай илтифотлар кўрсатдингизким, ниҳоят мен ўзимнинг одатдаги турмуш тарзимни бузишга рози бўлдим: агарки, сизга мен шунчалик ёқиб қолган эканман, майли, измимни ўзингизга бердим».

Нозир бу гапни эшитиб ҳайратга келди. «Сиздан бағоят миннатдорман, бегойим,—деди у.—Сирасини айтганда, бардошингизнинг бунчалик узоққа чўзилганидан таажжуб қила бошлаган эдим,—ҳаётимда биринчи кўришим бундай ҳолни. Илгарилари мен: «Агарда аёллар кумушдан бўлишганида, улардан танга пул зарб қилиб бўлмасди, зеро, биронта ҳам аёл болганинг зарбига бардош беролмай ёйилиб кетарди»,—деб кўп гапирардим. Ҳай, у гап бу гапдан айлансин. Хўш, висол онига қачон ва қай ерда мушарраф бўлурмиз?»

«Сиз ихтиёр этган пайтда, жоним тасаддуқ,—деб жавоб қилди бева,—ахир эрим йўқки, кечани ким билан ўтказганим ҳақида унга ҳисобот берсам. Аммо қаерда? Мана бунинг иложини тополмай гарангман».

«Қаерда дейсизми? Сизники-чи?» — деб сўради нозир.

«Ўзингиз биласиз-ку, отахон, иккита иним мен билан туради—икковиям кап-катта йигитлар,—деб жавоб қайтарди монна Пиккарда,—улар кечани кеча, кундузни кундуз демай тўда-тўда ёр-биродарлари билан тўғри бостириб кириб келаверишади, уйим бўлса, мўъжазгина, шунинг учун у ерда учрашишимиз ноқулай, агар борди-ю, вақтинча гунг бўлиб, бир оғиз ҳам сўз айтмай, чурқ этиб овоз чиқармай мисоли кўр одамлардек қоронғида ўтирсак—унда бошқа гап. Шу шарт билан меникида учрашишимиз мумкин, чунки пилларим менинг хонамга ҳеч киришмайди, лекин чатоқ томони шуки, хоналаримиз — девор-дармиён: пичирлаб гаплашсак ҳам эшитилади».

«Ҳечқиси йўқ, бир-икки кечага ўша ер ҳам бўлаверади, хоним,—дея эътироз билдирди нозир,—кейин биронта дурустроқ овлоқ жой топарман».

«У ёғи энди ўзингизга ҳавола, отахон,—деди бева жувон,—сиздан фақат битта илтимосим бор: шуларнинг ҳаммаси қаттиқ сир бўлиб қолсин, биронта одамга чурқ этиб оғиз очмайсиз!»

«Бу ёғидан хотиржам бўлинг, хоним,—деди нозир.—Сиз фақат кечқурун учрашишимизга имкон яратиб берсангиз бўлгани».

«Хўп бўлади»,—деди бева ва нозирга, қачон ва қай тарзда унинг хонасига киришни тушунтирди-да, уйига равона бўлди.

Беванинг бир оқсочи бор эди—ўзиям анча ёшни уриб қўйган, бунинг устига ниҳоятда бадбуруш ва бадбашара эди: бурни юзига қапишиб кетган, оғзи қийшиқ, лаблари дўрдоқ, тишлари сийрак ва

сўйлоқ, бундан ташқари сал ғилайроқ ҳам эди, кўзлари доим оғриб шилпиқ бўлиб юрарди, ранг-рўйи гезариб-кўкариб юрардики, кўрсангиз гўё уни Фьезоледа эмас, Синигальяда яшаган деб ўйлардингиз, буларнинг устига-устак у чўлоқ ва букри эди; юзининг кўкариб кетганлигидан уни ҳамма Кўкчахон деб атарди: лекин у шунчалик бадбашара бўлишига қарамай хийлагина муғамбир аёл эди.

Бева уни ўз ёнига чақириб олиб, бундай деди: «Кўкчахон! Агар бугун кечаси менга бир хизмат қилиб берсанг, сенга яп-янги чиройли бир кўйлак совға қиламан».

Бекасининг кўйлак тортиқ қилишини эшитган Кўкчахон унга жавобан бундай деди: «Агар сиз, бегойим, менга кўйлак совға қилсангиз, нима иш буюрсангиз, ҳаммасини қиламан, ҳатто ташла десангиз, ўзимни томдан ҳам ташлайман».

«Ҳа баракалла,—деди бева.—Ундай бўлса, бугун тунда менинг тўшагимда ётиб бир эркакнинг кўнглини оласан, илло, чурқ этиб товуш чиқармайсан, укаларим эшнтиб қолмасин,—ахир улар шундоққина девор орқасида ётишадн-я,—кейин ваъда қилган кўйлакни бераман сенга».

«Э, бегойим, агар зарур бўлса, бир эмас, ўнта эркакниям кўнглини оламан»,—деди Кўкчахон.

Шундай қилиб, кечқурун тайинланган соатда нозир беваникига кириб келди, икки йигитча эса, олдиндан опалари билан келишиб олганлари бўйича ўз хоналарида гангир-гунгур гаплашиб, ўзларининг шу ерда эканликларини сездириб турдилар, шу бонсдан нозир, зим-зиё қоронғида оёқ учинда юриб бориб, ахири монна Пиккарданинг хонасига кириб олди ва кўрсатилган йўл-йўриқ бўйича, тимирскиланиб тўшак томон юра бошлади,—Кўкчахон ҳам бу пайтда, монна Пиккарданинг ўргатишига кўра, иккинчи томондан тўшакка яқинлаб юриб кела бошлади. Нозир ота ёнидаги аёлни монна Пикарда деб фараз қилиб, Кўкчахонни бағрига босди ва чурқ этмай ундан бўса ола бошлади, Кўкчахон ҳам уни чўлпиллатиб ўпди. Хуллас, зўр шахвоний ҳавас билан бу даргоҳга кириб келган нозир, мана энди вақтихушликни бошлаб юборди. Монна Пикарда бу ишқий учрашувни ташкил қилиб бўлгач, энди уни ниҳоясига етказишни нинларига ҳавола қилди. Йигитлар оёқ учида уйдан чиқишиб, майдонга йўл олдилар, буни қарангки, тақдир уларга ёр бўлиб, кўзлаган режалари ўйлаганларидан ҳам зиёда-роқ бўлиб амалга ошди. Тун ниҳоятда дим эди, шунга кўра, епископ, бу йигитларнинг уйда ё уйда эмаслигини билиб келиш учун одам юборган экан, чунки у бир оз оёғининг чигилини ёзиб юришни ва йигитларникига кириб шароб ичишни ихтиёр қилган эди, шу маҳал йигитларнинг ўзи унинг истиқболи сари келаётганини кўриб қолди; епископ ўз истагини йигитларга изҳор этди ва улар билан юриб кетди; у йигитларнинг анча-мунча шамлар билан ёритилган салқингина ҳовлисига кириб келгач, ҳузур қилиб уларнинг асл нав шаробидан ичди.

Епископ майини ичиб бўлганида, йигитлар унга шундай сўзлар билан юзландилар: «Ҳазрати бузрук! Сиз бизнинг кулбайи вайро-

намизга қадам ранжида айлаб; бизга камоли илтифот кўрсатдингиз,— аммо биз ўзимиз сизни меҳмонга чақиргани қошингизга кетаётган эдик,— агарда бир антиқа манзарага назар ташлашни лозим кўрсангиз — биз уни сизга намойиш қилишдан бошимиз кўка етарди».

Епископ, майли, жоним билан кўраман, деб жавоб қилди. Шу пайтдан сўнг йиғитлардан бири қўлига машъала кўтариб олиб, тўпла-тўгри нозир Кўкчахон билан чирмашиб ётган хонага кириб борди, унинг кетидан эса—епископ билан бошқалар ҳам киришди; нозир ҳазитдан уч чақиримдан зиёдроқ йўл босиб қўйган эди, зеро у шу ўтган вақт ичида бир зум ҳам тиним билмай отига тўхтовсиз қамчи босавериб ҳолдан тойган ва энди ҳавонинг инҳоятда дим бўлишига қарамай, Кўкчахонни қучогидан қўйвормаган ҳолда мизғиб ётган эди. Хонага машъала ушлаган йиғитнинг орқасидан кетма-кет кириб келган епископга Кўкчахон билан ачомлашиб ётган нозирни кўрсатишди. Бу орада нозир ота уйғониб кетди, хонада чироқ ёнганини ҳамда атрофида бегона одамлар турганини кўриб, қаттиқ уялиб кетганидан ва қўрққанидан, боши билан чойшабга бурканиб олди. Шунда епископ нозирга қаттиқ таъбеҳ берди ва унга бошини чойшаб остидан чиқариб, ўзини ким билан ётганини кўришини буюрди. Нозир, ўзининг монна Пиккардадан панд етганини кўриб ва шармандайи шармисор бўлганини ўйлаб, жуда руҳи тушиб кетди. Епископ унга кийинини буюрди, кейин нозирни бир неча соқчи қўриқлаган ҳолда жомега олиб кетишди,— у ерда бу қилган бадкорлиги учун у энг аёвсиз диний жазога¹ мустаҳиқ қилиниши керак эди. Кейин епископ, нозирнинг қандай қилиб бу ерда Кўкчахон билан топишиб қолганини сурштирди. Йиғитлар унга бутун бўлган гапни сўзлаб беришди. Епископ қўлларини руҳонийнинг қонига бўямасдан, уни ўз феълнга яраша жазога рўпара қилганлари учун бева жувонни ҳам, унинг иниларини ҳам мақтаб, уларнинг бу хатти-ҳаракатини маъқуллади.

Епископ нозирни қилган гуноҳи учун қирқ кун аза тутишга ҳукм этди, бироқ тавбасига таянган бул зотда муҳаббат ҳам, нафрат ҳам шу даражада кучли эканки, у ўз гуноҳи учун қирқ тўққиз кундан зиёдроқ аза тутди, боз устига, шунчалик бадбахтлиги етмагандай, кейин ҳам анча вақтгача кўчада унга болалар кун беришмай: «Қараишлар! Ану киши Кўкчахон билан ётган!»—деб қичқиришиб, уни жинни қилаёзишди. Муҳтарама хоним шу тарзда манфур ва шилқим нозирнинг хушомадларидан қутулган, Кўкчахон бўлса, баҳона билан кўйлакни бўлиб олган экан.

5

*Маркидан келган судья Флоренция суд маҳкамасида суд қилаётган чоғида
уч йиғит унинг лозимини ечиб, тўпигига туширишади*

Эмилия ўз қиссасининг поёнига етиб, бутун жамоа бева жувоннинг хатти-ҳаракатини маъқуллагач, қиролича ўз нигоҳини Филостратога қаратди.

¹ Яъни керагидан ортиқ рўза туттириш, сажда қилиб намоз ўқитиш ва ҳоказолар (тарж.).

— Энди павбат сенпки,—деди у.

Филострато ҳам ўзининг шай эканлигини изҳор этиб, шундай ҳикоя қила бошлади:

— Дилрабо хонимлар! Элисса ўз ҳикоясида Мазо дель Сажо деган бир йигитнинг номини тилга олган эди, мана шу нарса, сизларга баён қилмоққа ҳозирлаб қўйган қиссамнинг ўрнига бошқа қиссанг—ўша Мазо билан унинг ошналари тўғрисидаги қиссани сўзлаб беришга ундади мени, гарчи бу қиссада беодоблик бўлма-са ҳам унда шундай иборалар учрайдики, уларни сўзлашга сизлар ор қиласизлар, шунга қарамай, қиссам ниҳоятда кулгили бўлганлиги сабабли, уни сўзлаб бермаслик гуноҳ бўлса керак.

Ҳаммангиз яхши биласизки, бизда кўпинча шаҳар ҳокими мар-килик бўлади ва аксарият пайтларда у ҳокимлар назари паст, қу-румсоқ ва бахил одам бўлишади, уларнинг доимий касби-кори ҳар бир соҳада зикналик қилиш бўлади. Хуллас, мана шу шаҳар ҳокимлари ўзларининг хасислиги ва зикналиги сабабли, судьялик ва нотариуслик лавозимларига шундай тоифа одамларни олиб кел-ладиларки, уларни кўрган одам, шундоққина омов ҳайдаб турган еридан ённки этикдўз устахонасидан олиб келишибди, деб ўйлаши мумкин асло ҳуқуқшунослик мактабидан чиққан, деб ўйламайди. Алқисса, шу тоифа шаҳар ҳокимларидан бири, ўз юртидан кўпчи-лик судьялар қатори мессер Никкола да Сан Лепидно деган судья-ни ҳам олиб келган ва унга жиний ишларни кўриниши топширган эдики, бул судья кўринишидан кўпроқ темирчига ўхшаб кетарди. Шаҳарликларнинг судда қиладиган иши йўқ, шунга қарамай, улар баъзи-баъзида у ерга кириб турадилар, тасодифни қарангки, кун-лардан бир кун ерталаб, юқорида номи зикр этилган Мазо дель Сажо ўз оғайинларини қидириб, суд маҳкамасига кириб қолди. Кириб, судга раислик қилаётган мессер Никколага кўзи тушибди-ю, ўзига-ўзи: бу яна қанақа махлуқ бўлди, деб савол берди ва унга диққат билан разм сола бошлади. Судьянинг бошида олмахон мўйнасидан тикилган исқирт телпак, белига снѐҳдон осилган эди, мантияси¹ остидан унинг ич кўйлагини кўриниб турар, умуман, унинг кўп жиҳатлари, судьянинг покиза ва одамохун кишилар тоифаси-дан эмаслигини кўрсатиб турарди, лекин Мазо дель Сажони айниқ-са ҳайратга солган нарса, қарийб унинг болдирларигача тушиб турган лозими бўлди²; мантия тор бўлгани учун этаклари йирилиб, лозими кўриниб турарди.

Мазо дель Сажо шу ерга келганда, судьяни кузатишга ҳам, ёр-дўстларини ахтаришга ҳам барҳам бериб, уларни бошқа ердан қи-дирмоқ учун суд маҳкамасидан чиқиб кетди-ю, кўчада бошқа икки дўстини учратиб қолдиким, улардан бирининг исми Риби, иккинчи-синики эса — Маттеуццо эди, булар ҳазилкашликда Мазо дель Сажонинг ўзидан қолишмасдилар. «Мени хурсанд қилишни хоҳлай-ендиларми?»—деб сўради у.—Рози бўлсанглар, судга борамиз: сиз-

¹ Мантия — енгсиз узун авра чопон (тарж.).

² Уша давр модасига кўра, эркаклар лозимининг почаси тизза остигача ту-шиб, тақимдан боғичланиб қўйиларди (тарж.).

ларга шунақанги бир нусхани кўрсатайки, бунақаси ҳеч бўлмаган».

Шундан кейин уювлари суд маҳкамаси сари йўл олдилар ва у ерда Мазо ошналарига судьяни ва унинг лозимини кўрсатди. Ул-фатларнинг унга узоқдан кўзлари тушиши билан қотиб-қотиб кула бошладилар, суд ҳайъати ўтирган узун курсилар яқинига боришгач эса, улар биринчидан: курсилар тагига осонгина эмаклаб кирса бўлишини, иккинчидан эса, судья оёқларини қўйиб ўтирган тўсинининг қўл сиғадиган даражада дарз кетганлигини кўришди.

«Қўлим қичиб судьянинг лозимини бутунлай ечиб ташлагим келяпти—бу хамирдан қил суғургандай оппа-осон иш!»—деди дўстларига Мазо.

Бу ишни қай тарзда бажариш уювларигаям кундай равшан эди, шунга кўра, дўстлар нима қилиш ва нима гапириш ҳақида олдиндан келишиб олишиб, эртаси куни эрталаб яна судга бордилар. Одамга лиқ тўла маҳкамда Маттеуццо бир амаллаб, сездирмасдан, курсилар тагидан эмаклаб бориб, судьянинг оёқларига яқин бориб олди. Бу орада, Мазо бир томондан судьянинг олдига бориб мантиясининг бир баридан ушлади, иккинчи ёнидан Риби келиб, у ҳам айнан шундай иш тутди, кейин Мазо гапга тушиб кетди. «Жаноб судья, ҳой жаноб судья!—деб гап бошлади у.—Манави ўғри жуфтакни ростлаб қолмасин, айтинг, этигимни қайтиб берсин: уйимдан ўғирлаб олиб чиқиб кетгану бўйнига олмаяпти, лекин бундан бир ой бурун янги тагчарм қўйдиргани этикдўзга бераётганида кўриб қолдим барибирам».

Иккинчи томондан эса, Риби айюҳаннос сола бошлади: «Ишонманг гапига, жаноб судья,—у фирт муттаҳам одам: ўзим олдингизга унинг устидан шикоят қилиб келганман, нега десангиз, ўзи менинг уйимдан қутимни ўғирлаб чиқиб кетган, айтинг, қайтиб берсин, бу касофат судга арз билан келаётганимни эшитиб, қўрққан олдин мушт кўтарар қабилда, мени ўғрига чиқариб, этикни баҳона қил-япти, илло у этикни мен ўз пулимга сотиб олганман—бунга анча бўлган. Ишонмасангиз, гувоҳларни кўрсатишим мумкин: қўшним—кўкфуруш хотин, кейин калла-почафуруш бақалоқ хотин, ундан кейин яна Фредан дарвозаси яқинидаги Санта Мария черкови атрофига ташланган ташландиқларни йиғиб юрувчи ахлат тозаловчи,—ўша ахлат тозаловчи мана бунинг шаҳар чеккасидан келаётганини кўрган».

Мазо Рибини гапиргани қўймай, овозининг борича бақирар, Риби эса, ундан ҳам қаттиқроқ шовқин соларди. Судья, уларнинг гапини яхшироқ эшитиш мақсадида ўтирган ўрнидан турди—Маттеуццо айнан шу қулай фурсатни пойлаб ётган эди: қўлини оёқ қўйиладиган белдамчи тахтадаги туйнукдан тикди-да, судья лозимининг орқа томонидан ушлаб, кучининг борича пастга тортди. Иштон бир тортишдаёқ тушиб кетди, чунки судья озгин—чўп-устухон эди. У қандайдир кўнгилсиз ҳол юз берганини пайқаб, мантиясининг этагини ёпмоқчи ва ўз ўрнига ўтирмоқчи бўлди, ammo Мазо билан Риби унинг икки томонидан этагига ёпишиб олишган эди. «Яхши иш қилмаяпсиз, жаноб судья!—деб чинқирарди

улар. Бизни ажрим қилишни истамаяпсиз, ҳатто арзимизга қулоқ ҳам солмай, қочмоқчи бўляпсиз. Бизнинг шаҳримизда бунақа арзимаган ишни ёзув-чизувсиз ҳал қилиб беришад». Улар шу тарзда судьянинг этакларини қўйиб юбормай, яна анчагача ушлаб туришдики,— оқибат, судга келган одамларнинг бари судьянинг лозимини ечиб туширилганини кўришди. Матеуццо яна бир оз вақт иштонни қўлида ушлаб турди-да, кейин қўйиб юбориб, ҳеч кимга сездирмай залдан чиқиб кетди. Риби бўлса, судьяни роса мириқиб калака қилиб бўлганидан кейин деди: «Мен устингиздан маҳкамага арз қиламан, худо ҳаққи, арз қиламан!» Мазо ҳам энди мантиянинг этагини қўйиб юборди. «Мен бўлсам,— деди у, то қўлингиз бир оз бўш бўладиган пайт келгунча судга танда қўявераман-қўявераман». Хуллас, уювлари ҳам бир зумда ҳар ёққа тарқаб кетдилар.

Жаноб судья ҳамманинг кўзи олдида лозимини кўтариб кийди, киёфасидан гўё энди уйқудан уйғонган одамдек карахт кўринарди; у рўй берган воқеага ахири тушуниб, этик ва қути масаласида жанжал кўтарган бояги одамлар қаёққа кетишди, деб сўрадн. Судья уларнинг ғойиб бўлганига ишонч ҳосил қилгач, Флоренцияда чиқанам суд мажлиси кетаётганда, судьянинг иштонини ечиш одати бор ё йўқлигини суриштириб билмагунча тинчимаيمان, деб парвардигорнинг ошқозони ҳаққи, онт ичди. Бу гап шаҳар ҳокимининг қулоғига етиб борган эди, унинг ҳам фиғони фалакка чиқиб, шовқин сола бошлади: бироқ ҳокимнинг ёр-дўстлари унга тасалли беришиб, судьялик лавозимга не сабабдан ҳайвонларни олиб келиб ўтқазиб қўйишинини (бундайлар арзон ҳақ олади-да) Флоренция аҳли яхши тушунади ва шу тушунганини сенинг ўзингга исботламоқ учунгина шундай қилишган, деб ҳокимни, ишонтиришга муваффақ бўлдилар, бу гапни эшитган шаҳар ҳокими, шов-шув кўтармасликни маъқул кўрибди-ю, шу билан ёпиқлик қозон ёпиқлигинча қолаверган экан.

6

Бруно билан Буффальмакко Каландрионинг ҳужрасидан яхлит чўчка гўштини ўғирлашади; кейин икковлари Каландринога, гўшти топиш учун кимлардан гумони бўлса, ўшаларга занжабилдан тайёрланган ҳаб дори едириб, устидан верначке шароби ичиришни маслаҳат берадилар, Каландрионинг ўзи эса, ит тезагидан тайёрланиб, алой захрига қорилган ҳаб доридан иккитасини уст-устига ичирадиларки, бу синов оқибатида, чўчка гўштини Каландрионинг ўзи ўғирлаган бўлиб чиқади; Бруно билан Буффальмакко, ҳаммасини хотинингга айтиб берамиз, деб қўрқитишиб, Каландринодан пора талаб қиладилар

Филостратонинг одамларни хўп кулдирган қиссаси ниҳоясига етиши билан қиролича Филоменага ҳикоя қилишни буюрди ва Филомена шундай ҳикоя қила бошлади:

— Фусункор хонимлар! Мазонинг исми ҳозиргина эшитганингиз қиссани Филостратонинг ёдига солгани сингари, Каландрино би-

дан унинг дўстлари ҳам менинг эсимга бир воқеани солдики, шунингизларга ҳикоя қилиб бермоқчиман ва у сизларга манзур бўлади, деган умиддаман.

Каландрино, Бруно ва Буффальмакколарнинг кимлигини сизларга изоҳлаб ўтиришимнинг ҳожати йўқ,— сиз улар ҳақида старли даражада эшитгансиз,— бинобарин, тўғридан-тўғри ҳикоямни бошлайверамаман: алқисса, Каландринонинг Флоренцияга яқин ерда мўъжазгина бир мулки бўлиб, у хотинининг сепи эди; бу мулк, эгасига даромад келтириб турарди, айни пайтда, у ерда ҳар йили битта чўчка бўрдоқига боқилиб, ноябрь ойининг энг охирги кунларида Каландрино хотини билан бориб, чўчкани сўйишар ва гўштини қишга асраш учун тузлашарди.

Аксига олиб, бу йил Каландринонинг хотини бир оз бетоб бўлиб қолди-ю, чўчка сўйгани ёлғиз Каландринонинг ўзи жўнаб кетди. Бруно билан Буффальмакко бундан хабар топишиб ва Каландринонинг хотини бормаслигини аниқ билиб олишиб, шу заҳотиёқ ўзларининг қадрдон дўстлари бўлмиш бир руҳонийникига бир неча кунга меҳмондорчиликка жўнашди — руҳонийнинг уйи Каландринонинг мулки билан ёнма-ён эди. Улар руҳонийникига айни Каландрино чўчкасини сўйган кунни эрталаб кириб келишди. Каландрино ўз дўстларини руҳонийнинг ҳовлисида кўриб, уларни чақирди. «Хуш келибсизлар!— деди у.— Бунга қаранглар, рўзғор тутишга қандай устаман». Шундан кейин, уларни ўз ҳовлисига бошлаб кириб, чўчка гўштини кўрсатди.

Чўчка, дарҳақиқат, жуда семиртириб боқилган экан; Каландрино, гўштни тузламоқчи эканлигини, илло, сотиш учун эмас, рўзғор учун қишга асраб қўймоқчи эканлигини айтди. «Ғирт оvsарсан-да, ошна!— деди Бруно.— Ундан кўра, бу гўштни пулласанг-чи, пулига мириқиб бир машат қилардик, хотинингга бўлса, пулни ўғирлатиб қўйдим, деб айтардинг-қўярдинг».

«Хотиним бунақа гапга ишонмайди, мени уйдан қувиб солади,— деб эътироз билдирди Каландрино.— Йўқ, қўйинглар, барибир мени бунга кўндирма олмайсизлар».

Йигитлар қанча уринишмасин, барибир Каландринони гапга унната олмадилар,— у ўз сўзида қаттиқ туриб олган эди. У оғайниларини худо насиб этган нарса билан тамадди қилишга таклиф этди, лекин улар таклифни рад этиб, чиқиб кетишди.

«Борди-ю, кечаси чўчка гўштини ўғирлаб чиқсак, нима дейсизлар-а?»— деди Бруно.

«Иложни бўлармикин?»— деб сўради Буффальмакко.

«Иложини топиб қўйдим,— деб жавоб қилди Бруно,— ишқилиб Каландрино гўштни бошқа ерга олиб қўймаса бўлгани».

«Унақада — эплаштирамиз,— дея яқун ясади Буффальмакко.— Рост-да, нима бўпти гум қилсак? Кейин, мана, ҳазратим билан бирга, бир базми жамшид қурардик».

Руҳоний ота, кўнгли чўчка гўштига жуда суст кетаётганини айтди.

«Бу ўринда бир найранг ишлатишимизга тўғри келади,— деб гапини яна Бруно илиб кетди.— Сен, Буффальмакко, Каландринони

қанчалык зықналығини, аммо бировлар ҳисобига майхўрлик қилиш-ни қанчалык яхши кўришини яхши биласан. Гап бундай, биз уни майхонага бошлаб борамиз, ана шунда ҳазратим, бизларнинг бу қишлоққа келганимиз шарафига ҳаммани меҳмон қилаяғини, Каландринонинг пул чиқаришига йўл қўймаслиғини айтсин. Шундай қилсак, Каландрино, худо берди, деб учиб қолгунча ичади, ана унда ҳамма ишни қойилмақом қилиб эплаштирамиз,— яхшиямки, уйда ўзидан бўлак ҳеч ким йўқ!»

Улар Бруно айтганидай иш тутдилар. Майхонага борган Каландринонинг ёнидан пул чиқаришига ҳазрат йўл қўймади — бундан хурсанд бўлиб кетган меҳмон, худо берди, деб майни симира-верди; дарвоқе, у салга маст бўлиб қоларди, шунинг учун ҳадемай таппа-тайёр бўлди-қолди. У кечлик қилишдан бош тортиб, майхонадан тун ярим кечадан оққанда чиқиб кетди, ўз ҳовлисига кириб борганида, кўнглида, эшикни тамбаладим, деб фараз қилди, аслида эса, эшикни очиқ қолдирганча, ичкарига кирди-ю, ётиб ухлаб қолди. Буффальмакко билан Бруно эса, кечликни руҳоний отаникига бориб қилдилар, кейин икки ошна. Каландринонинг уйига Бруно кўз остига олиб қўйган ердан ошиб тушиш учун керак бўладиган айрим ускуналарни олишиб, оҳиста, оёқ учида Каландринокига йўл олдилар ва кўча эшикнинг тамбаламаганини кўриб, ҳовлига кирдилар, қозиққа илиниб турган яхлит чўчқа гўштини олдилар-да, руҳоний отаникига олиб чиқиб, яхшилаб яшириб қўйдилар, шундан кейин ётиб ухладилар.

Эрталабга бориб Каландринонинг кайфи тарқади: у ўрнидан туриб, ҳовлига тушди-ю, бирдан кўча эшикнинг ланг очилиб ётганини ва қозиқдаги гўштниг ўғирланганини кўрди. У, чўчқа гўштини ўғирлаган одамни кўрмадингларми, деб ўтган-кетгандан сўрай бошлади,— лекин ҳеч ким ҳеч нима кўрмаган эди; шунда у, вой, шўримга шўрва тўкилди, чўчқамни ўғирлаб кетишди, деб дод солиб, бутун кўчани бошига кўтара бошлади. Бруно билан Буффальмакко ҳам ўринларидан туришиб, қани, чўчқа гўшти ҳақида бизга нима деркин, деб Каландринокига чиқишди. Каландрино уларни кўра солиб, йиғлаб юборди: «Оғайнилар! Шўрим қуриди: чўчқа гўштини ўғирлаб кетишибди!»— деди.

Бруно Каландринонинг олдига борди-да, унинг қулоғига пичирлаб: «Во ажаб! Умрингда биринчи марта ақлли иш қилясан-а»,— деди.

«Ё худоё тавба, ахир мен рост гапиряпман!»— деб эътироз билдирди Каландрино.

«Худди шу тарзда давом эттиравер,— деди Бруно,— овозингнинг борича бўкир, янаям ишончлироқ бўлади».

Шу пайт Каландрино чинданам жон-жаҳди билан чақирди: «Исо алайҳиссаломнинг жасади ҳаққи, онт ичаман, дарҳақиқат, уйимдан сўйилган чўчқамни ўғирлаб кетишибди!»

«Яхши, яхши!»— деб Бруно уни баттар ўчакиштирарди.— Агар ниятингга етмоқчи бўлсанг, янаям қаттиқроқ бақир: шунда, ҳамма овозингни эшитиб, ростданам ўғри урибди, деб ўйлайди».

«Сен мени хароб қиласан бунақада!»— деб чинқирди Каландри-

но.— Мен гапиряману сен ишонмаяпсан! Агар чўчқа гўштини ўғирлаб кетишгани рост бўлмаса, шу ерда ёрилиб ўлай!»

«Шошма! Қандай қилиб ўғирлашлари мумкин?— деди Бруно.— Ахир кеча ўз кўзим билан кўрувдим-ку, гўштинг мана бу ерда осилиб турганини. Наҳотки, шунини ўғирлаб кетишди, деган гапингга мени ишонади деб ўйласанг?»

«Мен бор гапни айтяпман»,— дерди жиғибийрони чиққан Каландрино.

«Қандай қилиб ахир?»— деб сўради Бруно.

«Шунақа қилиб,— деб жавоб қилди Каландрино.— Энди шўрим қуриди,— қандай қилиб хотинининг кўзига кўринаман? Хотиним гапимга ишонмайди, ишонган тақдирда ҳам — барибир бир йилгача менга димоғ-финоқ қилиб юради».

«Аттанг, аттанг!— деди Бруно.— Унақа бўлса аҳволинг чатоқ. Лекин гап бошқа ёқда, Каландрино: ахир, шунақа дод солишни кеча сенга ўзим ўргатиб қўювдим-ку. Қимни лақиллатсанг лақиллатаверу, лекин на хотинингни, на Буффальмакко билан мени алдай оласан».

Шунда Каландринонинг фиғони чиқиб, бақира бошлади: «Агар шунақа жиғимга тегаверсанглар, худони ҳам, жамики авлиёю-анбиёларни ҳам бир чеккадан бўралаб сўкиб чиқаман! Айтяпман-ку, сизларга: кечаси уйимдан гўштни ўғирлаб кетишибди деб!

«Агар гўштининг ўғирлангани рост бўлса, уни ўғридан қайтариб олишнинг чорасини кўриш керак»,— деди Буффальмакко.

«Қаердан топасан ўғрини?»— деб сўради Каландрино.

«Ахир, чўчқангни гум қилиш учун ўғри Ҳиндистондан келмагандир,— афтидан, бунини қўшниларингдан биронтаси қилган,— деб айтди Буффальмакко.— Уларнинг ҳаммасини битта қолдирмай уйингга чақиртир — мен одамларга нон билан пишлоқ едириб, фол очишни биламан, ана шунда, бир зумда ўғри кимлиги аён бўлади-қўяди».

«Қўшнилари шунақанги қирриқ одамларки, нону пишлоқ билан улардан ҳеч нима билиб ололмайсан, лекин менимчаюм шулардан биттаси қилган. Бунга имоним комил,— дея эътироз билдирди Каландрино.— Шунисиям борки, чақиртирганимнинг сабабини билиб қолишса, келишмайди».

«Нима қилсак экан-а?»— деб сўради Буффальмакко.

«Занжабилдан тайёрланган ҳаб дорию, яхши верначчи билан бунинг иложини қилиш мумкин,— деб жавоб қилди Бруно.— Уларни шаробхўрликка чақиртириш керак — сабабини билмай, кела қоладилар, занжабил ҳаб дорисини бўлса, худди нон билан пишлоққа дам солгандай, олдиндан сеҳрлаб қўйиш мумкин».

«Азбаройи худо, гапинг тўғри,— деди Буффальмакко,— хўш, сен нима дейсан, Каландрино? Бруно айтганини қиламизми?»

«Худо хайрингизни берсин!— дея ёлворди Каландрино.— Қим ўғирлаганини билсам, менга шунинг ўзи кифоэ,— кўнглим қисман бўлсаям таскин топган бўларди».

«Ундай бўлса,— дея гапни илиб кетди Бруно,— сен учун ҳаб

дори билан шароб олиб келгани Флоренцияга ҳам боришга тайёрман, лекин пул берсанг, албатта».

Каландринонинг ёнида қирқ сольдоча пули бор эди,— шунинг ҳаммасини Брунога тутқазди.

Бруно Флоренцияга бориб, аптекачи дўстининг олдига кирди, ундан бир қадоқ яхши занжабил ҳаб дориси сотиб олди, яна ит тезагидан икки дона ҳаб дори тайёрлашни буюрди-да, унга янги алой заҳаридан аралаштиришни илтимос қилди; кейин буларга, худди занжабилдан тайёрланган ҳаб дорига сепилгандек, шакар сепишни илтимос қилди-да, уларни аралаштириб, адаштириб юбормаслик учун, яъни бу икки дорини бошқалардан осон фарқ қилиш учун, уларга бирон-бир белги қўйиб қўйишни илтимос қилди; бундан ташқари, у яна катта бир шишада асл нав верначчи ҳам сотиб олди-да, қишлоққа қайтиб келди ва Каландринога бундай деди: «Буларни эртага ўзинг шубҳа қилган одамларингга ичир. Ҳамма келади — чунки эртага якшанба,— лекин унғача, бугун кечаси биз — Буффальмакко икковимиз ҳаб дориларга афсун ўқиймиз, эрталаб буларни ўзингнинг қўлингга тутқазаман. Қадрдон дўстлигимиз ҳурмати, ўзим ҳамма ишни бажараман: ҳаммага ҳаб дори ичираман, ишни ҳам пишираман».

Каландрино худди Бруно айтгандай иш қилди. Мана, эртаси кун эрталаб, ўз чорбоғига келишган бирмунча флоренциялик йигитлар, шунингдек, шу ерли деҳқонлар черков яқинидаги қайрағоч тагига тўпланишганида, Бруно билан Буффальмакко бу ерга бир қути ҳаб дори билан бир шиша шароб кўтариб келишди, шунда Бруно ҳаммани даврага ўтқазиб, бундай дея гап бошлади: «Синьорлар! Кейинчалик мендан ранжиб юрмасликларинг учун сизларни бу ерга нима мақсадда тўплаганимиз сабабни ҳозирдан тушунтириб бермоқчиман. Каландриноникидан — мана, ўзиям ўтирибди,— кеча кечаси ҳали нимталанмаган ғарчча мой чўққа гўштини ўғирлаб кетишибди, лекин у гўштни ҳалигача тополмади, уни шу ерда ўтирган ўзлик-ўзимиздан бошқа ҳеч қандай бегона одам ўғирлаши мумкин эмас, бинобарин, гўштни хусусан ким уриб кетганлигини аниқлаш учун Каландрино биттадан ҳаб дори ютиб, устидан май ичиб юборишингизни сизлардан илтимос қилади. Огоҳлантириб қўяй: кимда-ким чўққани гум қилган бўлса, ҳаб дори унга заҳардан ҳам аччиқ бўлиб туюлади ва дорини юта олмай, туфлаб ташлайди, шунга кўра, ўғри агар халойиқ олдида шарманда бўлишни истамаса, ўз гуноҳига иқроор бўлиб, руҳоний ота қошига борсин-да, тавба-тазарру қилсин, мен эсам, ўз навбатида, бу гапни овоза қилмасликка сўз бераман».

Ҳамма ҳаб дори ейишга ихтиёр билдирди. Шунда Бруно уларни, улар билан бирга Каландринони ҳам қатор тизиб ўтқазиб қўйди-да, бир бошдан ҳаммага ҳаб дори улашиб чиқа бошлади. Лекин навбат Каландринога келганда, Бруно унинг кафтига итнинг ҳалигисидан тайёрланган ҳаб дорини қўйди. Каландрино ўйлаб-не-тиб ўтирмай, дорини оғзига солди-ю, чайнай бошлади, лекин тили алойининг мазасини сезиши билан оғзи шундай ачиб кетдики, бунга бардош бера олмай, ҳаб дорини туфлаб ташлади. Айни пайтда

ҳамма, қани, ким дорини туфлаб ташларкин, деб бир-биридан кўзини узмай тикилиб турарди, шу маҳал, Бруно ўзини ҳеч нимани пайқамаганга солиб, ҳаб дориларни одамларга улашиш билан овора эди, бирдан унинг орқасида кимнингдир: «Ҳой, Каландрино, сен нима қиляпсан-а?»— деган овози эшитилди. Бу гапни эшитган Бруно шахт орқасига ўғирилди-ю, Каландринонинг дорини туфлаб ташлаганини кўриб, бундай деди: «Сабр қилинглар, азизлар! Балки бошқа бирон-сабаб билан туфлаб ташлагандир. Ма, мана бунисини ютиб юбор!» Шундай дея у махсус тайёрланган иккинчи ҳаб дорини энди тўғри Каландринонинг оғзига солиб қўйди-да, кейин яна қолган одамларга дори улашаверди. Биринчи ҳаб дори Каландринога аччиқ бўлиб туюлган бўлса, иккинчиси олдингисидан бешбаттар заҳар-заққум эди, шундай бўлса ҳам у дорини туфлаб ташлашга уялиб, уни оғзида бир оз чайнаб турган эди, кўзларидан ёшлари маржон бўлиб оқа бошлади, бироқ барибир у аччиққа дош бера олмай, бу иккинчи ҳаб дорини ҳам худди биринчиси сингари туфлаб ташлади. Бу пайт Буффальмакко билан Бруно тўпланганларга май суна бошлаган эдилар. Шунда, Каландринонинг иккинчи ҳаб дорини ҳам туфлаб ташлаганини кўрган жамоа, Каландрино ўз чўчқасини ўзи ўғирлаган, деган битта фикрда тўхталди, баъзилар яна, уни болохонадор қилиб сўкди ҳам.

Ниҳоят, ҳамма тарқади — Каландринонинг олдида фақат Буффальмакко билан Бруно қолишди. Шунда Буффальмакко Каландринога юзланиб, бундай деди: «Энг бошидаёқ кўнглимга келган эди бу — гўштини ўзинг сув қилгансан-да, кейин бизга эришни кўзинг қиймай, гўштимни ўғри уриб кетди, деб бизни лақиллатмоқчи бўлгансан».

Ҳанузгача оғзи ачиб ётган Каландрино, агар чўчқани ўғирлашнинг хаёлимга келтирган бўлсам, худо урсин, деб онт ича бошлади.

«Қани, биродар, ростингни айт,— деб сўради Буффальмакко,— чўчқангни қанчага пулладинг? Камида олти флорин олгандирсан-а?»

Бу гапдан Каландринонинг жаҳли чиқиб кетди. «Менга қара, Каландрино,— дея гапга аралашди шу чоғ Бруно.— Боя бу ерда биз билан бирга еб-ичганлардан бирининг айтишича, сенинг бу ерда бир жононинг бормиш, топган-тутганингни ўшаникига ташмалаб ётармишсан; ўша одам чўчқани ҳам ўша жазманинникига олиб бориб берган, деб ишонтирди мени. Бундан чиқди, сен ҳали аҳли донишни аҳмоқ қилишининг жуда ҳавосини олволган экансан-да! Бир кун Муньоне соҳилига қора тош тергани бошлаб бориб, бизни «худонинг паноҳига» ташлаб ўзинг жуфтакни ростлаб қолгандинг, кейин бўлса, мўъжиза тошни топдим, деб бизни ишонтирмоқчиям бўлувдинг, энди бўлса, чўчқамни ўғирлаб кетишди, деб худони ўртага қўйиб, онт ичяпсану аслида, ўзинг кимгадир ё тортиқ қилгансан, ё пуллагансан. Биз сенинг кимлигингни билиб олдик, дилингдаги мақсадинг бизга аён, энди ҳечам бизни ўз найрангларинг билан гел қила олмайсан, лекин очигини айтсам, бу найрангларинг бизга жуда қимматга тушди, шунинг учун мана, Буффальмакко

икковимиз сандан иккита хўроз олмоқчи бўлдик, агар бермасанг — ҳамма қилмишларингни бориб монна Тессага айтиб берамиз».

Каландрино, ошналарини ўз гапига ишонтиролмаганини кўриб, боз устига, чўчқам ўғирлангани етмагандай, ҳали хотинимдан ҳам балога қолмасам эди, деб мулоҳаза қилиб, уларга иккита хўроз берди. Йигитлар чўчқани тузлаб, Флоренцияга олиб бориб сотдилар; Каландрино эса, паққос зиён кўрибди, бунинг устига яна аҳмоқ бўлиб қолган экан.

7

Бир студент бир бева жувонни севади, бева жувон эса, бошқа йигитни яхши кўради ва шу боисдан студентни бутун тун совуқда дийдираптиб куттириб қўяди, кейинчалик эса, бева жувон студентнинг ёлгон гапига учиб, июль ойининг қоқ ўртасида, кун бўйи қип-яланғоч ҳолда минора бошида қолиб кетади; уни пашшалар, сўналар чақади, офтоб баданини куйдиради

Хонимлар шўрпешона Каландрино устидан узоқ кулишди, Каландринонинг ўғштини ўғирлаганлар ундан яна иккита хўроз ҳам талаб қилишиб, бу билан хонимларни хийла ранжитишмаганда, еҳтимол ҳали яна кўп кулишган бўлармиди. Каландрино ҳақидаги ҳикоя ниҳоясига етиши билан қиролича Пампиңеяга ҳикоя қилишни амр этди ва у дарҳол ҳикоясини бошлаб юборди:

— Азиза хонимлар! Аксари пайтларда бир ҳийлагарлик бошқа ҳийлагарлик устидан кулади — мана шунинг учун ҳам киши ўзига ўхшаганлар устидан зинҳор кулмаслиги керак. Биз бу ерда ҳар турли воқеаларни эшитиб, турли-туман найрангбозликлар устидан кўп кулдик, илло, ўшал найранглар учун ўч олингани ҳақида биронта ҳам ҳикоя тингламадик. Мен эсам, қилмишига яраша жазо тортган ва ҳамшаҳаримиз бўлган бир хонимга сизларнинг шафқат қилишингизни истардим, — у аёлнинг бировга кўрсатган найранги ўзига қайтиб, бу қасос оқибатида хазон бўлишига сал қолган эди. Ҳикоямни тингласангиз, сизга ҳам унинг нафи тегиб қоладики, кейин бошқалар устидан бўлар-бўлмасга кулавермайсиз ва бундай ҳолларда ақл-идрок билан иш тутадиган бўласиз.

Бундан хиёл илгари Флоренцияда Елена исмли бир жувон яшаган бўлиб, у соҳибжамол, такаббур, шавкатли кишилар насабидан ва бу фоний дунё неъматларидан хийла лаззатланган аёл эди. У эрдан бева қолди, аммо иккинчи марта турмуш қуришни истамади, чунки у бир ўктам ва хушсурат йигитга ўз ихтиёри билан кўнгил қўйди-да, бутун борлиқни унутиб юбориб, ўзининг энг ишончли оқсочи воситачидигида, ўшал йигит билан беғубор саодат нашидасидан баҳраманд бўлиб, бот-бот вақтичоғлиқ қиладиган бўлди. Еленани шу муҳаббат оғушида қолдирайлик-да, энди гапни бошқа ёқдан эшитайлик: шаҳар зодагонлари насабидан бўлган Риньери исмли бир йигит, ўз кўрган-кечирганларини одамларга пеш қилиш учун эмас, балки ҳар бир фаросатли одам сингари илм манбанга йўл топиш ва ҳар бир нарсани таг-томиригача қунт билан ўрганиш мақсадида узоқ вақт Парижда таҳсил кўриб, ўша пайтда

эндигина Флоренцияга қайтиб келган ва ҳам ўзининг зодагонлар насабидан бўлганлиги, ҳам алломалиги туфайли иззат-эҳтиромга мушарраф бўлиб, у шаҳарда давр-даврон суриб яшай бошлаган эди. Илло, одатда, айнан шунақа энг ўткир ақл соҳиблари ақллари ни муҳаббат туфайли йўқотиб қўядилар — бизнинг Риньери ҳам худди шу дардга гирифтор бўлиб, қолди. Кунларнинг бирида у бир базмга борди ва ўша ерда қора кийган Эленани кўриб қолди (маълумки, бизда эри ўлган аёллар қора киядилар) ва у аёлнинг шу қадар беназир латофат ва назокат соҳибаси эканлигига шоҳид бўлдики, оқибатда у бундай камолотни ҳали шу чоққача биронта ҳам аёлда кўрмаганлигини эътироф этди. Шундан кейин Риньери, бу хонимни яланғоч ҳолида қучоғига босишга худо сазовор этган одамгина ўзини бахтиёр деб аташга ҳақлидир, деб ўйлай бошлади. У хоним турган томонга кўз қирини ташлаб-ташлаб қўяркан, ҳар қандай буюк ва бебаҳо нарсаларга осонликча мушарраф бўлиш маҳоллигини тани олган ҳолда, бу хонимнинг кўнглига ёқиш учун ҳар қанча куч ва меҳнатини аямасликка, ёқиб қолгач эса, хонимнинг муҳаббатига ноил бўлишга, бунга ҳам муяссар бўлгандан кейин эса — уни тасарруф қилиш имконини қўлга киритишга аҳд қилди. Еш жувоннинг нигоҳлари асло мотамсари эмас эди, — билъакс, у ўзи ҳақида худбинона ўйлаганлиги сабабли, ҳар томонга шўх-шўх нигоҳ ташларкан, ўзига маҳлиё бўлган йигитларни бир зумда пайқаб оларди. Мана, у Риньерига эътиборини қаратиб, ўзинча мийингида кулиб қўйди. «Бугун бу ерга келганим чакки бўлмабди, — деб ўйлади у. — Янглишмасам, мана бу қушча тузоғимга илинганга ўхшайди». Шундан кейин у Риньерига дам-бадам кўз қирини ташлаб қўйиб, ўзида унга мойиллик вужудга келганини сездира бошлади. Бундан ташқари, Элена, ўз сеҳр-жодуларини билан қанча кўп ошиқларни ўзимга ром қилсам, ҳусн-жамолимнинг қадрига одамлар шунча кўп етадилар, бутун қалбимни меҳрим билан қўшиб бахшида қилган муҳбубим эса, — инчунин, деб мулоҳаза қиларди.

Еш олим энди фалсафий мулоҳазаларини тарк этган — унинг бутун фикру хаёли Эленада эди. У, хонимнинг кўнглига ёқиш умидида, унинг қаерда туришини суриштириб билиб олди ва ҳар нарсани баҳона қилиб, унинг уйи олдидан тез-тез ўтадиган бўлди. Юқорида айтиб ўтганимиз сабабга кўра, бу ҳол хонимга мойдек ёқарди, албатта, шу бонс, йигитнинг кўчадан ўтганини кўрганида, ўзини бундай висол онидан ғоятда хушнуд бўлаётгандай қилиб кўрсатардики, мана шу сабабли, студент қулай фурсат келишини кутиб, бир кун хонимнинг оқсочи билан дўстлашиб олди ва унга ўзининг юрак дардини изҳор этди-да, менинг ҳақимда бекангга икки онз сўз айтиб қўй, деб илтимос қилди. Оқсоч бу илтимосни бажаришга сўз берди ва ҳамма гапни оқизмай-томизмай бекасига сўзлаб берди — бека оқсочининг гапини эшитиб бўлиб, қотиб-қотиб кулди. «Бу қанақаси бўлди, Париждан ўрганиб келган бутун ақлу ҳушини бу ерда дарров йўқотиб бўпти-да? — деди у. — Ҳа, яхши, биздан у кўнгли тусанган насибасини олади. Агар у сени яна гапга соладиган бўлса, унга шундай деб айт: у мени яхши кўра

экан, мен ҳам уни жонимдан ортиқ севаман, илло, мен ўзимнинг
лок номимга доғ туширишни истамайман, барча дийнатли аёллар
сингарни мен ҳам бошимни адл кўтариб юрмоғим лозим, агар у
чинданам одамлар айтганидек донишманд бўлса, шу истакларим
учун мени янада кўпроқ севмоғи лозим». О, шўринг қургур Элена!
Қимматли дугоналарим, студент билан ўйнашишнинг охири вой
бўлишини билмасди у. Мана, оқсоч қиз студент билан учрашиб,
бекасининг ҳамма тайинлаган гапларини унга баён қилди. Бу
лабардан суюниб кетган студент хонимга яна ҳам қизгинроқ ил-
тижо қила бошлади, унга мактублар ёзар, совғалар юборарди —
вёл буларнинг ҳаммасини қабул қилиб оларди-ю, лекин студентга
жавобан тайин бир гап айтмасди, шу йўсинда Элена анча вақтга-
ча студентни лақиллатиб юраверди.

Кунлардан бир кун Элена бу гапларнинг ҳаммасини ўз маҳбу-
бига мақтаниб сўзлаб берган эди, маҳбубининг жони чиқиб кетди,
ҳатто рашк ҳам қила бошлади, шунда хоним, хушторининг ноҳақ
таъна қилаётганини исботламоқ учун бир кунни оқсочини студент
олдига юборди,— студент ҳали ҳам бу жувоннинг ҳусни таваж-
жуҳига ноил бўлиш иштиёқида юрарди,— оқсоч ҳам ўз бекаси но-
мидан студентга: бекам сизнинг муҳаббатингиз самимий эканли-
гига кўпдан ишонч ҳосил қилганлар, илло, шу чоққача, сизни
хушнуд этишнинг ҳеч иложини топа олмай юрган эдилар, мана,
сизди ҳайит яқин келиб қолди, шу улур айём кунлари бекам сиз
билан бирга бўлишни умид қилмоқдалар, бинобарин, агар хоҳиш
билдирсангиз, ҳайитнинг иккинчи кунни кечқурун бекамнинг ҳов-
лисига боринг, бекам иложини топгани ҳамон сизнинг олдингизга
чиқадилар, деб айтди. Бу хушбахтликдан студентнинг боши ос-
монга етди: у тайин қилинган соатда маъшуқасиникига йўл олди,
оқсоч қиз уни ҳовлига киритиб, кўча эшикни қулфлаб қўйди, йи-
гит эса, шу ерда Эленанинг чиқишини кутиб турди.

Айни шу кунни кечқурун Элена ўз севгилисини уйига таклиф
қилди ва хушвақтлик билан ўтган кечки зиёфатдан сўнг унга,
бугун тунда нима қилмоқчи бўлганини айтиб берди. Кейин: «Сен
тентаклик қилиб мени анави студентга рашк қилиб юрган эдинг,
мана энди, ўша одамни қандай кучли ва теран ҳиссиёт билан се-
вишимни ўз кўзинг билан кўрасан»,— деб қўшиб қўйди. Элена-
нинг бу гапларидан ўйнашининг кўнгли ёришиб кетди ва у бу
режани Элена қандай амалга оширишини сабрсизлик билан кута
бошлади. Бир кун олдин жуда кўп қор ёққан бўлиб, ҳовлининг
ҳамма ёғида қор уйилиб ётарди, шунинг учун студент совуқ қота
бошлади, аммо бир оздан сўнг улкан туҳфага муяссар бўлишига
умид боғлаб, бу аёзга бардош бериб тураверди.

Орадан бир оз вақт ўтгач, Элена ўйнашига шундай таклиф
қилди: «Юр, нариги хонага ўтиб, ўша сен рашк қилган одамнинг
нима қилаётганини деразадан кўрамиз, ҳозир унинг олдига оқсо-
чимни чиқариб юбордим — қани, унга нима деб жавоб қиларкин,
ёшитиб кўрамиз».

Улар дераза олдига боришди,— бу ердан уларга бутун ҳовли
жафтдек кўриниб турарди-ю, аммо уларни ҳеч ким кўра олмас

эди,— улар деразага яқин боришиб, оқсоч билан студентнинг гапига қулоқ сола бошладилар. «Риньер!— деди оқсоч қиз.— Бекам қаттиқ хижолат бўляпти: келиб-келиб, шу бугун акаси келиб қолса бўладими, анчагача гаплашиб ўтирди, кейин, кечликни шу ерда қиламан, деб қолди, овқатдан кейинам, ҳалигача кетмай ўтирибди, лекин бекам ҳадемай олдинга чиқиб қолади. У шунча вақт куттириб қўйгани учун айбга буюрмаслигини илтимос қилляпти».

Узининг аҳмоқ қилинаётганини сезмаган студент оқсочга бундай деб жавоб қилди: «Бориб, менинг бебаҳо малагимга айт, асло менинг ташвишимни қилмасин. Иложи бўлмагандан кейин, нима қилсин — майли, вақт топганида чиқар».

Шундан кейин оқсоч ухлагани кириб кетди.

«Хўш? Энди нима дейсан?— дея ошинга» юзланди Елена.— Агарда мен, сен ўйлагандек бу одамни чинакамига севганимда эди, уни ҳовлида совуқда дилдиратиб қўярмидим?» Шу гапдан кейин у ва унинг бир қадар кўнгли таскин топган ўйнаши тўшакака ётдилар, шўринг қурғур студент устидан кула-кула, уни мазах қила-қила, узоқ вақт бир-бирларининг жонларини киритиб, лавату ишрат оғушида вақт ўтказдилар.

Студент эса, совуқ қотиб қолмаслик учун ҳовлида у ёқдан-бу ёққа зир югурар, ҳар турли ҳаракатлар қилар, аммо совуқдан қочиб қутулиш учун бирон пана ер тополмасди, шунинг учун у Эленанинг олдида шу маҳалгача ўтириб қолган акасига лаънат ўқиб, гўрига гишт қаларди. Ҳар гал «тиқ» этган товуш эшитилса, мана ҳозир маҳбубам эшикни очади, деган умид уйғонарди унда, лекин ҳар сафар умидлари пучга чиқарди.

Мана, Елена ўз ошини билан ярим тунгача шўхлик қилгач, ундан сўради: «Жонгинам, қалай, студентимиз маъқул бўлдимми сенга? Хўш, сенингча, нима кучли экан: студентнинг ақл-заковатими ё менинг унга бўлган муҳаббатимми? Менинг ҳазилларим сенинг кўнглингда шубҳа солган эди, энди ўша шубҳанг мана шу аёзли тунда тўнғиб қолар, дейман?»

«Жонидан! Энди кўриб турибман, сен менинг ҳаловатим, сен менинг юпанчим, сен менинг қувончим, сен менинг ишончимсан, мен ҳам бутун борлигим билан сеникиман!»— деди ўйнаш Еленага жавобан.

«Ундай бўлса, мени минг марта ўп — ўшанда гапларингга ишонманам»,— деди Елена. Шунда хуштор йигит уни кўксига маҳкам босиб қучоқлаганча, ундан минг марта эмас, юз минг мартадан ҳам зиёд бўса олди.

Елена ўз маҳбуби билан яна бир оз чақчақлашиб ётиб, кейин деди: «Юр, ўрнимиздан туриб қараб кўрамиз, сизнинг ишқингиздан кун бўйи аланга олиб ёняпман, деб менга мактуб ёзган янги ошинимнинг ўти ўчиб қолмадимикин».

Икковлари туришиб, яна ўша дераза олдига боришди-да, ҳовлига кўз ташлашиб, у ерда суяк-суягигача совуқ ўтиб кетган студентнинг ўз тишларининг такиллаши оҳангига оёқ ўйинига тушаётганини кўрдиларки, бунақанги тез ва жадал рақсни улар

умрлари бино бўлиб биринчи марта кўришлари эди. «Хўш, қувончим?— деб сўради Элена.— Энди кўраётгандирсан, ошиқларим менинг кўйимда оёқ ўйинига рақс тушишганда, уларга ҳеч қандай карнай-сурнайнинг ҳожати бўлмаслигини?»

«Кўряпман, о, садоатим менинг!»— кулиб туриб жавоб қилди унга маҳбуби.

«Юр, эшик олдига тушамиз,— деб таклиф қилди Элена.— Сен жим турасан — мен гапираман. Қизиқ, қани нима деркин. Балки унинг жавоби, ҳозирги аҳволдан ҳам кулгилроқ бўлар». Улар хонадан чиқишиб, оёқ учида эшик тагига яқин боришди, шунда Элена, эшикни очмаган ҳолда, калит тешигидан мўралади-да, пичирлаган овоз билан студентни чақирди.

Студент, чақиришаётганини эшитди-ю, ҳозир уйга кираман, деб умид қилиб, кўнглида худога шукрона ўқиди. «Шу ердан, бегойим,— деди у эшик тагига югуриб келиб,— азбаройи худо, эшикни очинг, мен совуқ қотиб кетдим!»

«Вой, шунчалик совуққа чидамсизмисан?— деди Элена.— Шуям совуқ бўптими — қор салгина учқунлаб ўтди, холос! Парижда бундан кўпроқ, ёғадикун! Эшикни ҳали очолмайман сенга — баттол акам овоқтланиб бўлибам кетмаяпти. Лекин ҳадемай кетади, кетган заҳоти эшикни очаман. Ёлғиз ўзинг зерикиб қолгандирсан, деб бир зумгагина зўрға чиқдим акамнинг олдидан».

«О, хоним!— дея ёлворди студент.— Яратган эгам ҳаққи, эшикни очинг, мени панага олинг,— аччиқ изғирин кун бўйи тинмади, ҳалиям суякни қақшатапти, панароқда бўлсам, қанча керак бўлса, шунча вақт кутавераман».

«Йложим йўқ, тасаддуқ,— деди Элена,— эшигим мойланмаган, гийичиллаб очилади, тагин акам эшитиб қолмасин, лекин мен ҳозир уни кузатиб юбораману дарров келиб эшикни очаман».

«Ўтинаман, тезроқ!— деб ёлворди студент.— Ҳа, дарвоқе, илтимос, буюриб қўйинг, ўчоққа кўпроқ ўт қалашсин, мен бу ерда совуқдан шамдек қотиб қолдим».

«Йўғ-э,— деб эътироз билдирди Элена,— ахир ўзинг менга, ишқингизда аланга бўлиб ёняпман, деб ёзувдинг-ку. Йўқ, ҳазил қиляпсан менга! Ҳай, мен борай, сен кўнглингни тўқ қилиб кут». Бу гаплардан ўйнашининг димоғи чоғ бўлиб кетди ва икковлари яна оромгоҳга қайтдилар, лекин бу кеча улар деярли ҳеч мижджа қоқмадилар: бутун тунни бир-бирларининг кўнглини овлаш ва студент устидан кулиш билан ўтказдилар.

Ташқарида эса, шўрнинг қурғур студент худди оч бўридай тишларини такиллаб зир югурарди; энди у ўзининг аҳмоқ қилинганини сал-пал сеза бошлаган эди, шунинг учун эшикни очмоқчи бўлиб ҳам уриниб кўрди, ичкарига кирадиган бошқа йўлни ҳам қидириб кўрди, лекин топа олмагач, худди қафасга тушган шердек бетоқат бўлиб, ўзини ҳар ёққа ураркан, ҳавонинг бузуқ авзойига ҳам, хотинларнинг макру ҳийласига ҳам, қиш кечасининг узунлигию ўзининг лақмалигига ҳам минг-минг лаънатлар ўқиди. У Эленадан шу қадар қаттиқ аччиқланган эдики, қалбидаги узоқ муддатли қайноқ муҳаббат дабдурустдан ваҳшиёна, жоҳилона

Ғазабга айланди ва энди у Эленадан интиқом олиш учун бир-биридан даҳшатлироқ воситаларни кўнглидан ўткази бошлади, зеро, унинг ҳозир интиқом олишга бўлган интилиши, ҳали яқингинада маҳбубасининг висолига етиш иштиёқидан кучлироқ эди.

Бу аёзли туннинг ҳеч ниҳояси йўқдек туюлар эди, ниҳоят, тонг ғира-шира ёриша бошлаганида, оқсоч қиз, бекасининг буйругига биноан ҳовлига чиқди, кўча эшикни очди ва чехрасида ачиниш аломати касб этиб, студентга деди: «Илоё, меҳмон бўлмай қуриб кетсин! Ушанинг касрига кечаси билан тинчимиз бўлмади, сен бўлсанг бу ерда совқотиб чиқдинг. Лекин сен хафа бўлма — бугун кечаси ундиролмаганингни кейинги сафар ундирасан. Бегойим бу кўнгилсизликдан шунақаям қаттиқ ранжидиларки, асти сўрама!»

Студентнинг қалбида ғазаб қайнарди, лекин у мулоҳазали одам бўлгани учун таҳдид — ўзи таҳдид остида бўлган одамнинг қуроли эканлигини яхши тушунарди, шунга кўра, у ғайри таскин ғазаби даъвати билан ташқарига отилиб чиқмоқчи бўлган аччиқ сўзларни дилида сақлаб қолишга уринди. У овозини баланд ҳам чиқармай, аччиғи чиққанини ҳам кўрсатмай, оқсочга шундай жавоб қилди: «Сирасини айтганда, бунақанги машъум тунни умримда ҳеч кўрган эмасман, лекин мен тушунаман, беканинг бунда ҳеч қандай айби йўқ. Боз устига, у менга ачинибди, бу ҳам етмагандай, ўзи келиб мендан кечирим сўраб, далда бериб кетди. Ахир ўзинг айтдинг-ку: бугун кечаси ундиролмаганингни келаси сафар ундирасан деб. Бегойимга мендан салом айтиб қўйишни унутма. Хўп, худонинг паноҳига топширдим!»

Студент совуқдан гужанак бўлиб, зўрга уйига етиб олди. Уйда у тунни бедор ўтказганидан ва қаттиқ толиққанидан ўзини тўшаққа отди-ю, ухлаб кетди; кейин кўзини очса, оёқ-қўли шол бўлиб қолгандай туюлди. У табибга одам юборди ва ўзининг қандай совқотганини сўзлаб бериб, даволаш чорасини кўришни илтимос қилди. Табиблар уни даволаш учун кучли ва тез таъсир этувчи дори-дармон қўлладилар ва ахири, орадан бир қанча вақт ўтгандан кейингина, мушакларига жон киритишга муваффақ бўлдилар, унинг оёқ-қўли яна аввалгидек ҳаракат қилиш қобилиятига эга бўлди, лекин агар у бунчалик ёш бўлмаганида ва кунлар илий бошламаганидами, ҳали узоқ вақт азоб чекиб ётган бўларди. Студент одек соғайиб, яна аввалги ҳолига қайтгач, ўз нафратини юрагининг теран ерига яшириб қўйиб, ўз қалби соҳибасига аввалги пайтдан ҳам кучлироқ ошиқ бўлиб қолгандек кўрсата бошлади ўзини.

Мана, ахири бир кун келиб, тақдир унинг ўз ниятини амалга ошириши учун имкон яратиб берди. Бева жувоннинг ўйнаши унинг севгисини поймол қилди ва бошқа бир аёлга шайдо бўлиб қолиб, Эленага тамомила бефарқ ва совуқ муносабатда бўла бошладими, бу ҳолдан Элена қаттиқ изтироб чекиб, кечаю кундуз тўхтовсиз кўз ёш тўка бошлади. Оқсоч гарчи бекасининг ҳолига жуда ачинаётган бўлса ҳам унинг бевафо маҳбубига интизорлигини қандай бартараф қилиш йўлини биллолмай гаранг эди. Бу пайт, сту-

дент ҳамон бир вақтлардагидек Эленанинг дарвозаси тагидан ўтиб турарди, буни кўрган оқсочнинг миясида бемаъни бир фикр, яъни бекасининг собиқ ўйнашини иссиқ-совуқ қилиш йўли билан қайта ром қилиб олиш фикри уйғонди, студентни эса, у иссиқ-совуқ қилиш бобида жуда ўткир азайимхон бўлса керак, деб ўйлади-да, шу мулоҳазаларини бекасига баён қилди. Беканинг ақли катта эди, шунга кўра, агарда студентнинг азайимхонликдан хабари бўлганида, бу илмидан ўз мақсади йўлида фойдаланган бўлмасмиди, деб ўйлаб ҳам ўтирмасдан, оқсочнинг гапига лаққа тушди-қўйди ва бу ҳақда студент билан гаплашиб кўришни, бордию студент бунга рози бўлса, хизмат ҳақи учун нима тиласа, ҳамма тилаклари бажо келтирилади, деб қатъий ваъда беришни буюрди.

Оқсоч бекасининг фармойишини аниқ ва ҳалол бажарди. Студент бу гапни эшитиб хурсанд бўлиб кетди. «Э худо, ўзингга шукур!— деди у ичида.— Сенинг мададинг билан пок муҳаббатимни топтаб, мени бадном қилган олчоқ хотиннинг жазосини берадиган кун ахири келди-я». Лекин оқсочга у бошқа гапларни айтди: «Қалбим соҳибасига бориб айтки, асло ташвиш тортмасин: агар маҳбуби Ҳиндистонга кетиб қолганида ҳам уни ўша ердан дарҳол чақириб олиб, бекангнинг кўнглини ранжитгани учун ундан узр сўрашга мажбур этган бўлардим. Энди хонимнинг қандай иш тутиши масаласига келсак, бу ҳақда у кўнгли тусаган вақтда ва ўзи хоҳлаган ерда мендан эшитади. Хуллас, сен бекангга бориб айт, ҳеч ғам эмасин». Оқсоч бориб, студентнинг гапларини бекасига айтиб берди ва Элена студент билан Санта Лючия дель Пратода учрашишга шартлашди.

Мана, Элена билан студент тайин этилган жойга боришиб, овлоқ бир ерда ўзаро суҳбат қила бошлашди, шунда Элена студентни совқоттириб ўлдириб қўйишига сал қолганини унутиб, ўша тунда бўлган ҳамма иш ҳақида унга очиқ кўнгли билан иқрор бўлди-да, ундан ёрдам беришини сўради, студент ҳам унга бундай жавоб қилди: «Эътироф этаманки, хоним, мен Парижда, бошқа фанлар қатори, азайимхонликдан ҳам таҳсил олганман, унинг сирлари менга аён дир,— илло, у куфрона илм бўлганлиги сабабли на ўзим учун ва на ўзгалар учун бўлсин, ҳеч қачон бунга амал қилмасликка онт ичганман. Ва лекин, мен сизни шунчалик қаттиқ севаманки, биронта ҳам илтимосингизни рад эта олмайман, бордию, агар мен ёлғиз шу қилмишим учун дўзахга тушадиган бўлганимда ҳам барибир, истагингизни бажарган бўлардим. Лекин сизни огоҳлантириб қўйишим керак — азайимхонлик жуда оғир иш, сиз тасаввур қилгандан ҳам машаққатлироқ ишким, айниқса, гап эркак кишини аёлга меҳр қўйишга мажбур қилиш ё аёлни эркакка севги изҳор этишга мажбур қилиш ҳақида борганда, бу иш жуда ҳам қийинчилик билан кўчади, чунки бу ўринда манфаатдор шахснинг иштирокисиз ҳеч иш қилиб бўлмайди, ундан кейин, ўшал манфаатдор шахс довюрак бўлмоғи лозим, зеро, бу ишни тунда, овлоқ ерда, яна шохидларсиз бажариш керак бўладики, билмадим, бу ишга сизнинг қурбингиз етармикин».

«Ишқ йўлида мен ҳамма нарсага тайёрман, фақат ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ мендан юз ўгирган йигитни яна ёнимга қайтарсам бўлгани,— дея жавоб қилди қалби жўшқин, аммо калтафаҳм Елена.— Лекин сен марҳамат қилиб айт-чи, менинг довиораклигим айнан нима билан ифодаланмоғи лозим?»

Шунда студентнинг кўзларида бадхоҳ ўт чақнади. «Мен, хоним, ўша сиз муҳаббатига қайта мушарраф бўлмоқчи бўлганингиз одамнинг тимсолини қалайдан ишласам керак,— деб жавоб қилди студент,— ўша ҳайкалчани сизга юборишим билан сиз тунда, одамлар энди уйқуга кетган, ой шуъласи анча хиралашиб қолган пайтда, қип-яланғоч бўлиб ечинишингиз ва қўлингизга ҳайкалчани ушлаб олиб, оқар сувга тушиб, етти марта шўнғишингиз, ундан кейин эса, шу қип-яланғоч ҳолингизча дарахтга ё биронта ташландиқ уйнинг томига чиқишингиз, сўнг юзингизни шимол томонга қаратиб, қўлингиздан ҳайкалчани қўймаган ҳолда, ҳали мен сизга ёзиб юборадиган бир неча оғиз дуо сўзларини кетма-кет етти марта такрорлашингиз керак бўлади. Сиз ўша дуони ўқиб бўлганингиздан кейин, қаршингизда нақ ҳур-ғилмонлардек хушсурат икки нафар қиз намоён бўлади, улар сиз билан салом-алиқ қилишгач, назокат билан истагингиз нимадан иборат эканлигини сўрашади. Сиз уларга ўз истагингизни маънили қилиб, муфассал баён қиласиз, лекин эҳтиёт бўлинг, тағин бошқа одамнинг номини айтиб ўтирманг. Шундан кейин қизлар ғойиб бўлишади, сиз ҳам шунда пастга тушишингиз ва кийиниб уйингизга қайтишингиз мумкин. Сизни ишонтириб айтаманки, маҳбубингиз эртаси куни кечасиёқ қошингизга келиб, кўз ёши тўкиб сиздан узр сўрайди ва шундан кейин, то ўла-ўлгувча сизни ҳеч кимга алишмайди».

Елена студентнинг гапларини эшитиб, ҳаммасига лаққа ишонди ва гўё орзусининг ярми ҳалитдан амалга ошгандек, қувончидан терисига сиғмай кетди; у ўйнашини яна ўз бағрига босиб қучоқлаб тургандек ҳис қилди ўзини. «Мендан кўнглинг тўқ бўлсин, ҳаммасини айтганингдан ҳам яхшироқ бажараман, боз устига, бунинг учун менда тўла имконият мавжуд,— деди аёл.— Юқори Вальдарнода, анҳорга яқин ерда менинг қўрғоним бор, ҳозир июль ойи — авжи чўмиладиган пайт. Эсимда, у ерда, анҳордан хиёл нарироқда эгасиз бир минора бор; унинг тепасига шоболут дарахтидан қилинган нарвон билан чиқса бўлади, баъзи-баъзида подачилар, подадан адашган битта-яримта молларини қидириб топиш ниятида шу минорага чиқиб, атрофни кузатадилар,— кўриб турибсанки, у ер овлоқ, хилват жой. Мен худди мана шу минорага чиқаман ва ҳамма айтганларингни аъло даражада бажараман».

Студент у жойларни жуда яхши билар, шунингдек, ўша минорани ҳам кўрган эди; у Эленанинг қатъий қарорга келганидан мамнун бўлиб, бундай деди: «Бегойим, мен у томонларда бўлган эмасман, на сизнинг кўрғонингизни, на ўша минорани кўрганман, лекин агар ҳаммаси сиз баён қилгандек бўлса, бошқа жойнинг ҳеч ҳожати йўқ. Бўлмаса, келишдик, бир оздан кейин сизга ҳайкалча билан дуоларни юбораман, лекин жудаям ўтиниб сўрайман сиздан: истагингиз амалга ошиб, сизга катта хизмат қилганимга ишонч

ҳосил қилганингиздан кейин, каминани ҳам эсласангизу берган ваъдангизнинг устидан чиқсангиз». Елена, бундан хотиринг жам бўлсин, деб айтди ва студент билан хайрлашиб, уйга қайтди.

Ўз режасининг ҳадемай амалга ошишидан қувониб кетган студент, ҳайкалча ясаб, унга ажи-бужи қилиб бир нималарни чизди, дуо ўрнига қаёқдаги бемаъни гапларни ёзди-да, унияма, бунияма Еленага юбораркан, бу ишни пайсалга солмасин: ўша ўзаро келишилган нарсани шу бугун кечасиёқ бажарсин, деб тайинлаб ҳам қўйди; ўзи эса, ёнига хизматкорини олиб, ўзи кашф этган найрангнинг натижасидан лаззатланиш мақсадида ўша минорага жуда яқин ерда турувчи бир дўстиникига хуфёна йўл олди.

Елена ҳам ўз оқсочи ҳамроҳлигида ўша ёққа йўл олган эди, кеч киргач эса, у ўзини гўё ҳозир уйқуга ётмоқчи бўлгандай кўрсатиб, оқсочини ётиб ухла, деб хонадан чиқариб юборди-да, ўзи энди одамлар уйқуга кетган пайтда уйдан ўғришча чиқди, Арно бўйида қад кўтариб турган минора тагига борди ва анча вақтгача ҳар томонга алаңглаб-алаңглаб қаради,— чор атроф сув қуйгандек жимжит эди, тирик жон кўрнимасди; шунда у ечиниб, кийимларини бута остига қўйди, қўлида ҳайкалча билан сувга етти марта шўнғиди, ундан кейин, шу қип-яланғоч ҳолича, қўлида ҳайкалча билан минора томон йўл олди. Студент ўз хизматкори билан кечқурунданоқ келиб, минора ёнидаги дарахтзорга яшириниб олганлигидан, аёлининг сувга қандай шунғиганини кўрди; кейин Елена тун қоронғисида қип-яланғоч ҳолда оппоқ баданини ярақлатиб, студентнинг ёнгинасидан ўтди, шунда унинг кўзи аёлининг сийнасига тушди, кейин унинг ҳамма ёнига бир-бир кўз югуртириб чиқди, қадди-қоматининг нақадар келишганлигидан ҳайратга келди ва сал вақт ўтар-ўтмас бу баданининг не аҳволга тушажанини кўз олдига келтириб, кўнглида ачинишга ўхшовчи бир ҳиссиётни сезди, лекин айни пайтда унинг шаҳвоний нафси кўзиб кетди ухлаб ётган бир нимасини ўрнидан туришга мажбур қилдики, ҳозир студент пистирмадан отилиб чиқишга, Эленани тутиб олиб, ўз нафсини қондиришга ҳам тайёр эди — қисқаси, у бир-бирига зид икки ҳиссиётдан эсанкирай бошлаган эди. Лекин у яна ҳушини йиғиб олиб, ўзининг қай вазиятда ва қандай таҳқирланганини эслаган эди, газаби яна қайнаб кетди-ю, дилида уйғонган ачиниш туйғусини ҳам, шаҳвоний нафс даъватини ҳам босиб, ҳар қандай йўл билан бўлса ҳам ўзи бошлаган ишни ниҳоясига етказишга азм қилди-да, Эленани йўлидан тўхтатмади. Елена минора тепасига чиқди ва юзини шимол томонга қаратиб туриб, студент ёзиб берган сўзларни талаффуз қила бошлади. Сал вақтдан кейин студент оҳиста писиб бориб, товуш чиқармасдан нарвонни олиб қўйди, сўнг минора бошида қолган Эленани пастдан туриб кузата бошлади.

Елена кетма-кет етти марта дуо ўқиб, кейин қизларни кута бошлади, у совуқдан дийдираб, то тонг отгунча кутди-ю, аммо қизлардан дарак бўлмади. Шунда у, студентнинг каромати тўғри чиқмаганлигидан дили сиёҳ бўлиб, беихтиёр шундай ўйга толди: «Бу студент ўтган йилги қиш оқшомининг қасдини олаётган бўл-

масин тагин? Агар шундай бўлса, бу ўринсиз қасос, негаки, бугунги тун у тунга қараганда уч карра қисқа, ундан кейин у пайтда қанақанги совуқ эдики». Шу чоғ, у кун ёришмасдан пастга тушиб олмоқчи бўлди, қараса нарвон ўрнида йўқ. Бу мушкулотдан аёлниги кўзи тиниб, юраги гурс-гурс тепа бошлади ва ҳушидан кетиб, йиқилди. Кейин яна ўзига келганида, аччиқ-аччиқ кўз ёши тўкиб, ўз қисматидан нолий бошлади. У буларнинг ҳаммаси студентнинг иши эканлигига тушуниб, афсус, уни бекорга хафа қилган эканман, деб ўйлади, шу билан бирга, асосли равишда ўз ғанимим деб билиши керак бўлган бу одамга сирини ишонгани учун ўз-ўзини койий бошлади. Шу алфозда орадан анча вақт ўтди. Елена бошқа бирон восита билан минорадан тушишнинг иложи бормикин, деб ҳамма ёқни кўздан кечириб чиқиб, таскин берадиган ҳеч нима топа олмагач, қаттиқ умидсизликка тушди ва яна йиғлаб, нола чека бошлади: «Шўргинанг қурсин, Елена! Агар оғаларинг, хешларинг, қўни-қўшнилару, бутун Флоренция сени бу овлоқ биёбондан қип-яланғоч ҳолда топишганини эшитишса, нима деган одам бўласан? Шу кунгача пок номингга ҳеч қандай доғ тушмаган эди, энди бўлса, одамлар сени алдоқчига чиқариб қўядилар. Башарти сен бу бадномликдан бир иложини қилиб қутулсанг ҳам (иложини топиш-ку, унча қийин эмас-а), бутун сир-асорингдан воқиф бўлган анави ярамас студент барибир шармандангни чиқаради. Одамзод шунчалик ҳам шўрпешона бўлиб яратиладими: бир вақтда ҳам бир умрга севган маҳбубингдан, ҳам ўзингнинг пок номингдан жудо бўлиб ўтирсанг-а!» Шу ерга келганда Елена шундайин руҳий изтироб чека бошладики, сал бўлмаса ўзини минорадан отиб юборай деди.

Бу маҳал қуёш чиқди ва Елена, пода боқиб юрган биронта подачи бола кўринмасмикин, кўринса уни оқсочимнинг олдига юборардим, деган фикр билан минора чеккасига яқин бориб, теваракатрофга кўз юрита бошлади, шу чоғ бута остига ётиб мизғиган студент ҳам уйғониб кетиб, кўзи Еленага тушди, Елена ҳам уни кўрди. «Салом, хоним! Хўш, қалай, қизлар келишдими?!— деб сўради йигит.

Элена студентни кўриб ва унинг киноясини эшитиб, яна ҳўнграб йиғлаб юборди, сўнг у билан гаплашмоқчи эканлигини айтиб, минорага яқинроқ келишини илтимос қилди. Студент бу илтимосга лутфан итоат этди. Елена ерга ётган эди, туйнукдан энди унинг фақат боши кўриниб турди ва шу алфозда ётганча йиғи аралаш гапира бошлади: «Сен, Риньери, мен туфайли аёзли тунни азоб чекиб ўтказган эдинг, лекин бу кеча, мендан ўша тун учун ёмон ўч олдинг: гарчи ҳозир июль ойи бўлса ҳам совқотиб қоламан деб ўйладим; ахир эгнимда ҳеч нима йўқ-да. Бунинг устига, ўшанда сени лақиллатганим ва эндиликда аҳмоқ бўлиб сенга ишонганим учун кечаси билан йиғлаб чиқдимки, кўзларим ситилиб оқиб тушмаганига ҳайронман. Айтмоқчиманки, менга бўлган муҳаббатинг ҳаққи, илтижо қилмайман — зеро, энди мени ҳеч қачон севмагайсан,— менга мурувват қил: мендан олган шу қасосинг билан чеклану бошқа ўч олма. Бу минорадан одам қиёфасида тушишим

учун менинг кийим-бошимни опкелтириб бер ва пок номимни бул-
гама — зеро, кейин, сен қанча уринсанг ҳам уни додан тозалашга
қурбинг етмайди. Ўша қиш кечаси сени ёнимда бўлишингга йўл
қўймаган эдим — энди, ўша бир кеча эвазига сенга беҳисоб тун-
ларни бахшида қиламанким, бунинг учун фақат сенинг хоҳишинг
кифоя! Қисқаси, қасосингга шу ерда чек қўй. Сен номусли одам-
сан, бинобарин, мендан қасдингни ола олганинг ва буни менга
исботлаганингни ўзи билан чеклаиб қўя қол. Аёл кишини бун-
чалик хўрлама — кабутар устидан қозонилган зафар бургутга
шуҳрат келтирмайди. Худо ҳаққи ва ўз номусинг ҳаққи, шафқат
қил менга!»

Ғазабни қайнаган студент ўз бошига тушган ўша аламли тунни
қайта ва қайта эслаганча Эленанинг зор-зор йиғлаши ва илтижо-
сини тингларкан, қалбида мамнуният туйғуси билан шафқат туй-
ғуси ўртасида кураш борарди: мамнуният қасос олишдан вужудга
келган эди, — қасос олишни у дунёда ҳамма нарсдан ортиқ қўм-
сарди, — аини пайтда, шафқат унга одампарвар бўлишга даъват
этарди: бу ҳиссиёт мушкул аҳволга тушган одамга нисбатан ҳам-
дардлик уйғотарди унинг қалбида. Лекин шунга қарамай, одам-
парварлик туйғуси ундаги бадхоҳликни сиқиб чиқаришга ожизлик
қилди ва шундай жавоб қайтарди. «Элена! Агарда сенинг қорга
қўмилган ҳовлингга совқотганим ўша тунда менинг нолаларимга
(афсуски, сенга ўхшаб ўз ноламга кўз ёши ва шакаргуфторликни
омихта қила олмаганим ўшанда) заррача бўлсин, қулоқ осиб, бир
зумгагина исингани уйингга киритганинга эди, ҳозир сенинг
ўтинчларингга қулоқ осимиз менга ҳам осон кўчган бўларди. Ле-
кин агарки, пок номинг ўзинг учун азиз экан, — дарвоқе, ўшанда
номингни бунчалик ғамини емаган эдинг, — баски, кийиминг йўқ-
лигидан истиҳола қилаётган экансан, ўша ўзинг билган тунда,
ҳовлингга менга қор топтатиб ва совуқдан тишларимни такилла-
тиб юрганимни эшитган ҳолда кимнинг қучоғида қип-яланғоч
ётган бўлсанг, ҳозир ҳам ўшанга ёлвор, майли, ўша сенга ёрдам-
га келсин, ўша сенга кийим-бош олиб келсин, ўша сенга нарвон
қўйиб берсин, ўшал аёзли тундаям, бошқа жуда кўп вақтларда
ҳам шу йиғит деб, ўйламай-нетмай буллаган пок номингнинг ғами-
ни ўша йиғитинг есин. Нега ун чиқармаяпсан? Ахир сени ўша
халос этмаса, ким халос этиши мумкин яна? Сен ахир ўшанга те-
гишлисан. Ахир сен турган ерда у кимни муҳофаза қилади-ю, ким-
ни озод этади? Чақир ўша йиғитингни, э, андишасиз хотин, ана
шунда, муҳаббатингнинг унга қанчалик қор қилишига ўзинг шохид
бўласан, қани, сенинг удабуронлигинг билан жазманингниг удда-
буронлиги қўшилиб, менинг телбалигим, бефаросатлигимдан сени
халос этишга қодирмикин, — ахир ўша тунда ўзинг йиғитинг билан
ўйнашиб ётиб, қайси бири кучлироқ экан, студентнинг бефаросат-
лигими ё менинг сенга бўлган муҳаббатимми, — деб сўраган экан-
сан-ку. Сени огоҳлантириб қўяй, мен хоҳламай қўйган нарсангни
менга таклиф қилиб энди овора бўлмай қўя қол, ҳолбуки, агар мен
ўшанингни ҳозир хоҳласам, ҳозир рози бўлган бўлардинг. Ўша
оромбахш тунларингни ўйнашинг учун асраб қўй, агар бу тузоқдан

тирик қутулиб чиқиб кета олсанг, албатта. Мен у туларни ўзларингга бахшида қиламан — менга ўша бир кечанинг ўзи ҳам кифоя қилади, мени бир марта мазах қилганларинг ҳам етади. Ҳозир сен кўнглимни юмшатишга, менга хушомад қилишга уринасан, атайлаб мени дённатли, номусли одам деб таърифлайсан, қандай қилсам қилган олчоқлигим учун менга азоб бермас экан, деб ўйлаб, усталлик билан менинг ҳимматимдан фойдаланмоқчи бўласан, лекин сенинг қуруқ ваъдаларингга ишониб кўр бўлган қалб кўзларимни энди бу хушомадларинг бўйи олмайди. Энди менинг кўзим пишган, ўзим чиниққанман: мен Парижда шунча вақт яшаб ҳам сенинг шарофатинг билан уюштирилган ўша аёзли тундаги-чалик чиниқмагандим. Бордию сенга мурувват ҳам қилдим дейлик, ахир сен ундай мурувватга лойиқ эмассан-ку: агарда мендан инсон боласи шафқат сўраганида эди, шу қилган ишмнинг ўзи билан кифояланган бўлардим, лекин сен каби ваҳшийлар ўз ёвузликларини фақат ўлим билан ювишлари шарт ва улардан фақат шу йўсинда ўч олмоқ лозимдир. Мен бургут эмасман, лекин сен ҳам кабутар эмассан, балки заҳарли илондирсанким, вужудимдаги бутун нафратим билан сени энг ашаддий душманим сифатида таъқиб этажакман; ундан кейин, мен сени гирифтор қилган нарсани қасос деб ҳам бўлмайди — аниқроғи, бу жазодир, зеро, қасос таққирдан даҳшатлироқ бўлиши керак, мен олаётган қасос эса, ҳақиқий қасос эмас: агарки, мен қонунан ўч олишни хоҳлаганимда эди, менга кўрсатган бадкорлигингни назарда тутган ҳолда, сени ўлдирсам ҳам — нафақат сени, юзлаб сенга ўхшаганларни ўлдирганимда ҳам, — кам бўларди, чунки мен бор-йўғи қабоҳат ва разолат уяси бўлган бир мурдор хотиннинг жонини олган бўлардим. Азбаройи шифо, шу кўҳликкина башаранг бўлмаганда, энг бориб турган оқсочдан қаеринг ортиқ бўларди? Дарвоқе, шу башаранг жуда тез орада бадбашара бўлади, чунки йиллар уни ажинлар билан қоплайди. Буни қараки, ҳозир ўзинг эътироф этгандай, мендай дённатли одамнинг шу башара деб ўлиб кетишига сал қолган эди; сенга ўхшаганлардан юз мингтаси йиғилиб, то умрларининг охиригача ҳаракат қилганда ҳам ёлғиз менинг одамларга бир кунда келтирган фойдамчалик наф келтиролмайдилар. Қисқаси, мен соғлом ақл соҳиблари устидан кулиш қанақа бўлишини, маърифатли кишиларни мазах қилиш қанақа бўлишини сенга кўрсатиб қўяман, мен сени бундай бемаънигарчиликларга иккинчи қўл урмайдиган қилиб ўргатиб қўяман, агар ўлмай тирик қолсанг, албатта. Борди-ю, минора бошида ортиқ туришга сабринг чидамаётган бўлса, нега унда ўзингни у ердан отмаясан? Агар, худонинг мадади билан бўйнинг узилгудек бўлса, ўзингни ҳам азобдан халос этган бўлардинг, — назаримда, чиндан ҳам азоб чекаётганга ўхшайсан, — мени ҳам бу дунёда энг бахтнёр одамга айлантирган бўлардинг. Сенга бошқа ҳеч нарса демайман, мен шундай ҳаракат қилдимки, оқибатда сен минора бошига чиқиб олдинг, — энди сен шундай қилгинки, худди менинг устимдан кулишга қандай журъат этган бўлсанг, минорадан тушишга ҳам шундай журъат эт».

Студент гапираётган пайтда шўрпешона аёл дув-дув кўз ёши тўкиб ётди. Вақт эса ўтиб борар, қуёш ҳам тобора юқори кўтариларди. Студент жим қолгач, Елена гапира бошлади: «Гапимга қулоқ сол, о, бағритош одам! Агарки, ўша машъум тун сенга шунчалик қимматга тушган экан ва менинг ўшандаги қилмишим сенга шу қадар мудҳиш бўлиб туюлаётган экан, ҳатто менинг ёш умрим ҳам, чиройим ҳам, аччиқ-аччиқ кўз ёшларим ҳам, ялиниб-ёлворишларим ҳам сенинг раҳмингни келтирмаётган экан, унда сенга тўла ишонч билдириб, бутун сирларимни очганлигим кўнглингга раҳм солсин, бешафқат жаҳолатингни юмшатсин,— ахир сенга ўз сиримни очиш билан мени инсофга келтиришинга имкон туғдириб бердим-ку, зеро, агар мен сенга ишониб, сирларимни очмаганимда, сен мендан қасос ола олмаган бўлардинг, ҳолбуки, сенинг бутун фикру зикринг мендан қасос олиш эди! Қўй, шайтонга ҳай беру мени энди кечир! Агар сен мени кечирсанг ва бу ердан халос қилсанг, мен ўша енгилтак йигитимдан воз кечаман, ана унда менинг яккаю ягона маҳбубим ва соҳибим ўзинг бўлиб қоласан, гарчи сен менинг ҳусну жамолимни ҳеч қадрламаётган ва уни умри қисқа ва аввалгидек жозибали эмас, деб таъкидлаётган бўлсанг ҳам. Ҳолбуки, менинг ҳусним қанақа бўлмасин, у ҳар қандай аёлнинг ҳусни сингари ҳеч бўлмаганда навқирон йигитларга ҳаловат, лаззат ва хушҳоллик бағишлайди, менинг билишимча, мана, сен ҳам қари эмассан. Гарчи сен менга шу қадар қаттиқ зулм ўтказаетган бўлсанг ҳам барибир менинг шармандаларча ўлимимга шохид бўлишни зорниқиб кутаётганингга, аламимга чидай олмай, сенинг кўз олдингда, ўзимни минорадан ташлашимни хоҳлаётганингга асло ишонмайман, чунки ҳозир сен қанчалик инкор этишга уринсанг ҳам бир вақтлар мафтун кўзларингни менинг жамолимдан узолмаган эдинг. Худо ҳаққи, менга шафқат қил, ортиқ қийнама мени! Қуёш баданимни куйдирыпти. Кечаси мен совуқдан изтироб чеккан эдим, энди бўлса жазирама офтобга бардош беролмаянман!»

Еленани гап билан тинкасини қуритиш студентга хуш ёқаётган эди, шунинг учун у яна гапга тушиб кетди: «Елена! Сен мени севганлигинг учун сирингни менга очганинг йўқ, балки йўқотган нарсангни яна ўз қўйинингга қайтариш ниятида сирингни очдинг,— демакки, сен ҳозиргидан ҳам бешбаттар жазога лойиқсан. Ундан кейин, сендан интиқом олишим учун менда фақат битта имконият бор эди, деб хато ўйлабсан. Менинг ихтиёримда қасос олиш усуллари беҳисоб эди, ўзимни сенга аввалгидек ошиқ қилиб кўрсатиб, теварак-атрофингга анча-мунча тузоқ қўйган эдим, ҳатто агар сен бу тузоққа илинмаган тақдирингда ҳам бир оз вақт ўтиши билан албатта бошқа тузоғимга илинардингким, у тузоқда ҳолинг ҳозиргидан ҳам забунроқ ва уятлироқ бўлган бўларди; лекин мен айнан шу усулни, бошингга тушган кўргиликни енгиллатиш учун эмас, балки барча қасослар ичида энг антиқаси бўлгани учун тасладим. Борди-ю, қасоснинг биронта ҳам усули менга қўл келмаган тақдирда ҳам ҳеч бўлмаса, қўлимда қаламим қоларди ва мен сен тўғрингда шунча кўп ва шунақа гапларни ёзган бўлардимки, бун-

дан хабар тонганнигда,— хабар топмаслигинг асло мумкин эмас,— онадан туғилганинга минг марта пушаймон бўлган бўлардинг. Қаламнинг қудрати, одамлар ўйлагандан бениҳоя даражада кучлидир, буни фақат ўз бошларидан кечирмаган одамларгина эътироф этмайдилар. Азбаройи шифо, онт ичиб айтаманки,— эй, худо, қасосининг ибтидосини қандай кўнгилли бошлаб берган бўлсанг, унинг интиҳосига ҳам шундай кўнгилхушлик ато эт,— сенинг тўғрингда шундай нарсаларни ёзган бўлардимки, нанки бошқалардан, ўз-ўзингдан ҳам хижолат бўлиб, ўз нусхангни кўрмаслик мақсадида, кўзларингни ўйиб олган бўлардинг,— бинобарин, жиқганинг сувини ўзига қўшиб олгани учун денгиздан упкалама! Мен боям айтган эдим, сенинг севгинга энди муштоқ эмасман, сени тасарруф этишни истамайман, деб. Агар қўлингдан келса, яна ўша собиқ хушторнинг билан кўнгилхушлик қилавер,— илгари уни кўришга кўзим йўқ эди, энди бўлса, сенга қилган муомаласи учун уни яхши кўриб қолдим. Сиз, аёллар, ёшларга ошиқ бўлиб, уларнинг пайига тушасизлар, чунки уларнинг ранг-рўйлари соғломроқ, соқоллари қорароқ, шунинг учунки, улар ҳамма нарсани эплайдилар: базмларда ҳам ўзларини кўрсата оладилар, мусобақаларда ҳам беллаша оладилар, лекин кексалар ҳам бу ишларни аъло даражада бажара оладиларким, ўша ёш-яланглар улардан ҳали сабоқ олишса бўларди. Бундан ташқари, сиз, аёллар, ёш йигитларни чавандозликка устароқ ва ҳар куни от миниб, катта ёшдагиларга нисбатан кўпроқ масофани босиб ўта оладилар, деб ҳисоблайсизлар. Бу фикрингизга мен ҳам қўшилишаман: дарҳақиқат, улар бир улоқ чопишга тушиб кетсалар, ҳадеганда тўхтатиб бўлмайди, лекин ёшни улуғ кишилар, бой тажрибага эга бўлганлари сабабли, ёшлардан фарқ ўлароқ, улоқнинг энг хуш ёқадиган пайтини яхши биладилар. Кўп бўлиб, бемаза бўлганидан, оз бўлиб, мазали бўлсин, дейдилар. Жонни жабборга бериб от чоптириш кишини ҳам толиқтирадн, ҳам силласини қўрилади, лекин кимда-ким,— ҳо ёш бўлсин, ҳо кекса,— ҳовликмасдан, отини одимлатиб юрса, қўзлаган манзилига сал кечроқ бўлса ҳам кам куч сарфлаган ҳолда етиб олади. Сизлар — бефаросат махлуқларсиз, сирти ялтироқ нарсанинг ичида қанча адоват ётишини ўйламайсиз ҳам. Ёш йигитлар ҳеч қачон бир аёл билан қаноатланмайдилар; уларнинг қўз олдидан қанча аёл ўтса, ҳар бирига шаҳвоний ҳирслари уйғонади, зеро, улар, дунёда биз муносиб бўлмаган биронта ҳам аёл йўқ, деб қатъий ишонадилар; мана шунинг учун ҳам уларнинг муҳаббати беқарор бўлади,— сен ҳам бу аччиқ ҳақиқатни ўз бошингдан кечирдинг. Аёллар бизнинг кўнгилимизни овлашлари, эркалашлари шарт деб ҳисоблайдилар ёш йигитлар, шу билан бирга, уларнинг дунёда энг севган нарсалари — хотинлар устидан қозонган ғалабалари билан мақтанишдир, шунинг учун ҳам кўпчилик аёллар роҳибларни афзал кўрадилар — улар, ҳеч бўлмаганда ҳеч кимга лом-мим деб оғиз очмайдилар-ку. Сен ҳали, ишқий саргузаштларинг ҳақида оқсочингу мenden бўлак ҳеч ким ҳеч нарса билмайди, деб ўйласанг керак, лекин янглишасан; агар шундай ўйласанг, чакки қиласан, аммо

чинданам шундай ўйлаётганинг кўриниб турибди. Ўйнашининг ҳам, сенинг ҳам маҳалларда ҳамма фақат сенларни гапирди, лекин аксари пайтларда, бу гаплар эгасини энг охириги навбатда топади. Шу айтганларимга илова ўлароқ, ёш йигитлар сизларни шипшийдам қилиб кетади, ҳолбуки, ёши улуг кишилар совға-саломга кўмиб ташлайди. Қисқаси, ўйнаш танлашда дидинг йўқ экан, ҳай, майли, измингни топширган ўша йигитинг билан яшай-вер, сен мени бир марта майна қилган эдинг — энди бўлса, мени бошқа аёлнинг қайноқ қучоғидан маҳрум этма: мен сендан ўлса ўлиги ортиқ аёлни топганман, у сен эмас — қадримга етди! Гапларимга ишонмаслигинг мумкин, лекин кўзларимга тикилсанг, ўз жонингга ўзинг қасд қилишингни қанчалик орзиқиб хоҳлаётганимни кўрасан,— айтмоқчиманки, мана шу охириги таассуротни ўзинг билан нариги дунёга олиб кетиш учун тезроқ ўзингни минорадан ташла, шунда, ҳалитдан Азроилнинг чанғалида питирлай бошлаган руҳинг (бунга имоним комил), минорадан қандай тезлик билан йиқилаётганингни кўрганымда, юзимда ўзгартиш бўлиш-бўлмаслигини кўради. Шундаям, мен аминманки, бу ишинг билан мени хурсанд қила олмайсан: ундан кўра, гапларимни қулоғингга қуйиб ол: агар қуёш баданингни куйдираётган бўлса, мени қандай совуққа қотирганингни эсла, агар бугунги офтобнинг тафти билан ўшандаги аёзнинг қаҳрини таққосласанг, муқаррар, бугун кун жудаям айтарли иссиқ эмас, деган хулосага келасан».

Соғ қолишдан умидини узган Елена, студентнинг ҳамма гаплари ягона бир мақсадга — ваҳшиёна мақсадга қаратилганини кўриб, яна кўз ёшларини дув-дув тўкиб йиғлай бошлади. «Қулоқ сол! — деди у. — Ҳамонки, мен кўнглингни раҳм солишга ожиз эканмен, ҳеч бўлмаса, ўша аёлга бўлган муҳаббатинг ҳаққи, менга раҳм қил: айтган гапларингга қараганда, у аёл мендан ақллироқ экан, у сени севаркан — кел, шу аёл ҳаққи, менинг узримни қабул қил, менга кийим-бошимни олиб келиб беру бу ердан тушишимга кўмақлаш».

Студент кулиб юборди; бу маҳал вақт соат ўнга яқинлашиб қолган эди. «Бу бошқа гап,— деди студент,— баски, сен шундай дилбар аёл ҳаққи, мендан илтимос қиларкансан, гапингни қайтаролмайман. Айт, кийимларингни қаерга яширгансан,— олиб келиб, кейин сени пастга тушириб қўяй».

Елена унинг гапига лаққа ишонди, кўнгли кўтарилиб кетиб, кийимлари қаерда ётганини айтиб берди. Студент хизматкорига, бу ердан узоққа кетмасликни, то қайтиб келгунча ҳеч кимни минорага йўлатмасликни буюриб, ўзи дўстиникига жўнади, у ерда роса мириқиб овқатланди, овқатдан кейин эса, ётиб дам олди.

Минора бошида қолган Елена, алдамчи умиддан бир оз таскин топиб, лекин шунда ҳам жуда маъюс ҳолда, минора деворининг зиғирдаккина бўлса ҳам соя бериб турган ерига суяниб ўтирди-да, студентнинг келишини кутиб, аламли хаёлларга толди. У анча вақтгача ўй ўйлаб, диққати ошиб ўтирди, у кийим-бошини олиб келишларига гоҳ ишониб, кўнгли ёришар, гоҳ яна ишонмай, умидсизликка тушарди, хуллас, унинг ўйлари айқаш-уйқаш бўлиб

кетган эди, ниҳоят, бу мусибатдан дили вайрон бўлган, тунни бедор ўтказиб толиққан Елена ухлаб қолди. Вақт тушга яқинлашиб қуёш беаёв қиздира бошлади. Қуёш шуъласининг тиги энди Эленанинг нозик, момик баданига, яланг-бошига найзадек тик туша бошладикки, бунинг оқибатида, баданининг офтоб теккан ерларидаги териси куйиб, тарс-тарс ёрилиб кетди. Қуёш шу даражада қаттиқ қиздира эдики, Елена гарчи қотиб ухлаб қолган бўлса ҳам барибир, уйғониб кетди. У бадани куйиб огрий бошлаганига чидолмай, ўрнидан қўзғалган эди, назарида офтобда куйган терисининг ҳамма ери ёрилиб, худди қовжираган суратнинг бўёги сингари шилиниб кўчиб тушгандек туюлди. Унинг боши лов-лов ёнаётган эди — сабаби маълум эди, албатта. Минора тупроғи шу қадар қизган эдики, унга на ўтириб бўларди, на оёқ босиб, шунга кўра Елена, фарёд чекиб, мудом бир ердан иккинчи ерга қочарди. Бу ҳам камдек, қилт этган шамол турмаганлигидан, минорани пашша ва сўналар босиб кетгани; улар Эленанинг ялангоч баданига қўниб, шундай огритиб чақардиларки, назарида, гўё баданига найза санчилаётгандек туюларди, шунинг учун у тўхтовсиз ўзини пашшаю сўналардан қўриркан, ўзига, ўзининг ёруғ жаҳонга келганига, ўйнашига ва студентга лаънат ёғдирарди. Силласи қуриган, қаттиқ изтироб чеккан, ақл бовар қилмайдиган иссиқдан, офтоб шуъласидан, пашшалардан, сўналардан, очликдан, алалхусус, ташналикдан, булар ҳам етмагандай — миясида ғужғон ўйнаётган нохуш ўйлардан азобланаётган бу аёл, оқибати нима бўлишидан қатъий назар, дод солиб, одамларни ёрдамга чақирмоқчи бўлди ва бу яқин ўртада биронта тирик жон кўринармикин ё бирон кишининг овози эшитилармикин, деган умид билан бўйини чўзиб атрофга кўз югуртира бошлади. Аксига олиб, зулмкор қисмат унинг бу умидини ҳам пучга чиқарди. Бугун кун жуда қизиб кетганлиги сабабли деҳқонлар дала ишларини тўхтатишиб, ҳар ким ўз кўрғони олдида буғдой янчиш билан машғул бўлган эди. Эленанинг қулоғига фақат чигирткаларнинг чириллаши эшитилар, кўзига эса, Арно дарёси кўринарди, у дарёнинг мавжланиб оқишни кузатаркан, чанқоғи қониш ўрнига, бешбаттар зўрайди. Чор атрофда кўринган соя-салқин дарахтзорлар, кўрғонлар уни ўзига ром қилган эдилар. Бу бахти қаро аёл тўғрисида сизга яна нималарни айтай? Жазирама офтоб, миноранинг чўғдек қизиган ери, сўна ва пашшаларнинг чақши аёлни бадбашара қилиб юборди; ҳали яқингинада унинг оппоқ бадани тун зулматидан устун чиқаётган эди, энди бўлса, аъзойи бадани бабоқ хўрознинг тожисидай қизариб кетган, ҳамма ёғи қонаб яра-чақа бўлган эдики, унга қарашдан ҳам қўрқарди киши.

Элена, ўзини биронта одам бу бандиликдан озод қилишидан энди умидини узиб, шу кунимдан ўлганим минг марта яхши, дея ўйлай бошлади. Ниҳоят, соат бир яримда студент уйғонди, Эленани эслаб, унга нима бўлдийкин, деб ўйлади-да, кўргани бориб, қорни очган хизматкорини овқатлангани жўнатиб юборди. Ҳолдан тойган, кўп азоб чеккан Елена, студентнинг қайтиб келганини эшитиб, туйнук оғзига яқин бориб ўтирди ва йиғлаб туриб, гапира

бошлади: «Риньери! Қасос олишни жудаям ошириб юбординг; мен сени тунда ҳовлида совқоттирган эдим, сен бўлсанг кундузи, минора бошида мени офтобда қовуряпсан, аниқроғи — жизғанак қиляпсан, бунинг устига, овқатдан ҳам, сувдан ҳам сиряпсан. Худо ҳаққи, бу ёққа чиқ! Ҳазимни-ҳазим ўлдиримизга юрагим дов бермаяпти, шунинг учун ҳам сенга илтижо қилмоқчиман: ўлди мени! Мен шунчалик изтироб чекапман, шунчалик қийналяпманки, ҳозир бирдан-бир орзум — ўлимдир. Агар сен шу марҳаматингни ҳам мендан аясанг унда, буюр, ҳеч бўлмаса, менга сув беришсин, қовжираган лабларимни ҳўллаб олай — томоғим қақраб, бутун ичим ўт бўлиб ёняптики, унинг тафтини босиш учун кўз ёшларимнинг ўзи кифоя қилмаяпти».

Студент унинг овозини эшитиб, жудаям ҳолсизланиб қолганини тушунди, туйнукдан эса, унинг офтобда қанчалик куйиб кетганини кўрди, шунда у, Эленанинг ҳазин овозидан ва қандай аянчли қиёфага тушганидан таъсирланиб кетиб, унга нисбатан кўнгилида қандайдир шафқатнамо туйғу уйғонганини сезди-ю, лекин барибир, у аёлга шундай сўзлар билан мурожаат қилди: Йўқ, ярамас хотин, ўлгинг келаётган бўлса, ўз жонингга ўзинг қасд қил — мен сенга қўл урмайман, сув масаласига келсан, мени уйингга олиб кириб иситган бўлсанг, мен ҳам сени шундай чанқоғингни қондираман. Аммо мени бошқа бир нарса ранжитяпти; мен баданимнинг совуқ олган ерларига иссиққина бадбўй тезак босган эдим, сенинг куйган ерларингга бўлса салқин ва хушбўй гулоб малҳам бўлади; мен қонимнинг захарлангани оқибатида бир ўлимдан қолган эдим, сен бўлсанг, бамисоли илондек пўст ташлайсану яна аввалги ҳусн-жамолингни тиклаб оласан».

«Ҳусним ўз бошимга битган бало бўлди! — деди Елена. — Энди мен энг ашаддий душманларимгагина тилайман гўзалликни. Сен бўлсанг, йиртқич ҳайвондан ҳам ваҳшийроқсан: мени бунчалик азобга солиш учун бунча жаҳолатни қаёқдан олдинг? Агарда менинг хоҳишим билан жамики қариндошларинг ваҳшиёна қийноққа солиб ўлдирилса, унда нима қилардинг мени? Сен мени офтобда жизғанак қилиб куйдирдинг, бешафқат пашшаю сўналарга ем қилдинг, лекин бутун бир шаҳарни харобазорга айланишига сабабчи бўлган хонин учун бундан оғирроқ жазо кашф этиш мумкинми? Бу ҳам етмагандай, сен менга сувни ҳам раво кўрмадинг, ваҳоланки, ҳатто дор тагига олиб кетилаётган қотилларга ҳам неча марта сўрашса шунча марта май тутадилар. Қарасам, бу дарғазаб шахтингдан қайтмайдиганга ўхшайсан, мен бардош бераётган қийноқлар сенга заррача ҳам кор қилмаяпти, — иложим қанча, мен ажалимни ожизона кутаман, илоё, парвардигорнинг ўзи руҳимни халос этсин! Ҳазининг серҳиммат нигоҳини менга кўрсатаётган сенинг зулмингга қаратишни ундан илтижо қилман».

Елена шу сўзларни эшитиб бўлгач, барибир жазирама офтобдан қочиб қутулиб бўлмаслигёга кўзи етиб руҳи тушиб кетди ва инқиллаб-синқиллаб миноранинг ўрта ерига судралиб борди. Бир неча марта у, ё ташналикдан, ё бу ваҳшиёна азобдан ҳозир ўлиб

қоладигандек ҳис қилди ўзини ва бу бедодликдан зорланиб, ово-
зининг борича оҳ уриб нола чека бошлади.

Ва лекин кечга бориб, студент, менга шунинг ўзиям кифоя,
деган қарорга келди-да, хизматкорига Эленанинг кийим-бошини
олиб, плашига ўрашни буюрди, ўзи эса, бахти қаро аёлнинг уйига
йўл олди, борса, уй остонасида ниҳоятда саросимага тушган ғам-
гин ва маҳзун оқсоч турибди. «Жонидан, бегойинг қаерда, айтол-
майсанми?»— деб сўради студент.

«Билолмадим, мессер,— дея жавоб қилди оқсоч.— Эрталаб
турганимда, хоним ухлаб ётган бўлсалар керак, деб ўйловдим,—
негаки, кечқурун ўрниларига ётаётганларини ўз кўзим билан кў-
рувдим,— аммо ҳеч ерда йўқлар. Ҳайронман, нима бўлдийкин,
хавотир олавериб, жинни бўлиб қолаёздим. Сиз, мессер, бекам
ҳақида ҳеч гап эшитмадингизми?»

«Аттанг, сен ҳам бекамг билан бирга қопқонга тушмадинг-да,—
сендан ҳам қасдимни олган бўлардим!— деб жавоб қилди оқсоч-
га студент.— Лекин барибир, мендан қочиб қутулолмайсан, кўр-
сатган найрангларинг учун чунонам доднингни берайки, ҳар сафар
эркак одамни гел қилишни хоҳлаб қолганимда, дарҳол мени
эслайдиган бўлгин». Шундай дея у хизматкорига юзланди: «Ки-
йим-бошини бер бунга, кейин бекасининг қаердалигини айт, хоҳла-
са олдига бораверсин».

Хизматкор хўжасининг буюрганини қилди. Оқсоч бир қараш-
даёқ бекасининг кийимларини таниди, ҳозир студентдан эшитган
гаплари эса, кўнглида, бекамни ўлдиршибди, деган шум фикрни
уйғотди ва даҳшатдан дод солиб юбораёзди. Студент жўнаб кетган-
нидан кейин эса, у ҳўнграб йиғлаганча, минора томон югуриб
кетди.

Уша кун Эленанинг хизматкорларидан бирининг иши чатоқ
бўлди: иккита чўчқани йўқотиб қўйди. У чўчқаларни узоқ вақт
қидирди, олазарак бўлиб ҳамма ёқни кўздан кечирди ва ахири,
студент кетиб, Элена ёлғиз қолган пайтда, юра-юра ўша минора
тагига бориб қолди, шунда тўсатдан қулоғига бахти қаро аёлнинг
мунгли ноласи эшитилди, хизматкор, нола чекаётган ким бўлди,
деб баландроқ сакрай бошлади. Сўнг: «Қим у йиғлаётган?»— деб
қичқирди.

Элена шу заҳотиёқ хизматкорининг овозидан таниди. Унинг
отини айтиб чақириб, бундай деди: «Оқсочим олдига бориб, уни бу
ёққа чақириб кел».

Хизматкор, товуш бераётган бу аёл ўз бекаси эканлигини ту-
шунди. «Вой худойим!— деди у.— Қандай қилиб чиқиб қолдингиз
у ерга? Оқсочингиз кун бўйи сизни қидириб юрибди, аммо бу ёқда
эканлигингиз кимниям хаёлига келибди дейсиз?»

У нарвонни кўтариб, минорага тираб қўйди ва новдалар узиб
келиб, пиллапояларни маҳкамлай бошлади. Шу пайт бу ерга оқ-
соч қиз ҳам югуриб келиб қолди ва ўзини тутиб туролмай, сочини
юлиб, надомат қилганча жаврай кетди. «Вой, шўргинамга шўрва
тўкилсин! Жоним тасаддуқ бегойим, қанисиз?»

Элена баҳоли қудрат қаттиқроқ бақиршига ҳаракат қилди:

«Мен бу ёқдаман, жонгинам, минорадаман! Ёнглама, тезроқ кийимларимни узат!»

Оқсоч қиз бекасининг овозидан танидно кўнгли бир оз таскин топди, бу орада хизматкор нарвонни тузатиб бўлган эди; оқсоч хизматкорнинг кўмагида нарвондан чиқди-да, қаттиқ азоб чекканидан нақ куйган тўнкага ўхшаб қолган бекасининг қип-яланғоч ҳолда, чўғдек қизиб ётган ерда тинка-мадори қуриб сулайиб ётганини кўриб, унинг тепасида, худди ўлик тепасида аза тугтандай, юзларини юмдалаб, айюҳаннос солиб йиғлай бошлади. Бироқ Элена уни юпатишга уринди ва мени кийинтириб қўй, деб илтимос қилди. Сўнг у ўзининг шунча вақт бу минора тепасида бўлганини студент билан унинг хизматкорию яна ўз хизматкори билан оқсочдан бўлак ҳеч ким билмаслигини англагач, кўнгли бирмунча таскин топди ва хизматкори билан оқсочидан, жамики азиз авлиёлар ҳаққи-хурмати, бу тўғрида ҳеч кимга оғиз очманглар, деб илтимос қилди. Улар ҳамма гапни келишиб олишгач, хизматкор бекани опичлади,— хонимнинг қадам босишига мажол қолмаган эди,— ва елкасидаги юк билан эсон-омон пастга тушиб олди. Илло, шўрпешона оқсоч улардан кейин нарвондан туша туриб, бехосдан оёғи тойиб кетди-ю, хийлагина баланд ердан ерга йиқилиб, оёғи синди ва оғриқдан додлаб юборди. Хизматкор Эленани ўт устига ётқизиб, ўзи оқсочнинг ҳолидан хабар олгани қайтди ва унинг сон суяги синганини кўриб, қўлига кўтариб олди-да, уни ҳам Эленанинг ёнига олиб бориб ётқизди. Элена, ўз бошига тушган фалокат етмагандай, яна бирдан-бир суянган тоғи бўлган оқсочни оёғини синдириб қўйганини кўриб, тамомила умидсизликка тушдию зор-зор йиғлай бошладики, хизматкор қанча уринса ҳам унга тасалли бера олмай, ахири ўзи ҳам унга қўшилиб йиғлаб юборди. Қуёш энди уфққа ёнбошлай бошлаган эди, шунга кўра, бу ерда қоронғига қолиб кетмаслик ниятида хизматкор ғамга ботган беканинг илтимосига кўра, ўз уйига бориб, икки укаси билан хотинини бошлаб келди, улар ўзлари билан тахта ҳам олиб келишди; хизматкорнинг икки укаси оқсочни тахтага ётқизишиб, уни уйга олиб боришди. Хизматкорнинг ўзи эса, Эленага қўлидан келганча далда бериб, унга муздек сув ичирди, удан кейин яна опичлаб олиб, унинг оромхонаси сари йўл олди. Хизматкорнинг хотини, бекани овқатлантирди, ечинтириб, ўрнига ётқизишди, шундан кейин, эр-хотин икковлари, бека билан унинг оқсочини тунда Флоренцияга олиб кетиш ҳақида фармойиш қилдиларки, бу зудлик билан адо этилди.

Тегирмонга тушса, бутун чиқадиган даражада уддабурон Элена ўзи билан оқсочни тўғрисида аслига асло тўғри келмайдиган бутун бир ҳодисани ичидан тўқиди ва ўз ака-ука, опа-сингиллари ва бошқа хешларини, бу шайтоннинг найранги эди, деб ишонтирди. Элена узоқ вақт қийналиб, азоб чекди, чойшаб муттасил яраларига ёпишиб қолар ва уни Эленанинг териси билан бирга кўчириб олишга тўғри келарди, лекин табиблар бора-бора уни шум безгакдан ҳам, бошқа жамики дардлардан ҳам даволадилар, оқсочнинг ҳам сон суяги битиб кетди. Шу-шу бўлди-ю Элена ўз

ўйнашини хаёлига ҳам келтирмай қўйди ва энди оқила бўлиб, бировга ошиқ бўлиш ва уни майна қилишдан ўзини тийиб олди. Студент эса, оқсочнинг оёғи синганни эшитиб, у билан ҳам ора очиқ бўлибди, деб ўйлади-да, шу билан кўнгли таскин топдию бўлган воқеа тўғрисида ҳеч кимга оғиз очмади.

Шундай қилиб, студент йигитни ҳамма қатори одам билиб, мазах қилмоқчи бўлган бефаросат жувон, студентлар билан (ҳаммаси билан эмасу, лекин кўпчилиги билан) ўйнашишнинг охири вой бўлишини билмай, аҳволи шу кунларга тушган экан. Мана шунинг учунам, муҳтарам хонимлар, йигитлар билан алалхусус — студентлар билан зинҳор ҳазиллаша кўрманглар.

8

Икки эркак ўзаро дўст тутинади, улардан бири иккинчисининг хотини билан қовушади; чув тушганини пайқаб қолган эр шундай иш қиладики, дўсти қулфлоглиқ сандиқ ичида ётган пайтда, шу сандиқ устида унинг хотини билан роҳат қилиб ётади

Эленанинг бошига тушган азоб-уқубатлар ҳақида эшитиш хонимлар учун ниҳоятда оғир ва кўнгилсиз бўлди, лекин бу жазоларга Елена қисман бўлса ҳам ўз феълига яраша сазовор бўлганлиги учун хонимлар унинг аҳволига ачиндилару, лекин бу ачиниш астойдил бўлмади, студент эса, уларнинг фикрича, қаҳри қаттиқлик, ҳадлан ортиқ баджаҳллик, аниқроқ қилиб айтганда — золимлик қилган. Пампинея ўз қиссасини тугатиши билан қиролича энди ҳикоя қилишни Фьяметтага таклиф қилди ва Фьяметта унинг амрига қувонч билан итоат этди.

— Мафтункор хонимлар! — деди у. — Билишимча, таҳқирланган студентнинг золимлиги сизларни қаттиқ ҳаяжонга солди, шу боисдан, мен сизларнинг дарғазаб руҳингизга тасалли бермоқ мақсадида биронта аломат ҳодиса сўзлаб беришни лойиқ топдим: мен сизларга бир йигит ҳақида сўзлаб бермоқчиманки, у ўзини ранжитган одамга бир қадар шафқат кўрсатиб, ундан жудаям қаттиқ ўч олмади. Менинг ушбу ҳикоячамдан ҳар ким фақат эканини ўриши керак, таҳқирланган одам, ўч олган пайтда, жазонинг меъёрини ошириб юбормаслиги зарур, деган хулоса аён бўлади сизларга.

Алқисса, билингким, эшитишимга кўра, Сиена шаҳрида бадавлат ва бообрў оила фарзандлари бўлмиш икки йигит яшарди; улардан бирининг исми Спинеллоччо Тавена, иккинчисиники эса, Дзеппа ди Мино эди; икковлари ҳам Камоллияда ён қўшни бўлиб истиқомат қилишарди. Улар ўзаро аҳил дўст бўлишиб, бир-бирларини худди оғанилардек яхши кўришарди; икковларининг хотинлари ҳам соҳибжамол аёллар эди. Бироқ кунлардан бир кун шундай ҳол юз бердиким, Дзеппанинг уйига у борлигидаям, йўқлигидаям кўп кириб турадиган Спинеллоччо, дўстининг хотини билан ниҳоятда яқин мулоқотда бўлиб қолдики, ҳеч нарёғи йўқ.

Кейин бу ҳол анча вақтгача ими-жимида давом этиб, то вақт-соати етмагунча бундан ҳеч бир кимса огоҳ бўлмади. Лекин кунлардан бир кун Дзеппа ўз хонасида ўтирганида, Спинеллоччо кўчадан туриб дўстини чақирди, эрининг уйда ўтирганидан беҳабар хотини, уни уйда йўқ деб жавоб қилди; шунда Спинеллоччо зинадан югуриб чиқди ва маҳбубасини ёлғиз деб ўйлаб, уни бағрига босиб, эркалаб ўпа бошлади, хотин ҳам уни шундай ўпиб қучоқлай бошлади. Дзеппа бунинг ҳаммасини кўриб ўтирган бўлса ҳам чурқ этиб овоз чиқармай, жим ўтираверди: чунки бу шўхликнинг нима билан тугашини ўз кўзи билан кўришни истаганди. Мана орадан сал вақт ўтар-ўтмас, хотини Спинеллоччо билан қучоқлашганча ўз ётоқхонасига кирди-да, эшикни ичидан беркитиб олишдики, бу ҳол энди Дзеппани жудаям ранжитди. Лекин у, агар шовқин солиб ё шунга ўхшаш иш кўриб бутун уйни бошимга кўтарсам, бу билан менга қилинган бу таҳқир камаймайди, аммо шарманда бўлишим турган гап, деб ўйлади-да, қандай қилиб ҳеч кимга билдирмасдан ўчимни олсаму, лекин кўнглим тасалли топса, деб фикр юрита бошлади.

У узоқ мулоҳаза қилгандан кейин, ахири антиқа бир усулни ўйлаб топди ва лекин то Спинеллоччо хотинининг олдидан чиқиб кетмагунча хонасидан жилмай ўтираверди.

Аммо Спинеллоччо уйдан чиқиб кетган заҳоти Дзеппи худди осмондан тушгандай хотини олдида пайдо бўлдики, бу пайтда хотини, Спинеллоччо шўхлик қилиб, унинг бошидан юлиб олган рўмолини ўрашга ҳам улгурмаган эди. «Нима ишлар қиляпсан, хотин?»— деб сўради Дзеппа.

«Нима, кўрмаяпсанми?»— деди хотини.

«Нега кўрмас эканман,— деб жавоб қилди Дзеппа,— яна шунақанги нарсаларни кўрдимки, ундан кўра кўр бўлганим яхши эди!» Шундай дея у хотинини бўралаб сўка кетди, хотин кўрқиб кетган бўлса ҳам аввалига жилпанглаб, эрига гап бермади, лекин барибир, ахири инкор қилиб бўлмайдиган далиллар келтирилгач, воилож ўзининг Спинеллоччо билан яқин мулоқотда эканлигига иқдор бўлди ва кўз ёш қилиб, эридан кечирим сўрай бошлади.

Дзеппа эса, унга бундай деди: «Хуллас, хотин, сен ноўя иш қилиб қўйдинг, лекин агар гуноҳингдан ўтишимни истасанг, сенга бир иш буюраман, шуни худди айтганимдай қилиб аниқ бажарасан, яъни: Спинеллоччога айтгинки, у эртага эрталаб соат ўнларда бирон нимани важ қилиб, менинг олдимдан чиқиб кетсин-да, тўғри сенинг олдингга келсин. Унинг орқасидан изма-из мен ҳам этиб келаман, шунда сен оёқ товушимни эшитишинг билан уни сандиққа тушишга унат, кейин сандиқни қулфлаб қўй, у ёнга нима қилиш кераклигини, кейин айтаман. Лекин сен кўрқма,— сўз бериб айтаман, уни ҳеч нима қилмайман». Хотин эрининг кўнгли учун ваъда берди ва берган ваъдасини тўла-тўқис бажарди.

Эртаси куни эрталаб соат ўнларда Дзеппа билан Спинеллоччо бирга ўтиришарди, бирдан Спинеллоччо, Дзеппанинг хотини олди-га худди шу пайтда боришга сўз берганини эслади-да, дўстига қараб бундай деди: «Бугун мен бир ошнам билан бирга тушлик қи-

дишга сўз берган эдим — куттириб қўйсам одобдан бўлмас. Хўп, кўришгунча хайр!»

«Ҳали тушликкача анча бору»,— деди Дзеппа.

«Тушликка-ку, анча бор-а, лекин яна у билан бир иш юзасидан маслаҳатлашиб олишим керак,— дея эътироз билдирди Спинеллоччо,— шунинг учун барвақтроқ борганим маъқул.

Спинеллоччо дўстининг олдидан чиқди-да, бошқа кўчалардан унинг хотини олдига етиб келди, лекин улар ётоқхонага кириб улгуришмасидан пастда Дзеппанинг оёқ товуши эшитилиб қолди. Шунда хотин, ўзини жудаям қўрқиб кетгандай қилиб кўрсатиб, Спинеллоччони, ўша эри тайинлаган сандиққа туширди-да, устидан қулфлаб, ётоқхонадан чиқди.

«Овқатланадиган вақт бўлмадими, хотин?»— деб сўради Дзеппа зинадан чиқиб келаркан.

«Овқатлансаям бўлади»,— деди хотини.

«Спинеллоччо тушликни бир ошнасникида қиладиган бўлди, хотини уйда ёлғиз ўтиргандир,— дея давом этди Дзеппа.— Деразадан бошингни чиқариб, уни бизникига овқатга таклиф қила қол».

Ўзининг шарманда бўлишидан қўрққан, шу бондан ҳам жуда итоаткор бўлиб қолган бу хотин эрининг буйруғини бажарди. Спинеллоччонинг хотини эрининг уйга овқатлангани келмаслигини овсинидан эшитиб, таклифга рози бўлиб, дарров бу ёққа чиқа қолди. Дзеппа дўстининг хотинини гоёта шодмонлик билан қарши олди ва ўз хотинига, бор, ошхонага чиқ, деб пичирлаб, меҳмон аёлни қадрдон дўст сифатида билагидан ушлаб, ётоқхонасига стаклаб кирди, киргач, эшикни ичидан беркитиб олди. Буни кўрган Спинеллоччонинг хотини баралла овоз билан деди: «Вой, ўлмасам, Дзеппа, нима қилипсан? Ҳали шу ният билан мени чақиртирганмидинг? Спинеллоччога бўлган ҳурматинг шуми? Ҳали сен шунақа вафодор дўстмисан?»

Шу маҳал Дзеппа, ўз дўсти ётган сандиққа яқин борди ва аёлининг билагини ҳамон қўйиб юбормаган ҳолда унга бундай деди: «Мендан хафа бўлишинг қочмайди, жонгинам, лекин олдин гапимга қулоқ сол. Мен Спинеллоччони ўз оғамдек яхши кўрганман, ҳали ҳам шундай яхши кўраман, ва лекин кун кеча мен шу нарсанинг шоҳиди бўлдимки, эринг унга бўлган менинг улкан эътимодимдан фойдаланиб, сен билан қанчалик яқин бўлса, менинг хотиним билан ҳам шунчалик яқин бўлиб олган экан, аммо менинг бу шоҳидлигимдан эрининг мутлақо хабари йўқ. Шунга қарамай, мен дўстимни яхши кўраман, бинобарин, унинг ҳақини фақат ўз қийматида тўламоқчиман: у менинг хотинимни тасарруф қилган, экан мен ҳам сени тасарруф қилишни хоҳлайман. Мабодо сен таклифимга рози бўлмасанг, унда барибир эрингни жиноят устида қўлга туширганим албатта унинг қулоғига етиб боради: мен унинг гуноҳидан кечмоқчи эмасман: мен уни шундай боплайманки, кейин икковинглар бир умрга пушаймон бўлиб юрасизлар».

Дзеппа аёлга ҳадеб гап уқтиравергандан кейин аёл ҳам ахири Дзеппанинг айтганларига ишонди ва унга жавобан бундай деди:

«Азизим Дзеппа! Баски, эримнинг гуноҳини мен ювишим лозим экан — начора, мен розиман, фақат ҳозир икковимиз ўртамизда бўладиган иш овсиним билан икковимиз ўртамиздаги муносабатга заррача зиён етказмайди, деб менга сўз бер — зеро, гарчи хотиннинг менга шундай бадкорлик қилган бўлса ҳам барибир, у билан бояги-боягидай тотув бўлишни истайман».

«Мен албатта бунинг кифтини келтираман,— деб сўз берди унга Дзеппа,— ундан ташқари, сенга жудаям чиройли ва бебаҳо бир буюм тортиқ қиламанки, унақаси сенда йўқ». Шундан кейин у меҳмон аёлни қучоқлаб, ундан бўса олди, сўнг эри қамалиб ётган сандиқ устига ётқизиб, у билан ўйнашиб, роса жони кирди, ўз навбатида, аёлга ҳам жон кирган эди.

Спинеллоччо сандиқда ётган еридан Дзеппанинг ҳамма гапларини ҳам, хотинининг Дзеппага розилик билдириб айтган жавобини ҳам мукамал эшитди, ундан кейин, яна боши узра «дўпирадўпир» қилишиб, роса рақс тушишганини ҳам эшитдики, анча маҳалгача бундан кўнгли айниб, ўқчиб, нақ ўлаёзди, у Дзеппадан кўрқмаганида борми, ўзи ётган авахтадан туриб, беҳаё хотинига қарата лаънатлар ёғдирган бўларди-я. Лекин Спинеллоччо, биринчи бўлиб шахсан ўзи олчоқлик қилганини эслаб дўстининг айнан ҳозирги кўрсатаётган фаолияти асосли эканлигини эътироф қилди, шу билан бирга, ҳали Дзеппа одамгарчилик қилиб, чин дўст сифатида иш тутди, деб тан олиб, агар Дзеппа ўртамиздаги дўстлик алоқасини шу важ туфайли узмаса, бугундан эътиборан у билан яна ҳам қалинроқ дўст бўламан, деб аҳд қилиб қўйди.

Бу орада Дзеппа ўзга хотин билан то кўнгли тўлгунга қадар ётиб, ундан кейин сандиқдан тушди; шунда аёл Дзеппадан, қани ўша ваъда қилган буюминг, деб сўраган эди, Дзеппа эшикни очиб, ўз хотинини ичкарига чақирди, хотини ҳам кириб: «Хоним! Энди ора очиқ бўлди»,— деди, лекин бу сўзларни у кулиб туриб гапирди.

«Қани, энди сандиқни оч»,— деди шу чоғ Дзеппа хотинига, сандиқ очилгандан кейин эса, Дзеппа Спинеллоччони унинг ўз хотинига кўрсатди.

Бу ҳолдан ким кўпроқ хижолат тортийкин: Дзеппанинг ҳамма нарсадан хабардор эканлигини билган, лекин унинг ўзини энди кўриб турган Спинеллоччони ёки боши узра қандай тапир-тупур бўлганини бошдан-оёқ ҳам эшитиб, ҳам сезиб ётган эрини ҳайит ўтгандан кейин кўриб турган Спинеллоччонинг хотиними — бу тўғрида гапирадиган бўлсак, тонг отмайди.

Шу пайт Дзеппа дўстининг хотинига деди: «Мана шу бебаҳо буюмни сизга тортиқ қиламан».

Спинеллоччо сандиқдан чиқди ва гап талашиб ўтирмасдан, шундай деди: «Жуда соз бўлди, Дзеппа! Энди сен билан орамиз очиқ — ўзинг ҳам боя хотинимга худди шундай деган эдинг чоғи, ўйлайманки, бундан буён ҳам аввалгидек қадрдон бўлиб қоламиз, баски, шу чоққача хотинларимиздан бўлак барча нарсамиз ўртада бўлган экан, энди, майли, хотинларимиз ҳам ўртада бўла қолсин».

Бу таклиф Дзеппага маъқул тушди ва тўртовлари тотув, иноқ

бўлишиб, дастурхонга ўтиришди. Уша кундан бошлаб, иккала хотиннинг ҳар бирида иккитадан эр, ҳар бир эрнинг эса, иккитадан хотини бўлиб, улар шундай кун кечиришибдики, бу борада улар ўртасида бирон марта ҳам на жанжал, на уриш чиққан экан.

9

Доктор Симоне қироқчи бўлишни ихтиёр қилади: Бруно билан Буффальмакко уни тунда бир жойга боришга унатадилар; кейин Буффальмакко уни нажас тўлдирилган ҳандаққа итқитиб юборади-да, ўзи жўнаб қолади.

Сеналик икки йигитнинг икки хотини икки эр ўртасида бўлганига қизиқиб қолган хонимлар бу борада бир оз гурунглашишгач, ўздан бўлак ҳикояхон қолмаганини кўрган қиролича, Дюнеони, унга берилган имтиёздан маҳрум этишни истамади-да, ўзи шундай ҳикоя қила бошлади:

— Марҳаматли хонимлар! Дзеппанинг сандиқ устида кўрсатган рақси Спинеллочоннинг қилмишига яраша бўлган; мана шу сабабли мен бунинг аксини исботлашга уринган Пампиньега зид ўлароқ, шунн таъкидлайманки, ўзи устидан кулшларини хоҳлаган ёки масҳара бўлишга лойиқ одамнинг устидан кулган кишини қаттиқ қоралаш яхши эмасдир. Спинеллочо ўзи мазах бўлишга лойиқ иш қилган эди; энди мен эсам, майна бўлишни пулга сотиб олган одам ҳақида ҳикоя қилмоқчиман ва айни пайтда, меннинг тушуншимча, уни мазах қилганлар танбеҳга эмас, тақдирга сазовордирлар. Ҳикоям қахрамони Флоренцияга Болоньядан келган табиб бўлиб, гарчи эгнига олмахон мўйнали мантия кийган бўлса ҳам фаросат бобида ғирт эшакнинг ўзи эди.

Сиз билан биз, ҳамшаҳарларимизнинг Болоньядан, ясан-тусанни зўр қилиб, олмахон мўйнасидан хошия тикилган узун ва кенг алвонранг мантиялар кийиб ясаниб, безаниб, биров — судья, биров — табиб, яна биров — нотариус бўлиб қайтганининг қарийб ҳар кунн шоҳиди бўламиз; илло, бу одамларнинг ташқи қиёфалари уларнинг истеъодларига мос келиш — келмаслигига келсак, — бунн ҳам биз ҳар кунн кузатиш имконига эгамиз. Яқинда шаҳримизга келиб, эндиликда Виа дель Кокомеро деб юритилувчи кўчада манзил қурган, эгнига алвонранг мантия ва кенг бошлиқ кийган Симоне да Вилла исмли табиб юқорида айтганимиз одамлар тоифасидан эди; бу одам ўзини гарчи тиббиёт доктори деб юртса ҳам, лекин астойдил мақтанаман деса, олган илми билан эмас, балки отасидан мерос қолган бойлик билан керилиши мумкин эди. Боя айтганимдек, шаҳримизга яқинда келган мана шу Симоненинг жуда кўп диққатга сазовор одатлари, чунончи: ўзи билан бирга бўлган ҳар қандай одамдан, ўтган-кетган одамларнинг ҳар биттаси ҳақида сўрайдиган одати бор эди, ўткинчиларни у шундай синчковлик билан кўздан кечирар, шундай кузатардики, гўё у, одамлар рафторидан дори-дармон тайёрлайдиганга ўхшарди. Унинг эътиборини икки сураткаш (улар тўғрисида бугун икки

марта гап борди), яъни — табибга ён қўшни бўлиб яшовчи ажралмас дўстлар — Бруно билан Буффальмакколлар ҳаммадан ҳам кўпроқ тортардилар. Симоне уларни кузатиш оқибатида, ўзича, бу одамларнинг вақтичоғлик қилишдан бўлак ғам-ташвиши йўқ экан, деган хулосага келди. У ўтганданам, кетганданам бу икки ўртоқ ҳақида суриштирар ва муттасил, улар камбағал сураткашлар, деган жавоб оларди; лекин у, камбағал одамнинг вақтичоғлик қилиш кўнглига сиғмайди, деган фикрда эди, шундай бўлса ҳам у, сураткашларнинг устомон кишилар эканлигини эшитиб, буларнинг ҳеч ким сезмайдиган биронта найранглари бўлса керакки, шундан катта даромад олишса ажаб эмас, деб фараз қилди-ю, имкони борича уларнинг иккови билан ёки жуда йўқ деганда, биттаси билан яқинроқ танишиб олишни ихтиёр қилди ва ахир Бруно билан танишиб олди. Бруно у билан бир неча марта учрашганидан кейин, бу табиб — ғирт аҳмоқ экан, деган хулосага келди-ю, унинг қуюшқондан чиқиб кетувчи бефаросатлиги устидан жуда ҳузур қилиб кула бошлади, табиб эса, Брунонинг атрофида парвона бўларди. Табиб уни бир неча марта уйига меҳмонга чақиргач, мана энди анча иноқлашиб олди, бинобарин у билан энди рўйпрост гаплашишга ҳаққим бор, деган қарорга келди-да, шу муносабат билан, кунлардан бир кун у Бруно билан Буффальмаккони қашшоқ одамлар бўла туриб, бунчалик хушчақчақ яшашларидан ажабланаётганини баён қилди ва бунинг сирини очиб беришни илтимос қилди.

Бу савол-табибнинг шу чоққача берган саволлари ичида энг бемаъни, энг аҳмоқона савол бўлиб кўринди Брунога, шунда унинг кайфи чоғ бўлиб кетиб, табибнинг аҳмоқона саволига аҳмоқона жавоб бергиси келди.

«Бу сирни, доктор, ҳали ҳеч кимга очмаган бўлсам ҳам,— деб гап бошлади Бруно,— аммо сизга бажону дил очаман: сиз менинг дўстимсиз, ишонаманки, ҳеч кимга оғзингиздан гуллаб қўймайсиз. Ҳа, биз яхши, қувноқ яшаймиз, ҳатто сиз ўйлагандан ҳам қувноқроқ ўтади тўрмушимиз. Ўз ҳунаримиздан келадиган ақча билан бир парчагина мулкимиздан тушадиган даромад ичадиган сувимизга ҳам етмаган бўларди. Бироқ сиз бизни ўғри деб ўйламанг, биз қароқчилармиз, илло, ўз эҳтиёжимиз учун зарур бўлган ҳамма нарсани, кўнглимизни хушнуд этувчи барча нарсаларни биз ўзгаларга заррача ҳам зиён-заҳмат етказмаган ҳолда топамиз. Мана шунинг учун ҳам биз, ўзингиз кўриб тургандай, хушвақт яшаймиз».

Табиб Брунонинг бу гапларидан ҳайрон қолди, унинг гапларига ишонишга ишонди-ю, аммо ишининг моҳиятини англай олмаганлигидан, бу қароқчиликнинг ўзи нима эканлигини жудаям билгиси келди ва ҳеч кимга чурқ этиб оғиз очмасликка ваъда берди.

«Э, доктор, мендан нимани сўраётганингизни биласизми ўзи?— деб юборди Бруно.— Сиз мендан жуда ҳам мавҳум бир сирни очишимни сўраяпсиз. Агар бу сирни сизга очганимдан бирон киши огоҳ бўлиб қолса, мени тилка-тилка қилиб ташлашади, кулимни кўкка совуришади, натижада мен тўппа-тўғри бориб ўша Сан

Галлонинг ташига тасвири чизилган Люцифернинг¹ домига тушаман. Лекин мен сизнинг эътиборсиз, йўғ-э, эътирозсиз алломалигингизни шу қадар қаттиқ ҳурмат қиламанки, илтимосингизни рад этишга тилим бормади. Гапнинг қисқаси, мен сизга бу сирни очаман, лекин бир шартим бор: берган сўзингизнинг устидан чиқишга ва бу ҳақда ҳеч кимга ҳеч нима демасликка Монтезонинг хочи ҳаққи, қасам ичинг».

Доктор қасам ичди.

«Шундай қилиб, муҳтарам доктор, сизга маълум бўлсинким,— дея гапида давом этди Бруно,— яқин ўтмишда бизнинг шаҳримизда асли келиб чиқиши шотландиялик бўлган Майкл Скотт исмли бир аъзойимхон яшаган ва шаҳримиздаги аъёни ашрафларининг ҳурматини қозонган эдиким, ҳозир ул зотлардан тирик қолганлари жуда камчиликини ташкил қилади. Майкл Скотт кунлардан бир кун ўз ватанига қайтиб кетишни ихтиёр қилди-ю, шаҳар зодагонларининг қўярда-қўймай илтимос қилганлари учун бу ерда ўзининг икки нафар ном чиқарган шогирдини қолдирди ва уларга, мени иззат-ҳурмат қилган аслзодаларнинг барча хоҳишларини сўзсиз бажаринглар, деб тайинлади. Скоттнинг шогирдлари ҳам ўшал зотларга хоҳ ишқ бобида бўлсин, хоҳ бошқа ҳар қандай соҳада бўлсин, ҳаминша шай туриб хизмат қилдилар. Бора-бора шаҳарнинг ўзи ҳам, ерли аҳолининг урф-одатлари ҳам шогирдларнинг кўнглига ёқиб қолди-ю, улар умрбод шу шаҳарда қолишга аҳд қилдилар ва шаҳарликларнинг баъзилари билан дўст тутиндилар, таниш-билиш орттирдилар; улар одамлар билан танишганда, уларнинг бой, аслзода ёки қашшоқлигига қарашмас, балки фақат одамларнинг хулқ-атворидаги ўхшашликка эътибор қилардилар. Улар ёр-дўстларининг кўнгли учун йиғирма беш нафарча одамни йиғиб жамоа ташкил қилдиларким, бу одамлар, камида ойида бир марта муайян бир ерда тўпланишлари шарт эди. Бу маросимда жамоанинг ҳар бир аъзоси ўз истагини изҳор этиш ҳуқуқига эга эди ва бу истак ўша кун кечасиёқ жамоа аъзолари томонидан бажо келтирилди. Биз Буффальмако икковимиз ўша жамоа аъзолари билан жуда қалин дўст бўлиб кетдик, натижада улар бизни ҳам ўз жамоаларига аъзо қилиб олдиларки, биз ҳали ҳам ўша жамоа аъзоларимиз. Жамоамиз жам бўлган пайтларда, азбаройи худо, бизнинг базми жамшидимиз ўтадиган залнинг деворларига осилган гиламларга, шоҳона тузалган столларга, ҳар биттамызга хизмат қилувчи сон-саноқсиз барваста малайлару соҳибжамол канизакларга, таомлару шароблар учун қўйилган ҳам кумуш, ҳам олтин жомлар, кўзалар, кўзачалар, қадаҳлар ва ўзга хил идишларга, ниҳоят, ҳар бир аъзонинг хоҳишига қараб, муайян бир тартибда тортилаётган минг хил турдаги таомларга қараб кўзинг қамашади. Мен хушоҳанг садоси билан дилларимизга ҳузур бағишловчи беҳисоб мусиқа асбобларини ном-баном айтиб чиқишга ҳам, уларнинг хушоҳанг садосини таърифлашга ҳам му-

¹ Люцифер — иблис (тарж.)

носиб сўз топа олмайман, худди шу сингари, ҳар галги зиёфат пайтида қанча шам ёниб адо бўлишини ҳам, қанча ширинликлар истеъмол қилиб, қанча шароб ичишимизни ҳам сизга ҳисоблаб беришга ожизман. Фақат ўтиниб сўрайман сиздан, о, алломалар алломаси, биродари азиз, бизларни ўша зиёфатда ҳам кунда кийиб юрганимиз кийим-бошда ўтиришади, деб асло ўйлай кўрманг. Ҳаттоки, бизлардан ҳам юпунроқ кийиниб юрадиган одамларни сиз зиёфат пайтида кўрсангиз, император деб ўйлаган бўлардингиз — биз мана шунақа серҳашам либос кийиб, беҳисоб қимматбаҳо буюмлар тақиб оламиз у ерда. Лекин биз учун энг сарбаланд ҳаловат — бу соҳибжамол аёллардир; уларни дунёнинг ҳамма чеккасидан олиб келишади,— фақат биз хоҳиш билдирсак бўлгани. Сиз у ерда барбаниккилар ҳокимасини, басклар маликасини, султоннинг хотинини, Осбекхоннинг рафиқасини, норвегиялик Сафсатахонимни, жаврақистонлик Жайдарихонни ва мужмалободлик Маҳмадонабонунни кўришингиз мумкин. Ҳаммасини айтиб адо қилиб бўлмайди. Хуллас, у ерда дунёдаги ҳамма маликалар бўлишади, ҳаттоки ҳазрати бузрук Иоаннинг Маккорнисоси ҳам келади. Бу ёғини эшитинг! Ҳамма шароб ичиб, ширинликлардан газак қилгач, бир-икки рақс тушишади, шундан кейин, ўша аёлларнинг ҳар бири ўзини бу ерга чақиртирган эркакнинг хонасига киради. Бу кошоналар, мен сизга айтсам, шу қадар мухташамки, нақ жаннат дейсиз, бу кошоналардан шундай бир муаттар ҳид анқиб турадики, бу сизнинг фармойишингизга кўра зира янчишганда дорихонангиздан келадиган ҳиддан сира қолишмайди. Хоналардаги чорпоялар бўлса, Венеция дожиникидан¹ ҳам ҳашаматлироқ. Бундай ерда мокига арқоқнинг қандай зўр чаққонлик билан киритилишини, путларнинг илмоқли урчуққа қандай илинишини ўзингиз тасаввур қилиб кўришингиз мумкин! Лекин у ерда бўладиган одамлар ичида Буффальмакко билан икковимизчалик хушбахт одам йўқ, негаки, Буффальмакко аксари пайтда франсуз қироличасини, мен бўлсам — инглиз қироличасини, лъни жаҳоннинг энг олди гўзал аёлларини чақиртирамиз, улар бизнинг жамолимизга қараб ҳеч тўймайдилар. Мана, бизни қироличалар, яна энг гўзал қироличалар севишини ўзингиз мулоҳаза қилиб кўргангиздан кейин, нима сабабдан бошқаларга қараганда хушвақтроқ бўлиб яшашимиз ва юришимиз мумкинлиги ва шартлигини осонгина тушуниб оласиз. Кейин булардан: ташқари, борди-ю, битта-яримтамизга бир минг-икки минг флорин зарур бўлиб қолгудек бўлса, уни оғзимиздан чиққан заҳотиёқ... ёқамизга ёпиштиришади.

Мана шу нарса бизнинг жайдари тилимизда қароқчилик деб аталади. Қароқчилар дуч келган одамни талайдилар, биз ҳам шундаймиз, аммо орамиздаги фарқ шуки, қароқчилар ўлжани эгасига қайтариб бермайдилар, лекин биз фойдаланиб бўлгач, яна қайтиб берамиз. Энди сизга тушунарли бўлгандир қароқчиликнинг

¹ Д о ж — италянча «доҳий» сўздан олинган бўлиб, ўрта асрларда Венецияда ва Генуяда давлат бошлиғи маъносини билдирган. (Тарж.)

нималиги, о, дўсти нодоним? Бунинг қанчалик муҳим сир эканлигини ўзингиз ҳам тушундингиз энди. Бошқа ҳеч нима айтолмайман сизга — сўраманг ҳам».

Докторнинг илми, афтидан, гўдакларнинг қўтирини даволашдан у ёрига ожизлик қилса керакки, шунинг учун ҳам у Брунонинг ҳикоясини эътироз этиб бўлмайдиган ҳақиқат деб эътироф этди ва шу пайдан бошлаб, бутун фикру зикри шу жамиятга аъзо бўлишдан иборат бўлиб қолди. У, Бруно билан Буффальмакконинг муттасил қувноқ кайфиятда юришларидан энди ажабланмаслигини айтди-ю, лекин ўзиниям ўша жамоага аъзо қилиб олишларини илтимос қилишга журъат эта олмади, ваҳоланки, бунни айтиб юборишдан зўрға тилини тийиб турарди; шундан кейин у, бу икки ўртоқнинг ҳурматини яна ҳам кўпроқ қозонишим керак, ана унда дадил ишга киришсам бўлади, деб мулоҳаза қила бошлади. Доктор шундай қарорга келиб, Бруно билан яна ҳам кўпроқ учраша бошлади, уни эрталаб ҳам, кечқурун ҳам меҳмонга чақириб турди ва унга ғайри табиий дўстона илтифот кўрсата бошлади. Улар тез-тез учрашиб, узоқ-узоқ вақт бирга бўлишардики, кўрган одам, доктор Бруносиз бир дақиқа ҳам туролмаса керак, деб ўйлаши мумкин эди.

Бруно, ўзига бўлган бундай яхши муносабатдан жудаям кўнгли кўтарилиб кетган бўлса керак, докторнинг бундай камоли илтифотига яраша яхшилик қилиш мақсадида, унинг залига улур Рўзанинг тасвирини, ётоқхонасининг эшигини тепасига *Agnus Dei*ни¹, кўча эшик тепасига эса, докторга иши тушган одамлар, унинг маконини тезроқ топсинлар, деган мақсадда, тунги тувак расмини чизди, айвоннинг деворида эса сичқонлар билан мушуклар жангини тасвирлаб, докторнинг оғзини ҳайратдан ланг очириб қўйди. У доктор билан овқатланиб ўтирганда гоҳ-гоҳида шундай гап қистириб қўярди: «Кеча мен жамоамиз даврасида бўлувдим. Очиғини айтсам, инглиз қиролчаси меъдамга тегиб кетди, шунинг учун Меҳробистон хонининг мужмаликасини сўраттирдим.

«Мужмалика дегани нима ўзи?— деб сўради доктор.— Мен бунақа лавозимларнинг фарқига боролмайман».

«Э, доктор, бунинг ҳеч ажабланадиган сри йўқ!— деб эътироз билдирди Бруно.— Менга маълум бўлишча, Оббовалат ҳам, Афтингнижинурсино ҳам бу шахсларни ҳеч тилга олишмаган.

«Яъни Гиппократ билан Абу Али Сино демоқчимисиз?»— деб сўради доктор.

«Мен қаёқдан билай?— деди Бруно.— Сиз мен айтган лавозимларни қанчалик тушунсангиз, мен ҳам сиз тилга олган исмларга шунчалик тушунаман. Мужмалика дегани улуг хоннинг тилида *малика* дегани бўлади. Ҳа, энди, гапимга ишонаверинг: бунақанги дўндиқ қиз сизга ҳам ёқиб қолган бўларди — у билан бўлсангиз, бутун дори-дармонларингизниям, малҳамлару балғамларингизниям унутиб юборган бўлардингиз».

¹ Тангрининг қўзичоғи (*лот.*)— Бу ўринда мўмин банда маъносини билдиради.

Бруно докторни яна ҳам кўпроқ васвасага солиш мақсадида, баъзи-баъзида у билан шундай суҳбат қуриб турарди, мана, кунлардан бир кун, сичқонлар билан мушуклар жангини деворда тасвирлаётган Брунога вақт алламаҳал бўлгунча шам тутиб турган доктор, ахири унга юрагидаги армонни очди, зеро, у Брунога шунча вақтдан буён меҳрибончилик кўрсатиб келар, бинобарин, Брунонинг ҳам энди ўзига содиқ дўст бўлиб қолганига мутлақо ишонган эди. Ҳозир улар уйда ёлғиз эдилар, шунга кўра, доктор бундай деб гап бошлади: «Азбаройи худо, Бруно, бутун дунёда мен учун сенчалик азиз биронта ҳам одам йўқ, мана шунинг учун ҳам сен хоҳиш билдирган ҳар қандай ишни мен жон-жон деб бажарган бўлардим! Агарда сен менга ҳатто Перетолога боришни буюрсанг, ўша ёққаям борган бўлардим, албатта. Бинобарин, сенга юрагимни очиб, дўст сифатида илтимос билан юзлансам, бундан ажабланма. Эсингда бўлса керак албатта, яқингинада сен менга хушчақчақ жамоангизнинг расм-таомили ҳақида сўзлаб берган эдинг, мен ҳам, кўр тугганини, қар эшитганини қўймайди, дегандек, ўша жамоага аъзо бўлишни хоҳлаб қолдим. Бунинг учун менда шундай асосли сабаб борким, ўша жамоангизга аъзо бўлиб кирган заҳотим бунга ўзинг иқроқ бўласан. Мен шунақанги бир қулинг ўргилсин жононани ҳузуримга чақириб олайки, сен бунақасини ҳеч қачон кўрмагансан,— уни мен ўтган йили Қакавичилида кўриб, бир қарашдаёқ ошиқ бўлиб қолган эдим; борди-ю, бу ишни эплай олмасам, унда, майли, менинг устимдан кулиб, мазаҳ қилсанг ҳам розиман. Исонинг жисми ҳаққи, онт ичиб айтаман, мен билан чамбарчас бўлиши учун у қизга ўнта Болонья тангасини таклиф қилгандим, лекин у рад қилди. Мана шунинг учун ҳам сенга мурожаат қиляпман: агар мумкин бўлса, сизларнинг жамоангизга кириш йўлини менга ўргатиб қўй, сен фақат кўмаклашиб, мени қўллаб юборсанг бўлгани, кейин жамоа аъзолари билан ўзим тил топишиб, иноқлашиб ва дўстлашиб кетаман. Энг муҳими, мен хушсурат, довьорак, ўн гулимдан бир гулим очилмаган йиғитман, яна бунинг устига, тиббиёт докториман,— у ерда, сизларнинг даврангизда докторлар бўлмаса керак,— бундан ташқари, мен жуда кўп антиқа нарсаларни, анча-мунча чиройли қўшиқларни биламан. Ҳозир сенга биттасини айтиб бераман». Шу ерга келганда у бирдан ашулани бошлаб юборди.

Бруно кулиб юбормаслик учун зўрға ўзини тутди. «Хўш, қалай?»— деб сўради доктор қўшиқни айтиб бўлиб.

«Виждонан айтаман: сизнинг овозингиз олдида най навоси ин эша олмайди, бениҳоя зўр нафосат билан бўкираркансиз»,— деб жавоб қилди Бруно.

«Агар ўз қулоғинг билан эшитмаганингда, ҳеч кимнинг гапига ишонмаган бўлармидинг»,— деди доктор.

«Турган гап!»— деб таъкидлади Бруно.

«Мен жуда кўп қўшиқни биламан, лекин уларни бошқа сафар, вақт топиб айтиб берарман,— деди доктор.— Мана, мен шунақаман! Отам шаҳардан ташқарида яшаган бўлса ҳам номдор одам бўлган, онам эса, Валенкьо уруғидан бўлган. Ўзингга аёнки, фло-

ренциялик табибларнинг биронтасида ҳам мендагичалик ажойиб китоблар ва чиройли кийим-кечак йўқ. Менинг баъзи либосларим, агар синчиклаб ҳисоблаб чиқилса, бундан ўн йилча муқаддам, — сенга ёлгон — худога чин, — тахминан юз лира турарди чақа пул билан. Шунинг учун ўтиниб сўрайман сендан: худо ҳаққи, мени ўша жамоангиз даврасига олиб кир, кейин мен сени даволайдиган бўлсам, бир чақа ҳам олмайман — кўнглингга сиққанча касал бўлавер».

Бруно докторнинг бу гапни эшитиб, унинг ғирт аҳмоқлигига яна бир марта ишонч ҳосил қилди. «Шамни мана бу ёққа тутиб туринг, доктор, — деди у. — Бирпас сабр қиласиз энди: манави сиққонларнинг думини чизишим қолди, кейин сиз билан бафуржа гаплашамиз».

Мана, сиққонларнинг думлари ҳам тайёр бўлди, шунда Бруно докторнинг илтимосидан жудаям боши қотиб қолгандай кўрсата бошлади ўзини. «Азизим доктор! — деди у. — Биламан, сиз менинг валинеъматимсиз, лекин сиз мендан шундай нарсани сўраяпсизки, эдгимол ғирт донишманд одам бўлганингиз учун сизнинг кўзингизга у арзимас ишдай туюлаётгандир, илло, сизнинг бу ҳожатингизни чиқаришга мен ожиздирман. Агарда менда зиғирдеккина имкон бўлганда ҳам фақат сиз учун бу илтимосингизни бажо айлаган бўлардим, чунки мен сизни жуда яхши кўриб қолдим, бунинг устига, сиз гапни шунақанги дўндириб гапирасизки, ногорангизга ҳар қандай одам ҳам ўйнай олади. Мен сиз билан қанча кўп мулоқотда бўлсам, донишмандлигингиздан шунча кўп ҳайратга келяпман. Ундан кейин, ўша дилбар қизга ошиқ бўлиб қолганингизнинг ўзинёқ сизга кўмаклашишим лозимлигини даъват этади. Аммо ҳамма бало шундаки, сиз бекорга мендан умидвор бўляпсиз — бу ишда мен сизга ҳеч қандай ёрдам бера олмайман. Аммо-лекин, агар сиз бу гапни сир тутишга ҳаққусури рост ваъда берсангиз, мен сизга энг тўғри йўлни кўрсатаман. Амминанки, сиз муродингизга етасиз, инчунин, менга аввал айтганингиздек, шундай ажойиб китобларингиз ва ҳоказоларингиз бор экан, албатта ниятингизга етасиз».

«Гапиравер, қўрқма, — деди доктор. — Сен, ҳали мени унча яхши билмайдиганга ўхшайсан, менинг сир сақлашга қанчалик қодир эканлигимга ҳали шохид бўлганингча йўқ. Саличетолик мессер Гаспарруоло Форлимпода судьялик лавозимида бўлганида, деярли ҳамма иш юзасидан менга ахборот бериб турарди, — у мени энг ишончли одам деб ҳисобларди. Гапимга ишонишнинг учун мисол келтирайми? У Бергаминога уйланмоқчи бўлганини биринчи менга айтган эди. Энди ишондингми?»

«Маъқул! — деди Бруно. — Баски, сизга шундай зот ишонган экан, унда мен ҳам ишонаман. Мен сизга мана бундай йўлни кўрсатмоқчиман: жамоамиз сафида раис ва унинг қўл остида иккита маслаҳатчи бор; улар ҳар ярим йилда алмашиб турадилар, мана, келаётган ойнинг бошида Буффальмакко албатта раис бўлади, мен бўлсам — маслаҳатчи бўламан — бу ҳал қилиб қўйилган. Раис хоҳлаган одамни жамиятга аъзоликка олиш ёинки олишга

мажбур қилиш ҳуқуқига эга,— мана шунинг учун ҳам менинг фикримча, сиз Буффальмакко билан яқинроқ танишсангиз ва унинг илтифотига сазовор бўлсангиз ёмон бўлмасди. У шунақа одамки, сизнинг ичингиз гиж-гиж ақл эканлигини сезиши билан ўша заҳоти сизни яхши кўриб қолади. Сиз ўзингизнинг доно мулоҳазаларингиз ва антиқа буюмларингиз билан уни ўзингизга оғдириб олганингизни пайқаганингиздан кейин, бемалол илтимос қилишга ўтаверинг, у рад эта олмайди. Мен гаплашиб қўйдим — у сиз тўғрингизда жуда яхши фикрда. Сиз ўргатганимдай иш тутаверинг, мен ҳам ўз томонимдан, унга таъсиримни ўтказавераман.

«Маслаҳатинг менга ниҳоятда маъқул тушди,— деди доктор. Агар Буффальмакко чинданам доно одамларни хуш кўрса, мана, мен билан суҳбатлашсин — агар битта суҳбатимдан кейин орқамдан эргашиб юрмаса мен қафил: ақлим шунчалик кўпки, уни бутун бир шаҳар аҳлига улашиб берсам ҳам етади, лекин шунда ҳам одамлар орасида энг доноси ўзим бўлиб қолавераман».

Бруно ўзининг доктор билан қурган суҳбати ҳақида Буффальмаккога муфассал сўзлаб берди, Буффальмакко ҳам бу ҳолдан ниҳоятда хурсанд бўлиб кетиб, бу доктор Овсарийнинг орзусини қачон рўёбга чиқарарканман, деб кўпдан кутилган ўша пайтни сабрсизлик билан кута бошлади. Докторнинг бўлса, қачон қароқчиликни бошларкинман, деб ҳеч сабри чидамасди, шунга кўра, у ишни пайсалга солиб ўтирмай, бир зумда Буффальмакко билан осонгина танишиб олди. У Буффальмаккони, унга қўшиб Брунони ҳам кундузиям, кечқурунам бурнидан чиққунча тўйдириб меҳмон қилар, улар ҳам ўз навбатида ўткир шароблару семиз хўрозлар ва яна бошқа мазали таомлар туфайли докторнинг таклифини кутиб ўтирмай, унқида «кунда-шунда» эдилар,— хулласи калом, йигитлар, докторнинг уйида мириқиб вақтичоғлик қилардилар, лекин улар докторни, уйингизга бунча кўп келишимизга бирдан-бир сабаб, сизни хурсанд қилиш, холос, деб ишонтирардилар.

Ниҳоят, доктор, Бруно берган маслаҳатга амал қиладиган вақт келди, деб ўйлаб, Буффальмаккога ўз илтимоси билан юзланди. Буффальмакко буни эшитиб, ўзини ачкиқлангандай қилиб кўрсатди ва Брунога ёпишиб кетди. «Вой ғаддор-е!— деб қичқирди у.— Пазиньяно жомесидаги тангри — падар ҳаққи, онт ичаманки, башарангни бежаб қўйишдан зўрға тийиб турибман ўзимни. Бу гапларни докторга сендан бошқа ким айтиши мумкин?»

Доктор Брунони муҳофаза қиламан деб, роса ҳаракат қилди, бу гапни мутлақо бошқа ердан эшитгани ҳақида онт ичди, худо урсин, деди, хуллас, гапни шундай усталик билан илиб кетдики, ахири Буффальмаккони ҳовуридан туширди.

«Қимматли доктор, Болоньяда таҳсил кўрганнингиз ва у ерда: тилни тийган бой бўлади, деган илмга амал қилишни ўрганганингиз энди кўриниб турипти,— деди Буффальмакко.— Бу ҳали ҳаммаси эмас: сиз таҳсил кўриб юрган пайтингизда муваффақиятларингиз, чамаси, фақирона бўлган бўлса керагу, илло, қулоқларингиз. агар янглишмасам, доим том битган бўлса керак. Бруно сизнинг тиббиёт билан шуғулланганингиз ҳақида айтган эди мен-

га, лекин назаримда, сиз у ерда одамларни ўзингизга ром қилиш санъатини ўрганган бўлишингиз керак: ўзингизнинг ақл-заковатингиз ва гапириш услубингиз шарофати билан сиз буни бошқа ҳамма одамлардан яхшироқ эплайсиз».

Шу чоғ табиб Буффальмакконинг сўзини бўлиб, Брунога мурожаат қилди: «Ақлли одамларнинг садағаси кетсанг арзийди, улар билан суҳбат қуриш, мулоқотда бўлишининг ўзи бир роҳат! Менинг фаросатим хусусиятини ҳали ҳеч ким мана бу муҳтарам зотчалик тез англаган эмас! Мана, сен, масалан, менинг қадримга етганинг йўқ эди! Буффалмакко донишманд одамларни яхши кўради, деб айтганингда, мен сенга нима деб жавоб қилган эдим, шуни гапириб бер, ҳеч бўлмаса. Зўр гап айтувдим-а?»

«Унақаси бўлган эмас»,— деб жавоб қилди Бруно.

Шундан кейин доктор яна Буффальмаккога юзланиб, гапирга кетди: «Агар сен мени, Болоньяда кўрганингда, яна ҳам бошқача гапирган бўлардинг. У ерда, каттадан кичиккача, доктордан энг жинқарча талабагача, ҳамма мени бошига қўйиб юрарди — мен одамларни ўз нутқларим ва ўткир зеҳним билан шунчалик ўзимга қаратиб олган эдим. Ҳали бу ҳаммаси эмас: Болоньяда мен айтган ҳар битта гапдан ичаклари узилгунча кулишарди — мана шунақа яхши кўришарди мени у ерда. Мен у ердан жўнаб кетмоқчи бўлганимда эса, ҳамма ҳўнграб йиғлаб, кетманг, деб ёлворганинг менга. Ҳатто шунгача бориб етувдики, тиббиёт бўйича лекцияларнинг жамини менга берадиган бўлишувди, лекин мен қолншга рози бўлмадим: бу ерда, сизларнинг шаҳрингизда мени меросхўрлик ҳуқуқи кутаётган эди ва дарҳақиқат: ажодимдан мерос қолган жуда катта бойликка эга бўлдим бу ерга келиб».

Шу чоғ Бруно Буффальмаккога юзланиб деди: «Хўш, нима деган эдим? Сен бўлсанг ишонмовдинг! Инжил ҳаққи, онт ичаманки, шаҳримизда эшак сийдигига бул зотчалик яхши тушунадиган биронта ҳам табиб йўқ. Э, нимасини айтасан: ҳатто Париж дарвозасигача сўраб-суриштириб борганингда ҳам турган гапки, бумга тенг келадиганини топа олмайсан. Ахир шундай зотнинг илтимосини ерда қолдириб бўларканми?»

«Бруно тўғри айтяпти,— деди табиб,— лекин мени бу ерда тушунишмаяпти — зеро, сизлар бу ерда жаҳолат ботқоғига ботиб қолгансизлар, о қани эди, менинг олимлар даврасида қанчалик ҳурматга лойиқлигимни кўрсангиз!»

«Гапингиз тўғри, доктор,— деди Буффальмакко,— сизнинг шунақа билимдон эканлигингизга сира ҳам шубҳа қилмаган эдим. Гап бундай, агар ақл бовар қилмайдиган тилда гапирадиган бўлсак,— зеро, сиздек донишманд билан фақат шундай тилда суҳбатлашмоқ лозимдир,— шу нарсани изҳор этишни ўзимга эп кўраманки, сизни ўз жамиятимиз даврасига албатта олиб киражакман».

Буффальмакко шундай ваъда қилганидан кейин, табиб, икковининг ҳам соясига кўрпача соладиган бўлиб қолди, дўстлар эса, уни майна қилишар, миясига ҳар хил бемаъни нарсаларни қуйишар ва уни Нажасия графинясига, яъни ҳар битта хонадоннинг

орқа эшигида төпиладиган энг муаттар хилқатга уйлантириб қўйишига сўз беришарди.

Табиб, ўшал графиня ким, деб сўради. «Вой, аммамнинг бузоғи!»— деб юборди Буффальмакко.— Бу хоним энг юксак мартабали киборлардан бўлади, қарийб бутун одамзод, унга тобедир, ҳаттоки мнноритлар ҳам у ташриф буюрганида қайроқларини шақиллатиб, эҳтиром билан қабул қиладилар. Шунинг ҳам айтиш керакки, у шаҳар кезган чоғда унинг келаётганини қулоқ ҳам, димоғ ҳам сезади, лекин у аксар пайтда ичкарида қамалиб ўтиради. Дарвоқе, у яқингинада кечаси уйингиз олдида қамалиб ўтиб кетди — у чўмилиб покланиш учун ва айни пайтда тоза ҳаводан тўйиб нафас олиш учун Арнога борган эди, аммо унинг доимий истиқомат қиладиган ери — Бадрат шаҳридир. Аскарлар уни назорат қилиб айланиб юрадилар ва ҳаммалари ул муҳтарама хоним ҳурмати учун супурги билан белкурак тасвирини тақиб юрадилар. Графинянинг муқаррабларининг ҳамма ерда учратиш мумкин, чунончи — Кумалоқиевни, доп Гўнг, Ҳожатилло, Буруқиттиё ва бошқалар; буларнинг ҳаммаси сизнинг танишларингиз, лекин сиз уларнинг номларини унутиб қўйганга ўхшайсиз. Сиз ўша какавинчильцлик ўз маҳбубангиздан воз кечишингизга тўғри келади, зеро, биз сизни мазкур маълума хонимнинг оғушига ташламоқчимизким, бу истак-орзумизда янглишмасак керак, деб ўйлаймиз».

Болоньяда туғилиб-ўсган ва бу иборалардаги биронта ҳам маънога тушунмаган табиб, ўша хоним менга жуда мос тушаркан, деб баён қилди, мана шу майнабозчиликдан кейин хиёл вақт ўтар-ўтмас, сураткашлар, унга жамоамизга аъзо этиб қабул қилиндингиз, деб хабар қилишди унга. Тунги маърака олдида доктор уларни яхшичаб меҳмон қилди, овқатланиб бўлишгач эса, жамоа ҳузурига қандай либосда бориши кераклигини сўради улардан. Буффальмакко ҳам унга жавобан бундай деди: «Биласизми, доктор, бу шунда сиздан фидокорона мардлик талаб қилинади; борди-ю, сиз фидокорона мардлик кўрсата олмасангиз, йўлингизда даф қилиб бўлмайдиган гоғлар пайдо бўлади. натижада, бизга ниҳоятда катта зиён етказасиз, лекин фидокорона мардлик сиз учун нимада керак — буни биз ҳозир тушунтириб берамиз. Бугун тунда, одамлар энди уйқуга кетган пайтда Санта Мария Новелла жомеси орқасига ўтиб, яқинда тикланган энг баланд сағана устига чиқиб турасиз, лекин энг яхши кийимларингизни кийиб бориңг; чунки сиз жамоа ҳузурда бугун биринчи марта бўласиз, десмак, албатта ясаниб бориш керак, бундан ташқари (биз у ерда охириги марта бўлганимизда эшитган эдик), бундан ташқари, бас, маълум бўлдики, сиз аслзодалар насабидан экансиз, шунга кўра, графиня, сизга шўнғитилган рицарь унвонини инъом этмоқчи, бунинг устига, шўнғитиш графинянинг ҳисобига бўлади. Хуллас, шу мақбара тепасида бизнинг элчимизни кутасиз. Сизга ҳамма нарса аён бўлсин учун шу нарсаларни айтиб қўйишни лозим деб биламан: сизни олиб кетгани ўртача катталикдаги бир шохдор қора мажлуқ келади ва рўпарангизда, сайҳон ерда сизни қўрқитиш мақсадида пишқириб дик-дик сакрай бошлайди; аммо у сизнинг

қўрқмаётганингизга ишонса, оҳиста юриб, олдингизга яқин келадн, шунда сиз ҳеч нарсадан қўрқмай, мақбарадан тушингу, худонн ҳам, авлиёю анбиёларни ҳам тилга олмай, шу махлуқ устига мнниб олинг, жойлашиб ўтириб олганингиздан кейин эса, қўлларингизни кўксингизга чалиштириб олингу махлуққа бошқа ҳеч қўл теккиза кўрманг. Шунда у одимлаб юриб кетади-да, сизни бизнинг ҳузуримизга олиб боради. Лекин огоҳлантириб қўяй: агар худога ёки авлиёю анбиёларга сиғингудек бўлсангиз, ё қўрқиб кетсангиз, махлуқ сизни устидан итқитиб, унчалик хушбўй бўлмаган ерга ташлаб юбориши мумкин, шунинг учун агар ўзингизга ишонмасангиз, яхшиси борманг, бўлмаса ўзингизнинг ҳам кайфиятингиз бузилади, бизга ҳам бу қилмишингиздан кўп зиён етади».

«Йўқ, сизлар ҳали мени билмайсизлар!— деб эътироз билдирди табиб.— Менинг қўлимга қўлпайпоқ, эгнимга этаги узун жома кийиб юрганымга қараманглар. Болоньяда биз йигитлар тўда-тўда бўлиб қизлар олдига борганимизда кўрсатган ҳунарларимни кўрганингиздами, ҳайратдан оғизларингиз ланг очилиб қоларди. Бир кун кечаси — азбаройи худо, рост айтяпман!— қизлардан биттаси тихирлик қилиб, биз билан боришни истамади, ўзини кўрсанглар, чалпакка ўраб ташласанг, ит боқмайди, бўйиям бир қаричгина, шунда мен аввалига уни роса пўстагини қоқдим, кейин қўлимга кўтариб олдим-да, камондан отилган ўқ қанча масофага бориб тушса, шунча ерга кўтариб бордим,— кейин, у ёғига ўзи юриб кетаверди. Яна бир марта, ҳали-ҳали эсимда *Ave Mariagan*¹ дан кейин миноритлар қабристонни ёнидан ўтганман, ёнимда бўлса, битта хизматкоримдан бошқа ҳеч ким йўқ эди, ўша кун қабристонга бир аёлни дафн қилишган эди, лекин мен ўшанда зиғирча ҳам қўрқмагандим. Шунинг учун мендан кўнглингиз тўқ бўлсин: мен жуда довюрак, азамат йигитман. Сизларга яна бир нарсани айтиб қўймоқчиман: мўътабар жамоа ҳузурда бўлиш учун мен алвонранг мактиямни кияман, уни менга доктор бўлганимда кийдиришган эди. Тасаввур қилияпман, жамоа аъзолари мени мантия кийиб борганимни кўриб, жуда ҳайратга келса керак! Ҳаш-паш дегунча, мени раислик лавозимига сайлаб қўйишлари турган гап. Ишқилиб, даврангизга кириб олсам марра меники, у ёғи хамирдан қил суғургандай юришиб кетади — мана кўрасизлар. Графиняни қаранг-а: ҳали мени бир марта ҳам кўргани йўқ-ку, ҳалитдан менга чўктирилган рицарь унвонини инъом этмоқчи! Балки, рицарлик менга тўғри келмас? Эплай олармикинман ё йўқми, а? Ҳай, ўшанда кўрамиз — олдин жамоа даврасига кириб олай».

«Гапда-ку, жуда мард кўринасиз,— деди Буффальмакко,— лекин яна бизга панд бериб қўйиб юрманг, тағин бирдан, худо кўрсатмасин, бормай қўйсангиз ё борсангиз ҳам, ҳеч топиб бўлмайдиган ерга беркиниб олсангиз-а. Ҳозир ҳаво совуқ, сизлар, жаноб табиблар, нозик халқ бўласизлар».

«Нима деяпсизлар, худо сақласин!— деди табиб.— Совуқ қота-

¹ Кечки ибодатда ўқиладиган дуо.

диган анойи йўқ; мен совуқдан қўрқмайман. Баъзида заҳар танг қилиб, кечалари туриб қоласан, лекин шундаям калта чакмоним устидан онда-сонда бир пўстин киймасам, бошқа маҳал киймайман. Йўқ, мен албатта бораман».

Ниҳоят, икки дўст чиқиб кетди, тун кирди, шунда доктор, зарур бир иш юзасидан бир ерга боришим керак, деган маънода хотинига озми-кўпми узрли бўлган бир баҳона айтиб, унга сездирмасдан кўчалик либосини кийди-да, вақт келганда қабристонга йўл олди. Ҳаво жуда совуқ эди, шунга қарамай, доктор мармар сағаналардан бирининг устида ўша махлуқни кутиб, жунжикиб ўтираверди. Энди гапни Буффальмаккодан эшитинг; бу баланд бўйли, давангир йигит шундай бир ниқоб қидириб топдики, уни бир замонлар оммавий сайил пайтида тақиб чиқишарди,— лекин ҳозир унақа сайиллар барҳам бериб кетган,— пўстин топиб, унинг қора астарини ағдариб кийиб олди-да, худди қуйиб қўйгандай, айиқ полвонга ўхшади-қолди, лекин унинг ниқоби шохдор бўлиб, унда иблиснинг башараси тасвирланган эди. У мана шундай қиёфада Санта Мария Новелла жомеси томон, янги майдонга йўл олди,— бу майнабозчиликнинг нима билан тугашини кўришга қизиққан Бруно ҳам ўртоғининг орқасидан эргашиб борди. Мана, Буффальмакко қабристонда докторни кўриб, сакрай, иргишлай, пишқира, ўкира бошладики — нақ қутурган ҳайвоннинг ўзи бўлди-қўйди! Доктор уни кўрди-ю, қўрққанидан тепа сочи тикка турди, бутун вужуди дағ-дағ титрай бошлади — шунини эйтироф этиш керакки, у хотин кишидан ҳам бешбаттар юраксиз эди. Энди у келганига минг пушаймон бўла бошлади, лекин энди бўлар иш бўлган эди, шунинг учун чидашдан ўзга иложи йўқ эди, ундан кейин анави икки сураткаш оғиз кўпиртириб тасвирлаб берган мўъжизаларни кўриш иштиёқи унда шу қадар кучли эдики, бора-бора бир амаллаб ўзини тутиб олди. Бу орада, Буффальмакко, боя айтганимдай, докторнинг олдида бир оз қутуриб иргишлагандан сўнг, энди ўзини ювош бўлиб қолгандай кўрсатди ва доктор чиқиб ўтирган сағананинг олдига келиб, худди қоққан қозиқдай қимир этмай туриб қолди. Доктор қўрққанидан дағ-дағ титрарди; у сағана устидан тушишиниям ё шу ерда ўтираверишниям билмасди. Ниҳоят, у, агар бу махлуқнинг устига минмасам, менга ҳамла қилиб ўтирмасин яна, деб қўрқиб, қўрқувин қўрқув билан енгди-да, сағана устидан тушди ва: «Ё парвардигор ўзинг раҳм қил»,— деб пичирлаб, махлуқнинг белига мўниб, жойлашиб ўтириб олди. У ҳамон қалтироғини боса олмай, тайинлаганларидай, қўлларини кўксига чалиштириб олди, шундан кейин, Буффальмакко тўрт оёқлаб Санта Мария делла Скала томон оҳиста юриб кетди-да, ахири бориб, Риполь аёллар монастырига яқин ерда тўхтади. Шу ерда хандақлар бўлиб, ерли деҳқонлар даласини ўғитлаш мақсадида Нажасия герцогинясини шу хандақларга тўкардилар. Буффальмакко шундай хандақлардан бирининг лабгинасига бориб тўхтади ва пайт пойлаб туриб, қўлини табибнинг оёғи тагига олиб борди-да, уни чалиб, елкасидан хандаққа боши билан шўнғитиб юборди, кейин яна ўкириб, дик-дик сакраб, хан-

дақ бошида зир югура бошлади, ундан кейин, Санта Мария дела Скала ёнидан ўтиб, Онъиссанти ўтлоғи сари йўл олди ва ўша ерда Брунога тўқнаш келди — Бруно кулиб юборишдан қўрқиб, ўтлоқ томон югуриб кетди. Улар иккови, булганган докторнинг нима иш қилишини узоқдан туриб кузата бошладилар. Бундай жирканч ерга тушиб қолган жаноб доктор эса, ўзини ўнглаб, у ердан бир амаллаб чиқиб олишга ҳаракат қилар, лекин яна сирпаниб йиқилиб тушарди. У бошидан то оёғигача булганиб, оғиз-бурни не балоларга тўлиб, силласи қуриган ва қилмишига минг пушаймон еган ҳолда ахири хандақдан бир амаллаб чиқиб олди, лекин мўйна қалпоғи ўша ерда қолиб кетди. У қўллари билан имкони борича артинди, кейин мутлақо саранг ҳолда уйи томон тентираб кетди ва етиб боргач, то эшикни очишгунча сабри чидамай, гурсилатавериб, унинг турмини бузаёзди.

У ҳамма ёққа бадбўй ҳид таратиб, энди уйига кирган, эндигина унинг орқасидан эшикни занжирлашган ҳам эдики, Бруно билан Буффальмакко унинг уйи олдига пусиб келишди — докторни унинг хотини қандай қарши олишини жудаям эшитгилари келган эди. Улар қулоқларини динг қилишиб, ичкаридан чиқаётган шовқинга қулоқ солишди: докторнинг хотини йўқ ердаги сўзлар билан эрини чунонам қарғаётган эдики, ҳали шу чоққача биронта ҳам аблаҳни бунчалик ҳақорат қилишмаган бўлса керак. «Қай гўрдан бунақа бежаниб келдинг?— деб шанғиларди хотини.— Биттариимта гарникига борган бўлсанг керак-да, алвонранг мантиянгни кийиб бориб керилмоқчи бўлгансан унга. Нима, мен камлик қил-япганмидим сенга? Мен, тасаддуқ, фақат сени эмас, бутун шаҳарни таъминлашга ҳам қурбим етади. Худоё худовандо, сени ўша ботган ерингга чўктириб юборишсин эди, ажаб қилишибди, сени нажасга ботириб! Ҳали бу кишим — ҳурматли доктормишлар! Э, садқайи доктор кет! Уйида хотини турса-ю, кечалари бегона хотинларникига йўрға чиқарса-я!» Хотин то ярим кечагача жағи тинмай эрини шунақа ва шу қабилдаги ҳақорат сўзлар билан қулоқмиясини еб юборди, бу пайтда хизматкорлар докторни ювинтирардилар.

Эртаси кун эрталаб, Бруно билан Буффальмакко, гўё калтакдан моматалоқ бўлгандай қилиб кўрсатиш учун, аъзойи баданларига кўк ранг суркаб, табибнинг олдига бордилар — у ўрнидан турган эди. Киришди-ю, димоғлари бутун уйни бадбўй ҳид тугиб кетганини сизди, — хизматкорлар уйни ҳали буткул тозалаб бўлмаган эдилар, шунинг учун хоналардан сассиқ ҳид анқиб турарди. Табиб, икки дўстининг келганини эшитиб, пешвоз чиқди ва уларга хайрли эрта тилади. Бруно билан Буффальмакко, олдиндан ўзаро келишиб олишгани бўйича, табибга жаҳл билан жавоб қилдилар: «Лекин биз сизга хайрли эрта тиламаймиз — аксинча: худодан сўраймизки, у сизнинг бошингизга бисотидаги бутун балою офатларини ёғдирсин, илоё, сизни ҳозир ер юзида ҳаёт бўлган барча ғаддор ва хонлар орасида энг мараз ва энг хиёнаткори сифатида жазога мустаҳиқ қилсин, зеро, биз сизни ўзат-икромга ва ҳузур-ҳаловатга мушарраф қиламиз, деб роса ўлиб-тирилган

эдик, оқибатда бўлса, касофатингизга қолиб, итдек ўлиб кетишимизга сал қолди. Бизни бугун тунда лақиллатганингиз учун шунақанги дўппослашиб пўстагимизни қоқишдики, бунақа калтакни еган эшак, ҳаттоки бундан камроқ калтак еган тақдирда ҳам оғриқдан қочиб Римгача шаталоқ отиб югурган бўларди, бу ҳам баҳарнав-а, ҳали сизни аъзо қилиб олиб кирмоқчи бўлганимиз жамоа сафидан ўзимиз ҳам қувилиш хавфи остида қолдик. Гапимизга ишонмасангиз — ўзингиз бир кўринг не кўйга тушганимизни». Шундай дея улар эрталабки ғира-шира кийимларининг тугмаларини ечиб, кўкка бўялган баданларини бир зумгагина кўрсатиб, яна беркитиб олдилар.

Табиб ўзида айб йўқлигини исботлашга киришиб, ўз бошига тушган оғир мусибатни, уни қанақа ерга ташлаб юборилганини ҳикоя қила бошлади, лекин Буффальмакко унга бундай деди: «Менга қолса, у сизни кўприк устидан Арнога улоқтирсин эди. Нега худони, авлиёларни тилга олдингиз? Ахир, тилга олманг, деб огоҳлантирган эмасмидик?»

«Йўғ-е, худо ҳаққи, тилга олганим йўқ»,— деб эътироз билдирди табиб.

«Ие, нега тилга олмаган экансиз?— деб қичқириб юборди Буффальмакко.— Шунақанги тилга олдингизки! Юборган элчимиз, худди терак баргидек қалтираганингизни, ўзингизни қаерда эканлигингизни тасаввур қила олмаганингизни бизга гапириб берди. Қойил, боппладингиз бизни,— ҳеч ким журъат эта олмасди бизга шундай қилишга,— энди шошмай туринг, шу қилмишингизга яраша, сизни бир сийпалаб қўймасакми».

Табиб энг нафис ибораларни ишлатиб, йигитлардан узр сўради ва худо ҳаққи, мени шарманда қилманглар, деб ёлворди. У бутун шаҳарга шарманда бўлишдан қўрқиб, йигитларга аввалгидан ҳам кўпроқ ҳушмад қила бошлади, меҳмонга чақириш ва ҳоказо яхшиликлар қилиш билан уларнинг кўнглини овлай бошлади. Мана шунақа, кимки, Болоньяда ақлини пешлаб, эсини йиғиб олмаган бўлса, унга шу йўсинда ақл киритиб қўядилар.

10

Сицилиялик бир хоним, Палермога мол олиб келиб сотган бир савдогарнинг бисотисидаги ҳамма ақчасини ғоятда усталлик билан қўлга туширади; савдогар иккинчи марта Палермога келганида, аввалги сафаргидан ҳам кўпроқ мол олиб келдим, деб сицилиялик аёлни ишонтиради ва ундан қарзга пул олиб, эвазига сув билан лос қолдиради

Қиролича айтган ҳикоянинг кўпгина ерлари хонимларни қанчалик кулдирганини тасаввур қилиш қийин эмас. Хонимлар хахолаб кулишганлигидан ҳаммаларининг ҳам кўзида камида ўн мартадан ёш пайдо бўлган эди. Қироличанинг ҳикояси тугагач эса, энди навбат ўзиники эканлигини билган Дионео, бундай деб гап бошлади:

— Дилрабо хонимлар! Барчага аёнки, юлдузни бенарвои ура-
диган доғули одамни қанчалик усталик билан аҳмоқ қилинса,
бундай дасиса шунчалик юксак қадрланади. Мана шунинг учун
ҳам мен, гарчи бу мавзуда ўта қизиқарли воқеаларни ҳар битта-
миз жуда кўп маротаба ҳикоя қилган бўлсак ҳам шунга қарамай,
сизларнинг эътиборингизга яна бир ҳикояни ҳавола қилмоқчиман-
ки, бу ҳикоя бу ерда баён қилинган барча қиссалардан кўра кўп-
роқ сизларга мақбул бўлиши керак, бунга бирдан-бир сабаб, мен
ҳикоя қилмоқчи бўлганим — аҳмоқ қилинган ўша аёлнинг ўзи
бошқаларни бундан олдинги ҳикояларда аҳмоқ қилинган барча
эркагу аёллардан минг чандон ўтқизиб аҳмоқ қилишга қодир эди.

Бандаргоҳи бўлган барча денгиз бўйи шаҳарларда, мол билан
келган барча савдогарларнинг молларини кемадан туширилгани
заҳоти, кўп ерларда божхона деб ҳам юритилувчи омборга қўйиб
қўйишни талаб қиладиган қоида мавжуд эди, — эҳтимолки, у ҳали
ҳам беқор қилинмагандир; бундай омборлар шаҳарнинг ёнқи
шаҳар ҳокимининг ихтиёрида бўлган. Божхона ходимлари савдо-
гардан молни рўйхат бўйича қабул қилиб олишар (албатта, ҳар
бир молнинг қиймати кўрсатилган бўларди), мол учун маҳсус
хона ажратилар, сўнг ўша хонани қулфлаб, молнинг рўйхатини
божхона китобига кўчирардиларки, бу хизматлари учун улар савдо-
гардан ҳақ олардилар, кейинроқ эса, қўйилган молнинг ҳаммаси
учун, ёки молнинг савдогар омбордан олиб чиқиб кетган қисми
учун, ундан бож ҳам олардилар. Даллоллар аксарият пайтларда
омборда ётган молнинг сифати ва миқдори ҳақида, унинг эгаси
кимлиги ҳақида мана шу божхона китобидан билиб олишиб, ке-
йин улар, агар зарурат туғилса, шу мол эгалари билан алмашиш,
сотиш, харид қилиб бошқага сотиш, шунингдек, молни ўтказиш-
нинг бошқа усуллари тўғрисида музокара олиб борар эдилар. Бу
таомил кўп шаҳарлар қатори Сицилиянинг Палермо шаҳрида ҳам
мавжуд эдиким, мафтункор қиёфали, аммо мутлақо ёмон хулқли
аёллар у ерда кўп бўлишар эди, ҳали ҳам кўп учрашади; мана шу
аёлларнинг кимлигини билмаган мусофирлар, уларни энг аслзода
ва энг номусли аёллар деб ўйлашиб, иззат-ҳурмат қилардилар.
Ҳолбуки, бу аёлларнинг шуғулланадиган бирдан-бир иши эркак-
ларнинг наинки «соқолини олиш», балки териси билан шилиб
олишдан иборат эди; улар мусофир савдогарни учратган заҳотла-
ри бу савдогарнинг қанақа моллари борлигини ва қандай маблағ-
га эга эканлигини аниқлаш учун физиллаганча божхонага бориб, у
ердаги рўйхат китобини кўздан кечирардилар-да, шундан кейин,
савдогар билан назоқатли ва латофатли муомала қилиб, унга ши-
рин сўзлар айтишар, авраб-савраб, севги домига тортишга ури-
нишарди. Улар шу йўсинда жуда кўп савдогарларни тузоққа
илинтиришган ва улардан баъзиларининг деярли бутун молини
ҳийла билан қўлга киритган, кўпчилик савдогарларни эса, бутун-
лай хонавайрон қилган эдилар, савдогарлардан айримлари-ку, у
ерда ҳам молини, ҳам қемасини қолдириб, қисқаси — бутунлай
расвою радди бало бўлган эди: эркакларнинг соқолини олувчи бу
хонимлар устарани мана шунақа усталик билан ишлатар эдилар.

Шундай қилиб, бундан бир неча вақт муқаддам, лақаби «Салабаэтто» бўлган Никколо да Чиньяно исмли ҳамшаҳаримиз, яъни флоренциялик бир ёш йигит ўз соҳибининг фармойишига кўра, Салерно ярмаркасида ўтмай қолган олтин пул билан тахминан беш юз флорин турадиган жун матони Палермога олиб келди. Йигит молни сотишга унча ошиқмади; у божхона ходимларига зарурий ҳақни тўлаб, молларини сақлаб қўйиш учун оморга топширди-да, ўзи шаҳарни сайр қилгани чиқиб кетди. У оқ сариқдан келган, қадди-қомати келишган, кўркам йигит эдики, ўзини донна Янкофьоре деб юритувчи соқол олувчи аёллардан бири, бу йигитнинг молиявий ишларидан бир қадар хабардор бўлиб олганлигидан, энди унга кўз сузиб, ноз-карашма қила бошлади. Йигит ҳам аёлнинг нозларини пайқади ва шундоқ кибор хонимнинг эътиборини ўзимга қаратибман-ку, деб ўйлаб, бунга ўзининг сержозибга қиёфасини сабаб қилиб қўйди ва бу ўринда ниҳоятда усталлик билан иш кўриш керак, деган қарорга келди. У ҳеч кимга ҳеч нима деб оғиз очмай, ул хонимнинг уйи олдидан тез-тез ўтиб турадиган бўлди. Янкофьоре бунинг маъносига дарров тушунди; у бир неча кун муттасил ўзининг оташ нигоҳлари билан йигитнинг ишқий ҳирсида учқун чақнатиб, уни аланга олдира бошлади ва ўзи ҳам йигитнинг ишқида ўт бўлиб ёнаётганлигини кўз қарашлари билан тушунтирди, ана ундан кейин у савдогар йигит олдига қўшмачилик санъатида тенги йўқ бир аёлни юборди. Қўшмачи хотин хоним ҳақида дунёнинг гапини айтиб ташлади; унинг айтишича, йигитнинг хушчеҳралиги ва хушбичимлиги бекасининг бошини шунчалик айлантириб қўйганмишики, у кечас ҳам, кундузи ҳам тинчини йўқотиб, шу йигит қўйида оҳнола чекармиш, бинобарин, бекаси шу йигит билан дийдор кўришиш иштиёқида ёняпганмиш ва у билан кўнгли тилаган пайтда ҳаммомда хуфиёна учрашишга ҳам тайёрмиш; қўшмачи буларнинг ҳаммасини йиғлаб-йиғлаб гапириб, Салабаэттони гапига ишонтира бошлади. Шундан кейин аёл ҳамёнидан бир узук олди, уни бекасидан совға деб тушунтириб, йигитга тутқазди. Салабаэттонинг оғзи қулоғида эди. У узукни олиб, кўзига суртди, ўпди ва бармоғига тақди, муҳтарама аёлга эса, донна Янкофьорени ўзи ҳам ортиқ даражада севишини ва ул хоним қаерга ва қачон чақирмасин, қанот боғлаб боражagini айтди.

Элчи аёл унинг бу жавобини бекасига етказди, шундан кейин эртага кундузи ибодатдан кейин хонимни қайси ҳаммомда кутиш ҳақида Салабаэттога шу заҳотиёқ хабар қилинди. Салабаэтто танишларидан ҳеч кимга бу ҳақда оғиз очмай, тайин қилинган соатда, ўша белгиланган ерга шошқалоқлик билан етиб борди, боргач, бу ҳаммомнинг олдиндан хоним томонидан ижарага олинганлигини билди. Орадан бир оз вақт ўтгач, ҳар турли буюмларни кўтаришиб, икки чўри хотин келди; биттаси бошига аъло навли узун тўшак кўтариб олган, иккинчиси — турли-туман нарсаларга тўлдирилган каттакон сават кўтарган эди. Тўшак ҳаммом орқасидаги хоналардан биридаги чорноя устига тўшалди, кейин чўрилар тўшак устига ипак ҳошияли иккита ҳарир чойшаб, Қипр ма-

төсидан тикилган қордек оппоқ адёл ёздилар ва ғоятда нафис гуллар тикилган икки дона болиш қўйдилар. Шундан сўнг, улар ечиниб, ҳаммомга кирдилар ва уни чиннидай қилиб ювиб, супуриб чиқдилар. Бир оздан кейин Янкофьоре кириб келди, унинг ҳам ёнида иккита чўри хотин бор эди. У Салабаэттонни кўриб, у билан хурсанд кўришди; энтика-энтика нафас олиб, йигитни ўз қучоғига маҳкам босиб, юз-кўзларидан ўпди. «Умрим бино бўлиб, мени шу қўйга солган фақат сен бўлдинг,— деди Янкофьоре.— Юрагим алангайи оташ бўлиб ёняпти, бунинг ҳаммаси фақат сен туфайли, о, менинг тосканалик¹ маҳбубим!»

Кейин улар иккови Янкофьоренинг хоҳиши билан қип-яланғоч бўлиб ечинишди-да, ҳаммомга киришди; икки чўри хотин уларни кузатиб кирди. Хоним Салабаэттога ҳеч кимнинг қўлини урдирмасдан ўзи уни мушк ва чиннигул совуни билан ҳафсала қилиб, чаққон-чаққон ювинтирди, кейин ўзини ҳам ювинтириб, ишқалаб қўйишни чўриларига буюрди. Улар чўмилиб бўлишгач, чўрилар иккита қордек оппоқ ҳарир чойшаб олиб келишди, улардан шундай ўткир атиргул ҳиди анқиб турардики, гўё ҳаммомдаги ҳамма нарсаларга шу муаттар ҳид ўтириб қолгандек эди. Чўрилардан бири чойшабга Салабаэттонни, иккинчиси — Янкофьорени ўради-да, икковлари бу ошиқ-маъшуқларни опичлаб, олдиндан муҳайё қилиб қўйилган тўшакка олиб бориб ўтказди. Йигит билан хонимнинг баданидаги тер қотгач, чўрилар чойшабларни алмаштирдилар. Кейин саватдан гулоб, апельсин суви, ясмин суви солинган ғоятда антиқа кумуш идишчалар олишиб, уларни ошиқ-маъшуқларга пуркашди, сўнг ширинликлар ва қимматбаҳо шароблар солинган қутини очишиб, уларни меҳмон қилишди, ўзлари ҳам еб-ичишди. Салабаэтто ўзини гўё жаннатда деб ҳис қила бошлади; у Янкофьорени кўзи билан еб юборгудек бўлиб ўтирарди,— хоним чиндан ҳам беқийёс даражада гўзал эди,— шунинг учун то чўрилар бу хонадан чиқиб кетиб, хонимни ўз бағрига босгунгача бўлган ҳар бир дақиқа йигитга гўё бир асрдек туюла бошлаганди. Ниҳоят бека чўриларни хонадан чиқиб кетишга ундади, улар ҳаммомда шабчироқни ёқиғлигича қолдириб чиқиб кетдилар, шунда Янкофьоре Салабаэттонни қучоқлади, Салабаэтто эса уни бағрига босаркан, назарида, хоним бу йигитга бўлган муҳаббатидан унинг қўйнида эриб кетаётгандай туюлдики, Салабаэтто бениҳоя ҳузур-ҳаловат оғушига ғарқ бўлди ва улар бир-бирларига чирмашиб, бу ерда анчагача қолиб кетдилар.

Ниҳоят, Янкофьоре, энди туриш керак, деган қарорга келиб, чўриларни чақирди, сўнг ўзи ҳам, Салабаэтто ҳам кийинишди, яна шароблардан ичиб, ширинликлардан еб дадил бўлиб олдилар, юзу қўлларини яна ўшал хушбўй сувлар билан ювдилар, шунда Янкофьоре Салабаэтто билан хайрлаша туриб, шундай деди: «Агар бугун кечликни менинг уйимда қилиб, ўша ерда ётиб қолсанг, мени жуда хурсанд қилган бўлардинг».

¹ Тоскана — Италиянинг бир вилояти; пойтахти Флоренция. (Тарж.)

Аёлнинг ҳусн-жамолига ва сохта илтифотига шайдо бўлган Салабаэтто, мен бу хонимга жудаям ёқиб қолибман, деб қатъий ишонган эди. «Хоним!— деди у.— Мен сизнинг ҳар қандай истингизни бажо айлашдан ўзимни ғоятда бахтиёр ҳисоблаган бўлардим. Бугун кечқурун ҳам, бундан кейин ҳам мен фақат сиз ихтиёр қилган нарсани ва сиз менга буюрган ишни бажарурман».

Янкофьоре уйига кела солиб, ўз ётоқхонасига, ҳаминқадар, кўпроқ кийим-кечак ва турли-туман буюмларни ташиб киришни, ниҳоятда дабдабали дастурхон тузашни буюрди-да, Салабаэттонинг кута бошлади. Қоронғи тушганда йигит хонимникига равона бўлди, хоним уни қучоқ очиб кутиб олди, натижада улар аъло даражада тайёрланган кечлик зиёфатни зўр кўнгилхушлик билан ўтказдилар. Зиёфатдан сўнг йигит хонимнинг оромгоҳига кирганида алойнинг, тутаб турган қатроннинг ажиб бир атри димоғига кирди, ғоятда шинам қилиб солинган тўшакка ва деворларга осилган беҳисоб асл либосларга кўзи тушди. Буларнинг ҳаммаси бир бўлиб, шунингдек, ҳар биттаси алоҳида ҳолда, йигитнинг кўнглида, Янкофьоре аслзода ва бадавлат аёл экан, деган қатъий ишонч уйғотди. Аёлнинг турмуш тарзи ҳақида унинг қулоғига етиб келган мишмишлар бу манзарага тамомила зид эди, шунинг учун у ўша мишмиш гапларга сираям ишонгиси келмади; у, хоним битта-яримтани лақиллатган бўлса бордир, деб ишонарди-ю, аммо ўзининг мана шу аёл томонидан аҳмоқ қилинишини мутлақо кўз олдига келтира олмас эди. У аёл билан бутун тунни лаззат суриб ўтказдики, унинг қалбидаги ишқ оташи бундан тобора кучлироқ аланга ола бошлади. Эрталаб Янкофьоре савдогар йигитнинг белига ғоятда чиройли ва бежирим кумуш камар боғлади — камарга ажойиб ҳамён осилган эди. «Жон Салабаэтто, мени унутма!— деди у.— Мен бутун вужудим билан сеникиман, кейин, сен бу ерда кўриб турган нарсалар ҳам, менинг измимда бўлган жаминки нарсалар ҳам сенинг ихтиёрингда». Салабаэттонинг кўнгли тоғдек кўтарилиб, аёлни бағрига босиб ўпди ва одат бўйича савдогарлар тўпланадиган ерга қараб йўл олди.

Бундан кейин ҳам у Янкофьореникида бир неча марта бўлди, бу ташрифлари пайтида бир чақа ҳам сарфламади-ю, аммо ҳар борган сари аёлнинг домига кўпроқ илина бошлади. Мана, у ниҳоят жун матоларини сотди, сотгандаям анча фойдасига сотди, Янкофьоре эса, ўша заҳоти бунинг дарагини эшитди, илло, савдогар йигитнинг ўзидан эмас, бошқалардан эшитди. Бир кун кечқурун Салабаэтто аёлнинг ҳузурда меҳмонда эди, шунда хоним булбулигўё бўлиб, у билан чақчақлашиб ўтираркан, ҳадеб уни қучоқлаб, ундан бўсалар олар ва уни шу қадар оташ муҳаббат билан севаётгандай кўрсатардики, гўё шу муҳаббатдан ҳозир унинг қучоғида ўлиб қолаётгандек кўринарди. Бу сафар у Салабаэттога бир жуфт чиройли кумуш қадаҳ совға қилиш ниятида эди, бироқ Салабаэтто бу совғани олмади, зеро, у шундоқ ҳам бу хонимдан бир-икки марта, йўқ деганда, олтин ҳисобида ўттиз-флорин турадиган совға қабул қилган эди-ю, аммо хоним ундан ҳатто икки пуллик ҳам совға олмаган эди. Шу зайлда хоним ўзи-

ни қўли очиқ, унга жону дили билан мафтун бўлган аёл қилиб кўрсатиб, йигитнинг қалбида ишқ ўтини ниҳоят даражада алангалатиб юборди; лекин айти шу пайтда чўрилардан бири, бекасининг олдиндан тайинлагани бўйича, уни эшикка чақирди, Янкофьоре хонадан чиқди ва бир оз муҳлатдан кейин икки кўзи жиққа ёш, қайтиб кирди-да, чорпоёга мук тушиб ётиб, ўксиб-ўксиб йиғлай бошлади.

Салабаэтто бу ҳолдан ҳанг-манг бўлиб қолди: у Янкофьорени бағрига босди ва ўзи ҳам йиғлаб юборди. «О, менинг қувончим, нима бўлди ахир сизга дабдурустдан?— деди йигит.— Нега бунча қайғурмоқдасиз?»

Йигит қўярда-қўймай, ҳадеб суриштираверганидан кейин ниҳоят Янкофьоре тилга кирди: «Оҳ, менинг суюкли султоним! Нима қилишимни билмай бошим гаранг бўлиб қолди. Мен ҳозир Мессинадан¹ акамдан мактуб олдим: қандай қилиб бўлса ҳам, бисотимдаги ҳамма молларимни сотиб, гаровга қўйиб бўлса ҳам, унга шу бир ҳафта ичида минг олтин флорин юборишимни сўрабди, агар шу айтган пулини юбормасам, унинг боши кундага қўйиларкан. Энди нима қилсам экан, ҳайронман. Шу қисқа вақт ичида шундай катта пулни қандай қилиб топаман? Ихтиёримда, ҳеч бўлмаса, икки ҳафтагина вақт бўлгандаям майли эди, бир ердан минг флориндан кўпроқ оласим бор эди, шуни олиб юбора қолардим ё бўлмаса, ўз мулкларимиздан биронтасини сотардим, лекин бу қисқа вақт ичида ҳеч нимага улгуриб бўлмайди. Бундай мудҳиш хабарни олгандан кўра, ўлганим яхши эди». Янкофьоре ўзини бошига оғир мусибат тушгандек қилиб кўрсатишда давом этиб, дувдув кўз ёш тўқа бошлади.

Ишқ алангаси Салабаэттонинг эс-ҳушини деярли буткул олиб қўйган эди, шунга кўра у, хонимнинг кўз ёшлари энг самимий кўз ёшлар, айтган гаплари эса, кўз ёшларидан ҳам ҳаққонийроқ деб ҳисоблаб, унга шундай деди: «Хоним! Менда минг флорин пул йўғу, аммо сизга икки ҳафтада қайтиб бериш шарти билан беш юз флорин пул бериб туришим мумкин. Буям сизнинг бахтингиз экан, куни кеча сотган эдим матоларимни, бир кун олдин бўлгандаям сизга сариқ чақа бера олмас эдим».

«Вой, ўлмасам!— деди Янкофьоре.— Ҳали сен шунча вақтдан бери пулсиз юрганмидинг? Нега мендан сўрай қолмадинг? Минг флорин-ку, мендаям топилмасди-я, илло юз ё икки юз флорин қарз бериб турган бўлардим. Энди менинг сендан қарз сўрашим ноқулай».

Бу сўзлар Салабаэттога айниқса қаттиқ таъсир этди. «Марҳамат, хоним, ҳеч тортинмасдан олаверинг!— деди у.— Агарда мен пулга муҳтож бўлганимда, албатта сиздан қарз сўраган бўлардим».

«Оҳ, азизим Салабаэтто!— деди Янкофьоре.— Баски, мен илтимос қилмасимдан ўзинг шундай катта пулни қўлимга тутқазиб,

¹ Мессина — Сицилия оролининг шимоли-шарқидаги шаҳар. (Тарж.)

Мейга яхшилик қиялган экансан, мени жон-дилигдан чинакама-га севишингга энди шаҳодат қилдим. Мен олдин ҳам бутун жону таним билан сеники эдим, энди бўлса, инчунин. Акамнинг сен туфайли жон сақлаб қолганини ўла-ўлгунимча унутмайман. Худо шоҳид, мен бу пулларни кўнглим ғаш бўлиб оляпман — зеро, би-ламан, сен савдогар одамсан, савдогар аҳли пулсиз бир кун ҳам тура олмайди, лекин ўзга иложим йўқ, ундан кейин, пулингни муддатида қайтариб беришимга асло шубҳа қилмайман. Энди етмаган пулни топиш керак, борди-ю, бирон бошқа илож топи-майдиган бўлса, унда буюмларимни гаровга қўяман-да, начора. Шу гапларни айтиб бўлиб, у юзини Салабаэттонинг юзига қўй-ганча юм-юм йиғлай бошлади. Салабаэтто унга таскин берди, бу-тун тун у билан бирга бўлиб, ўзини энг саховатли ошиқ эканлигини маҳбубасига исботлашга ҳаракат қилди: яна гап очилишни кутиб ўтирмай, хонимга роппа-роса беш юз флоринни олиб келиб тут-қазди. Янкофьоре эса, бу пулни ич-ичидан кулиб, аммо кўзида ёш билан қабул қилди, Салабаэтто бўлса, бу пулни хонимнинг чин сўзига ишониб тутқизган эди.

Янкофьоре пулни қўлига туширганидан кейин, мутлақо бош-қача оҳанг чиқариб қолди: илгари Салабаэтто учун унинг эшиги ҳамма вақт очиқ бўлган бўлса, энди деярли ҳар сафар, уни уйига киритмаслик учун бирон баҳона топилиб турарди; қаёқда қолди аввалги меҳмондўстлик, меҳрибонлик, шод-хуррамлик! Қарзни қайтарадиган муддат келганда эса, Салабаэтто берган пулининг бир чақасини ҳам қайтиб ололмади; ундан кейин яна бир ой вақт ўтди, иккинчи ой ҳам ўтди, лекин пул ҳақида гап очганида пул ўрнига фақат ваъда ола бошлади. Шундан кейин, Салабаэтто ни-ҳоят, бу бадкор аёлнинг найрангига учганини, ўзининг бефаро-сатлик қилганини тушуниб, агар аёлнинг ўзи пулнинг бирон-бир қисмини ўз ихтиёри билан қайтиб бермаса, ўртада тилхат ҳам, гувоҳлар ҳам бўлмаганлиги сабабли ундан ҳеч нима ола олмасли-гини билди-ю, лекин бирон кишига дардини очишдан хижолат бў-либ (чунки яхши одамлар уни оғоҳлантирган эдилар, шунинг учун унинг бу анқовлиги устидан ажаб бўпти деб кулишларидан қўр-қарди), ёлғиз ўзи ич-этини еб, ўзининг аҳмоқлигидан нола чекиб юраверди. Бу ўртада, Салабаэтто ўз соҳибларидан кетма-кет ан-ча-мунча мактуб олди, улар пулни саррофдан алмаштириб олиб, жўнатиб юборишни талаб қилар эдилар; мана, ниҳоят у агар со-ҳибларининг талабини бажармаса, қилган жинояти эртами-кечми барибир ошкор бўлишига кўзи етди-да, бу ердан бош олиб кетиш-га қарор қилди, аммо у соҳибларининг тайинлашича, Пизага эмас, балки Неаполга жўнамоқчи бўлди ва шу ният билан кемага ўтирди.

Уша пайтда Неаполда Константинополь маликасининг хазина-чиси бўлмиш Пьетро делло Қанижано исмли ҳамшаҳаримиз исти-қомат қилиб турарди; бу фаросатли ва йўл-йўриқ кўрсатишга уста одам Салабаэттонинг ва унинг бутун оила аъзоларининг энг қадр-дон дўсти эди, Салабаэтто айнан мана шу ниҳоят даражада ўткир вехнли зотга ўз дардини ошкор қилди, ўзининг нима иш қилиб

қўйгани-ю, уни қандай гел қилишганини бир бошдан сўзлаб бериб, қандай қилсам, бу ерда тирикчилигим ўтаркин, чунки Флоренцияга энди ўлсам ҳам қадам босмайман, деган мулоҳаза билан ундан маслаҳат ва ёрдам сўрай бошлади.

Канижано йигитнинг дардини эшитиб, қаттиқ ранжиди. «Сен, аҳмоқлик қилгансан, ўз шаънингга доғ туширгансан, соҳибларингнинг айтганига қулоқ осмагансан, сен ўз шаҳвоний нафсингни қондириш учун жуда катта пулни бой бериб қўйгансан, энди буни гапириб ўтиришдан нима наф?— деди у.— Бўлар иш бўпти. Энди бундан бу ёғига нима қилишни ўйлаб кўрайлик». Канижано ҳар қандай мушкулотдан ҳам қутулиб чиқишга йўл топа оладиган оқил одам бўлгани учун шу заҳотиёқ бу масалани ҳар ёқлама яхшишлаб мулоҳаза қилиб кўрди-да, Салабаэттога маслаҳат берди. Канижанонинг топган усули Салабаэттога маъқул бўлди ва у фурсатни бой бермасдан, дарҳол уни амалга оширишга киришди.

Салабаэттонинг ёнида озгина пули бор эди, ундан кейин Канижано ҳам унга бир оз қарз берди: у бир нималарни той-той қилиб, чандиб боғлаб, уйиб ташлади, зайтун мойндан бўшаган бочкалардан йиғирматчасини сотиб олиб, уларни ҳам тўлдирди ва ҳаммасини кемага ортиб, яна Палермога қайтди. Салабаэтто божхона ходимларига тойланган молларнинг рўйхатини ва бочкаларнинг қийматини айтиб, ҳаммасини ўз хусусий моли деб эълон қилди ва уларни сақлаб қўйиш учун омборга топширди, божхона ходимларини эса, то яна бир кема янги молни келмагунча бу молларнига қўл урмайман, деб огоҳдантириб қўйди. Янкофьоре бунинг дарагини эшитиб, Салабаэтто олиб келган мол, йўқ деганда, олтин пул билан икки минг флорин туришини, у кутаётган янги моллар эса, уч минг флориндан ҳам қимматроқ баҳолатганини билгач, бу савдогар йиғитда ҳали анча оласим бор экан, деган хаёлга борди ва беш минг флорин келадиган мўмай пудни қўлга киритиш учун беш юз флорин қарзини қайтиб беришни ўйлаб, унга одам юборди.

Қандай одам билан мулоқотда бўлаётганини энди яхши билган Салабаэтто Янкофьоренинг ҳузурига борди, шунда хоним, йиғитнинг қанча қийматга эга бўлган мол олиб келганидан ўзини гўё беҳабардай ва унинг келганидан ўзини бениҳоя шод бўлгандай кўрсатиб, унга шундай савол билан юзланди: «Менга қара! Қарзингни ўз вақтида қайтариб беролмаганим учун мендан хафа эмасмисан?»

Салабаэтто кулиб юбориб шундай деди: «Ори рост, хоним, мен бир оз хижолат тортган эдим, лекин мутлақо ўзим учун эмас: сизни рози қилмоқ учун мен, ўз кўксимдан юрагимни ҳам юлиб берган бўлардим. Йўқ, мен сиздан хафа бўла олмайман. Мен сизни шунчалик кучли, шунчалик оташин муҳаббат билан севаманки, қарийб бутун ер-мулкларимни сотиб, пулига икки минг флориндан кўпроқ турадиган мол олиб келдим бу ерга: ундан кейин, яна Ғарбдан ҳам уч минг флориндан кўпроқ мол келишини кутяпман. Хулласи калом, мен шу шаҳарда манзил қуриб, дўкон очишни ният қилдимки, мудом виселингиздан баҳраманд бўлиб туришдир

меннинг ягона орзум, зеро, сиз ўз севгингиз билан мени шунчалик бахтиёр қилдингизки, назаримда, ҳозир бутун дунёда менчалик хушбахт одам бўлмаса керак».

Янкофьоре ҳам жавобан бундай деди: «Гапимга ишон, Салабаэтто: сенинг ҳар бир муваффақиятингдан кўнглим тоғдек кўтарилди, зероки, мен сени жонимдан ҳам ортиқ яхши кўраман, шунинг учун қайтиб келганингни ва бу ерда маскан қуришингни эшитиб, бошим осмонга етди,— ҳали сен билан роҳат-фароғатда яшасак керак, деган умиддаман,— лекин мен сендан уэр сўрашим керак: сен бу ердан жўнаб кетишинг арафасида бир неча бор уйимга келдинг, мен бўлсам, сени қабул қилмадим, қабул қилган чоғимда ҳам аввалгидек очиқ чеҳра билан қабул қилмадим, яна қарзингни ўз вақтида қайтаролмаганим учун ҳам уэр сўрайман сендан. Лекин ўзинг биласан, ўшанда бошимга оғир мусибат тушган эди, мен буткул умидсизликка тушиб қолган эдим, бундай аҳволга тушганингда, ўзингни қанча мажбур қилма, ҳаттоки севикли одамнинг билан ҳам хушмуомала, серилтифот бўла олмас экансан. Ўзинг тушунасан, аёл киши учун минг флорин олтин пул топиш осон иш эмас: ҳамма ваъда қилаверади-ю, аммо ваъдасининг устидан чиқмайди,— шунинг учун бизларнинг ҳам ёлғон сўзлашимизга тўғри келади; қарзингни бермаганимнинг бонси шу эди. Аммо кўнглимда ҳеч қандай ёмон ниятим йўқ эди. Сен жўнаб кетганингдан кейин, сал вақт ўтгач, пул топган эдим, пулингни қаёққа юборишим кераклигини билганимда эди, албатта юборган бўлардим; лекин сенинг қайси ерда туришинг менга маълум эмас эди, шунинг учун у пулни то ўзинг қайтиб келгунингча яшириб қўйишга қарор қилдим».

Шунда Янкофьоре пул солинган ҳамённи олиб келишни буюрди ва уни Салабаэттонинг қўлига тутқазаркан, деди: «Санаб ол — роппа-роса беш юз бўлиши керак».

Салабаэтто хурсанд бўлиб кетди; у пулни санаб чиқиб, бут эканлигига ишонч ҳосил қилгач, киссасига солди-да, бундай деди: «Сизга ишонча бўлади, хоним,— сиз буни амалда исботладингиз. Шунинг учун билиб қўйинг: мен сизга шу қадар ишонаман ва сизни шунчалик севаманки, зарурат туғилган пайтда, ихтиёримда бор бўлган пулдан кўнглингиз тусаган миқдорини сизга қарз беришим мумкин. Мен бу ерга жойлашганимдан кейин, гапимнинг ростлигига ўзингиз амалда иқрор бўлажаксиз».

Алқисса, Салабаэтто бир вақтлардаги ишқий мойилликни оғизда қайта тиклаб, Янкофьоре билан муҳаббат оғушида тотувлик билан кун кечира бошлади, Янкофьоре эса, ўзини дунёда энг ҳирси зўр ўйнашдек кўрсатиб, бутун ҳунарини кўрсатиб, йигитга хушомад қилар, унинг кўнглини овларди.

Бу орада Салабаэтто унинг алдоқчилигига алдоқчилик билан жавоб қайтаришга шайлана бошлади, ниҳоят бир кунни кечқурун у Янкофьоренинг таклифига кўра унинг уйига кечлик қилгани ва шу ерда ётиб қолгани ташриф буюрганида, ғамгин, маъюс, кўнгли вайрон бўлиб кириб келди. Янкофьоре уни қучоқлаб ўпаркан, ҳадеб, нега, бунчалик авзойинг бузуқ, деб суриштираверди Сала-

баэтто анчагача жавоб беришдан бош тортиб, ахири бўлмагандан кейин шундай деди: «Хоңавайрон бўлдим: мен кутаётган бир кема молимни йўлда монаколик денгиз қароқчилари босиб олишипти; кемачилар ўн минг флорин олтин пул бериб, қароқчилар қўлидан қутулиб чиқишипти, лекин шу пулдан минг флоринини мен тўлашим керак экан, ҳолбуки, бу ерда мен сариқ чақасиз ўтирибман: сен менга қайтарган у кунги беш юз флоринни ўша заҳоти Неаполга полотно сотиб олгани юборган эдим, униям бу ёққа юборишлари керак. Агарда ҳатто қўл остилдаги молни сотганим тақдирда ҳам уни ҳозир ярим баҳосига олган бўлишарди — негаки, ҳозир мавсуми эмас, бунинг устига, мени бу ерда ҳали ҳеч ким танимайди, қўллаб юборадиган ҳеч кимим йўқ. — бутунлай бошим қотиб қолди, нима қилишимгайм, бошимни қаёққа уришгайм ҳайронман. Агар мен зудлик билан пул юбормасам, молимни Монакога олиб кетиб қолишади, мен эса, икки қўлим бир тепа бўлиб қолавераман».

Янкофьоре бу хабарни эшитиб қаттиқ ранжиди — назарида бутун режалари барбод бўлгандек туюлди; молларни Монакога олиб кетишмаслиги учун қандай ҳийла ишлатса бўларкин, деб роса бош қотирди ва ниҳоят шундай деди: «Сен ишқинг билан мени ўзингга ром қилиб қўйдинг, шунинг учун раҳмим келяпти сенга — худо шоҳид, жудаям ачиняпман! Лекин нима кераги бор бунчалик куйиб-пишишинг? Агар менда шунча пул бўлганда эди, худо ҳаққи, шу заҳотиёқ қўлингга тутқазган бўлардим, аммо менда унақа пул йўқ. Тўғри, бу ерда бир одам бор — яқинда у менга беш юз флорин қарз берган эди, лекин жуда катта процент олади: камида ўттиз процент олиб, қарз беради. Агар ўшандан пул қарз олишни истасанг, гаровга каттароқ нарса қўйишинг керак бўлади. Сен учун мен бутун буюмларимни ҳаттоки ўзимни ҳам гаровга қўйишга розиман, ишқилиб, ўша судхўр мушкулингни осон қилса бўлгани, лекин бунинг ўзи кифоя қилмайди, — хўш, ўзинг қарз ўрнини босиш учун унга нима таклиф қила олишинг мумкин?»

Янкофьоренинг не мақсадда бундай куйиб-пишаётганини Салабаэтто дарҳол фаҳмлади, тушунишимча, хоним ўзининг хусусий жамғармасини унга қарзга бермоқчи эди. Салабаэтто бу ҳолдан бениҳоя хурсанд бўлиб кетиб, биринчи навбатда, аёлга миннатдорчилик билдирди, ундан кейин, процентнинг бунчалик кўплиги мени чўчитмайди, чунки ноиллож аҳволга тушганман, деб айтди. Яна у, қарзини божхона омборида ётган моллари билан тўлашлиги, уларни дарҳол ўша пул қарз берган одамнинг номига ўтқазажанини, лекин бирламчи, биронта одамга молни кўрсатиш зарурати туғилиб қолиши мумкин бўлганидан, иккиламчи — молларига ҳеч ким қўл урмаслиги, бошқа ерга олиб тахтламаслиги ва алмаштириб қўйишмаслиги учун омбор калитини ҳозирча ўз ёнида сақлаяжанини айтди. Янкофьоре бу гапларнинг ҳаммасига рози бўлди ва шу гаровнинг ўзи баҳузур кифоя қилади, деб айтди. Кейин у эртаси кунийёқ ўзига ишончли бўлган бир даллолни чақириб, унга ишнинг моҳиятини тушунтирди-да, қўлига минг флорин олтин пул тутқазди, даллол у пулни Салабаэттога элтиб бер-

ди, Салабаэтто бўлса, ўз навбатида божхонада ётган бутун молини шу даллолнинг номига ўтказди. Кейин у даллолга моллар рўйхатини берди, даллол эса, унга тилхат берди-да, икковлари ҳам қилган ишларидан мамнун бўлишиб, ўз ишлари билан машгул бўлгани кетишди.

Салабаэтто шундай қилиб, киссасига бир ярим минг олтин флоринни солиб олиб, биринчи имконият туғилгани ҳамано кемага чиқди-да, Неаполга, Пьетро делла Канижано ҳузурига келди, кейин шу ердан туриб, Флоренцияга, ўзини Палермога жун мато билан юрган хўжайинлари номига, сотилган молнинг мумкамал ва ҳалол ҳақини юборди. У ўзига қарз берганларнинг ҳаммаси, шулар қатори Пьетродан ҳам қарзини узди-да, кейин у билан бир неча кунгача алданган сицилиялик хоним ҳисобига ишрат қилди, ундан кейин эса, савдогарчилик касбинин тарк этишга аҳд қилиб, Феррарага жўнаб кетди.

Энди гапни Янкофьоредан эшитинг, у Салабаэттонинг Палермодан кетиб қолганини билиб, ҳайрон бўлди ва кўнглида шубҳа уйғона бошлади. У йигитни икки ойдан ортиқроқ кутди — лекин ундан дарак бўлмади; ниҳояч у даллолга омборнинг эшигини бузишни буюрди. Улар биринчи галда зайтун мойи тўлдирилган деб ўйлашган бочкаларни очиб кўришди, лекин уларда нима бор экан, денг? Ҳар қайси бочка денгиз суви билан тўлдирилган бўлиб, фақат унинг оғзидагина бир энликкина зайтун мойи бор эди. Улар тойларни ечиб қарашган эди, улардан фақат иккитаси мато бўлиб, қолганларининг ҳаммасига лос тикилган эди. Хуллас, бу ердаги молларнинг жами, нари борса, икки юз флорин турарди. Шарманда бўлган Янкофьоре, Салабаэттога қайтариб берган ўша беш юз флоринга ачиниб, ундан ҳам кўпроқ, қарзга берган минг флоринга узоқ вақтгача аччиқ-аччиқ кўз ёши тўкиб юрди. «Тосканалик киссасига солсанг қўл, анқайма ҳеч, кўзингни оч, сергак бўл,— дея тез-тез такрорларди у. Фақат мана шундай пулини бой бериб, бунинг устига, аҳмоқ бўлиб қолганидан кейингина у «қилмиш-қидирмиш» деган нақлнинг маъносига тушунган экан.

Дионео ўз ҳикоясини тугатгач, Лауретта, Пьетро делло Канижанонинг, амалда иботланган фойдали маслаҳатига, шунингдек, Салабаэттонинг қандай ҳийлакорлик билан ул маслаҳатга амал қилганига ҳам таҳсин ўқиди, сўнгра ўзининг ҳукмронлик даври тугаганини эслаб, бошидан дафна тожини олди-да, уни Эмилиянинг бошига қўндираккан, паққос аёлларга хос назокат билан унга юзланди:

— Маликам!— деди у.— Қироличамиз муруватли бўладилар, деб таъкидлашга камина журъат эта олмайману, илло, сизнинг бениҳоя дилрабо эканлигингизга ҳеч қандай шубҳа бўлиши мумкин эмас. Мен фақат шунинг истардимки, бутун ҳукмронлик даврингизда қилган ҳар бир рафторингиз сизнинг гўзаллигингизга монанд бўлса.

Шу гаплардан кейин у ўзининг одатдаги ўрнига ўтирди.

Эмилия лоладек қизариб кетди — лекин уни тахтга кўтарганлари учун эмас, балки ҳамманинг олдида, айниқса аёлларга кўпроқ ҳузур бағишловчи сўзлар айтилгани учун қизариб кетган эди, — ҳозир уни тонг палласида очилган гунчага ўхшатиш мумкин эди. У узоқ вақтгача — то ҳижолатдан юзига югурган қизиллик қайтгунча, кўзини ердан узолмай ўтирди, сўнг эшик оғаси билан бутун жамоага тааллуқли ишлар юзасидан келишиб олгач, бундай деб сўзлай бошлади:

— Дилбар хонимлар! Куннинг маълум бир қисмида қўшга қўшилган ҳўкизларни қўшдан чиқаришиб, ўтлагани ўрмонга қўйиб юборишганини бизлар кўп маротаба кўрганмиз. Бундан ташқари, турли-туман қуюқ баргли дарахтлари кўп боғларнинг паққос эман дарахти ўсадиган ўрмондан кўркамроқ эканлигига ҳам шоҳид бўлганмиз. Мана шунинг учун бизлар шунча кундан буён ҳар кун жорий этилган қоидага риоя қилган ҳолда, суҳбат қуриб келаётганимизни эътиборга олиб, мен, ҳордиқ чиқаришга муҳтож бўлган биз ҳаммамиз учун сайр қилиш нафақат фойдали, балки шарт ҳамдирки, ана ундан кейин янги куч билан ўзимизни яна омонга қўшажамиз, деган мулоҳазага бордим. Бунинг боиси шундаки, эртага биз дилкаш мусоҳабамизни бошлаганимизда, мен сизларни маълум бир мавзу билан қийнаб ўтирмоқчи эмасман, — ҳар ким ўзи хоҳлаган нарса тўғрисида ҳикоя қилсин, — менинг бундай қарорга келишимга сабаб, турли мавзуда ҳикоя сўзлаган тақдиримизда ҳам худди барчамиз битта мавзуда сўзлаганимиздагидек ғоятда бисёр лаззат олғаймиз, деган фикрдаман. Шу билан бирга, мендан кейин ҳукмронлик қилувчилар учун ҳордиқ чиқариб олган биз фуқарони яна аввалгидек, жорий этилган мавжуд қонун-қоидага амал қилишга ундаш осон бўлади.

Қиролича шу гапларни айтиб бўлиб, ҳаммани кечки овқатгача озод қилди.

Ҳаммалари, доно нутқ сўзлагани учун қироличага таҳсинлар ўқиб, кейин ўринларидан турдилар, шунда ҳар ким ўз кўнгли тилаган иш билан машғул бўлди: хонимлар гулчамбарлар тўқишиб, вақтичоғлик қила бошладилар, йигитлар ҳар хил ўйинлар ўйнаша ва қўшиқлар куйлаша бошлашди, хуллас, уларнинг кечликкача бўлган вақтлари шу зайлда ўтди. Кейин ҳаммалари муҳташам фаввора ёнига ўтиришиб, хушвақтлик ва хушқайфият билан овқат тановул қилдилар. Овқатдан кейин эса, кундаги одат бўйича, қўшиқ айтишиб ўйинга тушдилар. Ушбу гурунг ниҳоясида, гарчи буғун жуда кўп қўшиқ айтилган бўлса ҳам, бунинг устига бу шодиёна қатнашчилари, бугун қўшиқ айтишга ўзлари отилиб чиқишган бўлса ҳам, шунга қарамай, қиролича, ўзидан олдинги ҳукмдорларга амал қилган ҳолда, энди Панфило қўшиқ айтиб бериши керак, деб айтди ва Панфило ғоятда зўр иштиёқ билан қўшиғини шундай бошлади:

Эй, ҳукмдор севги! Мен буюк
Лаззатингдан бўлдим бахтиёр.
Ендиргувчи ўтинг ҳам суюк.

Шодликларга тўлади дилим.
Яширмоқнинг йўқдир имкони.
Юзим сўзлар, мен турсам ҳам жим,
Қулар, яшнар чеҳрам бўстони.
Кимки, чексиз эҳтирос билан
Тутган экан ишқнинг яловин,
Наво куйлар таранг соз билан,
Яширолмас унинг оловин.
Севинчимни тутмоқ учун сир
Сукут сақлаб, тикиламан лол.
Сўзласам, сўз жуда қашшоқдир,
Ўйласам, кўп ғарибдир хаёл.
Мен тақдирнинг илтифотини
Баён этмоқ бўламан, бироқ
Айтай десам севги отини
Кучим ҳам йўқ, сўзим ҳам қашшоқ.
Ўйламаган эдим мен бундоқ
Бир кун ўтиб, тугашин ҳижрон,
Висол билан дил тепиб ўйноқ,
Қайнашимиз мисоли уммон.
Хоҳ ишонсин, хоҳ ишонмасин.
Буни эртак дея инсонлар.
Шундай бўлар, қўшиб нафасин
Севишганда муштоқ жононлар.
Яхшиси, мен жим тура қолай,
Ергинамдан ўргила қолай!

Панфило қўшиғини шу ерда тугаллади. Навжувон хонимлар ва йигитлар қўшиқнинг нақаротига бараварига жўр бўлишса ҳам бу ҳол қўшиқнинг сирли мазмунини аниқлашларига, унинг сўзларини диққат билан эшитишларига ҳалал бермади. Ҳар ким унинг маъносини ҳар хил талқин қила бошлади, лекин ҳаммалари ҳам ҳақиқатдан жуда йироқ эдилар. Бу орада, қиролича Панфилонинг қўшиғи ниҳоясига етганига ва навжувон хонимлар билан йигитлар дам олишни ихтиёр этаётганларига эътибор бериб, ҳаммага ўз оромгоҳларига кириб ухлашни амр этди.





ДЕКАМЕРОННИНГ
САККИЗИНЧИ КУНИ ТУГАБ,
ТУҶҚЗИНЧИ КУНИ
БОШЛАНМОҚДА.

*Эмилия ҳокималик қилган ушбу кунда ҳар ким ўзи
хоҳлаган ва ўзига кўпроқ мақбул бўлган нарсалар
тўғрисида ҳикоя қилади.*



Тонг шафағидан тунги кўланкалар энди ғойиб бўлган, юлдузлар тўла кўм-кўк осмон эса, энди оч зангори рангга кирган, ўтлоқлардаги чечаклар ҳам бошларини кўтара бошлаган эди,— шу чоғ Эмилия ўрнидан туриб, ўз дугоналари билан навқирон йигитларни чақиришни буюрди. Бутун жамоа жам бўлгач эса, қиролича оҳиста одимлаб, уларни қасрга яқин бўлган дарахтзорга бошлаб борди, улар дарахтзор ичида турли-туман жониворларни, чунончи, буғу, кийик ва ҳоказоларни кўрдилар; вабо офати ҳали даф бўлмаганлигидан ҳозир бу ҳайвонларни деярли овламай қўйган эдилар, шунинг учун ҳам улар худди қўлга ўргатилгандек, одамлар шарпасидан қўрқмас, уларни ўзларига бемалол яқин йўлатардилар. Одамлар эса, ҳазил қилишиб, гоҳ у, гоҳ бу ҳайвонга яқинлашардилар-да, бирдан уларга даф қилмоқчи бўлгандай ҳаракат қилардилар, ҳайвонлар эса, шаталоқ отиб қоча бошлардилар. Ниҳоят, офтоб чиқиб, ҳамма орқага қайтишга қарор қилди. Улар эман япроқларидан ўзларига гулчамбарлар тўқишди, қўлларига даста-даста хушбўй кўкатлар ва чечаклар кўтариб олишди. Агар биронта одам уларни шу пайтда учратгудек бўлса, у одам албатта: «Буларга ўлим ҳам таъсир қилмайди, борди-ю, булар ўладиган бўлсалар ҳам ҳаётга ҳамду сано ўқиб ўладилар»,— деб кўнглидан ўтказган бўларди. Улар шу зайлда оҳиста одимлаб, қўшиқлар куйлаб, гурунглашиб ва бир-бирларига ҳазил-хузил гаплар қотишиб қасрга қайтиб келдилар — бу ерда ҳамма нарса муҳайё қилиб қўйилган эди, хизматкорлар уларни очиқ юз ва қувноқ чеҳра билан қарши олдилар. Хонимлар ва йигитлар бир оз дам олишгач, бир-бирдан шўх олтига қўшиқ ижро этдилар, шундан кейин, қўл ювиш учун уларга дастшўй туттишди, эшик оғаси қироличанинг хоҳишига кўра жамоани дастурхон теграбига ўтқазди, шунда таомлар тортила бошлади ва ҳамтовоқ жамоа таомларнинг лаззатли пиширилганига таҳсинлар ўқиди. Овқатдан кейин ҳамма давра қуриб, рақс тушди, чолғу асбобларида куй чала бошлади, кейин қиролича хоҳлаганларнинг бориб дам олишига ижозат берди. Ниҳоят, ҳар кунги вақтда, ҳаммалари суҳбат қургани ўша тайин қилинган ерга тўпланишди. Шунда қиролича нигоҳини Филоменага қаратиб, бугунги мусоҳабамизни бошлаб бериш сенга топширилади, деб эълон қилди. Филомена жилмайиб қўйди-да, шундай ҳикоя қила бошлади.

Ринуччо билан Алессандро донна Франческани яхши кўришади, лекин аёл уларни хуш кўрмайди; шунга кўра, у ошиқлардан бирига дахмага кириб, ўлик бўлиб етишни, иккинчисига эса, шу сохта ўликни дахмадан кўтариб олиб чиқишни буюради; оқибатда иккала ошиқ ҳам муваффақиятсизликка учрайди; донна Франческа хира ошиқлардан шу зайлда қутулади

— Маликам! Сиз ҳазрати олиялари бизларни қиссахонликнинг бепоён ва кенг майдонига олиб чиқишни ихтиёр қилдингиз ва бундай мусоҳабани бошлаб беришни менга топширдингизки, бу ишончингиз мен учун улкан бахтдир; агар бу мусоҳабамизни мен муваффақиятли бошлаб бера олсам, ҳеч шубҳа йўқки, мендан кейин ҳикоя қилувчиларнинг ишлари ҳам яхши жўнашиб кетади.

Азиза хонимлар, биз бу ерда тинглаган кўпгина ҳикоялардан муҳаббат кучининг моҳияти қанақа бўлишини ва унинг нечоғли қудратли эканлигини аниқлаган эдик ва лекин бу мавзуда ҳамма гап айтилиб бўлган, деб ўйламайман мен,— биз бу борада муттасил бир йил гапирганимизда ҳам ҳамма гапни айтиб улгурмаган бўлардик. Муҳаббат ошиқлар бошига ўлим хавфи солиш билан чекланмай,— у ҳатто уларни ўликлар масканига бошлаб бориб, мисоли ўликдек қабрга ётишга ҳам мажбур қилади, шунинг учун мен, шу чоққача эшитган ҳикояларимизга илова ўлароқ, эътиборингизга бир қиссани ҳавола қилмоқчиманким, у қиссадан муҳаббатнинг нақадар қудратли эканлиги аён бўлади, шу билан бирга, бу қиссадан бир шоиста аёлнинг иккита хира ошиқни ўзидан даф қилиш учун қандай зўр тадбир қўллаганини билиб оласиз.

Алқисса, сизларга маълум бўлсинким, бир вақтлар Пистойя шаҳрида бир соҳибжамол бева жувон яшаган эди, фалакнинг гардиши билан бу аёлга Флоренциядан бадарға қилиниб, Пистойяда истиқомат қилиб турган Ринуччо Палермини ва Алессандро Кьяромонтези исмли бизнинг икки ҳамшаҳаримиз баравар ошиқ бўлиб қолишди, ошиқ бўлишганда ҳам бири иккинчисининг севгисидан беҳабар ҳолда ошиқ бўлишди ва ҳар қайсиси ўз маъшукасини ром қилиш мақсадида, бисотидаги жамики воситаларни ҳийлакорлик билан ишга сола бошлади. Икковлари ҳам бу зодагон аёлга (аёл-

нинг исми донна Франческа де Ладзари эди) мактублар ёзиш, илтижолар қилиш билан ўз таъсирларини ўтказишга уриндилар, аёл ҳам аввалига эҳтиётсизлик қилиб, уларнинг илтижосига қулоқ осди-ю, кейин идрок билан мулоҳаза қилиб кўргач, хатога йўл қўйганини пайқади, аммо энди чекиниш мушкул бўлиб қолган эди, шунга кўра у бу шилқим ошиқлардан қандай қутулиш йўлини ўйлаб топди: аёлнинг миясига, бу ошиқларга бир хизмат буюришим, умуман айтганда, бажарса бўладигану, аммо бу икки ошиқнинг қўлидан келмаслиги аниқ бўлган хизмат буюришим керакки, улар топширигимни ўрнига қўя олмай муваффақиятсизликка учрашгач, бу ҳол уларнинг муҳаббатини қатъиян рад этишимга узрли ва оқилона баҳона бўлсин, деган фикр келди. Аёл ўйлаб топган найранг қуйидагича эди. Уша кун Пистойяда бир одам қазо қилган эди. гарчи марҳум олинсаб зотлардан бўлган бўлса ҳам ҳамма уни нафақат Пистойяда, балки бутун дунёда энг қабиҳ одам ҳисобларди. Бунинг устига, марҳум шунчалик хунук, шу қадар бадбашара эдики, уни биринчи марта кўрган одам, даҳшатдан беихтиёр сесканиб кетарди; уни миноритлар монастири қошидаги қабристон даҳмасига дафн этишди. Донна Франческа, ўзи тузган режанинг муваффақиятли якунланишига, айнан мана шу вазият жуда қўл келади, деб топди.

У оқсочига шундай сўзлар билан юзланди: «Сенга аёнки, флоренциялик Ринуччо билан Алессандронинг ишқий номалари жонимга тегиб кетди ва безор қилиб юборди. Мен уларни ўз муҳаббатимдан асло баҳраманд этмоқчи эмасман, мана шунга кўра, улардан қутулиш учун мен уларни,— ахир улар оғизларида, мен учун ҳар қандай оғир ишга ҳам тайёрлар-ку!— синаб кўрмоқчи бўлдимки, бу синовимга улар бардош бера олмасликлари турган гап, ана шунда мен уларнинг шилқимликларидан қутуламан-қоламан. Энди ўйлаган режамни эшит. Ўзинг биласан, бугун эрталаб миноритлар монастри қошидаги қабристонга Сканнадиони (ўша қабиҳ одамнинг исми шундай эди) дафн қилишди, лекин шаҳримизнинг энг довурак кишилари у тириклик чоғидаям башарасига қарашдан қўрқишарди. Шунга кўра, сен олдин Алессандронинг олдига ғизиллаб бориб, унга бундай дейсан: «Донна Франческа айтиб юбордиларки, сени севишга ва агар истасанг, овлоқ ерда сен билан бўлишга розилар, лекин бунга муяссар бўлмоқ учун сен бир хизмат кўрсатишинг керак. Хонимнинг қариндошларидан биттаси бир сабабга кўра (сабабини донна Франческа кейин ўзингга тушунтириб берадилар), бугун эрталаб қазо қилган Сканнадионинг жасадини бугун тунда хонимнинг уйига кўтариб келмоқчи, лекин хоним буни хоҳламайдилар, зеро, ўликдан қўрқадилар. Шунга кўра, хоним сендан бир яхшиллик қилишингни сўрамоқчилар: сен кечаси, одамлар энди уйқуга кетган пайтда, мозористонга боргин-да, Сканнадио дафн этилган даҳмага кир, мурданинг кафанига ўраниб, унинг тобутига тушгини кутиб ёт: сени олиб кетгани келишади — аммо чурқ этиб ҳам товуш чиқармагин — кейин сени бекамнинг уйига кўтариб олиб боришадди, бекам сени кутиб оладилару сен билан кўнгилхушлик қилади»

лар, ундан кейин уйингга кетаверасан, қолган ҳамма ишни бекамнинг ўзи тўғрилайди». Агар Алессандро кўнса, нур устига аъло нур, кўнмаса, менинг номимдан унга айтгинки, иккинчи кўзимга кўринмасин ва агар жонидан умиди бўлса, менга бошқа ишқий нома юбормасин. Шундан кейин тўғри Ринуччо Палерминининг олдига борасану унга бундай дейсан: «Донна Франческа айтдилар, агар у кишига улкан бир хизмат кўрсатсанг, ҳамма истакларингни бажо келтирар эканлар, хизмат мана бундай: тун ярим кеча бўлганда, бугун эрталаб Сканнадио дафн қилинган дахмага кирасан, кейин, у ерда нима кўрсанг, нима эшитсанг ҳам, нима ҳис қилсанг ҳам чуққ этиб товуш чиқармай, аста-секин жасадни кўтарасану уни бекамнинг уйига олиб борасан. Бекамнинг не мақсадда сенга бундай илтимос қилганини ўша ерда биласан, айни пайтда, нафсингни қондириб, армонинг ҳам ушалади. Борди-ю, бу илтимосни рад қилладиган бўлсанг, бекамга бошқа мактублар ёзмас экансан».

Оқсоч иккала йигитнинг ҳам ҳузурда бўлиб, ҳар бирнга, ўзига тегишли гапни тайинлаб айтди. Иккала йигит ҳам, агар Франческага лозим бўлса, дахма у ёқда турсин, ҳатто дўзахнинг қаърига тушишга ҳам тайёр эканликларини изҳор этдилар. Оқсоч уларнинг жавобини ўз соҳибасига келиб айтди ва донна Франческа, наҳот хушторларимнинг иккови ҳам шундай сермашаққат ишни бажаришга рози бўладиган даражада аҳмоқ бўлишса, деб ўйлаб, ушбу ўйи ойдинлашадиган дамни кута бошлади.

Мана, зим-зиё тунда Алессандро Кьярмонтези уйдан битта калта чакмонда чиқиб, Сканнадионинг ўрнига тобутга ётгани дахма томон йўл олди. Илло, у йўлда кетиб бораркан, қаттиқ даҳшатга тушди ва ўзича шундай мулоҳаза қила бошлади: «Қанақа каллаварамман ўзи! Қаёққа кетяпман? Худо кўрсатмасин, донна Франческага ошиқ бўлиб қолганимни унинг хешлари пайқаб қолишган бўлса-ю, кўнгилларига не гаплар келиб, мени дахма ичиде гумдон қилиш учун хонимни шу ишга ундашган бўлишса-я. Агар шу ўйлаганим рост бўлса, унда мен адоий тамом бўлдим — ҳеч ним ҳеч нарса сезмайди, қотилларим жазога тортилмайди. Эҳтимол, буни менга ғарази бўлганлардан битта-яримтаси уюштирган-дир, зеро, хоним уни севса керагу шу маҳбубининг кўнгли учун шундай қилаётгандир. Фараз қилайлик, буларнинг ҳаммаси бемаъни гап,— деб ўй ўйлашда давом этди у,— балки чинданам хонимнинг хешлари мени унинг уйига олиб бормоқчидирлар. Лекин Сканнадионинг жасадини бағриларига босиб ённки уни донна Франческа кучоқлаб ётиши учун жасадини унинг уйига олиб бормасалар керак, албатта,— чамамда, марҳум тириклигида уларга ёмон панд берган бўлса керагу, энди ундан қасдларини олиш учун марҳумнинг жасадини хўрламоқчидирлар. Нима бўлгандаям товуш чиқармасин, деб буюрибди хоним. Бордию улар кўзларимни ўя бошлашса, тишларимни қоқиб олишса, қўлларимни ё шунга ўхшаш, бошқа бирон еримни чопиб ташлашса,— унда мен нима қиламан? Бунақада жим ётиб бўларканми? Агар овоз чиқарсам, ўша заҳоти мени таниб қолишади, ана унда, албатта до-

димни беришади, додимни беришмаган тақдирда ҳам барибир, мисим чиқади: ахир улар донна Франческа билан икковимизни ёлғиз қолдирмайдилар-ку! Ундан кейин хоним, айтганимга амал қилмадингиз, дейди ва оқибатда мен ҳеч вақога эриша олмай қолавераман». Шу ерга келганда, у сал бўлмаса орқасига қайтиб кетмоқчиям бўлди, лекин оташ муҳаббат туйғуси унинг кўз олдида ниҳоятда салмоқли далилларни намойиш қилиб, уни яна олға бошлаб кетди ва олиб бориб дахмага рўпара қилди. Алессандро дахма қопқасини очиб, ичкарига кирди, Сканнадиони ечинтирди, унинг кафанига ўранди-да, тобутга ётиб, қопқоқни ўз устига суриб қўйди, лекин у мурданинг ўрнига ётиб улгурмасдан, унинг тириклигида қандай одам бўлганлиги эсига тушиб кетди, бундан ташқари у, кечалари нанки дахмаларда, шу қатори, бошқа ерларда ҳам нималар содир бўлиши ҳақидаги барча мудҳиш ҳикояларни эслаб бошлади. Қўрқувдан унинг тепа сочи тикка турди; назарида, ҳозир шу падарқусур Сканнадно ўрнидан туриб, уни ўлдириб қўядигандек эди. Илло, у ўзининг қайноқ эҳтиросидан куч эмиб, ҳар қандай қўрқувни енгди; у худди мурдадек қимир этмай ётиб, пешонасига ёзилганини кута бошлади.

Вақт ярим кечага яқинлашганда Ринуччо ҳам уйидан чиқиб, ўз қалби соҳибасининг амрини бажо айлагани равона бўлди. Йўл-йўлакай у ўзини олдинда нималар кутаётгани ҳақида турли-туман ўй-хаёлларга толиб борди, чунончи: Сканнадионинг жасадини олиб кетаётганимда бирдан миршаблар тўхтаб қолишса, мени жодугарликда айблашиб, гулханда ёндиришмасмикин? Борди-ю, бу қилмишимдан Сканнадионинг қариндошлари хабар топиб қолишса, мени ёмонотлиқ қилишмасмикин? Ҳоказо ва ҳоказо ўйлар унинг миёсида ғужғон ўйнаб, сал бўлмаса, кетаётган йўлидан тўхтаёзди. Лекин у ҳардамхаёлликни тарк этиб, ахирни ўзини тутиб олди. «Наҳотки, — деб ўйлади у, — мен жонимдан ортиқ севган ва севишда давом этаётган муҳтарама хонимнинг ушбу биринчи илтимосини рад этсам, — ахир унинг бу илтимосини бажарсам, унинг камоли илтифотига муяссар бўлишим мумкин-ку! Йўқ, ўлсам ўламан, аммо берган ваъданинг устидан чиқаман!» Шундан кейин у яна йўлга тушди ва дахмага етиб бориб, унинг қопқасини ҳеч қийналмасдан очди.

Тобутда ётган Алессандро, биров кириб келаётганини эшитиб, қўрқиб кетди, бироқ шундай бўлса ҳам ўзининг бу ердалигини сездирмади. Ринуччо тўғри тобутнинг тепасига келди ва у ерда ётган Сканнадионинг жасади деб ўйлаб, Алессандронинг оёғидан ушлаб ташқарига судраб чиқди ва уни елкасига ортмоқлаб, донна Франческанинг уйи томон йўл олди. У жасадни мутлақо эҳтиётсизлик билан кўтариб борарди, шунинг учун Алессандронинг боши дам-бадам кўчанинг икки томонига терилган узун харрактарнинг қирраларига урилиб борарди, тун эса, шу қадар зим-зиё эдики, икки қадам наридаги нарса кўринмасди. Ҳадемай жазманларининг кавушини тўғрилаб қўйишга астойдил ишонган донна Франческа ва унинг оқсочи бу пайт дераза олдида туришиб, Ринуччонинг Алессандрони кўтариб келишини пойлашарди, мана,

ниҳоят. Ринуччо хонимнинг уйга чиқадиган зина тагига етди, лекин аксига юриб, бу пайт бадарга қилинган бир қочоқни тутиш мақсадида шу кўчага пистирма қўйган соқчилар Ринуччонинг оёқ товушини эшитиб қолдилару нима қилиш, қаёққа югуришни билиш учун фонусларини баланд кўтаришиб, найзаларини кўндаланг ушлаб ва қалқонларни билан ўзларини пана қилган ҳолда: «Ким келяпти?»— деб қичқирдилар. Ринуччо соқчиларни кўриши билан ўйлаб-нетиб ҳам ўтирмай, елкасидаги Алессандрони ерга ташлаб юборди-да, оёғини қўлига олганча қочиб қолди. Алессандро ҳам дик этиб ўрнидан турди, узундан-узун кафанга ўранган бўлишига қарамай, у ҳам зинғиллаб қочиб кетди.

Донна Франческа Ринуччони ҳам, у елкасига ортмоқлаб олган кафанга ўранган Алессандрони ҳам фонус ёруғида аниқ кўриб олган эди. Шунга кўра, у иккала йигитнинг ҳам садоқатли жасоратидан ниҳоятда ҳайратга келди, бироқ Ринуччонинг ўз елкасидан Алессандрони улоқтириб юборганини ва икковлари қандай тирақайлаб қочганини кўриб, ўзини кулгидан тўхтата, олмади. Воқеанинг бундай тус олганидан хурсанд бўлиб кетган донна Франческа, шилқим хушторлардан уни халос этгани учун худога шукрона ўқиб, оқсочи билан биргаликда ўз ётоқхонасига кирди, сўнг икковлари: баски, Ринуччо билан Алессандро, хонимнинг айтганларини бажаришипти, демак улар астойдил севишар экан, деган фикрга келдилар.

Энди гапни хуноби чиққан Ринуччодан эшитинг: у оёқ остидан чиққан бу фалокатга лаънатлар ўқиган бўлса ҳам, лекин соқчилар жўнаб кетгунича пусиб ўтириб, кейин ўз уйига эмас, балки Алессандрони елкасидан ташлаб юборган ерга қайтиб борди ва берган ваъдасининг устидан чиқиш учун қоронғида тимирскилаб, жасадни қидира бошлади, лекин қанча қидирса ҳам уни топа олмади; шундан кейин, мурдани соқчилар олиб кетган бўлса керак, деган қарорга бориб, қаттиқ хафа бўлганча, уйга кетди. Ўзини ортмоқлаб келган одамнинг кимлигини барибир била олмаган Алессандро эса, шумтоле эканлигидан юм-юм йиғлаб, мутлақо пароканда ҳолда у ҳам уйига қайтди.

Эрталаб қарашсаки, Сканнадионинг даҳмаси очилиб қолган, унинг жасади тобутда йўқ, чунки Алессандро уни хандаққа ташлаб юборган эди, шунда бутун Пистойяга ҳар хил мишмишлар тарқалди; лақма одамлар эса, Сканнадиони шайтонлар олиб кетган, деб гап қилдилар. Шу аснода нотавон ошиқларнинг иккови ҳам донна Франческага ўзларининг нима ишларни бажаришганини ва бошларига не савдолар тушганини сўзлаб беришиб, топширилган ишни охиригача етказа олмаганларига шу вазият асосли сабаб бўлади, деб таъкидлай бошлашди ва биздан илтифотингизни дариф тутманг, ишқингизга бизни муяссар айланг, деган мазмунда унга илтижо қила бошлашди. Хоним эса, ўзини уларнинг биронта ҳам сўзига ишонмагандай қилиб кўрсатиб, мутлақо қатъият билан, баски, илтимосимни бажара олмадингизми, ҳеч нимага эриша олмайсиз, деди. Шундай қилиб, у шилқим хушторлардан халос бўлган экан.

Бир монастирнинг нозираси ўз қўл остидаги роҳибалардан бирининг бегона йигит билан ётгани даразини эшитиб, уни гуноҳ устида қўлга тушириш мақсадида, қоронғида сапчиб ўрнидан туради; лекин у, айни пайтда ўз ҳужрасида руҳоний ота билан ётган бўлганидан, шошиб қолиб, бошига рўмол ўрнига меҳмоннинг лозимини ташлайди; гуноҳ устида қўлга тушган роҳиба нозиранинг бошидаги лозимга шора қилади, бу ҳол оқибатида роҳиба жазодан озод қилинади ва ўз маҳбуби билан бундан кейин ҳам шират қилиб яшайверади

Филомена ҳикоясини тугатгач, ҳамма донна Франческанинг ўзининг ёқмаган хушторлардан қандай усталлик билан қутулганига таҳсинлар ўқий бошлади; лекин ошиқларнинг катта жасоратига келганда, тингловчилар, бу жасоратда муҳаббат изҳорини эмас, бор-йўри тентаклик аломатини кўрдилар; ниҳоят қиролича Элиссага сержозиба латофат билан юзланиб:

— Энди навбат сеники, Элисса,— деди ва у шу заҳотиёқ ҳикоясини бошлаб юборди:

— Азиза хонимлар! Донна Франческа, ҳозиргина эшитганимиздек, юрагини зиқ қилиб юборган хушторларидан айёрлик билан қутулган экан, аммо бир навниҳол роҳиба, бошига тушиши муқаррар бўлган фалокатни ўзининг серфаросатлиги, шу билан бирга, ўзига толе ёр бўлганлиги сабабли даф қилган эди. Ҳаммангизга аёнки, бировларга насиҳат қилишни ва одамларнинг сирини ошкор қилишни яхши кўрадиган аҳмоқ одамлар жуда кўп учрайди ҳаётда ва лекин тақдир баъзида уларни ўз қилмишларига яраша шундай шарманда этадики, бундай ҳол мен баён қилмоқчи бўлган ҳикоядан аён бўлади сизларга. Бир монастирнинг нозираси айнан шундай хунук аҳволга тушган эдики, менинг ҳикоям қаҳрамони бўлмиш роҳиба қиз шул нозиранинг қўл остида яшарди.

Алқисса, билингким, Ломбардияда¹ табарруклиги ва қатъий интизомни билан довруқ қозонган бир монастирь бор, мана шу монастирда бошқа роҳибалар қатори Изабетта исмли ноёб ҳуснли бир қиз ҳам жон сақлаган бўлиб, у аслзодалар насабидан эди, мана шу қиз кунлардан бир кун, уни кўргани бир қариндоши келганини эшитиб панжара олдига борган эди, қариндошининг ёнида; у билан бирга келган бир жонон йигитни кўрди-ю, унга ошиқ бўлиб қолди. Қизнинг гўзаллигидан ҳайратга келган йигит унинг кўзларидан бирдан қақнаб кетган ишқ ўтини пайқаб, у ҳам бу қизга шайдо бўлиб қолди, лекин афсус ва надоматлар бўлсинким, улар узоқ вақтгача ўзларининг бир-бирларига дилбасталикларини амалга оширолмай юрдилар. Лекин жон-жаҳдлари билан шу мойилликка интилганликлари сабабли, ахири йигит ўз роҳибасининг ҳузурига хуфиёна кириш чорасини топди, натижада у қиз-

¹ Италиянинг шимолидаги область (Милан атрофи). (Тарж.)

нинг ҳузурига бир эмас, икки эмас, кўп мартаба ташриф буюриб, уни бениҳоя мамнун қилди, ўзи ҳам беинтиҳо роҳатланди. Шундай қилиб, улар узоқ вақтгача шу зайлда хуфиёна иш кўриб юрдилар, аммо кунларнинг бирида кечаси бир роҳиба аёл йигитнинг Изабетта билан хайрлашиб, ҳужрадан чиқиб кетаётганини кўриб қолди: ҳолбуки, йигит ҳам, қиз ҳам у роҳибани пайқамаган эдилар. Роҳиба шу заҳотиёқ бу гапларни бошқа роҳибаларга етказди, шунда азвалига, роҳибалар бу хабарни сарроҳиба Узимбальдага етказишга қарор қилдилар, зеро, ул зотни роҳибани ҳам, уни кўрган, билган бошқа одамлар ҳам саховатли ва диёнатли аёл деб билардилар, аммо роҳибалар кейин бу фикрларидан қайтдилар: шундай қилиш керакки, Изабеттанинг йигит билан ётганига сарроҳибанинг ўзи шоҳид бўлсин, деган қарорга келдилар улар — ана унда Изабетта ҳеч қандай важ-қорсон кўрсатолмайди, деб ўйладилар. Улар бу ҳақда бошқа ҳеч кимга оғиз очмай, Изабеттани гафлатда қолдирмоқ учун ким қачон пойлоқчиликда ва кўриқчиликда туришини ўзаро ими-жимиди келишиб олдилар.

Мана, бир кунни, ҳеч нимадан хабари йўқ, шунга кўра, ҳеч қандай эҳтиёт чорасини кўрмаган Изабетта маҳбубини тунда келишга таклиф қилди ва бу ҳол шу заҳотиёқ уни кузатаётганларга аён бўлди. Улар кечаси алламаҳалда икки гуруҳга бўлиндилар: бир гуруҳ Изабеттанинг ҳужрасига кираверишда пойлоқчилик қил бошлади, иккинчи гуруҳдаги роҳибалар эса, нозиранинг ҳужрасига бориб, эшигини тақиллатишди, нозира товуш берган эди, улар: «Туринг, тезроқ, онахон! Изабеттанинг ҳужрасида бир йигит ётибди» — деб қичқирдилар.

Шу кеча нозира бир руҳоний билан ишратда эдиким, у нозиранинг ҳужрасига сандиқ ичида хуфиёна келиб турар эди. Бундай хабарни эшитган нозира, яна роҳибалар ҳужра эшигини қаттиқроқ итариб очиб юборишмасин, деб қўрқиб, салчиб тўшакдан турди. қоронғида бир амаллаб апил-тапил кийинди ва одатда роҳибалар бошига ташлаб юрадиган буклама рўмолни олдим деб, ҳазратнинг лозимини олди-да, шоша-пиша уни бошига илиб, ҳужрадан чиқди ва эшикни устидан қулфлаб, роҳибалардан: «Қани ўша касофат қиз?» — деб сўради. Роҳибаларнинг бутун фикр-зикри Изабеттани жиноят устида қўлга туширишга қаратилган бўлгани учун улар нозиранинг бошидаги нарсага эътибор беришмади; мана, нозира роҳибалар кузатувида гуноҳкор қизнинг ҳужраси олдига етиб келди ва шу кузатиб келган роҳибаларнинг ёрдамида ҳужранинг эшигини бузиб очди. Улар Изабеттанинг ҳужрасига бостириб кириб, ошиқ-маъшуқларнинг чорпояда чамбаранас бўлиб ётишганини кўрдилар, дабдурустдан бостириб киришганидан хайратга келган ошиқ-маъшуқлар эса, саросимага тушиб, қимир этмай ётардилар. Роҳибалар шу оннинг ўзидаёқ қизга ташланишди ва нозиранинг фармойишига кўра уни капитулга¹ олиб кетишди.

¹ Католик динида, жоме ё монастырларда гуноҳкорларни тергайдиган жоме ва шу тергов ҳайъати. (Тароҳ.)

Ҳужрада қолган йигит бу ҳолнинг нима билан тугашини кутиб, кийинна бошлади; у агар маҳбубасини жазога тортмоқчи бўлишса, қўлига тушган ҳар бир одамни боплаб додини бериб, қизни монастирдан олиб чиқиб кетишга қатъий қарор қилиб қўйган эди.

Нозира капитулга кириб бориб, ўз лавозимига муносиб жойга ўтирди ва гуноҳкор қиздан кўзларини узмаётган барча роҳибалар ништирокида уни шундай қаттиқ койий бошладики, ҳали шу чоққача биронта ҳам аёлни бунчалик койишмаган бўлса керак, нозира: агар бу кечаси бўлган воқеанинг овозаси монастирдан ташқарига чиққудек бўлса, унда ўзингнинг бу бешарм ва беҳаё қилмишинг билан ушбу дайри муқаддасимизнинг пок номига ва эзгу шаънига доғ туширасан-ку, деб қизга танбеҳ бера бошлади; яна бу танбеҳига даҳшатли таҳдидларни ҳам илова қилди.

Усал бўлган, қўрқиб кетган, гуноҳ қилиб қўйганини тан олган қиз, нима деб жавоб қайтаришга сўз топа олмай, ҳамма роҳибаларнинг раҳмини келтириб, тили лол бўлиб турарди. Нозиранинг ғазаби беадад эди, шунда қиз тасодифан бошини кўтарди-ю кўзи нозиранинг бошидаги алламбалого, яна икки чеккасида осилиб турган унинг боғичига тушди. Қиз у нарсанинг нималигини тушуниб ва энди анча дадил тортиб, нозирага шундай сўзлар билан юзланди: «Сизни худо ўз паноҳида асрасин, онахон! Олдин қалпоқчангизнинг боғичини боғлаб олинг, кейин кўнглингизга келган ҳамма гапни айтаверинг».

Нозира қизнинг нима демоқчи бўлганини тушунмади. «Қанақа қалпоқча, беҳаё қиз?— деб бақирди у.— Ҳали мен билан ҳазиллашяпсанмиям? Қандай тилинг борди мен билан ҳазиллашгани?»

Қиз яна такрорлади: «Онахон! Илтимос, олдин қалпоқчангизнинг боғичини боғлаб олинг, кейин мени нима деб койсангиз койийверинг». Шунда аксар роҳибалар кўзларини нозирага қаратдилар, нозиранинг ўзи эса, бошига қўл оборди, ана шундан кейин Изабеттанинг нимага шама қилаётгани ҳаммага равшан бўлди.

Нозира ўзининг гуноҳ иши ошкор бўлиб қолганига ва уни ҳеч қандай йўл билан яшириб бўлмаслигига ишонч ҳосил қилгач, энди бошқача оҳангда сайрай бошлади ва боя айтганларининг мутлақо тескарисини гапирди. Қуввайи шаҳватнинг даъватидан юз ўгириш мушкул экан, бинобарин, ҳар қайси роҳиба ўз билганича ўзини овутаверсину, илло, шу кунгача монастирда амал қилинганидек, қилмишлари хуфиёна бўлсин, деган маънода ваъз қилди. Кейин нозира қизни бўшатиб юбориб, ўзи ҳазратнинг қўйнида ётгани ҳужрасига кириб кетди. Изабетга бўлса, ўз маҳбубининг олдига йўл олдиким, уни бундан кейин ҳам ҳасадгўй роҳибаларнинг кўзини ўйнатиб, жуда кўп маротаба ўз ҳужрасига таклиф қилди. Доимий жазманлари бўлмаган бошқа роҳибалар эса, онда-сонда бир тасодиф бўлиб бахтлари очилиб қолмаса, аксарият пайтларда очдан сирлиб яшаган эканлар.

Бруно, Буффальмакко ва Неллонинг илтимосига кўра, доктор Симоне Каландринони, ҳомиладор бўлиб қолгансан, деб ишонтиради; Каландрино дори-дармон учун ахта хўрозлар билан пул беради, оқибатда тугмай, осонгина ҳомиласидан фориг бўлади

Элиссанинг ҳикоясини тинглаб бўлишиб, ҳаммалари қизни ҳасадгўй роҳибаларнинг адоватидан халос этгани учун ва қизнинг бошига тушган фалокатнинг охири бахайр бўлганлиги учун худога шукрона ўқидилар, шундан кейин, қиролича Филостратога ҳикоя қилишни амр этди ва у илтимас қилишларини кутиб ўтирмай, шундай ҳикоя қила бошлади:

— Соҳибжамол хонимлар! Кеча мен сизларга ҳикоя қилганим маркилик тарбия кўрмаган судья Каландрино ҳақида ҳикоя қилишимга имкон бермаган эди, ҳолбуки, мен айнан шу Каландрино хусусида ҳикоя қилмоқчи бўлган эдим, ҳуллас, Каландрино билан унинг ошналари тўғрисида даврамизда жуда кўп гапирилган бўлса ҳам шунга қарамай, барибир мен, кеча ҳикоя қилмоқчи бўлган ҳикоямни сизларга бугун сўзлаб бермоқчиманки, унинг ҳаётидаш олинган ҳар қандай воқеа ҳам албатта кулгили бўлиб чиқади.

Мен ҳикоя қилмоқчи бўлган Каландринонинг ҳам, бошқаларнинг ҳам кимлигини ўзингиз яхши биласиз, шунга кўра, мен бу ҳақда изоҳ бериб ўтирмай, тўғридан-тўғри ҳикояни Каландринонинг холаси ўлиб, унга икки юз лира майда пул мерос қолдирганидан бошлайман. Мана шу муносабат билан Каландринода ермулк сотиб олиш истаги туғилиб қолди-ю у гўё ер сотиб олиш учун ўн минг флорин олтин пул сарфлашга ҳам қурби етадиган одамдай юриб, Флоренциядаги жамки даллоллардан, ким мулкни сотаркин, деб суриштира бошлади, лекин гап бориб сотиладиган мулкнинг нархига тақалиши билан у музокарага барҳам берарди, Бруно билан Буффальмакко бундан хабардор эдилар, шунинг учун улар, бу пулингга ер сотиб олгандан кўра, бир мириқиб маншат қилганимиз яхши, негаки бу пулга оладиган ернинг тупроғи фақат «пақ-пақ» ўйнашагина стади, деб уни ниятидан қайтаришга уриниб кўрдилар, лекин барибир, Каландрино уларнинг сўзига кирмадиям, бирон марта бўлсин, меҳмон қилмадиям.

Мана, кунлардан бир кун, икки дўст Каландринонинг ғийбатини қилиб турганида уларнинг олдига Нелло исмли сураткаш ошналари келди, шундан кейин улар учовлашиб, Каландрино ҳисобига қандай қилиб бир маншат қилса бўларкин, деб бош қотира бошладилар. Бир зумда бунинг иложини ҳам топдилар, эртаси кун эрталаб эса, Каландринонинг уйдан чиқишини пойлаб турдилар-да, у остона ҳатлаб, бир неча қадам нари кетиб улгурмасдан, қаршисида Нелло пайдо бўлди. «Хайрли кун, Каландрино!» — деди у.

Каландрино, сенга ҳам худо хайрли кун ва омадли йил ато этсин, деб истак билдирди. Шунда Нелло йўлидан тўхтаб, унга бақ-

райганча қараб қолди. «Нега менга бунақа қараяпсан?»— деб сўради Каландрино.

«Кечаси мазанг бўлмадими дейман?»— деб сўради ўз навбатида Нелло.— Рангинг бир ҳолатда.

Каландринонинг юрагига гулгула тушди. «Вой, худойим, менга нима бўлдийкин?»— деб юборди у.— Сен нима дейсан?»

«Бундан одам ҳалигиндақа бўлади, деб айтмайману, лекин рангинг жудаям ўзгариб кетган — балки бошқа бирон сабаби бордир»— деб жавоб қилди Нелло ва ўз йўлида кетаверди.

Каландрино гарчи ҳеч қандай лоҳаслик сезмаяпган бўлса ҳам шунга қарамай, хийла ўйланиб қолди; мана, у яна ўз йўлида кета бошлаган эди, лекин уни муюлишда пойлаб турган Буффальмакко, Неллонинг нари кетганини кўриб, Каландринонинг олдидан тўсиб чиқди ва у билан саломлашиб бўлгач, у ҳам сенга нима бўлди, деб сўради.

«Ўзимам ҳайронман,— деб жавоб қилди Каландрино.— Ҳозиргина Нелло ҳам рангинг ўзгариб кетипти, деб айтди. Дарҳақиқат, бирон нима бўлмадимикин менга?»

«Бўлмадимикин эмас, бўлган,— деди Буффальмакко,— кўришининг шунақа ёмонки, афтингдан тупроқ ёғилиб турипти».

Каландринонинг бутун вужудини титроқ босди, бу маҳал бу ерга яна Бруно ҳам келиб, дабдурустдан шундай деб юборса бўлади: «Сенга нима бўлди, Каландрино? Нақ тирик мурдага ўхшайсан-а.

Нима, мазанг йўқми?»

Каландрино уч кишидан кетма-кет бир хил гапни эшитиб, ўзини чинданам тоби қочиб қолгандай сизди ва кўнгли ғаш бўлиб, сўради: «Энди нима қиламан?»

«Сен, яхшиси, уйингга бор,— деди Бруно,— яхшилаб ўраниб ёт, сийдигингни булса, доктор Симонегга юбор — ўзинг биласан, у билан орамиздан қил ҳам ўтмайди. У сийдигингни кўради-ю, дарров маслаҳат беради, биз бўлсак, сенинг уйингга бориб, лозим бўлган ҳамма ишни бажарамиз».

Бу пайт уларнинг олдига Нелло келди ва тўртовлон Каландриноникига йўл олишди. Каландрино уйга тамомила беҳол бўлиб қайтди ва хотинига: «Устимга кўрпани қалинроқ қилиб ёп — жуда мазам қочди»,— деди.

У ўринга ётди, оқсочига эса, сийдигини доктор Симонегга олиб боришни буюрди, ўша пайтда Симоненинг Эски бозордаги эшак калласининг тасвири туширилган лавҳа тагида дорихонаси бўларди. Бу аснода Бруно оғайниларига бундай деди: «Сизлар беморнинг ёнида бўлиб туринглар, мен табибнинг олдига бориб, ҳамма гапни суриштириб биламан, агар зарурат туғиладиган бўлса, ўзини бу ёққа бошлаб келаман».

«Жон дўстим, илтимос, докторнинг олдига бориб, мен тўғримда ҳамма гапни айтиб бер,— деб ёлворди Каландрино,— ичимда бир нима борга ўхшайди».

Бруно доктор Симоненинг олдига оқсочдан олдин етиб бориб, бўлган воқеанинг ҳаммасини унга олдиндан тушунтириб қўйди.

Оқсоч келганда эса, доктор сийдикни кўздан кечирди-да, деди: «Бориб Каландринога айт, иссиқроқ ўраниб ётсин, ҳозир ўзим бориб, унга нима қилиш кераклигини айтаман».

Оқсоч қайтиб келиб, Каландринога доктор тайинлаган гапларни айтди, сал вақтдан кейин эса, докторнинг ўзи Бруно билан биргалашиб кириб келди. Доктор беморнинг ёнига ўтириб, унинг томирини ушлаб кўрди, кейин Каландринининг хотини шу ерда турганидан хижолат ҳам тортмай, бундай деди: «Дўстим бўлганинг учун очигини айтаман сенга, Каландрино: биласанми, сен ҳомиладор бўлиб қолибсан — бор-йўқ дардинг мана шу».

Бу гапни эшитган Каландрино жон-жаҳди билан чинқариб юборди: «Эшитдингми, Тесса, ҳаммасига сен айбдорсан: доим устимга чиқишни хоҳлардинг! Неча марта айтган эдим буни сенга!» Каландринининг жудаям уятчан бўлган хотини, эрининг бу гапларини эшитиб, шолғомдек қизариб кетди ва кўзини ерга тикканча индамасдан хонадан чиқди, Каландрино эса, бу пайт нола чекишда давом этарди: «Мен бояқишнинг ҳоли нима кечади энди? Қандай қилиб туғаман? Болам қандай қилиб бу ёққа чиқади? Энди менга ҳаммаси равшан: мени бу балога йўлиқтирган хотинининг шахвоний нафси, э худо, хотинимни бадбахт қилиб, мени хушбахт қил! Агар соғ бўлганимда, ҳозир ўрнимдан турардим-да, уни шунақанги дўппослардимки — соғ ери қолмасди. Лекин ҳаммасига ўзим сабабчи: нега энди унинг устимга ётишига рухсат бердим? Ҳай, агар шу ҳомиладан эсон-омон қутулиб олсам, хотиним минг ёлворсин, барибир бунақасига сира-сира рози бўлмайман!»

Бруно, Буффальмако ва Нелло пиқиллаб кулиб юборишдан ўзларини зўрға тутиб турардилар, аммо доктор Ҳафтафаҳмалинонинг кулгидан ичаклари узилди. Каландрино табибга, сизнинг маслаҳатингиз ва ёрдамингизга муҳтожман, деб айтди, унга кўп ялиниб-ёлворди, ниҳоят доктор шундай деди: «Қўрқма, Каландрино. Худога шукурки, жуда вақтида сезиб қолдик ҳомиланг борлигини — уч-тўрт кун ичида мен сени ҳеч қандай қийинчиликсиз бу ҳомиладан ҳалос этаман. Фақат сен ҳаменингни каттароқ очишинг керак бўлади».

«Оҳ, докторжон, жамики азиз-авлиёлар ҳаққи-ҳурмати, менга ёрдам қилинг!— деб чийиллай бошлади Каландрино.— Менинг икки юз лира пулим бор, унга ер сотиб олмоқчи эдим. Бас, шундай экан, шу пулимнинг ҳаммасини олсангиз ҳам майли, ишқилиб мени туғиш азобидан қутқарсангиз бўлгани, бўлмаса, нима қилишимга бошим қотиб қолди. Хотинлар туғаётганда қандай қичқиришганини ўз қулоғим билан эшитганман, ҳолбуки, уларга туғиш осонроқ: чунки уларнинг анавиниси кенг: борди-ю, мениям шунақа тўлғоқ тутадиган бўлса, оғриққа чидай олмаганимдан, туғолмай ўлиб қоламан. мана кўрасиз!»

«Ҳеч хавотир олма,— деди доктор. Мен сенга шаффоф бир суюқ дори тайёрлаб бераман, ўзи жуда фойдали, ютумиям хуштаъм — уч кунда дард кўрмагандай тузалиб кетасан, лекин бундан буён эсингни йиғиб, ол бунақа бемаъ依ликларга йўл қўйма. Шифобахш

дори учун сен олтита семиз хўроз берасан, қолган дори-дармонлар сотиб олиш учун бўлса, биронта дўстингга беш лира майда пул бер — кейин шу айтганларимнинг ҳаммасини менинг дорихонамга юбор, мен, худо хоҳласа, эртага эрталаб сенга ўша шаффоф дорини тайёрлаб бериб юбораман — ҳар куни эрталаб, битта катта стакан-да дам олмасдан ичиб турасан».

«Хўп бўлади, доктор!»— деди Каландрино ва Брунога илтимос қилиб, унга ҳам дори-дармон, ҳам олтита семиз хўроз сотиб олиш учун пул берди.

Доктор ўз дорихонасига қайтгач, озгина ардоб ҳозирлатиб, уни Каландринога юборди. Бруно эса, бу аснода хўрозлар ва ҳазми таом учун замзам сувларидан сотиб олиб, ўз дўстлари ва доктор билан биргаликда роса майшат қилди. Каландрино сурункасига уч кун эрталаблари ардоб ичди, шундан кейин, унинг ҳолидан хабар олгани доктор билан дўстлари келишди, доктор беморнинг томирини ушлаб кўрди-да, бундай деди: «Сен соппа-соғсан, Каландрино. Энди ўрнингдан турсанг ҳам бўлади, бемалол ишингга боришинг мумкин».

Буни эшитиб, Каландринонинг кўнгли ёришиб кетди. ўрнидан турди ва ўз иши билан шуғуллангани кўчага чиқиб кетди, шу-шу бўлди-ю, у ким билан суҳбат қурмасин, ҳаммага Симоненинг қандай ажойиб доктор эканлигини мақтаб, атиги уч куннинг ичида, ҳеч қанақа оғриқсиз ҳомиламни даф қилди-я,— деб гапириб юрадиган бўлди. Бруно, Буффальмакко ва Нелло қурумсоқ Каландринони бошлаб лақиллатишганидан оғзилари қулоқларида эди, аммо монна Тесса, йигитларнинг жўрттага шундай қилишганини сезиб қолиб, кейин анча вақтгача эрига жавраб юрган экан.

4

Мессер Фортарригонинг ўғли Чекко Буонконвентода қимор ўйнаб, ўз бисотидоги ҳамма нарсасини, бундан ташқари, бошқа Чекконинг, яъни мессер Анжольерининг ўғли — Чекконинг пулларини ҳам ютқазиб қўяди; Фортарриго фақат ич кўйлагу лозимда Анжольерининг орқасидан қуваркан, мени тунаб кетишди, деб дод солади ва деҳқонларни Анжольерини тутишга ундайди, шундан кейин, у Анжольерини ечинтириб ўзи кийнади, унинг отига минади-ди, жўнаб қолади, энди Анжольери ёлғиз ич кўйлак билан лозимда қолади

Каландринонинг ўз хотини ҳақида айтган гапидан бутун жамоа ўзини тута олмай қотиб-қотиб кулди. Филострато жим қолгандан кейин эса, қироличанинг хоҳиши билан Нейфила ҳикоя қила бошлади:

— Шоиста хонимлар! Агарда одамларга ўз заковати ва хулқ-одобини намойиш қилишидан кўра ўзининг аҳмоқлиги-ю, кусурларини кўз-кўз қилиш фойдалироқ бўлганда эди, кўпчилик одамлар лозим бўлмаган гапни оғиздан гулламаслик кераклигини мутлақо нутиб қўйган бўлардилар. Бунга мисол учун узоққа бориб юриш-

нинг ҳожати йўқ: Қаландрино ўзининг лақмалиги туфайли, тоби қочиб қолганига астойдил ишонди, лекин шифо топиш учун ўз ёстиқдошининг шўхликларини ҳаммага ошкор қилиш шарт эмаслигини тушунмади. Қаландрино ҳақидаги бу ҳикоя менга ечими мутлақо бошқача бўлган бир воқеани эслатди: бу ўринда маккорлик ақл-идрокдан устун чиқади ва заковатли одамни бадном қилиб, унга улкан зиён етказди. Худди мана шу ҳақда сизларга сўзлаб бермоқчиман.

Бундан бир неча йил бурун Сиена шаҳрида ёши етук икки йигит яшаган бўлиб, икковининг ҳам исми Чекко эди; улардан бири мессер Анжольерининг ўғли, иккинчиси — мессер Фортарригонинг ўғли эди. Улар табнатан мутлақо бошқа-бошқа одам эдилар; улардаги ягона ўхшашлик — ўз оталарига бўлган нафрат эди, мана шу нафрат туйғуси уларни бир-бирига шунчалик яқинлаштирдикки, бора-бора улар дўстлашиб, муттасил учрашиб турадиган бўлдилар. Ғоятда хушрўй йигит бўлган Чекко Анжольерига отаси бериб турадиган пул етмасди; шунинг учун Чекко ўзига азалдан кўп мурувват кўрсатиб келувчи кардиналнинг Анкона маркасига¹ папанинг муваккили сифатида қадам ранжида қилганини эшитиб қолди-да, ўзининг моддий аҳволини яхшилаб олиш ниятида кардиналга хизматга ёллашишга қарор қилди. Сўнг бу ниятини отасига изҳор қилиб, яхшироқ кийиниши, от сотиб олиши ва отга дурустроқ абзал ҳам олиши кераклигини айтди, — отаси унга ярим йиллик оладиган пулини олдиндан берди. У ўзи учун хизматкор ахтара бошлаган эди, бунинг дарагини Чекко Фортарриго эшитиб қолди-ю, шу заҳотиёқ Чекко Анжольерининг олдига ғизиллаб бориб: «Мени ўзингга хизматкор қилиб ол, — деб ёлвора бошлади, — югурдагинг ҳам, хизматкоринг ҳам бўламан, нима буюрсанг ҳам масини қиламан, мойна бермасанг ҳам майли — фақат ўз қарамосингга олсанг, шунинг ўзи кифоя». Анжольери унга жавобан бундай деди: «Сени ўз хизматимга олмайман, лекин бу билан сени хизматкорликка ярамайсан, демоқчи эмасман, йўқ. асло, балки қиморбоз бўлганинг ва ичкиликка муккангдан кетганинг учун хизматга олмайман». Шунда Фортарриго қимор ўйнамасликка, ичкилик ичмасликка қасам ичиб, сўз берди ва Анжольерига шунақа хира бўлиб ёпишиб олдики, у ахири ён бериб, уни ёллашга хоҳиш билдирди.

Мана, бир кун эрталаб улар сафарга чиқдилар ва туш пайтида Буонконвентога етиб олдилар, лекин куннинг тафти жуда баланд бўлганлиги сабабли, Анжольери тушликдан кейин меҳмонхонада ўзига жой солиб беришни буюрди ва Фортарригонинг кўмагида ечиниб ухлагани ётаркан, ундан ўзини соат учда уйғотишни илтимос қилди. Фортарриго бўлса, соҳибини ухлатиб, майхонага йўл олди, у ерда қаттиқ ичди, ўтириб карта ўйнай бошлади ва ҳашпаш дегунча ёнидаги ҳамма пулини, яна бутун кийим-бошини бой бериб қўйди. У ютқазган пули ва буюмларини қайта ютиб олиш

¹ Анкона — Италиянинг Адриатик денгизи бўйидаги порт шаҳри; «марка» сўзи ўрта асрларда Европада чегара вилоят маъносида ҳам ишлатилган. (Тарж.)

ушидида, битта ич кўйлагу лозимда меҳмонхонага югурди ва Анжольерининг маст уйқуда ётганига ишонч ҳосил қилиб, унинг ҳамёнида қанча пули бўлса, ҳаммасини олди-да, яна майхонага қайтиб борди ва бу пулларнинг ҳам ҳаммасини қиморга бой бериб кўйди. Бу ўртада Анжольери уйқудан уйғонди, ўрнидан туриб, хизматкорини суриштирди. Лекин Фортарригони ҳеч ердан топилмади; Анжольери, у яна ичиб, бирон ерда ухлаб ётган бўлмасини, деб ўйлади. Шундан кейин у Фортарригони шу ерда қолдириб кетишга ва Корсиньянога борганда бошқа хизматкор ёллашга қарор қилиб, отни эгарлашни ва қопчиқларни эгарга боғлашни буюрди; у жўнаш олдидан меҳмонхона соҳибига ҳақ тўламоқчи бўлганида ёнида пул топилмади. Уртада жуда қаттиқ жанжал кўтарилди; бутун меҳмонхона оёққа турди; Анжольери, ҳамёнини ўғирлаб кетишибди, бу ердаги одамларнинг ҳаммасини битта кўймай ҳибсга олишиб, Сиенага олиб боришади, деб қичқирарди. Лекин шу маҳал бу жанжалнинг устига тўсатдан Фортарриго келиб қолди; унинг эғнида ички кўйлаги билан лозимдан бўлак ҳеч нарса йўқ эди, у Анжольерининг пулини қоқлаб бўлиб, энди унинг кийим-бошини олиб кетгани келган эди. У хўжасининг кетишга отланиб турганини кўриб, унга бундай деди: «Нима гап, Анжольери? Жўнаб кетяпмизми? Дарров-а? Бирпас сабр қил: ҳали замон бу ерга бир одам етиб келиши керак — у менга ўттиз саккиз сольдо берувди, мен бўлсам, унга гаровга ўзимнинг калта чакмонимни қолдирдим. Аминманки, агар биз унинг ҳақини ҳозир тўласак, чакмонни ўттиз беш сольдога беради».

Лекин шу пайт бу ерга бошқа бир одам келиб, Анжольерига, пулингни ўғирлаган Фортарригодан бўлак ҳеч ким эмас, у қанча пул ютқазганини менга аниқ айтди, деди. Анжольерининг фиғони чиқиб кетиб, Фортарригони бўралаб сўка бошлади ва агарда у худодан ҳам кўра суд жавобгарлигидан кўпроқ қўрқмаганидами, бу нобакорга тилаган жазоларини шахсан ўзи ижро этишдан ҳам қайтмаган бўларди. У Фортарригога, сени сиртмоққа торттираман, Сиенадан бадарға қилдираман, кетмасанг дорга осдириб қатл этдираман, деб дағдаға қилганича отига минди.

Фортарриго бўлса, гўё Анжольерининг гаплари бошқа одамга қаратилгандай, ҳамон ўз гапида туриб олган эди: «Қўйсанг-чи, Анжольери, нима қиласан шу арзимаган нарсага қизишиб? Кел, яхшиси чакмонни ўйлаб кўрайлик; агар уни ҳозир сотиб олсак, у бизга ўттиз беш сольдога тушади, лекин борди-ю, фақат эртагача сабр қиладиган бўлсак ҳам унда биздан камида ўттиз саккиз сольдо — яъни, менга қанча қарз берган бўлса, шунча сўрайди. У одамнинг менга гаровга пул қарз бергани, унинг одамохуллиги албатта: менга унинг бундай илтифот қилганига бирдан-бир сабабни айтайми — мен унинг маслаҳатига кириб, бошқа картани юрган эдим. Хўш, ўзинг айт-чи, уч сольдо фойда қилсак, нима, бошимиз оғрийдими?»

Анжольери, асосан, бу можаро тепасида турганларнинг ўзидан кўз узмай тикилиб туришганидан хуноб бўлаётган эди, боз устига, улар, Анжольери Фортарригонинг пулини олган, деб ўйлаётганга

Ўхшаб кўринардилар. «Ҳей, касофат, калта чакмонингнинг нима дахли бор менга?— деб бақирди Анжольери.— Пулимни ўғирлаб, қиморга бой берганинг етмаганидек,— яна йўлимни тўсиб мен билан ҳазил-мазах ўйнамоқчисанмиям!»

Лекин Фортарриго гўё бу гаплар унга айтилмаёпгандай, ҳамон ўша гапида туриб олган эди. «Йўқ, рост айтишман,— дерди у,— нега энди сен менинг уч сольдо фойда қилишимни истамайсан? Кейин, барибир ўзинг ўша пулни мендан қарзга сўраб оласан. Бир дўстлик қил, шошма, қаёққа шошиляпсан? Биз ҳали кун ботмасдан етиб оламиз Торренъерига. Бор, яхшиси ҳамёнингни олиб чиқ. Бутун Сиенани қидирсанг ҳам жуссамга шундоқ чиппа ёпишиб турадиган бунақа қиёмат калта чакмонни топа олмайсан, нега энди аслида қирқ сольдодан ҳам қимматроқ турадиган шундоқ қулинг ўргилсин чакмонимни ўттиз саккиз сольдога ташлаб кетишим керак экан? Ахир бу кони зиён-ку!»

Ҳамёнини шип-шийдам қилиб кетгани кетган, яна бунинг устига, қаёқдаги гапларни жавраб йўлини тўсиб турган Фортарригодан фиғони фалакка чиққан Анжольери, индамай отининг жиловини бурди-да, Торренъерига қараб йўл олди. Лекин Фортарриго унга қарши ниҳоятда мудҳиш режа тузиб қўйган эди; у ички кўйлак билан лозимда Анжольерининг орқасидан лўкиллаб чопиб бораркан. жағи жағига тегмай, муттасил калта чакмони ҳақида жаврарди; шу зайлда улар икки миляча йўл босиб қўйдилар; Бу аснода Анжольери, Фортарригодан узоқлаб кетиш мақсадида атайлаб отини елдириб кетди, лекин шу чоғ Фортарриго сал нарироқда, йўл ёқасидаги экинзорда ишлашаётган деҳқонларни кўриб қолди-ю, овозининг борича дод солиб: «Ушланглар уни, ушланглар!»— деб бақира бошлади. Деҳқонлар ҳам биров белкурак, биров кетмон кўтариб Анжольерининг йўлини тўсиб чиқдилар-да, уни тўхтатиб ушлаб олдилар, чунки улар бу отлиқ орқароқда битта ич кўйлак билан лозимда дод солиб чопиб келаётган одамни тўнаган деб, астойдил ишонган эди. Анжольери ўзининг кимлиги ҳақида, воқеанинг қандай бўлгани ҳақида тушунтиришга қанча уринмасин, барча уриниши зое кетди.

Шу пайт Фортарриго ҳам ҳаллослаб етиб келди ва оғзидан кўпик сочиб, Анжольерига бақира кетди: «Вой, бадкирдор-е, вой муттаҳам-е! Мени тўнаб дарров жуфтакни ростлаб қопсан-да! Улдираман сени ҳозир!» Шундан кейин Анжольерини қўрсатиб гапира бошлади: «Бунинг кўрдингларми, азилар: бор бисотини картага бой бериб, хайр-маъзурни нася қилганча қочиб қопти, мен бўлсам, меҳмонхонада мана шу аҳволда қолаверибман! Худонинг марҳамати билан ва сизларнинг кўмагингизда, мён, энди унинг ҳамма буд-шудини тортиб олдим, десам ҳам бўлади,— бу яхшиликларингизни ўла-ўлгунимча унутмайман».

Анжольери ўзини оқлашга қанча уриниб кўрмасин, барибир, унинг гапира парво ҳам қилишмади. Фортарриго деҳқонларнинг ёрдамида Анжольерини отдан тортиб туширди, уни ечинтириб кийимларини ўзи кийиб олди ва отига минди-ю. Анжольерини яланғоч-яланг оёқ ҳолда қолдириб, ҳайё-ҳайт деганча жўнаб қолди; у

Сиенага қайтиб бориб, отни ҳам, кийим-бошларни ҳам Анжольеридан қимор ўйнаб ютиб олдим, деб ҳаммага айтиб юрди. Анжольери Маркага кардинал ҳузурига бадавлат одам қиёфасида бормоқчи бўлган эди, аммо бунинг ўрнига у Буонконвентога ёлғиз ички кўйлак билан лозимда қашшоқ бўлиб қайтди, бундан бу ёнига, Сиенага боришга уялди; шунда унга кийим-кечак қилиб беришди ва у Фортарригонинг отига мингашиб, ўз ота-онасиникига, Корсиньянога жўнади, то отаси унга яна ёрдам қилиб қўллаб юбормагунча ўша ерда яшаб турди. Шундай қилиб, Фортарригонинг маккорлиги туфайли, Анжольерининг эзгу нияти амалга ошмай қолган экан. лекин бир кун келиб Анжольери, Фортарригодан унинг барча найранглари учун қасдини олади.

5

Каландрино бир қизга ошиқ бўлиб қолади; Бруно унга афсун ёзилган перламмент тутқасади; Каландрино шу афсунни қизга еса теккизиб қўйиши билан қиз унинг орқасидан эргашиб кетаверади; кейин Каландринонинг хотини эрини ўша қиз билан ётгани устидан чиқиб қолиб, уни не ердаги ҳақорат сўзлар билан қарғайди

Нейфиланинг қиссагина қиссаси ҳеч қимни кулдирганиям, бирон фикр турдирганиям йўқ, шунга кўра, қиролича дарҳол Фьяметтага ўгирилиб, унга ўз ҳикоясини бошлашни амр этди, Фьяметта ҳам қиродичанинг амрига мунтазир эканлигини ғоятда нозли нигоҳ билан изҳор этиб, шундай ҳикоя қила бошлади:

— Нажиба хонимлар! Агарда қулай фурсатимиз ва кўнгилдагидек жойимиз бўлса-ю, биз бирон мавзу устида мусоҳаба олиб борсак, у ҳақда қанча кўп ва узоқ суҳбат қурсак ҳам барибир, ўша мавзунинг ниҳоясига ета олмас эдикки, менинг бу фикримга сизлар қўшилмасизлар, деган умиддаман. Шунга кўра, мен ўзимзининг бу ерга не мақсадда тўпланганимизни эътиборга олиб.— бу ерга тўпланганимиздан мақсад фақат вақтичоғлик қилиш ва вақтни хурсандчилик билан ўтказиш эканлигини яши биласизлар— шуни таъкидлайманким, биринчидан, бизларнинг вақтичоғлик қилишимиз учун ҳамда кўнгилхушлик қилишимизга зарур бўлган бошқа ҳамма нарса учун энг қулай вақт шу вақтдир, иккинчидан эса бирон нарса тўғрисида минг маротабалаб гапирилган тақдирда ҳам биз айнан ўша нарса тўғрисида яна шунча маротаба гапиришга ҳақимиз борки, бу билан тилга олинган ўшал нарса қизиқарсиз бўлиб қолмайди. Хулласи калом, Каландринонинг қилмишлари ҳақида бу ерда кўп гапирилган бўлса ҳам унинг тўғрисида айтилган ҳикояларнинг ҳаммаси ҳам жуда қизиқарли деб айтган Филостратонинг гапини эслаб, шунча баён қилинган қиссаларга мен яна бир қиссани илова қилишга журъат этдим, илло, шуни ҳам айти-

шим керакки, агар мен ҳо илгари бўлсин, ҳо ҳозир, ҳақиқатдан четламоқни мўлжаллаган, ё мўлжаллайдиган бўлсам, унда истаган пайтимда янги қисса тўқишим, ённки қиссамда иштирок этувчиларнинг номларини ўзгартириб баён қилишим мумкин эди ва лекин юз берган воқеани тасвирлаш пайтида ҳақиқатдан четланиш, муқаррар, тингловчилар эътиборини сусайтиришини ҳисобга олиб, айнан мана шундай мулоҳаза туфайли, воқеа қандай содир бўлган бўлса, худди ўзидек қилиб сўзлаб бермоқчиман.

Никколо Корнаккини исмли ғоятда бадавлат ҳамшаҳаримизнинг ер-мулклари жуда кўп эди; хусусан, Камератда ҳам унинг ниҳоятда хушманзара бир мулки бўлиб, у ерга муҳташам, маҳобатли бир қаср қурдирди, Бруно билан Буффальмакко эса, шу қасрнинг нақш ишларини пудратга олишди. Иш жуда кўп эди; шунга кўра, улар Нелло билан Каландринони ҳам ёрдамга чақирдишди-да, ишга киришиб кетишди. Бутун уйда фақат битта хонада чорпоя билан ётиб ухлаш учун зарур бўлган бошқа анжомлар мавжуд эди; кексайиб қолган бир чўри хотин бутун уйга қараб турар ва ундан бошқа биронта ҳам хизматкор йўқ эди; юқорида номи зикр этилган Никколонинг Филиппо исмли ўғли,— ҳали уйланмаган йигитча,— шу хонага аёлларни бошлаб келиб кўнгилашушлик қилиб юрарди: у биронта аёл билан бир-икки кун бўлиб, кейин жўнатиб юборди ва яна бошқасини бошлаб келарди. Мана, у кунлардан бир кун уйига Никколоза исмли бир аёлни бошлаб келдики, уни Камальдоли кўчасида яшовчи Манжоне деган бир аблаҳ пул эвазига одамларга қўшиб турарди. Бу аёл хушрўй, кийимлари ўзига ярашган, хушмуомала ва дилкаш аёл эдики, ҳеч ким унинг ўшанақалардан эканлигини, агар билмаса, хаёлига ҳам келтирмас эди. Бир кун у туш пайтида эгнига оқ халат кийиб, сочинни бошига чамбарак қилиб, ҳовлидаги қудуқ олдида юз-қўлини юва бошлади, тасодифни қарангки, айни шу пайтда Каландрино сув олгани қудуқ бошига бориб қолди, борди-ю, аёлни кўриб, у билан самимий саломлашди. Қиз унинг саломига алик олди ва унга тикилиб қарай бошлади, лекин у Каландринони ёқтириб қолгани учун эмас, балки унинг хатти-ҳаракатида қандайдир телбалик нишонларини кўргандай бўлгани учун унга шундай тикилиб қаради. Каландрино ҳам қизга тикилиб қараган эди, қиз шу заҳотиёқ кўнглига ўтириб қолдики, бунинг оқибатида, у бир амаллаб шу ерда кўпроқ қолиш ва ўртоқлари олдига анчагача бормаслик учун ичиди ўзига баҳона қидира бошлади, лекин қиз билан таниш бўлмаганлиги сабабли, унга гап қотишга журъат эта олмади. Қиз Каландринонинг ўзидан кўз узмай тикилиб турганини сезиб, ўзи ҳам кулги бўлсин учун жўрттага вақт-вақти билан унга кўз қирини ташлаб қўяркан, эшитилар-эшитилмас хўрсиниб ҳам қўя бошлади. Оқибатда, Каландрино қизга шунақаям маҳлиё бўлиб қолдики, Филиппо қизни уйга чақириб олгандан кейингина у ҳушини йиғиб, ҳовлидан чиқиб кетди.

Каландрино энди ишлаб туриб, нуқул хўрсиниб, оҳ-воҳ қилаверди. Каландринонинг ҳар бир хатти-ҳаракатини ичак узадиган даражада кулгили деб билувчи Бруно бу ҳолни сезиб қолиб, унга

бундай деди: «Азбаройи шифо! Сенга нима бўлди ўзи, дўстим Каландрино? Оҳ урсанг ўлканг кўриняпти».

«Э, оғайни, ўз ёгимга ўзим қовурилиб ётибман!»— деди Каландрино.

«Ҳа, тинчликми?»— деб сўради Бруно.

«Фақат ҳеч кимга айтмайсан!— деди Каландрино.— Бу ерда паричеҳра бир қиз бор экан дегин, шу менга шунақаям ошиқ бўлиб қолдики, асти қўяверасан! Ҳозир сувга борганимда бунга ўзим ҳам иқрор бўлдим».

«Йўғ-е!— деб юборди Бруно.— Тағин у Филиппонинг жазмани бўлмасин?»

«Ўзимам шу фикрдаман, чунки Филиппо чақирган эди, у «лаббай», деб итоат этиб, уйга кириб кетди,— дея жавоб қилди Каландрино,— ҳа, жазмани бўлса нима бўпти? Мен бунақа ишда, Филиппо экан-ку, ҳатто парвардигорнинг ўзига ҳам бўш келмайман. Сирасини айтсам, ошна, у қиз менга чунонам ёқиб қолдики — таърифлашга тилим лол!»

«Мен у қизни суриштириб кўраман,— деди Бруно,— агар у чинданам Филиппонинг жазмани бўлса, унда ошиғинг олчи: негаки биз у қиз билан қадрдонмиз. Лекин бунга Буффальмаккоддан қандай сир тутсақ экан? Қачонки бирон қиз билан гаплашадиган бўлсам, дарров шу ерда ҳозир нозир бўлади».

«Буффальмаккоддан кўрқмайман,— деб эътироз билдирди Каландрино.— Энг муҳими — Неллодан эҳтиёт бўлиш керак, унинг хотинимга қариндошлиги бор, шу томондан ҳамма ишни расво қилиб қўйиши мумкин».

«Бу гапингам тўғри»,— деди Бруно.

Каландринонинг ким ҳақида гапираётганини тушуниш Бруно учун қийин эмас эди: қизнинг бу хонадонга қандай қилиб келганини ўзи кўрган, бундан ташқари, Филиппо ҳам бу ҳақда унга гапирган эди, шунга кўра, у Каландринонинг қизни кўргани чиқиб кетган пайтдан фойдаланиб, бутун гапни Нелло билан Буффальмаккога гапириб берди, шундан кейин улар Каландринонинг ошиқ бўлиб қолганлигидан қандай ҳангома уюштириш мумкинлиги ҳақида ўзаро келишиб олдилар.

Каландрино қайтиб келганида, Бруно ундан пичирлаб сўради: «Қалай, кўрдингми?»

«Кўрдим!— деб жавоб қилди Каландрино.— У мени ўзига ром қилиб қўйди!»

«Бориб қарай-чи, ўшамикин,— деди Бруно.— Агар ўша бўлса, менга ишонавер — кифтини келтираман».

Шундан кейин, Бруно пастга тушиб, ўша қиз билан Филиппони ахтариб топди, уларга Каландринони муфассал таърифлаб, ҳозир у билан нима ҳақда гаплашганини айтиб берди-да, кейин Каландринонинг ошиқлиги заминидан бир ҳазил қилиб кулишиш учун ҳар бирининг нима иш қилиши ҳақида, уларнинг иккови билан шартлашиб, гапни бир ерга қўйди. Кейин қайтиб келиб, Каландринога бундай деди: «Ўша экан! Лекин эҳтиёт бўлиб иш кўриш керак: агар Филиппо билиб-нетиб қолгудек бўлсами, булганган но-

мимизни оқлаб олишимиз учун бутун бир Арно дарёсининг суви ҳам етмайди, Мабодо, мен ўша қиз билан гаплашгудек бўлсам, сенинг номингдан нима деяй унга?»

«Э, худойим!—деб чинқириб юборди Каландрино.—Бирламчи, мен унга одамзод яраладиган минг чорак асл нав уруғлик тилайман, ундан ташқари, мен унинг содиқ қулиман, сен сўрагин-чи, у нима хоҳларкин. Тушундингми?»

«Тушундим,—деб жавоб қилди Бруно,—мендан кўнглинг тўқ бўлсин».

Кечлик олдидан сураткашлар ҳовлига чиқишди, Филиппо билан Никколоза ҳам бу маҳал шу ерда эди, йигитлар атайлаб, Каландрино туфайли, шу ерда туриб қолишди. Каландрино қизни кўриши билан кўзини лўқ қилиб, унга бақрайганча туриб олди ва шу қадар аломат қилиқлар, шунақанги имо-ишоралар қилиб, қизнинг диққатини ўзига тортишга ҳаракат қила бошладики, буни ҳатто кўр одам ҳам пайқаган бўларди. Қиз ҳам ўз томонидан, Брунонинг ўргатганларини эслаб, Каландринони васвасага солиш учун астойдил ҳаракат қиларкан, ўзи билан мулоқот қилмоқчи бўлган Каландринонинг хатти-ҳаракатини томоша қилишдан завқланарди, бу аснода, Филиппо, Буффальмакко ва бошқалар гўё суҳбатга берилиб кетгандай ва «ошиқ-маъшуқ»ларга асло эътибор бермаётгандай тутардилар ўзларини.

Мана, ниҳоят сураткашлар, Каландринонинг бахтига қарши, кетишга отландилар. Улар Флоренцияга кетишаётганда, Бруно Каландринога йўл-йўлакай бундай деди: «Гапимга ишонавер, қиз сенинг нигоҳларингдан худди офтобда қолган муздай эрий бошлади. Сен эртага гитарангни оливол, келиб унга ишқий қўшиқлар куйла—мана, мени айтди дерсан, у деразадан сакраб тушади олдингга!»

«Шундай қилсам маъқул бўлармикин-а, ошна?—деб сўради Каландрино.—Гитарамни олиб келайми?»

«Албатта олиб кел!»—деди Бруно.

«Сен боя гапимга ишонмаган эдинг, огайини,—деди Каландрино,—ўша гапни бекорга айтмадим: мен бир ишга киришмай, киришсам, ҳар қанақа одамни ҳам мот қилиб кетаман. Қани, хўш, шундоқ дилбар қизни яна ким шундай қисқа вақт ичида ўзига ром қилиб олади? Қани, ўша жўжахўроз такасалтанглар бир уриниб кўришсин-чи. Улар фақат гап сотишни билишади, ишга келганда, ғирт ношуд бўладилар-қоладилар. Қўлимга гитара олганимда сен мени бир кузат—ўшанда мендан кўзингни уза олмай қоласан! Мана, сен мени қари деб ўйласанг керак, лекин мен, эътиборинг учун сираям қари эмасман, ўша қиз буни бир қарашдаёқ жуда яхши тушуниб олди, менинг чангалимга тушгандан кейин эса, янаям яхшироқ тушунади. Азбаройн худо, мен унга шунақа ўйин кўрсатайки, кейин худди девонадек кетимдан чопиб юрсин».

«Ҳа, човут соласан унга албатта!—деди Бруно.—Қизнинг лаъл лабларига, унинг қизил гул сингари ёноқларига зулукдек ёпишишингни, кейин у шўрликни бутунича ямламай ютиб юборишингни кўз олдимга келтириб турибман».

Брунонинг гапини эшитган Каландрино бу манзарани дарҳол кўз олдига келтирди. У Флоренцияга бора-боргунча, қўшиқ айтиб, ўйин тушиб, суюнганидан терисига сиғмай борди. Эртаси куни у ўзи билан гитара олиб келди ва бутун жамоанинг қўнглини хушнуд қилиб, гитара жўрлигида бир нечта қўшиқ ижро этди. Хуллас, орадан хиёл вақт ўтар-ўтмас, Никколозани кўрмаса туролмайдиган бўлиб қолди—ишни ташлаб қўйди, қизнинг жамолига бир нигоҳ ташлаш ниятида кунига минг марта, гоҳ унинг деразаси тагига, гоҳ эшиги олдига борар, юраги ҳаприқиб, ҳовлига югуриб чиқиб, кетарди, қиз ҳам Бруно томонидан ўргатиб қўйилган эмасми, жуда усталик билан иш кўрар ва Каландрино билан учрашиш учун ҳар сафар бирон ваз жидириб топарди. Каландринонинг қизга ёзган мактубларига одатда Бруно жавоб ёзар, баъзида эса, шу Брунонинг ўзи қизнинг мактубини Каландринога олиб келиб берарди. Қиз уйда бўлмаган пайтларда эса,—бундай кунлар ҳаммадан кўпроқ бўларди,—Бруно, ўзи хат ёзиб, қизнинг номидан олиб келардики, бу мактубларда у Каландринони астойдил умидвор қиларди ва хатни топшира туриб, қизнинг ҳозир ота-оналари олдида яшаётганини, лекин у ерда кўришиш мумкин эмаслигини тушунтирарди. Бу майнабозликка раҳнамолик қилаётган Бруно билан Буффальмакко шу йўсинда Каландринонинг ишқий мойилликларини қувноқ бир эрмакка айлантирдилар ва ҳаттоки, вақт-вақти билан маъшуқанг илтимос қилиб юборди, деб ишонтиришиб, уни гоҳ фил суюгидан ясалган тароқ, гоҳ ҳамёнча, гоҳ пичоқча ёки яна бирон-бир майда буюм совға қилишга мажбур этардилар-да, у совғаларни ўзларига олардилар, лекин ўзлари ҳам унга қиз номидан арзон жез узуклар олиб келиб тутқазардиларки, бундан Каландринонинг оғзи қулоғига етарди. Бундан ташқари, у дўстларим менинг ишқий муносабатларимга яна ҳам фаолроқ бош қўшишсин деб, уларни тез-тез зиёфат ҳам қилиб турар ва яна кўп илтифотлар кўрсатарди.

Шу зайлда орадан икки ойдан зиёдроқ вақт ўтиб кетди, лекин ҳанузгача иш ўрнидан қўзғалмаган эди; бу орада қасрдаги наққошлик ишлари ҳам битай деб қолган эди, шунда, Каландрино агар бу ердаги ишларимиз тугагунча, ўз севгимнинг армон қилган сарҳадига муяссар бўла олмасам, шунча вақтдан буён қилинган уринишлар чиппакак чиқади, деб ўйлаб, Брунони «ҳа, бўл, ҳа, бўл» деб шошира бошлади. Мана, қиз қайтиб ҳам келди, шунда Бруно қиз билан ҳам, Филиппо билан ҳам олдиндан тил бириктириб олиб Каландринога бундай деди: «Биласанми, оғайни бу аёл сенинг истагингни бажариш ҳақида менга кўп марта сўз берган бўлса ҳам ҳануз сўзининг устидан чиқмаяпти. Назаримда, у сени лақиллата-япганга ўхшайди. Хуллас, гап бундай, баски у ўз сўзининг устидан чиқмаётган экан, биз уни агар сен қарши бўлмасанг, хоҳласа-хоҳламаса берган ваъдасини бажаришга мажбур қиламиз».

«Худо хайрларингни берсин, мажбур қилинглар,—деб чинқириб юборди Каландрино,—иложи борича, тезроқ!»

«У қизга афсун ёзилган пергаментни теккизиб олишга юрагинг дов берадимми?»—деб сўради Бруно.

«Дов берганда қандоқ», деди Каландрино.

«Ундай бўлса,— деб давом этди Бруно,— сен менга чала туғилган қўзичоқнинг терисидан ошланган пергамент, тирик кўршапалак бухўрнинг учта донини ва мубораж шам олиб келгин-да, қолганини ўзимга қўйиб қўй».

Каландрино кўршапалак тутаман, деб бутун оқшом матрапча ушлаб турди ва ахири уни тутиб, Бруно тайинлаган бошқа нарсалар билан бирга ҳаммасини унга олиб бориб берди. Бруно бошқа хонага кириб, пергаментга қандайдир алмойи-алжойи сўзларни ажи-бужи қилиб ёзди-да, кейин Каландринонинг олдига қайтиб чиқиб, бундай деди: «Қулоқ сол, Каландрино: мана бу дуоларни ўша қизга сал теккизиб олсанг бўлди, ўша дақиқадаёқ у орқангдан эргашиб кетаверади ва кўнглинг истаган нарсани бажаради. Гап бундай, агар Филиппо бирон ёққа кетса, сен қизнинг олдига яқин боргин-да, мана бу дуони унга теккизиб ол, ундан кейин тўғри пичанхонага қараб юравер, у ерда похол ғарами бор,—энг қўлай жой ўша ер, чунки у ерга ҳеч қачон ҳеч ким қирмайди. Мана кўрасан, қиз орқангдан эргашиб ўша ерга киради, киргандан кейин—у ёғига нима қилиш кераклигини ўзинг биласан».

Каландринонинг кўнгли яшнаб кетди. «Энди, ошина, бу ёгини ўзимга қўйиб қўй»,—деди у дуо ёзилган пергаментни қўлига оларкан.

Каландринодан ҳадиксираб юрган Нелло ҳам уни Бруно билан Буффальмаккодан кам калака қилмас, балки уларга қўшилиб роса аҳмоқ қиларди, лекин Флоренцияга, Тессанинг олдига одам юбориш зарур бўлиб қолганида, бу иш учун Бруно Неллони танлади ва Нелло Флоренцияга бориб, Тессага бундай деди: «Эсингдами, Тесса, Каландрино Муньоне соҳилидан бир этак тош териб келган кунни сени ҳеч қандай сабабсиз дўппослаган эди? Бугун мен олдингга, эрингдан қасдингни олгин, деб келдим; агар йўқ дейдиган бўлсанг унда менинг қариндошим ҳам, қадрдоним ҳам эмассан. Эринг у ёқда бир аёлга шайдо бўлиб қолди, ҳозир ўша бузуқ хотин эринг билан овлоқ ерда тез-тез учрашадиган бўлиб қолган. Ҳали яқингинада яна учрашмоқчи бўлишганини эшитиб қолдим, шунинг учун ҳозир мен билан юргин-да, эрингни пойлаб туриб, яхшилаб донини бериб қўй».

Каландринонинг хотини буни чин деб ўйлаб, дик этиб ўрнидан туриб кетди ва уйни бошига кўтариб шанғиллай бошлади: «Вой, яшамасан муттаҳам-е, ҳали шунақамни, а? Азбаройи худо агар сендан қасдимни олмасам, менам юрган эканман!»

Шундай дея аёл елкапўшини қўлига олди-да, оқсочи ва Нелло билан бирга ўша ерга физиллаганча кетди. Бруно уни узоқданоқ кўриб, Филиппога: «Ана бизга шерик келди»,— деди.

Шундан кейин, Филиппо Каландрино билан ўзга нақшлар ишлаётган хонага кирди ва: «Хўп, бўлмаса, усталар, мен Флоренцияга кетяпман. Яхши ишланглар»,— деди. У хонадан чиқиб, шундай бир ерга яшириниб олдики, бу ердан, у ўзи ҳеч кимнинг кўзига кўринмаган ҳолда, Каландринонинг ҳамма хатти-ҳаракатини кўзатиши мумкин эди,

Каландрино бўлса, Филиппонинг уйдан чиқиб, бирмунча масофа жойга бориб қолганини ўзича кўнглидан ўтказиб, ҳовлига тушди ва у ерда Никколозанинг ёлғиз турганини кўриб, унга гап қота бошлади; ўзини қандай тутиш лозимлигини жуда яхши билган қиз Каландринога яқин борди ва ўзини ҳар сафардагидан кўра бемалолроқ тута бошлади, мана шунда, Каландрино пайтдан фойдаланиб, унга дуо ёзилган пергаментни теккизиб олди. Теккизиб олди-ю, кейин тўғри пичанхонага қараб кетаверди, қиз эса, унга эргашди. Қиз пичанхонага кириши билан эшикни занжирлаб олди, кейин Каландринони қучоқлаб, уни похолга чалқанча қулатди-да, устига миниб ўтириб олди ва Каландрино юзини унинг юзига яқин олиб келмасин учун елкаларидан маҳкам босди, эҳтирос тўла кўзларини унга тикканча шундай гап бошлади: «Гиргиттонинг бўлай, Каландрино, сен менинг қалбимсан, жонимсан, қувончимсан, ҳаловатимсан! Ниҳоят, мана, сен меникисан, ниҳоят мен сени ўз кўксимга боса оламан! Сен ўзингнинг мулойим сўзларинг билан мени сел қилиб юбординг, гитара чалиб, мени ўзингга мафтун қилдинг. Наҳотки, чинданам энди меники бўлсанг?»

Лекин Каландрино қимирлолмай ётарди. «Офтобим! Кел, сени бир ўпай!»—деди у.

«Вой, мунчаям бесабр бўлмасанг!—деди унга жавобан Никколоза.—Олдин сенинг жамолинга тўйиб-тўйиб олай, кўзларим сенинг хушрўй дийдорингга тикилиб баҳра олсин!»

Бруно билан Буффальмакко эса, Филиппо яширинган ерга биқиниб ўтириб олишиб, пичанхонада бўлаётган ҳамма машмашани кўриб, эшитиб ўтирдилар. Каландрино нуқул Никколозани ўпишга талпинарди, аммо шу чоғ Нелло монна Тесса билан бу ерга бостириб келиб қолишди ва Нелло: «Худо шоҳид, ҳозир икковлари бирга бўлиши керак», деди. Монна Тесса шу даргазаб ҳолича келиб, пичанхонанинг эшигини бузди ва ичкарига кириб Никколозанинг Каландрино устига миниб ўтирганини кўрди, лекин Никколоза монна Тессани кўриши биланоқ, дик этиб ўрнидан турди-ю, урра солиб, Филиппонинг олдига қочиб кетди.

Шунда монна Тесса, ҳали ўрнидан туриб улгурмаган Каландринонинг башарасига чап солиб, ҳаммаёғини тимдалаб ташлади, кейин унинг сочидан тутамлаб олиб судраркан, оғзидан боди кириб шоди чиқиб қарғай бошлади: «Вой ярамас, қўтир ит-е, ҳали сен шунақамисан? Мен бадбахт хотин келиб-келиб сени танлаганмидим, сен, қари кўппакнинг нимангни яхши кўрган эдим? Ҳали сен шунақа, бошқаларга кўз ташлайдиган бўлиб қолдингми? Нима уйингда қйладиган ишинг йўқми? Ургилдим сендақа хуштордан! Ё ўзингнинг қанақа эркаклигини билмайсанми, чиллашир? Агар соғадиган бўлисан, сен рамақижондан томизғилик ҳам тушмайди—шунини биласанми ўзинг ё йўқми? Энди Тессанинг тагида ётиш жонингга тегиб, бошқанинг тагига тушишни хоҳлаб қопсанда, худоё худовандо ўша хотин жувонмарг бўлсин, зероки, у сендек бебаҳо хазинага учган экан, ўлгудек мараз бўлиши керак!»

Каландрино хотинини кўриб, мурда бўлиб қолганди, натижада

у ўзини муҳофаза қилишга журъат ҳам эта олмади; ниҳоят у ҳаммаёғи тимдаланган, кўкарган, гижимланган ҳолда ўрнидан турди, плашини қўлига олди-да, монна Тессага ожизона бўйин эгиб, ундан қичқирмасликни илтимос қилди: «Акс ҳолда,— деб илова қилди у,— мени қийма-қийма қилиб ташлашади, зеро, мен билан, бўлган аёл уй соҳибининг жазмани».— Ҳай, майли,— деди монна Тесса,— лекин ўша мараз хотиннинг боши ғамдан чиқмасин илоҳ!»

Бруно билан Буффалмакко Филиппо билан Никколозага қўшилишиб бу можаро устидан ичаклари узулгунча кулдилар, кейин икки дўст худди, нима шовқин-сурон ўзи, дегандек пичанхонага югуриб бордилар ва монна Тессани «отаиғ яхши, онаиғ яхши» деб ахири зўр-базўр тинчитдилар, Каландринога бўлса, тағин Филиппо бундан огоҳ бўлиб қолиб, адабингни бермасин, дейишиб, унга тезроқ Флоренцияга жўнаб кетишини ва иккинчи бу ёқларда қорасини кўрсатмасликни маслаҳат бердилар. Шундай қилиб, хўрланган шарманда бўлган, афт-башараси тимдаланган, кийим-боши гижимланган Каландрино Флоренция томон жўнаб қопти-ю, иккинчи бу ёқларга келишга юраги дов бермабди,— у хотинининг таънаю маломатларидан кечасию кундузи изтироб чекиб, жонидан тўйиб шу зайлда яшаб юрибди-да, ниҳоят, оташ мухаббат туйғусини юрагидан суғириб олиб ташлабди, унинг дўстлари, шунингдек, Филиппо билан Никколоза яна узоқ вақтгача унинг устидан кулиб юришган экан.

6

Икки йигит катта йўл ёқасидаги бир қўрғонда тунайдилар; улардан бири уй эгасининг қизи ётган чорпоёга бориб ётади, уй соҳибининг хотини эса, адашиб иккинчи йигитнинг қўйнига киради; соҳибнинг қизи билан кўнгул очган йигит уй эгасининг тўшагига келиб ётади-да, уни ўз дўсти деб ўйлаб, ҳамма бўлган ишни унга айтиб қўяди; улар ўртасида жанжал кўтарилади; уй соҳибининг хотини бошқа ўринга янглишиб ётиб қолганини сезгач, дарров туриб қизининг ёнига ётади-ю, шундан кейин ўртада тинчлик ўрнатилганга сазовор бўлади

Каландрино жамоани бундан олдин ҳам бир неча маротаба кулдирган эди, бу сафар ҳам роса кулдирди. Хонимлар унинг хатти-ҳаракатини мулоҳаза қилиб бўлиб, жим қолишгач, қиролича Панфилога амр этди ва у шундай ҳикоя қила бошлади:

— Муҳтарама хонимлар! Каландринонинг маъшуқаси Никколозанинг исмини эшитиб, эсимга бошқа Никколоза тушиб кетди, ҳозир мен шу қиз-тўғрисида сизларга сўзлаб беришни истайман, зеро менинг ҳикоямдан бир ҳурматли аёлнинг ўз топқирлиги билан катта бир низони бартараф этгани сизларга аён бўлади.

Бундан бир оз вақт илгари Муньоне дарёси водийсида, эшиги тагидан ўтган-кетганларни ақча эвазига едириб-ичириб турадиган

бир одам яшарди. У қашшоқ бўлиб, кулбаси ҳам муъжазгина эди, шунга қарамай, баъзида тунашга уйига ҳам одам қўярди, лекин дуч келган одамни эмас, балки ўзининг таниш-билишларини, шунда ҳам бошпанага жудаям муҳтож бўлиб, ночор аҳволга тушиб қолишган пайтда қўярди. Унинг гўзал хотини ва икки боласи, яъни ўн беш-ўн олти ёшлардаги ёқимтой, чиройли, буйи етган қизи билан бир ёшга ҳам тўлмаган ва ҳали кўкракдан ажратилмаган ўғли бор эди. Қиз бизнинг ҳамшаҳаримиз бўлмиш бир хушсурат, фусункор, акобир йигитга ёқиб қолиб, бунинг натижасида, у бу қўрғонга танда қўядиган бўлиб қолди, зеро, қизни жон-жаҳди билан севиб қолган эди, қиз ҳам унга ошиқ бўлиб қолди; ўзини шундай жонон йигит астойдил севиб қолганидан гурурланиб кетган қиз ўзининг сернавозиш рафтори билан уни ўзига яна ҳам кўпроқ жазм этишга уринди, натижада, уларнинг бир-бирларига мойиллиги шу қадар кучайиб кетдики, агарда Пинуччо (йигитнинг исми шундай эди) қизни бадном қилиб қўйишдан қўрқмаганида улар аллақачон ва кўп маротаба армонларининг сарҳадига етган бўлур эдилар. Бу аснода улардаги ишқ ўти кун сайин аланга ола бориб ахири, Пинуччо ҳар қандай қилиб бўлса ҳам қиз билан яқинлашишни ихтиёр қилди-да, қизнинг отаснигида тунаб қолиш учун бирон баҳона ахтара бошлади, бу уйдаги хоналарнинг жойлашиши йигитга аён эди, шунга кўра у, агар қиз билан ёлғиз қолиш имкони бўлса, ҳаммаси ими-жимиди пишади-қўяди, деб умид қилди ва бу режа миясида пишиб етилиши ҳамоноқ, вақтни пайсалга солиб ўтирмасдан, уни амалга оширишга киришди.

Мана, кунларнинг бирида кечқурун алламаҳалда Пинуччо ва унинг муҳаббатидан хабардор бўлган Андриано исмли содиқ дўсти иккита салт от ёллашиб, эгарига турли буюмлар билан тўлдирилган хуржунлар осинди-да, Флоренциядан йўлга чиқишди ва атайлаб, айланма йўлдан бориб, тун кирган пайтда Муньоне водийсига етиб олишди, кейин, гўё Романьядан қайтиб келишаётгандай бўлишиб, отларни буришди-да, ўша муҳтарам зотнинг эшигига етиб келиб, уни тақиллатишди, мезбон бу иккала йигитни ҳам яхши билганлиги сабабли, ўйлаб-нетиб ўтирмасдан уларга эшикни очди. Шунда Пинуччо унга деди: «Бизни тунагани уйингга кирит! Флоренцияга кун ботмасдан етиб оламиз, деб ўйлаган эдик, лекин йўлда ушланиб қолдик, кўриб турибсанки, қоронғига қолиб кетдик».

Уй соҳиби унга жавобан бундай деди: «Ўзинг яхши биласанки, Пинуччо, уйим сизлардек бообруъ жанобларга мос эмас, лекин дарҳақиқат, вақт кеч бўлиб қолди, бошқа манзил қидириб ўтирадиган пайт эмас,— майли, қола қолинглар. Уйимиз тор бўлса ҳам кўнглимиз кенг!»

Навжувон йигитлар отлардан тушишди отларини охурга боғлашиб, ўзлари уйга киришди, сафарга ғамлаган овқатларини олиб, ўзлари ҳам тўйиб овқатландилар, уй соҳибини ҳам меҳмон қилдилар. Бутун уйда биттаю битта ётоқ хонаси бор эди, уй эгаси мана шу хонага бир амаллаб учта ғарибона чорпоyani сиғдирган эдики, деярли бўш жой қолмаган эди: бир девор тагида иккита ка-

равот турар, қарама-қарши томондаги девор тагида — учинчиси турарди, улар орасида эса, жудаям тор йўлак қолган эди. Уй эгаси чорпоялар ичида сал дурустроғини икки йигитга тўғрилаб уларни шунга ётқизди, бир оз вақтдан кейин, йигитлар ҳали ухламаган бўлишса ҳам ўзларини ухлаганга солиб ётишганида, иккинчи чорпояга қизини ётқизди-да, учинчисига ўзи билан хотини ётишди, чорпоя ёнига эса, бека чақалоғи ётқизилган бешикни қўйди. Уй эгаси, унинг хотини ва қизининг қай йўсинда жойлашганини кузатиб ётган Пинуччо, ҳамма ухлаб кетгунича пойлаб ётиб, оҳиста ўрнидан турди ва оёқ учида бориб, ўз маъшуқасига ҳамсоя бўлди, қиз, гарчи юраги така-пука бўлаётган бўлса ҳам йигитни жон-жон деб қўйнига олди, мана шунда уларнинг иккови учун кўпдан орзинқиб кутилган лаззат онлари бошланди. Улар ҳамон бирга ётишган пайтда, бир вақт мушук бир нимани ерга тушириб юборди-ю, бундан бека уйғониб кетди — шунда у уйқули кўзлари билан ўрнидан турди-да, нима тақиллаганини аниқлай олмай қоронғида тимирскиланиб, ўша товуш келган томонга қараб юра бошлади. Айни шу пайтда ҳеч қандай тақиллаган овозни эшитмаган, балки заҳар танг қилганидан уйғонган Адриано ўрнидан турди ва йўл-йўлакай бешикка урилиб кетди, у йўлда турган бўлганлиги учун уни ўз чорпояси ёнига қўйиб қўйди-да, кейин ҳожатга чиқиб келиб, бешикни ўрнига қўйиб қўйишни ҳам унутиб яна ўрнига ётди.

Бу аснода бека, ўзининг янглишганига, бошқа нарса тушиб кетганига ишонч ҳосил қилди ва нима тушганини шу маҳалда қидириб кўришни ҳам, чироқ ёқишни ҳам хоҳламади; у мушукни «пишт» деб, ҳайдаб, ётоқхонасига қайтиб кирди, тимирскиланиб эри ухлаб ётган чорпояга етиб олди. Лекин бу ерда бешикни топмади. «Вой, эсим қурсин, сал бўлмаса шарманда бўлардим-а!»—деб ўйлади у.— Тўппа-тўғри меҳмонларнинг қўйнига кириб ётарканман». У бир неча қадам юриб, бешикни тимирскилаб топди ва эримнинг ёнига ётяпман, деб ўйлаб бешик билан ёнма-ён турган, Адриано ётган чорпояга ётди. Ҳали кўзи илинмаган Адриано беканинг ўз ёнида ётганини сезиши билан хонимнинг жонини киритиб, жадаллик билан ҳужумни бошлаб юборди.

Лекин бу пайт, маза қилиб бўлган Пинуччо ўз маъшуқасининг қучоғида ухлаб қолишидан қўрқиб, ўз ўрнига ўтиб, ухлаб олмоқчи бўлди, лекин кета туриб бешикка урилди-да, бу ерда уй эгасининг чорпояси бўлиши керак, деб ўйлади; шу фикр билан у яна бир неча қадам нари борди ва энди айнан уй эгаси ўтган чорпояга ётди, у кўрпа остига кирганида, уй эгаси уйғониб кетди. Пинуччо, Адрианонинг ёнида ётибман, деб ўйлаб, бундай деди: «Дунёда Никколозадек ширин нарса йўқ, мен сенга айтсам! Ҳозир унинг қучоғида шундай лаззат қилдимки, дунёда биронта ҳам эркак аёл кишидан менчалик лаззат олган бўлмаса керак. Тасаввур қиляпсанми? Мен унинг қўрғонига олти марта бостириб кирдим!»

Уй эгаси бу гапларни эшитиб хурсанд бўлмади, албатта. «Менинг ёнимда пишириб қўйибдимми бунга?»—деб ўйлади у аввалига, лекин кейин телбаларча газаб билан Пинуччога бундай деди: «Пи-

пуччо! Менга кўрнамаклик қилдинг. Ахир сенга нима гуноҳ қилган эдим? Худони тилга олиб онт ичаман, сендан қасд олмагунимча кўнглим тинчимайди!»

Пинуччо жудаям айтарли доно йигитлардан эмас эди, шунга кўра, ўзининг хато қилиб қўйганини пайқаб, хатосини тўғрилашга уриниш ўрнига: «Қанақасига мендан қасд оларкансан? Қўлингдан нима келарди?»—деб юборди.

Бу ёқда эса, бека, эримнинг ёнида ётибман деб ўйлаб, Андрианога деди: «Бир камн энди шу эди! Эшитяпсанми? Меҳмонлар бир нимадан жанжаллашишяпти».

«Парво қилма, майли, жанжаллашаверишсин,—дея кулиб жавоб қилди Андриано,—ётиш олдидан кўпроқ ичиб қўйишган, вассалом».

Бека Андрианога гап қотмасдан олдиноқ, жанжаллашаётганлардан бирининг овозини ўз эрининг овозига ўхшатган эди, энди бўлса, у ёнгинасида Андрианонинг овозини эшитиб, ўзининг қаерда ва ким билан ётганини дарров фаҳмлади. У фаросатли аёл эди, шунга кўра, чурқ этмасдан ўрнидан турди-да чақалоқ ётган бешикни кўтариб хона мисоли ертўладек зим-зиё бўлганидан, тусмоллаб юриб бориб, қизи ётган чорпоя ёнига бешикни қўйди-да, қизининг ёнига кириб ётди, сўнг, гўё ўзини эрининг бакириғидан уйғониб кетгандай қилиб кўрсатиб, Пинуччо билан нимани талашяпсан, деб сўради. «Нима ўзинг эшитмадингми», ҳозир қизимиз Никколоза билан нима иш қилганини гапирганини?» — деб жавоб қилди эр ётган жойидан.

«Гапи ғирт ёлғон,—деди хотини,—Никколоза билан ётгани унинг тушига кирган бўлса керак. Қизимнинг ёнига мен ўтиб ётибман, шундан бери мишжа ҳам қоққаним йўқ, сен аҳмоқ бўлсанг, лаққа ишониб ўтирибсан. Кечқурун ётар чоғингизда ичасизлар-да, кейин тушингизга қаёқдаги маза-бемаза нарсалар киради, шунинг учун кечаси билан жонсарак бўлиб сангиб чиқасиз, кўзингизга ҳам ҳар балолар кўрनावеради. У ер-бу ерингизни лат едириб ё гурра қилиб олмаганингизга ҳайронман. Нега Пинуччо сенинг чорпояннга бориб ётди, нега у ўз ўрнида эмас?» Шу чоғ, ҳам ўзининг, ҳам қизининг айбини бағоят оқилалик билан яшираётган беканинг гапини эшитган Андриано ҳам гапга аралашди: «Сенга минг марта айтганман, Пинуччо,—деди у,—кечалари тентирама деб. Аломат одатинг бор-да, ўзи: уйқисираб ўрнингдан турасан-да, кейин тушингда кўрганларингни, ўнгингда бўлгандек қилиб гапириб юрасан. Билиб қўй, бир кунмас-бир кун бунақада бир балага учрашинг турган гап! Кел, бу ёққа жин урсин сени!»

Уй соҳиби, бир ёқдан хотинининг, иккинчи ёқдан Андрианонинг гапларини эшитиб, бояги гапларнинг ҳаммаси Пинуччонинг тушига кирган экан-да, деган қарорга келди, шунга кўра, у Пинуччонинг елкасидан ушлаб, уни силкитиб уйғота бошлади. «Кўзингни оч, Пинуччо!—дерди у.—Бор, ўрнингга бориб ёт!»

Бу гаплардан кейин ўзини қандай тутиш лозимлигини тушуниб олган Пинуччо ўзини ухлаганга солиб, бир нималарни гўлдирай бошладн, уй эгаси эса, буни эшитиб, қотиб-қотиб кулди. Лекин у

Пинуччони тўхтовсиз силкитавергандан кейин, у ахири ўзини уйғониб кетгандай қилиб кўрсатди-да, гўё Андрианога юзлангандай деди: «Нега уйғотдинг? Нима, тонг отдимиз?»

«Ҳа-да!—деб жавоб қилди Андриано.—Бу ёққа кел».

Пинуччо ўзини уйқусираган одамдай кўрсатиб, уй эгасининг чорпоясидан Андрианонинг чорпоясига ўтиб ётди. Кун ёришиб, ҳамма ўрнидан турганда эса, уй эгаси Пинуччони ва у кўрган тушни мазах қилиб кула бошлади. Йигитлар ҳам ҳамма гапни ҳазилга йўйиб, отларини эгарладилар, хуржунларни эгарга илдилар, кейин уй эгаси билан сафар олдидан қиттай-қиттай қилишиб, отларига миндилару тунги воқеанинг ўзидан ҳам, унинг муваффақиятли ниҳоясидан ҳам ғоят мамнун бўлишиб, Флоренцияга равона бўлдилар. Кейинчалик, Пинуччо Никколоза билан учрашишнинг бошқа йўлини топди, Никколоза эса, опасини, Пинуччонинг ҳамма айтганлари унинг тушига кирган деб, ишонтира олди, лекин Андрианонинг эркалашларини яхши хотирлаб қолган бека, ўша кечаси фақат мен бедор бўлган эканман, деб ўзини-ўзи ишонтирган экан.

7

Талано д'Имолезе тушида хотинининг бўйни ва юзини бўри ғажиб ташлаганини кўради ва хотинига эҳтиёт бўлишни маслаҳат қилади; хотин эрининг гапига қулоқ солмайди, натижада эрининг туши ўнгида содир бўлади

Панфило ҳикоясини тугатгач, ҳамма уй бекасининг уддабурунлигига таҳсин ўқиди, шундан кейин қиролича Пампинейга амр этди ва у ҳикоясини шундай бошлади:

— Эъозли хонимлар! Тушларнинг ўнгидан келиши ҳақида биз илгари ҳам ҳикоялар эшитгандик, лекин кўп кишилар бу нарсага, негадир истеҳзо билан қарашади, шунга кўра гарчи туш ҳақида бундан олдин ҳам суҳбатлашган бўлишимизга қарамай эрининг кўрган тушига ишонмаган бир қўшнимнинг бошига яқинда не кулфат тушгани ҳақида сизларга қисқа қилиб бўлса ҳам сўзламай туролмайман.

Талано д'Имолезе исмли бир муҳтарам зот ҳақида эшитганми-сизлар—йўқми, билмайман. Унинг хотини Маргарита ниҳоятда соҳибжамол аёл бўлса ҳам лекин ғирт жинни эдики, дунёда унга тенг келадигани йўқ эди, бадфеъл ва ўжар, ўзи умрида биронта ҳам хайрли иш қилмаган эди-ю, боз устига, ҳеч кимни жини суймасди. Талано у билан ит азобида кун кечирарди, лекин шўрликнинг пешонаси шўр экан денг, ҳаммасига бардош берарди. Лекин кунлардан бир кун Талано ўз хотини билан шаҳар ташқарисидаги мулкига борганида, кечаси уйқусида шундай туш кўрди: гўё қўрғонларидан сал нарироқдаги чиройли ўрмон ичида хотини сайр қилиб юрганмишу шу чоғ баҳайбат бир бўри тишларини ғижирлатиб, дубдурустдан хотини олдидан чиқиб қолганмиш ва бир ҳамла

қилиб, унинг бўйнидан ғарича тишлаганмиш, шунда хотини дод солиб ёрдамга чақирганмиш, бўри бўлса, уни ерга ағдариб, судраб олиб кетмоқчи бўлганмиш, бироқ хотини бўрининг тишларидан бир амаллаб қутулганмишу лекин бўйниям, юзиям ғажиб ташланиб, бадбашара бўлиб қолганмиш.

Талано эрталаб ўрнидан турганида хотинига шундай деди: «Сенинг ўжарлигингдан, хотин, шунча вақт бирга умр кечириб, бир кун ҳам тинчим бўлмади, шунга қарамай, агар сенга бирон қорхол бўлса, барибир қаттиқ қайғурган бўлардим. Гапимдан мақсад, маслаҳатимга киргину бугун уйдан эшикка чиқма». Хотин, нега деб сўраган эди, шунда эр ўзи кўрган тушни бутун тафсилоти билан сўзлаб берди.

Хотин бош чайқади. «Бадхоҳ одамларнинг тушига фақат ёмон нарсалар киради,—деди у.—Сен менга ғамхўрлик қилиб бўпсан! Сенинг тушингга, ўнгингга кўршни хоҳлаган нарсаларнинг киради. Лекин мен, сенинг кўзингни ўйнатиб, бугун ҳам, бундан кейин ҳам умрбод ўзимни авайлаб асрайман».

«Ўзимам шундай жавоб қайтарарсан, деб ўйлаган эдим,—деди Талано.—Доимо табиб бемордан балога қолиб юради. Хоҳласанг — ишон, хоҳламасанг — ишонма, лекин мен сенга фақат яхшиликни раво кўраман ва гапимни яна қайтараман: шу бир кунгина уйда ўтир, ҳеч бўлмаса, бизнинг ўрмонга борма».

«Ҳа, яхши, бормаيمان»,—деб жавоб қилди хотин, лекин ўзи нчида ўйлай бошлади: «Эрим жуда анойи-да: мени, бугун ўрмонга бормасин деб қўрқитмоқчи бўляпти, лекин ўзи ўша ерда биронта ғар билан учрашмоқчи бўлса керагу, мен кўриб қолишимдан қўрқяпти. Ҳали у мени аҳмоқ деб ўйляпти, э, йўқ, чучварани хом савабди, гапига ишониб бўлман, ахир унинг не ниятда бундай деганини тушуниб турибман! Йўқ, мени лақиллатиб бўпти! Кун бўйи ўрмондан чиқмайман, лекин барибир кўриб оламан унинг нима хунар кўрсатишини».

Шундай қилиб, эр бир эшикдан чиқиб кетган бўлса, хотин иккинчи эшикдан чиқди: у этагини қўлига ушлаб олди-ю, ўғринча ўрмонга югурди, у ўрмоннинг энг қуюқ, энг хилват ерига етиб боргач ҳеч ким йўқмикин, дегандек, атрофга олазарак бўлиб қарай бошлади-ю, аммо олдидан бўри чиқиб қолишини хаёлига ҳам келтирмади, ҳолбуки, ўша бўри унинг қаршисидан лоп этиб чиқиб турибди-да: бу даҳшатли, баҳайбат махлуқ чакалакзор орасидан чиқиб келганида, Маргарита уни кўриб фақат: «Э худо, ўзинг мадад бер!»—дея олди, холос, шу заҳоти бўри унга ташлашиб, томонидан тишлаганча, худди кўзичоқни ортмоқлагандек, осонгина кўтариб кета бошлади. Аёл бўйни хиппа бўғилганлигидан бақира олмас, шунингдек, унинг тишларидан қутула олмас ҳам эди, бўри уни олиб бориб, тилка-тилка қилиб ташлаш турган гап эди, лекин шу пайт бу ҳолни чўпонлар кўриб қолишиб, шовқин кўтаришган эди, бўри ноиллож, ўлжасини ташлаб қочиб кетди. Чўпонлар бу бахти қаро бечора аёлни танидилар ва уни уйига олиб бордилар, кейин табиблар уни узоқ муддат даволаганларидан сўнг ниҳоят у шифо топди, аммо унинг бўйни билан юзининг бир қисми, шу қа-

дар бурушиб, чандиқ бўлиб кетган эдики, бир вақтлар соҳибжамол бўлган бу аёл энди тасқара ва бадбашара бўлиб қолган эди. Уша кундан бошлаб, у ҳеч ерга бормас ва нега энди ўжарлик қилдим-а, эримнинг каромат қилувчи тушига ишона қолсам нима қилар экан-а, деб ўзидан-ўзи ўпқаланиб юрар экан.

8

Бьондолле овқат масаласида Чаккони лақиллатади, Чакко эса, ундан қасдини олиш учун шундай найранг ўйлаб топадики, бунинг оқибатида Бьонделлони то сулайиб қолгунча дўппослашади

Хушчақчақ жамоа, бу нарса Таланонинг тушига кирган эмас, балки унга шундай рўё бўлиб кўринган, зеро, унинг туши энг майда икир-чикиригача ўнгидан келибди, деб ягона бир фикрга келди. Ҳамма гапириб бўлгандан кейин эса, қиролича Лауреттага ҳикоя қилишни буюрди ва у шундай ҳикоя қила бошлади:

— Оқила хонимлар! Мендан олдин ҳикоя қилганларнинг деярли ҳаммаси илгари баён қилинган бирон-бир воқеадан илҳомланган эди, худди шунга ўхшаб, студентнинг бадқаҳр интиқоми ҳақида Пампинея баён қилган кечаги қиссадан кейин менда ҳам бошқа бир қасос тўғрисида сўзлаб бериш истаги туғилдики, бу қасос талафотга учраган шахсда ниҳоятда оғир из қолдирган бўлса ҳам шунга қарамай, студентникичалик беаёв эмас эди.

Алқисса, Флоренцияда Чакко исмли бир одам яшарди, у шу қадар баднафс эдики, табиат иккинчи бунга тенг келадиганини яратмаган эди. илло, унинг мириқиб овқатланиши учун ҳамёни имкон бермасди, шунга қарамай, у ўзини жамият орасида жуда яхши тута билгани ва теша тегмаган, бопта ва ўтқир латифаларни доим миясида эҳтиёт шарт асраб юргани учун у ўзига, аскиячиларнинг пири деб бўлмайдю-ю, лекни, ҳар ҳолда, қизиқчи деса, тўғри келадиган касбни танлаб, мазали овқатларни хуш кўрувчи бадавлат одамларнинг хонадонига бориб туришни одат қилиб олганди. Уша хонадонларга у тушлик овқатгаям, кечлик овқатгаям. ҳатто чақирилмаган пайтда ҳам бораверарди. Айни пайтда, Флоренцияда яна, Бьонделло исмли бақ-бақалоқ, озода кийинадиган ва олифта бир одам яшардики, у ҳеч вақт бошидан қалпоғини ечмас эди; унинг оқ сариқ рангли сочи узун, шунчалик силлиқ қилиб таралган эдики, биронта ҳам соч толасининг диккайиб қолганини кўрмасдингиз; у ҳам Чаккога ҳамкасаба эди.

Мана, рўза пайтида бир куни эрталаб Бьонделло балиқ растасига бориб, мессер Вьери деи Черки учун иккита каттакон илонбалиқ сотиб олди; шу ерда уни Чакко кўриб қолди. «Нима қилиб юрибсан?»— деб сўради Чакко унга яқин келиб.

«Кеча кечқурун мессер Корсо Донатиникига учта илонбадиқ юборишган экан, мана булардан уларнинг ўлса ўлиги ортиқ, яна иккита осетр балиғиям юборишипти,— деб жавоб қилди Бьон-

делло.— лекин унинг уйига казо-казо жаноблар келишадиган бўлиб қолипти-ю, уларни меҳмон қилиш учун кеча олиб келинган балиқлар камлик қиладиган бўлипти, шунинг учун Корсо менга яна иккита илонбалиқ сотиб олиб келишни буюрган эди. Сен уникига борарсан?»

«Бўлмасам-чи»,— деб жавоб қайтарди Чакко.

Кейин, тушлик пайтида Чакко мессер Корсоникига борди — унинг қўни-қўшнилари тўпланишган эди-ю, аммо овқат ҳали тортилганича йўқ эди. Мессер Корса Чаккодан, унинг нега келганини сўради. «Мен, мессер, сиз билан ва сизнинг меҳмонларингиз билан бирга овқатлангани келдим»,— деб жавоб қилди Чакко.

«Марҳамат қилсинлар,— деди мессер Корсо.— Ҳозир айни овқат пайти. Уринг».

Ҳамма дастурхон теграсига ўтирганидан кейин, аввал тунес балиғи билан турк нўхати тортилди, кейин Арно дарёсидан тутилиб, қовурилган балиқ тортишди-ю, шу билан зиёфат ниҳоясига етди. Буни кўрган Чакко, Бьонделло лақиллатиб кетганини тушунди; шу-шу бўлди-ю, у кўнглида Бьонделлога кек сақлаб, ундан ўч олишга аҳд қилиб юрди. Бу аснода Бьонделло ўзининг ҳазил-мутойибалари билан кўпгина одамларнинг кўнглини овлаган эди, мана, орадан бир неча кун ўтгач, Бьонделло билан Чакко учрашиб қолдилар. Бьонделло у билан саломлашгандан кейин, истеҳзо билан қалай мессер Корсонинг илонбалиқлари ширин эканми, деб сўради, Чакко эса, унга жавобан бундай деди: «Бу саволингга бир ҳафтадан кейин ўзинг мендан ҳам яхшироқ жавоб қайтарасан».

У Бьонделло билан хайрлашгач, шу соатнинг ўзидаёқ маълум миқдордаги пул эвазига бир муттаҳам билан тил бириктирди ва унинг қўлига каттакон қориндор бир шиша тутқазиб, уни Кавиччоли растасига олиб борди-да, унга шаҳарнинг донгдор боёни бўлмиш, бўйи дароз, ўзи полвон, ҳўкнздек кучли, бунинг устига, қизиққон, жоҳил ва ғирт аҳмоқ мессер Филиппо Аржентини кўрсатиб, шундай деди: «Шишани кўтариб, ҳув ўша одамнинг олдига борасан-да, бундай дейсан: «Мессер! Мени сизга Бьонделло юборди — у майхўр ошналари билан бир маишат қилмоқчи, шунинг учун мана шу шишани ўзингизнинг асл қизил шаробингиз билан қизартириб беришингизни лутфан илтимос қилиб юборди». Лекин эҳтиёт бўл, тагин у сенга чанг солиб, патингни юлмасин — унда бутун ишимни расво қиласан».

«Яна нима дейишим керак унга?»— деб сўради фирибгар.

«Бошқа ҳеч нима демаясан,— деб жавоб қилди Чакко.— Ҳозир унинг олдига бору ҳалиги гапни айтиб, дарров орқанга қайт — кейин хизмат ҳақингни оласан».

Фирибгар шу заҳоти мессер Филиппо олдига борди ва унга Чакко тайинлаган гапни айтди. Сал нарсага тажанг бўлиб кетадиган мессер Филиппо: Бьонделло мени мазах қилмоқчи бўлибди, деб ўйлаб бабоқ хўрознинг тожидек қизариб кетди. «Нимани қизартиришим керак экан?» Яна қанақа майхўрлар, ҳе, ўша сениям, сени юборганиям, арвоҳ урсин!»— деб у дағдаға қилди ва сапчиб

урнидан туриб, фирибгарнинг гирибонидан олишга қўл чўзган эди, лекин у сергак бўлиб турганидан, чаққонлик билан чап бериб, жуфтакни ростлаб қолди ва бошқа кўчани айланиб ўтиб, яна ҳамма воқеани кузатиб турган Чакконинг олдига югуриб келди-да, унга мессер Филиппонинг нима жавоб қилганини айтиб берди.

Чакко бундай жавобдан тўла қаноат ҳосил қилиб, фирибгарнинг хизмат ҳақини тўлади; лекин у то Бьонделло билан учрашмагунча кўнгли жойига тушмади. «Сен Кавиччоли растасига анчадан бери борганинг йўқми?»— деб сўради у ниҳоят Бьонделлони учратиб.

«Анча бўлди,— деб жавоб қилди Бьонделло.— Нега сўраб қолдинг?»

«Сени мессер Филиппо сўраётган эди, лекин нимагалигини билмайман»,— деб жавоб берди Чакко.

«Ҳа, яхши,— деди Бьонделло,— ўзимам ҳозир ўша томонга кетаётувдим. гапи бўлса, ўзидан эшитарман».

Шундай дея у кетаверди, Чакко ҳам бу ёғи нима билан тугаркин, деб унинг орқасидан қорама-қора бораверди. Бу аснода фирибгарни қўлидан чиқариб юборган ва унинг айтганларидан фақат, Бьонделло бировларнинг ғаламислиги билан мени мазах қиляпти, деб тушунган мессер Филиппо тутақиб, жиғибийрони чиқаётган эди. Бинобарин, бирдан кўзи Бьонделлога тушган пайтда ҳам ҳали у ҳовуридан тушмаган эди. Шунинг учун у Бьонделлонинг олдига келиб, ҳе йўқ, бе йўқ, бирдан юзига тарсаки тортиб юборди.

«Вой!»— деб чинқриб юборди Бьонделло.— Нега мени урасиз, мессер?»

Лекин мессер Филиппо, унинг қалпоғини юлқиб олиб йиртиб ташлади, капюшонини чакмони ёқасидан йиртиб олди. бир қўли билан унинг сочидан чангаллаб ушлаб, иккинчи қўлини мушт тугиб, нақ бир пудли тошдай залварли мушти билан тумшугига тушира кетди ва уриб туриб гапира бошлади: «Нега ураялганимни ҳозир билиб оласан, ярамас! *Қизартирсин*, деганингнинг маъноси нима, ўша айтиб юборган одамларинг ўзи қанақа *майхўрлар*? Мен сенга гўдак эмасман, мени мазах қилишингга йўл қўймайман!»

Гапнинг қисқаси, мессер Филиппо ўзининг бир пудли тошдай залварли мушглари билан унинг оғиз-бурнини қора қонига бўяди, сочинни тамомила пахмайтириб юборди, ўзини лойга қориб, кийим-бошларини дабдала қилиб ташлади, хуллас, у бу ишга шу қадар берилиб кетдики, Бьонделло бошида бир марта оғиз очиб сўрагунча, бошқа бирон сўз айта олмади ҳам, нима сабабдан мессер Филиппо унинг пўстагини қоқаётганини сўрай олмади ҳам. У фақат: *қизартириш* ва *майхўрлар* деган сўзларни эшитарди-ю, бунинг қанақа муаммо эканлигини ҳеч тушуна олмасди. Ниҳоят, мессер Филиппо унинг суробини тўғрилаб бўлгандан кейин, одамлар югуриб келишиб, мушт ва тепки еявериб, бир ҳолатга тушиб қолган Бьонделлони мессер Филиппо қўлидан зўрға қутқариб

олиғди, кейин Бьонделлога бу дўппослашнинг сабабини тушунтириб беришди ва яна, мессер Филиппонинг феълени ўзинг яхши билардинг-ку, у билан ҳазиллашганнинг ҳолига вой, дейишиб нега бу зотнинг олдига бундай топшириқ билан одам юбординг, деб кѳйиб ҳам беришди. Бьонделло, менда айб йўқ, мессер Филиппонинг олдига одам юборишни хаѳлимга ҳам келтирганим йўқ, деб йиғлаб гапирди. Кейин у бир оз ўзига келиб, уст-бошларини қоқди-да, аянчли ва ғуссали қиѳада инқиллаб-синқиллаб уйига кетиб бораркан, бу фитнани Чаккодан бўлак ҳеч ким қилган эмас, деб қатъий қарорга келди.

Бьонделло, юзининг кўкарган ерлари ҳадеганда қайтавермагандан анча вақтгача уйдан кўчага чиқмади; лекин у ахири бир кун кўчага чиққанида, Чаккога тўқнаш келиб қолди. «Ҳа, қалай, Бьонделло,— кулиб туриб сўради Чакко,— мессер Филиппонинг шароби мазали эканми?»

«Мессер Корсонинг илонбалиқлари сенга ҳам шунақа мазали туюлишини истардим!»— деб жавоб қилди Бьонделло.

«Энди бу ёғи сенга боғлиқ,— деди Чакко.— Қачонки, сен мениннг қорнимни шунақа тўйдирсанг, мен ҳам сенга шунақа лаззатли шароб суниб беравераман».

Бьонделло Чакко билан ўчакишишнинг оқибати нима билан тугагини ўз бошидан кечириб кўргани учун шу заҳоти хайрлашибди-ю, шу-шу у билан ҳазиллашишга юраги дов бермайдиган бўлиб қолган экан.

9

Икки йигит Сулаймон подшодан маслаҳат сўрайди; бири одамлар мени яхши кўришини истайман, дейди, иккинчисининг орзуси — ўжар хотинининг адабини бериб қўйиш; Сулаймон биринчи йигитга: «Ўзинг яхши кўр»,— деб жавоб қилади, иккинчи йигитни эса, Ғоэкўприкка жўнатади

Дионеони унга берилган имтиѳездан маҳрум қилиш ҳеч кимнинг кўнглида бўлмаганлиги учун эндиги навбат қироличаники эди, шунга кўра, хонимлар шўрпешона Бьонделлонинг ҳолидан бир оз кулишиб олишгач, қиролича қувноқ чеҳра билан шундай гап бошлади.

— Соҳибилтифот хонимлар! Агар биз кундалик ҳаѳтни чуқур мушоҳада қиладиган бўлсак, ѳсонгина шундай хулосага келамиз; аѳллар ҳар бир соҳада эркакларга итѳат этадилар — табиатнинг ўзи уларни шундай қилиб яратган ва инсониятнинг жамини расмтаомили ва қонун-қоидасида кўрсатилишича ҳам айнан шундай бўлмоғи лозим; эркакларга эса хотинлар устидан ҳукмронлик қилмоқ ва уларга истаган амр-фармонлар қилмоқ ҳуқуқи берилгандир,— мана шунинг учун ҳам ўзининг султони бўлмиш эри билан тинч-тотув, бахтли ва хотиржам яшашни орзу қилган ҳар бир гѳл мусичадек ювош, сабр-қаноатли, итѳаткор ва энг зарури, но-

мусли оўлмоғи лозим, зероки, номус ҳар бир оқила аёл учун энг юксак, энг бебаҳо ҳазина ҳисобланади. Ҳаттоки, жамият учун эзгулик қилишга қаратилган инсоний қонунлар, шунингдек, қудратли ва хайрли таъсир кучига эга бўлган расм-таомиллар (ёки хулқ-ахлоқлар деса ҳам бўлади) бизни итоаткор бўлишга ўргатмаган тақдирда ҳам жисмимизни нозик ва нафис, руҳимизни қўрқоқ ва ҳадикли юрагимизни сершафқат ва мурувватли, ўзимизни ожиза ва заифа, овозимизни мулоийм ва хатти-ҳаракатимизни назокатли қилиб яратган табиатнинг ўзи бизга етарли даражада аниқ йўл-йўриқ кўрсатиб бераптики, биз аёлларнинг юқорида зикр этганим феъл-атворимизнинг ўзи, устимиздан ҳукмронлик қилишларига муҳтож эканлигимизни яққол исботлаб беради. Бинобарин, кимки ёрдамга ва ҳукмдорга муҳтож бўлса, у одам жуда кўп сабабларга кўра, ўз мададкори ва ҳукмдорига нисбатан итоаткор, (муте) бўлмоғи ва уни иззат-ҳурмат қилмоғи лозимдир. Бизнинг мададкорларимиз ва ҳукмдорларимиз эркаклар бўлмаса, ким бўлиши мумкин? Қисқаси, биз эркакларга итоат этмоғимиз ва уларни иззат-ҳурмат қилмоғимиз керак; бу қондага амал қилмаган эгачи-сингилларимиз эса, менинг мулоҳаза қилишимча, наники қаттиқ танбеҳга, балки шафқатсиз жазога ҳам лойиқдирлар. Бу мулоҳаза илгари ҳам кўнглимга келган эди-ю, лекин боя Пампинеянинг эри томонидан эмас, балки худонинг ўзи ғазабига олган ўжар хотин ҳақидаги ҳикоясини эшитиб, шу мулоҳазани яна эсладим. Такрор айтаман: менинг тушунишимча, табиат даъват этганидек, расм-таомилларда, қонунларда кўрсатилганидек мурувватли, шафқатли ва хушмуомала бўлишни истамаган аёлларни аёвсиз ва шафқатсиз жазога тортмоқ лозимдир. Мана шунга кўра мен, сизларга бир кунни Сулаймон подшонинг бир йигитга қандай халоскор восита кўрсатгани ҳақида сўзлаб бермоқчиман; бундай воситага муҳтож бўлмаганлар эса, бу гапни кўнгилларига яқин олмасинлару, лекин шунга қарамай, эркаклар орасида: «Қамчисиз отни ҳам, хотинни ҳам йўлга солиб бўлмайди», деган мақол ҳам борлигини унутмасинлар. Агар бу ҳикмат ҳазилга йўйилса, унинг ҳақиқат эканлигини осонгина эътироф этиш мумкин бўларди, лекин борди-ю, бунинг замирида теран ахлоқий маъно бор, дейилладиган бўлса, бундай ҳолда ҳам уни ҳаққоний мулоҳаза деб тан олмай иложимиз йўқ менинг тушунишимча. Барча аёллар ҳам табиатан заиф ва бардошсиз бўладилар, шунга кўра, раво кўрилган чегарадан чиқиб кетувчи ва бадахлоқ аёллар учун таёқ — уларни тўғри йўлга солишда жазо чораси сифатида зарурдир, лекин таёқ нафақат бундай тоифадаги аёлларга, шунингдек, инсоф ва диёнат йўлидан четга чиқмайдиган хушфеъл аёлларга ҳам уларни бардошли қилиш ва мудом қўрқувда сақлаш учун керакдир. Келинг, энди бу насиҳатгўйликка барҳам берайлик-да, ҳикоям мавзуйга кўчайлик.

Алқисса, Сулаймон подшонинг серкаронат ҳикматлари-ю, беқисс инсонпарварлигининг довуғи, шунингдек, унинг саҳоватли қудратини амалда синаб кўрмоқчи бўлган ҳар бир инсон ундан

баҳраманд бўлиши мумкинлиги бутун оламга овоза бўлгач, мушкул аҳволга тушган, бахтсизликка учраган кишилар ул зоти олийдан бирон фойдали ўгит олиш ниятида дунёнинг турли чеккаларидан унинг истиқболи сари гала-гала бўлиб оқиб келавердилар. Айнан шу мақсадда унинг қошига Мелисс исмли бир олижаноб ва ниҳоятда бадавлат бир йигит ҳам йўл олди; у Лаяццо шаҳрида туғилиб-ўсган ва ўша ерда истиқомат қиларди. Антоиниядан то Қуддусга боргунча у Иосиф исмли бошқа бир йигит билан ҳамроҳ бўлиб борди,— уларнинг борадиган ери битта эди,— бинобарин, улар ҳамроҳлар одати бўйича, ўзаро суҳбатлашиб боришди. Аввалига Мелисс қизиқсиниб, Иосифнинг кимлиги ва қаерлик эканлигини кейин унинг қаёққа ва қай мақсадда кетаётганини сўради. Иосиф ҳам унга жавобан, Сулаймон подшонинг олдига кетаётганини, ундан, хотинимни нима қилсам бўлади — дунё-дунё бўлиб, ҳали бунчалик бадқаҳр хотинни кўрмаган бўлса керак, унга ялиниб ҳам кўрганимни, эркалаб ҳам кўрганимни, лекин барибир, унинг ўжарлигини ҳеч йўқ қила олмаётганимни айтаман, деди. Иосиф Мелисснинг саволига жавоб қилиб бўлиб, ўз навбатида у ҳам унинг қаерданлигини, қаёққа ва не мақсадда кетаётганини сўради.

Мелисс унга бундай жавоб қайтарди: «Мен Лаяццоданман. Сен ўзингча бахтсиз экансан, мен ҳам ўзимча бахтсизман. Мен бойман, ҳамшаҳарларимни зиёфат қилиш, уларга совға-тортиқлар улашиш учун пулимни аямай сарфлайман, лекин бир нарсага сира тушуна олмайман: ҳеч ким мени яхши кўрмайди. Шунинг учун мен ҳам сен бораётган ерга кетяпман: мени яхши кўришлари учун нима қилишим керак, деб маслаҳат сўрамоқчиман».

Сафарда бирга бўлишган Мелисс билан Иосиф ниҳоят Қуддусга етиб бордилар, Сулаймон муқаррибларидан бирининг ёрдамида унинг ҳузурига киришга муяссар бўлдилар; шунда Мелисс ўз дардини подшога қисқа қилиб баён қилган эди, Сулаймон унга: «Ўзинг яхши кўр», — деб жавоб қилди.

Сулаймоннинг ушбу каломидан сўнг, дарҳол Мелиссни чиқариб юборишди, шундан кейин, Иосиф ўз ташрифининг сабабини еўзлаб берди; Сулаймон эса унга «Гозкўприкка бор», деб қисқаргина жавоб қилди-қўйди. Подшонинг оғзидан шу жавоб чиққан заҳоти Иосифни ҳам худди Мелисс сингари, зингиллатиб ташқарига чиқариб қўйишди, шунда Иосиф ташқарида кутиб турган Мелисс билан учрашиб, унга подшонинг жавобини айтди.

Улар подшонинг айтган жавоби устида узоқ вақт бош қотирдилар-у, лекин барибир, унинг маъносига ҳам, уни амалда қандай қўллашга ҳам тушуна олмай, гўё ўзларини мазах қилингандай ҳис этишиб, ўз йўлларига қайтдилар. Улар бир неча кун йўл юришиб, ниҳоят бир дарё бўйига етиб келдилар. Дарё устига чиройли кўприк қурилган эди, лекин худди шу маҳал кўприкдан, устига юк ортилган хачир ва отларнинг узундан-узун карвони ўтаётган бўлганлигидан, то бутун карвон париги соҳилга ўтиб бўлмагунча

икки ҳамроҳ бир чеккада кутиб туришга мажбур бўлди. Деярли бутун карвон ўтиб ҳам бўлди деганда, тўсатдан хачирлардан бирининг қайсарлиги тутиб, кўприкнинг қоқ ўртасида таққа тўхтаб қолдики, одатда хачирларда бундай қилиқ учраб туради. Шунда ҳайдовчилардан бири, хачирни таёқ билан секин-секин уриб, ўрнidan қўзгатмоқчи бўлди. Хачир бир у томонга, бир бу томонга ўзини ташлаб кўрди. кейин орқасига тисарила бошлади-ю, аммо бир қадам ҳам олдинга юришни истамасди. Ҳайдовчининг фиғони чиқиб кетиб, хачирнинг боши, биқини, сағриси аралаш жон-жаҳди билан савалай кетди, лекин бу калтаклар ҳам хачирга ҳеч кор қилмади.

Мелисс билан Иосиф хачирни калтаклашаётганини кўриб туришарди. «Ҳой, нима қилиясан, золим?— деб бақиринишди улар.— Нима, жониворни ўлдирмоқчимисан? Калтаклагандан кўра, яхшиликча, силаб-сийпаб муомала қилсангу йўлга солишинг осонроқ бўларди».

Карвон ҳайдовчи уларга бундай жавоб қилди: «Сизлар ўз отларингизнинг феълини биласиз, мен ҳам ўз хачиримнинг қанчалик бадфеъллигини яхши биламан. Мен буни ўзим йўлга солиб оламан, сизлар менга халал берманглар». Шундан кейин у яна хачирини дўппослашга тушди, у хачирнинг шунақанги пўстагини қоқдики. ахири у ўрнidan қўзғалди ва карвон ҳайдовчи шу йўсунда ўз ниятига эришди.

Икки ҳамроҳ йўлга тушишдан олдин, Иосиф сув бўйида ўтирган бир муҳтарам зотдан, кўприкнинг отини сўраган эди, муҳтарам зот: «Бу — Ҳозкўприк, афандим»,— деб жавоб қилди.

Иосиф бу гапни эшитди-ю, дарҳол кўнглига Сулаймон подшонинг айтганлари келди. «Билишимча, биродар,— деди у Мелиссга,— Сулаймон подшонинг ўғити — хайрли, фойдали ўғит экан: мана, мен хотинимни ҳеч калтакламасдим, карвон ҳайдовчи бўлса, хотинни қандай қилиб йўлга солишни кўрсатиб берди.

Яна бир неча кундан кейин сайёҳлар Антонихияга етиб келишди, шунда Иосиф Мелиссга бир-икки кун унинг уйида қолиб, дам олишни таклиф қилди. Хотини уни совуққина қарши олди, Иосиф эса хотинига меҳмоннинг кўнглига қараб овқат тайёрлашни буюрди, шунда Мелисс икки оғиз сўз билан кўнгли нима тусаётганини изҳор қилди. Хотин, ҳар сафарги одати бўйича, Мелисс илтимос қилгандек эмас, балки бутунлай тескари иш тутди.

«Кечликка нима овқат пишириш ҳақида айтилганмиди сенга?»— жаҳл билан сўради ундан Иосиф.

«Бу яна қанақа қилиқ?— деб эрини жеркиб берди хотин.— Нега овқатингни емаясан? Айтган бўлса — айтибди-да, лекин мен, барибир, ўз билганимча иш тутдим. Ёқса — е, ёқмаса — оч ўтиравер».

Мелисс бундай қўрс жавобни эшитиб ҳайрон қолди ва аёлга танбех бера бошлади. Иосиф эса, бундай деди: «Сен, хотин, илгари қандай бўлсанг, ҳалиям ўша-ўшалигингча қолибсан, лекин мен феълингни ўзгартиришга мажбур қиламан сени, мана, мени бир

айтди дерсан». Шундан кейин у Мелиссга юзланиб бундай деди: «Ҳозир биз, биродар, Сулаймон подшонинг ўғитини амалда синаб кўрамиз. Лекин сендан ўтиниб сўрайман, хотинимга қандай муомала қилсам ҳам сен асло кўнглингга олма — бунн беғараз бир ҳазилдек бил. Борди-ю, хотинимнинг ёнини оладиган бўлсанг, унда карвон ҳайдовчининг хачирига раҳминмиз келганда, унинг бизга айтган гапини эсла».

Мелисс ҳам унга бундай жавоб қилди: «Мен — меҳмонман, мезбоннинг раъйига юришим шарт».

Иосиф ёш эман дарахтининг бир бутогини синдириб олди. хотини дастурхондан туриб жавраганча кириб кетган нариги хонага ўтди ва унинг сочидан тутамлаб олиб, ерга ётқизди-да, аёвсиз дўппослай бошлади. Хотин олдиниغا бақирди, кейин пўписа қила бошлади, лекин Иосиф бу дўқ-пўписаларга парво ҳам қилмади; шундан кейин, аъзойи баданида соғ жойи қолмаган хотин эридан шафқат сўраб, худо ҳаққи, мени ўлдирма деб ёлвора бошлади ва бундан буён у билан ўчакишмасликка сўз берди. Иосиф шунда ҳам ҳовуридан тушмади; аксинча ҳар бир калтак ургани сари газаби ортиб кучининг борича хотинининг оч биқинига оёқларига елкасига туширавериб роса пўстагини қоқди; у фақат мажоли қолмагандан кейингина хотинини калтаклашдан тўхтади. Хулласи калом, шу кунн шўрлик аёлнинг биронта ҳам соғ ери қолмади.

Иосиф хотинига зулминн ўтқазиб бўлиб, меҳмоннинг олдига чиқди ва деди «*Ҳозир кимки бор*», дейилган ўғитдан қанчалик наф чиқишини эртага кўрамиз». У бир оз нафасини ростлаб олиб, қўлини ювди ва Мелисс билан ўтириб овқатланди, кейин, ухлайдиган вақт келганда, икковлари ётиб ухладилар.

Бу аснода, бахтиқаро хотин инқиллаб-синқиллаб ўрнидан турди-да, ўзини таппа чорпояга ташлади. эрталабга бориб эса, бир оз ўзига келди, барвақт ўрнидан турди ва кўнгли нима тусаркин, билиб кел, деб эрининг олдига одам чиқариб юборди. Иосиф билан Мелисс бунн эшитиб кулиб юборишди; кейин Иосиф нима овқат гиширишни буюрди, улар тайинланган вақтда уйга қайтиб келишганда, ҳамма нарса муҳайё, ҳамма иш худди Иосифнинг кўнглидагидай жо-бажо бажарилган эди. Шундан кейин, икки дўст, Сулаймон подшонинг аввалига бемаъни бўлиб туюлган маслаҳатини қадрлай бошладилар.

Энди гапни Мелиссдан эшитинг, у бир неча кундан кейин, Иосиф билан хайрлашиб, ўз уйига қайтиб борди ва бир донишмандга Сулаймон подшонинг маслаҳатини сўзлаб берди. Донишманд ҳам Мелиссга бундай деди: «Бундан хайрлироқ, бундан фойдалироқ маслаҳат бўлиши мумкин эмас. Ахир ўзинг ҳеч кимни яхши кўрмаслигинини инкор эта олмайсан-ку. Бу базми жамшидлару совға-саломларни сен одамларни яхши кўрганлигиндан эмас, балки фақат шухратпарастлигинг даъвати билан қиляпсан. Сулаймон подшо айтганидай, аввал ўзинг яхши кўр, ана унда бошқалар ҳам сени яхши кўришади».

Хуллас, ўжар хотин шу зайлда жазоланган экан, йингит эса, ўзи одамларга меҳр қўйиб, уларнинг меҳрига сазовор бўлган экан.

Дон Жанни, Пьетронинг қўярда-қўймай қилган илтимосига кўра, унинг хотинини байталга айлантирмоқ мақсадида тепасида афсун ўқийди; лекин иш дум қўйишга бориб тақалганда, Пьетро, менга дум керак эмас, деб айтади ва бутун ўқилган афсун кучини йўқотади

Хонимлар қиролчанинг ҳикоясини эшитиб бўлиб, ҳазин хўрсиниб қўйдилар, эркаклар эса, мийиғларида кулиб қўйдилар. Ҳамма жим қолгандан кейин эса, Дионео гап олиб, шундай ҳикоя қила бошлади:

— Фусункор хонимлар! Оқ кабутарларнинг латофатини оққушдан кўра қора қарга яққолроқ ифодалаб беради. Худди шу сингари, донишманд кишилар даврасига кириб қолган хийла оми одам, ўшал аҳли дониш заковатининг фазилати ва латофатини нафақат кучайтиради, балки айни пайтда, бундай жамоага эрмак бўлиб, уларнинг вақтини хушлайди ҳам. Мана шу боисдан, донолар доноси ва ғоятда камтарин хилқатлар бўлмиш сизлар, мендек калтафаҳм одамни қадрламоғингиз лозим, зеро, менинг нуқсонларим сизларнинг ақл-заковатингизни янада баркамолроқ қилиб кўрсатади; агар мен улкан фазилатлар соҳиби бўлганимда эди, унда ўша фазилатларим сизларнинг заковатингизни бўғиб қўйган бўларди. Бинобарин, ўзимнинг қандай одамлигимни кўрсатишим учун менга тўла имконият яратиб берилмоғи лозим, сизлар эса, мени мисоли доно одамдек билиб, гапларимга сабру қаноат билан кулоқ осингиз керак бўлади. Алқисса, мен сизларнинг эътиборингизга унча катта бўлмаган бир ҳикояни ҳавола қилмоқчиманки, унинг мазмунидан, афсунгарнинг хоҳишини нечоғли мукаммал бажариш кераклиги ва бундай ишда заррача ҳам хатога йўл қўйиш, афсунгар кўзлаган ишни барбод қилиб юбориши мумкинлиги сизларга аён бўлади.

Бундан бир неча йил муқаддам Барлетта¹ шаҳрида дон Жанни ди Бароли исмли бир руҳоний яшарди; у хизмат қиладиган черковнинг қавмлари жуда қашшоқ бўлганлиги сабабли, дон Жанни тирикчилигини амал-тақал қилиб ўтказмак учун байталга миниб Апулия² ярмаркаларини кезар,— биридан сотиб олган молини иккинчисига олиб бориб сотиб чайқовчилик қиларди. У мана шундай жаҳонгашталик қилиб юрган пайтида тресантилик Пьетро деган бир одам билан иноқлашиб қолдики, бу ҳам эшак миниб, айнан шундай мақсадда шаҳарма-шаҳар кезар эди. Руҳоний ота, Пьетрони яхши кўриб, у билан иноқлашиб қолгани туфайли, уни апулияликлар одати бўйича, доим азизим, деб қақирарди, Пьетро ҳар сафар Барлеттага келганида эса, уни албатта ўз черковига

¹ Барлетта — Италиянинг Адриатик денгиз соҳилидаги порт шаҳри. (Тарж.)

² Апулия — Италиянинг жанубидаги вилоят; Барлетта шаҳри ҳам шу вилоятга жойлашган. (Тарж.)

олиб борарди. Пьетро бу шаҳарга келганида доим шу дон Жанниникига тушар, руҳоний ота ҳам уни очиқ юз билан қарши олиб, зўр саховат билан меҳмон қиларди. Пьетро қашшоқ одам эди, унинг чорбоғида фақат ўзи учун, ўзининг ёшгина, дўндикқина хотини учун ва битта эшаги учунгина жой бор эди. лекин шунга қарамай, дон Жанни Тресантига келганида у ҳам фақат шу Пьетрониникига тушар, шунда Пьетро ҳам дон Жаннининг кўрсатган меҳмондўстлигига жавобан, уни иззат-икром билан кутиб оларди. Илло, Пьетронинг ўзи билан дилбар хотини ётадиган биттаю битта, у ҳам бўлса торгина чорпоясидан бўлак ҳеч вақоси бўлмаганлигидан меҳмонни қанчалик иззат-ҳурмат қилиб бошига кўтармасин, барибир тунаш учун унга бирон мақбулроқ жой ажратишга ожиз эдиким, оқибатда, дон Жанни оғилхонада бир тўп похол устида ўз байтали ва эшак билан ёнма-ён ётишга мажбур бўларди. Пьетронинг хотини Жеммата эрининг Барлеттага борганида дон Жанни томонидан қандай очиқ юз билан қарши олинганини кўп маротаба эшитган эди, шунга кўра у, руҳоний отанинг ўз уйига меҳмон бўлиб келганида андишага бориб, унга чорпоядаги ўрнимни сизга бўшатиб бера қолай, ўзим Жудиче Леонинг қизи — қўшним Зита Карапрезаникига чиқиб ёта қоламан, деб бир неча бор хоҳиш билдирган бўлса ҳам, аммо руҳоний ота бу гапни эшитишни ҳам истамаганди.

Лекин у кунларнинг бирида жувонга шундай деди: «Жеммата, азизим, сен мендан ҳеч ташвиш қилма, менинг ҳеч нимадан камим йўқ: агар кўнглим ихтиёр қилса, байталимини афсун ўқиб, дўндикқина қизга айлантираман-да, ўша билан ётаман, кейин ишим биттач, яна уни байталга айлантириб оламан, шунинг учунам, байталиمدан айрилиб ётишни истамайман».

Жувон бу гапни эшитиб, ҳайрон қолди, лекин ишонди, кейин эшитганини эрига сўзлаб берди. «Агар руҳоний ота сени астойдил яхши кўрса, нега сен ҳам илтимос қилмайсан, нима учун сенга ҳам афсун ўқишни ўргатиб қўймайди? — деб сўради хотин. — Ўрганиб олсанг, мени байталга айлантирардингу далага чиққанингда ҳам байтал, ҳам эшак билан ишлардинг, ана унда икки ҳисса кўпроқ пул ишлаган бўлардик. уйга қайтганимиздан кейин бўлса, мени яна афсун ўқиб хотинга айлантириб олардинг».

Пьетро овсарнамо одам эди, шунинг учун бу гапга у ҳам ишониб, хотинининг фикрига қўшилишди ва дон Жаннидан афсун ўқишни ўргатиб қўйишни илтимос қила бошлади. Дон Жанни, бунинг бўлмаган гап эканлигини исботлашга қанча уринмасин, барибир, уни ишонтира олмади. «Ҳай, дуруст, — деб рози бўлди у ниҳоят. — Агар сен шуни жудаям хоҳлаётган бўлсанг, биз эртага одатдагидек тонг отмасдан барвақт турамиз, ана шунда сенга қандай иш тутиш лозимлигини кўрсатиб бераман, очигини айтсам, бунинг энг қийин ери — дум қўйиш, кўрганингда бунга ўзинг ҳам ишонч ҳосил қиласан».

Пьетро билан Жеммата деярли тун бўйи мижжа қоқмай чиқшди — улар руҳоний отанинг тезроқ афсун ўқишини шунчалик сабрсизлик билан кутаётган эдилар; кун ғира-шира ёриша бошла-

ши билан улар ўринларидан туриб, дон Жаннини чақирдилар — дон Жанни Пьетронинг олдига битта кўйлақда кириб келди ва деди: «Буни мен фақат сен учун қиялман; баски, сен буни жудаям хоҳлаётган экансан, хоҳишингни бажарурман, илло, агар ишимиз бароридан келишини истасанг, айтганларимнинг ҳаммасини сўзсиз бажаргайсан».

Эр-хотин, ҳамма айтганларингизни бекаму кўст бажарамиз, деб ваъда бердилар. Шунда дон Жанни шамни олиб, уни ушлаб тургани Пьетрога тутқазди ва деди: «Ҳар бир ҳаракатимни диққат билан кузат ва ҳамма қилган ишларимни яхшилаб эслаб қол. Лекин нима кўрсанг ва нима эшитсанг ҳам,— худди оғзингга толқин солиб олгандай, индама, акс ҳолда, ҳамма урнишларимиз чиппака чиқади.

Яна худодан сўрагинки, ишқилиб дум ёпишсин».

Пьетро шамни қўлига олиб, дон Жаннининг ҳамма айтганларига амал қилишга сўз берди.

Дон Жанни, нима иш бўлганда ҳам чурқ этмай турасан, деб жувонни ҳам огоҳлантирди, сўнг уни қип-яланғоч бўлиб ечинишга ва худди от сингари тўрт оёқлаб туришга ундади, шундан кейин руҳоний ота жувоннинг юзини ва бошини силаб туриб, деди: «Бу отнинг чиройли боши бўлсин!» Кейин аёлнинг сочларини силаркан: «Мана, бу отнинг чиройли ёли бўлсин!»— деди. Сўнг Жемматанинг қўлларини силади. «Булар эса, отнинг чиройли оёқлари-ю, туёқлари бўлсин»,— деди. Руҳонийнинг қўллари аёлнинг тирсиллаб турган лўппи сийналарига тегиб кетиши билан чақирилмаган бир нима уйғониб, ўрнидан туриб кетди. Кейин у аёлнинг елкаларини ҳам, қоринини ҳам, орқасини ва сонларини ҳам шу йўсинда афсун ўқиб силаб чиқди. Энди фақат дум қўйиш қолган эди; шунда дон Жанни кўйлагининг этагини кўтариб, ўзининг олати таносилини чиқарди-ю, кўз очиб-юмгунча, уни ўз жўягига йўналтираркан: «Мана бу эса, отнинг чиройли думи бўлсин»,— деди.

Пьетро шу чоққача дон Жаннининг ҳамма ҳаракатини жим кузатиб турган эди; лекин унинг охирги қилмиши маъқул бўлмади. «Ҳой, дон Жанни!— деб қичқириб юборди Пьетро.— У ерда менга дум керак эмас, у ерда менга дум керак эмас!»

Ана холос, ўсимликнинг тупроқда мустаҳкам ўрнашишига ёрдам берувчи нам томир энди ўрнини топиб илдиз ота бошлаган эди-я, мана энди уни яна тортиб олиш керак! Эҳ, Пьетро, азизим, нима қилиб қўйдинг!— деб чинқириб юборди дон Жанни.— Ахир сенга: «Нима кўрсанг ҳам — чурқ этма», дедим-ку. Байтал таёёр бўлиб қолувди-я, лекин гапириб юбориб, ҳамма ишни расво қилдинг, энди бошқатдан бошласаям, ҳеч нарса чиқмайди.

«Ахир думни ўша ерга ўрнатиш керак эмас эди-да!— деди чийиллаб Пьетро.— Сиз менга: «Думни ўзинг ёпиштир»,— деб айтишингиз керак эди. Сиз уни хийла пастга қўйиб қўйдингиз».

«Сен буни эплолмасдинг,— дея эътироз билдирди дон Жанни.— Мен сенга ўргатиб қўймоқчи эдим».

Шу пайт жувон қаддини ростлаб, эрининг юзига шартта шундай деди: «Аҳмоқсан сен, ғирт аҳмоқсан! Ўзинггаям қилмадинг, мениям ишимни расво қилдинг. Қани, айт-чи, думи йўқ байтални қаерда кўргансан? Буям худонинг бир ғазаби! Сендақа эр билан ҳеч қачон биримиз икки бўлмайдим».

Шундай қилиб, сукут сақлаш ваъдасини бузган Пьетронинг касрига ёш жувонни байталга айлантириш амалга ошмади. Натижада аёл эридан ранжиб ва ҳафсаласи пир бўлиб кийина бошлабди, Пьетро бўлса, яна ўзининг одатдаги касби билан машғул бўлибди: эшагига минибди-да, дон Жанни билан Битонтодаги ярмаркага равона бўлибди, лекин шу-шу у руҳоний отага бундай илтимос билан бошқа мурожаат қилмаган экан.

Ушбу ҳикоядан ҳали қулиши лозим бўлган китобхон хоним, бу ҳикоянинг моҳиятига Дионео тасаввур қилгандан ҳам теранроқ тушунган хонимларнинг қандай қулишганини ўзи тасаввур қилаверсин. Бошқа ҳикоя қилувчи одам қолмаган эди, бу орада анча салқин тушиб қолди шунда қиролича, ўзининг ҳукмдорлик даври тугаганини эслаб, ўрндан турди, бошидан гултожни олди ва уни Панфилонинг яъни бутун жамоа аҳли ичида бундай иззат-этиборга ҳали сазовор бўлмаган ягона зотнинг бошига қўндирди-да, табассум қилиб туриб, шундай деди:

— Аъло ҳазрат! Сенинг зимманга охирги ҳукмдор сифатида ғоятда мушқул вазифа юкланади: сен менинг ҳам, шунингдек, бугун сенинг изминга ўтаётган ва бул сарбаланд тахтни мендан олдин эгаллаганларнинг ҳам йўл қўйган хатоларини тузатишинг лозим бўлади. Сени тахтга ўтқазимизда парвардигор мени қандай ёрлақан бўлса, сени ҳам шундай ёрлақасин.

Бу иззату ҳурматлар Панфилога беҳад завқ бағишлади.

— Камина ҳам ҳаммаларингиз сингари таҳсинга сазовор иш қилсам керак, деган умиддаман,— деди у,— илло, бунинг учун мен сизнинг ва шунингдек, ўзга фуқароларимнинг аъло фазилатларидан миннатдор бўлмоғим лозим.

Шундан кейин, Панфило ўзидан олдинги ҳукмдорлардан ибрат олиб, барча ишлар юзасидан эшик оғаси билан музокара юритди. Сўнгра унинг нутқини кутиб турган хонимларга юзланиб, бундай деди:

— Маҳбуба хонимлар! Бизнинг бугунги маликамиз, доно Эмилия, сизларга хоҳлаган нарсангиз тўғрисида ҳикоя қилишга ижозат берган эди. Баски, сизлар шу муносабат билан дам олиб олган экансиз, менимча, энди яна аввалги одатимизга амал қилишга киришсак бўлади, хусусан: мен истардимки, эртага ҳаммамиз *Ҳам севаи бобида, ҳам шунингдек, бошқа ишларда ҳам саховат ва мурувват кўрсатган одамлар ҳақида* ҳикоя қилишга шай бўлиб турсак. Ҳеч шак-шубҳа йўқки, ушбу мавзу бутун орзу-ниятлари диловарликка қаратилган ҳикояхонларда ҳам, тингловчиларда ҳам жасорат иштиёқини оширгай, ҳамда омонат жисмимизга жо бўлгани туфайли тез ўтиб кетишга мажбур бўлган шу фоний ҳаётимизни шон-шуҳрат абадийлаштиргай; шу билан бирга, барча, фақат ўз қорнининг ташвишини қилувчи жониворлардан фарқ ўла-

роқ, диловорликка фақат иштиёқ билдирибгина қолмай, балки муттасил равишда уни излаши ва шу соҳада пайдарпай фаолият кўрсатмоғи лозимдир.

Янги ҳукмдор томонидан тавсия қилинган мавзу хушчақчақ жамоанинг дидига маъқул тушди; ҳамма қиролнинг ижозатига кўра ўрнидан турди ва одатдаги кўнгилхушлик билан машғул бўлди, яъни ҳар ким нимани кўпроқ хуш кўрса, шу билан шуғулланди. Кечлик таомгача бўлган вақт шу зайлда ўтди. Йигитлар ва хонимлар шўх-шўх гурунглашиб дастурхон теграсига ўтиришганида, таомлар жадаллик билан ва қатъий тартибга риоя қилинган ҳолда тортилди, овқатдан кейин эса, ҳар кунги одат бўйича рақс туша бошладилар, оҳанги одмигина бўлса ҳам, лекин мазмуни антиқа бўлган анча-мунча қўшиқ ижро этдилар, ундан кейин эса, қирол Нейфилага ўз тўғрисида қўшиқ куйлашни амр этди, Нейфила ҳам қимматли вақтни бекор ўтказмай, янгроқ ва қувноқ овоз билан ўзи ҳақидаги мана шу қўшиқни зўр латофат билан ижро этди:

Қандай яхши, баҳор кунда
Мен, қизалоқ, ёримни куйлаб,
Эркин сузсам ишқ тўлқинида!

Майсазорда кезаман шодон,
Тўрт тарафим — қип-қизил гилам,
Гул-лолалар қирмизи бўстон,
Севинчларим чексиз бир олам,
Уй-хаёлим мисоли уммон,
Ёр жамоли кўринар кўркам,
Арзир унга фидо қилсам жон!

Бирорта гул эслатса ёрни,
Узаман-да, лабга босаман,
Қучган каби азиз дийдорни,
Жонимда бир роҳат сезаман,
Унга сўзлаб бутун асрорни,
Сўнг чеккамга қадаб, безайман
У гул билан муштоқ дийдорни!

Кўзим гулда, аммо хаёлим
Соғинтирган азиз ўғлонда,
Маст бўламан, у гулдир болим,
Таъриф этмоқ қийин забонда.


Қандай улуг бу он иқболим,
Фақат оҳ деб юборган онда
Ошкор бўлар менинг аҳволим.

Бу оҳ бошқа аёллар учун
Дарду ҳасрат ва ғамдан нишон,
Мен учун оҳ — учқур бир лочин,
Парвоз этар севгилим томон.

Соғинганим у англайди чин
Ва отига босади қамчин,
Сўнг бўламыз иккимиз шодон.

Қиролга ҳам, хонимларга ҳам Нейфиланинг қўшиғи ғоятда мақбул бўлди; бу аснода тун ярим кечадан аллақачон оғиб кетган эди, шунга кўра, қирол эрталабгача ётиб ором олиш ҳақида ҳаммага фармон берди.





ДЕКАМЕРОННИНГ
ТЎҚҚИЗИНЧИ КУНИ ТУГАБ,
ЎНИНЧИ ВА ОХИРГИ КУНИ
БОШЛАНМОҚДА.

*Панфило ҳокимлик қилган ушбу кунда китобхон
эътиборига ҳам севги бобида, ҳам шунингдек, бош-
қа ишларда саҳоват ва мурувват кўрсатган одамлар
ҳақидаги ҳикоятлар ҳавола қилинади.*



Ғарбда булут парчалари ҳамон қизариб турган, шарқда эса, қуёш шуъласининг тиглари тешиб ўтган булутларнинг чеккалари ҳалитдан чўғ бўлиб ёна бошлаган пайтда Панфило ўрнидан турди ва хонимлар билан ёр-дўстларини ўз қошига чақиришни амр этди. Ҳамма тўплангач, Панфило, кўнгил очиб сайр қилиш учун бугун қаёққа боришни келишиб олди-да, Филомена ва Фьяметтани олиб, бошқалардан сал олдинроқда юра бошлади, қолганлар уларга эргашдилар. Улар узоқ вақт сайр қилишди ва бу сайр пайтида фақат келгусида ўзларини нималар кутаётгани ҳақида ўйлашди — тахмин қилишди, лекин қуёш қиздира бошлагандан кейин, улар яна қасрга қайтиб келишди. Ташна бўлганлар идишларни чайишни буюрдилар ва чанқоқларини қондирдилар, ундан кейин то тушлик таомгача боғда, дарахтларнинг оромбахш сояларида вақтихушлик қилдилар. Кейин овқатландилар, ўз одатлари бўйича, мизғиб олдилар ва ҳаммалари яна қиролнинг хоҳиши билан тайинланган ерга тўпландилар, шунда қирол бугунги ҳикояхонликни бошлаб беришни Нейфилага буюрди ва у қувноқ чехра билан гап бошлади.

Бир рицарь Испания қиролига хизматга ёлланади; сўнг у, қирол менинг хизматларимни қадрламапти, деган хулосага келади; аммо қирол, бунга сабаб фақат рицарнинг бетоле эканини ҳеч инкор этиб бўлмайдиган далил билан амалда исботлайди, шундан кейин, барибир, унга бениҳоя зўр савоат кўрсатиб, тухфалар инъом этади

— Муҳтарама хонимлар! Қиролимиз мурувват ҳақида ҳикоя қилишни биринчи навбатда менга топширган эканлар, бу илтифотни ўзим учун улкан шараф деб биламан, зеро, агар офтоб — самоннинг кўрки ва ифтихори бўлса, мурувват — жамики эзгуликлар орасида энг порлоғи ва энг чароғонидир. Мен сизларнинг эътиборингизга, ўзимнинг билишимча, дурустгина ҳисобланган бир ҳикоячани ҳавола қилмоқчиман; бу ҳикоя замирида бир ҳодиса мавжудки, уни эсга олишни фойдадан ҳоли эмас, деб тушунаман.

Алқисса, билингким, шаҳримизнинг шуҳратини оширган барча диловар рицарлар орасида кўп замонлардан бери энг шавкатлиси мессер Ружери де Фижованни бўлган эди. Ушбу бадавлат, довюрак зот, Тосканадаги одатлар ва таомиллар билан бу ерда жасорат кўрсатиш мушкул, аниқроқ қилиб айтилса — мумкин эмаслигига тезда ишонч ҳосил қилиб, вақтинча Испания қироли Альфонснинг ҳузурига боришга бел боғладики бу қиролнинг шуҳрати ва доврўғи ўша пайтлардаги барча ҳукмдорларнинг шону шавкатидан зиёда бўлиб кетган эди. Рицарь қимматли яроғ-аслаҳаларини, асл зотли отларини олиб, пуршукуҳ мулозимлари кузатувида Испанияга равона бўлди, қирол ҳам уни зўр илтифот билан қарши олди. Мессер Ружери бу мамлакатда дабдабали ҳаёт кечириб, ўзининг жанговар қаҳрамонликлари билан барчани ҳайратда қолдириб, оз фурсат ичида ўз диловарлиги билан кўп шон-шуҳрат қозонди. Шу йўсинда у узоқ фурсат яшади ва мудом қиролнинг фаолиятини кузатди, қирол эса, рицарнинг кўзи олдида қасрлару шаҳарлару ер-мулкларни орқа-олдига қарамай, одамларга тухфа қилиб юбораверар, тухфа қилганда ҳам мессер Ружерининг фаҳмича, расамади билан эмас, балки палапартиш тухфа қиларди, зеро, у тухфага лойиқ бўлмаган одамларни тақдирларди. Мессер Ружери ўз қадрини биладиган одам эди,

бинобарин, шунча кўрсатган ишлари эвазига қиролдан биронта ҳам тортиқ олмаганлиги сабабли, бу ҳол жамоатчилик кўзи олдида менинг обрўйимга путур етказиши мумкин, деб ўйлаб, бу ердан бош олиб кетишни кўнглига тугди-да, бунинг учун қиролдан ижозат сўради. Қирол ҳам унинг илтимосини қабул қилди ва унга бир вақтлар салт минилган энг яхши ва чиройли хачирларидан бирини тортиқ қилдики, мессер Ружери учун бу қимматли совға эди, зеро, у жуда олис сафарга кетаётган эди. Кейин қирол ўзининг муқаррабларидан бамаъни бир одамга, бирон-бир вазир билан мессер Ружерига ҳамроҳ бўлиб, уни кун бўйи кузатишни, илло, ўзининг қирол одами эканлигини асло сездирмаслигини буюрди; муқаррабнинг вазифаси — мессер Ружерининг қирол тўғрисида бир кун мобайнида айтган ҳар битта гапини кейин келиб аъло ҳазратларига баён қилиш учун эслаб қолиш, сўнг эртаси кунни эрталаб, қиролнинг фармонини унга айтиб, яна саройга қайтариб олиб келишдан иборат эди. Муқарраб мессер Ружерини шаҳардан чиқаверишда пойлаб турди ва ўзининг ҳам Италияга кетяпганини айтиб, ғоятда усталик билан унга ҳамроҳ бўлиб олди.

Шундай қилиб, мессер Ружери қирол тортиқ қилган хачирга миниб, ўз ҳамроҳи билан у ёқдан-бу ёқдан гаплашиб кетаверди ва ниҳоят соат тўққизга яқинлашганда: «Жониворларга дам берсак бўларди»,— деб қолди. Шундан сўнг отларни ва хачирни оғилхонага олиб киришди, отлар бўшанишди, лекин хачир бўшаммади. Бир оздан сўнг улар яна йўлга тушишди, қиролнинг муқарраби ҳамон рицарнинг ҳар бир айтган сўзини қулоғига қуйиб борарди. Мана улар дарёга етишди, улар отларни сугоришаётганда, хачир тўғри сувга бўшанди. Шунда мессер Ружери хачирга қараб туриб шундай деди: «Мол бўлмай, ҳаром ўл! Аввалги эганга ўхшаркансан».

Муқарраб рицарнинг мана шу сўзларини эслаб қолди; кун бўйи у яна анча-мунча сўзларни эшитди, лекин қолган ҳамма сўзлар қирол шаънига айтилган энг зўр мақтов сўзлари эди, холос. Эртасига эрталаб улар сафарга отланиб, эгарга минишган ва мессер Ружери, Тоскана қайдасан, деб яна йўлга тушишга шайланган пайтида бирдан муқарраб унга қиролнинг амрини баён қилдики, оқибатда, мессер Ружерининг орқага қайтишига тўғри келди. Қирол мессер Ружерининг хачир ҳақида айтган гапини эшитгач, жилмайиб туриб: «Сиз, эшитишимча, ё мени хачирга, ё хачирни менга ўхшатганмишсиз, бунинг боиси нима?»— деб сўради.

Мессер Ружери унга дангал жавоб қилди: «Шу боисдан хачирни сизга ўхшатдимки, аъло ҳазрат, сиз туҳфа-тортиқларингизни ношоиста одамларга берганингиз сингари, хачир ҳам жойи келганда бўшаниш ўрнига, ножоиз ерда бўшанди».

Қирол эса унга бундай деди: «Мессер Ружери! Агарки, мен сизни ҳеч нима билан тақдирламай бунинг акси ўлароқ, тирноғингизга ҳам арзимайдиган одамларни мукофотлаган эканман, бу билан сизни энг юксак марҳаматимга лойиқ бўлган энг диловар рицарь деб эътироф этмай қўйганим йўқ, бунинг сабаби бошқа—

аслида пешонангиз ўзи шунақа шўрки, айб менда эмас. Бу фикримни ҳозир сизга исботлаб бераман».

Мессер Ружери қиролнинг бу гапига эътироз билдирди: «Онҳазратлари! Мен сизнинг туҳфангиздан баҳраманд бўлмаганимдан эмас,— зеро, мен шундоқ ҳам жуда бадавлат одамман,— балки кўрсатган жасоратларимни икки оғиз ширин сўз билан тақдирламаганингиздан ўқиняпман. Дарҳақиқат, сиз ҳозир ғоятда асосли ва мени ранжитмайдиган сабабни баён айладингиз. Мен гапингизга шундоқ ҳам ишонаман, лекин агар ихтиёр билдирсангиз, майли, амалда синаб кўра қолайлик».

Қирол олдиндан фармон бериб, оғзи ёпиқ иккита сандиқни катта залга олиб келтириб қўйган эди, мана энди, у мессер Ружерини шу икки сандиқ тепасига бошлаб борди-да, бу ерда ҳозир бўлган кўпчилик сарой аъёнлари олдида бундай деди: «Мессер Ружери! Мана шу икки сандиқдан бирига менинг тожим, салтанатим ҳассаси, давлатим, сон-саноқсиз чиройли камарлар, марваридлар, узуклар, хуллас, менинг бутун бойлигим солинган, иккинчи сандиққа эса, тупроқ тўлдирилган. Ўзингиз танлаб олинг; қайсисини танласангиз, ўша сизники бўлсин, ана шунда, сизнинг жасоратларингизни қадрламаган менми ё ўз қисматингизми эканлигини биллиб оласиз».

Мессер Ружери аъло ҳазратнинг илтимосидан бўйин товлашга журъат эта олмай, икки сандиқдан бирини танлади; сўнг қиролнинг амри билан ўша сандиқни очишган эди, унинг ичига тупроқ тўлдирилганлиги маълум бўлди. Шунда қирол кулиб юбориб деди: «Мессер Ружери, мукофот олиш сизнинг пешонангизга ёзилмаган, деб тўғри айтганлигимга энди ўзингиз шохид бўлдингиз. Илло, сизнинг диловарлигингиз шу қадар юксакки, ҳатто мен ҳам сизнинг қисматингизга ҳавас қиламан. Сизнинг испаниялик бўлиб қолмоқчи эмаслигингиз менга аён; мана шу боисдан ҳам мен сизга на қалъа, на шаҳар инъом қиламан,— бинобарин, истайманки, қисматингиз сизга насиб этмаган сандиқ тақдирга зид ўлароқ, сизнинг мулкингиз бўлсин: ушбу армуғонимни ўз она юртингизга олиб бориб, ватандошларингизга ўз жасоратингизни тақдирловчи нишона сифатида кўрсатинг, зеро, сиз ўз жасоратингиздан гурурланишга тўла ҳақлидирсиз».

Мессер Ружери тортиқни қабул қилиб олибди ва совға учун қиролга беҳад зўр миннатдорчилик билдириб, ғоятда кўтаринки руҳ билан уни ўз ватанига олиб кетган экан.

2

Гино ди Такко Ключи жомесининг абботини асирга олади-да, унинг меъда касалини даволаб, сўнг бўшатиб юборди; аббат Рим қасрига қайтади, Гино ди Таккони папа Бонифаций билан яраштириб қўяди, шундан сўнг Гино қолган умрини огаий ғарибпарвар бўлиб ўтказади

Қирол Альфонснинг флоренциялик рицарга кўрсатган мурувати барчанинг таҳсинига сазавор бўлди; ўз фуқароларининг бу

ҳиссиётига шерик бўлган қирол ниҳоят Элиссага ҳикоя қилишни буюрди, у ҳам ҳеч пайсалга солмай, шундай ҳикоя қила бошлади:

— Меҳрибон хонимлар! Ўз хизматидаги одамга нисбатан ҳиммат кўрсатган саховатли қиролнинг хатти-ҳаракатига таҳсин ўқимай ва уни одамохун демай бўлмайди. Ва лекин биз бир тақводор зотнинг аслида адоват ва кудуратга лойиқ бўлган бир одамга қанчалик ҳайратангиз мурувват кўрсатганини эшитганимизда ния деркинмиз? Қиролнинг рафторини биз, турган гапки, шавкатли рафтор, деб атаймиз, аммо тақводор зотнинг қуйидаги рафторини эса,— айниқса, агар биз руҳонийларнинг аёл зотидан ҳам юз чандон хасисроқ эканлигини ва саховат кўрсатиш улар учун жонини суғуриб берган билан баробар эканлигини назарда тутадиган бўлсак,— мисли кўрилмаган ҳиммат дейиш мумкин. Ҳар қандай одам ҳам ўзинга қарши қилинган таҳқир учун ўч олишга интилади,— бу табиий ҳиссиёт албатта,— бироқ аҳли дин, ўзимиз доим шоҳиди бўлганимиздек, мудом сабр-қаноатли бўлишни насиҳат қилса ҳам, дилозорларнинг гуноҳидан ўтишга даъват этса ҳам, барибир, ўзи интиқом олиш алангасида ёнади. Бу ҳол, яъни аҳли дин ҳам мурувватли бўлиши мумкин, деган фикр, менинг ҳикоямдан сизларга аён бўлғай.

Ўзининг бераҳмлиги ва босқинчилиги билан танилган Гино ди Такко бир вақтлар Сиенадан қувғин қилиниб, Санта Фьоре графларининг ашаддий душманига айланган ва Радикофанида маскан қуриб, уни Рим черковига қарши ғалаёнга ундаган ва ўзининг каллакесарларига ўтган-кетганларнинг ҳаммасини тўнашни буюрган эди. Уша пайтда Рим папаси Бонифаций Саккизинчи эди, кунларнинг бирида унинг ҳузурига Ключи жомесининг аббати таширф буюрдиким, бу аббат дунёда энг бадавлат прелатлардан¹ бири эди. Аббатнинг ошқозони касал эди, шунга кўра табиблар унга Сиенадаги шифобахш сувга боришни маслаҳат кўрдиларким, уларнинг тушунишларича, айнан шу Сиена суви унинг дардига яхши даво бўлиши керак эди. Папа аббатга оқ фотиҳа берди ва у Гино ҳақида юрган мишмишларга парво ҳам қилмай, ўзи билан йўлга олам-жаҳон буюмлар олиб, салт отларини ва юк ортадиган от-уловларини ҳам бир карвон қилиб, сон-саноқсиз хизматкорлари кузатувида йўлга тушди. Бу воқеадан хабар топган Гино, аббатнинг йўлига, биронта ҳам одам қутулиб чиқиб кета олмайдиган қилиб тузоқ қўйди ва торгина бир дарага келганда аббатни бутун майялари билан ва барча молу анжомлари билан қуршовга олди. Кейин у ўз қароқчилари орасидан битта энг фаросатлигини ишончли соқчилар кузатувида аббатнинг ҳузурига юборди ва унга ғоятда зўр эҳтиром билан: Гинонинг қасрида бир оз ҳордиқ чиқаришни ихтиёр қилмайдиларми?— деб таклиф қилишни буюрди. Буни эшитган аббат тажанг бўлиб, Гинонинг қасрида менинг

¹ Прелат — католик динида энг юксак мартабали дин пешвоси. (Тарж.)

қиладиган ишим йўқ, мен йўлимда кетавераман, зеро, менинг йўлимга гов бўладиган одам ҳали дунёга келган эмас, деган маънода рад жавобини берди.

Элчи қароқчи ғоятда мулойим оҳангда аббатга бундай деди: «Ҳазрати бузрук! Бизлар парвардигори оламдан бўлак ҳеч кимдан қўрқмаймиз, жамики диний тақиқлару муртад деб эълон қилишлар бу ерда ўз кучини йўқотган, бинобарин, Гинонинг қасрига ташриф буюриб, илтифот кўрсатганингиз мақбул бўлмасмикин?»

Улар шундай баҳслашиб турган пайтда қароқчилар чор атрофдан ҳаммани қуршаб олдилар ва аббат барча одамлари билан асирга тушганини англаб, ғазабланганидан фиғони чиқиб, элчи билан бирга қаср сари йўл олди, унинг орқасидан эса бутун карвон эргашди. Аббат отдан тушганида, уни Гинонинг фармойишига кўра, қоп-қоронғи ва нобоп бир ҳужрачага жойлаштиришди, унинг қолган одамларини эса, уларнинг тутган мавқеларига риоя қилган ҳолда бутун қулайликлари муҳайё хоналарга жойлаштиришди. отларни оғилхоналарга олиб кириб боғладилар, юкларни ҳам саранжом қилиб қўйдилару, аммо бирон нимага қўл теккизмадилар.

Шундан кейин аббатнинг ҳузурига Гинонинг ўзи келиб, унга шундай деди: «Ҳазрати бузрук! Сиз Гинонинг меҳмонисиз, у мени сиздан, қаёққа йўл тугганини ва не мақсадда кетаётганингизни сўраб биллиб келиш учун юборди».

Аббат мулоҳазали одам эди, шунинг учун у тихирлик қилишга барҳам бериб, ўзининг қаёққа ва қай мақсадда кетаётганини изоҳлаб берди. Гино аббатнинг олдидан чиқаркан, уни ҳеч қандай сувсиз ҳам даволаса бўлади, деган қарорга келди. У аббат жойлашган ҳужрани яхшилаб иситишни ва уни ғоятда ҳушёрлик билан назорат қилиб туришни буюрди, эртаси кун эрталаб эса, ўзи яна унинг ҳузурига кирди ва аббатга қордек оппоқ сочиққа ўраб, икки дона сингдириб пиширилган кулча нон билан бир стакан лим-лим оқ корниль шароби (аббат ўзи билан олиб келаётган винодан) олиб кирди. «Ҳазрати бузрук!— деди Гино.— Бир вақтлар Гино ёш пайтида тиббиёт илмидан таҳсил олган эди, шунга кўра, у, меъда касалини даволаш учун ўзининг ушбу даволаш усулидан дурустроқ восита йўқ, деб таъкидламоқда. Лекин бу — даволашнинг бошланиши. Енг, ош бўлсин».

Аббатнинг ҳазил қилишга ҳоли йўқ эди: очликдан силласи қуриган эди, шунга кўра, ғазабдан жони ҳиқилдоғига келган бўлса ҳам нонни еб, шаробни ичди, сўнг бу одам билан баланддан келиб суҳбатлаша бошлади, ундан кўп нарсаларни сўраб-суриштирди, унга узундан-узун панд-насиҳатлар қилди ва мудом, ўзининг Гинони кўрмоқчи эканлиги ҳақида такрорлайверди. Гино аббатнинг гапларидаги икки-чикирларга парво қилмади, баъзи саволларига эса, бағоят назокат билан жавоб берди ва Гино имкони бўлиши билан ҳузурингизга келгай, деб аббатни ишонтирди. Шундан кейин у ҳужрадан чиқиб кетди ва яна эртаси кун эрталаб айнан кечаги миқдорда нон билан шароб олиб кирди. Бу ҳол бир неча кун су-

рункасига давом этди, шунда бирдан Гино, аббатнинг қуритилган ловия еганини пайқаб қолдики, чамаси уни аббат бу ерга ўғринча олиб кирган бўлса керак.

Мана шу вазиятга кўра у Гинонинг номидан аббатга ошқозонингиз қалай, деб савол берди. Аббат ҳам унинг саволига бундай жавоб қилди: «Аминманки, агарда Гинонинг панжасидан қутулиб чиқиб кета олсам, ўша заҳоти ўзимни оддек ҳис қилган бўлардим ундан ташқари, мен очимдан ўлаёзим — Гинонинг дори-дармони менга шунчалик шифо берди».

Бу гапни эшитган Гино аббатнинг малайларига, энг муҳташам бир хонани аббат учун ҳозирлаб, уни аббатнинг ўз буюмлари билан жиҳозлашни буюрди; яна у, эртага қасримда катта зиёфат бераман, деб эълон қилди ва бу зиёфатга нафақат ўз қасри аҳлини, шунингдек, аббатнинг одамларини ҳам таклиф этди, тонг отгач эса, у аббатнинг ҳузурига кириб бундай деди: «Ҳазрати бузрук! Баски, сиз шифо топган экансиз, энди касалхонадан чиқсангиз ҳам бўлади». Шундай дея у аббатнинг қўлидан олиб, унинг учун ҳозирланган хонага бошлаб кирди ва шу ерда уни ўз хизматкорлари ихтиёрида қолдирди-да, ўзи зиёфат ҳақида охириги кўрсатмаларини бергани чиқиб кетди, — у зиёфат аъло бўлишини истарди. Аббат ўз хизматкорлари даврасида қалбан ҳордиқ чиқаргач, уларга ўзининг қанчалик ёмон аҳволда яшаганини сўзлаб берди, хизматкорлар эса, унга бунинг тамомила тескарисини, хусусан — Гино уларга ғайри оддий иззат-эҳтиром кўрсатганини айтдилар. Зиёфат пайтида аббатни ҳам, бошқа ҳамма одамларни ҳам қатъий тартибга риоя қилинган ҳолда тортилаётган аъло сифатли таомлар ва нодир шароблар билан меҳмон қилдилар; шунда ҳам Гино ўзини аббатга танитмади. Орадан яна бир неча кун ўтди, ана шундагина Гино аббатнинг барча буюмларини бир хонага йиғишни, отларини эса, биттасини ҳам қолдирмай ҳовлига олиб чиқишни буюрди-да, ўзи аббатнинг олдига кириб, унинг аҳволини суриштирди ва от миниб сафарга чиқишга мадорингиз етадими, деб сўради. Аббат ҳам унга бемалол отда юра олишини, ошқозони дарддан фориг бўлганини, Гинонинг панжасидан қутулиши билан эса, дард кўрмагандай бўлиб кетишини айтди.

Шунда Гино аббатни унинг буюмлари қўйилган ва барча хизматчилари тўпланган хонага бошлаб кирди, унга ҳовлида турган ҳамма отларини кўрсатиш учун деразага яқин боришини илтимос қилиб, бундай деди: «Пирим! Сизга маълум бўлсинким, камина қалбан ёвуз эмасман, — илло, қароқчи бўлишимга, Рим қасрининг душмани бўлишимга мени, яъни Гино ди Таккони ҳозирги вазиятим — бутун мол-давлати торож этилиб, бадарға қилинган аслзоданинг аҳволи, душманларимнинг беҳисоблиги ҳамда ўз ҳаётимни га қадр-қимматимни муҳофаза қилиш зарурати мажбур этди. Ва лекин сизни мен диёнатли одам деб ҳисоблайман, шу боисдан сизги даволадим ва шу боисдан қўлимга тушган бошқа одамларга қиладиган муомаламни сизга қилмайман: мен қўлимга тушган ҳар бир одамнинг молидан кўнглимга сиққанчасини тартиб олган бў-

лардим, аммо сизга бундай қилмайман, ўзингиз менинг аҳволимни инобатга олинг-да, ҳиммат қилиб, ўз молларингиздан бир қисмини менга ажратинг. Бутун молу давлатингиз, мана, кўз олдингизда, — отларингизни эса, деразадан кўришингиз мумкин. Хуллас, хоҳласангиз — молларингиздан бир қисмини олинг, хоҳласангиз — ҳаммасини олиб кетаверинг ё бўлмаса, ўзингиз шу ерда, менинг ҳузуримда қолинг, — нимани кўнглингиз тусаса, ихтиёр ўзингизда».

Аббат қароқчининг оғзидан бундай нажибона сўзларни эшитиб, ҳайрон бўлиб қолди, бу сўзлар унга шунчалик хуш ёққан эдики, унинг қалбидаги ғазаб ва нафрат алангаси илтифот ва дўстона ҳиссиётга ўрин бўшатиб бериб, бир зумда сўнди ва шу туйғулар даъвати билан у Гинони қучоқлаб бундай деди: «Парвардигор ҳаққи, онт ичиб айтаманки, сендек самний дўстни топиш учун мен бундан ҳам оғирроқ хўрликларга бардош берган бўлардим, лекин назаримда, то шу кунгача, сен мени ҳар қандай йўл билан хўрлаётгандай бўлиб туюлган эдинг. Пешонанг шўр бўлмаганда номингга иснод келтирувчи шу касбни танлармидинг?» Аббат ўзи билан йўлга энг зарурий ашёларинигина олди, отлар масаласида ҳам айнан шундай фармойиш берди, қолганларини Гинога тортиқ қилди-да. Римга равона бўлди.

Аббатнинг асирга тушгани папанинг қулоғига етиб келган ва у бу ҳолдан ғоятда қаттиқ қайғурган эди; лекин аббат унинг қошига соғ-саломат қайтиб келди, шунда папа ундан, қалай, сув ёрдам қилдимми, деб сўради. Аббат папанинг бу саволига жиламайиб туриб, жавоб қилди: «Мен, зоти муборақлари, сувга етиб борганим ҳам йўқ — йўлда жуда ажойиб бир табибни топдим, шул табиб мени даволади». Аббат ўзининг қандай қилиб, шифо топганини ҳикоя қилиб, ҳикояси билан папани роса кулдирди, сўнг кўнгли кўтарилиб кетганидан, папага, бир мурувват кўрсатсангиз, деб илтимос қилди.

Папа аббатнинг Гино тўғрисида илтимос қилишидан беҳабар эди, шунинг учун у аббатнинг ҳар қандай илтимосини ҳам бажаришга сўз берди. Шунда аббат гап бошлади: «Сиздан фақат бир нарсани илтимос қилмоқчи эдим, зоти муборақлари: менинг табибим Гино ди Таккога лутф айласангиз, — у мен билган одамлар ичида энг ҳурматли зотлардан бири ҳисобланадики, одамларга кўрсатаётган ёвузликлари учун мен уни қаттиқ қораламоқчи ҳам эмасман: зеро, унинг ўзи аслида шундай шумтоле одам; борди-ю, сиз унинг ўз мартабасига монанд кун кечирishiга имкон яратиб берсангиз, бу ҳол унинг тақдирида кескин ўзгариш вужудга келтиргай, ана унда, менинг у ҳақда гапириб, янглишмаганлигимга ўзингиз шоҳид бўлгайсиз, — мен бунга кафолат бераман».

Папа саҳоватли зот бўлганлиги ва яхши одамларга ҳомийлик қилишини яхши кўргани учун аббатнинг ҳам илтимосини бажону дил бажо айлашга сўз берди ва агарки, Гино чиндан ҳам аббат тасвирлагандек одам бўлса, — майли, ҳеч нимадан ҳадикспирамай ўз элига қайтаверсин, деб айтди. Ўзининг энди беҳавотир эканлигига

ишонган Гино аббатнинг қистови билан папа саройига келди, орадан сал вақт ўтар-ўтмас эса, папа уни аслзода зот деб эътироф этди, у билан ярашди ва ғарибпарвар оғаларнинг улкан монастирига нозир этиб тайинлади, лекин бундан хиёл олдин уни мана шу жамоанинг рицари, деб эълон қилди. Ключонлик аббатнинг дўсти, руҳоний Гино ди Такко то умрининг охиригача мана шу лавозимда кун кечирган экан.

3

Натаннинг сахийлигига ҳасад қилган Митридан уни ўлдиргани юртига боради; у Натанни учратади-ю, лекин танмайди ва ўз ниятини қандай қилиб яхшироқ бажариш тўғрисида Натаннинг ўзидан маслаҳат олади, кейин Натаннинг маслаҳатига кўра, у билан дарахтзорда учрашади; Митридан ниҳоят шу ерда Натанни таниб қолиб, виждон азобида қийналади; оқибатда у Натан билан дўст тутинади

Дин пешвосининг мурувват кўрсатиши, дарҳақиқат, ниҳоятда ғайри табиий ҳол бўлиб кўринди барчага. Хонимлар бу борада бир оё музокара юритишгач, қирол ҳикоя қилиш навбатини Филостратога берди ва шу оннинг ўзидаёқ қуйидаги тарзда ҳикоя қила бошлади:

— Машҳура хонимлар! Испания қиролининг саҳовати беқиёс эди, лекин ключонлик аббатнинг муруввати, назаримда, янада антиқароқ бўлди ва лекин сизлар яна бир зотнинг ҳотамлиги ҳақида эшитсангиз, эҳтимолки, яна ҳам кўпроқ таажжубга тушарсиз, зеро, ул зот ўзига қарши ёмон ниятда бўлиб, унинг қонини тўкишга ёки аниқроқ қилиб айтганда, унинг жонини олишга қасд қилган одамга бу ниятини бажариш учун ўзи йўл-йўриқ кўрсатиб берган эди, агарда ўшал бадният одам унинг қони ва жонига қатъиян қасд қилганида борми, бу фожиа рўй бериши турган гап эди,— менинг қисқагина ҳикоямда гап мана шу ҳақда боради.

Агар генуяликларнинг гапига ва ўша ёқда бўлган ҳамма одамларнинг айтганларига ишонадиган бўлсак, бир замонлар Чин мамлакатада аҳли нажиб насабидан бўлган Натан исмли ҳайратангиз бойлик соҳиби ўтган эди. Унинг уйи мағрибдан машриққа ёнгики машриқдан мағрибга кетаётган ҳар бир одам босиб ўтадиган йўлнинг ёқасига жойлашган эди, аз баски, Натан серҳиммат ҳотамтой одам бўлганлигидан ва ушбу қалб фазилатларини амалда намоён қилишга интиланлигидан, ўз қўл остида хизмат қиляётган беҳисоб усталарга, дунё дунё бўлиб ҳали кўрмаган энг улкан ва энг муҳташам қасрлардан бирини жуда қисқа муддат ичида қуриб битиришни ва уни шавкатли зотларни қабул қилиш ва эъозлаш учун зарур бўлган жамики анжомлар билан жиҳозлашни буюрди. Ўзининг сон-саноқсиз хушилтифот хизматкорлари зиммасига эса, қаср ёнидан ўтган-кетган барча одамларни очик

чеҳра ва самимият билан қарши олиш ва иззат-ҳурмат билан меҳмон қилиш вазифасини юклади. Натан ўзининг шу шоён таҳсинга лойиқ одатига ниҳоятда қатъий амал қилиб яшаб юравердики, натижада унинг доврўғи нафақат машриққа, шунингдек, қарийб бутун мағрибга ҳам таралди. Унинг донг-доврўғи, ниҳоят қўшни давлатлардан бирида истиқомат қилувчи Митридан исмли бир йигитнинг қулоғига бориб етганида, Натан ошини ошаб, ёшини яшаб қўйган қария эди-ю, лекин бояги-боягидай саховатининг ниҳояси йўқ эди, хуллас, худди Натан сингари бадавлат бўлган ўша Митридан, Натаннинг шону шўҳрати ва донгу доврўғига ҳасад қилиб, ўзи ҳам саҳийлик бобида шундай доврўқ солишга аҳд қилди ва бунинг оқибатида Натаннинг шўҳратини ўз доврўғи билан ёбосиб кетмоқчи, ёки мутлақо йўққа чиқариб юбормоқчи бўлди. У ўзи ҳам худди Натанникига ўхшаган қаср қурдириб, ўтган-кетган йўловчи ва муҳожирларга беқиёс, ғайри оддий ҳотамлик кўрсата бошладик, шу ҳотамлиги билан у қисқа вақт ичида чор атрофга донг таратди.

Илло, кунлардан бир кун йигит ўз қасрида ёлғиз ўтирганида, қандайдир бир кампир қаср дарвозаларининг биридан кириб келиб, садақа сўради, Митридан унга садақа берди. Кейин кампир бошқа дарвозадан кириб келди, Митридан яна унга садақа берди, кампир шу йўсинда йигитнинг олдига кетма-кет ўн икки марта кириб келди. Лекин у ўн учинчи марта кирганида Митридан унга: «Яхши эмас, холажон, ҳадеб садақа сўрайвериш»,— деди-ю. лекин барибир садақа берди.

Шунда кампир унга бундай деди «Аммо Натан чинакам ҳотам одам! Мен унинг олдига гоҳ у, гоҳ бу дарвозасидан кетма кет ўттиз икки марта садақа сўраб кирганимда, лекин у мени таниганлигини бирон марта ҳам сездирмади, ҳар гал саҳийлик билан садақа бераверди, сеникига бўлса, бор-йўғи ўн уч марта кирдим, лекин сен мени таниб, мазаммат қилдинг». Кампир шу гапларни айтиб, қасрдан чиқиб кетди ва бошқа қайтиб қелмади.

Кампирнинг бу гаплари, Натан ҳақида айтилган ҳар қандай яхши гапни шахсан ўзига қаратилган ҳақоратдек қабул қилувчи Митриданнинг қалбида кучли ғазаб туйғусини уйғотди. «Бу қандай бедодлик!— деб ўзича нола қила бошлади у.— Баски мен шундай майда ишда ҳам Натанга тенг кела олмаган эканман, саховат бобида ундан икки дунёда ҳам ўзиб кета олмайман! Агар мен уни гўрга тикмасам, бутун ҳаракатларим бир пул бўлади. Уни ажал олмаяпти,— демак, ўзим уни гумдон қилишим ва буни имкони борича тезроқ бажаришим керак».

Шундай қилиб, у кўзи қонга тўлган ҳолда, дик этиб ўрнидан туриб кетди ва ўзининг қаёққа ва не мақсадда кетаётганини ҳеч кимга айтмай, ёнига учта-тўртта маҳрамини олиб, от чоптириб кетди ва уч кун деганда Натаннинг юртига етиб борди. У ҳамроҳларига: «Ўзингизни мен билан ҳеч қандай мулоқотда эмасдек, ҳаттоки таниш ҳам эмасдек тутинглар, бундан буён то ўзим айтмагунимча, мендан ўзингизни четга олиб юринглар,— деб буюрди, сўнг ёнига биронта ҳам мулозимини олмай, ёлғиз ўзи яна йўлга

тушиб, қош қорая бошлаган пайтда Натаннинг мулкига етиб борди. бу ерда у Натаннинг ўзига дуч келди — жуда одми кийинган Натан ёлғиз ўзи ўша мухташам қасрига яқин ерда сайр қилиб юрарди; Митридан ўз қаршисида турган одамнинг Натан эканлигини билмай, ундан Натанникига қандай борса бўлади, деб сўради.

— «Ўғлим!— деб очиқ чеҳра билан жавоб қилди унга Натан.— Унинг уйига олиб борадиган энг қулай йўлни менчалик аниқ кўрсатадиган одам йўқ бу яқин атрофда, агар истасанг, мен Натанникига кузатиб қўйишим мумкин».

Йигит, бундан ўзининг ғоятда мамнун эканлигини, аммо Натанга ўзини кўрсатиш ва танитишни истамаслигини изҳор этди. «Агар сен шуни хоҳласанг, буни ҳам тўғрилайман»,— деди Натан.

Митридан отдан тушди, шундан кейин Натан йўл-йўлакай Митридан билан қўнғилли суҳбат қуриб, уни ўзининг мухташам саройига бошлаб кетди. Саройга етиб боришганида Натан хизматкорга, меҳмон йигитнинг отига яхши қарашни буюрди, кейин унинг олдига яқин бориб, қулоғига: саройдаги жамики хизматкорларимга тайинлаб қўй. менинг Натан эканлигини бу йигитга зинҳор айта кўрмасинлар, деб пичирлади; шу ондан бошлаб, барча хизматкорлар Натаннинг буйруғига амал қила бошладилар. Мезбон билан меҳмон қасрга киришгач, Натан Митриданга ғоятда аъло бир хонани тавсия қилдики, Митридан бу хонада истиқомат қилиб турганида, унинг ихтиёрига берилган хизматкорлардан бўлак ҳеч ким билан мулоқотда бўла олмас эди, хуллас, Натан, хизматкорларга, меҳмонга ҳаминқадар яхшироқ қарашни буюриб, ўзи у билан суҳбатлашиб ўтириб қолди.

Гарчи Митридан ўз қалбида бу қарияга нисбатан фарзандлик эҳтиромини ҳис қилаётган бўлса ҳам унинг кимлигини аниқроқ суриштириб билишни ихтиёр қилди. Натан унинг саволига бундай жавоб қилди: «Мен Натаннинг хизматкорлари орасида энг эътиборсизман, шу ерда, унинг қўл остида ўсиб катта бўлдим, шу ерда қаридим, лекин у бирон марта ҳам мансабимни оширмади. Бошқалар уни кўкларга кўтариб мақташади, лекин менда уни мақташга ҳеч қандай важ йўқ».

Бу сўзлар Митриданнинг қалбида, ўзининг жинояткорона ниятини ғоятда осонлик билан ва мутлақо бехатар рўёбга чиқаришига умид пайдо қилди. Натан эса, ғоятда нодир илтифотлар билан унинг кимлигини ва қандай иш юзасидан бу ерга ташриф буюрганини сўрагач, бажону дил унга маслаҳат ва ёрдам беражagini айтди. Митридан тараддудга тушиб қолди, аммо кейин, барибир, унга ўз сирини очишга қарор қилди; узоқ давом этган муросадан кейин у ўз сирини ошкор қилмасликка Натанни онт ичирди, кейин ундан маслаҳат ва ёрдам сўраб, бор гапнинг ҳаммасини; ўзининг кимлигини-ю, бу ёққа нима мақсадда келганини ва бундай ишга қўл уришига уни нима мажбур қилганини ҳам муфассал баён қилди.

Натан Митриданнинг бу ерга ёмон ниятда келганини билгач,

бутун қалби ҳаяжонга тушди, ammo шу заҳотиёқ у ўзини босиб, вазмин овоз ва бамайлихотир қиёфада жавоб қилди: «Митридан! Сенинг отанг олиҳиммат одам эди. назаримда, сен ҳам отангнинг изидан боришни ихтиёр қилибсан: сен бағоят улкан жасоратга бел боғлагансан — сен ҳаммага бир хилда сахий бўлишни истайсан. Бинобарин, Натаннинг фазилатларига ҳасад қилишинг менга ниҳоятда хуш ёқади,— бундайин ҳасадлар яна ҳам кўпроқ бўлганида эди, бизнинг бу бахти қаро заминимизда яшаш анча енгиллашган бўлур эди. Менга изҳор қилган ниятингни албатта, барчадан сир сақлайман, лекин сенга дурустроқ бир ёрдам бера олмасам ҳам, ҳар ҳолда, фойдали маслаҳат беришим мумкин. Маслаҳатим бу турур: бу қасрдан тахминан ярим миляча масофада мўъжазгина бир дарахтзор бор,— у шу ердан ҳам кўришиб туради,— Натан деярли ҳар кунни эрталаб ўша ерга бориб, ёлғиз ўзи узоқ вақт сайр қилиб юради: сен уни ўша ерда осонгина топиб, ниятингни амалга оширишинг мумкин. Уни ўлдирганингдан кейин, агар беҳавотир уйингга етиб олмоқчи бўлсанг, бу ёққа келган йўлингдан эмас. ҳув анави ердаги,— кўряпсанми?— ўрмондан чиқиб, чапга кетган йўлдан қайт: йўл унчалик текис бўлмаса ҳам, лекин яқин ва беҳавотир».

Бундай қимматли маълумотни қўлга киритган Митридан, Натан хонадан чиқиб кетиши билан бу ҳақда ўз ҳамроҳларига ғоятда эҳтиёткорлик билан хабар қилиб, эртага уни қаерда кутишларини шипшиб қўйди, зеро, ҳамроҳлари айнан шу қасрда истиқомат қилиб турар эдилар. Мана, эртаси куни, Натан, ўзи Митриданга берган маслаҳатига тўла риоя қилган ва ундан бир энлик ҳам четланмаган ҳолда, ўзини қатл этишлари керак бўлган дарахтзорга ёлғиз жўнади.

Митридан ҳам уйқудан уйғониб, қўлига ўқ-ёй билан шамширини олди,— унинг ўзга қуроли йўқ эди,— отига минди-да, ўшал дарахтзор томон равона бўлди. етиб боргач, ёлғиз ўзи сайр қилиб юрган Натанга узоқдан кўзи тушди. Бироқ Митридан, олдин Натанни кўришга, унинг гапларини эшитишга, ана ундан кейин уни ўлдиришига аҳд қилиб, Натаннинг устига отда бостириб борди-да, унинг дасторидан ушлаб: «Ўлим сенга, чол!» — дея қичқирди.

«Начора, кўргилик экан»,— Натаннинг бор-йўқ айтган гапи шу бўлди.

Митридан унинг овозини эшитиб ва юзига кўзи тушиб, ўзини очиқ юз билан кутиб олган, зўр илтифот билан қасрга кузатиб қўйган ва ниҳоятда аниқ маслаҳат берган ўшал одамни таниди ва вужудини қамраб олган ғазаб алангаси шу оннинг ўзида сўнди, адоват туйғуси уят туйғуси билан алмашди; у Натаннинг кўксига тираган шамширини улоқтириб юбориб, отдан сакраб тушди, Натаннинг оёғига йиқилди ва бўзлаб йиғлаганча бундай деди: «Соҳибилтифот падарим! Сизнинг беқиёс даражада олиҳиммат эканлигингизни энди ўз кўзим билан кўриб турибман: мен ҳеч қандай асоссиз сизнинг жонингизга қасд қилмоқчи бўлиб, бу ҳақда ўзингизга гап очган эдим, сиз бўлсангиз, ҳеч бир тўсқинликсиз жонингиз

гизни олишим учун менга имкон яратиб бердингиз, илло, руҳимни пок сақлашда ўзимдан ҳам кўпроқ гамхўрлик қилувчи парвардигор, авжи ҳал этувчи лаҳзада манфур ҳасаддан юмилган қалб кўзларимнинг пардасини олиб ташлади. Истаklarимнинг амалга ошиши учун сиз ҳамма ишни қилдингиз, лекин энди мен, бундан буёқ, қандай қилсам бу гуноҳимни тезроқ ювишим мумкинлиги ҳақидагина ўйлаяжакман. Менинг бу бадкорлигим учун сиз қандай жазони лойиқ кўрсангиз, шу жазони қўлланг».

Натан Митриданни ўрнидан турғазиб, уни меҳрибонлик билан бағрига босди ва пешонасидан ўпиб бундай деди: «Ўғлим! Сен ўзинг қилган бу режангни хиёнаткорлик дейсанми ё бошқа сўз билан таърифлайсанми, нима деб атасанг ҳам барибир, бунинг учун мендан кечирим сўрама, зеро, сен мен кечиршим лозим бўлган ҳеч қандай гуноҳ иш қилганинг йўқ, ахир сен бу ишга жаҳолат даъвати билан эмас, балки ҳаммадан яхшироқ бўлиш ниятида қўл урмоқчи бўлгансан. Йўқ, мендан асло кўрқма! Шунин билганики, сени менчалик севадиган одам бутун дунёда йўқ, зеро мен хасис одамларга ўхшаб бойлик орттиришга эмас, балки бутун борингни одамларга улашишга интилувчи қалбингнинг улуғворлигига шоҳид бўлдим. Сен довруқ қозониш ниятида мени ўлдиришга жазм қилганингдан асло хижолат бўлма, бу билан мени ҳайратда қолдирдим, деб ҳам ўйлама. Жамки ҳукмдор императорлару қудрати улуг қироллар деярли ҳамма вақт қотиллик туфайли,— шунда ҳам сенга ўхшаб битта кишининг жонига қасд қилиш билан эмас, беҳисоб одамларнинг ёстиғини қуритиш билан,— бутун-бутун мамлакатларга ўт қўйиш ва шаҳарларни вайрон қилиш билан ўз давлатлари сарҳадин кенгайтиришга, демакки, ўз довруқларини таратишга муяссар бўлганлар. Бинобарин, сен улкан шон-шавкатга эришиш учун биттагина мени ўлдиришга жазм қилган экансан, бу билан сен беқиёс ва ғайри табиий жасорат эмас, балки энг оддий бир иш қилмоқчи бўлгансан».

Митридан, ўзи қасд қилган ёвуз ниятини оқлашга урингани ҳам йўқ — у фақат, Натаннинг ғоятда антиқа бир тарзда уни оқлаб гапирган нутқидан суюниб кетди, холос, лекин ўзини ўлдириш учун энг қулай йўл-йўриқ кўрсатиб маслаҳат берган Натаннинг хатти-ҳаракати Митриданни ҳайратга солган эди. Бу ҳолни пайқаган Натан унга бундай деб гап уқтира бошлади: «Сен, Митридан, менинг маслаҳатим ва аҳдимдан бекорга таажуб қиляпсан: мен мустақил одам бўлиб, худди сенга ўхшаб, хотамтойликни ният қилган кунимдан буён то шу чоққача биронта одам бўлмадики, у остонамдан ҳатлаб кирган бўлсину мен унинг истагини иложим борича бажармаган бўлай. Сен бу ерга менинг жонимни олмоқ қасдида келган экансан, мен ҳам сенинг шу ниятингдан огоҳ бўлдим, дарҳол уни сенга беришга қарор қилдим, шундай қилганимда, ўз аҳдимни бажаролмаган бўлардим ва бир одам боласи менинг уйимдан кўнгли тусанган нарсасига муяссар бўлолмай қайтган бўларди, бинобарин, сени қаноатлантирмақ мақсадида, хайрли маслаҳат бергандим,— ҳар қалай, менга шундай туюлди,— шу маслаҳатимга амал қилган тақдирингда, менинг жонимни олар-

дингу ўз жонингни омон сақлаб қолган бўлардинг. Шунга кўра, яна такрор айтаман ва сендан илтимос қиламан: кўнглинг тусаса, ҳали ҳам кеч эмас, истагингни рўёбга чиқару жонимни ол,— барибир, уни бундан савоблироқ ишга татбиқ эта олмайман. Мана, саксон йилдирки, ҳаётим роҳатда ва фароғатда ўтмоқда, айни пайтда, менга шу нарса аниқ маълумки, менинг ҳам ҳаётим, барча одамларнинг ҳаёти ва шунингдек, ер юзидаги ҳар қандай тирик жон ҳаёти сингари ўзининг табиий интиҳосига эгадир,— демак, умрим оз қолган, бас, шундай экан, уни ҳам худди эл-юртга улашиб келаётганим, ўнгу сўлга сарфлаётганим, бойлигим қаторида билишим, яъни, уни асраб ўтирмай, ҳадея этиб юборганим маъқул эмасмикин. Юз йиллик умрни тортиқ қилиш — унчалик катта туҳфа эмас, менинг қолган олти-етти йиллик умрим эса,— мутлақо арзимас тортиқдир. Мана шунинг учун ҳам илтимос қиламан: хоҳласанг, жонимни олавер,— ёруғ жаҳонга келганимдан то шу чоқ-қача менинг жоним ҳеч бир кимсага керак бўлмаган эди, сен ҳам уни олмасанг, бошқа бирон талабгор топилиши амри маҳол. Борди-ю, топилган тақдирда ҳам вақт ўтиши билан унинг қадр-қиймати тобора йўқолиб бораверади,— хуллас, илтимосимни бажо айла ва жонимнинг қадри буткул кетиб қолмасдан, ҳозир олиб кўя қол».

Митриданнинг қалбини қамраб олган хижолат туйғуси уни азобга соларди. «Сизнинг ҳаётингиз шундай бир бебаҳо бойликки,— деди у,— уни нафақат чанг солиб тортиб олиш, ҳаттоки, унга қасд қилишни ҳам хаёлимга келтиришдан худонинг ўзи сақласин! Мен сизнинг умрингизни қисқартиришим эмас — агар қўлимдан келса, ўз умримдан бир неча йилини олиб, сизнинг умрингизга жон-жон деб қўшиб берган бўлардим».

Бу гапни эшитган заҳоти Натан: «Чиндан ҳам қўшиб берган бўлармидинг?— деб сўради.— Агар умримда ҳеч кимга қилмаган муомаламни сенга қилсам, қарши бўлмайсанми? Бошқача қилиб айтганда — гарчи умримда бирон марта ўзганинг нарсасини олмаган бўлсам ҳам энди сенга тегишли бўлган нарсани олсам рози бўласанми?»

«Ҳа»,— деб асло тараддудланмай жавоб қилди Митридан.

«Бўлмаса, гап бундай,— деб давом этди Натан.— Сен гарчи ёш бўлсанг ҳам менинг уйимда қолиб, ўзингни Натан деб юрит, мен бўлсам; сенинг уйингга кўчиб ўтаман-да, ўзимга Митридан деб от қўяман».

Лекин Митридан унга бундай деб эътироз билдирди: «Сиз бутун умр ғоятда зўр маҳорат билан одамларга яхшилиқ қилиб келдингиз, агарда мен ҳам худди сиз сингари савоб иш қилишга қодир бўла олганимда эди, ҳеч ўйлаб-нетиб ўтирмасдан таклифингизга рози бўлган бўлур эдим, аммо турган гапки, менинг рафторим ҳотам Натаннинг шон-шавкатини пасайтириб юбориши муқаррар бўлганлигидан,— ваҳоланки, ўзгалардаги ўзим мушарраф бўлмаган фазилатни таҳқирлаш менинг вазифамга кирмайди,— мен номларимизни алмаштиришдан бош тортаман».

Улар иккови шундай ва шу сингари кўнгилли суҳбат қуришиб,

Натаннинг хоҳишига кўра, саройга қайтиб келдилар, сўнг Натан бу ерда бир неча кун мобайнида Митриданни эъзозлаб, кўнглини хушлади ва бутун идрокини ишга солиб, ўз меҳмонининг бу хайрли ва кўп савобли ташаббусини ғоятда асосли далиллар билан қўллаб-қувватлади. Митридан ўз ҳамроҳлари билан бирга ўз юртига қайтишга истак билдирганида эса, Натан унга рухсат берибди ва Митридан саҳийликда Натандан ўзиб бўлмаслигига тўла ишонч ҳосил қилган ҳолда ўз юртига жўнаб кетган экан.

4

Мессер Жентиле де Каризенди исмли бир зот Модена шаҳрини тарк этиб, ўлдига чиқариб, дафн этилган машуқасини даҳмадан олиб чиқади; аёл яна соғайиб кетади, ўғил туғади, шунда, мессер Жентиле хонимни боласи билан бирга ўз эри Никколуччо Каччанимикога қайтариб беради

Бу ёруғ жаҳонда заррача ҳам афсусланмай, ўлишга рози бўлган одамнинг яшаганини эшитган жамоа ҳайрон-ҳайрон қолди. Умумнинг фикри бўйича, Натан саховат ва ҳиммат бобида Испания қиролини ҳам, клюңилик аббатни ҳам орқада қолдириб кетган эди. Натаннинг рафтори ҳар тарафлама мулоҳаза қилиб бўлингандан кейин, қирол Лауреттага юзланиб, энди ундан ҳикоя эшитишни ихтиёр қилганини билдирди. Лауретта ҳам шу оннинг ўзида ўз ҳикоясини шундай бошлаб юборди:

— Навниҳол хонимлар! Биз сизлар билан улкан ва шарафли рафторлар ҳақида анча-мунча қиссалар тингладик ва мен ўйлайманки, ҳикоя қилиш навбати ҳали келмаганлар, бу борада сизларнинг эътиборингизга ҳеч нима тавсия қила олмасалар керак,— зеро, жасоратнинг улуғворлиги ҳақида энди ҳамма гап айтилиб бўлди,— илло, суҳбат мавзун учун беинтиҳо сарчашма ҳисобланмиш ишқ-муҳаббат ҳақидаги қиссалар бундан мустасно. албатта. Мана шу сабабга кўра, ундан ҳам муҳими, ўзимизнинг ёш эканлигимизни эътиборга олган ҳолда, мен бир ошиқ йигитнинг нажибона рафтори ҳақида ҳикоя қилиб бермоқчиманким, унинг бу хатти-ҳаракати,— ҳали уни ўзингиз ҳар ёқлама мулоҳаза қилиб кўрарсиз,— бу ерда бизга баён қилинган рафторлардан асло қолишмайдиган бўлиб кўринса ҳам ажаб эмас, бироқ сиз, фақат ўзининг севимли хилқатига мушарраф бўлмоқ учунгина, бутун бойлигидан воз кечишга, дилидаги адоват туйғусини тийишга, бундан ташқари: ўз ҳаётини, номусини ва покиза номини таваккал қилиб, жуда кўп мартаба хатарга қўйишга қодир инсоннинг бўлишига ишонмоғингиз лозим, албатта.

Алқисса, Ломбардиянинг энг машҳур шаҳарларидан бўлмиш Болоньяда, ўзининг ажойиб фазилатлари ва юксак насаби билан доврўқ қозонган мессер Жентиле Каризенди исмли бир аслзода йигит ўтган эди, хуллас, мана шу йигит Никколуччо Каччанимико деган одамнинг хотини донна Каталинага ошиқ бўлиб қолди. Бироқ ишқ бобида унинг омади юришмай, жигар-бағри хун бўлиб,

Моденага бош олиб кетдиким, у шаҳарнинг ҳокими унга иш таклиф қилган эди. Бу пайтда Никколуччо ҳам Болоньяда йўқ эди, унинг ҳомиладор хотини эса, шаҳардан уч миляча наридаги ўз мулкига жўнаб кетган бўлиб. ўша ерда тўсатдан тоби қочиб шу даражага бориб қолдики, хиёл вақт ўтмай унда жондан асар ҳам қолмади, бу ҳолни кўрган табиблар хонимни ўлдига чиқардилар, аёлнинг қариндошлари унинг ўз оғзидан яқинда бўйида бўлганини эшитганларини таъкидлашди ва шу далил асосида, ҳомиланинг ой-куни ҳали узоқ деган хулосага келишди-да, аёлга аза тутишиб, тезда уни маҳалла ибодатхонасининг дахмасига дафн этишди.

Мессер Жентиленинг бир дўсти бор эди, у шу заҳотиёқ бу хунук хабарни унга етказди, Жентиле, гарчи марҳума унинг муҳаббатини рад этган бўлса ҳам кўп дилтанг бўлди ва хаёлан шундай сўзлар билан унга юзланди: «Мана, донна Каталина, сен ўлдинг. Тириклик чоғингда менга бир қиё боқишни ҳам эп кўрмаган эдинг, лекин энди менга қаршилик кўрсата олмайдиган пайтингда, мен қандай қилиб бўлмасин, сенинг ўлик лабларингдан бўса олмай қўймайман».

Шу кунни тундаёқ у уйидагиларга, жўнаб кетганимни бегоналар билмасин, деб тайинлаб, ёнига бир хизматкорини олди-да, отга миниб йўлга тушди ва ҳеч ерда манзил қурмай, ниҳоят ўшал хоним дафн этилган ерга етиб келди. Кейин у дахма ичиға оҳиста қириб, марҳуманинг ёнига ётди ва юзини унинг юзига яқин олиб бориб, кетма-кет бўса оларкан, кўз ёши билан унинг юзини ювиб юборди. Лекин бизга аёнки, инсон — орзунинг ниҳояси бўлмаганлиги ва одамлар, айниқса — ошиқлар, ўз истаклари кетидан тобора олисроққа кетаверадиган бўлганликлари сабабли, мессер Жентиле ҳам бўса олишнинг ўзи билан қаноат қилмади. «Бу ерга киришга кирган эканман, унинг сийнасига қўлимни қўйсам нима қилибди?— деди у ўзига-ўзи.— Кейин, унинг бошқа ҳеч ерига тегмаслигим керак — тегмайман ҳам». Унинг истаги шу қадар кучли эдики, у қўлини аёлнинг кўксига қўйди ва бир оз вақтдан кейин аёл юрагининг сезилар-сезилмас ураётганини сездди. У қўрқувни енгиб, бутун диққатини йиғиб хонимнинг кўксига қулоқ сола бошлади ва унинг гарчи жони узилай-узилай деб турган бўлса ҳам ҳар ҳолда ҳали ўлмаганлигига ишонч ҳосил қилди. Шунга кўра, у ўз хизматкорининг ёрдамида аёлни зўр эҳтиёткорлик билан дахмадан кўтариб олиб чиқди ва уни ўзи минган отнинг олдига миндириб, тўппа-тўғри Болоньядаги уйига хуфиёна олиб келди.

Бу уйда унинг онаси турарди, у иззат-эътиборли, фаросатли аёл эди: бу аёл ўғлининг гапини муфассал тинглаб бўлиб, хонимга раҳми келди ва иссиқ сув ва иссиқ ўрин-кўрпа ёрдамида донна Каталинани ҳушига келтирди. Донна Каталина ҳушига келиб, чуқур бир тин олдида: «Оҳ! Қаердаман?»— деди.

Муҳтарама аёл ҳам унга бундай жавоб қилди: «Қўрқма! Сен яхши одамлар бағридасан».

Донна Каталина тамомила ўзига келиб, ҳайрат назари билан уйга кўз югуртириб чиқди, шунда кўзи қаршисида турган мессер Жентилега тушиб ажабланди ва унинг онасидан, ўзининг бу ерга

қандай келиб қолганини изоҳлаб беришни илтимос қилди, унинг бу саволига мессер Жентиле батафсил жавоб қилди. Донна Каталина ғамга чўмди, сўнг мессер Жентилега чин юракдан миннатдорчилик изҳор қилиб, уни инсофга чақирди ва шундай илтимос билан юзланди: «Менга бўлган собиқ муҳаббатингиз ҳаққи, ўз уйингизда, менинг номусимга, шунингдек, эримнинг номига доғ туширадиган ҳеч нарса қилманг ва тонг отиши билан уйимга жўнатиб юборинг!»

Мессер Жентиле хонимнинг гапига бундай деб жавоб қилди: «Донна Каталина! Авваллари сизга қандай муносабатда бўлганлигимдан қатъий назар, мен ҳозир ҳам, бундан буён ҳам (менинг, бундан буён ҳам, деб айтишимга сабаб, танграм сизни ҳаётга қайтариш бурчини менга ато этдиким. бундай жасоратга мени даъват этган нарса, менинг ўша собиқ муҳаббатим бўлди), хоҳ бу ерда бўлсин, хоҳ бошқа ҳар қандай жойда бўлсин, сиз билан энг севикли синглимдек муомала қилишни ният қилиб қўйганман. Ва лекин мен бугун тунда сизга қилган яхшилигим эвазига бирон мукофотга сазовор бўлмоғим лозим,— шунга кўра, хиёл бўлса ҳам мендан марҳаматингизни дариг тутмасангиз».

Донна Каталина Жентиленинг гапларига лутфан қулоқ осди ва унинг учун ўз қўлидан келадиган ва пок номига доғ туширмайдиган ҳар қандай ишни бажаришга тайёр эканлигини изҳор этди. Шунда мессер Жентиле унга юзланди деди: «Донна Каталина! Барча қариндошларингиз ва бутун Болонья аҳли сизни ўлдига чиқариб қўйишган ва бунга қатъий-ишонаднлар, уйингизда эса, сизни ҳеч ким кутаётгани йўқ, мана шунга кўра, менга бир илтифот қилишингизни сўрардим: ўтинаман сиздан, то менинг Моденадан қайтиб келгунимча,— мен у ердан тез орада қайтаман.— онам билан яшаб туринг, илло, сизнинг бу ерда эканлигингизни ҳеч зог билмаслиги керак. Сизга бундай илтимос билан юзланаётганимнинг боиси шуки, шахримизнинг энг мўътабар зотлари иштирок этган маъракада умр йўлдошингизга қимматбаҳо совғани тантанали равишда топширмақчиман».

Мессер Жентиле донна Каталинани гўр оғзидан қайтариб олиб, жуда катта яхшилик қилган эдиким, буни хоним эътироф этарди, албатта, айни пайтда, донна Каталинанинг назарида, мессер Жентиле қилаётган ҳозирги илтимоснинг ҳеч қандай уятли томони ҳам йўқ эди, шунга кўра, гарчи хоним ўз қариндошларини хурсанд қилишга нечоғли сабри чидамаётган бўлишига қарамай, мессер Жентиленинг илтимосини бажаришга аҳд қилди ва ўз номусини ўртага қўйиб олт ичди. У мессер Жентилега эндигина жавоб бериб улгурган ҳам эдики, тўлғоқ тутиб, ўзининг ой-кунн етганини ҳис қилди ва орадан хиёл вақт ўтар-ўтмас, уй бекасининг ғамхўрона ёрдамида эсон-омон кўзи ёриб, кўчқордай ўғил туғиб олдики, энди бу қувончдан хонимнинг ҳам, мессер Жентиленинг ҳам боши осмонга етган эди. Шундан кейин, мессер Жентиле, хоним учун ҳамма нарса муҳайё бўлсин, уни худди менинг хотинимдек билиб парвариш қилинглар, деб, буйруқ бериб, ўзи яширничка яна Моденага жўнаб кетди.

Мессер Жентиле Моденада ўз хизматиининг белгиланган муддатини ўтаб бўлиб, Болоньяга жўнаш олдидан уйидагиларга қачон етиб келишини хабар қилди ва ўша кунига жуда катта, даб-дабали зиёфат уюштириб, унга Болоньянинг жуда кўп казо-казоларини, улар қаторида, донна Каталинанинг эрини ҳам таклиф қилиш ҳақида фармойиш берди. Мессер Жентиле уйга етиб келиб, отдан тушган заҳоти ҳамма билан ҳол-аҳвол сўрашгач, донна Каталинанинг ҳузурига кирди ва унинг соғайиб, тўлишиб, гулдай очилиб кетганини, боланинг ҳам дуркун бўлиб ўсаётганини кўрди; у бу ҳолдан бениҳоя мамнун бўлиб кетиб, меҳмонларни дастурхонга таклиф қилгани ва уларни яхшилаб зиёфат қилишга буйруқ бергани чиқиб кетди. Мессер Жентиле ўз режасини донна Каталинага олдиндан тушунтириб қўйган ва унинг ўзини қандай тутиши ҳақида келишиб олган эди. мана, ниҳоят, зиёфат оёқлаб қолган пайтда у ўрнидан туриб, меҳмонларга шундай сўзлар билан мурожаат қилди: «Синьорлар! Қаердадир бир ривоят эшитган эдим, ҳали-ҳали эсимда, эронликларнинг ниҳоятда ажойиб бир таомили бор экан: бирон одам ўз дўстини жудаям ўзозламоқчи бўлса, уни уйига меҳмон қилиб чақирар экан-да, ўзи учун энг азиз бўлган кишиларни; хотини, дугонаси, қизи ёки яна бирон-бир зотни дўстига кўрсатиб туриб, унга агар иложини топганимда, жон-жон деб ўз юрагимни очиб кўрсатган бўлардим, деб айтаркан, мен айнан мана шу расми бизнинг Болоньяда жорий қилмоқчиман. Сизлар менга илтифот кўрсатиб, ушбу зиёфатимга ташриф буюрдинглар. мен эсам сизларни эрончасига қутлаб, ҳозир ўзимда мавжуд бўлган ва эҳтимолки, бундан буён ҳам бўладиган энг қимматли зотни сизларга кўрсатмоқчиман. Бироқ уни кўрсатишдан олдин, мен сизларга бир ақл бовар қилмайдиган воқеани сўзлаб бериб, у ҳақда сизларнинг фикрингизни билиб олмоқчиман. Алқисса, бир одамнинг жуда ажойиб ва садоқатли бир хизматкори хатарли дардга чалиниб қолади. У одам бемор хизматкорининг жони узилгунича сабр қилишни истамай, уни кўчага олиб чиқиб ташлашни буюрадн-да, уни бир зумда хаёлидан ҳам чиқариб юборади. Шу маҳал кўчадан бир бегона одам ўтиб кетаётган бўлади; унинг беморга раҳми келиб, ўз уйига олиб кетади ва унга бошпана беради, уни даволаш учун ҳеч пулини аямай сарфлайди, ғайри оддий ғамхўрлик қилиб, уни ахири дарддан фориг қилади. Бор гап шу; лекин мен шу нарсани билмоқчи эдим: борди-ю, шу одам соғайган хизматкорни ўз уйида хизматкор сифатида олиб қолишни ихтиёр қилса-ю, унинг аввалги соҳиби уни тортиб олмоқчи бўлганида унинг талабини қондирмаса ва хизматкорини унга қайтариб беришни истамаса, норози бўлган олдинги хўжайиннинг кейингиси устидан шикоят қилишга, уни судга беришга ҳақи бўладими?»

Аслзода меҳмонлар узоқ вақт мулоҳаза қилишгандан кейин, бир қарорга келишди-да, мессер Жентиле томонидан берилган бу саволга жавоб қайтаришни донна Каталинанинг эри Никколлуччо Каччанимикога топширишди, зеро, у ҳамнадан ҳам яхшироқ ва чиройлироқ гапира оларди: Никколлуччо Каччанимико олдинига эронликларнинг одатини маъқуллаб, сўнг бутун жамоанинг фик-

рнии; яъни: олдинги соҳибнинг хизматкорда ҳеч қандай ҳақи йўқ, чунки у ўз хизматкорини нафақат мушкул аҳволда қолдирган, балки уни ўз уйдан ҳайдаб чиқарган ҳам, бинобарин, адолат юзасидан гапириладиган бўлса, дарддан фориг бўлган хизматкор, унга кўрсатилган мурувват эвазига шу кейинги соҳибнинг хизматида бўлмоғи лозимдирким, ушбу иккинчи соҳиб, хизматкорни ўз қўл остида қолдириш билан биринчи соҳибга ҳеч қандай зиён ҳам, ранж ҳам келтирмайди, деб баён қилди. Дастурхон теграсида ўтирганларнинг ҳаммаси,— бу ерда азиз меҳмонлар жуда кўп эди,— Никколуччонинг фикрига тўла-тўқис қўшилажакларини баён қилдилар.

Бундай жавобдан, айниқса, жавобни Никколуччонинг ўз оғзидан эшитганидан қаноат ҳосил қилган мессер Жентиле, ўзининг ҳам айнан шундай фикрда эканлигини эътироф этиб, меҳмонларга бундай деди: «Мана энди, ўз ваъданинг устидан чиқиб, сизларни эъозлайдиган пайтим етди». Шундан кейин у икки нафар хизматкорини донна Каталинанинг қошига юбораркан, уни ушбу маросимга монанд ясантиришни буюрди, сўнг илтимосимни айтишлар, бу ёққа чиқиб азиз меҳмонларимни хушнуд қилсин, деб тайинлади.

Мана, донна Каталина ўзининг дўндиққина ўғилчасини кўтариб зиёфатга икки хизматкор кузатувида чиқиб келди, мессер Жентиле унга жой кўрсатди ва хоним бир мўътабар зотнинг ёнига бориб ўтирди. Шунда мессер Жентиле бундай деди: «Синьорлар! Мен учун энг азиз бўлган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қоладиган зот мана шудир. Мен бу фикримда ҳақманми ё ноҳақманми, ўларингиз кўриб, айтишлар».

Номдор меҳмонлар донна Каталинани қутладилар ва унга маҳлиё бўлиб қолдилар, бундай хилқатни эъозламаслик мумкин эмас, деб мессер Жентиленинг фикрига қўшилдилар-да, хонимни синчковлик билан кўздан кечира бошладилар, донна Каталинанинг оламдан ўтгани меҳмонларга аён бўлмаганида борми, уларнинг аксари бу жувонни, муқаррар, таниган бўлардилар. Бироқ Никколуччо, донна Каталинага ҳаммадан ҳам кўпроқ тикилиб қарай бошлади, уй соҳиби бир онга бу залдан чиқиб кетганида эса, бу аёлнинг кимлигини билиш иштиёқида ёниб, ўзини босиб тура олмай, ундан, сиз болоньяликмисиз ёки бошқа шахардан келдингизми, деб сўради. Донна Каталина эрига жавоб қилишга оғиз жуфтлади-ю, аммо келишилган шартни эслаб, жим ўтираверди. Бошқалар ҳам ундан, ўғилча ўзингизникими, сиз мессер Жентиленинг хотинимисиз ё биронта қариндошимисиз, деб сўрай бошладилар, лекин донна Каталина биронта ҳам саволга жавоб қайтармай жим ўтираверди. Ниҳоят, хонага кириб келган мессер Жентилега меҳмонлардан бири шундай деди: «Мессер! Бу аёл дарҳақиқат бениҳоя гўзал экан, лекин у, чамамда, соқовга ўхшайди, шундай эмасми?».

«Хонимнинг сукут сақлаши, унинг ўта хушхулқлигидан далолат беради»,— деб жавоб қилди мессер Жентиле.

«Бизга айтсангиз, ким ўзи бу аёл»,— деди яна ўша меҳмон.

«Жоним билан айтаман,— деди мессер Жентиле.— фақат бир шартим бор, мен нима деб гапирсам ҳам то гапимни тугатмагунимча ўтирган ўринларингиздан қўзғалмасликка менга сўз бера-сизлар».

Ҳамма сўз берди ва дастурхонлар йиғиштирилиб олинган ҳа-моноқ, мессер Жентиле донна Каталинанинг ёнига ўтириб, шундай ҳикоя қила бошлади: «Синьорлар! Боя сизларга садоқатли ва вафодор хизматкор ҳақида ҳикоя қилганимда, мана шу аёлни на-зарда тутган эдим. Бу аёлнинг яқин хешлари қадрига етмай, худ-ди ортиқ кераги бўлмайдиган, яроқсиз нарсадек, уни кўчага олиб чиқиб ташладилар, мен бўлсам уни уйимга олиб кетдим, астойдил ҳаракат қилиб, кўп куч сарфлаб ахири уни ўлим чангалидан халос этдим, парвардигор менинг бу тиришқоқлигимга шаҳодат билди-риб бу мурдани соҳибжамол аёлга айлантирди. Ҳамма гап тушу-нарли бўлсин учун сизларга бўлган воқеани қисқа қилиб сўзлаб бераман». Мессер Жентиле ўз ҳикоясини донна Каталинани севиб қолганидан бошлаб, бу ерда ҳозир бўлганларни ҳайрон-ҳайрон қолдириб, бутун воқеани батафсил сўзлаб берди. «Мана шунақа,— деб хулоса қилди у,— агарда биронтангиз, энг муҳими — Никко-луччо, ўз чиқарган хулосангиздан воз кечмасангиз, бу аёл меники бўлиб қолади,— зеро, ҳалол хизмат билан топганман уни,— бино-барин уни мендан талаб қилишга ҳеч кимнинг ҳақи бўлмайди».

Меҳмонлардан биронтаси ҳам унга жавоб бера олмай лол қолган эди — ҳамма, унинг яна биронта гап айтишини интизор бў-либ кутиб ўтирарди. Никколуччо, ўзга меҳмонлар ҳамда донна Каталинанининг ўзи ҳам юраклари ийиб кетгандан юм-юм йиғ-лардилар. Шу чоғ бирдан мессер Жентиле ўрнидан туриб, шундай гап бошлади: «Хуллас, кум, мен сенга, сенинг ва хотинингнинг қари, дошлари кераксиз матоҳдек улоқтириб ташлаган хотинингни қайтараётганим йўқ, балки мана бу аёлни, яъни менинг кумамни ўғилчаси билан бермоқчиманки, бу ўғилча шак-шубҳасиз сенинг пуштикамарингдан бўлган ва мен уни черковда табаррук сувда чўмилтириб, чўқинтириб, унга Жентиле, деб от қўйганман. Умид қиламанки, яқин уч ойча менинг уйимда истиқомат қилиб тургани учун сен бу аёлни ёмон кўрмассан: худони тилга олиб, онт ича-ман,— тангрим кўнглимга муҳаббат туйғусини солганда, шу му-ҳаббатим қувваси билан бул хонимни ўлимдан қутқариб қолишни кўзлаган бўлса ажаб эмаски, оқибатда айнан шундай бўлиб ҳам чиқди,— сенга онт ичаман, хотининг ота-онаси билан яшаганда ҳам, сен билан яшаганда ҳам, менинг уйимда, онамнинг парвари-шида бўлганчалик беқусур яшаган эмас». Шундан сўнг у донна Каталинага юзланиб бундай деди: «Донна Каталина! Энди сиз менга берган барча ваъдаларингиздан озодсиз, бинобарин, ихтиёр қилсангиз, мана Никколуччо билан кетишингиз мумкин». Мессер Жентиле шу сўзларини айтиб бўлиб, донна Каталинани боласи билан Никколуччога топширди ва ўз ўрнига бориб ўтирди.

Никколуччо ўз хотини билан фарзандини топганидан беҳад хурсанд эди, у хотини билан бирон пайт келиб яна дийдор кўри-шажагидан бутунлай умидини узган эдиким, шу ҳолнинг ўзи унинг

хурсандлигига хурсандлик қўшган эди; шунга кўра у мессер Жентилега чин қалбдан миннатдорчилик изҳор қилди, бу ерда ҳозир бўлган бошқа меҳмонлар юраклари ийиб кетганидан, кўз ёш қилишиб, мессер Жентилега таҳсинлар ўқишди; кейинчалик эса, бу ҳақда эшитган одамларнинг ҳаммаси уни мақтаб, одамохунлигига қойил қолдилар. Донна Каталинанинг уйидагилар уни ғоятда зўр шод-хуррамлик билан қарши олдилар, лекин бундан кейин ҳам яна узоқ вақтгача Болонья аҳли, гўр оғзидан қайтиб келган бу хонимни худди бир мўъжизадек билиб, ҳар кўрганда, унга ҳайрат билан тикиладиган бўлдилар, мессер Жентиле эса, шу воқеадан кейин Никколуччо билан, унинг қариндошлари ва донна Каталинанинг қариндошлари билан ҳам дўст-иноқ бўлиб кун кечира бошлаган экан.

Хўш, сизлар бунга нима дейсизлар, муруватли хонимлар? Еки сизлар, ўзининг салтанат ҳассаси билан тожини туҳфа қилган қирол, папани қароқчи билан осонгина яраштириб қўйган аббат ёки душманининг пичоғига бўғизини тутиб берган чол жасорат бобида мессер Жентилега тенг кела олади, деб ўйлайсизми? Мессер Жентиле, юрагида ўти бор, навқирон йигит бўла туриб, ўзгаларнинг бепарволиги оқибатида ҳазар қилиниб, чиқитга чиқарилган нарсани топиб олган, жон куйдириб уни парвариш қилиш бахтига мушарраф бўлган ва эндиликда, унга эга бўлиш учун ўзини тўла ҳақли деб ҳисобласа ҳам беқиёс даражада диёнатли одам бўлганлиги сабабли, ўз ишқий ҳовурини боса олди; бу ҳам етмагандай: бир вақтлар бутун фикру зикрини қаратган ва ҳаттоки олиб қочиб кетишни ҳам кўнглига туккан шу бебаҳо бойлигига сазовор бўлган пайтида, уни ўз ихтиёри билан қайтариб берди. Йўқ, бундан олдин эшитганимиз, жасоратларни мессер Жентиленинг бу жасорати билан ҳеч қачон қиёс қилиб бўлмайди.

5

Донна Дианора мессер Ансальдодан январь ойида худди май ойидагидек боғ барпо этишни сўрайди; мессер Ансальдо бу иш учун бир азайимхонни ёллайди ва унинг маҳорати билан шундай боғ вужудга келади; донна Дианоранинг эли мессер Ансальдонинг истагини қондириш учун хотинига ижозат беради, бироқ бундай ҳимматдан огоҳ бўлган мессер Ансальдо донна Дианорани, берган сўзининг устидан чиқмасликка ундайди, азайимхон эса, ўз навбатида қилган хизмати учун мессер Ансальдодан ҳақ олмайди

Қувноқ жамоа мессер Жентилени мадҳ этавериб кўкларга кўтарди; кейин қирол Эмилияга ҳиқоя қилишни амр этди ва у гўё бу дамни орзиқиб кутаётгандай, киборона хотиржамлик билан ўз ҳикоясини шундай бошлади:

— Раҳмдил хонимлар! Мессер Жентилени беҳиммат одам, деб айтишга ҳеч кимнинг тили бормайди ва лекин агар биронга одам, ҳеч ким ундан ортиқроқ ҳиммат кўрсата олмайди, деган фикрни баён қилса, у одамни бу фикридан қайтариш қийин бўлмас эди. Менинг қисқагина ҳикоямда айнан мана шу ҳақда гап боради.

Совуқ юрт бўлса ҳам, лекин гўзал тоғлари, беҳисоб дарёлари ва зилол булоқлари билан кўзни қувонтирувчи Фриули¹ вилоятида Удине шаҳри бор,— мана шу шаҳарда бир вақтлар донна Дианора исмли соҳибжамол ва номусли бир аёл ўтган бўлиб, у Жильберто исмли ғоятда бадавлат, дилкаш ва мулойимтабиат зотнинг хотини эди. Аммо мессер Ансальдо Граденсе исмли донгдор, қудратли ва юксак мартабали амалдор, жангу жадалларда кўрсатган жасоратлари, шунингдек, ўзининг хуштакаллуфлиги билан танилган бир зот донна Дианоранинг эзгу фазилатларига шайдо бўлиб қолган эди. У донна Дианорани зўр эҳтирос билан севар ва унда ҳам ўзига мойиллик уйғотиш учун астойдил ҳаракат қилар, унга мактуб кетидан мактуб юборарди-ю, бироқ барча уринишлари зое кетаверарди. Бора-бора мессер Ансальдонинг бу хираликлари донна Дианоранинг жонига тегиб кетди; унинг илтимосларига мудом рад жавобини бериб келаётган бўлишига қарамай, ошиқнинг ишқи барибир заррача ҳам совимаётганини ва ҳамон хиралик қилишда давом этаётганини кўриб, донна Дианора унга ғайри табиий ва ўзининг назарида, асло бажариб бўлмайдиган бир илтимос билан мурожаат қилмоқчи ва шу баҳона билан унинг шилқимлигидан қутулмоқчи бўлди.

Шундай қилиб, кунларнинг бирида донна Дианора, мессер Ансальдонинг элчиси сифатида уйига тез-тез келиб турувчи аёлга шундай деди: «Тасаддуқ! Мана, сенинг таъкидлашингча, мессер Ансальдо мени дунёдаги ҳамма нарсадан ортиқ севармиш, боғ устига, ҳар келганингда ундан менга ғаройиб совға-саломлар олиб келасан. Буларнинг ҳаммасини қайтариб олиб кет — мен совға эвазига уни ҳеч қачон севмайман ҳам, айтганларини қилмайман ҳам. Илло, борди-ю, мессер Ансальдо мени чинданам худди сен айтгандай севишини амалда исботлай олса, ана унда, мен ҳам уни севган ва хоҳишини бажаришга рози бўлган бўлардим, албатта. Майли, у менинг илтимосимни бажо айлаган заҳоти — ўзимни унинг ихтиёрига топшираман».

«Илтимосингиз нима ўзи, хоним?»— деб сўради муҳтарам аёл.

«Илтимосим шуки,— деб жавоб қилди донна Дианора,— мессер Ансальдо шаҳримиз ташқарисида январь ойида ям-яшил майсазори, гуркираб очилган гуллари ва япроқлари қуюқ дарахтлари бўлган бир боғ барпо қилсин. Агар у шундай боғ ярата олмаса — унда сени ҳам, бошқа бирон одамни ҳам менинг олдимга иккинчи элчи қилиб юбормай қўя қолсин; мен унинг бу қилиқлари ҳақида эримга ҳам, қариндошларимга ҳам ҳали оғиз очганимча йўқ, борди-ю, бундан буён ҳам мени тинч қўймайдиган бўлса, унда хешларимга албатта айтиб бераманки, ана унда, хоҳласа-хоҳламаса ўзини четга олишга мажбур бўлади».

Донна Дианоранинг илтимосини ва қўйган шартини эшитган мессер Ансальдога вазифа гарчи ниҳоятда мушкул ва бажарилли-

¹ Италиянинг энг шимолидаги вилоят. (Тарж.)

ши амри маҳол бўлиб туюлган бўлса ҳам ва донна Дианоранинг бундай мушкул топшириқ беришидан мақсад — ошиқнинг умидларини пучга чиқаришдан иборат эканлигини тушуниб турган бўлса ҳам, шунга қарамай, у ўз бахтини бир синаб кўрмоқчи бўлди ва бу борада маслаҳат солиб, ёрдам сўраш мумкин бўлган биронта одам топилиб қолмасмикин деб, дунёнинг барча қитъаларига чопар юборди, ниҳоят ўшандай одам топилиб, у катта пул эвазига азайимхонлик билан мессер Ансальдонинг мушкулани осон қилишга киришди. Мессер Ансальдо унга жуда кўп пул ваъда қилди ва энди, кўзланган муддатнинг келишини кутиб, олдиндан тантана қила бошлади. Ниҳоят муддат етди, гарчи қаҳратон қиш пайти бўлса ҳам, гарчи бутун борлиқ қор ва муз билан қопланган бўлса ҳам, биринчи январга ўтар кечаси ўша фаранги азайимхон кўзлаган ниятига эришиб, шоҳидларнинг гапларига қараганда, шаҳар чеккасидан бошланувчи ғоятда хушманзара водийнинг қоқ ўртасида ўша куни эрталаб ям-яшил майсазорлари, турли-туман мевалари фарқ пишган дарахтлари бўлган гўзалликда мисли йўғажиб бир боғ барпо этибди. Мессер Ансальдо бу боққа бир назар ташлади-ю, хурсанд бўлганидан боши осмонга етди ва дарҳол, энг ажиб мевалардан ва анвойи гуллардан узини ҳамда уларни хуфиёна равишда донна Дианорага тортиқ қилиб олиб боришни, сўнг унинг истаги бўйича барпо этилган боғни томоша қилишга хонимни таклиф қилишни буюрдиким, токи у мессер Ансальдонинг унга бўлган муҳаббатига шаҳодат билдириб, ўзининг онт ичиб берган ваъдасини эсласину номусли аёлга монанд тарзда ўшал ваъдасининг устидан чиқсин.

Донна Дианора гуллару меваларни кўриб ва ул ажиб боғ дарагини бошқа кўпчилик одамлардан ҳам эшитиб, сўз бериб қўйганидан энди афсуслана бошлади, лекин шунга қарамай, кўнгил ўшал мўъжиза боғни кўришга талпинарди; оқибат донна Дианора бошқа бир талай хонимлар билан боғни томоша қилгани борди-ю, уни кўриб, беихтиёр маҳлиё бўлиб қолди, лекин у уйига ниҳоятда ғамбода бўлиб ва қалби изтироб чекиб қайтди, чунки у шу боғ туфайли ўзининг не кўйга тушишини биларди. Донна Дианоранинг мушкулоти шу қадар кучли эдики, уни ичига ютиб, сир сақлашга қурби келмади ва қандай руҳий азобга тушгани чеҳрасидан сезилиб турган бўлганидан, эри унинг бу аҳволини бир қарашдаёқ пайқади, пайқагач эса, қўярда-қўймай сабабини суриштира бошлади. Донна Дианора анчагача тихирлик қилиб, сирни очмади, лекин эр унинг айтмаганига қўймади ва оқибат хоним эрига ҳамма бўлган гапни муфассал сўзлаб беришга мажбур бўлди.

Аваллига Жильберто бунини эшитиб, фиғони чиқиб кетди, бироқ кейин, хотинининг фақат яхши ният билан бундай иш тутганлигини эътироф этиб, фикрини ўзгартирди ва ўзини тутиб олиб, бундай деди: «Дианора! Фаросатли ва диёнатли аёл ҳар қанақа одамнинг гапига қулоқ осавермайди ва ҳечким билан ўз номусига доғ тушириши мумкин бўлган ҳеч қандай шартнома тузмайди. Ошиқ одамнинг қалби, унинг қулоғига эшитилган ҳар битта сўзини биз

тасаввур қилгандан юз карра сезгирлик билан қабул қилади, — мана шунинг учун ҳам ошиқнинг қўлидан келмаган нарса бўлмайди. Хуллас, сен яхши иш қилмабсан, негаки, биринчидан, бирининг гапига қулоқ солгансан, иккинчидан, шартнома тузгансан. Лекин мен қалбининг поклигига ишонаман, шунинг учун мушкулнингни осон қилиш мақсадида, сенга шундай иш кўришга ижозат бераманки, менинг ўрнимда, бошқа ҳеч бир эр бунга рози бўлмаган бўлур эди, бундан ташқари, мен азайимхондан қўрққанлигимдан ҳам шундай қилишга мажбур бўляпман: агарда сен мессер Ансальдони алдагудек бўлсанг, у биздан ўч олиш учун азайимхонни ишга солиши ҳам мумкин. Сен мессер Ансальдонинг ҳузурига боргин-да, шундай иш тутгинки, номусингга ҳам доғ тушмайдиган бўлсин, унга берган ваъдангни ҳам бажармайдиган бўлгин. Лекин борди-ю, агар ночор аҳволга тушиб қолгудек бўлсанг, майли, унга танингни беру, илло, қалбингни асло бера кўрма».

Хотин, эридан бундай фидойиликни қабул қила олмаслигини зор йиғлаб изҳор этди. Лекин у қанча тихирлик қилмасин, барибир Жильберто оёғини тираб туриб олиб, сўзини ўтказди, натижада хоним, тонг отиши билан наридан-бери кийиниб, мессер Ансальдо қошига равона бўлди; унинг олдида икки нафар хизматкори, орқасидан эса, оқсоч қиз кузатиб борарди.

Ўз қалбининг ҳокимаси ташриф буюрганини эшитган мессер Ансальдо ҳайрон бўлиб қолди ва тўшакдан туриб, азайимхонни ўз қошига чақиртирди. «Сенинг маҳоратинг шарофати билан, — деди у азайимхонга, — қандай улкан бахтга мушарраф бўлганимни ўз кўзинг билан кўришингни истайман». Кейин у хонимнинг олдида пешвоз чиқди ва кўнглига ҳеч қандай нопок истак тугмаган ҳолда, уни самимият билан қарши олди ва унга камоли эҳтиром кўрсатди-да, сўнг уни каминида олов лангиллаб ёниб турган ғояда муҳташам хонага бошлаб кириб, курсига ўтказди ва шундай гап бошлади: «Донна Дианора! Менинг сизга бўлган бир вақтлардаги муҳаббатим бирон-бир армуғонга лойиқ эрса, уйимга бунчалик барвақт ва бундай кузатувчилар билан ташриф буюришингизнинг чинакам сабабчиси нима эканлигини менга лутфан ошкор қилсангиз».

Донна Дианора хижолатдан йиғлагудай бўлиб, унга шундай жавоб қилди: «Мен сизни севганим тақдирда ҳам, мессер, барибир, қошингизга келмаган бўлардим ва бошимда қилич яланғочлашганда ҳам ўша ваъдамни бажармаган бўлардим, мен бу ерга эримнинг буйруғи билан келдим, эрим, сизнинг бемулоҳаза эҳтиросингиз самарасига ҳурмат билан қарагани учунгина, лекин бунинг оқибатида ўзининг ҳам, менинг ҳам номусимга доғ тушажagini била туриб, мени ҳузурингизга юборди. — хулласи калом, фақат эримнинг буйруғига кўра ва фақат шу бугун сизнинг ҳар қандай истагингизни бажаришим мумкин».

Мессер Ансальдо донна Дианоранинг ўз оёғи билан келганидан ҳайрон қолган эди; хонимнинг гапларини эшитгандан кейин эса, таажжуби янада ортди, шунга кўра у Жильбертонинг бунда

Ийи ҳимматидан ҳайратга келиб ва қалбидаги раҳм-шафқат туйғуси унинг оташ муҳаббати эҳтиросидан устун чиқаётганини ҳис этиб, донна Дианорага шундай сўзлар билан юзланди: «Донна Дианора! Агарда ҳамма гап айнан сиз айтганингиздек бўлган экан, менинг муҳаббатимдан бунчалик таъсирланган эрингизнинг ному-сига доғ туширишимга парвардигор асло йўл қўймагай. Хуллас, агар истасангиз, бир оз вақт уйимда меҳмон бўлиб қолинг ва менга сингил бўлинг, истамасангиз — кўнглингиз туссаган пайтда ўз ихтиёрингиз билан бу ердан чиқиб кетишингиз мумкин, фақат битта шартим бор, у ҳам бўлса, сиз ўзингиз маъқул кўрган иборалар билан менинг номимдан умр йўлдошингизга унинг мисли кўрилмаган бу саховати учун миннатдорчилик билдириб қўйсангиз, менга эса ўзимни сизнинг хизматкорингиз ва оғангиз деб ҳисоблашимга ижозат этсангиз».

Донна Дианора бу гапларни эшитиб, хурсанд бўлганидан боши осмонга етди. «Сизнинг нодир феъл эгаси эканлигингиз менга маълум эди,— деди у,— бинобарин, ушбу ташрифим оқибати айнан шундай бўлишига мутлақо имоним комил эди, бу яхшилигингиз учун умрбод сиздан миннатдор бўлиб қоламан». Шу сўздан кейин у мессер Ансальдо билан хайрлашди, мессер Ансальдо ҳам уни иззат-икром билан кузатиб қўйди, донна Дианора эса, уйига қайтиб келиб, ҳамма гапни Жильбертога сўзлаб берди, ўша вақтдан буён Жильберто билан мессер Ансальдо ораларидан қил ҳам ўтмайдиган жонажон дўст бўлиб кетишди.

Мессер Ансальдо азайимхонга шартлашилган ақчани бермоқчи бўлган эди, лекин азайимхон аввалига Жильбертонинг Ансальдога нисбатан, ундан кейин, Ансальдонинг донна Дианорага нисбатан қилган мардлигидан ҳайратга келиб, бундай деди: «Жильбертонинг ўз номусини фидо қилганини, сизнинг эса, ўз муҳаббатингиздан воз кечганингизни кўра туриб, мен ўзимга тегишли хизмат ҳақимдан воз кечмасам, худо нима дейди? Бу ақчалар ҳали асқатиб қолади — ўзингизга буюрсин».

Мессер Ансальдо ўзини жуда ўнғайсиз ҳис қилиб, азайимхонни, ўзига тегишли бўлган пулнинг ҳаммасини олмаса ҳам ҳеч бўлмаса, бир қисмини олишга ундай бошлади, лекин азайимхон ҳақ олишдан буткул бош тортди. Кейин, уч кун деганда, азайимхоннинг сеҳр-жодуси билан ўшал мўъжиза боғ ғойиб бўлган ва энди у ўз юртига жўнаб кетишга отланаётган бўлгани учун мессер Ансальдонинг унга оқ йўл тилашдан ўзга иложи қолмаган экан. Кейин мессер Ансальдо ўз шаҳвоний нафсини кўнглидан буткул чиқариб ташлаб, донна Дианорани севишда давом этибди-ю, илло, энди бу севгиси пок меҳрдан иборат бўлиб қолибди.

Хўш, бунга нима дейишимиз мумкин, о, оққўнгил хонимлар? Қайси бир севги кучлироқ: чалажон аёлга бўлган муҳаббати эндиликда умидсизликдан деярли сўниб, кулга айлана бошлаган мессер Жентиленинг севгисими ёки аввалги пайтига нисбатан юз карра кучлироқ сева бошлаган, ҳадемай ширин орзуси ушалишини кўз олдига келтира бошлаган ва армон қилган ўлжасини энди қўлига киритган мессер Ансальдонинг саховати? Турган гапки,

бу саховат олдида мессер Жентиленинг муруввати ҳеч гап бўлмай қолади — бу борада, менимча, бошқа фикр бўлиши ҳам мумкин эмас.

6

Енгилмас қирол Катта Карл бир қизни севиб қолади; кейин ўзининг бу бемулоҳазалигидан хижолат бўлиб, ўша қиз билан унинг синглиси учун энг яхши қайлиқлар топади

Донна Дианорага ким кўпроқ мурувват кўрсатгани (Жильбертоми, мессер Ансальдоми ёинки азайимхонми) ҳақида хонимлар ўртасида борган узундан-узоқ тортишувни муфассал баён қиладиган бўлсак, бу нарса жуда кўп вақтимизни олади. Қирол хонимларнинг мубоҳаса қилишига бир оз имкон яратиб берди-да, сўнг Фьяметтага юзланиб, унга ҳикоя қилишни амр этди-ю, шу билан мунозарага чек қўйди, Фьяметта ҳам дарҳол ҳикоясини бошлаб юборди:

— Дилрабо хонимлар! Мен ҳамма вақт, бизнинг жамоамиз қабилидаги даврада ҳар бир гап ҳар ёқлама изоҳланиши тарафдори бўлиб келганман, зеро, акс ҳолда, ҳаддан ташқари қисқа баён ҳар хил ножўя гапларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Қисқа баённи бизлардан эмас, мактабда, талабалардан талаб қилмоқ лозим: шундоқ ҳам ҳикояларимиз сичқоннинг думидай калта бўлиб кетяпти. Мен ҳам эътиборнингизга бир қисса ҳавола қилмоқчи эдим, лекин ўйлаб кўрсам, у ҳам мунозарага сабабчи бўлиши мумкин экан, шунга кўра мен бундан олдин баён қилинган қиссанинг қандай можаро туғдирганини эътиборга олиб, қиссамни ўзгартришни ва оддий фуқаро тўғрисида эмас, балки диловар қирол ҳақида ва унинг ўз номусига доғ туширмаган ҳолда кўрсатган жувонмардона рафтори ҳақида ҳикоя қилиб бермоқчиман.

Сиз билан биз қирол Катта Карл ёки Карл Биринчи ҳақида кўп эшитганмизки, шул зотнинг қирол Манфред устига қилган шавкатли юриши ва ажойиб ғалабаси шарофати билан Флоренциядан гибеллинлар бадарға қилинган, гвельфлар эса, қайтиб келган эдилар. Мана шу сабабга кўра, мессер Нери дельи Уберти исмли бир аслзода, ўзи билан жуда катта миқдорда ақча олиб, бутун оиласи билан Флоренциядан жўнаб кетди ва қирол Карлнинг паноҳи остида маскан қуришга аҳд қилди. У қолган умрини тинчгина ва танҳоликда ўтказиш ниятида Кастелламаре ди Стабиага борди. Бу ерда у ўзга хонадонлардан тахминан бир чақирим масофага жойлашган ва бу ўлканинг асосий набототи бўлмиш ям-яшил зайтун, ёнғоқ ва каштан дарахтларига бурканган бир муҳташам, ҳузургоҳ уйни, ёнида хушманзара боғи билан қўшиб сотиб олди ва боғнинг ҳар ер-ҳар еридан жилғалар оқиб ўтганидан фойдаланиб, бизнинг флоренцияликлар одати бўйича, чиройли ҳовуз кавлатиб, уни зилол сувга тўлдирди-да, бир талай балиқларни қўйиб юборди.

Мессер Нерининг бирдан-бир машғулоти мудом боғни парваршлаш ва унга турли-туман такомиллар киритишдан иборат эди, у ана шу иш билан машғул бўлиб юганида, кунлардан бир кун Кастелламарега жазирама иссиқдан ҳордиқ чиқариш учун қирол Карл келди. У мессер Нери деган зотнинг ғоятда ажиб боғи борлигидан хабар топиб, уни бир томоша қилишни истаб қолди. Кейин у боғ соҳибининг кимлигини билгач, унинг душман партияга мансублигини эътиборга олиб, у билан ҳаминқадар дўстона муносабатда бўлишга аҳд қилди ва унинг олдига элчи юбориб, эртага кечқурун ўзининг тўрт нафар муқарраби билан унинг боғида шунчаки овқатланиш нияти борлигини айттириб юборди. Мессер Нери учун бу ташриф ғоятда улкан илтифот эди; у азиз меҳмонни зўр дабдаба билан қарши олиш ҳақида хизматкорларига зарурий фармойишлар берди ва қиролни беҳад зўр шоду хуррамлик билан пешвоз чиқиб кутиб олди. Қирол мессер Нерининг уйини ва боғини айланиб томоша қилиб чиқди ва бу ердаги ҳамма нарса унга ғоятда мақбул бўлди; бу аснода ҳовуз бўйига столлар қўйилиб, дастурхон тузатилган эди, қирол қўлини ювиб, дастурхонга ўтирди ва ҳамроҳларидан граф Ги де Монфорга ўзининг бир ёнидан, мессер Нерига эса, иккинчи ёнидан жой кўрсатди, қолган учта ҳамроҳига эса, таомларни мессер Нери жорий қилган тартибда дастурхонга тортишни буюрди. Таомлар ғоятда нафис, шароблар ниҳоятда хуштаъм ва ноёб эди, таомлар ҳеч қандай югур-югурсиз ва кечиктирилмасдан ниҳоятда қатъий тартибга риоя қилинган ҳолда тортилардики, қирол буларнинг ҳаммасига таҳсинлар ўқиди. Қирол шу зайлда вақтичоғлик билан овқатланиб ва бу хушманзара гўшадан лаззатланиб ўтираркан, бир пайт олтинранг сочлари қўнғироқ-қўнғироқ бўлиб кетган ўн беш ёшлар чамасидаги иккита қиз боққа кириб келди; иккови ҳам бошига ям-яшил новдалардан тўқилган чиройли гулчамбар тақиб олган эди; уларнинг тароватли ва гўзал чеҳралари кўпроқ малаклар рухсорини эслатарди; эгниларидоғи ниҳоятда нафис, қордек оппоқ матодан тикилган кўйлақлари белларигача баданларига чиппа ёпишиб турар, белдан тортиб то товонларигача эса, чодир сингари кенгайиб тушган эди. Олдинда келаётган қиз елкасига иккита тўр ташлаб, уларни чап қўли билан ушлаб келар, ўнг қўлида эса узун таёқ бор эди. Унинг орқасидан изма-из келаётган иккинчи қиз эса, чап елкасида това кўтариб, қўлтиғига бир боғ шох қистириб олган эди, унинг бир қўлида қозон осадиган учоёқ, иккинчи қўлида бир кўза зайтун мойи ва ёндирилган машъала бор эди. Қирол бу манзарадан ҳайратга келиб, яқинлашиб келаётган қизларга ҳайрат билан тикилиб қолди.

Бу камсуқум ва тортинчоқ қизлар қиролга таъзим қилишиб, сўнг ҳовуз бўйига бордилар, улардан бири ўзи билан олиб келган това ва ҳоказоларни ерга қўйиб, дугонасининг қўлидан узун таёқни олди, шундан кейин иккала қиз ҳовузга тушишди, сув уларнинг кўкракларидан келарди. Мессер Нерининг хизматкорларидан бири шу топ ҳовуз бўйида ўт ёқиб, товони ўчоққа осди ва унга ёр солиб доғ қиларкан, қизларнинг ҳовуздан балиқ тутиб ташлаш-

ларини кута бошлади. Қизлардан бири балиқлар кони бўлган жойларни қўлидаги таёқ билан кавлаштирар, иккинчиси эса, тўрни тайёрлаб ушлаб турарди, шу зайлда улар, сал вақт ичида оламжаҳон балиқ тутиб, бу хатти-ҳаракатларини диққат билан кузатиб ўтирган қиролнинг кўнглини бениҳоя хушнуд этдилар; қизлар тутган балиқларини ўчоқбошида пойлаб ўтирган хизматкорга ташлардилар, у эса, ҳар бир балиқни жони узилиб улгурмасданоқ товага ташлаб қовура бошларди, кейин қизлар энг чиройли балиқларни тутиб, қиролнинг, графнинг ва ўз оталарининг столига ота бошладиларки, бундай қилишни мессер Нери қизларига олдиндан тайинлаб қўйган эди. Балиқлар стол устида типирчилашаркан, бундан қиролнинг кўнгли яна ҳам чоғ бўлиб кетди; у ҳам қизларга тақлид қилиб, столи устига келиб тушган балиқларни чаққонлик билан яна қизларнинг ўзига ота бошладди, бу шўх ўйин то хизматкор балиқларни қовуриб бўлгунича давом этди, ана шунда мессер Нери қовурилган балиқни қиролга лазиз ва нодир таом сифатида эмас, балки газак тариқасида таклиф қилишни буюрди. Қизлар, ўз тутган балиқларининг ҳаммаси қовурилиб бўлганига ва шунинг ўзи кифоя эканлигига ишонч ҳосил қилишгач, сувдан чиқдилар; уларнинг ҳарир оппоқ кўйлақлари баданларига чиппа ёпишиб, нозик баданларининг бутун тахлитини янқол кўрсатиб турарди. Иккала қиз ўзларни билан олиб келган афзалларини яна қўлга олишиб, ерга қараганча қиролнинг ёнidan ўтиб, уй томон йўл олдилар. Қирол, граф ва уларга мулозамат қилаётганлар қизларга маҳлиё бўлиб қолдилар; уларнинг ҳар бири бу икки қизнинг гўзаллиги, нафосати, хушмуомалалиги ва хушахлоқлигини ўзича эътироф этди, лекин қизлар ҳаммадан ҳам кўпроқ қиролга манзур бўлган эдилар,— улар сувдан чиқишганда қирол кўзларини уларга тикиб, шундай бақрайиб қолган эдики, агар ўша дақиқада уни биров чимчилаб олса, ҳатто оғриқни ҳам сезмаган бўлар эди. Гарчи у бу қизлар тўғрисида ҳали аниқ ҳеч нима билмаса ҳам ҳалатдан бутун фикру зикри шу қизларда бўлиб қолган эди; бинобарин, энди унинг бутун орзу-армони қизларга ёқишдан иборат бўлиб қолдики, қирол, агарда ўз эҳтиросимни тийишга кучим етмаса, бу қизларга ошиқ бўлиб қолишим турган гап, деган хулосага келди, ваҳоланки у, бир олманинг икки палласидек бири-бирига ўхшаш бу икки қизнинг қайси бири кўпроқ мафтун этаётганини айтишга ожиз эди.

Ниҳоят, қирол хаёлчанликни тарк этиб, мессер Нерига юзланди ва ундан бу қизларнинг кимлигини сўради. «Булар, аъло ҳазрат, менинг эгизак қизларим,— дея жавоб қилди мессер Нери,— улардан бирининг исми Соҳибжамол Жиневра, иккинчисиники — Малласоч Изольда». Қирол қизлар тўғрисида кўп мақтов сўзлар айтди ва уларни турмушга бериш пайти етганини тилга олди, бироқ мессер Нери, қизларимни ҳали эрга бериш ниятим йўқ эди, деди.

Кечлик овқатга ҳозирланган таомларнинг ҳаммаси дастурхонга тортилиб бўлгач, бу ерда яна ўша икки қиз энг ноёб шоҳидан тикилган кўйлақда пайдо бўлди; улар анвойи мевалар тоғ қилиб

уйилган иккита каттакон кумуш лаганны кўтариб чиқиб, уларни қиролнинг олдига қўйдиларки, ушбу меваларнинг ҳаммаси йилнинг бу фаслида шу боғда пишиб етилган эди. Кейин қизлар столдан сал нари кетишиб, қўшиқ куйлай бошладиларки. у қўшиқ мана бундай сўзлар билан бошланар эди:

Қайга келиб қолдим мен, Амур —
Йўқдир баён айлашга мажол.

Қизларни мароқ билан томоша қилаётган ҳамда ёқимли ва уйғун қўшиқларини ҳузур қилиб тинглаб ўтирган қиролнинг назарида, гўё арши аълодаги жамики малойикалар бу ерга учиб тушиб, қўшиқ куйлай бошлашгандай туюла бошлади. Сўнгра қизлар қўшиқни куйлаб бўлиб, қирол қаршисига тиз чўкишди ва кетиш учун ижозат сўрашди, бундай илтимосни бажариш қирол учун нечоғли оғир бўлса ҳам у сохта табассум билан қизларга руҳсат берди. Зиёфат тугаб, қирол ва унинг ҳамроҳлари отларга миндилар, мессер Нери билан хайрлашдилар ва ҳар турли нарсалар тўғрисида суҳбат қуришганча, саройга қайтдилар.

Қирол ишқ дардини барчадан сир тутса ҳам барибир, ҳаттоки энг муҳим ишлар билан машғул бўлган пайтларида ҳам ҳар доим Жиневранинг дилрабо ва фусункор жамолини кўз олдига келтирар ва айни пайтда у шундай ўтли муҳаббатини, гўзалликда опасидан асло қолишмайдиган ва унга худди қуйиб қўйгандай ўхшовчи Изольдага ҳам қаратган эди, шундай қилиб, қирол муҳаббат домига илиниб шундай ўралашиб қолдики, бутун фикру зикри шу қизларда бўлиб қолди; у мессер Нери билан дўст тутиниб, ҳар хил баҳоналар билан аслида эса — Жиневранинг жамолини кўриш мақсадида, — унинг боғига тез-тез қадам ранжида қила бошлади. Лекин муҳаббат азобига ортиқ бардош бера олмаслигини ҳис қилган қирол, ўз ниятига етмоқ учун ҳеч бир чора топа олмагач, мессер Нерининг иккала қизини ҳам бирваракайига ўғирлашга қарор қилди ва ўзининг ишқий майли ва режасини графга изҳор этди, граф эса, олиҳиммат одам бўлганлиги сабабли, қиролга жавобан бундай деди: «Онҳазратлари! Башарти бу изҳори ишқингизни мендан ўзгаларга ҳам баён қилганингизда ҳам, барибир, ҳеч кимни менчалик ҳайратга солмаган бўлур эдингиз, — ахир сизни мен болалик чоғингиздан яхши биламан, бинобарин феъл-атворингизни ҳам ҳаммадан кўпроқ ўрганганман. Агар янглишмасам, сиз йнгитлик чоғингизда ҳам, — ваҳоланки, муҳаббат бизни йнгитлик давримизда осонликча ўз домига тортиб ола олади, — ўша пайтларда ҳам сиз муҳаббатга бунчалик ҳирс қўймаган эдингиз ва лекин энди, ёшингиз ўтиб қолган пайтда дабудурустан муҳаббат тузоғига илинибсиз — бу мутлақо кутилмаган ҳолни ва сизнинг бу ғайри оддий журъатингизни эшитиб, ўз қулоқларимга ишонмай қолдим. Сизга танбеҳ бериш ҳуқуқига эга бўлганимда-ку, нима дейишимни ўзим билардим: ахир ҳали сиз жангда кийган совут, қалқонларингизни ечиб улгурганингиз ҳам йўқ. ўзингиз янги босиб олинган салтанатда, бегона халқ ора-

сида яшаб турибсиз, бу ерда фитнесчилар, хоннлар қалашиб ётган, улкан ташвишларингиз, зарур ишларингиз бошингиздан ошиб ётган бўлса-ю, ҳали ҳокимлик ҳуқуқларингизни тиклаб олишга улгурмаган, энг зарур ишларингиз ҳали бажарилмаган бўлса-ю, сиз васвасага тушиб оҳ-воҳ чекиб ўтирсангиз-а! Агарда азимкор қирол эмас, иродаси сушт бир йигитча шундай қилганда, уни кечирса бўларди. Бу ҳам етмагандек: сиз бир бегуноҳ одамнинг иккала қизини ўғирлаб кетмоқчи бўляпсиз, ҳолбуки, шу одам сизни баҳоли қудрат эмас, балки ўз имкониятидан зиёдароқ дабдаба билан кутиб олди ва сизни энг мўътабар меҳмон деб билгани учун ўз қизларига сиз аъло ҳазратнинг қаршингизда ярим яланғоч ҳолда пайдо бўлишга ижозат бердиким, бу билан у сизга худди ўзига ишонгандай ишонишини ва сизнинг ёвуз бўри эмас, балки қирол эканлигингизга асло шубҳа қилмаслигини исботламоқчи бўлди, Сизнинг бу мамлакатга кириб келишингизга имкон берган нарса — Манфреднинг аёлларга ўтказган шафқатсиз зулми эди-ку, ахир — наҳотки буни дарров унутган бўлсангиз? Сизни иззат-ҳурмат қилган одамдан унинг ҳам умидини, ҳам номусини, ҳам қувончини тортиб олиш — кўз кўриб, қулоқ эшитмаган бундай хиёнат учун киши дўзах ўтида ёниб, мангу азобдан боши чиқма-гай. Ахир одамлар нима дейди? Балким сиз: «Мессер Нери гибеллинлар партиядан бўлганлиги учун шундай қилдим!» — деб важ қилсам, гуноҳимни оқлайман, деб ўйлаётгандирсиз. Лекин одил қирол, ўзининг ким бўлишидан қатъий назар, голибнинг марҳаматига сизнинг таслим бўлган одамга шундай ёмонликни раво кўрадилми? Сизга бир нарсани эслатиб қўйишга ижозат беринг, онҳазратлари, Манфредни енгил ва Қоррадиони тормор келтириш — ғоятда буюк жасорат, бироқ ўз ҳирсини боса олиш эса, юз карра кучлироқ жасоратдир: баски, сизнинг вази-фангиз одамларга бош бўлиш экан. Биринчи навбатда сиз ўзингизни енгмоғингиз ва ўз ҳирсингизни тизгинламоғингиз лозимдир. Сиз шону шавкатга покиза қўлларингиз билан эришдингиз — энди уни булғашдан қўрқинг!»

Бу сўзлар қиролнинг қалбига қаттиқ таъсир қилди; у ҳамсуҳбатининг ҳаққоний гапларига мутлақо эътироз билдира олмасди, шу сабабли ҳам унинг сўзлари қиролни қаттиқ ранжитган эди. «Граф!— чуқур хўрсиниб қўйиб гап бошлади қирол.— Меннинг фикримча ҳам жангу жадалларда чиниққан тажрибали жангчи учун энг қудратли ва ҳар қандай душман ҳам унинг ишқий эҳтироси олдида ғоятда заиф, салга таслим бўладигандек туюлади. Ҳозир, бошимга тушган кулфат шу қадар оғирки, уни барта-раф қилмоқ учун бениҳоя улкан жасорат керак бўлади, шунга қарамай, сўзларингиз менга қаттиқ таъсир этди, бинобарин, баски, мен ўзгалар устидан зафар қозона олган эканман, сал фурсат ўтиши билан ўзимни ҳам қўлга ола биламанки, буни сизга амалда исботлағумдир».

Шу гапдан кейин орадан бир неча кун ўтиши билан қирол, биринчидан, шайдолик васвасасига тушишдан қўрқиб, иккинчидан эса, мессер Нерини кўрсатган меҳмондўстлиги учун муносиб тақ-

Дирламоқ учун Неаполга қайтди ва гарчи ўзининг энг ширин армонини ўзгага инъом этиш ниҳоятда аламли бўлса ҳам шунга қарамай, у иккала қизни мисоли ўз қизидек ардоқлаб, эрга беришга қарор қилди. Шу муносабат билан қирол, мессер Нерининг розилигига кўра, қизларга ғоятда қимматли сеплар ҳада этишга ошиқди ва уларни диловар ақобирларга: Соҳибжамол Жиневрани — мессер Маффео да Палиццига, Малласоч Изольдани эса — мессер Гвильелмо делла Маньяга эрга берди. Қирол қизларни шу тарзда бахтиёр этиб жойлаштириб, ўзи ғамга ботганча Апулияга¹ жўнаб кетибди ва ўша ерда эртаю кеч меҳнат билан банд бўлиб, бебош ҳирси ноласини сўндиришга муяссар бўлибди; шу йўсинда у муҳаббат кишанини узиб, парчалаб ташлабди-да, кейин то умрининг охиригача ишқ эҳтиросидан фориг бўлиб яшаган экан.

Эҳтимол баъзилар, иккита қизни тўй қилиб эрга бериш қиролдек улуғ зот учун ҳеч гап эмас, деб ўйлашса керак. Бу фикрга мен ҳам қўшилишаман. Лекин бу ишни ошиқ қирол қилганлиги, ўз севгилисини ўзгага турмушга берганлиги, боз устига, турмушга бера туриб, ўшал эзгу муҳаббатининг биронта япроғини ҳам, биронта гулини ҳам узиб олмаганлиги, унинг биронта мевасидан баҳраманд бўлмаганлиги, бу рафтор, менинг билишимча, энг юксак олиҳимматлилиқ, ҳаттоки ўта даражада жувонмардлик ҳисобланади. Мўътабар зотни саҳийлик билан тақдирламоқ, ўз севгилисига ҳиммат билан лутф айламоқ ва ўз ҳирсий нафсини тийишда ўзи билан ўзи курашиб, бу курашда зафар қучмоқ — бундай ишга фақат юксак қалб соҳиби бўлган қиролгина қодир бўлиши мумкин.

7

Лиза исмли хаста бир қиз қирол Педрони оташ муҳаббат билан севиб қолади, — бундан қирол хабар топади; у қизга тасалли беради, бир оз вақтдан сўнг эса, уни бир аслзода йигитга турмушга чиқаради, қизнинг пешонасидан ўпади ва шул кундан бошлаб, ўзини ўша қизнинг рицари деб ҳисоблайди

Фьяметта ўз ҳикоясини ниҳоясига етказиши билан ҳамма баварарига чуғурлашиб, қирол Карлнинг пурҳиммат жасоратига таҳсинлар ўқий бошлади, — ёлғиз бир хоним бундан истисно эди, зеро, у гибеллин аёли эди, шунга кўра у қиролни мақташни истамасди; кейин, давра қиролининг амри билан Пампинейя шундай ҳикоя қила бошлади:

— Муҳтарама хонимлар! Ҳар қандай оқил киши ҳам саховатли қирол Карл ҳақида айнан сизлар айтган гапларни айтган бўлур эди, — вале, ёлғиз бир хоним бундан мустасно бўлди, негаки, унинг қиролга хайрихоҳ бўлмаслиги учун ўз сабаби бордир. Энди мақсадга ўтадиган бўлсак, менинг хаёлимга бир воқеа кел-

¹ Апулия — Италиянинг жануби-шарқдаги вилоят. (Тарж.)

ди, унда баён қилинадиган рафтор ҳам, қиролнинг рафтори сингари зўр мақомага сазавор бўлса керак, назаримда,— мен қирол Карлнинг ғаними бўлмиш ўзга қиролнинг бир флоренциялик қизга қандай муносабатда бўлганини назарда тутяпман,— мен мана шу ҳақда сизларга ҳикоя қилиб бермоқчиман.

Французлар Сицилиядан қувилганидан кейин, Палермода Бернардо Пуччини исмли ўзимизнинг флоренциялик бир аптекачи истиқомат қилиб турган эди, у ниҳоятда бой-бадавлат бўлиб, гўзалликда тенги йўқ, бўйи етиб қолган биттаю битта қизи бор эди. Қирол Педро Арагоний оролида ҳоким бўлиб турган кезларида Палермо шаҳрида ўзининг ҳамдўстлари билан биргаликда дабдабалик сайил-томошалар ўтказиб турарди, мана у, кунларнинг бирида Каталония таомлига амал қилиб, мардлар мусобақасига қатнашаётганда, ўзга хонимлар билан дераза олдида туриб, мусобақани томоша қилаётган Бернардонинг қизи Лиза уни кўриб қолади ва шу кўрганининг ўзида уни шунчалик ёқтириб қоладики, бир-икки нигоҳ ташлагач, қиролга девоналардек шайдо бўлиб қолади. Мана, байрам ҳам тугаб, орадан анча вақт ўтди, аммо ўз отаси паноҳида яшовчи Лиза ҳамон ўша илоҳий ва беғубор ишқ алаңасида қовурилиб ётарди. Ҳаммадан ҳам ўзининг толеи паст бўлиб яратилгани учун қаттиқ изтироб чекарди,— унинг эзгу армонини пучга чиқараётган нарса ҳам,— мана шу фикр эди; шундай бўлса ҳам унинг қиролга бўлган муҳаббати ошса ошди-ю, аммо асло камаймади — Лиза буни бирон йўл билан ошкор қилишдан қўрқарди, холос. Қирол эса, ҳеч нимани кўрмас; ҳеч нимани пайқамасди, бу ҳол Лизани ниҳоятда оғир ва мисли кўрилмаган азобга соларди. Алқисса, қизнинг муҳаббати кун сайин зўрая, ғам-алами эса, мудом орта борди; бунинг оқибати шу билан тугадикки, гўзал қиз қайғунинг зўридан тоби қочиб ётиб қолди — у, мисоли илдизи чопилган гулдай тез сўлий бошлади. Шўрлик ота билан она қизининг дардига шифо топиш учун ўзларини не кўйларга солмадилар: унинг кўнглини кўтаришга уриниб кўрдилар, устма-уст табибларни чақиртирдилар, ҳар турли дори-дармон бердилар — лекин қизга ҳеч нима кор қилмади: қиз ўз муҳаббати самарасидан умид қилиб бўлмаслигини яхши тушунарди, шунинг учун у бу ёруғ жаҳонни тарк этишни афзал кўрди.

Кунлардан бир кун ота, кўнглингдаги армонингни айт, қизим, ҳар қандай истагингни ҳам бажаришга тайёрман, деб айтди; бу гапни эшитган қизнинг миясида, агар имконияти бўлса, ўлимим олдидан қиролга ўз муҳаббатимни ва орзу-армонимни нэхор қилган бўлардим, деган фикр пайдо бўлди; мана, у кунларнинг бирида отасига юзланиб, Минуччо д' Арещони чақириб беришни илтимос қилди. Уша пайтда бу одам ҳам хонанда, ҳам созанда сифатида донг таратган эди, қирол Педро ўз саройида уни очиқ юз билан қарши оларди, Бернардо ҳам қизим унинг кўшиқларини кўмсаётган бўлса керак, деб ўйлаб, Минуччони уйга таклиф қилди,— у ҳам илтифот кўрсатиб, дарҳол Лизанинг қошига етиб келди. У Лизанинг кўнглини кўтарувчи бир неча сўз айтиб, виола чалиб,

қизнинг қулогига хуш ёқадиған ишқий қўшиқ куйлаб берди, бироқ бу қўшиғи билан у қизнинг кўнглига тасалли бериш ўрнига, унинг муҳаббати ўтига мой сепиб, алангалатиб юборған эди.

Қиз Минуччо билан яккама-якка гаплашмоқчи бўлганини изҳор қилди, сўнг, Минуччодан бошқа ҳамма чиқиб кетгач, унга шундай сўзлар билан юзланди: «Минуччо! Сиримни садоқат билан сақлай оладиган одам керак менга, бунинг учун мен сени танладим: умид қиламанки, у сиримни мен тайинлаган одамдан бўлак ҳеч кимга айтмайсан, бутун умидим сендан. Менга илтифот қилу ёрдамнингни аяма! Шунини билишинг керакки, азизим Минуччо, қирол Педро аъло ҳазратларининг тахтга ўтириши муносабати билан уюштирилган катта маросим кунни уни мардлар мусобақасида қатнашаётганини кўриб қолдим уша он мен учун машъум он бўлди, зеро, қалбимда унга муҳаббат туйғуси ўт олиб, шу ўт мени ҳозирги мушкул аҳволимга солиб қўйди. Биламан, қирол менинг муҳаббатимни жавобсиз қолдиради, лекин шу муҳаббатимни нафақат қалбимдан сиқиб чиқаришга, ҳаттоки уни тийиб олишга ҳам мен ўзим ожизлик қиламан, бу уқубатни кўтариб юришга эса, асло қурбим етмайди, шунинг учун осонроқ йўлни, яъни ўлимни танладим ва шундай қиламан ҳам. Лекин агар ўлим олдидан ўз муҳаббатим ҳақида қиролга сўзлаб бермасам, ўлишим қийин бўладиганга ўхшайди, баски, бу борада сендан яхшироқ воситачини билмаган бўлганлигимдан, бу ишни сенга топширмоқчи бўлдим ва шу илтимосимни рад этмаслигини сендан ёлвориб сўрайман. Илтимосимни бажарганиндан кейин, бу ҳақда менга хабар қил, шунда юрагим оғир қайғудан фориг бўлади-ю, мен хотиржам дунёдан кўз юаман». Шу гаплардан кейин қиз юм-юм йиғлай бошлади.

Минуччо Лизанинг руҳан бардамлигидан ҳам, унинг ўзига нисбатан бунчалик шафқатсизлигидан ҳам ҳайратда қолди-ю, унинг аҳволига жуда раҳми келди. Шу заҳотиёқ у Лизага дурустроқ ёрдам бериш йўлини ўйлаб топиб, унга бундай дея жавоб қилди: «Сўз бераман, Лиза, сирингни ҳеч кимсага очмайман, сўзим аниқ. Бундаини бузрук зотга бўлган диловарона муҳаббатингга мен қойил қолдим ва сенга ёрдам беришга қарор қилдим, бинобарин, сени ишонтириб айтаманки, агарда ўз кайфиятингни бузмасликка сўз берсанг, орадан уч кун ўтар-ўтмас, сенга албатта хушхабар олиб келаман. Энди, қимматли вақтни бекор ўтказмаслик учун мен ҳозирнинг ўзидаёқ ишга киришай». Лиза ўзини яхши тутишга сўз бериб, Минуччога муваффақият тилади. Минуччо ҳам Лизанинг ҳузуридан чиқиб, ўша пайтнинг дурустгина шоирни ҳисобланмиш Мико да Сиенанинг қошига борди, шоир ҳам Минуччонинг илтимосига кўра қуйидаги шеърни ёзиб берди:

Севгим, югур! Ёргинамни топ!
Эҳтиросим тутиб, мен пинҳон,
Ажалимни кутамаи ҳар оч,
Оҳ, нақадар чекаман азоб.

Раҳминг келсин, шамолдай тез чоп,
Ҳукмдорим уйини сен топ,
Унга дегил: афтода бир қиз
Тун-кун сени ўйлайди сўзсиз,
Уни қамраб олган бир оташ,
Бир оташки, бераҳм, беомон.
Уни адо қилди бу кураш,
У кўйингда бермакдадир жон.
Чиндан ҳам у ҳозир чалажон,
Лекин бунга сабабчи яккаш
Бир сендирсан, эй офатижон.
Мен ҳурков қуш бўлиб қолдим, оҳ,
Севги олиб кетди журъатим.
Ташлолмайман ёримга нигоҳ,
Азоб берар менга фурқатим.
Фикру ўйинм фақат ундадир,
Усиз дунё кўзларимга тор.
Усиз ҳаёт уқубат, озор,
Усиз уйим — қоронғи қабр.
Агар ютиб номус-оримни,
Кўзгинамни қиссам бир марта,
Кўрган бўлар эдим ёримни,
Қувонарди у ҳам албатта.
Севаману тутаман пинҳон,
Айтай десам етмас журъатим,
Мушкулимни айлагил осон,
Мадад бергил, эй муҳаббатим!
Ишқ — маликам, менга шафқат қил,
Соҳибжамол йигитга дегил,
Бир кун уни кўрганман отда,
Совут-қалқон кийиб у, дадил
Борар эди пўлат қанотда,
Елдай учиб соврин-улоқда,
Шундан буён йўқдир оромим,
Уни кўриш — ягона комим,
Келсин.

токи ўлмай фироқда...

Минуччо бу сўзларга мослаб, дарҳол қўшиқнинг мазмуни та-
лаб қилгандек, майин ва ҳазин музика ёзди, учинчи кун келганда,
қирол Педронинг дастурхонда ўтирган пайтини пойлаб, саройга
борди, қирол Минуччога юзланиб, виолада бирон нима чалиб,
қўшиқ айтиб беришни илтимос қилди. Шунда Минуччо шундай хуш
овоз билан қўшиқ куйладикки, бу ерда ҳозир бўлганларнинг ҳам-
маси донг қотиб қолишди ва қўшиқни чурқ этмай зўр эътибор би-
лан тинглашди, лекин қўшиқни энг зўр эътибор билан тинглаган
одам қирол бўлди. Минуччо қўшиқни ижро этиб бўлиб жим қол-
гач, қирол ундан, бу қандай қўшиқ, мен уни биринчи эшитишим,
деб сўради.

«Қўшиқнинг сўзлари ҳам, музыкаси ҳам бундан уч кун бурун ижод этилди, онҳазратлари»,— дея жавоб берди Минуччо. Қирол, кимга бағишланган бу қўшиқ, деб сўради. «Буни мен фақат ёлғиз ўзингизга айтишим мумкин»,— деб жавоб қилди Минуччо.

Дастурхонлар йиғиштирилиши билан янги гапни билишга сабри чидамаётган қирол Минуччони ўз хонасига чақирди, ана шунда Минуччо Лизадан эшитган гапларининг ҳаммасини қиролга муфассал сўзлаб берди. Қирол унинг гапларини зўр мамнуният билан тинглади, Лиза ҳақида кўп мақтов сўзлар айтди ва шундай гўзал қизга ғамхўрлик қилмаслик яхши эмас, деган қарорга келиб, Минуччодан, ҳозироқ қизнинг олдига бориб, унга таскин беришни ва ўзининг шу бугун кечқурун уни кўргани албатта боражагини айтиб қўйишни илтимос қилди.

Лизага бундай хушxabар етказиши мумкинлигидан терисига сизмай хурсанд бўлиб кетган Минуччо виоласини қўлтиғига қис-тирганича, ҳеч қаёққа кирмай, тўғри қизнинг ҳузурига шамолдек олиб кетди, сўнг у билан ёлғиз қолиб, ҳамма гапни айтиб берди, яна виоласи жўрлигида ўша қўшиқни қизга куйлаб ҳам берди. Қиз шу қадар хурсанд, шунчалик хушбахт эдики, шу зумнинг ўзидаёқ сезиларли даражада тузала бошлади; ва лекин бу ўзгаришни унинг яқин хешларидан ҳеч ким сезганиям, пайқаганиям йўқ, бу аснода қиз кеч киришини, аъло ҳазратнинг келадиган пайтини сабрсизлик билан кутарди. Қирол эса, Минуччо чиқиб кетгандан кейин ҳам унинг айтганлари ҳақида узоқ ўйланиб қолди, лекин у мурувватли ва шафқатли ҳукмдор эди, шунингдек, Лизанинг қанчалик соҳибжамол эканлигини ҳам жуда яхши биларди, шу боисдан унинг қалбида қизга нисбатан раҳм-шафқат туйғуси кўпроқ жўша бошлади. Мана, кеч кириши билан у гўё сайр қилгани кетаётгандек отга минди ва аптекачининг уйи олдида тўхтаб, ундан ажойиб боғини кўрсатишни илтимос қилди, сўнг отдан тушди-да, бир оз давом этган суҳбатдан сўнг, Бернардодан: «Қизингиз яхши юрибдими, ҳали уни эрга берганингиз йўқми?»— деб сўради.

«Йўқ, онҳазратлари, ҳали қизим эрга теккани йўқ,— деб жавоб қилди Бернардо,— у кўп касал бўлди, ҳалиям хаста: дарвоқе, бугун тушлиқдан кейин, мўъжиза юз бериб, тўсатдан анча ўзига келиб қолди».

Қизнинг дабдурустдан бундай тез тузала бошлагани сабабини пайқаган қирол аптекачига бундай деди: «Виждонан айтадиган бўлсам, бундай дилбар хилқатдан жудо бўлиш ғоятда ачинарли ҳол бўлур эди. Биз уни кўрмоқ истаймиз».

Шундан кейин қирол ўзининг икки ҳамроҳи ва Бернардо билан қизнинг ётоқхонасига кирди, унинг келишини зўр ҳаяжон билан зориқиб кутиб, бошини хиёл кўтариб ётган қизнинг чорпоясига яқин бориб, унинг қўлини ушлаб туриб, деди: «Сизга нима бўлди, донна Лиза? Сиз ҳали шундайин навнихол бўлсангиз, ахир умидсизликка тушганларга ўзингиз далда беришингиз керак-ку, сиз бўлсангиз бетоб бўлиб ётиб олибсиз! Бизга ўз меҳру муҳаббатингизни намойиш қилинг — тезроқ тузалин!»

Қиз ўз қўлини маҳбубининг қўлида ҳис этиши билан уялиб кетган бўлса ҳам қалби шу дақиқада самовий ҳаловат ҳис қила бошлаган эди. Мана шу аснода у ўз қалби даъвати билан қиролга шундай жавоб қилди: «Аъло ҳазрат! Хасталигим боиси — руҳий изтиробдирки, бу изтироб менинг ожиз жисмимдан қўл марта устуңлик қилмоқда, лекин мана энди сизнинг мурувватингиз туфайли, ҳадемай тузалиб кетгум».

Бу сўзларнинг сирли маъносини ёлғиз қирол тушунарди, шунга кўра, унинг қизга бўлган ҳурмати янада ортди ва у бу қизни паст табақа фарзанди қилиб яратган тақдирга ичида лаънатлар ўқий бошлади. У қизнинг қошида яна бир муддат ўтириб, қўлидан келганча кўнглини кўтарди-да, сўнг саройга жўнаб кетди. Воқеадан огоҳ бўлган шаҳар аҳли қиролнинг бу хайрли иши учун унга таҳсинлар ўқиб, унинг таширфини аптекачи учун ҳам, унинг қизи учун ҳам зўр бахт деб айта бошлади ва лекин қиз шунчалик бахтиёр эдики, одатда фақат севиб қолган қизгина шунчалик бахтиёр бўлиши мумкин. Истиқбол умиди қизга мадад берди ва бир неча кундан кейин унинг бутунлай дарди ариб, аввалги пайтидан ҳам гўзалроқ бўлиб кетди.

Қиз буткул тузалиб кетганидан кейин, қирол бундай пок муҳаббати эвазига уни нима билан тақдирлаш тўғрисида қиролнича билан маслаҳатлашиб, кунлардан бир кун отга минди-да, ўз аъёнлари билан биргаликда аптекачаникига йўл олди, унинг боғига кириб, аптекачи билан қизини чақириб келишга одам юборди. Бу аснода қиролича ҳам аслзода хонимлар кузатувида етиб келди, улар Лизани ўз давраларига олдилар, боғда ўйин-кулги бошланиб кетди. Бир оз фурсатдан кейин қирол билан қиролича Лизани ёнларига чақириб олдилар, шунда қирол қизга деди: «Яхши қиз! Бизга бўлган улкан меҳру муҳаббатингиз улкан мукофотга сазовордир, бинобарин, бизга бўлган шу муҳаббатингиз ҳурмати, мукофотимизни қабул қилишга рози бўлсангиз, мукофотимиз эса бу турур: бўйингиз етиб қолганлиги туфайли, биз тавсия қилган одамга турмушга чиқишингизни истаймизки, бу ҳол, ўзимни сизнинг рицарингиз деб аташим учун менга асло ҳалал бермайди; мен бунинг эвазига сизнинг улкан муҳаббатингиздан ҳеч нима талаб қилмайман, фақат биттагина бўса олсам кифоя».

Уялганидан қизнинг икки юзи анордай қизариб кетди, лекин қиролнинг хоҳиши унинг учун муқаддас эди, шунга кўра у тортинчоқлик билан бундай деди: «Аъло ҳазрат! Мен аминманки, агар одамлар сизга муҳаббат қўйганимдан хабар топсалар, уларнинг аксарияти мени жиннига чиқарган ва эсини йўқотиб қўйганда, бўлмаса, қирол билан ўзининг ўртасида тубсиз жар ётганини пайқамасмики», деган қарорга келган бўлардилар ва лекин худо шоҳид,— зеро, бандаларининг қалбида нелар кечаётганидан ёлғиз у огоҳ бўла олади,— мен сизни севиб қолган ўша дамда, сизнинг қирол эканлигингизни, ўзимни эса, аптекачи Бернардонинг қизи эканлигимни, бинобарин ўз муҳаббатим алангасини, бунчалик юксакка интилтиришим яхши эмаслигини пухта тушунган эдим. Лекин ўзингиз мендан яхшироқ тушунасизки, ақл юракка

Ўз ҳукмини ўтказа олмайди, юрак фақат ишқ-муҳаббат ва эҳтиросгагина тобедир, лекин мен, гарчи бу қонунга қарши бутун кучим билан қаршилиқ кўрсатган бўлсам ҳам барибир сизни севиб қолдим, ҳозир ҳам севаман ва бундан буён умримнинг охиригача ҳам севавераман. Лекин сизни севиб қолган заҳотимоқ ўзимга-ўзим сизнинг ҳар бир хоҳишингиз менинг ҳам истагим бўлади, деб айтганман,— мана шу сабабли, сиз мени никоҳлаб бермоқчи бўлган одам билан бажону дил турмуш қураман ва шу билан бахтимни топаман, бу экан-ку, агар сиз, ўзингни ўтга ташлаб, менга ҳузур бағишла, десангиз, жон-жон деб ўзимни ўтга ташлаган ҳам бўлур эдим! Ўзингиз яхши тушунасиз, қиролдек улуғ зотнинг менга рицарь бўлиши — мен учун ниҳоятда улкан бахтдир, шунинг учун ҳам сизнинг сўзларингизга сукут билан жавоб қиламан; энди менинг муҳаббатимдан талаб қилаётганингиз ягона бўса масаласига келсак, маликамнинг ижозатларисиз уни ололмайсиз. Сиз билан маликамнинг менга кўрсатган улкан марҳаматингиз учун худонинг ўзи сизларни ёрлақасин ва юз карра ортиғи билан қайтарсин, мен эсам, ҳеч нима билан қайтара олмайман». Шу ерга етганда қиз гапини тугатди.

Лизанинг жавоби қироличага ниҳоятда мақбул бўлди; қирол бундан хиёл олдин қизнинг жуда оқила эканлиги ҳақида унга баён қилган эди, энди қироличанинг ўзи ҳам бунга иқрор бўлди. Қирол қизнинг отаси билан онасини чақиртириб, уларга ҳамма гапни тушунтирди, улар ҳам қиролнинг ниятини маъқуллашди, шундан сўнг қирол аслзодалар насабидан бўлган бир камбағал, лекин мард йигитга одам юборди, у келгач эса, қўлига иккита узук тутқазиб, Лиза билан никоҳ ўқитишни буюрди, йигит, ҳам бунга эътироз билдирмади.

Қирол билан қиролича шу ернинг ўзидаёқ қизга қимматли буюмлар совға қилдилар, кейин қирол қизга ўзининг энг муҳташам ва серфайз мулкларидан Чэффала ва Калатабеллоттани инъом этганини овоза қилди. «Бу мулкларни биз қизнинг сепи сифатида берамиз,— деди қирол куёвга.— Сени нима билан тақдирлашимизни эса, кейинроқ биласан». Шунда у қизга юзланиб бундай деди: «Ана энди биз сизнинг муҳаббатингиз мевасидан то-тиб кўрамиз». Шундай дея, у ўрнидан туриб қизнинг бошини икки қўли билан ушлади-да, пешонасидан ўпди.

Куёв ҳам, қизнинг ота-оналари ҳам, ҳатто Лизанинг ўзи ҳам шоду хуррам бўлишиб, элга зўр зиёфат берибдилар ва тўй-томоша қилибдилар. Кўпчилик одамларнинг таъкидлашича, қирол Лизага берган ваъдасини ҳеч бекаму кўст бажарганмиш: у то умрининг охиригача ўзини қизнинг рицари, деб атабди ва ҳар гал сафарга жунаб кетаётганида Лиза юборган эсдалик буюмни тумордек мўътабар билиб, ўзи билан олиб кетар экан.

Тождорлар шундайин ажиб рафторлари билан ўз фуқаросининг қалбидан жой олишади ва шону шавкатга кўмилиб кетишади, бироқ ҳозирги пайтда камдан-кам тождор, аниқроқ айтганда — биронта ҳам зот ўзининг заковати зиёсини бундай ишларга йўна-

тирмаяпти, зероки, ҳозирги тождорларнинг деярли ҳаммаси бе-шафқат золимлардир.

8

Софрония ўзини Гисиппга эрга теккан, деб ҳисоблайди, аслида эса у — Тит Квинций Фульвнинг хотини ва шунга кўра у Тит Квинций Фульв билан Римга жўнаб кетади, орадан бир қанча вақт ўтгач, Гисипп ҳам жулдур кийимларда шу ерга гентираб келиб қолади; Тит мендан юз ўғирди, деб хаёл қилган Гисипп, бу кунимдан ўлганим яхши, деб судда ўзини бир одамнинг қотили қилиб кўрсатади; шунда Тит Гисиппни таниб қолади ва уни оқлаш мақсадида, қотил Гисипп эмас, менман, деб қилмаган гуноҳига иқрор бўлади; бу ҳолни кузатиб турган ҳақиқий қотил қилган жиноятига иқрор бўлади, шундан кейин, Октавиан ҳаммаларини озод қилади; Тит ўз синглисини Гисиппга турмушга беради ва бутун мол-дунёсини у билан бўлишади

Пампинейя ўз ҳикоясини тугатиб, ҳамма, хусусан — гибеллин аёл, қирол Педронинг рафторини мақтагандан кейин, қиролнинг амрига биноан Филомена шундай ҳикоя бошлади:

— Марҳаматли хонимлар! Агар подшолар хоҳлашса, қўлларидан жуда улкан ишлар келиши ва ҳар қандай одамга нисбатан ҳам шулардан кўпроқ мурувват кутиш мумкинлиги қайси биримизга аён эмас? Демакки, ҳукмдорлардан кимда-ким ўз бурчинини адо этса, у яхши иш қилади, бироқ агар у, оддий фуқаронинг мақтовига сазовор бўладиган ишига монанд иш қилса, бунинг учун ундан таажжубланмаслик ва кўкларга кўтариб тасанно ўқи-маслик керак, зеро, кичкина одамдан қилинадиган талаб ҳам кичкина бўлади. Модомики сизлар қиролнинг ҳимматидан шунчалик ҳайратга келиб, унинг қилмишига шунчалик таҳсинлар ўқиётган экансизлар, аминманки, оддий фуқаронинг ҳукмдорлар рафторларидан қолишмайдиган, ҳаттоки улардан ҳам диловарроқ қилмишлари сизларга яна ҳам кўпроқ мақбул бўлмай, яна ҳам кўпроқ манзур бўлмай. Мана шу ваздан мен сизларга икки фуқаронинг бир-бирига қандай ҳиммат ва мурувват кўрсатгани ҳақида ҳикоя қилиб бермоқчиман.

Алқисса, Август¹ номини олишга ҳали мушарраф бўлмаган триумвир² Октавиан Цезарь Рим империясига ҳукмронлик қилган замонда, Римда Публий Квинций Фульв исмли бир зоти шариф яшаган, унинг Тит Квинций Фульв исмли ниҳоятда юксак истеъдодли ўғли бўлиб, ота мана шу ўғлини фалсафа фанидан таҳсил олгани Афинага юборади ва уни Афинанинг энг таниқли кишиларидан бўлмиш Кремет исмли ўзининг эски қадрдони ихтиёрига ҳавола қилади. Кремет уни ўз уйига, ўғли Гисипп билан бир хонага

¹ Август (audustus — лат.) — шавкатли (тарж.)

² Триумвир — қадимги Римда давлатни триумвират (уч кишидан иборат ҳукмдорлар) идора қилган; триумвир — шу учликдан бири. (Тарж.)

жойлаштиради ва иккала йигитни, яъни Тит билан Гисиппни файласуф Аристипга шогирдликка топширади. Икки йигит бирга яшаб, бирга ўқишди ва бу вақт ичида уларнинг хулқ-одоб бобида нечоғли бир-бирларига ўхшашликлари намоён бўлди ҳамда сал вақт ўтар-ўтмас улар ҳудуд оға-инилардек қалин дўст бўлиб кетдиларки, бу дўстлик риштаси фақат улар оламдан ўтгандагина узилди,— иккала йигит ҳам фақат бирга бўлган чоғлариндагина беғубор саодат нашъасидан баҳраманд бўлардилар. Уларнинг иккови ҳам бир вақтда ўқишга киришди, икковлари ҳам ўзларининг ўткир қобилият соҳиби эканлигини исботлаган ҳолда, фалсафа фанининг порлоқ чўққисига бир меъёрда одим отиб чиқиб бориб, кўп таҳсинларга сазовор бўлдилар. Икки дўст уларни бир хилда севувчи Креметнинг кўнглини хушлаб уч йилгача шу зайлда яшади. Учинчи йилнинг охирига борганда, юз бериши муқаррар бўлган воқеа содир бўлди: кексайиб қолган Кремет бандаликни бажо келтирди, шунда йигитларнинг иккови ҳам гўё ўз отасига аза тутаётгандай, бир хилда ғамга ботдиларки, буни кўрган Креметнинг қариндошлари ва ёр-дўстлари бу икки йигитдан қайси бири тасаллига кўпроқ муҳтожлигини билолмай қолдилар. Бу воқеадан кейин орадан бир неча ой ўтгач, Гисиппнинг ҳузурига унинг қариндошлари ва дўст-биродарлари келишди ва Титни ҳам ёнларига олишиб, Гисиппни аслзода кишилар фарзанди бўлмиш Софрония исмли ўн беш ёшлар чамасидаги ғоятда дилбар қизга уйланишга ундай бошлашди. Мана, никоҳ кунига ҳам оз вақт қолди, шунда Гисипп Титга ўзи билан бирга бориб, келинни кўриб келишни таклиф қилди, зеро, Тит ҳали у қизни кўрмаган эди. Икки ўртоқ қизниқига боришганда, қиз келиб уларнинг ўртасига ўтиради. Тит куёвжўра сифатида қизни диққат билан кузата бошлайди, қиз унинг кўзига ҳар жиҳатдан бекаму кўст, ниҳоят даражада жозибали бўлиб кўринадики, Тит унинг ҳусн-жамолига қараб ҳеч тўймайди ва бошқалардан пинҳона ҳолда, қизга шундай зўр эҳтирос билан ошиқ бўлиб қоладики, ҳали дунёда ҳеч ким ҳеч бир қизни бунчалик кучли севган эмас эди. Дўстлар қизниқида бир оз ўтиришиб, сўнг уйга қайтиб келадилар.

Мана, Тит ўз хонасига кириб олиб, ўзи севиб қолган қиз ҳақида ўйлай бошлади, лекин у ҳақда қанча кўп фикр юритган сари, ҳирси шунча ортиб борди. Тит ўзининг шу кайфиятини пайқаб қолиб, оғир хўрсинди ва ўзига-ўзи шундай деди: «О, нақадар бахти қаро одамсан, Тит! Ҳозир не хаёлларга ботмоқдасан, кимни севиб қолдинг ўзи, умидингни ким билан боғладинг? Креметнинг ва унинг барча хешларини сенга бўлган хайрихоҳлиги учун, ўшал қизга уйланмоқчи бўлган йигитнинг сенга чин дўстона муносабати учун, сен у қизни ўз синглингдек билмоғинг лозим эмасмиди? Сен бўлсанг уни севиб қолдинг! Қаёққа тортиб кетди сени маккор севги, қай томонга олиб кетмоқда сени панд берувчи армонинг? Қалб кўзларингни каттароқ очу ўзингга яхшилаб боқ, о, бадбахт! Ақл овозига қулоқ ос, шаҳвоний нафсингни тий, нопок истакларингга чек қўй ва бутун фикру хаёлингни бошқа нарсага қарат. Ўз ҳирсингни пуштадаёқ маҳв айла ва ҳали кеч бўлмасдан, ўзингни

тизгинлаб ол. Бундай қилишга сенинг ҳақинг йўқ, зеро, бу инсоф-сизликдир. Ҳаттоки, бу борада ниятингга етишингга қатъий ишонганингда ҳам барибир сен, чин дўстликка ва инсоний бурчга итоат этиб, ўз ҳиссиётингни даф этишга мажбур бўлган бўлардинг. Шундай қилиб, нима қилишинг керак, Тит? Агар сен тўғри йўл тутишни истасанг, бу жинояткорона муҳаббатни юрагингдан юлиб олиб ташлайсан». Лекин шу чоғ Софрония эсига тушиб, у ўз фикрини ўзгартирди, ноҳақ фикр юритяпман, деган хулосага келди. «Муҳаббат қонунлари бошқа ҳамма қонунлардан қудратлидир,— деб мулоҳаза қила бошлади у,— улар нафақат биродарлик қонунларини, шунингдек, илоҳий қонунларни ҳам инкор этадилар. Ота — ўз қизини, ака — сингилни, ўғай она — ўғай ўғилни севган ҳоллар бўлмаганми дейсиз? Ахир булар дўстнинг хотинига ошиқ бўлишдан даҳшатлироқку,— бундай ҳодисалар ҳаётда кўп учрайди. Бунинг устига мен ёшман, ёшлик эса муҳаббат қонунларига сўзсиз итоат этади: ишқ худоси Амурга ёққан нарса менга ҳам ёқиши керак. Майли, катта ёшдаги одамлар диёнатли ҳаёт кечираверишсин, лекин мен Амур истаган нарсани рад эта олмайман. Бу қиз шу қадар дилбарки, уни севмай бўлмайди. Баски, уни мендек навқирон йигит севиб қолган экан, устимдан таъна қилишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ. Мен у қизни Гисиппа турмушга чиқаётган бўлгани учун севиб қолганим йўқ,— мен уни кимнинг хотини бўлишидан қатъий назар, севаман ва севавераман. Унинг дўстим Гисиппага насиб этганига келсак, бунга тақдир айбдор. Модомки, бу қиз сеvimли экан (у шу қадар гўзалки, уни севмай илож йўқ), унда Гисипп, хотинини бегона одам эмас, айнан мен севганимдан хурсанд бўлмоғи керак». Бироқ бу тарздаги мулоҳаза унинг ўзига ҳам кулгили бўлиб туюлди ва у яна аввалги фикрига қайтди; хуллас, у бутун кун, бутун тун, ундан кейин, яна бир неча кун давомида муттасил ҳар турли хаёлга толиб, иштаҳасини йўқотди, уйқуси қочиб кетди ва ахири силласи қуриб, дардга чалиниб, ўрин-кўрпа қилиб ётиб қолди.

Дўстининг аввалига ҳардамхаёл бўлиб юганини, кейин эса, хаста бўлиб ётиб қолганини кўрган Гисипп қаттиқ қайғурди; у бутун вақтини Титнинг бошида ўтириб ўткази бошлади, муттасил дўстини парваришлаб, унинг устида қайғуриб, оёққа турғазнишга ҳаракат қилди, ундан, паришонхотир бўлиб қолганингни ва хасталигининг боиси нима, деб қўярда-қўймай суриштираверди. Тит унга ёлгон-яшиқ гаплар билан жавоб қайтарарди, лекин Гисипп бунини тушунар ва ҳақиқатни билиш учун қайта ва қайта суриштираверарди. Тит анча кунгача фақат оғир-оғир хўрсиниб, юм-юм йиғлаб вақт ўтказди, ниҳоят, Гисиппдан қутулиб бўлмаслигини тушуниб, унга шундай жавоб қилди: «Гисипп! Агар худоларда ихтиёр бўлса жон-жон деб ўлган бўлардим: тақдир менга амр этиб, мард бўлишимни талаб қилмоқда, лекин мен, афсус ва надоматлар бўлсинки, ўзимни бунга ноқобил ҳис қиляпман. Интиқом, яъни — ўлим муқаррар, ундан кейин, нақадар разиллашиб кетганимни кўра-била туриб яшаганимдан ўлимни афзал кўряпман ўзим ҳам, ва лекин сендан ҳеч нимани яшира олмаганлигим ва

яширмаслигим керак бўлгани учун уятдан узимни қўярга жой топа олмасам ҳам қандай разилликлар қилганимни ҳозир сенга ошкор баён қиламан». Шундан кейин у нега бунақа ҳардамхәёл бўлиб қолганининг сабабини дўстига бир бошдан сўзлаб берди, у қалбида тугён қилаётган ихтилоф ҳақида, кўнглига келган фикрларнинг қайси бири устун чиққанлиги ҳақида ва яна, қандай қилиб Софрония туфайли нобуд бўлаётгани ҳақида гапириб, ундан кейин ўз айбига иқрорлигини, ўзининг ўлим жазосига лойиқ эканлигини ва ҳадемай оламдан ўтажagini айтди.

Гисипп бу сўзларни эшитиб ва дўстининг жиққа ёш кўзларига кўзи тушиб, теран хаёлга чўмди, чунки унинг ўзи ҳам ўша қизнинг ҳуснига, гарчи Титчалик бўлмаса ҳам шайдо эди, бироқ шунга қарамай, у дарҳол дўстининг ҳаёти мен учун Софрониядан азирок бўлмоғи лозим, деган хулосага келди; у Титнинг юзига тикилиб туриб, ўзи ҳам йиғлаб юборди ва кўзларидан дув-дув ёш тўкканча унга шундай жавоб қилди: «Тит! Агарда сен ҳозир, ҳаммадан ҳам тасалли сўзларга муҳтож бўлмаганинга эди, ўзининг ҳайратангиз ҳирсингни шунча вақтдан бери мендан сир тутиб, дўстининг ишини қилмабсан, деб сендан қаттиқ ранжиган бўлардим. Сен ўз ниятингни диёнатсизлик, деб эътироф этдинг, лекин ахир киши ўз дўстидан наинки диёнатли, шунингдек, диёнатсиз ниятларини ҳам яширмаслиги керак, зеро, чин дўст ўз дўстининг диёнатли ниятларини эшитиб хурсанд бўлса, бедийнат ишларидан огоҳ бўлиб, бу иллатни дўстининг кўнглидан чиқариб юборишда унга ўз таъсирини ўтказиши мумкин. Ҳай, ҳозирча бу гапни қўйиб турайлигу янада муҳимроқ гапга ўтайлик. Менни қайлигим Софронияни астойдил севиб қолибсан — бу мени ажаблантирмайди, билъакс, агар сен уни севмаганинга, мен кўпроқ ажабланган бўлардим, зеро, мен Софрониянинг қандай соҳибжамол эканлигини ҳам, сенинг ҳар қандай нодир гўзалликка шайдо бўлувчи олижаноб фазилатингни ҳам биламан. Софронияни севишга ҳамма асосларинг бор, бинобарин, у қизни айнан менга насиб этгани учун тақдирдан нола қиларкансан (гарчи бу ҳақда ошкора айтмаган бўлсанг ҳам сезиб турибман), бу борада сен ноҳақсан, — бордию қиз бошқа одамга тегишли бўлганида, унга ошиқ бўлишни гуноҳ деб ҳисобламаган бўлармидинг? Ахир фикр юритганинга мантиққа риоя қилгин-да: бордию тақдир Софронияни менга эмас, бошқа бирон одамга насиб этганида, — нима, унда, тақдирга ташаккур айтармидинг! Муҳаббатинг қанчалик пок бўлмасин, Софрониянинг эри, — у ким бўлишидан қатъий назар, — икки дунёда ҳам уни сенга беришга рози бўлмас эди, лекин мен бошқа гап: мен сенинг дўстингман ва бир-биримиз билан дўстлашганимиздан бери бирон борада келишолмаган пайтимизни эслолмайман. Шунинг учун мабодо ҳеч иложини тополмаган тақдиримда ҳам барибир, илгари сен билан қандай ҳамжиҳат иш тутган бўлсам, ҳозир ҳам шундай қилган бўлардим, лекин ҳали илож бор ва у қиз фақат сеники бўлиши мумкин — мен бунинг имконини топаман. Агар дўст киши ҳеч кимнинг номусига доғ туширмаган, зиён-заҳмат етказмаган ҳолда ўз дўстига яхшилик

қилиши мумкин бўлса-ю, лекин ёрдам қўлини чўзмаса, бунинг нимаси дўстлик бўла олади? Софрония менинг қайлигим, мен уни жуда севар эдим ва никоҳ кунини сабрсизлик билан кутаётган эдим, бу ҳаммаси тўғри, лекин сен уни мендан ҳам кучлироқ севаркансан, у — сенинг армонингнинг сарчўққиси экан, шунга кўра, ишончинг комил бўлсинки, Софрония менинг ётоқхонамга менинг эмас, балки сенинг хотининг бўлиб киради. Бас, шундай экан, нохуш хаёлларни миянгдан чиқариб ташла, ғам-ғуссани тарк эт, куч-қувватингни тикла, аввалгидек тетик ва қувноқ бўл ва ўз муҳаббатинг эвазига келадиган тухфани сабр-қаноат билан куг, чунки ул тухфага менинг муҳаббатимдан кўра сенинг муҳаббатинг кўпроқ сазовордир».

Гисиппнинг гапларига қулоқ солаётган Титнинг қалбида бу пайт порлоқ умид билан виждон азоби ўртасида кескин кураш борарди, чунки Гисипп ўзини қанчалик олиҳиммат қилиб кўрсатса, Тит дўстининг мана шу олиҳимматлигидан фойдаланган тақдирда, ўзини шунчалик ношукур банда қиёфасида тасаввур қилишини тушунарди. У ўзини зўрга босиб олиб, кўзлари жикқа ёш ҳолда шундай гапирга бошлади: «Гисипп! Сенинг самимий ва сермуруват дўстона туйғуларинг, ўзимни қандай тутшим лозимлигини яққол кўрсатиб берапти менга. Парвардигор энг мустаҳиқ зот сифатида сенга ато этган қизни ўзимга тортиб олсам, бунга худо йўл қўймайди. Софрониянинг кўпроқ менга муносиб эканлигини худо кўргананда эди, ҳеч шубҳа йўқки, уни ҳеч қачон сенга насиб этмаган бўларди. Хуллас, эгамнинг кўнглига ёққанингдан хурсанд бўл, тангрининг оқилона ишидан ва самовий армуғондан кайфингни чоғ қилу, мени бу дунёдан кўз ёши тўкиб ўтишимга имкон бер, парвардигорнинг ўзи шундай ҳукм чиқариб қўйибди экан, мен бахтиёр бўлишга нолойиқман, — ва лекин сени хушнуд қилмоқ учун мен руҳий изтиробимни даф қилишга ҳаракат қиламан; борди-ю, изтиробим мени гўрга олиб кетгудек бўлса, унда мен хафа бўлмайман, — ҳар ҳолда, азобдан қутуламан-ку».

Гисипп унга жавобан бундай деди: «Тит! Ўртамиздаги дўстлик менга катта ҳуқуқ беради: мен сендан ваъда беришни ва шу ваъдангни устидан чиқишни талаб қилишим мумкин, — менга қанчалик вафодор дўст эканлигингни шу йўсинда синаб кўрмоқчиман. Бордию илтимосимни ўз ихтиёринг билан бажармайдиган бўлсанг, унда зўрлаб бўлса ҳам бажаришга мажбур қиламан, — зеро, дўстининг бошига тушган фалокатни аритиш гуноҳ эмас, — кейин, барибир Софрония сеники бўлади. Муҳаббатнинг қудрати менга аён; биламан, у жуда кўп одамларнинг умрини хазон қилган, сенинг ҳам шу кўнга тушишингга жуда яқин қолганки, энди бу офатли йўлдан қайтишга ва руҳий азобдан халос бўлишга ёлғиз ўзингнинг кучинг етмагай, бинобарин, агар мен бунинг олдини олмасам, ўзим ҳам сенинг орқангдан гўрга киргумдир. Демак, сени яхши кўрмаган тақдиримда ҳам барибир, ҳаётинг мен учун азиз бўлиб қолаверар экан, негаки, менинг ҳаётимни сенинг тасаввур қилиб бўлмайди — иккаламизнинг ҳаётимиз бир-бирига чамбарчас боғлиқдир. Қисқаси, Софрония сеники бўлади, зеро, сен энди

бошқа аёлни Софрониячалик ссва олмайсан, мен эсам ўз ишқий армонимни бошқа хилқатга осонлик билан қарата оламан, шундай қилганимиздагина сен билан икковимизнинг ҳаётимиз саодатда ўтади. Ким билсин, агар яхши хотин ҳам худди чин дўст сингари ноёб нарса бўлганида ва уни топиш худди дўстни топишдек мушкул бўлганида, мен ҳам сенга бунчалик саховат кўрсатмаган бўлармидим, лекин ҳамма гап шундаки, хотин — дўст эмас, бинобарин, хотин топишнинг ҳеч қийин ери йўқ; мана шунинг учун ҳам мен Софрониядан жудо бўлишга интилаётганим йўқ,— зеро, уни сенга топширарканман, ундан жудо бўлмайман, балки фақат яхши эр ўрнига аёло эр танилашга кўмаклашаман,— мен сендан жудо бўлишдан кўра, Софрониянинг қисматини ўзгартиришни афзал кўраман. Гап шу, агар менинг илтижоларимни қадрласанг, ўзингни қийнашни бас қил, тинчлан ва менинг ҳам кўнглимга тасалли бер, яхши кунлар келишига умид боглаб, эҳтиросли муҳаббатинг илҳақ бўлиб кутаётган саодатли дамлардан ҳозирданоқ лаззатланавер».

Софронияни ўзинга хотин қилиб олишга Титининг юзи чидамас эди, шунга кўра, у ҳамон қайсарлик қилиб рози бўлмай турарди-ю, лекин бир томондан муҳаббат, иккинчи томондан эса, Гисипп уни рози бўлишга ундайвергандан кейин, ахирини у дўстига шундай деди: «Менга қара, Гисипп: мен ҳеч тушуна олмаяпман, гўё агар сўзингга кирсам, сенга яхшилик қилган бўларканман; мени шу ишга даъват этаётган сенинг истагингни ё меникимми? Сенинг бу ғайри оддий мурувватинг кўнглимдаги хижолатпазлик туйғусини даф этиптики, энди мен сенинг истагингни бажараман, фақат билиб қўй: жуда яхши тушуниб турибман, сен менга нафақат севимли маҳбубамни бердинг, шунингдек, ҳаётимни ҳам сақлаб қолдинг. Сени ҳам бирон эзгулик билан эъзозлашим ва кўнглингни чоғ қилишим учун ва шу йўсинда ўз миннатдорчилигимни сенга изҳор этишим учун худолар мадад берсин менга».

Гисипп ҳам унга жавобан бундай деди: «Ўз мақсадимизга бехато етиб боришимиз учун биз қуйидаги тарзда иш кўришимиз лозим. Ўзинг яхши биласанки, менинг қариндошларим Софрониянинг қариндошлари билан узоқ вақт музокара олиб боришгандан кейингина у қиз менга қайлиқ бўлди. Демак, агар мен ҳозир қиздан воз кечадиган бўлсам, жуда катта кўнглисизлик содир бўлган бўларди ва мен ҳам ўзимнинг, ҳам Софрониянинг қариндошлари газабига дучор бўлардим. Шу гава оқибатида Софрония сенга хотин бўлганидайам майли эди, лекин мен бошқа нарсадан қўрқаман: агар мен Софрониядан воз кечсам, ота-онаси уни сенга эмас, балки ўша заҳоти бошқага эрга бериб юборади, ана унда Софрония сенга ҳам насиб қилмайди, менга ҳам. Сени билмайман-ку, лекин мен шу бошлаган ишимни охирига етказишим керак: Софрония менинг уйимга менинг хотиним сифатида кириб келади, ammo тўйдан кейин, биз шундай қиламизки, у билан сен ўз хотинингдек яшайверсан. Кейинчалик бориб, биз мавриди ва ўрни келганда, бўлган воқеани ошкор қилармиз. Қариндошларнинг аччиғи келмаса, нур устига аёло нур, борди-ю, аччиқланадиган бў-

лишса — барибир, иташса-исташмаса кўникишга мажбур бўлишди: бўлар иш бўлган, уни тузатиб бўлмайди».

Бу режа Титга маъқул бўлди. Мана, у яна соғайиб, кучга кирди. шунда Гисипп уйига Софронияни ўз хотинидек бошлаб кирди. Зўр дабдаба билан ўтган тўй-томошадан кейин тунда аёллар келин болани эрининг чорпоясида қолдиришиб, чиқиб кетдилар. Титнинг хонаси Гисиппнинг хонаси билан ёнма-ён эди ва биридан бирига ўтадиган эшик ҳам бор эди. Гисипп чироқни ўчирди-да, оёқ учида юриб Титнинг хонасига ўтди ва унга хотини ётган хонага ўтиб, у билан бир тўшакка ётишни буюрди. Тит жуда қаттиқ хижолат чекиб, розилик берганига энди пушаймон бўла бошлади, лскин у қанча тихирлик қилмасин, ўз дўстини сўзда эмас, амалда бахтиёр қилишга бутун вужуди билан интилаётган Гисипп, узоқ давом этган тортишувдан кейин, ахири унга сўзини ўтказди. Тит қизнинг ёнига тўшакка ётди, уни қучоқлади ва гўё ҳазил қилаётгандай, пичирлаб, менга хотин бўлишни хоҳлайсанми, деб сўради. Ёнида ётган одамни Гисипп деб қатъий ишонган қиз, хоҳлайман, деб жавоб қилди, шунда Тит қизнинг бармоғига чиройли, қимматбаҳо узук тақди ва: «Мен ҳам сенга эр бўлишни истайман»,— деди. Шундан кейин у никоҳ риштасини чамбарчас боғлади ва бундан кейин ҳам кўп вақтгача қиз билан лаззатбахш роҳатда яшаб юрди-ю, ammo унинг Гисипп эмаслигини Софрония билмаганидек, бошқа одамлар ҳам асло билишмади.

Шундан кейин Тит билан Софрония худди эр-хотиндек яшаб юраверишди, лекин кунлардан бир кун Титнинг отаси Публийнинг оламдан ўтгани ҳақида хабар келди, келган мактубда яна, отангнинг ишларини тартибга солмоқ учун ўзинг ҳам зудлик билан етиб кел, деб Титга тайинлаб юборишган эди. Шунда Тит Гисипп билан маслаҳатлашиб, Софронияни ўзи билан олиб кетадиган бўлди, бироқ одоб юзасидан қизнинг кўзини очиш лозимлигини, аке ҳолда уни Римга олиб кетиш амри маҳол эканлигини икковлари ҳам яхши тушунардилар. Шу важга кўра улар бир кун қиз билан бир хонага кириб олдилар-да, очиқчасига гаплашдилар, айни пайтда Тит, бу ерда айтилган гапнинг ҳақиқат эканлигини исботи ўлароқ, ўзи билан Софрониянинг хуфиёна рафторларидан жуда кўп мисоллар келтирди. Софрония иккала йигитга нафрат билан тикилиб, ҳўнграб йиғлаб юборди ва Гисиппга, мени алдабсан, деб маломат қила бошлади. Шундан кейин Софрония бу гапни Гисиппнинг уйдагиларга овоза қилмасдан, тўғри ота-онасининг олдига борди-да, Гисиппнинг уларни ҳам, Софрониянинг ўзини ҳам қандай лақиллатганини ва ўзининг қандай қилиб, Гисиппнинг эмас, мутлақо кутилмаганда, Титнинг хотини бўлиб қолганини оқизмай-томизмай гапириб берди. Қизнинг отаси дарғазаб бўлиб кетди; у ҳам, унинг қариндошлари ҳам анча вақтгача Гисиппнинг устидан унинг хешларига шикоят қилишиб, унга таъна тошини отиб юришди,— хуллас, ўртада бошланган шиддатли мухолифат ва можароларнинг кети узилмади. Гисипп ҳам ўзининг, ҳам Софрониянинг қариндошларидан тоза маломатга қолди,— ҳамма бир овоздан уни нафақат танбеҳга, балки шафқатсиз жазога лойиқ,

деб айта бошлади. Гисипп эса, мен виждонан иш кўрдим, Софрониянинг қариндошлари менга раҳмат айтишлари керак, негаки, мен Софронияни ўзимдан ҳам мустаҳқиқроқ одамга эрга бердим, деб таъкидларди.

Тит бу можароларни эшитар, аммо бу таъналар унга жуда оғир ботарди. Иккинчи томондан, у юношларнинг феъллини жуда яхши биларди: улар гавго кўтариб, тўхтовсиз дағдаға қилаверишади, лекин биронта одам чиқиб, бир жеркиб берса бўлди, дарҳол қўйдай ювош бўлиб қоладилар, ҳаттоки, хушомад ҳам қила бошлайдилар, шуларни ўйлаб-ўйлаб Тит, ортиқ жим туриб бўлмайди, деган қарорга келди. У қалбан римлик ва ақлан -афиналик эди, шунга кўра у, йўлини қилиб, Гисиппнинг ҳам, Софрониянинг ҳам қариндошларини бир амаллаб жомега йиғди, кейин ўзи у ерга Гисипп билан биргаликда кириб бориб, келганларга юзланиб шундай нутқ сўзлади: «Кўпчилик файласуфларнинг фикрига қараганда, худонинг жами бандалари фақат боқий худолар олдиндан чизиб қўйган ва хоҳиш билдирган нарсаларгагина амал қилишар экан; айрим кишилар эса, шу гапга суянган ҳолда, дунёдаги жаммики содир бўлаётган ёхуд содир бўлажак нарсалар фақат зарурат юзасидан вужудга келади, деган хулоса чиқарадилар, аини пайтда, ўзга файласуфлар бу ҳолни фақат содир бўлиб бўлган нарсаларгагина йўядилар. Агар биз ушбу фикрларни синчиклаб кўриб чиқсак, бизга шу нарса аён бўладики, содир бўлиб бўлган ва энди тузатиб бўлмайдиган нарсани айбга йўйиш, ўзини худолардан ҳам донороқ қилиб кўрсатиш билан баробардир, ваҳоланки, худоларнинг бизни ва бизнинг барча хатти-ҳаракатимизни азалдан ва беқусур равишда бошқариб, тўғри йўлга солиб туришларига имон келтирмоғимиз лозим бўлади, мана энди, ўз-ўзидан, шундай хулоса келиб чиқади, яъни ўзига бемулоҳаза ва телбаларча бино қўйган одамгина худолар иродасини айблаши мумкин ва шундай густоҳлик даражасига борган одам энг оғир ва ҳеч узиб бўлмайдиган кишанларга кишанбанд қилиб ташланишга лойиқдир. Агар сизларнинг, Софронияни биз Гисиппга эрга берган эдик, демак, Тит бизнинг истагимизга қарши ўлароқ, унга уйланибди, деб таъкидлаганингиз ва ҳамон шу фикрингизда турганингиз рост бўлса, унда, менимча, ўша кишанбанд бўлишга лойиқ одамлар, айнан сизлардирсиз: ахир сизлар уни эрга бераётганингизда, унинг Гисиппнинг эмас, менинг хотиним бўлиши аб аетерпо¹ пешонасига ёзиб қўйилганини ўйлаб кўрмагансиз-да, ҳолбуки, аслида айнан шундай бўлиб чиқди. Шуниси ҳам борки, худоларнинг дицҳоний пешалари ва башоратлари ҳақида мулоҳаза юриташ кўпчилик учун ўта даражада душвор ва тушунтиш қийин бўлиб туюлиши мумкин; шунга кўра, худолар бандаларининг ишига аралашмайдилар, деб фараз қилган ҳолда инсоний қонунларни кўриб чиқайлик, лекин бу ўринда мен икки марта ўз феълимга зид иш тутишга мажбур бўламан: ўзимни мақтайман ва ўзгаларни

¹ Азалдан (лот.)

қоралаб, уларнинг ёмон томонини ёритаман. Илло, ҳақиқат мен учун ҳамма нарсдан азиздир, ундан кейин, ишнинг ўзи ҳам шуни талаб қилади. Сизларнинг шикоятларингизда соғлом мулоҳаза йўғу кўр-кўрона ғазабдан иборат, сизлар мириқиб сўкиниб хумордан чиқишни истайсиз, содда қилиб айтганда, сизлар ҳамон жаҳлнингиздан тушмаяпсиз, сизлар Гисиппни шунинг учун бадном қиляпсизлар, лаънатлаяпсизлар ва қарғаяпсизларки, у сизлар унга хотинликка берган қизни, ўз ихтиёрлари билан менга берди,— лекин менинг тасаввуримда, унинг бу қилмиши энг юксак таҳсинга сазовордир, бунга сабаб: биринчидан, у ҳақиқий дўст ишини қилди, иккинчидан эса, у сизларга нисбатан ақллироқ иш кўрди. Мен бу ерда дўстликнинг қандай бўлиши ҳақида кенг мулоҳаза қилиб ўтирмақчимасман,— мен фақат сизларга шуни эслатиб қўймоқчиманки, дўстлик риштаси қариндошлик ва қудандачилик риштасига нисбатан беқиёс даражада мустаҳкамдир, зеро, дўстларни биз ўзимиз танлаймиз, қариндошларни эса, тақдир ато этади бизга. Мана шунинг учун ҳам сизларнинг хайрихоҳлигингиздан кўра менинг ҳаётим Гисиппга азизроқ бўлдики, бунинг ҳеч ажабланидиган ери йўқ, чунки у мутлақо асосли равишда мени ўзига дўсти деб ҳисоблаган эди. Энди яна давом этамиз, бу ўринда мен, худолар фаолиятини тушунмайдиган ва дўстликнинг нималигига мутлақо фаҳми етмайдиган сизларнинг ҳаммангиздан Гисиппнинг ақллироқ эканлигини исботлашим учун қатор-қатор далиллар келтиришимга тўғри келади. Демак, сизлар Софронияни файласуф йигит Гисиппга эрга беришни ният қилдингиз, кўнглингиздан ўтказдингиз ва шу қарорга келдингиз; Гисипп ҳам уни файласуф йигитга турмушга чиқаришга аҳд қилди; сизлар қизни афиналикка бермоқчи бўлувдингиз, Гисипп эса, уни римлик йигитга берди; сизлар қизни номдор одамга бермоқчи бўлувдингиз, Гисипп эса, янада номдорроқ одамни топди; сизлар қизни ҳали нафақат севиб улгурмаган, ҳаттоки у билан таниш ҳам бўлмаган йигитга бермоқчи бўлувдингиз, Гисипп эса, уни ўз саддатидан, ҳаттоки жонидан ҳам ортқ сеувчи йигитга берди. Бу гапларимнинг ҳақ эканлигини ва Гисиппнинг нияти сизларнинг ниятингиздан кўра кўпроқ таҳсинга лойиқ эканлигини, ҳозир биз муфассал таҳлил қилиб чиқамиз. Менинг ҳам худди Гисипп сингари навқирон ва файласуф эканлигим ташқи қиёфамдан ва олган билимимдан яққол кўриниб турибди, бунинг учун бошқа далил-исботларнинг ҳожати йўқ. Биз тенгқурмиз, доим бир хилда ўқиганмиз. Фақат фарқ шуки, у афиналигу мен римликман. Бироқ бу икки шаҳардан қайси бири шавкатлироқ, деган мавзуда баҳс кетадиган бўлса, айтардимки, мен — озод шаҳар фуқаросиман, у эса — бож тўловчи шаҳарнинг фуқароси; мен айтардимки, мен — бутун жаҳонга ҳукмрон шаҳарнинг фуқаросиман, у эса,— менинг шаҳримга қарам шаҳарнинг фуқароси; мен — ҳокимияти қудратли бўлган, ҳарбийлик санъати ва илм-фан равнақ топаётган шаҳарнинг фуқаросиман, дейишим мумкин, ҳолбуки, унинг шаҳри фақатгина илм-фан билангина мақтаниши мумкин. Мен яна шуни айтишим мумкин эдики, гарчи қаршингизда ҳозир камсуқум бир

талаба турган бўлса ҳам, лекин аслида, насл-насабим Римнинг қора халқидан эмасман — менинг уйларимда ва Римнинг ҳамма ерида авлод-аждодларимнинг кўҳна тасвирлари осилган, Рим солномалари саҳифаларида эса, Квинцийларнинг Капитолийдаги¹ музаффар учрашувлари ҳақида жуда кўп эсланади. Авлодларимиз шону шуҳрати унут бўлмиш ўрнига тобора равнақ топмоқда. Мен ўзимнинг қанчалик бадавлат эканлигим ҳақида гапиргани уяламан, зеро, мен ҳақиқий қашшоқлик — бу римлик олинҳиммат граждaнларнинг энг кўҳна ва бадавлат меросидир, деган фикрга қўшилишаман, — гарчи авом халқ қашшоқликдан нафратланиб, мол-дунёни хуш кўрса ҳам; менинг мол-дунёмнинг ниҳояси йўқ, лекин бу менинг қурумсоқ бўлганлигимдан эмас, балки фақат тақдирнинг эркаси бўлганим туфайлидир. Биламан, шу шаҳарнинг фуқароси Гисипп билан қариндош тутиниш сизларга хуш ёққан ва манзур бўлиши керак эди, бироқ мен билан қариндош тутиниш сизларга яна кўпроқ манзур бўлмоғи керак, айниқса, энди Римга борган чоғингизда сизга меҳмондўстлик қиладиган яқин одамнингиз борлигини, энди ҳам жамоат ишларингизда, ҳам шунингдек, хусусий ишларингизда сизларга нафи тегадиган, ғамхўрлик қиладиган қудратли ҳомийнингиз борлигини билганингиздан кейин яна ҳам кўпроқ хуш ёқмоғи лозим. Қани айтинглар-чи, бематни ғазабга чек қўйишга қодир бўлган ва фақат ақл-заковат билан иш тутадиган одамлардан ким Гисиппни ташлаб, сизларнинг ёнингизни олади? Турган гапки, ҳеч ким. Демак, Софрония, машҳур ва қадимги авлод намояндаси бўлмиш бадавлат Рим граждани ва Гисиппнинг дўсти Тит Квинций Фульв тимсолида ғоятда муносиб эрга мушарраф бўлган; илло, Софрониянинг ҳолига аза тутаётганлар, бу никоҳдан нолиётганлар бeфаросатлик қиляптилар — улар нимани хоҳлаётганларини ўзлари ҳам билмайдилар. Эҳтимол, баъзилар биз Софрониянинг Титга хотин бўлганидан нолиётганимиз йўқ, балки қизнинг қай тарзда Титга теккани, уни яширинча найранг ишлатиб, қариндошлари ва ёрдўстларига хабар қилмасдан қовуштириб қўйишгани бизни ғазаблантиряпти, деб айтишлари мумкин. Лекин бунинг ҳеч ажабланидиган ери йўқ, бунақа воқеа кўп бўлган. Келинг, ота-оналарининг розилигисиз эрга текканлар ҳақида, ўйнаш орттириб, у билан қочиб кетган ва кейинчалик бориб никоҳ ўқитганлар ҳақида, вақт-соати етгунча ишқий алоқаларини сир тутган ва лекин ҳомилали бўлиб қолгани ёки кўзи ёригани сабабли сирни очишга мажбур бўлишиб, никоҳ ўқитмай иложлари қолмаганлар ҳақида гапирмай қўя қолайлик. Софрония бундай воқеаларнинг биронтасини ҳам бошидан кечиргани йўқ — аксинча: бизда ҳамма нарса бекусур юз берди. Бошқа бировлар, Софронияни эрга беришга Гисиппнинг ҳақи йўқ эди, дейишар балки, лекин бу ҳеч қандай маза-матраси бўлмаган аҳмоқона алжиш, холос. Аз рўйи азал, одамлар тақдир-

¹ Капитолий — Рим шаҳридаги тепалик, антик даврда қалъа вазифасини бажарган бу тепаликда худолардан Юпитер, Минерва ва Юнонлар шаънига қурилган жомелар бўлган. (Тарж.)

нинг кўмагида, ўз мақсадларига турли хил йўл билан ва антиқа қуроллар билан етадилар. Баски, мен кўзлаган мақсадимга муваффақият билан етган эканман, бу ишимни ўз билганича, этикдўзми, ё файласуфми бажаргани билан ва буни хуфиёнами ё ошкорами бажарилгани билан меннинг неча пуллик ишим бор? Бордию агар этикдўз эҳтиётсизлик билан иш кўргудек бўлса, қилган гамхўрлиги учун унга миннатдорчилик билдириш керак-да, лекин кейин унга бошқа иш топширмаслик керак бўлади. Модомики, Гисипп Софронияни муваффақиятли эрга берган экан, унинг устидан ва қилмишидан шикоят қилиш ўтакетган аҳмоқликдир. Агар сизлар уни бемулоҳаза иш кўрган, деб ҳисобласангиз унинг шу жонбозлиги учун миннатдорчилик билдиришлар-да, кейин яна бошқани ҳам эрга бериб қўймаслиги чорасини кўринглар. Бу айтганларимнинг ҳаммасига илова ўлароқ, сизларга маълум бўлсинки, Софрониянинг номусига айёрлик билан тажовуз қилиб, сизларнинг шавкатли бир авлодингиз шаънига доғ туширишдек маккор фикр менинг мутлақо хаёлимга келгани йўқ эди, гарчи Софронияга яширинча уйланган бўлсам ҳам шунга қарамай, мен унинг номусига теккан босқинчи ҳам эмасман, уни виждонсизларча йўлдан оздириб, кейин сизлар билан қариндош тутинишдан воз кечувчи ўғри ҳам эмасман,— мен унинг таърифига тил лол бўлган ҳусни жамолига бутун қайноқ қалби билан мафтун бўлган ва унинг ифатини эъзозлаган ошиқ сифатида, сизларга маъқул бўлган усулда очикдан-очик унинг қўлини сўраб борса, сиздан рад жавобини олишини билган (чунки сизлар Софронияни жонларингиздан ортиқ кўрасиз, бинобарин, уни мен билан бирга Римга жўнатиш сизларга оғир ботган бўларди) одамдек иш кўрдим. Хуллас, мен ҳийла ишлатдим, энди буни тан олишим мумкин: мен Гисиппни Софронияга мен учун муҳаббат изҳор этишга кўндирдим, чунки у қизни севмас, мен эсам бутун жону дилим билан севардим, лекин мен ўйнаш сифатида эмас, балки жуфти ҳалолим сифатида унга яқинлашишни истардим ва,— буни Софрониянинг ўзи сизларга холисона тасдиқлаши мумкин,— фақат унинг бармоғига узук таққанамдан ва унга вафодор бўлишга қасам ичганимдан кейингина ҳамда менга хотин бўлишни хоҳлайсанми, деб сўраб, саволимга ижобий жавоб олганимдан кейингина унга яқинлашдим. Борди-ю, Софрония энди, мени алдашган эди, деб ишонтирмоқчи бўлса, ўзидан кўрсин: нега ўшанда кимлигимни сўрамабди? Хулласи калом, сиз айтган ўша буюк бадкорлик, гуноҳи азим ва ундаш жиноятларни Гисипп менга дўстлик қиламан, деб мен эсам, Гисипп билан Софронияга бўлган меҳру муҳаббатим туфайли қилганманки, сизлар шўрлик Гисиппни шу деб маломатга қўймоқдасиз, шу деб унга таҳдид қилмоқчисиз, ундан интиқом олишга уринмоқдасиз. Агарда Гисипп Софронияни бирон деҳқонга, саёққа ёки қулга берганида уни қай аҳволга солардингиз — буни тасаввур қилиш қийин эмас! Унинг бошига не савдолар тўшарди! Кишан, зиндон, жазоми? Ҳай, мақсадга ўтайлик. Менинг отам тўсатдан қазо қилиб қопти, мен Римга жўнашим керак, шунга кўра ўзим билан Софронияни олиб кетишга аҳд қилдимки,

шошилич равнишда сиримизни очишга мажбур бўлганимнинг боиси ҳам шунда, бу кўнгилсиз ҳодиса содир бўлмаганида эди, мен яна бир қанча вақтгача сизларни бу гапдан огоҳ қилмай яшайверган бўлардим. Агар сизлар тентак бўлмасаларингиз, бу қилмишимдан хурсанд бўласизлар: зеро, мен сизларни лақиллатмоқ ёки таҳқирламоқ ниятида бўлганимда, Софронияни бадном қилиб ташлаб кетган бўлардим, лекин бундай разилликдан мени худонинг ўзи асрасин — бундай фикр римликларнинг хаёлига ҳам келмаслиги керак. Алқисса, худоларнинг хоҳиши билан одамзод яратган жамики қонунларга кўра, дўстим Гисиппнинг гоятда антиқа уддабурунлиги туфайли, шунингдек, ўзимнинг, яъни ошнқ йигитнинг устамонлиги билан Софрония меники бўлиши керак ва лекин сизлар ўзингизни худолардан ва ўзга бандалардан ҳам донороқ ҳисобламоқдасиз шекилли, менга қасдма-қасдлик қилиб, аҳмоқона иш тутмоқдасиз: биринчидан, сизлар Софронияни мен билан юбормаяпсизлар, ҳолбуки, у сизлардан кўра, менинг, яъни эрининг гапига кўпроқ кириши керак; иккинчидан, сизлар, Гисиппга адоват билан қараяпсизлар, ваҳоланки, сизлар ундан миннатдор бўлишингиз керак. Мен сизларнинг аҳмоқона хатти-ҳаракатларингизни бирма-бир санаб, исботлаб чиқишни ортиқча иш деб ҳисоблайман, лекин сизларга дўстона бир маслаҳатим бор: жазавага тушишни бас қилинг, ғазабингизни тийингу Софронияни менга топширинг — шунда мен, сизлар билан қариндош тутиндим, деган тушунча билан ўз шаҳримга хотиржам жўнаб кетаман ва Римда ҳам шу тушунча билан яшайман. Лекин гапимга ишонаверинг: Гисипп билан иккаламизнинг қилмишимиз сизларга маъқул бўлиши ё бўлмаслигидан қатъий назар, буидан буён ҳам менга тўсқинлик қиладиган бўлсангизлар, унда Гисиппни сизлардан тортиб оламону Римга қайтиб борган заҳотим, сизларнинг зиддингизга Софронияни ҳам чақиртириб оламан, зеро, қонун бўйича у менинг хотиним ҳисобланади. Ана ўшанда, яъни сизлар билан муроса қилиб бўлмайдиган адоватда бўлганимда, даргазаб римликнинг нималарга қодир эканлигини сизларга амалда кўрсатаман».

Тит шу гапларни айтиб бўлиб, ғазабга тўлган ҳолда ўрнидан турди, Гисиппнинг қўлидан ушлади-да, бошини адл кўтаргайча одамларнинг жиғига тегувчи қиёфада жомедан чиқиб кетди. Жомеда қолганлардан баъзилари Титнинг қариндошлик ва дўстлик ҳақидаги сўзларига учди, бошқалари эса, унинг дўқ-пўписасидан кўрқа бошладилар; хулласи калом, ҳаммалари келишиб, баски, Гисипп биз билан қариндош тутинишни истамаган экан, унда яхшиси Титни куёв қилганимиз маъқул, бўлмаса, Гисиппдан айрилганимиз айрилган, яна Титни ўзимизга душман қилиб қўйишимиз ҳам мумкин, деган қарорга келдилар. Шу фикр билан улар Титни ахтариб топдилар-да, унга, майли, Софрония сенинг хотининг бўлсин: ўзинг бизнинг азиз куёвимиз бўл, Гисипп эрса — қадрдон дўстимиз бўлсин, деб розилик бердилар. Шундан сўнг улар қариндош ва ёр-дўст сифатида Титнинг зиёфатини еб, уй-уйларига тарқалдилар, Софронияни эса, унинг ҳузурига юборди-

лар, Софрония ҳам оқила аёл бўлганлиги учун заруриятни ҳиммат даражасига кўтарди ва Гисиппга бўлган меҳр-муҳаббатини дарҳол Титга қаратиб, эри билан бирга Римга равона бўлдики, у ерда уни зўр иззат-ҳурмат билан қарши олдилар.

Илло, Афинада қолган Гисиппдан деярли ҳамма юз ўғирди, бир оз вақтдан кейин эса, у ҳамма қариндошлари билан уришиб қолди-ю, натижада бу бахти қаро, шўрпешона йигитни Афинадан умрбод бадарга қилдилар. Камбағаллашиб, қашшоқ бўлиб қолган Гисипп, мени Тит унутмаганмикин, деган хаёл билан бир амаллаб Римга етиб борди. Гисипп бу ерда Титнинг ҳаётлигидан ва бутун шаҳарда энг иззат-эътиборли зотлардан бири эканлигидан хабар топиб, унинг қаерда туришини сўраб-суриштирди-да, бориб унинг уйи рўпарасида турди ва Титнинг уйдан чиқадиган пайтини пойлай бошлади; у эғнидаги рўдапо кийимлардан уялганлиги учун, Тит билан гаплашмасликка, лекин Титнинг ўзи таниб, уни чақирсин учун албатта унинг кўзига ташланишга уринди. Бироқ Тит, унинг ёнидан индамай ўтиб кетди, Гисипп эса, Тит мени кўрди-ю, лекин кўрншгани ҳазар қилди, деб ўйлади ва бир вақтлар унга қандай яхшилик қилганини ўйлаб, қалби ғазабга тўлиб, ёруғ жаҳонда яшашдан ҳафсаласи пир бўлган ҳолда бу ердан бош олиб кетди. Қош қорайиб қолган бўлса ҳам Гисипп ҳанузгача туз тотмаган эди, ёнида сариқ чақаси ҳам йўқ эди, қаерга бориб паноҳ топишини ҳам билмасди, шунинг учун у қандай қилса тезроқ ўлиши мумкинлигини ўйлаб, боши оққан томонга кетди ва ҳувиллаб ётган бир чекка жойга бориб қолди, бу ерда у каттакон бир горни кўрди ва шу ерда тунашга қарор қилиб, машаққатли ҳаётдан тинкаси қуриб, шу жулдур кийимлари билан қоқ ерга ётиб ухлаб кетди. Тонг отиши олдидан бу ерга ўғирлаган ўлжаларини кўтариб, икки ўғри кириб келди; лекин улар ниманидир талашиб қолишди, натижада кучлироғи шеригини ўлдириб қўйди-да, кўз очиб-юмгунча ғойиб бўлди. Бу воқеани бошдан-оёқ кўриб ва эшитиб ётган Гисипп, ўз жонимга ўзим қасд қилишимнинг ҳеч кераги йўқ, ният қилганим ўлимга, мана, баҳона топилди, деган фикрга келди ва шу ерда миршабларнинг келишини кутиб ётди, миршаблар ҳам горда содир бўлган воқеадан хабар топишиб, бу ерга бостириб кирдилару Гисиппни қўлга олдилар. Сўроқ пайтида Гисипп, қотил менман, лекин қочишга улгура олмадим, деб айбни бўйнига олди, претор¹ Марк Варрон ҳам шу эътирофга асосланиб, ўша даврдаги таомилга кўра, Гисиппни чорчўпга миҳлашга ҳукм қилди.

Тасодифни қарангки, шу маҳал суд маҳкамасига Тит кириб келиб қолди. У бир бечора бандини қандайдир гуноҳи учун қатл этишмоқчи бўлганидан хабар топиб, гуноҳкорга кўз ташлади-ю, дарҳол Гисиппни таниди, унинг бошига тушган бу машъум савдодан ва қандай қилиб бу ерга келиб қолганидан ҳайрон бўлиб қолди. Шунда Тит бутун вужуди билан дўстига кўмаклашиш истагида

¹ Претор — қадимги Римда судья лавозимини бажарувчи ва ички тартиб-га қаровчи мансабдор. (Тарж.)

ёниб ва уни оқлаб, бу фалокатдан халос қилиш учун ўзини айбдор қилиб кўрсатишдан ўзга чора топа олмай, одамлар орасини ёриб ўтиб, олдинга чиқди-да, шундай деб қичқирди: «Марк Варрон! Ҳозир ўлимга маҳкум этганинг бахти қаро одамни қайтар — унда айб йўқ. Мен бир одамнинг жонига қасд қилиб, шундоқ ҳам худолар ғазабига учраб турибман (ул одамнинг жасадини соқчиларинг бугун эрталаб топиб олишипти), энди мен, яна бир бегуноҳ одамни ўлимга йўллаб, худоларни баттар дарғазаб қилишни истамайман».

Ҳайрон қолган Варрон бу гапларни маҳкамадаги барча одамлар эшитганидан ранжиди, бироқ қонунни бузиш ўз шаънига доғ тушириш билан баробар бўлганлиги учун у Гисиппни қайтариб олиб келишни буюрди ва Титнинг олдида унга бундай деди: «Чамаси, сен ақлдан озган бўлсанг керак. Сени қийноққа солишганиям йўқ-ку, сен бўлсанг, қилмаган ишингга иқрор бўлиб ўтирибсан, ваҳоланки, бунинг учун жонинг кетишини жуда яхши биласан. Сен ҳали, тунда қотиллик қилдим, деб гувоҳлик бердинг, мана бу одам бўлса, келиб, ўша одамни мен ўлдирганман, деб иқрор бўляпти».

Гисипп бир қарашдаёқ Титни таниди ва бир вақтлар ўзининг унга қилган яхшиликлари эвазига энди уни қутқариш учун айбни ўзига олаётганини тушунди. У кўнгли бўшаб, йиғлаб юборди ва шундай деди: «Варрон! Қотил — менман. Титнинг тараҳҳуми кечикди».

Лекин, Тит ўз сўзида қаттиқ туриб олди. «Ўзинг кўриб турибсан-ку, претор, — деди у, — мусофир одам; у жасад ёнида қўлга олинган, лекин ёнида қуроли бўлмаган. Афтидан, қашшоқликда кун кечиришдан ўлимни афзал кўрган бўлса керак. Сен уни озод қил, мен жазога лойиқ иш қилганман, мени жазолайвер».

Варрон ўз сўзида қатъий туриб олган бу икки одамнинг хатти-ҳаракатидан ҳайрон қолиб, унисда ҳам, бунисида ҳам гуноҳ йўқ, деган мулоҳазага борди ва уларни қандай қилиб оқлаш ҳақида бош қотира бошлади, лекин шу чоғ унинг қаршисида ўтакетган фосиқ, ўзининг босқинчилик ишлари билан бутун Римга отнинг қашқасидек танилган Публий Амбуст исмли йигит пайдо бўлди, — қотил шу эди, у бу икки йигитнинг ўз бошига ўзи фалокат орттираётганини тушуниб, бу бегуноҳ одамларга жудаям раҳми келиб кетди ва шу беҳад кучли ачиниш таъсири остида Варронга яқин бориб шундай деди: «Претор! Бу одамларнинг машъум баҳсини ажрим қилиш менинг қисматимга ёзилган экан. Менга тинчлик бермаётган ва айбимга иқрор бўлишга мажбур этаётган қайси бир худо эканлигини билолмайман. Лекин нима бўлгандаям, эътиборинг учун шуни баён қиламанки, буларнинг иккови ҳам ўзларини бежорга айбдор деб ҳисобляпти. Бугун тонг палласида одам ўлдирган мен бўламан, шеригим билан ўғирланган молни бўлашаётганимизда, мурасага келолмай қолдик, шундан кейин уни ўлдирган эдим, мана бу бахти қаро одам ўша ерда, ғорда ухлаб ётган эди. Лекин Тит масаласига келсак, у менинг ҳимоямга муҳтож эмас; унинг бундай ишга икки дунёда ҳам қўл урмаслигига, унинг

олиҳиммат зот эканлиги кафил бўла олади. Сен уни ҳам озод қил, суд қонунига биноан шафқатсиз равишда мени суд қил».

Бу пайтда император Октавиан ҳамма гапдан воқиф бўлган эди; бу одамларнинг не сабабдан ўз бошларига фалокат орттираётганини билмоқ истагида у учала гуноҳкорни ўз қошига олиб келишни амр этди ва шу ерда ҳар бир йигит ўзи тўғрисида муфассал сўзлаб берди. Октавиан икки йигитни гуноҳсиз деб билиб озод қилди, учинчисини эса — шу икки йигитнинг илтимосига кўра бўшатиб юборди.

Ана шундан кейин Тит дўсти Гисиппини бағрига босипти, тортинчоқлик қилгани ва умидсизликка тушгани учун уни койиб берипти, сўнг ўз уйига бошлаб борипти. Софрония ҳам уни худди ўз оғасидек кутиб олиб, бу хушбахт ҳолдан таъсирланиб кетганидан йиғлаб юборипти. Тит дўстининг кўнглини кўтарипти, уни ўз рутбасига ва иззатига яраша ясантириб кийинтирибди, кейин ўз бойлигини ва ер-мулкини у билан тенг бўлашибди, синглиси Фульвияни унга турмушга берибди-да, сўнг дўстига шундай дея юзланибди: «Энди, Гисипп, хоҳласанг меникида қолишинг, хоҳласанг, мендан олган ҳамма нарсаларинг билан Ахайяга¹ қайтишинг мумкин». Гисипп ўзи туғилиб-ўсган шаҳардан бадарға қилинганини эслаб, шунингдек, Титнинг муташаккир меҳри учун миннатдор бўлиш лозимлигини ўйлаб, Рим фуқароси бўлишни ихтиёр қилибди. Бундан кейин ҳам у ўз Фульвияси билан, Тит эса, ўз Софронияси билан бир онла бўлиб, узоқ вақт саодатли ҳаёт кечирншган экан ва уларнинг дўстлиги, агар шундай бўлиши мумкин бўлса, кун сайин мустаҳкамлана борган экан.

Шундай қилиб, фаросатли она иззату ҳурматга, оқида сингил — ташаккур ва самимий хайрихоҳликка, душман — нафрат ва ғазабга қанчалик лойиқ бўлса, дўстлик ҳам нафақат шуён иззату икромга, шунингдек, беадад мадҳу санога лойиқ бўлган энг муқаддас тушунчадир, зеро, дўстлик, ўзгаларнинг илтимос қилишларини кутиб ўтирмасдан, мудом, диловарона хайрихоҳлик кўрсатишга шай бўлиб туради ва шунингдек, ўзига нисбатан ҳам ўзгаларда айнан шундай муносабат уйғотишга ҳаракат қилади. Афсус ва надоматлар бўлсинким, эндиликда одамлар разилдона тамагириликка муккаларидан кетиб, ўз номларини иснодга қўяётганлари натижасида, дўстликнинг эзгу фазилатлари камдан-кам кўзга ташланадиган бўлиб қолган, чунки фақат ўз ҳамёнинигина ўйловчи ҳарислик ер юзидан у туйғуни буткул бадарға қилиб юборгандир. Титнинг қайноқ муҳаббати, кўз ёшлари ва оҳу нола-ларининг Гисипп қалбига қаттиқ таъсир этишига ва бунинг оқибатида шу дўсти туфайли ўзининг соҳибжамол, аслзода ва суюкли қайлиғидан воз кечишига меҳр ҳам, тамагирилик ҳам ё қариндошлик туйғуси ҳам эмас, балки фақат дўстлик даъвати сабаб бўлмадими? Ўзининг ва Софрониянинг қариндошлари билан алоқаси узилишидан афсусланмасликка, қора халқнинг айюҳаннос солиб,

¹ А х а й я — қадим замонда римликлар бутун Грецияни шундай деб атаганлар. (Тарж.)

уни бадном этишига, уни мазах қилиб, устидан кулишига парво қилмасликка, дўсти учун ҳар қандай шармандаликка ҳам бардош беришга Гисиппни даъват этган нарса мутлақо юксак мартаба ҳам, туҳфа-тортиқлар ҳам, имтиёзлар ҳам эмас, балки фақат шу дўстлик туйғуси эмасмиди? Тит гўё Гисиппни ҳеч танимагандек, бахузур ўтиб кетиши мумкин эди ва лекин у, ўзи ўлишни ихтиёр қилган дўстини чорчўпга миҳлаб қатл этилишдан асраб қолиш учунгина, ҳеч иккиланиб ўтирмасдан, ўзи ўлимни бўйнига олдики, бундай иш тутишга уни нима даъват этган эди? Титки, ҳеч иккиланиб ўтирмай, ўзининг беҳисоб мол-дунёсини бахту саодатдан бе-насиб бўлган шўрпешона Гисипп билан бўлишишдек олижаноб қарорга келган экан, уни бундай саховатга ундаган дўстликдан ўзга яна нима бўлиши мумкин? Тит тамомла қашшоқлашиб қолган Гисиппга ўз синглисини ҳеч мулоҳазага бориб ўтирмай эрга берган экан, уни шу ишга ундаган нарса дўстлик эмасми?

Майли, одамлар, қариндош-уруғларини кўпайтиришга, оғанилар орттиришга, серфарзанд бўлишга уринаверишини, майли, улар яна ва яна кўпроқ хизматкорлар ёлласин, илло, бу одамларнинг ҳар бири ҳам бирон хатарнинг дарагини эшитгудек бўлсалар, қўрқувдан дағ-дағ титрашиб, ўз отасининг, оғасининг, соҳибининг бошига тушаётган фалокатни даф этиш учун хиёлгина бўлсин, жон куйдирмагайларки, чинакам дўстлик бунинг мутлақо аксини қилғай.

9

Савдогар қиёфасида саёҳатга чиққан султон Салоҳиддинни мессер Торелло самимий меҳмондўстлик билан ўз уйига таклиф қилади; салб юришига ҳозирлик кўрилади; мессер Торелло бу юришга жўнаб кета туриб, хотинига, башарти қайтиб келмаган тақдирда, қанча муддатдан кейин бошқа одамга турмушга чиқиши мумкинлигини айтади; мессер Торелло асирга тушади; унинг қушларни қўлга ўргатиш ҳунари ҳақидаги овоза Салоҳиддиннинг қулоғига етиб боради; Салоҳиддин уни таниб қолади ва ўзини ҳам унга танитиб, мессер Тореллонинг иззатини келтириб, шоҳона тақдирлайди; мессер Торелло касал бўлиб қолади; бир кун тунда у тилсимот кучи билан Павияга учиб боради; бу ерда мессер Тореллонинг хотини бошқа одамга турмушга чиқаётгани муносабати билан зўр зиёфат берилаётган бўлади; хотин ўз эрини таниб қолади ва мессер Торелло уни ўз уйига олиб кетади

Филомена ўз ҳикоясини тугатиб, ҳамма бир овоздан саховатли ва одамохун Титни кўкларга кўтариб мақтагач, қирол Дионеога охири сўзни беришдан олдин, ўзи шундай нутқ ирод қилди:

— Латофатли хонимлар! Филоменанинг дўстлик ҳақидаги мулоҳазалари, шубҳасиз, гоятда одилона фикрлардирки, у ўз ҳикоясининг охирида, бизнинг замонамизда одамлар дўстликнинг қадрига етмай қўйдилар, деб мутлақо ҳақли равишда шикоят қилди. Агарда биз бу ерга одамзоднинг иллатларини тузатиш учун ёки ҳеч бўлмаганда, шу иллатларни қоралаш учун тўпланган бўлгани-

мизда эди, унда мен ҳам Филоменанинг фикрини ривожлантириб, уни ҳар томонлама муҳокама қилган бўлур эдим, лекин сиз билан бизнинг бу ерга тўпланишимиздан мақсад бошқа—мана шу сабабга кўра, ўзимнинг бир оз узунроқ бўлса ҳамки, гоятда қизиқарли қиссамда султон Салоҳиддиннинг пурҳиммат рафторларидан бирини баён қилмоқчи бўлдим: бизнинг гуноҳларимиз дўстлик қувончларидан тўла миқдорда баҳраманд бўлишимизга имкон бермайди, бироқ менинг қиссамни эшитсак, ҳеч бўлмаганда, бир кун келиб шояд қайтса, деган умидда, яхшилик қилишнинг нечоғли кишига хуш ёқишини ҳис қилажакмиз.

Алқисса, айтадиларки, император Фридрих Биринчи замонда христианлар Муқаддас ерни¹ халос этмоқ учун оммавий салб юриши уюштирмоқчи бўлган эканлар. Бундан воқиф бўлган диловар ҳукмдор Бобил султони Салоҳиддин, христианларнинг салб юришига қандай тайёргарлик кўришаётганини ўз кўзи билан мушоҳада қилмоқчи ва шунга қараб, ўз навбатида мудофаага пухтароқ ҳозирлик кўрмоқчи бўлди. У ўзининг Мисрдаги ҳукмдорлик ишларини жо-бажо қилиб, савдогар либосини кийди-да, ўзининг энг кўзга кўринган, энг донишманд икки нафар аъёнини ва уч нафар хизматкорини олиб, гўё зиёратга кетаётгандек бўлиб сафарга жўнади. У христиан элларидан анча-мунчасини айлланиб чиқди ва ниҳоят, тоғдан ошиб ўтиш ниятида Ломбардия бўйлаб саёҳат қилиб кетаётганида кечки пайт Милан билан Павия ўртасидаги йўлда мессер Торелло ди Стра исмли павиялик бир зотга тўқнаш келдики, бул зот ўз хизматкорлари, овчи итлари ва лочинлари билан Тичино соҳилидаги муҳташам мулкида дам олгани кетаётган эди.

Мессер Торелло Салоҳиддин билан унинг ҳамроҳларига кўзи тушган заҳоти, уларни аслзода ажнабийлар деб тушунди ва уларни зўр иззат-эҳтиром билан кутиб олишни ихтиёр қилди. Мана, улар тўқнаш келишиб, Салоҳиддин мессер Тореллонинг хизматкорига, Павияга ҳали узоқми, шаҳар дарвозаси ёпилмасдан унга етиб олармикимиз, деган мазмундаги савол билан мурожаат қилган эди, мессер Торелло хизматкорининг жавоб қайтаришига имкон бермади. «Йўқ, синьорлар, кечикдингиз», деди у.

«Бизлар — мусофирлармиз, — деди шунда Салоҳиддин, — бизга илтифот айлаб, тунаб қолншга бирон бошпана кўрсата олмай-сизми?»

«Бажону дил, — деди мессер Торелло. — Мен ҳозир ўз хизматкоримни Павия яқинидаги бир қишлоққа зарур иш билан юбормоқчи бўлиб турган эдим. У сизни ўша ерга кузатиб қўяди ва сиз ҳар жиҳатдан бадастир бўлган хоналарда тунаб қолишингиз мумкин».

Шундан кейин, мессер Торелло энг фаросатли ҳисобланган бир хизматкори олдига яқин борди ва қандай иш тутиши лозимлигини тайинлаб уни мусофирларга йўлбошчи қилиб жўнатди-да, ўзи яна

¹ Яъни Қуддусни. (Тарж.)

ўз йўлида кетаверди; лекин у ўз мулкига етиб борган заҳоти зудлик билан энг лаззатли таомлар ниширишни ва боғда дастурхон тузашни буюрди; ҳамма нарса тахт бўлгандан кейин эса, меҳмонларни кутиб олиш учун кўчага чиқди. Энди гапни аслзода сайёҳларни кузатиб бораётган хизматкордан эшитинг; у меҳмонларни гап билан чалғитиб, сездирмасдан йўлни чап солди-да, уларни айланма йўл билан ўз соҳибининг мулкига бошлаб келди.

Мессер Торелло меҳмонларнинг қорасини узоқдан кўриши билан уларнинг истиқболига пешвоз юриб борди ва табассум билан: «Хуш келибсизлар, синьорлар!»— деди. Салоҳиддин зийрак одам эди, шунга кўра у, бул зот агар мусофирларни уйимга тўғри таклиф қилсам, бош тортишлари мумкин, деб ўйлаган бўлса керак ва шу боисдан бизни ўз мулкига айёрлик билан жалб қилмоқчи бўлибдики,— шундай қилсам, ноилож, меникида бир кеча меҳмон бўлиб қолишди,— деган бўлса керак, деб мулоҳаза қилди. Сўнг у мессер Тореллонинг саломига алиқ оларкан, бундай деди: «Мессер! Агарки, одамнинг лутфу қарамадан ранжиш мумкин бўлганида, биз сизга ўз норозилигимизни изҳор қилган бўлур эдик: зеро, сиз нафақат бизни йўлимиздан қолдирдингиз, балки,— сиз ўзингизнинг ғайри оддий илтифотингиздан баҳраманд бўлишга мажбур ҳам этдингиз,— ваҳоланки сизнинг бундай илтифотингизни қозониш учун сиз билан йўлда саломлашишдан ўзга ҳеч нима қилмагандик».

Мессер Торелло донишманд ва гапга чечан одам бўлганлигидан бундай жавоб қилди: «Синьорлар! Сизларга кўрсатган ушбу илтифотим, рутбангизга монанд кўрсатилиши лозим бўлган илтифот олдида ҳеч нимага арзимаиди ва лекин Павия атрофидаги ҳамма ерда ҳам дарҳақиқат, сизларга мос бошпана топилмас эди, шунга кўра, бир кеча қўниб ўтса бўладиган ушбу ўртамиёна манзилга айланма йўлдан юриб келганингиз учун таассуф қилмаслигингизни сўрайман».

Шу чоғ сайёҳлар олдига мессер Тореллонинг хизматкорлари яқин бордилар, сайёҳлар отларидан тушдилар, хизматкорлар уларнинг отларини олиб бориб охурларга боғладилар; мессер Торелло эса, уч нафар аслзода сайёҳни улар учун олдиндан тайёрлаб қўйилган оромгоҳларга бошлаб борди, хизматкорларига, меҳмонларнинг пойабзалларини ечишни буюрди, сўнг уларга муздек шароб таклиф қилди ва кечлик таомга ҳали вақт бор бўлганлигидан, бу вақтни меҳмонлар билан кўнгилли суҳбат қуриб ўтказди. Салоҳиддин ҳам, унинг хизматкорлари ҳам лотин тилини яхши билишарди, шунинг учун улар ҳамма гапни жуда яхши тушунишар, уларнинг ҳам ҳамма айтганлари мезбонларга тушунарли эди, меҳмонлар мезбонни энг дилкаш, боодоб ва ширинсухан одам деб эътироф этдилар, мессер Торелло эса, булар аввалги фаразига нисбатан ҳам юсакроқ рутбали зотларга ўхшайдилар, деган фикрга келди ва бу меҳмонлар шарафига бугун сердабада базм бериш ва уларни энг юсак табақа жамоа аҳли билан таништириш имконидан маҳрум эканлигидан жуда қаттиқ хижолат бўлди, лекин бу камчиликни эртага тузатишим мумкин, деб ўзига-ўзи та-

салли берди; у эртага қиладиган ишини ўз хизматкорларидан бирига тушунтириб, уни Павияга жўнатди, шаҳар бу ердан олис эмас эди дарвоқе, унинг биронта дарвозаси кечасига беркитилмас ҳам эди; хизматкорни у ўзининг ўта оқилона ва улкан қалб соҳибаси бўлмиш хотинининг олдига жўнатди.

Шундан сўнг у аслзода меҳмонларни боққа таклиф қилди ва энг назокатли иборалар билан уларнинг кимлиги, қаердан келишаётгани ва қай томонга йўл олишганини сўради. Салоҳиддин унинг бу саволига шундай жавоб қилди: «Биз — кипрлик савдогарлармиз, Кипрдан келмоқдамиз ва иш билан Парижга кетмоқдамиз».

Мессер Торелло ҳам унга бундай деди: «Фикри ожизимча, юртингиз савдогарларики, сизларчалик эканлар, мен худодан, мамлакатимиз аслзодаларини савдогарга ўхшатгин, деб илтижо қилган бўлур эдим».

Мусоҳаба бир мавзудан иккинчисига ўтиб турди, шу пайт кечлик таом тайёр бўлди; мезбон меҳмонларни дастурхонга таклиф қилди, гарчи кечлик овқат наридан-бери тайёрланган бўлса ҳам ҳамма таомлар бениҳоя лаззатли ва қатъий тартибга риоя қилинган ҳолда столга тортилди. Орадан маълум вақт ўтиб, дастурхонлар йиғиштирилгач, мессер Торелло меҳмонларнинг узоқ йўл юриб толиқишганини эътиборга олиб, уларни оҳорли чойшаблар солинган ўринларига кириб ётишга таклиф қилди, сўнг ўзи ҳам ухлагани кириб кетди.

Энди гапни Павияга юборилган хизматкордан эшитинг; у соҳибининг топшириғини бажарди, мессер Тореллонинг хотини меҳмонларни шоҳона иззат-икром билан қарши олиш тараддудини кўра бошлади: у зудлик билан мессер Тореллонинг ёр-дўстлари ва хизматкорларини ёрдамга жалб қилди, зиёфатнинг ғоятда пуршукуҳ ўтиши учун қўлидан келган ҳамма ишни қилди, хизматкор хабар олиб келган оқшомдаёқ шаҳарнинг казо-казоларини ўз ҳузурига чақиртирди (хонимнинг хизматкорлари уларнинг йўлини машъала билан ёритиб бошлаб келдилар), меҳмонларга тортиқ қилиш учун шоҳи, мовут ва мўйна либослар ҳозирлаб қўйди,— хуллас, эри нимани буюриб юборган бўлса, ҳаммасини бажарди.

Энди гапни аслзода меҳмонлардан эшитинг улар эрталаб ўринларидан туришди; ҳаммалари, шунингдек, мессер Торелло ҳам отларга минишди, мессер Торелло лочинларни ҳам олиб олишни буюрди ва улар йўлларида учраган биринчи ботқоқликка етишганида, мезбон лочинларининг қандай учишини меҳмонларга намоён қилиб кўрсатди. Салоҳиддин мессер Тореллога: хизматкорларингиздан биронтаси бизни Павиягача кузатиб бориб, энг яхши меҳмонхонани кўрсатиб қўя олмасмикин, деб илтимос билан юзланди. Мессер Торелло шундай таклиф қилди: «Мен ўзим сизларни кузатиб қўяман, барибир, бугун шаҳарда бўлишим керак». Мусофирлар унинг гапига ишониб, хурсанд бўлдилар ва мессер Торелло ҳамроҳлигида йўлларида давом этдилар. Улар Павияга эрталаб соат тўққизларда етиб келдилар: мусофирлар, бутун шаҳарда, энг муҳташам меҳмонхонага келиб тушдик, деб ишондилар, аслида

эса, тўппа-тўғри мессер Тореллоникига кириб борган эдилар, шаҳарнинг аъёни ашрафларидан эллик нафарчаси меҳмонларни қарши олгани мессер Тореллонинг ҳовлисига тўпланган эди: улар меҳмонлар олдига пешвоз чиқишиб, биров узангидан, биров отнинг жиловидан ушлади.

Салоҳиддин билан унинг ҳамроҳлари бу ҳолнинг маънисига жуда яхши тушундилар. «Мессер Торелло, — дейишди улар. — Биз сиздан тамомила бошқа нарсани илтимос қилган эдик. Утган кеча сиз, бизга шундоқ ҳам жуда зўр мурувват кўрсатдингиз, — биз ундай шоҳона манзилни тасаввур ҳам қила олмаган эдик, — шунга кўра, ҳозир биз одоб юзасидан сизнинг ижозатингиз билан бу ерда тўхтамай ўтмоғимиз лозим».

Унинг бу гапига мессер Торелло шундай жавоб қилди: «Синьорлар! Кеча меникида манзил қурганингиз учун сизлардан ҳам кўра кўпроқ тақдирга миннатдорлик билдирмоғим лозим, — зероки, шу тақдирнинг шарофати билан ва қош қорайиб қолганлиги сабабли сизлар менинг кулбайи вайронамга қадам ранжида қилдингиз. Лекин бутунги ташрифингизга келсак, бунинг учун мен фақат сизлардан миннатдор бўлмоғим лозим — мени ҳам, сизни қуршаб олган мана шу шаҳримизнинг аъёни ашрафларини ҳам бениҳоя хурсанд қилдингиз, лекин борди-ю, агар сиз бир қошиқ ёвғонимизни биз билан баҳам кўришни одобсизлик деб ҳисоблайдиган бўлсангиз, унда ихтиёр ўзингизда».

Салоҳиддиннинг ҳам, ҳамроҳларининг ҳам отдан тушишдан ўзга иложлари қолмаган эди, шаҳарнинг донгдор кишилари уларни самимият билан қутлаб, уларни олдиндан тайёрлаб қўйилган шинам оромхоналарга кузатиб бордилар. Мусофирлар эгниларидagi сафар либосларини ечиб, бир оз ҳордиқ чиқаришгач, емакхона сари йўл олдиларки, бу ер ўзининг ажиб ҳашамлари билан уларни ҳайратга келтирди. Хизматкорлар қўл ювиш учун сув келтирдилар; сўнг ҳамма ниҳоятда зўр нафосат билан тузалган сср-файз дастурхон теграсига ўтирди ва зиёфат бошланди; бир-биридан лаззатли ноз-неъматлар бирин-кетин тортилиб турди, — хуллас, агар мессер Тореллонинг уйига император ташриф буюрса, ҳаттоки унга ҳам бундан ортиқ иззат-икром кўрсатиб бўлмаган бўлур эди. Бинобарин, Салоҳиддин билан унинг ҳамроҳлари гарчи юксак мартабали жаноблар бўлишса ҳам, улар афсонавий ҳашаматга одатланиб қолган бўлишса ҳам, шунга қарамай, бутунги зиёфатдан кўп таажжубландилар; улар мезбоннинг зодагон эмас, балки оддий бир фуқаро эканлигини эътиборга олишиб, бу зиёфатни улар меҳмондўстликнинг сарчўққиси, деб эътироф этдилар. Зиёфат тугаб, дастурхонлар йиғиштирилгач, мезбон билан меҳмонлар у ёқдан-бу ёқдан гурунглашиб ўтирдилар, лекин бу пайт ёзнинг энг жазирамга пайти бўлганлиги сабабли, Павия аслзодалари, мессер Тореллодан ижозат сўрашиб, дам олгани тарқалишди, мессер Торелло эса, уч нафар мусофир билан ўзга бир хонага ўтиб ва ўзи учун энг азиз бўлган зотни меҳмонларга кўрсатиш нстагида, соҳибжамол хотинига одам юборди. Шунда унинг кушрўй, сарвқомат, башанг кийинган хотини ўзининг малакчеҳра

икки ўғилчасини етаклаб бу ерга кириб келди ва меҳмонлар билан очиқ юз билан саломлашди. Меҳмонлар бекани кўришлари билан ўринларидан турдилар, унинг саломига эҳтиром билан алик олдилар ва хонимни курсига ўтқазиб, икки ўктам гўдакни эркаладилар. Бека билан меҳмонлар ўртасида ҳаловатли суҳбат бошланди, мессер Торелло хонадан чиқиб кетган чоғда эса, хоним бағоят назокатли иборалар билан меҳмонларнинг қаердан келаётганлари ва қай томонга йўл тутганлари ҳақида сўради; аслзода сайёҳлар хонимга ҳам мессер Тореллога қилган жавобларини айтдилар.

Бека меҳмонларга мулоим нигоҳ ташлаб қўйиб, бундай деди: «Назаримда, мендаги ожизона жонкуярлик сизларга асқатадиганга ўхшайди. Гап бундай, менга улкан бир илтифот кўрсатишингизни, ҳозир бу ерга олиб келишадиган фақирона тортиқларимдан бош тортмаслигингизни ва улардан ҳазар қилмаслигингизни илтимос қиламан сизлардан. Ўзингиз мулоҳаза қилиб кўринг, баски, аёл кишининг ақли қисқа экан, у тортиқ қиладиган армуғон ҳам шунга яраша, кичкина бўлмоғи керак; демак, мен ҳам сизларга арзимаган нарса совға қилмоқчиману, илло — чин қалбдан совға қиламан». Шу чоғ хонимнинг буйруғига биноан ҳар қайси меҳмон олдига бири мовутдан, бири олмахон мўйнасидан ҳошия қилинган иккитадан либос (бундай либосни мешчанлар ҳам, савдогарлар ҳам эмас, балки улуғ зотлар кийишарди), яна шоҳи нимча билан чолвор қўйдилар. «Марҳамат, олинглар — деди бека, — менинг эрим ҳам айнан шунақа либос кияди. Энди қолган баъзи буюмларга келсак, гарчи улар ҳеч нимага арзимаса ҳам барибир, сизларга асқатиб қолиши мумкин, — хотинларингизнинг сиздан олисда эканлигини, шунча кўп йўл босган бўлишингизга қарамай, ҳали яна узоқ вақт сафарда бўлишингизга тўғри келишини ва савдогар аҳлининг озода ва нозиктабиат халқ бўлишини эътиборга оладиган бўлсак, инчунин».

Азиз меҳмонлар мессер Тореллонинг меҳмоннавозлик бобида биронта ҳам икир-чикирни унутмаганлигидан ҳайратга келдилар; бу совға қилинган либослар — савдогарларнинг эмас, балки боёнларнинг кийими эканлигига ишонч ҳосил қилган меҳмонлар кўнглига беихтиёр, мессер Торелло бизни таниб қолганга ўхшайди-ёв, деган фикр келди. Шундай бўлишига қарамай, Салоҳиддиннинг ҳамроҳларидан бири уй бекасига шундай сўзлар билан юзланди: «Бегойим! Бу армуғонингиз — биз учун ғоятда улкан тухфадир, бинобарин, агарда биз рад этишга ожиз бўлган ушбу илтимосингиз бўлмаганда эди, буларни қабул қилишга ҳаддиз сизмаган бўлур эди».

Бу маҳал мессер Торелло хонага қайтиб кирди; унинг хотини меҳмонларга оқ йўл тилаб, улар билан хайрлашди ва уларнинг хизматкорларини ҳам ўзларига яраша совға-салом билан тақдирлаш ниятида бу ердан чиқиб кетди. Мессер Торелло сайёҳларни яна бир оз меҳмон бўлиб қолишга ундади. Сайёҳлар бир оз мизғиб олишди, ундан кейин совға қилинган либосларни кийишиб, мессер Торелло билан отларга минишди-да, шаҳар айланишди,

кечқурун эса, обрў-эътиборли меҳмонлар даврасида зиёфатда бўлишди.

Кейин улар ётиб ухладилар, эрталаб ўринларидан туришганда эса, уларнинг ҳолдан тойган нимжон отлари ўрнига уларга учта чиройли, бақувват от тутқаздилар; хизматкорларга ҳам узоқ сафарга дош берадиган миқти отлар бердилар. Шунда Салоҳиддин ўз ҳамроҳларига юзланиб бундай деди: «Азбаройи худо, дунё дунё бўлиб, бундай ажойиб, бундай ширинсухан, бундай хушилтифот одамни ҳали ҳеч кўрган эмас! Агар христиан қироллари ҳам шу бизнинг мезбонимиз сингари ажойиб одамлар бўлишса, унда Бобил султони, наннки, унга ҳужум қилишга ҳозирлик кўраётган христиан қиролларининг ҳаммасига, балки уларнинг биттасига ҳам дош бера олмагай!» Совгадан бош тортиш ноқулай бўлди; сайёҳлар мезбонга чин қалбдан миннатдорчилик билдиришиб, тортиқ қилинган отларга миндилар.

Мессер Торелло билан унинг дўстлари меҳмонларни албатта кузатиб қўяжаklarини изҳор этдилар-да, уларни шаҳардан анча олислаб кетишгунча кузатиб бордилар, ниҳоят мессер Тореллога, ҳалитдан меҳри ортиб қолган Салоҳиддин, гарчи мезбон билан ҳеч хайрлашгани келмаётган бўлса ҳам ўзининг шошаётганини ва хайрлашниш пайти етганини изҳор этишга мажбур бўлди; мессер Торелло ноилож бундай деди: «Агар шуни ихтиёр қилаётган бўлсангиз, сизлар билан ушбу ерда хайрлашгум ва лекин шуни айтиб қўймоғим шартдир: мен сизларнинг кимлигингизни билмайман, ундан кейин, ўзингиз менга айтишни лозим кўрган нарсадан ортинги биллишни ҳам истамайман, аммо барибир, сизларнинг савдогар эканлигингизга ҳеч қачон ишонмайман. Худо ёр бўлсин сизларга!»

Бу орада мессер Тореллонинг ҳамроҳлари билан хайрлашиб улгурган Салоҳиддин унга бундай жавоб қилди: «Ҳали сизга ўз молимизни кўрсатадиган пайт келур, мессер, ана ўшанда гапимизга иқрор бўлгайсиз. Сизга ҳам худо ёр бўлсин, уйингизга қайтинг!»

Салоҳиддин, агар ўлмасам, агар урушда ҳалок бўлмасам, мессер Тореллога, унинг менга кўрсатган ҳурмат-эҳтиромидан юз чандон ошириб яхшилик қиламан албатта, деган улкан армон билан жўнаб кетди. Сафар пайтида Салоҳиддин ўз ҳамроҳлари билан мессер Торелло ва унинг хотини тўғрисида, унинг фаолияти-ю, хайру саховати ҳақида кўп мақтов сўзлар айтишиб, узоқ мусоҳаба юритди. Ниҳоят, Салоҳиддин кўп машаққатлар билан бутун Ғарбни кезиб чиқиб ва ўзига зарур бўлган маълумотлари тўплаб, ахири кемага чиқди; у ўз ҳамроҳлари билан Искандарияга қайтиб боргач эса, мудофаага ҳозирлик кўра бошлади. Мессер Торелло эса, Павияга қайтиб боргач, бу учта зот ким бўлдийкин, деб узоқ бош қотирди, лекин уларнинг тахминлари ҳақиқатдан ниҳоятда йироқ эди.

Салб юриши эълон қилиниб, ҳамма ерда унга қизгин ҳозирлик кўрила бошлаганида, мессер Торелло ҳам хотинининг кўзёш тўкиб ёлворишларига қарамай, албатта бу юришда иштирок этишга қарор қилди. У сафар ҳозирлигини кўриб бўлиб, отга миннишдан ол-

дин, ўзининг жонидан азиз умр йўлдошига бундай деди: «Ўзинг тушунасан, хотин мен нафақат донг чиқариш, шунингдек, руҳимни гуноҳдан халос этиш учун ҳам бу салб юришига жўнаб кетмоқдаман. Ҳамма ишларга ўзинг бош-қош бўл, хонадонимиз шаънига доғ туширма. Ўзимнинг салб юришига кетаётганимга-ку, имоним комил, аммо ундан омон қайтишимга ҳеч қандай ишончим йўқ,— ким билсин, пешонамга нималар ёзилган экан!— шунга кўра, сендан шуни илтимос қиламан: башарти, мендан дарак олмасанг, шунда ҳам мени кут ва то бу ердан жўнаб кетганимдан бошлаб орадан бир йилу бир ою бир кун ўтгунга қадар иккинчи маротаба турмушга чиқма...»

Хотини ачиқ-ачиқ кўз ёш тўкиб, унга бундай деди: «Билмадим, мессер Торелло, бу жудоликка қандай бардош бера оларкинман, илло, агар бир илож қилиб, бардош беришга қурбим етадиган бўлса, унда бошингизга не кунлар тушишидан қатъий назар, сиз бамайлихотир яшаб, шу нарсага қатъий ишонган ҳолда бу дунёдан хотиржам кўз юмишингиз мумкинки, мен бошимга қилич келиб, ўладиган бўлганимда ҳам фақат мессер Тореллонинг хотини сифатида ўлажакман ва то умримнинг охиригача эримнинг руҳига ҳам содиқ бўлиб қолажакман».

Мессер Торелло хотинининг бу гапларига жавобан шундай деди: «Хотин, агарки, бу ҳол ёлғиз сенга боғлиқ бўладиган бўлса, ўз сўзининг устидан чиқасан — мен бунга асло шубҳа қилмайман, аммо сен ёшсан, гўзалсан, аслзодалар насабидансан, бундан ташқари яна кўп яхши фазилатларинг борки, улар барчага аёнди; шунга кўра, агарда мен бедарак йўқ бўлиб кетгудек бўлсам, кўпгина юксак мавқедаги зотлар, кўпгина донгдор кишилар акаларинг ва ўзга қариндошларингдан сенинг қўлингни сўрай бошлашларига аминмап, аммо сен қанча ҳаракат қилсанг ҳам унақа хира куёвлардан қочиб қутула олмайсан ва бир кун эмас бир кун ноилож рози бўласан. Мана шунинг учун ҳам сенга шунақа қисқа муддатли шарт қўйдим».

«Мен ўз ваъдамнинг устидан чиқишга астойдил ҳаракат қиламан,— деди хоним.— Борди-ю, ўзгача йўл туттишимга тўғри келадиган бўлса, ҳар қандай вазиятда ҳам сизнинг хоҳишингизга амал қилажакман. Бироқ мен, сизнинг ҳам, менинг ҳам бошимизга жудолик кулфати солмаслигини эртаю кеч яратган эгамдан илтижо қиламан».

Шундай дея мессер Тореллонинг хотини шўнграб йиғлаб, эрини маҳкам бағрига босди ва бармоғидаги узукни ечиб, унга берди. «Агар мен олдин ўлсам,— деди у,— унда мана шу узукка қараб, мени хотирлаб юринг».

Мессер Торелло узукни олди, отига минди ва ҳамма билан хайрлашиб, жўнаб кетди. У ўз ҳамроҳлари билан Генуяга етиб келиб, эшкакли катта кемага чиқди ва бир оз вақтдан кейин Акрага етиб бориб, у ерда христиан қўшинлари сафига кирди. Лекин айни шу пайтда қўшин ичида ёппасига касаллик тарқалиб, одамлар бирин-кетин ўла бошладилар; бу — шунчаки Салоҳиддиннинг тасодифан бахти юришганимиди ё унинг найрангимиди — бу ҳақ

да аниқ бир гап айтиб бўлмасди-ю, аммо бу офат жуда узоқ вақт давом этди, оқибатда, тирик қолганларнинг ҳаммаси ҳеч қандай жангсиз асирга тушдилар ва тўп-тўп қилиниб турли шаҳарларга юборилдилар, зиндонларга ташландилар. Кўп қатори мессер Тореллони ҳам асирга олиб, уни Искандария қамоқхонасига ҳибс этдилар. Уни бу ерда ҳеч ким танимас, уни биров танишини ўзи ҳам истамас эди; шунда у муҳтожлик оқибатида қушларни қўлга ўргатиш билан машғул бўлдики, у азалдан бу ишда устаси фаранг эди, ниҳоят мессер Тореллонинг ушбу ҳунари дарағи Салоҳиддиннинг қулоғига бориб етди,— у маҳбусни озод қилишни буюриб, ўз саройига лочиндор қилиб олди. Салоҳиддин мессер Тореллони доим «христиан бандаси», деб чақирарди ва икковлари ҳам бир-бирларини танимаган эдилар; мессер Тореллонинг бутун фикр-хаёли Павияда эди, у бандиликдан қочишга бир неча бор уриниб ҳам кўрган эди-ю, аммо уринишлари муваффақиятсиз чиққан эди. Мана, кунларнинг бирида, ўз ҳамшаҳарларини асирликдан сотиб олиш ҳақида музокара юритган Салоҳиддиннинг ҳузурига келган бир гуруҳ генуяликлар, ишни битириб бўлиб, ўз юртларига қайтиб кетишгаётганда мессер Торелло хотинига, ўзининг тирик эканлиги, ҳадемай қайтиб бориб, дийдор кўришажаги, бинобарин, уни кутиши лозимлиги ҳақида мактуб ёзмоқчи бўлди. У шундай қилди ҳам ва элчилар орасида ўзига таниш бўлган бир кишига мурожаат қилиб, мактубни ўз амакиси бўлмиш Сан Пьетро аббати ин Чель д'Орога топширишни лутфан илтимос қилди.

Мессер Тореллонинг бандиликдаги ҳаётида рўй берган янгилик фақат шу бўлиб, кейин то кунларнинг бирида Салоҳиддин у билан қушлар ҳақида суҳбат қуриб қолмагунча яна бояги-бояндай давом этаверди; ўшанда мессер Торелло Салоҳиддиннинг берган саволидан жилмайган эди, у жилмайган чоғда лаблари жуда аломат бир тарзда чўчқаярдик, Салоҳиддин бу ҳолга унинг уйда, Павияда меҳмон бўлган пайтидаёқ эътибор берган эди. Айнан мана шу лаб ҳаракати Салоҳиддиннинг эсига мессер Тореллони туширди; у мессер Тореллога тикилиброқ қарай бошлади ва ниҳоят бу одамнинг мессер Тореллонинг ўзгинаси эканлигига ишонч ҳосил қилди. У суҳбатни бўлиб, мессер Тореллога бундай савол берди: «Айт-чи, менга, христиан бандаси: сен Фарбнинг қайси мамлакатидансан?»

«Мен, онҳазратлари, ломбардияликман, Павия шаҳриданман,— дея жавоб қилди мессер Торелло,— фақир-фуқаро насабиданман».

Бу сўзларни эшитган Салоҳиддинда ҳеч бир шубҳа қолмади. Султон: «Бул одам менга шоён меҳмондўстлик кўрсатган эди, ўзимнинг ундан бениҳоя миннатдор эканлигимни исботлашим учун энди парвардигор менга имконият яратиб бермоқда»,— деб ўйларкан, жуда суюниб кетди ва бундан мессер Тореллони огоҳ қилмай, бошқа бир хонага ўзининг жамики либосларини ёйиб қўйишни буюрди, сўнг мессер Тореллони шу хонага бошлаб кириб, деди: «Бир қараб чиқ-чи, христиан бандаси, шу либослар орасида биронта сенга таниши йўқмикин».

Мессер Торелло кийимларни кўздан кечираркан, улар орасида

отини Салоҳиддинга тортиқ қилган либосларни ҳам кўрди, лекин унда ҳам унчалик ишонқирамади, шунинг учун у бундай жавоб қилди: «Йўқ, онҳазратлари, бу ерда ўзимга таниш бўлган биронта ҳам либос топганим йўқ. Дарвоқе, бу ерда ётган иккита кийим, бир вақтлар ўзим кийган ва менинг уйимда тунаган уч нафар савдогар кийган кийимларга ўхшаб кетяпти».

Шу ерга келганда Салоҳиддиннинг ортиқ сабри чидамади. «Сиз — мессер Торелло до Стра бўласиз,— деди у мессер Тореллога меҳрибонлик билан қучиб,— мен эсам — рафиқангиз бу либосларни тортиқ қилган учта савдогардан бириман. Мана, сизни ўз апингга ишонтиришга ва ўз молимни кўрсатишимга ахири имкон уғилди,— эсингиздами, сиз билан хайрлаша туриб, сўз берган эдим».

Мессер Торелло ҳам суюниб, ҳам уялиб кетди; у ўшанда ўз уйида бунчалик олий зот меҳмонни қабул қилганидан суюнган бўлса, уни ўз рутбасига яраша эмас, балки одмигина кутиб олганини ўйлаб хижолат бўлган эди. «Мессер Торелло!— деб яна гапирди бошлади Салоҳиддин.— Сизни менга худонинг ўзи рўпара қилди; билингни, бугундан эътиборан бу ернинг соҳибни мен эмас, балки сиздирсиз».

Икковлари ҳам бу учрашувдан бениҳоя хурсанд бўлишди: Сапоҳиддин мессер Тореллога шоҳона либослар кийдиришни амр қилди, сўнг уни ўз муқарраблари олдига бошлаб чиқди-да, кўкларга кўтариб мақтаб, ҳаммаларидан, агар султоннинг ғазабига дучор бўлишни наташмаса, мессер Тореллога мисоли султондек биллиб иззат-ҳурмат қилишларини талаб қилди, шу кундан эътиборан бутун сарой аъёнлари, султон айтгандай, мессер Тореллога эъзозлай бошладилар, бир вақтлар мессер Тореллонинг уйида Салоҳиддин билан бирга меҳмон бўлган унинг ҳамроҳларига келсак, улар айниқса кўпроқ илтифот кўрсата бошладилар. Мессер Тореллонинг бошига дабдурустан тушган ушбу иззат-икромлар Ломбардияни унинг хаёлидан фаромуш қилди; дарвоқе, у ўз мактубининг амакиси қўлига бориб текканига мутлақо ишонган эди.

Христиан лашкарлари Салоҳиддин қўлига асирга тушган кунда мессер Торелло де Динь исмли прованслик одмигина бир рицарь қазо қилиб, дафн этилган эди; мана шунинг учун ҳам бундан хабар топган ҳар бир киши беихтиёр, ўлган Динь эмас, балки мессер Торелло ди Стра деб ўйлаган эдиким, у ўзининг пурсаховатлиги билан ҳамма ёққа донг таратган эди, энди эса, мессер Торелло ди Стра асирликда ётган бўлгани сабабли, уни ўлди, деб ишонган одамларни бу фикрдан қайтаришнинг асло имкони йўқ эди. Бу хунук хабарни анча-мунча италияликлар ўз ватанларига ҳам олиб келган эдилар; улар орасида, мессер Тореллонинг ўлиб ётганини ўз кўзим билан кўрдим, унинг кўмиш маросимига қатнашдим, деб тасдиқлашга журъат этган ҳаёсизлар ҳам топилди. Бу хабар мессер Тореллонинг хотинига ва қариндошлари қулоғига етиб борди, бу беқиёс даражада оғир жудолик ва зўр мусибат эди улар учун, наинки улар учун, мессер Тореллога таниган одамларнинг ҳаммаси ачиниб қолган эди унга. Мессер Торелло хотинининг

гуссаси, ҳасрат-надомати ва руҳий изтиробни нақадар кучли ва қай-фули эканлигини-ку, гапирган билан адо қилиб бўлмайди; шунга қарамай, хоним бир неча ой сурункасига чеккан руҳий изтиробдан кейин, энди бу жудолikka бир қадар кўникиб қолди, ана шунда ломбардиялик юксак мартабали зотлар унга совчи қўя бошладилар, хонимнинг акалари ва ўзга қариндошлари эса, уни яна эрга тегишга ундай бошладилар. Совчиларнинг танда қўйнишдан безор бўлган хоним юм-юм йиғларди, у жуда кўп куёвларни рад этди, лекин ахири, барибир, қариндошларининг талабига ён босишга мажбур бўлди, аммо шунда ҳам мессер Тореллони кутаман, деб берган ваъдасини охиригача етказиш шарти билан рози бўлди.

Павиядаги аҳвол мана шундай эди; мессер Торелло тайинланган муддатнинг тугашига бор-йўғи бир ҳафтагина вақт қолган эди, худди шу кунларда мессер Торелло Искандарияда бир таниш одамни учратиб қолди, у бундан бир қанча вақт илгари Генуяга жўнаб кетаётган элчилар билан бирга эшакли кемага чиққан эдики, буни мессер Торелло ўз кўзи билан кўрган эди. Мессер Торелло шу одамнинг исмини айтиб чақириб, Генуяга эсон-омон етиб олдингларми, қачон етиб бординглар, деб сўраган эди, у одам бундай жавоб қилди: «Эҳ, тақсирим! Биз тушган кема ҳалокатга учради. Мен Крит оролида тушиб қолган эдим, кейин эшитсам, кема Сицилия соҳилидан кўринадиган масофага яқинлашганда трамонтана¹ шамоли қутуриб, кемани тўппа-тўғри Бербериянинг саёз соҳили сари қувиб кетипти; биронта ҳам одам омон қолмабди; менинг ҳам икки иним шу ерда нобуд бўлишди».

Мессер Тореллонинг бу ҳаққоний маълумотга ишонмай иложи йўқ эди; у хотинига берган муддатнинг бир неча кундан кейин тугашини ўйлаб ва Павияда унинг тўғрисида ҳеч ким ҳеч нима билмаслигини назарга олиб, хотиним энди бошқа эрга теккан бўлса ҳам ажаб эмас, деган фикрга борди. Натижада, шу учрашувдан кейин у жуда қаттиқ қайғуга ботди, иштаҳаси йўқолди ва ўзининг кунни битганини ҳис қилиб, тоби қочиб ётиб қолди. Уни жонидан ортиқ эъозловчи Салоҳиддин бундан хабар топиб, кўргани келди; у дўстидан, бундай ғамгинлигиниз ва хасталигинизнинг боиси нима, деб қайта-қайта сўради ва ниҳоят, бутун воқеадан воқиф бўлгач, нега буни менга илгарироқ айтмаган эдингиз, дея ундан қаттиқ ранжиди, кейин унинг кўнглига таскин бера бошлади ва агарда айтганларимга қулоқ оссангиз, муҳлат тугамасданоқ Павияда бўласиз, деб ваъда қилди-да, шу оннинг ўзида буни қандай бажаришни изоҳлаб берди. Мессер Торелло Салоҳиддиннинг гапига ишонди; бунинг иложи борлиги ва бундай тажрибалар кўп ўтказилгани ҳақида ўзи ҳам бир неча бор эшитган эди, шунинг учун ҳам кўнгли кўтарилиб кетиб, бу ишни пайсалга солмасликни Салоҳиддиндан илтимос қилди. Салоҳиддин ўз азаймхонларидан бирига, тунда мессер Тореллони ётган тўшаги билан бирга Павияга олиб ўтишни буюрдикки, султон бу азаймхоннинг маҳоратида ил-

¹ Трамонтана (итальянча)— денгизчилар тилида шимол, шимолдан эсангана шамол дегани. (Тарж.)

гари ҳам синаб кўрган эди; азайимхон бош устига, деб сўз берди, бироқ бунинг учун мессер Тореллони ухлатиб қўйишга тўғри келишини ва бундай қилса унинг ўзига яхши бўлишини айтди.

Салоҳиддин азайимхон билан гапни бир ерга қўйиб олганидан кейин, яна мессер Тореллонинг олдига қайтди ва унинг ё тайинланган муддатда Павияда бўламан, ё ўламан, деб қатъий қарорга келганига ишонч ҳосил қилиб, унга шундай сўзлар билан юзланди: «Мессер Торелло! Баски, сиз ўз рафиқангизни жудаям яхши кўрар экансиз ва унинг эрга тегиб кетишидан хавотирда экансиз, унда худо шоҳид,— мен сизни бу рафторингиз учун қоралай олмаيمان, зеро, мен ўз умримда учратган жамики аёллар ичида, фикри ожизимча, энг кўп мадҳу сано ва таҳсинга лойиқ бўлгани сизнинг умр йўлдошингиздир; унинг гўзал ҳусни ҳақида гапирмаймиз,— гўзаллик — умри қисқа гулдек нарса,— лекин рафиқангизнинг хулқу одоби, ҳушмуомалалиги ва хушрафторлиги бағоят тўқисдир. Модомики сиз, фалакнинг гардиши билан бу ёқларга келиб қолган экансиз, бизга nasib этган умримизнинг қолганини сиз билан биргаликда ўтказсак ва салтанатимни иккаламиз тенг ҳуқуқли султонлардек бошқарсак, ўзимни хушбахт деб билган бўлур эдим. Таассуфки, бунга худонинг хоҳиши бўлмади, зеро, сиз белгиланган муддатда Павияда бўлиш ёки ўлиш, деб ўз аҳдингизда қатъий турибсиз, мен сизнинг жўнаб кетишингиз учун олдиндан ҳозирлик кўришим керак эди, сиз уйингизга, ўз диловарлигингизга монанд ҳурмат-эҳтиром, дабдаба ва мулозимлар билан қайтмоингиз лозим эрди. Баски, мен бу имкониятдан ҳам маҳрум эканман, баски, сиз ниҳоятда қисқа вақт ичида ўз уйингизда бўлишни истаркансиз, мен сизни у ерга, ўзингиз билан келишганимиз восита билан элтиб қўйишга ҳаракат қиламан».

Султоннинг гапига мессер Торелло бундай жавоб қилди: «Сиз ўз муруватингизни менга сўзда эмас, амалда исботладингиз,— мен бу қадар беадад муруватга арзирли ҳеч иш қилганим йўқ ва агарда сиз ҳозир мен учун ҳеч нима қилмаганингиз тақдирда ҳам барибир, сизга бўлган чексиз миннатдорчилигим фақат ўзим билан бирга ўлган бўларди. Баски, мен энди кетишга қатъий аҳд қилган эканман, менга лутф айлангу берган ваъдангизни имкони борича тезроқ бажаринг, зеро, эртага — охирги кун».

Салоҳиддин уни ишонтириб, ҳамма нарса тахт эканлигини ва уни кечиктирувчи ҳеч қандай важ бўлиши мумкин эмаслигини айтди. Эртаси куни Салоҳиддин мессер Тореллони шу кириб келаётган тунда жўнатишни кўзлаб, катта залга унинг учун ниҳоятда ҳашаматли ва қимматли чорпоя қўйиб, унга тўшак солишларини буюрди; шу туфайли бу залга, султоннинг амри билан ва юртнинг таомили бўйича духоба ва зарбоф тўшаклар, йирик-йирик инжулар ва бу ерда, бизда ниҳоятда қиммат баҳоланган ярқирама тошлар тикилган кўрпа ҳамда бу серҳашам ўринга монанд келадиган иккита ёстиқ олиб келдилар. Кейин Салоҳиддин энди анча дармонга кириб қолган мессер Тореллога араблар либосини кийинтиришни буюрдики, бундай сершукуҳ ва серзийнат либосни ҳали дунё дунё бўлиб кўрмаган эди, унинг бошига ўз удумлари бўйича салла

ўрадилар, Салоҳиддин ўз муқарраблари билан мессер Торелло ётган хонага кириб келганида вақт алламаҳал бўлиб қолган эди, шунда Салоҳиддин унинг ёнига ўтирди ва ҳўнграб юборишдан ўзини зўрға тийиб, титроқ овоз билан шундай гап бошлади: «Мессер Торелло! Сиз билан хайрлашадиган пайтимиз яқин қолди, бинобарин, сизни кузатиб қўйишимга ҳам, сизни кузатиб қўйиш учун биронта одам беришимга ҳам имкониятим йўқ, зеро, ҳозир бошланадиган саёҳатингиз усули бунга йўл қўймайди, шунга кўра мен сиз билан хайрлашгани келдим. Сизни парвардигор ҳимоясига топширишимдан олдин, сизга бир илтимос билан юзланмоқчиман: бир-биримизга бўлган меҳр-оқибат ва ўзаро дўстлигимиз ҳаққи, мени унутманг. Яна бир илтимос: Ломбардиядаги ҳамма ишларингизни тартибга солинг-да, бу фоний дунёдаги умримиз ниҳоясига етмасдан, ҳеч бўлмаса бирон марта мен билан дийдор кўришиш учун вақт топинг: шунда мени бениҳоя хушнуд этган бўласиз, эҳтимолки, ана ўшанда мен, сизнинг бу шошилишч жўнаб кетишингиз муносабати билан ноилж сизга илтифот қилолмаганимнинг ҳиссасини шояд чиқарсам. Лекин ўша кунларга етгунимга қадар, агар хизмат бўлмаса, ўз тўғрингизда тез-тез дарак бериб туринг, ўшанда, ўз мактубларингизда мендан неники сўрашни маъқул кўрсангиз, сиз учун бажону дил ҳамма истакларингизни бажаргум».

Мессер Тореллонинг хўрлиги келди; кўз ёшлари гапиришига халаб берарди, шунинг учун у Салоҳиддинга қисқагина жавоб қилди: «Сизнинг ушбу мурувватингиз ва саховатингизни ҳеч қачон унутмагайман, башарти худо умримни узоқ қилса, илтимосингизни муқаррар бажо айлагум». Салоҳиддин мессер Тореллони меҳрибонлик билан қучиб, ўпди, ҳўнграб йиғлаб юбориб, фақат: «Худо сизга ёр бўлсин»,— дея олди ва хонадан чиқиб кетди; Салоҳиддиндан сўнг сарой аёёнлари ҳам мессер Торелло билан бир-бир хайрлашдилар ва мессер Торелло учун тўшак ҳозирлаб қўйилган залдан чиқдилар. Вақт жуда кеч бўлиб қолган эди; азайимхон хайрлашувнинг тугашини сабрсизлик билан кутаётган эди, шунга кўра, Салоҳиддин ва унинг аёёнлари залдан чиқиб кетишган заҳоти азайимхоннинг имо-ишораси билан табиб бу ерга дори кўтариб кириб келди ва ичаверинг, шифо бўлади, дея мессер Тореллони ишонтириб унга дори ичирди, шундан сўнг мессер Торелло сал вақт ўтар-ўтмас ухлаб кетди. Уни ухлаб ётган ҳолича кўтариб бориб сертажаммул тўшакка ётқизишни буюрган Салоҳиддин, бул чорпояга каттакон, ғоятда чиройли, қимматбаҳо тож қўйиб қўйдик, бундаги ёзувдан, уни мессер Тореллонинг хотинига султондан совға эканлиги ҳаммага аён бўлди. Кейин у мессер Тореллонинг бармоғига узук тақиб қўйди, бу узукка ёқутдан қўйилган кўз шунчалик ярақлардик, гўё залда машъал ёқилгандек бўлди; бу узукнинг қийматини аниқлаш ниҳоятда мушкул эди. Ундан кейин султон мессер Тореллонинг белига шамшир тақишни буюрди. Унинг филофига қадалган зеб-зийнатларнинг баҳоси йўқ эди, шамшир осилган камарнинг тўқаси ўрнига гўзалликда беқиёс дурлар ва кўпгина ўзга қимматбаҳо тошлар билан безатилган ил-

гак қадашни, мессер Тореллонинг ўнг ва сўл ёнига дублонлар¹ билан тўлдирилган иккита каттакон олтин кўза, кўзаларнинг атрофига инжу шодалари, узуклар, камарлар ва шу сингари қимматбаҳо безак буюмларини қўйиб қўйишни буюрдиким, уларнинг ҳаммасини бирма-бир санаб адоғига етиб бўлмасди. Бу ишларнинг ҳаммаси бажариб бўлингандан кейин, Салоҳиддин яна бир марта мессер Тореллони ўпди ва азайинхонга энди вақт бўлганини айтди. Шу оннинг ўзидаёқ мессер Торелло ўзи ётган чорпоя билан бирга кўздан ғойиб бўлди, Салоҳиддин билан унинг аёнлари эса шу залда яна узоқ вақт мессер Торелло тўғрисида суҳбатлашиб ўтирдилар.

Энди гапни мессер Тореллодан эшитинг, у ухлаб ётган ҳолича, барча қимматбаҳо буюмлар ва зебу зийнатлар билан биргаликда, ўзининг илтимосига кўра, Павиядаги Сан Пьетро ин Чьель д' Оро жомесига айни эрталабки ибодатга жом чалиниб, жомега қўлида шам кўтариб сўфи кириб келган пайтда бориб қолди. Сўфи бу муҳташам чорпояни кўриб ҳайратга келиш у ёқда турсин, юраги ёрилгудек қўрқиб кетди ва жомедан шаталоқ отиб қочиб чиқди. Аббат ва роҳиблар бу ҳолдан ҳайрон қолишиб, сўфидан, сенга ни-ма бўлди ўзи, деб сўрашди. Сўфи уларга ҳамма гапни айтиб берди.

«Сени қара-ю!— деди аббат.— Ахир гўдак эмассан-ку, жомега янги келган ҳам эмассан, қаёқдаги нарсалардан қўрқиб юрибсан-а. Қани юр-чи, бунчалик юрагингни ёриб юборган ким бўлди экан».

Аббат ва роҳиблар шамларни ёқишиб, жомега кирдилару у ерда антиқа безатилган чорпояни ва унда ухлаб ётган рицарни кўрдилар. Улар чорпояга яқин йўлашга юраклари бетламай, қимматбаҳо зийнатларни кўздан кечирганча, ҳамон тараддудда турардилар, лекин шу пайт, мессер Торелло ичган дорининг кучи кетиб, у уйқуни тарк этди ва чуқур хўрсинди. Шунда роҳиблар ҳам, аббат ҳам: «Ё алҳазар!»— деб бақиршиганича ва даҳшатдан дағдағ титрашганча урра қочиб қолишди. Бу орада мессер Торелло кўзини очди ва чор атрофга назар ташлаб, ўзи Салоҳиддиндан илтимос қилган айнан ўша ерга келиб тушганига ишонч ҳосил қилиб, руҳи кўтарилиб кетди. У ўрнидан туриб ўтирди ва ўзи ётган тўшакка кўз ташлади, султоннинг қанчалик саховатли зот эканлиги унга гарчи аён бўлса ҳам шунга қарамай, бу саховат мессер Торелло тасаввур қилгандан ҳам зиёдроқ бўлиб чиқдиким, бунга унинг олдида ётган қимматбаҳо буюмлар далил бўла оларди. Ва лекин мессер Торелло бу пайт роҳибларнинг қочиб кетишаётганини эшитиб ва бунинг боисига тушуниб, ўтирган ерда аббатнинг отини айтиб чақирди ва унинг орқасидан: «Мендан қўрқманг, мен — жиянингиз Торелло бўламан»,— деб қичқирди. Бу овозни эшитган аббат бешбаттар қўрқиб кетди — ахир Тореллонинг бундан бир неча ой муқаддам қазо қилганлиги унга маълум эди-да, лекин овоз жуда таниш кўринаётган эди, шунинг учун ва мессер

¹ Дублон — қадимги Испанияда муомалада бўлган олтин танга. (Тарж.)

Торелло уни ҳамон чақириб ётганлиги сабабли, аббат олдин чўқиниб олди-да, сўнг жомега кирди.

«О, бузрук падар, нечун қўрқасиз?— деди мессер Торелло.— Мен, худога шукурки, соғ-саломатман, ҳозиргина денгиз ортидан қайтиб келдим».

Мессер Торелло узун соқол қўйган, унинг эғнида арабча либос эди, шунга қарамай, аббат бир оз қийналиб бўлса ҳам уни таниди; мана, ниҳоят унда ҳеч қандай шубҳа қолмагандан кейин, у мессер Тореллонинг қўлини ўз қўлига олиб, шундай деди: «Хуш келибсан, бўтам! Бизларнинг чўчиб кетганимиздан ҳайрон бўлма: бутун шаҳар аҳли сенинг ўлганлигингга буткул ишонган, боз устига: хотининг донна Адалиэтанинг қариндошлари унга ёлворавериб, таҳдид қилавериб ахири уни мажбуран иккинчи марта эрга тегишга рози қилдилар. Бугун эрталаб у эрининг уйида бўлмоғи лозим — никоҳ маросими учун ҳамма нарса шай қилиб қўйилган».

Мессер Торелло шукуҳли оройиш берилган чорпоясидан турди ва кўнгли тоғдек кўтарилиб, аббат ҳамда роҳиблар билан саломлашиб, улардан, то бир ишни ниҳоясига етказмагунча, ўзининг қайтиб келгани ҳақида ҳеч кимга ҳеч нима деб оғиз очмасликларини илтимос қилди. Сўнгра у жамики қимматбаҳо буюмларни, сақлаб қўйишни аббатга топшириб, унга ўз саргузаштларини сўзлаб берди. Аббат учрашувнинг хайрли тугаганидан хурсанд бўлди ва мессер Торелло билан биргаликда худога шукрона ўқиди. Мессер Торелло Адалиэтанинг кимга турмушга чиқаётганини сўради. Аббат куёвнинг исмини айтди.

«Менинг қайтиб келганим одамларга аён бўлишидан олдин,— деди мессер Торелло,— хотинимнинг тўй пайтида ўзини қандай тутишини ўз кўзим билан кўрмоқчиман. Таомил бўйича аҳли дин, тўй базмига бормайди, лекин сиз мен учун бир иложини топингки, ўшал базмга сиз билан мени таклиф этсинлар».

Аббат бу ишни бажаришга астойдил киришди. У куёв бўлмишга одам юбориб, ўз дўсти билан унинг никоҳ тўйида бўлиш нияти борлигини хабар қилди; куёв бўлмиш, бу ташрифингиз билан мени бениҳоя мамнун қилгайсиз, деб жавоб қайтарди. Шундан кейин, мессер Торелло либосини ўзгартирмаган ҳолда аббат билан биргаликда тушлик пайтида куёвникига йўл олди, ҳамма меҳмонлар унга ҳайрат билан тикилишса ҳам, лекин уни танимадилар, аббат эса, бу одам араб, уни султон ўз элчилари билан бирга Франция қироли ҳузурига юборган, деб тушунтирди. Мессер Тореллони келиб-келиб ўз хотинининг рўпарасига ўтқаздилар; у хотинининг чеҳрасига гоятда зўр меҳр билан тикилиб ўтираркан, бу никоҳ кўнглига сифмаётганини кўзидан яққол кўриб ўтирарди. Донна Адалиэта ҳам меҳмоннинг ғайри оддий кийим-бошидан ҳайрон бўлиб, ўқтин-ўқтин унга қараб қўярди-ю, лекин таний олмасди — зеро, унинг узун соқоли ва антиқа либоси ташқи қиёфасини буткул ўзгартириб юборган эди, бундан ташқари, донна Адалиэта эрининг ўлиб кетганлигига асло шубҳа қилмас эди.

Ниҳоят мессер Торелло, хотинимнинг мени унутмаганлигига

нишонч ҳосил қиладиган пайт етди, деб ҳисоблаб, видолашув пайтида хотини совға қилган узукни ўз бармоғидан чиқарди-да, хонимга хизмат қилаётган болани чақириб олиб, унга бундай деди: «Келинга бориб, менинг номимдан айтгинки, менинг ватанимда шундай бир таомил бор: бирон-бир ажнабий зот, худди ҳозир мен бу тўйга келганимдек, келиннинг никоҳ тўйида иштирок этадиган бўлса, келин, меҳмоннинг зиёфатга келганидан мамнун бўлганини билдириб, унга ўзи май ичиб ўтирган қадаҳда лиммо-лим қилиб шароб юборади; мусофир меҳмон эса, ўшал қадаҳдаги шаробдан кўнгли кўтарганча ичиб, унинг қопқоғини ёпиб, яна келинга қай-тарадиким, келин шу қолган шаробни ўзи ичмоғи лозимдир».

Дастёр бола мессер Тореллонинг топшириғини бажо айлади; донна Адалиэта андишали ва мулоҳазали аёл эди, шунга кўра, бул ажнабий — рутбаси баланд зот бўлса керак, деб ўйлаб, ва унинг бу никоҳ базмига қадам ранжида қилганидан ўзини ғоятда мамнун эканлигини кўрсатмоқ учун ўз олдида турган каттакон олтин қадаҳга лим-лим қилиб май қуйишни ва уни муҳтарам меҳмонга олиб бориб тутишни буюрдиким, буйруқ дарҳол ижро этилди. Мессер Торелло хотинининг совғаси бўлмиш узукни оғзига солди ва шароб ича туриб, уни сездирмасдан қадаҳга туширди, сўнг шаробни қадаҳнинг тагида озгинагина қолдириб, қопқоғини ёпди-да, келинга бериб юборди. Келин ҳам бул ажнабий зотнинг таомилига бекаму кўст риоя қилмоқ ниятида қадаҳнинг қопқоғини очиб, уни лабига олиб борди, шунда узукни пайқаб қолиб, уни индамай кўздан кечира бошлади ва дарҳол таниб, ўзи мессер Торелло жўнаб кетаётганида унга совға қилган узук эканлигига нишонч ҳосил қилди; у узукни қўлига олгач, шу чоққача ажнабий деб ҳисоблаб ўтирган кишига қаттиқ тикилиб қаради ва ниҳоят уни таниб қолиб, гўё қаттиқ ҳаяжондан эсини йўқотиб қўйгандек, столни ағдариб юборди ва: «Мана менинг соҳибим! Ахир бу мессер Торелло-ку!» — дея қичқирганча эри ўтирган стол томон отилди ва кийимини ғижимланишидан ҳам, ифлос бўлишидан ҳам қўрқмай, стол оша энгашиб, мессер Тореллонинг бўйнидан маҳкам қучиб олдики, энди одамлар уни мессер Тореллодан ажратмоқ учун қанча ялиниб-ёлворишмасин, қанча ҳаракат қилишмасин, барибир бутун уринишлари ҳеч натижа бермади, фақат мессер Тореллонинг ўзи хотинига, кўп телбалик қилма, зеро, мени қучоқлашинг учун ҳали имкониятларинг кўп бўлади, деб айтганидан кейингина донна Адалиэта эрини қўйиб юборди. Ҳамма гапгиб қолди, айрим кишилар эса, бундайин шавкатли рицарни яна сор-саломат кўриб турганларидан кўнгиллари тоғдек кўтарилиб кетди, мана шунда, мессер Торелло ҳаммага юзланиб, гапига диққат билан қулоқ солишни илтимос қилди ва бутун воқеани, — бу ердан жўнаб кетган кунидан бошлаб, то бугунги кунгача бошдан кечирган ҳамма саргузаштларини бутун тафсилоти билан тўй аҳлига сўзлаб берар экан, илова қилиб, шундай деди: «Баски, мен, яъни «ўлди»га чиқарилган мессер Торелло тирик эканман, ўз хотинимни уйимга олиб кетаман энди, лекин мени ўлган деб ўйлаб, хотинимга уйланган ҳурматли зот бу қилмишимдан ранжимасин».

Куёв болани бу ҳол ранжитмаслиги мумкин эмас эди, албатта, лекин шунга қарамай, у, қандай иш тутиш мессер Тореллонинг ихтиёрида, зеро, хотин ўз эри билан бўлмоғи лозим, деб рўйирост ва дўстона оҳангда жавоб қилди. Донна Адалиэта куёвга унинг тўёнаси узук билан тожни қайтариб берди ва энди, бармоғига қадаҳдан чиққан узукни тақиб, бошига султон бериб юборган тожни кийди. Шундан кейин, донна Адалиэта билан мессер Торелло янги турмуш қураётган келин-куёвларга хос виқор билан ўз уйларига равона бўлдилар, мессер Торелло уюштирган ва бир неча кунгача чўзилган бу қувноқ тўй-томоша унинг қариндошлари, ёр-дўстлари ва ҳамшаҳарларига бирмунча тасалли берди — ваҳоланки, ҳамшаҳарларнинг шу тўй-томоша пайтида ҳам мудом кўнгиллари ғаш эди, ҳаттоки тўйдан кейин ҳам улар мессер Тореллони худди гўрдан тирилиб чиққан одамдай билиб, унга шубҳа билан қарашни тарк этмадилар. Мессер Торелле ўзи билан олиб келган қимматбаҳо буюмларнинг бир қисмини тўйга анча-мунча маблар сарфлаган куёвга, кейин, аббатга ва яна кўпгина кишиларга улашиб берибди, бир қанча чопарни Салоҳиддин қошига юбориб, султоннинг дўсти ва садоқатли қули бўлмиш ўзининг эсон-омон юртига етиб олгани ҳақида уни огоҳ қилибди-да, бир вақтлардагидан ҳам бисёр садоқат кўрсатиб, ўзининг пурфазилят умр йўлдоши билан яна узоқ йиллар роҳат-фароғатда яшаган экан.

Мессер Тореллонинг ва унинг латофатли умр йўлдошининг бошига тушган огир савдолар шу тариқа ниҳоясига етган экан, икковлари ҳам ўзларининг зўр мамнуният ва самимият билан қилган эзгу ишлари эвазига шу йўсинда тақдирланган эканлар. Қўлчилик одамлар яхшилик қилишга уринадилару, лекин ҳаттоки шу яхшилик қилишга имкони бўлган одамларнинг ҳам ҳамма вақт қўлларидан бу иш келавермайдн: улар ҳали бирон иш кўрсатмасдан турибоқ, дарров мукофот талаб қила бошлайдилар; шунга кўра, уларнинг хайрли ишлари инъом-эҳсонсиз, эътиборсиз қолиб кетаётганидан ўзлари ҳам, бошқа одамлар ҳам таажжубланма-синлар.

Салуццо маркизининг табаси уни уйланишга даъват этади; маркиз, қайлиқни ўзим ахтариб топаман, деб айтиб, ахири бир деҳқон қизига уйланади; хотин унга икки фарзанд туғиб беради; аввалига маркиз хотинини бирин-кетин болаларидан жудо қилиб, шундай иш тутадикн, онаизор ўз болаларини эрим ўлдирган, деган ҳаёлга боради; кейин маркиз, кўнглимга тегдинг, мен бошқага уйланаман, деб айтади, шунда хотин битта ич кўйлақда маркизнинг уйдан бош олиб чиқиб кетади; маркиз бу пайтда катта бўлиб қолган ўз қизига одам юборади ва ҳаммага уни ўз қайлиғи сифатидн танитади; ниҳоят маркиз, хотинининг ҳар қандай азоб-уқубатга ҳам сабрбардошли аёл эканлигига иқдор бўлади; энди хотини унга аввалгидан ҳам

азизу мўътабарроқ бўлиб туюлади, шунда у хотинни ёнига чақириб олиб, бу вақт ичида анча улғайиб қолган болаларини унга кўрсатади, сўнг уни маркиза рутбасига яраша эъозлайди ва бошқаларга ҳам уни шундай из-зат-эҳтиром қилишни амр этади

Қирол, барча тингловчиларда яхши таассурот қолдирган ўз ҳикоясини тугаллаши билан Дионео кулиб туриб бундай деди:

— Мессер Тореллога қанча таҳсин ўқиманг, барибир у, тунда думини хода қилиб келиб, арвоҳ қиёфасига кирган саҳоватли зот олдида ип эша олмайди.

Дионеодан бўлак ҳикоя қилувчи одам қолмаган эди ва у шундай ҳикоя қила бошлади:

— Хуштабиат хонимлар! Агар янглишмасам, бугун ҳамма, қироллару султонлар ва ўзга баланд мартабали зотлар тўғрисида ҳикоя қилди. Мен ҳам бошқалардан қолишмоқчи эмасман, шунга кўра, бир маркиз тўғрисида ҳикоя қилиб бермоқчиманки, у мурувват кўрсатиш ўрнига ғирт бемаъни иш қилган эди ва лекин шунга қарамай, рафторининг охири бахайр бўлган эди. Бироқ мен сизларнинг унга тақлид қилишларингизни маслаҳат кўрмайман, зеро, фақат тақдирнинг сўқирлиги туфайлигина маркизнинг тентакликлари эзгулик билан тугаган эди.

Қадим замонлар Салуццо маркизлари авлодидан Гвальтьери исмли ёш йигит ҳукмдор бўлган эди, у ҳали уйланмаган, бинобарин бефарзанд, кун-уззукун парранда-ю, даррандаларни ов қилиш билан машғул бўлиб юрар ва турмуш қуриб, бола-чақа орттиришни ҳаёлига ҳам келтирмас эдики, унинг ақл-заковатда баркамоллиги бундан ўзгача ҳаёт кечиршига йўл қўймасди. Ва лекин маркизнинг бундай турмуш тарзи аҳли раиятга маъқул эмас эди, шу боисдан улар маркизнинг вориссиз, ўзларининг эса, ҳукмдорсиз қолмасликлари ғамини ейишиб, уни қўярда-қўймай уйланишга даъват этишарди ва айни пайтда, сизга ўзимиз энг яхши оиланинг фарзандини, ғоятда латофатли қизни қидириб топамиз, дея истак билдиришаркан, агар сиз ундай қизга уйлансангиз, истиқболингиздан асло хавотирланмай, фароғатда яшашингиз мумкин, дейишарди.

Гвальтьери эса, уларга эътироз билдириб, бундай дерди: Дўстларим! Сизлар мени шундай ишга даъват этяпсизларки, унга мен икки дунёда ҳам ўз ихтиёрим билан бел боғламаган бўлур эдим: зеро, феъли кўнглингга маъқул тушадиган хотинни топиш мушкул эканлигини, аммо менга мутлақо муносиб бўлмаган аёлларнинг дунёда қалашиб ётганини, шунингдек, хотин танлашда хатога йўл қўйган эркакнинг қанчалик шўри қуришини мен жуда яхши биламан. Сизлар «онасини кўриб қизини ол» қабалида иш кўрилса, асло хато қилинмайди, деб таъкидлаяпсизлар ва шундан хулоса чиқариб, менинг кўнглимга ўтирадиган қиз топмоқчисиз, лекин бу бўлмағур гап: зеро, хушфеъл онани қандай қилиб топишингизга асло ақлим бовар қилмаяпти, ҳай, қизнинг ота-онаси ҳақида ҳамма гапдан воқиф бўлдик, деб фараз ҳам қилайлик, аммо бундай тақдирда ҳам аксарият пайтларда қизлар ўз ота-онасига

тамомила ўхшамаган бўладилар. Лекин баски, сизлар қатъий туриб олиб, мени шу оила риштаси билан боғлашни ихтиёр қилаётган экансиз, сизларга эътироз билдирмаганим бўлсин, илло, битта шартим бор: мен қайлиқни ўзим танлайман: одам ҳодис, иш чапасидан кетадиган бўлса, бировлардан таъна қилиб юрмайин, бундан ташқари, сизларни огоҳлантириб айтаманки, мен кимни хотинликка олмай, уни ўз соҳибангиздек иззат-ҳурмат қилмоғингиз лозим, акс ҳолда, ўзимнинг зўрлик билан уйланишим аламини сизлардан олгумдир». Саховатли аҳли раият, барча шартингизга розимиз, фақат уйлансангиз бўлгани, деб жавоб қилди.

Гвальтьери ўз қасри яқинидаги қишлоқда истиқомат қилувчи бир камбағал қизнинг хуш хулқига кўпдан мафтун бўлиб юрарди; боз устига, у қиз жуда гўзал ҳам эдики, Гвальтьери, шу қиз билан хушбахт бўлсам керак, деб ўйлади. У, бунга тенг келадиган қиз топилмайди, деган фикрга бориб, шу қизга уйланишга аҳд қилди ва унинг фақиру бенаво отасига одам юбориб, у билан ҳамма гапни бир ерга қўйди.

Шундан кейин Гвальтьери чор атрофдан ўзининг ёр-биродарларини йиғиб, уларга шундай деди: «Дўстларим! Сизлар мудом мени уйланишга даъват этиб келган эдингиз,— мана, энди уйланоқдаман, лекин уйланишим келадигани учун эмас, балки сизларнинг кўнглингиз учун уйланаман. Менга берган ваъдангиз эсингиздами? Мен танлаган қайлиққа рози бўлишга, уни ўз соҳибангиздек иззат-ҳурмат қилишга сўз берган эдингиз. Мен ўз сўзимнинг устидан чиқдим, энди сизлар ҳам берган сўзингизда туринглар. Мен ўзимга бир қиз топдим, у шу яқин ўртада яшайди ва у менинг дидимга ўтириб қолди,— мен унга уйланиб, ўз жуфти ҳалолим сифатида уйимга олиб кираман. Энди сизлар, тўйимизни мумкин қадар дабдабалироқ ўтказиш ва хотинимни иззат-эҳтиром билан қарши олиш ҳақида бош қотириб, уни шундай уюштирингларки, ушбу тўй базмидан сизлар ҳам, мен ҳам хушнуд бўлайлик».

Саховатли аъёнлар бу гапни эшитиб хурсанд бўлдилар ва ҳаммалари бир овоздан, биз хушнудмиз, умр йўлдошингиз ким бўлишидан қатъий назар, биз уни ўз бекамиздек қабул қилгумиздир, бундан буён ҳам ўз бекамиздек эъозлагаймиз, деб айтдилар. Шундан кейин ҳамма, ҳамма қатори Гвальтьери ҳам сердабада, серҳашам ва қувноқ базми жамшидга ҳозирлик кўриш билан машгул бўлишди. Гвальтьери, никоҳ тўйимиз ғоятда ҳашаматли, ниҳоятда тўкин-сочин бўлмоғи керак, деб айтди ва бу тўйга беҳисоб хешлари ва ёр-дўстларини ҳамда номдор ва номи чиқмаган қўни-қўшниларини таклиф қилишга фармон берди. У яна бир қиздан олинган андозага қараб, жуда кўп ҳашамли ва қимматли либослар тикишларини амр этдиким, ўшал қизнинг қадди-қомати, бўйбаста, куёвнинг фикрича, ўз қайлиғининг қиёфасига жудаям ўхшаб кетарди: сарподан ташқари у яна камарлар, узуклар, қимматли ва чиройли тилла тож,—хуллас, келин бола учун неки зарур бўлса, ҳаммасини ҳозирлашни буюрди.

Никоҳ кунини, эрталаб соат еттида Гвальтьери ва унинг тўйига

келган меҳмонлар отларга минишди. Мезбон тўй тараддуди ҳақида зарурий фармойишлар бериб бўлиб, меҳмонларига шундай деди: «Синьорлар! Келин болани олиб келадиган пайт бўлди». Ҳамма жиловни силтаб қишлоқ томон йўл олди. Гвальтьери келиннинг уйига яқинлашганда, унинг ўзини учратиб қолди — у сувга борган ва энди жадал юриб қайтиб келаётган эди: зеро, ўзга қишлоқи қизлар қатори у ҳам Гвальтьерини қайлигини кўришга шошилаётган эди, — лекин Гвальтьери айнан шу қизнинг исмини атаб, яъни «Гризельда», деб чақириб, ундан, отанг қаерда, деб сўради, қиз ҳам унинг саволига қимтинибгина: «Уйдалар, бегим», — деб жавоб қилди.

Гвальтьери отдан тушди ва ҳамроҳларига, мени шу ерда кутиб туринглар, деб айтиб, ўзи ғарибона кулбага кирди ва уй соҳибига шундай сўзлар билан юзланди: «Жаннуколе (унинг исми шундай эди), мен Гризельдани олиб кетгани келдим; лекин ундан олдин, сенинг ҳузурингда қизингга бир-икки оғиз сўз айтмоқчиман». Шундан кейин Гвальтьери қизга: модомики мен сенга уйланар эканман, сен, ҳар бир ишда менга итоат этмоғинг лозим бўлади; нима гапирсам ҳам, қандай иш тутсам ҳам — мендан ачиққанмайсан, менга итоатгүй бўлишга сўз берасан, деган мазмунда ўз ниятини баён қилди ва шу шартларимга розимисан, деб сўради; Гризельда ўзининг рози эканлигини изҳор қилди. Шунда Гвальтьери унинг қўлидан етаклаб ҳовлига олиб чиқди, барча ҳамроҳларининг кўзи олдида ва бутун қишлоқ аҳли олдида қизни қип-яланғоч қилиб ечинтиришни, кейин унга кўз очиб-юмгунча ўз буюртмаси бўйича тикилган бошдан-оёқ янги сарпо кийдиришни, пахмайган соч бошига эса тилла тож қўндиришни буюрди. Унинг амри бажо келтирилиб, ҳамма ўзининг ҳайратдан лол қолганини изҳор эта бошлаганда эса, маркиз меҳмонларга бундай деб юзланди: «Синьорлар! Агар бу қизнинг менга нисбатан эътирози бўлмаса, мен унга уйланаман». Сўнг у эсанкираб қолган ва уялиб кетган Гризельдага юзланиб, ундан сўради: «Гризельда! Менга хотин бўлишни хоҳлайсанми?»

«Хоҳлайман, бегим», — деб жавоб қилди Гризельда.

«Мен ҳам сенга эр бўлишни истайман», — деди Гвальтьери. Сўнг у бутун оломон кўзи олдида Гризельда билан никоҳ ўқитиб, уни яхши бир отга миндирди ва иззат-икром билан ўз қасрига олиб кетди. Гоятда пуршуқуд ва серфайз базм бошланди; бу тўй танталасини кўрган одам, Гвальтьери Франция қиролининг қизига уйланинган бўлса керак, деб ўйлаши мумкин эди.

Келин бола ўз кийим-бошларини алмаштирганида гўё қалбини ҳам, феъл-атворини ҳам ўзгартиргандек эди. Унинг хушсурат ва сарвақад эканлиги ҳақида олдин ҳам айтган эдим, энди эса унинг гўзаллигига ўзга фазилатлар ҳам илова бўлди; у шу қадар жозибали, латофатли ва назокатли жувон бўлиб қолдики, унинг рафторини кузатиб туриб, бу жувон илгари ҳеч қачон қўй боққан эмас, ундан кейин бу Жаннуколенинг эмас, балки қандайдир юксак рутбали зотнинг қизи деб қатъий ишонч билан айтиш мумкин эдиким, бу ҳол, Гризельдани турмуш қурмасидан олдин билган одамларни

хайратга солаётган эди. Гризельда ушбу фазилатларидан ташкари яна эрига шу қадар итоаткор ва шунчалик жонкуяр эдики, Гвальтьери бундан бениҳоя хурсанд ва мамнун эди; Гризельда эрининг ранят аҳлига ниҳоятда ҳушмуомала ва меҳрибона муносабатда бўларди, оқибатда ҳамма уни бошига кўтариб юрадиган, унга қўрққанидан эмас, балки холисона хизмат қиладиган, худога сиғиниб, унга бахт-саодат, тинчлик-хотиржамлик ва равнақ тилайдиган бўлди, ундан кейин, агар илгари одамлар, маркиз бу қизга уйланиб номаъқул иш қилди, деб юришган бўлса, энди ҳамма уни дунёда энг тадбирли ва энг фаросатли зот, деб эътироф этадиган бўлди, зероки, дейишарди улар, фақирона увадага ўралган, камбағал деҳқонларнинг бўз кўйлагини кийган бир ғарибу бенаво қиз қалбида бунчалик юксак фазилат борлигини маркиздан бўлак ҳеч ким кўра олмаган бўларди. Қисқа қилиб айтганда, маркизнинг элида, балки ундан хориждаги барча ерларда ҳам энди ҳамма Гризельданинг хуш рафтори ва хуш хулқидан ҳайратга кела бошлаган эди ва энди ҳеч ким Гвальтьерини бу қизга уйланганлиги учун айбиктмас, балки ҳамма унга таҳсинлар ўқирди. Гризельда бир оз вақтдан кейин оғирроқ бўлиб, ой-кунни етганда кўзи ёриб, бир қиз кўрдик, Гвальтьери фарзанд кўргани шафрофати билан элга катта зиёфат берди.

Бироқ орадан сал вақт ўтгач, Гвальтьерининг миясига жуда ғалати бир фикр келди: у Гризельданинг қанчалик сабр-бардошли эканини узоқ муддатли ва хотини учун ўта машаққатли синовдан ўтказмоқчи бўлди; бу режасини у таъна-маломатлардан бошлади; у ўзини хотинидан ғижинаётгандай кўрсатиб, муқаррабларим сендан даргазаблар, улар сени паст табақадан эканлигингни, бу ҳам етмагандай яна фарзанд ҳам туққанингни, туққанда ҳам келиб-келиб қиз туққанингни юзимга солишяпти: сенинг шу қиз туққанингни уларни қаттиқ ранжитяпти, шундан улар норозидирлар, деди. Гризельданинг чеҳрасида қилт этган ўзгариш содир бўлмади ва у ўзининг аввалги эзгу нияти барбод бўлаётганини биронта ҳам ҳаракати билан сездирмади. «Хукмдорим,— деди у,— ўз номусинг ва ўз хотиржамлигингни кўзлаб, мени не кўйга солсанг, ихтиёр ўзингда, мен ҳаммасига ҳам рози бўламан; тушунаман, мен уларнинг тенги эмасман, бинобарин, сенинг саховатинг туфайли сазовар бўлганим иззат-ҳурматга ҳам лойиқ эмасдирман». Хотиннинг бу жавоби Гвальтьерига жуда маъқул тушди, чунки унинг ўзи ҳам, ўзга муқарраблар ҳам, Гризельданинг унга кўрсатилаётган илтифотлардан димоғи шишиб, эсанкираб қолмаганига қатъий ишонгандилар.

Шундай оқилона жавобга қарамай, Гвальтьери, орадан яна бир неча кун ўтгач, қизингни кўрарга муқаррабларимнинг кўзлари йўқ, деб шамма қилди, кейин хотинининг олдига ўз хизматкорини юборди, хизматкор, хижолатдан ўзини қўйрга жой топа олмай бекасига бундай деди: «Бегойим! Менга ўз жоним ширин, шу бонсдан соҳибимнинг фармонини бажармай иложим йўқ. У менга қизингизни олиб бориб, кейин...» У ёғини айтишга хизматкорнинг тили бормади.

Гризельда бу гапни эшитиб, хизматкорнинг кўзига тикилди ва эрининг бундан сал олдин айтган гапларини эслаб, ниҳоят бу хизматкорга қизчани ўлдириш буюрилганини тушунди. У шартта бориб, қизчасини бешикдан кўтариб олди, уни ўпиб, дуо қилди ва гарчи жигар-бағри эзилиб хун бўлиб кетаётган бўлса ҳамки, хиёл ҳам сесканмай, қизчасини хизматкорнинг қўлига топширди. «Мана, қизимни ол,— деди Гризельда,— сенинг ва менинг соҳибим нимани амр этган бўлса, шуни бекаму кўст адо эт, илло, мурғак болани паррандаю даррандаларга ем қилиб қолдирма, башарти бу ҳақда хўжангдан махсус топшириқ олмаган бўлсанг, албатта». Хизматкор қизчани олиб, тўғри Гвальтьери қошига борди ва унга Гризельданинг айтган гапларини муфассал баён қилиб берди, Гвальтьери эса, хотинининг бунчалик иродаси бақувват эканлигидан таажжубга тушди, сўнг хизматкорини қизчаси билан Болоньяга, ўзининг бир аёл қариндошиникига юборди; бу қариндошидан у, қизчанинг кимнинг фарзанди эканлигини ҳеч кимга ошкор қилмаган ҳолда, уни боқиб катта қилиш ва яхши тарбия бериш учун бор ғайратини ишга солишни илтимос қилди.

Бу воқеадан кейин кўп вақт ўтмасдан Гризельда яна ҳомиладор бўлди ва ой-куни етиб, бу сафар энди қўчқордек ўғил туғдики, Гвальтьери бундан бениҳоя хурсанд бўлиб кетди. Лекин, чамаси, биринчи синов унга кифоя қилмаган бўлса керак, хотинининг қалбига янада теранроқ, янада аламлироқ жароҳат солди. Кунлардан бир кун у хотинига жаҳолат билан шундай деди: «Хотин! Сен ўғил туққанингдан буён ўз раиятим билан мурасам буткул бузилди: мендан кейин раият аҳлига Жаннуколенинг набираси ҳукмдор бўлиши уларнинг кўнглига ғашлик солмоқда. Бунақада ҳали, бир вақтлар қизингнинг бошига солганим кунни ўғлингнинг ҳам бошига солмасам, ундан кейин эса, сени қўйиб, бoshқага уйланишга мажбур бўлмасам эди, деб қўрқаман, зеро, шундай қилмасам, мени ўз давлатимдан қувғин қилишлари ҳам мумкин.

Хотини унинг гапларини хотиржам тинглаб, бундай жавоб қилди: «Ишқилиб, сенга яхши бўлса бўлгани, ҳукмдорим, кўнглингга сиққан ишни қилавер, асло мени ўйлама: ахир мен сен билан тирикман».

Гвальтьери орадан бир оз вақт ўтказиб, худди бир вақтлар қизчасини қандай олиб кетган бўлса, ўғлини ҳам онаси бағридан шундай юлиб олди ва бу сафар ҳам болани гўё ўлдиртириб юборгандек кўрсатди ўзини, аслида эса, уни ҳам қизини берган ерга, яъни тарбия қилгани Болоньяга бериб юборди. Гризельда эса, қизини хизматкор қўлига қандай топширган бўлса, ўғилчасини ҳам шундай итоатгўйлик билан ҳеч нола чекмай, топширдик, бундан Гвальтьери кўп ҳайратга келди; у бошқа биронта аёлнинг бундай уқубатга бардош беришини ҳатто тасаввур ҳам қила олмас эди. Агарда у Гризельданинг нечоғли болапарвар она эканлигини билмаганида, турган гапки, хотинини ўз фарзандларига бемехр деб ўйлаган бўлар эди, бироқ фарзандлари ўз бағрида бўлган чоғда, уларни қандай меҳр қўйиб ардоқлаганларига шоҳид бўлган Гвальтери учун хотинининг бу рафтори унинг донишмандлигидан

далолат эди. Гвальтьери ўз фарзандларини нобуд қилди, деб ҳисоблаган аҳли раият, унга таъна тошларини отиб шафқатсиз, деб маломатга қўя бошлади ва айни пайтда Гризельдага чин қалбдан ачина бошлади; ваҳоланки, ўзга аёллар унинг қатл этилган болалари ҳақида қайғуриб гапиришган пайтда, Гризельда, ўзим шунга рози бўлганман, негаки болаларнинг отаси шунинг ихтиёр қилган эди, деб доим бир хилда жавоб қайтарарди.

Қизи туғилгандан буён орадан анча-мунча йил ўтгач, Гвальтьери хотинининг бардошини охириги марта синаб кўришга аҳд қилди ва шу муносабат билан ҳамма ерда, дуч келган одамга, Гризельдадан кўнглим қолди, унга ёшлиқ қилиб, ўйламасдан уйланиб қўйган эканман, шунинг учун энди иккинчи марта уйланишимга Рим папасидан ижозат сўрамоқчиман. Гризельдани бўлса, талоқ қилиш ниятим бор, деб айтиб юридики, унинг бу ниятини жамкики диёнатли кишилар қоралай бошладилар, лекин Гвальтьери уларга жавобан доим: гап битта, деб чўрт кесиб қўя қоларди. Бу гаплар Гризельданинг ҳам қулоғига етиб борди, шунда у ўзининг яна отаси уйига қайтишга, яна қўй боқишига тўғри келишини кўз олдига келтириб, боз устига, ўзи учун энг азиз бўлган одамнинг энди бошқа аёл кучоғида бўлишини тасаввур қилиб қаттиқ ғамга ботди, лекин бундан олдин бошига тушган барча изтиробларга қандай сабот билан бардош берган бўлса, тақдирнинг бу бевафоллигига ҳам шундай қатъият билан чидашга қарор қилди.

Орадан бир оз вақт ўтгач, Гвальтьери номига Римдан қалбаки мактублар келди ва бу мактубларни у ҳаммага кўз-кўз қилиб юриди, зеро ул мактубларда, Гвальтьерининг Гризельда билан ажрашиб, бошқага уйланишига папа томонидан ижозат берилгани қайд қилинган эди. Мана, Гвальтьери хотинини айтиб келгани одам юборди ва ҳамманинг иштирокида унга шундай деди: «Хотин! Папа сен билан ажрашиб, бошқага уйланишимга рухсат берипти. Менинг ота-боболарим юксак мартабали зотлар бўлишган, бу ўлка ҳам бошдан-оёқ ўшаларга қарам бўлган, сенинг авлодаждодининг эса деҳқон ўтган, шул боисдан сен билан яшашни ортиқ истамайман; олиб келган сепингни олгин-да, отанг Жаннуколенинг олдига жўна, мен бўлсам, ўз насабимга муносиб хотин топиб, ўшанга уйланаман».

Гризельда ўзининг аёллик феъллига ҳай берди-ю, йиғламоқдан бери бўлиб: «О, ҳукмдорим,— дея гап бошлади,— ўзимнинг ҳақиру фақирлар табақасидан эканлигимни, бинобарин, сиздек акобир зотга тенг эмаслигимни ҳаммиша ёдимда тутганман. Бир бенаво аёл бўла туриб, сиздек улуғ зотнинг ёнингизда, муҳташам қасрингизда шунча йил паноҳ топиб келганим учун парвардигорга шукрона ўқимоғим ва сиздан миннатдор бўлмоғим лозим. Менга тортиқ қилинган совға-саломларни ҳеч қачон ўзимники деб ҳисобламаганман,— мен ҳамма вақт ўзимга-ўзим, буларнинг ҳаммаси вақтинчалик тухфа деб таъкидлаб келганман. Башарти сиз бирон-бир буюмни мендан талаб қилиб қайтариб олишни ихтиёр қилгудек бўлсангиз, ўша оннинг ўзида бажону дил қайтариб берган бўлур эдимки, ҳозир мен айнан шундай қилгайман. Мана сиз

берган узук — олинг. Сиз менга ўз сепимни олиб кетишимни амр этдингиз. Ҳолбуки, сепимни қайтариб бериш учун ўз хазиначингизга одам юборишингизнинг ҳам ҳожати бўлмайди, шунингдек, менга на ҳамёнлар ва на юк ортиш учун от керак бўлади, — зеро, ҳануз жуда яхши эсимда, сиз мени онадан қандай туғилган бўлсан, шундай ҳолда хотинликка олгандингиз. Агар сиз ўз пуштикамарингиздан бўлган болаларни ўз сийнаси остида кўтариб юрган танамни ҳамма мушоҳида қилишини мақбул кўрсангиз, унда мен уйингиздан яланғоч ҳолда чиқиб кетгумдир, — ва лекин сиздан бир нарсани илтимос қилган бўлур эдим: сизга сеп сифатида эмас, балки туҳфа қилиб олиб келганим ва энди, ҳеч қачон қайта тиклаб бўлмайдиган ифбатим ҳаққи-ҳурмати, эгнимга ҳеч бўлмаса ич кўйлак кийишга ижозат берсангиз».

Гвальтьерининг хўрлиги келиб, ҳўнграб юборишдан ўзини зўрға тийиб турарди, лекин шунда ҳам ўзини бадқаҳр қилиб кўрсатиб: «Майли, кня қол», — деди.

Бу ерда ҳозир бўлган одамларнинг ҳаммаси Гвальтьерига ялиниб-ёлворишиб, ахир ўн уч йилдан ортиқроқ ёстиқдошингиз бўлган аёлнинг қасрингиздан ҳамманинг кўзи олдида шармандаларча битта ич кўйлакда худди гадойдек чиқиб кетиши яхши эмас, деган гапларни айтишиб, ундан хотинига биронта кўйлак беришни илтимос қила бошладилар; лекин Гвальтьери қайсарлик қилиб ўз сўзида туриб олди — шунда унинг яланг оёқ, сочлари паришон хотини ёлғиз ич кўйлакда ҳамма билан видолашди ва қасрдан чиқиб, отасининг кулбаси томон йўл олди, қаср аҳли эса, унинг орқасидан нола чекиб, йиғлаб қолди. Бу никоҳ риштасининг мустақамлигига олдиндан ишонмаган ва пироварди айнан шундай бўлишини ҳар кунни кутган Жаннуколе, қизининг Гвальтьери билан никоҳ ўқитган кунни эрталаб ечган жулдур кийимларини асраб қўйган эди. Гризельда кулбага кириб келиши билан ота ўша кийим-бошни унга олиб берди. Қиз ўша кийимни кийиб, бевафо тақдирнинг оғир зарбаларига сабот билан бардош берган ҳолда, худди бир вақтлардагидек, яна уй-рўзғор ишлари билан машғул бўла бошлади.

Бу орада Гвальтьери, граф Панাগонинг қизига уйланыпман, деган мазмунда сохта овоза тарқатиб, тўй-томошага ҳозирлик кўриш ҳақида фармон берди-да, Гризельдага одам юборди. Гризельда ҳам дарҳол етиб келди, шунда Гвальтьери унга бундай деди: «Мен ҳадемай уйимга қайлигимни бошлаб келаман, ҳозир уни дабдаба билан кутиб олишга ҳозирлик кўряпман. Ўзинг билсан, катта маърака олдиндан хоналарни йиғиштириб саранжом қиладиган ва бошқа ишларга қарайдиган аёллар қасримда йўқ. Уйни саранжом-сарништа қилишда сенга тенг келадиган бека топилмайдим, шунга кўра, сен ҳамма ёқни супуриб-сидир, хонимларни ўзинг танлаб, тўйга тақлиф эт, уларни яхшилаб кутиб ол, тўй ўтгандан кейин эса, уйингга кетавершининг мумкин».

Гвальтьерининг ҳар бир сўзи Гризельданинг қалбига мисоли ханжардек ботарди, зеро, у гарчи ўзининг аччиқ қисматига кўникиб қолган бўлса ҳам барибир, муҳаббат тўйғусини қалбидан си-

қиб чиқара олмаган эди. «Ҳамма айтганларингизни бекаму кўст бажараман, соҳибим»,— деди Гризельда. Шундан кейин у, яқинда ўзи битта ич кўйлақда чиқиб кетган уйга энди дағал бўз кўйлақда кириб бориб, ҳамма хоналарни супуриб-сидира бошлади, деворларга гиламлар осиш, оёқ остига пояндозлар ёзиш ҳақида фармойиш берди, ошхонада пишириш-қуйдириш билан шугулланди, мисоли бу хонадоннинг энг нотавон чўрисидек энг исқирт ишлардан ҳам ҳазар қилмади, фақат ҳамма нарса саранжом қилиниб, бутун қасрда тегишли тартиб жорий қилинганидан кейингина у дам олишга ўтирди.

Кейин у тўй тантанаси олдидан, Гвальтьери номидан бутун вилоятнинг хонимларини зиёфатга таклиф қилди. Никоҳ кун келганда эса, Гризельда, ўзининг ғарибона либосда эканлигига қарамай, ўз қадр-қимматини йўқотмаган ҳолда, меҳмонларни бағоят хушчەҳра билан қарши олишга қурби етди. Гвальтьерининг граф Панагога турмушга чиққан қариндоши, маркизнинг болаларига жуда яхши тарбия берган эди; бу пайт унинг ойдек гўзал қизи ўн икки ёшга, ўғли эса, олти ёшга кирган эди; мана, Гвальтьери шу болоньялик қариндошини Салуццога тўйга таклиф қилди, таклифномада яна, қизим билан ўғлимни ҳам ўз ёнингизга олиб, шуқуҳли ва иззат-эътиборли мулозимларингиз кузатувида қадам ранжида айланг, деб илтимос қилган эди; бундан ташқари, маркиз графга мурожаат қилиб, ундан, ҳар бир учраган одамга, Гвальтьерининг қайлигини олиб келяпман, деб айтингу, илло, қизнинг кимлиги ҳақида ҳеч кимга чурқ этиб оғиз оча кўрманг, деб ёзган эди. Граф ҳам маркизнинг илтимосини бекаму кўст бажарди; у сафарга чиқди ва бир неча кун йўл юриб, Гвальтьерининг қизи ва ўғли билан ақобир мулозимлар қуршовида Салуццода берилаётган зиёфатга етиб келди — бу ерда қишлоқ аҳли ва Гвальтьерининг қўни-қўшнилари келиннинг келишини орзиқиб кутиб турардилар. Хонимлар қизни меҳмонлар учун дастурхон тузалган залга бошлаб кирдилар, одмигина кийинган Гризельда мана шу ерда уни очиқ чەҳра билан кутиб олди. «Хуш келибсиз, маликам!»— деди у. Хонимлар Гвальтьерига юзланиб, Гризельдани бошқа хонага чиқиб кетишига ижозат беринг ё бўлмаса, ўзининг аввалги либосларидан биронтасини вақтинча бўлса ҳам бериб туринг, ахир бундай қиёфада меҳмонлар олдида юриши уят-кў, дейишиб, худонинг зорини қилиб, ёлворишса ҳам бутун уринишлари зое кетди; мана, улар дастурхон тузалган столлар теграсига ўтирдилар. Ҳамма келиндан кўзини уза олмай ўтираркан, хотин танлашда Гвальтьерининг омади бор экан, деган қарорга келди. Гризельдага қиз ҳам, унинг укаси ҳам жуда маъқул бўлди.

Мана, ниҳоят Гвальтьери ўз ниятига етди: у Гризельданинг сабр-бардошини тубсиз уммонга қиёс қилиб, иродасини асло букиб бўлмаслигига қатъий ишонди ва унинг табнатидаги бундай матонатни ақли қисқалик аломати эмаслигига имон келтириб (зеро, Гризельданинг фаҳм-фаросатли аёл эканлиги унга кундай равшан эди), боёқишнинг юрак-бағри ғам-андуҳдан эзилиб, пора-пора бўлиб кетган бўлса керагу шунга қарамай, уни усталик билан

лоқайдлик пардаси остига яшираётган кўринади, деб мулоҳаза қила бошлади ва бу мусибатни хотинининг бошидан шу дақиқанинги ўзидаёқ соқит қилишга қарор қилди. Шунга кўра, у Гризельдани ўз ёнига чақириб олиб, жилмайганча, баланд овоз билан сўради: «Хўш, сенга маъқул бўлдимми келин?»

«Келин менга жудаям ёқди, ҳукмдорим,— дея жавоб қилди Гризельда.— Бас, агарки, у, шу ҳусни жомолига яраша оқила ҳам бўлса (бунга менинг мутлақо имоним камил), ҳеч шак-шубҳа йўқки, сиз дунёда энг бахтиёр эр бўлгайсиз. Бироқ бир илтимос билан сизга мурожаат қилишга журъат этмоқчиман: иложи бўлса, биринчи хотинингизнинг қалбини вайрон қилганингиз сингари бунинг ҳам қалбини жароҳатламанг,— зеро, бу қизнинг ундай азобларга бардош бера олишига кўзим етмайди: у аввалги хотинингиздан анча ёш ҳам қийинчилик билмай тарбия кўрган, аввалги хотинингиз эса, болалик чоғидан оғирчиликни бошидан кечириб ўсган эди».

Гризельда маркизнинг бу қизга уйланишга асло шубҳа қилмаган ҳолда, унинг тўғрисида фақат эзгу сўзлар айтаётган эдики, Гвальтьери бу ҳолдан қаттиқ таъсирланиб кетди, хотинини ўз ёнига ўтқазиб, бундай деди: «Гризельда, энди шунча қилган сабрқаноатинг самарасидан баҳраманд бўладиган пайтинг етди; мени шафқатсиз, золим, тошбағир одам деб ҳисоблаганларга эса, шу нарса маълум бўлсинки, мен ўзимни бундай тутганимда бир мақсадни кўзлаган эдим: сени нбратли хотин бўлишга, ўз одамларимни эса, хотинни тўғри танлашга ва уни авейлаб сақлашга ўргатмоқчи эдим, сен билан бутун умр хотиржам ва тинч-тотув яшамоқчи эдим, ҳолбуки, уйланган пайтимда, турмушимиз бетинч бўлади, деб қўрққан эдим,— мана шунинг учун ҳам сени синмоқ мақсадида, ўзинг яхши биласан, бирин-кетин қалбингни жароҳатлай бошлаган эдим. Ҳамонки, сен ҳеч қачон чурқ этиб оғиз очмаган ва бирон марта бўлсин, менинг хоҳишимга энд иш тутмаган экансан, баски, мени бахтиёр қила олишингга қатъий ишонган эканман, юрагингдан бирин-кетин суғуриб олганларимнинг жамини ҳозир сенга бирваракайига қайтармоқчиман ва энг лазиз ва латиф муҳаббатимни қалбинг жароҳатларига малҳам қилмоқчиман. Хуллас, сени: менинг сохта қайлигим ва унинг укаси — сен билан икковимизнинг фарзандларимиздирки, сенинг ва кўпчилик одамларнинг наздида, кўп йиллар мобайнида, мен уларни ваҳшиёна ўлимга маҳкум этган бўлиб туюлган эдим,— ўзим эса — сенинг эрингман ва сени дунёда ҳамма нарсадан ортиқ севаман, демак, ўз хотинидан менчалик мамнун бўлган одам бутун жаҳонда ҳам топилмайди, деб баралла ҳайқириб айтишим мумкин».

Шу чоғ Гвальтьери Гризельдани қучоқлаб ўпибди, аёл эса, севинчдан йиғлаб юборибди, кейин икковлари ўринларидан туришиб, ҳайратдан донг қотиб қолган қизлари олдига яқин борибдилар, уни ва ўғилларини меҳрибонлик билан бағирларига босибдилар ва шу билан бу ерда ҳозир бўлганларнинг кўнглидаги гумроҳликка барҳам беришибди. Хонимлар бу ҳолдан хурсанд бўлишиб, ўринларидан туриб кетибди ва Гризельда билан бирга унинг

хонасига ўтишиб, уни бир вақтлар никоҳ тўйига ясантирганларидан ҳам зиёдроқ шавқу билан эғнидаги қишлоқича кийимни ечиб ташлаб, уни маркизага монанд кийинтирибдилар ва зўр дабада билан худди маликадек (дарвоқе, у увода кийимда ҳам маликадан қолишмасди), яна залга бошлаб чиқибдилар. Гризельда ўз жигарпораларининг жамолига тикилиб, ҳеч кўзи тўймабди, чор атрофдаги ода...ларнинг бари суюнишибди, шоду хуррамлик тобора авжга минибди ва бу тўй-тантана бир неча кун сурункасига давом этибди. Ниҳоят, бутун жамоа: Гвальтьери ниҳоятда донишманд одаму, лекин унинг ўз умр йўлдоши бошига солган мудҳиш синови — ўта шафқатсизлик ва золимликдир, ваҳоланки Гризельда эридан юз карра оқилароқдир, деган ягона фикрга тўхталибди. Граф Панаго бир неча кун меҳмон бўлиб, сўнг Болоньяга қайтибди, Гвальтьери Жаннуколенинг деҳқончилик билан машгул бўлишига ортиқ йўл қўймай, уни ҳамма керакли нарса билан таъминлабди; шу кундан бошлаб, Жаннуколе маркизнинг қайнатасига монанд иззат-икромда, беташвиш кун кечирибди ва ошини ошаб, ёшини яшагач, оламдан ўтибди, Гвальтьери эса, қизи учун ажойиб куёв топибди; ўз рафиқаси Гризельдани эса ниҳоят даражада эъозлаб, у билан роҳатда-фароғатда узоқ умр кечирибди.

Қиссадан ҳисса шуки, фақирона кулбаларда ҳам самовий хилқатлар маскан қуриши ва лекин шоҳона кўшқларда, одамлар устидан ҳукмронлик қилишга эмас, балки кўпроқ чўчқабоқарлик қилишга лойиқ бўлган маҳлуқлар учраб туриши мумкин экан. Гвальтьерининг энг золимона шафқатсизликларига нафақат кўз ёш тўкмаган ҳолда, балки қувноқ чеҳра билан бардош беришга Гризельдадан бошқа яна ким қодир бўла оларди? Ваҳоланки, агар у Гвальтьерининг уйдан битта нч қўйлақда чиқиб кетиб, бегона эркак билан мулоқотда бўлса ва бир зумда унинг пўстини остига кириб исинганида эди, эрининг хўп додини берган бўларди.

Дионео ҳикоясини тугатди, хонимлар бу ҳикоя ҳақида бир-бирига мутлақо зид бўлган фикрларни айтиб ҳам бўлдилар — биров ҳикоянинг бирон ерини ёмонласа, бошқа биров унинг айрим ерларини кўкка кўтариб мақтади, — шундан кейин қирол осмонга назар ташлаб, қуёшининг фарбга оға бошлаганига эътибор берди ва ўтирган ўрнидан қўзғалмаганча шундай гапирга бошлади:

— Хушчеҳра хонимлар! Ўзингиз албатта яхши биласизки, одамзолга ақл-идрок нафақат бўлиб ўтган, ишларини эслаб қолиш учун ва бугунги кунни англаш учун берилган; донишмандларнинг эътироф этишича, ўтмишдан ва ҳозирги ҳаётдан воқиф бўлиш билан бирга истиқболни ҳам башорат қилиш буюк заковат соҳибларига хос хусусиятдир. Агар унутмаган бўлсангизлар, сизлар билан биз, соғлиғимизни тиклаб, куч йиғиб олиш мақсадида ҳамда бир қз кўнгил ёзиш ва ўлат даври бошланиши муносабати билан шахримизга маскан қуриб олган ғам-алам ва мўшкулотларни кўрмаслик мақсадида Флоренцияни тарк этганимизга эртага роса икки ҳафта бўлади. Назаримда, бизлар ахлоқ-одобга риоя қилиб яшадик, зеро, шахсан ўзимнинг кузатувим бўйича, гарчи

кулгли ва ҳаттоки кишини васвасага соладиган нарсалар тўғри-сида суҳбатлашган бўлсак ҳам, гарчи тўйиб овқатланган, хуш-тўям шароблар ичган, мудом ўйин-кулги билан машғул бўлган бўлсак ҳам (бундай ҳаёт, одатда, ғиродаси сууст одамлар кўнглида беҳаё истаклар уйғотади), шунга қарамай, биронгангиз ҳеч қандай ножоиз ишга қўл урмадингиз, оғзингиздан биронта ҳам беадаб сўз чиқмади ва умуман, ҳеч бирингиз ҳеч қандай номуносиб иш тутмадингиз. Агар янглишмасам, сиз билан бизнинг ҳар бир хатти-ҳаракатимиз олижанобликдан далолат берди, ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб, дўст-иноқ бўлиб яшадик, мен бу гапларни сизларга шунинг учун ҳам ниҳоятда зўр мамнуният билан айт-япманки, бу сўзлар сизларнинг ҳам, менинг ҳам обрўйим учун хизмат қилгай ва шубҳасиз, бизга нафи теккай. Ҳар биримиз ўз навбати билан ўз кунда ўзига яраша мақтов сўзлар эшитдик, бу мақтовлар ҳануз менинг қалбимга жо бўлиб турибди, лекин бора-бора бир-биримизни безор қилиб юбормаслик учун ва одамлар узоқ муддат бирга ҳаёт кечирганимизни пеш қилишиб, устимиздан ғийбат қилишмасин учун,— агар сизлар эътироз билдирмасанглар, албатта,— мен уй-уйимизга тарқашни таклиф қиламан. Шунинг ҳам эътиборга олингларки, жамоамизнинг доврўғи атрофга тарқалган, бинобарин, у улғайиши ҳам мумкин, ана унда бутун ҳузур-ҳаловатимиз барбод бўлади. Шунга кўра, агар менинг таклифимга қўшилсангизлар, унда мен, эртага эрталаб йўлга чиқишни таклиф қиламан ва ҳозирданоқ бошимга кийдирилган ҳукмдорлик тожини ечаман. Борди-ю, ўзгача фикр юритадиган бўлсангиз, унда эртангиз ҳокимлик ҳуқуқини ўзим олдиндан кўз остимга олиб қўйган одамга топшираман.

Хонимлар ва йигитлар узоқ вақт баҳслашдилар, лекин ахири бир хулосага келишиб, қиролнинг маслаҳатини оқилона ва хайрли маслаҳат деб топишди-да, унинг гапига қулоқ осншга қарор қилишди. Қирол эшик оғасини чақиртирди, унга эртанги кун борасида фармойиш берди, сўнг ҳаммани кечлик овқатга қадар озод қилиб, ўрнидан турди. Унга эргашиб хонимлар билан йигитлар ҳам ўринларидан қўзғалдилар ва ҳар кунги одат бўйича турли-туман эрмаклар билан машғул бўлдилар. Тайин қилинган соатда улар ғоятда зўр мамнуният билан дастурхон теғрасига ўтирдилар, овқатланиб бўлишгандан кейин эса, мусиқа чалиб, қўшиқ айтиб, рақсга тушдилар. Рақсни Лауретта бошлаб берди, қўшиқ айтишни эса, қирол Фьяметтага амр этди ва Фьяметта дилрабо овоз билан куйлай бошлади:

Ишққа йўлдош бўлмаса рашк, оҳ,
Дунёда энг бахтиёр хотин —
Бўлар эдим, вафодан огоҳ.

Биз эркакни севамиз печун?
Ешлик, чирой, қайноқлигини
Ва севамиз мардлиги учун,
Ширин сўзи, ўйноқлигини,

Одобини севамиз яна,
Агар тухфа шу бўлса, мана,
Тангри менга берди ҳаммасин,
Қондирди у дилим ҳавасин,
Орзуларим қилди таътана.

Лекин мени эзади хаёл.
Ешим ўтиб борар йил сайин.
Мендан ёшдир қанчалар аёл,
Оқилароқ, гўзалроқ, майин.
Мен кундан-кун кўпроқ истаган
Нарсаларни истар ҳар дилбар,
Улар ҳаққи, қилар қисталанг,
Улар ҳам бу ишга даъвогар,
Йиғлай-йиғлай этимни ейман,
Тақдиримга лаънатлар дейман.
Агар ёрим бўлса вафодор,
Совимаса менга нисбатан,
Шод бўлардим сўзсиз қисматдан,
Лекин эркак зоти кўп айёр,
Мен бу макр тузини тотдим,
Оромимни буткул йўқотдим,
Сезган оним аёл шарпасин,
Вужудимни қамрайди титроқ,
Бахтимга чанг солгандай шу чоқ,
Дарҳол ортар кўнглим шубҳаси...

Лаънат сизга хотинлар!
Бекор
Уринасиз тортиб олишга:
Кўз қисиб,
қош қоқасиз беор,
Гоҳ куласиз,
гоҳо нолишга —
Эрк берасиз.
Ҳаммаси пуч, пуч!
Менга ёрим жонимдан ортиқ.
Сиз шумларга этмайман тортиқ.
Макрингиз-чун олажакман ўч!¹

Фьяметта ўз қўшиғини ниҳоясига етказгач, унинг ёнида ўтирган Дионео кулиб туриб, шундай деди:

— Лекин, хоним, ўз маҳбубингизнинг исмини очиқ айтмадингиз,— ахир сиз ҳалитдан дарғазаб бўлмоқдасиз, ҳали биронта одам бехосдан сизнинг ўша маҳбубингизни ўзига ром қилгудек бўлса, унда ҳолингиз нима кечади?

¹ «Декамерон»даги шеърларни шоира Дилшоода Саидолимова таржима қилган.

Кейин бошқалар ҳам қўшиқ куйлашди ва фақат вақт ярим кечадан оққандагина қиролнинг ижозати билан ҳамма ётиб ухлагани хона-хонасига тарқалди.

Эртаси кун эрталаб ҳамма ўрнидан турди: эшик оғаси юкларни олдинроқ жўнатиб юборган эди, хонимлар билан йигитлар эса, қиролнинг раҳнамолигида Флоренция томон равона бўлдилар. Уч йигит етти нафар хонимни Санта Мария Новелла жомесигача кузатиб қўйишди,— бундан бир қанча вақт бурун улар худди шу ердан биргаликда сафарга чиқиб кетган эдилар,— сўнг йигитлар шу ерда хонимлар билан хайрлашдилар-да, вақтичоғлик қилиш учун ўзга эрмак ахтариб кетдилар, хонимлар эса, уй-уйларига тарқалдилар.

МУАЛЛИФНИНГ СЎНГ СЎЗИ

О, навниҳол кибор хонимлар, узоқ йиллик меҳнатим самараси бўлмиш ушбу китобимни сизларга тасалли бўлсин деб ёзган эдим! Худойи таолонинг менга кўрсатган инояти бирлан, фаҳмлашимча, ўз хизматим эвазига эмас, балки сизларнинг мен ҳақимда астойдил дуода бўлганингиз оқибатида бўлса керак, мана, ниҳоят, ўз асарим муқаддимасида берган ваъдамни ниҳоясига етказгандайман. Энди мен, биринчи навбатда парвардигорга шукрона ўқиб, иккинчи навбатда эса, сизларга миннатдорчилик билдириб, қаламим ва толиққан қўлимга дам бермоқчиман. Бироқ дам беришдан олдин, сизларнинг ённки яна бошқа бирон одамнинг менга хаёлан бериши мумкин бўлган саволларига икки оғиз сўз билан жавоб қайтармоқчиман, ваҳоланки, менинг қиссаларимга бошқа ҳар қандай қиссаларга қилинган маломатдан ортиқроқ таъна қилиб бўлмаслигига имоним комилки, буни мен, эсимда бор, тўртинчи кўннинг муқаддимасида исботлаб бера олган эдим.

Ораларингизда баъзиларингиз, бу одам тилига жуда эрк бериб юбориб, аёл аҳлини шундай уятсиз сўзларни баъзида гапиришга ва кўпроқ тинглашга мажбур қилдики, диёнатли аёлнинг ундай гапларни тилга олиши ҳам, шунингдек, тинглаши ҳам ўтакетган шармандалиқдир, дея айюҳаннос солиб, ҳали мени ёмонотлиқ ҳам қиларсиз. Мен бу фикрга қўшилишолмайман; ҳар қандай уятли нарсани ҳам пардали қилиб, одобли ибораларда баён қилиш мумкин, ана унда у нарса ҳеч кимга қаттиқ ботмайди, худди шу жиҳатдан менда ҳеч қандай нуқсон бўлмаса керак, дейман. Ҳай, сизларни ҳақсизлар, деб ҳам фараз қилайлик,— мен мунозара юритмоқчи эмасман, барибир сизлар мендан баланд келасизлар,— аммо ўзимни оқлаш учун анча-мунча гап айтишим мумкин. Биринчидан, агарда битта-яримта қиссамда ҳақиқатан ҳам биронта ноҳониз гап ўтиб кетган бўлса, демак, қиссанинг хусусияти шунини талаб қилган: зеро, агар бундай қиссаларга заковатли одамнинг жиддий нуқтан назари билан қаралса, ул қиссаларни айнан шу тўрзда баён қилмоқ зарур, акс ҳолда улар ўз моҳиятларини йўқотиб қўйгайлар, деган хулосага келмай илож қолмайди. Агар у қиссаларда чинданам биронта тишга тегадиган нарса бўлса, агар унда, амалда эмас, балки тилни тийишда эҳтиёткор бўлган ва ўзларини тақводор қилиб кўрсатишга уринган риекор руҳонийлар-

ни ғижинтирувчи биронта густоҳона сўз учраб қолгудек бўлса, демакки, эркаклар ва аёллар *ўймагу, турум, ҳовонча-ю, даста, сосиска-ю, колбаса* ва ҳоказолар ҳақида мунтазам равишда бемалол гапиришганидек, ўшал густоҳона сўзларни айтиш мен учун ҳам уят бўлмаслиги керак, назаримда. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, менинг қаламим сураткашнинг мўйқаламидан асло қолишмайди, сураткаш эса, ҳеч қандай танбеҳга, боз устига — адолатли танбеҳга учрамаган ҳолда, наннки уч бошли илонни шамшир ёки найза билан маҳв этишга Жаброил Михаилни мажбур этади, нафақат аждарнинг дуч келган ерига найза санчишга авлиё Георгийни мажбур этади, — шунингдек, у бизга Исони эркак қиёфасида, Момо Ҳавони — аёл қиёфасида тасвирлайди; биз унинг суратларида одамзодни халос этиш учун чорқўпда жон беришга ҳам рози бўлган хилқатнинг оёқларини баъзида бир, баъзида эса, икки мих билан михланганини кўрамиз. Ҳолбуки, китобимдаги қиссаларнинг ҳаммаси, ҳар бир фаолияти ҳақида бағоят пуродоб нборалар ва покиза қалб билан гапирилиши лозим бўлган черковда эмас (ҳолбуки, ҳадису оятларда менинг қиссамдагидан бешбаттар нарсаларни учратиш мумкин), аксарият жойлардаги сингари хулқ-одоб талаб қилинадиган фалсафа мактабида ҳам эмас, шунингдек, аҳли дин ва файласуфлар даврасида ҳам эмас, балки боғ-бўстонларда, фақат вақтичоғлик қилиш учун мўлжалланган жойларда, қизиқарли латифалар тинглашгани билан хулқлари бузилмайдиган ёшга кириб қолган навниҳол жувонлар даврасида ва ҳаттоки энг мўътабар зотлар ҳам агар юракнинг чигилини ёшиш учун зарур бўлса, лозимни ҳам бошларига кийишлари мумкин бўлган, аммо бу қилмишлари маъзур тутилган пайтларда ҳикоя қилинган эди. Менинг қиссаларим ҳақида ким нима деб айтса айтаверади, аммо улар дунёдаги жамики нарсалар сингари зарарли ҳам, фойдали ҳам бўлишлари мумкинки, бу энди фақат, тингловчининг қандай одамлигига боғлиқ. Қайфий, Шаробий ва яна кўпчилик зотларнинг эътироф этишича, майнинг жамики тириклар учун шифо, безгаги хуруж қилганлар учун эса, зиён эканлигини ким билмайди дейсиз? Лекин, агар май безгаги хуруж қилган одам учун зиён экан, ахир уни умуман зарарли деб бўладими? Оловнинг одамзод учун ғоятда фойдали ва ҳаттоки вожиб нарса эканлигини ким билмайди дейсиз? Лекин агар у уйларни, шаҳару қишлоқларни ёндираркан, уни умуман зарарли деб бўладими? Худди шунга ўхшаш, қурол тинч-тотув яшашни ихтиёр қилганлар хотиржамлигини ҳимоя қилади ва айнан шу қурол кўпинча одамларга қирон келтиради, лекин у қирон келтирувчи буюм бўлгани учун эмас, балки уни ёвуз ният билан ишлатган кишиларнинг айби билан шундай қилади. Қинғир ниятли одамлар ҳар бир сўздан қинғир маъно ахтарадилар, уларга эзгу сўзлар ҳам наф бермайди, илло, балчиқ қуёш шуъласини булғай олмагандек, нажас фазо гумбази оройишига доғ бўла олмагандек, бадният кишиларнинг ноҳўя гаплари ҳам покиза қалбни заҳарлай олмағайлар. Қайси китоблар, қайси каломлар, қайси ёзувлар Муқаддас ҳадисдан муқаддасроқ, гўзалроқ, сарбаландроқдир? Шунга қара-

май, ул муқаддас китобни тескари талқин қилган ва оқибатда ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам нобуд қилган одамлар бўлган. Дунёдаги ҳар бир нарса бирон ишда фойдалидир, лекин ундан ёвуз ниятда фойдаланиладиган бўлса, у жуда кўп одамга зиён етказиши мумкинки, бу гап менинг қиссаларимга ҳам тааллуқлидир. Китобхон қиссаларимдан ўзи учун ёмон ибрат олиши ва улардаги ёмон ишларга даъват этувчи томонларга эътибор бериши ҳам мумкинки, бу унинг ўз ихтиёридадир: агарда қиссам сатрлари орасида тасо-дифан биронта ноҳўя гап чиқиб қолгудек бўлса, хоҳлаганлар уни ўзларига олаверсинлар. Лекин кимда-ким қиссаларимдан фойда ва эзгулик кутаётган бўлса, улар ҳам ўз ниятларига албатта етгайлар. Агарда бу қиссаларни авжи мавридини ва одамни топиб ўқиб берилса, унда ҳамма тингловчилар ҳам қиссаларимни фойдали ва жўяли, деб топган ва эътироф этган бўлардилар. Лекин кимда-ким ибодат қилишни ёки руҳоний ота учун балиш ё торт пиширишни ихтиёр қилса, майли, эшитмай қўя қолсин,— менинг қиссаларим, бизни ўқинг, деб уларнинг орқасидан ялиниб юрмайди, лекин кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, аҳли дин нафақат оғизда, ҳаттоки баъзан амалда ҳам менинг қиссаларимдаги шахслардан қо-лишмайди!

Яна, менинг қиссаларимдан айримларини китобга киритилма-са ҳам ҳеч нима йўқотилмаган бўларди, деб айтувчилар ҳам топи-лади. Бу-ку, тўғри-я, илло, мен фақат даврада баён қилинган қис-саларнигина ёзишим мумкин ва шарт эди, агарда қиссахонлар фақат яхши қиссалар баён қилишганида, мен ҳам фақат яхши қис-саларни ёзган бўлур эдим. Ҳай мени ҳам ижод этувчи, ҳам ёзиб олувчи деб фараз қилайлик, лекин бу ҳақиқатга тўғри келмайди: очигини айтганда, ҳамма қиссаларим ҳам бир хилда яхши чиқма-ганидан мен хижолат бўлмаслигим керак, зеро, худойи таолодан ўзга ҳамма ишни яхши бажарадиган ва ҳамиша камолотга эриша-диган биронта ҳам баркамал уста йўқ жаҳонда. Ахир паладинлар¹ уруғини кўпайтириб юборган Буюк Карл ҳам, уларни қўшин бўлиш даражасида бисёр қилиб яратолмаган. Буюмларнинг турли-туман-лиги ҳар бир буюмда турлича хусусият борлигидан дарак беради. Ерга қанчалик эътибор билан ишлов берилган бўлмасин, барибир унда фойдали зироатлар қатори қичитқи ўт, чақиртиканак, ёввойи ўтлар ҳам ўсади. Ундан кейин, биз бу қиссаларни сизларнинг акса-риятингиз сингари оддий ёш жувонлар а ҳикоя қилар эканмиз, улар учун қандайдир назокатли ва нафосатли воқеаларни танлаш ва ҳар бир айтиладиган сўзни пухта ўйлаб, сўнг талаффуз этиш бе-маънилик бўлган бўларди. Ҳарна бўлганда ҳам қиссаларимни қўлига олганлар, ўз дидларига ёқмаган қиссаларни ўтказиб юбо-риб, фақат кўнгилларига ўтирганларини ўқишлари мумкин. Шун-га кўра, мен китобхонни доводиратмаслик учун ҳар бир қиссанинг бошида, унинг мазмунини баён қилиб қўйганман.

Баъзилар, айрим қиссаларни жудаям чўзилиб кетган, деб ай-

¹ Паладинлар — сарой рицарлари. (Тарж.)

тиши ҳам мумкин. Бунга жавобан мен яна такрор айтаманки, агар улар бошқа иш билан машғул эканлар, унда энг қисқа қиссаларимни ҳам ўқимаганлари маъқул. Ундан кейин, гарчи бу китобимни ёзишга киришганимга жуда кўп вақт бўлган бўлса ҳам уни иш билан банд одамларга эмас, балки бекорчи китобхонлар учун мўлжаллаганман. Вақт ўтказиш учун қўлига китоб олганларга эса, ҳеч бир қисса узун бўлиб туюлмади,— агар китобхон дидидаги нарса мазкур қисса таркибида мавжуд бўлса, албатта. Қисқа ҳикоячалар — мактаб болалари учун яхши, зеро, улар нафақат шунчаки вақт ўтказиш учун, балки бирон сабоқ олиш учун ўқийдилар; бунинг акси ўлароқ, қисқа ҳикоялар сизларга тўғри келмайди, менинг китобхон хонимларим, зеро, сизлар, ишқий эрмаклардан ортиб қолган бутун вақтингизни китобхонлик билан ўтказасиз. Ундан кейин, ахир ҳеч бирингиз на Афинада, на Болоньяда, на Парижда таҳсил кўргансизки, шунга кўра, ўз заковатини илм-фан билан бойитган алломаларга нисбатан сизларга ҳамма нарсани бутун тафсилоти билан тушунтирмоқ лозимдир.

Ҳеч бир шубҳа йўқки, менинг қиссаларимда ҳазил-мутойибалар, қочриқ гаплар ҳаддан зиёд кўп ва бундай бачкана нарсалар билан шуғулланиш шундай салмоқли, обрў-эътиборли одамга ярашмайди, деб айтувчи одамлар ҳам топилади. Мана шу одамлардан мен миннатдор бўлишим керак ва ўз миннатдорчилигимни уларга изҳор этаман, зеро, улар савоб иш қилмоқчи бўляптилар: улар менинг номимга доғ тушмаслиги устида қайғурмоқдалар. Шунга қарамай, мең уларнинг маломатини четга суриб қўяман. Гарчи елкамга ғийбату гуноҳларни ортиб ташлашган бўлса ҳам мен салмоғи йўқ, тоши енгил одамман, демакки, сувда ҳам чўкмайман. Роҳибларнинг гуноҳкор бандаларни қоралаб айтган ваъзалари мутойибалар, қочриқлар ва киноялар билан бойитилганини эътиборга олиб, мен ҳам хонимларни зериктирмаслик учун ёзган қиссаларимда ундай сўзлар яна ҳам ўринли бўлади, деган қарорга келган эдим. Агар борди-ю, хонимлар керагидан ортиқ шодланиб кетгудек бўлсалар, Иеремиянинг кўз ёшлари, Исо алайҳиссаломнинг чеккан изтироблари ва Магдалинанинг оҳу зорлари уларни тезда ҳушига келтириб қўяди.

Ва ниҳоят, роҳиблар тўғрисида онда-сонда ҳақиқатни баён қилганим учунгина мени, тили заҳар, деб таъкидлайдиганлар топилмайди, деб ўйлайсизми? Уларни мен бажону дил кечираман, чунки ғаразғўйлик қилишяпти, деб асло ўйлай олмайман. Шунини ҳам айтиш керакки, роҳиблар — яхши одамлар, ёлғиз тангрига меҳр қўйганликлари учунгина ўзларини ҳеч нимадан сиқмасликка ҳаракат қиладилар, фақат новларида сув тўлиб оқаётганлиги сабабли одамларнинг жўягига қўйиб юборадилар ва бу ҳақда ҳеч кимга лом-мим деб оғиз очмайдилар, баданларидан така ҳиди анқиб туришини айтмасак, улар ниҳоятда дилкаш, ўлфати одамдирлар. Бу гапларнинг ҳаммасидан қатъий назар, шунини эътироф этиш керакки, бу дунёда ҳамма нарса омонат, ҳамма нарса доимий ҳаракатдадир ва эҳтимолки, бу нарса менинг асарим тилига ҳам тааллуқлидир, ҳолбуки, яқинда бир аёл қўшним, асарим ти-

лининг бениҳоя ёқимтой эканлигини — бунақа ширин тил ҳеч бир адибда йўқлигини эътироф этди, маълумингиз учун ўшанда атиги бир неча қиссам қолган эди ёзилмаган — буларни айтишимдан мақсад, мен ўзимга ишонмайман ва одатим бўйича, ўзимга тааллуқли бўлган ҳамма нарса тўғрисида ҳеч қачон шахсий фикр айтмайман. Шу билан ғанимларимга айтадиган гапларим тугади.

Майли, одамлар китобим ҳақида кўнгилларига келган гапни айтаверишсин; камина эсам, узоқ йиллик меҳнатимни армон қилинган маррага етказишимда менга мадад берган эгамга шикастанафслик билан шукрона ўқийману жим бўламан. Сизларга эса, датофатли хонимлар, парвардигор тинчлик-омонлик ато этсин ва ниҳоят, китобим мутолаасидан озми-кўпми ўзингизга наф теккан бўлса, мени ёдлаб туринглар.

ДЕКАМЕРОН
(ёинки ШАҲЗОДА ГАЛЕОТТО) китобининг
ўнинчи ва охири кунни шу ерда тугайди.

ИЗОҶЛАР

Декамерон...— «Декамерон» («Ун кун» деган ном ясама сўз бўлиб, чамаси, авлиё Амвросийнинг «Гексамерон» («Олти кун») тўплами номига мослаштириб ясалган сўз бўлса керак.

...(*ёинки шахзода Галеотто*)—Боккаччо ўз тўпламига қўйган бу иккинчи ном билан ўрта асрларда зодагонлар муҳитида мавжуд бўлган доира стол томонидан яратилган рицарлар ҳақидаги ривоятларнинг персонажи Галеоттонинг вазифасига ишора қилмоқдаким, бу персонаж ўз дўсти ва тутинган оғаси рицар Ланселото билан қиролчи Жиневра ўртасидаги муҳаббат риштасини пайвандлашда катта ҳисса қўшган эди. Боккаччонинг таъбири бўйича, унинг китоби (мисоли Галеоттодек) уни мутолаа қилганларнинг ишқий жароҳатларига малҳам бўлай. Ланселото Галеоттонинг дўсти ва тутинган оғаси бўлган.

БИРИНЧИ КУН

Одамзодни қийратувчи вабо таширф буюрди;—гап 1348 йилнинг январда Тосканада тарқалган ва тарихда қолган вабо ҳақида кетяпти. Уша йилнинг апрель ойида бу офат Флоренцияни ҳам қамраб олган эди. Бу дард Шарқдан (баъзи маълумотларга кўра — Суриядан, бошқа маълумотларга қараганда эса — Кафадан (Қримдаги ҳозирги Феодосия) ўтиб келган эди. Кейинги тахмин бўйича, генуэликларга қарашли Кафани қамал қилиб олган татар қўшинлари орасида вабо тарқалган. Пухта муҳофаза қилинаётган шаҳарни ҳамла билан забт этишга ожизлик қилган татарлар энг муҳҳиш чора қўллайдилар: улар палахмонлар ёрдамида вабодан ўлганларнинг жасадларини шаҳар девори оша улоқтира бошлайдилар. Қамалдаги аҳоли қанчалик ҳаракат қилмасин, барибир вабо дардига мубтало бўлганлардан бир неча киши Италияга жўнаб кетаётган кемаларга тушишга муваффақ бўлган. Шу тариқа вабо Европага тарқалган ва беҳисоб одамларнинг ёстигини қуритган эди.

...*ТОҒ-ТОҒ уйилган нажасу мурдорлардан тозаллаган...* одамлар...—мазкур «махсус» одамлар орасида Боккаччонинг отаси ҳам бўлган.

Гален, Гиптократ ва Эскулаплар...—XIV аср Италия адабиётида икки машҳур юнон табибнинг номлари афсонавий шахс бўлиши Эскулап билан биргаликда тилга олинарди.

...*миўтабар Санта Мария Новелла жомесиди...*—1278 йилда Флоренцияда қурила бошланган машҳур Санта Мария Новелла черкови. Бу черков Боккаччо замонида Флоренцияда энг гавжум ибодатхоналардан бири бўлган.

Биринчи жувонни биз Пампинея... *иккинчисини* — *Фьяметта деб...* ва ҳ. к.—Гап шундаки, Боккаччо персонажлари бўлиши етти қиздан ҳар бирининг исми маълум маънони билдиради. Пампинея — «гулдай очилган» деган маънони; Фьяметта — муаллифнинг илк асарлари илҳомчиси бўлмиш хаёлий маҳубасчининг исми; Филомена — қўшиқ шайдоси; Эмилия — меҳрибон; Лауретта — Петрарка мадҳ этган Лауранинг эркалаб айтилган оти; Нейфила — «илк бор ошиқ бўлган»; Элисса — Вергилий Дидонасининг иккинчи исми.

Улардан биринчисининг исми Панфило, иккинчисиники — *Филострато, учинчисиники* — *Дионео эди.*—Юқоридаги ҳодиса сингарни, йигитларнинг номларида

ҳам маъно бор. Панфило — «бутун жисми ишқ» дегани; Филострато — «муҳаббатдан эзилган» дегани; Дионео — айнан «венерео» (ъяни Дионаннинг қизи Венера сўзидан олинган) дегани.

Бор-йўғи икки миляча йўл босиб...— Тоскана миляси тахминан 1650 метрга тўғри келишини ҳисобла олсак, сайёҳлар уч километрга яқин йўл босишган.

...кўзлаган манзиллариға етиб оладилар.— Боккачо шарҳловчилари томонидан жорий қилинган одат бўйича, XV асрдан бошлаб, «кўзланган манзил» деган сўзда муаллиф Майано яқинидаги Пожо Герарди қишлоғини кўзда тутадик, бу ерда унинг кичик бир мулк бўлган эди.

Пармено... Сируско... Тиндаро ва ҳ. к.— антик давр драматурглари Теренций ва Плавтларнинг комедияларида учровчи грекча исмлар.

...сув келтирилиб, ҳамма қўлини ювгач...— Италияда дастурхонга пичоқдан бўлак ҳеч қандай асбоб қўйилмаганлигидан овқат олдида қўл ювиш расм бўлган эди.

...лютня... виола...— қадимги давр музика асбобларининг номлари.

Папа Бонифаций.— Бу ўринда папа Бонифаций VIII (1235-1303) назарда тутиляпти. У қадимги Қазанналар уруғидан келиб чиққан эди.

...бу ломбардлик кўппаклар...— у пайтда ҳамма судхўрларни «ломбарддилар», деб аташарди.

...бирон аёл бирла зино иш қилиб гуноҳға ботганмисан?— Роҳиб томонидан берилган бу ва бундан кейинги саволларнинг ҳаммаси черков жорий этган тартиб бўйича қатъий изчиллик билан берилади.

...биз эгамнинг шафқати билан ҳозирги офат пайтида...— гап вабо тўғрисида борапти.

Жаннотто ди Чивинь...— афтидан, бу ўринда гап бу одамнинг Шовиньн ёки Шевиньн кентига туғилгани тўғрисида бораётган бўлса керак.

...бир яҳудий билан юз берган... воқеа...— ўрта асрларда донишманд яҳудий ҳақидаги рамзий ҳикоя кенг тарқалган эди, ушал ҳикоянинг мазмуни Боккачо ҳикоясидан жуда кам фарқ қилган.

...Салоҳиддиннинг шону шавкати...— Салоҳиддин (1137—1193)— Қоҳира султони, христианлардан жангда Қуддусни тортиб олган (1187). Европанинг ўрта аср адабиётида, шунингдек, халқ ривоятларида унинг номи кўп тилга олинган. («Декамерон»нинг ўнинчи кундаги 9-ҳикоят ҳам Салоҳиддинга алоқадордир.

...Мельхиседек исми...— яҳудийларда кенг тарқалган исм, «адолат подшоиси» деган маънони билдиради.

...ўз тутган мавқеидан мартабалироқ эркакнинг муҳаббатидан ўзини эҳтиёт қила олиш...— ўрта асрга мансуб ишқий асарларда кўп учрайдиган низом.

...Монферрат маркизи...— чамаси, Боккачо бу ўринда учинчи салб юришининг (1189—1192) энг ташаббускор раҳбарларидан бири бўлмиш Коррадо делья Алераминичини назарда тутган бўлса керак.

...Ғилай Филипп саройида...— гап Франция қироли Филипп Август (1165—1223) тўғрисида борапти, у Фридрих Барбаросса ва Шерюрак Ричард билан бир-галликда учинчи салб юришига раҳнамолик қилган.

...Маркизани умрида бирон марта ҳам кўрмаган бўлишига қарамай...— доврақ бўйича орқаворатдан ошнқ бўлиш мавзуи ўрта асрларда яратилган ишқий асарларда кенг тарқалган эди.

...фосиқ бидғат аҳлини тазийқ этувчи бир минорит...— бу ўринда Боккачо роҳиб Мино да Сан Кирикони назарда тутаетган бўлса керак; бу роҳиб 1332 йилдан 1334 йилгача инквизитор лавозимида бўлган ва тамағирлик қилгани ҳамда қонунга хилоф ишлар билан шуғуллангани учун амалидан туширилган эди.

Авлиё Иоанн Златоустни гоёта иззатловчи муқаддас инквизитор...— бу таъбирнинг кулгили жиҳати шундан иборатки, муаллиф инквизитор роҳибнинг очуқувлигини таърифлаш учун энг эъзозли дин пешволаридан бирининг лақабини тилга олган.

...қаршисида руҳнинг боқийлигини инкор этган Эпикур тургандек...— Эпикур эрампиздан олдинги IV асрда яшаган қадимги юнон файласуфи. Урта асрда жорий қилинган одат бўйича Эпикур имонсизлик (атеизм) рамзи ҳисобланган. Айнан шу маънода Эпикурни Данте ўз «Дўзах»нинг X қўшиғида эслади.

...авлиё Иоанн Златоуст мойи билан яхшилаб мойлашни...— «мой» деганда Иоанн Златоуст тасвири туширилган Флоренция тангаларини тушунмоқ лозим.

...унга таҳдид қилган олов шафқат юзасидан хоч билан алмаштирилди...—

яъни гулханда ёндириш жазоси тавба қилдириш билан алмаштирилди. Тавбага маъқум этилган киши ўз кийими аврасига матодав хочвини тасвирини тикиб юриши лозим эди.

...*Санта-Кроче* *черковида ибодат қилиши*...— Санта-Кроче — Флоренциядаги черковлардан бирининг номи.

Мессер Кане Делла Скала.— Гап саҳоватли ва олиҳиммат ҳукмдор деб донги кетган Верона ҳокими Кангранде делла Скала (1291—1329) тўғрисида бормоқда. Кангранде ҳаттоки Дантега ҳам ҳомийлик қилган.

...*император Фридрих Иккинчи*...— Сицилия қироли Фридрих II, (1194—1250) шунингдек, ўз саховати ва шоирлар ҳомийси сифатида ҳам донг таратган эди.

Елғиз Бергамино...— ушбу қиссада баён қилинган замонда чинданам Никкола исмли бахши яшаган бўлиб, у одатда «Пергамино» тахаллусида юрган ва Dialogus егеатигаги нинг муаллифи бўлган.

...*Примассо буюк тилишуос олим*...— XIII асрнинг биринчи ярмида кельнлик Примаснинг довуғи ҳамма ёққа таралган эди. «Сайёҳлар қўшиқлари»дан жуда кўпи ҳамда лотин тилида ёзилган бир неча кичик дostonлар унинг қаламига мансубдир.

...*мессер Эрмино де Гримальди*.— Гримальдилар — Генуяда истиқомат қилувчи энг нуфузли оқсуяк oilалардан бири бўлган.

...*Гвильельмо Борсьеро* — аниқ яшаган шахс бўлиб, уни Данте ҳам тилга олган («Дўзах», XVI қўшиқ, 70—72-сатрлар).

...*Кипрнинг биринчи қироли замонида*...— Кипрнинг биринчи қироли Ги де Лузиньян (1192—1194) бўлиб, у ўзининг ланжтабиатлиги ва давлатни бошқаришга тамомила ношудлиги билан довуғ қозонган эди.

...*Готфрид Бульоний томонидан Қуддус забт этилгандан кейин*...— бульонлик Готфрид биринчи салб юришига (1099) бошчилик қилган, бу юриш ниҳоясида Қуддус забт этилган эди.

...*магистр Альберто деган одам*...— бу ўринда, XIV асрнинг биринчи ярмида Болонья университетига сабоқ берган маълум ва машҳур табиб Альберто де Дзанкари назарда тутилаётган бўлса ажаб эмас. Чинданам унинг Маргерита исмли хотини бўлган (ўша пайтларда бу исм Болоньяда аксарият пайтларда — Мальгерита шаклида талаффуз қилинарди).

...*Мальгерита де Гизельери*...— Гизельерилар — Болонья тарихида таниқли oilалардан бири бўлган.

ИККИНЧИ КҲН

...*Арриго исмли бир... немис*...— бу ўринда Бальцанода таваллуд кўриб, Тревизода истиқомат қилган масъуд авлиё Арриго ҳақида гап кетяпти. Солномаларнинг кўрсатишича, ушбу ҳикояда баён этилган жамики мўъжизалар шу авлиё оламдан ўтган кун (1315 йилнинг 11 июнида) содир бўлган экан.

...*юздан кўпроқ олтин флориним*...— флорин — илк бор 1252 йилда зарб қилинган ва йигирма олтин сольдo қийматига баробар бўлган танга.

...*Сандро Аголантн*...— Аголантилар — Флоренцияда истиқомат қилган зодагонлар oilаси бўлиб, у XIII асрнинг иккинчи ярмида шаҳардан бадарга қилинган. XIV асрнинг бошига оид бўлган ҳужжатлар Аголантиларнинг Тревизо ва Венецияда яшаганидан дарак беради.

...*мутлақо кутилмагандан*...— ушбу таъбир китобхонни иккинчи кун ҳикоятлари мавзунга қайтаради.

...*авлиё Юлианни тилга олиб унга сизинмасалар*...— ўрта асрларда кишини сафарда ҳар қандай фалокатлардан ўз паноҳида асровчи авлиё Юлианга сизиниш тусга кирган эди.

...*маркиз Аццо Феррарий замонида*...— чамаси, Феррара ҳокими Аццо VIII (1303 йилда ўлган) назарда тутилаётган бўлса керак.

...*уйига қайтаётганида*...— яъни Эсте шаҳрига қайтаётганида.

...*Кастель Гвильельмо*...— Феррара билан Эсте оралиғидаги қалъанамо шаҳарча.

...*яқинда бўлиб ўтган уруш пайтида*...— афтидан, гап Аццо VIII билан унинг вийиси Франческо ўртасида олиб борилган уруш (1305—1307) тўғрисида бораётган бўлса керак.

...тишларининг худди лайлак тумшуқлари сингари тақиллашини...— Данте-нинг Боккаччога таъсири. «Дўзах» (XXXII қўшиқ, 35-сағр). Бундай ҳолни биз «Декамерон»да кўп учратамиз.

...ўрта ёшлардаги...— яъни ўттиз беш ёшларда (Данте билан таққосланг: «Ердаги умримнинг ярмини юриб»).

...Ланберти уругидан...— Ланбертилар — флоренциялик бадавлат савдогарлар эди.

...Англияга етиб олдилар.—XIII—XIV асрларда флоренцияликлар Англияда савдо фаолиятини ривожлантириб юборган эдилар.

...қирол билан унинг ўғли ўртасида уруш бошланиб кетди...— яъни Англия қироли Генрих II (1154—1189) билан унинг тўнғич ўғли шаҳзода Генрих ўртасида. Бу ҳодисани Данте ҳам эслайди. («Дўзах», XXVIII қўшиқ.)

...тўғри напанинг истиқболига борди-да...— бу ўринда папа Александр III (1159—1181) назарда тутилаётган бўлса керак.

...Шотландия қиролига... эрга бермоқчи...— афтидан Вильгельмга (1143—1214) бўлса керак. Демак, бундай ҳолда «Англия қироли» деганда Генрих II назарда тутилади.

...Режодан то Газтағача бўлган денгиз соҳили Италиянинг энг хушманзара ерларидан бири...— Неаполга ва унга, яқин соҳил бўйларидаги жойларга бериб-ган бу ва бундан кейинги баҳолар, у ерларда Боккаччонинг узоқ муддат истиқомат қилиши оқибатида вужудга келгандир. Бундай тасвирлар Европа прозасининг илк даврида Боккаччо муяссар бўлган энг ажойиб реализмнинг намунаси бўлиб хизмат қилади.

Равелло—Равелло ҳанузгача Ўрта ер денгизинда энг хушманзара ва кун сайин обод бўлаётган курорт шаҳарларидан бири ҳисобланади. Равеллонинг шухратини оширган диққатга сазовор жойлардан бири унинг жомесидирким, Боккаччо у ерга кўп мартаба ибодатга борган эди.

...асосан — тўрк кемаларини...— денгиз қароқчиси касби у замонларда уяг ҳисобланмасди. Боккаччо ушбу ажойиб қўшимчани Лондольфо фазилатини янада бўрттириш учунгина илова қилгандир.

...тизма оролларга етай деб қолганида...— яъни Греция яқинида, Эгей денгизинда.

Генуянинг иккита улкан баркаси.— Барка — вачса (италь.)— Генуянинг бир мачтални савдо кемаси.

...Чаманзор деб юртилувчи кўчада тураркан, аслида, бу кўчани Чаманўр эмас, Чолдевор деса, исми жисмига кўпроқ мос тушарди.— Pertugio va Malpertugio (италь.)— айнан «Ўра» ва «Емон ўра» демакдир — Неаполнинг порт қисмидаги бир маҳалла, бу ерда тижорат омбулари ва дўконлар бўлган. Бу район экинзор ерлари билан машҳур бўлган.

Андреуччо ҳақидаги новелла том маъноси билан Боккаччо реализмида «мўъжиза» ҳисобланади. Шаҳар, одамлар ва урф-одатлар шу қадар ҳаққоний ва аниқ тасвирланганки, бундай аниқлик ва ҳаққонийликни фақат XIX аср ёзувчиларидагина учратиш мумкин.

Агриженто — Сицилядаги шаҳар.

...ашаддий гвельф бўлгани учун...— яъни, 1282 йилда Сицилия кенгашидан сўнг оролдан бадарға қилинган Анжуй қиролларининг тарафдори.

...қиролимиз Карл билан...— яъни Карл II (1285—1309) билан.

...бундан қирол Федерико хабар топиб қолди...— бу ўринда Фридрих II Арагоний назарда тутиляпти, у 1296 йилда Сицилия қироли, деб эълон қилинган эди.

...Фьордализо хонимнинг укаси...— бу новелланинг «асосли» эканлигини исботловчи махсус жиҳати шундаки, айнан Боккаччо замонида «Чолдевор» маҳалласи томонда сицилиялик Флора исмли бир мадонна яшаган экан.

...Каталония кўчаси бўйлаб юриб кетди.— Бу кўча портдан шаҳарнинг юқори қисмига олиб борарди.

...товламачи Буттафуоконикда бўлганга ўхшайди.— Анжуй қироллари тарафдори бўлган бу сицилиялик одамнинг дарҳақиқат бўлгани ҳақида маълумотлар бор.

Ушбу новеллада саналарнинг ўрни алмашгани, хронологик ноаниқликлар кўп. Лекин энг муҳими шундаки, Боккаччо ўз замонидаги Неаполь муҳитини реал тасвирларкан, ўша пайтда оғиздан-оғизга ўтиб юрган барча гийбатлар, фиқс-

фасодлар, шаҳар ривоятлари ва афсоналаридан ниҳоятда моҳирлик билан фойдаланган.

Филиппо Минутало — Неапол архиепископи; 1301 йилнинг 24 октябрида қазо қилган.

...*архиерей жомесига кета туриб*...— архиепископ Минутало чиндан ҳам шу жомега дафн этилган. У ерда ҳозирги кунгача унинг мрамар дахмаси турибди. Бенкетто Кроченниг хабар қилишича, даҳшатдан дағ-дағ титраган Андреуччо қучоқлаган ўша архиепископнинг жасади Минутоло Капече ибодатхонасига қўйилган экан.

Шуниси қизиқарлики, Андреуччо ҳақидаги ҳикояни айнан, Фьяметта, яъни Боккаччо, ўзининг неаполлик маҳбубаси номини қўйган ҳикояхон қиз сўзлайди. *Манфред* — император Фридрих II нинг никоҳсиз туғилган ўғли; у 1258 йилдан Сицилия қироли бўлган.

...*Арригетто Капече исми неаполлик бир зодагон*...— Капече неаполлик маълум ва машҳур хонадонлардан бири, бу фамилия намояндалари орасида Манфред ва Коррадиноларнинг тарафдорлари кўп бўлган. Масалан, Коррадо Капече 1266 йилда Сицилиянинг «капитан-генерал»и бўлган. Арригетто Капече ҳақидаги маълумотлар сақланмаган.

...*Беритола Караччола* — Караччолалар ҳам Неаполнинг энг таниқли аслзодаларидан бўлган.

...*Манфреднинг... қатл этилгани*...— бу 1266 йилнинг 25 феврилида юз берган эди.

...*унга Скаччато деб от қўяди*...—«Скаччато» сўзи италянча (Scacciato) бўлиб, «қувғин бўлган» маъносини билдиради.

...*Понцо ороли томон*...— бу орол Неаполдан шимолроқдаги Гаэта қўлтигида бўлиб, ҳозир уни Понцо, деб юритадилар.

...*руҳи ўзи ихтиёр этган ерларда тенгиб юраверди*...— Бу ўринда диний эътиқод назарда тутиляпти, бу эътиқод бўйича, эмиш ҳушидан кетган одамнинг руҳи, худди у ўлган чоғидагидек, жисмини тарк этиб, чиқиб кетаркан.

...*маркиз Малеспиналар қавмидан бўлган Куррадо*...— бу ўринда Данте тасвирлаган машҳур эпизод («Аросат», VIII қўшиқ) персонажи, 1294 йилда ўлган Куррадо II ди Виллафранка назарда тутиляпти. Малеспиналар (ёки Маласпиналар) гибеллинлар эдилар, демакки, Анжуй династиясининг ганимлари бўлишган.

...*ўз рафиқаси*...— яъни, Ориетта Малеспина.

...*Апулия салтанатида*...— яъни, Неаполь салтанатида. Боккаччо айтган муқаддас жойлар: Сан Микеле, Сан Маттео ва бошқалар бўлиши мумкин.

Лунижана — Тоскана билан Лигурия ўртасидаги Магра райони. У ерда Малеспиналарнинг отамерос мулки бўлган.

Мессер Гаспаррино д'Ориа — бу ерда гап Генуяда машҳур бўлган Дория хонадонининг биронта намояндаси ҳақида бораётган бўлса керак.

...*шояд машҳур кунларнинг охири бахайр бўлса*...— гап шундаки, генуяликлар Анжуй династияси тарафдори эдилар.

...*Никколо да Гриньяннинг ўлимидан кейин*...— бу одам Малеспиналарга васал сифатида тобе бўлган феодал бўлса керак. Гриньяно (ёки Граньяно) шаҳарчаси Каррарога яқин жойда бўлиб, Малеспиналар қўл остида эди.

...*эндигина ўн олти баҳорни кўрган*...— у пайтларда қизлар, одат бўйича, ўн беш ёшда эрга тегардилар.

...*уни қирол Карлдан тортиб олди*...— Педро III Арагоний Сицилия махфий кенгашидан кейин (1282 йил 31 март) Сицилия ишига аралаша бошлади. Бу ишда афсонавий қаҳрамон Жованни да Првчиди жуда муҳим роль ўйнаб, Сицилия махфий кенгашининг аъзолари орасига қутқу солган эди.

...*бизда мавжуд бўлган расм-таомил бўйича*...— яъни, бир-бирлари билан аҳду паймон қилишган ва ота-она ёки ёлғиз ота ҳузурида бир-бирларининг бармоғига никоҳ узуги тақиншган.

...«*бир эмас, бир неча мартаб табрик сўзларни самимий изҳор этишга*»— Дантедан кўчирма («Аросат», VII қўшиқ).

Лерици — Ла Спецна қўлтигидаги порт ва қалъа.

...*буларнинг ҳаммасини, дугоналар, сизларнинг тасаввурингизга ҳавола қилман*...— одатда, «Декамерон»даги ҳамма ҳикояхонлар фақат «хоним»ларга мурожаат қилишади (давраларида йиғитлар ҳам ўтирган бўлишига қарамай), чунки ўша давр назокати шуни талаб қиларди.

...*кўрсатган марҳамати учун худойи таолога ҳамду сано ўқишиб...*— ҳикоянинг «жозибатор» бахтли ниҳояси, чамаси, бу қабилдаги қиссанинг халқ эртақларига яқинлигидан далолат берса керак.

...*гуноҳларингиз — гўзал бўлишга интилганингиз...*— ҳар қандай бахтсизликнинг сабабчиси гўзаллик, деган мавзу Боккаччонинг илк асарларидаёқ муаллифни ўзига тортган эди.

...*Қадим замонларда Бобил вилоятида Беминадаб исми... султон ўтган эди.*— У пайтларда Қоҳира Бобил деб юритиларди. Белинадаб исми гарчи тавротдаги Аминадабни эслатса ҳам у хаёлий исмдир.

...*Альгарви қироли...*— яъни Марокашнинг шимолий қисми қироли, бир замонлар бу ерда қудратли давлат бўлган бўлиб, у гарбий Африканинг кўпроқ қисмини ва Пиреней ярим оролининг бир қисмини эгаллаган эди.

...*Романиянинг Кьяренца шаҳрига...*— Кьяренца — Пелопоннес ярим оролидаги (Жанубий Греция) порт. Ўша замонда одатда Шарқий империяни Романия деб атадилар.

...*Морея шахзодаси...*— Морея Пелопоннеснинг бир райони.

Эгина — Афина рўпарасига жойлашган Эгина оролидаги шаҳар.

...*Хиос* — Измир қўлтиғидаги орол.

...*Турк султони Осбек...*— Осбек ёки Ўзбег — Олтинўрда хони (1313—1340).

...*Каппадокия қироли Базан...*— давлат ҳам, қирол исми ҳам муаллифнинг фантазияси.

...*Аквармортадан магриброқ ерда...*— Акварморта — «ўлик сув» Франциянинг жанубига жойлашган бўлиб, флоренциялик савдогарлар XIV асрда у ерга тез-тез бориб турганлар. Шунингдек, у ерда Боккаччонинг жиянлари ҳам бўлишган. Умуман, ушбу новеллада тилга олинган жойларга Боккаччонинг ўзи ҳам, унинг дўстлари ҳам тижорат ишлари бўйича боргандирлар.

Рим императорининг тож-тахти французлар қўлидан немисларга ўтганида...— 799 йилда Буюк Карлнинг бошига кийдирилган Рим тожи, то унинг ворисларидан ворисларига ўтиб бориб, ахири 962 йилга келганида Саксония қироли Оттон I нинг бошига қўндирилган эди.

...*граф Гвальтери Антверпенний...*— Антверпен графлари Франция қироллари билан қариндош тутинган эдилар.

...*бошқа эркакка қайрилиб қарамаган бўларди.*— Генуялик аёлларнинг маъсумлиги ҳақида XIV—XV асрларда кўп асарлар ёзилган эди.

...*лекин бадномлик ва беорлик сиртга чиқмай қолмайдиган матоҳдир...*— Амброжолонинг бу мулоҳазаси ўша давр учун хосдир. Бу фикр келажакда, айниқса, Испанияда тубдан кўриб чиқилди.

...*шаҳардан йигирма миляча масофада* — генуяликларнинг бир миляси, тахминан 2,5 километрга тўғри келади.

Шундай қилиб, алдоқчи ўзи алдаган одамидан қочиб қутула олмаган экан.— Тўхматга қолган номусли хотин мавзун Шарқ ва Ғарб новеллачилигига кенг тарқалган эди. Шекспир ҳам ўзининг «Цимбелина»сини ёзганда шу мавзудан илҳомланган.

...*чамаси бу солнома Равеннада чоп қилинган...*— бир йилда неча кун бўлса, Равеннада шунча черков бўлган эди. Мактаб болалари қачон байрам бўларкан, деган умид билан тез-тез солномага кўз ташлашарди.

...*Паганино да Маре...*— Боккаччо замонида энг аслзода оилаларнинг намояндалари ҳам муттасил давом этган ўзаро низолар сабабли баъзан бош олиб чиқиб кетиб, денгиз қароқчилари бўлардилар. Паганино ҳам Генуянинг да Маре ёки де Мари деган ғоятда номдор оиласига мансуб одам бўлган бўлса керак.

Учинчи кун

...*ғоятда ҳашаматли, пурзийнат қаср намоён бўлди.*— Традиция бўйича, бу ерда Вилле Скифанойя, ёки Тре Визи, ёники Вилла Пальмерига ишора қилинган, бу қасрларнинг учови ҳам Флоренциянинг энгинасига жойлашган эди.

Лампореккьолик Мазетто — Лампореккьо — Эмпольи билан Пистойя (Флоренциянинг шимолида) ўртасидаги шаҳарча.

Лангобардлар қироли Агулульф...— Агулульф 591 йилда 615 йилгача ҳукм-

ронлик қилган. Унинг умр йўлдоши Теодолинда (ёки Боккаччонинг ёзишича, «Теуделинга») эди.

Ушбу новелланинг сюжети қисман «Калила ва Димна»дан, қисман италиянларнинг «Новеллино» китобидаги юзинчи новелладан ва Roman de Prubert дан олинган. Боккаччо ўз новелласининг иккинчи қисми учун „Dolophalos“ тўпламидаги «Қирол хазинасининг ўғирланиши» номи ҳикоядан фойдаланган.

...*худодий таолонинг бундайинг гайри таъриф марҳаматини мен ўзим учун ҳам, уни ихтиёр қилган ҳар қандай христиан бандаси учун ҳам раво кўришни эгамдан илтижо қилган бўлур эдим.*— Ҳикоянинг ҳар хил вариантда турланувчи бундай интиҳоси ўша давр адабиётида жуда тез-тез учраб туради.

Новелланинг умумий мазмуни масаласига келсак, шу нарсани таъкидлаш керакки, бирон хабар айтиш мақсадида тавба-тазарру қилиш мотиви Европа адабиётига сингиб кетган ва кейинги даврларда ҳам кўп мартаба бу мотивдан фойдаланилган эди.

Авлиё Панкратий монастири...— Флоренциядаги французлар монастири назарда тутиляпти.

...*мессер Франческо... Вержеллезилар авлодидан...*— Вержеллезилар пистойлик зодагон оилаларидандирлар. 1326 йилда қандайдир Франческо Вержеллезин деган одам дарҳақиқат Ломбардияда ҳокимлик қилган.

Филиппело Сигиольфо...— Анжуйийлар хонадонида аён бўлган неаполлик аслзода.

...*Ричардо Минутоло...*— неаполлик аслзода оила намояндаси. У қирол Робертнинг ва қиролича Иоаннанинг маслаҳатчиси бўлган.

...*аёлнинг исми Кателла бўлиб...*— Кателла — Катерина (Каталина)нинг эркалаб айтилшидир.

...*Филиппо ди Сан-Лодеччо...*— яъни Риминидан Урбинога кетаверишда жойлашган Сан-Лодеччо шаҳарчасининг фуқароси Филиппо.

Нарбонлик Жилетта...— Жилетта — Эжидия исмининг эркалаб айтилган варианты. Нарбонн — Лангедок (Франция) вилоятидаги шаҳарнинг номи.

...*Бальтран Руссильоний...*— Руссильон Франциядаги бир графлик бўлиб, у Шарқий Пиренейга бориб туташгандир.

...*Капса шаҳрида...*— Туниснинг ҳозирги Гапса шаҳри.

...*отимни топиб қўйган экан...*— яъни Филострато деб. Боккаччонинг таърифлашича, бу ном «муҳаббатдан эзилган», деган маънони билдиради. (35-бетга берилган изоҳга қаранг). Ҳолбуки бу исмининг ҳақиқий этимологияси бирмунча бошқачароқдир, яъни: «урушқоч, урушга ихлос қўйган», деганидир.

...*мессер Гвильельмо ва дель Вержу хоним тўғрисида қўшиқ айта бошладилар...*— мессер Гвильельмо билан дель Вержу хоним XIII аср француз дostonи La Chastelaine de Vergiga тақлид қилиб яратилган италиянча қўшиқнинг персонажларидир.

ТЎРТИНЧИ КУН

...*Филиппо Бальдуччи исмли бир одам...*— Флоренция фуқароси бўлган Бальдуччилар оиласини Боккаччо яхши танирди. Бальдуччилардан бир нечаси Барди банкида хизмат қилар эди.

...*Ушактоққа равона бўлади...*— Флоренция яқинидаги тепалик. Ҳозир Сенарно тоғи, деб юритилади. Бир замонлар у ерда роҳибларнинг хилват монастири бўлган.

Гвидо Кавальканти билан Данте Алигьери ҳам, мункиллаб қолган Чино ди Пистойя ҳам...— Боккаччо бу ўринда Италиянинг Дантега замондош бўлган учта энг буюк «муҳаббат куйчилари»ни тилга олган.

...*жамики разолатнинг уяси бўлган Венецияга кўчиб ўтди...*— Флоренция билан Венециянинг тижорат ва банк аҳли ўртасидаги рақобатни эсласак, Боккаччонинг Венецияни ёмонтоқ қилиши сабаби яна ҳам айдинлашади. Чунончи, Неаполдаги Флоренция хонадонлари венециялик савдогарларни Неаполдан чиқариб юборишга қирол Робертни жўндирган эдилар.

Боккаччонинг Венециядан нафратланиши шунчаликки, у ушбу новеллада ҳатто маҳаллий тилини пародия қилади, Венецияга алоқадор бўлган ва унинг руҳини изтиробга солган жамики нарсаларни бешарм деб ҳисоблайди.

...*Фолько ва Ёстто исми икки навжувон дўст*...— Провансада кўп тарқалган исмлар. Боккаччо ижодини жуда яхши ўрганган машҳур италян олими профессор Витторе Бранкини фикрича, бу ҳол Боккаччонинг новеллага маҳаллий колорит беришга интилишидан далолат беради.

...*Кандияга яқин бир ерда*...— Кандия — Крит оролининг асосий шаҳри.

...*Сицилияликларнинг айтишича, уларнинг қироли Вильгельм Иккинчи*...— саховатли деб ном олган Вильгельм II 1166 йилдан то 1189 йилгача подшоҳлик қилган. Унинг Ружери ва Костанца исмли болалари бўлмаган. Унинг амакиси билан аммасининг исми шундай бўлган. Аммо Боккаччонинг Вильгельмга бу новеллада бераётган умумий характеристикаси, тарихий ривоятларда айтилган ва Данте ўз китобига («Жаннат», XX қўшиқ) киритган характеристикага умумий жиҳатдан ўхшаб кетади.

Тортиб олди шум дижжол. Менинг хушбўй чечагим...— ўша пайтда халқ ўртасида кенг тарқалган қўшиқнинг биринчи икки сатри; бу қўшиқда қиз ўзининг хушбўй районини ўнгирлаб кетишганидан зорланади. Қўшиқ «Бу андуҳдан ўлгайман», деган сўзлар билан тугайди. Айнан мана шу қўшиқ ушбу новеллани ёзишда Боккаччога туртки бўлгани эҳтимолдан холи эмас. Қўшиқ сюжети кейинги асрларда ҳам кўпгина ёзувчилар эътиборини (ҳаттоки, Китс билан Анатоль Франс)и ўзига тортган эди.

...*бўйнига тилла бўйинбоғ тақиб, тилла занжирда етаклаб юрганмишман*...— Олтин маржон ва бўйинга осадиган тилла занжир ўрта аср символикасида (айниқса, ишқий воқеалар тасвирида) кўп ишлатилган. Ушбу антиқа ҳоли ҳам айнан шу нуқтаи назардан тушунмоқ керак.

...*Сан Галло черковига тавба-тазарру қилгани*...— ҳар ойнинг биринчи яқинба кунни Сан Галло черковига бориш Флоренцияда одат тусига кирган эди. Черков шаҳарнинг шу номли дарвозаси ташқарисига жойлашган бўлиб, одамлар у ерга ҳам тавба-тазарру қилгани, ҳам шаҳардан ташқарида сайр-томоша қилгани борардилар.

О, масъуд қалблар!...— ҳикояхоннинг ўзи баён қилаётган қиссага бундай аралишии жуда сўйрақ учрайдиган ҳол.

Гуччо «Иркит»...— бу «Иркит» кейинроқ, оғайи Луканинг хизматкори сифатида яна пайдо бўлади (VI кун, 10-ҳикоя).

...*Леонардо Сигьери исми... савдогар*...— Сигьерилар — флоренциялик бадавлат савдогар оиласи эди.

...*провансликлардан эшитган бўлсангиз керак*...— яъни, Прованс шоирлари (трубадурлар)нинг биографиясидан. Аммо аслида у биографияларда Гвильельмо ҳақида эмас, балки Раймонд Руссильоний ҳақида баён қилинганки, Гвильельмо (Гийом) де Кабестань шул Раймонднинг хизмати билан бўлиб қилган эди.

...*мазкур қабр тоши остида ётганларнинг ўлими сабаби*...— «Қовуриб ейилган юрак» ҳақидаги фожиа афсона (бу ҳол тўртинчи куннинг новелласида ҳам, бешинчи куннинг 8-новелласида ҳам акс эттирилган) «Гийом де Кабестаннинг ҳаёти»да ва шунингдек, XIII асрда яратилган ҳар турли адабий қомуслар ва асарларда акс эттирилган (мас. «Сенешаль де Куси» романи). Бу афсонани Петрарка жуда юксак баҳолаган эди.

Биз илгари номини зикр этганимиз мессер Ричардо да Киндзика...— Боккаччо китобхон эътиборини иккинчи куннинг 10- новелласига қаратаяпти.

...*Ружери д'Айероли исми бу йигит*...— бу ўрнида қиролича Жованна ҳукмронлик қилган дастлабки йилларда қароқчилар атамани бўлган Ружери Мелани ёки Меле исми одам образининг Боккаччо қаҳрамони учун прототип бўлиб хизмат қилган бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Амальфи — Салернодан 25 километрча масофага жойлашган Тиррен денгиз соҳилидаги шаҳар. Неаполдан паства қараб кетган бутун соҳил шу шаҳар номни билан — Амальфитан қирғоғи деб аталади.

...*ўн унция жарима*...— унция — бир флорин қийматидаги олтин танга.

БЕШИНЧИ КҮН

...*бу сингари қисса дардингизга фақат малҳам бўлиши мумкин*...— Боккаччодан кейин ҳам ушбу новелланинг сюжетига Европа адабиёти ва санъатида (ҳаттоки Ганс Сакс ва Рубенслар ҳам) жуда кўп мартаба қайтилган.

...*бундан кейин яна уққ йиллар давомида тўртовлари ўз ватанларида роҳиғу*

фароғатда умр кечирган эканлар. — Бу қабилдаги хотима ушбу кундаги новеллардан бир нечасига мансубдир.

...Мартуччо Гомито исмли... йигитча... — Боккаччо яратган бу персонажнинг ҳақиқий прототипи бўлган-бўлмагани ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ. Лекин Боккаччо яшаган даврда Неаполда Гомито фамилияси кенг тарқалган эди.

...христиан балиқчиларга чўрилик қилишини... — Боккаччо замонида Сузага яқин ерда чиндана италиян балиқчиларининг колонияси бўлиб, улар деңгиз тубидан коралл олиб чиқиш билан шуғулланганлар.

...Тунис султони Маликул Абдул устига... — у пайтларда Тунис ҳукмдорларидан иккитаси бу номга мушарраф бўлган эди: Абу Абдулла Муҳаммад I (1249—1277) ва Абу Абдулла Муҳаммад II (1295—1309).

Бир замонлар бутун жаҳоннинг боши бўлган, аммо эндиликда бор-йўғи унинг думига айланган Рим шаҳрида... — бир вақтлар улуғвор бўлган Римнинг тушқунликка тушганидан (бу ҳол «папаларни Авиньон томонидан асоратга олиниши» деб юритилган даврга тўғри келган эди, яъни Рим шаҳридаги папа Григорий XI ва унинг вориси Урбан VI қолиб кетиб, француз кардиналлари Франциянинг Авиньон шаҳрида истиқомат қилувчи Климентий VII ни папа қилиб сайлаган эдиларки, бу мухолифат 1417 йилгача давом этган) Боккаччонинг нолиши, унинг бошқа асарларида ҳам кўп учраб туради. «Бор-йўғи унинг думи» — «*soda mundi*» (*лат.*) деган ибора италиян адабиётида Боккаччодан кейин тилга кўп олиниб турган. Бу ибора ҳатто XVI асрда ҳам ишлатилган, мас. Пьетро Аретино.

...Аланы томон равона бўлдилар... — одатда Ананьи деб ёзилади. Бу шахарни Римдан Неаполга олиб борадиган антиқа Лотин йўлида Римдан эллик километрча масофада жойлашган.

...улар Римдан саккиз миляча узоқлашиганида... — Боккаччо жой топографиясини кўнгина новеллаларида ҳайрон қоларли даражада аниқ тасвирлаган (масалан, Андреуччо ҳақида ёзилган новелладаги Неаполь тасвириги муқояса қилинг). Бу ерда ҳам шундай. Муаллифнинг тасвирлашига қараганда, ошиқ-маъшуклар Казале Чампинога яқин ерда йўлдан адашишган ва чагга бурилиб, Фраскати атрофидаги ўрмонга кириб қолишган.

...Ҳамма Орсиниларнинг зиддига... — гап шундаки, римлик Боккамаццлар Римнинг таниқли йирик феодаллари бўлган Орсинилар авлоди билан қадрдэн эдилар; бу авлоддан ҳатто баъзида папаларнинг ўзлари ҳам ҳайиқишарди.

Льелло ди Кампо ди Фьоре — Орсинилар уруғи намояндalarидан; папа Николай III (1277—1280) шу шажарага мансуб эди.

...Лицио да Вальбона исмли... аслзода... — яъни вальбоналик сеньор (Тоскана — Романия тоғларига жойлашган ер). Унинг номи Дантенинг «Арсат»ида тилга олинади (XIV қўшиқ, 97-сатр).

...Манарди да Бретинноро авлодидан бўлган Риччардо... — Манарди номини ҳам Данте Лицио да Вальбона номи билан бирга тилга олган.

...Фаэнца шаҳри... ўзини ўнглаб олди... — чамаси, Боккаччо XIII асрнинг иккинчи ярмини назарда тутаётган бўлса керак, бу пайтда Фаэнца шаҳри, гарчи расмий жиҳатдан черков ҳукмронлиги остида бўлса ҳам равнақ топаётган коммунага айланган эди.

...император Фридрих Фаэнцани забт этган чоғда... — Фридрих II Фаэнцани 1240—1241 йилларда ҳужум билан олган.

...Гивльельмино да Медицина исмли бир зот... — Медицина фамилиясини Боккаччо Дантени мутолаа қилиш оқибатида («Дўзах», XXVIII қўшиқ, 73-сатр) топган бўлса керак.

...бир ошиқ йигит тимсолида... — бу новелла бошдан-оёқ муаллифнинг «Филоколо» асаридаги бир эпизоднинг дярли мукаммал баёнидир.

Марина Болгаро — бул зот ҳақида Боккаччо ўзининг «De Casibus» асарида (IX қўшиқ, 26-сатр) энг қадрдон дўсти ва ажиб ҳикояхон сифатида эслайдн. 1341 йилда Марино Болгаро ҳали тирик эди.

...сузиб ўтардики, бундан мақсад — ҳеч бўлмаса, маҳбубаси истиқомат қилаетган уйнинг деворларига нигоҳ ташлаш эди... — бу Овидийнинг Эро ва Леандро ҳақидаги асарига бевосита тақлиддир; «Декамерон» муаллифи Овидийни гоиятда юксақ эъзозларди.

...Сицилия қироли Федерико... — Фридрих (Федерико) Арагоний, 1296 йилдан 1337 йилгача Сицилия қироли бўлган.

...Куба... қасрига... — Палермодаги машҳур қаср, у ҳозир ҳам бор.

...*соҳил бўйлаб Минервадан то Скалеягача*...— яъни, ҳозирги Пунта Кампавелладан (Капри оролининг рўпараси) то Поликастро кўрфазигача.

...*генерал-адмирал Ружери де Лорианинг*... — Ружери де Лориа Анжу (Франция) қироли Карл устидан ғалаба қилган (1284). 1296—1297 йилларда қирол Фридрихнинг флотига қўмондон бўлган. Адмирал Лориани Данте ўзининг «Аросат»да (XX қўшиқ, 79-сатр) ва Боккаччо ўзининг «12-ишқий хаёлот»ида ҳамда «De Casibus» ида эслайди.

...*Искяя оролининг ҳануз сизга тобе эканлиги*... — Марино Болгаронинг бу ишга иштироки ҳақида тарихда ҳеч қандай маълумот йўқ. Фақат шу нарса маълумки, Искяя (Неаполь яқинидаги орол) Карл II га қарши бош кўтарган ва 1299 йилгача Арагон династияси ҳукмронлиги остида бўлган.

...*саховатли қирол Вильгельм*... — 578-бетдаги изоҳга қаранг.

...*Арманистон соҳиллари бўйлаб сузиб*... — Боккаччо учун Арманистон афсонавий мамлакат ҳисобланарди. Бу ўринда Қолхиданинг, яъни Кавказнинг денгиз соҳиллари назарда тутилган бўлса ажаб эмас.

...*қиролнинг ноиб*... — Трапани вилоятини Сицилия қироли томонидан тайинланган қойилмақом («капитан») бошқарарди.

...*бўлғуси салб юришига доир*... — бу ўринда гап учинчи салб юриши ҳақида кетаётган бўлса керак. У пайтда салбчилар Арманистон давлати билан шартнома тузшиб, шу давлат ерини бундан кейинги ҳарбий ҳаракатлар учун база сифатида танлаган эдилар.

Лаяццо — ўша пайтдаги арман порти (Кичик Арманистон).

Кьясси — Адриатика денгизи соҳилида маълум ва машҳур қарағайзор бўлган эдики (ҳозир ҳам бор), Данте ўзининг «Аросат»ида (XXVIII қўшиқ) уни зўр дабдаба билан тасвирлаган.

...*Кампига кўчиб ўтди*... — Кампи Бизенцио — Флоренциядан бир неча километр масофада шимоли-ғарб томонда.

...*гарчи хийла одобсизроқ бўлса ҳам*... — ушбу новеллани ёзишда Апулейнинг «Метаморфозалари»ндаги эпизод (IX боб, 14—28-мисралар) манба вазифасини ўтаган; Боккаччо Апулей ижодини ғоятда юксак қадрларди.

...*илонларни сут билан боққан муқаддас Вердианага ўхшаб кетувчи*... — диний ривоятларда ёзилишича, муқаддас Вердиананинг уйига тангрининг иродаси билан ўрмалаб кирган икки илон бу муқаддас аёлни чақши лозим эди. Аммо муқаддас аёл илонларни ўз уйида олиб қолиб, уларни боқа бошлаган.

...*Катта майдонгача*... — яъни Перужанинг энг асосий майдони ҳисобланган Палаццо Синьория майдонигача.

...*Монна Альдруда, думингни кўтар*... — хийла беадаб мазмундаги тўпори халқ қўшиғи.

ОЛТИНЧИ КҮН

...*Дионер билан Лауретта бўлса, Троил ва Крессида ҳақида қўшиқ айта бошлайдилар*. — Троил билан Крессида образларини биз Боккаччонинг ёшликида ёзган асарларидаям учратамиз.

...*Личиска билан Тиндаро*... — яъни, Филоменанинг оқсочи билан Филостратонинг малайи.

...*ерли халқни бениҳоя хушнуд қилиб*... — Боккаччо қалтис вазиятларни изоҳлашда «Фьзоле санамлари» асарида ҳам бундай сертистора сўзлардан фойдаланган, кейинроқ бориб, «Қорбаччо» асарида ҳам ишлатади.

...*Унинг исми донна Оретта бўлиб, у мессер Жери Спинанинг рафиқаси эди*. — Оретта (ёки Орнетта — Лаурани Лауретта дейишганидай) — маркиз Обиццо Маласпинининг қизи ва қора гвелфлар гуруҳининг (тах. 1300 й.) бошлиғи Жери дельи Спинанинг рафиқаси бўлган.

...*ҳамшаҳаримиз Чисти*... — ўша йилларда Флоренцияда шундай ҳунарманд ўтган экан.

...*лапа Бонифаций*... — 49-бетдаги изоҳга қаранг.

...*Санта Мария Уги черкови* — Флоренция шаҳрида Уги томонидан қурилган кичик черков (Строцци қасрига яқин жойда).

...*жазирама саратонда ҳар кун и эрталаб*... — ахборотларда айтилишича, воқеа Флоренциянинг энг иссиқ ойи — июнда бўлиб ўтган экан.

...*бу энди қочириқ эмис, балки ҳақоратдир*. — Қочириқ ва ҳақорат ҳақидаги

бу мулоҳазаларнинг ҳаммасини ўз вақтида Деяла Каза мақтаган эди (Галатея, XX).

...*Антоний д'Орсе* — Флоренция епископи, 1322 йилда ўлган.

...*Каталониялик аслзода Дьего де Ла Рат* — барселоналик олинасаб оила намояндаси Анжу (Франция вилояти) герцоги Робертнинг хизматида бўлган. Масьул вазифа бўйича икки марта (1310 ва 1317—1318 йилларда) Флоренцияга борган.

...*пойга ўтказиладиган кўчадан*... — яъни, Порталь Прато билан Порта алла Кроче оралиғида.

...*Монна Нонна де Пульчи* — ўша давр ҳужжатларида эсланади. Антоний Орсо билан қариндош бўлган.

...*Куррадо Жанфиляцци* — банкирлар оиласига молик бўлиб ўзининг киборлиғи ва ўткир мулоҳазалари билан ўзгалардан ажралиб турарди. XIV асрнинг биринчи ярмида яшаган. Боккаччо Жанфиляццининг оила аъзолари билан яқин мулоқотда бўлган.

...*Перетолла яқинида*... — Жанфиляццининг ер-мулкларидан бир қисми айнан шу ерга жойлашган эди.

...*Мессер Форезе да Рабатта*. — XIV асрнинг биринчи ярмида ўтган машҳур юрист.

...*Жотто* — XIV асрда яшаб ижод қилган энг буюк италян рассомларидан бири. Унинг истеъдодига Данте, Петрарка ва Боккаччолар тан беришган эди.

...*Мужеллода мулклари бор эди*. — Мужелло — Флоренциянинг ёнгинасида. Форезенинг ҳам, Жоттонинг ҳам келиб чиқиши ўша ёқдан эди.

...*Айт-чи, Жотто*... — ва шундан кейин то: «...*ҳижжалаб ўқишингизга ишонгудек бўлса* — сўзларигача. Форезе Жоттони «сен»лаб, Жотто Форезени «сиз»лаб, китобхонага ғалати туюлаётган бўлса керак. Лекин гап шундаки, ўша замонда мавжуд бўлган иерархияга (яъни юқори ва қуйи табақалар ўртасидаги фарқни билдирувчи қонунга) кўра, «алломалар» — олий мазҳабга, рассомлар эса, ҳунармандлар табақасига мансуб бўлганлар.

...*Монтуги* — порт Сан Галлодан чиқаверишдаги водий.

...*Убертилар... Ламбертилар*... — иккови ҳам Флоренциядаги энг қадимги оилалардан.

...*Наинки бутун дунёда, ҳаттоки бутун соҳил бўйида ҳам*... — мутлақо қиёс қилиб бўлмайдиган нарсаларни ҳазил юзасидан таққослаш гўё бундан кейин келадиган ҳазилга киришиш учун пиллапоя вазифасини ўтайди.

...*Барончилар* — флоренциялик буржуа оиласи бўлиб, улар Санта Мария Махорегга яқин ерда яшашган. Барончилар ўзларининг бадбашара ва бефаҳмликлари билан танилган эдилар.

...*Нери Маннини исми бир йигитча*... — Маннинилар — ўша даврда Флоренцияда маълум ва машҳур бўлган оила эди.

...*Прато* — Флоренция яқинидаги жуда қадимий шаҳар.

...*Ладзарино де Гваццальотри* — Пратолни қадимги авлод намояндаси.

...*Ринальдо де Пульези* — Пульезилар авлоди Пратодо энг қадимги оилалардан ҳисобланган. Пульезилардан бир нечаси шаҳар гонфалоньерлари (полиция бошлиқлари) бўлишган.

...*ҳикоям... анча қисқа бўладиганга ўхшайди*... — бу новелла чиндана, худди биринчи куннинг тўққизинчи новелласи сингари «Декамерон»даги энг қисқа новелла ҳисобланади.

...*охирги бўлиб ҳикоя қилиш ҳуқуқини олган одам*... — яъни, Дионео.

...*мессер Бетто Брунеллески* — Брунеллескилар авлоди бир вақтлар Гибеллин (папага қарши) бўлганлар, кейинчалик гвельф (папа тарафдори) бўлишган. Бетто Кавальканти билан Дантенинг дўсти бўлган.

...*Кавальканте де Кавалькантининг ўғли Гвидони... жалб қилиш*... — Боккаччонинг машҳур Кавалькантига берган бу ердаги характеристикаси, кейинчалик ўзининг «Сабоқ» китобида у ҳақда ёзган фикри билан деярли мос тушади.

...*У Корсо дельи Адимаридеги Орто Сан Микеледан чиқиб*... — Кавалькантиларнинг уйлари Порта Санта Мария билан Орсанмикели ўртасига жойлашган эди.

...*Санта Репарата* — Флоренциядаги черков. Санта Мария дель Фьоре шу черков ўрнига жойлашган.

...*Чертальдо қишлоғи* — шу қишлоқда Боккаччонинг уйи бор.

...*пиёзнинг овозаси бутун Тосканага таралган эди*. — Чертальдонинг гербида пиёз бошининг расми борлиғи бежиз эмас.

Цицерон ёки Квинтилиан...—буларнинг иккови ҳам нотиклик санъати ва риторика соҳасида Боккаччо учун чинакам мўътабар зотлар ҳисобланардилар.
...*масъуд Антонийнинг ҳўкизларингизни... ўз паноҳида асрашини истайсиз...* ва ҳ. к.—Масъуд Антоний роҳибликка асос солган, III асрда у уй ҳайвонларининг ҳомийси ҳисобланган.

...*Чўчка пуфаги мамлакатида бўлишни...* ва ҳоказо.—Бу узундан-узоқ жойлар рўйхатида ҳазил-мутойиба билан Флоренциядаги мутлақо аниқ жойлар, шунингдек, шаҳардан ниҳоятда узоқ бўлган жойлар, яна афсонавий ва ҳаттоки хаёлий жойлар тилга олинган.

ЕТТИНЧИ КУН

Бир вақтлар Флоренцияда авлиё Панкратий маҳалласида Жанни Лоттеринги исмли бир юнг саваловчи яшаган эди...—Флоренциядаги бу маҳалла, ўзининг бу (потўғри) номини шу ерга жойлашган авлиё Панкратий монастыри туфайли олган. Уша замонда Флоренцияда Лоттеринги фамилияли савдогар ва ҳунармандлардан бир нечтаси чинданам яшашган. Уларнинг ҳаммаси Барди банки билан мулоқотда бўлишган.

...*Жанни ди Нелло деган одамнинг...*—Жанни ди Неллонинг (шунингдек, но-вёллада тилга олинган кўпгина бошқа исмларнинг ҳам) мутлақо реал прототипи бўлган бўлиши керак.

...*паст табақали бир жувоннинг... эрини қандай лақиллатгани...*—Бу новелла ҳам худди бешинчи куннинг ўнинчи новелласи сингари Апулейнинг «Мотеморфозалар»га бориб тақалади (IX, 5). Бу сюжет Неаполь материалида янада реаллаштирилган.

Жанелло Скриньярио—Боккаччо Неаполда яшаб турган пайтида, новеллада тилга олинган Аворио кўчасига яқин ерда чинданам ака-ука Скриньяриолар яшаган бўлиб, улардан бирининг исми Жованни бўлган.

...*бугун авлиё Галионе кўни эканлигини...*—новелла қаҳрамонлари яшаб турган маҳалла яқинида чинданам авлиё Галионе бутхонаси бўлганким, ерли аҳоли бу авлиёни жуда эъзозлар эди.

...*муборак падаримиз Амвросийнинг тасвири қаришсига...*—яъни гап авлиё Амвросийнинг устида эмас, балки доминикчи роҳиб сиеналик девона Амвросий (1220—1286) тўғрисида боряпти. Новелла ниҳоясидаги жумла айнан шуни низоҳлайди.

...*Тофано исмли бир бой...*—Тофано—«Кристофано»нинг қисқартирилгани. Арещо шаҳрида (Флоренциядан жануброқда) Виа дель Орто кўчасида бир қудуқ бор, асрий анъанага кўра уни «Тофано қудуғи» деб юритадилар.

...*кечқурун уйиса гирт маст одамдай кириб келди.*—Бу вазиятдан XVI асрда Пьетро Аретино ўзининг машҳур «Аъён» комедиясида фойдаланган. Шунингдек, Мольернинг «Жорж Данден» комедияси ҳам шу новелла замирида ёзилган.

...*больялик Эгано де Галуцци...*—Боккаччо замонида болоньялик донги кетган ва жуда серуруғ оила.

О, Болоньянинг соён кўнгилачан аёллари!—Данте уларни шундай таърифлашни яхши кўрарди.

...*Арригуччо Берлингьери исмли ниҳоятда бадавлат бир савдогар...*—XIV асрнинг ўрталарига бориб, Берлингьерилар ўзларининг бадавлатлиги туфайли Флоренцияда бир қадар донг таратган эдилар.

Эрин алдаш мақсадида «ўз ўрнига бошқани қўйиш» мотиви Шарқ ва Ғарб ҳикоятнавислигинда анча кенг тарқалган эди.

Никостратнинг хотини Лидия Пиррни севиб қолади.—Ушбу новелланинг яратилиши учун бошқа бир асар манба бўлгани аниқ: Боккаччо уни ёзишда М. де Вандоминики деб таҳмиқ қилинган «Comoedia Ludiae» деган бўшгина поэмадан фойдаланган. Боккаччонинг ўз қўли билан кўчирилган бу асар Lanzenziano кодексида сақланади.

...*дастурхонлар йиғиштирилиб бўлгандан кейин... катта хонага кирди.*—Гап шундаки, уша замон таомилига кўра, аёллар меҳмонлар билан бирга тановул қилмасдилар.

Худо бизга ҳам шундай бахт ато этсин!—Учинчи кун новеллаларида учрайдиган хотима.

...*Тингоччо Мини, иккинчисиники — Меуччо ди Тура...*—Сиена шаҳрининг солномаларида бу иккала фамилия ҳам эсланади.

Амброжо Ансельмини...— Ансельминилар оиласи ҳақиқатан ҳам Сиенада яшаган.

...икковлашиб... Арчита билан Палемон ҳақида қўшиқ куйлашди.— Боккаччонинг «Тезенда» асаридagi персонажлар.

САККИЗИНЧИ КУН

...Искандариядан Авиньонга.— Боккаччо замонда Авиньон папаларнинг маскани бўлган.

...Верлунго қишлоғида...— ўша замонда бу қишлоқ Флоренциянинг ёнгинаси-га жойлашган эди. Ҳозир шаҳар таркибига кирган.

Сув оқади жар ёққа...— XIV асрда кенг тарқалган рақс қўшиғининг биринчи сатри.

...ридда ва балонкио — кўпчилик бўлиб тушиладиган рақсларнинг номлари. Бонакорри да Жинестрето.— XIV асрнинг биринчи чорағида Флоренцияда чиндан ҳам Бонакорри да Жинестрето исмли нотариус яшаган.

... Salxum me fas... sine custodia... (лат.)— ҳуқуқшунослик низомидан олинган сўзлар текстга киноявий тарзда киритилган бўлиб, бу ўринда: «Гарантия билан... гарантиясиз ва гаровга ҳеч нима қолдирмаган ҳолда», деган маънони билдирадilar.

...Дуэ мовутидан...— яъни, Дуэ шаҳрида тайёрланган Фландрия мовутидан. Каландрино исми...— XIV асрнинг бошларида Флоренция хужжатларида Ноццо (ёки Жуанозцо) ди Перино номи билан эсланувчи флоренциялик рассом, у Андреа Тафининг шогирди бўлиб, рассом Жоттодан олдин ўтган. Афтидан, ўзининг лақма ва овсарлиги билан танилган бўлса керак.

...бирининг исми — Бруно, иккинчисиники эса—Буффальмакко эди.— Бруно ди Жованни д'Оливьери ўртамеъна рассом бўлиб, донм Буффальмакко билан ҳамкорликда ишлаган. Буффальмакконинг ҳақиқий исми Бонамико ди Кристофано бўлиб, Италия архитектори, рассоми ва санъат тарихшуноси Вазарининг «Энг машҳур рассомлар, ҳайкалтарошлар ва архитекторларнинг ҳаёти» номли китобида берилган маълумотга қараганда, у 1262 йилда туғилиб, 1340 йилда вафот этган ва хийла таниқли рассомлардан бўлган. У Тосканада ва Умбринда кўп ишлаган. Унинг овоза бўлган мутайибалари ва найранглари ҳақида Вазари ҳам, музика ва эстетика тарихи мутахассиси профессор Саккетти ҳам ҳикоя қилганлар.

Мазо дель Сажо — аниқ шахс. Боккаччо замонда яшаган Флоренциянинг машҳур қизикчи ва аскиячиларидан.

...нон билан пишлоқ ёдириб фол очишни...— Урта асрларда бундай «усул» кенг тарқалган. Ўрини фош қилиш учун бир бурда нон билан пишлоққа афсул ўқилиб, уни шубҳа остидаги одамга едирардилар. Агар шу шубҳали одам чинданам ўғри бўлса, нон билан пишлоқ томоғига тикилиб қоларкан.

Занжабилдан тайёрланган хаб дорию, яхши верначчи билан бунинг иложини қилиш мумкин.— Бу «майнабозчилик»нинг энг қизнқарли томони шундаки, унда «фитначи» сифатида руҳоний ота қатнашади.

...қирқ сольдо...— яъни салкам ярим флорин.

...бошқалар устидан бўлар-бўлмасга кулавермайсиз ва бундай ҳолларда ақлидрок билан иш тутадиган бўласиз.— Урта аср адабиётида аёлларнинг шонрлар, олимлар, файласуфлар устидан кулиб, турли хил найранглар кўрсатгани ҳақидаги асарлар жуда кўп учради. Боккаччо ҳам бошқа адибларга эргашиб, мана шу «тахқирланганлар»ни ҳимоя қилишга отилиб чиқди.

...студент билан Санта Лючия дель Пратода учрашишга...— Дель Прато қалъаси ёнидаги Санта Лючия черковиди. Бу черков ҳозир ҳам бор.

Қаламнинг қудрати, одамлар ўйлагандан ҳам бениҳоя даражада кучлидир...— Боккаччо қаламнинг даҳшатли кучи ҳақидаги бу фикрини, кейинроқ ўзининг «Корбаччо» асарида яна ҳам кенгроқ ёритади. Умуман олганда, ёзувчи қаламининг қудрати ҳақидаги фикр Уйғониш даври ёзувчилари асарларида кенг ўрин олади.

«Қулоқ сол!— деди у.— Баски, мен кўнглингга раҳм солишга ожиз эканман...— Боккаччо бу ерда Дантенинг «Аросат»идаги (VI қўшиқ, 116-сатр) шеърни ўзича ўзгартириб олган.

...бирининг исми Спинеллоччо Тавено, иккинчисиники эса, Дзенна ди Мино эди...— сиеналик таниқли онлаларнинг намояндалари. «Дзеппа» («Тиқин») ла-

қабли Мийо ди Толомен, хусусан, Сан Жиминьяно шаҳарда подеста (шаҳар ҳокими) бўлган ва 1300 йилда Флоренциянинг элчихонасини қабул қилганким, у элчихона ходимлари сафида Данте ҳам бўлган эди.

...Флоренцияга Болоньядан келган... *фирт эшакнинг ўзи*...— Болоньяда машҳур университет бўлиб, у Флоренцияни ҳуқуқшунос олимлар ва табиблар билан таъминларди.

...*Симоне да Вилла деган табиб*...— Флоренция солномаларида да Вилла онла-си тилга олинган. Шу онла намояндаларидан бири — магистр Симоне Медико XIV асрнинг ўрталарида Санта Крочега дафн этилган.

...*Сан Галлонинг сиртига тасвири чизилган Люцифернинг домига*...— Сан Галло ибодатхонасининг олд томонига бир неча оғизли улкан иблиснинг тасвири чизилган эди.

...*Мантезони хохи ҳаққи, қасам ичинг*...— Флоренцияга яқин бўлган Монтезонида таниқли монастирь ва қалъа бўлган. Машҳур хоч ўша ерда турарди.

...*Майкл Скотт исмли буоқ бир азайимхон*...— Фридрих II саройида хизмат қилган (тахм. 1290 йил) таниқли мутафаккир ва астролог. Уни Данте ҳам тилга олган. («Дўзах», XX қўшиқ, 116-сатр.)

...*бузрук Иоанн*...— Бу ўринда Ҳабашистон султони афсонавий Яҳё назарда тутиляпти; мишмишларга қараганда, у беадад қудратга ва беҳисоб бойликка эга бўлган.

...*кўча эшик тепасига... тунги тувак расмини*...— ўша замон медицинасида сийдикни унинг рангига қараб тадқиқ этиш, дардни аниқлашда энг муҳим усул ҳисобланган. Тунги тувакнинг рамзий тасвири ҳам шундан келиб чиққан.

...*ҳатто Претолага боршини буюрсанг*...— бефаҳм Симоне Флоренциядан Претолагача атғи бир соатлик йўл эканлигининг фаҳмига етмайди.

...*ўтган йили Какавиньчильда*...— Какавиньчиль — ахлат тўкиладиган ер.

...*ўнта Болонья тангаси*...— кичик қийматли қумуш тангалар.

...*меҳроб устидаги бостирмага... ўрнатилган тасвирий ва ймакорлик санъати намуналарини кўздан кечираётган эди*...— яъни Липпо ди Бенивьени (XIV аср) ишлаган барельефларни.

Макарону равволи...— Италиянинг миллий таомлари. Равволи — орасига қий-ма солиб пишириладиган тўртбурчак кулча.

...*Амбруццадан ҳам ўзоқ*...— Италияда тоғли ўлка. Уша давр тилида бу сўз «жудаям олис» (масалан, «тупканинг тағида») деган маънода ишлатилган.

...*Сеттиньяно ва Монтиши Гранити*...— Сеттиньяно билан Монтиши—Флоренциянинг ёнгинасидаги икки адирнинг номи.

Морелло — Сеттиньяно билан Монтиши узра қад кўтарган баланд тепалик.

Муньоно — Арна дарёсининг ирмоғи.

...*Фазнчи кўчасидаги аёллар монастирида ишлаётганини*...— чамаси, Флоренциядаги бу монастирда Буффальмакко ўзининг фреска расмларини чизган бўл-са керак.

...*Сан Галло дарвозасидан*...— Сан Галло — Флоренциядаги шаҳар дарвоза-лардан бири.

...*Геннеау бичими*...— яъни, Фландрияда қабул қилинган мода бўйича.

...*Фьезоледа эмас, Синигальеда*...— Фьезоле — Флоренция яқинидаги адирга жойлашган, ўзининг хушманзаралиги ва хушҳаволиги билан танилган шаҳарча. Синигалье — безгакнинг қони, ботқоқлик жой.

...*маркилик*...— ушбу воқеа тасвирланган пайтда Флоренцияда шаҳар ҳокими лавозимида бўлганларнинг бир нечаси чинданам маркилик бўлишган экан.

...*мессер Никкола да Сан Лепидио*...— яъни сан лепидиолик мессер Никкола Сан Лепидио (ёки Сан Лукидио) Асколи вилёятига жойлашган.

...*бирининг исми Риби*...— Риби тўғрисида Саккетта ўз «Новеллино»сининг қириқ тўққизинчи новелласида ёзади. Лекин Маттецо тўғрисида ҳеч қандай маълумот йўқ.

...*онам эса, Валенкьо уруғидан бўлган*...— Валенкьо — Флоренция чеккасидаги бир мавзе. Доктор фирт бемаъни гапларни тўқияпти.

...*Пазиньяно жомешидаги тангри-падар ҳаққи, онт ичаманки*...— Пазиньянодаги черковнинг олд томонига тангри-падарнинг тасвири туширилган эди.

...*Риполь аёллар монастири*...— Бруно билан Буффальмакко бу монастирда чинданам наққошлик билан шуғулланишган эди.

Никколо да Чиньки — тарихий шахс, унинг номи XIV аср ўрталаридаги

ҳужжатларда тилга олинган Унинг Скали савдо уйига алоқадор бўлган бўлини эҳтимолдан холи эмас.

...*Ўзини донна Янкофьоре деб...*— Янкофьоре — «Бьянкофьоре»нинг сицилияча шакли.

Пьетро делло Канижано — реал шахс, Боккаччонинг дўсти. Боккаччо айнан шу мессер Пьетронинг ўз васийи қилиб тайинлаган. Канижано Анжуийлар саройида ва Флоренция республикасида жуда юксак лавозимларда хизмат қилган.

...*монахолик денгиз қароқчилари босиб олишибди...*— Боккаччо замонида Монако Урта ер денгизидаги қароқчиларнинг марказларидан бири ҳисобланарди.

«*Тосканалик киссасига солсанг қўл, ҳаммадан ҳам сен ўзингга ҳазир бўл...*» — Италия тилида бундай дейилган: „*Chi ha a far con toscano, non vuole esser eoscio*“ яъни сўзма-сўз маъноси: «Тосканаликка иши тушган одам ўзинга эҳтиёт бўлини керак». Бу мақолни Тоскана ёзувчилари кўп тилга олганлар. Чунки тосканаликлар савдогарчилик ва корчалонликда доврўқ таратган эдилар.

ТЎҚҚИЗИНЧИ КҮН

Ринуччо Палермини ва Алессандро Кьярмонтези — гибеллинлар партиясига мансуб бўлган флоренциялик икки донгдор онла намояндалари. Улар шаҳардан бадарга қилинган эдилар.

Франчески де Ладзари. — Ладзарилар — Пистойяда истиқомат қилган гвельфлар оиласидир.

...*миноритлар монастири қошидаги...*— яъни миноритлар монастири қошида 1295 йилда қурила бошлаган авлиё Франциск черкови.

...*Нелло исмли сураткаш...*— Нелло ди Дино (ёки Бондино). У Каландрионинг хотинига қариндош ва Бруно билан Буффальмакконинг дўсти, эҳтимолки, Тафининг шоғирди ҳам эди.

...*икковининг ҳам исми Чекко эди...*— улардан бири — Чекко Анжольери (1288—1312?) Сиенанинг машҳур шоири. Иккинчи Чекко — Чекко Форттариго ҳақида бизга фақат шу нарса аёнки, Пикколомини Чекко унга бағишлаб сонет ёзган эди.

Корсињяно — Сиена вилоятидаги шаҳарча, кейинчалик унга Пиенца деб (Пий II шарафига) от қўйилган.

Торренъери — Сиенадан Корсињянога кетаверишда, йўл ёқасидаги қишлоқнинг номи.

Никколо Корнаккени исмли ғоятда бадавлат ҳамшаҳаримизнинг...— Корнаккенилар — Флоренцияда истиқомат қилган бадавлат савдогар оиласи.

...*Камератда...*— яъни Фьезоле этагидаги водийда; бу ер ўзининг оромгоҳ виллалари билан шуҳрат қозонган эди.

...*Камальдоли кўчаси* — Флоренциядаги бир кўчанинг номи.

...*д'Имолезе* — шундай фамилияли онла чиндан ҳам Флоренцияда яшаган.

...*Чакко исмли бир одам...*— мазкур воқеада флоренциялик машҳур мечкай назарда тутилганлиги эҳтимолдан холи эмас; уни Данте ўз «Дўзах»нинг олтинчи қўшиғида тасвирлаган эди.

Въери деи Черки — чамаси, Боккаччо бу ўринда оқ гвельфлар жамиятига раҳнамолик қилган Черкини назарда тутган бўлса керак.

Корсо Донати — қора гвельфлар сардори бўлиб, такаббурлиги ва димоғдорлиги учун унга «барон» деб лақаб қўйишган. 1300 йилда Флоренциядан бадарга қилинган. 1301 йилда Карл Валуанинг қўшинлари билан яна қайтиб келган. Бу новелладаги қолган ҳамма персонажлар ҳам ўзларининг аниқ прототипларига эга.

ЎНИНЧИ КҮН

Ружери де Фижованни — Фижованнилар — флоренциялик аслзодалар оиласи бўлиб, уларнинг Чертальдодо мулки бўлган.

...*Испания қироли Альфонс...*— кастилиялик Альфонс VIII (1155—1214); шоирлар унинг маврлар билан курашини кўп мадҳ этган.

Ўзининг бадаҳқрлиги ва босқинчилиги билан танилган Гино ди Такко...— қароқчилар тўдасига атаманилик қилган сиеналик аслзода. Унинг номи бутун вилоятни даҳшатга соларди. Данте ҳам уни тилга олган. Лекин унинг шахсияти

ҳақидаги фикрлар турлича. Бировлар уни тошбағир, золим қароқчи ва жаллод деб ҳисобласа, бошқалар — илтифотли, саховатли одам дейдилар.

...*Сиенадаги шифобахш сувга боришни...*— Сиена суви (Сан Кашьянода) ўзининг шифобахш хусусияти билан Европада машҳур эди.

Жентиле де Қаризенди — болоньялик доврўқли оила. Болоньядаги машҳур «*Тиқилаётган*» мнора шу Қаризендилар номи билан аталган.

...*қирол Катта Карл ёки Карл Бириччи* ҳақида *кўп эшитганмизким, шу зотнинг қирол Манфред устига қилган шавкатли юриши ва ажойиб ғалабаси...*— Бенавенто остонасида эришилган ғалаба (1266) пазарда тutilмоқда. Боккаччо қирол Карлга доим хайрихоҳ бўлган.

...*Нери дельи Уберти...*— муаллиф ўйлаб топган персонаж, ammo қувғин қиллиганлар орасида Уберти исмли қандайдир одамлар чиндан ҳам бўлган.

...*Кастелларе ди Стаба* — Неаполь яқинидаги қадимги курорт жойлар.

...*Граф Ги де Монфора...*— Ги де Монфор Карл I нинг энг садоқатли мулозимларидан бири бўлган. У 1270 йилда Флоренцияда қиролнинг ноиб лавозинида хизмат қилган.

...*Манфреднинг аёлларга ўтказган шифоқатсиз зулми...*— Боккаччога замондаш бўлган ёзувчилар орасида кенг тарқалган айбнома.

...*Французлар Сицилиядан қувилгандан кейин...*— яъни, Сицилия фитнаси (1282 й., 31 март) кейин.

...*Ўша пайтнинг дурутгина шоири ҳисобланмиш Мико да Сиенанинг қошига борди...*— бундай шонр ўтганлиги ҳақида ҳеч қандай аниқ маълумот қолган эмас.

...*зероки ҳозирги тождорларнинг деярли ҳаммаси бешафқат золимлардир.*— Боккаччо ижодидаги бу тарихий пессимизм йил ўтган сари кучая борди.

...*икки фуқаронинг бир-бирига қандай ҳиммат ва муруват кўрсатгани ҳақида ҳикоя қилиб бермоқчиман.*— Боккаччонинг бу новелласи бошдан-оёқ беғараз дўстликка таҳсин ўқишдан иборат. Бу новелла Боккаччодан кейинги асрларда жуда катта муваффақият қозонган ва кўпчиликка манзур бўлган. Новелладаги образларнинг «антик» номлари ва воқеа географияси шартли манзара, холос.

...*султон Салоҳиддиннинг пурҳиммат рафторларидан бирини...*— ўша давр Европасида султон Салоҳиддин ҳақидаги афсоналар беқиёс даражада улкан муваффақият қозонган эдилар.

...*Муқаддас ерни (яъни, Қуддусни) халос этмоқ учун омжавий салб юриши уюштирмоқчи...*— бу ерда гап учинчи салб юриши (1189) ҳақида борапти; бу юриш пайтида Фридрих ҳалок бўлган эди (1190).

...*орадан бир йилу бир ою бир кун ўтгунга қадар...*— фольклорга хос ибора.

...*Салуццо маркизлари...*— Салуццо вилояти 1142 йилдан бошлаб тўрт аср давомида қудратли маркизлик маркази бўлган. Салуццо маркизлари орасида Гвальтьери исмли кишилар бир нечта бўлган.

Гризельда ҳақидаги бу новелла Боккаччо замондошлари орасида ҳам ниҳоятда катта муваффақият қозонган эди. Уни латин тилига Петрарканинг ўзи таржима қилган эди. Россияда эса, бу новеллани шонр К. Батюшков рус тилига таржима қилган.

...*эсимда бор, тўртинчи куннинг муқаддимасида исботлаб бера олган эдим.*— Бу хулоса Боккаччонинг тўртинчи кун муқаддимасида ёзган фикрлари учун маълум даражада қўшимча бўла олади ёки у фикрларни ривожлантиради.

...*Кайфий, Шаробий* — машҳур сармастларни таърифлаш учун қўйилган ҳазил лақаблар.

...*на Афинада, на Болоньяда, на Парижда таҳсил кўргансиз...*— Боккаччо бу ерда учта энг йирик илмий марказни (антик даврдан — Афинани ва ўз замонидан — Болонья билан Парижни) санаб ўтган.

Н. Томашевский

МУНДАРИЖА

Ҳамид Фулом. Жаҳон адабиётининг буюк обидаси 5

ЕТТИ НАФАР ХОНИМ ВА УЧ НАВҚИРОН ЙИГИТ
ТОМОНИДАН ЎН КҮН МОБАЙНИДА АЙТИЛГАН
ЮЗТА ҚИССАНИ ЎЗ ИЧИГА ОЛМИШ
ДЕКАМЕРОН
(ЕИНКИ ШАҲЗОДА ГАЛЕОТТО)
КИТОБИ БОШЛАНМОҚДА.

Муқаддима 8

ДЕКАМЕРОННИНГ

биринчи кун бошланмоқда:

Пампиней ҳокималик қилган ушбу кунда муаллиф бутун асар давомида кўз олдимиздан ўтадиган кишиларни не мақсадда тўпланишгани ва ўзаро нималарни гаплашгани ҳақида баён қилиб бўлгач, ҳар ким ўзи учун кўпроқ мақбул бўлган нарсалар ҳақида ҳикоя қилади.

1. Мессер Чеппарелло ёлғон тавба-тазарру билан авлиё отани лақил-латади-да, бандаликни бажо келтиради; гарчи унинг бутун умри бадкирдорлик билан ўтган бўлса ҳам ўлганидан сўнг уни азиз-авлиёлар сафига қўйиб, «авлиё Шапелето», деб атай бошлайдилар. 28
2. Жуҳуд Абрам Жанотто ди Чивиньининг маслаҳати билан Рим саройига равона бўлади, кейин эса, у ердаги руҳонийларнинг разилликларини ўз кўзи билан кўргач, Парижга қайтади-да, христиан динини қабул қилади 39
3. Яҳудий Мельхиседек уч узук ҳақидаги ҳикояси билан ўзига қарши Салоҳиддин томонидан қўйилган энг хатарли домни бартараф қилади. 43
4. Бир роҳиб гоят қаттиқ жазога лойиқ гуноҳ қилиб қўяди, бироқ у ўз аббатининг айнан шундай жиноят қилганини инкор қилиб бўлмайдиган далил билан фош айлаб, жазодан қутулиб қолади 45
5. Монферрат маркисаси товуқ гўшtidан тайёрланган тушлик, шуничдек, жон олгувчи сўзлар билан француз қиролининг телба ҳирсини сўндиради 48
6. Бир зот роҳибларнинг жинояткорона рикорлигини ўзининг доно сўз-

- лари билан фош қилади. 51
7. Бергамино, Примассо билан Кљони черковининг аббати ўртасида бўлган воқеани ҳикоя қилиб, мессер Кане делла Скалага муносиб бўлмаган хасисликни фош этади 53
8. Гвильельмо Борсьере ғоят нафис иборалар билан мессер Эрмино де-Гримальдининг хасислигини қоралайди. 57
9. Бир гасконлик аёлдан қаттиқ дакки еган Кипр қироли ўз табиатидаги ланжликни тарк этиб, собитфеъл бўлади. 59
10. Болоньялик магистр Альберто, «менга ошиқ бўлиб қолибсиз», деб уни изза қилмоқчи бўлган аёлнинг ўзини ғоят назокатли иборалар билан ўсал қилади. 63

ДЕКАМЕРОННИНГ

биринчи куни тугаб,

иккинчи куни бошланмоқда.

Филомена ҳокималик қилган ушбу кунда китобхон эътиборига турли-туман мусибатларга гирифторм бўлган одамларнинг чеккан азоб-уқубатлари, мутлақо кутилмаганда, эзгулик билан тугагани ҳақидаги ҳикоятлар ҳавола қилинади.

1. Сохта шол бўлиб олган Мартеллино, авлиё Арригонинг жасадига қўл теккизиб шифо топгандай кўрсатади ўзини, бу найранг фош бўлади, уни тутиб, калтаклайдилар, дорга осмоқчи бўладилар, лекин унинг бошига тушган бу мусибатларнинг охири бахайр тугайди. 69
2. Ринальдо д'Эсти исмли бир одам қароқчилар қўлига тушиб, бутун будшудидан айрилади, сўнг Кастель Гвильелмо шахрига етиб бориб, бир бева аёлникида паноҳ топади; кўрган талофотлари эвазига катта бойликка муяссар бўлиб, соғ-саломат уйига қайтади. 73
3. Учта оға-ини бутун мол-давлатини совуриб, қашшоқ бўлиб қолади; уларнинг жияни умидсизликка тушиб, юртига қайтаётганида, йўл-йўлаккай бир аббат билан танишади, кейин маълум бўлишича, у аббат эмас, Англия қиролининг қизи бўлиб чиқади; йигит эса, тоғалари совурган аччаларнинг ўрнини қоплайди, шу ҳиммат туфайли улар яна бой-бадавлат бўлиб кетадилар. 78
4. Лондольфо Руфало бутун мол-давлатидан айрилиб, қароқчилик қила бошлайди: кейин генуяликлар қўлига асир тушиб, денгизда ҳалокатга учрайди, қимматбаҳо тошлар солинган сандиққа ёпишиб, ўлимдан қутулиб қолади. Корфада бир аёлникида паноҳ топади, сўнг ўз юртига бой-бадавлат бўлиб қайтади. 85
5. Перужалик Андреуччо Неаполга от харид қилгани бориб, бир кечанинг ўзида учта фалокатга дуч келади ва учовидан ҳам омон қолиб, уйига қимматбаҳо ёқут билан қайтади. 90
6. Икки ўғлидан жудо бўлган Беритоланинг оролда икки оҳу билан яшаб турганини кўришади; Беритола Лунижанага равона бўлади, бу пайтда унинг ўғилларидан бири шу вилоятнинг ҳокимига ишга ёлланиб, унинг қўлида хизмат қила бошлайди ва унинг қизи билан ошиқ-маъшүқ бўлиб, зиндонга ташланади; Сицилия халқи қирол Карлга қарши исён кўтаради; она ниҳоят ўз ўғлини танийди, ўғил ўз ҳукмдорининг қизига уйланади; унинг укаси ҳам топилади ва икковлари дастлабки олимпиа қом мартабаларига муяссар бўладилар. 100

7. Бобил султони қизини Алгарви қиролига эрга бериб, уни қирол ҳузурига юборади; вазият тақозоси билан қиз тўрт йил мобайнида турли ерларда тўққиз эркакнинг қўлида бўлади, лекин қисса ниҳоясида ўз отаси ҳузурига бокира қиз бўлиб қайтади ва дастлабки ниятини рўёбга чиқариш мақсадида Алгарви қиролига хотин бўлиш учун унинг ҳузурига равона бўлади. 112
8. Граф Антверпенийга тухмат қиладилар ва у икки фарзандини Англияга нотаниш қиёфада қайтиб, болаларининг яхши жойлашганига ишонч ҳосил қилади ва Франция қироли лашкарлари сафига отбоқар бўлиб киради; графнинг беғуноҳлиги исботлангандан кейин, унинг барча ҳақ-хуқуқлари қайта тикланади. 130
9. Генуялик Бернабо исмли бир одам Амброжолонинг ёлғон гапларига учиб, бутун мол-давлатидан айрилади ва мутлақо беғуноҳ хотинини ўлимга маҳкум этади; бироқ хотини ўлимдан қутулиб қолишга муваффақ бўлиб, эркак либосида султон хизматида ёлланади; у Искандарияда алдоқчи Амброжолони учратиб, Бернабони ҳам ўша ерга чақиртиради, фирибгар жазоланади, хотин эса, яна аёллик либосини кияди-да, кўп давлат орттириб, эри билан бирга Генуяга қайтади. 142
10. Мессер Риччардо да Киндзиканинг хотинини монаколи Паганино ўғирлаб кетади; Риччардо хотинининг қаердалигидан хабар топиб, ўша шаҳарга боради ва Паганино билан дўстлашиб, ундан хотинини қайтариб беришини сўрайди; Паганино, агар хотин ўз ихтиёри билан кетмоқчи бўлса, майли, деб розилик билдиради; хотин эри билан кетишни истамайди, мессер Риччардо оламдан ўтгандан кейин эса, Паганинога турмушга чиқади 153

ДЕКАМЕРОННИНГ

*иккинчи кунни тугаб,
учинчи кунни бошланмоқда.*

Нейфила ҳокималик қилган ушбу кунда китобхон эйтиборига, кишиларнинг ҳийла-найранг билан қандай қилиб ўз ҳарисона ниятларига эришганлари ёинки йўқотган нарсаларига қайта муяссар бўлганлари ҳақидаги ҳикоялар ҳавола қилинади.

1. Лампорекьолик Мазетто деган йигит ўзини гунг қилиб кўрсатиб, аёллар монастирига бобон бўлиб ёлланади, кейин ҳамма роҳибалар, бирин-кетин унинг қўлидан ўтадилар - 167
2. Бир отбоқар қирол Агилульфнинг хотинига ҳамтўшак бўлади; қирол бунни пайқаб қолиб, отбоқарни топади ва унинг сочидан бир тутамини қирқиб олади; отбоқар бошқа отбоқарларнинг сочларидан бир тутамдан қирқиб олади ва фақат шу туфайли мушқули осон бўлади. 172
3. Бир хоним бир кишини севиб қолиб, тавба-тазарру пайтида ўзини қилган гуноҳларига астойдил иқрор бўлаётгандек қилиб кўрсатиб, шундай нарсага муяссар бўладиким, ҳеч нимадан хабари йўқ порсо роҳиб хоним тузган режани тўла амалга оширишда ҳамкорлик қилади 176
4. Дон Феличе, махсус диний жазога мустаҳиқ бўлиш билан қандай қилиб масъуд зотга айланиш йўлини оғайй Пуччога ўргатади; Пуччо диний жазони ўташ билан машғул бўлади, дон Феличе бўлса, фурсатдан фойдаланиб, унинг хотини билан кўнгилхушлик қилади. 184

5. «Олифта» ўзининг салт отини мессер Франческо Вержеллезига совга қилади ва эвазига унинг розилигини олиб, хотини билан гаплашади; хотини индамайди, шунда «Олифта» унинг учун ўзи жавоб қайтаради, кейинчалик улар ўртасидаги гап «Олифта» айтган жавобга тўла-тўқис мос тушади. 188
6. Филиппелло Сигинольфонинг хотинини Риччардо Минутоло яхши кўради; у хотиннинг рашкчилигини билиб, унга: «Эринг эртага ҳаммомда менинг хотиним билан учрашмоқчи», деб шипшиди; буни эшитган рашкчи хотин ҳаммомга боради; у, ўз эрим билан ётибман, деб ўйлайди, лекин аслида вақтинги эри билан эмас, Минутоло билан ўтказган бўлиб чиқади. 193
7. Тедалдо ўз маҳбубаси билан аразлашиб қолиб, Флоренциядан бош олиб кетади, лекин бир неча йилдан сўнг дарвиш қиёфасида яна қайтиб келади, маҳбубаси билан суҳбатлашиб, унинг ноҳақ эканлигини исботлайди, уни ўлдирганликда айбланган эрини ўлим жазосидан қутқаради, уни ўз ака-укалари билан яраштиради, сўнг унинг хотини билан ими-жиммида яна вақтичоғлик қлаверади. 200
8. Ферондо ухлатадиган хаб дори ичади ва уни тириклайин дафи этишади; айни пайтда унинг хотини билан ишрат қилиб юрган аббат уни дахмадан эиндонга олиб ўтади, шунда Ферондон сеп аърофдасан, деб ишонтиришади; кейин Ферондо қайта тирилгач, йўқлигида хотини аббатдан орттирган ўғилчасини тарбиялайди. 214
9. Нарбонлик Жилетта исмли қиз француз қиролини чипқондан даволайди ва бунинг эвазига ўзини Бельтран Руссийонийга эрга беришини илтимос қилади,— куёв унга мажбуран уйланади ва алампдан Флоренцияга кетиб қолади; бу ерда у бир қизга шайдо бўлади, лекин у билан бир тўшақда ўша қиз эмас, балки Жилетта ётади; оқибат Жилетта Бельтрандан икки ўғил кўради, мана шу сабабли, орадан бир қанча вақт ўтиши билан Бельтран қалбида Жилеттага ҳурмат уйғонади ва у билан ўз хотинидек муомала қила бошлайди. 222
10. Олиябека саҳрода паноҳ топади; роҳиб Рустико унга шайтонни дўзахга қувиб киритишни ўргатади; сўнг Олиябека саҳрони тарк этиб, Неербалга турмушга чиқади. 230

ДЕКАМЕРОНИНГ

учинчи кун тугаб,

тўртинчи кун бошланмоқда.

Филострато ҳокимлик қилган бу кунда китобхон эътиборига бенаво ва бедаво муҳаббат ҳақидаги ҳикоятлар ҳавола қилинади.

1. Салерно ҳокими Танкред ўз қизининг ўйнашини ўлдирди ва унинг юрагини олтин қадаҳга солиб қизга киритади; қиз у юракка оғу қуяди ва ўшал оғун ичиб ўлади. 216
2. Роҳиб Альберт, сизга сармалак Жабронл ошини бўлиб қолган, деб бир жувонни ишонтиради ва ўзи Жабронл қиёфасига кириб, ул аёлликда бир неча мартаба тунайди, аммо бир кун кечаси аёлни қариндошларидан қўрқиб, ўзини деразадан ташлаб қочади ва бир фақирнинг кулбасида паноҳ топади, эртаси кун фақир уни ёввойи одам қиёфасига

- киритиб, шаҳар майдонига етаклаб борадики, шунда ҳамма уни танийди, роҳиблар эса уни ушлаб зиндонга ташлайдилар 254
3. Уч нафар йигит уч опа-сингилни яхши кўришади ва улар билан Крит оролига қочишади; қизларнинг каттаси рашк туфайли ўз маҳбубини ўлдиради; ўртанчаси Крит герцогининг қўйнига кириб шу туфайли опасини ўлим жазосидан халос қилади, лекин уни ўз маҳбуби ўлдириб, опаси билан қочиб кетади; ўртанча қизнинг ўлимида кичик сингил билан унинг маҳбубини айблашади; улар ҳибс қилиниб, айбни ўз бўйинларига оладилар, лекин кейин қатл этилишдан қўрқиб, соқчиларни пора билан сотиб оладилар-да, бутун мол-давлатларидан воз кечиб, Родосга қочадилар ва ўша ерда қашшоқликда ўлиб кетадилар. 263
4. Жербино буваси қирол Вильгельмнинг шоҳона ваъдасини бузиб, Тунне қиролининг қизи кетаётган кемага ҳужум қилади ва қизни ўғирламоқчи бўлади; денгизчилар қирол қизини ўлдиришади. Жербино денгизчиларни қириб ташлайди, оқибатда эса, Жербинонинг боши танасидан жудо қилинади. 268
5. Лизабеттанинг акалари унинг маҳбубини ўлдирадилар; маҳбуб қизнинг тушига кириб, ўзининг қаерга кўмилганини хабар қилади; Лизабетта пинҳона унинг жасадини ковлаб, бошини уйига олиб келади ва уни райҳон ўстирилган гултувакка солиб, унинг тепасида ҳар куни кўз ёш тўқади; акалари ундан маҳбубининг калласи солинган гултувакни тортиб оладилар, шунда хиёл вақтдан сўнг қиз ҳам андуҳдан ўлади. 273
6. Андреола Габриоттони севади; қиз унга ўзи кўрган тушни, йигит эса, қизга ўз тушини сўзлаб беради, сўзлаб бўлади-ю, тўсатдан қиз қучоғида жон беради; Андреола ўз оқсочи билан бирга Габриоттоннинг жасадини унинг уйига кўтариб олиб кетишаётганда, миршаблар уларни тутиб олади, сўнг Андреолани сўроқ қиладилар; шаҳар ҳокими Андреолани зўрламоқчи бўлади, лекин қиз унга қаршилик кўрсатади; қизнинг бегуноҳлиги аниқланади, шунда бу гаплардан бохабар бўлган Андреоланинг отаси ҳаракат қилиб қизини озод қилади; бироқ Андреола мардумлар орасида яшашни ортиқ истамай, монастирга бош олиб кетади 276
7. Симона билан Пасквино бир-бирларини севишади; инқовлари боққа киришади; Пасквино тишини мармарак барги билан ишқалаб, ўлади; Симонани ҳибсга оладилар; судьяга Пасквинонинг қандай ўлганлигини намоёиш қилиш мақсадида қиз, ўша мармарак баргини ўз тишларига ишқайди да, у ҳам ўлади 282
8. Жироламо деган йигит Сальвестрани севади; лекин йигит онасининг илтимосини рад этолмай, Парижга жўнайди, кейинчалик қайтиб келиб, Сальвестранинг бошқа кишига турмушга чиққанидан хабар топади, сўнг қизнинг уйига пинҳона кириб бориб, унинг ёнида жон беради; марҳумнинг жасадини черковга олиб бориб қўйишганда, Сальвестра ҳам унинг ёнига бориб жон беради 285
9. Мессер Гвильельмо Россильоне ўз хотинининг маҳбуби мессер Гвильельмо Гвардастаньони ўлдириб, унинг қовурилган юраги билан хотинини меҳмон қилади; хотини бунни билиб қолади ва ўзини баянд деразадан ташлаб ўлади, сўнг уни маҳбуби билан ёнма-ён дафн этадилар. 290
10. Табининг хотини, гиёҳлардан тайёрланган дорини ичиб, карахт бўлиб

қолган ўйнашни ўлик деб ўйлаб, уни сандиққа солади. икки судхўр бу сандиқнинг ичидаги одам билан бирга уйга олиб кетади; ўйнаш ҳушига келади, лекин уни шу заҳотиёқ, ўғри деб тутиб олишади; табиб хотинининг оқсочи шаҳар ҳокимининг ҳузурига бориб, у менинг ўйнашим, уни сандиққа мен солган эдим, кейин судхўрлар у сандиқни ўғирлаб кетишибди, деб гувоҳлик беради, оқибат унинг бу берган гувоҳлиги ўйнашни сиртмоқдан халос этади, судхўрларга эса, сандиқни ўғирлашгани учун жарима солишади

ДЕКАМЕРОННИНГ

*тўртинчи кун тугаб,
бешинчи кун бошланмоқда.*

Фьяметта ҳокималик қилган ушбу кунда китобхон эътиборига кўп машаққатлар ва сарсон-саргардонликларни бошларидан кечирган ошиқ-маъишуқларга ахири бахт кулиб боққани ҳақидаги ҳикоятлар ҳавола этилади

1. Муҳаббат туфайли ақли камолга етган Чимоне денгизда ўз маҳбубаси Ифигенияни ўғирлайди; Родосда уни зиндонбанд қиладилар; лекин Лизимах уни қутқаради ва икковлари бир бўлиб, Ифигения билан Қассандрани, уларнинг никоҳ тўйи пайтида олиб қочиб кетадилар; ҳаммаларни Крит оролига борадилар, у ерда йигитлар қизларга уйланадилар, кейинчалик эса, ҳаммаларни уйларига қайтиш учун таклифнома оладилар 305
2. Қостанца исмли қиз Мартуччо Гомитони севади; маҳбубининг ҳалок бўлганини эшитиб, ғамга ботади ва ёлғиз ўзи қайиққа тушиб, ўзини денгиз тўлқини ихтиёрига топширади, шамол унинг қайиғини Суза соҳилига олиб бориб қўяди; орадан бир қанча вақт ўтгач, қиз Тунисда Мартуччони соғ-саломат ҳолда кўради, Мартуччо ўз севгилисини танийди; бу ҳижрон даврида Мартуччо қиролга доно маслаҳат бериб, унинг муқарраби бўлиб олган экан; энди у Қостанца билан никоҳдан ўтади ва беҳисоб мол-давлат орттириб, Липарига қайтади 314
3. Пьетро Боккамацца билан Аньолелла Ўзаро тил бириктириб, уйларида қочинади; уларга қароқчилар ҳужум қилишади; Аньолелла ўрмонга қочиб яширинади, кейин уни қалъага олиб боришади; Пьетро гарчи қароқчилар қуршовида қолган бўлса ҳам улардан қутулишга муваффақ бўлади; сўнг бошдан бир қатор синовларни ўтказиб, ахири у ҳам қалъага келади ва бу ерда Аньолелла билан учрашади, унга уйланади, кейин биргаликда Римга қайтадилар 319
4. Мессер Лиццо да Вальбона ўз қизининг Риччардо Манарди билан ётганини кўриб қолади; Риччардо мессер Лиццо билан ярашиб, унинг қизига уйланади 324
5. Кремоналик Гвидотто ўзининг асранди қизини павиялик Жакоминонинг ихтиёрига қолдириб, оламдан ўтади; Фаэнца шаҳрида Жанноледди Северино ва Мингино дн Минголе исмли икки йигит қизга ошиқ бўлиб қолиб, унинг кўйида бир-бирлари билан жанг қиладилар; аммо пировардида қиз — Жанноленинг синглиси бўлиб чиқади ва уни Мингинога турмушга берадилар 329
6. Қирол Федерикога тўхфа этилган қизни Прочиди оролининг фуқароси Жанни қўйида ётганини кўриб қоладилар; уларнинг икковини ус-

- тунга боглаб гулханда ёқмоқчи бўладилар; бироқ Ружери де Лориа Жаннини таниб қолиб, уни қатлдан халос этади, Жанни қизга уйланади **334**
7. Теодоро ўз соҳибни мессер Америконинг қизи Виолантани севади; Виоланта Теодородан ҳомила орттиради; оқибат Теодорони дорга осмоқчи бўладилар-да, қамчи билан савалаб, дор тагига ҳайдаб кетишаётганда, уни отаси кўриб, таниб қолади; Теодорони озод этадилар ва у Виолантага уйланади **339**
8. Траверсарилар уруғидан бўлган қизга ошиқ бўлиб қолган Настажо дельи Онести исмли йигит маъшуқасининг висолига етиш йўлида пулларини орқа-ўнгига қарамай сарфлайди, вале, барибир қизнинг кўнглини эритишга мушарраф бўла олмайди; у ўз хешларининг илтимосига рози бўлиб, Қъяссига жўнайди; бу ерда унинг кўз олдида бир сувори бир қизни қувиб келиб, уни ўлдирди ва жасадини икки ит олдига ташлайди; Настажо ўз хешларини ва маҳбубасини зиёфатга таклиф этади; маҳбубасининг кўз олдида ўша қизни яна қийноққа соладилар, оқибат, Настажонинг севгилиси, ўзининг ҳам бошига шундай кулфат тушишидан қўрқиб, Настажога турмушга чиқади **345**
9. Федериго дельи Альбериги бир хонимга ошиқ бўлиб қолади, аммо хоним унга қиё ҳам боқмайди; йигит ўз маҳбубаси кўйида бутун бойлигини совуриб, хонавайрон бўладикки, бисотида ёлғиз бир лочини қолади, оқибат, кунлардан бир кун уйига ўша севикли маъшуқаси меҳмон бўлиб келганида, уни меҳмон қилиш учун ҳеч нима топа олмай, ўша лочинни пишириб столга қўяди; бундан воқиф бўлган хоним йигитга бўлган совуқ муносабатини ўзгартиради, унга турмушга чиқади ва шунинг шарофати билан йигит яна бадавлат бўлиб кетади **349**
10. Пьетро ди Винчоло дўстиникига зиёфатга кетади; унинг хотини уйига бир ёш йигитни таклиф қилади; Пьетро қайтиб келади; хотини йигитни илгари жўжа очириб юрган саватнинг тагига яширади; Пьетро ҳозир ўзи меҳмонга борган дўсти Эрколаноликда бир йигит топилганини, уни Эрколаноинг хотини яшириб қўйган эканлигини айтади; Пьетронинг хотини Эрколаноинг хотинини қоралайди; аксига юриб, шу пайт сават тагига яширинган йигитнинг қўлини эшак босиб олади ва у оғриққа чидай олмай, додлаб юборади; Пьетро югуриб бориб, саватни кўтаради ва у ерда биқиниб ётган эркакни кўради, шу йўсинда хотинининг найранги фош бўлади, лекин қиссанинг ниҳоясида Пьетро ўзининг фосиқлиги туфайли хотини билан ярашиб олади **355**

ДЕКАМЕРОННИНГ

*бешинчи кун тугаб,
олтинчи кун бошланмоқда.*

Элисса ҳокималик қилган ушбу кунда китобхон эғтиборига бировлар мутойибасидан қаттиқ ранжиган одамларнинг дилзорлардан худди шу йўсинда қасд олгани ённки ҳозиржавоблик ва топқирлик билан жавоб қайтариб, жудоликка, хавфхатарга ва бадномликка барҳам бергани ҳақидаги ҳикоятлар ҳавола қилинади

1. Бир аслзода сафар пайтида донна Ореттага ваъда бериб шундай дейди: сизга мен бир қиссани шундайин мароқли баён қилиб берайки, сиз,

- хоним, бамисли от миниб кетаётгандай, манзилга қандай етиб борганингизни пайқамай қолинг; вале, ҳикояхон нўноқ бўлиб чиқади ва Оретга ундан, мени отдан тушириб қўйинг, деб илтимос қилади 368
2. Мессер Жери Сиена, ўзининг новвой Чистига ноҳўя илтимос қилганини унинг бир неча оғиз жавоб сўзидан пайқаб қолади 339
3. Франция епископи монна Нонна де Пульчига жуда ўринсиз ҳазил қилади; аммо хоним бир оғиз ўткир гап билан епископнинг оғзига уриб, нафасни ичига тушириб юборади 372
4. Куррадо Жанфильяциннинг ошпази Кикибио, жон сақлаш мақсадида, хўжасининг таҳдидига шундай ўринли жавоб ўйлаб топадики, бу билан хуноб бўлиб турган Куррадонинг чеҳрасини очишга ва айни пайтда хўжайини унинг бошига солмоқчи бўлган оғир савдодан қутулиб қолишга муяссар бўлади 374
5. Мужеллодан қайтиб келишадган мессер Форезе да Рабатта билан сураткаш Жоттоннинг қиёфалари гоятда аячли; шу боисдан улар ўз заковатларини кўз-кўз қилишиб, бир-бирларининг устидан кулишади 376
6. Микеле Скальца ёш-яланглар билан битта зиёфатдан гаров ўйнаб, барончиларни наннки бутун дунёда, ҳаттоки денгизнинг бутун соҳилида энг машҳур кишилар, деб айтади ва гаровда ютиб чиқади 378
7. Донна Филиппа ўйнаши билан ётганида, эри устидан чиқиб қолади; суд пайтида аёл, сўроқларга тадбиркорлик билан ва фаросатли жавоб қайтариб, ўзини жазодан қутқариб қолади ва суд қонунини ўзгартириш зарурлигига важ топиб беради 380
8. Фреско ўз жиянига, агар бадбашара одамларга қарашдан кўнглинг айинса, унда кўзгуга қарама, деб маслаҳат беради 382
9. Гвидо Кавальканти, уни мот қилишга уринган флоренциялик аслзодаларни пардаланган беозор ҳазил сўз билан ҳақоратлайди 383
10. Оганй Лука деҳқонларга сармалак Жабронининг патини кўрсатишни ваъда қилади, аммо пат солинган қутида пат ўрнида кўмир бўлаклари ётганини кўриб, қавмларига муқаддас Лаврентий мана шу кўмирнинг чўғида қовурилган эди, деб уқтиради 386

ДЕКАМЕРОННИНГ

*олтинчи кунни тугаб,
еттинчи кунни бошланмоқда.*

Дионео ҳокимлик қилган ушбу кунда китобхон эътиборига аёлларнинг ишқ йўлида ёинки фалокатдан қутулиши ниятида ўзларининг серфаҳм ва бефаҳм эрларига қандай найранглар кўрсатиши ҳақидаги ҳикоятлар ҳавола қилинади.

1. Жанни Лоттеринги тунда эшик тақиллаганини эшитиб, хотинини уйғотади, хотини уни, бу арвоҳ, деб ишонтиради; икковлари ўринларидан туришиб, афсун ўқийдилар, шунда эшикнинг тақиллаши тўхтайдми 402
2. Перонелланнинг эри уйига қайтади, буни кўриб, Перонелла ўйнашини май бочкасига яширади; эр бочкани соганини айтади, лекин хотин,

- уни аллақачон бир одамга пуллаб бўлганман, ҳозир у бочка ичига тушиб, уни кўздан кечиряпти, деб эрини ишонтиради, кейин Перонелланинг ўйнаши бочкадан чиқади-да, эридан уни тозалаб беришни талаб қилади ва ҳикоя охирида, бочкани ўз уйига олиб кетади 406
3. Огаий Ринальдо ўз кумаси билан ўйнашади; аёлнинг эри бунинг устидан чиқиб қолади, аммо огаий Ринальдо, ўглингизнинг гижжасини дуо ўқиб даф қилаётувдим, деб ваз кўрсатади 409
4. Бир кун кечаси Тофано хотинини уйга киритмайди; хотинни қанча ялинниб-ёлвормасин, у эшикни очишдан бош тортади; шунда хотин ўзини қудуққа ташлагандек қилиб кўрсатади, аслида эса, қудуққа харсанг тош ташлайди; бунинг эшитган Тофано уйдан отилиб чиқиб, қудуқ бошига югуради, хотин эса, бу фурсатдан фойдаланиб, уйга киради ва эшикни занжирлаб олиб, эрини бутун маҳалла олдида шарманда қилади 414
5. Бир рашкчи одам тақводор роҳиб қиёфасига кириб, ўз хотинининг тавбасини тинглайди, хотинни тавба-тазарру пайтида, бир тақводор зотни яхши кўришини ва ҳар куни тунни ўшал зот билан бирга ўтказишини баён қилади; рашкчи эр кечаси уйи остонасида биқиниб туриб, тақводор зотни пойлайди, аммо бу маҳалда хотинининг маҳбуби, унинг таклифига кўра, томдан ошиб тушиб, бутун тунни аёлнинг қўйида ўтказди 418
6. Донна Изабелла ўз ётоқхонасида Леонеттони қабул қилаётган бир пайтда, ҳовлисига мессер Ламбертуччо исмли хуштори отда кириб келади; хиёл вақт ўтар-ўтмас, донна Изабелланинг эри ҳам қайтиб келиб қолади; шунда мессер Ламбертуччо донна Изабелланинг илтимосига кўра, қўлига пичоқ ушлаб олиб, хонадондан отилиб чиқади; кейин, хонимнинг эри Леонеттони то уйигача кузатиб қўяди 425
7. Лодовико донна Беатричегга муҳаббат изҳор қилади; донна Беатриче эри Эганого ўзининг қўйлагини кийдириб, уни боққа чиқариб юборди-да, ўзи Лодовико билан ишқ лаззатини суради; кейин Лодовико тўшакдан туради ва боққа чиқиб, Эганони таёқ билан роса пўстагини қоқди 428
8. Бир одам ўз хотинини рашк қилади; хотинни ўйнаши келганни билмиш учун кечалари оёғининг бармоғига ип боғлаб қўяди; эр бу ҳийлани пайқаб қолади, лекин у ўйнашнинг кетидан қувиб кетган пайтида, хотинни бошқа хотинни ўз тўшагига ётишга кўндиради; эр қайтиб келиб шу хотинни дўппослайди ва сочинин кесиб олади, кейин бориб, қайнагаларини бошлаб келади; улар куёвнинг барча гапи ғийбат эканлигига ишонч ҳосил қилишгач, уни роса болохонадор қилиб сўкишади 433
9. Никостратнинг хотини Лидия Пиррни яхши кўриб қолади; Пирр хонимнинг севгисиз қанчалик самимий эканлигини синамоқ учун унга учта шарт қўядики, Лидия учала шартни ҳам бажаради; устига-устак, у яна Никостратнинг кўзи олдида Пирр билан ачомлашиб ўйнашади-ю, аммо ҳеч нима бўлгани йўқ, деб эрини ишонтиради 440
10. Спеналик икки йигит бирининг кумасига ошиқ бўлиб қолишади; кейин кум йигит кутилмаганда қазо қилади; у дўстига берган аҳдига бивоан, ўлганидан кейин ўз ошнаси қошига келиб, нариги дунёда қандай яшаётгани ҳақида сўзлаб беради 449

ДЕКАМЕРОННИНГ

еттинчи кунни тугаб,
саккизинчи кунни бошланмоқда.

Лауретта ҳокималик қилган ушбу кунда китобхон эътиборига аёлларнинг эркакларга, эркакларнинг аёлларга ва эркакларнинг эркакларга кун-уззукун қандай найранглар кўрсатиши ҳақидаги ҳикоятлар ҳавола қилинади

1. Вольфард ўз дўсти Гаспарруолодан пул қарз олади; аммо бундан олдин у Гаспарруолонинг хотини билан тил бириктириб, айнан шунча пул эвазига бир кечани у билан ўтказишга келишиб олади; у пулни хотинга беради; кейин эса, унинг олдида эрига, сендан олган қарзимни хотиннингга берганман, деб айтади, хотин, ноилож, буни тасдиқлайди 457
2. Верлунголик руҳоний ота монна Бельколоре билан вақтихушлик қилади; сўнг эвазига гаров тариқасида ўзининг кифтпўшини қолдиради; орадан бир оз вақт ўтгач, руҳоний ота хонимдан ҳовончасини бериб туришни сўрайди, кейин ҳовончани қайтариб, гўё гаровга қолдирган кифтпўшини талаб қилади; муҳтарама аёл, қаргаб-қаргаб бўлса ҳам ноилож кифтпўшини қайтиб беради 459
3. Каландрино, Бруно ва Буффальмакко Муньоне дарёси бўйида геллотропий тошини қидирадилар; Каландрино, ўша тошни топди, деб ўйлаб, кўйинини ҳар хил тошларга тўлғизганча, уйига қайтади; хотинни уни кўриб жаврай бошлайди; ғазаби қайнаган Каландрино аламдан хотинини роса дўппослайди, кейин эса, ҳамма нарсадан шундоқ ҳам воқиф бўлган дўстларига бўлган воқеани бирма-бир сўзлаб беради 464
4. Фьезоле жомесининг бош нозири бир бева жувонни яхши кўриб қолади; лекин аёл уни хуш кўрмайди; нозир бева жувоннинг оқсочи билан бир тўшакда ётади-ю, аммо бева жувон билан ётибман, деб фараз қилади; бу орада бева жувоннинг инилари нозирни гуноҳ иш устида епископга тутиб берадилар 471
5. Маркидан келган судья Флоренция суд маҳкамасида суд қилаётган чоғида уч йигит унинг лозимини ечиб, тўпигига туширади 475
6. Бруно билан Буффальмакко Каландринонинг ҳужрасидан нимталанимаган яхлит чўчқа гўштини ўғирлашади; кейин икковлари Каландринога, гўштни топиш учун кимлардан гумони бўлса, ўшаларга занжабилдан тайёрланган хаб дори ютқазиб, устидан верначе шароби ичиришни маслаҳат берадилар, Каландринонинг ўзига эса, ит тезагидан тайёрланиб, алой захрига қорилган хаб доридан иккитасини уст-устига ичирадиларки, бу синов оқибатида, чўчқа гўштини Каландринонинг ўзи ўғирлаган бўлиб чиқади; Бруно билан Буффальмакко, ҳаммасини хотиннингга айтиб берамиз, деб қўрқитишиб, Каландринодан пора талаб қиладилар 478
7. Бир студент бир бева жувонни севади, бева жувон эса, бошқа йигитни яхши кўради ва шу боисдан студентни бутун тун совуқда дийдирайтиб, куттириб қўяди, кейинчалик эса, бева жувон студентнинг ғаламисига гангга учиб, июль ойининг қоқ ўртасида, кун бўйи қип-яланғоч ҳолда мннора бошида қолиб кетади; уни пашшалар, сўналар чақади, офтоб бадавнини куйдиради 484
8. Икки эркак ўзаро дўст тутинади, улардан бири иккинчисининг хотини билан қовушади; чув тушганини пайқаб қолган эр шундай иш қиладими, дўсти қулфлоглиқ сандиқ ичида ётган пайтида, шу сандиқ устида унинг хотини билан роҳат қилиб ётади 503

9. Доктор Симоне қароқчи бўлишни ихтиёр қилади; Бруно билан Буффальмакко уни тунда бир жойга боришга унатадилар; кейин Буффальмакко уни нажас тўлдирилган хандаққа итқитиб юборади-да, ўзи жўнаб қолади 507
10. Сицилиялик бир хоним, Палермога мол олиб келиб сотган бир савдогарнинг бисотидаги ҳамма ақчасини ғоятда усталик билан қўлга туширади; савдогар иккинчи марта Палермога келганида, аввалги савфардан ҳам кўпроқ пулга мол олиб келдим, деб сицилиялик аёлини ишонтиради ва ундан қарзга пул олиб, эвазига сув билан лос қолдиради 520

ДЕКАМЕРОННИНГ

*саккизинчи кунни тугаб,
тўтқизинчи кунни бошланмоқда.*

Эмилия ҳокималик қилган ушбу кунда ҳар ким ўзи хоҳлаган ва ўзига кўпроқ мақбул бўлган нарсалар тўғрисида ҳикоя қилади

1. Ринуччо билан Алессандро донна Франческани яхши кўришади, лекин аёл уларни хуш кўрмайди; шунга кўра, у ошиқлардан бирига дахмага кириб ўлик бўлиб ётишни, иккинчисига эса, шу сохта ўликни дахмадан кўтариб олиб чиқишни буюради; оқибатда иккала ошиқ ҳам муваффақиятсизликка учрайди; донна Франческа хира ошиқлардан шу зайлда қутулади 535
2. Бир монастирнинг нозираси ўз қўл остидаги роҳибалардан бирининг бегона йигит билан ётгани дарагини эшитиб, уни гуноҳ устида қўлга тушириш мақсадида, қоронғида сапчиб ўрнидан туради; лекин у, айни пайтда ўз ҳужрасида руҳоний ота билан ётган бўлганидан, шошиб қолиб, бошига рўмол ўрнига меҳмоннинг лозимини ташлайди; гуноҳ устида қўлга тушган роҳиба нозиранинг бошидаги лозимга ишора қилади, бу ҳол оқибатида роҳиба жазодан озод қилинади ва ўз мақбули билан бундан кейин ҳам ишрат қилиб яшаверади. 540
3. Бруно, Буффальмакко ва Неллонинг илтимосига кўра, доктор Симоне Каландриони, ҳомиладёр бўлиб қолгансан, деб ишонтиради; Каландрино дори-дармон учун ахта хўрозлар билан пул беради. Оқибатда, тугмай, ҳомиласидан фориг бўлади 543
4. Мессер Фортарригонинг ўғли Чекко Буонконвентода қимор ўйнаб, ўз бисотидаги ҳамма нарсасини, бундан ташқари, бошқа Чекконинг, яъни мессер Анжольерининг ўғли — Чекконинг пулларини ҳам ютқазиб қўяди; Фортарриго фақат ич кўйлагу лозимда Анжольерининг орқасидан қуваркан, мепи тўнаб кетишди, деб дод солади ва деҳқонларни Анжольерини тутишга ундайди, шундан кейин, у Анжольерини ечинтириб, ўзи кийинади, унинг отига минади-да, жўнаб қолади, энди Анжольери ёлғиз ич кўйлак билан лозимда қолади 546
5. Каландрино бир қизга ошиқ бўлиб қолади; Бруно унга афсун ёзилган пергамент тутқзади; Каландрино шу афсунни қизга сал теккизиб қўйиши билан қиз унинг орқасидан эргашиб кетаверади; кейин Каландрионинг хотини эрини ўша қиз билан ётгани устидан чиқиб қолиб, уни не ердаги ҳақорат сўзлар билан қарғайди 550

6. Икки йигит катта йўл ёқасидаги бир қўрғонда тунайдилар; улардан бири уй эгасининг қизи ётган чорпоёга бориб ётади, уй соҳибининг хотини эса, адашиб, иккинчи йигитнинг қўйнига киради; соҳибнинг қизи билан кўнгил очган йигит уй эгасининг тўшагига келиб ётади-да, уни ўз дўсти деб ўйлаб, ҳамма бўлган ишни унга айтиб қўяди; улар ўртасида жанжал кўтарилади; уй соҳибининг хотини бошқа ўринга янглишиб ётиб қолганини сезгач, дарров туриб, қизининг ёнига ётади-ю, шундан кейин, ўртада тинчлик ўрнатишга сазовор бўлади 557
7. Талано д'Имолезе тушида хотинининг бўйни ва юзини бўри ғажиб ташлаганини кўради ва хотинига эҳтиёт бўлишни маслаҳат қилади; хотин эрининг гапига қулоқ солмайди, натижада эрининг туши ўнгида содир бўлади 561
8. Бьонделло овқат масаласида Чаккони лақиллатади, Чакко эса ундан қасдини олиш учун шундай найранг ўйлаб топадики, бунинг оқибатида Бьонделлоний то сулайиб қолгунча дўппослашади 563
9. Икки йигит Сулаймон подшодан маслаҳат сўрайди; бири, одамлар мени яхши кўришини истайман, дейди, иккинчисининг орузи — ўжар хотинининг адабини бериб қўйиш; Сулаймон биринчи йигитга: «Ўзинг яхши кўр»,— деб жавоб қилади, иккинчи йигитни эса, Фозкўприкка жўнатади 566
10. Дон Жанни, Пьетронинг қўярда-қўймай қилган илтимосига кўра, унинг хотинини байталга айлантирмоқ мақсадида тепасида афсун ўқийди; лекин иш дум қўйишга бориб тақалганда, Пьетро, менга дум керак эмас, деб айтади ва бутун ўқилган афсун кучини йўқотади 571

ДЕКАМЕРОННИНГ

*тўққизинчи кунги тугаб,
 ўнинчи ва охириги кунги бошланмоқда.
 Панфило ҳокимлик қилган ушбу кунда китобхон эътиборига
 ҳам севги бобида, ҳам шунингдек, бошқа ишларда саховат ва
 мурувват кўрсатган одамлар ҳақидаги ҳикоятлар ҳавола
 қилинади*

1. Бир рицарь Испания қиролига хизматга ёлланади; сўнг у, қирол менинг хизматларимни қадрламаяпти, деган хулосага келади; аммо қирол, бунга сабаб ақад рицарнинг бетолелиги эканини ҳеч инкор этиб бўлмайдиган далил билан амалда исботлайди, шундан кейин, барибир, унга беннҳоя зўр саховат кўрсатиб, туҳфалар ннҳом этади 579
2. Гино ди Такко Ключи жомесининг аббатини асирга олади-да, унинг меъда касалини даволаб, сўнг бўшатиб юборади; аббат Рим қасрига қайтади, Гино ди Таккони папа Бонифаций билан яраштириб қўяди, шундан сўнг Гино қолган умрини оғанй ғарибпарвар бўлиб ўтказади. 581
3. Натаннинг сажийлигига ҳасад қилган Митридан, уни ўлдиргани юртига боради; у Натанни учратади-ю, лекин танимайди ва ўз ниятини қандай қилиб яхшироқ бажариш тўғрисида Натаннинг ўзиндан маслаҳат олади, кейин Натаннинг маслаҳатига кўра, у билан дарахтзорда учрашади; Митридан ниҳоят шу ерда Натанни таниб қолиб, виждон азобида қийналади; оқибатда у Натан билан дўст тутинади 586
4. Мессер Жентиле де Каризенди исмли бир зот Модена шаҳрини тарк этиб, ўлдига йўйилиб, дафи этилган маъшуқасини дахмадан олиб чиқа-

ди; аёл яна соғайиб кетади, ўғил туғади, шунда мессер Жентиле хонимни боласи билан бирга ўз эри Никколуччо Каччанимикога қайтариб беради

592

5. Донна Дианора мессер Ансальдодан январь ойида худди май ойидагидек боғ барпо этишни сўрайди; мессер Ансальдо бу иш учун бир азайимхонни ёллайди ва унинг маҳорати билан шундай боғ вужудга келади; донна Дианоранинг эри мессер Ансальдонинг кўнглини қондириш учун хотинига ижозат беради, бироқ бундай ҳимматдан оғоҳ бўлган мессер Ансальдо донна Дианорани берган сўзининг устидан чиқмасликка ундайди, азайимхон эса, ўз навбатида, қилган хизмати учун мессер Ансальдодан ҳақ олмайди

598

6. Енгилмас қирол Катта Карл бир қизни севиб қолади; кейин ўзининг бу бемулоҳазалигидан хижолат бўлиб, ўша қиз билан унинг синглиси учун энг яхши қайлиқлар топади

603

7. Лиза исмли хаста бир қиз қирол Педрони оташ муҳаббат билан севиб қолади, қирол бундан хабар топади; у қизга тасалли беради, бир оз вақтдан сўнг эса, уни бир аслзода йигитга турмушга чиқаради, қизнинг пешонасидан ўпади ва шул кундан бошлаб, ўзини ўша қизнинг ридари деб ҳисоблайди

608

8. Софрония ўзини Гисиппга эрга теккан, деб ҳисоблайди аслида эса, у — Тит Квиций Фульвининг хотини ва шунга кўра, у Тит Квиций Фульв билан Римга жўнаб кетади, орадан бир қанча вақт ўтгач, Гисипп ҳам жулдур кийимларда шу ерга тентираб келиб қолади; Тит мендан юз ўғирди, деб хаёл қилган Гисипп, бу кунимдан ўлганим яхши, деб судда ўзини бир одамнинг қотили қилиб кўрсатади; шунда Тит Гисиппни таниб қолади ва уни оқлаш мақсадида, қотил Гисипп эмас, менман, деб қилмаган гуноҳига иқдор бўлади; бу ҳолни кузатиб турган ҳақиқий қотил қилган жиноятига иқдор бўлади, шундан кейин, Октавиан ҳаммаларини озод қилади; Тит ўз синглисини Гисиппга турмушга беради ва бутун мол-дунёсини у билан бўлишади

615

9. Савдогар қиёфасида саёҳатга чиққан султон Салоҳиддинни мессер Торелло самимий меҳмондўстлик билан ўз уйига таклиф қилади; салб юришига ҳозирлик кўрилади; мессер Торелло бу юришга жўнаб кета туриб, хотинига, башарти қайтиб келмаган тақдирда, қанча муддатдан кейин бошқа одамга турмушга чиқиши мумкинлигини айтади; мессер Торелло асирга тушади; унинг қушларни қўлга ўргатиш ҳунари ҳақидаги овоза Салоҳиддиннинг қулоғига етиб боради; Салоҳиддин уни таниб қолади ва ўзини ҳам унга танитиб, мессер Тореллонинг иззатини келтириб, уни шоҳона тақдирлайди; мессер Торелло касал бўлиб қолади; бир кун тунда у тилсимот кучи билан Павнияга учиб боради; бу ерда мессер Тореллонинг хотини бошқа одамга турмушга чиқаятгани муносабати билан зўр зиёфат берилаётган бўлади; хотин эрини таниб қолади ва мессер Торелло уни ўз уйига олиб кетади

630

10. Салуццо маркизининг табааси уни уйланишга даъват этади; маркиз, қаллиқни ўзим ахтариб топаман, деб айтиб, ахирини бир деҳқон қизига уйланади; хотин унга икки фарзанд туғиб беради; аввалига маркиз хотинини бирини-кетин болаларидан жудо қилиб, шундай иш тутадикки, оназор ўз болаларини эри томондан ўлдирилган, деб ўйлайди;

кейин маркиз, кўнглимга тегдинг, мен бошқага уйланаман, деб айтади хотинига, шунда хотин битта ич кўйлакда маркизнинг уйидан бош олиб чиқиб кетади; маркиз бу пайтда катта бўлиб қолган ўз қизига одам юборади ва ҳаммага уни ўз қайлиги сифатида танитади; ниҳолг маркиз, хотинининг ҳар қандай азоб-уқубатга ҳам сабр-бардошли аёл эканлигига иқдор бўлади; энди хотини унга аввалгидан ҳам азиру мўътабарроқ бўлиб туюлади, шунда у хотинини ёнига чақириб олиб, бу вақт ичида анча улғайиб қолган болаларини унга кўрсатади, сўнг Уши маркиза рутбасига яраша эъзозлайди ва бошқаларга ҳам уни шундай иззат-эҳтиром қилишни амр этади 646

Муаллифнинг сўнги сўзи. 660

Изоҳлар (Н. Томашевский) 665

На узбекском языке

Жованни
Боккаччо
ДЕКАМЕРОН



Перевод с издания издательства
Художественная литература. Москва -- 1970

Редактор М. Мирзоев
Рисом А. Понамарёв
Расмлар редактори А. Бобров
Техн. редактор В. Барсукова
Корректор Ш. Собирова
ИБ № 348

Босмахонага берилди 31.01.78. Боснишга рухсат этилди
22.11.78. Формати 60×90/16. Босма л. 43,5. Шартли бос-
ма л. 43,5. Нашр л. 47,8. Тиражи 30000 Р-09761. Рафур
Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тош-
кент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома № 72 — 73.

Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия ва ки-
тоб савдоси ишлари Давлат комитетининг Тошкент
„Матбуот“ полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмаси-
нинг 1-босмахонасида 3-қорозга босилди. Тошкент,
Ҳамза кўчаси, 21. 1978 йил. Заказ 428. Ваҳоси 3 с. 10 т.

Боккаччо Жованни.
Декамерон: (Үн куннинг юз қиссаси)/Қ. Мирмуҳамедов таржимаси.— Т.:
Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978 ©.— 696 б.

1348 йил, Флоренция шаҳрида вабо тарқалиб бутун аҳолини аёвсиз равишда ёстигини қурита бошлади. Етти нафар навниҳол хоним ва уч нафар ёш йигит бу офатдан бош олиб чиқиб кетадилар-да, шаҳардан ташқаридаги хушманзара ерга жўйлашган бир муҳташам қасрда маскан қурадилар. Сўнг бу қувноқ жамоа аъзолари ўн кун мобайнида вақтихушлик қилишиб; бир-бирларига ҳикоялар сўзлайдилар.

Мана шу улфатчилик пайтида айтилган юзта новелла қўянигидаги «Декамерон» китобини ташкил этадики, муаллиф бу новеллаларда оддий инсон ва унинг муҳаббатини гуманистик нуқтаи назардан улуғлайди, аёл кишини гоятда дилрабо хилқат деб, муҳаббатни эса, юксак ва олижаноб ҳодиса деб эътироф этади, католик черкови ақидаларини, дин пешволарининг кирдикорларини фожия қилди, уша даврдаги Италия воқелигининг ҳаққоний манзарасини яратди. Буюк Данте ва Петрарканинг издоши Боккаччо ўзининг улмас «Декамерон»и билан новелла жанрида реалистик йўналишни белгилаб берган эди.

Боккаччо Джованни. Декамерон.

И (итал)